

ДЎСТЛИК КУТУБХОНАСИ


---

СССР ХАЛҚЛАРИ ПРОЗАСИ



МИРЗА ИБРОҲИМОВ

# ПАРВОНА



Роман

---

ВИРИНЧИ КИТОВ

ОНА ВА ЎҒИЛ



---


ТОШКЕНТ — 1979

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Редколлегия

Б. БОЙҚОБИЛОВ, И. ҒАФУРОВ, ҲАМИД ҒУЛОМ, З. И. ЕСЕНБОВ,  
В. И. ЗОҲИДОВ, ЗУЛФИЯ, М. ҚУШЖОНОВ, МИРМУҲСИН,  
Н. САФАРОВ, Р. А. САФАРОВ, Р. ФАЙЗИЙ, П. ШЕРМУҲАМЕ-  
ДОВ, О. ЁҚУБОВ, К. ЯШИН (редколлегия раҳбари)

Озарбайжончадан  
ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ билан МИРАЗИЗ АЪЗАМ  
таржимаси



70303—149  
Доп. 79 4702060200

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 й.  
(Таржима)

*Гўзал инсон, фидокор она, вафодор  
ҳаёт йўлдошим Сорахонимга...*

## БИРИНЧИ ФАСЛ

### 1

Ўтган асрнинг бошларида, рус чор қўшинларининг озарбайжонлик илк офицерларидан бўлмиш Муҳаммад Ризобек ҳали дунёга келмай туриб, унга отасининг исмини қўйишган эди. Бунинг жуда ғалати драматик тарихи бор...

У бадавлат хонадонда туғилди. Ота-боболари Қозоқ туманининг машҳур бекларидан бўлиб, мардлик ва диловарлик билан ном қозонган эдилар. Ўз замонларига кўра диний китоблардан, мадраса таҳсилидан ўзга маълумотга эга бўлмасалар-да, лекин кўзи очиқ, илғор одамлардан эдилар. Ҳаёт уларни ижтимоий муборизаларнинг гирдобига ташлаганди. Отаси Муҳаммад Ризобек 1795 йилда Тифлис мудофаасида зўр шижоат кўрсатган, Ога Муҳаммадхон Қожарнинг лашкарларига қарши урушларда ном чиқарганди. Унинг ботирлиги дўст-душмanning оғзида дoston бўлиб кетганди. Худди мана шунинг учун ҳам бераҳм мустабид Тифлисни фатҳ этиб, шаҳар аҳолисини қиличдан ўтказган чоғида Муҳаммад Ризобекдан омонсиз ўч олганди. Бу борада халқ орасида, хусусан Ризобекнинг кўпдан-кўп уруғлари орасида аллақанча ривоятлар юрарди. Бу наслнинг оқсоқоллари ва кайвони кампирлари ўша ривоятларни кўз қорачиғидек асрашар, авлоддан авлодга етказишар, ўз боболарининг қаҳрамонликлари билан фахрланардилар. Нақл ва афсоналарнинг жозибадор ранглари билан безанган бу ривоятлардан бирини эътиқод ва муҳаббат билан ёд тутиб, сўзлаб юрар, унинг чин ҳақиқат эканлигига заррача ҳам иштибо қилмас эдилар. Ривоятда хабар қилинишича, Ога Муҳаммад Қожар асир тушган Тифлис мудофаачиларидан бир гуруҳини ҳузурига келтиришга

амр этади. Шу гуруҳнинг ичида Муҳаммад Ризобек ҳам бор экан. У шамшоддай ўктам қадди-басти, бургут қарашлари билан ҳаммадан ажралиб тураркан, бу дунёда уни қўрқита оладиган бирон-бир куч йўқ экан.

Асирларни қоровуллар қаттиқ туриб қўриқлаётган қоронги зиндонга ташлашади. Муҳаммад Ризобек кечаси билан кўз юммай, тиш-тирноғи билан деворларни таталаб, йўлдошларини зиндондан халос қилиш пайида бўлади. Лекин иложини қилолмайди. Қоровул бошлиғи уларнинг қочиб қутулмоқчи бўлганларини кўриб, кулади:

— Ҳой бадбахтлар, бу зиндоннинг битта ғиштини кўчириш бани одамнинг қўлидан келадиган иш эмас. Бир кечалик умрларинг қолди, ётинглар, тинчланинглар, бекорга азият чекиб уринганларингнинг фойдаси йўқ. Ҳали тонг отсин, Оға Муҳаммадхон сизларни шундай қийноқ-исканжага соладики, она сутларинг оғизларингдан келади. Ана ундан кейин ҳаммангни тириклай деворга бостиради.

Асирлардан баъзиларининг рангидан қони қочади, баъзилари қалтирай бошлайди, юзлари докадай оқариб кетади. Ҳатто ҳушидан кетиб қолганлар ҳам бўлади. Лекин Муҳаммад Ризобек ўзига ўхшаган бир неча мард йигит билан елкама-елка туриб, қоровул бошлиғига шундай деб жавоб беради:

— Мен бир гап айтаман, уни Оға Муҳаммадхонга етказинг: афсуслар бўлсинки, жанг майдонида у билан юзма-юз келмадим, агар дуч келганимиздайди, ўғил болалик қандай бўлишини кўрсатиб қўярдим! Яна шуни ҳам айтиб қўйингки, ҳеч қандай зулм оқибатсиз қолмайди. Мен минглаб азоб чекканларнинг юракларида унга қарши узатилган интиқом ханжарларини аён кўриб турибман. Ўша ханжарлардан бири у қора юракни қандай тилкалаб ўтганини, иншооллоҳ, авлодларимиз ўз кўзлари билан кўражаклар!...

Бу сўзларни Қожарга етказадилар. У Муҳаммад Ризобек ҳақида бир огиз ҳам гап сўрамайди, ёмон хабар олиб келган қоровулбошини эса зиндонга ташлашни буюради. Асирларни қўллари боғланган ҳолда ҳузурига олиб келганларида, у Муҳаммад Ризобекни қиличнинг дамидай совуқ йилтираган қора кўзларидан, забардаст қоматидан таниб:

— Ечинглар бунинг қўлларини!— дейди ва кишан-

дан халос бўлган Муҳаммад Ризобекка қараб туриб, илова қилади: — Сен жанг майдонида мен билан юзма-юз келмаганинг учун афсус чекканмишсан. Мен ҳам шундай жасур, шундай паҳлавон бир одам душман сафида бўлганига жуда афсусланаман. Сени ўз динингда бўлган одамларга қарши қилич кўтаришга нима мажбур этди?

Муҳаммад Ризобек бир одим илгари ташлаб, қаддини таранг тортилган тор сими каби адл тутиб, жавоб беради:

— Сен тўккан гуноҳсиз қонлар! Сенинг зулминг!

Қожар худди ичаклари қиймаланаётгандай юзини буриштиради, сал бўлмаса беихтиёр Муҳаммад Ризобекнинг бўғзига чанг солай дейди. Лекин ўзини қўлга олади.

— Мен беномус, бегайрат, ўзбошимча бекларнинг қўл остида парчаланиб кетган улуг бир диёрни, қадим салтанатни янгидан тикламоқчиман. Бу оллоҳнинг амри билан бўлаётган савоб иш!..

Муҳаммад Ризобек ўзини йўқотмасдан, тамкинлик билан қонхўр ҳукмдорга шундай жавоб беради:

— Адолатдан гапиришга сенинг ҳаққинг йўқ. Сен адолатнинг байроғини ер билан яксон этдинг! Бир йилча аввал Кирмон шаҳридаги бегуноҳ гўдакларни, ҳимоясиз хотин-қизларни инсоф ва мурувват нима эканлигини билмаган аскарларга топширган, уларни ғунча каби топтаган сен эмасмисан? Сенинг қайси ишинг худога хуш ёқади? Ўша Кирмон шаҳрида йигирма минг кишининг кўзини ўйдирган сен эмасмисан? Адолат сўзи сенинг тилингни куйдирмаганига ҳайронман!

Хизматкор ва мулозимлар бу сўзларни эшитиб даҳшатга тушадилар. Ҳукмдорга садоқатларини кўрсатиш учун ҳар томондан қилич кўтариб Муҳаммад Ризобекнинг устига ташланадилар, уни тилка-пора қилишларига сал қолади. Қожар бир ишора билан уларни тўхтатади, қиличларини қинларига солишга мажбур қилади. Ўзи бўлса, ажойиб-гаройиб махлуқни кўриб қолгандай, газаб ва қизиқиш билан бу жасур кишига тикилади. Айтишларига қараганда, у ҳокимиятни қўлга киритган замондан бери бу қадар ботир одамни кўрмаган экан. У умри бино бўлиб биринчи марта шундай сўзлар эшитиши эди. Юрагида бу сўзларни

юзига тик туриб айтган одамга нисбатан катта қизиқиш уйғонади. У гўё сеҳрланиб қолгандай, нима қилишини билмасдан, ҳокимлигига, қонхўр феъл-атвориغا, кибр-ҳавосига буткул зид суратда бу суҳбатни, бу ажойиб мубоҳисани давом эттиради:

— Кирмон аҳлига бу ҳам оз! Улар ота-боболаримнинг душмани Лутфалибек Зандга ўз шаҳарларидан паноҳ беришга қандай журъат этишди?

— Шўрлик кирмонликлар нима ҳам қилишоларди? Лутфалибек Занд ҳам худди сенга ўхшаган бир йиртқич эди! Уларнинг қўлидан нима ҳам келарди?!

Қожар бирпас хаёлга чўмиб жим қолади. Бир-бирига бутунлай зид бўлган икки туйғу — ғазаб ва қўрқинч унинг борлигини қамраб олганди: зулмат магора каби ваҳимали, қоронги кечадай тунд юзидаги ифодалар унинг Муҳаммад Ризобекни тилка-пора қилиб ташлагиси келаётганини билдирса, титраган қўллари, синиқ овози унинг қаршисида ўзини оқлашни, бароат қозонмоқни кўзлаганлигини англатарди.

— Менинг ўрнимда Зандга ўхшаган одамлар бўлгандайди, Кирмонда бир тирик жон қўймасди! Мени шафқатсизликка ўшалар ўргатишган! Улар менинг бошимга нималар солганини ҳеч биласанми ўзинг?! Ҳа, менинг ўрнимда бошқа одам бўлсайди, қўлини инсон қони билан юварди, ейдиган нонининг хамирини инсон қонида ийлаб оларди. Ҳақдан қўрқмасайдим, мен шундай ишлар қилган бўлардим!

Шунда Муҳаммад Ризобек аччиқ-аччиқ кулиб, дейди:

— Ҳақ эмиш! Адолат эмиш! Сени эслаганда ҳақ деган тиллар лол қолади! Ҳақиқат учун очилган кўзлар нуридан айрилади! Ростдан ҳам олло таоло дунёда инсондан кўра ғалатироқ махлуқни яратмаган. Ҳиқилдогига қадар қон ичида яшаган бир жаллод инсонийликдан лоф уради-я!..

Ога Муҳаммадхон маст уйқудан ноҳос уйғонгандай силкинади, қўли ғайри ихтиёрий тарзда ханжар дас-тасига югуради. У хириллаб, бўғиқ қичқиради:

— Йўқотинглар! Тили жуда узун экан! Кўзи эса ёмон совуқ, одамни еб қўяман дейди!

Жаллодлар Муҳаммад Ризобек билан унинг дўстларини олиб чиқадилар. Аввал унинг тилини кесади-лар, сўнг ўтда қиздирилган мил билан кўзларини ўя-

дилар, кейин эса девор остига қўйиб бостириб юборадилар.

Мана шу ҳодиса юз берган чоғда унинг хотини ҳомиладор эди. Икки ойдан сўнг у ўғил тугди. Атай ота номини ўғилга қўйдилар. Муҳаммад Ризобек ўлгани йўқ, яшайди, дедилар. Кечаю кундуз ўғилнинг қулоқларига: «Отангга ўхшаган бўл!»— деб шивирладилар.— Отангнинг қасосини ол!» Шундай қилиб, бу наслда мустабидларга нафрат муқаддас бир васият каби оталардан ўғилларга, оналардан қизларга ўтарди! Лекин мўйсафидлар ва кайвонилар билмас эдиларки, бу наслнинг ўзи ҳам бора-бора шох-бутоққа ажралиб кетади, ўз ичидан истибдод билан ҳеч қачон келишмаганлар қаторида ғаддор мустабидлар, инсоф ва мурувватдан маҳрум одамларни ҳам етиштириб чиқаради.

Иккинчи Муҳаммад Ризобек ҳам гавдали, шиддаткор бир киши бўлиб етишди. Йирик қора кўзлари, бургут каби боқишлари, бўй-басти шуни кўрсатардики, ирсият қонуни бу наслнинг тухумида қатъият билан амал қилади ва унинг мангулик кучи ҳар доим намоён бўлиб туради. Хосият эътибори билан ҳам, яъни мустабидларга қарши сўнмас нафрати билан у отасининг айни ўзи эди. Бу эса ҳар нарсадан бурун муҳитнинг, тарбиянинг таъсири эди. Муҳаммад Ризобек кўзини очган кундан бошлаб Эрон, Озарбайжон, Гуржистонни таҳликага солган ўзаро талончилик урушлари, хонликлар орасидаги низолар, Қожарнинг Тифлис ва Шуша қалъаларига қилган юришлари, горатлар, ёнғинлар, ур-сурлар, сургунлар, босқинлар, пичоқбозликлар, қўрқоқликлар, мардликлар ҳақида кўпдан-кўп нақллар, ҳикоятлар, ривоятлар эшитганди. Хусусан, у Эрон феодаллари ва ҳокимларига қарши душманлик руҳида тарбияланган эди. Узун қиш кечаларида бухорининг<sup>1</sup> ёнида, юлдузга тўлган ёз оқшомларида эса очиқ айвонда ётиб, онасидан, энагасидан, бувиларидан ва холаларидан мулозимларнинг, қўшин саркардаларининг, солиқ йигувчиларнинг, ўзбошимча ҳукмдорларнинг бераҳмлиги, бировларнинг уйларига босқин қилганлари, дала, чўллардан қорамол подалари ва қўй сурувларини ҳайдаб кетганлари, шаҳарларни босиб, тала-

---

<sup>1</sup> Камин, печка.

ганлари ҳақида ҳикоялар тинглагани. Улғайиб, камолга ета бораркан, бу ҳикоялар унинг юрагида тобора чуқурроқ илдиз отар, Қожарни дунёга келтирган муҳитга қарши нафрат уйғотарди. Мана шу нафрат бутун оила, бутун насли бошқа бир ердан ўзига суянчиқ, таянч ахтаришга мажбур этарди. Бу суянчиқни улар ўша пайтларда Кавказда ўз мавқеини мустаҳкамлаб бораётган рус ҳарбий доираларидан топишлари мумкин эди. Бу доираларнинг ўзларига содиқ тарафдорлар орттириш йўлида кўрсатаётган ғайрати, чуқур ўйланган нозик муомалалари, меҳрибон инсоний муносабатлари қиргинлардан, бебошликлардан жонлари оғизларига келган одамларни ўзига оҳанрабо каби тортарди.

Муҳаммад Ризобекнинг Эрон ҳокимлари ва феодалларига қарши нафратини сира сўндирмаган, доимо оловлантириб турган нарс ёлғиз эшитган гапларининг ўзигина эмасди. У ўз кўзи билан ҳам кўп нарсаларни кўрган эди. Ўн ёшига тўлиб-тўлмай, кейин умри бўйи унута олмайдиган бир фалокатнинг шоҳиди бўлди. Бу шундай даҳшатли, шундай оғир бир фалокат эдики, ойлар, йиллар ўтар, кунлар буюк қалъанинг деворларига қўйилган гиштлар каби унинг умрига қаланиб борар, лекин ўша воқеани заррача бўлсин ёдидан чиқаролмасди. Ўша кун, ўша ҳодиса, ўша фалокат унинг хотирасида абадийан муҳрланиб қолганди...

...1805 йилнинг баҳори эди. Қўёш қизитар, сувлар ўйнаб-тошар, дарахтлар куртак очар, чаманлар яшнар, тоғларда гул-чечаклар очила бошлаган эди. Ер юзини нурга тўлдириб, инсонга бахт-саодат ваъда этган баҳор келганди. У қишлоқларда навраста қизларнинг қўлларига узук тақар, тўй тараддудида совга-саломлар олиб борар, қўлларига хинолар қўярди... Лекин чеҳраларда бурунгидай кулги кўринмас, кўзларда ҳаммаша жилваланиб турувчи севинч ва шодлик йўқ эди. Аксинча, узук таққанлар ва тақмаганлар ҳам, қўлларига хино қўйган ва қўймаганлар ҳам нигорон, чеҳралари ғам-ғуссага ботган эди. Эртаги кунидан кўнгли тўқ бирон киши йўқ эди. Одамлар кечаси ёта туриб, тонгда нима бўлади — ўзлари соғ-саломат қоладими, ёки йўқми, уй-жойлари омон бўладими ёки вайрон, қўни-қўшнилари уйларида бўладими ёки сургунда — билмас эдилар... Гўё кутилмаган, ногаҳон қўзгалган

бир тўфон ҳар дақиқа, ҳар сонияда одамларнинг бошини учириб кетадигандай эди. Хусусан бу ерларда—Муҳаммад Ризобекнинг ота-боболари юрти бўлган Қозоҳ юртида бу тўфон янада даҳшатли ва қўрқинчли бўлар эди. Қозоҳ юрти шундай долғаланиб ётган икки дарёнинг орасида қолгандай эди. Ўнг томонида бир дарё пўртаналар иргитиб зарбалар берса, сўл соҳилини бошқа бир дарё ўз забтига оларди. Бир томонида тинчлигини йўқотган Гуржистон тўлганар эди, бошқа бир ёнида — Озарбайжон!

Бу дарёларда пўртана пасаймас, пасая олмасди, чунки шимолнинг совуқ шамоллари билан жанубнинг иссиқ ерлари бу ерда тўқнашар ва янада зўр қувват билан пўртаналар қўзгарди...

Муҳаммад Ризобек у кунлардаги бошбошдоқликлар ҳақида ҳали жуда кичик пайтларида бошқалардан эмас, ўз қариндош-уруғларидан эшитар, оғир фожиаларни ўз кўзи билан кўрарди. У замонлар фақат Озарбайжондагина эмас, бутун Кавказда тартибсизлик ҳукм сурурди. Генерал Сисянов қўмондонлик қилган чор қўшинлари хонликларни бирин-кетин ўзларига тобе этар, хонликлар олдига оғир шартлар қўяр эдилар. Иккинчи бир томондан Эронда тож-тахтни эгаллаган Фаталихон хонликларга тазйиқ қилар, русларга яқинлаша бошлаганларни элчилар ва жосуслар воситасида қўрқитар, пўписа қилар, турли ваъдалар берар, ўз қўл остига қайтаришга уринарди. Фаталихон Оға Муҳаммад Қожарнинг қариндоши эди. Мустабидлик ва қонхўрликда у билан тенглаша билмаса-да, лекин ақлсизлик билан сиёсат юритишда, келажакни кўра билмасликда ундан сира қолишмасди. У ташқи сиёсатда гоҳ инглизларнинг ҳийла ва риёкорлик билан берадиган ваъдаларига учар, гоҳ Наполеон Франциясининг ўзгарувчан, собитлик билмаган урушқоқлик сиёсатига мослашар, эргашар, шу билан бирга ўзининг ён қўшниси бўлган қудратли халқ билан оқил муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилмас, аксинча, у билан алоқаларини ёмонлаштирар, турли фитна-фасодлар қиларди. Шу тариқа ташлаган ҳар қадамидан сўнг у орқага чекинишга мажбур бўларди!

Фатали шоҳнинг ўғли Аббос Мирзо у пайтларда шоҳнинг Озарбайжондаги валиаҳди эди. У Табризни ўзига доимий иқоматгоҳ қилиб олганди. Давлатнинг

Озарбайжондаги ва бутун Кавказдаги сиёсатини амалга оширишда бу қизиққон шаҳзоданинг роли катта эди. Бу сиёсатнинг реал вазият ва ҳақиқий имкониятларни кўзда тутмаганлиги унинг фожеий натижаларидан шундоққина кўриниб турарди. Лекин буни на Фатали шоҳ ва унинг аъёнлари, на калласида ақлдан кўра иситма кўпроқ бўлган ўғли Аббос Мирзо кўрар эдилар... Сиёсат энг аввало илм, шунинг учун ҳар бир илм каби у ҳам биринчи галда ақл ва мулоҳаза асосига қурилади. Эрон давлатининг сиёсатини олиб бораётган Фатали шоҳнинг ҳам, мана шу сиёсатни амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган Аббос Мирзонинг ҳам ҳаракатларида ақлдан кўра ҳою ҳавас кучлироқ эди. Қарангки, аллақандай қисматнинг ҳукми билан давлатнинг сиёсатини оқил қалам эмас, Қожарнинг бошларни омонсиз кесган қиличи бошқармоқда эди ҳамон. Лекин бу қилич энди хийла ўтмаслашган эди, Талейран ва Фушеларнинг маслаҳати билан беқарор бир тусга кирган Наполеон сиёсатига, Европа илмий фикри илгари сурган уруш сиёсатига қарши тура билмасди, қуролсиз ва ожиз одамларнинг бошларини эса оппа-осон танасидан жудо қила оларди...

Муҳаммад Ризобекнинг биттаю битта амакиси Хусровбекнинг тик ва мағрур бошини танасидан жудо қилган ҳам ана шу яланғоч қилич эди!

Хусровбек биродарининг фожиона ҳалок бўлганидан сўнг катта уруғ ўртасида саломат қолган, қўлига қилич тутта билган ягона эр киши эди. Бошқалари бари — бели букилган чоллар, ёш гўдаклар, ҳали иссиқ-совуқни кўрмаган ўспиринлар эди. Бутун уруғ Хусровбекка кўз тиккан, унинг кўмак ва маслаҳати билан яшарди. Хусровбек биродари сингари жасур ва жангари бўлмаса ҳам, уни қўрқоқ ҳам деб бўлмасди. Тадбиркорлик ва тамкинликда ундан кўпроқ от чиқарганди. У маишатда ҳам, сиёсатда ҳам ўзини ортиқча ҳаракатлардан сақларди. Шунга қарамасдан, уни ҳам элда рўй бериб келаётган янги жараёнларнинг тарафдорларидан бири деб танирдилар. Унинг гуржи ва арманилар орасида яхши дўстлари бор эди. Улар Қоразини ўрмонига, Дилжон яйловларига овга, саёҳатга чиққан чоғларида доимо Хусровбекнинг уйига тушар, меҳмон бўлардилар. Рус ҳарбий хизматчиларининг ҳам йўллари бу томонларга тушиб қолса, Хусровбек-

нинг эшигига келишар, совға-салом билан келиб, совға-салом билан кетишарди...

Аббос Мирзо 1805 йилнинг ёз ойларида Қорабоғ хонлигининг маркази Шуша қалъасига муваффақиятсиз юриш қилиб, сон жиҳатидан ўзидан анча кам бўлган полковник Корягиннинг дастасига дош беролмади. Орқага қайтиб, Ганжа қалъасини олмоқчи бўлди. Бу ерда ҳам иши ўнгидан келмагандан кейин, Дилжон йўли билан Иравонга ўтмоқ учун Қозоҳ юртига кирди. Қозоҳликлар Фатали шоҳни танишни истамаганликлари Аббос Мирзога маълум эди. Шунинг учун ҳам, бундан анча илгари уларни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилган, одамлар юборган эди. Уларни Эрон давлатига тобе бўлишга, худо йўлидан чиқмасликка чақирганди: «Акс ҳолда мол-мулкларингни, бутун бор-йўқларингни ғорат қиламан, хотин, бола-чақаларингни банди қилиб олиб кетаман!» Бу таҳдид ва дўқпўписалар Қозоҳ жамоатининг ориятига теккан, ғазбини келтирган ва Аббос Мирзога қарши томон билан алоқани мустаҳкамлашга сабаб бўлганди. Аббос Мирзонинг Қозоҳ томонларга келаётганини, йўл бўйи халққа озор бериб, мол-мулкларини тортиб олиб, кўзи ҳам, қорни ҳам оч аскарларига улашаётганини эшитган қозоҳликлар ўзларини ва мол-мулкларини ҳимоя қилиш учун қуролланган дасталар тузган эдилар. Албатта, Хусровбек қанчалар эҳтиёткор ва тамкин бўлмасин, бундай кунларда муборизадан четда тура олмасди. У ҳам бу қуролли дасталарга бошчилик қилган, уларни ўзларини мудофаа қилишга ва тадбир билан ҳаракат кўришга ўргатган, маслаҳат берган уч-тўрт кишининг бири эди. Мана шу тадбиркорлик, мулоҳаза билан иш юритиш натижасида Қозоҳнинг қуролли дасталари шаҳзода Аббос Мирзонинг мунтазам аскарларини қочишга мажбур қилди. Қозоҳликлар анча ўлжани қўлга туширдилар.

Лекин, қозоҳликлар ғалаба қилган бўлсалар ҳам, Хусровбекнинг толеи кулмаган экан. Жанг қизиган маҳалда Хусровбек сангорларига Аббос Мирзонинг кўп сонли аскарлари ёпирилдилар. Қирганни қириб, бир қанча одамни қўлга тушириб, қўл-кўзларини боғлаб, отларига ўнгариб олиб кетдилар. Хусровбек ҳам шуларнинг ичида эди. Аббос Мирзо Қозоҳдан қочиб, Дилжон тоғларига чиққанидан кейин бандиларни бир

ёқлик қилаётиб, Хусровбекни таниб қолади ва амаки-си Қожар каби ундан ўчини олади: унинг бошини найзага санчиб, йўлнинг четидаги қояга осади ва тепасига: «Қозохликлар, ҳаммангизнинг бошингизга шу кун тушади!» деб ёздириб қўяди.

Ёш Муҳаммад Ризобек бу ҳодисани хотирлаб: «Биродар! Амакимнинг найза санчилган бошини кўрган куним, дунё кўзимга бутунлай қоронги бўлиб кетди. Ўшанда онт ичдимки, катта бўлсам, отам билан амакимнинг йўлидан бораман!» дер эди.

Ўшандан кейин рус қўмондонлиги Хусровбекнинг оиласини ва қариндош-уруғларини ўз ҳимоясига олди, уларга катта эътибор кўрсатди, меҳрибончиликлар қилди. Муҳаммад Ризони Тифлисга олиб кетишди, у ердан Петроградга ўқишга юбордилар. У йигирма икки ёшида рус қўшинлари офицери сифатида Кавказга қайтиб келди. Муҳаммад Ризобек бир муддат Кавказ ҳарбий идораларида ишлади, сўнг Қозоҳ туманига бошлиқ қилиб тайинланди. Петроградда ўқигани ҳам, Европа таҳсилини кўргани ҳам уни ота-боболар удмининг таъсирларидан қутқара олмаган эди: у уч марта уйланган, хотин устига хотин олган эди. Ҳури хоним унинг эллик беш ёшида уйланган учинчи хотини эди. Ўшанда Ҳури хоним ўн олти ёшга тўлганди. Оддий, камбағал бир қишлоқнинг қизи эди. Лекин жуда ҳам сулув эди. Чўлларнинг ўртасида очилган қирмизи лола каби қишлоқнинг бутун қиз-келиндаридан ажралиб турарди. Бир кўрган одам уни яна кўргиси келарди. Нозик бели, нафис бўйни, мармар каби оппоқ кўкраклари, оқ юзида чўғдай ёниб турган қора кўзлари, қора қошлари, қоп-қора жамалак сочлари билан у табиат қудратидан яралган бир офатижон эди. Кўплар шу офатта жонларини қурбон қилишга тайёр эдилар. Лекин у ҳеч кимга кўнгил бермагани каби, ота-онаси ҳам ҳеч кимсага розилик бермас эди. «Худонинг кўнглига хуш келиб, буни яратибди. Шундай бир хилқатнинг кўнглига озор етказиш, уни истамаган одамга бериш — гуноҳ!»

Қизнинг отаси Бобош киши совчиларни мана шундай сўзлар билан жўнатарди. Икки хотини, ҳар хотинидан бир-иккитадан боласи бўлган Муҳаммад Ризобек эллик бешга кирган бўлса-да, жуда тетик ва чапдаст, руҳи ҳам, кўнгли ҳам ёшлигича қолган киши-



лардан эди. У Ҳурини кўрган заҳоти, шунга уйлана-ман, деди. Унинг кўркам қадди-қомати офицер кийимида янада кўркамроқ кўринарди. Ҳурига бу жуда ёқиб кетди. Хусусан, погонлари уни навраста қизга тоғдай азамат қилиб кўрсатарди. Унга тегишга розилик берди-қўйди.

Тотув яшадилар. Муҳаммад Ризобек Ҳурини шу қадар севиб, унга шу қадар асир бўлиб қолгандики, бошқа икки хотини — Жаҳон хоним билан Офарида хонимга ойларча қайрилиб қарамасди. Мана шунга кўра ҳам, улар Ҳурига аёвсиз кунчилиқ қилишар, кеча-кундуз уни қаргаб ётардилар.

Хусусан, кундан-кун сўлиб бораётган, лекин ҳавасдан қолмаган катта хотин — ҳикка-ҳукмли Жаҳон хоним Ҳурининг сочларини биттадан юлишга тайёр эди. У ўзининг нафратини гоҳ кўз ёши билан, гоҳ ғазаб ва кинга тўлиқ сўзлар билан тўнғич ўғли Хоспўлатга айт-тар, ўғлининг юрагида бу гўзал кабутарга қарши нафрат уйготарди:

— Отангнинг бошини айланттириб ташлаган у яш-шамагур, отанг бутун жиловни унинг қўлига топши-риб қўйган. Бизни назар-писанд қилмайди, биз бахти қароларга қайрилиб боқмайди. Менинг сенга, бегуноҳ гўдакка раҳмим келади. Бу арининг уяси хоҳ қиз туғ-син, хоҳ ўғил — бор-йўғини унга беради отанг, кўра-сан!

Хонадоннинг катта бекаси булар билан ҳам кифоя-ланмай, Ҳури келганига уч ой ўтар-ўтмас, у Муҳаммад Ризобекни мажбур қилиб васият ёздирибди, деб гап тарқатди. Муҳаммад Ризобек бутун мол-мулкни ҳали дунёга келмаган «кучуги»га васият қилиб мерос қолдирибди эмиш!

Шу тариқа, ҳикоямизнинг қаҳрамони Соҳиб ҳали она қорнида эканлигидаёқ қариндошлари юрагида унга қарши кин ва адоват қайнарди. Хусусан, Хоспўлат қўйиб берса уни Ҳурининг қорнидан суғуриб олиб, тилка-тилка қилиб ташлашга ҳозир эди. Лекин Ҳури хоним кундошларининг гап-сўзларидан, гиди-бидиларидан йироқ эди. Кундошлар юрагидаги нафратнинг олови унга бориб етмасди. Муҳаммад Ризобек қоядай қомати билан бу ўтнинг йўлини тўсиб турар, «оқ ка-бутар»ни «қора қарга»лардан ҳушёр туриб қўрирди. Ҳури саодат қучогида нозланиб яшар, ёшига, гўзал-

лигига хос ҳар турли ташвишлардан озод ҳолда кун кечирарди. Бу пайтларда рус-турк уруши қизиган эди. На Ҳури ва на Муҳаммад Ризобек истамагани ҳолда бу урушнинг оловлари уларнинг ҳаётига ҳам кириб келди. Муҳаммад Ризобекни жабҳага чақирдилар. Ҳури толенинг кутилмаган бу зарбасидан шунчалар гаранг бўлиб қолдики, энди у кун и бўйи уйдан чиқмас, хизматкорлар ва малайлар билан сўзлашмасди. Айвонда ўтириб, кўзини олис йўлларга тикканича Муҳаммад Ризобекни кутарди.

Бир неча ойдан сўнг Муҳаммад Ризобекнинг ҳалок бўлгани ҳақида хабар келди. У 1855 йил ноябрь ойининг ўн олтинчисида Карс атрофида бўлган урушда ҳалок бўлган эди...


Кундошлар ҳам, хизматкор ва оқсочлар ҳам бу хабарни эшитса Ҳури хоним телба бўлиб қолади деб ўйлардилар. Лекин у телба бўлмади, ҳатто, марҳумнинг икки катта хотини сочларини юлиб, юз-кўзларини тимдалаб, ўйиб, ҳовлини қиёмат-қойим қилиб бошга кўтарганларида, Ҳури тош ҳайкалдай қотиб қолди, ичкарида шу алфозда қанча туриб қолганини у ўзи билмайди. Фақат онаси билан отаси келгандан кейингина уларнинг қўлларига йиқилиб, ҳазин-ҳазин йиғлади... Марҳумнинг қирқи эмас, еттиси чиқмасдан кундошлар орасида унинг давлатини бўлиш устида пичир-пичирлар бошланди, ўртага мерос-вараса масаласи чиқди. Муҳаммад Ризобекнинг катта хотинлари уйларни титкилагани титкилаган, гиламларни ва бошқа қимматбаҳо асбоб-анжомларни кеча қоронғисида аллакимларникига элтиб яширар, уруғлариникига бериб юборар эдилар. Мерос бўлиш таъзияга келиб-кетаётганларнинг ҳам дилини гаш қиларди. Қайси уйнинг кимга қолиши, ерларнинг ва мол-қоранинг қай тарзда тақсимланиши, қимматбаҳо анжомлар қайси хотинга қолажаги хусусида шивир-шивирларнинг охири йўқ эди. Кундошларнинг қариндош-уруғлари бир-бировларига душман кўзлари билан боқишар, бир-бирларига нафратларини яширолмас эдилар. Ёлғиз Ҳури хоним ва унинг ота-онаси бу гап-сўзлардан, шивир-шивирлардан четда эдилар. Юқорида, олди айвон уйлар ичида огир ғам-мусибатга ботган ҳолда овозларини чиқармас эдилар. Отаси Бобош киши бир марта пастки қаватдаги кенг ва катта залга тушди, таъзияга келиб-

кетаётганлар ичида ўтирди. Ярим соат ичида кундошларнинг уруғ-аймоқлари сал бўлмаса уни кўзлари билан чўқиб адо қилай дедилар. Ивир-шивирлар ҳам худди қулоқларини тешиб юборгудай бўлди. Умрини деҳқончилик, заҳмат ичида кечирган қария ҳавосиз, зиёсиз совуқ зиндонга тушиб қолиб, бўғилаётгандай эди. Тасвирлаб бўлмас даражада қарахт бўлган ҳолда ўрнидан туриб юқорига чиқди ва хотинининг саволомуз қараган кўзларига боқиб, секин деди:

— Дов-давлат шундай бўладиган бўлса жаҳаннамга кетгани яхши! Одамни одам сонидан чиқариб қўяркан! Ўлимтик устига йиғилган қарға-қузғунларнинг худди ўзи-я...

Вараса-мерос устида хусусан Жаҳон хоним тиниб-тинчимай уринмоқда эди: у эридан кейин бутун мол-мулкка эга чиқиш, уйларнинг ҳам, дала-тузнинг ҳам ихтиёрини ўз қўлига олиш пайида эди. Ҳарамнинг каттаси ва болалар ичида энг каттаси бўлган Хоспўлатнинг онаси сифатида ўзини бунга ҳақли деб ҳисобларди. Жаҳон хоним жуда ғайратли хотин эди. У мана шунча мулк-давлат, хонадон, бор бойликни бемалол идора қила биларди. Унинг ҳикма-ҳукми хотин эканлигини, дунё ишларидан хабардорлигини, хўжаликни ақл-фаросат билан бошқара олишини хизматкорлар ва малайлар яхши билардилар. Ҳали эрининг саломат чоғидаёқ у кўп ишларни ўз қўлига олганди. Тоғдаги қорамол ва қўйларнинг, боғдаги, омборлардаги дондуннинг ҳисоб-китобини, дарахтларнинг сони қанча-ю, йилда қанча ҳосил беришига қадар эридан яхшироқ биларди. Мана шуларга кўра ҳам марҳум бу ишларга унчалар эътибор билан қарамас, умрининг кўпи давлат хизматида кечгани учун ҳаммасини Жаҳон хонимга ишониб топширган, хотинининг кўп ғалати ишларига сабр билан қарар, чидар, майли, омон бўлсин, дерди. Шу тариқа, Жаҳон хоним унга хотин сифатида эмас, хўжалик бошқарувчиси сифатида кўпроқ қимматли эди...

Эрининг ҳалок бўлганлиги хабари келган заҳоти ҳар эҳтимолга қарши, эҳтиёт шарт уйдаги баъзи қимматбаҳо нарсаларни яшириш пайида бўлган Жаҳон хоним бир ози пайтдан сўнг ҳушини йиғиштириб олди ва мерос борасида гап-сўз очиш ўзига зиён келтиришини англаб етди. Яхшиси, энди бутун ихтиёрни ўз қўлига



олсин, хонадонни идора қилсин. Иккинчи кундоши Офарида хоним усти сомон, ости сув бўлса-да, қаттиқ-қўл эмас, қўрқоқ. У Жаҳон хонимнинг ҳукми фармоишидан чиқа олмайди. Бир-икки йил унинг маишати худди эри бор пайтидагидай таъминлаб туради, сўнгра секин-секин нон-сувга қўяди кунини, борган сари буни ҳам камайтиради, охири сил қилиб ўлдирди, ёки бўлмаса уйдан қувиб, беватан, бекафан қилади. У пайтларга довор Хоспўлат ҳам йигит бўлиб, қўлидан иш келиб, онасига суянчиқ бўлиб қолади. Худога шукур, тетик, зийрак, эр йигит бўладиган сиёғи бор, чангалига тушган жонга омонлик берадиган эмас! У йигит бўлиб отасининг ўрнини босганидан сўнг, ана ўшанда, майли, келсин, кўрайлик, дилида вараса даъвоси борларни!..

Жаҳон хоним Ҳури важидан ҳам у қадар ташвиш чекаётгани йўқ эди. Эрининг қирқи ўтгандан кейин қўлига тиланчига бергандай бир нарса тутқазиб, отасининг уйига олиб бориб ташлаш фикрида эди. Тўғри, Жаҳон хоним у ҳақда ўйлаганда эски яралари янги-ланар, сал бўлмаса, юраги ёрилай дерди. Ҳури унинг назарида ҳали ҳам бир офат тимсоли, жодугар эди, ахир у эллик бешга кирган бир кишини ақлидан жудо қилиб мажнунга айлантириб қўймаганмиди! Қани энди, иложи бўлсайди, Жаҳон хоним бу жодугарни ўз қўллари билан бўғиб ўлдирарди. Ачиниб ўтирмасди! Мана шулар ҳақида ўйлаганида Жаҳон хоним эрининг ўлимига оллоҳнинг амри каби қарар ва севинарди. Хўп, ўз вақтида кетди, бўлмаса яна пича замондан, сўнг янги олиб келган бу қанжиги болалар, бутун ҳовлини ўз болалари билан тўлдирар ва эридан васиятнома олиб, бор-йўқ нарсаларнинг ҳаммасига эга чиқиб ўтирарди! (Эрининг бор давлатини Ҳури хонимга васият қилиб қолдиргани ҳақида аввалроқ эшитилган мишмишларга Жаҳон хоним энди ишонмай қўйганди). Эндиликда эри ўлиб кетган, Ҳури хоним эса эгасиз сирғидай ёлғиз қолган бир чоғда уни бемалол бир чеккага улоқтириб ташласа ҳам бўлаверарди. Шуларни ўйлаб, Жаҳон хоним унга гойибона мурожаат этиб, шундай дерди: «Сенинг патингни ҳали шундай юламанки, эй кабутар, худди ялангоч товуқдай бўлиб қоласан!..»

Катта, кенг ҳовли одамлар билан гавжум эди. Муҳаммад Ризобекнинг қирқини ўтказмоқда эдилар. Ҳовлининг бир чеккасида тутун чиқараётган ўчоқларнинг устида улкан мис қозонлар ва товалар бугланиб турарди. Бу қозонлар, йирик товалар гуруч билан қовурма гўштга, шаболид<sup>1</sup> ва бошқа таомларга тўла эди. Хизматкор ва малайлар ўчоқлар атрофида куймаланиб юришар, катта гардим патнислар ва лаганларга солинган паловларни бир-бирига яқин уйларнинг ланг очиқ эшикларига ташиб келтирардилар. Декабрнинг охирилари бўлишига қарамасдан, кун яхши, ҳаво илиқ эди. Шунинг учун ҳам, Жаҳон хоним ҳовлининг катта бир бўлагига шолча ва гиламлар тўшашга амр этганди. Атроф-теварақдан икки кишилашиб, тўрт кишилашиб, даста-даста бўлишиб келиб туришар, еб-ичиб, сўнг ўринларидан турардилар:

— Оллоҳ раҳмат қилсин! Оллоҳ ажр берсин!— деб қора кийим кийган, бошига қора рўмол ташлаган, ҳам ўчоқлару қозон-товоққа, ҳам малайлару хизматкорларга кўз-қулоқ бўлиб турган, келган-кетганларни кутиб-кузатган Жаҳон хонимга тасалли берардилар.

Жаҳон хоним ўрта бўйли эди. Лекин жуда ҳам тўла ва этдор бўлганидан қориндор хотиндай кўринар, тўғрироғи, худди тўп каби дум-думалоқ эди. Лекин бу унинг одамларга ваҳимали таъсир қилишига монелик қилолмасди, шаҳд-шитобли ҳаракатлари, амирона тик, тап тортмай боқишлари билан у одамларининг чизиқдан чиқишига йўл қўймасди. У таомларни тайёрлаш ва дастурхонга тортишга Офарида хонимни бош-қош қилиб қўйган, уни назорат қилиб турар, унга намойиш-корона бир тарзда кўрсатмалар бериб туришни эсдан чиқармасди. Лекин фақат Ҳури хонимга яқин йўламас, у билан гаплашмасди. Ҳури хоним эса бошдан-оёқ қора кийимга чулғангани, оғир руҳий изтироблар ичида яшагани, анча ориқлагани ҳолда ҳам гўзал эди, тароват ва жозибасини йўқотмаганди. Хусусан, йирик шаҳло кўзлари чироқдай ёниб порлаб турар ва кимга

<sup>1</sup> Ш а б о л и д — каштан.

боқса ҳушини бошидан учирмоқда эди. Мана шунга кўра ҳам Жаҳон хоним Ҳури хонимга ора-чира ғазаб билан қараб қўяр ва гўё унга: «Ҳой, беҳаё, кўзларингни яшир! Шу қора мотам кунда ҳам жамоатнинг хаёлини чалғитасан!» — дегандай бўларди.

Ҳури хоним бу боқишларнинг маъносини яхши тушунарди. Лекин бунга буткул эътибор бермас, ҳатто у қарашларга жавобан кўзлари тик ва дадил боқарди. Шундай қарардики, Жаҳон хонимнинг ўзи кўзларини олиб қочишга мажбур бўлар ва бошқа ишларга машгул бўларди... Ҳури эса мана шу гўзаллик ва тамизликдан уйғонган содда бир ғурур ила аёл меҳмонларни жойлаштиришга, уларнинг олдига ноз-неъмат тортишга эътибор қиларди.

Уйларнинг ичида, ҳовлида дастурхонларнинг тўрида оппоқ салла ўраган, қора або кийган муллалар ўтиришар, тез-тез фотиҳа ўқишар, овоз чиқариб ёсин ва ёки бошқа суралардан оятлар ўқирдилар. Тўхтовсиз «омин!» садолари эшитилар, тез-тез салават ўғириларди... Муллалар жим бўлганда эса жамоат дунёнинг паст-баланд ишларидан, рус-турк урушидан, қишлоқларда экин-тикиннинг аҳволидан, ҳайвонлардан, тулкилардан, Қораёзи ўрмонида қобон овидан пичир-пичир гаплаша бошларди... Хотин-халаж суҳбатининг асосий мавзуси эса ҳамон Муҳаммад Ризобекнинг тул хотинлари, етим болалари ва уларнинг мерослари ҳақида эди. Четдан-қироқдан Ҳурининг қулоғига чалинган бу сўзлар унинг дардли юрагига шу қадар оғир таъсир қилар, шу қадар маъносиз кўринардики, сал бўлмаса хўрлиги келиб ҳўнграб юборай дер, оёқлари етганча бу одамлардан қочиб кетгиси келарди, уларнинг бу қадар пастлашиб, майдалашиб кетганликлари кўргиси келмасди!

Кун ботганидан, совуқ кўкда совуқ чироқлар ёнганидан кейин ҳам анча вақтга қадар келди-кетди давом этди. Учоқлардан тутун чиқди, қозонлар тўлиб, яна бўшади, идиш-оёқлар ювилиб, яна бошқатдан овқатга урилди. Фотиҳа ва салават саслари, шивир-шивирлар ва умрнинг эҳтиёжлари борасидаги суҳбатлар давом этди. Хонимлар ҳам, хизматкорлар ҳам, малайлар ва уларга ёрдамлашган қўни-қўшнилар ҳам ҳолдан тойдилар. Ҳурининг ранги қор каби оқариб кетганлигини, кўзи хиралашиб, боши солинганини кўрган Бобош ки-

ши секин хотини Салимага ишора қилди. Салима қизининг қўлидан ушлаб, сездирмасдан юқорига, ўз хонасига олиб борди (албатта, бунини бошқа ҳеч ким кўрмаган бўлса ҳам, Жаҳон хоним кўрди), уйнинг тўридаги, улкан тахта устидаги ипак кўрпани ёзди. Ҳурини жойига ётқизмоқчи бўлди:

— Ёт, онанг ўргилсин, чарчадинг!

Ҳури онасининг бўйнидан қучоқлаб, унсиз йиғлади. Она уни овунтиришга тушди:

— Йиғлама, жайроним! Йиғлама! Кўз ёши билан ўлганни қайтариб бўлмайди, ўзингни кўп қийнама!

Лекин онанинг ўзи ҳам қизига қўшилиб йиғларди.

— Она, онажон! Нега одамлар бундай, она!

— Қандай, онанг ўргилсин? Одамларга нима қилибди, улар доим шундай-ку, кўзларимнинг нури, қизим!

— Нега тинчгина ўз ишларини қилиб юришмайди, она! Нега чиркин тирноқлари билан одамнинг юрагини тирнашади? Ахир, мен чақалоғимга қандай қарашим билан уларнинг нима иши бор? Менинг қадамим унга ёқмаганини улар қаердан билишади. Толеим паст бўлса мен нима қилай?

Она одамларнинг доим қичиб турадиган тили қизига қанчалар азоб берганлигини энди билди. Қизининг чиройли бошини кўкрагига босди, муаттар, майин, жамила сочларини силади:

— Бекор айтишади, жон болам! Сен ёмон сўзларга қулоқ солма. Шундай ерда гапиришяптими, яхшиси эътибор бермаганинг маъқул...

Она Ҳурининг бошини худди гўдак чоғларидагидай тиззасига олиб, силаб-сийпаб тинчлантирди... Қизини уйқу элитгач, ҳовлида оёқ товушлари ва аста-секин сўзлашган овозлар тингандан сўнг Ҳурининг боши тагига ёстиқ қўйиб, оҳиста ўрнидан турди, ташқарига чиққиси келди. Болаликдан меҳнатга ва камбағалчиликка ўрганган Салима ҳовлига тушиб идиш-оёқ йиғиштираётган хотинларга ёрдамлашмоқчи эди. Лекин бир оёғи остонанинг у ёғида, иккинчиси бу ёғида экан, Ҳурининг хўрсиниб нафас олганини эшитиб, тўхтади: қизи оёққа тураркан, гўё кимнидир ахтаргандай уй ичини кўздан кечирди, сўнг иккинчи ўриннинг кўрпасини олиб, саранжомлик билан тахлади, бир чеккага

қўйди, ипак адёлнинг учини қатлаб, ёстиқни тузатди:

— У қайтиб келади, онажон, албатта қайтади! — деб ҳеч нарсани кўрмаётган кишидай онасига тикилди.

Салима олдинига қўрқди: «Вой, шўрим, худо сақласин, қизимнинг ҳуши жойидамикин?» — деб ўйлади. Лекин дарҳол ўзини қўлга олиб, яна қизини силаб-сийпаб, эркалади:

— Албатта келади, қизим! Бир-икки кун қараб тур-чи, шояд келиб қолса!

— Йўқ, она, бугун келади! Шу бугун кечқурун келади. У ўлмаган, она!

— Ҳой, ёрдам беринглар! Бу бадбахт ақлдан озибди! Мен шундай бўлишини олдиндан билган эдим!

Она ҳам, қизи ҳам бу товушдан ҳайрон бўлиб эшикка чиқдилар... Жаҳон хоним остонанинг у томонида турар эди, у юзини айвонга ўгириб шу сўзларни айтгандан сўнг, Салимага қаради:

— Нимага қараб турибсан, ҳой хотин, бор, дарров мулла Самадни кўчадан қайтариб чақириб кел, бир дуо ёзиб берсин, ичирайлик, оллоҳнинг карами бениҳоя, шояд ақли жойига тушса...

Салима турган ерида михланиб қолди. Ҳури Жаҳон хонимга жавоб берди:

— Мулла Самадни чақириб ўзингизга дуо ёздинг, жинни бўлган сиз, мен эмас!

— Вуй-й! Бунинг тилига қаранглар-а! Қайси ақли жойида одам ўлган одам қирқ кундан сўнг тирилиб келади дейди?!

— Сиз айтолмайсиз, чунки у сиз учун ўлганига анча бўлган. Мен учун эса ҳамиша тирик, яшайди, ҳамиша яшайди! Қаранг, ўрнини ҳам солиб қўйдим, ҳар кеча ўрнини янгидан соламан. Ҳар кеча у мен билан бирга бўлади. Фақат сизгина бойқуш каби ёлғиз қолгансиз! Ифлос!

— Ҳой, Салима хотин, кучугингга айт, бас қилсин! Воллоҳ, бўлмаса, малайларни чақираман. Она-бола иккингизни эшикка олиб чиқиб ташлайди!

Салима хотин мулойим ва юмшоқ товуш билан деди:

— Жаҳлингизни босинг, Жаҳон хоним! Бундай сўзларни гапирманг, гапирманг, айб бўлади!

Ҳури шунчалар қизишган, шунчалар ёниб-куйиб сўзлардики, наинки Жаҳон хоним, ҳатто Салима уни биринчи марта бу алфозда кўриши эди.

— Жонидан умиди йўқ одам мени бу ердан кет десин! Токи сийнамда нафас бор, мен бу ерда яшайман! Кимнинг ҳушига келмаса, борсин, истаган ерига чиқиб кетсин!

— Худо сақласин, худо сақласин бу ҳаёсизнинг тилидан!— Жаҳон хоним пиллапояда Бобош кишининг йўталини эшитиб нари қайтиб кетди.

Она ҳам, ота ҳам шу нотинч кеча қизлари билан бир уйда ётиб қолдилар. Уйқу ичида унинг уйғониб-уйғониб кетганини, ғалати бир қўшиқ айтганини эшитиб, юраклари қинидан чиқай деди. Лекин ота-онанинг юраги ҳассос, нозик, шу билан бирга ғоятда сабртоқатли бўлади, боласи учун, боласини огир дардлардан халос қилиш учун ҳар нарсага чидайди. Саҳарга лқин Ҳурини ширин уйқу элитди. Унинг уйқуси жуда кеч ёришган қиш тонгида то офтоб уфқлардан кўтарилгунга қадар давом этди. Ҳури кўзларини очганида улар аллақачонлар туришган, нонушта ҳозирлаган эдилар. Энди Ҳури уларга парвона бўлар, қимир этгани қўймас, уларга хизмат қиларди. Кечаги руҳий талвасалар ўтган эди. Салима билан Бобош киши кун пешинга қадар унинг олдида бўлдилар. Ҳурида сокин бир кадардан ўзга ғайри фавқулодда бир ҳаракатлар кўрмаганларидан сўнг кўнгиллари тинчланиб, уйларига қайтдилар. Пешинга қадар ҳовлида кўринмаган Жаҳон хоним билан Офарида хоним хоналарида ўтирганча панжара орасидан ҳовлини кузатишар, телбаликнинг янги бир аломатлари зоҳир бўлишини кутардилар. Ота билан онанинг индамай ўз уйларига чиқиб кетганларини кўрган Жаҳон хоним Офаридага деди:

— Бор, уни бу ерга чақириб кел!..

Офариданинг усти сомон, ости сув, «юмшоқ супурги»лар хилидан эканлигини айтгандик. У Ҳурининг бу ерга келмаслигини биларди. Лекин Жаҳон хонимга: «Йўқ, бормайман!» ҳам демади. Ташқарига чиқди, юқорига кўтарилди, Ҳури билан саломлашди. Тил учидан ҳол-аҳвол сўраган бўлди-да, орқасига қайтди:

— Чақирган билан у келармиди?! Ҳали ҳам ҳавоси жуда баланд...

— Мен тушираман унинг ҳавосини!— Жаҳон хо-

ним пирилдоқдай айланиб ўрнидан турди, лекин ўтирган еридан қўзгалмаган Офаридага қараб деди:

— Сен билан мен бундан буёқ эт билан тирноқ бўлишимиз керак! Билдингми?

Офарида боши билан тасдиқлагандан сўнг, Жаҳон хоним сўзида давом этди:

— Қўлингни менга бер, шу соатдан бошлаб сен билан кундошликдан чиқдим, сен билан тутинган опа-сингил бўлди. Кимда-ким опа-сингиллик ҳақиға хиёнат қилса, у ҳазрат Аббос пиримнинг қаҳрига дучор бўлсин! Билдингми!

Офарида хоним яна боши билан тасдиқ ишораси бергандан сўнг Жаҳон хоним ҳозиргина опа-сингил тутинганлигини унутиб, ичида уни қаттиқ яниб қўйди: «Вой, таъвия, сен ҳам ўзингга етгунча тулкилик қиласан! Худо ҳаққи, сенга ҳам шундай ҳунарлар кўрсатайки, то қабрингда суякларинггача сирқираб ётсин».

Лекин ундай демади. Ўрнидан туриб, юқорига чиқиб кетди. Ҳури хоним тахта устида ўтириб китоб ўқирди. Шарпани сезиб, бошини кўтарди. Жаҳон хоним эканлигини кўргач, бир он унинг хафа юзига боқиб, сўнг кўзларини яна китобга тикди. Жаҳон хоним индамай-нетмай ичкарига кирди, тўғри бориб китобни Ҳурининг қўлидан тортиб олгиси келди. Лекин Ҳурининг кўзлари чақмоқ чаққандай ялтираб кетганини кўриб, узатилган қўли ҳавода осилиб қолди. Узун лозимининг бурма почаларини тортиб, диваннинг бир чеккасига ўтирди.

— Нимани ўқияпсан, қуръонми?

Ҳури кўзини китобдан узмасдан жавоб берди:

— Йўқ, Зокир деган шоирнинг китоби.

— Гуноҳ бўлади, қўй ўқима! Хотин киши қуръондан бошқа нарса ўқимасин деганлар. Гуноҳ бўлади!— Бир зум кўзларини қисиб, ўйга чўмгандай бўлди, сўнг илова қилди:— Саводингни ким чиқарган сенинг, ўша эски чориқли отангми?

Ҳури Жаҳон хонимнинг юзига шартта жавоб берди:

— Менинг ўша эски чориқли дадам кўп беклардан яхшироқ. Ўн-ўн икки ёшларида экин-тикиндан бўш вақтларида ёзиб-чизишни ўрганиб олган, менга ҳам ўргатган.

Ҳури наштардай санчилган бу сўзлар билан кифояланиб қолмасдан, наштарнинг ўткир тигини Жаҳон хонимнинг нақ юрагига санчгандай бўлди:

— Раҳматлик Муҳаммад Ризобек ҳар кеча менга китоб ўқитиб, эшитиб ётарди. Бу китобни ҳам у олиб келган.

Ҳури қачон бўлмасин барибир Жаҳон хоним билан тўқнашишини билар ва агарда бўш келиб, қочса, ҳалок бўлишини, тап тортмай туриб бериш кераклигини англаган эди. Жаҳон ҳам унинг шундай қарорга келганлигини сезиб, қаттиқ ҳужумга ўтиб, босиб олмоқчи бўлди.

— Сен унинг номини тилингга олма! Шўрликни нариги дунёга жўнатдинг, билдингми?!— У бир зум Ҳурининг юзига тикилиб турди, зарбаси қандай таъсир қилганлигини билмоқчи бўлди.— Ёмон шум қадам экансан, бу хонадонга қадаминг етар-етмас бахтсизлик устига бахтсизлик бошлаб келдинг!

— Жаҳон хоним! Яхши билиб олингки, мен бундай сўзларга заррача ишонмайман. Фолчи хотинларни кўрсам кўнглим айнийди!

— Ҳамма сени жодугар дейди, сенинг юрагингга шайтон уя қуриб олган. Шунинг учун ҳам кимга кўзинг тушса, бошидан ҳуши учади. Қаерга нафасинг тегса, ўша ерга хароблик келади. Отангинг вайронасига қачон чиқиб кетасан?

Ҳури китобни ёпди. Боягидай ўтирганича Жаҳон хонимга тик боқди:

— Ўлсангиз ҳам у кунни кўрмайсиз! Шариатга кўра ҳам, ҳукуматга кўра ҳам мен бу ерда нима бўлса ҳаммасига шерикман!

— Қисир сигирга қуруқ сомон, тилингни тий, бола!

— Қисир сигир деганлари сиз бўласиз, ўн йилдан бери эмчагингиз қуриб ётибди! Мана, кўринг,— Ҳури қўлини қорнининг устига қўйди,— юрагимнинг нақ тагида Муҳаммад Ризобек учун ўғил катта қиляпман!

Жаҳон хонимнинг вужудига титроқ кирди:

— Омон бўлсак кўрармиз! Лекин сен ўғлон эмас, қурбақа туғасан! Шунини билиб қўйгинки, Офарида билан икковлашиб сени қорайган гугурт чўпидай қилиб қўямиз!

Ҳури фақат қаттиқ-қаттиқ гапирибгина Жаҳон хонимга бас келиш мумкинлигини аввалдан биларди.

Бундай қўполлик, терс гапириш Ҳурининг табиатига зид бўлса-да, лекин бошқа илож йўқ эди, шунинг учун ўша руҳда давом этди:

— Мен эмас, ўзингиз гугурт чўпидай ёниб битасиз. Шунинг билан қўйингки, Муҳаммад Ризобек бутун бойлигини, бутун ерларини ва боғу боғотларини менга васият қилиб қолдирган, яна шу нарсани ҳам менинг ихтиёримга қолдирганки, истасам — сизга бирон нарса бераман, истамасам — бермайман.

Бу сўзларни айтиб, девор тагида турган жимжима гулчинли сандиқчага яқинлашди. Қўйнидан калит чиқариб, сандиқни очди ва бир варақ қоғоз олиб, Жаҳон хонимнинг юзига келтириб силкитди:

— Мана васиятнома!

Жаҳон хоним қотиб қолди, оғзи қуриди. Қақраган лабларини ялаб ғудранди:

— Ҳой, ҳаёсиз, буни қачон, қайси қора кунингга ёздира қолгандинг?!

— Мен ёздирмадим, буни сиз ёздирдингиз! Бу на менинг ва на унинг ақлига келганди. Бир куни сиз, болам катта бўлса бутун бойлик-давлат менинг қўлимда бўлади, дедингиз. Буни Муҳаммад Ризобек эшитиб қолган экан, менга айтди: «Бу Жаҳон хоним бадният хотин, жуда таъмагир. Агар менинг бошимга бир иш тушса, сенга бир қултум сув ҳам бермайди. Ҳозирнинг ўзида васиятнома ёзиб қўяман!» Ёзди, обориб Тифлисда Шайхулисломга ҳам, ҳукумат идорасига ҳам кўрса-тиб, тасдиқлатган!

— Бу ёққа бер, кўрай! — Жаҳон хоним Ҳурининг устига қараб юрди, қоғозни ундан тортиб олмоқчи бўлди, лекин Ҳури тўшак тагига яшириб қўйилган тўппончани чиқариб, оғзини унга тўғрилади:

— Ҳозироқ чиқиб кетинг бу ердан, бўлмаса... Буни ҳам менга Муҳаммад Ризобек ўргатган! — деди ва Жаҳон хонимни айвондан ҳовлига қувиб чиқарди...

## 2

Узоқ вақт Жаҳон хоним Ҳурининг юзига қарамади, унинг яқинига йўламади. Хўжаликни, боғ-боғотни, хизматкор ва малайларни аввалгидай унинг ўзи бошқарарди. Лекин хизматкор ва малайларнинг сонини хийла камайтирган, уйга кетадиган харажатларни бир-

мунча қисқартирган эди. Бироқ, Ҳурининг маишатиға тўсқинлик қилмас, иши йўқ эди. Уни эзиш ва ундан қутулиш учун пайт пойлаётганини ҳамма билар ва сазарди. Лекин Ҳури жиндак бўлсин, орқаға чекинмагани, қайтага олдингидан ҳам жангарироқ бўлиб қолгани, тап тортмай юргани учун Жаҳон хоним журъат қилиб унга тош отолмасди.

Жаҳон хоним тагли-тахтли одам эди. Оғзи катта азамат қардошлари, уруғлари кўп эди. Сурувларининг сон-саноғи йўқ эди. Ёзда яйловларда, қишда қишловларда тўпланган чоғда от минган ўн-ўн икки чўпон, йигирма-йигирма беш чоғлиқ йўлбарсдай ит базўр қўриқлаб улгурарди. Бутун уруғ ва наслнинг, бойлигининг бошида Жаҳон хонимнинг соч-соқоли оппоқ оқарган саксон саккиз яшар отаси Илёсбек турарди. Гавдаси чоғроқ ва кичкинагина бўлган бу чол бир сакраб отга миниб олар, эгарда қирғийдай ўтириб, отнинг бошини қўйиб берар, бугдойлари ўриб олинган далалардан ўтиб, тоғлардан чиқарди. Мана шу бақувват уруғнинг бари Жаҳон хонимнинг орқасида унга суянчиқ бўлиб турар ва агар хоҳласа, «оқ кабутар»ни бир зумда йўқотиб юборар, сўнг ҳатто унинг битта патини ҳам балки топиб бўлмасди. Лекин Илёсбек бундай ваҳшийликка йўл қўймай келарди. Гапнинг очиги, у эл-юрт орасида қўзғаладиган норозилик, гап-сўзлардан чўчирди. Дунё ишларини кўп кўрган чол яхши билардики, агар Ҳурининг бошидан бир тола сочи юлинса, бутун эл уларга лаънат ўқийди, уларнинг қанчалар бераҳмлик қилганини наслдан наслга етказишади. Гул каби тоза, сулудан сулув келинни, бечора йўқсил бир боғбоннинг қизини ҳимоясиз, ночор бир ҳолда увол қилишди, жонига зомин бўлишди, деб бутун юрт шовшув кўтаради, чол буни яхши биларди. Сўнг бу бадномликдан қутулиб кетиш қийин бўларди. Чолни бу ёмон ниятдан қайтариб турган яна бошқа бир сабаб ҳам бор эди, ҳамма, шу жумладан Илёсбек ҳам, ҳукумат кўзини Ҳуридан узмай турган бўлса керак, у ҳукумат идораларининг эътиборида турган бўлса ажаб эмас, деб ўйлар эди. Муҳаммад Ризобек ҳалок бўлгани ҳақидаги хабар келганидан бир ҳафта кейин Кавказ қўмондонлигидан сағриси чакилма чиройли оқ отларга минган, елкаларига погонлар таққан, иккита келишган, кўркам рус офицери марҳумнинг ҳовлисига

келган ва уларни кутиб олган хизматкорлардан биринчи бўлиб Ҳури хонимни сўроқлаган эдилар. Жаҳон хоним уларнинг ҳузурларига чиқиб, ўзининг уйнинг бош ҳарами эканлигини айтиб, офицерларни катта залга олиб бормоқчи бўлади. Лекин улар илтифот ва назокат билан узр айтишиб, юқорига чиқишади ва ўз тиллари билан айтганда «жаноб Муҳаммад Ризобекнинг севикли хоними»ни зиёрат этишади, унга таъзия билдиришади. Кетаётганда эса катта бир қутига солинган гули чиройли, нафис чинни идишларни унга ҳадя қилиб қолдиришади. Мана шуларга қўшимча тарзда қўмондонлиқнинг адреси ва таъзияси ёзилган бир варақ жуда ҳам чиройли оқ қоғозни Ҳурига тақдим этадилар.

— Қачон, қандай орзу-истагингиз бўлса, шу адресга ёзиб юборинг. Аъло ҳазрат император ўз содиқ табааларининг хизматларини ҳеч қачон унутмайди, уларнинг севимли оила ва фарзандларини ҳамиша ўз ҳимоясида тарбияламоқни бурчи деб билади!— дейишади.

Ҳури хоним ушбу бир парча қоғозни чиройли чорчўпга солиб, ўрта девордаги алвон рангли Кирмон гиламининг устига осиб қўйган, Жаҳон хоним ҳам, хизматкорлар ҳам ҳар дафъа уни кўзлари билан кўриб турсинлар, Ҳурининг суянчиқсиз эмаслигини ёдларида сақласинлар, деган эди. Мана шуларнинг ҳаммаси Жаҳон хоним ва унинг анов-манов деган қардошларининг, амакилари ва тоғаларининг газабларини бирмунча пасайтирар эди. Ҳурини тилка-пора қилиб ташлашга йўл бермасди. Лекин уни бир дам бўлсин ўз ҳолига қўймасдилар. Ўз ҳолига қўйишни истамасдилар ҳам. Ҳури эса илк руҳий саросималардан сўнг энди ўзига кела бошлаган, Жаҳон хонимнинг: «Телба бўлиб қолибди, ҳавойи бўлиб юрибди»,— деб тарқатиб юрган гапларига бутунлай тескари равишда, кундалик ҳаёт масалалари ҳусусида шунчалар ақл-фаросат кўрсатган, вазиятни тўғри ҳисобга олиб, Жаҳон хонимнинг ғийбатларига қарши шундай қатъий одимлар ташлаган эдики, бундай бўлишини сира кутмаганлар шошиб қолишган ва бир қадар ваҳимага тушган эдилар, назарларида бу кабулар бургутдан ҳам қўрқинчлироқ эди.

Жаҳон хоним каби одамларнинг табиатлари шун-

дайки, улар ўзларидан кучсиз бўлган одамларга муштарини, ўзларидан қудратли бўлган кишиларга эса тишларининг оқини кўрсатадилар. Ўрни рибкорона иш кўрадилар, кучлиларнинг юзига кулиб қарайдилар, уларнинг қаршисида эланиб-ялпоқланадилар, лекин ичдан уларни яниб юрадилар, бир кун келиб уларнинг бешини ер қаърига тиқишни мўлжаллайдилар.

Ўурини зўрлаб, дўқ-пўписа билан қўрқитиб бир натижага эришиб бўлмаслигини кўрган Жаҳон хоним бошқа йўл тутди. Бир-икки марта Офарида уйқуга кетгач, Ўурининг ёнига чиқди.

— Кел, ярашайлик! Биргалашиб Офариданинг думини тугиб юборайлик, сен билан опа-сингил тутинайлик. Омон-эсон кўзинг ёриса, туққан боланг менинг ҳам болам, жондан ортиқ жигарим бўлсин. Ўғлим Хоспўлатнинг укаси, суянчиғи. Офарида қурғур ёмон тулки, индамай юрганига қарама у юмшоқ супургининг. Менинг айтганимга кирсанг, остонадан қувайлик уни!

Буюк бир ёзувчи, муғамбир ва ҳийлакор одамлар ақли-ҳуши жойида бўлган, юраги тоза, тўғри одамлардан бошқа ҳаммани тузоққа тушира оладилар, деган экан. Қанча уринмасинлар, ҳаракат қилмасинлар, тўғри одамларни тузоққа тушира олмайдилар. Жаҳон хоним ҳам тоза сўзни айлантирди, лекин Ўурини тузоққа яқин келтира олмади. Очиқ майдонда ҳушёр ва тетик ҳаракат қилган Ўури қоронгида ҳам дўнг, тўнкаларга қоқилиб йиқилгани йўқ.

— Жаҳон хоним, мени ўз ҳолимга тинч қўйинг!— деди.— Офаридага ҳам, сизга ҳам кўнглим бирдай! Менинг у билан талашиб-тортишадиган жойим йўқ.

Бу ҳийласи ҳам ўтмагандан кейин Жаҳон хоним бошқа воситаларни ишга сола бошлади. «Тутингани» Офариданинг ёнига борди:

— Ҳой, эгачи, бугун-эрта у болалайди. Шундай қилайликки, саломат қолмасин. Бола туғилгандан кейин бу уйдан уни кетказиб бўлмайди. Русларни орқа қилаверади. Вояга етказиб, ўқитиб, сўнг қариб, кучдан қолган пайтимизда уйдан тепиб ҳайдайди.

Офарида яна кўз-қошини ўйнатди, нима дейишини билмади.

— Қўлимиздан нима келарди?

— Нималар келмайди де! Хизматкор Салимни ишга сол, кўзларидан қон томиб турибди, сенинг сўзинг

дан чиқмайди, унга ўзинг ўргат, кечаси ҳовлидами, пиллапоядами, ё ҳожат йўлидами, бошига ҳайвон терисини ёпиниб, йўлини тўссин, қўрқитсин. Агар боласини ташламаса, мени айтди де!..

— Жоним билан!— Офарида Салим хизматкорни чақирди, қора зулфини четга суриб, унга юзидан муччи олмоққа ижозат берди, кафтига олтин танга босди ва воқеани унга баён қилди:

— Эркак бўлсанг, эркаклигингни кўрсат, Жаҳон оганинг амри шундай!

Муҳаммад Ризобекнинг ўлиmidан сўнг обрў-эътибори бир оз ошган Жаҳон хонимни хизматкорлар ва югурдаклар «Жаҳон ога» деб чақирардилар. Огалик қилишни яхши кўрган хотинга бу айниқса хуш ёқарди. Салимни йўлга солганидан кейин Офарида ўтириб узоқ ўйга толди. Хизматкорга ишониб бўлмайди, Ҳури унга қараб бир марта табассум қилса, кафтига бир эмас, иккита олтин танга босса, ҳаммасини унга оқизмай-томизмай айтиб беради, деб ўйлади. Бунинг олдини олишни лозим кўрди. Жаҳон хоним отга миниб дала айлангани кетганида Ҳурининг ёнига чиқди:

— Ҳури, менга хоҳ ишон, хоҳ ишонма, лекин сенга битта гапни айтиб қўйишим керак: ўзингни эҳтиёт қил! Кечаси ташқарига чиқадиган бўлсанг ҳушёр бўл. Жаҳон ога сенинг болангни тушириш пайида юрганмиш, хизматкорлардан бирига бошингга ҳайвон терисини ёпиб, уни қўрқит, деб ўргатибди. Худо ҳаққи, бу сўз ўртамизда қолсин!

Ҳури Офаридани яхши билиб олганди. У Жаҳон хоним каби қўрқинчли ва золим эмасди. Ёлгончи ва ғийбатчи, мулойимлик билан иш битирадиганлар тоифасидан бўлса ҳам, унга тегилмаса, унга тегишли бўлган мол-давлатга кўз тикилмаса, биров билан иши йўқ эди. Уни йўлга солса, тил топиб гаплашса бўларди.

— Омон бўлинг, Офарида опа! Шунинг билингки, мен сизга ёмонлик тиламайман. Утиринг, бирпас гаплашайлик, ўтиринг.

Ҳури тахтанинг устидан унга жой кўрсатди. Офарида ўтирди. Ҳури бу ерга келганидан бери биринчи марта унга диққат билан разм солиб қаради. У ўрта бўйли, қарашлари ҳуркак, бичими келишган, кўркам ва лобар хотин эди. Жаҳон хонимга ўхшаш бўлиқ ҳам, ё Ҳури каби нозик рафтор ҳам эмасди. Бўйни жуда

ҳам гўзал эди. Қанча бола туққанига қарамасдан, аёллик малоҳатини йўқотмаганди. Унинг кўзлари ҳамон совумаган бир эҳтирос билан оловланарди. Ҳури бу кўзларда кадардан кўра аллакимни қўмсаган бир ҳавас борлигини кўрди. Албатта, Жаҳон хонимнинг кўзларида ҳам шундай ҳавас ўйнарди, лекин у ҳавас ичида ҳукм юритиш истаги ҳам бор эдики, шу нарса одамларни ўзига жалб этишдан кўра, кўпроқ қўрқувга соларди. Офариданинг муддаоси жуда камтарингина эди: унинг кўзлари содда мочанинг ҳаваси билан ёнарди. Бу ҳавас кундошларнинг кўзларида бундан бир неча ой илгари, яъни Муҳаммад Ризобек ўлмасидан бурун ҳам йўқ эмасди. Лекин у пайтларда бунчалар очиқ-ойдин билиниб турмасди. Ҳавас унда қўрқинч ичида, ўғринча-ўғринча қиё боқарди. Энди эса қўрқув орадан кўтарилганди. «Бечора Муҳаммад Ризобек,— деб ўйлади Ҳури,— булар анчадан бери сенинг ўлишингни кутиб юрган эдилар».

Ҳали эри тирик экан, Офарида хоним қоронғи кечаларда ора-сира Салим хизматкорнинг ёнига боради, деган гаплар Ҳурининг қулоғига чалинганди... Лекин энди!.. «Қуриб кетсин ҳаммаси!» Ҳури бундай қора хаёлларга йўл бергани учун ўзидан норози бўлиб, Зокирнинг китобини олди ва ўқишга тушди. Бир-икки ғазални овоз чиқариб ўқиди. Офарида мароқ билан қулоқ солди. Тушунган баъзи ғазалларни жуда ёқтириб қолди. Бирпасдан сўнг ўрнидан турди:

— Кетай энди. Жаҳон оғанинг келадиган вақти бўлиб қолди. Иккимизни бир ерда кўрса, кўнглини қора босади. На сенга кун беради, на менга. Унинг кўзи очиқ экан, сира ишонма! Ўзингни эҳтиёт қил!..

Ўша куни Ҳури воқеани онасига сўзлаб берди. Бо-бош киши хотини билан кечалари қизини қўриқлаб ётишга мажбур бўлди.

Қоп-қоронғи тун эди. Тун барвақт тушганди. Ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Кичик чилланинг ўрталари, ҳаво совуқ эди. Намозшомдан бери эса бошлаган шамолнинг совуқ қуруқ шамоли эшикларнинг, дарчаларнинг орасидан, тирқишлардан уйга кирар, одамнинг баданини жунжиқтирарди. Уйдагиларнинг ҳаммаси ухлаб қолишганди.

Пилиги хийлагина пастлаган ўнинчи чироқ эшик оғзидаги токчадан хонага заиф нур сочарди. Хизмат-

корлар кеч тушгандан уйларига кириб кетгандилар. Катта ҳовлининг бир томонидаги сигирлар боғланган оғилхонанинг эшиклари беркитилганига анча бўлган. Йирик чўпон итларидан бири оғилхоналарнинг олдидаги уясига боғланган. У онда-сонда бошини кўтариб, аллақайлардадир ўқтин-ўқтин ҳуриган итларга овоз бериб қўярди. Кейинги ойлар ичида кечалари узоқ вақтгача ухлолмай ётадиган Бобош киши гоҳ бу сасларга қулоқ солар, гоҳ хаёл уни олиб қочарди. Яккаю ягона қизининг тақдири ва келажаги ҳақида тинмай ўйларди: «Худо таоло унга ҳусн берибди-ю, лекин бахтдан буюрмабди,— деб ўйларди қария.— Ҳамма нарсаси бор, егани олдида, емагани кетида, аммо бахтидан худо сиққан! Билмадим, охири бунинг аҳволи нима кечади?!»

Ҳури отасининг бу хаёлларидан беҳабар, қўша ётоқнинг бирида чўзилганча уйқуга кетганди. Оҳиста пишиллаб нафас оларди. Ўнг қўлини бошининг устидан ошириб, нариги ўриндаги ёстиқни қўли билан ушлаб олганди. Салима билан Бобош печкалик деворнинг ёнида гилам устига жой солган эдилар. Салима думалоқ калавадай ғужанак бўлиб ётар, ора-чира оҳиста хуррак отарди. Бобош унинг жуда ҳам ҳушёр ётишини, сал нарсага уйғониб кетишини билганидан, ўрнидан қимирламас, нафасини чиқармасди. У ўнг тирсагини ерга тираб, энгагини кафтига тираганича кўзларини дарчадан ҳовлига тиккан ҳолда ётарди. Бирдан назарида кимдир девордан ҳовлига отилиб тушгандай бўлди. Бобош киши тоқчадаги чироқни тезлик билан пуфлаб ўчирди. Иссиқ чопонини елкасига ташлади, қора мутал папағини бошига бостириб кийди ва эшикни очиб, аста ташқарига чиқди. Айвон четига келиб, кўлка каби қимир этмай, диққат билан қоронғиликка боқди. Яна шарпа овози эшитилди. Шу онда кимдир оғилхонадан чиқди, энди қаттиқ вовуллаш бошлаган ит томонга қараб кетди. Қоронғида итнинг бошини силаб, уни тинчлантирди. Итнинг олдида нимадир ташлади:

— Е, Олабош!— деб пичирлади.

Шамол бу пичирлашни айвонга, Бобош кишининг қулогига олиб келди. Бобош Салим хизматкорни таниди: «Вой, номард! Кечаси хотинларни ухлатиб қўйиб, хиёнат йўлига кирганини қаранг!»

Салим итнинг тинчланганига ишонч ҳосил қилганидан кейин боя девордан ошиб тушганича қимирламай турган одамнинг ёнига борди. Унинг қўлидан тутиб ўзига яқинлаштирди. Улар ниманидир пичирлашиб олдилар ва шошилишч ичида огилхонага кирдилар. Бу орада Бобош киши тусмоллаб пиллапоядан пастга тушди-да, итни занжирдан бўшатиб, қўлида ушлаб турди. Кўп ўтмай огилхонадагилар аллақандай буклоғлиқ нарсани кўтарганича ҳовлига чиқдилар. Букланган нарсани икки томондан кўтаришиб, девор томонга юрдилар. Бобош киши девор устида одам борлигини, у ҳовли юзига арқон ташлаганини сизди, ҳовлидагилар букилган нарсани арқонга боғладилар. Салим пичирлади:

— Кўтар!..— Арқон юқорига тортилгандан кейин Салим яна огилхонага қайтди.

Ана шунда Бобош итни қўйиб юборди.

— Бос, Олабош!

Олабош шу заҳоти ўзини девордан ҳовлига тушган кишига қараб отди. Бу овозни эшитиб Салим огилхонадан чиқди, кўп уриниб итни ажратолмади. Бирдан эсига нимадир тушгандай, итнинг уяси томонга шўнғиди:

— Бу кеча кимнинг ажали етган экан ўзи?— деб Бобош кишининг бўғзидан тутишга уринди. Бобош дафъатан унинг кўкрагидан туртиб, итариб йиқитди ва ҳай-ҳуй солди:

— Ҳой, одамлар, туринглар, ўғри келди!..

Олабош девордан ошиб тушган ўғри билан олишиб ётарди. Гоҳ Олабош унинг кийимларини тишлаб ерга булғалар, гоҳ у деворда турган одам ҳовлига ташлаб қочган чўпон таёғини қўлига олиб, Олабошни урмоқчи бўларди. Қўпол Салим эса пиллапоянинг тагида Бобошга етиб олиб, йўлини тўсганди. Тажрибали деҳқон Салимнинг мушти ва тепкиларидан бошини олиб қочар, мушукдай у томондан бу томонга сапчиб, бўйинни унинг қўлига тутқизмас ва тинмасдан қичқирарди:

— Ҳой, болалар, ҳой югурдаклар! Туринглар, ўғри келди!..

Бу шовқин-тўполонга ҳаммадан бурун Жаҳон хоним уйғонди ва ўзини ҳовлига томон отди. Ундан кейин икки хизматкор кўзларини уқалай-уқалай туриб келдилар.

Юқорида, айвондан Ҳури билан Салиманинг ҳаяжонли овози эшитилди:

— Ота, қаердасиз?

Бобош киши тезлик билан ўзини юқорига олди. Уст-боши яланг қолда совуқ шамол бағрига чиққан қизи билан хотинини дарров ичкарига олиб кирди. Қўрқувдан ранги оқариб, титраган Ҳурининг сочларидан, қўлларидан ўпди:

— Ёт, жайроним, қўрқма, ҳеч нарса йўқ. Ўғри келган экан, тутдим!

Ҳурини онасига топшириб, қайтиб ҳовлига тушди. Бу орада Жаҳон хоним ҳаммани катта уйга йиққан, ўттизинчи чироқни ёққан эди. Офарида хоним ҳам шу ерда эди, оғилхонадан олиб чиқилган ўроғлиқ нарса ҳам. Ўроғлиқ нарсани очдилар. Ичидан бир неча шолча, гилам ва уйнинг бошқа қимматбаҳо ашёлари чиқди. Ҳамма мотам билан оворалигида Салим бу нарсаларни ўғирлаб оғилхонага обориб яширган, бугун ҳовлидан олиб чиқиб кетиш ниятида юрган экан. Бобош киши ўғирликдан қандай хабардор бўлиб қолганлигини ҳикоя қилиб берганидан сўнг, катта хоним Салимнинг юзига тупуриб, деди:

— Ёган ризқинг сенга ҳаром бўлсин! Тонг отсин, сени девонга ушлаб бераман!..

Шу пайт тепадан Салиманинг саросимали овози эшитилди:

— Ҳой, омон бўлгурлар, ёрдам беринглар! Қизим ҳушидан кетди...

Бобош киши тез тепага чиқди, уй ичига кириб, яна дарҳол ташқарига чиқди, Жаҳон хоним билан Офаридадан бўлак ҳеч кимни ичкарига йўлатмади.

— Тўлғоқ тутибди!— деди.— Иншооллоҳ, охири бахайр бўлсин!

Офарида уйдан чиқиб, хизматкорларига сув, идиш-оёқ ва бошқа зарур нарсалар келтиришни буюрди. Бир оздан сўнг ичкаридан заиф чақалоқ товуши келди:

— Кўрдингми, тирикми?— аллаким сўради.— Не-ча ойлик экан?

— Олти ойлик экан, тирик!— деганча Салима хизматкор келтирган тоғора билан иссиқ сувни олиб, эшикни ёпди...

Бобош киши ўғирланган гилам-шолчаларни ҳовлидан олиб чиқиб кетинга йўл қўймагани, совуқ қиш кечасида ҳаётини таҳликага қўйиб, Салим хизматкор каби бир ваҳший билан тўқнашгани Жаҳон хонимга қаттиқ таъсир қилганди. У Ҳурини эзиб, қўрқитиб, жинни қилиб қўйиш, боласини қорнида ўлдириш борасидаги паст ва қабиҳ ҳаёлларини унутиб, шамол турган совуқ кечада унга чин юракдан ёрдам берган, қўлига бола-ни ушлаб олган Салиманинг кўрсатмаларини худди оқсоч хотинлар каби бажариб, хизмат қилиб турарди. Гап уч-тўртта аъло идиш-товоқда, бир қанча атлас ва ипак парчаларда, ёстиқ ва адёл устидагина бораётгани йўқ эди. Булар қўлидан чиққани билан Жаҳон хоним бели букилиб, бойлиги камайиб қолмасди, улар кенг дала-тузларда ёйилиб юрган сурувлардан, мол билан лим-лим тўлган сандиқлардан, қаланиб ётган бойликлардан бир томчигина эди, холос. Салимнинг қилган ишини кечиролмаганининг сабаби бошқа эди. Ҳимоясиз, эркаксиз қолган уйга кеча қоронғилигида хоинларча кириб ўғирлик қилганлиги жуда огир ботганди. Салим хонадон соҳибсиз қолганлигини кўриб, уни секин-секин талон қилиб битириш фикрига тушганди. Бобош киши мана шундай қўрқинчли ва аблаҳ одамнинг йўлини кесиб, фидокорлик кўрсатди. Салим ташлаган қадам жуда хавфли, қўрқинчли қадам эди, зотан, кўп ўтмай бошқа қўли эгрилар ҳам шу ҳавасга тушиб қолишлари ҳеч гап эмасди. Ана унда одамлар орасида эркаксиз уй уй эмас, уни сақлаш қийин, Жаҳон қанча пиниқ бўлмасин, барибир хотин кишилигига боради, мол-дунёсини юлиб-юлқиб адо қиладилар, деган гаплар тарқаб қоларди...

Жаҳон хоним бундай сўзлар тез тарқалишини яхши биларди. Ундан кейин кучли ҳам, кучсиз ҳам бир нарсa ўмариб қолиш фикрига тушади, талон қилгани фурсат кўзлайди.

— Офарида хоним, шу яхшилиги учун Бобош қишига тўн кийдирсам арзийди!— деб эрталабдан эски кундошига мурожаат қилди Жаҳон хоним.— Бизни бир шўришдан сақлаб қолди! Ёмонларнинг шарру балосидан ўзи асрасин! Мен бу одамларни яхши биламан: бирови битта патингни юлса, бас. Сўнг ҳаммаси

бошингга ёпирилиб келади, тукингни битталаб юлиб олади! Оллоҳ ҳеч кимни буларнинг кунига қўймасин. Биттаси тишдаса, мингтаси этингга ёпишади. Буларнинг тилидан ҳам, қўлидан ҳам худо сақласин!

Жаҳон хоним сурма қўйилган қош-кўзларини ўйнатиб турган Офариданинг юзига қараб сўзларкан, бирдан гапини тўхтатиб, индамай қолди. Худди ажойиб бир сеҳргар келиб, бир оғ ичида Офаридани бошқа бир одам билан алмаштириб қўйгандай эди ва Жаҳон хоним мана шу бошқа одамга нима сабабдандир ёт кўз билан қарай бошлади. Бир зум олдин мулойим боққан кўзларидан энди газабли ўтлар сачрарди ва бу ҳам бесабаб эмасди. Офариданинг шолча ўғриси Салим билан яқинлиги бирдан Жаҳон хонимнинг ёдига тушганди. Ундан: «Ҳей, мол ўғрисини атлас кўрпангга олиб киргани уялмадингми? Унинг нимасига бунча қизиқдинг?» — деб сўрагиси келди. Лекин Жаҳон хоним бу саволни бермади, унга ўзи жавоб топишга уринди. Салим хизматкор қўллари катта ва бақувват одам эди, у беш кишилашиб ўрнидан қўзғатолмаган юкларни бир ўзи ердан барала кўтариб, аравага ортиб юборарди. Икки оёғини озгина кериб турганида уни саккиз одам ўрнидан қўзғатолмасди. Ташқаридан кенг елкаларига қараган одам Рустам Зол тирилиб келибдими, дерди. Офаридага ўхшаган хотинлар унинг эркаклик қудрати олдида бошларини йўқотиб қўярдилар. Жаҳон хоним шуларни хаёлидан кечирди ва хаёлларига чек қўйгандай қилиб, деди:

— Ҳайронман, Бобош киши бечора ўзини бу айиқнинг қўлидан қандай қилиб қутқардийкин? Қўлига тушса, бўйнини чумчуқдек узиб ташларди...

Жаҳон хоним нима деса, Офарида боши билан тасдиқлаб турарди. Унинг бу одатини Жаҳон хоним бир жиҳатдан ёмон кўрар, яна бир жиҳатдан ёқтирарди. У Офаридага суяниб қолганди. Ҳар ҳолда, Офаридани истаган томонга суриш мумкинлигини у яхши билар ва шунинг учун ҳам ундан кўнгли тўқ эди. Офарида Ҳури каби чарс эмасди.

Эндиликда Жаҳон хоним Ҳури билан душманчиликка чек қўймоқчи эди. Бола ўсиб борарди. Бола бўлганда ҳам бошқалардан фарқли бола эди, олти ойлигида туғилганди. Бундай чақалоқлар ҳақида у жуда кўп гаплар эшитган. Улар зийрак, ақлли, саодатли

бўладилар! Жаҳон хоним эшитган наъл ва ривоятларда олти ойлик чақалоқлар бошқа чақалоқларга ўхшамайди, дейилган. Уларнинг толелари бошқа бир тарзда ёзилади, улардан қўрқмоқ лозим. Ҳар ҳолда, бу чақалоқ ҳақида ўйлаганида Жаҳон хонимнинг юрагида туманли бир ҳиссиётлар кезинарди. Бу ҳиссиётлардан у ваҳимага тушарди. У буларнинг ҳаммасида асрорангиз бир кайфият, қудрати илоҳийнинг англаб бўлмас бир иродасини кўрарди. Бобш кишининг қилган яхшилиги, туғилган чақалоқнинг тирик яшаётганлиги, жуда тинч, соғлом, йиғи-сигисиз ўсаётганлиги, муқаддас китобни очганда унинг бахтига Соҳиб исмининг чиққанлиги — булар бари Жаҳон хонимга жуда маъноли бўлиб кўринар ва Ҳури билан чиқишиб яшамоққа даъват қиларди...

Жаҳон хонимга азоб берган фикрларнинг ҳаммасини отаси Илёсбек яхши тушунар ва унинг ўзи ҳам бу ишларнинг барига «сирри илоҳий» деб қараганидан «худога хуш келадиган» иш қилиш кераклигини маслаҳат кўрарди. Ҳар томонни узоқ ўйлаб кўрганидан кейин, ниҳоят Илёсбек Муҳаммад Ризобекнинг тул қолган хотини Ҳури хонимни ўзининг кичик ўғли Сафиқулига олиб беришни лозим кўрди. Бу маслаҳатдан ҳамма хурсанд бўлди. Учта хотини бўлган, лекин шунга қарамасдан, кўзини тагин бошқа хотинлардан узмаган Сафиқули дарҳол розилик берди. У Ҳурининг гўзаллигидан ва ворислик ҳуқуқи борлигидан хабардор эди. У ҳам «рус офицерларининг Муҳаммад Ризобекнинг беvasига алоҳида марҳамат кўрсатганликларини» биларди. Бундан ҳам асослироқ сабаб шу эдики, Сафиқулибек Ҳури хонимга жуда қаттиқ мойил эди. Лекин Ҳури уни ҳатто яқинига ҳам йўлатмасди. Эндиликда отасининг ўзи Ҳурини унга олиб бериш фикрига келганлигидан Сафиқули нима бўлса бўлсин, «оқ кабутар»ни қўлга киритиш пайида бўлиб қолганди. Қариянинг фикри бутун оила аъзоларига жўяли бўлиб кўринди. Улар Ҳури жон-жон деб розилик беради, деган фикрда эдилар. Назарларида Ҳурининг бошқа иложи йўқ эди. Ҳурининг отаси Бобш киши миришкор боғбон эди. Оиласини неча йиллардан бери ўзи парвариш қилиб, экиб-тикиб ундирган боғнинг ҳосили билан боқарди. Ҳеч кимдан бўйни қисқ ери йўқ эди. Бировнинг мерос, мол-мулкига кўз

ҳам тиккан эмас эди. Ҳатто бир неча марта Ҳурига: «Қизим, қўй ўша ерни, ўзимизникига қайтиб кела қол, бирга яшайверамиз»,— деб айтганди. Ҳури розилик бермаганди. У Жаҳон хоним каби инсофсиз одамлар ҳуқуқларини поймол қилишларини истамасди.

Илёсбек бу боғ Бобошнинг ҳаёт томири, тирикчилигининг асоси эканлигини билар ва бир кун келиб шу боғ важдан уни оёқдан олишни кўзлаб қўйганди. Боғни бир замонлар Бобошнинг отаси Илёсбекнинг отасидан сотиб олган эди. Бир неча йил ўтгандан кейин боғнинг ҳақи хусусида ўрталарида жанжал чиққан эди. Бой пулнинг ҳаммасини бермадинг, деди. Деҳқон эса, бердим, деди. Қишлоқ мулласи жанжални қуръа ташлаш йўли билан ҳал қилди. Деҳқон сизгирни сотадиган ва мулла кесган пулни бойга берадиган бўлди. Бу пулни ҳам бой писанда билан олди, худди бу ишлар жуда кўнгилга уриб кетган одамдай, деҳқонга: «Бу берганларинг қарзингнинг бешдан бичирича ҳам бўлмайди, фақат сен учун майли, кечди!»— деди. Лекин қуриб, пугурдан кетган боғ ўрнида яшнаган мевазор бино бўлганидан кейин, бой томоннинг одамлари яна ўша эски гапни қўзғадилар, боғни Бобош кишидан тортиб олмоқчи бўлдилар. Эндиликда Илёсбек билардики, бу масала кўтариладиган бўлса, Бобошга ўхшаган одамлар бир қизи у ёқда турсин, ўн қизидан ҳам кечиб юбориши мумкин. Фақат боғ қўлдан кетмаса бас. Сафиқули билан никоҳ ўқитиш ҳақида Ҳури билан гаплашишни Жаҳон хонимга юкладилар. Жаҳон хоним ўша оқшом Ҳурининг ёнига чиқди. Ҳури чақалоқнинг беланчагини ёнига олиб келиб, ипак йўргакка ўраб, оғзига кўкрак солаётган экан. Жаҳон хоним келиб тахтанинг устига ўтирди. Ҳурини ийитиш учун гапни узокроқдан бошлади:

— Ҳури, худо ҳаққи, ажойиб бола бўлади ўғлинг. Тинчгина ётади, кўзларида ўт бор. Худди отасининг кўзлари дейсан. Шундай болалар бўладикки, эси пастлиги учун тинчгина ётади. Бола бошдан дегандай, сенинг ўғлинг унақа эмас. Бахтли бўлсин.

Ҳалигача Жаҳон хонимга ишонмаган, ундан ҳаминша заҳарли бир сўз, бадхоҳлик кутган Ҳури: «Бу яна нимани бошлаб келдийкин?»— деб ўйлаганча, боласига яхши тилак билдирган Жаҳон хонимга ташаккур айтди:

— Соғ бўлинг. Сиз ҳам болаларингизнинг бахтини кўринг!..

Бола она кўкрагида ухлаб қолди. Ҳури уни қўш ўриннинг бирига ётқизди. Жаҳон хоним кўзини қийиб, Муҳаммад Ризобекнинг эгасиз қолган тўшагига қаради. Оҳ чекди:

— Фалакнинг иши қурсин. Сендай ўн гулидан бир гули очилмаган нозанин жувон бева қолса...

Ҳурининг кўнглида шубҳаси ортди, қаттиқ ташвишга тушди ва саволомуз Жаҳон хонимга қаради. Жаҳон унга ёнидан жой кўрсатиб, оппоқ, юмшоқ билагидан ушлаб, ўтқизди:

— Ҳури, қазову қадарнинг ҳукмини билиб бўлмайди. Ҳамманинг бошида бор бу савдо, ҳа... Атрофда қанчадан-қанча оилалар бошсиз қолди. Ким ўз ажали билан ўлди, ким урушда, ким жанжал-савашда ўлди.

Ҳури индамай-нетмай ўтиравериш яхши эмаслигини ҳис этиб:

— Нима қилайлик, бахтимиз ўзи қаро...— деди.

Жаҳон хоним эътироз қилди:

— Худо сақласин, а-а-а! Мен ундай десам ярашарди, сен ҳеч қачон ундай дема!— У меҳрибончилик билан Ҳурининг иккала қўлидан ушлаб, силай бошлади, унга рўпара ўтириб, кўзига тик қаради.— Ҳури, сенинг олдинга келгунча тоза юрагимни кемириб адо қилдим, бораими, бормайми деб. Охири бошқа иложим қолмади, ўзимни сенга опа санаб келдим. Балки сўзимни ерда қолдирмассан, дедим. Тўғри айтибманми?..

Ҳурининг юраги сиқила бошлади: «Нима гапи бор экан?»

— Айтинг, Жаҳон хоним, қўлимдан келса қилай айтганингизни.

— Вой, тилгинам кесилсин сенга қилолмайдиган ишни айтсам. Фақат сен олдиндан сўз бер, сўзингни ерда қолдирмайман, де. Сўз бер, кейин айтаман...

— Ахир, қандай қилиб сўз бераман, нима дейишингизни билмасам?!

— Ҳури, менинг укам Сафиқулини, худога шукур, танийсан, Сафиқулининг кўнгли бор сенда...

Ҳури қўл-оёғи титраётганини, тиззаларида қувват

қолмаганини, жисми совиб, ўтирган ерида қимирлолмай қолганини ҳис этди.

— Учта хотини бор-ку... Катта бўлиб қолган болалари бор...

— Бўлса нима қилибди, Ҳури?! Сафиқули болаларим, хотинларим ҳам бир менга, Ҳури ҳам бир менга, дейди! Ҳурини кўзимнинг устида сақлайман, боласини ўз пушти камаримдан бўлган болалардан кўра яхшироқ боқаман, дейди. Ўзининг ҳам қандай йигит эканлигини биласан, анов-манов деган азаматлар унинг олдида ип эшолмайди. Қўлига милтиқ олса, кўкда қушнинг қанотидан, ерда отнинг тақасидан уради. Папогани қошига бостириб даврага тушганда атрофдаги қиз-келиндарнинг юрагига титроқ тушади!

— Оллоҳ охиригача уни шундай сақласин!— деб жавоб қилди Ҳури хоним.— Муҳаммад Ризобекдан кейин мен ҳеч кимга эрга тегмайман. Аҳд қилиб, онт ичганман. Қасамимни бузсам, оллоҳнинг қаҳрига қоламан.

— Оллоҳнинг ғазабидан қўрққан одам сенинг ёшингда тул қолиб, уйда ўтирмайди. Қайси муллага, қайси китобга ишонсанг, бор, сўра, ёш вақтида бева қолиб, сўнг эрга тегмаган хотиннинг туноҳи Шумурдан кўпроқдир..

Жаҳон хоним кўп гапирди, лекин гаплари Ҳурининг қулоғига кирмади. Ялинди-ёлворди, дўқ қилди, ҳеч нарса таъсир қилмади. Шу гап яна кўп кунлар, ҳафталар, ойлар такрорланди. Жаҳон хонимнинг умидини узмаганига яна бир сабаб — Ҳурининг ота-онаси ҳам шу никоҳга бўлишмоқда эдилар. Бобош кишига бу гапни Илёсбекнинг яқин кишиларидан бири Турсун етказган эди. У бир гал расмий совчи ҳам бўлиб келганди. Турсун ҳам бек уйининг яқини, ҳам Бобош қатори оддий деҳқон каби гап очган эди.

— Қизингнинг розилигини ол, булар шу фикрга келишибдими, энди орқага қайтишмайди. Ҳали бунинг устига минг хил найранг кўрсатишади. Қизининг ўзини ҳам бахтсиз қилиб қўйишади. Сенинг қўлингдан нима келарди? Ахир, буларга қарши туриб бўлармиди?!

Бобош киши билан Салима ўтириб, талай вақтгача минг турли кўчаларга кириб чиқдилар, қизларини узатишдан бошқа илож йўқлигини кўрдилар. Шундан

сўнг Салима қизига деди: «Қизим, банд-бара боғла-  
нибди... Ўзингга ҳам раҳминг келсин, бизга ҳам...»

Ўури шундан сўнг ҳам рози бўлмаганидан кейин,  
Жаҳон хоним уни қисти-бастига олди. Ҳар кун, ҳар  
соат қулогига гап қуярди. Одамнинг бир юзи очилма-  
син. Юзи очилгандан кейин ҳаёсизликнинг олдини  
олиш қийин. Лекин Ўури хоним ҳам бўш келадиган-  
лардан эмасди. Охирги марта Жаҳон хоним яна шу  
ҳақда сўз очганида, унинг сўзини ярим ерда қолди-  
риб, боласини кўтариб, хонадан чиқиб кетди. Ҳаво  
яхши, кун чиққан эди.

— Вой, Жаҳон хоним, гапларингиздан чарчаб кет-  
дим. Мунча сўзнинг чуругини чиқармасангиз?

Жаҳон хоним унинг қўлидан ушлаб тўхтатди:

— Тузини еб, тузлигига тупурган ёнга ўхшаган  
бўлади!..

— Шу вақтга қадар бизга бундай гапирган одам  
бўлмади. Бизнинг еган нонимиз отамнинг кафтида  
битади. Ҳалол бизга!

— Ўури, худо ҳаққи, бу сўзларингдан кейин қат-  
тиқ пушаймон бўласан. Бобонг бўлиб, отанг бўлиб, ҳа-  
лиям бизнинг боғнинг қарзини тўлаб битирган эмас.  
Тилхатимиз бор!

— Бу эски гап, янгирогини топинг!— деб Ўури  
ҳовлига чиқди.

Жаҳон хоним унинг бунчалар назар-писанд қил-  
май гапиришидан кузги лавлагидай қизариб кетди: <

— Майли унда, сен Ўури хоним экансан, мен  
Жаҳонман. Ким кимни эгиб синдиришини кўрамиз.

Ўша кечаси Илсбек Бобош кишини ёнига чақир-  
тирди. Боғни қайтариб беришни талаб қилди. Бобонг  
киши қоврилиб-ёниб, қанча ялиниб-ёлвормасин, Илс-  
бек юмшамади. Ниҳоят, қишлоқ мулласига бир қоғоз-  
ни олиб чиқиб кўрсатдики, бунга кўра боғнинг пули  
берилмаган бўлиб чиқди, Илсбекнинг боғни қайта-  
риб олишга тамомла қонуний ва шаръий ҳаққи бор  
экан. Бир куни Илсбекнинг одамлари келиб, Бобош  
кишининг қақир-қуқурларини кўтариб, боғдан олиб  
чиқиб ташладилар. Шундан кейин Бобош ҳам ғазаб-  
ланиб, девон-идораларга шикоят қила бошлади. Буни  
кўрган Илсбек ўгли Сафиқулини чақириб, йўл-йўриқ  
кўрсатди, Салим хизматкорни бу ишга тортишни мас-  
лаҳат берди.

Бир оқшом Сафиқули Жаҳон хоним «ўғри!» деб уйдан қувган Салимни ўз уйига чақиртирди.

— Менга қара, сен битта отни даст кўтариб отиб юборадиган одам бўлсанг. Индамай тураверсанг, отинг ўғрига чиқади, бошингга мағзава ағдарилади. Мен тунов кунни билиб қолдим, бутун ўша қангамани бошлаган Бобош киши экан. Шолчаларни олиб кетмоқчи бўлгану қўлидан келмаганидан кейин, сенинг устингга ағдарган, бунинг бўйнига тушсин, деган.

Салим хизматкор қанчалар бақувват бўлса, маънавий жиҳатдан шунчалар бузгун ҳам эди. Ҳар қандай аблаҳликка тайёр эди. У ўзича, ўз кўнглида ўзини кўп бойлардан, давлатмандлардан ақлли, чапдаст, устун деб биларди. Камбағал қишлоқи бўлиб тугилганидан толеига лаънат ёғдирарди. Қўлига бир оз сармоя, бир-икки қишлоқни киритиш учун ҳар қандай олчоқликка ҳозир эди. «Агар давлатим бўлса, бу жамоат бугунги паст ишларимни эртага ҳам яхшиликка йўяди!» — деб бекларнинг қаторига кириш учун йўл ахтарарди. Сафиқулининг сўзларидан ўзи орзу қилган йўл очила бошлаганлигини англади.

— Сафиқулибек, Жаҳон хоним ёки сиз менга бир огиз сўз айтсаларингиз бас, ўлсам ҳам икки қилмаيمان!.. Ўша пайтда индамай кетганимнинг боиси ҳам шу!

— Дарров Жаҳон хонимнинг ёнига бор! Югурдакларни йиғ, ҳамманинг олдида воқеа қандай бўлганини гапириб бер. Жаҳон хоним сени хизматкорлар ва чўпонларнинг устидан бошчи қилиб қўяди. Хотин киши заифа, унинг отда юриб, яйлов, қишлоқ айланиши, сурув текширишидан нима фойда бор! Ҳаммасига ўзинг бош бўласан!

— Бош устига! — Салим хизматкор таклифга рози бўлганини англатиб, ҳар икки қўлини кўзларининг устига қўйди. Сафиқулибекнинг этагидан ўпди-ю, зудлик билан Жаҳон хонимнинг олдига йўл олди. Улар бир-бирлари билан кўришганидан кейин бир неча кун ўтгач, ўша ҳовли, ўша Олабош боғланган ит уяси олдида даҳшатли бир ҳодиса рўй берди...

Кеч кира бошлаган пайт эди. Хизматкорлар подадан эндигина қайтган эдилар. Сигирлар, мол-қолни жой-жойига қўйиб, ҳовли, уйларни йигиштиришга тушган эдилар. Хизматкор Салим яйловдан қишловга

кирган қўй сурувларини кўздан кечириб, бўз отини ҳовлига бурди ва эгардан сакраб тўшиб, от жиловини хизматкорлардан бирига тутқазди. Айвонга чиқиб, пиллапоя олдида бутун ишларни кўздан кечириб турган Жаҳон хонимнинг ҳузурига келиб, алоҳида бир эҳтиром билан деди:

— Хоним, худога шукур, ҳаммаси саломат, ҳар нарса ўз режасида, биронта қўйнинг ҳам бурни қонамаган... Яна қандай хизматингиз бор?

Жаҳон хоним тили билан жавоб бериш ўрнига кўзини ўйнатиб эшикни кўрсатди. Салим хизматкор ўша томонга юрди ва хотини билан ичкарига кирган Бобош кишини кўриб, шоп қора мўйловини бураб «иҳҳий!» деди. Бобош киши яқинлашиб, салом берди. Лекин хоним ҳам, бошқалар ҳам ўнинг саломига жавоб бермадилар. Салим эса олдинга ўтиб, унинг йўлини тўсди:

— Ҳей киши, жўна бу ердан! Бу ерга оёқ босгани уялмайсанми? Балки ўшанда олиб кетолмаган нарсаларингни энди ўнгариб кетаман деб ўйлаяпсанми?

Бобош киши гап нимада эканлигини биларди. Салимнинг бу ҳаракати унинг учун қутилмаган бир ҳол эмасди. Оғир, қутулиб бўлмас бир аҳволга тушганини, ўзини Жаҳон хонимдай одамнинг қўлидан саломат қутқариб кетиши мумкин эмаслигини билгани учун бундан ҳам оғир фалокатларни матонат билан қаршилашга тайёр бир одамнинг босиқлиги билан деди:

— Салим, бандадан қўрқмасанг, оллоҳдан қўрқ! Аҳволим ёчор эканлигини билиб туриб, сен ҳам устимга бўҳтон ёғдирма. Бир кун келиб ҳамма нарса хонимга равшан бўлади, унда нима деб жавоб берасан?

— Ҳали сен мени қўрқитяпсанми, қари тулки? Менинг устимга бир ботмон ахлат отган чоғингда оллоҳ демаган эдинг-ку!— Салим унинг устига бостириб борган эди, Бобош киши Жаҳон хонимга қараб, деди:

— Хоним, тепамда худо бор, пастда сиз турибсиз, бундай адолатсизликка йўл берманг! Бу Салимнинг қандай одам эканлигини ўзингиз яхши биласиз!

— Ўзингиз амр қилинг, мен билмайман!— Жаҳон хоним уйига кириб кетди. Салим нима қилиши кераклигини биларди. Бақувват қўли билан Бобошнинг бўз кўйлагининг ёқасидан тутди.

— Қандай одам эканман? А, қандай одам эканман?

Бобош киши ўзини орқага ташлади, лекин айиқдай кучли бўлгач Салимнинг қўлидан чиқолмади, шунда куни битганлигини сезд:

— Ўғрисан! Қаллобсан! Малайсан! Дев бўлсанг ҳам, малайсан!— деб қичқирди.

Бу товушни эшитиб, Ҳури айвонга чиқди. У чақалоқни эндигина эмизиб, тўшакка ётқизган эди. Ҳали устидаги сариқ ипак кўйлагининг тугмасини ҳам қадаб улгурмаган эди. Отасининг ёқасини Салимнинг қўлида кўриб, айвондан қичқирди:

— Салим, қўйвор уни! Қўлингни торт ундан!

— Болалар, бу туллак менга нима деганини ҳаммаларинг эшитдинглар! Бунинг қони менга ҳалол бўлди!— Салим Бобошнинг ёқасидан бўғиб олди ва ўнг қўлини кўтариб, унинг чаккасига мушт туширди. Бобош киши танаси болталанган дарахтдай ерга қулади. Салим дарҳол эгилиб, унинг ориқ бўғзига чанг солди, пар кўтаргандай кўтариб ҳавода айлантирди ва ит уясининг деворига парчинлаб урди. Пишқириб отилган қон деворларни қизил рангга бўяди. Нарироқда турган Салима билан тепада турган Ҳурининг юраги қинидан чиқиб кетди... Лекин Ҳури ҳушига келди-ю, Салима ўзига келмади. Эртасига эр-хотин икковларини ёнма-ён қилиб кўмиб келдилар. Яна бошдан-оёқ қора кийган Ҳури қабристондан қайтганида, ҳамма бу бахтиқаро келин энди буткул телба бўлиб қолади, дерди...

## УЧИНЧИ ФАСЛ

### 1

Қисматнинг омонсиз зарбалари ортгани сари, туғма яшовчанлик, нурли ҳаёл қувватига эга бўлган одамларнинг руҳи мустаҳкам бўла боради ва мана шу руҳий бардамлик жисмоний кучининг ортишига, дарда-аламларга бардош беришига ёрдамлашади.

Эндиликда Ҳурининг оғир, алам-изтиробга тўлиқ тақдири бир томонда турса, ҳаётининг умиди, юрагининг қувват-мадори бўлган гўдак фарзанди иккинчи

томонда туриб, уни толенинг зарбалари қанчалик раҳмсиз бўлмасин — ҳаётни давом эттиришга даъват этар, кутилмаган қийинчилик ва мушкулликларга чидаш учун унга куч-қувват багишларди. Онасининг бошига тушиб турган бутун фожиалардан хабарсиз гўдак кўкракдан эмган ҳаёт шираси билан жонлана борар, секин-секин сутли овқатлар ейишга ўрганар, йирик қора кўзларини очиб онасига қараб кулар, бешикда эркин ётган пайтларида оёқларини кўтариб, қўллари билан тутар, ўйнар, оёгининг бармоқларини оғзига обориб сўрар, она юзига боқиб тез-тез қиқирларди. Ҳури ихтиёрсиз суратда унинг қиқирлашларига жавоб берар, қўллари билан гўдакнинг дудоқлари, ёноқлари, бўйниларига тегиб, уни кулдираб, боласи билан овунарди. Ҳури ўз дардлари билан бўлиб бадбинлашиб қолишга, боласининг қиқир-қиқирлари ва эркаликларига жавоб бермасликка ҳаққи йўқлигини яхши тушунарди. Бу вақтларга келиб, ота-онасининг фожиона ўлиmidан сўнг Жаҳон хоним уни ўз ҳолига қўйган, безовта қилавермасди. Сафиқули хусусида ҳам бошқа ҳеч оғиз очмади.

Лекин Илёсбекнинг одамлари гўё бошқа дардлари йўқдек, доимо ўзи ҳақида ўйлашаётганидан Ҳурининг хабари йўқ эди. Зотан, Илёсбек қўрқиб юрган нарсарўй берганди: бутун эл-юрт уларнинг инсофсизлигидан, ҳимоясиз, бечораваш, куч-қувватдан қолган чолкампирини абгор қилиб ўлдирганларидан гапирарди. Аҳвол мана шундай эди, шунинг учун ҳам Илёсбек бир куни «ўша қанжиқнинг кучукчасини беланчагида бўғиб, ўзини оғзига рўмол тиқиб, босиб олиб келмоқчи» бўлиб гапирган Сафиқулини қаттиқ койиб берди:

— Ҳайвонлик қилма!— деди у ўғлига.— Ҳар нинда тадбир керак. Сабр қилайлик, сал тинчисин, гап-сўзлар босилсин, сўнг кўрармиз яна...

. Сафиқулининг миясига бир фикр ўралашиб олган, бу фикр уни тинч қўймасди. У тенг-тўш, ёр-дўстлари орасида обрўйини йўқотгандай бўлиб юрарди. Назарда, ҳамма, қандай эркаксан ўзинг, битта бева хотинга бас келолмадинг, ҳамиятинг бўлганда уни аллақачон босиб келган бўлардинг, деяётгандай эди.

Сафиқули неча бор отланган, Ҳурини босиб олиб келмоқчи бўлган, лекин тадбиркор Илёсбек уни қайтарган: — Тинч юр, аҳмоқ бўлма!— деган эди.

«Оқ кабутар» Жаҳон хонимнинг кўзига ҳам худди тиканадек ботарди. Ота-онаси ўлганидан сўнг Ҳури бу ҳовлидаги деярли ҳамма билан салом-аликни йиғиштирган, хусусан, Жаҳон хоним билан Салимни на кўргиси келар, на уларнинг кўзига кўринарди. Бир ой, беш ой, бир йил, икки йил ўтди. Ҳури шу тахлитда юраверди. Эл-юрт орасида ҳам гап-сўзлар кесилиброқ қолди. Бир оқшом Жаҳон хоним яйловда Салимни олачуқ капасига чақирди. Безакдор ўтовда яланг ипак кўйлак кийган ҳолда ёстиқча суяниб ётаркан, деди:

— Салим, ёниб кетяпман, билмайсан...

— Худо сақласин, хоним. Сизни ёндирган ўт менинг юрагимга тушсин!..

— Ўзинг топ-чи мени ёндирган ўтни?

Салим хонимнинг шўхлиги тутиб турганлигини, ҳатто кўзларида аллақандай учқунлар ўйнаётганлигини кўрди.

— Қандай топай, айтинг, хоним...— Салим шўх кўзлари билан хонимнинг ярим очиқ умузларини, очилиб қолган ёқасидан кўринган бўйнини, кўйлак тагида тўлқинланган қўкракларини ҳирс билан томоша қилди. Жаҳоннинг бадани ҳали-ҳамон тароватини йўқотмаганлигини ҳис этди:— Худо шоҳид, хоним, сиз қандай ўт ёқмоқчи бўлсангиз, мен ўша ўтингизга қаланмоқча тайёрман!

Жаҳон хоним Салимнинг тоғ ҳавосида қорайган танига, бақувват қўлларига ва кенг кўксига аллақандай қилиб қаради-да, овози титради:

— У кейинроқ, Салим... Ҳозир мени ўртаб турган ўша шумур қизи...

— Ижозат беринг, бир кечада бутунлай йўқотаман, ҳатто изини ҳам қидириб топишолмайди.

— Бор, Салим, кет. Одамга шундай қарайсанки, худди еб қўяй дейсан... Кет!— Жаҳон хоним яширинмоқчи бўлгандай кўрпанинг тагига суқилди...

Салим чиқиб, атрофдан хабар олди, чўпонларнинг олдига борди. Тоғда юлдузлар кўринди. Ҳамма ётди. Бир оз вақт ўтди. Салим ўрнида ётолмади, чопонини елкасига ташлаб, оҳиста келиб Жаҳон хонимнинг олачуқ капасининг эшигини итарди... Эшик занжирланмаган экан. У тусмоллаб ичкарига кирди. Қоронғида бир оз туриб қолди. Жаҳон хоним пишиллаб ух-

лаб ётарди. Салим, у уйгоқ бўлса керак, лекин атай ўзини ухлаганга сояпти, деб ўйлади. Эти жимираб кетди, журъат билан ётоққа кирди ва Жаҳон хонимни қучоғига олди. Хоним шу заҳоти унга илондай чирмашди. Бир оздан сўнг Салимнинг қорнига секингина тепиб, эшик томонга италади:

— Бундан кейин менинг олдимга ювинмасдан келма, сендан қўй иси келади.

Хоним Салимга жуда ҳам ширин ва жозибадор кўриниб кетди. У шунчалар ҳазз кайфиятида эдики, ўзини худди еттинчи осмонга чиққандай сезарди.

— Бош устига, хоним!— деб яна унга яқинлашди, бўйнидан қучоқлади, гулоб мазаси келган зулфларидан, юзидан, кўкракларидан ўпди. Салимнинг ҳароратли бўсалари хонимни яна беҳуш қилиб қўйди.

— Мунча қизиб кетмасанг, Салим!— деб ялангоч қўлларини кўрпа остида чиқариб, хизматкорнинг бўйнидан қучоқлади ва у кутмаган бир эҳтирос билан дудоғини дудоғига босди. Салим яна кўрпанинг тагига кирмоқчи бўлди, лекин хоним кўнмади.

— Бор, ўчоқ устида иссиқ сув бор, ювиниб кел...

...Бир йилдан кейин хизматкор Салим Жаҳон хонимга уйланди ва энди Салим оға деб чақирила бошланди. Уларнинг никоҳига Илёсбек ҳам розилик берганди.

— Зийрак одам, Жаҳон хоним билан қўлни қўлга берса, давлатлари янада зиёда бўлгай.

Бу ғайри оддий никоҳ йиллар бўйи Салимнинг юрак қатларида бўғилиб ётган ҳавас ва истакларнинг юзага чиқиши, очиқ ҳавода қуёш нурлари тагида яшнаб, чангал бутаси каби тўрт тарафга шох ташлаб кўкармоғи учун талай имкониятлар яратиб берди. На Жаҳон хоним ва на соч-соқолини ҳийлакорликда оқартирган, умрини ҳаёт майдонида гоҳ бировга ҳужум этиб, гоҳ орқага чекиниб, нотинч, беором муборизаларда ўтказган, дунё кўрган Илёсбек ўз қўллари билан ўз ерларига қанчалар заҳарли бир дарахт ўтқазганларини билмай қолдилар. Салим оға етарлича ақлли, ҳушёр ва ҳийлакор эди, албатта. Оёғини ерга адл қўйиб, баланд чўққининг зиналарига маҳкам чиқа бошлаган пайтларида жон-танини аямай ўзига яхшилик қилган одамларга — Илёсбекка, Сафиқулига, Жаҳон хонимга хизмат қилиши кераклигини биларди,

уларнинг кўнгилларига келган ҳар бир нарсани оғизларидан чиқмасданоқ муҳайё қилишга тайёр эди. Ҳа, уларнинг дўстлари билан дўст, душманлари билан душман бўлади. Бу душман мабодо ўз отаси бўлса, ҳатто унинг ҳам бўйнини қайириб ташлайди.

Мана шундай бир одамнинг Муҳаммад Ризобекнинг ўрнини эгаллагани, унинг мол-мулкига эга чиққани, унинг хонадонидида оғалик мавқеига кўтарилгани ҳаммадан аввал Ҳури хоним учун фалакнинг энг оғир, шаддод ўйинларидан бир эди.

Неча йиллардан бери бу хонадонда ҳеч ким билан очилиб гаплашмаган, энг садоқатли одамлари ҳам қўрққанларидан у билан совуқ муомалада бўлганларини кўрган Ҳури энди тинч бўла олармиди? Шу вақтгача ҳам у бир пиёла сувни синамасдан ичмас, хусусан, боласига бермасди. Заҳарлаб қўйишмасин тагин, деб қўрқарди. Соҳиб эса ҳаётининг бирдан-бир порлаган чироғи эди. У катта бўлгани сари кўркамлашиб борар, қора, қалин сочлари уни янада хушбичим қилиб кўрсатарди. Қип-қизил ёноқларида, қора кўзларида ақл нишонлари рўй-рост кўринар, нур жилваларди. Ҳури фақат уни деб яшарди. Соҳиб борлиги учунгина бу дунёда офтоб бор эди, баҳор келарди, гуллар очиларди, булбуллар сайрарди. Соҳибсиз дунё унинг учун абадий зулмат эди. Салим ога бўлиб қолганидан сўнг Ҳури ҳаммадан бурун Соҳибнинг бошига бир нарса тушмасин деб қўрқарди. Лекин Илёсбек ҳам, Жаҳон хоним ҳам, Салим ҳам мусулмон эканликлари сира ақлига келмасди. Мусулмон бандаси эса балоғатга етмаган болага қасд қилмайди. Ҳали катта бўлсин, нима қилишни ўзлари билишади, ҳозир эса Ҳури хонимнинг ўзидан бошқада адоватлари йўқ. Уларнинг фикри ёди нима қилиб бўлса ҳам, Ҳури хонимни ўзларига тортиш эди. Сочларига бевақт оқ тушгани, аввалги фараҳли юзи энди доимо ўйчан, хаёлчан боқадиган бўлиб қолгани билан Ҳури ҳали жуда ёш, айни тўлишган, жазоибодор бўлган пайти эди. Шундай экан, Сафиқули қандай қилиб ундан воз кечиб кета оларди?!

## 2

Кўч тоғдан қайтарди. Йўлларга илк куз ёмғирлари ёғиб ўтган, ўйдим-чуқурларда кўлмакчалар ҳосил

бўлганди. Ёзда кўз ёшидай тип-тиниқ бўлиб оққан ёйлар энди сап-сарик тупроқ рангига кирган. Тоғларнинг бағридан, даралардан эсаётган намхуш шамол одамнинг баданини увиштиради. Тоғлардан сафо кўтарилган. Одамлар кўч-кўронларини ортиб, сурувларни пастга ҳайдаб келишарди. Баланд, тик қоялар тагидан, тоғ ёнбағирларидан бурилиб, дам кўзга кўришиб, дам кўринмай кетадиган йўл ғоятда оғир эди. Оти йўл бўлса ҳам, ўзи йўқ эди. Аслида у кўчманчиларнинг, чорвадорларнинг, яйловга келиб-кетадиганларнинг, чўпонларнинг, от-араваларнинг, қўй-қўзи, мол-қайвоннинг топташи натижасида шу аҳволга келганди. Бундай йўлда ҳўкиз қўшилган арава у ёқда турсин, тўриқ отлар қўшилган юмшоқ фойтонда юриш ҳам одамни анча қийнаб, эзиб қўярди.

Бадани пишиқ ва доим тетик юрадиган, ҳеч қачон яйловга қатнаб чарчамайдиган Жаҳон хоним ҳам бугун йўлнинг оғирлигини ҳис қилди. У безакдор, серҳашам ажойиб отлар қўшилган фойтоннинг бир чеккасида ярим узала тушиб хаёлга толган, нимадандир юраги сиқилмоқда эди. «Об-ҳаводан шундай бўлаётгандир, туман билан булут кўз очиргани қўймайди»,— деб ўйлади. Жаҳон хоним фойтон олдида ўтириб, уни бошқариб бораётган Салим оғанинг адл елкасига қараб-қараб қўяр ва қарагани сари хаёлига ғалати фикрлар келарди: «Худойимнинг ишларини билиб бўлармиди? Тақдирни қаранг! Илёсбекнинг қизи, Муҳаммад Ризобекнинг хотини бир кун келиб яланг оёқ хизматкорга тушади деб кимнинг хаёлига келибди?!»

Жаҳон хоним бу ғалати никоҳни кўпроқ сарин тоғ кечасида, танҳо чодирдаги совуқ тўшакни ўт-олов билан ёндирган қизғин бир эҳтироснинг, ваҳший, ҳароратли бир ҳаваснинг натижаси эмас, бадки илоҳий қудратнинг ҳукми деб изоҳлашга мойил эди. Ушбу ғалати, англаб етиш қийин бўлган тасодифни у оллоҳнинг иродаси, қолаверса, пешанага тушган насиба деб ҳисоблаб, ўзига таскин-тасалли берар ва Салимнинг хизматкор бўлганлигини, унинг қора ва паст ўтмишини унуттишга уринарди. Гўё эрининг бу ўтмиши Жаҳон хонимни таҳқирлар, эл-юрт кўз ўнгида унинг обрў-эътиборини пастга урарди. Шунинг учун ўзича бир ривоят ҳам тўқиб чиқарганди: гўё Салимнинг қайси-

дир бобосининг томирида бекларнинг қони бор эмиш, унинг паҳлавонларга ўхшаши, кўрган киши қўрқиб, зириллаб туриши ҳам шундан эмиш. «Худди менинг дадамга ўхшайди, ҳеч қаери бизнинг наслимиздан қолишмайди». Лекин қанча ҳаракат қилмасин, Жаҳон хоним унинг хизматкор бўлганлигини ҳеч унутолмасди. Ҳатто кўп вақтлар ўзи истамаган ҳолда унга худди хизматкордай муомала қилар, иш буюрар, бақириб-ўшқириб берар, ҳурматсизлик қилар, кейин ўзи бундан хижолат чекарди. «Ахир, эр билан бундай муносабатда бўлишни худо таоло ҳеч қачон кечирмайди, нима бўлганда ҳам эр ўз оти билан эр!»

Ўйлаганда Жаҳон хоним мана шундай ўйларди. Лекин бир иш қиладиган бўлса, бирон нарсани ҳал қилиш зарурати туғилса, Салим хизматкор эмас, эри эканлигини дарров унутиб қўярди. Ва ўзи истамаган ҳолда унга қаттиқ гапира бошлар, таги паст хизматкордай иш буюрар, ўзини ундан кибр билан баланд тутар эди. Баланд тутганини яширолмасди ҳам. Шунга кўра, тоққа кетаётганида ҳам, қайтаётганида ҳам: «Салим оға, файтонни ўзингиз ҳайдамасангиз, кетмайман!» — дерди.

Унинг «оға» сўзини аччиқ истеҳзо билан айтганини Салим сезар, совуқ ханжардай йилтираган, айни замонда ичида ёлгон табассум ўйнаган кўзларини бир зум Жаҳон хонимнинг юз-кўзларига тикиб турардида, сўнг ерга қарар ва «Бош устига!» — дерди. Зоҳиран муте кўринганига қарамасдан, Жаҳон хоним унинг «бош устига» деганида аллақандай нохушлик борлигини сезарди. Лекин бунга эътибор бермасди. Ҳолбуки, агар диққат қилсайди, Салимнинг кўзларида бир-бирига мутлақо зид икки туйғунинг инсонни олчоқларнинг олчоғига айлантирган ярамас, мурдор қоришиғини кўрган бўларди. Бу туйғунинг бири узоқ йиллар хизматкорлик қилиб қонига сингиган, юрагида йигилиб қолган, кўзларининг тубида гилтиллаган югурдакликдан қолган туйғу эди. Иккинчиси — кутилмаган тасодиф ва ваҳшиёна эҳтирослар туфайли юзга келган, ҳозирги шароитда пайдо бўлган оғалик ҳаваси, бир вақтлар одамлардан кўрган хўрликлари учун энди алами, ўчини олмоқ ҳаваси эди. Буларни билмаган, сезмаган Жаҳон хоним оғзидан чиққан

«оға» сўзидаги истеҳзони юмшатиш учун дарров яна қўшимча қилиб қўярди:

— Ўриндиқда тепадай бўлиб ўтирганингизни яхши кўраман! Жуда ҳам яхши ҳайдайсиз!

У тилининг учиди шундай дер, лекин ичида бош-қача ўйларди. Гўё юрагининг теран бир ерида бошқа бир Жаҳон хоним ҳам яшар ва ўша бошқа Жаҳон хоним тез-тез пичирлаб, шундай дерди: «Оллоҳ бунга хизматкорликка яратган, файтон ҳайдаб, хўжаларингизни олиб юргин деган!» Салимнинг териси у қадар қалин эмасди, буларни сезиб юрарди. У Жаҳон хоним юрагининг еттинчи қаватида жойлашган анави бошқа Жаҳон хонимни ҳам шундоққина кўриб турарди. Лекин ўзини кўрмаганга, билмаганга соларди. Салим хизматкорликни ҳам ўринлатиб, уларнинг кўз олдида оғачилигини ҳам кўрсатиб қўйишни истарди, жиловни секин-аста ўз қўлига йиғиштириб олиш фикрида эди. Фурсат кутарди. Эгилиб-букилиб юриб, қаддини ростлаб олмоқчи эди.

— Салим оға, тўхтатинг! — деб Жаҳон хоним ўрнидан турди. — Роса томоғим қуриб кетди, пастга тушиб, кўзадаги сувдан олиб беринг, озгимни чайиб олай...

Салим жиловни тортиб, отларни тўхтатди. Пастга тушиб, ўриндиқнинг тагидан оғзи тиқин билан маҳкамланган кўза солинган тўқима сават олди. Шошилмасдан, вазмин бир ҳаракат билан саватни очди. Стакан олди. Ичига сув солиб чайқади, четга сепди, янгидан тўлдириб, камоли эҳтиром билан Жаҳон хонимга тутди:

— Ол, хоним афандим.

Жаҳон унга қараб кўзлари билан кулиб, қошларини қоқди. Стаканни олиб, бир қултум сув билан томоғини ҳўллади. Стаканни эрига қайтарди:

— Йўл қурсин, одамни шол-шол қилиб ташлади! Тағинам яхши ҳайдаб боряпсиз!

— Кел, ўтир, сени елкамда олиб бораман! — Салим кенг курагини тутди. — Худо номига онт ичаманки, бу ердан Қозоҳга довури йўргалаб бораман, уйга етганингизни билмай қоласан!

«Худо яратганда хизматкор қилиб яратган!» — анави Жаҳон бу Жаҳонга шипшиди. Бу Жаҳон эса яна қошларини ўйнатиб, Салим оғага қийғоч боқиб кулим-

сиради. Сўнгра олдинга ўтди, кулган кўзларини тоғлар-оша буралиб-буралиб кетган ноҳамвор йўлга тикди. Устига хўжалик юklarини, чодирларни, идиш-товоқларни ва бошқа ҳар турли нарсаларни ортган ҳўкиз аравалар кетма-кет бўлиб тебрана-тебрана келмоқдайди. Чўпон итлари ва тозилар йўлнинг гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига ўтар, араваларнинг ёнидан узоқ кетмай чопқиллашарди. Бирдан шу оддий манзаралар Жаҳон хонимнинг кўкрагида фавқулодда севинч ва ҳатто ифтихор туйғуларини уйғотиб юборди. Жаҳон хоним олдинда, орқада, йўлнинг ҳар икки томонида тоғ ёнбағирларига ва дараларга ёйилиб келадиган сонсиз-саноқсиз сурув ўзиники эканлигини ўйлади. Ўттиз минг бош қўйи бор! Ҳар йили йигирма мингдан ортиқ қўзи берган бу сурувларнинг сути, ёғи, пишлоғи, юнги-терисини йиғиб олишнинг ўзи бўлмасди. Бу йил ўттиз минг, келаси йил қирқ минг, ундан кейинги йил эллик беш минг, сўнг етмиш минг бўлади! Худо ҳам берса, насиб қилса, Жаҳон хоним саксон-тўқсонга борганида қўйларининг сони, эҳ-ҳе, қанчага етади! Улардан чиққан фойдага бутун бир мамлакатни сотиб олса бўлади.

Агар олдиндан бу сурувлар оқил, ишбилармон, хўжаликни бошқара оладиган одамнинг қўлида бўлсайди, қўйлар ҳозиргача юз минг бошдан ҳам ошиб кетган бўларди. Раҳматлик Муҳаммад Ризобек бундай ишларга қўл урмасди. Худо таоло уни йиғишга эмас, сочишга яратганди. Базмга, меҳмондорчиликка, дастурхон ёзиб, яхшими, ёмонми — ким олдига келса, еб-ичиришга, тўкиб ташлашга жуда ишқибоз эди. Хизматкорлар, югурдакларни ҳам сўраб-суриштириб, тергаб-тортиб турмасди. Биронта ҳам хизматкордан: «Ҳой, бола, кўзинг қаерда, қаерда ётиб, қаерда туряпсан, қўй-қўзиларингга қандай қараяпсан, қандай қилиб бирдан юзта қўйни бўри еди, касалга чалиниб ўлди?» — деб сўрамаган. Мабодо нимадир деган бўлса ҳам ўзича, ичида деган бўлар, кейин: «Мен буюк император қўшинларининг офицери бўламан, чўпон эмасман, қўй боқиш иштиёқим йўқ!» — деб жавоб берарди. «Отам тергаб турмаганида қолган-қутган мол-ҳолни ҳам чўпон-чўлиқ тортиб кетарди... Бу киши эса, — Жаҳон хоним қўлини баланд кўтариб, қамчинини ҳавода ўйнатганча: «Ҳа, отам сенга қурбон, ҳа-

ҳа!..» — деб чиройли, бақувват отларни елдириб кетаётган Салимга кўз учида қаради: — бутунлай бошқа. Мол қадрини билиш, йигиш, тўплашда мен ҳали бунга ўхшаганини кўрган эмасман. Дунёни келтириб берсанг ҳам кўзлари тўймайди. Муомалани ҳам билади. Беш-ўн йилда манаман деган бойларнинг белини букиб қўяди ҳали».

Жаҳон хоним хаёлан олдинги эри билан ҳозирги эрини солиштириб кўришга одатланиб қолганди. Рост, бундай хаёллар калласига биринчи марта келганида ўзидан ўзи қаттиқ уялиб кетган, назарида ичига шайтон кириб олгану уни чиқиб бўлмас жарга итараётгандай бўлган эди. Жаҳаннам эшикларини унинг юзига ланг очган кечирилмас гуноҳлар ўт бўлиб куйдирарди. Шунда дарҳол, шайтонга лаънат ўқиб, хаёлини бошқа нарсаларга чалғитишга тиришарди. Лекин бир кун ўтмасдан, яна аввалги марҳум эри билан эндигини муқояса қилар, уларни ёнма-ён қўйиб, солиштира бошларди. Шайтонга лаънат ўқишлар ҳам ёрдам бермаганидан кейин, бунга кўникиб кетганди. Ҳозир бундай солиштиришларда на диний, на ахлоқий жиҳатдан бирон ёмонлик кўрмас, уни тамомила табиий бир ҳол деб ҳисобларди. Албатта, бу муқоясаларда ҳамиша устунлик Салим оғага бериларди. Унинг мол-давлатнинг қадрига етиши, бутун фикри зикрини қўй-қўзиларнинг сонини кўпайтиришга қаратгани, гўшт, жун, сут берадиган қўзиларни кўпайтиришга қўйиши Жаҳон хонимнинг юрагида қачонлардан бери армон бўлиб ётган нарсаларни рўёбга чиқаришга хизмат қиларди. Жаҳон хоним ичида ҳудода минг марта шукур қилардики, ёнида бойликнинг қадрини билган, уни тўрт кўз бўлиб қўриган, тўрт қўл билан тутган ва уни зиёда қилиш учун этдан-тирноқдан тушиб уриниб ётган, ҳар амрига бош устига деё шай турган мадақкори бор. У хотинининг оғзидан бир сўз чиқса, дарҳол бажо қиларди. Ҳеч қачон бир сўзини икки қилмайди!

Жаҳон хонимнинг ўтмишдан қолган яна бир армони бор эди: у кундошсиз яшашни орзу қиларди. Бошқа бир хотиннинг эрига шерик бўлишини сира истамасди. Бу шундай бир дард эдики, у эр уйига қадам босмасидан анча аввал юрагига ўткир пичоқнинг дамидай қадалган эди. Ота-онасидан, қариндош-уруғла-

ридан эрга тегишдан бошқа гапни эшитмаган, эрга тегиш дарсидан бошқа бир дарс олмаган Жаҳон хонимни ҳали кичик пайтларидаёқ кундош хотинларнинг қора толеи даҳшатга соларди. Катта бўлгани сари бу даҳшат орта бориб, бутун вужудини изтиробга тўлдирарди. Ниҳоят, бу кун ўз бошига ҳам тушди, у кундошлик ҳаётининг қанчалар жаҳаннам азоби эканлигини кўрди. Муҳаммад шариатининг қоидаларига қарши Жаҳон хонимнинг юрагида нафрат уйғотган бир нарса бор эдики, у ҳам бўлса, кўп хотинликнинг шаръий ҳисоблангани эди. У бунинг учун Муҳаммад пайғамбарни ҳеч кечиролмас, унинг шўркўзлигидан<sup>1</sup> туғилган бир адолатсизлик деб биларди. Бу масалада у Салимни ҳатто пайғамбарнинг ўзидан ҳам баланд қўйишга тайёр эди. Худди мана шу жиҳатдан ҳам Салим унинг қўлига кўкдан келиб тушган каби қадрли эди. Салим оға Жаҳон хонимдан ўн ёш кичик бўлишига, шу пайтга қадар уйланмаганлигига, орада Офарида хониму баъзи оқсоч қизларга айланишиб юрганига қарамасдан, ҳозир ўзини жуда тўқ тутарди. Бошқа хотинларга кўзининг учида бўлсин, қарамасди. Жаҳон хоним толе кулиб, шундай эрга текканидан рози эди. Энди фақат бир орзуси бор эдики, шояд ундан бўйида бўлса, фарзанд туғилиб, эрини унга абадийн занжирлаб, боғлаб берса! Лекин ҳадеганда бўйида бўлавермади. Жаҳон хоним қанча назр-ниёз қилмасин, пирларга сиғинмасин, совуқ тошларни қучоқлаб ўпмасин, ёлвормасин, ҳеч нарса кор қилмасди. Гўё пушти қуриб кетгандай эди. Боладан асар кўринмасди.

Шубҳасиз, Илёсбекнинг қизи кечагина хизматкор, бугун эса оға бўлиб қолган Салимдан кўнгли тўқ эди. Бир кун келиб унинг исён қилиши, ўзидан анча катта бўлган хотинни ташлаб кетиши сира хаёлига келмасди. Унинг абадий мутелигига амин эди. Яна шунга амин эдики, бу жийрон от нақадар асов бўлмасин, огзига юган солинган ва жилови абадийликка Жаҳон хонимнинг қўлига топширилган. Уни истаган томонга ҳайдай билади. Бек қизи ўзининг илгариги хизматкори, эндиликда эри бўлган одам ҳақида шундай ўйлашга ҳақли эди. Лекин хотин сифатида Жаҳон хоним жуда

---

<sup>1</sup> Хотинларга ўчлигидан.

тинчини йўқотган эди, яширин бир безовталиқ юрагини қаттиқ эзарди. У хотин киши жозибасининг кучи бойлиқнинг қудратидан ҳаддан зиёд ортиқ деб ўйларди. Жозибаси эса аста йўқола бормоқдайди... Балки бола бўлса, ҳар қалай бунинг ўрнини тўлдириб кетармиди. У Салимни бошқаларга суқланиб қарашга, оҳ чекиб дард-гамга ботишга қўймасмиди...

Жаҳон хоним кутилмаганда шахд ўрнидан туриб, файтон ўриндиғига келди. Салимнинг ёнига ўтирди. Салим юмшоқ баданнинг ҳароратини сезиб, хушхол бўлди. Унг қўлини унинг қўлтиғи тагидан ўтказди-да, ўзига қараб тортди. Бундан вақти чоғ бўлган Жаҳон хоним унинг биқинига қисилди ва шўх бир адо ила шарақлаб кулди, жиловни тортиб олди, отларга қамчи босди. Салдан кейин секинлатди, отлар бир маромда юриб кетдилар.

— Салим ога, кеча ёмон туш кўрдим...

— Хоним, дардингни олай, қандай туш экан ўзи...

— Иккаламиз қизил лолалар очилиб ётган чаман ичида юрганмишмиз. Сиз менга лиммо-лим жом берибсиз, шарбатми ё бошқа нарсам, билмайман. Мен ичмайман дермишман. Сиз ич дермишсиз. Ичиб кўр, дунёда қандай лаззатли нарсалар бор... Бир қултум ич, жаннатни ўз кўзларинг билан кўрасан, дейсиз. Ҳеч қўймайсиз, ич деб, қистайсиз. Охири иложим қолмаганидан кейин жомни олибман, бошимга кўтариб ичибман. Ё худо! Ичкилик ҳам шундай бўладими! Мен ҳалигача бунчалар лаззатли шарбатни тотмаган эдим. Дунё кўзимга жаннат бўлиб кўринди... Бирдан нима кўрдинг дег-чи.

— Менинг азиз хонимим нима кўрибди?

— Қарасам, қўлим сизнинг қўлингизда экан... Яна жомни тўлдирибсиз, буни ҳам ич деярмишсиз. Бўпти, ичаман, дебман. Жомни олай деб қўлимни узатдим... Бирдан қаердандир оқ кабутар пайдо бўлди... Жомни қаноти билан уриб туширди... Жом чил-чил синди. Сизни қанотига кўтариб олиб кетди... Шу чақираман-ей, ҳеч кимдан садо чиқмайди. Орқангиздан излаб кетдим, олдимдан бир дарё тўсиб чиқди. Мен бу қирғоқда қолдим, сиз у қирғоқда...

— Оқ кабутар билан, а? — Салим кулди ва эгилиб Жаҳон хонимнинг юзидан ўпди. — Хотиржам бўл, менинг хонимим, мени сенинг қўлингдан олиб кетадиган

кабутар ҳали дунёга келган эмас. Сенинг тушингга кирган ўша оқ кабутарни менга топшир, шундай қиламанки, азиз уканг Сафиқули кечаси кўзини юмиб ётсин, саҳар уйғонганида оқ кабутар унинг қўйнида ётган бўлади...

Салим ога Жаҳон хонимга айтган барча ёғли-ширали сўзлар ичида агар самимийси бўлса, у ҳам мана шу сўзлар эди. Буни Жаҳон хоним яхши англарди, ўша говгум паллада ит уяси олдида қилган қонли жиноятдан сўнг Салим ога Ҳуридан қўрқар, қўрққанича бор эди. Жаҳон хоним ҳийлакор ақли, шаддод иродаси, кибру ҳавоси билан буларни тушуниб турарди, албатта. Ўша кундан бери ўша заифа ва зарифа бир хилқат ҳар дақиқа, ҳар онда бир нашта бўлиб Салимнинг кўзларига санчиларди. Бунинг устига яширин бир андиша, заҳарли бир туйғу Салим оғанинг кўксини кемирар, уйқуларига оғу бўлиб таъсир қиларди. Бу қора жун босган айиқ неча марта ширин уйқу ичида «Ҳури! Ҳури!» деб қичқириб, довлдиради. Жаҳон хоним олдин бундан жуда ёмон хаёлларга бориб юрди. «Аҳ-ҳа! Бу ҳам оқ кабутарга мубтало эканда!» — деб ўйлади. Лекин, Салимнинг уйқу ичида довлдирашларига, гоҳ газаб билан қичқирешларига, гоҳ зориллаб ёлворишларига диққат билан боқиб, бу ерда даҳшатли, омон бермас қўрқувдан бошқа ҳеч нарса йўқлигини англади. Шу фикрга келганидан кейин Жаҳон хоним рашкчил, қизганчиқ туйғулардан халос бўлиб, шунга ишонч ҳосил қилдики, Ҳури Салимнинг назарида оқ кабутар эмас, ўша қоронғи говгумда қилган жиноятининг шарпаси яшаган бир махлуқ. Мана шу шарпа яшаркан, ўша жиноят ҳам эскимайди, унутилмайди, кеча, бугун, ушбу соатда юз бергандай хотираларда туради, сой сувидай оқиб бораётган замсон уни ер қаърига чўктириб йўқотолмайди, қалашиб келаётган кунлар, ойлар, йиллар аро кўмиб юборолмайди, доимо кўз ўнгида тутиб туради, бугунги кун эртанги кунга ҳам олиб ўтади. Унутилмаган, доимо янгидай бўлиб турган, эртанги кунларга ҳам кириб борган жиноятлар ҳеч қачон жазосиз қолмайди! Шунинг учун биров Салимга Ҳурини бўғ, ўлдир, гўшти-ни бир бурдадан қилиб ташла, қонини ич, деса, ҳаммасини қилган бўларди! Жаҳон хоним буни яхши билар ва Салимнинг Ҳури ҳақида айтган сўзлари чин

эканлигига шубҳа қилмасди. Аслини олиб қараганда, Жаҳон хоним туманли тарзда бўлса-да, Салим билан ўрталарида қўзғалган шаҳват туйғулари сўниб бораётганини, ўртада ёлғиз мол-давлат ҳаваси-ю, шу Ҳурига нисбатан иккалаларининг ичларида маддалаётган, гуж бўлиб беркинган нафратгина қолаётганлигини ҳис қилиб турарди.

— Сиз ундан қўрқасизми?— сўради Жаҳон хоним.

Бу савол Салимни ҳам ҳайратга солди, ҳам иззатнафсига тегиб кетди. У Ҳуридан қўрқишини бировнинг олдида у ёқда турсин, ҳатто ўзига ўзи ҳам эътироф этмасди:

— Унинг нимасидан қўрқаман! Амр эт, шу кечанинг ўзида кучуги билан бирга қўшмозор қиламан! Ҳеч кимса ҳатто суякларини ҳам излаб тополмайди.

— Қўрқасиз! Қўрқасиз!— Жаҳон хоним ёшига ярашмаган бир шилқимлик билан Салимни аччиқлантиришга уринди:— Ёмон қўрқасиз! Қўрқмаганингизда аллақачон йўқотиб юборган бўлардингиз. Ҳеч ким қўлингизни ушлаб тургани йўқ шекилли...

— Қилмайман у ишни!— Салим отларнинг жиловини Жаҳон хонимнинг қўлидан олмоқчи бўлди. Жаҳон хоним унинг қўлларини нарига сурган эди, Салим унинг оппоқ билагидан ушлаб қаттиқ қисди.— Хотин бошинг билан мунча унга душманлик қилмасанг?

— Қўрқасиз! Салим ога, қўрқасиз! Бошқа гапларингиз ҳаммаси бекорчи гаплар, баҳона!

Салим ога хотинининг бу қайсар сўзлари қаршисида нима дейишини билмасдан, ўзини унутиб, бақирди:

— У-ку, у ёқда турсин, ҳатто сендан ҳам қўрқмайман!

— Худди итдай қўрқасиз!— Жаҳон хоним бир оз қаттиқ кетди.

— Мени ҳали билмайсан, Жаҳон хоним! Худо ҳаққи, яхши билмайсан!..

— Ўзингизни менга танитмоқчимисиз? Ўттиз йилдан бери эшигимизда хизматкорсиз. Бармогимни қимирлатсам, сёғингизнинг учида турган сиз эмасмидингиз?

Салим оғанинг бошига тўқмоқ тушгандай бўлди. Кўз ўнги хиралашди, ўриндиқдан ерга қулаб тури-

шига оз қолди. Жаҳон хонимни шартта билагидан ушлаб, тўпдай қилиб тепиб жарга улоқтириб юборгиси келди. Лекин кўз ўнгига Илёсбек билан Сафиқули келди, дарҳол ғазаби сўнди, Жаҳон хонимнинг заҳарли сўзларини ичига ютди, кулимсиради, ҳазилга олди:

— Сенинг тишингни кўриб, шер ҳам мумдай юмшоқ бўлиб қолади. Шер тишингдан қўрққани учун ёки заиф бўлгани учун шундай қилмайди! Лекин менга қара, нега нуқул кечаги кундан сўзлайсан, бугунги кундан ҳам гапирсанг-чи?..

Жаҳон хоним, бугун ҳам хизматкорсан, агар истасам, никоҳ бир парча қоғоз, бошқатдан ўқитаман, яна аслингга қайтасан, хизматкор Салимга айланасан, бориб оғилхонада ётасан, демоқчи бўлди. Лекин кўнглидан кечган, тилини қичиштирган бу сўзларни айтмади, ичига ютди.

— Саёз ўйлайсиз, Салим оға, чуқур ерларда сузишни ўрганмаяпсиз.

Салим хотини мақсадга кўчмоқчи бўлаётганини сезиб, чурқ этмай унга саволомуз тикилди. Жаҳон хоним ўша оҳангда давом этди:

— Ҳури хонимдан наинки сиз, ҳатто менинг отам ҳам, укам ҳам қўрқади. Ҳа, ҳа, қўрқади! Нима, Сафиқулибек қўрқоқ одам деб ўйлайсизми? Хато қиласиз! Неча марта келиб зўрлаб олиб кетмоқчи, никоҳини ўқитмоқчи бўлди. Лекин отам қўймади.

— Тўғри эмас бу! Ахир, Илёсбекдай одамнинг таклифини ҳеч замонда рад этиб бўладими! Қани рад этсин-чи, бир кўриб қўяйлик!

— Ундай эмас, Салим,— Жаҳон хоним энди жиддий, вазмин ва меҳрибонлик билан сўзларди,— иш бир оз бошқача. Отам шов-шув бўлиб кетишидан, бизни кўролмай юрган гадоёлар ҳамма гапни оқизмай-томизмай Тифлисга, русларнинг қулоғига етказишларидан қўрқади. Русларга бориб, рус ҳукуматига садоқат билан хизмат қилган офицернинг хотинини қасддан хафа қилишяпти, марҳум русларга хизмат қилгани учун унинг қасдини хотинидан олишяпти, деишлари мумкин...

Бундай катта сиёсатдан беҳабар бўлган Салим қизиқиш билан хотинига қулоқ солар, кўз ўнгига ҳаётнинг бутунлай бошқача манзаралари гавдаланарди. У

Озарбайжондаги қўй сурувлари, яйловлар, экин-тикинлар, тижорат ишлари аллақандай нозик ва ғаройиб ишлар воситасида катта сиёсатга бориб уланишини эндигина тушуниб етгандай, деди:

— Илёсбекка гап тегади деб ўйлайсанми?

— Албатта тегади!.. Кўрмайсизми қанча душманимиз бор, бизни кўролмайдиганлар қанча. Улар бичиб-тўқиб, дадамнинг Эрон билан яширин алоқаси бор деб гап тарқатмайди, деб ўйлайсизми? Бир пайтлар Табризга мол олиб борганини, Аббос Мирзонинг аскарларига ўнта қўй берганини юзига солишади. Ундан кейин бу ерларда бош кўтариб юриб бўладими? Шундай бир йўл топиш керакки, Ҳури хонимнинг ўзи Сафиқулига хотин бўлишга розилик берсин. Бошқа илож йўқ!..

Салим оға ўйга толди. Хаёлида янги очилган дунёнинг ишларини ўйларди. Унинг ҳамиша эгри йўлларда ҳаракат қилишга ўрганган ўткир ақли бу ерда ҳам чалкаш ва чигал йўллар ахтарарди. У катта сиёсат билан ҳам ўйнашмоқчи бўларди. Бу ерда ҳам ютмоқ бор, ютқизмоқ бор! Кимнинг калласи жойида бўлса, ишбилармон бўлса, албатта ютади! Салим оға эса ҳали ҳеч қандай ўйинда ютқизмаган, ҳеч қандай мушкул йўлдан пушмон бўлиб ортга қайтмаган.

— Ундай бўлса, бир иш қилиш керак.

— Қандай иш? — Жаҳон хоним эрига қизиқиш билан қаради.

— Шундай қилиш керакки, Ҳури хонимнинг ўзи гуноҳкор бўлиб қолсин. Руслар ундан юз ўгиришсин.

— Қандай қилиб ахир? — сабрсизлик билан сўради Жаҳон хоним.

— Бундан осони йўқ! Шундай бир иш қилайликки, Ҳури хоним русларга хиёнат қилгандай бўлиб кўринсин. Ана ундан сўнг ҳеч кимнинг унга ёрдам бергиси келмай қолади, ҳимоячиларидан айрилади. Этини бир парчадан қилиб бурдалаганда ҳам, ёнига тушадиган топилмайди.

Иккаласи ҳам ўйга толди. Ниҳоят, Жаҳон хоним жиловни эрининг қўлига бериб, файтон ичкарисига кирди. Бир бурчакка қисилиб, кўзларини юмди. Гўё чуқур ўйга толгандай эди... Аслида эса, Салим ўзи истаган одам эканини ўйлар, уни топганидан хурсанд эди...

Воҳаларда ҳам ҳаво айниб бормоқда эди. Одамнинг баданига хуш ёққан офтоб юзини тез-тез булутлар тўсар, тоғлардан ва чўллардан ора-сира совуқ шамоллар эсиб қоларди.

Кузги экинларнинг қизгин пайти бўлгани ва қиш иқинлашиб келаётгани учун темирчилик дўконидан саҳардан то қоронги тушгунга қадар одам аримасди.

Бу ерда турли табақадаги одамларни, турлича касб эгаларини кўриш мумкин эди. Мутал папоқ кийган деҳқонлар, бошига чодра ташлаб, оғзини беркитиб олган хотинлар, оёқ яланг, тиззалари йиртилган болалар, бошига салла ўраган муллалар, кўк белбогли сайидлар, қориндор баққоллар, бўйни нок бандидай нозик бўёқчилар... қисқаси, темирчига иши тушмаган одамни топиш қийин эди. Эртами-кечми, одамлар бу дўкон эшигини очиб келишар, қўрадаги лангиллаган оловга, қизариб кетган ўчоққа, сандонда парчинланган темир парчасига, унинг аста-секин маълум бир шаклга кириб боришига қараб томоша қилиб ўтирардилар... Хуллас, эртами-кечми, барибир бу ерда одамнинг йўли тушмай иложи йўқ эди. Айниқса, деҳқонлар, ҳунармандлар, умрини матбаҳда, ўчоқ бошида ўтказаётганлар бу ерда тез-тез келиб туришарди. Деҳқон: «Ҳой, уста, дардингни олай, омочни тишини созлаб бер, бу юмшоқ ерга ҳам ботмайдиган бўлиб қолди»,— деб келса, аравакаш аравасига ёки файтонига янги ғилдирак ясатгани ёки ўқини тўғриллатгани келарди. Учинчиси эса, тўйда, азада, тоғда, далада — ҳамма ерда қори ҳолга ярайдиган ўчоқ-идиш ясатиб олмоқчи бўларди. Темирчи Вафодор ҳаммани ширин сўз билан қаршилар, ҳол-аҳвол сўрарди:

— Бош устига, тузатиб бераман. Хотиржам бўлинг, кўнглингиздагидек қилиб ясайман!..

Келиб-кетувчиларнинг ундан кўп сўраган нарсалари шу бўларди:

— Қачон келай, уста?

— Қачон келардингиз? — Вафодор кўзларини қийиб бир зум чамалаб оларди. — Эртага чошгоҳдан кейин келиб олиб кетинг! — Баъзиларига эса: — Чоршанбага келинг, ваъда шу, тайёр бўлади! — дерди.

Шундай одамлар ҳам бўлардики, Вафодор уларга

кенг, узун дўконининг шундоқ кираверишидаги сахнага, тахтага ўтириб, бир оз кутишни таклиф қиларди: «Ярим соатча кутиб ўтирсангиз, олиб кетасиз»,— дерди. Доимо шогирдини чойхонага юбориб, кутиб ўтирганлар учун чой олдириб келар, зериктирмас, толиқтириб қўймасди. Қўли ишдан бўшамаган ҳолда уларга ҳар турли масалаларда саволлар бериб гапга солар, ё ўз ишидан, ҳунаридан, рўзгорнинг ташвишларидан, фалакнинг гардишидан сўз очиб, кўнглини ёзарди. Унинг бу одатларини ҳамма яхши биларди. Шунинг учун ҳам унинг дўконига иш юзасидангина эмас, шундай гаплашиб, суҳбатлашиб ўтириш учун келадиганлар ҳам йўқ эмасди. Одатда у ҳаммани очиқ юз билан кутиб олар, ғийбатдан ўзга нима ҳақда гаплашмасинлар, эътироз қилмас, ўртада суҳбатнинг ширин кечишига ҳаракат қиларди. Иши кўпайиб кетган пайтларда эса:

— Энди сиз қулоқларингизни беркитиб чойингизни ичинг, мен ҳам темиримни ишлай!— дерди.— Аммо кўзингизни юманг, ҳа... Менга яхшилаб қараб туринг, ҳа, менинг тоғам жуда ақлли одам эди, мени қўйлардан ажратиб бу ерга олиб келди, шу ҳунарни ўрган деди, ҳамманинг корига ярайсан, деди. Келавердим, ҳа!.. Ўзимни гапириб бошингизни огритиб юбормадимми, а?

— Йўқ, йўқ, хайрли бўлсин, жуда соз қилгансиз! Ростдан ҳам ҳамманинг корига ярайсиз, ҳожатини чиқарасиз!

Келган одам унга миннатдорчилик билдирарди. У эса, суҳбатни қўйиб, ишига машғул бўларди.

Темирчининг дўконига бир қанча одам йиғилганди. Вафодор оғир ишдан кейин тўшлигини ечиб, қўл-юзини ювиб, тахта устида дам олиб ўтирарди. Чой ичарди.

— Салом, эй уста!— Жаъфар ичкарига кирди.

Уни кўриб Вафодор ўрнидан жилди. Тагидаги тўшакчанинг ярмини бўшатди.

— Ке, ке, ўтир бу ерга, Жаъфар оғайни. Ҳой, Муҳаммад, қайдасан, Жаъфар ошнамга пурранг чой олиб кел-чи...

Жаъфар уялиб, сиқилиброқ келиб ўтирди.

— Илтифотингиз учун миннатдорман, уста, сиздан кўрган яхшиликларни ҳеч қачон унутмайман.

— Нима қилибманки, Жаъфар оғайни, ундай деб қолдинг?

— Мужовир деб устимдан кулганингиз йўқ, уйингиздан менга жой бердингиз, ҳунар ўргатдингиз, наҳот шунча қилгайлариңиз оз бўлса?

— Сендан хафа бўлдим, Жаъфар оғайни! Аввало шунинг учунки, ўзингни бу ерда, Қозоҳ юртида ғариб деб ҳисоблаяпсан. Гапингдан шундай маъно чиқадики, агар эртага мен Табризга ёки Ардабилга бориб қолсам, ўзимни ғариб, бечора деб сезишим керак эканда? Йўқ, ундаймас, Жаъфар оғайни. Табриз меники бўлганидай, Қозоҳ ҳам сеники. Биз шу ватаннинг фарзандларимиз ва ўзимизни бу ерда ғариб деб ҳис қилишга ҳақимиз йўқ. Сендан бошқа бир нарса хусусида ҳам хафа бўлдим. Мен нима қилган бўлсам, оддий инсонлик бурчимни адо этдим, мен инсон бўлганимдан сўнг хоҳ сен бўл, хоҳ эронлик бўлсин, хоҳ усмонли, хоҳ рус бўлсин, бошқа инсонларнинг олдида ўз бурчимни бажармоғим ҳам қарзим, ҳам фарзим. Сен бўлсанг, буни ўзингга зўр бир миннат каби қабул қилибсан. Шу одатларингни унча ёқтирмайман. Чо-йингни ич, совутма.

Жаъфар қисқа бир муддат ичида Вафодорнинг очиқ, меҳрибон, риёсиз феъл-атвориға қойил қолиб, уни худди ўз акасидай яхши кўриб қолганди.

— Тўғри айтасиз, биродар! Мендан хафа бўлишга ҳақингиз бор. Сиз каби юксак адаб соҳибининг олдида тилимга келган сўзни айтавермаслигим керак. Лекин нима қилайки, юрағим ўз ҳолимга қўймайди, айтадики, юзи ҳам худди дастурхондек очиқ бу биродарингга миннатдорчилик изҳор эт, дейди...

— Бўпти, Жаъфар, энди менга нима учун ота-бонгдан қолган уйни ташлаб, бу ерга келиб қолганингни айтиб бер-чи?

Жаъфар сукут қилиб ўйга толди, юзи қоронгилашди, кўзларига туман чўкди, узоқларга қараб қолди, Вафодор унинг изтироб ичида қолганини, азоб чекаётганини кўрди. Ранги оқариб кетганди. Бошига тушган ишларни сўзлаб бериш у ёқда турсин, эслашнинг ўзи огир эди Жаъфар учун.

— Оғайни, сенга огир савол бериб қўйдим шекилли. Ярангга тегиб кетдим. Кечир мени. Ҳар бир одамнинг ҳаётида ҳам шундай нарсалар бўладики, уларни

туш каби унутсам дейди, ҳеч қачон эслагиси келмайди. Бизнинг умримиз дарёга ўхшайди, қаттиқ шамоллари бўлади, кутилмаган шамоллар...

Вафодорнинг ўзи ҳам худди дардли одамлардай сўзларди. Сўзларидан бошидан оғир фожиаларни кечирганлиги билиниб турарди. Бу эса уни Жаъфарга янада яқинлаштирар, гамхўр, меҳрибон қилиб қўярди. Дардли дардlining дилини дарров англайди. Бошқанинг дардига куйиб, ўз дардини унутган одамларнинг эса юраклари жуда нозик бўлади. Жаъфар шундай одамлардан эди. Ниҳоят, оҳиста сўз бошлади:

— Биродар, бизнинг бошимизга тушган мусибатни худо ҳеч кимга кўрсатмасин. Учта ака-ука, опа-сингил эдик. Мен ўртанчалариданман. Ота-онам, боболарим гилам тўқиб кун кўришган. Оддий шолча тўқирдик. Болалардан баъзилари ҳам бу ҳунарга ҳавас орттирган эдик. Ўзимизга яраша очин-тўқин кун кечирар, ўз ҳовли-жойимиз бор эди. Отамнинг атрофига йигилишиб бир кунимизни кечириб келардик. Биров билан иш-ҳушимиз йўқ эди. Кейин боя сиз айтган дарёда шамол турди, юртимизни ювамизни тўзгитиб юборди...

Жаъфар оғир хўрсинди. Томоғига нимадир тиқилгандай бўлди. Кўзлари ёш билан тўлди. Вафодор уни гапга солганига қаттиқ пушаймон бўлди. Жаъфар гўё бутун мусибатларини янгидан бошдан кечираётгандай, азоб ичида қолган эди.

— Оғайни, у ёғини, майли, айтмай қўя қол... Отаонадан айрилмоқ дарди кўп оғир...

— Ҳаммасига чидайман! Мени заиф деб ўйламанг. Фақат беш яшар синглим Гулзорнинг чинқириғи ҳеч қулоғимдан нари кетмайди!.. Уни шу қадар соғиндимки...

Жаъфар яна ўртанди. Вафодор стаканни унинг олдига сурди:

— Чойингни ич. Бир қултум ич, тинчлан...

Жаъфар энди ёрилгиси келди. Сийнасида тошдай қотиб қолган армонлари энди кўзи очилган булоқ сувидай тўхтовсиз оқиб келарди:

— Бизнинг вилоятнинг хони билан Сароб вилоятининг хони ўртасида қадимдан қолган бир адоват бор, гоҳ булар даста аскар йигиб уларнинг устига босқин қилади, қўлларига тушган нарсани талаб, чо-

пиб, ўлдириб кетади, гоҳ улар буларнинг устига бостириб келади. Бу сафар ярим кечада, ҳали хўрозлар қичқирмасдан бурун бутун қишлоқ дод-войга тўлди. Сароб хонининг дасталари қишлоғимизга бостириб келишди. Мол-қолни оғиллардан судраб чиқаришди, уйларга бостириб бориб, келинларнинг устидан кўрпаларини, тагларидан тўшакларини тортиб олишди. Акам Қаримнинг уйланганига бир ҳафта бўлган эди. Табиати жуда нозик эди, гап кўтармасди. Боши бузуқларнинг беномус ишларини, эшик-деразаларни синдирганларини кўриб, чидай олмади. Милтиқ олиб ота бошлади. Қароқчилар ҳам қутуриб кетишди. Уйимизни ёндириб юборишди. Отам, онам, ака-укаларим, сингилларимни ўлдиришди. Мен Гулзорни кўтариб девордан ошиб қочдим. Орқамдан қувиб етишди. Болани қучоғимдан тортиб олишди. Унинг чинқиргани ҳали ҳам қулоғимда турибди. Синглимни уларнинг қўлидан тортиб олмоқчи бўлиб уриндим. Бошимга шундай бир зарба келиб тушдики, ўзимдан кетиб қолдим. Ўзимга келиб қарасам, деворнинг тагида ётибман. Ҳар томонда жаноза. Уйимиз-эшигимиздан тутун чиқиб ётибди. Қурбонларни ўз қўлим билан кўмдим, оға... Сўнг бу ёқларга бош олиб кетдим...

Бу даҳшатли ҳикояни пичагина юмшатмоқ, Жаъфарга таскин бериш мақсадида Вафодор деди:

— Келганинг саз бўлди, укам, бош устига!— Бир зум ўйлаб турганидан сўнг давом этди:— Бебошлик, талашиб-тортишишлар уйимизни хароб қилди. Юртинг казо-кузоларида на ақл бор, на номус-ор! Ҳар дарада бир хон, бир бек пайдо бўлиб, кўнглига нима келса, шуни қилиб ётибди. Босқинлар, талонларни биз ҳам оз кўрмадик. Бу руслар келгандан кейин озми-кўпми қулоғимиз тинчиди. Вўлмаса муштумзўрларнинг ўзбошимчалигидан кўзларимизни очолмасдик.

— Салом алайкум!— юзида табассум билан ҳар тарафга бир зум ичида назар ташлаб кириб келган хушсифат, ўрта бўйли киши остонада кўрингани заҳоти Вафодор ўрнидан дик этиб туриб, бориб у билан икки қўллаб сўрашди.

— Баалайкум ассалом! Хуш келибсиз, Али Мирза амаки. Сиз қаердаю биз қаерда, қадамларига ҳасанот!— Вирпас унинг қўлларини силкиб сиқиб турди,

кейин бошлаб келиб тахтага ўтқизди, шогирдига қараб, деди:— Чоп, бола, тез чой олиб кел. Хўш, аҳволлар қалай, Али Мирза амаки, Тифлисида соғлиқ-саломатликми, уй-жой, қариндош-ақраблар тузукми?

— Ҳаммаси жойида, ҳаммалари сизга салом айтиб қолишди,— Али Мирза ҳамон кадарли ва ғамбода ўтирган Жаъфарга қаради. Вафодор уни Али Мирзага таништирди:

— Жуда ажойиб ўғлон, ака-ука тутинганмиз!

— Бопи омон бўлсин! Аҳд-паймон билан дўст бўлганлар бирга сут ичиб катта бўлганлардан ҳам аҳил бўлишади!— Али Мирза уларни мақтади.

— Қандай шамол учирди?— сўради Вафодор Али Мирзадан.

— Ганжага кетяпман. Озгина ишим чиқиб қолди. Шу ерга келиб қозохлик дўстларимни кўриб, бир пиёла чой ичиб кетмасам, кейин хафа бўлиб юришади, дедим.

— Жуда соз қилибсиз, қозохликлар доим сизни эслаб юришади. Азиз меҳмонимизсиз,— Вафодор меҳмонга мулозамат қилди.

Темирчи дўконига секин-аста ўзаро ҳамсуҳбат бўлган одамлар тўпланишарди. Вафодор зарофат билан уларни «аҳли хибралар» деб атарди. Ростдан ҳам, бу одамларнинг кўичилиги Фирдавсийдан, Низомийдан, Хайёмдан, Фузулийдан, Соҳиб Табризийдан хабардор бўлган, уларнинг шеъриятидаги, дostonларидаги ҳикматга тўла фикрларни, санъат гўзалликларини ҳис қилиб, англаган одамлар эди. Бу каби одамларнинг суҳбатлари ғоят ширин ва мазмундор бўларди. Улар қадимги шоирлар, тарихий воқеалар борасидаги суҳбатлари орасида бугунги ҳаётдан, она-Ватаннинг аҳволидан ҳам гаплашардилар. Темирчи дўкони улар ўртасида мана шундай унсият пайдо қилганди.

Али Мирзанинг келиши муносабати билан бугунги суҳбат замонасоз мавзуларда кетди. Тифлис ҳақида, Кавказ қўмондонлигининг ишлари, рус усул-идораси билан алоқадор суратда ҳаётга кириб келаётган янги низом-қоидалар, Эрондаги вазият, Озарбайжонда ҳоким табақаларнинг инсофсизлиги, мурувватсизлиги, бошбошдоқлиги ҳақида сўзлашдилар.

— Эҳ-ҳ! Бизнинг ишларимиз ҳеч тузаладиган эмас!— кимдир умидсиз бош чайқади.— Бизда қоида-

қонунлар устивор эмас. Чунки биз ҳали яхши билан ёмоннинг тафовутини, яхшининг қадрини билмаймиз. Одамнинг юраги ва нияти бузуқ бўлдимиз, энг яхши қоида-қонунларни ҳам тубанлаштиради, янгидан қоида-қонун яратганларни ҳам шундай алдаб қўядики, улар ўзлари ҳам билмаган ҳолда яратган қоидаларига қарши тескари иш кўра бошлашади.

— Бунчалар бадбин ҳам бўлмаслик керак!— Али Мирза сўзга аралашди.— Энди касалимиз қаердалигини тушуниб олдик, келинлар, унинг муолажасига киришайлик. Ёмон мақсадларни кўзламайлик.

— Мен билан сизда қанчалар ихтиёр борки, у дарднинг иложини қилсак? Бу сўзларни юрт соҳибларига айтиш керак, дунёни кўриб, роҳатини сурган улар. Мана шу ўзимизнинг Илёсбек билан унинг гу-машталарини олинг! Бобош киши бечора билан унинг кампирининг бошига не кунларни солишмади?! Биронта сўраб-суриштирган одам бўлмадики, бу шўрликларга нима бўлди, нега бирдан соғ-саломат юриб турган одамлар ўлиб қолди, жонини Азроилга топширдик, деса...

Бу сўз ўтирганлар ўртасида жонланишга сабаб бўлди. Армуди<sup>1</sup> стаканни устма-уст бўшатиб ўтирган чўққи соқол киши ёниб-куйиб деди:

— Шўрликнинг битта қизи қолган, унга ҳам кун беришмайди, турткилашгани турткилашган. Кўрарсиз ҳали, иш шу тариқа кетадиган бўлса, уни ё зўрлаб Сафиқулибекка олиб беришади ё ёш боласи билан бирга гумдон қилиб юборишади.

— Қандай қилиб йўқотишади, дунё бедарвоза бўлиб қолдимиз?— сўради Али Мирза.

— Сиз буларни билмайсиз, дунёдаги қандай қабиҳ иш бўлса буларнинг қўлларида келади.

— Ҳури хоним жуда ажойиб, топилмас келин. Афсуски, шўрликнинг бахти очилмади...

— Бахти бўлсайди, Муҳаммад Ризобек бевақт ҳалок бўлмасди.

Муҳаммад Ризобек номини эшитган Али Мирза бу воқеага қизиқиб қолди. У рус қўшинларининг собиқ офицери билан Тифлисте учрашган экан. Унда яхши таассурот қолдирган экан... Шундан сўнг улар Му-

<sup>1</sup> Нок шаклидаги стакан.

ҳаммад Ризобекдан анчагача гаплашиб ўтирдилар. Унинг олижаноб ва мард ишларидан сўйлашдилар.

— Сиз марҳумнинг етим қолган болалари ҳақида Тифлисида сўз очсангиз яхши бўларди. Русларнинг ҳимояси тегса, уларга сўнг чов ташлашмасди.

— Бошқа чора йўқ,— деб қўшимча қилди чўққи соқол киши.— Бизнинг йигитларимизда номус қолмади. Илсбекнинг қўлидан тутиб қолишолмайди, у бўлса, югурдаklarининг қўли билан истаган ишини қилиб ётибди. Шундай бўлгач, ҳеч бўлмаса русларнинг ҳимоясида яшайлик!

Ҳури ҳақида гап кетганидан бери Вафодор суҳбатга қўшилмасдан ўтирарди. «Бизнинг ичимизда илсбекларнинг қўлини тутадиган ҳеч ким йўқ!»— деган сўзларни ўтирганлардан бир нечаси такрорлади, бу гап Вафодорнинг бошига ҳар сафар мушт бўлиб тушди. Ростдан ҳам, одам деган шунчалар танбал, туйғусиз бўладимики, сенинг кўз ўнгингда кимсасиз, бечора кишиларни босиб-янчишса, оёқлари остида топташса-ю, сен индамай, томошабин бўлиб ўтираверсанг!..

Унинг кўнглидан қандай гаплар ўтаётганини билгандай, Али Мирза деди:

— Йўқ, дўстлар, фикрларингизга мен қўшилмайман. Агар биз шунчалар бадбин бўлсак, яшашимизнинг керағи йўқ, тирик гўрга кирганимиз афзал. Шунини яхши билингки, дунё бедарвоза эмас, дунёда ҳалли мардлар қуриб кетгани йўқ. Юртингизда папоқ кийган шундай йигитлар борки, уларнинг ҳар бири бир қўшинга бас келади. Халқнинг ғазаби ҳам мисоли бир дарё. Бу дарё жўшганда илсбекларни учириб олиб кетади!..

#### 4

Булутлар ва туманлар билан чулганган ҳаво гўё ер юзига англаб бўлмас бир кадар, юракни эзувчи ғам-ғусса ёғаётгандай эди.

Шундай кунларнинг бирида Ҳури хоним бурмали атлас кўйлагининг этакларини йигиштириб, бошига сариқ шол рўмолини ташлаган ҳолда айвонда пайпоқ тўқиб ўтирарди. Четдан унга кўзи тушган одам: «Илоҳо умри узун бўлсин, ол кийса ҳам ярашади, шол кийса ҳам»,— деган бўларди. Чини билан ҳам

оғир алам ва мусибатлар унинг ҳуснини сўндира олмаган эди. Ёшликнинг томирларидан қувват олган гўзалликда баҳор офтобининг қудрати бор эди — у ҳаётнинг пўртана ва бўронларига қарши адл тура оларди. Гўзалларга наинки ол ҳам ярашади, шол ҳам, ҳатто ғам-ғуссалар ҳам уларнинг ҳуснларига балки ҳусн қўшади. Ҳа, уларнинг сиймосида кезинган ҳасрат булутлари бизнинг юракларимизда муқаддас туйғулар уйғотади...

Ҳури хоним эса атайлаб, тамомила онгли суратда оғир аламларни енгишга, ўзини шод кўрсатишга ҳаракат қиларди. У тўсатдан бу қарорга келгани йўқ. У ғам-аламларга, мусибатларга тўқнаш келавериб, уларнинг даҳшатли заҳар, оғу эканлигини билган, қисматнинг бу аччиқ ўйинларига, алам-андухга тўлган зарбаларига матонат билан қарши туришга аҳд қилган эди. У қўйиб берса ҳам юрагининг бутун қувватини сўриб олиши мумкинлигини кўрган, сал бўлмаса ҳаётининг иплари узилиб, тубсиз жарликларга қулаб кетишига оз қолганди. У яна шуни ҳам яхши билиб олдики, ғам-ғуссага ботиб юрадиган бўлса, бундан душманлари фақат севиначар экан. Кўзларида аллаларсидан тантана қилгандай иблисона табассумлар ўйнаган. Ўз хатти-ҳаракатлари билан душманларини кулдирадиган, суюнтирадиган одам қанчалар онгсиз ва ақлини йўқотган бўлиши керак! Ҳолбуки, душманни ёндирмоқ, умидсиз қилмоқ, саросимага қўймоқ қанчалар ақлли иш бўларди.

Ҳури ҳам мана шундай ҳаракат қилишни ўз олди-га мақсад қилиб қўйган эди. У зўр ирода қуввати ила эгини ҳам, руҳини ҳам мотам либосларидан халос этганди. Тушкунликка олиб борадиган ҳолатларга асло йўл қўймасди. Хусусан, бошига оғир кунлар тушиб, мусибатга ботган чоғларида Жаҳон хонимнинг тилидан чиққан мана бу сўзларни ўз қулоғи билан эшитганди: «Терскайда ўсган майсага ўхшайди. Тепасидан жиндай ел ўтса, сўлиб қолади. Боласи нобуд бўлса, ўзи ҳам жувонмарг бўлиб кетади».

«Йўқ, жувонмарг бўлганимни кўрмайсан, ҳеч қачон кўрмайсан, Жаҳон хоним!» — Ҳурининг ҳуши ўзига келгандай бўлди. Энди узоқ замонлар шундай бўлади. Душманларнинг таъналари бизга дўстларнинг ўғит-насиҳатларидан кучлироқ таъсир этади, ҳушёр

бўлишга ўргатади. Ҳури хонимнинг ғамдан енгилманини, ақлини йўқотиб қўймаганини кўрган ғанимлари энди ашулани ўзгартирдилар: «Хотин деган ҳам бунча орсиз бўладими! Бошига шунча мусибатлар тушгандан кейин ҳам заррин либослар кияди, одамнинг юзига қараб кулади, ҳеч ор қилмайди!»

Мана шундай сўзлар Ҳурининг дилини яралар, лекин уни матонатли, бардошли бўлишга ўргатарди. Тубан сўз, тубан кўнгил одамлардан ўч ололмаседа, ҳеч бўлмаганда уларни янада қувонтирадиган ҳаракатларга йўл қўймасди. Огир кунларда унга тасалли берган нарсалардан бири жуда ёшлик чоғларидан бошлаб ўрганиб олган қўшиқлар ва баётилар<sup>1</sup> эди. Ҳозир ҳам айвонда пайпоқ тикиб ўтириб, ҳазин бир қўшиқ айтарди:

Ер қўйди боғда мени,  
На оғир чоғда мени  
Улсам Лайлидай ўлай,  
Кўмсинлар тоғда мени.  
Еллар қуварлар мени,  
Ўртар яралар мени,  
Кўзларим йўлда қолди,  
Босар қоралар мени...

Қўшиқлар ва меҳнат, Соҳиб ва унинг келажаги ҳақидаги ўйлар зерикишга, толиқишга йўл бермасди. Бўш пайти бўлди дегунча айвонда ўтириб пайпоқ тўқир ва ҳазин овозда қўшиқ айтарди. Миллар,— уларни Озарбайжоннинг баъзи ерларида милча деб ҳам атайдилар,— унинг нозик бармоқлари орасида худди сеҳрлангандай ҳаракат қилиб, ранг-баранг ипларни илмалардан ўтказар ва мўъжазгина болалар пайпоғини тўқиб чиқарарди. Пайпоқ, кўйлак сингари нарсалар тўқиш энди унинг энг севимли иши, эрмаги бўлиб қолган эди. У чархда ип йигиришни, турли-туман чечаклар, ўтлар ва дарахт пўстлоқларини йигиб, қозонда қайнатиб бўёқ қилишни ва ипни шу бўёққа бўяшни жуда ўринлатарди. Бу ҳунарларнинг ҳаммасини у отасининг ночор ҳужрасида онасидан ўрганиб олганди. Жаҳон хоним шуни ҳам кўролмас ва гайирлик

---

<sup>1</sup> Баёти — озарбайжон халқ қўшиқлари.

қилиб: «Товони қадоқ қишлоқ қизининг қўлидан хонимлик келармиди! Подшо саройига олиб бор-чи, товуқдек дон чўқишга тушмаса отимни бошқа қўяман!» — дерди.

Ҳури бу сўзларда ҳеч оғирчилик кўрмаган бой қизининг фикри ва ахлоқи қанчалар чиркинлашиб кетганини кўрар ва ичида ундан кулиб, яна ҳам ғайрат билан ишлар, уринар, тўқиган нарсаларини ўзи таниган яхши одамларга тортиқ қиларди. Раҳматлик отаси ҳам у тўқиган пайпоқларни байрам ва тўйларда қадрдон одамларга ҳадя қилишни яхши кўрарди. Марҳум Муҳаммад Ризобек ҳам унинг машғулотидан мамнун бўлар, қип-қизил алвон пайпоқлардан офицер дўстларига тақдим қилган пайтлари ҳам бўларди. Шуларни хотирларкан, Ҳури ишига янада меҳр қўяр, қувонарди. Миллар эса унинг бармоқлари орасида ажиб бир суръат билан чиройли ҳаракат қиларди. Ҳатто ҳўнари тўқувчилик бўлган хотинлар ҳам уига бу жиҳатдан ҳавасланиб боқардилар. Рост, баъзан ўзи истамаган ҳолда асабий бўлиб қолар, хаёли қочар, ўй уни жуда ҳам олис ёқларга олиб кетарди. Бундай пайтларда милларнинг ҳаракатида уйғунлик йўқолар, мувозанат бузиларди. Лекин бу нарса узоқ давом этмас ва пайпоқларнинг чиройли чиқишига моне бўлолмасди. Унинг тўқиган пайпоқлари доимо чиройли, бичимдор бўларди. Бунинг сири болаликдан қонига сингиган нозик завқда, ҳар бир ишни зеҳнини қўйиб адо этишга ўрғанганида эди.

Ҳозир қўлида тўқилаётган пайпоқ яна шунинг учун ҳам чиройли чиқардики, юрагидаги энг олижаноб туйғулар ва қалбининг ҳарорати бармоқларидан ўтиб милларга, миллардан эса ранго-ранг ипларга кўчарди. У умрида ҳеч қачон мана шундай азиз ҳистуйғу билан пайпоқ тўқимаганди. Ахир, уларни ҳаётининг ягона қувончи ва умиди бўлган ўгли Соҳибга атар эди. Зотан, унинг ярали юрагига марҳаматли эридан қолган ёлғиз шу ёдгор — Соҳибдан кўра азизроқ киши йўқ эди.

Бу йил ҳаво бирдан совий бошлади. Ҳури хоним қиш тушиб, совуқлар авжга минса, Соҳиб иссиқ кийимсиз қолмасин деб ташвишланарди. Шунинг учун ҳам жадал ишларди. У бир пайтнинг ўзиде Соҳибга ҳам кўйлак, ҳам пайпоқ тўқимоқда эди. Ҳури хоним

Соҳибнинг усти бошига алоҳида эътибор берарди. Соҳибнинг отаси бор бўлган болаларга қараганда ночорроқ кийинишига асло йўл қўёлмасди. Агар Соҳиб ночорроқ кийинса, ғанимлари шунини ҳам балли-барайни қилиб ғийбат қилган бўлардилар. Лекин ҳамон Ҳурининг жони соғ, қўлидан иш келар экан, улар доимо Соҳибни ўз болаларидан кўра озода, гўзал ва ақлли ҳолда кўрадилар, албатта!

Ҳури жон-жаҳди билан болага отаси йўқлигини билдирмасликка, «етимлик ғубори»дан унинг юзларига кўланка тушмаслигига ҳаракат қиларди. Ҳури ҳеч қачон оҳ-воҳ қилмас, қийин дамларда йиғлаб-сиқтамас, нолиш қилмасди, чунки у Соҳиб учун ҳам она, ҳам ота эди. Она меҳри, она мунислиги билан ота жасорати, ота мардлиги ва қўрқмаслиги унинг ёлғиз сўзларидагина эмас, саъй-ҳаракатларида ҳам кўринмоғи лозим эдики, то бола ўзини отасиз деб ҳис қилмасин. Бир томондан мана шундай мулоҳазалар, иккинчи томондан Ҳурининг табиатида тугма тарзда тарбияланган олижаноблик Соҳибнинг фақат уст-бошигагина эмас, руҳи, ахлоқи, маънавиятига ҳам чуқур эътибор беришга, бола ҳар жиҳатдан гўзал хулқли инсон бўлиб етишмоғи учун ҳаракат қилишга ундарди.

Ҳури ўй-хаёлга чўмган ҳолда айвонда ўтириб пайпоқ тўқиркан, ёдига тушган халқ қўшиқлари, баётиларидан ҳазин хиргойи қилар, шу билан бирга назарини ҳовлидан узмасди. У ерда болалар ўйнаб юришарди. Олти-етти ёшларга бориб қолган Соҳиб ҳам уларнинг орасида пилдираб юрарди. Ушоқлар гоҳ бир-бирлари билан қувлашмачоқ ўйнашар, гоҳ бир жойга тўпланишиб, алланималарнидир сўзлашар, бақариб-чақиришар, кулишар, қийқиришар, шод-қувноқ ўйнардилар. Ҳовлининг нариги чеккасида, оғилхоналарнинг ёнидаги гўнглар тўдаси устида товуқлар ер титиб юришарди.

— Аҳа-а! Қара, роса уришишяпти! — болалардан бири хўрозларни кўрсатди. Болалар ўша томонга қараб чопишди. Катта оқ хўроз билан унга нисбатан анча кичик, лекин кўркам, қизил хўроз бир-бирининг устига ташланишар, тинмай уришишарди. Биттаси ҳам қайтадиган эмасди. Болалардан бири:

— Қизил хўроз қочиради! — деди.

— Йўқ, оқ хўроз қочиради!— деб жавоб берди унга бошқа бир бола.

— Йўқ, майли кел, гаров ўйнаймиз, қўлингни бер!

Икки бола гаров ўйнаркан, оқ хўроз кутилмаганда шиддат билан отилиб қизил хўрознинг тожини қонатди. Қизил хўроз амаллаб ўзини халос қилиб, андак ортга чекинди. У янгидан ҳужумга ўтиш пайида эди, лекин шу пайт оқ хўроз яна унинг устига ташланди ва сал бўлмаса кўзини чиқарай деди.

— Ҳа, бопла, ҳа!— гижгижлади оқ хўроз ютади деган бола. Атрофда қий-чув зўрайди. Шу пайт қивил хўрозга раҳми келган Соҳиб олдинга чиқди ва оёғи билан оқ хўрозни нарига сурди, уларни ажратиб қўймоқчи бўлди.

— Тегма, тегма!— деб қичқирди оқ хўрозга тарафдор бўлган бола ва Соҳибни урмоқчи бўлиб, у томон юрди.

Соҳиб уни тинчитишга уринди:

— Кўрмайсанми, сал бўлмаса ўлдириб қўяй деди.

— Сенинг нима ишинг бор?— деб бола Соҳибга қўл кўтарди. Соҳиб унинг қўлидан ушлади.

Ҳури хоним айвондан туриб қанчалар гапирмасин, болалар ажралмадилар. У ўрнидан тургунча болалар худди жўжа хўрозлардай уриша бошлаган эдилар. Ҳури хоним пиллапоядан тушиб бораркан, Жаҳон хонимнинг товушини эшитди:

— Ҳой, Хоспўлат, бор, анови кучукнинг таъзири-ни бериб қўй.

Бўйи анча тиккайиб қолган, соғлом, бўлиқ бола қаердандир шарпадай ҳозир бўлди ва Ҳуридан илгари болалар олдига югургилаб етди. Соҳибнинг қулоғини ушлаб буради, тепага кўтарди, ерга қўйди, қўли билан юзига бир шапалоқ урди.

— Ана, бопладинг! Ҳозирдан жонини олмасанг, катта бўлганида худога бандачилик қилмайди!— ўғлини рағбатлантирди Салим оға.

Ҳури хоним уларга қарамасдан:

— Уялмасдан боланинг ўртасига тушишади!— деб лоладай қизариб кетган Соҳибга яқинлашди. Соҳиб асаби қайнаб, бўғилиб турган бўлса ҳам, лекин йигламасди. Ҳури хоним унинг қўлидан тортиб бағрига босди ва Жаҳон хонимга қаради:— Болаларнинг сра-

сига нега адоват соласиз, ахир, нима бўлганда ҳам бир отанинг болалари-ку булар!

Жаҳон хоним худди шуни кутиб тургандай, иккала қўлини белига қўйди-да, ғазаб сочган кўзларини Ҳурига қадади:

— Вой, ҳаёсиз хотин-эй, қандай қилиб уялмай шу гапни айтяпсан? Бунинг қайси ери у раҳматлига ўхшайдики, тагин уни менинг зоти, сути тоза боламга авлод қилмоқчи бўласан? Ҳа, нега қоққан қозиқдек туриб қолдинг, тилингга тирсак чиққанми?

Мана шу онда Муҳаммад Ризобек кўп такрорлайдиган сўзлар Ҳурининг ёдига тушди ва ўзини тўхта-толмасдан, деди:

— Жаҳон хоним, сизга шунинг учун жавоб бергим келмайдики, бунинг отаси,— Ҳури хоним қўлини Соҳибнинг бошига қўйди,— ҳа, бунинг отаси Муҳаммад Ризобек сизнинг ҳаёсизлигингизни неча марталаб кўрганида менга айтгандики, ҳеч қачон бу хотин билан гап айтишма. Форсларнинг: «Жавоби аблаҳон хо-муш аст» деган бир ақлли мақоли бор, доимо шуни ёдингда тут, деганди.

Бу жумладан Жаҳон хоним фақат «аблаҳ» сўзини англагандай бўлди. Шунинг учун ҳам бутун ҳовлини бошига кўтариб шангиллади:

— Аблаҳ мен эмас, сени туғдирган, сенга оқ сут берганлар аблаҳ!— Салим огага қаради:— Сиз нега четда томоша қилиб турибсиз?! Бу қанжиққа жавобини берсангиз-чи!

Салим ога ғазабидан кўкариб кетганди. Ҳурига ташланиб, бўғиб, судраб дарвозадан чиқариб ташлаш учун унга шу бир сўз етмай турарди. Жаҳон хонимнинг сўзи ғашига теккан бўлса ҳам, лекин дарҳол Ҳурига қараб юрди. Девор четларида, товуқхона атрофида бу машмашани кузатиб турган хизматкорлар орасидан ўрта бўйли, қора қош, қора кўз, кўркам бир киши ажралиб олдинга чиқди-да, босиқ ва кескин бир товуш билан:

— Қўлингни тий, Салим ога!— деди ва Ҳури хонимни ўзининг гавдаси билан тўсди. Аччиқ истехзо ва нафрат билан давом этди:— Ҳа-ҳа, Салим ога! Хотин кишига қўл кўтариш эркак кишига ярашмайди. Эркакмисан, қани майдонга чиқ!— У қўлини белидаги ханжарнинг қабзасига урди.

Салим ога каловланиб қолди, ўзи анчадан бери яхши танийдиган, бошида бўз чарм папоқ, оёғида чувак билан пайпоқ, чап қўлига катта таёқ ушлаб олган одамга қаради.

Бу одам темирчи Вафодор эди. У Салим ога билан тенгқур эди. Ёшликда бир ерда қўй боқардилар. Кейинча Салим: «Булоқнинг кўзига яқин бўлган тузук», — деб бекнинг ҳовлисига кетган эди. Вафодор бир қанча вақтгача тоғларда чўпон бўлиб юрди. Шаҳарда ёзув-чизув ва ҳунармандлик билан кун кечирадиган тоғаси: «Чўпонликдан ҳеч нарса чиқмайди, ўгил, кеча-кундуз тоғ-тошда юриб қўй боққанинг билан бунинг қадрига етадиган одам йўқ. Чалпак нони елкасига осган тўрвасида қуриб тошга айланган, чориги йиртилиб, далва-далва бўлиб кетган шўрликлар қўлдан, оёқдан қолиб, эл-юртга гўшт, жун, сут, ёғ, пишлок етказиб беришади. Жамиятда эса уларни одам ўрнида кўришмайди. Қўлларида қизил қуш ўйнатган бойларимиз бировни камситмоқчи бўлса, унга қараб, «чўпон» дейишади. Шундан билаверки, чўпон сўзи эл-юртга нон-сут келтирган жафокашнинг ҳунари эмас, сўкиш сўзидай эшитилади!» деган эди.

Мана шу ақидада бўлган тоғаси уни шаҳарга олиб кетган, уни ўз ёнига олиб темирчиликни ўргатган эди. У яхши омов, чалги, ўроқ ва ҳатто қиличлар ясарди. Шу кунларда хонимнинг амрига кўра хизматкорлар уни чақириб келишган, у омборнинг бир чеккасида ётган хўжалик асбобларига қараши, ишга ярайдиганларини тўғрилаб тузатиши, бузилиб, кор бермай қолганларини олиб кетиб, ўрнига янгиларини ясаб бериши керак эди. Ғалати бир тасодиф туфайли у Ҳурининг тепасида бўлган жанжал устидан чиққан ва ўртага тушишга мажбур бўлган, ўртага тушганидан эса хафа эмасди.

Салим ога Вафодорнинг фақат темирчи эмас, одамларнинг яхши-ёмон кунига яраган, жасур ва мард бир йигит эканлигини биларди. Унинг олдида ноҳақ иш қилиб бўлмасди. У адолатсизликнинг ёнидан индамай ўтиб кетаверадиган одамлар қабилидан эмасди. Эзилганларга, заифларга, кимсасизларга кўмакчи бўлишни ўзи учун шараф деб биларди. Билагида ва тиззаларида паҳлавонларнинг кучи қайнаб ётарди. Буларнинг ҳаммаси кўпчиликка маълум эди. Хусусан,

Салим оғаға ҳам... Курашда ва тўқмоқ уришда Вафодорнинг олдиға тушадиган одам бу яқин атрофда йўқлигини Салим оға биларди. Бундан ўн йил муқаддам ўттизга яқин чўпонлар даврасида кураш бўлаётганида у Салимнинг белидан олиб, даст ҳавога кўтарган ва елкаси билан ерга ташлаган эдики, Салим: «Вой, белим!»— деб додлаб юборганди. Ҳозир саросималаниб унга қараган пайтида Салим ўша воқеани эслади ва нега шу пайтга қадар Вафодорнинг кетига тушмаганлигига ўзи ҳам таажжубланди.

— Майли, чўпон, сенинг ҳурматинг учун кечдим!— Салим оға ниҳоят ўзига келди ва «чўпон» сўзини алоҳида ургу бериб айтиб, Вафодорнинг қитигига тегмоқчи бўлди.

Вафодор бунга аҳамият бермади. Ҳури билан Соҳибни айвонга ўтказиб юбориб, Салимнинг олдиға келди:

— Қачон десанг, хизматингга тайёрман!— у ўнг қўли билан ханжар дастасини тутди. Истасанг, манави билан.— Атрофга қаради, чўпонлардан бирининг қўлидан тўқмоғини олиб, ҳавода ўйнатди.— Истасанг, манави билан! Қаерда, қачон десанг, мен тайёрман. Сўзида турмаган номард!

Шу тобда Салимнинг нақадар тубанлашганини, нақадар разил бир аҳволга тушганини кўрган ва ундан нафратланиб кетган Жаҳон хоним сўзга ара-лашди:

— Вафодор, қачондан бери оғанга қарши тилинг чиқиб қолди? Менинг ҳақ-ҳаддимдан, отамнинг ғазабидан қўрқмайсанми?

Вафодор бошини чайқади:

— Бекор ундай деяпсиз, хоним! Хотин кишига қўл кўтармоқ, хотин киши билан ғиди-биди қилиб ўтириш менинг ишим эмас! Бу оғаға келганда эса,— деди Вафодор истеҳзо билан лабини буриб,— бунинг билан бизнинг ўз ҳисоб-китобимиз бор, сиз бунга ара-лашманг!

Вафодор оҳиста дарвоза томонга қараб юрди. Лекин ниманидир ўйлаб, тўхтади, ўгирилиб, қўли билан айвон томонга ишора қилиб, Салимга қарата:

— Салим оға, сенга очигини айтиб қўяй, уларнинг бир мўйига зарар етса, ўзингни ҳам, етти қат қа-



елкасига ташлаб, сўлиб сарғаяётган, япроқларини со-  
вуриб тўка бошлаган дарахтларнинг орасида кезиб  
юрди. Бир-икки қуриган шохни қўли билан тортиб  
синдириб, бир четга улоқтирди. Ниҳоят, хизматкор-  
лардан бирини чақириб, Салим оға билан Жаҳон хо-  
нимни олдириб келди. Улар келганида қоронғи туш-  
ганди. Совуқ шамол эсар, томларнинг туйнукларида,  
тор йўлкаларда увиллар, оғочларни тебратарди. Шу  
топда шамолнинг увиллаши ҳам эл-юрт орасида юр-  
ган шов-шувларнинг хабарини Илёсбекнинг қулоқла-  
рига олиб келаётгандай эди.

— Эшитдингларми!— у асрорангиз ва ваҳимали  
кўзлари билан қизига, ўғли Сафиқулига, куёви Са-  
лимга ва бошқа ҳозир бўлган авлодларига қаради:—  
Бу сасларни эшитяпсизларми?

Ҳамма ҳайрат билан атрофга, сўнг бир-бирининг  
кўзига боқди. Улар ҳеч нарсани эшитмасдилар, лекин  
эшитмадим дейишга юраклари бетламасди, нафас  
олаётган ҳаволари, коинот-олам сирли садоларга тў-  
лиқ эканлигига ишонардилар. Бундай сасларни жуда  
камдан-кам одам эшитади. Бундай одамларга оллоқ-  
нинг иродаси билан ваҳий келиб туради, уларнинг  
басират кўзи ва басират қулоғи доимо очиқ бў-  
лади.

— Мен эшитяпман, ҳаммасини эшитяпман!— деди  
Илёсбек ва сирли товуш билан давом этди:— Шамол  
у сўзларни деворлардан ошириб менинг қулоғимга  
олиб келмоқда. Фақат кар одамгина бунга эшитмайди.  
Диққат билан бир қаранглар, ҳар бир уйда, ҳар дў-  
конда, беномуслар, текинхўрлар, деб бизни сўкишяп-  
ти.— Бирдан у ўрнидан қўзғалиб, Салим оғага қараб  
эгилди. Одамнинг этини увиштириб юборадиган кўз-  
лари Салимни ўқдай тешиб ўтди.— Нега сен у гадоёй-  
ваччанинг бошини деворга уриб мажақламадинг?  
Унинг оғзидан чиққан сўзларнинг биттасини бир эшак  
кўтаролмайди, сен қандай қилиб кўтариб юрибсан?

Ярақлаган Кирмон гиламининг устида тўшакчада  
тиз чўкиб ўтирган Салим дик этиб ўрнидан турди, қў-  
лини белидаги ханжарнинг қабзасига олиб борди:

— Изн беринг, шу заҳоти бориб бошини ит боши-  
дай кесиб, ҳузурингизга олиб келаман!

— Ўтир! Ўтир жойингга!— Илёсбек нозик бир ки-  
ноя ўйнаган қалин лабларини қимирлатди:— Урган

ўғил отасидан сўрамас! Ҳар иш ўз мақомида кўрилгани яхши, орқадан отилган тош тўпиққа тегади!

Салим тилини тишлаб қолди. Илёсбекнинг ҳар сўзи Вафодорнинг тўқмоғи каби унинг бошига ёғилмоқда эди. Ҳозир, шу йигинда у ўзини хизматкордан ҳам олчоқ, ўғай каби ҳис қиларди: «Аҳмоқ чол!— деб ўйларди ичида.— Уриш осон бўлса, нега ўғлинг Сафиқули уриб қўя қолмайди?! Олдинда аштархон мушугидай мўйловларини бураб ўтирибди, бу сўзларингни унга қараб айтсанг-чи! Борсин, сен гадоївачча деб атаган ўша темирчига рўпара бўлсин! Ўзларингетим, кимсасиз, тул бир хотинни эплай олмайсизлар, яна менга урган ўғил отасидан сўрамас дейсан!»

— Ўша беандишалик бугун қизимнинг ҳовлисида рўй берибди, буни кечириб бўлмайди. Бугун менинг қизимни обрўсизлантиришади, менинг куёвимга қўл кўтаришади, эртага қарабсизки, менинг ўзимни ҳам менсимай қўйишади. Шундай кетадиган бўлса, мамлакатда бош кўтариб юриб бўлмай қолади. Ҳар турли қаланги-қасанги, ялангоёқлар устимиздан босиб ўтадиган бўлишади. Бу беномусликни қон билан ювмоқ керак! Билдингми, Салим оға!

Салим ўз ўйи билан ўзи овора, лекин бир қулоғи Илёсбекда эди, унинг сўзларини яхшилаб эшитарди. Во ажабо! Бу эски хизматкорнинг калласида гўё иккита мияси бор эди: бири тинглар, қабул қилар, бошқа бири эса, дарҳол мулоҳаза юрита бошлар, жавоб ҳозирлар, ўз билганича ҳукм юритарди.

Салим яна шаҳд билан ўрнидан турди:

— Қўллигингизга арз қилдимки, изн беринг, борайин, калласини танасидан жудо қилиб, ҳузурингизга олиб келайин!..

— Итнинг боши менга керакмас. Мард йигитлар уни тупроққа кўмиб ташлайди, ҳатто изи ҳам қолмайди!— Илёсбек Салимга қўли билан ўтирмоқ ишорасини қилди.— Фақат ёдингда тут, ҳар ишнинг ўз мақоми бор. Йўл, мақом топ, ишингни бажар. Бу сенга Бобош эмас бўйнидан кўтариб, чирпирак қилиб деворга урсанг! Эҳтиёт бўл, бу сенинг ўзингни деворга чаплаб қўймасин яна. Бунга фириб ишлатасан. Шунга ҳам билиб қўйки, бир нарса бўлса, юзта бошида папоғи бор сен билан бирга бўлади. Тушундингми?

Салим оға, нега Илёсбек ҳамма сўзларини фақат

менга қаратиб айтади, ҳамма захрини менга тўкади, деб хафа бўларди. Гўё вазият-аҳволни оғирлаштирган у эди. Гуноҳқорни топганини қаранг! «Ўзиникилар билан мени ажратади! Майли, бек, жўжани кузда санаймиз!» — деб ўйларди.

— Энди Муҳаммад Ризобекнинг тул қолган хотинига келсак, унинг ишини ҳам бир ёқлик қилиш зарур!— Илёсбек ўғли Сафиқулига ўгирилди.

Ўтирганлар бекнинг нима демоқчи бўлганини, асл мақсади нимада эканини англолмаганларидан, индамай қолдилар. Сафиқулибек ўтирган ерида қимирлаб қўйган бўлса ҳам, отасига нима деб жавоб беришини билмасдан сўради:

— Ота, очиқроқ қилиб айтсангиз яхши бўларди. Мен нима қилишим керак? Уни ҳам йўқотиш керак демоқчимисиз?

— Қандай бефаросат боласан ўзи? Менинг пуштимдан бўлиб, менга ўхшамаганларингга ҳайронман!— Илёсбек таъна билан ўғлига қаради:— Уни йўқотиш сенинг шаънингга ярашадими, ёки шу билан мардлигинг ортадими? Сен мўйловдор азамат йигитсан, у ҳам шакардан ширин ёш бир хотин. Бориб, мулла Самаднинг кафтига бирон нарса ташла, никсҳингни ўқитиб ол, ҳалол хотининг бўлади-қўяди. Вассалом!

— Ахир, русларга эҳтиёт бўлайлик дердингиз-ку, ота!

— Назаримда руслар ҳам уни унутганга ўхшайди, худонинг эсидан чиқиб қолган кимса кимнинг ҳам эсига тушарди?! Неча йиллар ўтяпти, бир одам бориб эшигини очгани йўқ.

— Ким билсин. Балки яширинча кўз солиб туришгандир.

— Сен мендан ҳам эҳтиёткорроқсан, ўғлим. Бу одатинг менга маъқул. Лекин нима қилайлик? Бу хотин на ўлса, на ёқамиздан қўлини тортса. Эл-юрт орасида ҳам гап-сўзлар босилмаса. Бугун темирчис юзимизга оёқ босади, эртага яна бири.

— Сиз нима десангиз, шундай бўлгай, ота!— Сафиқулибек қувониб тилга кирди. У анчадан бери Ҳурини зўрлаб бўлса ҳам ўзига хотин қилиб олишга отасидан розилик кутиб юрарди.— Сиздан изн, биздан юмуш!

— Сен олмасанг, бошқа биров олади!— Илѐсбек ѳнди бирмунча юмшоқ сўзларди.— Ёш, гўзал, ҳусндор бир жувон, қўлида вараса қоғози, яна ажойиб қобиляти ҳам бор. Минглаб мўйловдор болалар шундай хотиним бўлса деб орзу қилади. Мен розилик бераман. Оллоҳ муборак айласин!

— Муборак бўлсин!— Салим оға бошқача бир қизғинлик билан Сафиқулининг тиззасини босди.

Илѐсбек унинг бу ҳаракатидан хурсанд бўлмаганлигини билдиргандай қараб қўйди-да, ўғлига деди:

— Шундай қилгинки, жиндай ҳам овози чиқмасин. Чиқса, бориб русларга етмасин. Нима кўп, тоғ кўп, дара кўп, дод-вой қиладиган бўлса, шундай ерга олиб борки, ҳеч ким сасини эшитмайдиган бўлсин! Бошқа иложи йўқ!

Жаҳон хоним кечроқ бўлса ҳам тилга кирди:

— Ота, мен ҳам бир оғиз гапирсам майлими?

Ҳамма унга ўгирилиб қаради. Отаси сўзлашга ижозат берди.

— Қани гапир-чи, бир кўрай, қизим, афсуски, ўғлон бўлиб туғилмагансан, сен булардан ҳам ақллисан, ҳам мардсан!— Илѐсбек қўли билан Сафиқулибекни ва Салимни кўрсатди. Жаҳон хоним ғурурланиб сўз бошлади:

— Ота, руслар борасида Салимнинг бошқа бир фикри бор. Менга жуда маъқул бўлди. Сизга ҳам маъқул тушса, айтсангиз, қилади.

— Қандай фикр экан?— Илѐсбек юзини Салимга тутиб қизиқсинди.

Салим гайри ихтиёрий суратда ўрнидан турди (у қанча ҳаракат қилмасин, Илѐсбекнинг қаҳридан чўчинқираб турар, унинг ёнида ўзини эркин тутолмасди). Ҳурини Эрон давлати билан яширин алоқа боғлаганликда айблаш фикри билан танишганидан сўнг Илѐсбек кўзларини катта-катта очиб ўйларди: ёмон ҳийлакор бу, ҳа! Бундан қўрқмоқ лозим!

— Яхши, энди боринглар, ишларингизни қилинглар!— Илѐсбек ўтирган ерида қимирлаб қўйди, бошқалар шу замон оёққа қалқиб, тарқалишди...

## 2

Бодаларнинг жанжалида Жаҳон хоним ва Салим билан яна тўқнашганидан сўнг, Ҳури бутун уйда ва

қовлида об-ҳавонинг бутунлай ёмонлашиб қолганлигини сезди. Гўё у нафас олаётган ҳавога ҳам заҳар аралаштирилгандай эди. Унга яхши муомалада бўлган, юраги ачишиб, ёрдам бермоқчи бўлган хизматкор ва оқсочлар таъна-тазарруга қолишар, ҳатто жазоланардилар. Ихтиёри ўзида бўлган, эл-юртга ҳукмини ўтказиб келган одамларнинг ҳаракатларини англаш кўпинча жуда қийин бўлади. Ҳеч ким бу одамларга улар ўзларига қилганчалик ёмонлик қилолмайди. Во ажабо! Инсонга беҳад зўр ихтиёр бериб қўйган ҳокимлик баъзиларнинг қўлидан бошқа бир нарсани бутунлай олиб қўяди. Ваҳоланки, бу нарсани йўқотиш инсон учун бадбахтлик билан баробар бўлади. Бу нарсаси — соғлом тушунчадир! Мана шунинг учун ҳам улар ҳар қадамда ҳақиқий дўстларини, тарафдорларини йўқотадилар, зоҳирда юзларига кулган, ичларида эса улардан нафратланган ялтоқиларни бошларига тўплайдилар. Ялтоқилик қилолмаган, буни номус-диёнаати сиғдирмаган олижаноб ва ҳақиқатгўй хизматчилар истар-истамас улардан узоқлашадилар, улар четлаштираган кишилар билан яқинлашадилар, муҳаббат қўядилар.

Жаҳон хонимнинг хонадонида тахминан шунга ўхшаш ҳодиса юз бермоқда эди. У Ҳурига яхши муомалада бўлган, ундан саломини аямаган хизматкорларни койиб, куткилагани сайин улар ўзларини қалбан Ҳурига янада яқинроқ олардилар. Жаҳон хоним унинг қўлида бир бурда нон учун хизмат қилиб, қуллуқ бажо келтирган, нима деса, шунга қойим турган одамларнинг ҳиссиётларини ҳам ўзига тобе деб биларди. У агар фалон кишини севинг, деса — севишлари, ундан юз ўғиринг деса — ўғиришлари керак! У бундай маънавий сотқинлик умри тўқчиликда ўтган, ноз-неъматларга кўмилиб яшаганларга кўпроқ тааллуқли эканлигини билмасди. Улар мана шундай тўкин-сочин ҳаётдан ажралиб қолмаслик учун ҳар қандай разилликка ҳам рози бўладилар. Эҳтиёж, йўқлик ва заҳмат ичида ҳаёт кечирган одамларнинг бойлиги эса маънавий собитлик ва маҳкамликдир. Бу сармояни уларнинг қўлларида олиш мумкин эмас. Жаҳон хонимнинг иккинчи хатоси ҳам биринчиси билан боғлиқ эди. У пулга, дов-давлатга сотилмайдиган одам йўқ, деб биларди. Истаган одамни пулга сотиб олса

бўлади деган ақидада эди. «Оллоҳ тинчита олмагани пул тинчитади!» — Жаҳон хоним отасидан қайта-қайта эшитган гапи шу эди. Бу дунёда пулга ҳам сотиб олиб бўлмайдиган, пул билан тинчиб кетмайдиган одамлар ҳам борлиги ва улар умрини меҳнат билан ўтказганлар ичидан чиқиши Жаҳон хонимнинг ҳатто ақлига ҳам келмасди. Бундайларни тутган йўллари-дан, тўғри ниятларидан, садоқат кўрсатган одамларидан қайтариш мумкин бўлмаган ҳолдир.

Жаҳоннинг акси ўлароқ, Ҳури буни яхши биларди. У пок ном, олижаноблик ва инсонийлик ҳар нарсадан юксак деб ўйларди. Инсонга муҳаббат, поклик ва тўғрилиқни у она сути билан бирга эмганди. «Пул деган нарса қўлнинг кириди!» У отасидан эшитган ва ишонган ҳақиқат мана шундан иборат эди. Бошига шунча мусибатлар, қора кунлар тушганлигига қарамасдан, у ҳали ҳам одамларнинг нима учун манфур хатти-ҳаракатларга мубтало бўлишини англай олмас, бундан таажжубда эди. Нега одамлар баъзан бу қадар бераҳм ва ғаддор, ёлғончи ва риёкор бўлади? Нега ахир? Золимлик ва риёкорлик шундай бир заҳарки, у ҳар нарсадан олдин инсоннинг ўз юрагини чиритади, ўзининг кўзларини кўр қилади ва дунёнинг гўзалликларини, баҳор чечакларининг атрини, ҳаётни ойдинлик билан тўлдирган ойнинг, юлдузларнинг, қуёшнинг қанчалар буюк бир неъмат, қанчалар бир тенгсиз гўзаллик эканлигини кўришга, ҳис қилишга йўл бермайди!

Мана шу инъом, шу эътиқод Ҳурига атир сочган бир гулистон каби жозиба бахш этган эдики, хизматкорларни шу жозиба ўзига тортиб турарди. Албатта, юраклари пок, раҳмдил хизматкорлар шундай эдилар. Шундай хизматкорлар бор эдики, улар Жаҳон хонимга ёқиш учун Ҳурига ҳурматсизлик кўрсатишар, қовоқларини солишар, қўполлик қилишарди. Ҳури буларга эътибор бермас, кўнглига оғир олмасди. Болалар уришиб қолган кундан кейин аҳвол оғирлашганди. Жаҳон хоним, Салим ога жанжал-сурон кўтариш, беҳаёлик қилиш учун фурсат ахтариб юрганларини Ҳури яхши тушунар, шунинг учун ҳам жуда эҳтиёт бўлар, ҳовлига тушмасликка, ҳатто айвонга ҳам камроқ чиқишга уринарди. Кунларини аксарият уй ичида ўтказарди. Қўли тўқишдан бўшамасди. Соҳибга

ривоятлар айтиб берар, нақллар ўргатар, уни қўшиқларга ошно қиларди. Булардан чарчаган пайтларида она-бола дарча олдига келиб ўтиришар, олис, туманли уфқларни томоша қилардилар. Уларнинг кўз ўнгидан оғир карвон булутлар қайларгадир қовоқ солиб кетиб борар, маъюс қировлаб турна қаторлари ўтарди...

— Онажон, қушлар қаерга кетишпти?— деб сўради дарча олдида тиззалаб ўтирган Соҳиб тирсагини дарча рахига тираб, юзини кафтига олган ҳолда.

— Иссиқ ўлкаларга учиб кетишади, болажоним...

Бола ҳеч нарса демасдан, қушлар кўздан ғойиб бўлгунча орқаларидан қараб қолди. Ҳури унинг зерикканини, ҳовлига тушиб ўйнайдиган вақти бўлганини кўриб турарди. Лекин ўзини ёлғиз ҳовлига чиқаришга юраги бетламасди.

Ҳури бир неча маротаба бу нарсаларнинг ҳаммасига чек қўйиш, барини ташлаб, боласи билан чиқиб кетишни ҳам ўйлади. Лекин қаёққа ҳам боради? Кимдан паноҳ сўрайди? Ахир, у ҳеч ерга бормаган, ҳеч кимни танимайди. Бу ердан салгина қимирлайдиган бўлсам, ҳали Тифлис ёки Ганжа йўлига чиқмасимдан мени ҳам, боламини ҳам ўлдириб кетмасалар, деб қўрқарди. Муҳаммад Ризобекнинг соғ-саломат юрган қавму қариндошлари ичида эса, паноҳ берадиган, қалқон бўладиган одамнинг ўзи қолмаганди. Ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган саксон-тўқсон яшар қариларнинг қўлларида нима келарди? Ўлар фақат онда-сонда Ҳури билан болани кўргани келишар, ўтган замонлардан, Қожар даврининг фожиаларидан, руслар Кавказга келган илк пайтлардаги талотумлардан сўйлашар, Илёсбек оиласининг, Жаҳон хонимнинг қилаётган фитна-амалларини эшитганда, «Худо ўзи сенга мадаккор бўлсин!»— дейиш билан чекланардилар. Бу наслнинг соғ-саломат қолган ёшлари эса, Илёсбекнинг забардаст одамларига қарши тура оладиган ҳолда бўлмаганлари учун эҳтиёт билан ҳаракат қилишар, ўзларини четроққа олардилар. Йўқ, шу ерда ўтириб бардош бериш, сабр қилишдан ўзга чора йўқ эди. Ҳар ишни сабр билан қилмоқ, болани вояга етказмоқ, қўлидан иш келадиган бўлгандан сўнг бу ерлардан бош олиб кетмоқ керак эди. Яна ким билади, у пайтларгача нима бўлади? Фалокат ва айрилиқлар ичида яшаганларнинг ҳамиша вақт деб аталган кўмакчилари

бўлади. Вақти-вақти билан у тўфонлар, бўронлар, зилзилалар қилади, саройлар ва қалъаларни таг-туғи билан учириб олиб кетади, қоронғи зиндонларнинг темир эшикларини ланг очиб, бандиларни озод қилади, беўлчов еган, одамларга озор берган, ситам еткизган, ўзларини пўлатдай мустаҳкам сезганларни шундай бир кунларга дучор қиладики, улар уч ой, беш ой деганда шам каби эриб тушадилар, бир стакан сувни ичишга ҳам иқтидорлари етмай қолади. Албатта, Ҳури бутун умидини замон ва қисмат еткизадиган тасодифларга боғлаб яшайдиган соддалавх аёллардан эмасди. Лекин юрагининг аллақайси бурчакларида йилт этган чўғлар ҳам йўқ эмасди. Уни келажакка ишонч билан қарашга, умид билан яшашга ўсиб келадиган Соҳиб ундаб турарди. Тугилганидан бери онасининг алоҳида меҳр-муҳаббати, диққат-эътибори соясида ўсиб, зориқиш кўрмаган, ёмон гап, танбеҳ эшитмаган бола ҳур фикрли, тамкин ва ўйчан бўлиб катта бўлмоқда эди. Соҳибнинг дунё ва одамлар ҳақида қандай саволи бўлмасин, Ҳури унга жавоб беришга ҳаракат қиларди. У боланинг тасаввурларини кенгайтирадиган, уни қониқтирадиган, унга тушунарли бўлган жавоблар берарди. Йиллар шундай ўтиб бораркан, Ҳури Соҳибга онагина эмас, йўлдош ва суҳбатдош ҳам бўлиб қолганди. Шунинг учун ҳам онанинг гўзал, пок хулқи, меҳрибонлиги, олижаноблиги бола қалбида ўзгача ажиб куртаклар очарди. Соҳибнинг шундай бўлиб ўсаётганидан Жаҳон хонимнинг ғайирлиги келарди. У қўпол, дағал, бефаросат ва эркатой ўғли билан Соҳибни солиштириб, албатта бахиллик қилар, Ҳурига нисбатан адовати ортарди. «Бу нафрат тўлган муҳитда қандай қилиб яшаб бўлади? Наҳот бир нажот йўли бўлмаса?» — деб зорланарди Ҳури.

Мана шундай оғирчилик, уқубатда кечиб турган кунларда бирдан ҳеч кутилмаганда Вафодорнинг ўртадан чиқиб қолгани Ҳурини шошириб қўйди, унинг юрагидаги нозик торларни тебратиб юборди. Ўшанда у боласи билан уйга кириб, ўзини тутолмай қолди, ўзини тахта устига ташлаб, ҳўнграб йиглаб юборди. Ҳали ҳам ҳовлида кечган оғир таассуротларидан қутулмаган Соҳиб бунга кўргач, ўзини йўқотиб қўйди, шошиб қолди: умрида биринчи марта онасининг ҳўнграб йиглаётганини кўриши эди.

— Она, онажон, йигламанг! Сизга нима бўлди, ойи, йигламанг!— Соҳиб кичкина қўллари билан онасининг бўйнидан қучоқлади.— Сиз йиғласангиз, мен ҳам йиғлайман!— йиғламсираган, кўврак сас билан илова қилиб қўйди у.

Ҳури дарров ўзини қўлга олди. Ўрнидан дик этиб туриб, боласини қучоқлади.

— Йўқ, йўқ, болажоним, сен йиғлама... Сен ҳеч қачон йиғлай кўрма... Қўй, улар сенинг кўз ёшингни кўрмасин...

— Сизнинг йиғлаганингизни кўрса яхшими?— Соҳиб онасининг бағрига тиқилди. Сўнг ниманидир ўйлаб, унинг бағридан чиқди-да, қўшиб қўйди:— Улар сизни кўп хафа қилишяпти, она. Майли, сал катта бўлай, қилич олиб ҳаммаларини ўлдираман!

Ҳури Соҳибнинг девордаги гиламга осиб қўйилган қилич томон узатган қўлини ушлаб олди-да, қайта-қайта ўпди:

— Йўқ, болажоним, сен ҳеч кимни ўлдирма! Ҳеч кимга қўл кўтарма! Сен бу қўлингда қалам ушлайсан. Отанг, ўғлимни ўқитаман, Петроградга юбораман, ўқиб келади, дерди. Ёдингда сақла, отанг: «Қалам қиличдан кескинроқ»,— дерди. Сен уларни қаламинг билан маҳв этгин!

— Ахир, улар қаламдан қўрқишмайди. Кўрдингизми, ҳали Вафодор амаки қўлини ханжарга юборган эди, Салимнинг ранги оқариб кетди. Вафодор амаки яхши одам экан, она. Унга қойил қолдим...

— Мен ҳам қойил қолдим, болам! Яхши одам экан!— Ҳури хоним ғайри ихтиёрий равишда Вафодорни мақтади ва нимадандир хижолат чеккандай бўлиб, яна қайта Соҳибнинг юз-кўзларидан ўпди.

Шундан кейин улар тез-тез Вафодор ҳақида гаплашадиган бўлиб қолдилар. Тўғрироғи, Соҳиб онасини гапга солар, унга турли саволлар берарди:

— Онажон, бориб Вафодор амакини чақириб келинг олдимизга...

— Бўлмайди, ўғлим...

— Нега бўлмайди?

— Бегона киши... бўлмайди. Кейин мен ҳақимда ёмон гап тарқатишади. Мен ҳақимда ёмон гаплар тарқатишса майлими?

— Ҳечам! Ундай сўз айтганни ўлдираман! Аммо Вафодор амака яхши одам, нега у бизникига келса ёмон дейишади?

— Катта бўлсанг, билиб оласан.

Мана шу тариқа Вафодор Ҳури билан Соҳибнинг ҳаётига кириб келди. Уни ёмон кунда ўзларини ҳимоя қилган, уларга умид ва паноҳ бўлган одам каби тез-тез эслаб турардилар.

Кун ботганига анча бўлган, қоронги тушганди. Теварак-атрофда овозлар ўчганди. Она Соҳибни ётқизмоқчи бўлди. Ҳамма болаларга ўхшаб, мана шу дақиқаларда Соҳибнинг ҳам онаси билан гаплашгиси қистади. Онасига ундан-бундан саволлар бера бошлади.

— Онажон, отам сизни яхши кўрармиди?

— Сен ёмон бола бўляпсан, Соҳиб!— она уни эркалаб жавоб берди.— Бераётган саволингни қара! Ахир, у кунлар эсимга тушса, юрагим ёрилиб кетаётгандай бўлади. Сен буни тушунасанми, болам?

— Тушунаман, она. Мени кечиринг. Ахир, мен ҳам отам ҳақида кўпроқ нарса билгим келади. Мен ҳам уйланганимда хотинимни отамга ўхшаб жуда ҳам яхши кўраман.

Ҳури беихтиёр шарақлаб кулиб юборди ва уни бағрига босди.

— Вой, менинг гунча болам-ей, бўйингга қурбон бўлай сенинг. Уша кунга етсам, армоним қолмасди... Энди ўрнингга кир, ухлайдиган вақтинг бўлди...

Айвонда шарпа товуш эшитилди. Ҳури ҳайрон бўлиб қолди. Тезлик билан девордаги чироқнинг пилигини тушириб, пуфлаб ўчирди. Нотинч ва андишага тўлиқ бир туйғу билан туриб дарчадан қоронғилик сари боқди. Ҳеч нарса кўрмади. Яна боласига овора бўлиб турганида аллаким эшикни икки марта жуда секин чертди. Ҳури ранги ўчиб эшикка қаради. Соҳиб эса тахтанинг устидан ерга сакраб тушди.

— Она, қўрқманг, эшикни очмаймиз!

Ҳури унинг бошини силаб қўйиб, эшик олдига келди ва титроқ товуш билан сўради:

— Ким?

Дарҳол у томондан овоз эшитилди:

— Қўрқманг, Ҳури хоним, бир дақиқага очинг, гапим бор.

Бола ҳам, Ҳури ҳам Вафодорнинг овозини эшитиб,

бир оз энгил тортдилар. Соҳиб суюниб кетганидан ҳатто эшик дастасига қўл узатди.

— Очинг, она, Вафодор амаки бу...

Ҳури тараддуд ичида қолди. Эшикни очишини ҳам, очмаслигини ҳам билмасди.

— Очинг, Ҳури хоним, қўрқманг!— Вафодор секии гапирди.

Ҳури эшикни очиб, нари чекилди. Вафодор ичкарига кириб, аста эшикни ёпди ва салом бериб, узр сўради:

— Мени кечиринг, Ҳури хоним. Сизни жуда ҳам безовта қилдим. Лекин бошқа илож йўқ. Сизни кўришим керак эди. Айтадиган гапларимни учинчи одам эшитишини истамадим.

— Нима гап ўзи? Ахир, сизни кечаси бу ерда кўрган одам...

— Ҳаммасини тушунаман. Тоза гап-сўз қилади... Хотиржам бўлинг, эҳтиёт тадбирлари кўрилган, тойдан ошиб келдим. Итлар ҳам беҳабар. Ҳеч ташвиш чекманг.

— Ахир, нима бўлди, нима гап экан?

— Икки кун олдин Илёсбекнинг уйида маслаҳат бўлибди. Кўп чатоқ ишларнинг режасини қилишибди. Сизни боҳабар қилиб қўйгани келдим, болани олинг, кетайлик.

Ҳури ҳайрат ичида унга қараб қолди:

— Қандай қилиб кетамиз? Қаерга кетамиз? Мен уйим-жойимни ташлаб қаерга боришим керак экан? Бу нима деган гап ўзи?

— Уларнинг ниятлари қандай эканлигини билганингизда ажабланиб ўтирмаган бўлардингиз. Менга ишонинг. Сизни қутқармоқдан ўзга фикрим йўқ.

— Сизга ишонаман. Мард ва яхши одам эканлигингизни биламан. Номусли одамсиз... Ҳаммасини биламан. Фақат сиз ўзингиз ўйлаб кўринг, эл-юрт нима дейди, кечаси бегона бир одам билан қочиб кетибди деб гап-сўз қилмайдими... Йўқ, бўлмайди. Ўлсам ҳам, шу уйда қоламан.

Вафодор таклифи унчалар ўринли эмаслигини, амалга ошириб бўлмаслигини тушунди.

— Ундай бўлса, эҳтиёт бўлинг. Қачон бир ҳодиса рўй берса, дарҳол менга хабар етказинг. Синглим Сакина бир баҳонада бу ерга келади. Бошқа маҳалда

қўшнингиз Райҳон хоним воситасида бир-биримиздан хабардор бўлиб турайлик. У атай сиз билан қўполроқ муомалада бўлади. Жаҳон хоним билан очилиб гаплашади. Ранжиб юрманг, ишончли одам. Яхши хоним. Бошқа илож йўқ, Салим оғага ўхшаганлар сезиб қолмасин. Мени кечиринг. Шуни билиб қўйингки, бошингизда ташвиш бор. Фақат қўрқманг, ўлсак ўламизки, уларнинг ярамас ниятларини амалга оширишига йўл бермаймиз! Худо ёр бўлсин!..

Вафодор шахд билан эшикдан чиқиб, кеча қоронгисида йўқолди. Ҳури тез эшикни беркитди, ҳалқаларини солди, дарча олдида ўтириб, тиззалари орасига кириб олган Соҳибнинг саволларига пичирлаб жавоб берганча анча пайт дарчадан ташқарига қараб ўтирди. Лекин ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит эди, тиқ этган овоз эшитилмасди. Вафодорнинг омон-эсон чиқиб кетганига имони комил бўлса-да, лекин мубҳам, ғалати бир вазият таъсирида туғилган ҳаяжонлар ҳадеганда босилавермади. Шу тўлқин билан кўрпага кирди. Соҳиб ҳам ухлаёлмасди. Ҳадеб онасига саволлар берар, Вафодор ҳақида сўраб-суриштирарди. Ниҳоят, Ҳури болани бу гаплардан чалгитиш, ўзи ҳам сал хаёлини ёзиш учун деди:

— Ке, сенга эртак айтиб бераман...

Ҳури «Малик Муҳаммад эртаги»ни бошлади. Лекин тез-тез адашиб кетар, воқеаларни чалкаштириб юборарди. Шунга қарамасдан, салдан сўнг Соҳибнинг пишиллаб ухлаб қолганини кўриб, жим бўлди, қулоғи эшикда бўлгани ҳолда мудраб кетди...

### 3

Икки деразали мўъжазгина уйнинг ҳовлисида атрофга ширин, жозибадор мусиқа садолари тараларди, Кўчадан ўтганлар тўхтаб қулоқ солишар, қўшни уйлардаги қиз-келинлар сеҳрли садоларга эриб ўтиришарди.

Қозоҳ асрлар бўйи Озарбайжонда ошиқлик<sup>1</sup> санъатига бешик бўлган ўлкалардан биридир. Ҳикоямиз кечаётган замонларда ошиқлик санъати тўй-байрамларда, кундалик ҳаётда халқнинг маънавий эҳтиёж-

---

<sup>1</sup> Ошиқ — халқ куйларини куйловчи бахши.

ларини, завқини тарбиялаган қудратли ва жуда кенг ёйилган санъат эди. Хусусан, Қозоҳ диёрининг қишлоқларида гўзал соз чалиб, гўзал сўз билан халқни мафтун қилган уста санъаткорлар билан бир қаторда, санъатга ишқибоз, майли зўр ёшлар ҳам кўп бўларди. Деворига соз осилмаган, гўдак чоғларидан соз сасини эшитмаган одам, вояга етганида созни кўкрагига босиб чалмаган йигит камдан-кам топиларди. Лекин ўша пайтларда Қозоҳдаги ҳаваскорлар орасида Вафодор каби ёниб, завқ билан айтадиганлар кам эди.

Бугун Вафодор созини бошқача бир ҳарорат, бошқача шавқ билан чертмакда эди. Гўё сознинг торлари эмас, юрагининг қилларини чертарди. Сийнасида қўзғалган бу ҳаяжонлар, бу алангали туйғулар нимани англатишини ўзи ҳам билмасди. Ахир, бу куйларни ҳозиргина, фақат бугун чалаётгани йўқ, улар дилига ёд бўлиб, маҳкам ўрнашган куйлар эди. Лекин нега бугун бу куйлар бошқача садо бермоқда, ўзгача бир латофат билан атрофга таралмоқда?

Бу кунлар Вафодор ўзгариб қолганди. Гўё аллақандай кучли шамол уни тинч соҳилдан кўтариб, чайқалиб ётган дарёга олиб бориб ташлаганди. Юраги нотинч, безовта туйғуларга тўла эди. Нотинч бўлса ҳам, алланечук ширин туйғулар эди улар. Вафодорнинг мана шу кайфиятда юришига бир сабаб у ўзига янги бир дўст орттирганида, Жаъфар унинг садоқатли қардошига айланганида эди, Жаъфар бошига тушган оғир дардларини унутсин деб, Вафодор кўп ҳаракат қиларди, қўлидан нима келса, шуни аямасди. Унинг ҳамма ғамхўрликлари юракдан ва самимий эди. Ҳамма Вафодорга баракалла дерди бунинг учун. Жаъфарнинг келажаги ҳақида қайғурар, унга яшаш учун тузукроқ шароит яратиш учун уринарди. Вафодор унга гилам тўқиш учун жой топиб, керакли асбоб-ускуналарни тўғрилаб берди. Жаъфар ҳам ҳавас билан ишга киришди. Ишга киришган биринчи куниданоқ ўғлоннинг ранги-рўйи очилиб, чеҳраси ёришгандай бўлди. «Ишга тушиб кетса, дардларини ҳам унутади!» — деб Вафодор суюнарди. Нон-намагини ҳам Жаъфар билан бирга ер, бирга баҳам кўрарди. Жаъфар эса индамас, лекин бутун мулойим, ёқимли хатти-ҳаракати, ширин рафтори билан умр бўйи садоқатли дўст бўлишини билдирарди. Толенинг иродаси билан Ҳури хонимнинг

ҳаётига аралашиб қолгани ҳам Вафодорни анча бевозта қилиб қўйди. Юрагини ширин изтироблар қамраб олди. Бу гўзал нозанин ва ноком келин билан кейинги сафар кўришгандан сўнг, у ўзига ўзи: «То тирик эканман, унинг йўлида жонимни фидо қилмасам йигит эмасман!» — деб онт ичди.

Балки созни бу қадар тўлқинлантирган туйғулар шундандир? Жаъфар билан Вафодор очиқ ҳавода, ҳовли юзида, ўрик дарахтидан сал нарида рўбарў ўтирардилар. Вафодор соз чалар, Жаъфар тингларди. Неча кундан бери қовоғини очмаган, уввос солиб эсган совуқ шамоллари одамнинг этини увиштирган ҳаво бирдан юмшаган, булутлар тарқаб, кўк юзи очилган, уфқ бетида илиқ куз офтоби кўриниб турарди. Атроф ҳам сокин, қилт этган шамол йўқ эди. Мана шу ҳавода кеч тушгач, дўконни ёпиб, Жаъфарни ёнига олиб уйга қайтган Вафодор синглиси Сакинага деди:

— Синглим, димогимга ажойиб дўлма ҳиди кел-япти, анави ерга дастурхон сол, бирпас дарахт тагида ўтирайлик. Жаъфар билан бирга овқатланайлик, гаплашайлик, дам олайлик. Бунақа ҳавода одамнинг уйга киргиси келмайди. Бундай дақиқалар камдан-кам бўлади. Яқин дўстинг билан дастурхон устида ўтириб лаззатли дўлмалардан ейсан, самовар чойини ичиб, аста торни ҳам тингиллатиб қўясан... Одам бу дунёда ўлади-кетади, бундай дақиқаларнинг қадрига етмоқ керак...

Ўн саккизга кирган, санамораства, оқ бадан, қора қош, қора кўз, шўх эндомли Сакина ўт-олов бир қиз эди. Акасининг сўзларига жавобан:

— Вуй-й, ўзим ўргилай, акажон, нега ундай деяп-сиз? — деди. — Худди бизни охириги марта кўриб тургандайсиз-а. Ўладиган дунёда, қўйинг, ўлгиси келганлар ўлаверсин. Кетгиси келганлар кетаверсин. Сизга ўхшаган...

Сакина хўрсинди, ширин кулди, лабини тишлади.

— Ҳа, уялма, у ёғини ҳам айт, бизга ўхшаган, хўш, нима экан?

— Сизга ўхшаган йигит минг йил яшаса ҳам оз! — Сакина сўзини тамомлади.

Табассум ва нур тўлиб турган кўзларини Жаъфар оша акасига тикди...

— Яхши... Сакина синглим, қани, ниманг бор, олиб кел...

Таом ейилди, дастурхон йиғиштириб олинди. Чой ичиб ўтиришди. Вафодор сознинг жилдини ечиб, қўни-қўшниларнинг, йўлдан ўтган-кетганларнинг дилларини шодлантирарди. У гоҳ устодномалардан айтиб чалар, гоҳ Кўрўғли қўшмаларини соз торларида ўйнатарди. У даҳанини сознинг чаноғига тираб, кўзларини юмиб, «Руҳоний» куйини чала бошлаганида Сакина ҳам чидай олмай, уйдан чиқди ва ўрик оғочига суялганча қулоқ сола бошлади. Жаъфар қизнинг қора кўзларининг туб-тубида, гўзал чеҳрасида, бутун туришида фавқулодда малоҳат, Вафодорга нисбатан бир сингил муҳаббатини кўриб, ўз сингилларини эслади. «Руҳоний» куйи уйготган мислсиз инсоний ҳислар Жаъфарнинг хотира ва армонлари билан бирлашдида, қалбини буткул эритиб юборди. У кўз ёшларини тийёлмай қолди. Сакинанинг олдида йиғлаш ожизлик, мискинлик бўлиб кўриниши мумкинлигини англаб, ўрнидан турди ва қизга қаради. Ё раббим! Қизнинг кўзларида ҳам ёш шашқатор, қизил ёноқларига марварид томчилари каби оқиб тушарди.

Вафодор эса «Руҳоний»нинг мислсиз жозибаси таъсирига берилиб, бутунлай ўзини, борлиқ оламини унутган, сеҳр дунёсига шўнгиб куй чаларди. Хаёлида ҳеч ўхшаши йўқ бир олам жилва қиларди. У серқуёш, нурга чулганган дунё эди. Ҳар томонга ажойиб боглар туташиб кетганди, шамол гулзорлардан олиб келган ифोर ҳидлар инсоннинг руҳини аллалар, уни ваядга соларди, сийнасини ҳаёт ишқи билан тўлди-рарди. Ана инсонлар! У оламдаги инсонлар нақадар гўзал эди! Сакина, Жаъфар — ҳеч ким танимаган мингларча, очиқ, чиройли, юзлари кулган, фидокор, соф юракли ўғлонлар, қизлар... Ё раббим! Ҳури ҳам уларнинг орасида юрибди! Жамоли гулдай очилган ўғли билан биргаликда у ҳаммадан кўра гўзалроқ эди! Бутун дунёнинг кўрки эди!

Мана шу туйғулар, кечинмаларнинг таъсирида Вафодор «Руҳоний»дан сўнг ҳали ҳеч бир ошиқ чалмаган ғаройиб бир куй чалиб, ҳазин нола қила бошлади:

Фигонки, сўз демакка тўғри сўзли ёр оздир,  
Қаро тунлар кўпу, шоми шуъладор оздир.

Бу ғамки, бор мени жони нотапонимда,  
Тамоми халқ манга ўлса ғамгузор, оздир.

Бу орзулар била ким'ихота этди мани,  
Минг йил муродим ила айланса, рўзгор оздир.

Вафодор нохунни торга сўнг дафъа уриб, созни қўрагидан туширди, кўзини очиб, бир Сакинага, бир Жаъфарга қаради, уларнинг кўзларида ҳам айна ифода-ларни кўрди ва худди янги бир нарса кашф этгандай, фикрга чўмди. Сакина икки қўллаб унинг бўйнидан қучоқлаб олди, у юзидан, бу юзидан ўпди.

— Вой, оғажоң, — деди, — шундай чалдингизки, юрагим жойидан кўчиб кетай деди... Раҳматлик отам эсимга тушиб кетди.

— Вой, тентак! — Вафодор синглизининг қўлларини ўпиб қўйди: — Сен отамизни кўрган бўлсанг эканки, ёдингга тушса...

— Кўрганман, жуда кўрганман-да! — Сакина таъкид билан айтди. — Сиз унга ўхшайсиз... — Жаъфарга ўгирилиб қараб, кулди. — Худди отам қошимда тургандай...

Вафодор ҳам Жаъфарга қаради:

— Отамиз ҳалок бўлганда Сакина уч яшар қизча эди. Уч ёшида ҳам боланинг эсида бир нарса қоларканми?

— Тушимда кўрганман. Отамиз ўлгандан кейин мен у кишини ҳар кун тушимда кўрадим. Шунинг учун ёдимда қолган. Сиз отам ўрнида отамсиз, отам мен учун худди тирикдай!

Жаъфар ака-сингилнинг бир-бирларига бунчалар меҳрибон эканлигига, очиқ, самимий гаплашишларига, қуйиб қўйгандай бир-бирларига ўхшаб туришларига қувониб, ҳавас билан қараб турарди. Тўғри, олдинлари, бундай муомала унга ғалати бўлиб кўринган эди. Одатан, ака-сингиллар ўртасида бўладиган муомалалардан фарқ қилгани учун бу очиқликни дафъатан англаб етиш қийин эди. Лекин бунга тушуниб еганидан кейин у шундай муомалага ўрганиб қолди, бундан хурсанд бўладиган бўлди. Ахир, рости билан ҳам, бу очиқлик улуғ бир муҳаббат ва фидокорликнинг ифодаси эди. Шундай бўлгач, нега энди ғайри табиий кўринаркан?

— Сакина хоним айтган нарса менинг ҳам бошимдан ўтган. Ҳар кеча ухлаган чоғимизда тушларимизга кириб чиққан сиймоларни биз ҳеч қачон унутмаймиз. Мен Сакина хонимга ишонаман!

— Ана, кўрдингизми!— деди Сакина Вафодордан аразлагандай бўлиб.— Ҳамма ишонади-ю, фақат сиз ишонмайсиз... Мен отамни кўрганман, вассалом! Сиз торни ҳам худди унга ўхшаб чаласиз... Энди аниқ билдим, аслида созни ҳозир чалган отам экан...

— Ўшанинг учун йигладингми, а? Яхши, сен шунга йиглаган экансан, унда азиз биродарим Жаъфар нега йигладийкин?— Вафодор уларни тергай бошлади.

— Одамнинг жигар-багрини эзиб юборасиз, дадаш! Одам қандай қилиб йиглаб юборганини ўзи билмай қолади. Тагин юрагингда дарду армонларинг лаҳта қон бўлиб ётган бўлса...

— Ҳар доим ҳам шундай чалавермайдилар, ҳа...— Сакина Вафодорга ишора қилди.— Ҳури хоним юрагидан уриб қўйганидан ва сиз билан ака-ука тутинганларидан бери юраклари жуда нозик бўлиб қолган.

— Майли, бор, чойимизни янгила!— Вафодор синглисининг қўлини бўйнидан олди, қўлини ўпиб қўйди ва яна созни олиб, кўкрагига қўйди.

Энди Вафодор жуда ҳазин бир куйни чала бошлади. Кўзлари ҳам узоқ-узоқларга, ботиб бораётган офтоб турган уфқларга тикилганди. Фикрга кетганга, алланималарнидир ўйлаётганга ўхшарди. Жаъфар, синглисининг гаплари уни ўйлатиб қўйди, деган фикрга келди. Вафодор эса Сакина билан Жаъфарни ўйларди... У туғишган синглиси билан бу жанублик дардкаш ўртасида бир-бирларига мойиллик пайдо бўлганлигини кўриб турар ва бунинг оқибатини ўйларди...

Вафодорнинг отаси Карам аслида чоракорлик қиларди. Бора-бора унда болаликдан кўрина бошлаган ошиқлик қобилияти устун чиқди. Ишдан, экин-тикиндан бўшаган пайтларида, узоқ кечаларда қўлига соз олиб, чалар, вақт-бевақт машҳур ошиқлар иштирок этган тўй-маъракаларда бўлиб, уларнинг қандай чалиб, қандай ўйнаётганларига, устоднома ва дostonларни қандай қилиб ижро этаётганларига зеҳн қўйиб қўлоқ соларди. Бирмунча вақтлардан сўнг аллақанча

устоднома ва дostonларни ёд олди, ҳатто ўзи ҳам ошиқворий қўшиқлар тўқиб айта бошлади. Бунинг кўрган отаси уни баъзи машҳур ошиқларнинг ёнига олиб борди. Устодларнинг таълимини олиб, кўпгина тўймаъракаларда шогирд бўлиб айтиб юрди, эл ўртасида танилиб, номи чиқа бошлади. Уша пайтларда ошиқларнинг оқсоқоли бўлган ошиқ Алиасқар унинг овозини эшитгандан сўнг, ўз дастасига олди.

Ошиқ Карам новчадан келган, қадди-қомати но-зик бир киши эди. Папоғини қоши устига бостириб, сойи сийнасига қўйиб чала бошлаганида қиз-жувонлар ундан кўзларини узолмай қолардилар. Вафодорнинг онаси Гулгазни ҳам мана шундай йиғинлардан бирида кўрган ва ёқтириб қолиб, унга уйланган эди. Гулгаз ўзига тўқ бир хонадоннинг қизи эди. Давлатманд хонадонлардан уларникига тез-тез совчилар келиб-кечиб турган пайтлар эди. Лекин қиз уларнинг барига йўқ деган жавобни қиларди. Совчи юборганлар ичида Муҳаммад Ризобекнинг узоқ қариндошларидан Каримбек ҳам бор эди. Гулгаз унга ҳам рад жавоби берган, оддий ошиқни ундан устун қўйганди. Ушанда одамлар ошиқ Карамга шундай дейишганди:

— Қўй, бу тошларни этагингдан тўкиб ташла, улар жуда бақувват одамлар. Уруғи ҳам итдай кўп. Бунинг устига, Каримбек бошқа ҳаммасидан ажралиб туради. Бошқаларига ўхшамайди. Қонхўр одам. Охири бориб ишинг чатоқ бўлади. Сен у билан тенг бўлмайсан. Бу савдодан қўлингни торт яхшиси.

Ошиқ кулиб жавоб берганди:

— Мен ҳақнинг куйчисиман, ўлсам ҳам, севгимдан кечиб кетмайман!

Севгисидан тоймади. Уйланди. Муҳаммад Ризобек авлодининг зулм ва истибдодга қарши нафрат билдирганларидан эмас, золим ва тошбагирларидан бўлган Каримбек: «Майли, ошиқ, бир кун ҳисоб-китоб қилишармиз!»— деб пайт пойлаб юарди.

Ошиқ Карам эса хотин олиб, бола-чақали, уй-жойли бўлиб кетганидан сўнг, ўртада талашадиган нарсалар қолмади, деб хотиржам ўз ишига машғул бўлди. У чинакам ошиқлик билан ҳамда чинакам ошиқларга хос гўзал хулқ-одатлари билан эл-юрт ўртасида машҳур эди. Кўзи, кўнгли тўқ, бунинг устига маърифатли ва вазмин одам эди. Нима ижро этмасин,

устодномаларми ё шўх-шан қўшиқлар, тадими, у ҳеч қачон меъёрдан чиқмас, ортин катлар қилмасди. Бировларга қош-кўз ўйнатиб, қилишни ёмон кўрарди. Бундан қатъи назар, мажмаъракаларни жуда чиройли ўтказарди. Шунинг учун ҳам тўй қиладиганлар икки-уч йил аввалдан унинг ваъдасини олиб қўярдилар. Ёшлар ўз тўйларини ошиқ Карам ўтказиб беришини орзу қилардилар. У оддий чоракордан тортиб, донгдор бекларнинг йиғинларигача иштирок этган, тўкин-сочин дастурхонлар, ҳашамдор тўйхоналар, келинларнинг заррип уйларини кўрганди. Боши устида ҳовуч-ҳовуч тилла сочилган пайтлар ҳам кўп бўларди... Лекин буларнинг бари унинг дилидаги гавҳарни заррача сўндирилмаган, у чоракор бўлиб, омоч дастасидан тутган пайтларини сира унутмас, оддий деҳқон, меҳнаткашларга бўлган ҳурмат-муҳаббати заррача бўлсин камаймаган эди. Ўзи истаса-истамаса бу нарса ошкора сезилиб турар, у йўқсилларнинг тўйларида айтадиган қўшиқларда бу айниқса кўзга ташланиб қолар, давлатмандларнинг кўзларига чўп ташлагандек бўларди. У баъзи бир пайтларда беклар, хонлар, муллалар, сайидлар, раиятнинг бошида турган бошқа оғзи катталарни ҳажв қилган қўшиқларни айтиб юборарди. «Ёрнинг қулоғи бор»,— дейдилар. Мана шундай қўшиқларнинг садоси бекларнинг қулоғига ҳам етиб борар, эл ўртасида ёйиларди.

Каримбек ҳам шу гапларни эшитганидан сўнг бошқача фикрга бориб қолди. Ошиқнинг бу ишларини ўзига нисбатан ҳурматсизлик деб ўйлади ва ундан ўч олиш пайига тушди. Бир куни аллақайси бир бек тўй қилди. Тўйга ошиқ Карам ҳам таклиф қилинган эди. Шунда Карамбек томонидан атай ўргатилган хизматкорлардан бири ўртага чиқиб, кумуш сопли ханжарини белидан ечди-да, ошиқ Карамнинг олдига қўйиб, деди:

— Ошиқ Карам, «Беклар ва муллалар» деган шеърингни ўқисанг, бу ханжар сеники бўлади. Ўқимасанг, бу мажлисдан чиқиб кетасан!

Ўргатиб қўйилган бошқа бир хизматкор орани қизитиш учун деди:

— Бу ошиқда сен айтган юрак қаёқда? Ундай нарсаларни беклар бўлмаган ерларда ўқийди.

қўқимаса одам эмас, созни шу ерга қўйси-  
кетсин!— деб учинчи бирови қичқирди.  
Кейин устозлик папогини ҳам ечсин!— деб чу-  
қиллашди уювлари бир бўлиб.

Ошиқ Карам тўрда чўғдай ёнган алвон гиламлар устида ўтириб, калён симирган шоп-шалопли беклар ва уларнинг қутқуси билан орани қизиштирган хизматкорларга бир-бир қараб олди-да, қаддини ростлаб, созни кўкрагига олди ва жаранглашиб черта кетди. «Беклар ва муллалар» қўшиғини овози заррача титрамасдан, қўр тўкиб ўтирган беклардан зиғирча тап тортмасдан дов туриб айтди. Бекларнинг оддий халқ мол-ҳолига, раият номусига тажовузкорлик билан қилган хатти-ҳаракатларини лаънатлаган бу қўшиқнинг ҳар бонди бир қамчи бўлиб, қизариб-бўзариб ўтирган бекларнинг юзларига бориб тегарди. Карам қўшиқни Самардан тўхтатиб, хизматкорларга бошини ўтирди:

— Энди сизлар папоқларингизни ерга қўйинглар!..

Хизматкорлар ҳай-хуйлашиб ошиқ устига ташланмоқчи бўлганларида Каримбекнинг амрона овози эшитилди:

— Бу қандай беадабчилик! Жим ўтиринглар!— У қўйнидан ҳамёнини олиб, ичидан бир ҳовуч тилла танга чиқарди-да, ошиқ Карамнинг оёқлари тагига тўкди.— Бундай ошиқнинг қўл-оёқларини қизил билан беамоқ лозим!

Ҳамма ҳайратга тушди. Каримбекдан ҳеч қачон чиқмаган, кутилмаган саховат, олижаноблик эди бу! Каримбек аччиғини чиқарган, ҳақорат қилган одамни халқнинг ўртасида беобрў қилиб, қора балчиққа қормасдан чиқармаганди бу яқин орада! Бекларнинг ўзлари ҳам унинг бу ишидан ҳайратга тушган эдилар. Ошиқ Карам ҳам куйга берилган Каримбек ҳамма нарсани унутган бўлса керак, деб ўйлади. Сознинг сажракор торлари балки унинг ҳам юрагини юмшатгандир, юрагида инсоний туйғулар уйғотгандир, ким билсин. Шундай деб ўйлагани учун ҳам, бир ҳафтадан кейин Каримбек уни: «Ҳолим ҳароб, келсин, бир соз чалиб берсин, баҳри дилимни очсин!» деб чақиртирганида, созини олиб, уникига борди. Лекин шу кетганича орқага қайтгани йўқ. Айтишларига қараганда, ошиқни ичкарига олиб кирган хизматкор эшикни зудлик билан беркитиб, ўзи қайгадир ғойиб бўлади. Са-

рой ичкарисига қараб йўл олган ошиқни занжирдан бўшатиб юборилган даҳшатли қопагон итлар талай бошлайди. Ошиқ ўзини у тараф-бу тарафга отади, бақиради, ҳеч ким овоз бермайди. Унинг парча-парча бўлиб кетган этлари кўппакларнинг оғзида қолади. Ўша кеча Каримбекнинг одамлари Гулгазни болаларидан айириб, оғзига латта тиқиб олиб кетдилар. Шушу, Гулгаздан ҳам ном-нишон чиқмади. Анча вақт ўтгандан сўнг Каримбек Эронда юрибди, деган хабарлар эшитилди. Айтишларига қараганда, Гулгазни олиб, Хуросонга имомни зиёрат қилиш учун борган экан, ўша ерларда қолиб кетганмиш.

Вафодор аввал йиғлаб-сиқтаб, сўнг тақдирга тан бериб, уч яшар синглисига ҳам ота, ҳам она бўлиб қолди. Уни Сакинага ва Сакинани унга боғлаб қўйган ака-сингилликнинг тарихи ана шундай. Шу тариқа бир неча йил чўпон-чўлиқ бўлиб юрганидан сўнг яна толе Вафодорга қулиб қаради. Ҳали ёш экан, ота-онасига жаҳл қилиб уйдан кетиб қолган ва Ҳиндистонга бориб истиқомат қилиб турган тоғаси қариб, ватанига қайтади ва етим қолган болаларни ўз бағрига олади. Тога бундан икки йил бурун қазо қилган, уни йиғлаб-сиқтаб қабрга қўйиб келган ака-сингил яна ёлғиз қолган эдилар.

Сакина Вафодор уни жуда ҳам қаттиқ яхши кўришини билар, Вафодор ҳам Сакинага нима деса, шуни қилишини, биронта сўзини икки қилмаслигини яхши биларди. Сакина балоғатга етиб, чиройи кундан-кунга очилиб бораркан, Вафодор уни ёмон кўзлардан сақлаш пайида бўларди. У кунлари номуносиб бир одамга қолишини истамасди. Во ажабо! Сакина ҳам бегона кишиларга кўз учида бўлсин, қайрилиб қарамасди. Ҳатто қўни-қўшнилари кўрсатган одамлар хусусида ҳам бирон гап айтмасди.

— Акам билади, у билан гаплашинглар, — дерди холос.

Тўғриси ҳам ўзи шу эди, Сакина акам кимга муносиб кўрса, шунга тегаман, деб қатъий бир қарорга келиб қўйганди. Вафодор бунга билар ва шошилмасди. У ҳам Сакинани қадрлайдиган, ҳам ўзи қобил бўлган бир одамни кўзларди. Ҳозир у ўйлаган одам пайдо бўлган эди. Жаъфар яхши бир оиланинг соҳиби бўла олишига, синглисини эҳтиёт қилиб, қадрлашига Ва-

фодор ишонарди. Сакинанинг ўзи ҳам унга мойил эканлигини сезиб турарди. Фақат бу тўғрида гап очмас, уларнинг ўзидан бир ишора кутарди.

Улардан эса сас-садо чиқмасди. Сакина балки акамга ёқмас, у ёқтирмаган, ишонмаган одамга эса ҳеч қачон, ўлсам ҳам тегмайман, деб юрарди.

Жаъфар ҳам теран бир изтироб ичида эди. Наза-рида ўзини Сакинага кўз олайтираётгандай сезар, ўз хаёлидан ўзи уялар, менинг бундай деб ўйлашим нон-кўрлик бўлади, бировнинг тузини ичиб, тузлиғига тупуришдан ёмон нарсa йўқ, дерди. Бошқа бир томондан у жуда тортинчоқ йигит эди, бу борада очиқ гап юритишга уяларди. Шуларни сезиб юрган Вафодор бир куни Сакинадан сўради:

— Синглим, болаликдан сенинг мендан, менинг сендан яширадиган сиримиз йўқ, энди сенга бир гап-ни айтмоқчиман. Тагин уялиб-нетиб ўтирма. Бу ўзи шундай табиий, ҳар кимнинг бошида бор нарсa. Аввал-охир бир қиз бир ўғлоннинг хасми. Эрга тегмоқ, хотин олмоқ ҳар бир одамга вожиб. Сен истамаган одамга эрга чиқишингни мен истамайман. Ўзинг айтчи, Жаъфар қандай йигит?

Сакина унинг бўйнидан қучоқлади.

— Акамдан ўргилай, жоним қурбон бўлсин, олдин ўзингиз уйланинг. Кейин мен ҳақимда гаплашар-миз.

— Сен сўраган нарсамга жавоб бер. Жаъфар қалай? Ўзи менга маъқул йигит. Юраги тоза унинг.

— Сизга ёққан бўлса, мен нима дейман...— деб Сакина ҳовлига қочиб чиқди.

Сакинанинг йўқлигидан фойдаланган Вафодор энди Жаъфарни гапга солди:

— Жаъфар, қисмат шундай экан, сен билан ака-ука бўлиб қолдик. Ака билан ука эса доим бир-бирлари билан очиқ сўзлашишлари керак. Сакинага кўнглинг борми? Синглимни сендай бир одамга топширсам, анча тинчирдим.

Жаъфар ўрнидан турди, Вафодорнинг қўлидан ушлади:

— Қўлингизни кўзимга суртсам арзийди. Мен энди дунёда яхши кунларни кўрмасам керак, деб тақдирга тан бериб қўйган эдим. Толе мендан юз ўгирган дердим. Сизга сўз бераман: мен тирик эканман, жоним

соғ бўлса, Сакина ҳеч қачон ёмон кун кўрмайди, ёмон сўз эшитмайди!

Сакина чой олиб келиб, ўртага қўйди. Қайтиб кетаётганида Вафодор унинг қўлидан ушлаб тўхтатди:

— Синглим, стаканларимизга қанд сол, ширин чой ичайлик!— деди ва бошқа бир қўли билан Жаъфарнинг қўлидан ушлаб, Сакина билан унинг қўлини бирлаштирди.— Муборақ бўлсин, азизларим, худо сизни доим бахтиёр қилсин. Доимо аҳил бўлинглар, қўша қаринглар!

## БЕШИНЧИ ФАСЛ

### 1

Ҳурининг ҳусндор юзи, келишган бўй-басти, оппоқ қўллари Сафиқулибекнинг кўз олдидан кетмас, хаёлидан кўтарилмасди. Қаерга бормасин, нима қилмасин, кўз ўнгиди Ҳури турарди. Ҳури чўгдай ёнган, кулимсираган кўзлари, ноз-ишвага тўлиқ адолари билан, бетимсол жозибаси билан уни ўзига чорлар, чақирарди. Қолбуки Ҳури бирон марта ҳам Сафиқулибекнинг юзига қараб кулмаган. Аслини олиб қараганда ҳам, бундай қилиқлар Ҳурига бегона эди. Лекин Сафиқулибек ва унга ўхшаган кишилар малак қадар гўзал, зангин маънавиятли хотинларда ҳам ўзлари истаган, яъни ҳайвоний эҳтиросларини қондирадиган, шу эҳтиросларга жавоб берадиган жиҳатларни кўришга одатланиб қолганлар. Бундай тоифадаги кишилар хотиннинг асл гўзаллигини, ҳақиқий лаёқатини кўрмайдиларгина эмас, буни ҳатто ҳис ҳам қилолмайдилар. Сафиқулибек учун бу ажабланарли эмасди, чунки у қўпол ва дағал одам бўлишидан ташқари, хотин кишига ўйинчоқ, эрмак деб қарашга одатланганди. Кўзини очган кунидан эътиборан ўзи дунёга келган ҳонадонда хотин кишини қул сифатида кўрган, қул сифатида муомала қилишга ўрганган эди.

Шунинг учун ҳам Ҳурини бир куртизан хотин деб тасаввур қилган бўлса, бунинг ажабланарли ери йўқ эди. Инсоннинг тасаввурлари ҳамиша шуурининг даражасига ва ахлоқига уйғун бўлади. Ҳури умрида бирон марта бўлсин, Сафиқулининг бетига жилмайиб

қарамаганидек, уни онда-сонда кўрган пайтларида негадир кўнгли беҳузур бўлган, худди кўзига одам эмас, илон ёки қурбақа кўрингандай эти сесканган эди. Сафиқулибек албатта буни кўрмасди. У ўзини гоятда баланд олар, давлатига ғурурланар, бекзодалигидан, қўлини қаерга узатса етишидан гоятда кибру ҳавога тўлган бир одам эдики, мана шулар туфайли, жуда узоқ пайтларгача энг оддий нарсаларни ҳам пайқамай келарди. Киши мабодо унинг кўзларига нафрат билан тикилса, у буни ўша одамнинг қўрқоқлигига жўяр, ўзининг салобати қаршисида уни шамдай қотиб қолган деб ҳисобларди ва назарида у одам: «Ога, қурбонинг бўлай, менга раҳминг келсин...» — деб тургандай бўларди.

Отасининг охириги сўзини эшитганидан кейин Сафиқули фақат Ҳури ҳақида хаёл сурадиган бўлиб қолди. Энди у бу шўрлик хотинни ўзиники деб биларди. У ўша куни эрталабоқ мулла Самаднинг ҳузурига бориб, Ҳури билан ўзига никоҳ ўқитди. Мулланинг маслаҳати билан оқсочларидан бирини Ҳури деб олиб келди. Мулла савол берганида, оқсоч қиз «розиман», деган ва иш шу билан тугаган эди. Мукулмон оламида бундай ҳоллар ҳийлайи шаръий дейилар ва ўша даврларда ва ундан кейинроқ ҳам мўмин бандаларга мажнун каби саҳроларда саргаймасдан, ўз истаган хотинларига ва ҳатто қизларга никоҳ ўқитиш ва хотин қилиб олиш ихтиёрини берарди. Эндиликда Сафиқулибек бир оқшом Ҳурининг эшигини тақиллатиб борса ва унга никоҳ қоғозини кўрсатиб: «Мана, мен эринг бўламан!» — деса, бас эди.

У мана шу хаёл билан биз тасвирлаган талай фожиаларга майдон бўлган уйга келди. Тахта дарвозанинг кичик эшигини оёғи билан итариб, очди. Пахса деворлар билан ўраб олинган ҳовлига кирди. Кун бота бошлаганди. Мол-ҳол даладан қайтганди. Жанубнинг майин ҳавоси танларни сийпаларди. Туман, булут босиб, ёгин-сочин кўп тушган кунлар ўтиб, осмон тиниқ очилганди. Далаларда куз майсалари ям-яшил бўлиб, бедалар, кузги экинлар кўкариб ётарди. Шунинг учун ҳам, қорамолларни ҳар куни кенг далаларга ҳайдаб чиқардилар. Даладан ўтлаб қайтган согин сигирларнинг елинлари сутга тўлиб, тирсиллаб турар-

ди. Хизматкорлар улкан мис тоғораларни сигирларнинг ёнига олиб келиб, уларни силаб-сийпаб соғиб, ифор ҳиди келган сут билан тўлдирадилар. Сафиқули ҳовлига кирганида сигирлар айнаи пов-пов соғилаётган пайт эди. У эшикни бир тепиб, ичкарига кириши билан ғайри ихтиёрий суратда айвон томонга қаради: чиройли кийинган, тоғ чечаги каби гоятда гўзал ўғлон айвон панжарасига суяниб, ҳовлида бўлаётган ишларни томоша қиларди. Ҳури бир чеккада ўтириб, пайпоқ тўқирди. Эшикнинг тарақлаганини эшитиб, ўша томонга қаради. Узоқдан уларнинг кўзлари бир он бўлса ҳам тўқнашди. Ҳурининг бошида сариқ гулли шол рўмол бор эди. Рўмол тагидан сийрак оқ туша бошлаган қора жамалак сочларининг учлари кўринарди. Оппоқ чехраси порлаб турарди. Сафиқулибекнинг назарида ой осмондан айвонга тушган ва бутун ҳовлини ёритиб турарди. «Мунча ҳам офатижон бўлмаса! Ҳуснига яна ҳус қўшилибди!» — хаёлидан кечди унинг. Дарҳол ўша томонга юриб, қулай фурсатдан фойдаланиб салом-аликни бошлаб юборгиси келди. Ҳури унинг ниятини сезгандай, тез ўрнидан туриб, Соҳибни чақирди:

— Ўғлим, юр, ичкарига кирайлик... Кеч тушди, совуқ ейсан.

Сафиқулибек боланинг кетмоқчи бўлиб, бир зум тараддудланиб қолганлигини кўрди. Лекин кўзини соғиб бўлинган бўйни туморли сигирлардан олиб, ойисига қараган ва ойисининг қаршии соясида дарвоза тарафга кўзи тушган бола Сафиқулибекни кўриб, дарҳол турган еридан жилди ҳамда ойисининг ортидан уйга кирди. «Боласи ҳам худди ўзига ўхшайди. Бизни кўргани кўзи йўқ. Ҳай, кўрармиз ҳали. Сизларни гаҳ деганда қўлга қўнадиган қилмасам, юрган эканман мен ҳам!» — Сафиқулибек айвонда тарс этиб ёпилган эшикнинг товушини худди бир сўкиш, юзига урилган тарсакидай қабул қилди ва жони-пони чиқиб, ҳозирнинг ўзидаёқ тепага чиқиб бу майнабозчиликка хотима қилмоқчи бўлди. Оғилхонадан чиқиб келган Салим оға ҳовлининг ўртасида у билан юзмаюз келди:

— Салом, Сафиқулибек! — деди. — Хуш келибсиз. Бу... говгум пайтида... Тинчликми?

— Никоҳни ўқитдим! Жуфти ҳалоломининг ёнига

борапман!— Сафиқулибек пича истеҳзо, пича ҳазил билан жавоб берди.

— Асло, асло бора кўрманг, барака топкур! Чатоқ бўлади!

Уйда заррача бир тўқинлик билмай, кўнгилларига нима келса, шуни қилиб ўрганган ҳамма дасти зўрлар сингари Сафиқулибек ҳам бу маслаҳатни ёқтирмай, бир оз баланддан келди:

— Омон бўл, ишни энди бир ёқлик қилмоқчиман. Ҳеч чидаб туриб бўлмай қолди-ку?!

Салим оға унинг бунчалар аҳмоқ эканлигига ичидан кулар ва уни янада ҳаволантиришни истарди:

— Нима, юрагингиздан шунчалар уриб қўйганми? Чидолмай қолдингизми? Сабр қилинг. Ҳамма ёқ тинчлансин. Кейин хилватда ишни бажарасиз. Эшитмаганмисиз, тулки хилватда бек деб!— Салим оға хирллаб кулди.

Тулки сўзи Сафиқулининг нафсониятига тегди.

— Сен ҳам валдирайверма! Худо ҳаққи, жаҳлим чиқиб кетса, отам бўлса ҳам аямайман!

— Тўғри гапни айтдим-да, нега аччигингиз келади! Ана, Жаҳон хоним ҳам шу ерда, кўрайлик-чи, у киши нима деркин бунга.

Салим аҳволни икки оғиз сўз билан Жаҳон хонимга маълум қилди. Жаҳон хоним кулди.

— Сенга нима бўлди, укажон, чидолмай қолибсан?— деди ва Сафиқулибекнинг айвонга кўтарилмоқчи бўлаётганини кўриб, иккала қўли билан унинг билагига ёпишди, дарров жиддий тортди:— Жоним сенга қурбон бўлсин, укажон, сабр қил. Сал тинчисин, кейин... Қани, юр, юр ичкарига!— деб уни ичкари хонага судради.

Салим оға остонадан қайтди.

— Сизлар гаплашиб турингизлар, мен таомдан хабар олай.

— Тез қайтинг, сизсиз бўлмайди гап, нима қилишни маслаҳатлашиб олайлик. Анави исқиртга одам юборганмисиз?

— Айтиб юборганман, келади, биз кечки овқатимизни еб бўлгуниimizча етиб келиши керак. Қоронги говгум тушгандан кейин келсин девдим, тагин битта-аримтанинг кўзи тушиб ўтирмасин.

— Ҳар ҳолда тезроқ қайтиб келинг!— Жаҳон хо-

ним Сафиқулибекка тўрдаги гулдор кўрпачадан жой кўрсатди. Сафиқулибек ҳалиям қизишиб турарди. Утирмасдан туриб сўради:

— Бу ими-жимиларингиз нимаси тагин? Қандай исқиртни айтяпсиз?

— Укажон, мени хафа қилма, ҳа... Мунча сабрсиз бўлмасанг, наҳот бизга ишонмасанг?

— Сизга ишонаман, лекин анави югурдагингизга ишонмайман!— Сафиқулибек бармоғини Салим кетган эшикка ниқтади:— Югурдак ўз оти билан югурдак! Унинг нимасига ишонасиз? Қонимизга итнинг қонини аралаштирдингиз! Худо сизга инсоф берсин!..

— Нима деяпсан ўзи? Сен бор ерда юзта Салим бўлмайдами, қўлидан нима иш келарди?! У сенинг ўз қулинг бўлади! Кел, ўтир.

Қоронги тушиб, кўк юзида юлдузлар кўринганида ҳовли юзи жимжит бўлиб қолди. Мол-ҳол, қўй-қўзи оғилхоналарга, молхоналарга киритилган, товуқ-паррандалар инларида тинчиган, одамлар уй-уйларига кириб кетишиб, ўттизинчи чироқлар ёруғида, ўттизинчи чироғи бўлмаганлар хира сассиқ чироқлар ёнида ўтириб овқатланмоқда, болалар жойларига ётиб, қариларнинг чўпчакларини тинглаб мудрамоқда эдилар. Жаҳон хонимлар ҳам Сафиқулибекни бир оз босиб, овқатланишар, чой ичишарди. Шу пайт хизматкорлардан бири эшикни тақиллатди ва ичкарига кириб, бир Жаҳон хонимга, бир Салим оғага қараб деди:

— Оға, Жаъфар келди.

— Чақир ичкарига!— буюрди Салим оға.

Хизматкор чиқди. Кутилмаган чақириқдан бирмунча ташвишланган, тинчини йўқотган Жаъфар ичкарига кирди. Одоб билан салом берди.

Уй соҳиблари унинг саломига алоҳида бир ҳурмат кўрсатиб алик олдилар ва ясама меҳрибончилик билан ўтиришга таклиф қилдилар. Жаъфар одоб билан қўйига чўкиб, Жаҳон хоним билан Салим оғага саволмуз боқди:

— Салим оға, айтинг, Жаъфарга чой олиб келишсин!— Жаҳон хоним жуда юмшоқ товуш билан сўзлади.— Жаъфар, балки овқат ерсан?

— Давлатингиз бундан ҳам зиёда бўлсин, хоним, ҳали яқинда овқатландим, чой ҳам ичдим.

Жаҳон хоним Салим ўрнидан турмаганини қону-

ний бир нарса деб билиб, чой келтириш борасидаги таклифини бошқа қайтармади.

— Жаъфар, булар нега мени чақиришибди деб ҳайрон бўлма. Ҳеч таажжубланадиган ери йўқ. Биз томонларга яқинда келган бўлсанг ҳам, ҳамма сени мақтаб гапиреди. Яхши одам, тўғри сўз, бировнинг сирини бировга айтмайди, дейишади. Сенга бир ишимиз тушган, шуни қилиб берсанг, хурсанд бўламиз. Фақат буни бир сен, бир биз, бир худо билиши керак.

Жаъфар бу ҳурмат-эътиборнинг яхшилик келтирмаслигини сеза бошлади.

— Хоним, мени кечиринг, журъатим учун узр сўрайман, лекин ўша сирингизни менга айтмай қўя қолинг. Сизнинг хизматкорларингиз, хеш-ақраболарингиз ичида сир сақлай биладиган одамлар тўлиб ётибди.

— Ҳаммасини биламиз, Жаъфар!— Салим оға қошларини чимирди.— Узимиз ҳам биламиз, сен айтмасанг ҳам! Лекин бу сенга алоқадор иш. Аъло ҳазрат Эрон шоҳи Насриддиннинг топшириғи. Уни фақат сен бажара оласан. Садоқатингни кўрсатадиган пайт келди!

Жаъфар ўзини жуда ёмон ҳис қила бошлади. У ўзини тўрт томондан таланаётган бир қуш деб ҳис қилди.

— Мени кечиринг, Салим оға, мен қаерда-ю, аъло ҳазрат Насриддин шоҳ қаерда? Умримда уни кўрган эмасман, у ҳам мени танимайди.

Сафиқулибек мўйловларини силаб, Жаъфарга ўқдек назарини қадаб ўтирарди, гап шу ерга келганида ўзини тутолмади:

— Ҳой, гайдовачча, сен қаерда ўтирибсан ўзинг?! Қайси ерда кўргансан раият аъло ҳазратнинг юзига қараганини? Кўрганми, кўрмаганми, қаерда бўлмасин, унинг буйругини бажариш ҳамманинг бурчи. Подшоҳнинг ҳукмидан чиқмоқ оллоҳнинг ҳукмидан чиқмоқдир. Ундайларнинг қонини шарият ҳалол қилган!

Жаъфар Сафиқулибек қўлини белидаги ханжарга юборганини кўрди.

— Кечиринглар, оғалар, аъло ҳазратнинг топшириқлари нима экан, билсам бўладими?

— Ана, энди ўзингга келдинг!— Салим оға буклаб

Ўтирган оёғини роҳатланиб узатди. Гап бундай, Жаъфар. Раҳматлик Муҳаммад Ризобекнинг ўзи ҳам, унинг ота-боболари ҳам Эрон шоҳларига жуда яқин одамлар эди. Садоқат билан хизмат қилишарди.

Жаъфар бутунлай бошқача гаплар эшитганди, ўша қулоғига чалинган гап-сўзларга кўра ҳозир эътирсиз этмоқчи бўлди, лекин унинг нимадир демоқчи бўлиб йўталаётганини кўрган ҳушёр Салим оға олдини олиб, деди:

— Тўғри, халқ ўртасида улар гўё русларнинг та-рафдори бўлган одамлар деб танилган. Аммо аслида гап бошқа ерда! Бу улар учун гўё бир парда эди. Ҳақиқатда эса, улар то ўла-ўлгунча Эрон шоҳларига хизмат қилишган. Мана шуни назарда тутиб, аъло ҳазрат Насриддин шоҳ Муҳаммад Ризобекнинг тул қолган хотинига совға жўнатибди. Сен биласанми, йўқми, фалакнинг гардиши билан Ҳури хонимнинг бизга муомаласи совуқ, орамиз бузилган. Шоҳнинг бу ҳадясини Ҳури хонимга сен олиб борсанг, яхши бўларди.

— Лекин асло бизни айтмайсан!— Жаҳон хоним тез қўшимча қилиб қўйди.— Нозик гап бу, бизнинг отимизни айтсанг, қабул қилмайди. Аммо сен ўзинг олиб борсанг, ҳеч нарса демайди.

— Қабул қилмаса нима қиламан?— сўради Жаъфар.

— У ёғи билан ишинг бўлмасин, уйига қўйгину чиқиб кетавер... Кейин нима қилса, ўзи билади...

— Хоним, сиздан қаттиқ ўтинаман, мени шу ишдан озод қилинг, ахир, мен киму, подшоҳ киму, унинг элчиси ким?

— Ҳа, гадойвачча, нега бунча милжинг-силжинг қилияпсан?— деб дўқ урди Сафиқулибек.— Сенга олиб бор, дейишяпти! Шу жиндек ишга ўзингни тарозига соласан? Нима, бошинг оғирлик қилиб қолдими?

— Жоним билан, обор десангиз мен олиб боравераман. Мени яна қўрқитиб нима қиласиз?— Жаъфар хафа бўлди.

— Йўқ, ҳей бола, Сафиқулибек ўзи шунақа гапирди, сени қўрқитиб нима қилади. Сендай мард болани қандай қилиб қўрқитиб бўлади?— Жаҳон хоним бўйнига қўл юбориб, қизил рўмолини олди ва уни Жаъфарга узатди.— Шу сенга ҳада, ол!

— Илтифотингиз учун ташаккур, хоним!— Жаъфар ўрнидан турди.— Шоҳнинг тортиги қани?

Салим оға безакдор, нақшдор бир сандиқчани унга берди.

— Мана шу. Хонимнинг ҳадясини ҳам ол.

— Йўқ, олмайман. Мени хижолатга солманг.

Жаҳон хоним ўзи келиб, рўмолни Жаъфарнинг қўлига тутқизди.

— Бу хамир учидан патир, ҳали сенга шундай совгалар берайки...

Жаъфар ўрнидан туриб, ташқарига чиқди, Жаҳон хонимлар ҳам унинг орқасидан чиқдилар. Атроф қопқоронғи, жимжит эди. Фақат ўқтин-ўқтин итларнинг вовуллашлари бу жимликни бузиб қўярди.

Жаъфар ўзининг орқасидан эшикка чиққанларни шубҳага солмаслик учун шахдам қадамлар билан юриб, айвонга кўтарила бошлади. Жаҳон хонимлар хотиржам бўлишиб, уйга қайтиб кирдилар.

Жаъфар ёлғиз қолди. Қўлини тандирдан чиққан лахча чўғдай куйдириб турган сандиқчани ерга қўйиб, Жаҳон хонимнинг чўғдай гиламлар, заррин мутаккалар, болишлар ва тўшакчалар билан тўлган уйи томон қаради. Шунда қоронғи, зулмат олаmidан ёруғ, баҳаво дунёга чиққанлигини ҳис қилди. Сарин кузнинг кўкидан тушган муздек ҳавони кўкрагини тўлдириб симириди ва хийла енгил тортди. Хурининг айвони олдидаги шийпончага тез кўтарилиб, охиригина надан оёғини узмай тик туриб қолди. Зиммасига тушган ишни ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўришга эҳтиёж сезди. Юраги яна қаттиқ ура бошлаганини кўриб, шу ерга аста ўтирди, сандиқчани ёнига қўйиб хаёлга толди. Ана шунда у ғоятда сирли ва туманли бир ишга ғайри ихтиёрий сураатда боши қўшилиб қолганини бутун вужуди билан ҳис қилди. Шундай бўлган эдики, гўё тинчгина ўтирган ерида кутилмаганда тўфон қўзғалган, даҳшатли бир сел келиб, уни учуриб кетган, мана энди сел уни ўз забтига олиб аллақайларгадир олиб кетарди. Бу сел қайси тоғларнинг бошидан келарди, қайси далалар, ботқоқлардан ўтарди, қаерларга олиб борарди, уни қайси қояларга чилпарчин қилиб, қайси балчиқларга элтиб ташларди, библиб бўлмасди. Буларни ўйлагани сари дали дунёси тобора қоронғилашиб бормоқда эди. Тепасида эса булутсиз

осмонда юлдузлар порлаб ёнарди. Томларнинг ортидан қумуш ўроқ каби ярақлаган ой кўтарилиб келарди. Гўё мана шу буюк ва азамат гўзаллик унинг бутун чеккан ранж-заҳматларини, аламларини, толенинг қора сўқмоқларини, бир дамга бўлсин, унутишга чорлаётгандай эди. «Ё парвардигорим!— деб ўйлади у.— Бу гўзаллик нима, инсон бошига тўфондай ёғилаётган бу балолар нима? Қаерга кетсанг, қаерга қочсанг, бу ноинсоф, бемурувват одамларга дуч келмайсан? Мен кимга ёмонлик қилган эканманки, бошимга бунча дарду балолар ёғилади? Ҳали дунёга келиб битта шам ёқмасимдан рўзгорнинг қора еллари эсиб, уни сўндирмоқчи бўлади!»

Кутилмаган бу иш туфайли у олдин шундай шошиб, гаранг бўлиб қолди, қора хаёлларга берилди, сўнг меҳнат қилиб, ҳаракат қилиб ўрганган содда, заҳматкаш одамлар сингари соғлом ва амалий фикр юрита бошлади. Оғир фалокатлар гирдобидан саломат чиқолган Жаъфар болалигида хотирасига ўрнашиб қолган бир мақолни эслади: «Ўлмоқ-ку ўлмоқ, хирилламоқ нима демак?» Энди бадбинликка берилиб, одамни тушкун қиладиган, ғам-гуссага ботирадиган фикрларга йўл қўймасдан, бир илож йўлини топиш керак! Шундай фикрга келганидан кейин у ўтирган еридан қимирламасдан, ҳаммасини бирма-бир ақл юритиб, ўйлаб кўра бошлади. Ҳа, фалакнинг гардиши Ҳури хонимнинг тепасида гувиллаб айланиб турибди. Лекин у ўз меҳварига фақат Ҳури хоҳимнинг эмас, бошқаларнинг толеларини ҳам ўраб олиб кириб кетмоқда. Эрсон шоҳининг тортиғи дейилган бу сандиқча ва унинг ичидаги нарсалар иккитагина одамнинг муносабатларини кўрсатибгина қолмасди, албатта. У бошқача бир маъно касб қила бормоқда эди, ўртага давлатларнинг манфаатлари аралашмоқда эди, лекин Жаъфар бу нарсаларга у қадар тушунавермасди. Сиёсатнинг унга гўё бир тилсим бўлиб кўринган йўлларида, паст-баландликларида тез ақлини йўқотиб, шошиб қолишдан чўчирди. Шунинг учун ҳам у сандиқчани Ҳурига бермасдан туриб, Вафодор билан маслаҳатлашиб кўришга қарор қилди. Тун қоронғисида бевақт, ҳамма уйқуга кетган бир пайтда норасида боласи билан ёлғиз ётган бечора хотиннинг эшигини тақиллатиб, уни безовта қилишни ўзига эп кўрмади.

У сандиқчада она-болани хурсанд қиладиган ҳеч нарса йўқлигини сезарди, бу сандиқча уларга фақат озор етказиши, уларни калака қилиши, ҳийлалар тузогига илинтириши мумкин эди, ҳолос. Шундай бўлгандан кейин, ширин уйқуда ётган кишиларни уйғотишдан, уларнинг ярали юракларини тирнашдан нима фойда! Қўй, яхшиси, маъсум ва ҳимоясиз бу кишилар тинчгина ухлашаверсин, бугун уларга риекорликнинг машъум нафаси тегмасин. Эртага эса кўрармиз нима бўлишини. Боболар айтган экан: «Кечанинг хайридан, эртанинг шаръи яхши...»

Шу фикрга келганидан сўнг Жаъфар сандиқчани олиб, том ошиб кўчага тушиб кетишни мўлжаллай бошлади. Шу пайт Жаҳон хонимнинг эшиги очилиб, уч одам ташқарига чиқди. Жаъфар дарҳол панжаранинг тагига ётди. Нафас олмасдан уларнинг кетишини кутди. Улар иссиқ хонадан эшикка чиққанлари учун муздек ҳаводан нафас олиб, эшик олдида турганча, афтидан, уйда бошланган суҳбатни давом эттирардилар. Сафиқулибек йўғон, бўғиқ овоз билан деди:

— Салим оға, бу тадбиринг ўринласа, сенга шоҳлар киядиган тўн кийгизаман!

— Берган қўлингиз ҳамиша баракали бўлсин! — Салим мамнун бўлиб гапира бошлади. — Сизнинг битта яхши сўзингиз мен учун минг тўндан яхшироқ. Ҳамма гап шундаки, энди аҳвол бундай давом этиши мумкин эмас. Шундай қилайликки, сиз ҳам, Жаҳон хоним ҳам фароғат топинглар.

Кеча тинч ва жимжит эди. Бутун олам уйқуга кетганди. Улар сўзларини ҳеч ким эшитмаётганлигидан хотиржам эдилар. Шунга қарамасдан, тез-тез овозларини пасайтириб, пичирлашиб кетардилар. Шундай пайтларда Жаъфар қанча диққат қилмасин, барибир ҳеч нарса эшитолмасди. Лекин пичирлаб гаплашишни ўзига муносиб кўрмаган Сафиқулибек оғзини очиши биланоқ олдин бўлиб ўтган гап аён бўларди.

— Сандиқчани олиб кетган болани яхши топибсан, бўш-баёв бола экан, айтган сўзимиздан чиқмайди.

— Қилмай ҳам кўрсин! Битта дўқ қилиб қўйсам бўлди, кўзимга қарашга қўрқиб юради, — Салим оға кўпирди. Мақтаниб қўйгиси келди.

— Ўзим ҳам айтдим-а юзини сенга қаратиши би-

лан боши лиқир-лиқир қилади деб!— Сафиқулибек бу сўзларни жиддий ва ё киноя билан айтгани сезилмаган бўлса ҳам, лекин Салим буни жиддий қабул қилишни фойдалироқ деб билди.

— Бош-кўзингиздан айлансин, агар жиндак ботирлик қиладиган бўлса, бўғзидан шундай оламанки, нафас олишга мажоли қолмайди.

Ўртага бир зум жимлик чўкди. Салим оғанинг бу сўзлари уларни ўйлатиб қўйди. Жимликни яна Сафиқулибекнинг ўзи бузди. У ҳеч қачон иккиланиш, тараддуд нималигини билмаган овоз билан қатъий ҳукм чиқарди:

— Бўғзидан олганинг тузук! Уни тирик қолдириб бўлмайди!

Яна жим қолдилар. Яна нималарнидир ўйлай бошладилар.

Салим ога беихтиёр ўйлаб қолди: «Бу мурувват-сизларни қаранг! Бутун дунёни қириб ташлагилари келади, фақат буни менинг қўлим билан қилишни истайдилар. Отаси: «Урган ўғил отасидан сўраб ўтирмайди, ур, ўлдир Вафодорни!»— дейди. Ўғли бўлса: «Жаъфарни йўқот!»— деб дағдаға қилади. Хўп аҳмогингизни топиб олибсиз! Сизга қолса дунёни қонга беласам, сўнг ўзим қонга ботиб юрсам!»

Кейинги пайтларда мана шу фикр Салим оғанинг калласидан кетмас, уйғоқ пайтида ҳам, ухлаганида ҳам уни таъқиб қилгани-қилган эди. У илёсбеклар хонадони менинг тухумимни қуритиш пайига тушиб қолганга ўхшайди, деган фикрга келганди. «Эй, сиз аслзода беклар! Оғалар! Менинг ўтмишимни ҳеч қачон ёдингиздан чиқаролмайсизлар. Ўтмишим сизларни таҳқирлаб туради. Энди мени орадан йўқотиш қасдига тушиб қолдингизлар. Лекин хом хаёл қиласиз! Агар одам ўлдириш шунчалар осон бўлса, боринглар, ўзларингиз ўлдираверинглар! Муҳаммад Ризобекнинг давлатини мен сизга осонликча топшириб қўя қолмасман ҳали!»

— Сафиқулибек, келинг, мана шу ой чиқиб турган тунда сизнинг опангиз, менинг хотиним бўлган Жаҳон хонимнинг ҳузурида онт ичайлик: эртага эрталаб сиз Вафодорни уриб ўлдингиз, ўша соатда мен ҳам Жаъфарни орадан йўқотаман! Онт ичинг!

Сафиқулибекнинг жуда жаҳли чиқиб кетди.

— Менга қара, ҳей, тулкилигингни ташла! Биламан нима демоқчи бўлиб турганингни. Беклар даврасида гадога ўрин йўқ. Қачон кимни ўлдиришим кераклигини сендан сўраб ўтирмайман. Битта эронлик етимчадан қўрқиб ўтирган бўлсанг, унда бошқа гап...

Жаҳон хоним уларнинг ўртасига ихтилоф тушишидан доим қўрқиб юрарди. У шундай бир фикрда эдики, бу хизматкор қанчалар оқармас қора тош бўлмасин, охири бориб беклик қозонида эритиб, оппоқ қилиб олади ва отасига, ака-укаларига, хеш-ақрабларига шарбат каби ичиради! Шунинг учун ҳам у ҳозир вазиятни юмшатишга уринди, худди Жаъфарга ачиниб кетаётган киши бўлиб, деди:

— Бунчалар бераҳм бўлманглар! Ғариб бир бола экан. Шўрлик бир одамнинг қонига қўл ювиш сизларга ярашмайди.

Сафиқулибек юмшади, одатига хилоф ўлароқ, шўшилмасдан, сўзларини дона-дона қилиб, деди:

— Шундай сирлар борки, опа, уни деворга ҳам айтиб бўлмайди. Ўртамиздаги гап ҳам шунақа. Бу сирдан хабардор бўлган одам тирик юрмаслиги керак, бу сир уни қабрга олиб кетиши шарт. Қанча тез кетса, шунча яхши!

— Мен ҳам шу фикрдаман,— Салим оға кин ва ғазабини ичига ютиб розилик берди.

Жаъфарнинг вужудига титроқ кирди: «Вой, номардлар-ей!— деб ўйлади у.— Менинг қўлим билан бундай разиллик қилмоқчи бўлганлари етмагандай, яна ўзимни ҳам ўлдиришмоқчи! Нима қилдик, сизлар ҳам ўз фикрингизда қолинглар, мен ҳам билганимни қилай, ё остидан, ё устидан! Фақат тезроқ Вафодорни кўришим керак, бир тадбир топамиз!»

Жаҳон хоним ўз айтганида туриб олди.

— Унинг нимасини ўлдирасизлар, вой худойим! Нима сир эканки, жуда ўзи билан қабрга олиб борадиган!

— Ҳой, опа, бемаъни гапни йиғиштирсангиз-чи?! Нега сир бўлмас экан? Анави сандиқча, унинг ичидаги нарсалар? Шоҳ номидан Ҳури хонимга ёзилган нома? Булар сизга кичкина сирми?

Салим оға Сафиқулибекка бўлишиб кулди, шу билан бирга Жаҳон хонимни менсимаган бир тарзда деди:

— Бегим, хотин зотининг ақли бундай нарсаларга етмайди. Жаҳон хонимни зўрламанг!

Жаҳон хоним ўзини улардан заррача ҳам камситмаган ҳолда кибр билан деди:

— Нима қилай, сизларнинг бошингиздаги папоқ менинг бошимда бўлсайди, нималар қилишимни ўзим яхши билардим. Бу лачак, бу тўрлар қўлларимни боғлаб ташлаган!

— Омон бўлинглар. Кечанглар хайрли бўлсин!— Сафиқулибек хотин киши билан айтишиб ўтиришни ўзига эп кўрмай, дарвоза томон юрди.

— Яхши бор!— Жаҳон хоним меҳрибонлик билан унга ширин уйқу тилади ва Салимга кўрсатма берди:— Боринг, оғамни кузатинг, уйларигача обориб қўйинг!

— Бош устига, кўзим устига!

Салим оғанинг нимагадир таҳдид билан: «Бош устига, кўз устига!»— дегани Жаҳон хонимга ёқмади. «Қандай қилмагин, барибир хизматкор хизматкорлигича қолавераркан-да!»— деб ўйлади. Лекин ичидагиларни юзига ошкор қилмасдан, уларни то дарвозагача кўзлари билан кузатиб турди. Кейин вужуди кузнинг аёзидан ёқимли титраганини сизди ва тез ичкари кириб кетди. Эшикни ёпиб, хосхонасига ўтди. Сафиқулибек билан Салим оға ҳам дарвозадан чиқиб кетишди. Тўрт томонга теран сукунат чўкди. Жаъфар оҳиста ўрнидан турди. Сандиқчани кўтариб, томма-том ошиб, ўзини хилват кўчалардан бирига ташлади. Ҳаялламай Вафодорнинг уйига етди.

Вафодор ҳали ётмаган, ҳазин бир куйни чалиб ўтирарди. Соз қилларидан учган фусункор саслар сокин ва қоронғи кечада жуда ҳам таъсирчан ва ғуссали эшитиларди. Вафодор оҳиста чалар, лекин куй жуда дардли ва ёниқ эди. Гўё қалбининг нозик туйғуларини ҳеч кимга ишонмай, шу соз торларига ишониб айтар, қоронғи тунда фақат унга шикоят қиларди. Жаъфар куйни бўлгиси келмай, эшик олдида туриб қолди. Бошини деворнинг совуқ тупроғига тираб таёлга толди. Во ажабо! Юраги гўё қинидан чиқиб кетай деб тасир-тусур урар, қалбининг қиллари ҳам худди соз каби жунбишга келарди. Гўё Вафодор чалган куйнинг оҳанглари унинг юрагида акси садо топар ва кеча сукунاتини бузиб, жуда узоқларга таралар, чўл-

лар, саҳролар, тоғлар, даралар, дарёлар, сойларни ошиб Оразнинг нариги қирғоқларига, Табризнинг каптарлар уя солган томларига, Ардабилнинг Савалон тоғларига бориб етарди... Шундан сўнг ҳеч тузалмас жароҳатнинг, оғир бир фожианинг азоб-уқубатларини қанотларига олиб қайтар, Жаъфарнинг шусиз ҳам тўлиб кетган қалбига келтириб тўкарди. Унинг кўзларидан шашқатор ёшлар қуйилиб боради. Бу ерда уни ҳеч ким кўрмас, йиғиси ҳеч кимнинг қулогига етиб бормас, шунинг учун ҳам у кўз ёшларига эрк берган эди. Одамларнинг таънали боқишларидан, кинояли сўзларидан узоқ бўлган ерга туйғулар булоқ каби қайнаб оқаркан, майли, оқаверсин! Йўқ, бу ожизлик ва қўрқоқлик аломати эмасди. Энди Жаъфар «ўлмоқ-ку, ўлмоқ, хирилламоқ не демак!» деган қарорининг устида маҳкам турадиган эди. Энди у ўзининг оғир қисмати билан сўнгги нафаси қолгунча курашгани бел боғлаганди. Ҳеч кимнинг олдида тиз чўкмайди, ҳеч қандай олчоқликка йўл қўймайди. Энди ҳеч кимса уни бундай ишга мажбур қилолмайди. Унда бу кўз ёшлари нимани англатади? Бу сознинг қилларида қандай сир борки, пўлат каби маҳкам юракларни ҳам тугёнга келтиради?

Намозшом чоғи томлар узра кўтарилган ой кўп ўтмай сўнгсиз самога тик қалққан, сўнг пастга оғиб, юлдузлар орасида уфқ бағрига ботиб кетганди. Ер юзини қоронғи зулмат қоплаб олган. Шу қоронғиликнинг ўзи ҳам Жаъфарнинг назарида жуда сирли эди. Ер узра чўккан ҳар тун одамларга ўзи билан бирга фақат ширин уйқу эмас, оғир уқубатлар ҳам олиб келарди... Одам боласи бошини ёстиққа қўйгани замон оғир ва эзувчи хаёллар дарёсига шўнғиб кетади, мушкул ва ҳеч қачон ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар қаршисида ўзини нотавон сезади, бўлиб ўтган ишларнинг пушаймончиликлари юрак-бағрини ўртади. Ўзини зўрлаб, бир амаллаб уйқуга кетганидан сўнг бошқа бир даҳшатлар дунёсига дуч келади, кобуслар, девлар, увиллаган чиябўрилар қаршисидан чиқади, қўрқади, титрайди, бўғилиб қичқиради, тўлғанади. Ниҳоят, қора терга ботган ҳолда кўзларини очади, бундан севинади... У даҳшатлар дунёсидан қутулганига севинади. Жаъфар умрида биринчи мартаба мана шундай оғир кечирган кечасини эслади. Уй-жойлари

талон-тарож бўлиб, хонадон барбод бўлгач, у тамомила уйқусини йўқотиб қўйди. Неча кунлар шу алфозда кечди. Бир куни оқшом пайти Муғон чўлида нотаниш, меҳрибон чўпонлар паноҳида кутилмаганда жуда қаттиқ ухлаб қолди. Ё раббий! Нақадар даҳшатли уйқу эди бу! Сон-саноқсиз йиртқишлар унга даҳшат билан хужум қилардилар. Ваъзан қора кийимга чулганган баҳайбат шарпалар қора отларнинг устида йилдирим каби қишлоқларни босар, уйларга ўт қўярди. Жаъфар оғир тўлғаниб, ўт ичидан онасини, отасини, кичкина укасини халос қилишга ошиқарди. Қора жун босган дағал қўллар унинг ўзининг бўғзидан ушлаб олиб, ўтга улоқтирмоқчи бўларди. Жаъфар бу шарпалар билан тинмай олишар, уларни омонсиз суратда маҳв қилишга уринарди. Шарпалар эса унинг оёғидан олар, ўтга отмоқ бўларди.

— Ўғлон, ҳой ўғлон, уйғон, болам! Мунча ёмон кичқирмасанг!— деган овоздан уйғониб кетганди ўшанда. У кўзини очиб, чўпонлардан бири оёғидан силтаётганини кўрди. Ўзи ҳам кўп марта уйқуда қичқирган одамларни кўрган, уларни туртиб уйғотган эди. О, ўша одамлар уйгоқ пайтларида нақадар жасур бўлиб кўринардилар! Уларга қараган одам ўзи хоҳласа, хоҳламаса тортиниб турарди. Демак, шундай одамлар ҳам нимадандир, алланарсалардан чўчир эканлар-да, фақат бу туйғуни юракларининг энг қоронғи тубларига ҳайдаб беркитар эканлар-да! Улар уйқуга кетган чоғларида, иродалари андак заифлашган замони бу даҳшатли туйғу бутун борлиғи билан улар устидан ҳоким бўлади! Бу дунёда қўрқув нималигини билмай яшаган одам нақадар бахтиёр! Лекин ўзи шундай одам бормикин?

Жаъфар Вафодорни худди мана шундай одам деб биларди. У ҳеч нарсадан қўрқмайди! Мана шунинг учун ҳам оғир дақиқада, нималигини англаб бўлмайдиган қопқон қаршисида у Вафодордан мадад кутиб келган эди. Соз торларидан таралган илоҳий сасларга берилиб қулоқ соларкан, у ҳаяжон ва изтиробларини бир қадар бўлсин, босишга тиришарди. Вафодор соз билан ҳамдардликни тугатишини, юрагини бир оз бўшатиб олишини кутарди. Сўнг ичкарига киради.

Хира ёруғи кичкина дарчадан ташқарига тўкилган

чироқнинг олдини аллаким тўсди. Узун кўлка ёйилиб ҳовли қоронғилигига сингиди. Э-ҳа! Ҳали Сакина ҳам ётмаган скан-да! Рост, у суюкли акаси ётмагунча бе-малол ўринга чўзилармиди?

Кўлканинг ҳаракатидан Сакина чироқ олдида туриб, токчадан ниманидир ахтараётганлигини фаҳмла-са бўларди. Сакина у ерда хийла тимирскиланиб турди. Ниҳоят, чироқ олдидан кетди, шунда соз овози ҳам тинди. Вафодор синглиси билан гаплашаётган-га ўхшарди. Ичкарига кирадиган фурсат келганди. Жаъфар йўнилмаган йирик бутоқлардан қурилган ҳовли эшигининг орасидан қўлини ўтказиб, илгакни туширганида ширин уйқуда ётган ит уйғониб, шарпа-га қараб ҳура бошлади. Жаъфарнинг овозини эшит-ганидан кейин овозини ўчирди ва турган ерида секин ҳуриб, ғингший бошлади. Жаъфар ҳовлига кирганида, Вафодор:

— Ит кимгадир вовуллаяпти, ҳовлига биров кир-ди шекилли!— деб уйдан ташқарига чиқди.

— Бу менман, Вафодор, бошқа одам йўқ!— Жаъ-фар қоронғидан туриб овоз берди. Вафодор унга қар-ши юриб, безовталаниб сўради:

— Тинчликми, Жаъфар? Нима бўлди ярим ке-чада?

Остонада Сакина ҳам кўринди. Эшикни ёпмагани-га қараганда, чироқ ёруғида уни кўргиси келаётган-лиги билинарди. У ҳам нотинч бўлиб, акасининг саво-лини такрорлади:

— Тинчликми, Жаъфар?

— Сизларни роса безовта қилиб қўйдим-ку! Саки-на хоним ётмаганлигини билганимда келмаган бўлар-дим.

— Нима гап ўзи, бир нарса бўлди-ми?— Вафодор-нинг овози титради.

— Гап бор, биродар. Ичкарига кирайлик!— Жаъ-фар унинг қўлидан тутиб ичкарига бошлади, эшикка борганларида бир оз четга ўтиб, Вафодорни олдинга ўтказди, сўнг унинг изидан уйга қадам қўйди ва эшикни беркитди.

Ён томондаги девор олдида турган Сакина ҳайра-тини яшира олмади:

— Сизга нима бўлди, Жаъфар? Рангингизда ранг қолмабди? Нима, ит-пит қувдими?

Сакина жавоб кутиб ўтирмасдан тезгина пиёлада шарбат тайёрлаб, унга узатди:

— Олинг, ичинг, юрагингизга мадор бўлади.

Жаъфар ғайри шуурий бир ҳаракат билан пиёла-ни қўлига оларкан, ўзини еттинчи осмонда юргандай сезди. Бундай бир ҳолатни у эҳтимол етти ухлаб ту-шида ҳам кўрмаган бўларди: гўзал Сакина нафис, нозик қўлини узатиб, унга шарбат тутиб турарди. Унинг шу туришида нечоғлиқ ғамгусорлик, меҳрибон-лик, кўнгил изҳори бор эди!..

— Ке, ўтир,— Саकिनанинг Жаъфарга қилаётган меҳрибончилигидан хурсанд бўлган Вафодор Жаъ-фарга гилам устидан жой кўрсатди. Ўзи ҳам чордана қуриб, унга рўпара ўтирди ва ана шунда унинг қўли-даги сандиқчани кўриб сўради:— Бу нима? Бир чек-кага қўйсанг-чи унингни.

— Ҳамма гап мана шунинг ичида,— Жаъфар сан-диқчани ўртага қўйиб, Жаҳон хонимнинг уйида бўлиб ўтган гапларни бутун тафсилотлари билан сўзлаб берди.

У гапираркан, Вафодорнинг қошлари тобора чими-рилиб борар, ўй босарди. Кўкраги баланд кўтарилиб-туша бошлади. Сакина эса, қаердан бошланиб, қаерда тугаши номаълум бўлган бир пўртананинг яқинла-шиб келаётганлигини сезгандай, нозик қўлларини ла-тофатга тўлиқ юзига қўйганича, ранги оқариб қулоқ соларди. Ниҳоят, Жаъфар гапини тугатди. Вафодорга саволомуз қаради. Унинг чуқур ўйга ботганини кў-риб, деди:

— Менимча, булар жуда катта ўйин бошлашяпти. Ҳурини русларга ёмон кўрсатиб, марҳум эрининг ҳам, ўзининг ҳам устига бўҳтон ёғдириб, сўнг билганини қилишмоқчи... Шундай эмасми?

— Шундай бўлса керак!— деб оҳиста жавоб бер-ди Вафодор.— Шундай бўлса керак! Бизнинг бу кўҳ-на беқларимизнинг ихтиёри қўлдан кетгандан кейин руслардан жуда қўрқадиган бўлиб қолишган, улар ҳатто худодан ҳам бунчалик қўрқишмайди... Елкасига погон таққан сдамни кўришлари билан кўзларидан учқун чиқа бошлайди... Шунчалик қўрқишганиям ях-ши, бўлмаса мамлакатни остин-устун қилиб юбори-шарди. Ўзинг бир ўйлаб кўр: илгариги замон бўлга-нида Ҳури хоним Сафиқулибекка йўқ деган жавоб

қилиши билан, худо ҳаққи, ўша кечанинг ўзида Сафиқулибек уни сочларидан тортиб олиб кетган бўларди. Мулла Самад ҳам дарҳол никоҳ ўқирди. Минг бақириб-чақирмасин, Ҳурининг додига етадиган киши бўлмасди. Ким юрак ютиб уни ҳимоя қилиб чиқарди, дейсан. Чиққан одамни дарров уриб ўлдиришарди. Ҳукумат ҳам ўзлари эди, шариат ҳам, қонун ҳам! Энди чор хизматчилари буларга қўл-оёқларингни йиғиштириб олинг, деяпти, ҳар ишни қонун билан қилинглар, деб писанда қилиб турибди. Булар эса, ота-боболаридан тортиб бебошликка ўрганган, қонунсизликка одатланган одамлар. Қонун сўзини эшитса портлаб кетай дейишади. Шунинг учун ҳам бундан ўн-ўн беш йил илгари бекларнинг кўплари Эрон шоҳига бекитиқча хизмат қилиб юрар, олдингидай эркини ўз қўлларига олишни кўзлашарди. Илёсбекнинг ўзи ҳам шундай ишлари билан эл ичида отнинг қашқасидай таниғлиқ одам. Энди уларнинг умидлари рўёбга чиқмай, найранг йўлига ўтишган. Ҳозир Илёсбек бир ўқ билан икки қуённи отмоқчи бўлиб юрибди. Бир томондан, Муҳаммад Ризобекнинг тул хотинини ўғлига олиб бериб, унинг бор давлатига эга бўлмоқчи, иккинчи томондан, ўзини русларга яқин қилиб кўрсатмоқчи, уларнинг ишончини қозонмоқчи. Ҳа, менимча шундай бўлса керак!..

Вафодор шу кунларда бўлиб ўтаётган ишлардан озми-кўпми хабардор эди. Унинг улфатлари орасида дунё ишларини яхши билган, тушунган, кўзи очиқ одамлар ҳам бор эди. Вафодор уларнинг гоҳ узоқ ўтмишдан, гоҳ бугунги куннинг воқеаларидан кечадиган суҳбатларига диққат билан қулоқ соларди. Ўзи ҳам унча-бунча нарсаларни ўқиб турарди. Шунинг учун ҳам халқнинг турмушидаги хоҳ очиқ, хоҳ яширин курашлардан бемалол сўз юрита оларди. Ҳаётдаги янги майллар билан эски ақидалар ўртасидаги тўқнашувларнинг моҳиятини яхши тушунарди. У, айниқса, Қожарнинг юришлари, эски хонликлар ўртасидаги ўзаро урушлар, умуман, яқин кечмишга оид воқеалар ҳамда бошқа фожиялар ҳақида жуда кўп гаплар эшитганди. Ҳозир ҳам бундай гаплар қулоғига кўп чалинарди. Бу воқеаларнинг ҳаммаси ҳам одамни ўйлатиб қўярди. Улар одатларнинг чириб бораётганини, халқ ҳаётида буюк ўзгаришлар содир бўлаётганини

кўрсатиб турарди. Шунинг учун ҳам одамларнинг ёдига ўрнашиб қолган эди. Кўчадами, бозордами, дўкон бошидами, уй-эшикдами одамлар сўз орасида ўша воқеаларга қайтар, тафсилотлари билан эслашарди. Қўлогига чалинган шундай гаплар-асосида Вафодор ўзича бир хулоса чиқариб қўйганди: ўн тўққизинчи асрнинг ўттизинчи йилларида Россия Кавказда ва хусусан Озарбайжонда катта мавқега эга бўлганлигининг сабабларидан бири ҳам халқнинг ҳокимлар зулмидан, ўлкада ҳукм сурган бошбошдсқликлар, талон-тарожлардан қаттиқ норози бўлганлигида эди. Эрон ва усмонли мустабидларнинг, Англия, Франция сингари бошқа хорижий давлатларнинг қутқуси билан қўзғалган қуролли исёнлар қаттиқ мағлубиятга учраган, бадномлик билан барҳам топганди. Сувни лойқалатиб, сўнг балиқ тутишга ўрганган, ижтимоий бузғунчиликлар ичида яшаб, ҳеч қандай ҳуқуқий ва ахлоқий қонунларга бўйсунмасдан, раиятнинг бошига оғир қулфатлар келтирган, халқнинг молига ҳам, жонига ҳам эга чиққан ўзбошимча ҳокимлар ўша тарихий курашлар даврида ҳам гоҳ у давлатга, гоҳ бу давлатга, баъзан ҳатто иккита-учта давлатга бирваракай хизмат қилиб, ўлкада талон-тарожни янада авж олдиришни, халқни талашни кўзлар эдилар. Лекин асрнинг ўттизинчи йилларидан эътиборан руслар ғалаба қозониб, Кавказда аста-секин муайян қонунларга асосланган янги усул-идора амалга оша бораркан, ерли феодаллар ўз ихтиёрлари бир қадар чекланаётганлигини, кўнгилларига келган нарсаларни қилишдан маҳрум бўлиб қолаётганларини кўриб, бош кўтара бошладилар... Уларнинг курашадиган усуллари ҳам бош кесишдан, хилватда чопиб-талашдан, усти-устига хиёнат қилишдан иборат эди. Лекин чоризм сиёсий хиёнатларга қарши кескин чоралар кўра бошлади. У кўҳна бекларнинг кучларини қирқадиган тадбирларни кўрди, ўзига садоқат билан хизмат қилишга тайёр турган янги бекларнинг авлодини яратишга интилди. Вафодор Илёсбекнинг ҳарис ва йиртқичилигини, шу билан бирга, кўзи очиқ, ҳушёр, ҳийлакор одам эканлигини биларди. Бу хусусда халқ ичида кўп мишмишлар юрарди. Тегирмонга тушса бутун чиқадиган, тулкини алдаб кетадиган одам. Шамол қайси томонга эсишини бир йил олдиндан билади ва кемасининг елканини шу

шамолга тўғрилаб қўяди, деган гаплар юрарди одамлар ўртасида. Мана шу гаплар орасида унинг гоҳ у давлатга, гоҳ бу давлатга хизмат қилганини эслаб ўтиришарди. Илёсбекнинг ўзи эса, ўзини ҳоким давлатнинг дўсти қилиб кўрсатиш учун ўлар-тириларига қарамай ҳаракат қилиб ётарди. У чор давлати ва ҳарбий хизматчиларининг олдида ўзини меҳрибон ва жонкуяр қилиб кўрсатишга тиришар, уларнинг олдида тўкин дастурхонлар ёзар, совға-саломлар топширар, қандай бўлмасин, уларнинг рағбатини қозониш, кўнгилларини олиш пайида бўларди. У жонини фидо қилиб юборгудай бўлиб ўзини ўтга-чўққа ургани сари халқ орасида обрўси тушиб борарди. У ўт устига ёғ сепмоқда эди. Одамлар бир пайтлари унинг Аббос Мирзонинг қўшинларига қандай ёрдам бергани, генерал Ермоловнинг дастасидан ажралиб қолган бир аскарни ваҳшиёна ўлдириб, унинг калласини Аббос Мирзога совға қилиб олиб боргани ҳақида сўзлардилар. «Ҳамманинг қибласи битта. Илёсбекники иккита, учта. Қачон, қайси қибласига қараб ибодат қилганини билиб олиш қийин!» Лекин Илёсбек ҳарбий хизматчиларга қанчалар зоҳиран жонбозлик кўрсатмасин, ҳозирги ҳоким доиралар унга у қадар ишонмас эдилар. Улар лаёқатсиз, халқнинг назаридан қолган оғаларни унчалар қадрламасликларини Илёсбек билмасди. Бундан ташқари, чор идораларида энг юқоридан энг пастга қадар хизматчиларни жонсиз бир машинага айлантириб қўйган бир темир интизом бор эди ва мана шу интизомга кўра Илёсбекнинг илгариги пайтларда қилган барча номақбул ишлари бутун тафсилотлари билан ёзилган ҳолда идора жавонларида сақланарди. Лекин Илёсбек буни ҳам билмас, у ишларим унутилиб кетган деб юрарди. Ўша маълумотларни ёзган кишилар ичида унинг тўкин дастурхони устида ўтириб меҳмон бўлганлар, қимматбаҳо ҳадя олганлар ва Илёсбек ўзига суянчиқ деб билган кишилар ҳам бор эди. Бу хизматчилар қандай қилиб ўзларига ой сайин мойна бериб турган, таъминлаган давлатдан кўра Илёсбекни мўътабарроқ, азизроқ деб билсинлар, давлат олдида олган бурчлари қаёқда-ю Илёсбек қаёқда? Улар жуда ҳам ақл билан иш кўрар ҳам Илёсбекнинг ёгли зиёфатларини ер, лаззатланар, мамнуният билан берган ҳадяларини олар ҳам у ҳақда

кўрган-билганларини, одамлардан эшитганларини маълумот тарзида батафсил ёзиб, раисларига жўнатар эдилар. Раислар ўқиб, бошқа маълумотлар билан тўлдириб, яна ўзларидан юқоридаги раисга чиқарардилар. Ниҳоят, бу маълумотлар рақамланар, жилдларга солинар ва бўлиб ўтган, лекин ҳеч қаерда очик ёзилмаган воқеаларнинг тилсиз гувоҳи бўлиб яшай бошларди.

Албатта, Вафодор ҳам масаланинг бу томонидан беҳабар эди. Лекин у Илёсбекнинг чор хизматчиларидан ҳаддан ташқари қўрқишини яхши биларди. У шу тўғрида темирчилик дўконида эшитган гапларидан бир китоб тузишни ўйлаб юрарди. Илёсбеклар чор хизматчилари олдида ўзларини бир кўрсатиб қўйиш учун доим фурсат кутиб юрардилар. Шундай хизмат билан улар «буюк император давлати»нинг олқишини қозонишни истардилар.

Бекларнинг шу қадар ахлоқий жиҳатдан тубанлашганлари, сотқинликнинг истаган кўчасига киришга ҳозир эканликлари Вафодорнинг юрагида уларга нисбатан сўнмас бир нафрат уйғотган эди. Қани эди уларнинг сафил ҳаётларини остин-устун қилиб ташласа! Лекин бунга қандай қилиб амалга оширса бўлади? Уларга бас келиб бўладими? Илёсбеклар чор хизматчиларидан қанчалар қўрқмасинлар, ўзларига қарши борган ерли исёнчиларни осонгина бирёқлик қила олардилар ва бу ишда хизматчилар, шубҳасиз, уларга ёрдам берарди. Сотқин ва мурувватсиз бойлар дунёсини ағдар-тўнтар қилиб ташлаш борасидаги ўйларнинг чеки йўқ, лекин ҳозир марҳум Муҳаммад Ризо-бекнинг тул қолган ёш хотини ва унинг норасида боласини оғир аҳволдан қутқариш ҳақида ўйлаш керак эди. Бу шўрлик оқ кабутарни йиртқич калхатлар панжасига топшириб қўйиш инсофдан эмасди.

Вафодор ниҳоят оғир ва чигал ўйлардан уйғониб, Жаъфардан сўради:

— Ҳури хонимга хабар бердингми?

— Йўқ. Уни ортиқча ташвишга қўяманми деб қўрқдим. Дарров сизнинг олдингизга чопдим нима қилишни маслаҳатлашайлик деб.

— Бечора келин. Қандай балоларни кўрмади унинг боши!— ўзига ўзи гапиргандай сўзлади Вафодор.— Бу атрофда ҳусну малоҳатда унга тенг келадиган қиз

жувон йўқ. Гўзал, олижаноб, марҳаматли, пок аёл! Бахти очилмаганини қара-я...

Вафодор Ҳурини юраги тўлиб таърифлаганини кўриб, Сакина деди:

— Вой, оғажон, рост айтасиз! У шундай яхшики, мен ҳали бунақа гўзал келинни кўрмаганман. У шўрликнинг аҳволи жуда мушкул, қўлингиздан қелса, ёрдамингизни аяманг ундан!..

— Қўлимиздан келса ҳам қиламиз, келмаса ҳам!— Вафодор қатъий қарорга келди ва ёниқ овоз билан давом этди:— Унинг ўзини бирпасга бўлса ҳам кўролсам эди...

— Оғажонимдан ўзим ўргилай, эрталаб бориб келаман унинг олдига, ваъдасини олиб келаман!— Сакина акасига далда берди.

Вафодор бу сўзларни эшитмагандай, ҳеч нарсани кўрмаётган одамдай синглисига қаради, сўнг Жаъфарга деди:

— Тур, борайлик! Қўрқмайсанми?

Жаъфар унинг нима қилмоқчи бўлаётганини дарҳол тушунди ва дик этиб оёққа турди:

— Нимадан қўрқаман? Бир туғилмоқ, бир ўлмоқ бор бошда, кетдик!

Вафодор устига бўз чухасини кийди, белига ханжарини тақди, чухасининг ёқасини тугмалади. Уларга ҳайрат ичида каловланиб қараб турган Сакина ихтиёрсиз суратда сўради:

— Ё худойим! Оғажоним Ҳури деса учиб кетади...

Вафодор бориб Сакинани бағрига босди, юзидан ўпиб қўйди.

— Ўзимнинг гўзал синглим! У менга қанот берди, учмай бўладими ахир! Яхши қол, синглим! Қўрқма, эшикни беркитиб, тинчгина ухла... Балки кечроқ қайтармиз. Ташвиш тортма!

Улар эшик томон юрганларидагина Сакина уларнинг қанчалар хатарли ишга кетаётганларини ҳис қилди ва унинг бутун даҳшатини кўз олдига келтирди, нафис қўллари билан акасининг қўлидан ушлади:

— Балки...

Вафодор синглисининг хавотирланаётганини тушунди ва унинг ипакдай билагидан тутиб, қайта-қайта ўпди:

— Синглим, қўрқма, бизга ҳеч нарса қилмайди.

— Сизларга худо ёр бўлсин!— Сакина боя Жаъфарга шарбат берган пиёлани олиб, сувга тўлдирди, уларнинг изларидан сув сепиб қолмоқчи бўлди. Жаъфар гилам ўртасида турган сандиқчани кўрсатди.

— Буни ҳам олиб борамизми?

— Йўқ, уни Ҳуридан иложи борича узоқ сақлаш керак. Ким билсин, бунинг ичида қанча илон-чаёнлар бор?

— Балки очиб кўрармиз?

Вафодор дарров:

— Йўқ, йўқ! Кейин устимизга бўҳтон ёғдиришади. Сандиқчадан, ичидаги нарсалардан тонишади. Булардан ҳазар қилмоқ лозим!— деди ва Сакинага қаради:— Олиб, яхшилаб беркитиб қўй, ҳеч ким тополмайдиган ерга беркит. Керак бўлиб қолади.

Улар уйдан чиқиб, қоронғилик ичра гойиб бўлдилар. Сакина изларидан дуо қилиб, пиёладаги сувни орқаларидан сепди, эшикни беркитди, чироқнинг пилигини тушириб, уларни кута бошлади.

## 2

Тун яримдан оғган, қоронғилик янада қуюқлашган, тунги совуқ турган эди. Кўк юзига сочилган юлдузлар гўё совуқ ях парчаларига ўхшар, улардан ер юзига совуқ қуйилаётгандек туюларди. Ҳазин шабада эса бошлади. Совуқ одамнинг этини жунжитарди. Атроф шу қадар қоронғи, шу қадар сукунатга чўмган эдики, одамнинг қадам товуши ўзига худди бегонадай эшитилар, сирли бир ваҳимага соларди. Онда-сонда дам у ҳовлидан, дам бу ҳовлидан итларнинг бўғиқ ҳуригани эшитилиб қоларди. Бу овозлар Вафодорга ҳам, Жаъфарга ҳам болаликдан таниш эди. Узундан-узоқ қиш кечаларида оналаридан ва энагаларидан эртак эшитиб, кўзлари уйқуга кетаётган паллада бу овозлар қулоқларига чалинар, уларга жуда асрорангиз бир нарса каби туюларди. Нимадандир қаттиқ таъсирлангандай, Жаъфар Вафодорга оҳиста гапирди:

— Вафодор, бир гап айтаман, кулмайсиз. Назаримда юрагим гапга тўлиб кетганга ўхшайди. Китоб қилиб ёзсам ҳам адо бўлмайдигандек. Шу дунёга қараб турсам, тун билан куннинг олишуви, майса-гиёҳларнинг, дарахтларнинг ям-яшил бўлиб яшнаб кўка-

риши, ой, юлдузларнинг тинимсиз ҳаракати, қуёшнинг ҳар тонг канда қилмай чиқиши қанчалар гўзал, қанчалар тенгсиз! Шунда дунё кўзларимга жуда ҳам гўзал бўлиб кўринади. Ундан кўра чиройлироқ нарса йўқдек назаримда. Қанча яшасанг ҳам сира тўймайсан. Мана шу гўзалликни деб инсон ҳар қандай азобга чидайди, ёмонликлар қаршисида иродасини синайди, лекин яшасам дейди!

Вафодор дўстининг юрагида қайнаб-тошаётган бу туйғуларнинг сабабини сўраб-суриштириб ўтирмади, лекин унинг сўзларини маъқуллаган оҳангга деди:

— Айтган гапларингни қофияга солсанг, яхши шеър бўлади. Сенда шоир қалби бор, дўстим! Отам раҳматлик, киши дунёнинг гўзаллигини ҳис қила бошлаган ерда шоирлик бошланади, дерди. Ахир, ҳаётнинг гўзаллигини, огочларнинг, ўт-ўланларнинг яшиллигини, кеча билан кундузнинг алмашилишини кўрган одамлар оз эмас.

— Қаранг, ўзингиз бир кўринг! Бу чексиз кўк тоқи, бу сирли ҳикмат!— Жаъфар қўлларини юлдузлар шан сайр этган само сари ёзди:— Ҳаммаси гўзал!..

Жуда ҳам тор бир кўчага кирдилар. Уйларида ухлаб ётганларини уйғотиб юбормаслик учун овоз чиқармай юра бошладилар. Оёқларини ҳам эҳтиёткорлик билан босар, тош-кесакка қоқилиб кетмасликка уринадилар. Кўчанинг бошига етганда, Вафодорнинг чапга қараб юрганини кўрган Жаъфар тўхтади:

— Нега у ёққа кетяпсиз? Ҳури хонимнинг уйига томдан ошиб ўтамизми, шундайми?

— У ёққа бормаимиз!— жавоб берди Вафодор.— Бу ёққа кел, қулоғингга айтаман...

Жаъфар Вафодор билан ёнма-ён кета бошлади.

— Ахир, биз Ҳури хонимни кўргани кетаётган эмасмидик?— деб таажжуб қилди.

Вафодор уни уришиб берди:

— Боядан бери ойдан, юлдуздан гапирасан, оғзингдан бол томади. Мен ҳам хурсанд бўлиб ўтирибман, бу дўстим мунча ақлли деб. Ўзинг танингга бир ўйлаб кўр: кечаси ҳеч Ҳури хонимнинг олдига бориб бўладими? Қайси ақли салим бунга йўл қўяди? Ҳури ҳозир уйда ётибди. Илёсбеклар насли уни талонга солмоқ учун ҳар нарсага тайёр эканлигини сезади, бунинг унга биз айтишимиз шарт эмас. Шундай бўлгач,

бизнинг айтадиган гапимиздан унга заррача наф йўқ. Бунинг устига, баттар хавотири ошиб, уйқуси қочади. Бошқа бир томондан, шу вазиятда Илёсбек кишиларидан биронтаси бизни унинг олдига борганлигимизни кўрса, ана унда кўрасан шўрликнинг бошида қандай ўйинлар кўрсатишларини.

— Жаъфарнинг елкасидаги зил юк енгиллагандай бўлди. Ахир, унинг ўзи ҳам мана шу фикрда бўлгани учун сафиқулилардан сандиқчани олиб ташқарига чиққанда айвонда туриб қолган ва юрак ютиб бу мушкул омонатни Ҳурига бермасдан, орқага қайтган эди-ку. Ҳолбуки, уни кўриб қолишлари мумкин эди. Лекин улар Жаъфардан бундай жасорат кутмаганлари учун уни пойламаган, ишни айтганларидай қилиб битиришига амин бўлган эдилар. Вафодорнинг сўзларидан енгиллашган, хижолатдан қутулган Жаъфар деди:

— Гапнинг очиги, уйдан чиққандан бери мен ўзим ҳам шубҳа ичидаман. У ёққа айлантириб кўрдим, бу ёққа айлантирдим, Ҳурининг олдига қандай боришимизни боятдан бери ҳеч ақлимга сиғдиролмадим. Сизга ҳам айтмадим, тагин кўнглингизга келмасин деб, қўрқдим...

— Бундан кейин кўнглингга келган гапни мендан яширма. Мана, жуда яхши ўйлабсан. Ҳозир фикримиз бир ердан чиққани учун хатога йўл қўймадик. Аммо шундай ҳам бўлиб қолиши мумкинки, сен бир фикрни ўйласанг, мен бошқача ўйлашим мумкин, сенинг фикринг тўғри бўла туриб, «айтсам, хафа бўлади», деб менга билдирмасанг, мен ҳам янглиш фикрим бўйича бир иш қилсаму сени ҳам эргаштириб кетсам, унда шундай кунларга қоламинки, сўнг пуншаймон қилиб ўтиришдан сира фойда бўлмайди. Ҳолбуки, маслаҳат билан ҳаракат қилсак, бу бизни хато қадамлар ташлашдан сақлайди.

— Келишдик!— деди Жаъфар унинг фикрига қўшилиб.— Хўп, энди қаерга бораемиз?

Вафодор бу саволни эшитмагандай, индамади. Унинг хаёли бошқа ёқларга кетганди. Ҳурини ўйларди. У Жаҳон хонимлар бундан кейин қандай ҳаракат қилишларини билгиси келарди. Бошига минг турли хаёл келарди: энг аввал сардор одамларига хабар беришса керак, кейин шайтоғлик қила бошлашади, ча-

қув ёзишади... Балки одам олиб келиб, уйини тинтув қилдиришади. Ҳар ҳолда, нима бўлмасин, унинг обрўсини тўкишга, эътибордан қолдиришга уринишади. Жонишинлик тарафдан кўнгилларини тўқлаб олмоқчи бўладилар. Уни ёлғизлаб қўйганларидан сўнг, жонишинликдан ёрдамга ҳеч ким келмагач, ўзига чанг соладилар.

Бу янги гап эмас эди. Вафодор айрим беклар ва хонларнинг шайтонлик билан бир-бирларини қулатганлари, қудратли ҳокимлар ва ҳатто давлатларнинг қўли билан ўз душманларидан ўч олганлари, маҳв этганлари ҳақида кўп ривоятлар эшитган. Бундай воқеалар шоҳ Аббос замонида ҳам, ундан сўнг ҳам жуда кўп марта юз берган, Нодир шоҳдан тортиб Оға Муҳаммад Қожар даврларигача бузғунчилик ва тўзғинчилик вақтларида оддий бир нарсага айланиб қолган эди. Ҳатто Озарбайжонда хонликлар капалакдай урчиб кўпайган замонларда аъёнлар ва беклар ўз рақибларини хонларнинг қўли билан йўқотишни жуда табиий бир нарса, ҳатто кураш маҳорати каби санар эдилар. Ўн саккизинчи асрнинг охирлари, ўн тўққизинчи асрнинг бошларида бу нарса ҳаддан ташқари кенг ёйилган эди. Хонликлар путурдан кета бошлаган ва дарабеклар ўртасида адоват кучайиб кетган чоғларда хонлар, маликлар, князлар манфаатлари тўқнаш келган буюк давлатлар орасидаги ихтилоф ва муноқашалардан фойдаланиб, очиқ бўҳтонлар ва турли фитналар йўли билан ўз душманларини орадан кўтаришга шошилардилар. Улар ўз рақибларини муайян бир давлатга қарши ҳаракатларда айблар, ҳатто ўша давлат одамларининг диний эътиқодлари билан ўйнашмоқдан ҳам тортинмас эдилар. Мана шундай оғир ва мураккаб мубориза майдонларида синовдан ўтган шайтончилик ва бўҳтон ёғдириш ҳали-ҳамон илёсбекларнинг қўлида ўзларига ёқмаган кишиларни йўқотиш ва ё жим қилиш учун жуда кучли қурол бўлиб хизмат қиларди.

Энди мана шу қуролни кимсасиз, бечора Ҳурига қарши ишлатмоқда эдилар. Чунки улар Ҳуридан қўрқардилар! Чорчўпга солиб, гилам устига осиб қўйилган бир парча қогоз Ҳурининг икки огиз сўзи билан Тифлисга, жонишинликка етиб боришидан ва ўзлари шубҳа остида қолишидан қўрқардилар. Ана унда маъ-

муриятнинг эски шубҳалари яна янгиланади, яна эсга тушади... «Мана шу таҳликадан қутулган заҳоти улар Ҳурига ёпишишади. Ҳозир уни зўрлашга, зўрлик билан ўзларига бўйсундиришга журъат этишмайди. Илёсбек бир неча кун олдинги қароридан қайтганга ўхшаб турибди».

Бу фикр Вафодорга бирмунча таскин берар, бу нарсалар ҳали Ҳурининг ҳаётига соя солиб улгурмаганидан тасалли топарди. Вафодор бирдан бошқа бир нарсани ўйлаб қолди. Мабодо Жаҳон хонимлар бир баҳона билан суриштириб, сандиқча Ҳурининг қўлига етган-етмаганини билиб олсалар нима бўлади? Ҳеч нарсадан беҳабар Ҳури қандай аҳволда қолади? Ҳа, қандай бўлмасин, эрталаб Ҳурини кўриш керак, уни воқеадан хабардор этиш, ҳушёр бўлиб туриш лозимлигини айтиб қўйиш зарур!..

Жаъфарга ҳам бу фикр маъқул бўлди:

— Рост, билиб қўйгани яхши. Агар майли десангиз, тонг қоронгисида бориб уни хабардор қилиб қўяман, бир вақт топиб кўришинглар. Балки бирон маслаҳат берар, уни жуда ҳам ақлли хотин дейишади.

«Хотин» сўзи Вафодорга ёқмади. Бу сўз Ҳурига сира ёпишмасди назарида. Унингча Ҳури келин эди, хоним эди, оқ кабутар эди, лекин «хотин» эмасди.

— Жуда ҳам оқила хоним у, яқин орада оналар ундай қиз тугиши қийин.

— Жуда гўзал дейишади!

— Биласанми, Жаъфар, шундай хотинлар борки, уларни фақат гўзал дейиш озлик қилади. Ҳури шундайлардан. Баҳор тонгида қизил атиргул бутасини кўрганмисан? Ҳар томонга атир сепиб ётади. Қараган сайин яна қарагинг келаверади, кўзларинг тўймайди. У шундай қудратдан яралган бир мўъжиза!

Жаъфар сал бўлмаса, Сакина ҳам шундай, деб юборай деди, лекин ўзини тутиб қолди. Юрагининг қаъридан чиққан бошқа бир тилагини айтди:

— Сизни бахтиёр кўрсам бас, ўлсам, армоним йўқ!— Вафодорнинг индамай қолганлигини кўриб, қўшиб қўйди:— Майли, пешанада борини кўрайлик, ё насиб, ё қисмат!

— Олдингда ариқ бор, эҳтиёт бўл.

Жаъфар тўхтади. Ростдан ҳам, беш-олти қадам олдинда сув шилдирарди. Энди улар далага чиққан

эдилар. Уйлар орқада қолди. Бедазорлар ва экинзорлар кўм-кўк бўлиб ётган очиқ далаларнинг ёнгинасидан кетишарди. Кичкина ариқда сув ҳазин жилдираб оқиб ётарди. Қоронғилик қуюқ бўлишига қарамасдан, яланғоч бўлиб қолган дарахтларни, ора-сира олдиларидан чиққан бузуқ-йиқиқ лой деворларни, нарироқдаги баланд тепаликларни кўзлари бемалол илғаб оларди.

— Ариқ бўйлаб юрамиз, кўзингга қараб юр!— Вафодор дўстини огоҳ қилди.— Йўлдан борсак узоқ, ариқ бўйи билан борсак, шундай кесиб чиқамиз.

Вафодор олдинда, Жаъфар ундан уч-тўрт қадам орқада келарди. Унда-бунда ариқ бўйида ўсган яланғоч новда-ниҳолларга, буталарга дуч келардилар. Ёз пайтлари деҳқонлар шу бута ниҳолларнинг тагларида ҳордиқ чиқаришиб, наҳорлик қилардилар. Вафодор бу ерлар билан яхши таниш бўлганидан, олдидан чиққан баланд-паст ерлардан бемалол, қийналмай ўтиб борар, йўлдсдини огоҳлантириш билан кифояланмай, баъзан тўхтаб турар, унга қўлини узатиб, сакраб ўтишига кўмаклашарди. Жаъфар юрганлари сари сувнинг товуши кучаяётганлигини сезар, ариққа бошқа сувлар қўшилиб, сув кўпайиб бораётгандек эди.

— Озгина қолди, ҳозир етамиз!— деди Вафодор.

Жаъфар бир оз илгарида қоронгининг қуюқ торганлигини кўрди. Гўё улкан бир қалъа, тўғрироғи, қоронғиликдан бино бўлган буюк бир уй йўлни тўсгандек эди. Бу уйнинг на эшиги, на тешик-туйнуғи ва на дарчаси бор эди. Мана шу қоронғи шарпага яқинлашганлари сайин сувнинг шиддати ҳам ортиб борарди.

«Э-ҳа, тегирмон-ку!— деб ўйлади Жаъфар ва бирдан кўнгли юмшади, хўрлиги келиб, йиғлаб юборишига сал қолди. У ҳали саккиз-тўққизларга кирган ёшгина бола эди. Отаси уни бўз эшакка миндирар, бугдой тўлдирилган қанорларни эшакка сртиб берар, сўнг: «Қани, ҳайда, тегирмонга!»— дерди.

Ҳар сафар уйларида ун тутаганда тегирмонга бориб ун тортиб келиш Жаъфарнинг зиммасида эди. Тегирмончи ҳам уни таниб қолган, қопларни эшакдан туширишда ва ортишда ҳамиша болага ёрдамлашарди. Ҳаммаси тайёр бўлганидан кейин, Жаъфар бўз эшакнинг устига миниб олар, тегирмончи ҳам узун қулоқни италаб, дерди:

— Умрингдан барака топ. Обор, баракали бўлсин!

Гапнинг рости, Жаъфар тегирмонни яхши кўрарди. Йирик тегирмон тошларининг гулдираб айланишини, буғдойнинг тизилиб тўкилишини, секин-секин майдаланиб ун бўлиб чиқишини, деҳқонлар навбат кутишиб, юкларининг ёнида чордана қурганча дунёнинг паст-баланд ишларидан гаплашиб ўтиришларини томоша қилишни ёқтирарди. Зерикса, ташқарига чиқар, тегирмоннинг устига кўтарилар, ариқдан шиддат билан отилиб тушаётган сувнинг чархларни айлантиришига тикилиб ўтирарди. Буларнинг бари унда ажойиб-ғаройиб ҳислар уйготарди. Тегирмон инсон қўли билан қилолмайдиган ишни қиладиган, инсон ақлининг муқаддас бир кашфиёти каби унинг хотирасига ўрнашганди. Бинобарин, унинг замонавий машиналардан ва дастгоҳлардан сира хабари йўқ эди...

— Ҳа, бу тегирмон, етиб келдик! — Вафодор ариқнинг ёнидан чапга бурилди. Жаъфар бу ерда ким биландир учрашишларини билди. Тегирмон эшигидан бир оз наридаги майдончада бир неча от-улов ётарди. Бир чеккага катта оқ кўппак боғлаб қўйилган эди. У одам қорасини сезиб, вовуллай бошлади. Лекин Вафодорнинг таниш овозини эшитиб, тинди.

Вафодор тегирмоннинг паст, ноҳамвор, оғир эшигини итариб очди ва ичкарига кирди. Беш-олти деҳқон қатор бўлиб ётишар, бир-бирларининг елкаларига бошларини тираб мудрашарди. Бошқа бир томонда сатин бузма лозим, сариқ гулли жун кўйлак кийиб, бошларига жун шол рўмолни чалмадай ўраб, унинг учларини бўйниларига келтириб тугунлаган, юзларини беркитиб олган икки аёл ўтирарди. Уларнинг бири ўрта ёшларга бориб қолган, иккинчиси ёшроқ келин эди. Улар кўзлари уйқу билан тўлган бўлса ҳам, ётмаган эдилар. Эшик очилиб, ичкарига одамлар кирганини кўриб, нимадир деб пичирлашди. Тегирмончи юқори томондаги курсида ўтирарди. Тегирмон бир маромда ишлаганидан, у бошини елкасига солинтириб, кўзларини юмиб олганди. Вафодорларни ун торттиришга келган оддий деҳқонлар деб билди шекилли, ўрнидан қимирламади, фақат оппоқ юзида узун-узун киприклари андак кўтарилди, кўзини чала очиб уларга қаради. Шунда ғалати бир нарсага кўзи тушиб қолган қирғийдек бўйнини чўзди, кўзларини катта очиб, алланарсани фикр қилгандай ўрнидан турди. Вафодор

тез унга пешвоз юрди, иккала қўли билан унинг ўнг қўлидан тутди, оҳиста лабига келтириб босди.

— Турон бобо, салом!— деди.

Турон бобо териси тириш бўлиб кетган қоқ суяк, тафти қолмаган қўли билан Вафодорнинг қўллариини тутганча, диққат билан унинг юз-кўзларига қарар, нима учун бемаҳалда келганини билишга қизиқарди. Тегирмончи Вафодорга андармон бўлиб тураркан, Жаъфар уни бир бошдан кўздан кечириб чиқди. У ўрта бўй, ориқдан келган одам эди, усти бошини буткул ун босганди. Чехраси кўркам, сочлари ҳаддан зиёд қуюқ ва оқ эди. Гўё дунёга келганидан бери битта ҳам сочи тўкилмагандек. Нозик, чакма қошлари, узун киприклари, юзини қоплаган соқоли ҳам оппоқ оқарган, оқ юзида қора кўзлари чўғдай ёниб турарди. Бутун вужуди қариликни тан олган, лекин фақат шу кўзлари ёш йигитнинг кўзларидай порларди. Кўзларига қараган одам уни йигирма яшар деҳқон йигитга ўхшатган бўларди балки.

— Қайси шамол учирди, Вафодор ўғлим?— деб сўради ниҳоят қария.

— Жуда зарур иш чиқиб қолди, бобо,— Вафодор бошини эгиб, оғзини унинг қулоғига яқин келтириб, баланд овоз билан гапирди.

Турон бобо бу сўзни эшитгандан кейин Вафодорнинг елкаси оша Жаъфарга саволомуз боқди. Унинг нимага қараётганини сезган Вафодор яна оғзини қариянинг қулоғига тутиб, бақирди:

— Бу менинг дўстим, ишончли одам!

Қария Жаъфарга яна бир бошдан қаради. Сўнг мизгиб ётган деҳқонларнинг ёнига борди, навбати келиб турган ўрта ёшли, мутал папоқ кийган кишини уйғотди.

— Тепага чиқиб тур, дон тамом бўлса, тўкасан, мен дарров келаман!— деди-да, Вафодорларга юринглар, деган ишора билан тегирмондан ташқарига чиқди. Тегирмоннинг ўнг биқинидаги одам бўйича ё келадиган, ё келмайдиган кичкина лой ҳужрага яқинлашди. Қўлини қўйнига тиқиб, калит чиқарди ва қоронғида эшик қулфини очиб, ичкарига кирди. Гургурт чақди, қора чироқни ёқди. Чироқнинг хира, бўғиқ ёруғи ҳужра ичини ёритганидан кейин:

— Қани, ичкарига киринглар!— деб уларга энсиз,

узунчоқ тахтанинг устидан ўтиришга жой кўрсатди: — Ўтиринглар!

Вафодор билан Жаъфар ичкарига киришди. Олдин қариянинг ўтиришини кутиб, рутубатли, тангу тор ҳужрада бир-бирларига қисилишиб туришди. Қария эшикни беркитди, илгакни илди, сўнг келиб тахтага ўтирди.

— Қани, ўтиринглар, хўп, қани, бемаҳалда сизлар бу ерга қандай қилиб келиб қолдингизлар?

Вафодор гапни узоқдан бошлади:

— Бобо, сиз доимо йўқсилларга, кимсасиз кишиларга ёрдам қўлини чўзиш худога ёқади, деб юрасиз. Сизнинг олдингизга бир инсофсиз, адолатсиз ишнинг олдини олишга маслаҳат сўраб келдик.

— Очиқ айтавер, ким ўзи у?

— Раҳматлик Муҳаммад Ризобекнинг хоними.

— Э, анави раиятдан чиққан қизми? — сўради қария. — Нима, ҳали у Илёсбекнинг қўлига тушгани йўқми? Эшитмаганмисан, бекка қариндош бўлганнынг тоғи белида тугайди... Ким булар билан нон-қатиқ бўлса, унинг ҳолига вой деявер, хонумонидан айрилади. Демак, у қиз ҳали соғ-саломат юрибди дегин? Қўлида вараса қоғози бор дейишади. Сардорнинг идораси ҳам уни биларкан. Унга раҳматлик эридан васиятнома қолган, шунинг учун Илёсбекларнинг кучи етмай турибди... Бўлмаса аллақачонлар уни бирёқлик қилиб юборишарди...

— Пайт пойлаб ётишибди, бобо, бирёқлик қилиш учун! — Вафодор қариянинг гапини тасдиқлади. Қария гапдан чалғиб кетмасин деб, аҳволни унга тушунтира бошлади ва охирида қўшимча қилиб қўйди: — Бобо, сиз бир вақтлар сардорнинг идорасида яхши, садоқатли дўстим бор, деган эдингиз. Бировдан ёрдамини аямайди, жуда уста, деб мақтаган эдингиз.

— У кабутарни бу калхатлардан қутқариш савоб иш! — Қария Вафодорлар қилаётган ишни маъқуллади. — Яхши ўйлабсизлар! Қўлларини яна бир гуноҳсизнинг қонига ботиришга йўл берманглар. Қўлларингдан келса, Бобош кишининг ҳам хунини олинглар, гуноҳсиз қон ерда қолса, яна янги жаллодлар униб чиқади.

— Нима қилайлик бўлмаса, Турон бобо? Бизга йўл кўрсатинг.

— Аввало, бир ёқадан бош чиқаринглар. Сўзларинг ҳам, дилларинг ҳам битта бўлсин. Таклашган такани жонивор ейди. Қўлсиз-оёқсизларга ҳаводор бўлиб туринглар. Майдон Илёсбек сингари дасти дарозларга қолиб кетмасин. Оталардан қолган сўз бор: «Итга шерик бўл, қўлдан таёқни қўйма!»... Иш сардорнинг идораси билан битадиган бўлса, бундан ташвишланманглар, илон юлдуз кўрмаса ўлмас! Илёсбек ҳам шундай. Шунчалар ярамас ишларни кўп қилганки, сардор отини эшитса, юраги зириллайди. Эртага эрталаб битта ишонган одамингни Тифлисга жўнат... Бу ким? — бирдан қария синовчан кўзлари билан Жаъфарга қаради. — Мард ўғлонга ўхшайди.

— Бораман, бобо! — деди беихтиёр Жаъфар.

— Йўқ, бобо, у бу ерда менга керак бўлиб туради, — деб эътироз қилди Вафодор. — Одам топамиз.

— Биламан, одам топасан... Мен фақат ишончли одам бўлсин дейман! Сардорнинг идорасига, Ивановнинг олдига жўнатасан. Менинг отимни айтса, дарров етиб келади... Ҳеч қўрқманглар, агар иш улар билан битадиган бўлса, бу ёғига хотиржам бўлинглар.

— Умрингиз узоқ бўлсин, бобо! — миннатдорчилик билдирди Вафодор. Сўнг ўрнидан қўзғалди. — Бизга ижозат беринг, бобо, кетайлик!

Жаъфар ҳам ўрнидан турди. Ҳар иккиси олдинмакетин қариянинг қўлини ўпдилар.

— Боринглар, худо ёр бўлсин! — қария уларни дуо қилди.

## ОЛТИНЧИ ФАСЛ

### 1

Вафодор Ҳурикинг йўлида жонини фидо қилишга тайёр эди. У қўлидан нима келса, шуни қилишга қарор берганди. Турон бобо билан кўришганидан кейин Тифлисга, поручик Ивановнинг олдига ўзи бориб келмоқчи бўлди. Иванов жонишинликда масъул вазифада ишларди. Бу фикрини Жаъфарга айтди:

— Сен бу ерда ҳушёр бўлиб турасан. Бирон кори ҳол рўй берадиган бўлса, тезлик билан чўпон Валини топасан, сени у билан таништириб қўяман, мард ва

азамат одам. Яхши йўлдошлари бор. Дўст учун улар жонларини ҳам аяшмайди. Мен эртага Тифлисга жўнайман. Узоғи билан икки кундан сўнг қайтиб келаман.

Жаъфар анча ўйланиб қолди.

— Аҳвол бундай пайтда сиз кетиб қолсангиз яхши бўлмас. Шубҳаланиб қолишлари мумкин. Кейин сиз йўнгингиздан фойдаланиб, ҳунар кўрсатишлари ҳеч гап эмас. Яхшиси, сиз қолинг, мен бораёй. Тўғри, менинг кўринмай қолганимни билишса, дарров шубҳага боришади. Фақат бу ишимизни пардалашимиз керак. Дўконга келиб кетувчиларга, қўни-қўшниларга: «Жаъфар касал бўлиб қолди, у ерда тузатишнинг иложи бўлмади, Тифлисга жўнатдим, у ерда бир иложини қилишар»,— дейсиз.

Шу тўғрида бир қарорга келолмай, анча таллашиб турдилар, сўнг икковларининг ҳам Тифлисга жўнаши унчалар тўғри эмаслигини англаб етдилар. Бошқа бир одам топиш қарорига келдилар. Вафодорнинг эсига Райҳоннинг эри Идрис тушди. Идрис тезкор, зийрак, от миниб йўл юрганда тенги топилмайдиган одам эди. Ўзи чорбозорчи эди. Иши-ҳунари қишлоқ, шаҳар кезиш. Унинг Тифлисга боришидан ҳеч ким шубҳаланмайди. Жаъфарга ҳам бу фикр маъқул тушди.

— Яхши ўйлабсиз... Маслаҳат билан битган иш пишиқ бўлади... Биров сўраса, баҳонаси ҳам тайёр, ишим бор эди, дейди-қўяди. Чорбозорчи халқи кўчиб юради.

Вафодор ишнинг бошқа бир жиҳатини ҳам ўйлар, бунга ҳам тайёр бўлиб туриш кераклигини биларди.

— Жаъфар, бир ёмонга бир яхши. Энг мушкул ишга ҳам шай бўлиб туришимиз керак. Мен Ҳурига жонимни тикканман. Шунинг учун ҳам бошидан эҳтиёт чораларини кўриб қўйишим керак. Сафиқулибек сандиқ баҳонасида Ҳурига зўрлик қилиб, уни олиб кетиши мумкин. Сардорнинг одамлари ишга киришса, уларнинг олдига сандиқни чиқариб қўяди. Агар иш шунгача борадиган бўлса, мен ҳам қараб турмайман. Зўрга — зўр. Ҳурини уларнинг қўлидан қутқаришнинг бошқа йўли қолмайди менга. Уларга айтиб ҳам қўйганман: Ҳурига зигирдак зиён-заҳмат етказадиган бўлсанглар, авра-астарларингни ағдариб ташлайман, деганман.

**Жаъфар Вафодор айтган ҳар қандай ишга тайёради.**

— Шуни билиб қўйингки, менга ҳозир бор, уларнинг уйларига ўт қўй, десангиз, бориб ўт қўйиб келаман! Сиз нима десангиз мен шуни қиламан. Бундай ноинсоф, мурувватсиз одамлардан қўрқиб-пусиб ўтириш йигитлик шаънига тўғри келмайди.

— Якка қўлдан қарс чиқмайди, қардошим! Илёсбекка ўхшаган вақшийлар билан юзма-юз бўлишни истаган одам орқасини маҳкам қилсин. Шунинг учун ҳам кечаси йўл босиб, дўст-биродарларни хабардор қилиб қўяйлик, ҳозир бўлиб туришсин... Чарчамадингми?

— Сира ҳам! Нима қилибманки чарчасам?

— Унда мен билан юр. Қишловларга чиқамиз, чўпонларни кўрамиз. Уларнинг ичида менинг яхши, ишончли дўстларим бор... Ҳақ-ҳисобни унутмайдиган одамлар...

Қуруқ тикан, ёвшанзорлар, бурганзорлар орасидан, ариқлар бўйида кузги ёмгирлардан сўнг бош кўтарган ям-яшил майсалар устидан ҳатлаб, бош-кечи кўринмаган қирлардан ўтиб боришарди. Бир пайтлар қўй боқиб юрган чоғларида Вафодор бу ерларни қаричма-қарич кезиб чиққан, тим қоронғида ҳам қўтон-қўра жойлашган ерларни тўғри топиб бора оларди.

— Ҳеч қўйчивон бўлганмисан?— сўради Вафодор.

— Йўқ, дадаш, кўзимни очган кунимдан гилам тўқишни кўрганман!

— Яхши ҳунар. Аммо сенга жун ҳозирлайдиганларнинг меҳнати оғир меҳнат. Шўрликларнинг кўрган кўни қурсин. Қишин-ёзин далада, қирда, чўлда, даштда қўй боқиб юришнинг ўзи бўлмайди.

— Мен бўлсам, доимо ичимда қўйчивонларга ҳавасим келиб юрардим. Жуда бахтли одамлар деб билардим уларни. Йил бўйи чўлларда, тоғларда эркин кезиб юришади, ёмон одамлардан, гийбат-бўҳтонлардан узоқда бўлишади, дердим.

— Эҳ, дўстим, ташқаридан шундай кўринади. Аммо, аслини олганда, улар ҳам сен айтгандай эркин эмас. Кеча-кундуз қўйимга ўғри тегмасин, бўри еб кетмасин, касал тегмасин, бекдан жавобгар бўлиб юрмай деб жони ҳалак. Агар шу боқаётган қўйлари ўзи-

ники бўлгандайди, унда чўпонликка, қўйбоқарликка чидаса, ундан завқ олса бўларди. Ўзгаларнинг қўйини боқиб, қўзисини асраб юришдан огир иш йўқ. Бунинг устига, қўй эгалари доим қўйчивондан шубҳаланиб юради, қўйларга яхши қарамаяпсан, ориқлатиб қўйибсан, бўри еди деб ўзинг оласан, сути, жунини ўғирлайсан, деб уни ҳол-жонига қўймайди. Эҳ, чўпонларни одам ўрнида кўришмайди. Қотган нону сув билан кун кечириб, тезакка, чувриндига қоришиб ўтадиган одамлар деб қарашади. Жинни бўлиб қолмайди яна-ям киши... Димоғингга тутун ҳиди келдими?

Олдинда, чўл ўртасида алланарса қорайиб кўринди. Улар индамай илгарилаб борардилар. Салдан сўнг қўтон-қўра борлиги билина бошлади. Бу ер уч тарафдан баланд тепалар билан ўралган, фақат жануб томонигина очиқ бўлганидан ўрам жой саналарди. Жазфар умрида биринчи марта кўриб турган бу ерларни диққат билан кўздан кечирар, қоронғида бўлса ҳам, жойнинг умумий манзарасини тасаввур қилишга уринарди. Назарида бу қўралар қишловнинг худди ўртасида жойлашган эди, зотан, улар бу ерга етгунча анча жойларни босиб ўтган эдилар.

— Ҳозир ҳаммалари ширин уйқуда ётишибди! — деди Вафодор. Унинг сўз оҳангидан чўпонларга қайғудошлиги аниқ билиниб турарди.

Улар боя бу томонга йўл олганларида чўпонлар аллақачон ухлаб қолган бўлсалар керак, деб ўйлашганди. Вафодор эса, чўпонлар кечга томон иштаҳа билан ўтлаган қўйларни қўраларга жойлаштириб, тинчитганларидан сўнг, қаттиқ чарчаганларидан ерга таппа-таппа ташлаб тошдай қотиб ухлаб қолишларини яхши биларди.

Балки чўпонликнинг энг ширин неъматини ҳам шу уйқудир.

Лекин улар қўраларга яқинлашиб боришаркан, чўпонларнинг ҳали ухламаганларини кўриб ажабланишди. Одам қорасини сезган итлар узоқдан акиллаб бошлади. Одамларнинг овозлари ҳам эшитила бошладди. Аллаким:

— Ҳей, кимсан? — деб қичқирди.

Итлар жон-жаҳдлари билан хуруж қила бошладилар. Тупроқ тўсиқдан ошиб, бемаҳалда келган меҳмонларни сал бўлмаса еб ташлагудай эдилар. Вафодор

қўлидаги таёғи билан ириллаб устига ташланмоқчи бўлган каттакон оқ итни четлантирди.

— Ҳой, Вали! Ҳой болалар, қаердасизлар! Бу жин ургурларни жим қилсаларингиз-чи!

Бош чўпон Вафодорни таниб, дарров ташқарига чиқди, итларга ҳай-ҳуй солиб, уларни нари қувди. Вафодор эса Жаъфарга қараб деди:

— Ётишмапти! Бир гап бўлганга ўхшайди. Чўпонлар шу вақтгача ухламабдими, демак, бир кори ҳол бўлган.

— Ҳой, Вафодор, қардошим, бу ерларга хуш келибсан!— чўпон Вали олдинга пешвоз чиқди.— Бу ерларга фақат сен шундай келасан, йўллارингга гуллар поёндоз бўлсин! Қани, бери кел-чи, йўлдошинг ким? Қандай шамол учирди сизларни бемаҳалда?

Вафодор болаликдан бирга катта бўлган ошнаси Валининг барча саволлари ва қутловларига икки оғиз қилиб жавоб бериб қўя қолди:

— Салом, дўстлар, меҳмонга тобингиз борми?

— Сендек меҳмоннинг ўрни кўзимизнинг устида. Хуш келибсизлар, қадамларингизга ҳасанот... Юринглар, юринглар, бу ёққа...

Вафодор билан Жаъфар сомон лойдан тикланган пастак, қийшиқ-қийшиқ оғилларнинг орқасидан ўтиб, одам белидан ҳам пастроқ, лой деворнинг эшикка ўхшаб қолган кемтик еридан қўра ичига кирдилар. Вали Вафодорнинг қўлларини қаттиқ қисиб силтади, сўнг Жаъфар билан кўришди.

— Бу ёққа келинглар,— деб қўранинг чеккасида қизариб турган ўчоқнинг тепасига олиб борди. Ўчоқ бошида бир қанча чўпонлар давра қуриб ўтиришар, лаҳча чўг бўлиб ёнаётган оловга тикилишиб, оҳиста гаплашардилар. Вафодорлар яқинлашиб келганда уларнинг ҳаммалари ўринларидан турдилар, салом бериб кўришдилар ва ўчоқ бошидан меҳмонларга жой кўрсатдилар.

— Ўтиринглар, исиниб олинглар!

— А-а, қуруқ исингандан нима чиқади?— Вали ҳазиллашди.— Оч қоринни ҳеч бир ўчоқ қиздирмайди, қани, меҳмонларимизни нима билан сийлаймиз...

— Бевақт келган қўноқ киссасидан ер!— Вафодор ҳазилга жавоб берди.— Ҳеч нарса емаймиз, урин-манглар бекорга. Айтинглар-чи, нега шу пайтгача ух-

ламай ўтирибсизлар? Бир гап бўлдими? Сурувга бўри ораламадими ишқилиб?

— Қошқийди ишимиз бўри билан битса...— тагдор қилиб сўзлади Вали.

— Ҳа, нима бўлди ахир? Ҳей, нега гапирмайсизлар? Нега ҳаммаларингиз оғзингизга сув олгандай ўтирибсизлар? Ё мендан беркитяпсизларми?

— Сендан беркитадиган сиримиз йўқ, Вафодор! Қўнглингни хира қилгимиз келмаяпти. Олдин ўзинг айт, шу кеч бемаҳалда бу ерларда нима қилиб юрибсан? Ҳар ҳолда бекорга келмагандирсан?

— Албатта, бекорга келганим йўқ. Жуда зарур иш билан келдим.

— Фақат менга айтиладиган гапми ё ҳамма эшитса ҳам бўлаверадими?

— Сенга айтадиган сўзим ҳам бор, бошқаларга ҳам... Қаердан бошлашимни билмай турибман.

— Қаердан бошлагинг келса, ўша ердан бошла. Яна ўзинг биласан. Сенинг оёғинг билганини бизнинг бошимиз билмайди.

— Ундай дема, Вали, ундай дема. Инсон қанча кўп билмасин, барибир дўстининг, йўлдошининг маслаҳатига муҳтож. Ақл ақл билан қайралади, деган гап бор. Хусусан, иш қийин ерга етганда маслаҳат билан қилган яхши.

— Ундай бўлса, айт, биз тайёرمىз...

— Дўстларим мендан хафа бўлишмасин, айтадиган сўзимни сенинг ўзингга айтишдан бошласам...

— Ҳеч ким хафа бўлмайди. Қандай лозим топсанг, шундай қилавер,— деди қора, чўққи соқол, ёши анчага бориб қолган чўпон.

— Унда бизни кечиринглар, биз ташқарига чиқамиз...

— Бемалол, бемалол...

Вафодор Валининг қўлидан ушлаб, гулхандан узоқлашар экан, Вали чўпонлардан аллакимга қарата деди:

— Ҳой, Суюн, менга қара, кеча оқшом сўйган тўқлингдан кабоб қилгин. Вафодор ойда-йилда бир келиб, яна чўпонларнинг туз-намагини тотмай кетса, уят бўлади. Дарров бўла қол!

— Бош устига, Вали тоға!— ёш бир чўпон дик этиб ўрнидан турди.

Вафодор Валининг қўлидан ушлаганча, уни сурув ётган томонга олиб борди. Жаъфар ўчоқ бошида чўпонлар билан гаплашиб қолди. Вафодор оҳиста бутун аҳволни Валига батафсил айтиб берди. Вали жуда қизиқиб қулоқ солар ва гап орасида тез-тез: «Вой, уйинг куйгур! Вой, томингда бойқуш сайрагур!»—деб унинг сўзини бўлиб турарди, у Ҳури ҳақидаги гапларни жим туриб эшитди, кейин бирдан сўраб қолди:

— Вой, сен-ей, тул жигарингдан урганми дейман-а?—деди ва ўзи ҳам «тул» сўзининг ғалати эшитилганини сезиб қолиб, дарҳол қўшиб қўйди:— Воллоҳ, мингта қиз болага арзийди! Боласига ҳам оталик қиласан! Савоб! Қиз олмадим деб ўксинма. Йигитнинг сараси шундай хотинга уйланади! Мана буни муҳаббат дейди! Мард одамнинг муҳаббати! Унинг ўзи ҳам сенга мойилми?

Валининг сўзлари юракдан чиқаётгани учун, содда ва самимий бўлгани учун Вафодор хафа бўлиш у ёқда турсин, аксинча, ҳатто ҳавас билан қулоқ соларди. Вафодор Ҳури ҳақида Сакинадан кейин фақат шу одамга, Валига гап очмоқда эди. У бу муҳаббат юрагида қачон бош кўтарганини ўзи ҳам билмасди. Неча замонлар уни ҳатто ўзи ҳам тан олгиси келмай, ўзидан ҳам яшириб юрди. Ҳурининг боши устида қора булутлар тўплана бошлаганда, Сафиқулибеклар унга очикдан-очиқ таҳдид қилишга киришганларида, Вафодорнинг туйғулари шунчалар аланга олиб кетдики, буни энди яширишнинг сира иложи қолмади. Вафодор ўзининг бу муҳаббати кўп одамларни ҳайрон қилиб қўйишини, кўпларга ғалати бўлиб кўринишини биларди. Бинобарин, Вафодор эл-юрт ўртасида яхши от чиқарган, обрўли, ҳунарманд йигит эди, у ўзига муносиб бир қизга қачон деса бемалол уйланиши мумкин эди. Унга ҳеч ким йўқ демас, рад жавоби бермасди. Шунинг учун ҳам баъзи бир оғзига кучи етмаганлар: «Нима, қиз қуриб кетибдими, қаҳат бўлибдими!»—деб сўйлашдан ҳам тортинмасдилар. Боя Валининг оғзидан дафъатан чиқиб кетган тул сўзи ҳам шундай қарашлардан туғилганди. Бошқа бир одамлар: «Меросга эга чиқмоқчи, давлатманд хотинга уйланмоқчи!»—деб гап қилишлари мумкин. Лекин энди Вафодорнинг назарида бундай сўзлар жуда майда, ҳеч нарсага арзимайдиган сўзлар эди. Энди Ҳури

унинг тасаввuriда бундай одамлардан, бундай майда-чуйда гап-сўзлардан жуда ҳам баланд турадиган бир аёл бўлиб кўринарди.

Шу билан бирга, Валининг сўзида бир жойи Вафодорга андак ботмай турар, унда норозилик уйғотарди. Валининг сўзларидан Вафодор Ҳурининг ҳусни, малоҳатига ўзини фидо қилаётгандай бир маъно чиқарди. Ҳолбуки, Вафодор ўзини фидокор бўлишга ундаган нарса ёлғиз ишқ-муҳаббатнинг ўзидангина иборат эмаслигини яхши ҳис қиларди. Ҳурининг бадхоҳларига қарши уни ҳаракатга ундаётган нарса қуруқ ишқ-муҳаббатнинг ўзидан анча-юксак ва анча чуқур эди, унинг ҳозирги ҳиссиётлари эр йигит билан хотин киши ўртасида бўладиган оддий муносабатларнинг чорчивалари ичига сира сиғмас эди... Аммо бу хусусда Валига сўзлаб ўтиришни ортиқча деб билди.

— Унга ёрдам бериш бизнинг бурчимиз, Вали!

— Албатта, албатта, ёрдам берамиз! Сен ўзинг уни қачон, қаерга олиб қочиб кетишни истасанг, бизга ишора қилиб қўй, ўттиз-қирқ йигит бўлиб, ҳаммасини тўғрилаймиз. Уни шундай бир жойга олиб бориб қўямизки, буни на Жаҳон хониминг билади ва на анави бизнинг илгариги жўрамиз — хом сут эмган Салим!

— Уни олиб қочиш керак эмас, хавфлардан қўриш керак!

— У ёғини ўзинг яхши биласан. Сен бизга имо қилиб қўйсанг бас, нима десанг, шунга ҳозирмиз! Ўзинг ҳам хотиржам бўл, Сафиқулибекка бошингни эгма, то ўлгунча биз сенга ҳамдастмиз!

— Мақсадимизни кимни лозим кўрсанг, шунга маълум қиларсан... Қандай билсанг, шундай айтавер!— Вафодор бу ишни Валининг бўйнига қўйди.

— Буни менинг ўзимга қўйиб бер, сенинг ишинг бўлмасин. Кимнинг оғзи маҳкам бўлса, ўшанга айтарман. Гап очилганидан кейин жамоатнинг оғзини тикиб қўйиб бўлмайди. Биттасига айтасан, иккитасига айтасан, қарабсанки, гапинг рақибингнинг қулоғига бориб етиб турибди. У сергак бўлиб қолади. Нимага керак бу?

Улар ичкарига қайтганларида қип-қизил қўра устига қўйилган сихланган гўштлир қизарган, сел чикармоқда эди. Тўқли гўштидан бўлган кабобнинг ҳиди

тўқ одамнинг ҳам иштаҳасини очиб юборарди. Вафодор ҳам, Жаъфар ҳам кабоб егилари келаётганини ҳис қилдилар. Лекин нафсларини тийиб, кутиб турдилар. Шу пайт боши маҳкам боғланган бир ёш чўпон қўйхонадан чиқиб келди. Уни кўриб, Вали сўради:

— Қалайсан, Қасдан бола? Юрагинг оғримаяптими тагин?

— Анча тузук бўлиб қолдим. Бошим сал сирқираб турибди... Ўтиб кетади...

— Албатта ўтиб кетади! Икки сих кабоб еб олсанг, дарров ўзингга келиб қоласан...

— Нима қилди? Нега бошингни танғиб боғлаб олдинг, кўзларинг қизариб кетибди?— сўради ундан Вафодор.

— Ҳеч, эй жоним, ҳеч нарса бўлгани йўқ,— кўнгилсизгина жавоб берди Қасдан.

— Уришганга ўхшайсизлар-а, таёқ билан уришибди шекилли? Э, омон бўлгур, одам ҳам бошини таёққа тутиб берадими? Шундай чапдаст бўлгинки, ҳарифингнинг таёғи тўшинг билан бошингдан нари турсин. Нима, ҳали таёқ уришда хомроқмисан дейман?

Ёш чўпон елкасини қисди.

— Билмадим... Қўлимдан келганича.

— Йўқ, таёқни яхши уради. Ботир йигит. Бошига орқасидан келиб уришибди. Бир номард чўтир бор, мазаси йўқроқ бола, одати тўпиқдан, тўшдан уради. Тўғри, юзма-юз туриб уришса, бунга тоб беролмасди.

— Уриш нимадан чиқди?

— Э, нимадан чиқарди? Ер жанжали, ўтлоқ жанжали!— хафа бўлиб гапирди Вали.— Неча минг йиллар кечяпти, лекин бу ер даъвоси ҳеч тамом бўлмайди. Сафиқулибек бир ҳафта бурун бу ерга келган эди. Ҳаммани йиғиб, оғзига сиққанича гапирди: «Нега Самадбекнинг сурувлари бизнинг ўтлоқларда ўтлаб юрибди, нега яхши қарамайсизлар?...» Мен қаердан билай, қаердан? Бугун уларнинг бир суруви биз томонга ўтиб ўтлаётганини эшитиб қолдик. Чўпон бола ёшроқ экан, ҳали қаттиқчиликни кўрмаган. Ҳайдадик. У дарров сурувни орқага қайтара бошлади. Янги келган экан шекилли, бу ерларни унча яхши билмас экан. Шу пайт десанг, иш чаппа кетмаса шундай бўлармиди, Салим деганинг,— падарига лаънат ўшанинг,— келиб қолса бўладими. Нима гап деб суриш-

тириб қолди. Тоза қутуриб кетди. Бўралаб сўкди, ҳам-мани, кейин оғзидан кўпик сочиб: «Уринглар уларни! Додларини бериб қўйинглар, иккинчи бу ишни қил-майдиган бўлишсин!»—деб айюҳаннос солди. Ўзи таёқ кўтариб чўпонларнинг устига ташланди. Чўл қий-чув тўполон бўлиб кетди. У томоннинг одамлари ҳам келди. Тоза тўпир-тўпир, ур-йиқит бўлди. Биров-нинг қўли синган, бировнинг бели... Ҳамманинг қони қизиди, ақл қочди, жаҳл зўр келди. Сал боши ишлай-диган одамлар орадан секин сирғалиб чиқиб кетди. Бир пайт қарасам, у томоннинг одамларидан бири Салимнинг устига бостириб келяпти. «Мард бўлсанг, қани, майдонга чиқ!»— дейди. Майдон қаёқда, тўқмоқ қаёқда, Салим югуриб отининг устига минди, ўрталик-дан қочиб чиқди. Мундоқ қарасам, Қасданни ерга уриб йиқитишибди. Улардан ҳам бир неча одамнинг боши шикастланди. Ҳамма ҳолдан тойганидан кейин отанг яхши, онанг яхши деб бир қанча чўпонни сал ҳовурдан туширдик, ялиниб-ёлвориб тинчитдик. Улар у ёққа кетишди, биз бу ёққа келдик. Мана энди пушаймон бўлиб ўтирибмиз. Кўзимизга уйқу кел-майди...

— Салим қочиб кетдими, а?

— Қораси ҳам кўринмай кетди. Жуда тулки одам-да у.

— Демак, бекларнинг икки қарич ўтлоғи деб бе-чора чўпонлар бир-бирининг бошини ёришибди-да, а? Сизларга нима бўлган ўзи? Қачон ақл киради? Унинг суруви бунинг ерида ўтлайди, бунинг суруви унинг ерида, жаҳаннамга бормайдими ҳаммаси?! Сизлар нега таёқ кўтариб бир-бирларингизнинг гўштингизни ғажийсизлар? Қачон Илёсбек билан Самадбекнинг кўзи тўйган? Дунёни берсанг йўқ демайди, ўшанда ҳам оз дейди, яна бер дейди. Неча замон уй-эшик, бола-чақани кўрмай, бу ерларда қаттиқ-қуруқда жонларингизни жабборга бериб ётасизлар, қишин-ёзин бекнинг сурувини кўпайтираман деб жон куйдирасизлар, бу-нинг устига бир-бирларингизнинг устингизга тўқмоқ кўтариб бориш ҳам бормиди. Яшанглар-ей, азаматлар!

Вафодорнинг сўзлари чўпонларни ҳайратга солди. Улар бундай сўзларни умрларида биринчи марта эши-тишлари эди. Бекларнинг сурувлари бўлмасайди, улар қаердан нон топиб ердилар, хотин-болаларини нима

билан боқардилар? Кимдир журъат қилмайгина мингирлади:

— Майдонга тушмасак, ёқамизга ёпишади, чўлга ҳайдайди... Бизнинг мол-қорамиз бўлмаса, рўзгорга арайдиган еримиз бўлмаса экиб-тикадиган...

— Сизларнинг темирдай қўлларингиз бор!— Вафодор икки қўлини олдинга узатди.— Уша сурувларни сурув қилган мана шу қўлларингиз! Бек ўз ризқи рўзини сизларнинг қўлларингиздан ейди!

— Сенга нима, эй, Вафодор қардош, бу гапларни айтяпсан, сенга нима! Қўлингда гулдай ҳунаринг бор, йўқсилдан давлатмандгача—ҳамманинг иши сен билан битади. Еганинг олдингда, емаганинг ортингда. Ўзинг ҳам мошаллоҳ, ўткир, диловар йигитсан, вой бизнинг ҳолимизга. Қўлимиздан қўй боқишдан бошқа иш келмайди. Икки эшакнинг арпасини бўлиб беришга ақлимиз етмайди. Ундай бир мардлигимиз ҳам йўқки, кар-кар гапирган бойларнинг оғзига урсак! Иложимиз не, оллоҳ таолодан ҳаммаси, пешанамизда ёзилганига шукур қилиб яшаймиз.

— Шундай, бу ишларнинг ҳаммаси худонинг ҳукми билан бўлади. Лозим билибди, уларга қўй-қўзи, сурув берибди, ер-жой берибди, лозим билибди, бизни чўпон қилиб қўйибди. Ҳамманинг қисмати у ерда,— чўққи соқол киши қўлини кўкка кўтарди,— ёзилган. Ҳеч ким ўз қисматидан ортиғига эга бўлолмайди. Сен ўзингни қанча ўтга-чўққа урмагин, ўлиб-тирилмагин, барибир қўлингдан ҳеч нарса келмайди, чўпон чўпон бўлиб қолади, бек бек бўлиб.

Бу сўзлар Вафодорнинг кўнглини чўктириб, маъюс қилиб қўйди. Чўпонлар кўзларини очганларидан бери дунёнинг шундай яралгани, то қиёмат қойим кунигача шундай қолажаги, Илёсбек, Сафиқулибек сингари йиртқишлар оллоҳнинг иродаси билан бойлик, давлат соҳиби бўлиб туғилганини эшитган, кўрган ва шунга ишонч ҳосил қилган эдилар. Шунинг учун ҳам улар ўз қисматларига кўниб қолган эдилар. Шоир айтган экан: «Не берсалар, шунга қоне, не қилсалар, шунга шод». Улар ҳам кунларини бир амаллаб мана шундай кечирар, кунлари ўтганига хурсанд эдилар.

Бошини бойлаб олган ёш чўпон Қасдан юзини ҳозир гапирган одамга ўгириб, деди:

— Сизнинг гапингиздан шундай маъно келиб чи-

қадики, дунёға оч келган одам кетаётганида ҳам оч кетади! Қанча уриниб-суринмасин фойдаси йўқ, қўли қисқалигича қолади.

— Бу гапни фақат мен айтаётганим йўғ-ей, азалдан тажрибада шундай бўлган. Одам Атодан то Ҳотами Тойгача шундай бўлиб келган, шундай бўлиб қолади... Оч — оч, тўқ — тўқ. Хўжа — хўжа, гадо — гадо.

— Йўқ, ҳеч ундай эмас. Хўп, бўлмаса, кечагина хизматкор, чўпон бўлиб ~~юрған~~ Салим бугун қандай қилиб ога, хўжайин бўлиб қолди? Оллоҳ таоло ўзи айтганки, сендан ҳаракат — мендан баракат, деб.

— Уни сен тушунган маънода айтмаган. Яъни, демоқчики, сен чўпонлик қилиб ғайрат қил, мен ҳам сенинг ризқи рўзингни мўл қиламан, лекин бу — бекни ағдариб ташлаб, уни чўпон қилиб қўяман, деган эмас.

— Унда Салим оғага нима дейсиз?

— Бу ҳам худонинг бир ҳикмати. Ҳали охири нима бўлади, бир худонинг ўзига аён.

Боядан бери ўчоқнинг тепасида куймаланиб турган, бир қулоғи бўлаётган гапларда бўлган Вали тўртбеш сих кабобни шу томонга узатди.

— А-а-а, бўлди қилинглар, қуруқ гап огизнинг ели!— деди.— Дастурхонни ёзинглар, меҳмонлар, қани, кабобдан олинглар. Вафодор қардошнинг гапларини тўғри тушунинглар, у тоғдан келса, сизлар боғдан келиб ўтирманглар. У чўпон бўлгандан кейин бир-бирларига ёрдам берсин, Самадбекнинг қўйини боқадими, Илёсбекнинг қўйиними, барибир, бир-бирининг бошини уриб ёрмасин, деяпти. Қўлни қўлга бериб, бир-бирларини ҳимоя қилсин, бири иккинчисига суянчиқ бўлиб турсин, уриб кўзини чиқармасин, деяпти... Билдингларми энди, тушундингларми?

— Э, садағанг кетай, шундай демайсанми!— деди кексароқ чўпон рози бўлиб.

Итлар қаттиқ вовуллашиб ўзларини чўл томонга отдилар.

— А-а-а, қаранглар-чи, нима бўлдийкин, бирсв келдимикин?— Вали икки чўпонни ташқарига чиқариб юборди.— Қани, олинглар, ош бўлсин!

Вафодорлар иштаҳа билан кабоб есалар-да, бир кўзлари эшикда, ташқаридан келаётган овозларга қулоқ солардилар. Ташқарида эса, чўпонлар итларни тинчи-

толмай овора эдилар. Бирини энди жим қилишса, иккинчиси ириллаб илгарига ташланарди.

— А-а-а, ит одамга бундай ёпишмайди, кимдир отда келганга ўхшайди!— деди Вали.— А-а, тагин Самадбекнинг одамлари келган бўлса-я! Туядай кин сақлаб юришади, оёқларини босиб олсанг, вой ҳолингга...

Валининг ишораси билан яна икки чўпон ташқарига чиқиб кетди, шунда отнинг кишнагани эшитилди.

— Воҳ-воҳ-воҳ! Кишнашига қара-я, кишмиш билан боқилганми дейман! Омон бўлгур беклардан бири келибди шекилли. Камбагалнинг оти ўлса бунақа кишнамайди.

Девор тўсиқнинг у томонига чиққан чўпонлардан бири итларни тинчитди. Вали чўпонлардан ким келганини сўраб улгурмасдан Салим оғанинг овози эшитилди:

— А-а-а, Вали, ўлиб қолганмисан, чиқсанг-чи эшикка!

— Ҳозир Валини тўп билан отсанг ҳам уйғонмайди! Ёта-ёта сурувни қуритяпти!

Вали Сафиқулибекни йўғон ва дагал товушидан таниди, қўлидаги сихни тош устига қўйиб, оёққа турди. Уларнинг келиши жуда бевақт ва сира кутилмаган эдики, бундан бир яхшилик чиқиши даргумон эди. Вали алам билан тупурди:

— Тфу! Зотларинг қурсин! Ярим кечада нима қилиб юришибди? Еганингни заҳар қилмагунча қўймайди булар!

Оғаларнинг келиши Вафодор билан Жаъфарни бир оз шошириб қўйди. Улар буни кутмаган эдилар. Вали ҳам буни сезди:

— Балки кўзларига кўринмай қўя қоласизларми? Бирон ерга яширайми? — деб сўради.

Даставвал маъқулдай кўринган бу таклиф Вафодорнинг кўнглида бир эътироз уйғотди. Бута панасига биқиниш, хилватда иш кўриш унинг табиатиға зид эди. Ҳозир шундай қилса обрў кетишини сезиб, ўрнидан қимирламади. Жаъфар ҳам унинг ишорасини кутиб турарди. Вафодорнинг фикри йилдирим тезлигида ишларди. У Сафиқулибек билан бўладиган бу учрашувнинг оқибати нима билан тугалланиши мумкинли-

гини ўйлар, улар нима деб ўйлашларини аниқлашга тиришарди. Ниҳоят, қатъий бир қарорга келди:

— Яширинишнинг кераги йўқ. Биздан асло хижолат бўлма. Ўзинг қўрқмайсанми?— деди Валига.

Валининг лаби қийшайди, қўл силтади:

— Нимадан қўрқаман? Бу ерда бўлмаса, бошқа ерга бориб чўпон бўламан.

Вафодор шунда сандиқча воқеасини эслаб Жаъфарга қаради, унга нимадир демоқчи бўлди. Лекин фурсат бўлмади. Сафиқулибек билан Салим ога улар ўтирган ерга келиб қолган эдилар.

— Оҳ-ҳо, бу ерда кўра бор экан-ку!— деди баланд овоз билан Салим ога.— Зиёфат жуда қуюққа ўхшайди-ку! Бек бўлса чўпон Вали етти уйқуни урди деб юрибди.

Агар шу тобда ўчоқнинг алангаси кўтарилсайди, ҳамма Сафиқулибек қанчалар дарғазаб эканлигини кўрган бўларди. Ҳозир унга пичоқ урсанг, қони чиқмасди. Вафодорлар буни қоронгида туриб ҳам ҳис қилардилар. Сафиқули бир оғиз гапирмасдан ғўдайиб турар, оғир-оғир нафас олар, ҳансирар эди. Унинг ўзи ҳам бундай туриш яхши эмаслигини сизди шекилли, оғаларча бир адо билан Вафодорга мурожаат қилди:

— Ҳа, темирчи, эски касбинг ёдингга тушибди-да. Қўй-қўзиларингдан хабар олгани келдингми?

— Менинг ҳам беш-ўнта сигир-бузоғим бор, бир хабар олай девдим,— яхши баҳона топганидан мамнун бўлиб деди Вафодор.— Кундуз кунлари ишдан бўшамайман, қўлим тегмайди...

Сафиқулибек бошқа ҳеч нарса демасдан, ҳансирай-ҳансирай у ёқ-бу ёққа қараб, ўчоқнинг атрофида юра бошлади. Унинг феълини яхши билган Салим ога билан Вали ҳали ҳам унинг қаҳри кукраб турганлигини, ичида ғазаб қайнаётганини сезиб турардилар. Вали бундан ташвишланар, Салим ога эса, негадир, севиначди. Салим ога уни янада аччиқлантириб, бир жанжал чиқаришни кўзласа, Вали чўпонлар билан меҳмонларини бу айиқнинг ғазабидан қандай қилиб сақлашни ўйларди. Қандай бўлмасин, уни қаҳридан туширмоқнинг пайида бўлмоқ, бу ердан омон-эсон, тинчгина жўнатиб юбормоқ керак эди.

— Ҳа, темирчи ошна, хўп яхши келибсан бу ер-

га!— Салим оға Вафодорни худди энди кўргандай, менсимасдан сўзлади.— Салқин кеча, бийдай чўл, тўқли кабоби, бунинг лаззатига нима етсин! Тулки хилватда бек, деб шуни айтсалар керак! А-а-а, ҳей, Вали, Сафиқулибекка бир сих кабоб ҳозирласанг-чи!

Сафиқулибек ҳамон ҳансираб турар, индамасди. Гўё юрагидаги гапни айтишдан қўрқаётгандек эди. Назарида огзини очса, худди у ердан қора сел чиқадигандек, ҳамма нарсани ўпириб, вайрон қилиб олиб кетадигандек туюларди. Нимадандир ўзини тияр, Вафодорнинг олдида чўпонларни уриб, сўкишдан тортинарди. Салим оға эса, аксинча, унинг шундай қилишини истарди. Бир-бирларига рўйхуш бермайдиган бу икки одам ҳамманинг кўз ўнгиде ёқалашиб, беобрў бўлишларини истарди.

— А-а, бу йилги тўқлими ё ўтган йилгими? — риёкорлик билан сўради Салим.— Бек Қорабоғдан олиб келган тўпдан бўлса керак, а? О, унинг кабоби жуда мазали бўлади-да.

Вали атай индамади. Огзини очиб бир оғиз ҳам сўзламади. Салимнинг фитна солиш учун айтган бу сўзлари огир ботган бўлса ҳам, эътибор бермай, турарди: «Майли, бўшаб олсин, индамай!»

— А-а-а, эй Вали, нима, огзингга сув олганмисан, мундоқ гапирсанг-чи. Ҳой болам, ҳой қардош, ким эканлигини унутиб қўйдингми, кимнинг олдида турибсан? Бу оганг. Сен унинг чўпони, хизматқорисан!

«Хизматқор» сўзи Валига жуда қаттиқ тегди. Салим ҳам тилини тишлаб қолди. Бекор гапирганини сезса ҳам, лекин сир бой бермасдан тураверди.

— Ҳей, Салим оға, огзингга қараб гапир!— алоҳа тилга кирди Вали.— Хизматқор дейсан, ўзинг кимсан, бизга ўхшаган бир одамсан. Фақат сен бекнинг, хонимнинг қўлтиғига кириб олгансан, уларнинг соясида кериласан, бизнинг йўлимиз бошқа...

— А-а, бас қил, акиллайверма, огиз ўзингники бўлса ҳам!— Салим ундан аччиқланди ва гапни яна бояги ўзи истаган томонга бурмоқчи бўлди.— Яхши, қани айт-чи, қайси тўқлини сўйдинг? Ёки бўри тегиб кетдими яна, ё касал бўлиб қолганмиди?

Сафиқулибек ҳамон миқ этмасди. Салим оға бундан ғазабланар, тобора ўзини тиёлмас эди.

— Ҳой, чўпон Вали, сенга неча марта айтганман,

камроқ е, ҳаром суяк томогингдан тешиб чиқади деб, у мушти билан Валининг қорнига туртди.— Агар мана бу қорнингни ёрса, ичидан қанча тўқлининг жигари чиқаркин?

Вали ҳам энди ўзини тутолмай, унинг қўлини қаттиқ силтаб ташлади-да, оғир жавоб берди:

— Ўғирлик қилиб кун кўриб юрган сен бўласан, мен эмас! Менинг қорним қурагимга ёпишиб ётибди! Сомон тиқилган қанордай бўлиб ётган қоринлар ёрилсайди, ана унда томоша қилардик қанча ҳаром-ҳариш чиқишини!

Салим оға унинг бу сўзидан фойдаланиб қолмоқчи бўлди:

— Нимага ишора қилаётганингни биламан, бекнинг қорнига ҳасадинг келяптими, а? У қорин солган бўлса, ўз ҳалол нонини еб солган. Сенга ўхшаб, ўғирлик молга кўз олайтирмайди!

Вафодорнинг ғазабдан қўли қичий бошлади. Сал бўлмаса Салимга шапалоқ тортиб юборай деди:

— Уялсанг-чи, ҳой Салим, боядан бери нима деясан ўзинг?!— деди у.— Валининг қанчалар ор-номусли одам эканини бутун эл билади.

Кечагина хизматкорликдан чиққан одам билан оддий чўпоннинг айтишиб қолганидан Сафиқулибек бирмунча юмшади, ғзаби андак сўнди.

— Ҳей, Салим, бас қил, битта тўқли нима бўлибдики бунча гап қилдинг! Сўйган бўлса, меҳмонининг олдига қўйган бўлса, ажаб қилибди, унга ҳалол бўлсин, ош бўлсин, нима қиласан иштаҳаларини бузиб!— деди бирдан Сафиқулибек.

Шундан сўнг чўпонларнинг сал ранглари очилгандай бўлди, улар секин ўзларига кела бошладилар. Бекнинг саховати уларга анча яхши таъсир қилганди. Ҳалидан бери гапга аралашмай турган чўққи соқол, кекса чўпон Сафиқулибекка қараб, деди:

— Худо мол-давлатингизни зиёда қилсин, бек. Сурувларингизнинг саноғи бундан ҳам ошсин. Сиз шунча саховат қилиб турганингизда биз мол-ҳолларингизга яна ҳам яхшироқ қарашни ўзимизга қарз деб биламиз. Ўзингиз ҳам сўз қадрини биладиган одамсиз. Лекин бу пишаётган гўшт, воллоҳ-биллоҳ, чўпон Валининг ўз тўқлисининг гўшти. Бу одам сизнинг қўйингизга ҳеч қачон ола қараган одам эмас!

— Хўп, мабодо менинг қўйимни сўйган бўлганда ҳам, шунга шунча ота гўри—қозихонами?! Отмас, туямас, қўй экан-ку,— Сафиқулибек яна бояги оҳангда гапини давом эттирди.— Озиб-ёзиб темирчи меҳмон бўлиб келибди, бундай меҳмонга бир эмас, беш тўқли сўйса арзийди...

Салим оға ичидан куйиб қовриларди: «А-а, бу айиқнинг сиёсат қилишини қаранг! Сўзнинг рабдойини ўз фойдасига буриб юборди!»

Сафиқулибек сихлардан бирини кўтариб, қайноқ кабобни пуфлаб-пуфлаб ея бошлади-да, Жаъфарга ўгирилиб қаради:

— Ҳа, сен ҳам шу ердამисан? Етимча! Темирчи билан жуда қалин экансизлар-да, а? Кўп яхши, кўп яхши! Ҳа, айтгандай, анави омонатни эгасига етказдингми?

Вафодор боядан бери шу саволдан қўрқиб ўтирган эди. Сафиқулибек келганида Жаъфарни огоҳлантириб қўйишга фурсат топмаган эди. Энди у шошиб қолиб, ўзини йўқотиб қўйиши мумкинлигини ўйлаб, суҳбатга қандай қилиб аралашини кўзларди. Лекин Жаъфар ундан олдинроқ ҳеч қандай шубҳага ўрин қўймаган бир қатъият ва соддалик билан деди:

— Балли, бек. Ўша заҳоти эгасига етказдим.

— Қандай қабул қилди? Индамадими?

— Бунисини айтолмайман, бек. Гапнинг очиғи, эшикдан шундай ташлаб келдим. Назаримда хоним бир оз шошиб қолгандек кўринди.

— Майли, ҳечқиси йўқ, ўзига келиб қолади!— бек сўзни бошқа томонга бурди.— Ҳа, ҳой, чўпон Вали, энди сизларга бир нарсани айтиб қўяй, яхшилаб эсда тутинглар. Қачон кўнгилларинг тусаса ёки бирон азиз меҳмон келиб қолса, битта тўқли, иккита тўқли сўйсанглар, бу билан менинг қўйларим озайиб қолмайди. Сизларга ҳалол бўлсин, сўйиб еяверинглар. Фақат мен, ким бўлмасин, номимни бадном қилишига йўл қўймайман. Сизларга айтадиган гапим шуки, менинг яйловларимга иккинчи ёт одамнинг моллари ораламасин, агар шундай бўлиб қолса, мендан хафа бўлиб юрманглар. Менинг ўтлоқларимга оралаган қўйнинг ҳам, чўпоннинг ҳам ўлиги шу ердан чиқади!..

Чўпонлар огир сукут ичида унга қулоқ солиб ўти-

рардилар. Вали ҳам бир оғиз гап қўшмасди. Сафиқулибек сўзлари жуда ваҳимали таъсир қилганидан хурсанд бўлиб, мўйловини буради. Шу пайт бошини боғлаб олган чўпон оғиллар томондан бу ерга келиб қолди.

— Бунга нима қилди?— деб сўради Сафиқулибек. Шундай сўрадики, гўё ўзининг ҳеч нарсадан хабари йўқ, гўё кечқурун бўлган жангдан Салим оға уни хабардор қилмагандай эди. Ёш чўпон бошини қуйи солганича индамай турарди. Ҳозир у боши ёрилгани учун қаттиқ хижолатда, гўё ўғирлик қилгандай, гўё қўрқоқлик, гўё беномуслик қилгандай эди.

— Сендан сўраяпман, ҳей, бошингни нега танғиб олдинг?

Бекнинг овози титрарди. Боя яширинган газаб яна қайтадан қўзгаган эди. Ҳозиргина чўпонларга қилган бир озгина марҳамати билан саховати эндиги ҳолатига сира ёпишмасди. Гўё боя, истаган пайтларингда, тўқлиларни бемалол сўйиб еяверинглар, деган одам бошқа эди-ю, ҳозирги дўқ қилиб турган одам бутунлай бошқа эди. Бошидан лат еган ёш чўпонни хижолатли аҳволдан қутқариш ниятида Вали деди:

— Талотўпда ҳар нарса бўлади, бек, бугун-эрта тузалиб кетади...

Сафиқулибек ярадор бўлган айиқдай наъра тортди:

— Мен ҳали бунчалар бадном бўлган эмасман! Бугунгача ҳали ҳеч ким бизнинг одамларни бунчалар майна қилмаган! Энди бутун дунёи олам Самадбекнинг йигитлари Илёсбекнинг йигитларини қуёндай бошиб, тоза жиғини эзибди, деб дов-достон қилади. Энди уларнинг яқинига йўлаб бўлмайди, кўзини очирмайди одамнинг. Ҳаммаларинг у қулоқ-бу қулоқларингга қуйиб олинглар: менинг олдимга бошларингни ёриб эмас, бошқаларнинг бошларини ёриб келинглар! Душман олдидан боши ёрилиб қайтган навкарнинг қолганидан ўлгани яхшироқ.

У шу сўзларни айтди-ю, белидан ханжарини суғуриб, Қасданнинг устига ташланди. Ҳамма ханжар Қасданнинг қорнини тешиб чиқди деб ўйлаб, барава-рига: «Вой-вой, бу қандай бўлди, бек?»— деб бақирди. Лекин бундоқ қараб, ханжар Қасданнинг қўлида ялтираб турганини кўришди. Сафиқулибек эса, букилиб, ерда чўккалаб қолибди. Йигит ханжарни унинг

калласига солмоқчи бўлди, лекин Вафодор унинг билагидан ушлаб қолди ва қўлидан ханжарни олди.

— Кетинг, бек, кетинг!— деди.— Буларни чориқ кийган, йиртиқ кўйлак деб ожиз билманг! Охири ёмон бўлади, кетинг!..

Салим ога Сафиқулибекни қўлидан тутиб ўрнидан турғизди.

— А-а, худо ҳаққи, бир хатодан ўзи асради! Бўлмаса дунё қонга ботар эди. Илёсбек бутун чўпонларни сўйиб чиқарди, лекин ўшанда ҳам алаmidан чиқмасди!

— Олинг ханжарингизни!— Вафодор Сафиқулибекка қаради.— А-а, отларни олиб келинг, бек ўтирсин!

Сафиқулибек боядан бери юрагида қайнаган ғазаб, ҳаҳрини тўкиб солди:

— Сен бу ерга молингдан хабар олгани келмагансан, темирчи! Буларни йўлдан оздиргани келгансан. Бўлмаса бу гадойваччада жасорат нима қилади, қўлимдан ханжаримни олиб ўтирибди!

Вафодор киноя билан кулди:

— Нима, бўлмаса, сизга қўйдай туриб берсинмиди? Индамай-нетмай қорнига ханжарингизни тикармидингиз, а? Тоза аҳмоғингизни топиб олган экансиз, бек, ёмон хато қиласиз!

— Сен қачондан бери камбағалпарвар бўлиб қолдинг? Муҳаммад Ризобекнинг тули олдида ўзингни кўрсатганигни ҳам ҳали эсимдан чиқарганим йўқ. Эсингда бўлсин. Бу қилиқларинг билан ўзинг ўзингни қатл қиляпсан! Шунини ҳам билиб қўйгинки, Ҳури хонимни етти ухлаб тушингда ҳам кўрмайсан! Унинг никоҳи кўкда малаклар томонидан менинг номимга ўқилган... Одам бўлсанг, қани бундай майдонда тур, бир кўрай, қандай турар экансан!

Сафиқулибек шамолдай елиб, пастак девордан ошиб кетди, Салим ога унга эргашди. Отлар қўтондан узоқлашиб, гойиб бўлдилар. Вафодор чуқур ўйга чўмди, сўнг ўзига мулойим тикилиб турган одамларнинг кўзларига бир-бир қараб чиқди-да:

— Шундай, дўстлар!— деди.— Бу номардлардан қўрқсанг, баттар хор қилади сени! Афтидан, шундай одамлар борки, уларга сўз билан уқтириб бўлмаган нарсани фақат қилич уқтиролади!..

Бундай қарорга келиш ҳаёт-мамот жанги бошланаётганини англатарди. Юраги ёшлик қудрати, ёшлик гурури билан тўла, томирларида ҳароратли ёшлик қони оққан бир одамгина шундай қарорга кела оларди. Бундай одамлар одатда ҳаётнинг аччиқ-чучугини ҳали кўрмаган, мағлубиятлар аламиний тотмаган, лекин сурурли хаёллар, ҳароратли туйғулар таъсирида ўлимга ҳам тик бора оладиган кишилар бўлади. Бундай одам ҳаётнинг нақадар ширинлигини ҳис қилмайди, буни ўйлаб ҳам ўтирмайди, қўрқув нималигини ҳаёлига ҳам келтирмайди ва ўзини ўтга-чўққа уради. Бундай кишилар маънавий жиҳатдан олчоқ, лекин юксак мавқега эга бўлган одамлар билан тўқнашиб қолганларида заррача ҳам тап тортмайдилар. Уларнинг назарида, мабодо олчоқлар майдонга тушишга тарафдор ва талабгор бўлиб чиқсалар, шунинг ўзиёқ дунё ва инсон ҳаётининг устунлари бўлган номус, виждон, одабийлик ва садоқатни таҳқирлагандай бўлади. Бу эса одамнинг олчоқлашувига қараганда ҳам ёмонроқ, оғирроқ бир жиноят ва мана шундай жиноятларни урчиладиганлар жазоланишлари керак!

Вафодор Сафиқулибек билан Салим оғаларни мана шундай йиртқич деб билар ва уларни жазосиз қолдиришни йигитлик шаънига тўғри келмайдиган иш деб қарарди, ундан кўра папоқни ечиб ташлаб, бошга рўмол ўраб юрган тузук эди унинг назарида.

Вақт ўтиб борар, лекин Сафиқулибек билан Салим оганинг ўша қоронғи кечада чўпонларни, хусусан Валини ҳақорат қилганлари эсидан чиқмас, кўз ўнгида ҳозир рўй берган ҳодисадай тез-тез гавдаланиб турарди. Салим оганинг одамнинг юрагини сиқадиган, югурдакларча бир такаббурлик билан айтган сўзлари қулоғидан нари кетмасди. Сафиқули кўрсатган нақадар разил ва жирканч саховатни айтмайсизми! Чўпонлар орасида унинг керилганлари, «Ҳурини етти ухлаб тушингда ҳам кўрмайсан, одам бўлсанг, қани одамга ўхшаб майдонда тур, бир кўрай» дегани ва отининг устига ўтириб дарҳол қочиб қолганини эслганида Вафодор уни бошқалар кўрмаган бир томондан кўргандай бўлар эди. «Булар жуда ҳам соягакор

одамлар экан,— деб ўйларди у.— Ҳар қадамда бир олчоқлик қилишади. Бошқаларнинг ҳаётини булғамоқчи, ўз жирканч мақсадларига бўйсундирмоқчи бўлишади. Одамнинг умрини заҳарлашга уринишади! Йўқ, бундай бўлмайди! Заҳарни ўзлари ичсин!»

Вафодор мана шундай кечинмалар ичида яшар, бу кечинмалар унинг қонини қиздирар, курашга ундарди. Вафодор бундай курашга тайёр эди. Юз бериши мумкин бўлган фалокатлар, ҳалокатли тўқнашувлар уни бу йўлдан қайтаролмасди. Бошқа бир томондан Сафиқулибекнинг қизишиб айтган сўзлари унинг кўзини очиб қўйган эди: «Қара-я, мени ҳеч кўрарга кўзлари йўқ! Юракларида шунча газаб ва адоват бор экан! Қонингни ичишдан ҳам тоймайди булар. Энди ҳеч битишадиган йўл қолмади, қулай фурсат келиб қолса, этимни бир бурдадан қилиб ташлашдан ҳам тоийшмайди. Мен эса қачон булар келиб менинг гўштимни еб кетишаркин деб пойлаб ўтиришим керак... Ҳушёр бўлиш, чора топиш керак!»

Албатта, Вафодор ўша кечада Сафиқулидан ҳам, Салимдан ҳам ўчини ола биларди, уларни жим қилишга кучи етарди. Яккама-якка майдонга чиқадиган бўлса, уларнинг ҳеч қайсиси на курашда, на ханжар уришда, на тўқмоқ билан олишишда унга тенг келолмасди. Агар иккаласи унга бирдан ёпишган тақдирда ҳам, чўпонлар қараб турмаган бўлардилар. Лекин Вафодорни бундай қилишдан тийган, кинга тўла сўзларни ютиб кетишга мажбур қилган сабаблар чуқурроқ эди. Ҳали Ҳурининг тақдири чигал, у пасткашларнинг мақсадлари ҳам ноаниқ бўлгани ҳолда ишни бу даражага олиб бориш наинки ўз ҳаёти ва Ҳурининг қисмати билан, чўпонлару Сакина ва Жаъфарнинг тақдирлари билан ҳам ўйнашмоқ дегани бўларди. У чўпонларнинг орасида ўзининг бир огиз гапи билан ўлимга ҳам тик борадиган йигитлар борлигини биларди. Шуни билгани учун ҳам эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилар, ўртада ўринсиз адоват чиқишига, ноҳақ қон тўкилишига йўл қўйишни истамасди. Оқил одам дўстларининг хизмати ва ҳимматини суиистеъмол қилмаслиги керак деб биларди Вафодор. Хусусан, бу дўстлар сени деб ҳар қандай фидокорликка тайёр турган чоғларида уларнинг толелари билан ўйнашмоқ ақлдан бўлмасди.

Вафодор қалбининг энг таранг тортилган ипларидан бири Сакинанинг ҳаётига бориб уланарди. У Сакинани ҳам ака сифатида жуда яхши кўрар, ҳам ундан онасининг ҳидини туяётгандай бўларди. Ўзини эса унга нисбатан ҳам ота, ҳам ака деб биларди. У синглизининг чинакам бахтли бўлишини истар ва бунинг учун қўлидан келган ҳеч нарсани аямасди. Унинг Сакина ҳақида ўйламаган пайти йўқ эди ҳисоб. Сакинага бўлган акалик муҳаббати уни эҳтиёт билан ҳаракат қилишга, кўп нарсаларга чидашга, баъзи аҳмоқ ва жоҳил одамларнинг алжирашларини эшитиб, эшитмагандай бўлиб юришга ундарди. Унинг бутун ўй-хаёли Сакинани омон-эсон узатиб, тинчиш эди. Синглизини ишончли бир одамга тушса, ундан кўнгли тинчиган бўларди. Энди шундай одам бор эди, уларнинг ўзлари ҳам бир-бирларига мойилга ўхшаб туришарди. Энди уларнинг тўйларини қилиб, бошларини қовуштириб қўйиш қолган эди. Шундай қилмагунча эҳтиёт билан ҳаракат қилгани маъқул. Уларнинг бошлари қовушгандан сўнг, мабодо, Сафиқулилар билан очиқ жанг-жадал чиқадиغان бўлса, Сакина билан Жаъфарни бу ерлардан узоқ бошқа жойга кўчириб юборишни, Ганжаданми, Қорабоғданми ҳовли олиб беришни кўзларди.

Ҳозир бу ишларни тинчгина битиришнинг ягона бир йўли бор эди: Ҳурини ва унинг гулдай боласини, Сакина билан Жаъфарни ёнига олиб, бир кечада бу ерлардан бош олиб кетса бўларди. Озарбайжонда бўлмаса, Кавказда, Кавказда бўлмаса, бутунлай бошқа ерларда, Илёсбекларнинг қўли ҳам, ҳукми ҳам етмайдиган жойларда умргузаронлик ўтказиши мумкин эди. Вафодор ўзининг ҳунарига, ҳунарининг кучига шу қадар ишонардикки, қаерда яшамасинлар, умрларини тўқ-тўкин ўтказишларига, Ҳури хонимга ҳам бекникидан қолишмайдиган, ҳатто ундан чандон яхшироқ шароит яратиб бера олишига, умуман яхши кун кечиришларига амин эди. Жаъфар ҳам меҳнаткаш, ҳунароманд йигит. Ишдан, меҳнатдан қочадиганлар хилидан эмас. Гилам тўқишга имконият бўлмаса, бошқа бир иш қилиб бўлса ҳам ўз оиласини тебратишга кучи етади. Агар шундай қилиб кетадиган бўлишса, Салим оғалар кетларидан минг турли бўҳтон, гийбатлар ёғдиришларини ҳам Вафодор биларди. Улар

орқадан уни ўғрига, талончига, қўрқоққа чиқаришадди. «Майли, оғизларига сиққанича гапиришсин... Мени таниганлар қандай одам эканлигимни жуда яхши билишади. Ақлли ва номусли одам ўзи билиб баҳосини бераверади. Қулоқлари ҳар турли борди-келди гап-сўзлар, уйдирмалар учун очиқ бўлган одамлар эса мен ҳақимда нима деб ўйласа ўйлайверишсин. Ҳурининг, Сакинанинг, Соҳибнинг бахти олдида бу гаплар ҳеч нарсага арзимаёди. Лекин...»

Лекин Ҳури у билан бирга қочишга рози бўлармикин? Қисмат риёкор олчоқлар билан қўлни қўлга бериб, ҳуфия тарзда ҳозирлаётган қонли фитналардан осонроқ қутулиб кетишнинг ягона йўли шу эканлигини унга қандай қилиб тушунтириб бўлади! Бошқа барча йўллар беркилган, борлари ҳам тўсиқлар билан тўла, нажот сўқмоғи эгри-бугри, тайғаноқ чўққилар, тубсиз жарлар ёқасидан ўтади. Бу сўқмоқнинг ҳар бурилишида қопқонлар қўйилган, қопқонларнинг нарисида қўли қонга бўялган жаллодлар ўлжа пойлайди. Буларни унга қандай қилиб тушунтирса бўлади?

Ҳар ҳолда қўлни қовуштириб ўтиришдан фойда йўқ эди, ҳаракат қилиш, тадбир-чора ахтармоқ лозим эди. Ҳури билан қандай бўлмасин бир кўришмоқ, гаплашиб олмоқ зарур эди. Ҳури хонимнинг олдига на тонгда, на тунда, на оқшом чоғи бориб бўларди. Салим оға билан Жаҳон хоним уни пойлаб ётган бўлишса ажабмас. Шунинг учун ҳам ёлғиз пешин пайтидагина кўришишлари мумкин эди. Чунки пешинда бутун жамсат бозор-дўконларни йиғиштириб, тушлик қилиш, намоз ўқиш учун уй-уйларига кириб кетарди. Одатан, Жаҳон хоним билан Салим оға ҳам бу пайтларда уйда бўлардилар. Улар кўпинча бу вақт ётиб ухлаганларидан ҳовлига кирувчилар кам бўлар, ҳовлидан хизматкорлар, чўпон-чўлиқнинг қадами кесиларди ва ҳамма ёқ сукунатга ғарқ бўларди. Ҳа, Ҳури хоним билан кўришиш учун бундан кўра қулайроқ вақтни топиш қийин эди.

Кўк юзида олатароқ булутлар кезиб юрган оддий куз кунларининг бирида мана шундай бир паллада Вафодор шошилиб овқатланди-да, ўрнидан турди:

— Мен кетдим,— деб ҳовлига туша бошлади.

— Акажон, қаёққа кетяпсиз шошиб, тузук овқатланмадингиз ҳам? — сўради Сакина.

Жаъфар ҳам дўстига саволомуз боқди. Сакиналиннг кўзларида акс этган ташвиш айнаи бир тарзда унинг кўзларида ҳам акс этди. Вафодор Ҳурининг олдига бормоқчи эканини уларга билдирмоқчи эмас эди. Кеча қишлоғда чўпонлар ва Сафиқулибек билан кўришганидан сўнг унинг огир хаёлга ботиб юрганини кўрган Жаъфар бир нарса деб оғиз очгани ботинмади. Олдин ўзи бир аниқ фикрга келсин, сўнг нима қилиш кераклигини айтади, деган мулоҳазада эди у. Вафодор эса калаванинг учи чигаллашаётганини, иш тобора хатарли тус олаётганини сезиб, Сакинани ҳам, Жаъфарни ҳам аяб, четга сурмоқда эди. Ҳатто ўша кеча Жаъфарни чўпонлар олдига олиб борганидан ҳам бир оз пушаймон қиларди. Бу билан у Сакинани ҳам, Жаъфарни ҳам юз бериши мумкин бўлган балолардан сақламоқчи эди. Ҳозир синглиси билан Жаъфар қаттиқ ташвиш чекаётганларини кўриб, деди:

— Идрисларникига боряпман. Яқинда келибди. Бориб кўрмовдим ҳали.

— Тез қайтинг, акажон, худо ёр бўлсин сизга!— деди Сакина.— Билмайман, нега бундай бўлиб қолдим, сиз кўчада бўлсангиз, уйга қайтгунингизча юрагим безовта бўлаверади.

— Ҳеч нарсадан қўрқма, синглим, биздан кўнглиннг тўқ бўлсин.

— Қўрқмай бўладими, беллашган одамларингизни кўринг. Йиртқич ҳам улардан яхшироқ. Воллоҳ, акажон, гап Ҳури хонимнинг устида бораётган бўлса, айтинг, бориб гаплашиб келай, розилигини олай, никоҳини ўқитинг, уйга олиб келинг, иш битсин-кетсин!

Синглисининг содда, табиий сўзлари, ишни бунчалар осон ҳал қилиб ташлагани Вафодорнинг лабида майин бир табассум уйғотди. «Бола ҳали! Боладай содда ҳали!» Кейин унинг гапига тан берди: «Аслини олганда, Сакина ҳақ. Ахир, одамлар бир-бирига одамдай муносабатда бўлса, иш шундай тарзда саранжом бўларди. Ҳурининг раъйи ҳаммасини ҳал қилади. Бу ерда на зўрлик ишлатиб бўлади, на дўқ-пўписа!»

— Иншоллоҳ, сен айтгандай бўлади, синглим!— Вафодор остонадан ҳатлади, сўнг ниманидир ўйлаб, Сакинага ўғирилди:— Ўзим Ҳури хоним билан кўришаман...

Бу хабардан Жаъфар ҳам, Сакина ҳам севинишди.

Уларнинг чеҳралари очилди. Гўё ҳамма нарсa шунга қараб қолган, улар Ҳури хоним билан учрашсалар, барча тўсиқлар орадан кўтариладигандай, ўткир қиличлар қинига кирадигандай, кин-адоватлар барҳам топадигандай. эди... Вафодор уларни севинтириб, хотиржам қилганидан хурсанд ҳолда, бўм-бўш кўчалардан ўтиб Идрисларникига келди.

Ҳовлида уни шаҳло кўзлари қорача юзида худди чаросдай порлаган, баста бўй, шўх жувон кутиб олди. У сариқ рўмолининг тагидан тўзгиб чиққан жамалак сочларини тўғриларкан, севиниб, хурсанд бўлиб, деди:

— Вафодоржон, хуш келибсиз! Худо ёр бўлсин, киринг, киринг ичкарига, Идрис ҳам уйда, чўпонбўзартма<sup>1</sup> қилган эдим, ҳозир сузаман! Қалайсиз, аҳволингиз қандай? Сакина хоним яхши юрибдими? Кам келадиган бўлиб қолдингиз, шунинг учун гапларим пойма-пой чиқапти. Сакинага куёв топилибди, деб эшитдим. Бошқа жойларнинг одами экан, мужовир экан, дейишади. Нима қипти, яхши одам бўлса, басда. Сакина икковлари бир-бирларига мос эмиш. Бахтли бўлишсин! Ҳолвасини қачон еймиз энди?

Райҳон хоним сўзлагани сайин Вафодор ўзини енгил ҳис қилар, юрагида аллақандай яқинлик, қариндошчилик туярди. Бу айрум<sup>2</sup> қизи болаликдан от устида эркинликда ўсган эди. Чодра, ёпинчи, яшмоқ<sup>3</sup> нималигини билмаганди. Ота-онаси доимо кўчманчиликда, қўй-қўзи боқиб, от-улоқ устида, тоғда, тошда, чўлда, аранда<sup>4</sup>, олачуқларда<sup>5</sup> кун кечиришган эди. Райҳон хонимнинг ўзи ҳам кеч куз пайти кўч тоғдан аранга ошиб ўтаётганида, чўл ўртасида дунёга келганди. От устида келаётган онасини бирдан тўлғоқ тутиб қолиб, кўч тўхтаган, хотин, бола-чақалар тушган аравалар панасида кўзи ёриганди. Энагалик қилган момолар ярим соатлардан сўнг болани ўраб-чирмаб олиб келишиб, ота қўлига тутқизган ва:

— Ол, кўзинг ойдин бўлсин! Бу қиз бир ерда ўтирмайдиган қиз бўлади, йўлда тугилган бола ҳамаша

---

<sup>1</sup> Гўшт қовурдоқ.

<sup>2</sup> Озарбайжонда яшовчи чорвадор халқ.

<sup>3</sup> Яшмоқ — хотинлар оғзини беркитиб ўрайдиған рўмол.

<sup>4</sup> Аран — воҳа.

<sup>5</sup> Олачуқ — қапа.

ҳаракатда бўлади. Оллоҳ ўзи бахтиёр қилсин! — деган эдилар.

Райҳон хонимнинг отаси марҳум Муҳаммад Ризобекнинг узоқ қариндошларидан эди. У наслнинг мерос тегмай қолган бахти чопмаганларидан ҳисобланарди. У кичикроқ бир сурув билан ҳаётини таъминлар, кунлари меҳнат билан ўтар, унинг шундан ўзга дунёда даъвоси ҳам йўқ эди. У табиятан хушфеъл, доно ва бамаъни одам эди. Фалокат ва бадбахтликларни кўравериб кўзлари пишиб кетган, булардан на ҳайратга тушар, на ғазабга минарди: «Бу дунё ўзи шундай яратилган, қанча маҳкам ушлайман дема, барибир қўлингдан чиқиб кетади!» — дерди ва ҳеч қачон ҳеч ким билан нарсаси талашмас, пастлик қилмасди. Қўйини бўри талаб кетса, парво қилмасди. Чўпонлар олиб кетиб сўйиб еса, аччиғи чиқмасди. Ҳеч қачон чодирнинг эшигини боғламас, бошқаларнинг очиқ қолган чодирдан ичкарига мўраламасди. Бошқа бир хотинларга кўз ташламаганидек, бошқалардан хотинини қизганмасди. Шуниси қизиқки, ҳатто қўли эгри одамлар ҳам унинг чодир олдидан тўғри ўтиб кетар эдилар, нарсасига кўз олайтирмасдилар. Унинг мол-қўйларига ҳам йиртқич теккан, касал оралаган пайтлар жуда камдан-кам бўларди. Чўпонлар: «Йиртқичлар ҳам билади кимнинг қўйига тегиб, кимникига тегмасликни!» — деб кулишарди. У биттаю битта қизи Райҳон хонимни болаликдан эркин ўстирган эди. Қизини бирон маротаба уришмаган, аччиқланмаган, унга бирон нарсани ман этмаганди. Болага қўл кўтариш табиатига мутлақо зид эди. «Боланинг ўзи билади нима қилишни-ю, нима қилмасликни», — дер эди у.

Райҳоннинг онаси эрини қаттиқ яхши кўрар, шунинг учун унинг ўзига ёқмаган баъзи феълларини кечирар, ҳеч қачон ҳеч нарсани на эрининг юзига солган ва на орқасидан гапирган эди. Рўзгорда доимо эридай иш тутишга тиришар, эрига ёқмайдиган, унинг табиатига зид бўлган иш қилмасди. Шунинг учун ҳам, Райҳоннинг эркин ва озод ўсаётганига қарши турмас, унга қаттиқ гапирмас, озор бермасди. Инсоф билан айтганда, қизнинг ўзи ҳам ақлли, одобли бўлиб ўсмоқда эди. У худди ота-онасидай меҳнатни севарди. Қўлини нимага урса, шунга келишарди. Болаликдан озод-эркин ўсганидан, уриш-сўкиш эшитмаганидан,

кўп тенгқурларига қараганда кўзи очиқ, ҳур фикрли, кўнгли тоза бўлиб етилди. Шу билан бирга, у ҳеч қандай орзусини ота-онасидан яширмас, юрагидан кечганларини дарров уларга айтиб берарди. Шунинг учун ота-онаси Райҳон ўзларидан беркитиб бир пиёла ҳам сув ичмаганлигига амин эдилар. Нима қилса, очиқчасига, уларга айтиб қилар, ўзи ҳам бировнинг гапига лаққа тушадиганлардан эмасди. Бўйи чўзилгани, ёноқларига қизил югуриб, кўзлари чирой тортгани, кўкраклари тугмалангани сари ўзига эгри қараган кўзларни тўғри қараган кўзлардан ажрата билар ва ўзини эгрилардан узоқроқ юришга одатлантирган эди. Шу туфайли ота-онаси уни қизлар билан тоғларга лола тергани бемалол юборар, отда қўй-қўзилардан хабар олиб келгани жўнатар, ҳеч қачон орқасидан ортиқча ташвиш тортиб ўтирмасдилар. Унинг бировга алданадиган, «кўнглини сувга берадиганлар» хилидан эмаслигига, бирон нарса бўлса, ўзи келиб: «Фалончини яхши кўриб қолдим... нима дейсизлар?» — деб сўрашига амин эдилар.

Райҳон хоним йигирмага киргунча шундай эркин, ҳур ўсди. У ота-онасининг умидларини пучга чиқармади. Улар орзу қилган қиз бўлиб улғайди. Фақат бир мартагина ўз айтганини қилди...

Икки хуржунининг кўзларини майда-чуйдалар билан лиқ тўлдирган, отнинг белига ташлаб, қишлоқма-қишлоқ кезадиган савдогар чорбозорчи йигит кейинги икки-уч йил ичида нуқул йўлини хоҳ тоғда, хоҳ аранда бўлсин, айрумлар ичидан соладиган бўлиб қолди. Унинг бу келиши деҳқонларни, кўчманчиларни жуда хурсанд қиларди. Чунки чорбозорчида игна-ипдан тортиб, ранг-баранг матоларгача, қанд, чой, гугуртга қадар қишлоқ одамига энг зарур бўлган нарсалар топиладди. Чорбозорчи келган заҳоти иштончанг болалар, бузма кўйлак кийган кекса хотинлар, тиззасига ямоқ тушган оппоқ соқолли чоллар ва гулли кўйлак кийган келинлар уни ўртага олишар, бошида тўпланишиб, чит, қанд, гугурт харид қилишарди. Биринчи йил айрумлар чорбозорчи нарса харид қилгани келган қиз-келинлар орасида тоғ чечаги каби ҳаммадан ажралиб турган Райҳонга бошқачароқ муомала қилишини, бошқаларни қўйиб, олдин у истаган нарсаларни топиб беришини сезиб қолдилар. Бошқаларга йўқ деб

қайтарган нарсани Райҳон сўраб қолса, дарҳол қўлини хуржуннинг тагига солар, аллақаерлардан у истган нарсани топиб, қўлига тутқизарди.

— Марҳамат, хоним...

У замонлар, хусусан, қанд, чой ва гугурт нисбатан оз топиларди. Чорбозорчи йигит отга мол ортганида ҳам халқнинг бу нарсаларга бўлган эҳтиёжини қондиrolмасди. Бунинг устига, бундай майда-чуйда моллардан тушадиган фойда жуда кам бўлар, шунинг учун у кўпроқ газлама билан савдо қиларди.

— Гугурт борми?

— Йўқ.

— Қанд борми?

— Йўқ.

Ким сўрамасин, чорбозорчи шундай деб жавоб берарди. Лекин ёноқлари тоғ бағридаги лоладай ол, кўзлари чаросдай товланган, жозибадор Райҳон унинг олдига келганида, йўқ деган сўз бўлмасди. Райҳон бўлса бошқа қиз-келиндарга имо қилиб кулар ва чорбозорчига ноз билан буйруқ қила бошларди:

— Гугурт беринг!

— Бош устига, хоним.

— Қанд беринг!

— Жоним билан, хоним.

Чорбозорчи хуржун пучмоқларидан Райҳон истган нарсани топиб берарди. Бутун эл-юрт унинг Райҳонга ошиқи беқарор бўлиб қолгани, Райҳоннинг ҳам унга лоқайд эмаслиги ҳақида гапирар эди. Бу хабарлар Райҳоннинг ота-онасининг қулогига ҳам келиб етди.

— Эр, нима қилдик энди? — бир куни кечқурун эридан сўради хотини.

— Нимани?

— Худди билмагандай сўрайсиз-а? Райҳонни айт-япман...

— Нима қилайлик, бир қиз бир йигитнинг хасми. Ёқтирса, бошлари қовушар.

Хотин бир сўз демасдан нари кетди. Нима ҳам дерди? Эри ўз сўзидан қайтмас, Райҳоннинг раъйига қарши бормасди. Хотин ҳатто чорбозорчиларнинг ҳаётини унча хушламаслигини, уларнинг ҳаётлари хатарга тўлиқ эканини, қанчадан-қанча чорбозорчилар пастқам ерларда қароқчилар томонидан ўлдирилиб,

талонга учраганини хаёлидан кечирди, лекин эрига индамади.

Учинчи йили чорбозорчи йигит билан Райҳон бир чеккага чиқиб, анча гаплашиб қолдилар. Четроқда туриб, уларга кўзи тушганлар Райҳон умрида биринчи маротаба хаёлга толиб, ўйчан бўлиб қолганини, оҳиста ва жиддий сўзлаётганини кўрдилар. У йигитга қандайдир саволлар берар, гўё уни имтиҳон қилаётганга ўхшарди. Узоқ давом этган мана шу суҳбатдан кейин Райҳон йигитни уйларига олиб келди. Отаси жуда севинди, қизим биз тилагандай иш қилибди, биздан ижозат олгани келибди, деб ўйлади. Лекин Райҳон оғзини очиб гапира бошлаганида ота биринчи марта хато ўйлаганини сизди. Райҳон ижозат сўрагани эмас, ўз қарорини билдиргани келганди.

— Ота, мен кетаман...

Ота онага қаради, она — отага. Онанинг кўзларида таажжуб ва ҳайратдан ташқари, отага қарши норозилик ҳам акс этарди. «Ана, энди экканингизни ўраверинг, қизни ўзбошимча қилиб ўз ҳолига ташлаб қўйганинг аҳволи шу бўлади». Ота эса бир қизга, бир йигитга қаради. Келиб қизининг юзидан, йигитнинг қўлидан ўпди. Йигит тез унинг қўлларини бағрига, лабларига босди.

— Майли, бор, оллоҳ йўлингни берсин, қизим! Бахтли бўлинглар!

Одатига кўра она эрининг розилигини ўз розилиги каби билди. Йигит қиздан баландроқ, қадди-басти келишган эди. Юз-кўзларидан тўғрилиқ, садоқат, муҳаббат ёғиларди.

— Найлайин, қисмат шу экан, боришсин, бахтли бўлишсин! — хотин ҳам худди эри каби аввал қизини, сўнг куёвини ўпиб қўйди.

— Сизга айтиб қўяй, — деди она куёвга қараб, — билиб қўйганингиз тузук. Бу қизни отаси эрка қилиб ўстирган, у умрида ҳеч кимдан сўкиш, қаттиқ сўз эшитмаган, отаси ҳам унга «кўзингнинг устида қошинг борми?» демаган. Ҳамроҳ бўлсангиз, нозини кўтарарсиз, ана қиз, олиб кетаверинг, йўқ, агар хотин олмоқчи бўлсангиз, яхшиси, бошқасини ахтарганингиз маъқул.

— Хотиржам бўлинг, она, мен қизингизга сиздан ҳам яхшироқ қарайман, — деди куёв.

— Ота-онангизнинг ҳам хабари йўқдир ҳали...

— Она, Идриснинг ҳеч кими йўқ!— онасининг сўзини бўлди Райҳон.

— Ундай бўлса, битта гапим бор, ўзига айтай бўлмаса...

— Қулоғим сизда, онажон,— одоб билан бошини эгди Идрис.

Она юрагидан кечган, лекин эрига ҳам айтмаган ўша иштибосини ҳозир Идриснинг ўзига айтди:

— Қўлингиздан келса, бу касбингизни қўйинг, ўзингизга бошқа бир касб танланг.

Йигит ҳайрон бўлди:

— Нима, чорбозорчилик ёмон ҳунарми? Қаранг, жамоатга қанчалар фойдам тегяпти. Худо ҳаққи, мен олиб келган гугурт ёки чироқ шишасидан қоронғи уйи ёришган одамларни кўрганимда, худди дунё топгандай қувонаман...

— Бу гапингиз тўғри,— рози бўлди она,— фақат қўрқинчли томонлари ҳам йўқ эмас. Шундай паст, қўли эгри одамлар борки, улар беш аршин чит учун қўлларини инсон қонига бўяшдан тойишмайди...

— Хотиржам бўлинг, она!— Идрис заррача шубҳага йўл бермаган бир ишонч билан гапирди.— Менга қўл кўтармайди ҳеч ким. Бу одамларга шунчалар яхшилигим текканки... Нима деса, ўшани топиб келганман. Пуллари бўлмаса, насияга бериб кетганман.

— Ҳар ҳолда, қўлингиздан келса, бошқа бир ҳунар топинг... Қизимнинг кўзлари йўлларга тикилиб толмасин...

Учови ҳам индамай қолишди. Бир оздан сўнг ота уларни йўлга кузатаркан, Идрисга деди:

— Сендан битта тилагим бор: дарҳол мулланинг олдига борасизлар ва...

Ота қоғозга ёзилмаган, ёзиб бўлмайдиган бир сўз деди. Маъноси шундай ёдики, никоҳини ўқитмагунча қизимга қўл урсанг... Тагин дағал бир сўз деди.

Райҳон отасининг бўйнига осилди, у юзидан, бу юзидан ўпди:

— Дада, соқолингиз ўсиб кетибди...

— Ойинг шикоят қилмайди!— деди ота ва қизини онасининг бағрига томон аста итарди. Қиз онасини туз ялагандай ялаб, сўнг айрилди, йигит билан йўлга

тушди. Қуёш ботганда биринчи етиб борган ерларида муллани топиб, никоҳ ўқитдилар.

Уша вақтдан бери неча йиллар ўтди, ҳеч ким Райҳон билан Идрис ўртасида ади-бади бўлганини эшитган ҳам, кўрган ҳам эмас.

— Сиз ҳам Сакинани жуда эркалиб юборибсиз, худди менинг дадамга ўхшаб!— деб қаҳ-қаҳ уриб кулди Райҳон хоним.— Майли, айби йўқ. Жуда яхши қиласиз. У оғир сўз эшитадиган қиз эмас...

— Омон бўлинг, Райҳон хоним! Сиз гапирсангиз кўнглим тоғдай ўсади,— Вафодор унга ташаккур айтиб тураркан, эшик очилиб, уй ичидан олти яшар, худди қўғирчоқдай бир қизча ҳовлига чиқди. Вафодорни кўриб, аввал бир оз ҳайиқиб турди, сўнг чопиб олдига келди. Вафодор унинг қўлларида тутиб ҳавога отди, кейин қучоғига босиб, юзидан ўпди.— Қалай, Гулёноқ, яхши юрибсанми?

Қизча андак ўзини орқага ташлаб ва худди онасининг кўзларига ўхшаш чарос кўзларини Вафодорга тикиб, боши билан тасдиқ ишорасини қилди. Ҳар нарсани очиқ гапиришга, ҳисларини очиқ ифода қилишга ўрганган Райҳон деди:

— Туш ерга, амакингни хафа қилма. Вой, анавини, маза жойни топиб олганини қаранг. Кириг, Вафодор, ичкарига кириг... Бу Идрис нега чиқмайди? Идрис, ҳой Идрис?

Хотинининг овозидан ташқарига чиққан Идрис Вафодорни кўриб, севинчдан бағрини кенг очганча уни қучоғига олди:

— Сени жуда кўргим келиб турган эди, Хизрни йўқласам бўларкан. Жуда соғинтириб қўйдинг-ку, дўстим! Марҳабо, жоним поёндоз бўлсин! Райҳон, бўзартмадан олдин Вафодорга чой бер. Асал ҳам бўлсин. Ҳой қиз, ерга тушсанг-чи!— деб Гулёноққа қаради.

Қизча Вафодорнинг бўйнидан икки қўллаб ачомлаб олди. Тушмайман, деди. Ота-она бир-бирларига қараб бошларини чайқашди. Вафодор эса қизчани бағрига маҳкам босиб:

— Ахир, бу менинг кичкина дўстим бўлади,— деди.— Хафа қилманглар уни.

Ичкарига кирдилар. Гангир-гунгур суҳбат бошланди. Бир-икки оғиз у ёқ-бу ёқдан сўзлашганларидан

кейин, Райҳон хоним тез ўрнидан туриб дастурхон ёзди, катта бир идишда буги чиқиб турган чўпонбўзартма билан нон олиб келди. Идишларга солиб, уларнинг олдига қўйди-да, Вафодорнинг тиззасида ўтирган Гулёноқни қўлига олди.

— Олинг, Вафодор.

— Бундай овқат бўлишини билганимда уйдан ҳеч нарса емай чиқардим. Лекин, барибир Райҳон хонимнинг чўпонбўзартмасидан емай иложим йўқ. Бир-икки луқма оламиз...

— Олинг, ош бўлсин!— Райҳон хоним нарига ўтиб, ўзи билан Гулёноққа ёзган кичкина дастурхон олдига ўтирди, болага ҳам, ўзига ҳам овқат сузди.

Таом устида ҳам суҳбат тўхтамади. Вафодор Ҳурининг бошига булутдай ёғилиб келаётган хавф-хатарлар ҳақида сўзлаб берди. Райҳон хоним ўзига жуда ярашган ўша очиклик билан деди:

— Вафодор, жигарим, уни танлаганингиздан жуда хурсандман. Муҳаммад Ризобек каби одамдан кейин у Сафиқулига ўхшаганларга хотин бўлса жуда увол бўларди. Худо ҳаққи, агар шундай бўлиб қолсам, марҳумнинг суякларигача қабрда сирқираб кетади...

— Пайсалга солиб юраверсак, ютқизиб қўямиз. Зудлик билан бир тадбир кўрмасак бўлмайди.

— Биздан нима лозим бўлса, айт, жонимиз билан қиламиз,— деди Идрис.

Вафодор Тифлисга бориб, у ерда поручик Иванов билан кўришиш кераклигини айтганди, Идрис бажонидил рози бўлди:

— Кечқурун йўлга чиқаман. Эртага пешинда етиб бораман.

— Унгача Райҳон хоним Ҳури хоним билан кўришсалар яхши бўларди. Эшитишимга қараганда, Ҳурининг қўлида жонишинликнинг бир қоғози бор экан. Ушани ҳам олиб борсанг, жуда яхши бўлади. Мабодо иш юришмай, керакли одамларни тополмай қолсанг, бир амаллаб Мирза Фатали Охунзодани топасан. Айтишларига қараганда, русларнинг ичида жуда танишлари кўп эмиш...

— Ташвиш чекаверма. Айтган одамларингни қандай бўлмасин топаман. Тифлисида менинг ҳам аллақанча танишларим бор. Биттаси ўша, сенинг олдинга келиб кетган Али Мирза киши. Уни тополмасам,

савдогар Али... Ҳаммасини танийман, салом-алигимиз бор, ишимиз тушиб туради бир-биримизга. Уларни ўртага солиб, жонишинликдан битта елкасига погон, милтиқ осганини олиб, орқага қайтаман. Ана уни кўргандан кейин Илёсбек уруғининг нафаси ичига тушиб кетади.

Райҳон хоним идиш-товоқларни йиғиштириб олди, шақиллаб қайнаб турган кичкина сариқ самоварни ўртага келтириб қўйди. Самовар тепасида гулли чойнак буғ таратарди. Райҳон налбакий стаканларни эрининг олдига суриб, деди:

— Энди сизлар чой ичиб ўтиринглар, мен ров Ҳури хонимнинг олдига бориб келаман.

— Ойи, мен ҳам бораман!— Гулёноқ оёққа қалқиб, онасининг этагидан тутди.— Соҳиб билан ўйнайман.

— Амакиси, бу Соҳиб билан жуда ўртоқ бўлиб қолишган!— деб Райҳон хоним табассум билан Вафодорга қаради.— Ўзи ҳам, бола эмас, мошаллоҳ, мисли атиргул. Қани, юра қол, қизим...

### 3

Маълум маликонада яна сирли бир вазият ҳоким эди. Кўзларда ҳамон ғалати, совуқ ифодалар ўйнар, қошлар чимирилган эди. Зимдан боқишлар Ҳури хонимни таъқиб қилгани-қилган эди. Сафиқулибек шу кунларда бу хонадонга жуда серқатнов бўлиб қолган, кунда бир неча маротаба келиб-кетарди. Уй ичида ўтирган пайтларида ҳам Ҳури хоним унинг ўтли қарашларини ҳис қилгандай бўларди. У пастда Жаҳон хонимнинг олдидан соатлаб ўтирар, зерикканида ташқарига чиқиб, Салим оға билан биргаликда ҳовлини айланиб юарди. Улар нималарнидир пичирлашиб гаплашишар, баъзан ҳовлини бошларига кўтариб қаҳқаҳ отиб кулардилар. Шуларнинг ҳаммаси улар нимагадир ҳозирлик кўраётганларини билдирарди. Лекин нимани ўйлаб, нима қилмоқчи бўлаётганлари маълум эмасди. Бу Ҳури хонимни қаттиқ ўйлатар, андишалар дарёсига гарқ қилиб ташлаган эди. Мавҳум вазият уни қийнагани-қийнаган, кейинги пайтларда томоғидан овқат ўтмайдиган бўлиб қолган эди.

Лекин бир тасодиф билан у анча нарсаларни билиб олди.

Наҳорликдан сўнг, Ҳури одатига кўра дарча олдида ўтириб тўр тикар, кичкина Соҳибга ўқишни ўргатар, унга қўшиқлар айтиб берар, ундан-бундан гапириб ўтирарди. Шу пайт эшик тақиллаб қолди. Соҳиб ўрнидан туриб, эшик олдига бориб сўради: «Ким?» Ким экан бу келган? Э, Офарида хоним-ку! Ҳа, кўпдан бери сас-садоси эшитилмаган, уйдан чиқмай, оқсоч қизларнинг гийбатларига қулоқ солиб ётган, жуда зерикиб кетса, бозору дўконларни айланиб қайтадиган, тўйларда, таъзияларда сира қолмай иштирок этадиган, яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам ишига яраган, ҳамманинг кўнглини олиб ўрганган Офарида хоним! Қайси шамол учирди? Нечук худо ярлақади? Ҳури ҳар хаёлга борди: «Жаҳон хоним юборганга ўхшайди. Яна ўша гапни очади, яна мени кўндирмоқчи бўлади. Укаси Сафиқулибекни мақтайдиган одамни топганини қаранг!»

Офарида хоним одатдагидай чехраси табассумдан очилиб, мулойим рафтор билан Ҳурига яқинлашди. Уни қучоқлаб ўпди:

— Сенга қойилман-да, уйдан чиқмай ўтириб, юрагинг ёрилиб кетмаганига ҳайронман. Мундоқ ёруг жаҳонга чиқсанг-чи... Одамнинг тафтини одам олади. Менинг юрагим ёмон бўлиб қолди. Толиқдим. Сени соғиндим. Бирпас сен билан гаплашиб ўтиргим келди. Йўқ, мошаллоҳ, жуда яхшисан. Бир чиройингга ўн чирой қўшилибди. Ўзингга яхши қарайсан. Худо ҳаққи, ажаб қиласан. У ярамас назари пастни шундай куйдириб ўлдириш керак...

Офарида Ҳурининг ёнига ўтирди. Соҳибнинг бошини силаб, юзидан ўпди.

— Қуйиб қўйгандай отасига ўхшайди-я... Анави тилингга куйдирги чиққур уялмасдан ҳар хил гапларни гапираверади...

Офарида хоним ҳар сафар анави деганда Жаҳон хонимнинг уйи томонга қўли билан ишғра қиларди. Олдин Ҳури хоним унинг сўзларига шубҳаланиб қулоқ солиб ўтирди. Балки Офарида хонимни ўргатиб юборишгандир, мендан гап олишмоқчидир, деган хаёлга борди. Лекин Офарида юрагини ёриб, Жаҳон хонимдан шикоят қила бошлаганидан кейин бундай

эмаслигига, унинг ҳамма гаплари самимий эканлигига ишонди. Офариданинг шикоят қилишга ҳаққи бор эди. Илгарилари унинг туриш-турмуши билан, қуллуқчи, оқсоч, хизматкорлари билан, уларнинг еб-ичиши, маишати билан иши бўлмаган Жаҳон хоним, кейинги ойлар ичида маишатини бир оз тортиб қўйган, зиқналик йўлига ўтиб олган эди. Сўз шунга келганида Офарида хоним ўзини тутолмай йиғлаб юборди.

— Худди менинг ҳеч кимим йўқдай, ёнимни оладиган одам топилмайдигандай, ризқимни қийишга ҳаракат қилгани қилган, қуриб кеткур. Уялмасдан битта ўғрини, битта хизматкорни келтириб, бошига чиқариб қўйди, энди ҳамма нарсаса эга чиқмоқчи бўлиб юрибди. Сени ҳам, мени ҳам бир амаллаб бу хонадондан қувиб чиқаришса, ҳамма нарсадан маҳрум қилишса. Виламан, ҳаммасини ўша югурдак қилипти...— Офарида хоним кутилмаганда кўз ёшларини артди-да, кулимсиради:

— Икки ой олдин, кечаси келибди де, қарасам, эшикни тиқирлатади. Очмадим. Ўлсин, очмайман. Ит бўлса ёнимга киритаманки, уни киритмайман. Анави ифлоснинг қўйнидан чиқиб келаётгани эсимга тушса, кўнглим ағдарилади. Қўсгим келади. Малай ўлгур зигирча уялмайди. Ҳеч қўл тортай демайди. Олдинлари ҳам ҳеч қўймасди. Энди ундан тўйиб, яна бу ёққа оғапти шекилли. Худо уриб қўйган уни! Анави ярамас биздан қизғанади. Сенга ҳам, менга ҳам рашк қилади. Олло таоло сенга жиндек жамол ато қилмаган бўлса биз нима қилайлик!

Офариданинг ҳамма гапларини Ҳури индамай ўтириб эшитарди. Орага бир огиз ҳам гап қўшмасди. Офарида ҳам, Ҳури ҳам буни табиий деб билардилар. Офаридани худо сўзга бичганди, Ҳурини қулоқ солиншга, ниҳоят, Офарида мақсадга кўчди:

— Ҳой, қиз, эҳтиёт бўл! Сенга тузоқ қуриб қўйибди. Анави сандиқчага алданиб ўтирма тагин. Ўша Эрон шоҳининг номидан сенга юборилган дейилаётган сандиқчани айтяпман. Буларнинг ҳаммаси атай уюштирилган, шоҳнинг ҳам, бошқасининг ҳам бунга алоқаси йўқ. Анави қари бўри бор-ку, ҳа, ўша буларнинг ҳаммасини йўлга солган. Илёсбекни айтяпман, ҳамма ҳийла-найранг ўшандан чиқади. Сени руслар-

нинг кўзига ёмон қилиб кўрсатишмоқчи, кейин билмайман нима қилишмоқчи. Фақат ҳушёр бўл...

Офарида ўрнидан тураркан, кўзи девордаги гиламга тушди, диққат солиб қаради, ҳаёлига нимадир келгандай бўлди.

— Уша қоғозни сақлаб қўйганмисан? Анави Тифлисдаги рус девонхонасидан берилган қоғозни айтаман? Яхши қилган экансан, қанийди улар келиб буларнинг бир адабини бериб қўйса...

Офарида қанча гапирмасин, Ҳури ҳеч нарса деб жавоб бермади. У Офариданинг оғзида гап ётмайдиган хотин эканлигини яхши биларди. Агар бир соатдан кейин Жаҳон ҳоним унга ширин гапирса, дарров ҳамма эшитган гапларини оқизмай-томизмай, қўшиб-чатиб унга етказиши турган гап эди. Офарида юрагини бўшатиб олганидан мамнун бўлиб, Ҳури билан Соҳибни ўпиб қўйиб ташқарига чиққан эди, айвонда Райҳон хонимга дуч келди.

— Хуш келибсиз, Райҳон хоним. Ҳамиша шундай келиб туринг. Ойда-йилда бизни ҳам йўқлаб қўйинг. Нима бўлганда ҳам сиз раҳматликнинг қариндоши бўласиз...

Райҳон унга алланима деб жавоб берди. У Райҳонга яқин келиб, оғзини қулоғига олиб бориб пичирлади, кулди. Ҳури хоним уларнинг нимани гаплашаётганларини ажрата олмади. У ҳаёлга толганди. Офарида ярим соат ичида шунча кўп нарсани гапириб ташлаган эдики, энди буларни бир бошдан ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўриш, калаванинг учини топиб олиш керак эди. Ҳурини бир нарса жуда ҳайратга соларди. Ташқаридан қараганда жуда тинч, сокит кўринган, қўй, қўзи, мол-ҳайвон дардидан ўзга иш-ҳуши бўлмаган бу хонадонда қанча ишлар рўй бермоқда эди! Бу хонадон гўё юзаси тинчгина оқаётган, лекин тубида ўпқонлар қайнаётган, ваҳший махлуқлар, тимсоқлар кезиб юрган дарёга ўхшаб кетарди. Ҳури буларнинг ҳаммаси ўзини жонидан тўйдираётганини, қаттиқ ҳоритиб қўяётганини сезарди. Буларни ўйлагиси келмас, ўйлаганда мияси лўқиллаб оғрий бошлар, чакка томирлари бўртиб чиқар, кўз ўнги қоронғилашиб кетарди. Ўйламаса яна бўлмасди. Ўйласа, иш тобора чигаллашиб бораётганини кўриб, юрагига оғир бир ғусса чўкарди, кўкрагини ўй тош каби босиб ётарди.

Офарида хоним олиб келган хабарлар номаълум ва туманли вазиятга бир оз ойдинлик киритган бўлса ҳам, лекин Ҳурининг аҳволини енгиллаштирмаган, аксинча, огирлаштирганди. У ўзини қайнарнинг огзига тушиб қолгандай сеза бошлади. Қайнар огзидаги одамда сўзлашга мажол қолармиди, боя у Офарида-нинг олдида огиз очмаганлигининг сабаби ҳам бир жиҳатдан шунда эди. Айвонда Райҳон хонимнинг товушини эшитиб, яна тинчини йўқотди. «Бу энди нима хабар олиб келдийкин?» Лекин сал ўтмай унинг келганига суюнди. Эри соғ-саломат юрган маҳалда у Райҳонни танимасди. Борди-келди қилмасдилар. Бир пайт раҳматлик ўзининг узоқ бир қариндошлари борлигини айтган, ғалати бир воқеани ҳикоя қилиб берганди. Райҳоннинг феъли-атвори, қандай қилиб эрга теккани ҳақида гапириб бериб: «Мана шундай қизлар ҳам бўлади!»— деб мақтаниб қўйганди. Ҳури эри ўшанда буларни гурурланиб гапириб берганини эслар, лекин ўз бахтидан ўзи маст бўлиб, унинг гапларини қулоқ учида эшитган, унчалар эътибор бермаган, ҳатто ўша қизнинг отини ҳам унутганди. У пайтлар Райҳонлар Ганжада туришарди. Муҳаммад Ризобек ҳалок бўлганидан неча йил кейин улар бу ерга келиб ўрнашган, қўшни бўлиб қолган эдилар. Ўшанда ҳам Райҳоннинг ўзи келиб, Ҳури хоним билан танишиб кетди. Ҳар томондан жуда ҳушёр бўлган айрум қизи бир-икки келиб, кундошлар ўртасидаги очиқ адоват, мерос жанжалини, мерос атрофида бўлиб турган майда-чуйда гапларни эшитди-ю, сўнг бу хонадонга қадам босмай кетди. Лекин кейинги ойлар ичи у бу хонадонга яна кела бошлаган, янгидан яқинлаша бошлаганди. Ҳури у билан ёлғиз қолганларида Райҳоннинг ўзига қанчалар меҳрибон ва самимий эканлигини ҳис қиларди. У одамнинг жони бўлиб кетарди. Лекин одамларнинг олдида ўзини совуқ тутар, қуруқ муомала қиларди. Хусусан, Жаҳон хоним ва унга яқин оқсоч қизлар олдида гўё Ҳури хонимни писанд қилмаётгандай бўлиб кўринарди. Вафодор билан кўришганидан кейин Ҳури бунинг сирини тушунди. Райҳоннинг садоқатли эканига ишонди. Ўшандан бери Соҳиб билан Гулёноқ бирга ўйнашар, гоҳ Райҳонларникида, гоҳ бу ерда бирга бўлардилар.

Миясини бир-биридан огир фикрлар кемирган, хаё-

лини йиғиштириб ололмай турган бир дақиқада Ҳури Райҳоннинг келганидан шошиб қолди, лекин сал ўтмай Райҳон кўзига худди осмондан тушган халоскордай бўлиб кўринди. Тез ўрнидан туриб, уни эшикда кутиб олди.

— Райҳон жоним, жуда ҳам вақтида келдингиз! — Унинг хўрлиги келди, лекин ўзини босди. Кичкина Гулёноқни қучоқлаб ўпди. — А-а, сен ҳам келдингми, ўзим ўргилай сендан! Кир, кир, уйга, Соҳиб билан ўй-нанглар.

Соҳиб келиб қизчанинг қўлидан тутди.

— Юр, юр, сенга бир нарса кўрсатаман! — Соҳиб қизчани нарига олиб кетди. Тўшакча устида хуриллаб ухлаётган мушук боласини олиб унга берди. — Ол, қара, жудаям чиройли. Қўрқма, тирнамайди!..

Икки она бир четда туришиб меҳр тўла кўзлар билан болаларини кузатишарди.

— Ол, қўрқма, — Райҳон мушукка қизиқиш ичида қараб турган, лекин қўлига олишга қўрқаётган қизига далда берди.

Соҳиб мушукни унинг қўлига тутқазиб, деди:

— Энди ке, овқат берамиз.

Ҳури хоним мушукни унча ёқтирмасди. Лекин боланинг доим ёлғиз бўлишини, мушукка жуда ҳам қизиқиб қолганини кўриб, уйларига келиб қолган мушукни қувиб юбормаган эди. Мушук уйларига катта қувонч олиб келгандай бўлди. Соҳиб гўё ўзига дўст топиб олгандай бўлган, бир маромда кечаётган ҳаётида кичкина бўлса ҳам, ўзгариш рўй берган эди.

Болалар мушук билан овора бўлиб кетишди. Ҳури хоним тахта устида Райҳон билан ёнма-ён ўтириб, эшитган барча янги гапларини бир бошдан унга айтиб берди. Унинг қанчалар ҳаяжонлангани ва ташвишга тушгани бутун гапларидан билиниб турарди.

— Қандай сандиқча, нима ҳадя, билмайман. Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Нега булар мени ўз ҳолимга қўйишмайди, сира тушунмайман.

Райҳон хоним юраги ачишиб, унга қулоқ солди. Ҳурининг бунчалар чиройли эканлигига, юрагининг тозаллигига, соддалигига ҳайрон қолди. Ниҳоят, очиқ юз билан деди:

— Сени тинч қўйишмайди. Вой, Ҳури хоним-ей! Мен хотин бошим билан сенга қараб тўймайман, суқим

келади. Бунақа чиройли хотинни ким тинч қўйгиси келади? Менинг гапимга кирсанг, кел, Вафодорга майли де, унга турмушга чиқ. У сени кафтида кўтариб юради!

Ҳури дарров жавоб бермади. Оқарди, қизарди, ранги ўчди, ранг олди, кўзларига ёш қалқди, қўш ёстиқни кўрсатди:

— Ҳар кеча назаримда Муҳаммад Ризобек ёнимда ётганга ўхшайди... Қандай қилиб бошқа одамга турмушга чиқаман?

— Худо хайрингни берсин, Ҳури, ундай дема, бу гапинг худога ҳам хуш келмайди. У ўлди-кетди, суяклари ҳам чириди. Энди сен ўзингни тириклай чиритиб юбормагин. Менимча, қудратдан яралган бу гўзалликни чиритиб юбориш гуноҳ... Вафодордай йигит сенга жуда лойиқ. Ўзингга маҳрам бўлади, болангга ота. Гап-сўзлар ҳам барҳам ейди, кўз олайтириб юрганларнинг ҳам дами кесилади. Сенга шуни маслаҳат бераман. Нега сен йигит бечорани бунча қийнайсан? Ўзинг ҳам, гулдай боланг ҳам, юз йигитдан ортиқроқ у киши ҳам қийналиб юрибсизлар. Сафиқулибек деган йиртқич ҳам кўз тиккан бу ёқда... Сенинг бир огиз сўзинг, ҳа десанг, бутун мушкулликлар ечилади, тилсимлару тузоқлари ҳаммаси йўқ бўлиб кетади, вассалом!

Ҳури кўзларини дарча оша узоқларга тиккан эди. Уфқлар юзида ола-була булутлар таралиб ётарди. Энди Райҳоннинг овози унга узоқлардан эшитила бошлади. Сўзларнинг оҳанги ҳам энди ўзгарганди. Гўё у Ҳурининг қулоқларига ҳазин ва гаройиб бир эртак айтаётганга ўхшарди. Бу эртак жуда гаройиб ва ғарқ-йиб бўлганлиги учун ҳам уни тушуниш қийин эди. Гўё у афсонавий, фусункор бир қўшиққа айланиб, тобора йироқлашар, йироқлашарди... Ҳурини ҳам чорлаб, ўзига эргаштириб кетар, ўша олис уфқларга томон элтарди. Илгарилаб боргани сайин Ҳурининг кўз ўнгида ҳаётнинг янги йўллари, янги уфқлари очиларди. Яна юракда совуқ бир ваҳима ҳам қалқиб қоларди: уфқларнинг нариги ёғида нималар борикин, бизни нималар кутаётганикин?

Райҳон Ҳури хонимнинг ранги тиниқ тортганлигини кўриб, сўзларим унга таъсир қилди шекилли, гапимга ишонганга ўхшайди, деб ўйлади.

— Тур, Тифлисидаги рус девонхонасининг қогози бор экан сенда, ўшанга икки оғиз ўз аҳволингни ёзиб бер. Идрис бугун йўлга тушади. Вафодор билан шундай келишишди. Бу пасткашларнинг ўзини тузоққа тушириш керак...

— Қандай тузоқ? Қайси пасткашлар?— деб сўради ҳамон рўёдан қутулмаган Ҳури хоним.

— Сен қогозни менга ёзиб бер, вақт бўлиб қолди, эрим йўлга тушадиган. Қолган гапларни Вафодорнинг ўзи билан гаплашиб оласизлар. Мен яхши билмайман.

Ҳури секин-секин ҳуши ўзида бўлмаган одамдай ўрнидан турди. Бориб, сандиқ ичидан бўғча олди, очиб, у ердан бизга маълум бўлган қогозни олди. Олдига қаламдонни қўйди.

— Нима деб ёзаман?..

— Нима деб ёзардинг? Мен фалон каснинг хотини бўламан, у одам сизларнинг офицерингиз бўлган эди. Бошимга бир иш тушиб қолди, сизларнинг ёрдамингизга муҳтожман. Бир одам юборинглар, келиб бу ердаги ишларни ажрим қилиб кетсин, дейсан, вассалом. Бошқа нима деб ҳам ёзардинг...

Ҳури хоним Райҳон айтган гапларнинг у ер-бу ерларини тузатиб қогозга туширди, қўл қўйди, устидан мисоли тоғ ағдарилгандай, қогозни зўр бир ишонч билан Райҳонга тутқизди.

## ЕТТИНЧИ ФАСЛ

### 1

У ер-бу ерларда тут оғочлари ва ёш дарахтлар қад кўтарган тор кўчадан иккита хотин шошилмай юриб борарди. Бирининг бошига оқ, иккинчисиникига эса сўк йўл-йўл чодра ташланган эди. Чодралар тез-тез сурилиб орқаларига тушиб кетаверар, хотинларнинг унга ўрганмагани, тузатиб бошларига тортаверишдан анча ҳориганлари кўриниб турарди. Улар кўчанинг кимсасиз эканлигини кўриб, энди елкаларига сирғалиб тушган чодраларини тузатмай ҳам кета бошлашди. Ҳора жингалак сочларини чўлнинг шамоли сий-

палаб ўтар, кўнгилларига аллақандай майинлик олиб кирар, роҳат бағишларди. Шу билан бирга диққат билан олдинга қараб илгарилардилар. Киши шарпаси кўринган заҳоти чодраларини бошларига тортиб ёпишга, юзларини яширишга ҳар дамда омода бўлиб турардилар.

— Кўчманчи айрумлар ҳаётининг шуниси яхшики, бу қуриб кеткурдан озодсан,— хотинлардан бири орқасига сурилиб тушган чодрасини тузатди.— Ҳеч чиқишолмайман шу билан. Қўлларим толиб кетади-е, бундай букиб юришга ўрганмаганман, савил... Сен-чи?

— Мен ҳам худди сизга ўхшаганман!— деб жавоб берди нариги хотин,— раҳматлик сира юзимни бекиттирмасди. Бунинг устига, ойда-йилда бир кўчага чиқаманми, йўқми, чодра ёпинсам. Ҳаммаси эсимдан чиқиб кетибди.

Муҳтарам ўқувчи бу хотинларни таниб олган бўлса керак. Ҳури хоним билан Райҳон ўша куни ҳаммомга бориш баҳонасида тугунларини қўлтиқлаб олиб кўчага чиқдилар. Улар шу баҳонада Вафодор билан кўришмоқчи эдилар. Чунки пешин пайтида Ҳури билан Вафодор учраша олмадилар. Кутилмаганда савдогар Али Тифлистан келиб, Жаҳон хонимникига тушди. Сўнг олдига Идрисни чақиртирди. Тожир Алининг келиши муносабати билан бутун уйдагилар югур-югурга тушиб, ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолдилар. Ким қўй сўйган, ким ўчоққа қараган. Ҳатто уйдан жуда камдан-кам қоллардагина чиқадиغان Илёсбек ҳам тожирни зиёрат қилишга келди... Ҳозир улар ҳаммалари катта уйда тўкин-сочин дастурхон бошида ўтирибдилар. Тожир Али Тифлис, Петербург, Лондон сингари шаҳарлардаги аҳволдан, давлат ва тижорат ишлари юзасидан билган-эшитган гапларини уларга ҳикоя қилиб бермоқда эди. У келтирган янги хабарлардан бири ҳаммани ҳайратга солиб қўйди. У Петрограддан Тифлисга, Тифлисдан Бокуга телеграф орқали хабар бериш йўлга қўйилганлигини айтиб берди. Энди чопарларга эҳтиёж қолмабди. Тифлисда бир гап ёзиб берсанг, эртасига кечқурун истаган одамнингга бориб етаркан... Буни эшитганлар ҳайрон қолдилар, тоза тортишиб, ўзларича мулоҳаза қилиб кўрдилар ва алоҳа шундай бир қарорга келдилар: «Буларнинг бари шайтоннинг иши. Мусулмонларга жоиз эмас. Бу

нарсани тижорат ва зироат каби ҳалол ишларни, намоз-ибодатни бир чеккага йигиштириб қўйиб, ўз вақтларини шайтон амалларига сарф қилган кофирлар кашф этганлар. Майли, биз ҳам у нарсалардан истифода этайлик, лекин уволи уларнинг бўйниларига, вассалом!» Уйда нима ҳақида гап юритсалар, дарҳол кўчага маълум бўларди. Остонада турган ва уй ичидагиларга хизмат қилаётган хизматкор уйдан эшитган гапларини чиқиб ўчоқ бошидагиларга айтар, у ердан кўчага ёйиларди. Ҳовлида, Жаҳон хонимнинг уйида ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб ётганини кўриб, Райҳон хоним боласи билан тепага, Ҳури хонимнинг олдида чиқди. Бирпас у ерда ўтирдилар, сўнг уйдан ҳаммалари биргаликда чиқиб, Райҳон хонимникига йўл олдилар, у ердан ҳаммом баҳонасида Вафодорнинг уйига қараб жўнадилар. Соҳиб билан Гулёноқ бир-бирининг қўлидан ушлашиб олганча бир оз олдинроқда ширин-ширин гаплашиб борардилар. Оналар уларнинг орқасидан илгарилардилар.

— Бу савдогар яна нимага келибди? — деб сўради ҳозир ҳар нарсадан шубҳаланадиган бўлиб қолган Ҳури хоним.

— Жун сотиб олмоқчига ўхшайди. Ўрнига чит, шол, қанд бераркан, — Райҳон бирдан шўх кўзларини ўйнатиб кулимсиради: — Қуриб кетсин, бирам шўркўз кишики! Уни бир куни Идрис уйимизга меҳмон қилиб олиб келди. Савдогарнинг кўнгли чўпонбўзартма тусабо қолибди, деди. Пиширдим. Бир товоқ еди, яна бир товоқ сўради, уни ҳам еди. Билмайман, нима бўлиб ичкарига чой олиб кирувдим, Идрис нима учундир бир зумга ташқарига чиқиб кетди. Стаканни савдогарнинг олдида қўяётсам, нима қилди дегин, шартта билагимга ёпишса бўладими! Мен ҳам чап қўлим билан қўлига бир туширдим. Кейин Идрисга иккинчи бу хирани уйга олиб келма, дедим.

Буларнинг ҳаммасини Райҳон қизиқ бир ҳангомадай айтиб берди. Ўзи маза қилиб куларди. Ҳури ўйларди: «Мунчалар ажойиб, қувноқ жувон бўлмаса. Бундай одам дунёда дард нималигини билмай ўтиб кетади. Бўлмаса, менга ўхшаб ҳар нарсани юрагига солиб, юк қилиб тугиб юрсинми?»

Райҳон Ҳури чин юракдан ҳурмат қилган биринчи аёл эди. Лекин Ҳури каби хотинлар ўзларини ора-

сира мана шундай қийнашларига қарамасдан, ҳеч қачон ахлоқ ва хусусиятларини ўзгартира олмайдилар.

Бахтларига бутун йўл бўйи кўчада ҳеч кимга дуч келмадилар. Унда-бунда Соҳиб тенги болалар эшиклардан бошларини чиқариб қарар, сўнг яна орқага чекинардилар. Албатта, на Ҳури ва на Райҳон-уларга аҳамият беришарди. Шу тариқа хотиржам Вафодорнинг эшигига яқинлашдилар. Ит шарпа сезиб вовиллай бошлаши билан самоварга ўт ташлаётган Сакина дарров эшик олдига келди ва ҳайратдан кўзлари катта-катта очилиб қолди. Ҳури хоним қаерда-ю, бу ерлар қаерда! Сакина дарров ўзини босиб олиб, уларни ширин қаршилади, Райҳонни ҳам, Ҳурини ҳам қизгин қучоқлаб ўпди.

— Йўлларингизга қурбон бўлай, азиз меҳмонимиз бўлинглар уйимизда!— деб уларни ҳовлига олиб кирди. Эгилиб Соҳибни қўллари билан қучоқлади ва икки юзидан ўпиб қўйди. — Мошаллоҳ, ўткир йигит бўлади!— деди. — Кўзлари ёниб турибди-я!— Кейин Гул-ёноққа ўгирилди, уни қучоқлаб ҳавога кўтарди. — Вой, нақ чароснинг ўзи-я, еб қўяйми сени, а!

Сакинанинг меҳрибончилиги болаларга ҳам, катталарга ҳам жуда ёқди. Улар ўзларини тез-тез келиб турадиган қадрдон бир уйга келгандай ҳис қилдилар. Райҳон эса дарҳол қувноқлик билан деди:

— Вой, худо, ҳой қиз, мунча чиройли бўлиб кетибсан! Бировни кўз остига олиб қўйган эмишсан-а! Дадам қизга йигитнинг назари тушгач, ранги очилди, дерди.

Сакина Райҳоннинг гапларидан қизариб кулимсиради. Жавоб ўлароқ юзини икки дарчали уй томонга буриб, чақирди:

— Жаъфар, ҳой Жаъфар! Чиқинг, меҳмон келди! Ҳалиги шифтга осилган беҳи, анорлардан манави кичкинтойларга олиб беринг...

Жаъфар қўлида қип-қизил анор билан тилладай саргайган беҳи кўтариб ҳовлига чиқди. Одоб ва назокат билан хонимларга салом берди.

— Хуш келибсизлар, хонимлар! Ичкарига марҳамат қилингизлар,— деди ва болакайларнинг қўлларига меваларни тутқизиб, бошларини силаб қўйди.

— Жаъфар, боринг, Вафодорни чақириб келинг!—

Сакина Жаъфарга топшириқ берди.— Тез етиб келинглар.

Жаъфарнинг боришига эҳтиёж қолмади. Вафодорнинг ўзи шу пайт ҳовлига кириб келди ва Райҳон билан Ҳури хонимни кўриб, анг-танг бўлди, кўзлари чарақлаб очилганча Ҳури хонимга қараб қолди. Ҳури ҳам ундан кўзларини узолмасди. Бу кўзларда интизор саволлар бор эди, улар гўё: «Мана, келдим олдингизга, энди нима дейсиз? Мени тентак ва енгилтак деб ҳисобламайсизми?»— деб сўраётгандай эди. Бунга жавобан Вафодорнинг кўзлари гўё: «Келганинг жуда яхши бўлибди. Сендан чексиз миннатдорман. Оёгинг тагида қурбонлик сўйсам арзийди, Ҳури...»— деяётгандай бўларди. Бир-бирига муносиб бўлган бу икки одамнинг кўзларида ифодаланган маъноларни уқиб олган зийрак Райҳон шундай бир хайрли ишга бош қўшганидан мамнун бўлиб турар, уларнинг нима дейишларини кутарди. Ниҳоят, Вафодор чексиз бир садоқат туйғуси билан деди:

— Жаъфар, бориб тўқлини олиб кел, меҳмонларимизнинг оёқларига сўй. Этини ҳам шу оқшом фақир-фуқарога улашиб бер.

Ҳури хоним эътироз қилишга улгурмай, Жаъфар тўқлини олиб келиб, ерга йиқитди-да, хонимларнинг оёғи тагида сўйиб юборди.

— Энди, қани, ичкарига киринглар!— Вафодор миннатдорчилик тўла кўзлар билан Райҳонга қаради.

Бир чеккада Вафодорга қараб турган Соҳиб уни танимаётганга ўхшар, лекин бу қувонч-хурсандчиликнинг ҳаяжонига у ҳам берилган эди. Вафодор эса доимо бир кўзини ундан узмасди. Хонимларга ҳурмат-эҳтиром билан жавоб-муомала қилганидан сўнг бориб, Соҳиб билан Гулёноқни қучоғига олди.

— Сакина, бугун бизнинг энг бахтли кунимиз экан!— деди.— Уйимизга шундай ажойиб одамлар келишди...

Ҳаммалари ичкарига кирдилар. Вафодор хонимларга тўрдан жой кўрсатди. Оддий гилам тўшалган, одми кўрпачалар ва мутаккалар<sup>1</sup> солинган мўъжазгина бу уй, Ҳури хонимга анчадан бери эсидан чиқиб

---

<sup>1</sup> М у т а к к а л а р — узунчоқ ёстиқ.

кетган болалик чоғларини, ота-онасининг ҳужрасини хотирлатди. Нақадар сокин ва жимжит эди бу ер. Одамнинг юрагига ором бағишларди. Бутун вужудингга аллақандай фароғат қўйилиб кираётгандай бўларди.

Сакина кичкинагина патнисда армуди стаканларда чой олиб келди. Асал ва мураббо солинган ликопчаларни ўртага қўйди. Ҳури хоним худди ривоятларда нақл қилинган бир оламга тушиб қолгандай, қарама-қарши туйгулар ичида, гапирай деса сўз топмай, индамайгина қараб ўтирарди. Гоҳ Сакинага, гоҳ Вафодорга кўз ташлаб қўярди. Назарида уларнинг бутун сиймосидан, кўзларидан, бутун вужудидан кўзга кўринмас аллақандай илиқ шуъла чиқиб, кўкрагини тўлдирар, жисмига ўт-қарорат бағишларди. Мана шу ҳиссиётнинг таъсири билан гарчи индамай ўтирган бўлса-да, лекин бошидан нималар кечаётгани шундай билиниб турарди. Кўзи Вафодорга тушганда дув қизариб кетарди. Оппоқ юзига қизиллик югурганда, бу бир озгина сўлгин чеҳра нақадар жозиба тортиб порларди. Бу жозиба олдида ўзини ожиз сезган Вафодор Ҳурининг нафаси билан муаттар бўйларга тўлган хонада мўъжизага дуч келгандай ўтирар, тиззасига жойлашган Соҳибни гапга соларди:

— Уйимизни кўриб олдинг, энди доим шундай келиб тургин, хўпми? Келасанми?

— Ойим ижозат берсалар, келаман.

— Сакина опангни юбораман, сени олиб келади. Райҳон холанг билан ҳам келсанг бўлади. Гулёноқ билан бирга келасизлар...

— Сиз ҳам бизникига боринг,— Соҳиб пастдан юқорига, унинг юзига қаради.

— Ойинг рухсат берсалар бораман...

— Ойим бизникига келишингизни жуда иштайдилар!— беихтиёр сўзлаб юборди болакай. Ҳамма кулди, Ҳури хоним эса жилмайиб, ўглига қаради ва уни уришгандай бўлди.

— Соҳиб, кўп гапирма!— деб бошини чайқади. Сўнгра юзини Вафодорга ўгирди.— Бу ёмон бола. Оғзидан чиққан гапни ўзи билмайди.

— Жуда яхши билади,— Райҳон хоним боланинг ёнини олди.— Болакай гапнинг тўғриси айтиб қўя қолди.

Бу гаплардан ўзича бир хулоса чиқарган Соҳиб Вафодорга қаради:

— Аммо мен сизларникига келмайман.

— Нега?— таажжубланиб сўради Вафодор.

— Чунки оймни ёлғиз қолдиролмайман. Ҳовлимизда ёмон одамлар бор.

Райҳон хоним яна шўх табассум билан хандон ташлаб кулди.

— Бахтли хотин экансан, қара, шундай ҳимоячинг бор!— деб Ҳурининг қўлини силади.

Вафодор Соҳибнинг бошини силади:

— Жуда яхши қиласан, ойнингни сира ёлғиз қўйма, ўғлим! Сен жуда ақлли боласан.

Бейхтиёр тарзда, тилимизнинг табиий бир оҳанги билан айтилган «ўғлим» деган сўз ўтирганларнинг ҳаммасини тўлқинлантириб юборди. Ҳаммага у жуда мазмундор сўз бўлиб кўринди. Райҳон ва Сакина шу бир сўздан жуда кўп нарсаларни уқиб олдилар. Бу сўз уч одамнинг юрагини бирлаштириб, уларнинг ўртасида абадий иттифоқ яратиб, муқаддас туйғуларини жунбишга келтирди. Улар бир он теран хаёл ичида қолдилар.

Бола ўзи ёқтирган одамнинг тилидан бу сўзни эшитганида гўё умрида бир марта ҳам кўрмаган отаси тирилиб келгандай бўлди, энди уни маҳкам туриб қар нарсадан ҳимоя қиладиган ва қўриқлайдиган одам топилган эди; унинг меҳрибон ва жонбахш боқишлари гўдак жисмига жўшқинлик ва ҳарорат бағишлади. Вафодор эса Соҳибни ростдан ҳам ўз пушти камаридан бўлган бола деб тасаввур қилди, гўё уни аллақайларда, аллақайси пайтларда йўқотиб қўйган, энди эса яна қайтадан топиб олгандай эди. Ҳури, бу болани энди бундан қандай қилиб айириб бўлади, деб ўйларди. Инсон толеи нақадар чигал ва мушкул, одамни қанчадан-қанча чигал савдоларга дучор қилади!

Мана шу ноёб ҳиссиётлар таъсирида кўзлари нурланиб ўтирганлар ҳузурига қўлида қайноқ жигар кабоб кўтарган Жаъфар кириб келди. Турон бобонинг тегирмонида тортилган буғдой ундан Сакина тандирда қип-қизил қилиб пиширган юмшоқ лавош билан кабобларни катта бир идишга солиб, Ҳуриларнинг олдига қўйди:

— Марҳамат қилгайсизлар, хонимлар!— деди.— Кабоб ҳам ўзи жуда мазали бўлди.

— Бекор овора бўлибсиз, яқинда овқатланган эдик!— деб Ҳури ҳаддан зиёда майин ва нозик бир илтифот билан овқатга таклиф қилган Жаъфарга қаради.

— Овораси борми, хоним!— назокат билан деди Жаъфар.— Сиз учун қанча овора бўлсак, арзийди. Худодо ҳаққи, сизга хизмат қилсам, ўзимни дунёдаги энг бахтиёр одам деб биламан...

— Сиз фақат Ҳури хонимга хизмат қилсангиз бахтиёр сезаркансиз-да ўзингизни, а?— деб ҳазиллашди ўртада ҳеч қандай қисинчоқлик бўлмаслигига ҳаракат қилган Райҳон хоним.— Нима, биз учун овора бўлдингиз йўқми?

— Ундай деманг, хоним, сиздек олижаноб бир хоним учун жондан кечишга ҳам тайёрман. Доимо сизнинг қуллуғингиздаман. Марҳамат қилинг,— деб Райҳон хонимга кабоб узатди Жаъфар.

Болакайларга Вафодорнинг ўзи кабоб едирди. Соҳиб унинг бир ёнида, Гулёноҳ иккинчи биқинида ўтирардилар. Вафодор уларни гапга солар, саволлар берар ҳамда кўнгиллари тусаган луқмани олиб берарди. Ниҳоят, болакайлар ўтириб зерикди шекилли, оёққа туришди.

— Ҳовлига чиқсам майлими?— сўради Соҳиб ва онасига ҳуркак кўз ташлади.

Вафодор ўрнидан қўзғалди.

— Албатта, майли... Юринглар, сизларни боғчада ўйнатиб келаман.

Вафодор болаларнинг қўлларидан ушлаб ҳовлига чиқди. Ҳурининг нигорон боққан кўзларига кўзи тушган Райҳон хоним оёққа қалқди.

— Вафодор, қардошим, сиз ичкарига киринг, болаларни мен ўйнатаман,— деб эшикка йўналди ва Вафодорга яқинлашиб пичирлади:— Биз бу ерга кабоб егани келганимиз йўқ, сизга гапи бор, ичкарига кириг...

— Мунчалар ақлли хотинсиз, Райҳон!— Вафодор орқага қайтди.— Воллоҳ, дунёда ягонасиз!

Райҳон эса:

— Ҳой Жаъфар, ҳой Сакина!— деб уларни чақирди.— Бу ёққа келинглар, гапим бор...

Вафодор Ҳури билан уй ичида ёлғиз қолди. У эшик олдида турганида дераза яқинидаги Ҳуридан кўзларини узолмасди. Томоғи қақраб кета бошлади. Юраги кўксидан отилиб чиқиб кетгудай бўларди. Ҳурининг ижозати бўлмай туриб, унга томон бир қадам ташлашга юраги бетламасди. Ҳури тик турганича деразадан ташқарига қарарди. Гўё у ҳам қимирлашга, овозини чиқаришга қўрқарди. Лекин толма бел, нозик қоматидан, оппоқ бўйнидан уй ичида аллақандай ёруғлик таралаётгандай кўринарди. Ниҳоят, у бошини ўгириб, Вафодорга порлаган, жозибадор кўзлари билан боқди. Кўзлари бир-бири билан тўқнашганида аллақандай тўхтатиб бўлмайдиган куч уларни бир-бирларига қараб тортди. Вафодор бутун борлиғи билан бу гўзалликни ўз бағрига олди, унинг қайноқ, ипакдай майин, малоҳатли пок дудоқларидан ўпди. Наинки вужудининг бутун зарралари покиза бўлган, балки умри бўйи ҳатто хаёлда ҳам гуноҳ қилмаган соғлом, ҳассос ва эҳтиросга тўлиқ баданда гўдакдай ўз маъсумлигини сақлаган ана шундай бир хоним билан бошдан кечирилган бир дамлик саодат абадиятга баробар эди.

Ниҳоят, Вафодор унинг кўзларидан милдираб тушган ёш томчиларини кафти билан силаб, уни оҳиста курсига ўтқизди. Ўзи эса дераза олдида ўтирди.

— Ҳури хоним, бошимизга бир чигал савдо солишмоқчи. Тузоқ қуриб, бизни тўрларига илантиришмоқчи. Буларнинг ҳеч қайсиси мени қўрқитолмайди, мен қўрқмайман. Фақат мен сиз билан бир учрашсам, деган орзуда юрар эдим. Энди ҳеч қандай куч сизни мендан айиролмайди. Фақат муносабатимиз юзасидан кўнглингизда заррача иштибо бўлмаслиги керак. Шунини яхши билиб қўйингки, бу дунёда мени доғда қолдириб ёш ўтиб кетган одам бор, битта синглим Сакина бор, сўнг бир сиз бор! Хўп денг, шу бугун кечқурун бу ерлардан бош олиб чиқиб кетайлик.

Бу таклиф Ҳурига яна ғалати бўлиб кўринди. У ҳали ҳам бунини тасаввурига сиғдиролмасди.

— Шариатсиз, никоҳсиз қаерга борамиз? — деб сўради.

— Бизнинг никоҳимиз кўкларда ўқилган, Ҳури хоним! Отам айтардики, ошиқларнинг никоҳларини худо ўз даргоҳида ўқиркан... Ўзимиз омон-эсон бир

жой топиб ўрнашганимиздан сўнг дарҳол никоҳимизни ўқитамиз.

— Сакина билан Жаъфар-чи? Уларнинг ҳоли нима кечади?

— Уларни ҳам бирга олиб кетамиз. Дунёда ердан кўпи йўқ. Хоҳласак, Гуржистонга борамиз, хоҳласак, Арманистонга. У ерда отамнинг ажойиб дўстлари бор. Бизга уй-жой топиб беришади.

— Йўқ, Вафодор, олдин ҳам айтгандим, яна айтаман: мен бу номардларнинг олдидан қочмайман. Орқамдан минг хил гап тарқатишларини истамайман. Беш-ўн кун кутайлик, мен ишларимни саранжомлай, сотадиган нарсаларни соттирай, ўзимизга керакларини ажратай, бирга олиб кетамиз. Унда майли, қаерга десангиз, ўзингиз биласиз. Мен ҳам амин бўлдимки, бундан кейин биз бу ерларда қололмаймиз. Кетамиз. Фақат сиз айтган тарзда эмас. Майли, ўртага беш-ўн оқсоқол қария тушсин, қоида-қонун билан никоҳ ўқилсин, ундан кейин кетсак бўлади.

Вафодор Ҳурини фикридан қайтариб бўлмаслигини кўриб, деди:

— Ундай бўлса, баъзи бир нарсалардан хабардор бўлиб қўйганингиз тузук. Манави сандиқча,— у нарсалар орасидан сандиқчани олиб кўрсатди ва яна жойига қўйди.— Эрон шоҳидан сизга юборилган ҳадя...

— Биламан!— Ҳури Офаридадан эшитган сўзларини баён қилди.— Эртага Идрис Тифлисдан қайтади, ўзи билан бирга бир одам олиб келади, у ҳамма нарсани ажрим қилиб беради.

— Идрисдан бошқа бир одам билан ҳам гаплашдим. Алимирза деган бир дўстим бор. Тифлисда яшайди, яхши одам. Капитан Мирза Фатали Охунзода билан таниш. Раҳматлик Муҳаммад Ризобекни ҳам танийди. Бундан бир соат аввал Ганжадан қайтибди. Тифлисга кетаётган экан. Аҳволни унга сўзлаб бердим. Қўлингиздан келган ёрдамни аямасангиз, дедим. Рози бўлди.

— Ҳов, Ҳури хоним, қоронғи тушаётибди, кетайлик энди,— ташқаридан Райҳон хонимнинг товуши эшитилди.

Ҳури хоним дарров ўрнидан турди. Шошиб қўлини қўйнига солди, кичкина, зар билан тикилган кисса олди.

— Олинг, бу қоғоз сизда турсин. Йўқотиб қўяман деб қўрқаман. Ўғирлаб олишлари ҳам ҳеч гапмас.

Вафодор ҳеч нарса демасдан киссани олди, бу киссада марҳум Муҳаммад Ризобекнинг васиятномаси сақланарди. Ҳамма даъволар ҳозир шу васиятнома устида бормоқда эди.

Меҳмонлар кетиши билан Сакина акасининг бўйнига осилди.

— Акамга қурбон бўлайин, тўйни қачон қиламиз?

— Тайёрланинглар, бугун-эрта сизларнинг тўйларингизни қилиб ўтказаман, сўнг ўзим тўй қиламан!— Вафодор Жаъфар билан Сакинага қаради.

Сакина қўллари билан иккала юзини яширди.

— Вуй-й, акажоним нима деяпти, нима зарурати бор бунча шошиб? Акажоним ҳазил қилаётгандир-ей...

Вафодор уларга жиддий қаради.

— Ҳазил қилаётганим йўқ, синглим, вазиёт анча мушкул. Тезлик билан сизларнинг тўйларингизни қилиб бераман. Жуда бўлмаганда сизлардан кўнглим тинч бўлади...

Жаъфар Сакинага қаради, Сакина Жаъфарга. Уларнинг кўзларида севинч ва кадар қоришиқ эди. Вафодор андиша билан сўзлаганидан, улар ака олдида ўзларини жуда ҳам хурсанд қилиб кўрсатишдан тортиндилар. Вафодор буни сезди ва сўзининг оҳангини ўзгартирди:

— Ҳеч ташвиш тортма, синглим, ҳаммаси яхши бўлади!— деб Саकिनанинг сочларини силади, қўлидан ўпиб қўйди.

Сакина шу тобда дунё топиб олгандай эди.

## 2

Илёсбек сариқ хуросоний гургини елкасига ташлаб, бадқовоқ ҳолда яланғоч оғочлар орасида кезинарди. Қуюқ қошлари, узун киприклари осилиб тушган эди. Унда-бунда қалин лаблари қимирлаб қўяр, мўйловлари титрарди. У жуда ҳам қаҳрланган, қаттиқ ўйга ботган пайтларида ўз-ўзи билан гаплаша бошларди. Яна оила аъзолари, хизматкорлар, оқсоч қизлар оёқларининг учларида юришар, миқ этиб оғиз очишга журъат қилмасдилар. Бундай пайтларда Илёсбек қў-

лига тушган нарсани фикридан чалғитган одамга қараб отишини билардилар. Аксига олиб, ҳар турли тескари, телва ишлар худди мана шунақа вақтларда юз берарди. Ҳовлининг ўртасидан оқиб ётган ариқ сувида оқсоч қизлар қозон-товоқларни, самоварларни ювиб, артишар, тозаларини ичкарига ташишарди. Оқсочлардан бири янги ювиб, ярақлатиб артилган самоварни уйга олиб кета туриб нима бўлди-ю, Илёсбекнинг сури босдими, оёғи тўнкагами, нимагадир илашиб йиқилди, бузма кўйлаги сурилиб кўтарилди, гўштдор болдири очилиб қолди. Самовар қўлидан отилиб бориб тошга тегди, биқини эзилди, жўмраги учиб кетди. Оқсоч қиз қўрққанидан ўзини йўқотиб қўйди, кўзларини Илёсбекдан узолмай, ётган жойида нима қилишини билмасди. Ҳатто этагини тортиб, очиқ болдирина ёпиш ҳам эсига келмади. У энди Илёсбек келиб тепкилайди, бўралаб уриб-сўкади, деб қўрқиб кетганди. Лекин бундай бўлмади. Илёсбекнинг назари оқсоч қизнинг болдирига тушиб, кўзлари хийла очилгандай бўлди. Йўқотган иқтидор, лекин сўнмаган ҳавасларнинг учқунлари чақнагандай бўлди бу кўзларда. Фикридан нималар кечди, номатълум, лекин эшитилар-эшитилмас қилиб: «Эй, номард дунё!» — деб надомат қилди, сўнг овозини кўтариб, деди:

— Болдиригнни офтобга камроқ сол, тур ўрнингдан, жаҳаннамга тушгур!

Оқсоч қиз дарров ўрнидан туриб, самоварни икки қўли билан қучоқлаб олганча уйга қараб қочди. Илёсбек яна хаёлларга тутқун бўлиб кеза бошлади. Гоҳ-гоҳ тўхтаб, ариқларнинг лабларида, пушталарда чириётган хазонларга қараб қолар, дуо ўқигандай, ўз-ўзи билан гаплашар, яна кезинарди. Сўнгги пайтларда кўп туманли фикрлар, туманли ҳиссиётлар Илёсбекка тинчлик бермай қўйганди. Назарида замона хароб бўлгандай, дунёнинг низоми бузилгандай, одамларда одамгарчилик йўқолгандай, ўз фарзандларида ҳам ҳурмат-этибор қолмагандай туюларди.

Илёсбекни бунчалар тушкунликка солган нарса шу эдики, кўзларининг қувончи бўлган қарчигадай ўғли Сафиқулибек, ариллаган йиртқичга ўхшаган куёви Салим кимсасиз, ҳимоясиз бир хотинга, оти итнинг дафтарыда ҳам йўқ оддий бир темирчига кучлари етмай, уларни бир ёқлик қилолмай юрибдилар. Нуқул

режа тузадилар, лекин қўлларидан тузук-қуруқ бир иш келмаяпти. Бир кечада икковини ҳам йўқотиб юбориш ўрнига, алланималардан чўчийдилар. «Йўқ, замона бошқача бўлиб кетяпти! Эрлик, йигитлик кўҳна замонларда қолиб кетди!»— деб ўйларди қари бек. Мана шуларни ўйлаганида назарида ҳар кун, ҳар соат ўзи билан бир бадбахтлик келтираётганга, қаердандир эсиб келаётган шамоллар асрлардан бери ота-боболардан удум бўлиб қолган ҳаётнинг устунларини тобора қаттиқроқ қимирлатаётганга ўхшарди.

Илёсбек оғзидан чиққан нарса дарҳол бажарилишига ўрганиб қолган эди. У сўзни ҳавога отишни хушламасди. Кам гапирар, лекин қатъий, пишиқ гапирарди. Унинг оғзидан чиққан сўз адо этилиши шарт эди. Унингча натижасиз сўз кишига бадномлик, номуссизлик келтиради, одамгарчиликдан чиқаради. Кишининг эътибори сўзида. Айтдингми, қил, бўлмаса, ерга ташлаган уруғингдан умид кутма. Шунга кўра, унинг ғазабланишга, аччиги чиқишга ҳаққи бор эди. Неча замонлардан бери икки кўзи эшикда, ўғли кириб: «Дада, юзингиз ёруғ бўлди, ҳамма айтганларингиз бажо қилинди», дейишига мунтазир эди. Салим эса кўкрагини кериб, Вафодорнинг қонга буланган кўйлагини унинг олдига ташлаб: «Қуллуғингизга шайман, бизга ёв бўлганларнинг ҳолига мана энди маймунлар йиғлайди»,— деб айтишини кутарди.

Лекин Илёсбекнинг йўлларга тикилган кўзлари толганди. Уни боладай алдаб, «тадбирли бўлайлик, эҳтиёт бўлиб иш кўрайлик», деб дарс берардилар. «А-а, тагин бу кўппак боласи, қароқчи Салим бизни алдаб юрган бўлмасин?! Нуқул ёлғондан лоф-қоф уради. Одамнинг қўлтиғига сув пуркайди. Вой, сиз ундоқсиз, вой сиз бундоқсиз, деб бош-кўзни айлантиради, ўзи эса бизни ўрта бармоғига қўндириб тоза ўй-натмоқчи бўлади, а-а!»

Одамлар икки турли бўлиб қарийдилар: бир турли одамлар қаригани сайин мулоим бўла борадилар, бошқа бир турлари эса ёмон қарийди, аччиги ортади. Баъзиларнинг ёши ўтган сайин донолиги ортади, йўқолган ҳаётгий қувваларнинг ўрнида инсоний сифатлар кучаяди, иккинчилари эса ҳам жисман, ҳам маънан сафиллашиб борадилар. Улар ўзларининг бор яхши фазилатларини ҳам йўқотиб қўядилар, улар-

нинг ўрнида ғазаб, жаҳл ва фанолик қолади. Биринчилар мулойим, марҳаматли, сабр-бардошли, хушфеъл бўладилар, одамларга қўлларидан келганча яхшилик қиладилар. Ёмонликдан қочадилар, уни ўзларига яқин йўлатмайдилар. Иккинчиларида эса эзгу ҳислар, гўзал кайфиятлар ва ҳаваслар ўлади, илгари кўринмай юрган ёмон белгилари энди бўртиб чиқади, кўкракларида қонсиз ва совуқ ҳиссиётлар яшайди, ҳаётда ҳеч нарсага юраклари куймайди. Ҳаммадан ҳам даҳшатли томони шундаки, улар ҳар ишда ўзларининг айтганларини қилдирмоқчи бўладилар, ҳеч қандай эътирозни кўтармайдилар, ақлга тўғри келадиган ҳеч қандай далил ва субутларни қабул қилмайдилар. Ўзлари жоҳил бўла туриб, алломалик даъвосини қиладилар, озми-кўпми ақлли, эсли-хушли одамларга душманга қарагандай қарайдилар. Уларнинг юракларида йигилган жоҳиллик бора-бора маргазга айланади, ақл бовар қилмайдиган садизм даражасига кўтарилади. Бошқаларнинг азобда қолганини кўрсалар, бундан лаззат оладилар. Ўзлари ёмонлик қилган, изтироб ва уқубатга солган одамларни қаттол душман деб ҳисоблайдилар, уларни азоб-қийноқларга солиб, то маҳв этмагунча кўнгиллари тинчимайди. Барча мамлакатларнинг тарихи шундан далолат берадики, мана шундай чоллар ҳокимият тепасига чиқиб қолган замонларда халқ мислсиз азоб-уқубатлар тортган, жамиятда инсонийлик туйғулари топталган, санъат ва адабиёт инқирозга юз тутган, маънавий, руҳий тушкунликлар кучайган.

Илёсбек ёши улгайиб, ғаддор ва бераҳм бўлиб қолганлардан эди. Мустабидлик унинг табиатида бор эди ва агарда бирон юртнинг ихтиёри унинг қўлига тегсайди, у ерда ҳокими мутлаққа айланар, Темур, Чингиз, Қожар унинг олдида, эҳтимол, ип эшолмай қоларди. У ўзининг узоқ ҳаёти тажрибасидан шундай хулосага келган эдики, ё эзишинг керак, ё эзилишинг. Бошқа йўл йўқ. Эзилмаслик учун эса кучли бўлиш керак. «Кучлисан — ҳақлисан!» — деган қадим бир дастурнинг тўғрилигини у ўз ҳаётида неча бор синаган, кўрган, бошидан кечирган. У ўзидан қудратлиларнинг энг паст амалларига ҳам бош эгган, ожизлардан эса ҳар қандай пайтда ҳам бош эгишни талаб қилган. Илёсбек ҳаётда шу ҳақиқатга ишонч ҳосил

қилган эдики, кучли одам истаган нарсасини қила олади ва ҳамиша ҳақли чиқади. Шунинг учун ҳам ўзига ўхшаган беклар, аъёнлардан бири унинг олдида инсоф, адолат, номус деган сўзларни тилга олса, афтини бужмайтирар, лаблари истеҳзоли қийшайиб кетарди. Бу сўзларни ўзидан заифроқ одамларнинг оғзидан эшитганида қўллари қичиша бошлаб сал бўлмаса у одамни шапалоқлаб юборай дерди. «Мана, оға, буни инсоф, номус дейдилар!» Илёсбек неча маротаба шундай ҳам қилган ва унинг бу ишини маъқуллаганлар ҳам бўлган:

— Бопладингиз, бек, тилини тиймаганнынг жазоси шу!

Қари бек узоқ яшаб, шунга амин бўлган эдики, сен зўр бўлсанг, энг олчоқ ва адолатсиз ишларни ҳам қилаверасан, ноинсофлик билан сўзлайверасан, ҳақиқатдан тонасан, диёнатсизлик қиласан ва мана шуларнинг барини ҳақиқат, ҳатто юксак олижаноблик ва марҳамат каби кўкка кўтарадиган маддоҳлар, ялтоқилар, лаганбардорлар топилади, ҳаёт буларнинг сўзларига лаққа тушадиган авомларни, жоҳилларни ҳам етиштириб бериб туради.

Илёсбекнинг заҳарли махлуққа айланиб қолишининг сабабларидан бири — унинг шу пайтгача қариб қолса ҳам, сира касалга чалинмаслиги эди. У дард азобини чекмаганди, шунинг учун ҳам бошқаларнинг дардини тушунмасди, бошқаларга жони ачмасди. Шў билан бирга, Илёсбекнинг юрагини кемирив ётган шундай нарсалар бор эдики...

Буларнинг бири — мол-давлатга ўчлик эди. У сурувларининг сонини ошириш, ерларига янги ерлар қўшиш, янги қишлоқларни қўлга киритиш мақсадида кечаю кундуз тинчлик нималигини билмасди. Бунинг устига, бу ёқдан у сира кутилмаган, ақлига келтирмаган гап-сўзлар орадан чиқмоқда эди. Битта елкасига погон осганнинг гапи билан ҳамма иш чаппа бўлиб кетиши, бор-йўғини қўлдан чиқариши ҳеч гап бўлмай қолганди. «Ҳеч бунақа тескари замон бўлмаган,— деб ўйларди у,— кимга ишонишингни, кимга эътимод қўйшингни билмайсан».

Мана шуларни ўйлаганида, кимга ишониш масаласи ўртага чиққанида, кейинги пайтларда кўз ўнгидан Салим нари кетмасди. Энди у Илёсбекнинг кўз ўнгида

яқин қариндош, куёв бўлиб эмас, ҳийлакор, пихиний ёрган сотқин, иблис, мол-давлат орттириш йўлида онасининг ҳам қонини ичишдан қайтмайдиган бир қароқчи каби гавдаланмоқда эди. Ўзи ҳам ҳайрон бўлардики, бу ўғри қандай қилиб унинг уйига кириб олди, қандай қилиб унинг ишончини қозонди, қандай қилиб унга қизини беришга рози бўлди? Ошиб-тошиб ётган давлатнинг бутун ихтиёрини унга топшириб қўйди? Ҳолбуки бу давлатни ўзиникига қўшиб олиши мумкин эди, тани-жони соғ экан, уларнинг ҳаммасини ўз қўлига олар, ўзи бошқарар, ўлим мақоми келса, ўғли Сафиқули бор, унга топшириб кетарди ҳаммасини. Энди бўлса, зотининг тайини йўқ, четдан келган етти ёт бегона, бир югурдак бутун мол-давлатга хўжайинлик қилиб юрибди. «На қордим, на ёпдим, лекинчи кўка<sup>1</sup> топдим!» — деб шуни айтадилар.

Ўй ўйга уланиб борарди. Ўйлагани сари Илёсбек ўзини худди ёмон ботқоққа ботиб қолаётгандай ҳис қилар, бир оёғини кўтариб олмасдан, иккинчиси ботаётгандек бўларди. Бунинг устига Сафиқулибек билан Салим оға ўртасида аҳиллик йўқлигини кўриб турар, бу нарса уни тобора даҳшатга солмоқда эди. Энди улар ўртасидаги ноиттифоқликнинг олдини олиб бўлмасди: «Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди. Бир-бирларига жуда ўхшаб кетади, лекин бири-биридан қайсар ва ҳийлакор. Лекин анави Салим керак бўлса бошини эгиб туради, бировга тобе бўлади, хизматини қилади, нима десанг, шунга тайёр. Анавиниси бўлса, ғўдайиб юргани-юрган, биров йўталиб қўйса ҳам, дарров ханжарига ёпишади, худди қуруқ ханжарнинг ўзи билан мол-давлатни сақлаб бўладигандай!» Илёсбек ҳеч шубҳа қилмасдики, агар биров аралашмаса, бир куни бориб, Салим оға Сафиқулини ўзига бўйсундиради, етти букиб ташлайди, сўнг бўғзига чанг солади. Йўқ, ҳали баданида иссиқ бор экан, бу даҳшатнинг олдини олмоғи керак, ўғлини бу олчоқнинг ҳийла-найрангларидан биратўла халос этмоғи керак. Шунинг учун ҳам, уни темирчига рўпара қилиб қўйиш керак, икковини бир-бирининг қўли билан йўқотиш зарур. Ҳов ўшанда «урган ўғил отасидан сўрамас», деб хўп айтган экан! Ўшанда бу мақолни ҳо-

<sup>1</sup> Кўка — бўғирсоқ.

вир тушунилайтган маъносида айтмаган бўлса ҳам, лекин бу нарса аслида Илёсбекнинг қонида бор эди. «Ҳа, йўқотмоқ лозим»,— деб ўйлади Илёсбек ва шу пайт эшикдан Сафиқулибек, Жаҳон хоним, Салим оға кириб келишаётганини кўриб, касал тузалгиси келса табиб ўз оёғи билан келади, деб хурсанд бўлиб қўйди. Улар ҳузурига яқинлашиб келганларидан сўнг саломларига алик ҳам олмасдан, дарҳол Салим оғани саволга тутди:

— Ҳа, қани, гапир, Салим оға, қандай янги хабарлар олиб келдинг?

Салим оға қоронғи ва зах рутубатли сардобанинг оғзида туриб қолгандай бўлди, сардоба ичидан совуқ ҳаво, зах бир дам юзига урилиб, этини жунжиктириб юборди. Шунга қарамасдан, ўзини қўлга олиб, Илёсбекнинг диққатини ўғлига томон чалғитиш пайида бўлди:

— Бек жаноблари, Сафиқулибекнинг калласига яхши фикр келиб қолди, жуда ҳам яхши фикр. Изн берсангиз, ўзи айтиб беради.

Илёсбекнинг қош-қовоғи уйилди, чеҳраси тиришди.

— Нима, Сафиқулибекнинг ўз тили йўқмики, сени тилмоч қилади? Мен сендан сўраяпман: қандай янги хабар олиб келдинг?

Салим оға Илёсбек нимага шама қилаётганини, унинг нима исташини биларди. Лекин чолнинг муомаласи, рафтори ғашига тегиб, ўзини таҳқирлангандай ҳисоблаб турганидан жавоб бергиси келмас, бу сержаҳл қари бўрининг янада хунобини ошириб, кўнглига ором бергиси келарди: «Билиб қўйсин, биз ҳам булар қатори бир одаммиз. Қачонгача олдида титраб-қақшаб тураман? Секин-секин кўкрагидан итариб, ўз жойига ўтқазиб қўйиш керак».

— Хабарлар кўп, қайсинисидан бошлашни ҳам билмай қолдим!— Илёсбекнинг ранги қум ўчиб, сғирроқ бир гални айтиб юборишга оғиз жуфтлаётганини кўриб, бунга вақт қолдирмай қўшимча қилиб қўйди:— Икковимиз Тифлисга борсак деб турибмиз. Сандиқча хусусида тегишли одамларга айтиб, биронтасини олиб қайтайлик. Бир оз жун ва тери сотиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Бу савдогар Алига кунимиз қолса, бизни талаб, қонимизни ичадиганга ўхшайди.

— Шу холосми?— Илёсбек нафрат акс этган кўз-

лари билан Салимга оғир қаради, сўнг ўғли билан қизига ўгирилди.— Мана, зўр хабарлар олиб келибди... Жуда ҳам яхши хабарлар. Мен не дейман, қўбюзим не дейди?!— Яна Салим оғага қаради:— Ўзингни аҳмоқ қиялпсанми ё бизни аҳмоқ санаялпсанми?

Салим оға Илёсбек нимани сўраётганини яхши биларди. Илёсбек қатъий ва узил-кесил иш кўришни талаб қилмоқда эди. Салим то темирчи ўлди деб хабар олиб келмагунча ўзи ҳам, қулоғи ҳам тинчимаслигини, бу иш чўзилаверса, унинг ўзига қарши иш бошлаб юбора олишларини яхши биларди. Чолнинг қўлидан нима келади? Кўп нарса келади унинг қўлидан. Ҳеч бўлмаганда Жаҳон хонимни ажратиб олади. «Омон бўл! Бориб югурдаклигингни қилавер!»— деб Салим оганинг думини тугади, тақир чўлларга ҳайдаб солади. Бир пайтлар тоғдан қайтаётганларида фойтонда Жаҳон хоним айтган сўзлар унинг эсига тушиб кетди. «Дадаси, укаси, ҳаммалари ўтириб гаплашиб олишган шекилли!»— деб ўйлади Салим оға.— Ҳа, буларнинг тили бир, бўлмаса Сафиқулибек менга бунақа олайиб тикилмасди».

Албатта, Салим оға Илёсбекнинг эътибори ва ишончини қозониш учун Вафодорни дарров гумдон қилган, унинг гўштлирини бир бурдадан қилиб ташлаган бўларди. Лекин нимадир уни тутиб турарди. Бу унчалик осон иш эмаслигини бутун вужуди билан ҳис қиларди. Биринчидан, Вафодор унча-мунча одамга бўй берадиган эмас, мард, бақувват, зийрак йигит эди. У билан юзма-юз келадиган бўлса, ўзи саломат қоладими, йўқми, Салим оға буни билмасди. Иккинчи томондан, мабодо уни қоронғи хилватда пусиб ётиб ўлдирганида ҳам, бу жинойтини яшириб, ёпиб кетиш, бости-бости қилиб юборишга кўзи етмасди. Ҳамма буни Салим қилган, деб гумонга борган бўларди. Чунки уларнинг ораси ёмонлиги ҳаммага маълум эди. Салим оға яна Илёсбекларнинг ўзидан ҳам хавотирда эди. «Бу қари тулкининг қўлидан ҳар нарса келади. Ўзи ўз қўли билан мени тутиб бериши ҳеч гап эмас». Шунинг учун ҳам, Салим Вафодор билан Ҳури масаласини орқага суриб келар, бу ишга Сафиқулибек билан Жаҳон хонимни тортишга ҳаракат қиларди. Уларнинг ўзлари Вафодор билан тўқнашишларини истарди. Шундай бўлганда, икковидан бири ёки иккаласи

ҳам йўқ бўлиб кетарди. Салим оға учун бундан яхшироғини ўйлаб топиш қийин эди. О, унда Сафиқулибек ҳам, Вафодор ҳам унинг йўлидан буткул олиб ташланган бўларди. Вафодор соғ экан, у ҳеч қачон роҳат қилиб оёғини узатиб ётолмайди. Доимо қўрқув, ваҳима уни таъқиб қилаверади.

Бу дунёда Салим қўрқадиган ягона одам бўлса, у ҳам Вафодор эди... Сафиқулибекнинг кўзи эса Жаҳон хонимнинг бор давлатида, у Салимни найранг билан опасининг ишончига кириб олган ўғри деб билади ва Жаҳон хонимнинг ҳориб, ҳолдан тойишини сабрсизлик билан кутяпти. Шундай кун келгани заҳоти Салимни йўқотади-да, бутун мол-ҳолга ўзи эга бўлади.

Илёсбекнинг оғир қарашлари остида эзилиб турган эрига Жаҳон хонимнинг раҳми келди, унинг ёни олди:

— Дада, Салим оға кеча-кундуз сизнинг айтганларингизни қилиш учун ҳаракат қиляпти. Фақат қулай пайт келмаяпти. Бир марта уйида ётганда ишини бажариб келмоқчи бўлиб отланганида мен қайтардим. Ҳали пайти келмаган бу ишнинг. Худо кўрсатмасин, қилган ишимиз ошкор бўлса, ҳаммамиз бадном бўлиб кетамиз.

— Бошқа бир янги гап ҳам чиқиб қолди,— деб Жаҳон хонимнинг сўзини қувватлади Сафиқулибек.

— Қандай гап экан?— Илёсбек кўзини Салим оғадан узиб, ўглига қаради.

— Салим оға, гапирсанг-чи, оғзингга сув олганми-сан?— таъна қилди Сафиқулибек.

Бу гапларнинг бари Салим оғанинг юрагига ўқ каби санчиларди. Кўкрагини ғазаб ва нафратга тўлди-рарди. Бу авлоднинг ҳеч бирига, ҳатто унинг ёнини оладиган Жаҳон хонимга ҳам соқит кўз билан қарай олмасди. Агар бирон жоду билан уларнинг учовларининг қонларини бир жомга тўлдириб, Салим оғага тутсалар эди, Салим оға бу жомни муздек булоқ суви-ни шимиргандек, бошига кўтариб ичган бўларди. Ушанда сал аламлари кўтариларди. Лекин у ўз ҳисларини яширар, уларнинг юзларига кулиб, табассум билан қарарди. Бу Илёсбекни янада қаттиқ асабийлаштиради.

— Оғзинг йиртилганми, мунча куласан, Салим?—

сўради Илёсбек.— Нуқул тишининг оқини кўра-  
миз..

«Жуда ҳаддидан ошяпти!»— деб ўйлади Салим  
оға ва кўзига чивин кирган отга ўхшаб, бошини орқа-  
га олиб силкитди. Шу пайт ҳеч кутилмаганда ҳовли-  
нинг эшиги очилди ва ичкарига бошида мутал папоқ,  
оёғида чориқ, қўлида чўпон таёғи кўтарган бир ки-  
ши, бошига қора рўмол, бузма куйлак, юзини яшмоқ  
билан беркитган бир хотин ва уларнинг ёнларида би-  
рин-кетин бешта кичкина бола ичкарига кирдилар.  
Илёсбек кўзларини қисиб, ўша томонга қаради. Чў-  
пон икки ўглининг қўлидан етаклаб олдинга тушди,  
хотин қиз болаларни олиб унинг кетидан юрди. Яқин-  
лашиб келиб салом бердилар. Чўпон ўзига савол бе-  
риб ўтиришларини кутмасдан, тўғри Илёсбекка қа-  
раб гап бошлади:

— Тақсир, бошим оёғингиз остида, айбга буюр-  
манг, бу хотин қулоқ-миямни еб ташлади, олдингизга  
келмагунча қўймади...

— Касалингни гапир, чўпон...— Илёсбек унинг  
исмини айтмоқчи бўлди, лекин ҳеч хотирлай олмади.  
«Чўпон» сўзи билан чекланиб қўя қолди.

— Дардим жуда эски дард, эй бек!— чўпон Вали  
худди кўмак излагандай, уларнинг юз-кўзларига бир-  
ма-бир термилиб чиқди.— Жуда эски, тузалмас дард,  
садағанг кетай! Майда болаларни тоғ-тошларда орқа-  
лаб юравериб ҳолдан тойдим. Бизнинг ҳам бир бош-  
панамиз бўлса деган эдим!

Салим оға шунда шер бўлиб кетди ва бутун қаҳр-  
ғазабини чўпон Валининг устига тўка бошлади.

— Нима демоқчисан, бек сенга иморат тиклаб бер-  
синми?!

Валининг хотини унинг сўзларидан аччиқланди:

— Иморат сизга ярашади, эй Салим оға, бизга  
эмас! Бизга тўрт қарич каталак бўлса ҳам, умр ўтка-  
зишга етади.

— Ҳаммага уй қураверса, мамлакатда бўш ер-  
нинг ўзи қолмайди!— Салим оға аччиқланиб жавоб  
берди.— Боринглар, ишингларни қилинглар, ота-бобо-  
ларингиз ҳаммаси умрларини тоғ-тошларда кечирган,  
ҳеч нарса қилмабди-ку, қирилиб йўқ бўлиб кетишмаб-  
ди-ку... Мана, сизларга ўхшаган фарзандларини қол-  
дириб кетишибди.

Салим оға чўпон Вали билан шундай муомала қилсам, Илёсбекка маъқул бўлади, бир оз жаҳлидан тушади, деб ўйлар эди. У Илёсбек энди гапга чек қўйиб: «Хуш келибсан, чўпон, бўлди, энди ишингга боравер!»— дейишини кутарди. Лекин Илёсбек миқ этмасди. Индамай қараб турарди. Уларнинг даҳанаки жангидан роҳат қилаётганга ўхшарди. Нима учундир Сафиқулибек билан Жаҳон хоним ҳам огизларини счишмас, кўзлари оталарига тикилган эди.

— Ҳаддингдан ошма! Ҳаддингдан ошма!— ҳамон аччигидан тушмасди Салим оға.— Қани, уй оладиган, жой оладиган ҳемиринг борми ўзи?!

Валининг хотини, болалари Салим оғага худди сотқин, олчоқ бир кимсага қарагандай қараб туришарди. Хотин узиб-узиб олди:

— Беш-ўнта мол-бузоғимиз бор, сотамиз. Болаларнинг ризқини қиярмиз, бир-икки йил янги энгил-бош кийишмаса кийишмас, жой пулини тўлаб қутулармиз!..

Илёсбек ҳамон огиз очмасди. Сафиқулибек билан Жаҳон хоним ҳам огизларига сув олганга ўхшардилар. Салим оға чўпоннинг илтимоси уларга ёқмаганини сезиб турарди. Агар ҳозир буларни ҳовлидан қуллаб чиқарсам, Илёсбек озгина бўлса-да, ҳовурдан тушса керак, деган хаёлда эди.

— Бўлди, бас! Бориб тошларингни теринглар! Ҳа-деб бидиллайверманглар!

Чўпон Вали кутилмаганда «пиқ» этиб кулиб юборди. Унинг кулгисидан киноя ва алам бир-бирига қоришиб кетганди.

— Бу дейман, сенга нима, эй Салим оға?— деди у.— Қўйсанг-чи, бекнинг ўзи бизга жавоб қилсин, биз унинг эшигига бошимизни эгиб келганмиз!

Салимдан қанчалар нафратланмасин, оддий бир чўпоннинг у билан бунчалар менсимай гап талашаётганини кўрган Сафиқулибек буни ўзларига нисбатан ҳақоратдай тушунди:

— Тилингни тийиб гапир!— деди дағдаға билан чўпон Валига.— Ўйламай сўзлаган огримай ўлади!

Бекнинг ўғли аччиқланганлигини кўрган чўпон Вали буни ўз сўрови рад қилингандай англади ва жонни ҳиқилдоғига келиб, бутунлай умидсиз ҳолда деди:

— Энди нима қиламиз, болам? Ўзимизга қаердан бир бошпана топсак бўлади? Киндик қоимиз тўкилган ерда бизга беш чорак ер топилмаса, додимизни кимга айтамиз, бошимизни олиб Русияга кетайликми, нима қилайлик?

Чўпон оғзидан «Русия» сўзини эшитган Илёсбекнинг қошлари чимирилиб кетди, кўзлари қийилди, лаблари бир четга қийшайди.

— Э, бизга нима, Русия десанг, бор, кетавермайсанми, тўрт томонинг қибла, йўл очиқ! Қачон кетаман десанг, кетаверасан!— у қаттиқ кулди.— Рус деҳқонлари майнз солиб палов еб ётибди, сен бўлса очдан ўляпсан, бор, кетавер!— У жиддийлашди, яқин келиб, қўлини чўпон Валининг кўксига урди.— Рус деҳқонлари қандай яшаётганини биласанми ўзинг? Қулдан баттар! Хўжайиннинг ижозати бўлмаса, бир қадам ҳам нари-бери кетолмайди. Қишлоғидан чиқолмайди, хотин ололмайди, эрга теголмайди. Бориб ўз кўзлари билан кўрганларнинг гапи шундай. Оллотало мусулмон деҳқонларга, чўпонларга шунчалар эркинлик бериб қўйибди! Рус деҳқонлари шунақа эркин бўлиш учун ўлишга ҳам ҳозир! Бор, боравер Русияга!

Илёсбек 1861 йил ислоҳотидан кейинги Русияда деҳқонларнинг огир аҳволи ҳақидагина эмас, уларнинг крепостнойчилик қолдиқлари, мулкдорларнинг зулмларига қарши қаттиқ бош кўтариб чиққанларидан ҳам хабардор эди. Лекин у буларни айтиб ўтирмади. У бундай хабарлар чўпон валиларнинг қулоқларига минг йилда ҳам етиб келмайди, деган фикрда эди. Чўпон Вали эса унинг башарасига тик қараб туриб: «Эй бек, Русияда қишлоқилар йиғилиб мулкдорларни ўлдираётган эмиш, қўраларига, мол-мулкларига ўт қўяётган эмиш. Бу қандоқ бўлди?»— деб айтмоқчи ҳам бўлди. Лекин айтиб ўтирмади. Ўзини оми чўпон қилиб кўрсатиб, ҳеч нарсани билмаганга олса, эҳтимол, бекка ёқар, балки кўнгли юмшаб, бир оз инсофга келар...

— Юр, хотин, кетайлик! Бек ҳам шундай деб турганидан кейин, кимдан паноҳ сўрайсан!—деб умидсиз ҳолда пушаймон бўлиб хотинига қаради.— Юр, кетайлик! Бизнинг раҳмимизни ейдиган ҳеч ким йўқ бу дунёда!

У секин-секин орқага қайта бошлади. Болаларининг қўлларида ушлаб олди. Лекин хотини худди ерга михланиб қолгандай ўрнидан қўзғалмади. Бекнинг юзидан аллақандай умид ўқигандай бўлди. Нимдош, сариқ чодрасининг учларини тишидан олиб, қовучида бураб ғижимлай бошлади, бошидаги рўмолини тузатди.

— Тепамизда худо бор, биз сизга сиғиниб келган эдик, бек. Бизга раҳм қилинг, бу гўдакларнинг аҳволига қаранг. Бизга бир қарич ер беринг, ўзимизга ошён қуриб олайлик. Худо ҳаққи, жонимда жон қолмади, қишнинг совуғида, ёзнинг иссиғида, чўл-биёбонларда бу болаларни судраб юришга кучим қолмади.

Илёсбек юзини Сафиқулибекка бурди:

— Дилжон йўлининг ўнг томонидаги ердан буларга бир парчасини ажратиб бер. Жаҳон хоним қаердан бер, деса, ўша ердан бер.

— Бош устига, дада, эртага ажратиб берамиз!— деди Жаҳон хоним отасининг кўнглини эритадиган меҳрибонлик билан.

Чўпон билан хотини уларни дуо қила-қила чиқиб кетдилар. Салим ога эса бўртиб-қизариб кетганди.

Илёсбек саховат кўрсатиб чўпонга айирган ер Муҳаммад Ризобекнинг ота-боболаридан қолган ерлардан эди, ҳозир уларнинг тирик соҳибаси Жаҳон хоним эди. Салим ога у ерларни ўзиники деб қарар, бекнинг ҳозирги саховати унга сўккандан баттар таъсир қилганди. «Худди отасининг еридай буйруқ беришини қаранг буни!— деб ўйлади у.— Мени одам ўрнида кўрмайди! Майли, қари тулки! Буларнинг ҳаммаси учун ҳали қасосимни олмасам, онамнинг берган сути ҳаром бўлсин!»

Илёсбек чўпон Валига ер ажратаркан, атай Салим томонга қарамади. Худди у бу ерда йўқдай эди. Дарғазаб чол Салим оғанинг оғрийдиган ерини билиб урарди.

— Ҳа, қани, энди сендан эшитайлик, ўзинг бундоқ муборак тилинг билан айт, қандай хушхабарлар олиб келдинг?— чакиллаб заҳар томизиб сўради яна Илёсбек Салимдан.

Салим оғани қаттиқ йўтал тутди. Томоғи қичишиб хирқирар, худди олов ютгандай куяр, ёнарди. Йўталдан кўзларига ёш чиқди, нафас етмай, бўғилай деб

қолди. Дастрўмолни огзига босганича, йўталини босолмай, Илёсбекнинг олдидан ҳовлининг нариги бошига қараб кетди. Илёсбек унинг орқасидан норози бўлиб қараб қолди, бошини чайқади.

«Нима бўлган ўзи бунга? Нега турган ерида бунча бўғилади?» — деди Сафиқулибек ичида ғижиниб. Жаҳон хоним отаси билан укасининг Салимга қилаётган қўпол муомаласини кўнглига огир олди, буни ўзига қилинаётган бир таъна деб англади, хафа бўлди. Лекин бир оғиз гапирмади. Салимни йўтал тутиб, нарига кетганидан сўнг, ўртада туғилган огир вазиятни енгиллаштириш мақсадида отасига деди:

— Дада, Хури хоним Тифлисга шикоят ёзибди!

Илёсбек уйқудан уйғонгандай чўчиб кўзларини очди.

— Шикоят ёзибди? Тифлисга? Сизлар-чи, сизлар нима қилиб ўтирибсизлар? Қараб қолавердингларми?

— Билмай қолибмиз. Яшириқча жўнатибди.

— Нима, келиб сизлар билан маслаҳатлашсинмиди бўлмаса? Кўзларинг кўрмиди, қулоқларинг кармиди? Қўлтиқларингнинг шундоқ тагида туради-ю, олдига ким келиб, ким кетганини билмайсизлар. Сизларга неча марта айтганман, кўз-қулоқ бўлиб турунглр деб. Қачон жўнатибди? Ким билан жўнатибди?

— Ҳали аниқ маълум эмас, дада! — Сафиқулибек отасини андак бўлсин жаҳлдан туширгиси келди. — Миш-миш гаплар, оқсоч қизлардан бири хизматкор болага айтибди, хизматкор бола Салим оғага етказибди. Оқсоч қизга Офарида айтганмиш...

— Ким нима деган бўлса, у қулогинг билан эшитиб, бу қулогингдан чиқариб юбораверасанми? Ҳушёр бўлиш керак-да. Чора-тадбир кўриш керак. Шикоятни ким орқали юборибди деяпман?

— Чорбозорчи орқали юборган бўлса керак деб гумон қиляпмиз. Кейинги пайтларда унинг хотини билан борди-келдиси бор эди.

Илёсбек бир зум ўйга толди, чорбозорчининг хотини Райҳоннинг тарихини эслаб, бошини чайқади:

— У хотинга ишониб бўлмайди, қўлидан ҳар нарсга келади!.. Боринглр, дарров олдини олинглр, нима қилсанглр қилинглр. Одам юборасизларми, ўзларингиз борасизларми, барибир, тезлик билан орқага

қайтаринглар. Чорбозорчининг қўлидан қоғозни олинглар, Тифлисга бориб етмасин!

— Бош устига, дада, сира ташвиш чекманг, чорбозорчи кўкда учган қуш бўлса ҳам, уни тутиб келтирамиз, қўлимиздан қочиб қутулмайди!— Сафиқулибек Салим оғани олиб зуд ҳаракат қилишга тушди.

— Сен ҳам бор, қизим, сенсиз уларнинг ақли ишламайди, бор, қани нима қилишаркин, хабардор бўлиб тур,— деди Илёсбек Жаҳон хонимга. Қизи бош устига деб дарҳол йўлга тушди.

### 3

Салим оға йўтал тутиб, нарига кетиб ўсалликдан қутулганидан кейин ўзини илон оғзидан эсон-омон қутулиб чиққан қурбақадай енгил сизди. У Илёсбекнинг заҳар олуд сўзларини эшитавериб жони ҳиқилдоғига келган, ҳориганди. Унинг гапларига ё жавоб бериши ва ё бутунлай индамай туриши керак эди, шундан юраги ёрилар даражага келган эди. Жавоб берай деса, жасорати етмасди. Ҳар қолда Жаҳон хоним билан никоҳини бекор қилишларидан жуда қўрқарди. Хусусан, у кейинги пайтларда Жаҳон хоним оғир ҳаёлларга ботиб индамай юрганини, арзимаган нарсa билан оралари бузилиб кетиши мумкинлигини, жанжал-тўполон қўзғалишини сезарди. Бунинг сабаблари эса Илёсбекни ғазаблантирган нарсаларга қараганда анча чуқурроқ эди.

Салим оға эски беклар каби кекириб еб-ичиб, баданига қувват тўлагани сари, навкарларга, оқсочларга буйруқлар, амру фармонлар бергани, қўй-қўзиларнинг сурувларига, боғу боғотларга қараб «булар ҳаммаси меники!»— деб ғурурга тўлгани сари тизининг кучи, билагининг қуввати орта борарди. Саҳармардондан то кун ботиб, шом тушганга қадар иш бошқариб, чўлларни кезиб, буйруқлар беришдан жуда лаззатланар, кўнгли ўсарди. У чарчаш нималигини билмас, ҳатто кўнгли кундан-кунга аллақандай бошқачароқ нарсаларни тусар, томирларида қони қайнаб тошар, лобар, бўлиқ хотинларни кўрганида беихтиёр уларга термилиб қоларди. Илгарилари ҳеч кўзи тушмаган хонимлар ва оқсочлар, ходима қизлар энди

тобора унинг эътиборини жалб этарди. Кун ботиб, оқшом тушар, кечки таом ейилар, ўринга кириш пайти ҳам бўлиб қоларди. Шунда Салим оғанинг жонига васваса тушарди: «Дунёда кўнглинг суймаган хотин билан бирга ётишдан ортиқроқ азоб йўқ бўлса керак»,— деб ўйларди. У Жаҳон хонимни уклатиш учун минг турли баҳоналар ўйлаб топар, шундан кейингина ўрнига кириб ухларди. Ўринга кирган чоғида ҳам унга орқасини ўгириб олар, хотинининг қўра қаби қизиган гўштдор бадани асабини ўйнатар, ундан ўзини олиб қочар, кўзларини юмиб, бир амаллаб ухлагани уринарди. Лекин уйқуси қочиб кетарди. Жаҳон хоним пишилаганча уйқу ичида унга яқин сурилиб келар, у ёқ-бу ёққа ағдарилиб, оёқларини унинг сонларига чалиштирар, Салим оға эса кундузи ўзи кўрган чикка бел, нозик қомат, оёқлари келишган, бўйинлари оппоқ ва гўзал хотинларни кўз олдига келтирар, хусусан, ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмагандай кўринган, ёшлик тароватини сақлаган, чиройини андак бўлсин йўқотмаган Офарида хоним кўз ўнгидан ҳеч нари кетмасди! У қанчалар уринмасин, ўша лобар, гўзал хотинларнинг чўғдай порлаган кўзлари, қизил ранг олиб ёнган ёноқлари, ҳарорати тебранган нафис, хушбичим баданлари тасаввуридан кетмасди. Жаҳон хоним уларнинг қаршисида тирик тасқарага ўхшарди. Салим оға унга тегиш, қўлини уришни истамасди. Кўнгли озарди. Ҳа, Салим оға учун бу ғалати никоҳнинг гўзал дамлари ўтган эди. Энди жаҳаннам азобига баробар бўлган узундан-узоқ, битмас-туганмас кечалар бошланганди.

Нафрат жала сувларига ўхшайди, ўзига игна кўзичалик йўл топса, кўп ўтмай бу йўлни ювиб кенгайтиради, атрофини ўпириб кета бошлайди. Бир одамга қарши юрагимизда андак нафрат уйғониши кифоя, сўнг ўзимиз ҳам ҳис этмасдан у одамнинг бутун ҳаракатлари кўзимизга хунук кўринади, кўнглимизни озурда қилади. Жаҳон хоним бир хотин сифатида Салим оғанинг ғашини келтирар, лекин бек қизи, бой хотин сифатида ўзига жалб қилиб маҳкам ушлаб турарди. Лекин Илёсбекнинг менсимасдан, одамни пастга уришини кўра била туриб индамагани Салим оғанинг назарида ҳозир уни оддий оқсочдан ҳам тубанроқ қилиб кўрсатмоқда эди. Шунинг учун ҳам унинг

юзига қарагиси келмасди. Жаҳон хоним унинг кўнглини олиш учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қилар, овозини юмшоқ қилиб ширин сўзлар, лекин Салим оғанинг қош-қовоғи очилмас, бир дам ёзилиб гаплашмасди. Бора-бора Жаҳон хонимнинг сабри тугади:

— Менга қаранг, бу нега дадам билан чаплашиб менга қош-қовоқ қиласиз? Эркак бўлганингиздан кейин унинг ўзи билан жавоб-муомалангизни ўзингиз қилаверинг-да!

— Жавоб қилолмайди деб ўйлайсанми? — ёрилди Салим оға. — Шундай жавоб бераманки, қочгани жой топмай қолади, худо ҳаққи. Мўйсафид одам деб ҳурматли сақлайман, у бўлса мени қўрқяпти деб ўйлайди. Мен ҳам бир чидайман, икки чидайман, ўз ҳурмати билмаганидан кейин, шундай қиламанки, чанги осмонга чиқадиган бўлади.

— Барака топгур, бас қилинг! — Жаҳон хоним бесабрлик билан эрини силкитди. — Нима деяётганингизни, ўзингизни ўзингиз ҳам билсайдиз! Ундай қилсангиз охири бориб ёмон бўлади...

— Нима бўларди? Мени еб қўядими? Уларни сен шу даражага олиб бординг, тупроқ бердинг, ер бердинг, қўй бердинг! Эҳсон қилгиси келса, берсин эҳсонни ўзининг еридан, ўзининг сурувидан берсин берадиган қўйини! Нега бизникига қўлини чўзади! Сен яхшилаб ёдингда тут: мени ўзингга эр деб билсанг, эр деб қара!

— Мен отамни, укамни бегона қилиб, фақат сизни деёлмайман. Менга деса, дунё ағдар-тўнтар бўлиб кетсин! Билдингизми, йўқми?

Салим оға қаттиқроқ кетганини сизди, жилонини секин бўшата бошлади:

— Мен отангдан, укангдан кеч, деяпманми сенга? Агар ундай десам, жуда қаттиқ хато қилган бўлардим. Жаҳон хоним, ўзинг биласанки, — у овозини юмшатди, хотинининг кўнглини олишга тиришди, — мен сени отангдан қизганмайман, бунини тушунсанг керак. У нима қилганда ҳам чидайман. Ўзари одам. Беш йилми, уч йилми умри қолган, то тирик экан, ҳеч қачон биров сени хафа қилишига йўл қўймайди. Аммо у ўлганидан кейин уканг ҳам, опанг ҳам мол-давлатни ўз пинжиги тартади, сени бир бурда нонга зор қилиб қўяди. Нега молингни талатиб қўясан, нега оғзингда-

ги ошни олдирансан? Уканг бўлса, ана, борсин, ўз ерлари кўп, ажратсин — берсин. Эртага эҳтиёж билан эшигингга келса, ёрдам қўлини чўз унга, мадад бер дейман. Лекин мабодо сен унинг эшигига бора қолсанг, ана унда ҳолингга маймунлар йиғлайди. Кўраман, ўшанда қандай муомала қиларкин! Кўра била туриб ўзини талатиб қўядиган одам аҳмоқ одам. Сенга айтмоқчи бўлган гапим шу.

Жаҳон хоним бу сўзларни танасига сингдириб олаётганга ўхшарди. Салим оға оталари ўлгандан сўнг вараса устида душман бўлган, бир-бирларини беобрў қилган опа-сингиллар, ака-укалар ҳақида мисоллар келтирар, жуда равшан исботлар билан сўзларди, вараса-мерос талаши чиққандан сўнг на акага эътибор бор ва на опага; ақлинг бўлса, бор давлатингни кўз қорачигингдек асра, бировга қарам бўлма, кишидан тилинг қисиқ бўлмасин.

— Яхши, дадамга айтаман, бизнинг мол-ҳолимизга, ер-жойларимизга тегмайди,— Жаҳон хоним жуда секин, ўйга толган ҳолда сўзларди.— Энди, ичкарига киринг, йўл тадорикини кўринг. Сафиқулибек ҳам ҳозир келиб қолади. Бир-икки навкар ҳам олволинглар, чорбозорчини орқага қайтаринглар. Тифлисга етиб бормагани яхши. Дадам шундай деяпти.

Салим оға оний фикрга толди. Кўзларидан учқунлар чиқди, қорачиғлари йилтираб, ҳаракатсиз ҳолда Жаҳон хонимнинг юзига тикилди. Жаҳон хоним унинг фикри йилдирим суръати билан ишлаётганини билди. Нимани ўйлаяпти? Айтармикин? Салим оға эса ҳозир Сафиқулибекнинг бирга бораётганини яхши бўлди деб ўйларди. Қулай фурсат келяпти. Унинг қўлини чорбозорчининг қонига ботирилса соз бўлади. Балки чорбозорчининг ёнида Вафодорнинг одамларидан бордир? Янада яхши! Уриш-жанжал чиқса, Сафиқулибек бир балога гирифтор бўлса, Салим оганинг бахти очилгани: ундан сўнг улар истаса-истамаса Салим оғага суянадиган бўлиб қоладилар. Худо бериб, Сафиқули жон омонатини топширса, янада яхши! Унда Салим оганинг йўли устидан катта тўсиқ бутунлай олиб ташланган бўлади.

— Сен менинг шодлигимсан,— Салим оға Жаҳон хонимнинг юзидан ўпди.— Гапимиз доим шундай бир жойдан чиқсин, бир-биримизни дарров тушуниб олай-

лик. Шуни билиб қўйгинки, то танамда жоним бор экан, сендан айрилмайман.

Жаҳон хоним хафа бўлиб, унга боқди:

— Ёлғон гапирманг! Чиройли гаплар билан бошимни айланторманг, лақиллатманг мени!— деди. Кейинги пайтларда юрагида тўпланиб қолган яширин аламлари ҳаммаси юзага қалқиб чиқди, саси титради, кўзига ёш олди:— Сиз аввалгидай эмассиз, ўзгариб қолдингиз. Мендан совиб кетяпсиз!

— Худо кўрсатмасин!— Салим ога хотинини ўзига бутунлай тобе қилишга киришди, «бу ўзи қашлаб-қашлаб минсанг, маза қилиб миниладиган қирчанғилардан», деб ўйлади.— Сендан заррача совиган бўлсам, худонинг қаҳрига қолай. Вой, жиннивой, сендан ҳам совиб бўларканми?

Жаҳон хонимнинг чеҳраси очилди. Салим оғанинг бўз чаркасини, бўз папогини келтирди, кийинишига ёрдам берди: Чаркаси, ярақлаган баланд қўнжли этиклари, кумуш ханжар, бўз папоқ Салим оғани жуда кўркам қилиб кўрсатарди. Жаҳон хоним унга бир қараб қўйиб, бирдан яқинлашди, қўлларини ёзиб унинг бўйнидан қучоқлади.

— Сизга шунчалар ярашадик!.. Бўйингизга қурбон бўлай!

— Мени яна озгина мақта!— Салим ога хотинининг олдида яна ҳам ўзини шаҳд тутиб керилди.— Сенинг мақтовинг жонимга ёгдай ёқади.

Ҳовли дарвозасида от кишнади. Сафиқулибекнинг овози эшитилди:

— Салим ога, бўл, йўлга чиқайлик!

Салим ога ўзини тез ташқарига отди. Навкар келтирган жийрон от устига бир сакраб минди. Дарвозадан кўчага чиққани замон отларнинг жиловини қўйиб юбордилар. Кўчаларда тўзон кўтарилди. Чанг ётмасдан отлар кўздан ғойиб бўлди. Уларга икки навкар эргашиб борарди. Бири Сафиқулибекнинг, иккинчиси Салим оғанинг навкари эди.

Улар йўлга тушганларида кун бота бошлаган эди. Ора-сира булут кезган куз осмони тез қорайиб борарди. Дарров тун чўкди. Улар чорбозорчининг қайси йўлдан юришини тахминан билар эдилар. Қайси қишлоқлардан ўтишини, қаерларда тўхташини, қаерлардан тўхтамай ўтишини фараз қилиш билан чеклан-

май, йўлларида тўғри келган чўпонлардан, йўлчилардан, кўчманчилардан сўраб-суриштиришар, йўл бўйидаги қишлоқларга кириб ўтардилар. Ниҳоят, унинг изига тушдилар. Сўраб-суриштириб, унинг жуда шошнлинч кетиб бораётганини билдилар. Афтидан Кур дарёсига етиб қолганди.

— Энди иккига бўлинмасак бўлмайди,— деди Сафиқулибек.— Бир дастамиз йўл билан Кур қирғоғигача боради, бошқа бир даста қишлоқларни оралаб ўтади. Қаерда қўлимизга тушса, Кур қирғоғига олиб келамиз. Гапиртирамиз. Қолгани кейин маълум бўлади.

Салим ога унинг бу фикрига қўшилмоқчи бўлди. Лекин, тагин бу мени тоғ-тошга жўнатиб, ўзи йўлдан кетмасин деб ўйлаб қолди.

— Мен сизни ёлғиз юбормайман!— деб эътироз этди.— Худо кўрсатмасин, бир гап бўлса, Илёсбекка нима деб жавоб бераман. Яхшиси, навкарлар қишлоқлар оралаб боришсин, биз йўл билан борамиз. Агар топишса, айтилган ерга олиб келишади.

— Навкарларга ишониб бўладими?

— Ишонмай нима? Улар нима қила олишарди? Чорбозорчида бизнинг зарур ишимиз бор, йўлини бу тарафга солсин, деб тайинлаймиз уларга, вассалом!

Шундай қарорга келишди. Навкарлар отларни қишлоқларга қараб буришди, Сафиқулибеклар йўл бўйлаб кетишди. Ора-сира дуч келган одамларни тўхтатиб сўрашар, йўл чеккасидаги уйларга кириб чиқар эдилар. Ниҳоят, ярим кечада Шихли қишлоғида бир ҳужрадан уни топдилар. Навкарлар ҳам шу ерга етиб келган эдилар.

Уйқуси безовта бўлган Идрис пилта чироқнинг хира ёруғида Сафиқулибек билан Салим оғани кўрган заҳоти гап нимада эканлигини тушунди. Нима бўлса ҳам, ҳеч нарсани айтмайман деб аҳд қилди. Ҳури хоним берган қоғозни кечқурун эшакнинг жабдуғи орасига тикиб юборганди. Тўқимни парча-парча қилиб майдаламагунча уни топиш амри маҳол эди.

Улар чорбозорчига дарҳол кийиниш ва йўлга чиқишни таклиф қилдилар. Уни одамларнинг кўзидан йироқ, холи бир ерда тинтув қилиш қулайроқ эди. Ундай жойда дамани чиқарса саранжом қилиб кетиш ҳам осон бўларди.

— Ярим кечада нима дейсизлар ўзи? — Идрис юмшоқ сўзлади. — Гапларингиз бўлса, шу ерда айтаверинглар!

— Гапни чўзма! Сенга тур дедикми, тур, эшагингни юкла, кетайлик, вассалом! — таҳдид қилди Сафиқулибек.

Идрис қанча эътироз қилмасин, бўлмади, ниҳоят у кўмак ахтаргандай бўлиб, у ёқ-бу ёққа аланглади. Қўзига ҳеч ким кўринмади. Уй эгалари бўлмиш қари кампир билан чолни навкарлар молхонага қамаб қўйган эдилар. Идрис кийинди. Ташқарига чиқсам, ўзимни қўшни ҳовлига ураман, дод солиб ёрдамга чақираман, деб ўйлади. Лекин ҳовлига чиқиши билан Сафиқулибек бир қўлидан, Салим ога иккинчи қўлидан ушлаб, орқасига қайириб боғладилар. У қичқирмоқчи, дод солмоқчи бўлган эди, оғзига латта тиқдилар. Мана шу ҳолда навкарлардан бирининг отига куллалаб қишлоқдан чиқдилар. Қур қирғоғига олиб келдилар.

— Қоғозни бер! — Сафиқулибек қоронгида буюрди, латтани оғзидан тортиб олди. Қўлларини ечтирди.

— Қандай қоғоз?

— Ўзингни тулкиликка солма. Яхши биласан қандай қоғоз эканини. Ҳури ҳонимдан сардорнинг идорасига олиб кетаётган қоғозни айтяпмиз.

— Менда ҳеч қандай қоғоз йўқ! — Идрис тониб тураверди. — Мен оддий чорбозорчиман, ундай ишларга аралашмайман. Инсоф қилинглар.

Сафиқулибек унинг бошига қамчи билан урди.

— Қоғозни бер деяпман!

— Менда қоғоз йўқ. Ишонмасаларингиз, қидириб кўринглар! — Идрис уст-бошини кўрсатди.

Салим ога уни хипчин билан урди.

— Қоғозни бер, йўқса ўласан!

— Майли, ўлдиринг, лекин менда қоғоз йўқ.

Сафиқулибек ниманидир ўйлаб, навкарларга буюрди:

— Қўлларини боғланглар. Осонгина ўлиб кетиш билан қутулиб қолмоқчи. Қўзларингни ўйиб оламан!

Навкарлар Идриснинг қўлларини яна орқасига қайириб боғладилар.

— Елкасидан маҳкам ушлаб туринглар, йиқилмасин! — Сафиқулибек киссасидан ўткир, ингичка тигли

пичоқ чиқарди, унинг ўткир учини Идриснинг кўзларига ўқталди.

— Айтасанми, йўқми?

Боядан бери ҳеч нарсани сўрамасдан, Сафиқулибекнинг нима қилишини кузатиб турган Салим оға титраб кетди. «Қонсираган жаллоднинг ишини кўринг,— деб ўйлади у.— Худо ҳеч кимни буларнинг қўлига тушгилик қилмасин!»

Идрис қалтираганча индамасди. Сафиқулибек пичоқнинг учини унинг қовоғига қадади.

— Айтмасанг, иккала кўзингни ўйиб оламан.

Идрис дағ-дағ қалтирай бошлади. Пичоқнинг совуқ тиғи кўзларига санчилиб, уни ёруғ дунёдан маҳрум қилишга шай турганини бутун вужуди билан ҳис қилди. Ундан кейин на Райҳоннинг юзини ва на Гулёноқнинг кўзларини кўради. Тиланчилик қилишдан бошқа ҳунар ҳам қолмайди унга.

— Қўлимни ечинглар, ечинглар қўлимни!— У саросима ичида қичқирди, сўнгра ювош зориллади.— Ечинглар, қогозни бераман...

Пичоқ кўзининг устидан кетди. Қўлини ечдилар,

— Тез бўл, бер!— амр этди Сафиқулибек.

— Жабдуқни сўкинглар, жабдуқнинг ичида,— тиззаларида қувват қолмаган Идрис болталанган да-рахтдай ерга қулади...

#### 4

Сафиқулибек оддий бир чорбозорчини тўрт кишилашиб қўлга тушириб, қоронғи тунда қўрқитиб, оёқ-қўлини боғлаб, огзига латта тиқиб, ваҳшийларча муомала натижасида истаган нарсасига эришганидан кейин, ўзини худди зўр бир шижоат кўрсатган, қаҳрамонлик қилган одамдай тута бошлади. Йиртқич ўлжасини тилка-пора қилганда, қароқчи ишини битирган дақиқада бузгун табиатининг энг чўққисига кўтарилади. Сафиқулибек ҳам қуролсиз ёлғиз чорбозорчини қўлга туширганидан кейин, зўрлик билан ўз мақсадига эришгач, ҳаддидан оша бошлади. У бир ерда тинч туролмайдиган бўлиб қолди.

У шу аснода Ҳури хоним билан ҳам ҳисоб-китобини тўғрилаб олмоқчи бўлди.

— Бошқа чидолмайман!— деди у опаси билан

Салим оғага.— Никоҳ қилиб олган хотиним, олиб кетаман энди.

— Яхши қиласиз,— Салим оға ҳам рози бўлди,— бу хоним ҳам тинчйди.

— У тинч ўтирса ҳам, бошқалар қўймайди,— деб гапирди Жаҳон хоним.— Мен бу одамларни биламан, тинчгина ўтиришга қўйишмайди. Юз ердан қулоғингга юз хил гап етказишади. Қулоқ-мияни ҳам еб ташлашади. Обор уйингга, сен ҳам роҳат қил, у ҳам роҳатини топсин. Кейин бориб, яхши иш қилганингни унинг ўзи ҳам билиб қолади.

Шу фикрга келганларидан кейин хотиржам бўлиб, қулай фурсат келишини кута бошладилар.

Оқшом пайти эди. Мол-қора даладан қайтди. Хизматкорлар уларни молхоналарга, оғилхоналарга жойлаштирдилар, ҳовли-жойларни супуриб тозаладилар. Шом таомларини қилиб, ҳамма жой-жойига кириб кетди. Эшикдан кел-кет узилди. Шу кунларда кўзи йўлда бўлган, уйдан ташқарига жуда кам чиққан Хури хонада ўтириб, кичкина Соҳибни ёнига олганича ўзи севган машғулот билан банд бўларди. Тез-тез дарчага, эшикка қараб қўярди. У Тифлистан хабар кутар, шу билан бирга Вафодорга кўзи тўрт эди. Бирдан кутилмаганда ё ўзи, ё Сакина кириб келиб қолади деб ўйларди. Мана бугун ҳам кунни шундай интизорликда ўтказган, оқшом таомини еб бўлганларидан сўнг, уйнинг эшигини беркитган, ўгли билан тахта чорпоя устида гаплашиб ўтирарди. Ҳаётларида қандайдир яхши бир ўзгариш бўлишини сезган ўғлон онасини тинмай саволга тутарди:

— Онажон, ундан кейин мени ҳовлига чиқарасизми?

— Чиқараман, гулим, чиқараман.

— Хоҳлаганимча ўйнайвераман-а?

— Хоҳлаганингча...

— Ҳа, эсингиздан чиқмасин, ҳа... сўз бердингиз! Кўп, кўп, кўп, кўп ўйнайман.

— Кўп, кўп, кўн, кўп!— она боласининг сўзларини такрорлади ва уни ўрнига ётқизиб, ухла, деди. Ўзи ҳам ётоғига кирди. Лекин кўзига уйқу илинмади. Айвонда шарпа товушини эшитиб, оёққа турди. Юраги алғов-далғов бўлиб, эшикка яқинлашди.

— Ким?

— Оч, Ҳури!— Жаҳон хонимнинг овози эшитилди.— Бизмиз!

Ҳури хоним шарпалардан Салим ога билан Сафиқулибекни таниди. Юрагига титроқ тушди.

— Ётган эдик, Жаҳон хоним!

— Эгинингга кий, эшикни оч, ҳой қиз... Зарур ишимиз бор!— таъкидлади Жаҳон хоним.

— Кечаси бўлиб қолди-ку, нима қилиб юрибсизлар? Қандай гап? Эрталаб келарсизлар гапларингиз бўлса.

— Яхшилик билан очмасанг, эшикни бузиб кирамиз, унда ёмон бўлади!— Дагал товуш билан деди Сафиқулибек.— Оч, айтадиган сўзимиз бор. Сени еб қўймасмиз, ахир...

Ҳури чироқни ёқди. Ўрнида маза қилиб ухлаб ётган, дунёнинг бу ғаламисликларидан буткул беҳабар бўлган Соҳибга қаради, аллақандай бир ҳиснинг таъсирида унинг олдига келиб юзидан, қўлларидан ўпиб қўйди. Бола қимирлади, лекин уйғонмади.

Бориб эшикни очди. Улар ичкарига кириб ёнма-ён ўтирдилар. Жаҳон хоним Ҳурига:

— Ўтир, бизга қулоғингни бер,— деди.— Яхшилаб эшитиб ол. Ақл-ҳушингни яхшилаб йиғиб ол. Биз сенга яхшилик тилаймиз. Сендек гўзал бир келинчак дунёдан шундай тоқ ўтиб кетса яхши бўлмайди. Эртани-кечми, биров сенга эга чиқади.

— Мен эрга тегмайман,— дув қизариб кетди Ҳури.

— Ўзингга қўйса, тегмайсан. Сени мажбур қилишади. Йўлдан чиқаришади... Шунини билиб қўйки, то бизнинг наслимиз тирик экан, бу уйга бошқа одамнинг, бегонанинг қадами етмайди.

Ҳури булар ҳамма нарсадан хабардор бўлишибди, деган фикрга келди.

— Ундай бўлса, мен бу уйда бир кун ҳам турмайман.

— Бизга йўқ дема, Ҳури хоним, бизга кожлик қилма!— Салим ога хизматкорлар лаҳжасида сўзлади.— Вафодор деганлари дадасининг савобига сени ҳимоя қилаётгани йўқдир, ахир? Ҳаммасини биламиз. Нонни қулоғимиз билан еб юрганимиз йўқ ҳали. Ҳа... Шунини яхши билиб қўй, етим қўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой қилар, етим бола асрасанг, жигар-бағринг

доғ қилар. Бу уйдан бир чўп ҳам ташқарига чиқарилмайди...

— Ҳаммаси сизларга бўла қолсин, сизларга бўла қолсин. Боринглар, мендан қўлингизни тортинглар!— саросима ичида жавоб берди Ҳури.

Сафиқулибек унга бошдан-оёқ разм солиб чиқиб, мўйловларини буради.

— Менга сенинг молинг керакмас! Менга сенинг ўзинг кераксан. Худо менга мол-дунёни шунчалар кўп берганки, йиғиб-йиғиштириб улгуролмайман. Бошқанинг молига тикилган кўзим йўқ менинг.

«Ёлгончининг падарига минг лаънат!»— ўйлади ичида Салим ога ва Ҳури хонимга қараб:

— Ҳой, Ҳури хоним,— деди,— сенга қандай ширин сўзларни айтиб турибди-я шундай одам! Бундай яхши йигитни етти ухлаб тушингда ҳам топмайсан!

— Узун сўзнинг қисқаси,— Жаҳон хоним қатъий таклифини билдирди,— Сафиқулибек сенга ошиқи беқарор бўлиб қолган. Унга тегасан, вассалом!

Ҳури саросималаниб, шошиб қолди. У нима қилишини билмасди. Булар билан баҳслашиб ўтириш бейғойда эканини сизди, маслаҳатни эрталабгача қолдиришга уринди.

— Ҳозир кетинглар, тун ўтсин. Эрталаб бўлса яна бир гап бўлар. Кечанинг хайридан кундузнинг шаръи яхши деган-ку ота-боболар.

Сафиқулибек яна мўйловини буради.

— Ҳури хоним, ўзинг хайрингни ва шаръингни яхши билиб ол. Кўп ҳам менинг ғашимга тегаверма, ёмон бўлади.

— Сизга ёлвораман, мени тинч қўйинг, қўлингизни тортинг мендан!— Ҳури бераҳм овчиларнинг тузогига тушган оҳу каби йиглади. Соҳиб уйғонди. Кўзларини ишқалаб, уй ичидагиларга ҳайрат билан қаради, тезлик билан онасини улардан айириб олишни истади ва ўрнидан тура бошлади. Ҳури бориб уни қучоқлади.

— Сен ётавер, ўғлим.

— Нега йиғлаяпсиз, она?

Ҳури ўзини тутолмай уларни қарғади:

— Нега йиғламай, ўғлим. Олло буларнинг уйини куйдирсин. Ҳеч ўз ҳоли жонимга қўйишмаяпти булар.

Жаҳон хоним эшикка томон юра бошлади ва Сафиқулибекка:

— Бунӣ яхшилик билан йўлга солиб бўлмайди. Мен кетдим. Энди нима қилсанглар ўзларинг биласизлар!— деди ва эшикдан айвонга чиқиб, пастга тушиб кетди.

Ҳовлида, пиллапояннинг тагида қоронғилик ичидан бир овоз эшитилди:

— Жаҳон хоним, нима бўлди? У ерда биров бақриб йиғлаяптими?

— Райҳон хоним, сенмисан?— Жаҳон хоним қўшини таниди.— Нима қилайлик? Бу беҳаё обрўйимизни тўқди. Шаръий эрининг ёнига бормайман дейди. Чик, балки сенинг гапингга кирар.

Райҳон хоним юқорига чиқиб, хонага кирганида Ҳурининг билагини Сафиқулининг қўлида кўрди. У Ҳурини тортиб, дерди:

— Кел ёнимга, никоҳлаб олган хотинимсан, уйга олиб кетаман.

Соҳиб онасининг қаршилиқ қилаётганини, тортишиб, унинг қўлидан чиқа олмаётганини кўриб, тўшаги устидан сакраб тушди, келиб Сафиқулибекнинг қўлидан ушлаб, шарт тишлаб олди. Сафиқулибек болани чунонам итариб юбордики, у коптокдек учиб бориб, хонанинг нариги чеккасига тушди, орқаси деворга тегди. Сафиқулибек болага қараб юрди. Ҳури хоним боласи таҳликада қолган йўлбарсдай ўзини Сафиқулининг устига отди.

— Хонангиз барбод бўлсин сиз жаллодларнинг!— деб қичқирди ва унинг юзига тупурди.

Сафиқулибекнинг йирик, баҳайбат қўли ҳавода айланиб Ҳурининг бошига тушди, Ҳури ерга йиқилиб, ўзидан кетди.

Мана шуларнинг ҳаммасига индамай қараб турган, Сафиқулибекнинг қўли қонга ботишини истаган Салим Соҳиб ўрнидан туриб, бурчакдаги таёқни қўлига олганини кўрди ва бола таёқни Сафиқулининг бошига урганда бунга монелик қилмади. Лекин боланинг зарбасидан титраб кетган бўлса-да, йиқилмаган Сафиқулибек тамомила ваҳшийлашди. У даҳшат билан бориб боланинг бўғзига ёпишди.

— Ўлдираман, итвачча!— деди ва уни кўтариб деворга урмоқчи бўлди.

Райҳон хоним ўртага тушди, болани бир амаллаб унинг қўлидан тортиб олди.

— Нима қиляпсиз, худонинг қаҳридан қўрқмайсизми!

Райҳон хоним болани икки қўллаб қучоқлаб олди, бағрига босди. У Сафиқулибекни ўзига яқин йўлатмасди. Шу пайт Ҳури ўзига келди. Ҳар томонга аланглади. Соҳибни кўриб тўлганди, Сафиқулибекка қараб деди:

— Илоҳим уйингда бойқушлар увласин!

Сафиқулибек унинг билагидан ушлаб, нариги хонага қараб судрай бошлади. Ҳури қичқирар, бу айиқнинг қўлидан қутулишга тиришарди. Шунда Соҳиб юлқиниб Райҳон хонимнинг қўлидан чиқди. Таёқни олиб Сафиқулибекнинг белига урди. Сафиқулибек онасини қўйиб, боласига ёпишди, уни бўғмоқчи бўлди. Райҳон хоним қараса, болани соғ қўймайдиган. Отилиб бориб Соҳибни бағрига босди, уни қучоқлаб олганча эшикка қараб юрди.

— Кетдик, ўғлим, кетдик, уйда сени Гулёноқ кутяпти.

Соҳиб кетишни истамай, ўзини у ён-бу ён отар, онасига ёрдам бермоқчи бўларди. Райҳон хоним уни айвонга олиб чиққанида Сафиқулибек Ҳурининг сочларидан тортиб, нариги хонага судраб борарди. Она у тарафда фарёд солар эди, бола бу тарафда... Бу манзара ўз даҳшати билан абадий бола хотирасида муҳрланиб қолди. Кўп нарсалар унинг хотирасидан кўтарилиб, ўчиб кетиши мумкин эди. Лекин онасини топтаб судраган Сафиқулибекнинг ваҳшийлиги, онанинг алам, қўрқинч, фарёд тўла кўмаксиз кўзлари ҳеч қачон унинг ёдидан чиқмасди. Бу манзара унинг ёдида унутилмас бўлиб муҳрланиб қолди.

\* \*

\*

Райҳон хоним зудлик билан пиллапоялардан тушиб, фожиалар билан тўлган ҳовлидан қочиб чиқди. Она, она, деб зорланишдан тўхтамаган, типирчилаб, ўзини отиб йиғлаган Соҳибни уйга олиб келди. Ялиниб-ёлвориб, базўр бир қултум сут ичирди. Бу овозларга кичкина Гулёноқ ҳам уйғонди. У ойиси билан

бирга Соҳибни овутишга тушди. Лекин Соҳиб йиғидан тўхтамасди. Оналаб дод соларди, қичқирарди. Райҳон хоним умрида биринчи марта бундай мушкул вазиятда қолиб, қарғана бошлади:

— Сени онангдан айирганларнинг жигари куйсин, болам! Ахир, мен нима қилай, онангни қаердан чақириб берай сенга?

Райҳон хонимнинг ёниб-куйиб нола қилиши болага таъсир қилди. Бир дам жим бўлди ва кўзларини Райҳоннинг юзига тикди. Райҳон тез уни бағрига босди, ўпиб, бошини силади.

— Сен менинг яхши боламсан, ке, юзларингни ювиб қўяй, сал енгил тортасан. Гулёноқ билан бирга бир жойда ётасизлар, хўпми? Қани келинглари-чи, тахтанинг устига сиғармикинсизлар.

Лекин Соҳиб яна тўлғанди, лаблари қийшайди, кўзларидан дувиллаб ёш оқа бошлади: «Онамнинг олдига бораман! Онамнинг олдига бораман!»

Райҳон яна уни овутишга тушди, гапга солишга ҳаракат қилди. Гулёноқ қўғирчоқларини олиб келиб ўртага тўкди. Соҳибни бирга ўйнашга ундади.

— Ана, қаранглари, сизлар қўғирчоқларингизни ухлатиб бўлгунларингча Идрис амакинг ҳам келиб қолади, у бориб онангни олиб келади. Йўқ, шунақа йиғлайверсанг, келмайди. Идрис амакинг йиғлоқи болаларни яхши кўрмайди.— Райҳон хоним Соҳибни андак бўлсин овутиб тинчлантирди, чорпоя четига толиқиб ўтирди ва Идриснинг келишини кута бошлади.

Вафодорнинг ҳам кўзи йўлда эди. У Тифлистан хабар кутмасдайди. Ё Идрис ва ё Алимирза сардорликка маълум қилишлари керак эди. Лекин ҳали ҳеч нарсадан дарак йўқ эди. Вафодор шу хаёллар билан дўконга борар, ишдан қайтар, кўнгли тинчимас, бир ерда муқим туролмас, безовта эди. Бугун у ҳали кеч тушмасдан дўконни беркитди, уйга қайтиб, Сакина ва Жаъфар билан шомлик қилди, бирпас созни чертиб ўтирди, кейин бунга ҳам ҳуши бўлмай, уни четга олиб қўйди.

— Чалолмайман, хаёлим жойида эмас... кўнглимга сигмаяпти...

— Вой, ака, кимдир келганга ўхшайди, қўшнинг ити хурди... Кимдир биз томонга ўтди!— деди Сакина ётишга ҳозирланаётган Вафодорга.

Вафодор тезлик билан тўвини елкага ташлаб ташқарига чиқди. Шу пайт ўзларининг итлари ҳам вовуллай бошлади. Вафодор эшикка борди.

— Ким?

— Мен, Вафодор, оч!— Идриснинг эзилган, мазлум овози эшитилди.

— Ий-е, нима бўлди, жуда овозинг ғалати, бир фалокат бўлдими?— Вафодор эшикни очиб, уни тез ичкарига олди.— Қани, айт, нима бўлди?

Сакина чироқнинг пилигини кўтарди. Учаласи ҳам Идрисга қараб ҳайрон бўлиб қолишди. Идрис танимайдиган даражада ўзгариб кетган, ранги боши бир ҳолатда эди. Юзи мурдадай оқарганди.

— А-а, нима қилди?

Идрис Вафодорга қараб ҳўнграб йиглаб юборди. Унинг бўйнидан кучоқлади.

— Мени кечир, жигарим, сенга хиёнат қилиб қўйдим.

Ҳаммалари уни тинчлантиришга тушдилар. Шундан сўнг у бошига тушган ишларни бирма-бир сўзлаб берди.

— Воллоҳ, ўлимга рози эдим, лекин нима қилай, кўзсиз яшай олмайман. Утинаман, менинг қилган гуноҳимни кечир.

Вафодорнинг юраги бир сесканиб тушди.

— Дарров ҳаракат қилмасак бўлмайди, Ҳуриннинг бошига ҳам бир иш тушганга ўхшайди. Туринглар, борайлик.

Улар Сакинани ёлғиз ташлаб, ҳовлидан чиқдилар. Идрисникига келиб, эшикни тақиллатдилар. Болаларни гапга солиб, ухлатиш пайида бўлган Райҳон ўрнидан турди:

— Аҳ-а, кимдир келди, чиқайлик-чи, ким экан, Идрис амакинг бўлса керак, ё Вафодордир, бирон хабар олиб келган бўлишса эҳтимол.

Райҳон хоним тез эшикни очди. Икки кун ичида ориқлаб, раиғлари кетиб, бир ҳолатда бўлиб қолган Идрис Вафодор билан Жаъфарни ичкарига киритди. Вафодорни кўрган заҳоти Соҳиб яна тўлғана бошлади. Ўзини унинг бағрига отди, ҳўнграб йиглади.

— Онамга бораман! Онамга бораман!

Вафодор болани қучоқлаб олди. Юз-кўзларидан ўлиб, тинчитишга уринди.

— Йиғлама, сени ҳозир онангнинг ёнига олиб бораман!— деди ва саволомуз Райҳон хонимга боқди.

Райҳон хоним бўлган воқеаларни бирма-бир сўзлаб берди. Вафодор турган ерида ғалати бўлиб, довдираб қолди. Бир зум нима қилиши кераклигини билмай турди. Совуқ кўзларини бир нуқтага тикди, ўйга ботди. Ниҳоят, Соҳибни Райҳонга бериб, Идрис билан Жаъфарга деди:

— Бирпас ҳам кечиктириб бўлмайди, орқамдан юринглари!..

Улар уйдан чиқиб, қоронғилик ичра гойиб бўлганлариди Райҳон баланд овоз билан:

— Худоё, ўзинг уларга мадад бергайсан!— деди ва ҳолдан тойиб, кўзлари юмилиб кетаётган Соҳибни Гулёноқнинг ёнига ётқизди.

Ўзининг эса бутунлай уйқуси қочган эди...

## САККИЗИНЧИ ФАСА

### 1

Сафиқулибек Ҳурининг оқ оралай бошлаган қора, жингалак сочларидан тортиб нариги хонага судраётганида Ҳурининг назарида ердан қора алангали вулқон кўтарилиб, уни бутунлай ўз бағрига олиб кўкларга, баланд тоғларнинг тепаларига олиб чиқиб кетаётгандай бўлди. Олов уни шу қадар зўр шиддат билан кўтариб кетмоқда эдики, ер-кўк боши узра чириллаб айланарди. Кўзларини туман қоплади, бутун олам оромсиз қалтираган қора тўр тусига кирди, шаклини йўқотди. Вулқон сира пасаймас, балки тобора зўрайиб борар, қулоқлари остида даҳшатли суратда гувиллар ва яна кўклар сари баландларди. Ниҳоят, булутлардан ҳам юқорироқ кўтарилгач, уни пастга қараб ташлаб юборди. У тубсиз қоронғиликка шўнғиди, чоҳи кўринмаган дараларда ваҳший ҳайвонлар уни тилка-пора қилиш учун огизларини очиб турар эдилар. У шу зулмат даралар сари тушиб кетмоқда эди...

— Ҳушидан кетиб қолди, бирпас сабр қилинг,

юзига сув сепинг,— деди Салим ога ошкора ижирганиб Сафиқулибекка.

Сафиқулибек ўчоқ устидаги қозон каби қайнаб-тошарди. Унга ҳозир яқин йўлаб бўлмасди. Салимнинг гапидан зардаси қайнаб кетди:

— Сен нега менга қоровул бўлиб турибсан? Бор, файтонни қўш! Безрайишини қаранг!

Бу сўзлар шунчалар алам ва аччиқ билан айтилдики, худди Ҳурини қаршилиқ қилишга Салим ога ундагандай эди. Салим ога ҳам нафрат акс этган кўзларини унга тикканида уларнинг кўзлари тўқнашди. Бир он ичида Сафиқулибекнинг юзи газабдан оқариб кетди, кўзлари ола-кула бўлди. Салим ога жанжаллашиб ўтиришни истамай, ўзини эшикка урди. Агар яна бир зум бу ерда қолса, ёмон сўкиш эшитишини, сўкиш эшитганидан кейин эса ё орнятини йўқотиб индамай туриши ва ё ёқалашиши кераклигини сезд. Эшик ёпилганида Сафиқулибек унинг ортидан тупурди:

— Аҳмоқ сўтак!

Сафиқулибек нимадир эсига тушиб, чапдастлик билан яна эшикни очди ва Салим оганинг кетидан қичқирди:

— Менга қара, ҳей, эгоҳ бўлиб туринглар, хизматкорларга айт, ҳушёр бўлиб туришсин, бу ерга ҳеч ким кирмасин, эшитдингми!

Салим ога индамади. Бу Сафиқулибекнинг юзига тарсаки ургандан ёмон таъсир қилди. Салим огани чақиб олди:

— Қачон бўйнингдаги ишни адо қиласан? Дадамга берган ваъданг эсингдан чиқдимиди, бир ғайрат қил, кўрайлик!

Бу сафар Сафиқулибек Салим огадан жавоб кутиб ўтирмасдан эшикни беркитди. Шу билан Салимдан қилган қўполлиги учун ўч олгандай бўлди. Сафиқулининг сўзлари Салимнинг юрагига наштаардай санчилган бўлса-да, индамади. Лекин ичида яна бир карра уни яниб қўйди: «Пайти келганда темирчидан ҳам аввал сенинг ишингни битираман, ога! Менинг ўз уйимда туриб менга хўжайинлик қилишни сенга кўрсатиб қўяман! Бу Салим кечаги навкар эмас! Хомхаёл бўлиб қолибсан, Сафи бола!»

Сафиқули ҳам эшикни ёпганидан сўнг ўйланиб қолди: «Бу малай жуда сурбет бўлиб кетяпти. Уни

бошдан соқит қилмасам бўлмайдиганга ўхшайди! Ба-  
шарасига қарасам, кўнглим айнийди!» Сафиқулибек-  
нинг юрагида Салим оғага қарши нафрат уйғонганига  
анча бўлган. У ҳам худди отасига ўхшаб, бир малай-  
нинг шунча давлатга, қўй-қўзига эга чиқиб ўтириши-  
ни ҳеч юрагига сиғдиrolмасди. Нарироқ бориб у ўз-  
ларига бўйин эгмай қўйишини сеза бошлаган эди-  
лар. Унинг Салим оғадан нафратланиши табиий  
эди. Салимни ўзига рақиб деб биларди, бу рақиб-  
лик мол-давлат, обрў-эътибор талаш юзасидан туғил-  
ганди.

Ўури хонимни қўлга киритиб, хотинлари қаторига  
қўшгандан сўнг бу томондан кўнгли тинчиб, сўнг Са-  
лим оға билан шуғулланишга қарор қилди ва эшикни  
ичидан беркитиб, Ўурига қаради. У ҳушига келгани-  
ни кўриб, кўзлари ёнди. Ўури узоқ ухлаб турган  
одамдай ҳайрат ва таажжуб ичида атрофга аланглар-  
ди, худди ўз уйини танимаётганга ўхшар, қаерда  
турганини билмоқчи бўларди. Кўзлари Сафиқулибек-  
нинг кўзлари билан тўқнашганидан кейин дарров кўй-  
лак ёқаларини тузатди, тўзғиган сочларини тартибга  
сола бошлади. Кўйлагининг йиртилганини кўриб, ик-  
ки қўли билан ёқасини беркитди. Йиртқичдан қочган-  
дай, девор томонга сурилди. Сафиқулибек унинг кўз-  
ларида акс этган беҳад ғамгинлик ва ғуссани тобелик  
аломати деб англаб, мулойим ва жиддий товуш билан  
деди:

— Ўури хоним, бекорга ўзингни ҳам, мени ҳам  
хафа қилма! Олло таолонинг ҳукми шундай, сен нега  
қаршилиқ қиласан!

Ўури бу сўзларни эшитмади. Ҳуркак ва чала ҳуш-  
сиз ҳолда хона ичига кўз югуртирди:

— Мен қаердаман? Бу ер қаер? Соҳиб қани?

Сафиқулибек уни сабр-тоқат билан яхши гапириб  
кўндиришга урина бошлади:

— Қўрқма, сени ҳеч ерга олиб кетганим йўқ. Бу  
ер сенинг ўз уйинг. Ўз хоналаринг. Сени ҳеч ерга олиб  
кетмайман. Истасанг, бир кун, икки кун, бир ҳафта,  
беш ҳафта, бўлмаса, бутунлай ўз уйингда қолишинг  
мумкин.

У ҳамон деворга қисилиб, ёқасини маҳкам беркит-  
ганча ўзининг қаерда эканини, нималар рўй бергани-  
ни аниқлашга уринаётган Ўурига яқинлашди. Йирик,

қора жун босган қўлини чўзиб, унинг оппоқ, майин қўлидан ушлади:

— Тур, кел, жойингга ёт, тинчлан!— деди.

Унинг қўли тегиши билан Ҳури дик этиб ўрнидан турди, ўзини четга олди. Келиб боягина Соҳибнинг нафаси эшитилиб турган ётоқнинг бир чеккасига ўтирди. Ётоққа диққат билан қаради, ёстиқни тузатди:

— Соҳиб қани? Қани Соҳиб?— деди кўзлари уй ичида олазарак кезаркан.

— Сен менинг гапимга кир, Соҳиб ҳам сен билан бўлади, бунга ижозат бераман!— Сафиқулибек яна унга яқинлашди, ёнига ўтирмоқчи бўлди.

— Йўқ, йўқ, худо ҳаққи, бу ерга ўтирманг, менга қўл тегизманг!— ёлворди Ҳури.

Сафиқулибек унинг қаршилиқ кўрсатмасдан, ялиниб-ёлворишга ўтганини кўриб, ичида суюнди.

— Майли, майли, у ерга ўтирмайман,— деб нари кетди. Соҳиб ўтирадиган дарча олдидаги ерга бориб ўтирди.— Сен ақл-ҳушингни йиғиштириб ол, ўз танангга бундай ўйлаб кўр, бунча терсликдан нима фойда? Худо номига қасам ичиб айтаманки, мен сени Муҳаммад Ризобекдан ортиқ қадрлайман!

Бу исмни эшитиб Ҳури бошини чайқади, кўзларини юмиб очди. Сўлгин ёноқларидан дувиллаб ёш қуийилиб туша бошлади. Кўз ёшлари тинмаган ҳолда ҳазин сўзлашга тушди:

— Сафиқулибек, худо ҳаққи, мени тинч қўйинг. Мен сизга хотинлик қилолмайман, ахир, сиз мени нима қиласиз? Нима, хотин қуриб қолдимиз, қиз зотига қиргин келганми? Кимни истасангиз, ўшани ола биласиз. Учта хотинингиз бор, яна ёнига учта олсангиз, биров финг демайди. Мендан қўлингизни тортинг!

— Яхшилаб ўйлаб кўр, Ҳури хоним, гишт қолипдан кўчган, сендан воз кечолмайман. Сени никоҳлаб олганман. Мана никоҳ қоғози.

Ҳури унинг ён киссасидан чиқариб кўрсатган қоғозига ҳатто қарамади ҳам.

— Ўзингиз яхши биласизки, у қоғоз ясама қоғоз, унинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Уни қандай ёздирган бўлсангиз, эртага бориб шундай буздиринингиз ҳам осон. Бошқатдан ўқитарсиз...

— Хўп, майли, сен айтгандай ҳам бўла қолсин. Сендан воз ҳам кечай. Ахир, бошқалар сенга қўл

узатмайдими, билиб қўй, сени барибир тинч қўйишмайди. Бошимизга бало орттирасан...

— Онт ичаманки, мен ҳеч қачон сизга қарши бормайман. Қуръонни олиб келинг, қўлимга ушлаб ҳам шундай дейман.

— Унда бу нима?— Сафиқулибек қўлтиғидан қоғоз чиқариб кўрсатди.— Ана, кўрдингми, сенинг бошингни шундай қилиб айлантираверишади!

Ҳури Идрис орқали сардорликка жўнатилган қоғозни таниди: «Демак, ҳамма йўллар беркилган экан-да, нажот йўқ экан-да!» Кўз ўнгига атроф яна чир айлана бошлади. Кўз ўнгини қоронгилик босди. Сафиқулибек эса давом этди:

— Эсингда бўлсин, Ҳури хоним, бизнинг қўлимиздан қутулиш осон эмас. Кимда-ким бизга ёмонлик қилса, жонидан умидини узсин...

— Идрисни ўлдирдингларми, а?— умидсиз ва эзилган ҳолда сўради Ҳури.

— Унинг нимасини ўлдирамыз,— эътиборсизлик билан жавоб берди Сафиқулибек.— Қўлимизни ҳар итнинг қонига булғайверишдан ор қиламыз. Фақат уни шу йўлга бошлаганлар омон қолмайди.

Сафиқулибек бу сўзларни айтаркан, афти буришди, ранги кесакдек оқарди, овози титради. Ҳури у Вафодорни назарда тутаётганини билди.

Яна Ҳурининг хаёллари бир-бирига қоришиб, чалкашиб кетди. Кўзи хиралашиб, бутунлай умидсизликка тушди: «Бир мени деб неча одам бахтиқаро бўляпти... Вафодор, Идрис, Жаъфар, Райҳон хоним... Худойим, нега мени бу қадар толеи паст қилиб яратгансан?»— деб ўйлади у ва Сафиқулибекка мурожаат этди:

— Сиздан илтижо қилиб сўрайман, мени деб ҳеч кимга зарар еткизманг. Мени деб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилмасин. У қоғозни ёзишдан мақсадим сиздан шикоят қилиш эмас эди. Келиб менга ёрдам беришларини илтимос қилган эдим. Боламни олиб бу ердан чиқиб кетмоқчиман бутунлай. Отасини қандай ўқитишган бўлса, боласини ҳам шундай ўқитишсин. Бошқа таманно қилган нарсам йўқ. Истасангиз, бу ерлардан бутунлай кетаман, ҳеч қачон қайтиб келмайман.

• Сафиқулибек қоғозларни буклаб киссасига солди.

— Майли, сен айтганча бўлсин. Виз розимиз. Чиқиб кет, обор болангни, Русияда ўқит. Бу ерларга хоҳласанг келарсан, хоҳламасанг йўқ. У сенинг ўз ихтиёрингда. Фақат бир шарт бор...

— Мен ҳар қандай шартга розиман!— Ҳури даҳшатли фожианинг бу қадар осон ҳал бўлиши мумкинлигидан севиниб-севинишини ҳам билмай, ярим шубҳа ичида жавоб берди.

— Шарт шуки, Муҳаммад Ризобекнинг сенга ёзилган васиятномасини менга берасан. Ўшанда сендан воз кечаман. Эртадан озодсан. Қаерга истасанг, чиқиб кетавер. Айтган гапларинг рост бўлса, қани, бер ўша васиятномани, сен ҳам тинчи, биз ҳам.

Ҳури энди қўлга тушганини сизди. Назарида буларнинг бари қора төленинг пастлигидан эди. Нима қиларди икки кун бурун ўша қоғозни Вафодорга бериб? «Бахтсизлик келса, ҳар тарафдан келади,— деб ўйлади у.— Богланганда ҳамма йўллар бирдан богланади!» Ҳури жуда зийрак хотин эди, у Жаҳон хонимларга сира ҳам ишониб бўлмаслигини яхши англади. Лекин, шунга қарамасдан ҳозир Сафиқулининг сўзларига чиппа-чин ишонди. Шуларнинг ҳаммаси оддий бир тузоқ, уни калака қилиш учунгина бўлаётган гаплар эканини ҳозирги ҳолатида яхши идрок этолмай қолди. Нега ўша бир парча қоғоз ҳозир қўлида эмас! Қўлида бўлганида чиқариб берарди, бутун балолардан қутулиб кетарди. Сафиқулибек эса, яхши гап билан васиятномани унинг қўлидан олмоқчи, сўнг ўз билганича иш кўрмоқчи эди. Мана буни бир ўқ билан икки қуёшни уриш дейдилар. Ўша қоғоз қўлига кирса, Салим огани бутун мол-давлатдан ёки жуда бўлмаганда мол-давлатнинг катта улушидан маҳрум қилган бўларди. Ҳар ҳолда ўртада жанжал чиқадиغان бўлса, бу қоғоз билан унинг оғзига уриш, нафасини ўчириш, тилини қисқа қилиб қўйиш мумкин эди. Бошқа бир жиҳатдан олганда, бу қоғоз қўлидан чиққанидан кейин Ҳури хоним сўнгги тираги, суянчиғидан ажраларди. Унда Ҳурини қўлга киритиш, хотинларининг ёнига олиб бориб қўйиш хамирдан қил сургундай осон кўчарди.

Ҳури ҳамон ҳаяжондан қутулмаган, каловланиб турарди. У Сафиқулибек ҳозир: «Васиятномани чўз!»— деб дўқ қила бошлайди, деб кутарди. Лекин

Сафиқули индамай турганини кўриб, шубҳага тушди. Бу шубҳа Ҳурини ҳушёр қилди:

— Йўқ! Сиз мени алдаяпсиз!— деди.— Мен сизга ишонмайман. Онт ичинг!

Сафиқулибек бир он ўйлаб ўтирмасдан, шошилинч деди:

— Онт ичаман оллога, пайғамбарга, қуръонга... Васиятномани берсанг, сенга то қиёмат яқинлашмайман, сен билан ҳеч қандай ишим бўлмайди! Бор, олиб ке...

Ҳури каловланиб қолди. Агарда у Сафиқулига: «Сенга ҳеч нарса бермайман, хотин ҳам бўлмайман!»— деганида эди, бунчалар каловланмаган, қарама-қарши ҳислар ичида чувалашиб қолмаган бўларди.

Лекин ундай деёлмасди, нима бўлмасин, қандай қилиб бўлмасин, ҳозир бунинг қўлидан қутулишни, боласини бағрига босишни истарди. У қанчалар огир вазиятда қолган бўлмасин, ниҳоят, иродасини бир ерга тўплаб ўзини қўлга олди, Сафиқулибекда шубҳа уйғотмаслик учун юмшоқ овоз билан деди:

— Бир кеча менга муҳлат беринг, васиятномани бир ерга беркитиб қўйганман, уни қидириб топай, эртага пешин пайти одам юборсангиз, бериб юбораман.

Сафиқулибек кутилмаганда ғазабга минди, ваҳшат ичида бўртиб қизарди, ўрнидан дик этиб турди:

— Демак эртагача маслаҳатлашасан, мол-давлатдан воз кечиш, кечмаслигингни сўраб оласан, а?

Ҳури бирдан бутун вужудида аллақандай ҳоргинлик ҳис қилди. Назарида ҳозир озода, чироқ нурига ғарқ бўлган уйда эмас, қоронғи зулматга чўмган зиндонда тургандай бўлди, мана, неча соатлардан бери раҳмсиз, дағал, ярамас терговчи уни қийнаб, жонига озор бериб, қийлакор, мушкул саволлар билан руҳий азобларга солмоқда, юрагини яраламоқда. Ҳурига ҳаво етишмай қолди, у бўғила бошлади, қаттиқ оҳ чекиб, яна ялина бошлади:

— Онт ичиб айтаманки, менга ҳеч нарса керак эмас. Майли, бу уй, бу бойлик, бу мулк ҳаммаси сизники бўла қолсин. Ана, истасангиз олиб кетинг ҳаммасини. Фақат мени тинч қўйинг. Ҳаммасидан воз кечаман, уйдан, сурувлардан, ҳаммасидан воз кечаман, менга ҳеч нарса керакмас. Отамнинг уйдан кийиб келган кийимимда чиқиб кетаман бу ердан. Эрим

келтириб берган нарсалар ҳам, кийим-кечаклар ҳам, ана, сизники бўлсин, олинг. Фақат қўйинг, боламни олай, чиқиб кетай бу даргоҳдан. Биз билан сира ишингиз бўлмасин, бизни унутинг, ёдингиздан чиқариб ташланг. Шундай бир ерга кетаманки, то қиёматга довур овозимизни эшитмайсиз. Очимдан ўлмасман ахир. Ишлайман, бировларнинг хизматини қиламан, боламни вояга етказаман. Фақат сиз тинч қўйинг бизни!

Ҳури бу сўзларни жуда ҳазин ва жуда секин сўзлади. Кўзларидан оққан тинимсиз ёшларни арта-арта сўзлар, лекин бошини кўтариб Сафиқулибекка боқмасди. Назарида, айтаётган сўзларга тош бўлса эриб кетарди, инсон юраги эса тош эмас, шунинг учун унинг алоҳа раҳми келар, эшикни очиб: «Бор, чиқиб кет, болангни олиб қайга борсанг боравер!»— деб руҳсат берадигандек эди. У гапираётганида нозик, зариф дудоқлари базўр қимирлар, паришон сочлари рўмонининг остидан елкаларига тўкиларди. Ёқаси йиртилган кўйлагининг орасидан кўкрагини рўмол учи билан беркитиб олганди.

Яна бориб дарча олдига ўтирган Сафиқулибек унга сузилиб, кўнгли суст кетиб қараб ўтирарди. Мўйловларини бураб-бураб қўярди. Бояги ғазоби андак совиганди. Ҳали Вафодорни эслаганида эркаклик ғурури уйғонди. Бир куни унга: «Йигит бўлсанг, олиб кетавер!»— деган сўзларини эслади ва ичиди: «Энди ҳеч қачон олиб кетолмайсан»— деб қўйди. Мана шу нарса Сафиқулибекнинг руҳини кўтарди. У қаҳр-ғазабни бир тарафга йигиштириб қўйиб, Ҳурига не замонлардан бери ўзи орзу қилиб юрган хотинга қарагандай қарай бошлади. Энди у Ҳурининг гапларини эшитмасди, Ҳурининг нафис титраган гўзал дудоқлари, йиртиқ ёқа остидан билиниб турган оппоқ гулдай кўкраклари ҳаёлини буткул олиб қочган, шу сийнанинг ҳарорати уни ғойибона элитар, у шу оппоқ товланган бўйинларидан қандай қилиб қучоқлашини тасаввур қилар эди. Шу дақиқада бошига яна бир фикр келиб қолди: «Ишни шу даражага олиб боргандан сўнг охирига еткизмасанг, ғирт аҳмоқ бўлиб қоласан. Қолбуки, Ҳурини энди ўзимга хотин қилиб олсам, ҳамма нарса яхши бўлиб кетади. Васиятномаю шикоятларнинг сариқ чақалик аҳамияти қолмайди.

Вафодор ҳам, бошқалар ҳам орқада қолиб кетадилар. Агар ҳозир ожизлик қилсам, бутун даъво-жанжаллар яна қайтадан кучаяди. Чунки Ҳури яхшилик билан, ўз розилигича менга хотин бўладиганга ўхшамайди».

Мана шу фикрлар таъсирида Сафиқулибекнинг юрагида ҳайвоний туйғулар уйғонди. У мўйловларини силай-силаё кўзларини сузиб, Ҳурига шаҳват ҳисси билан боқарди. Ҳури эса унинг индамай қолганини, ювошгина бўлиб ўтирганини раҳми келган бўлса керак, деб ўйлади ва кўзининг қирини унга ташлади. Даҳшатга тушди. Сафиқулининг вазоҳати қўрқулик, у овининг устига отилмоқчи бўлиб турган йиртқичга ўхшарди. Ҳури беихтиёр тахтанинг бош томонига сурилди. Ўзи ҳам сезмасдан юмшоқ, нозик баданининг ҳаракати билан Сафиқулибекнинг эҳтиросини алангалатиб юборди. Бек ўрнидан турди, секин-секин Ҳурининг устига юрди. Яқинлашиб, уни қучоқламоқчи бўлди. Ҳури шаҳд билан унинг қўлидан чиқди ва қўлини ёстиқнинг тагига тиқиб, каттакон тўппонча олди. Тўппончани Сафиқулибекнинг кўкрагига тиради:

— Тегма, отаман!

Сафиқулибек қутуриб кетди. Мушти билан Ҳурининг қўлига урди. Тўппонча ерга тушди. Ҳури ўзига ташланган Сафиқулидан қочиб, даҳшатли фарёд кўтариб ўзини эшикка урди. Илгакни туширди ва айвонга чиқиб қочмоқчи бўлди. Лекин кучли қўллар уни орқадан маҳкам ушлаб олди. Ҳурининг назарида жисми қаттиқ исканжага тушгандай бўлди. У чинқиб дод-фарёд кўтарди. Пиллапоя тагидаги ит занжирини кемириб ҳура бошлади. Огилнинг эшиклари очилди. Хизматкорлар, оқсочлар ҳовлига югуриб чиқдилар. Кимдир пастдан баланд овоз билан қичқирди:

— Ҳой, болам, у шўрликдан қўлингизни тортинг! Худонинг қаҳридан қўрқинг! — деб пиллапоялардан айвонга кўтарилди, унинг орқасидан сўкина-сўкина бошқалар ҳам тепага чиқиб кела бошладилар.

Бу пайтгача Сафиқулибек Ҳурини ичкарига судраб кирган, эшикни беркитганди. Уй ичида икки одамнинг олишиб ётгани аниқ билиниб турарди. Ҳурининг овози, фарёди ҳамон босилмасди. У қичқариб, нола қилиб ёрдамга чақирарди. Оқсочлардан бири жуда ҳам эзилиб кетиб эшикни қаттиқ-қаттиқ ура бошлади.

— Худодан қўрқинг, Сафиқулибек, у бечорага тегманг!

Бу шовқин-сурондан Салим оға билан Жаҳон хоним ҳам ташқарига чиқдилар. Улар панжара, эшикларни уриб Сафиқулини қарғаётган, сўкаётган хизматкорлар ва оқсочларга қичқиришди:

— Нега қаргага ўхшаб қагиллайсизлар! Учиринглар овозларингни! Боринглар ҳамманг жойларингга!

Хизматкорлар жим бўлиб қолдилар. Уй ичида ҳам овсзлар ўчди. Эшик очилди. Сафиқулибек Жаҳон хоним билан Салим огани ичкарига киритди. Хизматкорлар ва оқсочлар тарқала бошладилар. Лекин ётолмадилар. Кўзларига уйқу келмади. Қулоқларини динг қилиб ташқарига қулоқ солганча оҳиста пичирлашар, Сафиқулибекни қаргашар, Ҳури шўрликнинг ҳолига юраклари куярди. Ҳовлида эса ҳаракат босилмасди. Гоҳ Жаҳон хоним пастга югуриб тушар, гоҳ Салим тепага гурсиллаб кўтариларди. Бир оз ўтгач, Салим оға Ҳурининг айвонига чиқиб, пастга қичқирди:

— Кал, тез файтонни қўш!

— Бош устига!— деб овоз берди болалигида бошига яра тушиб, сочи тўкилиб кетган ва шунинг учун ҳам «кал» деб лақаб олган отбоқар йигит.

Барча хизматкорлар ичида Салим оға фақат шу кални ёқтирарди. Бошқа ҳеч кимга унга ишонганчалик ишонмасди. Бекитиқча ишларининг кўпини калнинг қўли билан битирарди. Чунки кал шундай бир сдамлар тоифасидан эдики, унинг оғзидан ҳеч қачон ортиқча сўз чиқмасди. Оғасининг сирини ҳеч кимга ҳеч қачон фош қилмасди. Кал отхонага бориб, отларни олиб чиқди, файтонга қўшди. Сафиқулибек мурдадай бўлиб ётган Ҳурини кўтариб олди ва пиллапоядан тушириб, файтонга ўтқизди. Жаҳон хоним эса унинг ёнига чиқди. Салим оға ўриндиққа ўтирди, файтонни ҳайдаб, ҳовлидан чиқди. Кал дарвозани беркитди. Ҳовли бўшаб қолганини сезган хизматкорлар ва оқсоч қизлар дув этиб ташқарига ёпирилишди ва кални ўраб олишди.

— Қаерга олиб кетишди, кал?

— Билмадим, менга айтишармиди.

— Мунча оғанга содиқсан, тўғриси айтивер.

Кал билмайман деб онт ичди. Аллаким яна сўради:

— Ҳури соғ-саломатмиди ишқилиб?  
— Билмадим. Уликка ўхшаб ётган эди.  
— Уриб ўлдиргандир-да, бечорани!— деди ким-дир.— Ўзи нозиккина нарса эди, анави айиқнинг қўлидан соғ чиқармиди?  
— Жаҳон хоним нега бундай ваҳшийликка йўл қўяди?

— Топган гапингни қара. Бу машмашалар ҳаммаси унинг иши. Хотин эмас, жаллод, ҳа, жаллоднинг ўзи!

Шу пайт ҳовлида гаплашиб турганларнинг ҳаммасини ҳам қайратга солиб, Жаҳон хонимнинг эшиги томондан бир овоз эшитилди:

— Ўша гапни айтган одам чиқсин, мен бир кўрай!

Бу Жаҳон хонимнинг улғайиб келаётган ўғли Хоспўлатнинг амирона овози эди. Онаси ўғлини уйғотиб, уй-эшикни унга топшириб кетганга ўхшади. У ҳам қоронғида, ярим очилиб қолган эшик олдида туриб одамларнинг гап-сўзларига секин қулоқ солаётган эди. Хизматкорларнинг жим бўлиб қолганини кўрган Хоспўлат дадилланди:

— Онамнй гапирган ким? Олдинга чиқсин!

— Ҳеч ким онангни гапираётгани йўқ, эй бола. Сен довдираётганга ўхшайсан!— деб жавоб берди хизматкорлардан бири.— Шуни ҳам яхши билиб қўй, бола, яхши одам бекиниб туриб бировларнинг гапларини эшитмайди. Гуноҳ бўлади.

— Онамга ҳаммасини айтиб бераман! Салим ога тоза адабларингни бериб қўяди.— Хоспўлат уларни қўрқита бошлади.

Ҳовлига йиғилганлар эса: «Уруғинг билан қирилиб кеткурлар, кўппак боласи!»— деб сўкинишганча жой-жойларига тарқалдилар.

Ярим соат ўтар-ўтмас файтон қайтиб келди. Салим ога билан Жаҳон хоним жуда ҳориган ҳолда файтондан тушдилар. Жаҳон хоним ҳеч нарса демасдан юқорига, Ҳурининг уйига кўтарилди.

— Отларни чиқариб ол, яхшилаб қара,— деб кўрсатма берди Салим ога калга ва Жаҳон хонимнинг орқасидан юқорига чиқди.

Улар анчагача ниманидир ахтардилар, сўнг пастга тушиб, ўз уйларига кириб кетдилар.

Фожиа рўй бераётган пайтда Офарида хоним ҳали ётмаган, уйғоқ эди. У ҳовлига чиқмади, болаларини ҳам қимирлатмай ётқизди. Йўқ, у Ҳурунинг бундай кунга тушганидан суюнмасди, аксинча, унинг аҳволига юраги ачирди. Ҳатто буларни кўраркан, ўз келажагидан қўрқинчга тушар, кўнглини ваҳм босарди. У энди мана, олов ўз этагига ҳам яқин келиб қолганида таҳликанинг қанчалик огирлигини аниқ сеза бошлади. Сафиқулибек Ҳуруни зўрлаб олиб кетганидан сўнг Муҳаммад Ризобекнинг қолган давлатига меросхўрлардан бир даъвогар орадан кўтарилгандай бўларди. Уртада энди гўё Жаҳон хоним билан Офарида қолгандай эди. Энди Илёсбекнинг шотирлари фақат ўзлари ворис бўлиб қолиш учун ҳаракат қиладилар. Улар энди Офарида хонимни ҳам орадан кўтариш пайида бўладилар. Бугунгача Ҳури билан овора бўлган эдилар. Ҳурунинг ишини бир ёқлик қилмасдан туриб Офаридага тегмаган эдилар. Бунинг устига, Офарида хоним нафасини ҳам чиқармас, Жаҳон хоним билан андак бўлсин таллашиб-тортишиб ўтирмасди, болаларини ҳам муте ва ювош қилиб тарбиялашга ҳаракат қиларди. Уртада зигирдак ҳам борди-келди гап бўлмаслигининг, жанжал чиқмаслигининг пайида бўларди. Лекин болалар катта бўлгани сари Жаҳон хоним роҳатини йўқотиб борар, кўпроқ қовоғини солиб юрадиган бўлиб қолганди. Юрагини алланима кемириб ётганга ўхшарди. У Офаридани ҳам, болаларини ҳам бу хонадондан ҳайдаб чиқаришни истарди. Офарида буларнинг ҳаммасини сезиб юрарди. Жаҳон хоним Ҳуридан қутулгач, ҳеч шубҳасиз, енг шимариб иккинчи даъвогарни йўқотишга киришарди. Офарида хоним буни сезмай, англамай иложи йўқ эди. У қандай бўлмасин бир йўл топишга, мурса қилишга интиларди. Ҳолбуки, Жаҳон хоним аллақачон йўл топиб қўйганди. У ўз кўнглида Офарида хонимнинг ишини ҳам ҳал қилиб қўйган эди. У Офаридани бадбахт, бадфеъл, бадсифат, аллақандай ҳеч тузалмас касалга чалинган, ўлиб ўлмайдиган, тирилиб тирилмайдиган бир амалқисининг Шўртон деган ўғлига олиб бермоқчи эди. Отидан ҳам кўриниб турибдики, у одам эмас, жуда ғалати бир махлуқ эди ва шунинг учун унга шундай

ном беришган эди. Бу одам тўрт хотин олиб, тўрттовини ҳам қабрга қўйган эди. Одамлар ўртасида юрган мишмишларга қараганда, у ҳали она қорнида эканидаёқ бир ёмон нафасли дарвешнинг қарғишига дучор бўлган, ўша дарвеш онасининг юзига уфлаб болани қаргаган, гўё болани дуоибад қилиб, уни бадбахт бўлади, олган хотини олти ойдан ортиқ яшамайди деб башорат қилган экан. Уша дарвеш яна Шўртон беш хотин олади ва бешовини ҳам ўлдиради, деб айтганмиш. Жаҳон хонимнинг фикрича, бешинчи хотин Офарида бўлиши керак эди. Офаридани ана шу амасининг ўғлига олиб берса, ундан бутунлай халос бўлишига қаттиқ амин эди. Рост билан ҳам, боя айтиб ўтганимиздек, Шўртон жуда ғалати бир махлуқ эди. Мутлақ бадбахтлик, бешта хотин олиш ҳақидаги гаплар болаликдан бошлаб унинг онгига қаттиқ ўрнашган эди. Шунинг учун ҳам у олган хотинларига ваҳшиёна муомала қилар, телбалиги билан жонидан тўйдирарди. Уларга бир дақиқа бўлсин тинчлик бермас, урар, тепар, эзгиларди. У хотинларини уриш учун иргай таёқ ҳозирлатиб қўяр, ҳадеса аямай юзи, кўзи аралаш ураверар, уриб қовурғаларини синдирарди. Шу тариқа олти ойга етар-етмас бечора хотин дунё билан видолашарди. Агар хотини олти ойда ўлмаса, худди унинг ўзи ўладигандек эди. Неча-неча марта лаб уни қадамжойларга олиб боришган, дуолар, туморлар ёздириб олишган, пирларга, табибларга кўрсатишган, эзибичкилар қилишган, лекин ҳеч бир нафи тегмаган эди. Охири муллалар, табиблар, дуохонлар уни бу бадбахтликдан қутқариб бўлмайди, унга ҳеч қандай дори-дармон таъсир қилмайди, у тузалмас дардга мубтало бўлган, деган қарорга келган эдилар. Шу кўр-кўрона эътиқод унинг онгига сингиб кетган ва у чиндан ҳам телбалик даражасига етганди. Унинг тутқаноғи тутганда ҳеч ким яқинига йўлай олмасди. Эшикни ичидан беркитиб олиб, то ҳушдан кетиб қолгунга қадар хотинини уриб, тегиб қийнар, қора қонга беларди. Муҳтарам ўқувчи шундай жиннига хотин бўлишга розилик берадиганлар ҳам топиларканми, деб ҳайрон қолар эҳтимол! Таажжубланарли жойи шундаки, шундай хотинлар топиларди. Аввало булар ўзлари ҳам девонароқ, телбасифат хотинлар бўларди. Улган хотинларнинг иккитаси шундай хотинлардан

эди. Бошқалари унга тегиб, қийналиб ўлсак, ўрнимиз беҳиштда бўлади, деб кўр-кўрона ишонган аёллардан эди. Улар беш кунлик дунёнинг ҳамма азобларига чидаб, сўнг абадий жаннатга тушишни орзу қилган эдилар. Офарида хоним эса бу дунёдаги нақд кунларини жаннатнинг насиясига алишадиганлар тоифасидан эмасди. Лекин Жаҳон хоним шунга қарамасдан уни қўрқитиб, дўқ-пўписа қилиб, қандай бўлмасин бу ишга кўндирмоқчи эди. Олти ой деганда ўлади-кетади, бундан ҳам жоним қутулади, майда-чуйда болалари қолар, раҳмдил парвардигор, уларга ҳам бир чора топилар, деб ўйларди Жаҳон хоним.

Офарида хоним эса бошқача ўйларди. Ҳозирча шу ерда тинч-омон яшай турай, болаларимнинг жони тинч бўлсин, ҳеч нарсадан камчиликлари йўқ, агар кейинроқ Жаҳон хоним тиқилинч қила бошласа, мен ҳам жим турмайман, ўз улушимни оламану чиқиб кетаман, дадам, қариндошларим ёрдам беришади, ўзимга бир мулк, ер-жой оламан, боғ-роғ, экин-тикин қиламан... деб ўйларди. Офарида хонимни бу ерда ушлаб турган бошқа бир нарса ҳам бор эдики, у бу нарсани қаттиқ сир тутар, ҳатто ўзига ҳам инонмасди. У ҳам бўлса Салим эди! Офарида хоним қандай бўлмасин Салим бир кун яна ўз ёнимга қайтиб келади, деб умид қиларди. Албатта, зоҳиран ҳозир Офарида хоним Салимни ўзига яқин йўлатмас, унга кўз-қошларини ўйнатмас, эрк бермасди. Лекин Салимнинг кўзи тушадиган маҳалда унинг кийим-кечаклари ҳам, кўриниши ҳам бошқа пайтлардагидан жозибалироқ, малоҳатга бойроқ бўларди.

Жаҳон хонимга янги уйланган кезларида Салим ога Офаридага қарамай қўйган, ундан ўзини четга тортар, қочарди. Андаккина бир эҳтиётсизлик Жаҳон хонимни шубҳага солиб қўйиши мумкин эди. Бу эса жуда хатарли эди. Ҳали унда Салим ога оёққа маҳкам туриб олган эмасди. Қисматнинг ҳеч кутилмаганда бунчалар унга кулиб қараганидан ўзи ҳам ҳайрон эди. Оддий шолча ўғриси бугун келиб бекларнинг қаторида турадиган одам бўлиб қолса, бунга ажабланимай бўладими! Шундай бўлганидан кейин, зигирча эҳтиётсизликка йўл қўйса, ҳаммасидан бир йўла ажралиб қолиши ҳеч гап эмасди. Ҳолбуки, бу даражага етиш жуда қийин, тушиб кетиш эса, жуда осон эди.

Мана шу мулоҳазаларнинг ҳаммаси Салим оғани ғоятда эҳтиёткор бўлишга, эски муносабатларни йиғиштириб туришга мажбур қиларди. Шунинг учун ҳам, Офарида хонимни кўрган пайтларида ўзини кўрмаганга солар, унга қовоғини уяр, иложини топса ҳурматсизлик қиларди. Одамлар ҳузуридагина эмас, юзма-юз келиб қолган чоғларида ҳам Салим оға ўзини ўрталарида ҳеч қандай яқинлик бўлмагандай тутар, бегоналик қиларди. Офарида хоним эркак киши бунчалар тез ўзгариши мумкинлигини илгари сира кўрмаган, хаёлига келтирмаган, бунақа ҳолатни биринчи марта Салимда кўриб турар эди, шунинг учун ундан нафратланарди. Шундай бўлса ҳам, ундан кўзларини олиб қочмас, тик, тап тортмай боқарди. Лекин, кейинроқ бориб вазият ўзгарди. Офарида хоним Салим оға унга яшириқча суқ билан термилиб қарайдиган бўлиб қолганини, баъзан орқасидан кўз узмай таъмакор қараб туришини сеза бошлади. Ҳатто Салим оға уни хилватга тортмоқчи, билакларидан ушламоқчи бўларди. Албатта, Офарида хоним бундай пайтларда нозини яна ҳам оширар, унга таъна билан қарар, лекин қийғоч боқишлари билан алланималарни ваъда қилгандай ҳам бўларди. Аммо уни асло яқинига йўлатмасди. Қилган сотқинлиги, айнимачилиги учун ундан ўч олмақчи, жазоламоқчи эди. Буларнинг бари Салим оғанинг шавқини янада оширар, юрагида ширин орзулар уйғотарди. Жаҳон хоним тароватини йўқотгани сари ундан кўнгли қола борар, у билан муносабатда бўлишдан жуда қийналар, гўё бошидан жаҳаннам азобини кечиргандай бўлар ва Офарида хонимни кўрган пайтларида янада ўттироқ ҳавас, эҳтирос билан термиларди. Ниҳоят, Офарида хонимнинг хаёли унинг бутун борлиғига ҳукмрон бўлиб қолди. Куз ва қишнинг узундан-узоқ кечаларида у бутунлай оромини, тинчини йўқотиб, фақат Офаридани ўйларди. Мана шундай пайтларда Жаҳон хоним унинг кўнглини овлашга уринар, дилхоҳликлар кўрсатар, эрқаланмоқчи бўларди. Салим оға эса унга еовуқ муомала қилар, четга итарар, ўзини ухлаб қолганга соларди. Аслида у Офаридани ўйлаб ётар, уни орзу қилиб кўзларидан уйқуси қочарди. Жаҳон хонимдан аччиғи чиқарди: «Шайтоннинг қизи, суйкачишини қўймайди қачон қарасанг...» — деб ғўлдиарди.

... Салим оға ҳозир ҳам ухлолмай, тўлғаниб ётарди. У пешин пайти ҳаммомдан қайтган Сфаридани хилватда учратиб, билагидан ушлади ва «кечаси келаман, кутиб тур», деб шипшиди. Офарида хоним: «Ўлсам ҳам сенга эшикни очмасман», деган бўлса-да, лекин кўзлари Салим оғага бошқа ширин нарсаларни ваъда қилгандай бўлди. Салим оға кун бўйи шу кўзлар уйғотган ҳавас билан юрди. Ҳатто кечқурун юз берган тўполон ҳам унинг кўнглида уйғонган ҳавасни заррача бўлсин сўндирилмади.

Аслини олиб қараганда, Ҳурининг бошига тушган фалокатни Салим оға оддий бир ҳодиса, ҳатто жуда қизиқ эрмак, ўйин деб қарарди. Салим оға Ҳурининг ҳолатини англашдан жуда йироқ эди. Сафиқулибекдай давлатманд бир одамга эрга тегмайман деб қайсарлик қилиб турганини у тушунолмас, бунга аҳмоқлик деб ҳисобларди. «Хотин зоти ақлсиз бўлади, бир оз йиглайди-сиқтайди, сўнг борган ерида чўкиб ўтира қолади»,— деб ўйларди. Ичида эса Сафиқулибек уни уриб ўлдирмаганидан афсусланади. Ана шундай бўлгандами, ҳар иккисидан бир йўла қутуларди-қўярди...

Лекин Салим оға барибир воқеаларнинг бу тарзда боришидан хурсанд эди. Бу чалкаш ишларнинг ҳаммасини бошлаган ва бошида турган Сафиқулибек эди. Салим оға эса бир қадар четда, панароқда қолмоқда эди. Нима бўлмасин, Сафиқулибекнинг ўзи жавоб беради. Ҳали Ҳури ҳам оёғини қаттиқ тираб турибди. Нима бўлишини бир худонинг ўзи билади. «Балки кечаси Сафиқулибек уни бўғиб ўлдириб қўяр. Буларнинг қўлидан келмаган иш йўқ. Одамнинг қонини ичишдан ҳам тоймайди булар...»

Ҳа, Сафиқулибек ҳақида ўйлаганида, Салим инсофдан, адолатдан дам урарди ва бунинг нақадар кулинч эканлигининг фарқига бориб ўтирмасди.

Ҳурини Сафиқулибекнинг мулкига ташлаб қайтган Салим оға билан Жаҳон хоним унинг уйини титкилаб ҳориганларидан кейин, ухлагани ётоқларига кирдилар. Жаҳон хоним шу қадар чарчаган эдики, ўғли Хоспўлатнинг хизматкорлар ҳақида айтаётган гапларини ҳам тўхтатиб, эртага айтиб берарсан, деди-ю, ўринга кирди. Салим оға ҳам ўзини чарчаганга солиб, хотинининг орқасидан дарҳол кўрпага думала-

ди. Айни туш чоғи ҳаммомдан ярақлаб, қизариб, бўртиб қайтган Офарида хоним ва унинг кўз учиди қилган ваъдалари Салим оғанинг хаёлидан нари кетмасди. Ҳозир Салим оға яна бошқа бир мақсадда ҳам Офаридани кўрмоқчи эди. У Сафиқулибекнинг Ҳурига қандай зўравонлик қилганини, сандиқча билан васиятномининг топилмаганини сўзлаб бермоқчи эди. Офарида хоним сўз сақлайдиган хотинлардан эмасди. Эртагаёқ ҳамма гап хизматкорларга, оқсоч қизларга маълум бўлади, эл ўртасига тарқалади, Сафиқулибекнинг жамоат ичида обрўси кетади. Бошқа бир томондан, балки Офарида сандиқча билан васиятномининг қаердалигини билар ва эҳтимол айтиб берар, ахир Идриснинг сардор идорасига хат олиб кетаётганини Салим оға Офарида орқали билган эди-да. Ҳар ҳолда қандай бўлмасин, бу кеча Офарида билан кўришмоқ керак эди.

Жаҳон хонимни шубҳалантирмаслик учун Салим оға ўрнига кирган заҳоти кўзларини ухлаган кишидай юмиб олди. Унинг кўзлари юмуқ, лекин қулоқлари динг эди. У Жаҳон хоним қаттиқ ухлаб қолгунича кутди. Хотини секин-секин хуррак отиб уйқуга кетганини кўргач, оҳиста сурилиб, кўрпа тагидан чиқди. Қоронғида чалворини кийди, тўнни елкасига ташлаб, ташқарига чиқди. Кеча аёзли эди. Совуқ шамол эсарди. Салим оға андак совуқдан ва андак Офариданинг хаёлидан жони қизиб, увишганини ҳис қилди. Кўз ўнгига Офарида хонимнинг юмшоқ вужуди ва шу юмшоқ вужудни ўз бағрига олган иссиқ ўрни келиб кетди. Унинг ётоғи жаннатдай кўз олдида туриб қолди. О, бу ётоқ уни қанчалар ўзига жазб этарди! Сал бўлмаса ақлини йўқотай дерди. Ў эшик оғзида туриб, бирпас ҳар томонга назар ташлади. Ҳамма ёқ жимжит. Барча уйқуда. Ҳатто ит ҳам мудраган. Шунга қарамасдан, ҳовлини яна бир айланиб чиқди. Дарвоза олдида борди. Отхона эшигида тўхтади. Ит ини олдида бирпас турди. Қоронғида уни таниб, думини ликиллатган итнинг бошини силади. Ҳовлининг ўртасига тушди. Бу ерда ҳам бирпас туриб, керишди, юлдузлар чарақлаган кўк юзига боқди. Осмондан совуқ тўкиларди. Совуқдан бадани қизиди ва Офарида хонимнинг эшиги томон йўналди. Бармоғини букиб, эшикни оҳиста икки марта тақиллатди. Шу заҳоти Офари-

да хонимнинг ўриндан туриб, эшик олдига келганини сезди. Ичкаридан хотин кишининг ингичка, титроқ товуши эшитилди:

— Ким?

— Менман, Офарида хоним, оч эшикни! — пичирлади Салим оға.

Лекин Офарида эшикни очмади. Улар пичирлашиб гаплаша бошладилар.

— Очмайман, бор, кетавер!

— Сен менинг жонимсан, оч! Совуқ едим...

— Ўлмайсан, бор хотинингнинг олдига.

— Сенга айтадиган зарур гапим бор, оч!

— Гапни айланторма, очмайман!.. Қўй, ётайлик...

— Сенга айтяпман, зарур гапим бор, очсанг-чи мундоқ...

— Сўзинг бўлса, дарчадан айта қол, очмайман эшикни!

— Нима бўлган ўзи, бу эшик келмасимиздан бурун очилиб турарди илгарилари, а?

— У кунлар ўтди-кетди... Энди сенга у кунлар қайда! Бери кел, дарчадан туриб айта қол...

Салим оға қанча ёлвормасин, Офарида хонимни эшик очишга кўндиролмади. Ниҳоят, бошқа иложи қолмаганидан кейин, дарча олдига келди. Офарида хоним дарчанинг бир тавақасини қўл сигадагидан даражада очган эди.

— Тез бўл, айта қол, жунжикиб кетяпман, қани, нима дейсан?

— Ҳой қиз, менга қара, нега ўзингни ҳам, мени ҳам хафа қиласан? Инсоф борми сенда ўзи?

— Сен инсоф сўзини тилингга олма. Нега эканлигини ўзинг яхши биласан.

Салим оға тап олди:

— Рост айтасан, ҳаққинг бор гапирсанг. Сенинг олдингда гуноҳим кўп. Эшигингга тавба қилгани келдим. Гуноҳимдан ўт, мени кечир...

Офарида хоним уни уришиб берди:

— Айтадиган гапинг шу бўлса, бор энди уйингга! — деб дарчани беркитмоқчи бўлди.

Салим оға қўлини узатиб, унинг кетиб қолишига йўл бермади.

— Қўлингни, тилингни тий... Ҳеч ким ўзининг хушторини бу аҳволга солмайди... Қара, сени шу қа-

дар яхши кўрамани, ярим кечада уйқум келмай, га-  
додай эшигингга тиланиб келдим...

— Бекор овора бўлибсан, келма, қўй...

Офарида хоним яна дарчани ёпмоқчи бўлди. Шун-  
да Салим оға унинг иссиқ билагидан ушлаб олди ва  
ўзига томон тортиб, қаттиқ-қаттиқ ўпди.

— Очмасанг, кетмайман... Дарчадан ошиб туша-  
ман.

— Қўлимни қўйвор, бўлмаса бақираман, бошим-  
га одам йиғаман!— деди қатъий қилиб Офарида хо-  
ним. Салим оға дарҳол унинг қўлини қўйиб юборди.

— Яхши... қулоқ сол...

Салим оға унга Сафиқулининг қилган ваҳшийлик-  
ларини ошириб-тошириб сўйлаб берди. Гўё Ҳурига  
юраги ачиган одамдай гапирди.

— Бу бечорадан нима исташади ўзи? Ўз ҳолига  
қўйишса-ку, чиқади-кетади. Сафиқулибекка хотин қу-  
риб кетибдими?

— Сен ҳам соддасан. Гап хотин устида бораётгани  
йўқ, мол-давлат устида боряпти. Булар Муҳаммад Ри-  
зобекка алоқаси бўлган биронта одамни ҳам соғ қў-  
йишмайди.

Ваҳимага тушган Офарида хонимнинг саси тит-  
ради.

— Энди нима қилайлик, ўзимизни ўлдирайлик-  
ми? Булар қонундан, ҳукуматдан қўрқишмайди, лекин  
худодан қўрқишсин жуда бўлмаса...

Салим оға унинг заиф ерига тегиб кетганини сезиб,  
ўзидан мамнун бўлди:

— Сен ҳеч нарсадан ғам ема, хавотир олма. Са-  
лим оганинг тани-жони соғ экан, сенга ҳам, болала-  
рингга ҳам ҳеч ким теголмайди. Қўлингни бер, ўпиб  
қўяй, кейин, майли, бориб ётарсан.

Офарида хоним беихтиёр қўлини узатди. Салим  
оға қоронғида бу қўлни ҳароратли лабига босди, да-  
вомли ўпич олди.

— Уйқунг ширин бўлсин!— деб нари кетди, ҳов-  
лига тушиб, ит ини олдиға келди, итни занжирдан  
бўшатиб юборди ва ётоғига қараб кетди.

Офарида хоним секин дарчани ёпди. Қайтиб жойи-  
га кирди. Лекин анчагача кўзига уйқу келмай, бўрон-  
дай ёпирилган қарама-қарши фикрлар билан олишиб  
ётди.

Ўт юракли одамларнинг сабр косаси тўлиб кетганидан сўнг, уларнинг олдиларида туриш, уларга бас келиш жуда қийин бўлиб қолади. Бундай пайтларда улар ҳеч нарсадан қўрқмайдилар, таҳликалардан чўчиб орқага чекинмайдилар, ҳеч қандай тўсиқларга, монеликларга қарамасдан инсонлик номуси ва шарафини ҳимоя қилишга отланадилар, интиқом оладилар. Хусусан, ҳаётининг бўронли дамларида, яшил боғларни селлар босиб, шамоллар ўпирмоқчи бўлган пайтларда уларни ўз йўлларида асло қайтариб бўлмайди.

Сафиқулибекнинг ваҳшийяиги, Ҳури хонимнинг бошига солган кулфатлари Вафодорни қатъий ҳаракат қилишга мажбур қилди. Энди Ҳури унинг назарида дунёнинг энг гўзал аёлларидан бири бўлибгина қолмай, балки ҳимояга муҳтож фалокатзада бир инсонга айланганди. У эркак кишининг чин муҳаббатига лойиқ пок ва олижаноб аёлгина эмас, она ҳам эди! У боласини калхатлар чангалидан қутқариш учун ўзини аямай ташланган оналардан эди. У боласи учун ҳаётини фидо қилишга тайёр эди.

Ҳурининг бошига тушиб турган фалокатлар Вафодорга ўз онасининг тақдирини эслатарди. Уни ҳам худди мана шундай уй-жойидан айириб, болаларидан тортиб олиб кетган эдилар. Ҳозир у қаерлардайки? Бормикин, саломатмикин? Дом-дарак йўқ эди ундан. Жуда ғалати! Йиллар ўтгани сайин, ёши катта бўлиб улғайгани сайин у онасининг бошига тушган мусибатга қаттиқроқ ёнарди. «Шўрлик она! Бу адамларга қандай қилиб чидадийкин?» — деб ўйларди. Энди Ҳури Вафодорнинг онаси билан толедош эди. Унинг қисмати, номуси, гўзаллиги худди Вафодорнинг онасини айнаси ўзи эди. Мана шуларга кўра ҳам Вафодорнинг юрагида Ҳурига нисбатан ҳароратли туйғулар, ҳассос ва зариф тилаклар жўш урарди. Вафодорнинг назарида ҳозир Сафиқулибекни жазолаш ёлғиз Ҳури ва онаси учун эмас, балки юзлаб номуси поймол этилган, таҳқирланган кишилар учун қасос олиш билан баробар эди.

Вафодор тезроқ, тезроқ Ҳурининг қошига етишга, уни калхат чангалидан қутқариб олишга, номуси, ру-

ҳи ўша йиртқичнинг панжаларида барбод бўлмасидан туриб уни халос қилишга шошиларди. У зудлик билан Ҳурининг остонасига етиб келди ва эшикни шиддат билан тақиллата бошлади.

Лекин ҳовлидан ҳеч қандай овоз эшитилмади. Ёлғиз занжирдан бўшатиб юборилган ит қаттиқ акиллаб ўзини дарвозага урди, эшикни таталаб тирнай бошлади. Лекин ҳеч ким уйғониб дарвозага келмади. Гўё ит саҳар мардондан то қоронги оқшомгача кел-кетнинг кети узилмаган, хизматкорлар турли юмушлар билан елиб-югурган, дарвозадан пайдарпай от-аравалар кириб, чиқиб турган, инсон товушларига тўлган маликонада эмас, обод, бадавлат хонадон ҳовлисида эмас, эгалари кўчиб кетган харобазорда, вайроналар ичида ҳурирди. Вафодор эшикни қаттиқроқ тақиллатгани сари ит ҳам ҳуришга минар, ўзини эшикка урар, қайтиб ҳовлини гир айланиб вовуллар, уй соҳибларини дарвозага чиқишга ундарди. Лекин кимса сас бермасди. Гўё бу ер ўликлар макони қабристон ёхуд қачонлардан бери суви қуриган, ётиб қолган тегирмон эдики, эгасиз қолган, ёввойилашган ит ҳеч кимни бу ерга қўйишни истамас, яқинига йўлатмасди.

— Жин чалиб кетганми буларни, ҳеч ким индамайди-я!— деди Вафодор.— Кечаси кўчиб кетишмагандир ахир!

Чорбозорчилик қилиб юравериб, бундай воқеаларга кўп шоҳид бўлган Идрис ишонч билан деди:

— Атай овозларини чиқармай ётишибди. Хизматкорларга ҳам индамай ётаверинглар деб айтишган, итни ҳам занжирдан бўшатиб юборишган. Эҳ-ҳ, кўзларим бундай нарсаларни оз кўрдими, сочларимнинг сонидан ҳам кўп...

Идрис хато қилган эди. Ҳеч ким хизматкорларга ҳеч нарса демаган эди. Уларнинг баъзилари ғоятда чарчаганларидан тош каби ухлаб қолган, шовқинга уйғонганлари ҳам, яна Илёсбекнинг одамлари келган бўлса керак, деб миқ этмай ётардилар.

Вафодор сабрсизлик билан эшикни тақиллатишдан тўхтамади. Сафиқулибек билан Салим оғанинг орқасидан сўкди:

— Номардлар, ҳайвонлар! Майли, очманглар! Лекин мен ҳам то очмагунларингча қўймайман!

Жаъфар Вафодорнинг қўлидан ушлади:

— Бекорга овора бўлманг, очишмайди! Ёрдам беринглар, девордан ошиб тушаман...

— Ит ғажиб ташлайман деб турибди-ку, қандай қилиб тушасан?

— Ғажиб кўрсин, бошига таёқ билан бир ураман, сулайиб қолади.

— Нима деяпсан ўзинг? Бу йиртқичга ўхшаган ит, сени парча-парча қилиб ташлайди.— Вафодор унинг девордан ошиб тушишига розилик бермади.

— Қўрқма, мен итларнинг тилини яхши биламан!— деди Идрис Жаъфарга қараб.— Қани, энгашиб тур, елкангга чиқай, деворга миниб олай, қолгани осон...

Лекин бунинг ҳожати қолмади. Идрис Жаъфарнинг елкасига чиқиб, деворга кўтарилмоқчи бўлиб турганида кимнингдир эшикка яқинлашгани ва итни уришиб бергани эшитилди. Хотин кишининг титраган овози чиқди:

— Вафодор, қардош, сабр қил, итни боғлай, кейин эшикни очаман.

Вафодор ҳайратга тушди: бу Офарида хоним эди!

Йиллар бўйи давом этган тортишувларга сира қўшилмаган, ўзини доим четга тортган, ҳар нарсага кўнган ва рози бўлган, ҳар икки томон билан ҳам муомаласини узмаган ва ҳеч бир тарафнинг ёнини олмаган ўша Офарида хонимми бу? Айтадиган гапи бормикин? Бирон нарса билармикин? Бизга ёрдам берармикин ё ҳийлакорлар уни ҳам ўз тарафларига оғдириб олишдимикин? Эшикни очиб, бизни атай чалғитиш пайида бўлармикин? Вафодор хаёлида ғужгон ўйнаган шу саволларга жавоб топмай, шошилиб деди:

— Офарида хоним, барака топинг, тез очинг, зарур ишимиз бор.

— Биламан!— деди оҳиста қилиб Офарида хоним ва у итнинг оғзига халта кийдириб, жойига обориб боғлаб қайтди, оҳиста эшикни очди.

— Офарида опа, Ҳури қаёққа кетди, билмайсизми!— саросима ичида сўради ундан Вафодор.

Офарида Салим оғадан эшитганларини унга оқизмай-томизмай айтиб бера бошлаганди, Вафодор унинг сўзини бўлди:

— Уларни биламан, демак, ўша ерга олиб кетиш-  
дими? Ёки тепадами?— Вафодор қўли билан юқори  
айвонни кўрсатди.

— Йўқ, олиб кетишди. Уларнинг гапларига кўн-  
магандан кейин оғзини боглаб, уриб файтонга солиб  
олиб кетишибди...

— Қаерга олиб кетишибди? Тезроқ айтинг...

— Уйига олиб кетган бўлса керак.

— Қайси уйига? У харобнинг уйи битта бўлса  
кошкийди. Балки қишлоққа олиб кетгандир?

— Худо ҳаққи, бунисини билмайман, сира хаба-  
рим йўқ.

— Файтонни ким ҳайдади?

— Салим ога,— шошиб жавоб берди Офарида  
хоним.

— У уйдами?

Офаридани тер босди.

— Уйда,— деб жавоб берди-ю, Вафодор Салим ога-  
нинг уйига қараб йўл олганини кўриб шошиб қолди.—  
Вафодор, укажон, бир оз сабр қил, мен кетай, сўнгра  
уни бориб уйғот, агар эшикни мен очганимни билиб  
қолишса, яхши бўлмайди...

— Тўғри, тўғри!— тўхтаб қолди Вафодор.— Жуда  
шошилиб турибман, сизни кейин қисти-бастига олиш-  
лари мумкинлигини ўйламабман... Боринг, боринг,  
ухланг, Офарида опа. Кечангиз хайрли бўлсин, бу  
яхшилигингизни асло унутмайман.

Офарида хоним секин уйига жилди, кириб эшикни  
беркитди ва дарча олдида туриб, ҳовлини кузата бош-  
лади. Вафодор дарҳол Салим оганинг эшигига бориб,  
тақиллатишга тушди. Ит акиллади. Сал ўтмай уйқуси  
чала бўлган Салим оганинг эшик орқасидан палағда  
товуши эшитилди:

— Ким бу бемаҳалда юрган?

— Салим, бу ёққа чиқ, сенда ишим бор!— жавоб  
берди Вафодор.

Ичкаридан жавоб бўлмади, Салим кутилмаган бу  
аҳволдан шошиб, довдираб, нима қилишини билмай  
турганга ўхшарди.

— Бўла қол, тезроқ, Салим, сени кутиб туриб-  
ман!— уни шоширди Вафодор.

Эшик орқасидан Салим ога иложсиз қолиб, деди:

— Сабр қил, эгнимга бир нарсa ташлай, чиқаман...

Жаҳон хоним қаттиқ ухлаб ётарди, ҳали ҳам хурак отгани-отган эди. Салим оға уни уйғотиб юбормаслик учун аста кийиниб, ташқарига чиқди. Вафодор унинг қўлидан тутиб, ётганларни безовта қилмаслик учун нарироққа олиб борди. Ҳовлининг ўртасига тушдилар.

— Ҳури хоним қаерда?— деб сўради у ҳеч бир муқаддимасиз.

Унинг менсимасдан қилган муомаласи Салим оғага оғир ботди.

— Мен қаердан биламан унинг қаердалигини?— бўғиқ жавоб берди у.— Мен унинг қоровули эмасман, ҳа...

— Салим, биз билан бундай гаплашма, пушаймон бўласан, уларни файтонда сен олиб борибсан, айт, қаерга обординг?

Узини янада ҳақоратланган сезган Салим деди:

— Бу эшикни сизларга ким очди? Файтонни ким айтди? Бу итваччанинг хонадонида қаерни қарама, хиёнатга дуч келасан. Мен оборманим йўқ, қаерда эканликларини билмайман. Бемаҳалда тарақ-тарақ дарвозани уриб уйқумни бузасан, Ҳури хонимни сўрайсан? Жаҳаннамда, гўрда! Мен қаердан билай қайдалигини.

Салим оға асабий ҳолда уйга қайтиб кетмоқчи бўлганди, Идрис билан Жаъфар унинг йўлини тўсдилар. Вафодор ханжарини чиқарди ва тигни унинг қовургасига тиради.

— Ўлгинг келиб турибдими, Салим, қани, олдинга туш, кўрсат уларнинг қаерга борганларини. Миқ этиб овозингни чиқарсанг, гўштингни бурда-бурда қилиб ташлайман. Тоза бекларга малайлик қилишни ўрганиб олибсан!

Ханжар учи жонига қадалганини ҳис этган Салимни совуқ тер босди. Овози синиб, титради:

— Кўзим уйқуда, мени жуда шошириб қўйдинг, нима деётганимни ўзим ҳам билмайман. Э-э, бек деганинг ким, малайлик қилган ким, ўзинг нима деяпсан, ота ўғли! Худодан тилайман, эртага менга деса ҳаммаси қирилиб кетсин. Нима бўлганда ҳам сизлар менга яқинроқсизлар. Улар билан ҳеч чиқишиб кетолмаяпман. Кўзларига қора тиканакдай ботиб юрибман.

— Унда, бор, дарров файтонни қўш, бизни обор ўша ерга...

— Бажон! Дил... Ҳозир!

Салим оға ичида Вафодорнинг ота-бобоси шаънига лаънат ёғдира-ёғдира отхонага кетди. Хизматкорлардан бирини чақириб, файтонни унга қўшдирмоқчи эди. Уриндиқда ўтириб Вафодорга файтончилик қилишдан ор қиларди. «Биров кўрса, обрў кетади,— деб ўйлади Салим оға,— бир куним энди темирчига хизмат қилишга қолувди». У отхоналарнинг орқасида хизматкорлар ётадиган уйга қараб юрди.

— Итваччаларнинг ётишларини қаранглар, бирон-таси қимир этмайди-я. Уйни ағдар-тўнтар қилиб ташлашса ҳам, билишмайди. Кал итвачча ҳам ўлганга ўхшайди!

— Лаббай, оға, ўлганим йўқ, шу ердан,— деб жавоб берди девор тагида ётган кал.

У деворнинг қоралигига қоришиб кетганидан кўзга кўринмасди.

Салим оға энди калнинг уйғоқ ётганига афсусланди, бундай ишни ҳатто калдай ишончли одам ҳам билмагани тузук эди.

— А-а, нега ҳалигача ухламадинг? Анавиларга эшикни сен очдингми?

— Худо кўрсатмасин, оға!.. Мен сизнинг овозингизга уйғондим.

— Бўпти, яхши, отларни чиқар, файтонга қўш, сўнг келиб ётавер. Эсингда бўлсин, сен мени кўрганнинг ҳам йўқ, отларни файтонга қўшганинг ҳам йўқ, билдинг?..

— Билдим, оға, хотиржам бўлинг!

Кал отхонага кириб кетганида янги бир фикр шамдай ёниб, Салим оғанинг миясидаги қоронғи бўлиб ётган бурчакни ёритди. Назарида кўпдан бери орзу қилиб юрган дақиқалари келиб етгандай эди. Сафиқулибек билан Вафодор ҳозир омонсиз суратда жанг қилади, ё у ўлади, ё бу, ё иккиси ҳам маҳв бўлади. Энди у Вафодорнинг шу бемаҳал тунда бу ерга келганига, Ҳурини қутқариш учун Сафиқулининг уйига бормоқчи бўлаётганига, Жаҳон хоним билан бошқа хизматкорларнинг булардан беҳабар ухлаб ётганига, Вафодорга файтончилик қилаётганини ҳеч ким кўрмаётганига жуда севинди. Булар ҳаммаси унга

осмондан ёғилган бахт бўлиб кўринди. Шунинг учун ҳам калга жадал отларни қўшишни буюрди, дарвозани очишни амр қилди.

Кал у буюрган ҳамма ишларни жадал адо этди. Салим оға меҳмонларни файтонга ўтқизиб, дарвозадан чиқаётганида калга деди:

— Бу ишни биров билса, кўзингни ўйиб оламан...

Салим оға Вафодорларга ўзини гўё яқин олиб иш қилаётган бўлса ҳам, лекин юраги така-пука эди. Бу ишнинг оқибати нима билан тугашини аниқ билмас, ўзини кўлкада сақлашнинг ташвиши билан қаттиқ банд эди. Худоё худовандо, ишқилиб, менинг файтонда ўтирганимни ҳеч ким кўрмасин, дерди. Илёсбекнинг қулоғига Салимнинг бу иши етса, ўша заҳоти Жаҳон хоним билан бўлган никоҳни бекор қилади деб қўрқарди. Шунинг учун ҳам Салим оға отларни овлоқроқ йўлдан ҳайдади.

— Бу ёқдан юр!— Вафодор унинг билагидан ушлаб, қатор уйлар орасидан ўтган йўлни кўрсатди.

— Бўлмайди, оғайни, ахир, мени ҳам ўйла. У йўлдан боролмайман. Беш дақиқа кечроқ етсак ҳам, чўл йўли яхши, ҳеч кимнинг кўзи тушмайди.

— Бу ҳам маъқул гап!— Идрис маъқуллади. У яна Вафодор ўз сўзида туриб олмасин, дерди.

Тун яримдан оған, атрофни сукунат чулғаган эди. Салим оға чўл йўлини кесиб ўтиб, баланд деворлар билан қўршалган улкан маликонага яқинлашганда файтонни тўхтатди, Вафодорга қаради:

— Сал четроққа чиқайлик, сенда гапим бор...

Вафодор аввал мени булардан яширадиган сирим йўқ демоқчи бўлди, лекин яна Салим қўрқяпти деб ўйламасин деб шу заҳоти бу фикрдан қайтди ва четга ўтди.

Қоронғиликда файтондан бир оз йироқлашдилар. Жаъфар билан Идрис ҳам файтондан тушиб, ҳар эҳмолга қарши тайёр бўлиб турдилар. Салим оға йигирма-ўттиз қадам олдинга ўтиб тўхтади, Вафодорга ўгирилди.

— Сен мард йигитсан, шунинг учун ҳам сенга гапнинг очигини айтиб қўя қоламан. Менинг сизларга ёрдам берганимни улар билмасликлари керак. Ҳеч ким билмасин.

— Сен айтганча бўлади!— Вафодор рози бўлди.—

Ҳеч ким билмайди, менинг одамларимдан хотиржам бўл.

— Гап унда эмас. Менинг тапшиш қилаётганим бошқа нарса. Мен Сафиқулибекнинг мулки яқинида туролмайман.

— Сен унинг мулкани яхши биласан, қаердан кириб, қаердан чиқиш кераклиги сенга беш қўлдай маълум. Бизни йўлга солиб юбор, сўнг, майли, қайтиб кетавер.

— Ҳаммасини ўзим кўрсатаман, девордан ошиб, эшикни ҳам ўзим очаман. Сизларни ҳовлига киритиб, сўнг ўзим кетаман. Бўлмаса сизлар итларни эплай олмайсизлар. Улар мени танийди. Ўртоқларингни чақир.

Салим оға деворнинг уйлардан ва итлардан анча четда бўлган ерини танлади. Вафодорларнинг ёрдами билан нариги томонга ошиб тушди. Нариги томонга тушганда ҳатто оёқ саси ҳам эшитилмади. Сўнг эшикни очиб, Вафодорларни катта уйлар сари бошлади.

Бутун бино қоронғиликка ботганди. Фақат юқорида, иккинчи ошёнадаги катта уйнинг чироқлари ёниқ эди.

— Сафиқулибек ҳали ётмабди, уйғоқ! — деди Салим оға ва бир дам тўхтаб, ўша томонга қаради. Сўнг дарахтларнинг тагидаги тор хиёбондан ўтиб, мулкнинг орқа томонига бошлади. Иккинчи ошёнанинг шундоқ томи тагидаги бир одам зўрға кириб чиқадиган кичкина эшикчани кўрсатди. — Итарсанг, очилди. У ердан айвонга кўтариласан, айвондан кунботар тарафга очиладиган эшик Сафиқулибекнинг ётоғига олиб чиқадиган даҳлизнинг эшиги. Қолганини ўзинг биласан. Ол, сенга калит, анчадан бери менда юрибди... — У йирик бир калитни Вафодорнинг кафтига босди. — Худо сизларга мададкор бўлсин! Мен кетдим. — Лекин кетмади, яна қайтди. — Шуни ҳам айтиб қўяйки, тўппончаси ҳамиша тўшагининг тагида бўлади, оёқ тарафида. Омад берсин!

Салим оға қандай товуш чиқармай келган бўлса, шундай товуш чиқармай қоронғиликда ғойиб бўлди. Вафодор йўлдошларига қаради:

— Оталар оғир кўрмай енгил бўлмайди, деган экан. Ўзларинг кўриб турибсизлар, биз оғир ишга қадам қўйдик. Бу ерда ҳар нарса бўлиши мумкин, ўлим ҳам, бошқаси ҳам.

— Бир бошга бир ўлим, биз ҳеч нарсадан қўрқмаймиз,— деди Жаъфар.

— Шундайку-я, лекин бекордан-бекорга ўлиб кетавериш ҳам аҳмоқликдан бошқа нарса эмас. Ботирлик — жасоратдан, тадбир — ақлдан. Биз тадбир билан иш қилишимиз керак. Гапнинг қисқаси, энди бундай: сен, Идрис, бу ерда, ҳовли бетида пойлоқчилик қиласан. Ҳушёр бўл, шарпа сезишинг билан бизга хабар берасан. Салимга ишонч йўқ, бу ёқдан бизни олиб келиб, у ёқдан устимизга одам олиб келиши мумкин. Жаъфар мен билан тепага чиқади, энди кўмаклашинглар, мен чиқиб олай.

Жаъфар ва Идрис унинг юқорига чиқишига ёрдамлашдилар. Вафодор оёғини ерга тираб, Салим айтган кичкина эшикни итарди. Эшик очилди. Вафодор эгилиб-букилиб ичкарига кирди. Жаъфар Идриснинг елкасига оёқ қўйиб Вафодор чиққан ерга кўтарилди. Улар қоронғиликда гугурт чақиб, айвонга олиб чиқадиغان кичкина тор пиллапояни топдилар ва тез айвонга кўтарилдилар. Қоронғида оҳиста пусиб, нур тўкилиб турган дарчадан ичкарига қарадилар. Кўзлари Ҳурига тушгач, ҳар икковлари бирдан суюқиб кетдилар: худого шукур, соғ-саломат экан!

Жаъфар Вафодорнинг қўлини қисди, Вафодор Жаъфарни қучоқлади. Улар бир-бирларининг елкаларидан қучоқлаб олганча ичкарига назар солдилар. Ҳури эзилган, ҳолдан тойган кўйи деворнинг тагида, кичкина курсида ўтирарди. Сафиқулибек унинг қаршисида деворга суяниб, тик оёқда турарди. Ниманидир сўзларди. Лабларининг қимирлашига қараганда, шошилмас, бировки оғиз гапириб, яна бирпас тўхтаб турар, сўнг яна секин, оҳиста сўзлар, яна жим бўлар, Ҳурига қараб ниманидир кутарди. Ҳури жавоб бермас, унинг жим ўтирганини кўриб, Сафиқулибек яна гапира бошларди. Ҳури афтидан унинг сўзларини эшитмасди. Ҳорғин, умидсиз ҳолда дарчага тикилиб ўтирарди.

Ё раббий, бир кунда ҳам одам шунчалар ўзгариб кетадими? Ҳури узоқ касалликдан турган хаста каби жуда заиф ва эзилганди. Гўё қимирлашга мадори қолмагандай эди. Чакаклари, кўзлари ботиб кетганди.

Шу аҳволда ҳам у гўзал, латофатини сақлаган эди. Вужудидан маъсумлик ва малоҳат ёгиларди. У бутун шу ҳолати билан барча пок виждонли, юксак фикрли

одамлар каби ҳар дардга чидаши, лекин ҳеч қачон қалбан таслим бўлмаслиги ҳақида сўйлаётганга ўхшарди.

Сафиқулибекни ўзидан чиқарган ҳол ҳам шу эди. Энди у чаңғалига тушган бу кабутарни осонликча ҳар кўйга сола биларди. Лекин бундай қилганда Ҳури унга умрбод бегона бўлиб қоларди. Сафиқулибек эса ҳозир унинг юрагини ҳам ўзиники қилишни истарди.

Сафиқулибек девордан узилиб, Ҳури томонга бир неча одим ташлади, тўхтади. Ўнг қўлини бир оз олдинга чўзди, бармоқларини мушт қилиб тугиб, яна очди, худди у кафтида бир нарсани эзғиламоқчи бўлаётгандай эди. Овози ҳам кўтарилла бошлади. Унинг нима деяётганини аниқ эшитиб бўлмаса-да, лекин овозини ажратиб бўларди. Вафодор: «Дўқ қилаётибди шекилли, — деб ўйлади, — бечора бир хотиннинг олдида керилишини кўр номарднинг!» Мана шу фикрнинг таъсирида у жадал илгари қадам ташлади ва уй эшигини аста тақиллатди. Сафиқулибекнинг овози тинди. Афтидан, ҳеч ким келишини кутмаган, ҳозир эса қулоқларига инонмасди. Жим бўлиб, эшикка қараб тинглаб турди, эшик дубора тақилламаганини кўргач, яна баланд овоз билан сўзлашда давом этди. Вафодор эшикни бир оз қаттиқроқ тақиллатди. Сафиқулибек оила аъзоларидан бири ё хизматкорлардан бўлса керак, деб ўйлаб, жаҳл билан ўрнидан қўзгалди ва эшикка келди. Ҳеч нима демасдан қўлини илгакка олиб борди. Лекин қандайдир бир ҳиссиётнинг таъсирида илгакни охиригача кўтармасдан, овоз берди:

— Кимсан? Нима дейсан?

Вафодор мумкин қадар сокин товуш билан деди:

— Оч, Сафиқулибек, бўл, эшикни оч! Кимлигимни, нима исташимни ўзинг биласан!

Овозидан Вафодорни таниган Сафиқулибек аввал ўзини йўқотиб қўйди. Бир зум нима қилишини билмай қолди. Ҳури хоним курсидан отилиб турди ва деворга суяниб, чўғдай кўзларини унга тикиди: нима қиларкин?! Сафиқулибек нимадир деб ғудранди, учиб бориб тахтанинг устида ётган ханжарини олди. Эшикка келди. Илгакни сўл қўли билан тушириб, эшикни тортиб очди, ўнг қўлидаги ханжарни қоронгиликка санчди. Вафодор тезда ўзини четга олмаса, ханжар нақ кўксига санчилиши аниқ эди. Қўли бўшлиққа кетгани учун

Сафиқулибек мункиди ва кўкраги билан эшикнинг ёпиқлик қолган иккинчи тавақасига урилди. Тез ўзини ўнглади, лекин ханжарни қайтадан Вафодорга уришга мажоли келмади. Вафодор унинг илк ҳужумини қайтариб, жуда тез ҳаракат қилди. Дарҳол чап қўли билан унинг билагига ёпишиб, қаттиқ сиқди. Ўнг қўлида турган ханжарини биқинига тиради.

— Бу ерга қон тўккани келганим йўқ, — деди. — Сен билан орани очгани келдим. Наридан тур, ханжарингни қинига сол.

Ўлимнинг оғир қора нафасини ҳис қилиб, ранги бўзариб, қорайган Сафиқулибек хатарнинг узоқлашганини кўриб, бирдан яна қутуриб кетди. Тез ўзини орқага тортиб, Вафодорнинг ханжар ушлаган қўлига қаттиқ урди. Ханжар Вафодорнинг қўлидан учиб кетди. Олишув бошланди.

Буларнинг бари яшин тезлигида рўй бергани учун Жаъфар ҳам, Ҳури ҳам турган ерларида қотиб қолган эдилар. Ҳури юзини қўллари билан беркитиб олганча даҳшат ичида уларга қараб турарди. Унинг қарашида умид билан қўрқинч аралаш эди. Лекин на ўрнидан қўзғалишга ва на овоз чиқаришга мажоли келарди. Фақат Вафодорнинг ханжари қўлидан тушганини кўриб, фарёд тўла сас билан деди:

— Омон оллоҳ, ўзинг унга мадад қил!

Ҳурининг фарёди билан Жаъфарнинг ўзини ичкарига отиши бир пайтга тўғри келди. Шу он Вафодор Сафиқулибекни кўкрагига олиб шунчалар қаттиқ қисдики, суяклари қисирлаб кетди, Сафиқулининг ханжари қўлидан тушди. Вафодор уни кўкрагидан ытариб юбориб, жаҳд билан ердан ханжарини олди. Жаъфарга:

— Сен четда тур! Икки одамнинг битта одамга ёпишиши мардликдан эмас! — деди. Кейин юрагига қўрқув тушган Сафиқулибекка ўғирилди: — Ханжарингни ол, мен билан гаплашмоқчи бўлувдинг, энди иккимиздан биримиз ўлишимиз керак. Қани, чиқ майдонга!

Жаъфар четга чиқди. Сафиқулибек ҳеч нарса демасдан қон тўлган кўзларини Вафодорга қадаганча ердан ханжарни олди. Уй ўртасида юзма-юз бўлишди. Улар қонсираган қумуш дастали ханжарни маҳкам ушлаб олганча бир-бирларига ташландилар. Улар гоҳ

ҳужум қилар, гоҳ ёнга сакрар, гоҳ чекинар, лекин, қандай бўлмасин, ханжарни бир-бирларига санчишга уринардилар. Сафиқулибек Вафодорнинг усталик билан ханжар ишлатаётганини, зарбалари қўрқинчли ва саррост эканини кўриб, панд ишлатмоқчи бўлди. Атай орқага чекиниб, Вафодорни ҳужум қилишга мажбур қила бошлади. Шу тариқа орқага чекина-чекина, уй ичини уч-тўрт дафъа айланиб чиққанидан сўнг бирдан букилиб, ўзини Вафодорнинг устига отди, ханжарни унинг қорнига урмоқчи бўлди, Ҳурининг кўз ўнгини қоронгилик босди. Вафодорни энди ҳеч нарса ўлимдан қутқаролмайди деб ўйлади, беихтиёр қичқариб юборди:

— Сафиқулибек, бас қил, тегма унга!

Кўзларини очиб, Вафодорни хонанинг бир бошида, Сафиқулибекни эса иккинчи томонда ҳужумга тайёрланаётган ҳолда кўрди. Вафодор рақиби панд бермоқчи бўлганини кўриб, дарҳол унга чап берган ва Сафиқулибекни олдинга ўтказиб юборган эди. Ҳури уларнинг ўртасига тушмоқчи бўлганида, ғолиб келишини сезган Сафиқулибек:

— Сен бунӣ халос этолмайсан! Ўрнингдан қимирлама!— деб қичқирди.

У яна Вафодорнинг устига қараб юрди. Шунда Вафодор ундан тезроқ ҳаракат қилиб, отилиб бориб уни деворга қисиб қўйди, ханжарлари ҳавода бир-бирига шарақлаб урилди, тўшлари билан бир-бирларига ёпишдилар. Вафодор кутилмаган тарзда қўлини баланд кўтариб, ҳарифининг бошига огир зарба туширди. Кетма-кет ханжар ушлаган қўлига урди. Сафиқулибекнинг ханжари айилиб, иккига бўлиниб ерга тушди. Вафодор унинг белидан ушлаб олди ва кўтариб ерга урди, тиззалари билан кўкрагидан босиб олди, ханжарни баланд кўтариб учини Сафиқулибекнинг нақ юрагига тиради.

— Калимаи шаҳодатни ўқи, Сафиқулибек!

Ранги ўлик тусига кирган Сафиқулибекнинг дудоқлари қимирлади, лекин у калима ўқимади.

— Йигит йиқар, лекин бўғизлама!— у зўрға чиққан овоз билан сўзлади.— Сен мени енгдинг, энди у сеники бўлди,— у кўзи билан Ҳури тарафга ишора қилди.— Олиб кетавер... Менинг қонимни тўкканинг билан ҳеч нарсага эришмайсан...

Умр бўйи ҳукм юритишга, амр қилишга, қичқи-

риш, ғазабланишга одатланган бир одамнинг шу ҳолга тушиб, заиф ва мискин ҳолда ялиниб-ёлвориши Вафодорда нафрат уйғотди. Худди оёғи остидан жирканч бир ҳашарот чиққандай, уни дарҳол босиб ўлдиргиси келди. Шу туйғунинг таъсирида ханжарнинг тигини унинг юрагига санчамадан деб турганида Ҳури ўзини унга томон отиб, қаршисида тиз чўкди:

— Утинаман сиздан, Вафодор, уни ўлдирманг! Унинг қонини менга бағишланг!

Вафодор фикридан қайтди, Сафиқулибекни қўйиб, ўрнидан турди. Юзидан тер қуйиларди. Ҳурининг қўлидан тутди:

— Кетдик!— деди.

Уйдан чиқдилар. Жаъфар ҳам уларнинг орқаларидан чиқди. Идрис пастда уларни кутиб турарди.

— Худога минг шукур, саломат қайтдингизлар.., Ҳали-бери жоним ҳалак, тепага ҳам чиқолмайманки, бу мардумозорлар келиб қолишмасин деб.

Ҳури дарров боласини сўради:

— Идрис оға, Соҳиб қаерда?

Идрис унга тасалли берди:

— Хотиржам бўл, Ҳури синглим, Райҳон уни ўз боласидан ҳам ортиқ кўради. Тинчитиб ухлатди. Ҳозир Гулёноқ иккови маза қилиб ухлаб ётишибди.

Ҳурининг назарида Райҳонларникига келгунча йўл сира тугамайдиган бўлиб туюлди. Худди бир йил ўтгандай эди. Қоронғида йўл босганда вақт секин ўтармикин, йўллар узаярмикин, а?

Райҳон хонимнинг уйига келганларида дарчаларда чироқ нури кўринмаганига Ҳури жуда безовта бўлди ва ҳаммадан олдин ўзини эшикка урди. Лекин эшикни тақиллатишга эҳтиёж бўлмади. Болаларни ухлатиб бўлгач, Райҳон хоним ухласдан кутиб ўтирганди. Шарпаларни сезган бўлиб ўзи эшикни очди. Ҳурини қучоқлаб ўпди. Ҳури кўз ёшларини тиёлмасдан ўкраб йиглаб юборди. Райҳон эса дарров уни уйга олиб кирди:

— Кел, кел, буларнинг қандай ётишига қара.

Гутурт чақиб Ҳурини болалар ётган хонага олиб кирди, сўнг остонадан туриб, эрига деди:

— Ҳай, Идрис, самоварга ўт солинг, мен ҳозир келаман. Тоза чарчагансизлар, бир стакандан чой ичинглар...

— Омон бўлинг, Райҳон хоним, биз энди борайлик. Кеч бўлди жуда. Сакина ҳам ёлғиз!— Вафодор ташаккур айтди.

— Ҳа, айтганча, эсимдан чиқай дебди. Сизлар кетгандан бир оз кейин Турон бобонинг одами келиб кетди. «Вафодор менга учрашсин. Тифлистан меҳмон келган»,— деб тайинлаб юборибди.

— Худога шукур. Хушхабар айтдингиз, Райҳон хоним,— деди миннатдор бўлиб Вафодор.— Кечанглар хайрли ўтсин.

Уларни кузатиб, Райҳон болалар ётган хонага кирди. Ҳури гилам устида ўтириб, ухлаб ётган Соҳибга термиларди. Боланинг ранги ўчганди. Уйқусида ҳам ниманидир сўзлар, чўчиб тушарди. Воядан бери уни уйғотишни истамай ўтирган Ҳури Соҳиб чўчиб тушганини кўриб, «вой, болажоним!»— деди, эгилиб, унинг юзидан ўлди. Она нафасини сезган бола уйқу ичида қўлини чўзиб, уни ахтарди.

Ҳури унинг ёнига чўзилди, боласининг юмшоқ қўлини олиб, кўкраги устига қўйди. Бола савқи табиий бир туйғу билан онасига суқилди ва кўзларини очиб, унинг юзига қаради:

— Ойи, сизмисиз?— деб сўради.

— Менман, ўзим ўргилай, менман.

— Энди Райҳон холамининг ёнидан кетманг, ойи. Сизни бу ерда хафа қилишмайди, менинг олдимдан кетманг,— йиғламсиради бола.

— Қўрқма, гулим, қўрқма. Энди бизга ҳеч нарса қилмайди.— Ҳури болани бағрига босди, бошини, юзини силади.— Бўлди энди, ухла, кўзингни юм...

Ленин бола ётолмади, унинг уйқуси қочиб, юраги тўлиб кетган, гаплашгиси келарди.

— Юринг, бу ерлардан чиқиб кетайлик, ойи... Вафодор амакимга айтинг, бизни узоқларга олиб кетсин. Мен бу ерда қўрқаман, сизни яна олиб кетиб қолишадди, хафа қилишади деб қўрқаман...

— Қўрқма, гулим, энди ҳеч ким бизни хафа қиллолмайди...

Бир оз ўтгач, қўлларини онасининг сийнасига қўйганча бола ухлаб қолди. Ҳури қимирламай, унинг юзига тикилиб ётарди. Бола тинчланган, ором уйқусига кирган, рангига ҳам қизиллик югурган эди. Райҳон оҳиста Ҳурига яқинлашди:

— Тур, кел, бир стакан сут ич. Қачондан бери туз тотмагандирсан.

Ҳури секингина Соҳибнинг қўлларини бўшатиб, кўрпанинг тагига солди, аста устидан силаб қўйди-да, ўрнидан турди.

Райҳон олиб келган сут томогидан ўтмасди. Томоғи қуриб кетганга ўхшарди. Сутни секин ҳўплаб ича бошлади.

— Бу кеча шу ерда ётиб қол!— Райҳон унга жой сола бошлади.

— Энди у ерга боролмайман, Райҳон опа, ҳеч қачон у ерга боролмайман!— Ҳури эзилиб сўзлади.— Эрталаб бўлсин, ўзимга бир бошпана топарман.

— Уйим ҳам, эшигим ҳам сенга қурбон бўлсин, Ҳурижон, биз билан ҳамиша бирга туравер!— деди Райҳон чин юракдан. Жой соларкан, кўзи бирга ётган болаларга тушди.— Мунча чиройли ётмаса бу кичкинлар,— деди.— Кел, аҳди паймон қилишайлик, булар ўсиб, камолга етса, уларни бир-биридан айирмайлик.

— Сиз жуда ҳам яхши одамсиз, Райҳон опа, худо сизни ҳамиша бахтли қилсин!— деди ташаккур айтиб Ҳури.— Сиз бўлмасайдингиз, мен нима қилардим, боламдан айрилардим...

## ТУҒҚИЗИНЧИ ФАСЛ

### 1

Болаликдан бери бошига тушган, ўз кўзлари билан кўрган воқеалар Вафодорни доимо эҳтиёт билан ҳаракат қилишга, эртанги куннинг, келажакнинг ташвиши билан яшашга ўргатган эди. Болалик чоғларида у отасидан ботирнинг ботирдан эҳтиёти бор деган гапни эшитган ва уни қулоғига қаттиқ қуйиб олган, ҳар бир қадамида унга амал қилишга уринарди. Агарда у эҳтиётсизлик қилгандайди, номард Сафиқулибекнинг эшикдан узатилган ханжарига дуч келган, ханжар юрагига санчилган бўларди. Мабодо отаси ўзи айтган масалга ўзи амал қилиб, эҳтиёткорлик билан иш кўргандайди, такаббур бекнинг одамлар ичида кўрсатган сохта меҳрибончилигига лаққа тушмасайди ва ниҳоят, унинг ҳовлисига кирганда аввалдан андак эҳтиёт чорасини кўрсайди, қутурган итларга таланмас, хонадонни барбод бўлиб кетмасди.

Вафодор бўлиб ўтган воқеаларни кўп ўйлар, уларнинг мағзини чақишга ҳаракат қилар, оқибатини чама-ларди. Бошини ёстиққа, қўлларини боши тагига қўйганча хаёлга толган, кўзларидан уйқу қочган эди. Саҳармардондан то ярим тунгача оёқ устида юрганига қарамасдан, чарчаган эмасди. Аксинча, бутун вужудида куч қайнаб ётар, баданига сиғмасди. Лекин ҳали-ҳанузгача ҳовири совимаган эҳтирослар, қондаги ҳарорат, ҳаяжонлар ақлини туманлаштириб қўймаган, фикри тиниқ ишлар, боягина ўзи иштирок этган фожианинг бутун оқибатларини, хаёлини бир ерга жамлаб мулоҳазадан ўтказарди.

Ҳурини Сафиқулининг қўлидан қутқариш билан кураш тўхтамаган, балки янада шиддатли ва янада аёвсиз тусга кирган эди. Вафодор буни очиқ-ойдин кўриб турарди. У илёсбеклару сафиқулибекларнинг қандайдой одам эканликларини, уларнинг нималарга қодир эканликларини яхши билар ва бундан буён энди ҳеч қачон ундан, Ҳуридан, Идрис, Жаъфар ва Райҳондаёқ қўлларини тортмасликларини, доим улардан қасд олишга интилишларини англади. Қулай фурсат келганда, хилватда учратганда, қоронғи кечаларда бировни ўлдириб, бошқасини майиб қилиб, учинчисини зўрлаб интиқом олишга, юрак-бағирларини доғлашга ҳаракат қиладилар. Мана шундай адоватлар асрларча давом этади, наслларни ўз комига тортади, оталарнинг адоватлари болаларга ўтади, уларга мерос қолади ва кичкина соҳиблар, гулёноқларнинг ҳаётларини заҳарлайди. Вафодор эса бундай бўлишини истамасди. Дунёга келган ва ҳали келмаган болаларнинг қисматлари ота-оналарнинг адоватлари соясида қолиб кетишига йўл қўёлмасди. Бу бегуноҳ, маъсум болалар бахтли-саодатли бўлсин, волидайнлар ўртасида юз берган кин-адovatлар уларнинг ўз ўрталарида қолиб кетсин, янги наслларнинг умрини заҳарламасин. Мана шунинг учун ҳам Вафодор қўлини қонга ботиришдан ўзини сақларди, қуролини ҳуда-беҳудага қинидан суғуриб силкитавермасди.

— Жаъфар, ҳали ухлаганинг йўқми? — сўради у ҳадаб у томонидан бу томонига ағдарилиб ётган Жаъфардан.

Қанчадан-қанча ҳаяжон ва изтиробларни бошидан кечирган Жаъфарнинг кўзларига уйқу келармиди?

— Уйқум қочиб кетди, фикрим чувалди...  
— Нимани ўйлаяпсан?  
— Бу ишларнинг охирини! Калаванинг учини топиб бўлмай қолди. Билмайман, бу ёғи нима бўлади энди...

— Мен ҳам шуни ўйлаб ётибман. Шолча-полчала-римизни йиғиштириб, бошқа ерга кўчиб кетсакмикин деб турибман.

— Мурса қилиб бўлмайди-да, а?

Вафодор бирдан жавоб бермади. Бирпас ўйлаб тургач, деди:

— Дадам раҳматлик айтардики, «Калила ва Димна» деган бир зўр китоб бор экан. Шу китоб подшоҳлар хазинасига арзийдиган китоб экан. Ҳалигача у китобни топиб ўқий олганим йўқ. У китоб мазмундор ва иборатомуз ривоятларга тўла экан. Отам менга бир ривоят айтиб берган эди, билмайман, ўша китобданми ё бошқа жойданми. Ҳар ҳолда, отам ўша китобни жуда кўп гаплар ёзилган, дерди. Отам нақл қилган шундай ҳикоялардан бирини сенга айтиб бераман. Чиройли бир боғда мушук билан ёввойи кўк каптар дўст бўлиб яшашаркан. Топган нарсаларини бирга баҳам кўрар, бир ерда ётиб ухлашар экан. Бир куни каптарнинг боласи мушук боласининг кўзини чўқиб олибди. Мушук дарғазаб бўлиб, каптарнинг боласини ушлаб ебди. Ўша кундан бошлаб мушук билан каптар бир-бирларига душман бўлиб қолишибди. Каптар дарахтларнинг баланд шохларига чиқиб кетиб, ўша ерларда ётадиган бўлибди. Уни ушлаб ейиш пайида бўлган мушук шундай дермиш: «Эй биродар, ўлган ўлиб кетди, пастга туш, адоватни унутайлик, илгаригидай дўст бўлайлик, мендан қочма, олдимга кел, ўпишайлик, қучоқлашайлик!» Каптар бўлса, бундан буён сен билан дўст бўлолмаймиз. Сенинг ҳам, менинг ҳам кўкрагимизда бола доғи бор. Кўкракларимиз кинга тўлди. Бу кин энди ҳеч кимга тинчлик бермайди. Яхшиси, бир-бирларимизнинг кўзимизга кўринмаганимиз тузук. Ақлли одамлар айтиб кетган эканлар, юраги кинга тўлган одамга ишонч йўқ... Фақат аҳмоқ одамгина ширин гапга учиб тузоққа тушади, депти... Тушундингми, Жаъфар?

— Ҳа, тушундим, келишиб бўлмайди.

— Иложи йўқ, биродар. Ардабил хони билан Сароб хони сира келиша оладими? Йўқ. Буларнинг ҳаммаси бир уруг. Бировни кечиришолмайди. Улар ҳеч нарсани эсларидан чиқаришмайди. Кўкрагини тиззам билан эзганимни Сафиқулибек қиёматга қадар унутмайди.

— Айб ўзида, сизда эмас.

— Булар ҳеч қачон ўзларини гуноҳкор демайди. Ўз айбини кўриб, бўйнига олиш учун одамда виждон бўлиши керак. Буларда шу нарса йўқ. Булар фақат бир нарсани билиб олган, фалончи биз айтган ишни қилмаяпти, бизга қарши чиқяпти, демак, бизга душман, шунинг учун уни орадан йўқотиш зарур. Уларнинг каллаларига бошқача бир гап сиғмайди. Шунинг учун бу ерлардан бош олиб кетганимиз маъқул.

— Сиз нима десангиз, шу... мен розиман. Бошқа иложи бўлмаса, кўчиб кетайлик. Қаерда бўлмайлик, бир бурда нонимизни топиб ермиз.

— Эҳ-ҳ, Жаъфар! Бошимга жуда ғалати фикрлар келади. Мана, сенга қарайман, Сакинага қарайман, ўша Ҳури, Райҳон, Идрисга қарайман, ҳатто ўша Офарида хоним ҳам унчалар ёмон хотин эмас. Сизларга қараб туриб одамнинг ҳаваси келади. Одам боласи ҳам шунчалар яхши қилиб яратиладими дейман. Одамлар ҳаммаси бир бўлса, бир-бирининг қўлидан тутса, бир-бирига ёрдамлашса, жаннатни мана шу дунёнинг ўзида қуриб қўя қолса бўларди, дейман. Сен ҳам ҳеч шундай нарсаларни ўйлайсанми, қардошим?

— Баъзан ўйлайман, фақат охири нима бўлишини ҳеч билмайман, калавамнинг учини йўқотиб қўяман. Одамларнинг қилаётган ишларига қараб турсам, сиз айтган нарсалар ҳеч қачон амалга ошмайдигандай бўлиб кўринади. Одамлар ҳаммаси қўлни қўлга берса олам гулистон бўлади, дейсиз! Яхши гап. Лекин одамнинг ишонгиси келмайди. Ахир қандай қилиб, айтайлик, Илёсбек мени ё сизни ўзига тенг кўради? Ҳеч вомонда ўзи келиб бизга қўлини берармикин? Бунини сира ҳам ақлимга сиғдиролмайман!

— Хўп, унда кел, кўрайлик, нега бу мумкин эмаслигини? Илёсбекнинг нимаси биздан ортиқ? Ёки унинг тўртта қўли бору меники иккитами? Унинг кўзи тўртта-ю, сеники иккитами? Балки унинг иккита калласи бордир, сену менда фақат биттадир? Унинг нимаси

сен билан мендан ортиқ? Ҳеч нарсаси! Худо яратганда ҳаммани бир қилиб, тенг қилиб яратган. Фақат Илёсбек бир нарса туфайли бизга қўл бермайди. Чунки у бой, биз эса камбағал. Бойлик бўлмаса, у билан ўрта-мизда ҳеч қандай фарқ қолмайди. Кел, энди масалани бошқа томондан ечиб кўрайлик. Анави Салимни ол. Кеча у ким эди? Бек хизматида юрган малай! Илёсбек унинг саломига алик ҳам олмасди. Энди бўлса оғиз-бурун ўпишиб юрибди. Нега? Чунки энди унинг қўлига давлат кирган. Ишларни дўндириб қилишга келганда улардан ҳам устароқ. Давлатманд бўлгани учун ҳам бизга эмас, кўпроқ уларга яқин юради. Кечаги кунгача ўз дўсти бўлган чўпон Валига қайрилиб қарамайди, уни кўрса, юзини тескари ўгиради. Нега? Чунки ўрталарида мол-давлат деб аталган девор бор энди! Бу дунёдаги барча бадбахтликларнинг боши мана шу ерда, иним! Ҳамма офат, балолар ҳам шундан чиқади! Одам боласини тенгсиз қилган нарса ўша сарват! Мана шу сарватини сақлаб қолиш учун Илёсбек бутун юртни қириб юборишга тайёр. Ўша сарватни деб улар неча бор эл-юртни сотиб, ватанни қонга ботиришди. Ҳури хонимдай малак сингари бир аёлнинг бошига нега бунча кулфатлар ёғдиришяпти? Орада давлат бор. Уни меросдан маҳрум қилиш учун шунча ишлар бўляпти. Салим оға ҳозирги давлатини сақлаб қолиш учун хотинининг ўлиги устидан сакрашга тайёр. Агар биров йўлини тўсса, туғишган ака-укаси бўлса ҳам, ўлдиришдан тоймайди. Бу дунёда, иним, зулм, адолатсизлик, бахиллик, тамагирлик, бузгунчилик — ҳаммасини битта она туққан, у ҳам бўлса, ўша сарватдир.

Вафодор сўзларкан, Жаъфарнинг кўз ўнгида бутунлай бошқа бир олам очилар, гўё ҳаёт, умр устидаги пардалар кўтарилиб борарди. Шу кунгача унга қоронғи бўлган, сирли кўринган ҳодисалар энди содда, ойдин бўлиб бормоқда эди.

— Одамларни бир-биридан ажратган нарса шу, иним, — деди секин, маъюс бўлиб Вафодор. — Давлати бор одам қоровул сақлашга мажбур бўлади. Хизматкор тутади. Ўртада тенгсизлик туғилади. Бири оға, бири қул бўлиб қолади. Хўш, нима қилиш керак? Инсонларни қандай қилиб бирлаштириш керак? Бунинг бирдан-бир йўли бор, иним. Давлат халқники бўлиши керак.

Ўшанда ҳеч ким ҳеч кимга оғалик қилмайди. Ҳамма бир-бирининг олдида худо яратгандай бўлиб қолади. Тенгсизлик йўқолади.

— Бу гапингизни унча тушунолмадим,— деди Жаъфар.— Давлатни қандай қилиб ҳамманики қилиб бўлади. Майли, сиз айтгандай ҳам қилдик дейлик, ҳамма бугдойни йиғиштириб, бир омборга йиғдик. Хўш, шу омборга қараб турадиган бир одам бўлиши керакми, йўқми? Менимча, бўлиши керак. Хўш, у ерга худо кўрсатмасин, Салим оғага ўхшаган бировни қўйдик, нима бўлади унда, киши билмас бутун омборни талон-торож қилиб юбормайдими? Менимча, талаб олиб кетади!

— Салимни қўйсанг, албатта, талаб кетади!— тасдиқлади Вафодор.

— Менимча, кимни қўйсангиз ҳам, қўли тинч турмайди. Ун мингдан агар битта чиқмаса эл молига қўл чўзмайдигани...

— Менга қара, мана, агар сени қўйишса бу ишга, қишин-ёзин турмушинг жойида бўлса, тирикчилигинг яхши ўтса, ўшанда ҳам қўлингни эл молига чўзаверасанми?

— Ундай бўлса, албатта, қўл урмайман...

— Шундай бўлади, иним, шундай бўлади, ақлли одамларнинг гапларига қараганда, шундай бўлади. Мендан буларнинг ҳаммасини қаердан биласиз, деб сўрашинг мумкин. Буларни мен ўзимча ўз калламдан чиқарганим йўқ. Лекин шундай бўлишига ишонаман. Ўйлаб-ўйлаб, бунинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилдим.

— Сиз кимдан эшитгансиз?— Жаъфар қизиқиб сўради.

Унинг саволида аллақандай маъюслик ва таассуф бор эди. У боядан бери буларнинг барини Вафодорнинг ўзи ўйлаб топган деб гумон қилиб: «Ёмон калласи ишлайди-да!»— деб ҳавас қилган, ҳозир ўша ўйлагани бир оз бошқачароқ бўлиб чиққанидан маъюс бўлиб қолган эди. Жаъфар бу фикрларнинг ҳаммасини Вафодорнинг ўзи биринчи марта ўйлаб топган бўлиб чиқшини жуда ҳам истарди.

Унинг маъюсланиб қолганини кўриб, Вафодор деди:

— Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганларидай, бу дунёда одам бир-биридан ўргана-ўргана

олдинга босади, иним. Қулогинг очик, кўзинг очик бўлса бас, кўриб, эшитиб, ақлинг ўсади. Тифлисдан келган Али Мирза киши шундай одамлар тоифасидан. Ҳамма нарсани билади, дунё ишларидан хабардор, ориф киши. Нега? Чунки кўзи очик одам, басир, авом эмас. Шундай гапларни гапирадики, айтсам, ишонмайсан.

— Бу гапларни ҳам у айтганми?

— Ҳа, у айтган, дунёда улуг одамлар, улуг файласуфлар бор, улар шу масалаларни ўрганиб ётибдилар, дейди. Катта-катта китоблар ёзишган эмиш. Биз нимани ҳам билардик...

— Ўша китобларни ўзи ўқиган эканми?

— Бунисини билмадим. Аммо жуда дунё кўрган одам. Рус пошшосига қарши бўлиб Кавказга сургун қилинган бир зобит билан танишлиги бор экан, бу гапларни ўша одам айтиб берибди.

— Дунёда қанчадан-қанча кўрадиган, эшитадиган нарсалар бор-а...— маънос бўлиб қолди Жаъфар.

— Биз бечоралар қаердан билайлик... Бир бурда нон топамиз деб жонимиз ҳалак, умр ўтганини билмай қоламиз, дунёдан беҳабармиз.

Дўстлар жим қолиб, фикрга толдилар. Салдан сўнг Жаъфарнинг пиш-пиш ухлаётгани эшитилди. «Тифлисдан келганлар ичида Али Мирза киши бўлса яхши бўларди,— деб ўйлади Вафодор.— Кимлар келган экан? Нимага келишибди? Али Мирза киши бу ишларга бош қўшганга ўхшайди...» У шуларни ўйлаб ётиб, ухлаб қолди.

Уни Сакина уйготди:

— Ака, акажон, туринг, сизни чақиришяпти...

Вафодор тез кўзларини очиб, атрофга қаради. Ўз уйида ётганини, кун ёришиб кетганини, Жаъфар аллақачон туриб кетганини, унинг ўрни йиғиштириб олинганини кўрди.

— Анча ухлаб қолибманми?

— Анча ухладингиз, ака. Жаъфарни бозорга юбордим. Ҳозир келиб қолади. Уч-тўрт киши келиб сизни сўрашяпти. Кетамиз дейишган эди, қўймадим...

Вафодор гап нимадалигини билиб, шоша-пиша кийинди, уйнинг орқа томонига ўтиб ювинди. Сакина берган сочиқ билан артиниб, сўнг ҳовлига чиқди. Ҳовлида тўрт киши ялангоч бўлиб қолган дарахтларнинг

тагида ариқдан кўзларини узмай суҳбатлашиб турарди. Булардан бири Турон бобо, иккинчиси Али Мирза киши эди. Бошқа иккиси кийимларига қараганда, давлат хизматчисига ўхшарди. Улар оёқларига тоза, қора туфли, ёни ҳошияли кўк шим кийган эдилар. Кулранг пальтоларининг елкасида зар погонлар, бошларида ярақлаган мешин шапка бор эди. Кўринишидан унча ёшга ўхшашмасди. Вафодор уларга яқинлашиб, саломлашаркан, бир нарсага эътибор берди: нотаниш одамларнинг бири оқ юзли, мовий кўз, сочи сариқдан келган рус кишиси эди. Ҳатто ингичка қошлари ва учи юқорига буралган ингичка мўйлови ҳам сариқ эди. Унинг юз-кўзи кулиб турар, лабларида майин бир табассум жилва қиларди. Ташқаридан қараган одам у кулимсираяпти, деб ўйларди. Аслида эса унинг кўриниши, юзининг асил ифодаси шундай эди. Буларнинг ҳаммаси уни жуда ёш кўрсатарди. Агар томоғи оша ўтиб, чакка сочларига бориб қўшилган соқоли бўлмасайди, уни ҳеч қачон эликка кирган деб бўлмасди. Юзига ажин тушганига қарамасдан, ҳали жуда кўркем ва соғлом кўринарди. Ёшлигида кучли, қоматдор, азамат кўринишли одам бўлгани равшан эди.

Вафодор танимаган иккинчи одамнинг сохт-сумба-ти бошқача эди. Унинг юзи бугдой ранг, кўзлари йирик ва қора, кўркем ва салобатли эди. У ўзини жуда яқин олиб сўзлашар, тортинмас, худди ёски танишлардай самимий эди. Кўринишидан ўзини бу ернинг одамларигагина эмас, тоғлари, булутлари, жилдираб оқиб ётган бу ариқларига ҳам яхши қадрдондай тутарди. У соч-соқоли оқарган Турон бободан тортиб, навраста Сакинага қадар ҳамманинг юрагини билиб турганга ўхшарди. Ёши эликларга бориб қолган бу одамнинг шапка остидан чиқиб ётган сочлари, ҳатто мўйлови ва қалин қошлари оқариб кетган эди. Юзидан жуда ақлли эканлиги, доно файласуфлардай теран муҳокамаларга қодирлиги кўриниб турарди. Хусусан, чеҳрасига, кўзларига, бутун сиймосига ўзгача бир ҳусн берган кенг манглайи жуда нурли ва гўзал кўринарди.

Меҳмонлар Вафодорнинг салом берганини эшитиб, суҳбатдан тўхтаб, унга ўгирилиб қарадилар. Вафодор мусулмон бўлса керак деб ўйлаган кўркем киши олдинга ўтиб, кўришгани қўлини узатди, у билан жуда илиқ сўрашди.

— Хуш кўрдик, Вафодор оға! Келинг, танишайлик. Мен Мирза Фатали Охунзода бўламан,— деди ва дарҳол, ҳайрат ва севинчини ифодалашга улгурмаган Вафодорга мовий кўз офицерни кўрсатди:— Бу киши менинг дўстим Иван Иванович Иванов. Танишиб олинглар.

Иван Иванович Вафодорнинг қўлини қизғин қисиб кўришди. Дарҳол одамнинг юрагини забт қиладиган, ўзига нисбатан ишонч ва эҳтиром уйғотадиган самимият ва меҳрибончилик билан деди:

— Бизни кечиринг, сизни безовта қилдик. Тунда анча ташвишларни бошдан кечирибсиз, яхши ухламасиз. Фақат сизни уйғотиб юборганлигимизнинг гуноҳи бизда эмас, синглингиз Сакина қўймади, меҳмон бўлиб кетинглар, деди.

— Сакина жуда яхши қилибди, кетиб қолганларингизда ўзимни сира кечирмасдим!— Вафодор Ивановга жавоб бераркан, Мирза Фаталига ўгирилди:— Сиз ҳақингизда жуда кўп эшитганман.

— Яхши йигитнинг отини эшит, ўзини кўрма!— Мирза Фатали кулди.— Кимдан эшитган эдингиз?

Вафодор жавоб бермасдан, ниманидир эслагандай ва худди гуноҳкордай тез бошқа келганлар билан сўраша бошлади ва улардан бирининг қўлини маҳкам силкиб, деди:

— Хуш кўрдик, Али Мирза амаки, қадамингизга ҳасанот!— Кейин Мирза Фаталига қаради.— Али Мирза амаким сиз ҳақингизда бизга жуда кўп сўзлаб берган. Сиз қилган ажойиб ишларни бизга айтган,— деди ва очиқ чеҳра билан Турон бобонинг қўлларини олиб қисди, унинг юзидан ўпиб қўйди. Ивановни кўрсатди.— Дўстингиз келибди-да, Турон бобо? Сизни танидимми ишқилиб?

Турон бобо кулди.

— Худога шукур, менга нима қилибдики танимайди? Ўттиз йил бурун қандай бўлсам, ҳамон ўшандайман.

— Мен-чи, мен қандай, жуда ўзгариб кетибманми, Турон киши?— сўради Иванов.

Турон бобо Ивановнинг саволига дарров жавоб бермади, сўнг қўлини унинг кўкрагига қўйиб, деди:

— Бир пайтлар буни кўрган киши паҳлавон дерди. От минганини, йўл юрганини, қилич ўйнатганини

кўрсайдинг бун! Отни олиб чиқиб, эгарга сакрарди-ю, шамолдай учиб кетарди азамат. Дов йигит эди. Ахир, пошпога қарши борганлардан-да!

— Қани, ўзинг айт-чи, энди қандайман?—такрорлади Иванов.—Жуда ўзгариб кетибманми?

— Ўзгармай бўладими бу дунёда, турмуш тоғ бўлса кемириб ташлайди, одам экан-ку! Ўзгарган бўлсанг ҳам, мошоллоҳ, жуда кўринишинг яхши, омон бўл доим.

— Сен айтганча эмас, Турон киши. От миниб, қилич ўйнатиш, милтиқ отишда ҳали ҳам ҳеч кимдан қоладиган жойим йўқ. Фақат қарияпман, Турон киши, қариб қоляпман...

Меҳмонларнинг қизгин суҳбатга киришиб кетганларидан фойдаланган Сакина эғнидаги эски кийимларини ечиб, янги гулли чит кўйлагини кийиб, сариқ рўмолини ўраб чиқди-да, уларга яқинлашди:

— Ака, чой тайёр, меҳмонларни уйга таклиф қилинг.

— Биз сенинг меҳмонинг бўламиз, бизни сен ушлаб турдинг, энди ўзинг ичкарига таклиф қил!—ҳазиллашди унга Мирза Фатали.—Сен таклиф қилмасанг, кирмаймиз.

Сакина дув қизариб кетди, лекин ўзини йўқотиб қўймади, инжа малоҳат билан уйга таклиф қилди:

— Ичкарига марҳамат қилгайсизлар, чой тайёр!—деди-ю, уйга қочиб кирди.

— Ҳа, мана, бу бошқа масала. Энди кирсак бўлади!—деди Сакинанинг очиқ, самимий ҳаракатларидан жуда ҳам хурсанд бўлган Мирза Фатали.—Вафодор оға, фақат сизнинг синглингизни кўриш учун Тифлистан бу ерларга келса арзиркан. Мен барча мусулмон қизлари мана шундай очиқ, дилбар ва самимий бўлишини орзу қиламан. Қани айтинг-чи, тушуниб туриб шундай қилдингизми ёки тасодифми бу?

— Ҳам тасодиф, ҳам атай шундай тарбия қилдим,—изоҳ берди Вафодор.—Биласизми, бу қизни мен уч ёшидан бери тарбия қиламан. Унга ҳам ота, ҳам она, ҳам ака бўламан. У ҳам менга ҳам ота, ҳам она. Унга ҳеч қачон қаттиқ гаширганим йўқ. Эркин ўсди. Доим кўнглдига қарадим. Майли, бундан буён ким нима деса дер.

Уйга кираётган ерларида Мирза Фатали тўхтади, орқасига ўгирилиб, Вафодорнинг юзига қаради.

— Офарин! Баракалла! Ақл ва виждон билан иш қилганда бошқалар нима деркин деб шубҳаланиб ўтирмаслик керак. Тушунмаган одамлар нима деса дер, сиз уларга қулоқ османг. Гапириб-гапириб чарчашади. Мен руслар, арманлар, гуржиларнинг йиғинларида кўп бўламан, уларнинг хотин-қизларига қараганда, доим кўз ўнгимда бизнинг аёллар туради, жоним ачийди. Бизнинг қиз-жувонлар ҳам чодрадан чиқармикин, юзларини очармикин, илм ўрганармикин, кўзи очилармикин, яхшини ёмондан ажрата олармикин, деб орзу қиламан. Ким билади, шундай кунларга етармикинман!—у бир муддат фикрга толди, сўзлари одамларга таъсир қилганини, ҳатто Турон бобо ажабланиб қулоқ осганини кўриб, унинг қўлидан ушлади.— Шундай, Турон бобо, мусулмонлар бадбахтликда яшаётганлигининг сабабларидан биттаси ҳам шу — хотинларнинг зулм исканжасида эканлиги. Орқада қолганмиз, илм ва маърифатдан беҳабармиз, шунинг учун ҳам ўсмаймиз, залолатда яшаймиз. Қолоқлигимизнинг аломати жамиятимизда хотин-қизларнинг аҳволи ҳаддан ташқари ёмонлигида.

Турон бобо шоён диққат билан Мирза Фаталининг сўзларига қулоқ солар, кўзи ярақлаганча унинг юзига тикиларди. Мирза Фатали хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлигидан сўзларкан, Турон бобонинг хаёлида умр бўйи кўрган ва эшитган хотин кишининг тақдирига доир фожиалар гавдаланарди.

— Тўғри айтасиз, ўғлим,— унинг сўзини маъқуллади Турон бобо.— Шундай кунларга қолганмиз. Қайси хонадонни олиб қараманг, ярмиси хотин-қизлар. Етти ёшидан оёқ-қўлларини боғлаб, уй ичига қамаб қўямиз, тангри яратган офтобнинг нуридан маҳрум қиламиз. Эҳ-ҳ, мен хотин-қизларнинг бошларига тушган шунчалар кўп кулфатларни биламанки, эсимга тушса, сочларим тикка-тикка бўлиб кетади.

Турон бобонинг сўзлари Мирза Фаталига жуда маъқул бўлди, бу доно чолга бўлган ҳурмати янада ортди.

— Аммо мен яна шунга ҳам ишонаманки, бундай бўлиб қолмайди. Дунёнинг ишлари шу тариқа давом этаверса, биз Русия ҳамда Европа ҳаётига яқинлаш-

ганимиз сари менинг орзуларим ҳам рўёбга чиқа боради. Марҳум Муҳаммад Ризобек менга ёш хотинимга савод ўргатяпман, китоб ўқитяпман дерди. Айтишига қараганда, унга Тифлистан европача кийимлар олдириб кийдирган экан, ҳатто жамоат ичига ҳам шундай европача кийимларда олиб чиқмоқчи бўлган экан. Билмадим, айтганларини қилиб улгурганми, йўқми?

— Ажалдан омон топмади!— Вафодор унга жавоб берди.— Қани, қани, ичкарига киринглар, марҳамат.

Кириб ўтирдилар. Сакина бозордан қайтган Жаъфар билан бирга дастурхон тузади, ўртага ёг, асал, пишлоқ, патир қўйди. Тухум пишириб келди. Стаканларга дид билан дамланган хушбўй озарбайжон чойини қўйди.

Мирза Фатали Жаъфарнинг жанубдан келганини, Сакинага уйланиш ҳаракатида эканини эшитиб, яна ҳам севиниб, очилди. Вафодорга бўлган меҳри ортиб, Жаъфарга қаради:

— Менинг отам ҳам у томондан!— деди.— Фақат сен менинг отамга ўхшама ишқилиб. Қиёматга қадар Сакинага садоқатли бўл, уни заррача ранжитма! Менга Сакинани чодрага солмайман, юзини беркитмайман деб сўз бер. Бизнинг ярамас қора гуруҳлар у-бу деб сени уялтирса ва уларга нима дейишингни билмай қолсанг, Сакина айрум қизи, тоғда-тошда катта бўлган, очиқ-сочиқ юришга ўрганган де... Билдингми?

Жаъфар ҳурмат ва адаб билан жавоб берди:

— Бош устига! Тани жоним соғ экан, сиз нима деган бўлсангиз, шундай қиламан.

— Мен билмаган эканман йигит Оразнинг у томонидан эканлигини. Жуда яхши бўлибди!— Али Мирза юзини Сакинага тутган ҳолда Жаъфарга ҳазиллашди.— Қаранглар-а, буларнинг юртида Жаъфардан бошқа исмни билишмас экан.

— Қандай қилиб?— сўради Жаъфар.

— Тифлида ҳам менинг битта Жаъфарим бор. Сиз томонлардан, ўзи кўп тамизли ва заҳматкаш йигит.

— Биз шундаймиз!— деб керилди Жаъфар.

— Адаштириб қўймаслик учун сенга лақаб қўяман. Энди сен Жаъфар Савалонийсан.

— Майли. Ихтиёрингиз.

— Яхши исм,— деди Мирза Фатали.— Майли, се-

нинг исминг бизга доимо Ардабилу, Табриз, Бобакни эслатиб турсин.

— Менга ҳам ёқади,— деди Сакина нозланиб Жаъфарга қараркан.— Жаъфар Савалоний!

Мирза Фатали бу гапларга диққат билан қулоқ солиб, уй ичини мароқ билан томоша қилаётган ва бу соддалик ҳамда меҳмоннавозликдан лаззатланаётган Ивановга қаради:

— Кўриб турибсиз, Иван Иванович, менинг орзуларим бўш фантазия эмас, ҳаётий асослари бор. Озарбайжоннинг заҳматкаш халқи жуда ҳам фаросатли. Булар кўп нарсаларни кўриб, бошдан кечирган. Унинг сўзлари, соддалиги, адаб-арқони ва ахлоқи қандай тегаран маънавиятга эга бўлганини кўрсатади. Агар бу халқ ўқиса, илм-ҳунарга эга бўлса, яхши билан ёмон нималигини кўриб, билиб, англаса, сўнг ҳеч қандай йўл билан унга тўғаноқ бўлиб бўлмайди, мутлақо тараққий этади, олдинга кетади, ҳаётини яхшилиқ асосига қуради!

— Мен ҳам доимо шу фикрда бўлганман,— деди унга жавобан Иванов.— Гапнинг очигини айтганда, Кавказ халқларининг ғайрати ва ишбилармонлиги мени ҳайратга солади. Мен бу халқларнинг фарзандларини чин юракдан яхши кўраман. Фақат нима қилайликки, истибдод усули ва унинг пасткаш малайларига қарши қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Уларга Кавказдаги сиёсатларингни ўзгартиринглар деб бўлмайди, деганда ҳам бундан ҳеч фойда чиқмайди!

Мирза Фатали Ивановнинг сўзларидан таъсирланиб кетди:

— Омон бўлинг, дўстим!— деди.— Марҳум Пушкин ва Лермонтов, менинг дўстим Бестужев ҳам шундай деб ўйлашарди! Россиянинг мунаввар, озодлик тарафдори бўлган фарзандлари ҳамиша бизга дўст бўлган ва дўст бўлиб қолаверади. Биз уларнинг инсофият учун қилган яхшиликларини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаймиз, улар билан биргаликда қаерда бўлмасин истибдодга қарши кураш олиб бораверамиз!— У юзини Вафодорга ўгирди.— Яхши, айтинг-чи, у раҳматликнинг хоними...

Мирза Фатали Ҳурининг номини хотирлашга уринди. Али Мирза унга кўмаклашди:

— Ҳури хоним...

— Ҳа, Ҳури хоним нечук? Уни ҳалиям тинч қўйишмаяптими?

Бу саволдан Вафодор кечаги воқеа ҳали тарқалмаганини, ҳар ҳолда меҳмонлар ундан беҳабарлигини билди. Шу ҳақда ўйлаб, истар-истамас қошлари чимирилди, юзига, кўзларига туман чўкди. Мирза Фатали буни сезиб, деди:

— Инқилиб тинчликми ўзи? Мен бизнинг беклар ва бекзодаларнинг қандайлигини биламан. Кучлари етган одамларни топтаб ўтишни, кечалари йўлтўсарлик қилишни, карвонларни талашни, от. ўғирлашни, қиз қочиришни, бировнинг хотинини зўрлаб олиб кетишни мардлик деб билишади. Шўрликлар нима қилсин ахир, экин экишмайди, пичан ўришмайди, текин еб-ичиб ётавериб қутуриб кетишади-да. Бекорчиликдан бошларини қаерга қўйишни билишмайди. Ўзлари ҳам, худога шукур, дунёдан беҳабар, илм-маърифатдан узоқ. Улардан истаган нарсани кутишинг мумкин. Одам жоҳил, зулмкор бўлса, ундан ватанпарвар чиқмайди, ватанпарвар бўлмаганидан кейин унда ғайрат нима қилади, ҳамюртларига зулм қилишдан бошқа нарсани билмайди. Хўп, қани айтинг, нима бўлди?

Вафодор кеча тунда рўй берган воқеаларни бирмабир ҳикоя қилиб бераркан, улар таассуф, кадар, ғазаб туйғулари билан қулоқ солар, саволлар берар, унинг бошдан кечирганларини бутун тафсилотлари билан аниқ тасаввур қилишга ҳаракат қилардилар.

Вафодор жим бўлганидан сўнг ўртага сукут чўкди. Сукунатни Али Мирза бузди.

— Ҳайфки, Ганжада ушланиб қолдим. Вақтлироқ Тифлисга қайтиб, муҳтарам Мирзага хабар берганимда, бу фожианинг олдини олиш мумкин бўларди.

— Бундай бўлишини сиз қаердан билибсиз!— деб унга тасалли берди Турон бобо.— Қисматнинг ишларини билиб бўладими. У бахтиқаро келиннинг қисмати аввалдан шундай паст ёзилган.

— Мен шунга ҳайрон бўламанки, жонишинликдан шу пайтга қадар унинг тақдири билан қизиққан одам бўлмади.— Вафодор кўпдан бери ўзини қийнаган масалага жавоб топмоқчи бўлди.— Бир парча қоғоз бериб кетиб, шу билан уни тамомила унутиб юборишди.

Вафодор бу саволни ҳаммадан бурун Ивановга бер-

гани учун унинг юзига тикилди. Иванов эса Мирза Фаталига қараб:

— Чоризмнинг бюрократиясидан буларнинг хабари йўқ,— деди ва бошини чайқаб Вафодорга ўтирилди.— Муҳаммад Ризобекни шахсан таниган офицерлар Тифлида турган пайтларида унинг оиласидан ҳам боҳабар эдилар. Келиб кетган ўша одамларни ва ҳадяларни ҳам Муҳаммад Ризобекнинг эски командири, эски дўсти полковник Петров жўнатган эди. Энди Петровнинг ўзи Сибирда. Менинг бошимда ҳам мингта ташвиш...

— Ҳа, ҳа, шундай бўлса керак!— Вафодор шаҳодат бармоғини ҳавога кўтарди.— Илёсбеклар гап тарқатишибди, гўё раҳматликнинг руслар қошида унчалик эътибори йўқ эмиш. Гўё доим ундан шубҳаланиб юришганмиш. Унинг рус дўстлари ҳам ўзига ўхшаб эътибордан қолганмиш...

— Қизиқ гап!— Иванов диққат билан Вафодорга боқди.— Афтидан, Илёсбек оддий мулкдор эмас, сиёсат билан ўйнайдиган одамга ўхшайди.

— Қачон қарасанг, латтадай тутаб ётади!— деди Турон бобо.— Сени сарҳадлардан Русияга олиб кетишганидан сўнг бу ерларда кўп ишлар бўлиб ўтди. Бу Илёсбекнинг кўрсатган ҳунарларини кўрсанг! Вутун Оразнинг сувини лойқалатди...

— Энди мана буни кўринг!— Вафодор сандиқчани олиб келди.— Бизнинг Жаъфарни чақириб, қўлига буни тутқизишибди, Ҳури хонимга олиб бориб бер, бу Насриддин шоҳнинг ҳадяси деб...

— Оҳ-ҳо, бу ерда тоза ғалати ўйинлар бўлибдику!— Мирза Фатали сандиқчани олиб, у ёқ-бу ёгини кўрди.— Илёсбек бу билан Ҳури хонимни бутунлай ёлғизлатиб қўймоқчи бўлган. Хўп, бунинг ичида нима бор?

— Билмаймиз, очиб кўрганимиз йўқ! Тўғриси, кейин бизга бўҳтон қилиб юришмасин дедик. Ичида бошқа нарсалар бор эди деб айтишлари мумкин эди. Олиб беркитгансизлар дейишдан тоймайди булар!

Иванов ҳеч нарса демасдан сандиқчани олдиға қўйиб очди ва ичидаги нарсаларни бирма-бир чиқариб, ўртаға қўйди. Хотинларнинг зар билан тикилган кўйлаги, кашмири шол, гулли рўмол, зар билан тикилган оёқ кийими, марварид, тилла маржонлар, би-

лагузук, сирга, узук ва ҳоказолар... энг тагида эса қўлда тўқилган ҳамён.

— Ҳамма гап мана шу ҳамённинг ичида бўлса керак!— деди Иванов ва уни Мирза Фаталига узатди. Мирза киссани олиб очди, ичидан форс тилида чиройли хат билан ёзилган мактубни олиб, ўқиди. Таржима қилиб берди: хат аъло-ҳазрат шаҳаншоҳнинг топширигига биноан марҳум Муҳаммад Ризобекнинг тул қолган хотинига аталган эди. Хатда бечоралар устидан аъло ҳазратнинг марҳамати ва ғиммати чексиз эканлиги ёзилганди. Бир оз муддат ўтиб, вақт мусоидда этган чоғда аъло ҳазрат элчи юборажаги; элчи Ҳури хонимнинг ҳолидан хабар олиши ва унинг қандай истаги бўлса, ҳаммасини адо этиши, адо этолмаганларини эса аъло ҳазратга маълум қилиши билдирилган эди. Аъло ҳазратнинг эса олло таолонинг қудрати ила ер юзида қила билмаган биронта иши йўқ, дейилганди.

— Шўрлик миллат!— деб аччиқ-аччиқ кулди Мирза Фатали.— Ақлини, ғайратини қийлаларга, мол-давлат йиғишга, мазлумларни эзишга эмас, ватан учун хайрли бўлган ишларга сарф қилса, қанчалар зўр ишлар рўёбга чиққан бўларди, миллат тараққий қиларди.

Мирза Фаталининг сўзлари Турон бобога қаттиқ таъсир қилди.

— Буларда у сиз айтган номус билан ғайрат қани! Бутун вақтлари каклик, қирғовул, жуйир овига кетади, кабоб ейишади, бекорчи сўзларни сўзлашади, такасалтанглик қилишади, бирёвларнинг хонадонини барбод қилишади. Эҳ-ҳ... нималарни кўрмади бу кўзларим...

Мирза Фатали кўринишдан тамкинлик, вазминликни сақлаган бўлса-да, лекин сўзлаганда ёниб-куйиб сўзларди:

— Буларнинг таги бўш амалларига, пуч эътиқодларига, бемаъни ҳаётларига қараб туриб куйиб кетади киши!

Кўпни кўрган, келажак ҳақида қайғурган, ақлли, номусли одамларни ҳурмат қилган ва хотирини азиз тутган шундай бир одамнинг бу қадар куйиниб сўзлаши Али Мирзага таъсир этди. У узрхоҳлик қилди:

— Эй, Мирза, худо хайрингизни берсин, мени ке-

чиринг, ўзингизнинг дардингиз, ташвишингиз озмиди, бу ёқдан устингизга яна бир ташвишни ордим. Қанча ўйламай, Ҳури хонимга ёрдам беришнинг бошқа бир йўлини тополмадим. Сизга айтишга мажбур бўлдим. Сизларни йўлдан қолдирдим.—У Вафодорга қаради.—Мирзалар махсус бир иш билан Бурчалига кетишадиган эди. Мен уларни йўлдан қолдириб, бу ерга олиб келган эдим.

— Яхши қилгансиз, эй, Али Мирза киши! Бундай ваҳшийликларнинг олдини олиш, Ҳури каби пок аёлларни Сафиқулибекларнинг зулмидан қутқариш ҳар бир виждонли кишининг бурчи. Фақат мен нима қилайки, ҳаммасига ёрдам берай дейман, лекин бунга кучим етмайди, баъзан қўлим қисқалик қилса, баъзан вақт ва имкон тополмайман. Қанийди энди жонишинликка ўхшаган катта бир идорам бўлса-ю, кеча-кундуз демай ишлаб, ватанимда рўй бериб турган бемурувват ишларнинг олдини олсам...

Сакина билан Жаъфар чойларни янгидан қуйиб узатишиб, эшик олдида хизматга ҳозир туришар, бўлаётган гапларга қизиқиб қулоқ солишар, Мирза Фатали билан Ивановнинг қисташига қарамай, ўтиришмас, меҳмонлар тилаган нарсаларни дарҳол бажо келтиришарди.

— Сакина хоним!— деб қизга мурожаат этди Мирза Фатали.— Ўн йил, ўн беш йил бурун сени учратмаганимдан жуда афсусланаман. Унда мен сени Тифлисга элтиб ўқитардим, балки ичкари Русияга ўқигани жўнатардим. Ҳозир ҳам кеч эмас. Фақат Жаъфардан айиргим келмайди. Бахтли бўлинглар. Қани, ўзинг айт, Тифлистан сенга нима юборай?

— Сиз саломат бўлсангиз, бизга шунинг ўзи етади,— деб жавоб берди Сакина.

— Бери кел-чи, бир кўрай.—Мирза Фатали сандиқчадан чиққан узукни олиб, ўрнидан турди.—Жаъфар, қани сен ҳам кел, мана бу узукни Сакина хонимнинг қўлига тақиб қўй. Бу нарсаларга сиздан кўра яхшироқ меросхўр йўқ. Илёсбекнинг ишламай топган моли сизларга ҳалол! Олинглар, мен ҳалол қилдим!..

Сакина ҳам, Жаъфар ҳам Мирза Фаталининг олдига келдилар. Мирза Фатали Сакинанинг қўлидан ушлаб, узукни Жаъфарга узатди:

— Ол, бармоғига тақиб қўй...

— Мен сизни вакил этаман!— одоб ва назокат билан жавоб берди Жаъфар.— Бизга ота ўрнида ота бўлинг, дуойи фотиҳа беринг!

— Бу Жаъфар ростдан ҳам жуда аломат ўғлон экан!— Мирза Фатали узукни Сакинанинг қўлига тақди.— Табриклайман, бахтли бўлинглар!— У ҳар иккисининг пешанасидан ўпди.

Вафодор кулиб:

— Жаҳон хонимнинг ўзи ҳам буларга ҳадя берган!— деди ва Сакинага қаради:— Ўша бўйинбоғни олиб кўрсат!

Сакина токчадаги коса ичига солиб қўйилган бўйинбоғни олиб кўрсатди.

— У ҳам ҳалол, булар ҳам, сизларга ҳаммаси ҳалол!— деди Мирза Фатали, сўнг ёнидаги дўстларига қарата деди:— Энди туринглар. Мен Ҳури хоним билан кўришмоқчиман.

Улар Вафодорни ҳам олиб, уйдан чиқаётганларида севинчдан қизариб-бўртиб кетган Сакина орқаларидан қараб қолди.

— Қандай ажойиб одам экан, бунча меҳрибон бўлмаса! Гапларининг ширинлигини айтинг!— деб Жаъфарга ўгирилди ва бирдан унинг бўйнига осилди...

## 2

Илёсбек кечаси жуда тинч ухлади. Кейинги йиллар ичида биринчи марта бунчалар ширин уйқуга кетиши, қимирламай ётиши эди.

Одатда у тўшакка ётган заҳоти ухлаб қоларди. Лекин уч-тўрт соат ўтгандан кейин уйғониб кетарди. Бирон ери оғримасди, йўқ, фақат фикрлари тарқаб кетарди. Дунёнинг келажагидан, чарх гардишининг айланишидан кўнгли нотинч эди. Сурувларининг тобора ортиб бораётганига, сандиқларнинг тўлаётганига, янги ерларни қўлга киритаётганига қарамасдан, келажакда нима бўлишини билмас, аллақандай туманли фикрлар роҳатини олиб қўйган эди. Шу-англаб бўлмас бир туйгу доим уни ваҳимага солар, кўкрагини тош каби эзарди. Илёсбекнинг назарида бир кунмас-бир кун эрталаб шундай кўзини очиб, ҳамма нарсадан айрилиб қолганини, ҳамма нарсаси қўлдан кетганини, қаердандир пайдо бўлган бир кўзли махлуқлар, Те-

мурланг, Чингиз, Қожардан ҳам даҳшатлироқ талончилар ҳаммасини чопқин қилиб, маликонаси, бор давлати, бутун сурувларига эга чиқиб, авлодларини далаларда қул каби ишлатаётганини кўрадигандек бўлаверарди, юраги орқасига тортиб кетарди. Бу даҳшатли туйғулар, ваҳималар қаердан пайдо бўларди — Илёсбек билмасди. Фақат фалакнинг гардиши, чархи кажрафтор тескари айлана бошлаганини, замона ҳароб бўлиб, эрта-индин дажжол тирилиб келиб, ҳамма нарсани вайрон қилажагини ҳис қилаётгандай бўларди...

Лекин Илёсбек дажжол тирилиб келса нима қиламан, Маҳди Соҳибуззамон уйғониб қолса ҳолим нима кечади, деб мол-давлатидан воз кечиб, қўлини шалвиратиб ўтирадиганлар хилидан эмасди. У на замонага, на фалакнинг гардишига, на дажжол хуружига таслим бўладиган одам эмасди. У ҳеч қачон бойликдан кечадиган эмасди, ҳатто юз йил, минг йил ўтиб ҳам авлодларининг бир чўп йўқотишига фикран йўл беролмасди. Агар замонани ҳозиргидай сақлаб қолиш, фалакнинг гардишини тўхтатиш қўлидан келсайди, ҳеч ўйлаб ўтирмай тўхтатган бўларди. Ҳар ҳолда келажакда авлодларига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳар бир шубҳали нарсанинг олдини ҳозир олишни истарди ва бунинг учун қўлидан келган нарсаларни сира аямасди...

Бу кеча роҳатланиб ухлаганининг боиси ҳам орадан шундай тўсиқлардан бирининг кўтарилганини кўриб қувонганида эди. У бўлиб ўтган воқеадан хабардор эди. Ҳури хонимни файтонга босиб Сафиқулибеkning уйига олиб келганларидан сўнг Жаҳон хоним дарҳол бориб воқеани барча тафсилотлари билан отасига айтиб бериб, унинг кўнглини хотиржам қилди.

— Дада, худога шукур, сиз айтганча иш бўлди. Энди у тарафдан ҳеч қандай қўрқинчли нарса қолмади!— деди у ва эрининг ҳам обрўсини отасининг кўз ўнгида жиндак ошириш учун қўшиб қўйди: — Дада, соғ бўлсин, Салим оға ҳам анча ҳаракат қилиб ёрдам берди.

— Аввалдан айтганман-ку жуда зийрак бола деб!— Илёсбек мамнун бўлди ва калёнини тўлдиртириб, мириқиб қулдиратди, сўнг гургини елкасига ташлаб, ҳовлида бир оз кезиниб юрди, шундан кейин уй

ичига қайтиб ипак кўрпа остига кирди. Уни ширин уйқу элитди.

Ана энди сиз Илёсбек эрталаб ширин уйқудан уйғониб, нонушта қилиб, «янги келин»ни кўришни истганида, аҳвол бир кечада бутунлай бошқача бўлиб қолганини, бунда икки лот-манот келиб, «шаръий келин»ни босиб олиб кетганини, Илёсбекларнинг қаҳрамонлик солномасига олтин рақамлар билан битилиши керак бўлган воқеа бўш бир нақлга айланиб қолганини кўриб, эшитиб, қанчалар дарғазаб бўлганини, кўпириб тошганини, кўринган одамга қаҳрини сочганини тасаввур қилсангиз керак. У хизматкорни юбориб, дарҳол бу майнавозчиликнинг иштирокчиларини чақиртириб келди. Унинг қош-қовоғидан заҳримор ёғилар, ҳозир баданига пичоқ урсанг, қони чиқмасди. Илёсбек қуюқ қошлари остидан Салим оғага ёмон қаради:

— Бу нима бўлди, Салим оға? Энди кунимиз бутун эл-юртга кулги бўлишга қолдимиз, қандай қилиб бу шармандаликни, иснодни кўтариб юрамиз?

Салим оға жавоб бериш ўрнига Сафиқулибекка қаради. Шу билан гўё Илёсбекка: «Мана, ўз ўғлингдан сўра. Қўйнидаги хотинни қўлдан чиқариб ўтирган қандай эркак, сўра ўзидан. Уялмайди, ер ёрилса ерга кирмайди, тагин ўрайиб одамнинг юзига тик қараб ҳам туради», дегандай бўлди. Ростдан ҳам, Сафиқулибек гўдайиб ўтирар, киприк қоқмасдан ҳамманинг башарасига тик қарарди. Албатта, у кечаси рўй берган воқеани ҳеч кимга, ҳатто опасига ҳам айтмаган, Салим оғага эса: «Ўзим чиқариб юбордим!»— деб совуқ жавоб қилган эди. Унинг, Ҳури йиғлаб безор қилди, кейин чиқариб юбордим, деган гапига на Жаҳон хоним ва на Салим оға ишонди. Салим оға эса истеҳзо билан кулди: «Яхши қилибсиз!»— деди.— Унда-бунда шундай латифа ҳам тўқиб туриш керак, бўлмаса одам зерикиб қолади». Жаҳон хоним эса укасининг ишидан ҳайрон бўлди:

— Нега энди чиқариб юборасан? Ростини айт, нима бўлди? Худо кўрсатмасин, устингга бостириб келишмадимиз ишқилиб? У темирчининг қўлидан бундай ишлар келади. Қани айт, нима бўлди ўзи?

Жаҳон хонимнинг қисти-басти қилиб сўраб-суриштириши, ҳадис бериши Сафиқулибекни шошириб қўй-

ди, у шундай уйдирмалар тўқидики, эшитган одамнинг оғзи очилиб қолар, ақли жойидамикин бунинг ишқилиб, дерди.

— Ҳури хоним ҳушидан кетиб қолай деди. Раҳимим келди. Бор, айвонга чиқ, тоза ҳаво ол, ўзингга кел, дедим. У айвонга чиқиб кетди. Кейин қайтиб келмади. Вассалом. Ҳей, мендан нима истайсизлар ўзи! Кетган бўлса жаҳаннамга кетсин! Хоҳласам, яна босиб олиб келаман!

Лекин, мана ҳозир, отасининг қошида бундай жавоб беролмасди. Очиғини айтганда, Илёсбек ундан жавоб беришни сўраётгани ҳам йўқ. Ҳозир ўғлини кўргани кўзи йўқ эди, назарида у жуда пастга тушиб кетганди. Шунинг учун ҳам бутун аччиғини Салим огага тўкди. Кундан-кунга у Салимдан қаттиқроқ шубҳаланадиган бўлиб қолган, у кўзларига тобора хунук кўринмоқда эди. Шунинг учун ҳам унга ёмон муомала қиларди. Илёсбекнинг назарида тушида кўрадиган бир кўзли махлуқлардан бири шу Салим ога эди. Илёсбек ҳаёлпараст эмасди. У кўзи билан кўрган, қулоғи билан эшитган, тил билан тотган нарсаларга ишонарди, тажрибакор ва кўзи ўткир бўлганидан кўпинча қилган шубҳалари тўғри чиқар, ўринли бўларди. Шуларга кўра, у Салим оганинг энди оёқда маҳкам туриб олганини ўз кўзи билан кўриб турар, энди унинг даъволари зўрайганини, бутун давлатни, меросни ўз қўлига киритиш нияти йўқ эмаслигини, Сафиқулибекни, Жаҳон хонимни тиз чўктириш фикрига тушганини ҳис қилар эди. Шунинг учун ҳам Илёсбек ўгил-қизларини унинг макр-ҳийлаларидан сақлашни истарди. Хуллас, Илёсбек Ҳурининг олиб кетилишида Салим оганинг қўли бор деб шубҳаланарди. «Бу ишдан Салим ога беҳабар қолган бўлиши мумкин эмас,— деб ўйларди қари бек.— Бу ярамаснинг билмаган иши, қилмаган макр-ҳийласи йўқ. Ҳаромзода!»

Шу сабабдан Салим ога жавоб бермай, Сафиқулига қараганида Илёсбекнинг жон-пони чиқиб кетди:

— Сен унга қарама!— деди.— Уни сен айтмасанг ҳам, кўриб турибман. Мен сендан сўраяпман, нима бўлди деб?

Бир он Салим ога саросима ичида қолди: чолга ҳаммаси маълум бўлибди, деб ўйлади. Демак, ҳаммаси тамом бўлди! Чол бу сотқинликни кечирмайди. Ўз

қўли билан уни бўғиб ўлдирмагунча тинчимайди. Салим оғанинг фикри яшин тезлигида ишлар, кўзини дам қайнатасига, дам қайнисига, дам хотинига тикарди, уларнинг бу ишдан хабардор бўлган ё бўлмаганини уқиб олмоқчига ўхшарди. Сафиқулибек ундан кўзини олиб қочди. Жаҳон хоним бошини эгиб олган. Илсбекнинг кўзи эса унга ўқдек қадалган. «Билиб қолишибди, кимдир келиб айтибди,— деб ўйлади Салим ва бундан шунчалар қўрқиб кетдики, ўзини чолнинг оёғига ташлашига сал қолди.— Хато қилдим, гуноҳимни кечиринг, деб ёлворай деди. Лекин таҳликали дақиқада куч билан ўзини тутиб қолди.— Ким айтган экан? Кимнинг иши бу?— деб ўйлади.— Балки кал қилгандир? Йўқ, у қўрққанидан бундай қилмайди. Итдан кўра садоқатлироқ. Офарида хабар берган бўлса-я?»

Бу фикрдан у ваҳимага тушди. «Рост, Офарида аламзада. Жаҳон хоним билан турмушимиз бузилишини истайди. Уни ҳам ё у ёқлик ё бу ёқлик қилмаса бўлмайдиганга ўхшайди».

Секин-секин Салим оға қўрқувдан халос бўлди, ўзини қўлга олди: «Билганида очиқ айтарди, шошиб бўйнимга олиб ўтирсам ғирт аҳмоқлик бўлади. Балки ҳеч нарса билмас, шубҳага тушиб мени синаётгандир. Бу қари тулки панд беришга жуда уста...» Салим оға ҳеч нарсани бўйнига олмасликка қарор берди.

— Сафиқулибек раҳмдиллик қилган бўлса, кетса кетгандир-да!

— Бу чўпчакларингизни болаларга бориб айтинглар! Темирчи ўз одамлари билан келиб уни олиб кетганини ҳамма билади. Мен бунга шубҳа қилмайман. Фақат мени ҳайрон қилган ери, қандай қилиб сенинг бундан хабарсиз қолганинг. Бундай бўлиши мумкин эмас!

Энди Салим оға ўзини қаттиқ хафа бўлганга солди, силтаниб оёққа турди:

— Бўлди энди, мен бундай таъна-дашномларга чидай олмайман. Нега сиз бу гапларни ҳадеб менга айтаверасиз? Мен сизларни деб жонимни жабборга бериб уриниб ётибман, бирон марта айтган сўзингиздан чиқмадим. Нима учун ноҳақдан ноҳақ мени қийнайтаверасиз!

Илсбек ушбу дақиқада Салим оғани қўрқитиш,

дўқ қилиш, ғазабга олиш билан ўзига ва авлодларига бўйсундиролмаслигини, тобе қилолмаслигини англаб етди. Елгончилик, ўгрилик, ҳийлакорлик бу одамни сон қаторига қўшган, энди бу нарсалар унинг ўзи билан қабрга кетади. Бу ярамас, пасткаш билан ўйлаб, сиёсат билан муомала қилмоқ керак. Бошқа илож йўқ! Мана шу фикрлар бошидан ўтаркан, Илсбек Салим оғанинг қизишиб гапирган гапларини ютди, уларга индамай қулоқ солди. Салим оға анча гапириб, сўнг чолни жим қилганидан мамнун бўлиб, тўхтади.

Салим оғанинг Илсбек билан аччиқлашиб қолгани Жаҳон хоним билан Сафиқулибекка ёмон таъсир қилди. Сафиқулибек отасига ачиниб кетди: «Менинг аҳмоқлигимдан отам шўрлик қандай қолларга тушяпти. Ҳамма айб ўзимда. Қўргон атрофига одамларимни қуроллантириб қўйганимда ҳеч гап йўқ эди. Унда...» У шу тобда Вафодорнинг тиззаси кўкрагига қандай ботганини ҳис қилди, кўзларига яна туман чўкди, оҳиста қилиб деди:

— Дада, айб мендан ўтди. Аччиқлансангиз ҳақлисиз. Агар бизни уриб ўлдирсангиз ҳам, ҳақли бўласиз. Фақат шуни яхши билингки, мен жонимдан ўтганини ўзим билиб турибман. Қора ер бўлдим, одамларнинг юзига энди қандай қарайман!— Унинг ғазабдан кўзларига қон тўлди, овози жаранглади.— Ота, шуни ҳам билиб қўйингки, ўзимни ерга урганим йўқ! Охирги дақиқагача олишдим. Нима қилайки, омадим йўқ экан. Нима қилайки, одамнинг мазорати боғланганда бунинг чораси йўқ. Менинг чекаётган азобим тоғнинг бошига тушса, тоғ чидамайди!— У ўзини қўлга олди, ютиниб ҳайқирди:— Қасдимни олмагунча қўймайман!

Сафиқулибек қоп-қора бўлиб кетди, бўғилиб қолиб, жим бўлди. Илсбекнинг юраги ёнди. Тунда зўр жанжал, олишув бўлгани, Сафиқулибек енгилгани, шунинг учун ҳам дами ичида, аламдан бўғилаётгани равшан эди.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, дада, мен бу бадномликни шундай қўймайман. Унинг хотинини ҳам, синглисини ҳам босиб олиб кетмасам, йигит эмасман!

— Менга калён келтиринглар!— деб қичқирди Илсбек ўрта эшикдан оқсоч қизлар йигиштириб юрган қўшни хонага қараб.

Жаҳон хоним дик этиб ўрнидан турди, калён ҳозирлагани кетди. Юраги сиқилиб кетган Илёсбек сўради:

— Бас, анави сандиқча нима бўлди?

Қари бекнинг кўнгли чўкканидан бир оз руҳланган ва ўзини тутиб олган Салим оға тетик ва ишонч билан гапира бошлади:

— Иш катта, оға. Ҳурининг уйини остин-устун қилиб ташладик, сандиқчани тополмадик. Жаъфар гадо ўзига берганман, дейди. Ундай бўлса, уйда бўлиши керак эди, уйда эса йўқ.

— Ҳури хонимнинг ўзи нима дейди? Ўзидан ҳеч нарса сўрамадингларми?

Салим оға яна Сафиқулибекка қаради. У шошмасдан кўнгилсизлик билан жавоб берди:

— Сўрадим, дада. Сандиқча қўлимда, уни қаерда сақлашни, кимга беришни ўзим биламан, дейди. Бошқа одамларга дахли йўқ эмиш.

— Васиятномани ололдингларми?

Бунга Салим оғанинг ўзи жавоб берди:

— Йўқ, у ҳам топилмади. Жаҳон хоним билан уйини элак-элак қилиб ташладик, аммо топилмади.

Сафиқулибек бунга қўшимча қилди:

— Мен ҳам қўлидан олмоқчи эдим. Йўқ, дейди, бир ерга беркитганмиш, мени ўз ҳолимга қўйинг, кейин у қогозни сизга бераман дейди...

Илёсбекнинг сабри тугади:

— Сизларни тоза лақиллатибди!— деб аччиқ истехзо билан кулди.— Икковингизда бир кишининг ғайрати йўқлигини кўриб, сизларни тоза ўйнатибди! Агар бошқа пайт бўлганида, сизларга ўхшаган йигит ёшимда мен буни бир зум ичида тавбасига таянтирган бўлардим. Нима қилдик, замонанглар ўзи шунақа, одамгарчилик қолмади, йигитлик йўқолди.

Жаҳон хоним калённи олиб келиб, Илёсбекнинг олдига қўйди. Илёсбек калённи қаттиқ қуриллатиб тортди. Салим оға билан Сафиқулибек бир-бирларига маъноли қараб қўйдилар. Улар кетишга изн сўрадилар. Дадаси жавоб бермаганидан кейин Жаҳон хоним унинг ўрнига деди:

— Ўтиринглар, қаерга борасизлар? Янги бир гап чиқиб қолди. Малайлар гапиришаётган экан. Кеча Тифлистан погон таққан одамлар келганмиш. Бозорда

эшитишибди. Тегирмончининг уйига тушишганмиш. Ораларида бир рус ҳам бор эмиш. Катта бир топшириқ билан келишганга ўхшайди. Уларни Тифлисдан тез-тез Ганжага қатнайдиган Али Мирза олиб юрган эмиш.

Калённи симираркан, кўзларини қизидан узмай қараб турган қари бек Али Мирзанинг отини эшитиб тупурди:

— Падарига минг лаънат ўшаларнинг! Ота-боболадан тортиб русларнинг қўлидан овқат еган. Катта бобоси гуржи подшоси Ираклийга хизмат қилган экан, кейингилари ҳам мутриб бўлиб тўй-ҳашамларда ашула айтиб, ўйин тушиб тирикчилик қилишган. Минг лаънат! Отлари мусулмон бўлгани билан ўзлари ғирт кофир, ҳатто кофирдан ҳам баттар!

— Кўрмайсизми, у ёққа ўтганда ҳам, бу ёққа ўтганда ҳам темирчининг дўконига тушиб ибодат қилиб чиқади, сўнг йўлга тушади,— Салим оға Илёсбекнинг сўзларини қувватлади.

— Худо раҳмат қилсин, Саъдий алайҳур-рахма кўп доно айтган: «Қабутар бо кабутар, ғоз ба ғоз!»

Илёсбек умрида бирон марта Саъдийнинг китобини қўлига олиб ўқиб кўрмаган, унинг қачон яшаб, қачон ўлганини билмас, лекин тўй-йиғинларда шундай зўр маъруф одам ўтган деб эшитганди. Саъдийдан эшитганлари ва ёдида қолгани шу битта сўз бўлиб, уни доим такрорлаб юарди. Ҳозир ҳам Саъдийнинг шу сўзларини мамнуният билан такрорлади ва калённи симириб, анча фикрга кетди, сўнг деди:

— Бир ишни бошлагандан кейин, уни охирига етказиш керак, ноумид бўлиш керакмас. Боринглар, шаҳарга чиқинглар, айланинглар, нима гап экан, кўринглар. Эпини қилсанглар, ўша Тифлисдан келган оғалар билан кўришинглар, уйга меҳмонга чақиринглар. Менинг номимдан айтинглар, хизматларида қуллуқ қилиб турайлик. Ўша Али Мирзага ҳам яхши муомала қилинглар, қўлларингдан келганча ҳурматини ўрнига қўйинглар. Ёдингларда тутингларки, бўғотда илон асрашдан фойда йўқ. Агар ҳеч келолмайди-ган бўлишса, майли, бир иложини топиб биз уларнинг олдига борармиз. Айби йўқ, меҳмоннинг оёғида турсанг, шарафинг ортади...

— Оға, жуда чиройли айтдингиз!— деб таърифла-

ди Салим оға Илёсбекни.— Вундан ўткир гапни топиш қийин. Худо таоло бошимиздан сизнинг соянгизни кам қилмасин, омин, раббил оламин! Жиндак ақлимиз бўлса, доим сиз айтгандай иш қилсак, худо хоҳласа, биримиз юз, юзимиз минг бўлади. Иншооллоҳ, бутун ниятларимизга етамиз. Душманларимиз хор бўлади. Иншооллоҳ!..

Салим оғанинг бу кутилмаган гаплари ҳаммани ҳайратга солиб қўйди, учовлари таажжуб билан унга қараб қолдилар. Унинг сўзлари ҳам, сўзларининг оҳанги ҳам сохта эди. Каловланиб қолганидан шундай деяптими ёхуд Илёсбекка ялтоқланыптими, билиб бўлмасди.

— Мулланинг ишини муллага қўйинглар! Энди боринглар, тўрт кўз, тўрт қулоқ бўлинглар!— Илёсбек Салим оғага ниш санчмасдан туролмасди. Лекин кўрсатма бериб, унга ҳали ишончини йўқотмаганини билдириб, нишнинг заҳрини ўлдиргандай бўлди.— Ғайрат қилинглар, бутун умидим сизларда!

### 3

Куз тонгининг биринчи нурлари даричадан кўринганида Ҳури уйғониб кетиб кўзларини очди, бошини ёстиқдан кўтариб, атрофга боқди: уй ичи ҳали қоронғи эди. Лекин уй ўртасида гилам устига ташланган ўрин-кўрпалар ва уларда ётганлар аниқ кўринарди. Ҳали ҳамма қаттиқ ухлаб ётарди. Ҳурининг ўнг томонида ётган Соҳиб қўлини ёзиб юборган, бир қўли ёстиқ устида эди. Унинг кўкраги бир маромда кўтарилиб тушар, сокин нафас оларди. Ҳури унга тикилиб, разм солиб қаради, чеҳрасидан кечаги изтиробларнинг изини қидирди. Албатта, бола бирмунча ғуссали ва эзилган кўринарди. Лекин ранги тиниқ эди. Унинг ёнгинасида юзини унга ўгириб Гулёноқ ётарди. У шунчалар тинч ухлардики, ҳатто нафас олгани билинмасди. Кеча аллақандай бир ҳислар таъсирида Райҳон хоним айтган сўзлар Ҳурининг эсига тушди: «Кел, аҳду паймон қилайлик, буларни ҳеч бир-биридан айирмайлик!» Бу сўзлар Ҳурининг юрагига жуда қаттиқ таъсир қилди. Оналар ва оталар қалин дўст бўлишса, авлодларининг ҳам доимо бирга бўлишини исташади. Улар фарзандларининг ҳам худди ўзлари-

га ўхшаган бўлишларини тилашади. Ҳар ҳолда Ҳури Гулёноқнинг худди онасига ўхшаб раҳмдил, меҳрибон ва кўнгли очиқ бўлишини истарди. Соҳибнинг эса унга муносиб йигит бўлиб етишажагига заррача шубҳаси йўқ эди. Қандайдир бир ноаниқ туйғунинг таъсирида уларнинг келажаги ҳақида қайғура бошлади: «Буларнинг толелари қандай бўларкин? Қисматлари буларга кулиб боқармикин? Ишқилиб, илоҳим бахтли-саодатли бўлишсин...»

Гулёноқнинг ёстиқ устида ёйилиб ётган қора жингалак сочлари худди онасининг лосдек жингалак сочларига ўхшарди. Райҳон қизчанинг чап томонида ухлаб қолганди. Унинг бир қўли қизининг елкасида эди. Гўё уни нимадандир қўриб ётар, йўқотиб қўйишдан қўрқарди. Райҳон ширин уйқуда эди. Ҳури анчагача унинг уйқуда ҳам кулимсираган юзидан кўзини узолмай ётди. Оғир кунда боласини ваҳшийнинг қўлидан сақлаб қолган, ўзига чинакам меҳрибончилик қилган, тинмай ғамхўрлик кўрсатган бу аёлга нисбатан кўкрагида илиқ туйғулар уйғонди, унга худди тугишган опаси каби қарай бошлади.

Ҳури ҳовлида одам шарпасини сезиб, кўзини Райҳоннинг юзидан узиб даричага қаради. Идрис қўлида мис кўза кўтарганча уй ичига қарамасдан ўтиб кетди. Порлоқ шарқ самосининг нурлари Ҳурининг кўзларида акс этиб ўтди. Осмон тиниқ, булутсиз эди. Ойна каби ярақлаб ётарди. Яхши кун бўладиганга ўхшайди. Бирдан ёдига Муҳаммад Ризобек тушиб кетди. У ҳам тонг билан азонда уйғонар, ҳовлини айланиб, ойнаванд айвонга қайтар, қўл-оёқларини ҳаракатлантириб чуқур-чуқур нафас олар: «Ҳури, саҳардан ҳам яхшироқ пайт йўқ!» — дерди. Ҳури энги билан кўзига қалққан ёшни артди. «Жуда ёмон бўлиб кетяпман. худди ёш болага ўхшаб кўзимнинг ёшини тиёлмайман. Ўрнимдан турай, ўчоқни ёқай, самоварга олов ташлай, бошим ишга қоришсин!» Лекин ўрнидан турмади. Райҳонсиз ҳовлига чиқишга ийманди. Бошқа бир томондан Райҳонни ва болаларни уйғотиб юборишдан чўчиди. Яна кўзини юмиб, ухламоқчи бўлди. Қаерда! Уй ўйни қувиб калласида ғужғон ўйнарди. Ҳури яна кечаги воқеаларни хотирлади. Омон оллоҳ! Бу қанчалар даҳшатли рўё эди! Бир кун ичида рўй берган ҳодисалар уни ўн йил, йигирма йил олдинга улоқтириб

юборганди. Агар оддий, бир маромда яшаганида кеча бир кунда бошидан кечирганларини эҳтимол йигирма йилда англаган, билган бўларди. Сафиқулибекнинг калтаклари умрида бир оғиз қаттиқ сўз эшитмаган. Ҳурининг юрагида тубсиз жароҳатлар очди. Назарида энди бу жароҳатлар ойлар, йиллар кечгани билан ҳеч битмайдиган, тузалмайдиган бўлиб кўринарди. Шу билан бирга, унинг юраги янада юмшаб қолди, у эр калтаклари остида яшайдиган хотинларга ачинди, уларнинг тақдирларини ўйлаганида жароҳатлари янада чуқурлашгандай бўлди.

Ҳа, бир кеча ичида Ҳури ўзини ёш жиҳатдан анча улғайгандай сизди, у дунёни, одамларни илгари ҳеч кўрмаган томондан кўриб англаётганини ҳис қилди. Энди наинки ўн йил, беш йил олдинги ўйлари, ҳатто бир ой, балки бир кун аввалги ўйлаган нарсалари бугун ўзига ғалати туюларди. Уша ўйларнинг маъносизлиги, таги бўшлиғига энди кулгиси келарди. Нима учун бир маҳаллар Жаҳон хоним билан мол-давлат талашмоқчи бўлганини, унга бир чўпни ҳам раво кўришни истамаганини ҳозир сира тушунолмасди. Нимага? Кимга керак шу? Мол-давлатни бошига урадимиз? Мол-давлат энди унинг назарида тамомила ўз аҳамиятини йўқотган эди. Буларнинг бари раҳматлик отаси айтгандай, қўлнинг кири, балки қўлнинг киридан ҳам тубанроқ нарсалар. Бу кир инсон қонига сизиб ўтганидан сўнг, уни ҳеч нарса билан ювиб, тозалаб бўлмайди. У одамни ваҳший ҳайвонга айлантиради, бировларнинг сочларидан судраб тортишга, тепкилашга, калтаклашга, оғзини ифлос қилиб бўралаб сўқинишга мажбур қилади. Бу дунёда-инсонни тубанлаштира оладиган бундан зўрроқ нарса бўлмаса керак. Барча пастлик ва ёмонликлар ундан бошланади. Ҳа, шундай!

Шуларни ўйларкан, Ҳури хоним дардларини унутгандай бўлди, одамларнинг ҳолига ичи ачқирди. Ким ахир буларни бунчалар лаънатга қўйган?! Бу гўзал дунёга келтириб: «Еганинг, ичганинг бари заҳар бўлсин, ҳеч қачон яхши кун кўрмайсан!» — деб лаънатлаган ким? Борнинг ҳам егани заҳар, йўқнинг ҳам!

Шуларни ўйларкан, Ҳури келажак ҳақида қаттиқ ташвишланарди. Бундан кейин қандай яшайди, қан-

дай ҳаракат қилади? Қаерга боради? Албатта, анави уйга энди қадам босмайди. У ерни энди елкасининг чуқури кўрсин. Боласи ҳам, ўзи ҳам топталган, таҳқирланган ерга иккинчи қадам босмайди! Кечаги кунгача назарида Муҳаммад Ризобек руҳи ҳар оқшом келиб уларни йўқлагандай, уларнинг ҳолларидан хабар олгандай бўларди. Энди унинг руҳини ҳақорат қилишди, номусини ерга уришди. Энди ҳеч қачон у ернинг остонасидан ҳатлаб ўтмайди!

Ундай бўлса, қандай яшаш керак, нима қилиш керак?

Ҳури хоним бу саволларга жавоб тополмасди. Қаерга бўлмасин бош олиб кетишга рози эди, фақат Сафиқулибекнинг, Жаҳон хонимнинг, Салим оғанинг юзини кўрмаса бас.

Ҳовлида Идриснинг оёқ товуши тинмасди. У жуда ҳам эҳтиёт бўлиб юрганига қарамасдан, барибир қадам саслари Ҳурининг қулоғига чалинарди. У ҳар сафар даричанинг олдидан ўтганида сояси уй ичига тушарди. Ҳури унинг нималардир ҳозирлаётганини сезиб ётар, лекин ҳовлига ёлғиз чиққани ҳаё қиларди.

— Ҳури синглим, жуда ухлаб қолибман-ку, а? — Райҳон кўзларини очиб, унинг уйғоқ ётганини кўриб сўради.

— Кеча жуда чарчадингиз, опа, — Ҳури ўрнидан туриб ўтирди. — Идрис акам турганига анча бўлди, чой вақти бўлганга ўхшайди.

— Қўявер. Турсанг кўрасан, чой ҳам, нон ҳам, чиғиртма ҳам пишириб, дастурхонни шай қилиб қўяди. Нима ҳам қилардинг, чорбозорчи бобо бўлгандан кейин одати шунақа ўзи.

Ростдан ҳам, улар ўринларидан туриб, ювиниб-тараниб, болаларни ҳам кийинтириб, иккинчи уйга ўтганларида гилам ўртасида дастурхон тузатилганини, атрофига мутаккалар ташланганини, дастурхонга ёғ, пишлоқ, лавош нон ва бошқа турли-туман ноз-неъматлар қўйилганини кўрдилар.

Идрис уларни меҳрибонлик билан қаршилади.

— Ҳури синглим, бизни кечирасан, хўпми, чиғиртма тайёрлай олмадим, — деди. — Қуймоқ қилмоқчиман...

Ҳури илтифот билан деди:

— Бизни хижолатга қўйдингиз, Идрис ака! Келинг, ўтиринг, ишнинг қолганини мен билан Райҳон опамга топширинг.

— Майли, шундай бўла қолсин,— рози бўлди Идрис.— Бўлмаса сизлар қуймоққа қаранглар. Чой дамланглар, Соҳиб билан мен пешинга кабоб тайёрлаймиз. Бўптимиз, Соҳиб?

Бола жуда ҳавасланди:

— Бўпти, кетдик!— деди ва Идриснинг қўлидан ушлади. Гулёноқ ҳам уларга эргашди. Идрис болта билан ўтин ёра бошлади, болалар ўтинларни бир ерга тўплашга тушдилар. Улар Идриснинг айтганларини дарров бажаришга ҳаракат қилардилар.

— Бўлди, етар, келинглар, чой ичамиз!— деб чақирди уларни Райҳон.

Ҳаммалари уйга кирдилар, ўтириб нонушта қилдилар. Идрис болаларни ишга қандай қизиқтирган бўлса, овқат ейишга ҳам шундай қизиқтирарди. Ҳури Соҳиб унга жуда тез ўрганганига, ҳатто унинг айтганларини дарров бажо қилишга уринаётганига қараб туриб суюнади.

— Энди бориб тўқлини сўямиз, пешинга таом ҳозирлаймиз. Бугун Вафодор амакингни ҳам меҳмонга чақирамиз, нима дейсан, Соҳиб?— деб Идрис ўрнидан турди.

— Чақиринг, чақиринг!— деб Соҳиб ҳам ўрнидан турди.

Болалар Идрисга қарашиб турдилар, унга жом, тоғора келтириб бердилар, қўлига сув қўйдилар. Идрис қўй гўштини саранжом қилиб, Райҳонга тутқазди. Шунда эппик ҳам тақиллаб қолди. Вафодорнинг овози эшитилди:

— Идрис, уйдამисан, қўноқ қабул қиласанми?

— Жоним поёндоз бўлсин йўлларига!— Идрис болаларнинг қўлидан ушлаганча эшикка юрди, Вафодор билан бирга бошқа одамлар ҳам келганини кўриб, жуда суюнди. Уларни уйга даъват қилди.

Идрис билан кўришаркан, Мирза Фатали болаларга назар ташлади. Гулёноқни қучоғига олиб, пешанасидан ўпиб қўйди.

— Отинг нима?

— Гулёноқ.

— Ваҳ, ваҳ... Ростдан ҳам бу гул ёноғи экан!— сўнг Соҳибга қаради, унга диққат билан разм солди ва:— Ҳури хонимнинг ўғлимисан?— деб сўради.

— Бали!— жавоб берди Соҳиб.

— «Бали»ннга балли, гул ўғлим!— унинг қўлини қисди Мирза Фатали.— Сенинг отангни танирдим, унга жуда ўхшайсан.

Ҳури билан Райҳон хоним ҳовлида овозларни эшитиб уйдан чиқдилар ва келганларга қизиқиб қарадилар. Лекин на уларга пешвоз юра, на орқага қайта олдилар.

— Энди, бизни онанг билан таништир,— Мирза Фатали уй томонга қараб юрди.

Ҳури билан Райҳон хонимнинг очиқ юрганлари уни жуда севинтириб юборганди. Лекин бир қарашдаёқ Ҳурининг чеҳрасига соя солган чуқур изтиробларнинг изларини, кўзларининг остидаги кўкарган чуқурчаларни кўриб, боя эшитган ва бутун даҳшати-ни тасаввур қилган фожиадан қаттиқ таъсирланган ҳолда:

— Ҳури хоним!— деди.— Эрингиз барҳаёт пайтида бу ерларга келиб, сиз билан танишмоқ менга муяссар бўлмади. Энди сизни кўриб турганимдан жуда хурсандман.

— Соғ бўлинг, мен ҳам хурсандман,— деди Ҳури ва унинг олдинга узатилган қўлини қисди.

Мирза Фатали Райҳон хонимга ҳам худди шундай хуш илтифот кўрсатди, сўнг уларга Ивановни таништирди. Кейин Турон бобо, Али Мирза ҳамда Вафодорни кўрсатиб:

— Гумонимча буларни танийсизлар,— деди.

— Таниймиз. Ҳаммаларингиз хуш келибсизлар! Қани, ичкарига марҳамат қилингизлар!— Райҳон хоним меҳмонларни уйга ундади.

Ичкарига кириб ўтиришлари билан Мирза Фатали Ҳури хонимга қараб тўппа-тўғри мақсадга кўча қолди:

— Ҳури хоним,— деди у,— мен сизнинг марҳум эрингизни жуда яхши танирдим. Мусулмонлар ўртасида мен фахрланиб юрадиган одамлардан бири эди, мени ҳам ҳурмат қилиб юрарди. Шунинг учун сиз билан худди ўзимнинг яқин одамим, ўз қизимдай сўзлашиб олишга ҳаққим бор.

— Ҳаққингиз бор, айтаверинг,— деди Ҳури титроқ товуш билан.

— Бошингизга тушган мусибатлардан, сизни ҳеч тинч қўймаётганларидан бизнинг хабаримиз бор. Аввало, гапнинг очигини айтадиган бўлсам, сиз мард ва қаҳрамон хотин экансиз, шунча йиллардан бери пасткаш ва олчоқ одамларга бош эгмай, ҳамма ёмонликларига чидаб келибсиз. Мен ўз номимдан ҳамда дўстим Иванов номидан сизга ўз ҳурмат ва муҳаббатимни изҳор қиламан.

Бунчалар меҳрибонлик Ҳурига қаттиқ таъсир қилди. У жуда миннатдор бўлиб Иванов ва Мирза Фаталига қаради, хўрлиги келиб бўғилди, лекин йигламади. Кўз ёшини тийиб, ташаккур айтди:

— Сог бўлинг илойим, овора бўлиб келибсизлар, бизни эслабсизлар!

Иванов қўлини Али Мирзанинг елкасига қўйди.

— Бизга эмас, манави кишига раҳмат айтинг! Бизга хабар бериб, бу ерга олиб келган киши шу.

Али Мирза кулимсиради, Ивановнинг қўлидан ушлаб қисди.

— Марҳаматингиздан жуда миннатдорман!— деди. Фақат гапнинг ростини айтсам, бу гап мендан чиққани йўқ. Менга манави оғалар маълум қилишди.— У Вафодорни, Идрисни, Жаъфарни кўрсатди.— Хусусан, дўстим Вафодор бу йўлда кўп хизмат қилди.

Вафодорнинг пешанасига хижолатдан тер чиқди. У қалбан ва руҳан ўзини Ҳурининг олдида айбдор деб билар, кечаги оғир фожиалардан уларни сақлай олмадим, ўз вақтида ёрдам беролмадим деб азоб чекарди. Али Мирзанинг сўзлари Ҳурига қаттиқ таъсир қилди. Ҳозир у Вафодорга миннатдорчилик билдирадиган фурсат келганини англади. Уялиб, қисиниб қимтиниб бўлса ҳам, деди:

— Бизнинг бўйнимизда у кишининг буюк миннати бор. У киши ҳамма умидларимиз кесилган бир дақиқада бизга ёрдамга келди. Мен нажот йўллари беркилди, телба бўлиб қоламан, деб ўйлаган эдим...

Ҳурининг овози пасайиб, синди. Ўртада яна кадарли вазият тугилганини кўриб, Мирза Фатали деди:

— Энди биз орқага эмас, олдинга қарайлик. Кечаги кун кеча бўлиб қолди. Энди эртага нима қилишимизни, қандай яшашимизни ўйлайлик. Юрагингиз

даги гапларни бизга айтинг. Албатта биз илёсбекларга айтамыз, сизни бундан сўнг тинч қўйишади. Бунга уларга қаттиқ тайинлаймиз. Аммо уларнинг сўзларига ишониб бўладими, йўқми — бунга яна кўрамыз. Биз кетганимиздан сўнг, яна ҳамма машмашаларни янгидан бошлаб юборишмасмикин? Ҳозиргача қандай таъқиб қилган бўлишса, бундан кейин айнан шундай қилмасликлари, лекин, бошқа йўللар билан сизни қийнашлари мумкин. Ўзингиз қандай фикрдасиз?

— Мен ҳам шу фикрдаман! — деб жавоб берди Ҳури хоним. — Энди биз бу ерларда сира ҳам қололмаймиз. Бола ҳам бола боши билан, — Ҳури хоним қўлини гапга диққат билан қулоқ солаётган Соҳибнинг бошига қўйди, — кеча менга, ойи, бу ердан кетамиз, деяпти! Сиздан илтимос қиламан, бизга ёрдам беринг, агар иложи бўлса бизни ўзингиз билан бирга Тифлисга олиб кетинг, кейин нима қиламиз, бамайлихотир ўйлаб кўрамыз. Ўғил ҳам мактабга борадиган бўлиб қолди. Отаси уни янги мактабларда ўқитишни орау қилганди...

Иванов, Мирза Фатали ва Али Мирза ўзаро нима ҳақдадир сўзлашиб олдилар. Сўнг Мирза Фатали юзини Ҳури хонимга ўгирди:

— Унда тайёрланинг, эртага эрталаб биз билан Тифлисга кетасиз.

— Худо мададкор бўлсин, йўллариңиз хайрли бўлсин! — Райҳон хоним ўрнидан турди, дастурхон келтириб ёзди. — Энди бизнинг ҳам бир стакан чойимизни ичинглар.

«Бир стакан чой» нима эканлигини яхши билган Мирза Фатали деди:

— Райҳон хоним, чой бўлса ичамиз. Олиб келинг. Лекин бошқа нарсалар пешинга қолсин. Биз бир айланаиб келамиз, кўрмаган нарсаларимизни кўрайлик. Ёрдўстлар билан учрашайлик, сўнг қайтиб келамиз...

— Шартимиз шуки, албатта келасизлар лекин! — Райҳон хоним уларнинг қатъий ваъдаларини олмоқчи бўлди.

Мирза Фатали уни хотиржам қилди:

— Келамиз деб сўз берамиз!

Мирза Фаталининг Ҳури ва унинг келажаги ҳақида айтган фикрлари, албатта, Вафодорга ҳам маъқул эди. Ўзимизга ҳам маълумки, у ҳам шу фикрда эди,

энди бу ерларда қолиш қийин бўлишини биларди, адоват ва даъволардан, ур-сурлардан узоқроқ бўлишни истар ва кўзларди. Лекин қаерга бориш, қаерда истиқомат қилиш борасида у Ҳурининг аниқ бир фикрини билмаганлигидан ташвишланиб юрарди. Ҳолбуки, Вафодорнинг фикри қатъий эди, у Ҳури қаерга деса, шу ерга кетишни кўзлар, дарҳол никоҳ ўқитиб, бошларини қовуштиришни орзу қиларди. Лекин Ҳури ҳам шундай деб ўйлармикин? Кечаги фожиадан сўнг у Вафодорларникида қилинган аҳд-паймонларга амал қила оладими, йўқми? Вафодор ҳали-ҳамон ўша ширин дақиқа ростдан ҳам бўлганлигига ишона олмас, ҳаммаси назарида худди тушда бўлгандай кўринарди. У ўша дақиқаларда Ҳури чиндан ҳам табиий суратда шундай қилдими ёки бирон бошқа бир нарсанинг таъсирида тасодифан қилдими — ҳали-ҳамон аниқ билолмасди. Балки оғир вазиятнинг таъсирида шундай қилгандир? Ёлғизликдан, танҳоликдан, тубан таъқиблардан чарчаб, бир одамнинг меҳрибончилигига, ҳамдардлигига эҳтиёжманд бўлиб турганлиги ва буларнинг барини ўша онда Вафодор сиймосида кўрганлиги учун бўйнига осилгандир? Шундай бир вазиятда хотин кишининг юрагида бош кўтарган туйғуларни муҳаббат деб қараш тўғри бўладими? Таъкиб ва тазйиқлардан халос бўлган чоғда бу ҳислар ўшандайлигича қолармикин, ё бошқача бир тусга кирармикин? «Йўқ!». Бундай деб ўйлашим хато. Ҳури каби хотинлар вазиятнинг, ўткинчи ҳисларнинг таъсирида бировнинг бўйнига осилишмайди!» Вафодор Ҳурининг юрагида чинакам бир муҳаббат уйғонганига ўзини ишонтиришни истарди.

Ҳозир Ҳури ҳам уни ўйлаб турар, оғир, азобли фикрлар, ҳисларни бошидан кечирмоқда эди. Ҳар ҳолда у Вафодор билан якка кўришмаса, гаплашмаса бўлмаслигини англади, шунга қаттиқ бир эҳтиёж сезарди. Буни ўзининг бурчи деб биларди. Шунинг учун ҳам меҳмонлар чой ичиб бўлиб, ташқарига чиқишаркан, Ҳури Вафодордан бир зум қолишини ўтинди. Буни эшитиб Мирза Фатали Вафодорга қарата деди:

— Биздан ташвиш чекманг. Бемалол гаплашиб олинглар. Биз айланиб келамиз. Шошилмай, бафуржа гаплашиб олинглар, сўнг бизни қидириб топарсиз.

Вафодор қолди, онасининг пияжига суқилган Со-

ҳибнинг бошини силади. Соҳиб у билан гаплашмоқчи бўлиб турарди, лекин онаси қўймади:

— Бор, ўғлим, Гулёноқ билан ўйна. Бизга халақит берма. Вафодор амакинг билан гаплашиб олишимиз керак.

Соҳиб ҳовлига югуриб чиқиб кетди. Вафодор Ҳури билан ёлғиз қолди.

Вафодор Ҳурининг гапларидан, ҳаракатларидан, ўйчан, сўлгин қарашларидан жуда ҳаяжонланиб турганлигини билди. Йўқ, у пок ва нурли кўзларини Вафодордан олиб қочмасди. Лекин энди бу кўзларда совуқ алланима бор эди. Ҳаётдан чарчаган, инсонлардан тўйган, уларни пушаймон қилишдан чўчиган ифода эди бу! Гўё бу кўзлар: «Сен истаган нарсангни менадан топа олмайсан, пушаймон бўласан. Мен бўлсам, сенинг пушаймон бўлишингни истамайман!»— деб тургандай эди.

Вафодор эса унга аввалгидан ҳам теранроқ, меҳрибонроқ, ҳароратли, фидокорлик билан тўлиқ ҳолда қараб турарди. Бу кўзлар: «Сенинг амрингга тайёрман, буюр, сенга ёқадиган ишни қилишдан ўзга орзум йўқ,— деб турарди.— Чунки менга сенинг бахтиёр бўлганингни кўришдан кўра ортиқ бахт йўқ!» Лекин Вафодор кўзи билан айтган нарсани тили билан айтмади. Чунки у Ҳурининг орзуларига, кўнгил хоҳишларига зид бир сўз айтишдан тортинарди, аввал унинг фикрини билсам, дерди. Ҳури, албатта, буни ҳис қилиб турар, ундан жавоб кутаётганини сезарди.

— Мен сиздан бир умрга миннатдорман!— деди оҳиста Ҳури.— Менга қилган яхшилигингизни ҳеч нарсаси билан ўлчаб бўлмайди. Агар жоиз бўлса мен оёғингизга тиз чўкиб, қўлингиздан ўпган бўлардим.

— Мен бўлсам, сизнинг қаршингизда гуноҳкорман, Ҳури хоним! Сизни балолардан вақтида сақлай билмадим,— Вафодор ғайриихтиёрий равишда унинг қўлидан ушлади ва ўпди. Лекин бу қўлларда аллақандай совуқлик борлигини сизди. Ҳури тез қўлини тортиб олди.

— Ҳа, сиз бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган фидокорлик қилдингиз. Ҳатто фидокорликдан ортиқ иш қилдингиз. Сиз менинг юрагимда ҳамиша бир чироқ каби порлаб турасиз. Сиз бўлмасангиз мен ҳалок бўлардим, ақл-ҳушимдан айрилардим, инсон но-

мини эшитганда қочардим. Худога минг қатла шукурки, ер юзида сизга ўхшаган кишилар бор...

— Мен сизнинг сўзларингизга лойиқ иш қилганим йўқ. Бу дунёда сизнинг амрингизга тобе бўлишдан кўра ортиқроқ бахт йўқ менга. Мен ҳамма сўзларингиз баробарида эндиликда ҳаёт йўлларида қўлни қўлга бериб юрсак, дердим.

Ҳури шу гапни анчадан бери кутган эди. Ўзи бу ҳақда гапиришга уяларди. Бу сўз Вафодорнинг оғзидан чиқиши билан чуқур оҳ тортиб, деди:

— Афсуски, бўлмайди, Вафодор! Бир ўзингиз тасаввур қилинг, бошимга тушган бу бадномликдан сўнг мен сиз каби йигитга қандай хотинлик қиламан? Энди менинг юрагим совуқ, жуда совуқ! Гўё музлаган дарёга ботириб олингандай. Муҳаббатимни учқунлатган ҳамма ҳислар ўлди. У ерда ўғлимдан бошқа ҳеч кимга ҳарорат қолмади. Мендан хафа бўлманг. Сиз ўзингизга муносиб хотин топиб оласиз.

— Демак, мени севмас экансиз-да...— Вафодор синиқ сўзлади.

— Йўқ, ундай дейиш гуноҳ, воллоҳ, гуноҳ, мен сизни шунчалар севаманки, оғир қисматимга сизни боғлашга рози бўлмайман.

Вафодор яна унинг қўлини ушлаб, кўзларига тикилди:

— Сиздан битта тилагим бор: мени унутиб юборманг. Менга сўз беринг, агар бошқа одамларнинг қўлидан келмаган бирон юмушингизга ярасам, сизга керак бўлсам, жуда, жуда керак бўлсам, унда менга дарҳол хабар беринг...

Вафодор унинг қўлини охирги маротаба ўпиб, уйдан чиқди.

Ҳурининг тиззасида тоқат қолмади, букилиб кетди, кўзларида ёш ғилтиллади...

Илёсбек Тифлиддан келган меҳмонларни ўз уйига жуда ҳам чорлагиси келаётганлигини Салим яхши англаган эди. Шунинг учун ҳам у бекнинг арзимаган шу орзусини амалга ошириш учун қўлидан келганча ҳаракат қилишга қарор берди. Мана шу мақсадда у бозор бошида айланиб юрар, кўзига кўриниб қолган бир қадар обрўли одамларни гаига тутар, меҳмонлар

кўриниб қолармикин, деб тўрт тарафга олазarak бўлиб тикиларди. Айни замонда у меҳмонлар ҳақида кўпроқ нарса билишга, улар ким, неча киши, касб-ҳунарлари нима, шу тўғрида маълумотлар олишга уринарди. Лекин эшитган гапларининг ҳаммаси қарама-қарши, бир-бирига зид эди. Шундай бўлса ҳам, ҳар ҳолда, меҳмонларнинг қачон келгани, қаерга тушгани, эрталаб Вафодорникига борганлари, у ерда кўп ўтирмай, Идрисникига ўтганлари ва у ерда Ҳури хоним билан кўришиб суҳбатлашганлари ҳақидаги гапларни эшитиб улгурган, анча-мунча нарсалар унга ойдин эди.

Салим ога жонишинликдан келган погонли одамлар билан алоҳида учрашмоқчи, уларни холи топиб, оғзиларини «ёғламоқчи», кейин Илёсбекнинг уйига меҳмонга олиб бормоқчи эди. Ёлғиз мана шунинг эвазига Илёсбек уни тиллага кўмиши мумкин эди.

Салим ога ўзи ўйлаганича меҳмонлар билан бозор бошида кўришди. Саломлашаётган одамларни оралаб олдинга ўтди ва улар билан шахдам туриб саломлашди, қўл бериб кўришди. Соғлик-сиҳатлик сўрашганларидан сўнг, у Мирза Фатали билан Ивановни бир чеккага тортди.

— Қўлогингизга айтадиган икки оғиз сўзим бор...

Улар одамлардан ажралиб, тинчроқ бир ерга ўтдилар. Салим ога ҳали танишиб-билишиб улгурмасдан қаердандир Сафиқулибек пайдо бўлди ва уларга қўшилди. Салим ога уни танимагандай, деди:

— Оғалар, сизлар марказдан келгансизлар. Аъло ҳазрат император давлатининг содиқ хизматчиларидансизлар!— Салим ога Иванов билан Мирза Фатали билдирмасдан кулимсираганларини сизди, аммо бунинг маъносини тушунолмади. Сўзида давом этди:— Давлатнинг идорасида масъул хизматни адо этаётганларингиз боисидан баъзи давлатга дахлдор ишлардан сизларни хабардор этиш бизнинг бурчимиз...

Мирза Фатали билан Иванов бу муқаддимадан унинг қандай одам эканлигини билган бўлсалар ҳам, сабр билан қулоқ солдилар. Салим ога Ҳури хонимни тилга олиб «давлатга дахлдор иш»—сандиқчани эслатганида Мирза Фатали дарҳол унинг сўзини бўлиб, деди:

— Кечирасиз, сизнинг исмингиз нима ва бу одам ким?— деб Сафиқулибекни кўрсатди.

Салим оға камоли эҳтиром билан ўзи ҳамда Сафиқулибекни таништириб, Илёсбекнинг даъватини ҳам уларга етказди. Бу отларни эшитгандан сўнг Мирза Фаталининг ҳам, Ивановнинг ҳам ранги ўзгарди. Мирза Фатали деди:

— Огалар, сандиқча бизнинг қўлимизда. Ичидаги қоғозни ҳам ўқидик, қимматбаҳо нарсаларни олиб қарадик, сизларга шуни маълум қилиб қўйишимиз керакки, у нарсалар давлат хазинасига топширилади. Қоғозга келганда, бу сохта хатни ёзганлар аъло ҳазрат император давлатининг қонунларига биноан жавобгарликка тортиладилар. Илёсбекка шуни маълум қилиб қўйингларки, биз бундай одамнинг дастурхонида ўтиришни ўзимизга ор деб биламиз. Айтиб қўйинглар, айб бўлади, соқолининг оқи билан бутун эл-юртни уриштириб юрибди, уят! Сизга эса жавон бек,— Мирза Фатали юзини Сафиқулибекка бурди,— сизга бир таклифим бор: эртага бўйингизга тупроқ тўлдирилган тўрва осиб, приставнинг ҳузурига боринг, тавба қилинг, онг ичинг, иккинчи марта бундай жиноят қилмайман денг. Бўлмаса гуноҳингиздан кечишмайди.

Мирза Фатали ва Иванов тескари қараб кетдилар. Салим билан Сафиқулибек турган ерларида қотиб қолдилар. Уларнинг орқаларидан анчагача қараб турган Сафиқулибек тупурди:

— Кофир, динсиз деб бекорга айтишмаган экан. Руслар билан ўтириб турган одам бундан бошқача бўлмайди.

— Гуноҳ бунда эмас, Сафи бола!— деди Салим оға.— Ҳаммасини қилаётган ўша темирчи. Ушанинг найрангига учган булар.

— Унинг тагига етмасам мен ҳам юрган эканман!— Сафиқулибек бозордан узоқлашди.

Эртасига туманли куз тонгида Қозоҳдан Тифлисга қараб икки файтон йўлга чиқди. Файтонларнинг бирида Ҳури хоним билан унинг ёнида кичкина Соҳиб ўтирар эдилар. Иккинчи файтонда орқада Мирза Фатали билан Иванов, олдинда, файтончининг ёнида Али Мирза бор эди. Файтонлар саҳар чоғи Райҳон хонимнинг эшигидан йўлга тушдилар, йўловчиларни Вафодор, Жаъфар, Сакина кузатиб қолдилар. Сал бурун бу

ерга Офарида хоним келган, Ҳури билан ўпишиб йиғлаган, Соҳибга бир жуфт гулли пайпоқ совға қилиб, ўзим тўқидим, деб айтганди. Йўлга отланганлар ҳам, уларни қузатаётганлар ҳам бир қадар ўйчан ва фаромуш кўринардилар. Фақат Райҳон хоним ўзини қувноқ тутишга уринарди. Отлар дупур-дупур йўлга тушганида Райҳон хоним, Сакина ҳам қўлларидаги жомининг сувини файтонлар ортидан сепдилар.

— Оқ йўл бўлсин, омадларингизни берсин!

Ҳури ёш ғилтиллаган кўзларини ҳеч кимдан яширмасди, Соҳиб эса кичкина Гулёноққа қараб, қўллари билан унга ниманидир ишора қиларди.

Сал ўтмай файтонлар Тифлис йўлига тушиб олдилар. Ҳурининг юрагидан бир парча узилди ва бу парча юрак абадий суратда Қозоҳда қолди...

## ЎНИНЧИ ФАСЛ

### 1

Бекнинг уйида ҳам, камбағалнинг кулбасида ҳам саросима бошланган, туманли вазият вужудга келган эди. У уйнинг ҳам, бу уйнинг ҳам эгалари нима қилишини билмай, довдираб қолган эдилар. Четдан қараганда ниҳоятда соқит кўрингани билан на у ердагиларнинг, на бу ердагиларнинг қалбидаги тўфон тинганича йўқ эди. Сийналарда юрак эмас, ғазаб гупиллаб урарди. Агар туманли ва мужмал вазият бўлмаганида эди, бу ғазаб тўфони жўшиб авжга минган ва қонли тўқнашувлар билан якунланган бўлар эди. Ўша давр тарихчиси айтганидек, «ханжарнинг чанқоқ дами инсон бўғзининг қонидан нам бўлмагунича» қинида хотиржам ётолмас эди. Лекин саросима туманли вазият иккала тарафнинг ҳам ҳаракат қилишига ҳалақит берарди. Чунки ҳеч ким ишнинг қай аҳволдалигини билмас, нима ҳодиса рўй беришини олдиндан аниқ айта олмас эди. Қайси йўл қаерга олиб боради, бир ойдан кейин нима бўлади ёки нима бўлиши мумкин, буни ҳеч ким билмас эди. Сен бир нарсани кўришни хаёл қила туриб, мутлақо бошқа нарсага дуч келиб қолишинг ҳам мумкин. Сен битта йўлни танлаб кетаётибсан, бу йўл сени тегирмонга олиб бо-

ришига ишончинг комил, чунки бу йўл ота-бобола-рингга хизмат қилган, лекин юриб-юриб, қабристонга рўпара бўлиб турибсан! Бу йўлни ким ва қачон ал-маштириб қўйди? Буни билишнинг имкони йўқ эди. Гўё киши кўзига кўринмайдиган ғайри табиий куч бир жойга биқиниб олгану инсон тақдирини ўзи иста-ган томонга бурмоқда эди. Бундай вазиятда ҳар қан-дай одам ҳам, у қандай иродали бўлмасин, шахтидан қайтади, бирмунча вақт нима қилишини билмай эсан-кираб туради, ниманидир кутади.

Вафодор ҳам кутар эди. Унинг бир кўзи Илёсбек тарафга, иккинчи кўзи Тифлисга тикилган эди. «Қизиқ, улар нима хаёлдайкин, нима қилишаркин? Шу қа-дарли фалокатдан кейин тинч ўтиришармикин?» Ҳури масаласида Вафодор тараддудда қолган эди. У, Ҳу-рининг бу ерларни бирмунча вақт тарк этиб кета оли-шига ишонмасди. Кўзи эшикда, қулоғи бирор хабар эшитиш иштиёқида эди. Тифлистан бирон дарак ку-тарди. Ўша томондан бу ёққа қадами етган ҳар бир одам унинг кўзига худди суюнчига келаётганга ўхшаб кўринарди. Ҳуридан бир хабар эшитиш умидида ўша одамнинг оғзини пойлар, турли саволлар берарди: «Тифлисга кетаётган бир файтонни кўрдингизми? Ичи-да бир келинчак билан бир бола ҳам бор эди». Лекин интизорликдан халос этадиган бир жавоб ололмай, маънос тортиб қолса ҳам, умидини йўқотмас эди. Илк муҳаббатининг шу хилда муваффақиятсизлик билан якунланганини у тан олмас, тан олишни истамас эди. Ҳурининг узатса — қўл, чақирса — овоз етмайдиган узоқларга кетиб қолгани учун ҳам, ҳижрон аламига дош бериш қийин эди. Вафодорнинг юрагини мислсиз дард ва ҳасрат кемирарди. Лекин нима қилиши мум-кин? Ҳурининг кетидан излаб бориб бўлмайди, борга-нининг фойдаси ҳам йўқ. Бундай иш тутиш — Саки-нани, Жаъфарни, Райҳонни, Идрисни шафқатсиз душ-ман рўпарасида нажотсиз қолдириб, қочиб кетиш деган гап эди. Шунинг учун ҳам Вафодор бундай қи-лишни эп кўрмас, буни номус ва виждонига, инсонлиг-ғурурига доғ деб билар эди. Ягона йўл — у ҳам бўлса сабр-тоқат билан кутиш, ноком-ночор ишқини юраги-да асраш қолган эди, холос!.. Бошқа илож йўқ эди. Вафодорнинг хаёлида умрининг охиригача Ҳурининг йўлини пойлашга қурби етадигандай, вақт унинг му-

жаббатини қалбидан юлиб олишга ожизлик қиладигандай туюларди.

Наинки вақт, ҳатто тинчлик билмаган аччиқ тиллар ҳам буни уддалай олмайди! Вафодорнинг Ҳурига бўлган муҳаббати жуда бўлакча, ғайри оддий муҳаббат эди; кишиларнинг юздан бири, балки мингдан биригина бундай савдога мубтало бўлиши мумкин эди; Вафодор ўзининг ана шундай муҳаббати ҳақидаги гап-сўзлар жуда чувалашиб юрганидан беҳабар эмасди. Илёсбекнинг бола-чақалари, унга яхши кўринмоқчи бўлганлар, унинг дастурхонию марҳаматидан умидвор бўлиб юрганлар ҳар ёқда гап тарқатиб, Вафодорни маломат қилишар, муҳаббатини шайтон васвасаси деб таърифлашар, бу иш худонинг қаҳрини келтиради, дейишарди. Вафодор бундай гап тарқатаётганларни танирди, уларнинг шум ният тамагирликларини тушунарди. Улар зўрлару давлатмандларнинг бойлигига учиб, одамгарчилигини сота оладиган, ҳақиқатдан бир йўла юз ўгириб, қалбидаги виждон азобини ўчириб яшай оладиган баднафс, паст одамлар эканини яхши биларди. Бундайлар инсонлик қандай хазина эканини билмайдилар. Бу хазинанинг бойлиги тоза инсон ҳисларидан, ҳар шахснинг сийнасидаги муқаддас туйғулардан иборатлигини билмайдилар. Инсоннинг орзулари нечоғлик соф бўлса, ўз ақл-иродаси билан яшаса, башарият хазинасига қўшган жавоҳири шунчалик гўзал ва сержилва бўлади. Мана шуни билмаганлари учун ҳам улар сийналаридаги ғурурни ўз қўллари билан бўғиб ўлдирадилар. Бировнинг кўзига яхши кўриниш учун оқни қора, қорани оқ дейдилар! Ундайларнинг гап-сўзлари Вафодорга маъносиз ва кулгили кўринарди. Ўзининг улардан маънан ва руҳан жуда устунлиги, муҳаббатининг юксаклиги ва поклигини билганигина эмас, яна яхши одамлар, қалби тоза ва ҳалол нон топиб ейдиган кишилар ҳар ерда унинг ёнини олаётганлари, шум ният-лиларни бир уриб, жойига қапиштириб қўйишга ҳаммиша тайёр турганликлари ҳам унинг кўнглига тасалли берар эди. Лекин, афсуски, уларнинг орасида ҳам эшитган гапнинг ҳақ-ноҳақлигини суриштирмай-нетмай ишонаверадиған соддадиллар учраб турарди. Баъзи пок одамларнинг шунчалик тезлик билан оқимга қўшилиб кетиши, масжидда саловот ўгирганга ўх-

шаб ўтириб, ўзгалар огзидан сўз олиб, атрофга тарқатиши Вафодорнинг ғамига ғам қўшмоқда эди. Сотқинлар, беқарорлар кўпчилиқни ташкил қилган жамиятнинг ҳоли ҳамиша хароб бўлади. Сотқинлар шундай ҳамжиҳатлиқ билан ҳақиқатни босиб-янчадиларки, одамнинг миқ этишга ҳоли қолмайди!

Эҳтимол, аслида пок бўлган кишиларнинг шу қадар беқарор бўлишлари танбалликдандир? Ақлнинг, гидроқнинг танбаллиги бир нарсанинг фарқига боришга, чуқур таҳлил қилишга йўл қўймас? Эҳтимол, шундайдир! Инсоғлар қанчалар қашшоқ-а! Бировлар ҳақида бошқалардан эшитган гапларига қанчалиқ тез ишонадилар-а! Бу сўзларни ёйишга мунчалар ошиқшмаса! Қулоқ, кўз, ҳаттоки ақл ҳам кишини алдаши мумкин, деган фикр ҳаёлларидан ўтмайди. «Бу ёмон севги. Боши айланиб қолган!» — деб тураверишади. «Менинг ичимга кириб чиқмагансан-ку, қалбда алангаланиб турган олов қанақалигини қаёқдан биласан?! Балки сийнамда Зардўштнинг олови ёнаётгандир?!»

Вафодорнинг кўзини йўлга қаратиб қўйган нарса ҳам мана шу — сийнасида кеча-кундуз бирдай ёниб турган Зардўшт оташи эди. Бу оташ Ҳурининг қалбида ҳам ўчмаганига у ишонарди. Орадан бир ҳафта, беш ҳафта, бир ой, беш ой ўтади ва бир кун янгитдан шуълаланиб ёна бошлайди! Ўшанда Ҳури, фалон жойдаман, ўтирма, кел, мени олиб кет, қаёққа истасанг ўша ёққа боришга тайёрман! — деб албатта хабар беради. Мана шу умид, мана шу фикрлар Вафодорни интизорлик билан йўл пойлашга мажбур қилар ҳамда унга тасалли берар эди!

Баъзан Вафодорнинг ҳаёлида Ҳури Тифлисга кетишдан бошқача ҳаракат қилиши ҳам мумкиндай туюларди. У Вафодорнинг таклифини қабул қилишга рози бўладигандай, бу ерларни тарк этиб, Илёсбекларнинг қораси кўринмайдиган, ҳиди келмайдиган бир жойда қўлни қўлга бериб, ўзларига уй қуриб олиб, бир умр бирга яшашга тайёрдай туюларди. Ҳаёлига мана шундай фикрлар келган пайтларда ҳам Вафодор Ҳурини гуноҳкор деб билмас, айбни унинг бўйнига қўймас эди. Уни тўғри йўлга солишга, унинг ҳаракати сабабини аниқлашга тиришарди. Шундай пайтларда марҳум Муҳаммад Ризобек ёдига тушарди. Ахир илгарилари бундай одамлар йўқ эди, бўлмаган эди.

Илгарилари ўқиш учун, илм-олиш учун одамлар жанубга йўл олардилар. Озарбайжондан Бағдодга, Калькуттага, Маккага, Мадинага кетардилар. Муҳаммад Ризобеклар бўлса тамомила бошқа томонга, шимолга юз тутдилар. Улар акс тарафга: Петербургга, Киевга, Одессага боришар ва қайтишда ҳам бошқача бўлиб келишарди. Фикрлари ҳам, кийимлари ҳам жанубдан келганларга ўхшамасди. Ҳури боласининг отаси кетган тарафга боришини кўпдан бери орзу қилиб юрарди. Бола тугилмасидан бурун отаси шуни васият қилган, Ҳури ҳам мана шу васиятга содиқ эди!.. Офарин шундай аёлга, шундай онага!

Ҳурининг бу ерларни тарк этиб кетишига Вафодорни ишонтирадиган бошқа сабаб ҳам бор эди. Унинг охирги дақиқада: «Бошимдан кечирган бундай бадномликдан кейин сизга қандай қилиб хотин бўламан?!» — дегани ҳеч эсидан чиқмасди.

Бу сўзлар унинг қулоғи остида ҳар доим жаранглаб турарди. Вафодор унга жавобан: «Буларнинг барини унутинг, хаёлингиздан чиқариб ташланг! Олмос ўзига кир юқтирмайди! Сиз эса олмосдан ҳам тозасиз!» — деган эди. Лекин жароҳат жуда ҳам чуқур эди. Бу сўзлар малҳам бўлиб, Ҳурининг юрагидаги ярани тузата олмасди. Вафодор буни жуда яхши англаб ва чиқарган қатъий қарорига кўра заррача бўлса ҳам Ҳурини айбламасди. Аксинча, бу ҳаракати билан у ўз маънавий юксаклигини, номус ва орини, маънавий гўзаллигини сақлаб қолган, деб ҳисобларди. «Ҳури бошқа йўл тута олмасди! — деб ўйларди Вафодор. — Бошқача иш қилганида, эҳтимол, менинг ўзига нисбатан бўлган ҳурматимни йўқотган бўларди. Ахир у яраланган кабутар-ку. Ҳеч замонда яраланган кабутар самодда эркин қанот қоқиб уча оладими? Йўқ, у ярасига даво топиш учун ўзига хилват жой ахтаради!» Мана шуларни ўйларкан, Вафодорнинг қалбини ғазаб туйғулари кемира бошларди. Кабутарни яралаган, унинг ҳаётини заҳарлаган илонлар кўз ўнгидан олчоқ ва разил ҳолда ўта бошларди. Сафиқулибек унинг тасаввурида фақат тиззаси остида сарғайиб, титраб турган ҳолда гавдаланарди. Унинг «йигит енгади, янчмайди!» — дея ёлворган разил ва олчоқ овозини эшитарди. Шу даражада қўрқоқ, шу даражада чиркин бўлгани ҳолда наҳотки шунчалик такаббурлик қила ол-

са?! Вафодор унинг жамоат ўртасида, дўконда, чўпонлар орасида мағрурланиб юрган пайтларини кўз олдига келтирди. Лекин бу ҳеч тасаввурига сиғмас эди. Кўзига тиззаси остида эзилиб ётган Сафиқулибек кўринарди, лекин черкаска кийган, бир ёнига тўппонча, бир ёнига ханжар таққан чапани Сафиқулибек кўринмасди. Ҳолбуки, Вафодор бу Сафиқулибекни ҳам яхши танир эди. Унинг ўзини бозорга солиб юрганини, оламга такаббурлик ва мағрурлик билан қарашларини, ҳаволаниб ҳовлию маҳаллага, кўча-кўйга савлат тўкиб одим олишларини неча бора кўрган эди. Тааж-жубланадиган жойи шунда эдики, бу ғурур эгаси оёқ остида судралиб юрувчи махлуққа айланган, «менга раҳм қил!..» — деб ёлворган эди.

Умри бўйи инсонларга зуғум қилишга, уларга қумурсқага қарагандай қарашга ўрганган золиму такаббурларнинг насибаси нафратдир. Яна ундайлар бирон фалокат юз бергудай бўлиб қолса, саросимага тушиб, жуда ёмон аҳволда қолишади. Чунки улар инсонлик ва инсон ғурури нима эканини билишмайди. Такаббурлик билан ғурурнинг бошқа-бошқа нарсалар эканини билишмайди. Айнан шу қадар паст тушиб кетганлари учун ҳам, фалокат юз берган пайтда жирканч бўлиб кўринадилар ва уларга ёрдам қўлини узатишни киши истамай қолади. Ҳолбуки, мағлубият ва бахтсизлик содир бўлган пайтларда одамга раҳму шафқат қилмаслик қийин иш, чунки фалокат инсонни ёмонликларидан пушаймон қилишга, ўйлашга, ёлғон ва уйдирмалардан узоқлашиб, ҳақиқатга яқинлашишга мажбур қилади. Ҳақиқат нури эса ҳамиша ва ҳар жойда ўткир бўлади, бу нур кимнинг юзига тушса, ўша кишига нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотади... Лекин Сафиқулибекка ўхшаган кишиларга фалокат бошқача таъсир кўрсатар экан, уларни ҳақиқатдан узоқлаштириб, иккиюзламачилик қилишга маҳкум этаркан. Табиатан мард ва раҳмдил бўлган Вафодор шафқатсизликни уддалай олмасди. Шундай бўлишига қарамай, агар ўша кеча Ҳури бўлмаганида, ханжарини Сафиқулибекнинг кўксига санчган бўларди. Ҳаттоки қон тўкиш, ўртага адоват солиш, Сакина ва Жаъфарнинг келажаги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам уни бу ҳаракатдан асраб қола олмасди. Чунки шундай таҳликали дақиқада ҳам, тиззаси тагида ётган одамнинг

юзида кишида шафқат уйғотувчи нур кўринмасди. Аксинча, бу юз ачиган хамирга ўхшарди. Ундаги жирканч ифода Вафодорнинг ақл билан иш тутишига халақит берар, нафасини тезроқ ўчиришга ундар эди. Бир сония олдин у ваҳший ҳайвондан ҳам даҳшатлироқ эди, кўзларидан ўт чақнарди. Эндиликда эса ҳаёсидан, обрўйидан аллақачон айрилган гадойга ўхшаб қўл очиб ёлворар, раҳм-шафқат тиларди... Ҳеч қандай йиртқич ҳайвон қиёфасини шу тахлит ўзгартира олмайди. Бу ҳеч тушуниб бўлмайдиган, ақл бовар қилмайдиган ҳол эди. Бир вақтлар содир бўлган ва ёдидан аллақачонлар кўтарилган бир ҳодиса Вафодорнинг эсига тушди. Бу воқеа отасининг фожиали ўлиmidан бир неча йил ўтганидан кейин юз берган эди. У пайтларда Вафодор қўлига чўқмор олиб, оёғига чориқ кийиб қўйчивонлик қиларди. Қўзи боқарди... Унинг сурувиға йиртқич ва ҳийлагар тулки оралаб қолган эди. Ариқларда, хандақларда беркиниб ётардида, чўпоннинг кўзини шамгалат қилиб, қўзилардан биттасини судраб кетар ва кўздан йироққа элтиб, гажирди. Вафодор кекса чўпонлардан бирига тулкидан шикоят қилди. Бир куни чўпон ўз сурувини шеригига топшириб келди-да, пана жойда пусиб ўтирди. Эндигина қўзига ҳамла қилган тулкини бир ўқ билан ерга йиқитди... Йиртқичнинг ичак-чавоғи ташқарига ағдарилиб тушган, қонга беланиб типирчиларди. Ўлим билан олишарди. Ана шу аҳволи устиға чўпон билан Вафодор етиб келишди. Чўпон кулиб:

— Ҳа-а, маккор, қўзининг гўшти мазали эканми? — дея эгилди ва тулкининг думидан ушламоқчи бўлди. Бироқ тулки бунга имкон бермади. Ғазаб билан тишларини ғижирлатиб, чўпоннинг қўлини тишлашнинг пайида бўлди. У сўнгги нафасигача олишмоққа, ўзини ҳимоя этмоққа ҳозир эди ва ғазабини яширмасди.

Ҳа, биронта ҳайвон, биронта махлуқ турланишда Сафиқулибекнинг олдида ип эшолмасди. Сафиқулибек бир нафасда ўзгара оларди. Сафиқулибекнинг кечаги аҳволи эсига тушганида Вафодорнинг кўнгли айниб: «Эр кишидай мардларча ўлишнинг уддасидан чиқа олмаган, жони ширинлик қилиб гадойдай ёлворган, ғазабини яшириб, юзингга кулиб қараган, шафқат тилаган душмандан қўрқмоқ керак!» — дея ўйларди.

Ҳури кетганидан кейин унинг ҳаёти, келажаги, бошига тушган ҳангомалар тўғрисидаги фикрлар Вафодорга тинчлик бермай қўйди. Айниқса, бекор қолганида, дам олгиси, кўнгил очгиси келган дақиқаларда бу фикрлар ғалаёнга келарди. Бўлиб ўтган воқеалар бирин-кетин кўз ўнгидан ўтар, қонини қайнатарди, юрагини ҳаяжонга соларди. Шундай дақиқаларда гўё кимдир ичини ғулгулага солиб: «Нега ўтирибсан, ханжарни ол, бориб кўксини ёр, сийнасидан юрагини суғуриб от!» — дегандай бўларди. Вафодор бу яхши овоз эмаслигини, уни ёмон йўлга бошлаётганини ҳис этарди. Қилган жинойтлари учун Сафиқулибекни у кечирмайди, албатта, фурсат топдими, дарҳол жазолайди. Лекин у фақатгина ғазаб ва интиқом туйғуси билангина ҳаракат қилишни истамасди. Азал-абад бу хилда ҳаракат қилган одамларга нафрат билан қарарди... Лекин бу овоз ўчмас, ҳар замон-ҳар замонда: «Тур ўрнингдан, қўлингга милтиқни ол, хилват жойга беркин-да, ёнингга келганда нақ пешанасига от! Ахир сен чопар отнинг қорнига ётиб ҳам осмонда учиб кетаётган қушни ура оласан-ку!» — дея қулогига пичирларди.

Бу риекор овозни қандай қилиб ўчирса бўлади? Қонини кўпиртираётган ва юрагида аланга олиб ёнаётган ҳис-туйғулар туғенини қандай қилиб боссин?! «Йўқ, мен бунинг уддасидан чиқа олмайман! — дерди Вафодор ўзига ўзи. — Пана жойда пусиб туриб, бировга ўқ узиш менинг қўлимдан келмайди! Ўғрига, йўлтўсар қароқчига ўхшаб беркиниш, орқадан туриб ўқ отиш эр кишига муносиб иш эмас! Шунинг назарда тутган бўлса керакки, милтиқ ўйлаб топилганда Гўрўгли: «Мардлик даври тугади! Мен ҳеч қачон бундай номардлик қилмайман! Уришадиган бўлсам, майдонга яккама-якка чиқаман!» — деган экан». Вафодор бу гапларни эслашга ҳаракат қилса ҳам, ичидаги овоз пасаймас, минг хил далил келтириб, уни қасос олишга ундарди...

Вафодорга азоб бераётган нарса ҳам шу эди: ғазаб овозини ўчириб, ақл сўзи билан иш тутган дақиқаларида қон тўкилишини мутлақо истамасди. Сабртоқат қилиб, кутиш, ҳар икки томоннинг ҳам совиб-тинчиб кетишини истарди. Ахир, энди уришиб-талашганининг нима фойдаси бўларди?! Бўлар иш бўлиб,

бўёги синган. Ҳури узоқларда, худо билади, яна кўринадими, йўқми бу томонларда. Шундоғам Илёсбеклар авлоди кўп сабабларга кўра ўз-ўзидан безовта бўлиб турар эди. Лекин...

Лекин... Юрак бу мулоҳазаларни қабул қилмас, тинчигиси келмасди. Ҳурининг бошига тушган мусибатларни, унинг тортган азоб-уқубатларини, «кўзингни ўйиб оламан!»— деб Идрисни хиёнатга мажбур этганларини, ёш бир гўдакнинг «Она! Она!»— дея ичи узилганини ҳеч унута олмасди. Буларнинг бари унинг юрагини ҳаяжон билан уришга мажбур қиларди. Ҳеч замонда буларни унутиб бўлармиди?! Булар ўч олишга чақирарди! «Ҳа, кўзингни оч, асл адолат мана шу бўлади!»— дея ичидаги соя Вафодорнинг қулоғига пичирларди.— Ханжарнинг чанқоқ дами Сафиқулибекнинг бўғзи қонидан нам бўлмагунича сенинг юрагинг совимайди. Ўт тутаб ёнаверади!» Вафодор яна ўзига келар, ҳис-туйғулар қуршовидан қочиб, фикр қиларди: «Сакина-чи? Жафар-чи?! Уларнинг ҳоли нима кечади? Гўзал, саховатли айрум қизи Райҳон хоним ва унинг баҳор чечагидай очилиб турган фарзанди Гулёноқнинг аҳволи нима кечади?! Хўш, соф кўнгил, фидокор Идрис қандай яшайди?! Йўқ, мен бундай қилмайман, мен уларнинг ҳаётини таҳлика остида қолдира олмайман. Ўзим хушбахт бўлмадим, муҳаббатдан баҳра олмадим, ҳеч бўлмаса улар хушбахт бўлишсин».

Ҳа, соатлар, кунлар бўйи Вафодорнинг миясига мана шу фикрларнинг бири кириб, бири чиқарди. Битта қарорда қатъий туришга имкон бермасди. Ҳатто севимли созини ҳам унутгандек эди. Қанча ҳаракат қилса ҳам, созини бағрига босиб, бирор куйни чалишга интилса ҳам, удалай олмасди. Беҳуда уринишлардан кейин, фикрлар миясини кемириб, куй чалишга имкон бермаётганини ҳис қиларди. Бугун ҳам мана шу фикрлардан чарчаб ўрнидан турди, ҳовлига чиқиб, дарахтлар тагида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Эндигина тонг отарди. Ҳаво туманли ва ёғин-сочинли эди. Уфқлар туташган, кўк юзини кул ранг парда қоплаганди. Ҳавода кишининг суяк-суякларини зирқиратадиган бир рутубат бор эди. Шунга қарамай, Вафодор ўзида енгиллик ҳис этди. Руҳини, қалбини севинч туйғуси қамраб олди. Ташқарига чиқиши би-

лан худди кимдир устидаги қандайдир огир юкни олиб, бир четга улоқтиргандай бўлди. Вафодор болалигидан осмоннинг, фазонинг кенглигини яхши кўрарди. Тугилган юрт, она тупроқнинг Вафодор руҳини кўтармайдиган биронта фасли йўқ эди. Баъзилар саратоннинг иссиғидан, баъзилар кузнинг серёгинлигидан, баъзилар эса қиш чилласининг илиқни музлатувчи совуғидан шикоят қилишса, Вафодор ҳайрон бўларди, чунки ўзи ҳар қайси фаслдан бирор гўзаллик, бирор маъно топарди. Ҳаммасидан баҳраманд бўла оларди: «Саратоннинг иссиғини ҳам яхши кўраман. Уша иссиқ бўлмаса булоқ сувининг лаззатини сезиб бўлармиди? Полизда тарвузимиз егилиб пишармиди?! Далаларда бошоқлар сап-сариқ дон билан тўлармиди?! Дарахтларда олма-аноримиз ширин-шарбатга айланармиди?!»

У бу сўзларни шундай бир завқ билан айтардики, гўё ёздан гўзал фасл йўқдай туюларди. Кузнинг ёгин-сочинини ҳам, чилланинг шафқатсиз совуғини ҳам шундай мароқ билан мақтарди. «Ер юзида йилнинг тўрттала фасли ҳам баҳор бўлиб ўтадиган ўлкалар бор, дейишади. Майли, ҳамиша баҳор бўлаверсин! Уша ўлканинг халқига бахт-саодат тилайман. Лекин бизга ўз юртимиз яхши. Уни дунёдаги ҳеч бир нарсага алишмайман. Ёзини ҳам яхши кўраман, қишини ҳам...»

Булар шунчаки айтилган сўзлар эмас. Вафодор қалбининг туб-тубидан отилиб чиқаётган ҳис-туйғулар эди. Унинг она юртга ошиқлигини ифода этарди. Хозирги пайтда юрагини тилка-пора қилаётган тасодифий фикрлар ҳам, рўёбга чиқиши қийин бўлган орзулар ҳам бу туманли ва ёгин-сочинли куз тонгининг ўзига хос гўзаллигини кўриб, тўйишига, бу гўзалликдан ёқимли лаззат олишига монелик қила олмади!

Қаердадир ўчоққами, тандиргами, ўт ёқилди. Ўзи ҳам битта эмас, бир неча тандирга ўт ёқилди... Айни замонда бир неча ердан қоп-қора тутун осмонга устун каби кўтарилди, томлар орасидан буралаб-буралаб чиқди-да, туманга қўшилди ва атрофни хушбўй ҳидга тўлдирди. Ўрмондан келтирилган ҳўл-қуруқ ўтин аралаш ёқиларди. Эҳтимол, бу ўтин Қораёзи ўрмонидан келтирилгандир... Ўчоқ ва тандирлардан кўтарилаётган тутун ҳиди Вафодорга кўпдан таниш эди. Кичкина болалигидан, ҳаттоки бешиқда ётган пайтиданоқ

димоғига ўрнашиб қолган бу хушбўй ҳид ҳеч қачон унинг жонига тегмас эди!

Ана, қора тутун сийраклашиб, оқара бошлади. Кучли оловнинг илонга ўхшаб ҳаракат қилаётган нозик, қип-қизил тиллари ҳавони ханжардай ёриб, юқорига кўтарилар ва ётиб олар эди. Нақадар ажойиб манзара бу! Умуман олганда ўтга, оловга, оқараётган ўчоққа ва тандирга нисбатан бўлган меҳр Вафодорга қон билан бирга сингиган эди. Буларга лоқайд қарай олмасди! Олов тез ёнди, тутун ҳам кўтарилиб кетди. Янги пишган кузги бугдой нонининг ҳиди чор атрофга ёйилди. Бу муаттар ҳид қандай хушбўй ва тотли эди! Унда қандайдир муқаддаслик белгиси бор эди. Вафодор буни бутун борлиғи билан ҳис қиларди. Ҳа, у ноннинг муқаддас эканини ана шу ҳидидан сезарди ва шунга ишонарди. Кўзини очган кунидан унга: «Нон қуръонга ўхшаш муқаддас нарса. Нонни қўлга олиб ичилган онтни бузиб бўлмайди. Нонни ерга туширган ва эгилиб, уни олмаган одам гадой бўлиб қолади. Нонни босган кўр бўлади!..» — дейишарди. Ҳар бир инсон ноннинг муқаддаслигини дили билан ҳам, димоғи ва кўзи билан ҳам, тўрт мучаси билан ҳам ҳис қилса, уни авайласа, бу муқаддасликни бузмаса, одамлар фаровон ҳаётга тезроқ эришадилар, деб ишонарди Вафодор...

Ноннинг ҳиди борган сари ортиб, кучайиб борарди. Кимдир узоқ сафарга ҳозирлик кўрар ёхуд неча ойлик нонни бирдан ёпиб олиб, «ёстиғининг тагига жойлаш» фикрида эди шекилли. Йўқ, у ҳам эмас, бу ҳам эмасди. Бугун пайшанба куни эди. Бугун Илёсбек отасининг арвоғига худойи қилаётган эди. Нима сабабдан?! Ҳеч қандай сабаб йўқ эди. Отасининг йили ҳам, имому пайғамбарнинг маъракаси ҳам ўтиб кетган эди. Удир, будир, хоҳиш пайдо бўлган, кўнгли фуқаронинг қорнини тўйғазиб, хайр-аҳсон тарқатишни тусаб қолган эди, вассалом!

Куни кеча тегирмондан қоп-қоп ун торттириб келтирилди. Қаёқдандир қоп-қоп гуруч топтирди, неча неча қўй сўйдирди. У қилган гуноҳлари ва жиноятларини ювмоқчи эди. Бунинг осон йўли хайр-худойи деб биларди. Куни кеча Ҳурининг бошига солган кулфатлари туфайли орқаворатдан уни қоралаб юрган, ҳануз тинчимаган одамларнинг тилини тийиш учун

бундан осон ва таъсирли нарса бўлиши мумкинми?! Ялтоқлар, текин нон умидида юрганлар, домла ва эшонлар, гурусиз гадоилар ва ақли кўзидагина бўлган нодонлар келиб ейишади, бекнинг марҳаматлидиган, мўмин-мусулмон эканлигидан сафсата сотиб тарқалишади... «Илёсбек қай вақтда хайр-худойи қилиш кераклигини, халқ кўзини нима билан боғлаш мумкинлигини жуда яхши билади-да!» — дея хаёлидан ўтказди Вафодор...

Яна юракни сиқувчи, аламли хаёллар уни бўғиб кела бошлади. Бу фикрлардан қутулиш учун, Вафодор туман қопланган лой томли кулбаларга, булутли осмонга қаради, атрофга қулоқ солишга ҳаракат қилди. Одамлар аста-секин уйғониб, ҳовлиларга, кўчаларга чиқа бошладилар. У ер-бу ердан турли хил овозлар эшитиларди. Куз кечасидаги ширин уйқудан кейин яна ҳаёт бошланмоқда эди. Кимдир сигирини подага ҳайдар, кимдир эшагини эгарлаб тегирмонга йўл олар, кимдир булоқдан муздек сув олиб қайтмоқда эди. Икки уй наридаги ҳовлида бир мол маъради. Вафодор бу молни ҳам, унинг эгасини ҳам яхши танирди. У киши умрини подачилик билан ўтказган муҳтарам бир мўйсафид эди. Сўнгги йилларда оёқларида пайдо бўлган бод касали унинг чориқ кийиб, қўлига чўқмор олиб, поданинг кетидан қир-дала кезиб юришига имкон бермай қўйди. Унинг икки сигири, бир неча қўйи бор эди. Мана шуларнинг орқасидан келадиган даромад билан, ёз ойларида бировларнинг йиғим-теримига қарашиб, беш кишини боқарди. Узоқ йиллар давомида бу катта рўзгорни тебратишга ёрдам берган воситалардан бири — ҳозирда ётиб қолган буқа эди. Бир неча йиллар давомида қўни-қўшнилар суяги қизиган сигирларини жуфтлаштириш учун унинг олдига олиб келардилар. Зотли, яхши буқа эди. Ундан тарқалган бузоқлар йирик, серсут сигир бўларди. Шунинг учун ҳам қишлоқ ақли қуруқ миннатдорчилик билан кифояланмай, кекса чўпонга моддий ёрдам ҳам беришарди. Баъзан қўйми, қўзимми, буғдой ёки бошқа нарсалар олиб келишарди. Икки йилдан бери буқа ишга ярамай қолди. Тери си ҳалпираб қолган, ўзи зўрға қимирларди. Ўзидан тарқаган ёш буқалар унга ҳужум қилишарди. Ҳолбуки, бир вақтларда ҳайвон зоти унга рўпара бўла олмасди. Молхонада занжир билан ҳам асраш қийин

эди. Пишқириб, туёқлари билан ер қазирди. Сўнгги ойларда вақт-бевақт маърайдиган бўлиб қолди. Овози ниҳоятда ҳазин, аянчли чиқарди. Худди у ер юзида яшамоқдан безгандай эди. Гўё юраги безовтадай, кимнидир ўз олдига чорлагандай бўларди. Чўпон: «Қариб қолди, энди сўяман», дерди. Лекин сўямас, ойлар ўтиб борарди, унинг бўғзига пичоқ тирашга юраги дов бермасди. Унинг билан сира-сира видолашгиси келмасди. Қўшга, аравага қўшишга ҳам рухсат этмасди.

— Эҳ-ҳ, бунинг ёш пайтини кўрмаганмисизлар?— дерди у афсусланиб.— Шундай кучи бор эдики, бир ҳамла билан шерни тилка-пора қиларди. Шундай молни қариганда оёқ остига ташлаш увол бўлади!

Вафодор кекса чўпонни яхши тушунарди. У тирикчилик ташвишини ўзи билан баҳам кўрган ҳайвондан ажралгиси келмайди, албатта. Яна шуниси ҳам борки, у молга ачиниш билан ўзига, ўзининг ўтмишига, ёшлигига ачинарди.

«Яхши киши,— деб ўйлади Вафодор.— Дунёда шундай одамларнинг бориға минг қатла шукур. Ҳатто ҳайвоннинг ҳам яхшилигини унутмайдиган, уларнинг қадрига етадиган одамларнинг бориға шукур!.. Агар ҳамма ҳам Илёсбекка ўхшаган бўлганида, инсон жамиятининг ўрмондаги ҳайвонлар тўдасидан фарқи бўлмай қоларди! Минг лаънат сизларга! Яна эсимга шулар келди...»

Вафодор Сакина билан Жаъфарни ухлаб ётишибди, деб ўйларди... Ҳовли эшиги очилиб, уларнинг елкасида муздек булоқ суви тўлдирилган кўза билан килиб келишганини кўриб, ҳайратини яширолмади:

— Нега бунча эрта турдингизлар? Тонгларингиз хайрли бўлсин!..

— Тонгингиз хайрли бўлсин, ака!— дея Сакина елкасидаги кўзани ерга қўйди ва чопиб келиб Вафодорнинг бўйнидан қучиб, юзидан ўпди.

— Бунга бир нима бўлганми ўзи?— унинг сочларини силаркан, Жаъфардан сўради Вафодор.

Жаъфар уялиб, елкасини қисиб қўйди ва сирли оҳангда:

— Қайдан билай, ўзидан сўранг,— деди.— Ҳали тонг отмасдан ўрнидан туриб, булоққа ёлғиз бормоқчи бўлувди, мен юбормадим...

— Ажаб қилибсан-да!— Вафодор Жаъфарнинг ҳа-

ракатини маъқуллади.— Бундан кейин уни ҳеч қаёққа ёлгиз юбора кўрма... Шундай ваҳшийлар борки...

Сакина қўлларини дарҳол унинг бўйнидан тортиб олди ва ёш ғилтиллаган безовта кўзларини акасига қадади. Вафодор, хаёлига келган қора фикрларини синглисига билдириб қўйганидан пушаймон бўлиб, уни тинчитишга ҳаракат қила бошлади:

— Шунчаки айтдим-қўйдим-да, кўнғлингга ёмон хаёл келмасин...

— Келяпти!— дея эътироф этди Сакина.— Кўнғлимга ваҳима гаплар келади. Шунинг учун ҳам Жаъфардан қилич ушлаш, милтиқ отишни ўргатинг, деб илтимос қиляпман.

Вафодор шу пайтгача эсига келмаган бу фикрдан қаноатланиб кулди ва ғайри ихтиёрий бир ҳолда Сакинанинг бошини кўксига босиб, пешанасидан ўпиб қўйди:

— Оббо азамат сингилгинам-ей! Сен Гўрўғлининг Нигоридан ҳам ўтадиган кўринасан-ку...

Акасининг ҳар галги эркалашидан кейин яйраб кетадиган Сакина ҳозир ҳам очилиб кетди ва сузилиб:

— Акажон, яхши бир исм топинг,— деди.

Вафодор унинг нимага ишора қилаётганини тушунмади ва кўзларини катта-катта очиб, бир синглисига, бир куёвига қаради.

— Қандай исм керак сенга? Даланикими, шаҳарниками, қизникими, боланикими?

— Мен қаёқдан билай, ака!— Сакина юзини рўмолга ўради-да, бошини четга бурди...

Вафодор масаланинг асл маъносига энди тушуниб етди.

— Э-ҳ-а-а... Мундоқ деймасанми!

Шу он мислсиз севинч ҳислари унинг борлигини чулғаб олди. Алланечук бўлиб кетди:

— Жуда яхши, жуда яхши! Қутлуғ бўлсин... Ўғил бўлишини истайсизларми ё қиз бўлишиними?— дея Жаъфардан сўради у.

Жаъфар уялинқираб:

— Ўғил ҳам яхши, қиз ҳам. Ишқилиб эсон-омон қутулиб олса бўлди,— деб қўйди.

— Сиз от топинг!— Сакина яна Вафодорнинг бўйнига осилди.— Яхшисидан топинг!..

— Ўғил бўлса отамизнинг, қиз бўлса, онамизнинг исмини қўямиз... Уларнинг номидан яхшиси йўқ!..

— Акамдан ўргилай! Нақ кўнглимдагини топдилар... Сиз нима дейсиз?— дея сўради Сакина Жаъфардан.— Сизга маъқулми?

— Гулгаз, Карам... Маъқул, албатта... Жуда ҳам чиройли исмлар!— ака-сингилнинг фикрига қўшилди Жаъфар.

Жаъфарнинг шу қадар мулоим ва юз-хотир қилиб гапириши, Сакинанинг бир сўзини икки қилмаётгани, елкасига кўза қўйиб булоқдан сув кўтариб келиши Вафодорнинг қалбида унга нисбатан миннатдорчилик туйғуларини уйғотди, бу туйғуларни яшириш унинг учун қийин эди. Ҳар қалай, бир оз мулоҳазага бориб:

— Кел, Жаъфар, қиз бўлса, онамизнинг исмини, ўғил бўлса, отангнинг исмини қўйишга аҳд қилайлик... Маъқулми?— деди.

— Жуда яхши! Озар деган от менга жуда ёқади!— розилик билдирди Сакина ва бирдан уйқудан уйғонгандай:— Гап билан овора бўлиб кунни пешин қилиб қўйдим шекилли. Бориб сизларга нонушта тайёрлай,— деди.

Нонуштадан кейин Вафодор темирчилик дўконига кетишга ҳозирланди. Жаъфар бўлса янги бошлаган гилам учун ип бўяши керак эди. Сакина ҳам эрига ёрдамлашмоқчи эди. Умуман олганда, Жаъфар ўз ҳунарига Сакинадан зўр қизиқиш уйғотиб қўйганди. Ип бўяш, дастгоҳни ўрнатиш, ҳатто тўқишда ҳам унга оз-оздан ёрдам берарди. Жаъфар тўқиган гиламлар майинлиги, гулларининг чиройлилиги, рангининг сержилолиги билан донг чиқара бошлаган эди. Кун сайин унга буюртма берувчилар ичида катта лавозим эгалари, машҳур беклар кўпайиб борарди. Янги келган кезларида «Чор фасл» деб аталган манзара чизилган бир гилам тўқиди. Уни Сакина деворга илиб қўйди. Унчалик катта бўлмаган бу гиламни кўрган кишининг ақли ҳайрон қоларди. Ранглар ва суратлар одамнинг юзига қараб кулиб турганга ўхшарди. Қўни-қўшни қайта-қайта келиб уни томоша қиларди. Кейин у ерда-бу ерда Жаъфарнинг усталигини таърифлаб юришарди. Шу тариқа унинг санъаткор сифатида донги чиқмоқда эди. Одатда у ўз иши борасида сўз юритишни хуш кўрмасди. Лекин шу кунларда янги

тўқий бошлаган гилами ҳақида сўрашса, унинг кўзлари ўзгача завқ билан порлаб кетарди. Бу гиламни зўр ҳафсала ва яхши ният билан тўқиётгани кўриниб турарди. Албатта, унинг сир тутган орзу-ниятини Сакина билар, лекин гилам тайёр бўлмагунча Вафодорга билдирмасликка сўз берган эди. Бироқ сўзининг устидан чиқолмади. Вафодорнинг янги гиламга ҳавас билан қараганини, кимнинг буюртмаси экани билан қизиқганини кўриб, секингина қулоғига:

— Сизга совға қилмоқчилар, ака. Уртасига Ҳурининг расмини тўқийдилар. Фақат, жон ака, илтимос, ўзларига билдириб қўйманг,— дея пичирлаган эди.

Вафодор билдирмади, албатта. Лекин жуда қизиқиб қолди. Жаъфар Ҳурининг юзини, сочларини, кўзларини қандай иплардан, қайси рангда қилиб тўқимоқчи эканини билгиси келарди...

— Юр, нима қилаётганингни бир кўрай,— дея темирчилик дўконига кетаётган жойидан қайтиб, Жаъфарнинг кичкина корхонаси жойлашган томонга бормоқчи бўлди.

Жаъфар бўлса «ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам дея олмай, бир Сакинага, бир Вафодорга қараганича қолди.

— Акажон, ҳали кўришга арзигулик бўлганича йўқ!— деди Сакина Жаъфарни қийин вазиятдан қутқариб.— Вақти келганда, келиб баҳо беринг, деб ўзимиз чақирамиз...

— Ҳа, майли, сизлар айтганча бўлсин. Кўрмай қўя қолдим!— Вафодор остонага етганида Райҳон хоним билан Идрисга тўқнаш келиб қолди. Дарҳол ташвиш чўккан кўзлари билан уларга тикилиб:

— Тинчликми, Райҳон хоним, нега мунча вақтлик турмасаларингиз?— деб сўради.

— Қайдан билай, ишқилиб келдик-да!— Райҳоннинг бундай ноаниқ жавобидан қониқмаган Вафодор Идрисга юз тутди.

— Ҳар қалай бир фалокат юз бермагандир-ку?

Идрис жавоб бериш ўрнига, ўгирилиб орқасига қаради. Сўнгга тўрт томонга кўз югуртириб чиқди. Вафодор уларни тик оёқда, остонада тўхтатиб гапга солишни муносиб кўрмай, Идрисни қўлидан ушлаб ичкарига тортди:

— Қани, қани,— деди у.— Уйга киринглар-чи. Кўзимга ғалати кўриниб кетяпсизлар.

— Жуда ҳам безовта бўлаверма! — деди тил учиди Идрис. — Бир маслаҳатга келгандик...

Одатда ҳамиша хурсанд бўлиб юрадиган, ҳар қандай қийинчилик олдиди ҳам эсанкираб қолмайдиган очикқўнгил Райҳон ҳозир хафа кўринарди. Вафодорни ташвишга солган нарса ҳам шу эди. Тезлик билан уларни уйга олиб кирди ва ўтиришга таклиф қилди.

— Сизни ҳам ишдан қўядиган бўлдик. — Райҳон ўтиргиси келмай, оёқда гап бошлади. — Чўри хотинлар орасида ёмон гаплар юрипти, Вафодор, бу кишининг бошига бир фалокат тушмаса деб қўрқаман! — дея Идрисни кўрсатди. У қовирилиб, бўғилгудай аҳволга етган эди. Бошини четга ўгириб рўмолининг учи билан кўз ёшини артди.

Вафодор бутун фикри-зикрини ишга солиб диққат-эътибор билан:

— Нима бўлипти, қандай гап-сўз бўляпти? — дея сўради.

Идрис индамай Райҳонга қаради. Унинг жавоб беришини кутарди. Райҳон рўмолининг учини буклаб елкасига ташлади ва ҳаяжонли овоз билан:

— Бу ишни Илёсбек шундоқлигича қолдирмайди, дейишяпти. Ҳар қайсимизнинг орқамиздан одам қўйиб, йўқ қилдирмоқчи эмиш. Қайдан билай, ишқилиб, минг хил гап-сўз ўралашиб юрибди. Ҳаммасини айтишга одамнинг тили ҳам бормади... Уларни ўзингиз ҳам биласиз-ку, юракларида зарра шафқат йўқ. Худо ҳаққи, Сафиқулибекнинг Ҳури бечоранинг сочидан судраб юрганлари ўла-ўлгунимча эсимдан чиқмайди! — Бирдан Райҳон хонимнинг овози ўзгарди, ёлвориб сўзини давом эттирди. — Вафодор, келинг, бор-йўғимизни йиғиштириб, бу ердан кўчиб кетайлик! Олдимизга тушинг, бош бўлиб бизни бу балолардан қутқаринг!.. Ўзингиз биласизки, булар аёлга, болага шафқат қилишни билишмайди!.. Яна ўзлари итдан ҳам кўп.

Бу сафар Райҳон ўзини тута олмай йиғлаб юборди. Хизматкорлардан эшитган гаплари, миясига келган фикрларидан ёмон қўрққанлиги билиниб турарди. Гапираркан, борган сари ҳаяжонланиб, Гулёноқни кимлардандир ҳимоя қилаётгандай, ҳадеб бағрига босаверарди:

— Худо ҳаққи, агар бу кишига бир нарса бўлгу-

дек бўлса, мен жинни бўлиб қоламан... Ўзимни Қурга ташлайман..

Сакина унга пиёлада сув узатди.

— Райҳон опани ҳеч қачон шу аҳволда кўрмаган эдим... Тилинг кесилгурлар нима деб қўрқитишди сизни?!— дея пиёлани Райҳоннинг лабига яқинлаштирди.

Райҳон сувдан бир қултум ичди.

— Ўзимни ўйлаётганим йўқ... Мана буларнинг ғам-ташвиши мени адо қиляпти!— у Идрис билан Гулёноқни кўрсатди.— Одам салтсувойлигида қўрқув нималигини билмайди. Фарзанд кўрдингми, тамом — юрагинг ҳар шарпадан терак барги каби титрайдиган бўлиб қолар экан. Ахир, менсиз бу гўдакнинг ҳоли нима кечади?! Сакинажон, фарзанд жуда ширин нарса бўлади. Насиб қилса, ҳадемай ўзинг ҳам она бўласан, гапимнинг ростлигини ўшанда биласан...

Райҳон то гапириб, юрагини бўшатгунига қадар, Вафодор ҳам фикрларини жамлаб бўлган эди. Гапнинг тагига етганидан кейин, Райҳонларга тасалли бериб, иложи борича тинчлантириш керак, деган қарорга келди. Қўрққанидан улар ўзларини ўтга-чўққа уришлари мумкин эди. Шунинг учун ҳам кулимсираб:

— Райҳон хоним, Сакинадан ўртак олиш керак,— деди.— Милтиқ ушлашни, қилич ўйнатишни ўрганипти. Сафиқулибекларга бўш қўл билан рўпара бўлсанг, улар одамни қўзичоқдай ғажиб ташлашади, дейди... Менимча, у ҳақ. Эртагаёқ ҳар қайсингизга биттадан милтиқ, биттадан ханжар топиб бераман. Кечқурунлари сизлар билан ўзим машқ қиламан...

— Мана бу гўдакни нима қиламиз?— Райҳон Гулёноққа ишора қилди.

— Мен ҳам ўрганаман, ойи!— Бола дарҳол ва чин дилдан жавоб қилганини кўриб ҳамма кулиб юборди.

— Мана бу жасур қизни кўриб қўйинглар!— Вафодор уни онасининг қўлидан тортиб олди ва қучоқлаб пешанасидан ўпиб қўйди.— Сенинг ўзингга махсус кичкина ханжар қилиб бераман!— Лекин Райҳоннинг авзойи яна бузила бошлаганини кўриб, жиддий оҳангда:— Ҳеч қўрқманг, Райҳон хоним, бизга теги-

ниш унчалик осон гап эмас. Бизнинг орқамизда ҳам йигитлар туришипти,— деди.

— Ундан кейин мана бу кишига ҳам озроқ йўл-йўриқ кўрсатсангиз!— Райҳон Идрисга ишора қилди.— Бир вақтлар ойимлар ҳам айтган эдилар, қулоқ солмадилар. Энди сиз гапиринг, сизнинг гапингизни иккита қилмайдилар-ку. Шу ишини ташласинлар... Шу ҳам ҳунар бўлди-ю!

— Ҳунаримни кўриб теккансан, Райҳон хоним!— Идрис гапни ҳазилга бурди.— Шу ҳунарим бўлмаганида сени тополмасдим.

— Сизга текканимдан бахтиёрман!— Райҳон такаллуфсизлик билан қошини учириб Идрисга қия назар ташлади. Шу онда унинг ҳаммани мафтун қилувчи ҳусни яққол кўзга ташланди.

— Иш дегани мана бундоқ бўлипти! Доим шунақа ҳазил-ҳузул қилиб, кулиб юрсаларингиз, мен ҳам завқланиб юраман.— Вафодор уларни бардам бўлишга ундади.— Ҳар нарсадан қўрқавериш керак эмас. Райҳон хоним, менинг таним соғ экан, ҳеч ким сизга юрак ютиб ёмон кўз билан қарашга журъат этолмайди! Идрис, энди чорбозорчилик масаласига келсак, мен Райҳоннинг фикрига қўшиламан. Кел, шу ишнинг баҳридан ўтиб қўя қол. Жуда унумсиз иш. Ундан кўра, битта дўкон оч, истасанг мен билан темирчилик қил...

— Идрис оға, агар хоҳласангиз Жаъфар гилам тўқишни ўргатиб қўяди,— гап қўшди Сакина.— Шундай яхши ҳунарки!..

— Йўқ, синглим, гилам тўқиш менинг қўлимдан келадиган иш эмас!— Идрис бу таклифни шу заҳоти рад этди.— Мен эрта тонгдан қоронғигача қадалиб ўтира олмайман, доим ҳаракатда бўлсам тузук.

— Бу киши тоғдан тошга сакраб юриб, оёқ-қўлдан айрилсалар тузук!..— дея кесатди Райҳон.

Идрис билан Райҳоннинг ўзаро тортишувлари Вафодорга хуш ёқиб, кўнглини очмоқда эди. Райҳон тап тортмасдан эркинлик ва такаллуфсизлик билан Идриснинг сўзини чўрт кесар, унинг устидан шикоят қилар, баъзан, ҳатто таънали сўзлар ҳам айтарди. Идрис бўлса унинг сўзларидан жафа ҳам бўлмас, аччиги ҳам чиқмасди. Мулойим, меҳрибон, юзида табасум билан хотинининг таъналарини қабул қилар, ора-

чира қисқа, лекин маъноли ва одамни қулдирадиган жавоблар билан кифояланарди. У ҳаммага сезиладиган адо билан хотинига юз ўгирди:

— Модомики гап менинг тўғримда экан, ижозат бер, ўзим ҳам икки оғиз сўз айтай. Майлими?

— Майли бўлганда қандоқ, марҳамат!— Райҳон яна унга кинояли назар ташлади.

— Вафодор, огайни, мана, менинг хонимим жуда ақлли хонимлардан. Сен мени тўғри тушуниб, хотинимни мақтаганим учун айбга буюрмайсан, деб ўйлайман.

— Аксинча, «кўп яша» дейман. Чунки Райҳон хоним ҳар қанча мақтовга арзийдиган одам.

— Ҳар қалай: «Йигит отини, қўрқоқ хотинини мақтайди», деган мақол бор-да. Мен мана шу мақолга қаршиман.

— Ҳамма мақолларни ҳам тўғри деб бўлмайди. Буниси ҳам нотўғриларидан биттасидир-да,— дея Вафодор Идрисни очиқроқ гапиришга ундади.

— Мақолга қарши бўлганимнинг боиси шуки, Райҳон хонимнинг менга ўткизиб қўйган яхшиликлари ниҳоятда кўп. Ўзи ҳам Алиасқар бахшининг дўмбирасига солиб куйланадиган хонимлардан-да.

— Ҳа, бўпти, бўпти, жуда бизни элак-элак қилиб юбордингиз.— Райҳон секингина уни бураб қўйди.— Сиз мендан эмас, ўзингиздан гапиринг.

— Ҳали ҳам ўзим ҳақимда гапиряпман!— Идрис унинг гапини кўпам писанд қилмай, гапида давом этди!— Сенинг ҳақингда нимаики айтилса, бари менга тааллуқли. Энди асл мақсадга кўчайлик. Уларнинг тинчиб кетмасликларини мен ҳам биламан, сен ҳам биласан Вафодор жигар. Уларни Илёсбекнинг уруғи деб қўйипти. Битта одамдан зарар кўришса, ё тиригидан, ё ўлигидан қасос олмагунча тинчишмайди. Ўч олишмаса, кўнгиллари тинчимайди. Шунинг учун ҳам биз ҳеч қачон хотиржам бўла олмаймиз. Бу хамир кўп сув очишини бир дақиқа бўлса ҳам ёдимиздан чиқармаслигимиз керак...

Вафодор ташқи кўринишидан бу сўзларга хотиржамлик билан қулоқ солаётгандай кўринса ҳам, ичида қаттиқ ўйлар, зудлик билан қатъий бир қарорга келиш кераклигини ҳис қиларди. Вазият шу ҳолда

узоқ давом этолмаслигини яхши биларди. Абадий андиша, абадий хавотир ва ҳаяжон ичида ҳаёт кечириб бўлмасди.

— Жуда тўғри айтдинг, Идрис, Райҳон хоним ҳам ҳақ. Нима ҳам қила олардик, ёмон одам ёмонлигини қўймас экан... Бир куни қўзичоқдай бўлади, эртасига эса бўрига айланади. Яхши одам ҳамиша бир хил, ёмон одам эса минг хил тусга киради. Бундайлар билан жуда эҳтиётлик билан муомала қилиш керак. Зинҳор-базинҳор хатти-ҳаракатларингиз билан кўнгилларида улардан қўрқяпмиз, деган гумон уйғотиб қўйманглар. Ўзларингизни қўлга олинглар, бир иложини қилармиз...

— Вафодор, гапнинг рости, мен жуда қўрқяпман!— Райҳон тан олди.— Булардан кўргилигимни кўриб қўйганман...

— Қўрқилишингизни биламан, бунинг учун сизни айбламайман,— Вафодор Райҳоннинг гапига қўшилди.— Қўрқилишга асосингиз ҳам бор! Фақат буни уларга билдирманг. Ҳечам билдирманг. Улар жуда номард-да, ёнидан қочганнинг товонидан олишади. Шунинг учун уларнинг кўзига тик қараш, тумшукларига чўқморни шундай уриш керакки, ҳовучлари кўз ёшига тўлиб чиқсин. Ана шунда уларга эс киради!— у Идрисга ўғирилди.— Сен ҳам, жигар, чорбозорчиликни ташла!.. Бу ишнинг қадри қолмади...

Идриснинг лабларида ҳафиф истеҳзо ўйнади:

— Қадри қолмаганига ҳеч ишонгим келмайди! Чорбозорчисиз қишлоқ аҳлининг тирикчилиги қандай ўтади?! Йил давомида чорбозорчидан бошқа бирон-бир шаҳарликнинг қадами тегмайдиган қишлоқларни айтмай қўя қолай...

— Эҳ-ҳ, Идрис оғайни, афсуски, сен Мирза Фаталининг сўзларини эшитмадинг-да. У киши Европада буғ машиналари от-аравани аллақачон бир четга улоқтирган, деб айтди. Русияда ҳам Петербургдан, Москвадан Уралгача борадиган темир йўлни, унда юрадиган буғ машиналарини ўз кўзи билан кўрган эмиш. У киши айтадики, давлатнинг катта идораларида Кавказимизда ҳам темир йўл ўтказиб, буғ машиналарини ишлатиш борасида жиддий гап-сўзлар бўлаётган эмиш. Беш-ўн йилдан кейин Боку, Тифлис, Москва, Петербург ўртасида ҳам шундай машиналар

юрармиш. Бир ойлик йўлни уч кунда босиб ўтилармиш!

— Ғалати гаплар, ҳеч одамнинг ақли бовар қилмайди!— Идрис ҳайратини яшира олмади.

— Нимаси ғалати, оғайни? Чойгум қайнаганида аҳамият бер, буғ қопқоғини қандай ўйнатади! Бир чойгум сув буғида шунча куч бўлганида бир омбор сув бағрида нималар бўлмайди дейсан! Наҳ тоғни ҳам тебратиб юборса керак.

— Кўз қўрқоқ, қўл ботир,— Идрис унинг сўзига қўшилди.

— Ҳамма гап ана шунда-да! Бир-биримизнинг гўштимизни ейиш билан овора бўлиб, дунёда содир бўлаётган янгиликлардан беҳабар қоляпмиз! Сал каллани ишлатсак, кўп нарсага ақлимиз етган бўларди! Хуллас, чорбозорчиликни ташла!

— Ахир нима билан тирикчилик ўтказаман?— Идрис ташвишли оҳангда сўради.— Ерим йўқки, бог-бонлик қилиб, бог-роғ яратсам. Вировнинг эшигида юриб, бола-чақа боқиб бўлмаса...

— Нима қилардингиз, бир парча ерни насиага олинг, бир-икки йилдан кейин қарздан қутулсангиз, ўзимизники бўлади-қўяди. Биргаликда меҳнат қилсак, тупроқдан нонимизни ундириб олармиз!— дея Райҳон унинг кўнглини кўтармоқчи бўлди.

— Насиага ер олишнинг ўзи бўладими, одамнинг бошига минг хил савдо солишади, ҳадеб бераверасан, кетидан чиқаверади, қутулиб бўлмайди. Пировардида ер ҳам кетади, ўзинг ҳам бор-будингдан ажралиб қолганингни билмай қоласан.

— Кўп ташвиш тортаверма, сенга ҳам битта иш топиб берармиз,— Вафодор унинг кўнглини тинчитишга ҳаракат қилди.— Бориб чорбозорчиликнинг ҳисоб-китобини қилиб кел, олди-бердинг бўлса ҳаммасини тинчит. Унгача биз бир йўл топиб қўярмиз.

Вафодор улар билан биргаликда темирчилик дўконига йўл олганида Илёсбекнинг ҳовлиси хизматкорлар ва чўрилар билан тўлиб кетган эди. Ўчоқларда қозонлар қайнар, худойига пиширилаётган овқатларнинг ҳиди чор атрофга ёйилиб, кўчадан ўтган-кетганларнинг иштаҳасини қўзғар эди. Илёсбек бўлса, пўстинини елкасига ташлаб олиб, ҳовлида айланар, ора-мира хизматкорлар ва чўриларга буйруқ бериб турар-

ди. Бироқ бекнинг фикри хаёли ўчоқда ва қозонда эмас, бошқа нарасада эканлигини ҳамма ҳис қиларди...

## 2

Илёсбек Вафодорнинг ҳамма қилмишларини кечириб кетиши мумкин эди. Ҳовлининг ўртасида, хизматкорларнинг кўз олдида Салим оғани майдонга чақирганини ҳам, ўғлининг қўлидан Ҳури хонимни тортиб олганини ҳам (Илёсбек бу борада аниқ бир нарсa билмаса ҳам, ўз ақли билан тўқиб-бичиб, бу иш худди шундай бўлган, деган қатъий қарорга келган эди), маҳмаданалигини ҳам, ўз ўрнини билмай катта кетганини, бекларни майдонга чақирганини ҳам кечиранди, унут қилиб, уни олдига чақирган, панд-насиҳат қилган бўларди. Лекин Тифлисдан келган меҳмонларнинг ҳурматсизлиги учун уни кечира олмасди! Мирза Фатали ва Ивановнинг бозор ўртасида, тумонат одамнинг кўзи ўнгида унинг таклифини рад қилиши, ўғлининг, куёвининг шаънига бўлмағур сўзлар айтиб, обрўларини тўкиши — Илёсбекнинг юрагини яра қилган ва бу яра тинимсиз сирқирагани-сирқираган эди. Бу иш фақат Вафодорнинг иши, уларни бу ерга бошлаб келган ҳам, Илёсбек оиласига қарши қилиб қўйган ҳам фақат Вафодор эканлигига у ҳеч шубҳа қилмас, буни кўзи билан кўрмаган бўлса ҳам, ичида сезар эди.

Меҳмонлар Ҳури хонимни ҳам ўзлари билан бирга олиб кетишган кун Илёсбек ёруғ жаҳонда ўзини қўйишга жой тополмай қолди. У шундай аччиқланган ва унга шундай алам қилар эдики, маслаҳат сўраб келган Сафиқулибек билан Салим оғанинг сўзини ҳам эшитгиси келмай, уларни уйдан қувиб чиқарди.

— Еган нонларинг ҳаром бўлсин! — деди уларга. — Сизлар ҳам ўзларингизни эркак фаҳмлаб юрибсизларми? Қилган ишларинг қандай натижа чиқарганини кўряпсизларми? Даф бўлинглар, кўзимга кўринманглар! Қариганимда беш кунлик умримни тинч ўтказай, ўлиб кетганимдан кейин кўнгилларинг қандай номаъқулчилиқни тусаса, қилаверарсизлар!

Бу аҳволни кўрган Салим оға индамай қўя қолди, айтмоқчи бўлган гапларини ичига ютди, ҳатто юз-кўзини ҳам Илёсбекка кўрсатмасликка ҳаракат

қилди. Сафиқулибек бўлса отасига тушунтирмоқчи бўлиб:

— Дада, ахир бизнинг қўлимиздан нима ҳам келарди...— деган бўлди.

— Қўлларингдан ҳеч нарса келмайдиганини кўриб турибман! Йўқолинглар, бориб папоқларингизни олиб қўйиб, бошларингга рўмол ўраб, уйда ўтиринглар. Мени ўз ҳолимга қўйинглар! Кетаман, бор-йўгимни сотиб ҳажга кетаман, бу кофирларнинг юзини ҳам кўрмай, сендай лапашанг ўғилларнинг овозини ҳам эшитмай қўя қолай!

Илёсбек бу сўзларни айтганидан кейин, ёшига ярашмаган бир чаққонлик билан, уларни ҳовли ўртасида сувга тушган нон ҳолида қолдириб, кетди... Бир қанча вақт ҳеч ким билан гаплашмай юрди. Ҳеч кимни олдига киргизмай қўйди. Ҳатто суюкли қизи Жаҳон хоним билан ҳам кўришмай қўйди. Фақат уйда ўтириб чилимини чекар, пўстинини елкасига ташлаб ҳовли кезаркан, тасбеҳ ўгириб, ўзи билан ўзи гаплашиб хаёлга толарди. Ора-чира заҳарини чўри ва хизматкорлардан бирига сочар ва яна бир неча соатлаб қовогини солиб ўй ўйларди. Унинг оқарган қалин қошларидан ҳам, дағал мўйловидан ҳам ғазаб ёғилётганга ўхшарди. У ердаги сон-саноқсиз туклар ҳам диккайиб, ҳовлида юрганларга санчилишга ҳозир турган ниналарга айланиб қолгандай эди...

Илёсбек ишларининг нима сабабдан шу тахлит тескари кетганини, нега шунчалар обрўйи тўкилаётганини аниқлай олмай гаранг эди. Узоқ хаёлдан кейин кўнглига, ўзи ёки болаларидан бири гуноҳ иш қилиб қўйгану, шу туфайли кўзга кўринмайдиган илоҳий куч уларга жазо бераётган, ниятларига етишга халақит қилаётган бўлса керак, деган шубҳа келди. Ҳа, Илёсбек вақтида рўза тутиб, вақтида намозини ўқимаса ҳам, аслида диндор эди, худонинг борлигига ва унинг қудратига умрида бир марта ҳам шубҳа қилмаган эди. Ер юзидаги барча ишлар худонинг иродаси билан бажарилишига, инсон қилган ишларнинг ҳаммаси худонинг буйруғи билан адо бўлишига у қаттиқ ишонарди. Рўза тутмай, тоат-ибодат қоидаларини бузиб юрган пайтларида Илёсбекнинг кўнгли тўқ эди. Бир ойлик рўза ўрнига камбағал бечораларга пул бериб, бир неча ой рўза туттирарди. Мана шу йўл билан

у оллоҳ даргоҳи олдидаги қарзини ортиғи билан узар эди. Намоз ва бошқа масалаларда ҳам худди шу йўлни тутарди. Унинг топшириғи билан бир неча одам соатлаб тоат-ибодат билан машғул бўлмаган пайшанба куни бўлмасди. Унинг фармойиши билан катаалакдай совуқ масжидда энг ками беш нафар сават саллали, тиззаси йиртиқ, икки букилган мўйсафид ва чўлоқ кишилар бир-бирига гал бермай, лабларини ўйнатиб, ўтириб-туришар, пешаналарини жойнамозга босишарди. Илёсбек ўзининг худойи таоло олдида ҳеч бир қарзи йўқлигига, шунинг учун жаннатдан макон топажасига ишончи комил эди.

Бу сафар отасининг руҳини хурсанд қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шаҳардаги бутун етим-есир, оч-ялангочларнинг қорнини тўйдиради. Бунинг савоби билан юзта гуноҳни ювса бўлади. Шунга кўра, Вафодорнинг эҳсон борасидаги фикри нотўғри эди. Илёсбек эҳсонни халқни алдаш учун бермасди. Оллоҳнинг даргоҳида ўз ишларини ўнглаб олишга қасд қилган эди. Халқ орасида ўзи ҳақида ёмон гаплар тарқалишини у ҳеч истамасди, албатта. Унинг ўзи қайта-қайта, бир марта гапиргунча юз марта едирганинг афзал, деб юрарди. Юз оғиз еган билан бор давлатинг камайиб қолмайди, юзи ейилса, минги келади. Лекин битта ёмон тил гапира-гапира сендан жамоатнинг юзини ўгириб қўйиши мумкин. Кўпчиликки сендан юз ўгирдими, унда омонлик кутиб ўтирма!

Ҳа, эҳсон бериш Илёсбек учун ҳар тарафлама фойдали эди. Шунга қарамай, қандайдир ғайри ихтиёрий бир туйғу унга тинчлик бермасди. Худди заҳарли тикан қўлига, оёғига эмас, юрагига санчилиб қолгандай, ўша жойда йиринг боғлаб, борган сари унга қаттиқроқ азоб бераётандай эди. Ярим кечаси Сафиқулибекнинг ётоғидан Ҳурини қандай қилиб олиб чиқиб бўлишини Илёсбек ҳеч тушуна олмас, тасаввур қила олмас эди. Унинг назарида бу жуда жиддий масала эди; бутун Илёсбеклар наслининг каттадан кичигига отини бадном қилиши мумкин эди. Эшитган одам тупуриб: «Лапашанг, беномус! Кишики қўлидан хотинини бериб ўтирганидан кейин, унинг эркаклиги қолдими?!» — дейиши аниқ эди.

Мана шу фикрлар баъзан Илёсбекнинг борлигига ҳокимлик қилар, ақлини, идрокини йўлдан чиқарар,

ҳиссиётини шундай жўштириб юборардики, у кўз ўнгидаги нарсаларни ҳам кўрмай қоларди. Ҳаёлига келган гаплар эса, ҳаққоният сингари кўз олдига келар, кўчада, бозорда шу сўзларни айтиб юрган одамларнинг юзини кўргандай, овозини эшитгандай бўлар эди. Бамисоли булар жоҳил ва бетоб ақлнинг тасаввурлари эмас, кўз ўнгида содир бўлган расмана воқеалар эди!.. Ҳатто Илёсбек шу гапларни тарқатиб юрган одамларнинг баъзи бирларини уришиб ҳам берарди:

— Ўчир овозингни, итдан тарқаган!

— Ога, нима дедингиз? — калён олиб келган чўрининг овозидан ҳушига келарди.

— Дард дедим, ажал дедим! Чилимни қўйгину, даф бўлгин!..

Илёсбекни шу қадар безовта ва касал қилаётган бу туйғу жуда ғалати туйғу ва унинг узоқ тарихи бор эди. Шафқатсиз чол, оила аъзоларидан бирининг ундан яшириб турган қандайдир сири бўлишини ҳеч ҳазм қилолмасди! У оиланинг, наслнинг бошлиғи эди, шунинг учун ҳар нарсани билиши лозим эди. Ўғиллар, қизлар, келин-кеват, неваралари, ҳатто хизматкорлари нима ўй суришаётганини, нима билан яшаётганини билиши керак эди. Унга зарар келтириши мумкин бўлган ҳаракатнинг пайини қирқиш учун, суяксиз тилларнинг беҳуда валдирашига йўл қўймаслик учун у ҳамма нарсадан хабардор бўлмоғи керак эди.

Илёсбек ҳамманинг иштирокида ўша туннинг сирини оча олмаганидан кейин, бошқача йўл тутди. Салим оғанинг ёлғиз ўзини чақиртирди.

— Нима гап ўтди? — сўради ундан.

Салим ога қайнотасининг ўзиға нисбатан ишончи йўқлигини, уни ернинг тагида илон қимирласа биладиганлар тоифасига киритишини ва худди шунинг учун ҳам ёлғиз ўзинигина чақиртирганини яхши биларди. Бу ишдан Салим оғанинг хабардор бўлганига Илёсбек амин эди. Шуларни билгани учун ҳам, Салим ога ғазаб ва нафрат туйғуларининг маҳсули бўлмиш бир қатъият билан ҳамма айбни Сафиқулибекнинг гарданига агдарди. Ўзининг бу аҳволдан беҳабар эканига онт ичди. Ҳатто чолни куйдириш, унга алам қилдириш, юрагини доғлаш мақсадида қаттиқ сўзлар айтди. Унинг сўзларига илон пўст ташларди. Энг охирида:

— Эркак кишиям қўлидан хотинини олдириб ўти-

радимми?!— деб ханжар каби ўткир кўзларини унинг кўкрагига санчди. Бу ҳам камлик қилгандай, кўзларини унинг кўзига қадаб, ўтирган ўрнида қай тахлит қоврилаётганини томоша қилишдан ҳам тоймади. Лекин чол ҳам дуч келган зарбадан жон берадиганлардан эмасди.

— Эркакликдан ҳамма гапирса ҳам, сен жим турсанг бўларди!— деди у.— Иккаланг ҳам бир гўрсанлар!

Салим ога жавоб бермоқчи эди, Илёсбек қулоқ солмади, елкасига пўстинини ташлаб, ҳовлига чиқди ва отасининг арвоғига худойи қилишни кўнглига тугиб қўйди. Худойи бўлишидан бир кун олдин, кечқурун Жаҳон хонимни чақиртирди.

— Ичим ёниб, тутуним кўкка чиқяпти, қизим! Ахир зотимизда бундай беномуслик бўлмаган эди-да. Киши кўзига кўринишдан уяламан. Ўзинг айт-чи, бу қандай иш, қандай даҳшат бу? Сенинг ҳеч гапдан хабаринг йўқми?

Жаҳон хоним ҳеч нарсани билмасди, унинг ўзи ҳам бу сирнинг тагига етишни жуда-жуда истарди. Лекин модомики Сафиқулибек Ҳуридан воз кечган экан, демак, аҳволи ниҳоятда оғир бўлган, мушкул аҳволда қолган, Жаҳон хоним буни яхши ҳис қиларди.

Аслини суриштирганда Жаҳон хоним бу яширин, сирли вазиятнинг очилиб қолишини истамасди. Агар парда кўтарилгудек бўлса, ошкора бўлган сир наинки улар билан Вафодорлар орасида, ҳатто ўз оилаларида ҳам кескин вазият пайдо қилишини, эри билан укаси ўртасида душманлик келтириб чиқаришини у яхши биларди! Тун ярмида, ўз ётоғида Салим ога билан атай ялиниб гаплашганида, аниқ бир гапни ундан суғуриб ололмаган бўлса-да, унинг ниманидир яширганини, бу ҳақда гаплашишни истамаганини ҳис қилган эди. Салим ога асабийлашган, гоҳ-гоҳ калавасининг учини йўқотиб қўйиб деганди. Ўшанда Жаҳон хоним эридан шубҳалана бошлаган эди: «Наҳотки мени ухлатиб қўйиб, ўзи Вафодорларга айғоқчилик қилган бўлса?!» Бу даҳшатли шубҳа эди! Бу шубҳаси ҳақиқат бўлиб чиқса, отаси бундан хабар топгудек бўлса, нималар содир бўлишини Жаҳон хоним тасаввурига сиғдира олмасди. Шунинг учун ҳам бу воқеанинг ҳамма учун сир бўлиб қолавериши фойдалироқ деб ҳисобларди у.

— Дада, бўлари бўлиб, бўёғи сингди. Келинг, шуни ковламай қўя қолайлик. Бу ҳақда сўз очилса, Сафиқулибек ёниб, алангаси кўкка кўтарилади! Унга ичим ачиб кетяпти!

— Менга ичинг ачимайдими? Менинг қай аҳволга тушганимни кўряпсан-ку!

— Кўриб турибман, дада, буниям кўряпман. Лекин мен, оловни маълум муддатгача ўчириб турганимиз маъқул, деган фикрдаман. Токи халқ бизнинг адоват чиқариш, қон тўкиш мақсадимиз йўқлигига ишонсин. Менга қолса, ўша темирчи билан ярашиб олсак ҳам зарар бўлмасди. Мавриди келганда эса қасдимизни оламиз!..

— Сендаги ақлнинг юздан бири анави папоқ кийиб юрганларда бўлганида, бу бадномлик содир бўлмасди!— Илёсбек қизининг фикрига қўшилди.— Анавини гапга солавер, бирор сирини билиб олсанг зора. Бу ишдан у ҳечам беҳабар эмас!— Отасининг бир-бирига зид бўлган икки жумласидан Жаҳон хоним унинг бутун борлигини интиқом фикри эгаллаб олганини сизди. Оғзида тадбир билан иш тутишга розилик берса-да, кўнглида бунга рози бўлишни истамас, бошқа йўл ахтарарди...

— Жоним билан, дада! Бирор нарсани билиб олишга астойдил ҳаракат қиламан. Лекин фикрим сизга маъқул бўлмадими дейман?

Илёсбек ҳеч маҳал қизининг кўнглига қаттиқ тегмаган эди. Ўзига маъқул бўлмаган фикрини ҳам қатъий рад этмас, бошқа йўлини топарди. Бу сафар ҳам ўзига содиқ қолди:

— Биласанми, қизим, ҳар нарсанинг ҳам маълум вақти соати бор. Ана шу вақти соати етганидан кейин одам билганини қилмоғи керак. Мен шу вақтгача Тифлистеда ўтирганлар билан ўчакишмоқчи эмас эдим. Энди бошқа иложим қолмаганини кўриб турибман. Битта темирчига кучимиз етмаганидан кейин, бу тупроқда яшамаганимиз маъқул!

— Нима қилмоқчисиз, дада?— Жаҳон хоним унинг қатъий фикрини билишни истарди.

— Нима қилардим, пичоқ бориб суякка қадалганида одам нима қилади?!

— Кейин-чи, кейин ҳукуматга қарши тура оласизми, дада?

— Тура олмайман,— Илӛсбек зўрға жавоб берди.— Ҳамма нарсани йиғиштириб, Оразнинг у томони-га ўтиб кетамиз... Пулинг, олтининг бўлганидан кейин, қаёққа борсанг ҳам бексан!..

Жаҳон хоним жавоб бермай ўйга толди. Отаси ҳам калённи ковлаганча жаёл сурарди. Бармоқларининг титрашидан унинг бундай қарорга келиши осон бўлмагани англашилиб турарди. Йккаласи ҳам гаплашишга, суҳбатни давом эттиришга эҳтиёж сезардилар. Жаҳон хоним, отасининг бор муддаосидан хабардор бўлишни истарди. Илӛсбек қизининг донолигига ишонганлиги учун, ундан чиққан фикрга қўшиларди. Лекин эшик очилиб, ичкарига Салим оганинг кириб келиши гапнинг белига тебди. Унинг бундай бевақт келиши Илӛсбекни шундай аччиқлантирдик, у куёвининг саломига алик ҳам олмасдан:

— Хуш келибсан, нима гап?— деди.— Нега қоққан қоziқдай останада туриб қолдинг?!

Салим огани худди илон чаққандай бўлди, алами-дан тўлғаниб кетди, у ҳам чолнинг саволини жавобсиз қолдирди-да, кетига қайтиб кетди. Унинг аччиғи чиққанини фаҳмлаган Жаҳон хоним тезлик билан ўрнидан турди ва унинг кетидан чиқмоқчи бўлди. Илӛсбек уни чиқармади.

— Парво қилма, қаёққа кетса ҳам, қайтиб шу ерга келади. Бузоқнинг югургани сомонхонагача!..

Дарҳақиқат, яна эшик очилди ва Салим оганинг овози эшитилди:

— Марҳамат, Ҳожи, ичкарига марҳамат, бек сизни кутиб ўтирибдилар!— у савдогар Ҳожи Алини қўлидан ушлаб бошлаб кирди.

Бу кутилмаган учрашув Илӛсбекни ҳам, Жаҳон хонимни ҳам шошириб қўйди. Жаҳон хоним тезлик билан ўрнидан турди. Рўмолининг учини тортиб, юзини яширгандай бўлди ва ўзини четга олди. Савдогар аҳлига паст назар билан қарайдиган, уларни «динини динорга сотадиганлар» деб ҳисоблайдиган Илӛсбек савдогар Али туфайли ўрнидан туришни ўзига эп кўрмади. Ўтирган жойида бир тебраниб қўйди. Вужудини салгина энгаштириб, савдогарнинг саломига алик олди ва ёнидаги сатин кўрпачадан унга жой кўрсатди:

— Қадамингга ҳасанот, хуш келибсан!— деди.—

Печуки, сўнгги ойларда тез-тез келиб-кетадиган бўлиб қолдинг?

Савдогар унинг зодагонларча, менсимай муомала қилаётганини писанд қилмай, ўзига хос эркин ва мустақиллик билан ҳаракат қиларкан, шошмасдан Жаҳон хонимни ва Илёсбекни кўздан кечириб чиқди. Хонага назар ташлади, сўнг Салим оға томонга ўгирилиб:

— Сизга иш бўлмаса, битта курси олиб келсангиз. Оёғимда бодим бор, букиб ўтиролмайман,— деди.

Савдогар Алининг оёғида боддан асар ҳам йўқ эди, у ёлгон гапирарди, албатта. У катта-кичик барча беклар даврасида мана шундай қиларди. Бу— уларнинг тижорат аҳлидан ўзларини юксак қўйганларига, зодагонларча назарига жавоби, тиззаларини букиб, ерда ўтирганларини масхара қилганини кўрсатиш усули эди. Салим оға чопганича нариги хонадан курси топиб келди ва савдогарнинг тагига қўйди. Лекин савдогар ўтирмасдан, майин овоз билан:

— Илтимос, анави кўрпачани курсининг устига ташлаб берсангиз!— деди.

Салим оға дарҳол энгашиб, Илёсбек кўрсатган кўрпачани олди. Қўли билан уни қоқиб-суқди ва курсининг устига ташлади. Савдогар ўтирганидан кейин, Илёсбек унинг бошидан оёғигача разм солиб чиқди ва ҳиринглаб кулди:

— Курсига ҳам ўтира олмадинг, нима бало, бавосилинг ҳам борми дейман?

Савдогар бевақт келганини, Илёсбекнинг кайфи жойида эмаслигини, савдолари юришмаслигини фаҳмлади. Бекнинг кесатиғига тирноқча ҳам аҳамият бермай, авзойини бузмасдан:

— Худога шукур, бу томондан отдайман, фақат оёғимдаги бодим бир оз безовта қияпти, бошқа дард-касалим йўқ,— дея оёғини оёғи устига мингаштириб олди. Илёсбек ҳам, Салим оға ва Жаҳон хоним ҳам унинг ярқираб кўзни қамаштираётган, ўзига ярашиб турган этигига қараб қолишган эди. Бу ерларда бунақасини ҳали ҳеч ким кўрмаган эди.

Илёсбек ўнг томонидаги аллақачон совиб қолган калённинг нақшли ҳўққасини чиқариб, савдогарнинг этигига уриб қўйди.

— Мунча ярқирамаса!— деди у.— Шишадан тикилганми дейман-а?!

Савдогар Али ўнг оёғининг тўпигидан падини қимирлатиб, этигининг тагини, устини кўрсатди ва:

— Йўг-э, соф чармнинг ўзи-ку!..— деди.

— Қаернинг моли экан?— Илёбек қизиқиб сўради.— Бунақаси ўрислардан чиққан!

— Йўқ, бек, бу Фаранг моли. Париждан олиб келганман,— савдогар яна секин ва одоб билан жавоб берди.— Сизга жуда ёққан бўлса, буюраман, бир-икки жуфт олиб келишади.

— Бизнинг шароитимизга тўғри келмайди!— деди Илёбек менсимагандай.— Буларнинг нима иссиқлиги бўларди дейсан?!

Савдогар Али бошқача оҳангда мулойим ва паст овоз билан:

— Йўқ, бек, адашяпсиз. Ичи юнг, ҳаммомдай иссиқ бўлади!— деди ва бармоғи билан этигининг қўнжини қайириб, оппоқ пахтадек астарини кўрсатди. Токчаларда ёниб турган ўттизинчи лампаларга қараб қўйди ва Салим оға томонга ўгирилиб, гўё хона қоронғилик қилгани учун этигининг бор гўзаллиги кўринмаётгандай:

— Ҳой, Салим оға, анавиларнинг пилигини сал кўтариб қўйсангиз-чи, нега мунча уй қоронғи бўлмаса?— дея қўшиб қўйди.

Салим оға дарҳол лампаларга ёпишди. Пиликларни кўтаришга ошиқди. Жаҳон хоним, эрининг буйруқни бажаришга шунчалар ҳозир турганини кўриб, тааж-жубланарди: Ўзича: «Савдогардан нима ундирмоқчийкин? Бу савдогар гаҳ деса қўлига қўнадиган қилиб қўйибди-ку!»— деб ўйларди.

Бу хушомадгўйлик Илёбекнинг ҳам назаридан четда қолмаган эди. Шунинг учун киноя билан:

— Овора бўлмай қўя қол, Салим оға, жуда баланд кўтарсанг, ҳиди чиқиб кетади!— деди.

Салим оға қайтиб ўрнига ўтирмоқчи бўлувди, савдогар Али яна ҳам юмшоқ, яна ҳам мулойимроқ оҳангда:

— Салим оға, илтимос қиламан, сизга иш бўлса ҳам, чиқиб, хизматкоримга айтсангиз, анави мойдан берсин!— деб уни яна ишга буюрди. Салим оға эшикка қараб йўл олганида, Илёбек яна тилга кирди:

— Заҳмат чекиб ўтирма, болам. Ёғимиз жуда сероб. Бир йил кеча-кундуз ёқсак ҳам адо бўлмайди...

Савдогар Али Илёсбекнинг асабларига игнадай санчилаётган юмшоқ ва мулоийм овози билан:

— Йўқ, бегим, йўқ! Унақа ёғдан сизда йўқ. У бутунлай бошқача... Салим оға, дарров олиб келинг!— деди.

Салим оға ҳовлига чиққанида, унинг кетидан Илёсбек:

— Шерози калёнимни ёқтириб кел!.. Негадир юрагим сиқилиб кетяпти...— деб буюрди.

Бегнинг асаби бузилаётганини, юраги сиқилаётганини бир тийинга олмаган савдогар Али аллақандай қизиқиш туфайли на чиқиб кетишни, на уйда қолишни билолмай, тик оёқда туриб қолган Жаҳон хонимга қаради, бироқ Илёсбекка мурожаат қилди:

— Фаранг молининг тенги йўқ! Бу этикларни кўр-япсизми, бутун дунёда бунақаси топилмайди. Бизнинг озарбайжонлик беклар икк юз жуфтдан кўп буюртма беришди. Баъзилари аёлларникидан сўрашди. Ахир хотин-қизларникиям бор-да. Бизнинг этиклардан ҳам чиройли, ҳам чидамли бўлади.

Илёсбек калённинг найчаси билан унинг этиги қўн-жини турткилаб қўйди ва:

— Қани, мана бу матоҳингни нари ол-чи!— деди.— Гапиришга бошқа гапинг йўқми ёки бизни ано-йи фаҳмлаяпсанми?! Ундан кўра, дунёда нима бор, нима йўқ, юннинг, терининг нарх-навоси қанақа, пасайдими, ошдими, ана шулардан гапир!

Савдогар Али пинагини бузмай, Илёсбекнинг димоғидан эшакқурти ёғилаётган такаббурлигига аҳамият бермай, уни диққат билан кузатаркан: «Бу чол ҳали ҳам мол-дунёга тўймапти!»— деб ўйлади ва берилган саволнинг таъсири билан жиддийлашиб:

— Бозорни билиб бўлмайди, ҳали ундоқ, ҳали бундоқ,— деб жавоб берди.— Бир қарасангиз элликта фабриканинг эгаси ҳоли-жонингга қўймай мол сўрайди, қанча бўлса ҳам, неча пулдан бўлса ҳам олади. Сиздан яшириб нима қиламан, юнгта айниқса талаб катта. Русияда тўқимачилик фабрикаларининг сони кундан-кунга кўпайиб бoryпти. Фақат ҳамма боло шундаки, улар бошқача юнг талаб қилишяпти. Бизнинг қўйларимизнинг юнги унчалик кетмаяпти.

Илёсбек шубҳа тўла кўзларини қисиб, бошдан-оёқ савдогарни назардан ўтказди. Албатта, савдогарнинг сўзларидан ўзича, бизнинг юнгимизни жўрттага ерга уряпти, шу йўл билан бошимизни айлантириб, паст нарх билан олиб, у ёққа ўн баробар қимматига сотмоқчи, деган хулосага келган эди у. Савдогар унинг кўз қарашидан кўнглидан ўтган гапларни билиб олди. Лекин ўзини ҳеч нарса сезмаганга солди.

Юнг масаласидаги суҳбат ниҳоясига етганича бўлмай, оғзи маҳкам беркитилган катта шиша идишда ёғ кўтариб Салим оға кириб келди. У идишни олиб келиб, эҳтиётлик билан савдогарнинг рўпарасига қўйди. Савдогар юнг нархи ҳақидаги суҳбатни ярмида қолдириб, бу гал юзини Жаҳон хонимга ўгирди:

— Хоним, сизга малол келмаса, анави лампалардан бирини ўчириб, олиб чиқсангиз, ёғини бўшатиб, пилигини алиштириб, битта кичкина даҳанақ олиб келсангиз... Ҳозир сизларга шундай мўъжиза кўрсатайки, огизларингиз очилиб қолсин.

Жаҳон хоним чироқлардан бирини олди ва хонадан чиқиб кетди. Илёсбек ҳали ҳам шахтидан қайтмаган, ҳали ҳам ичидаги заҳарли илон тўлғаниб, ҳамсуҳбатларини чақиб олишга мажбур қилмоқда эди.

— Қўлингдан кўзбойловчилик ҳам келадими?— сўради у ва очикдан-очиқ масхара қила бошлади.— Бу ҳунарни Русияда ўргандингми ёки Фарангистондами?

Савдогар Али Илёсбекни аллақачон кўҳна латтага, жоҳил ва ўтмас болтага чиқариб қўйган эди. Сурув-сурув қўй-эчкилари, ботмон-ботмон ери, кундан-кунга нархи кўтарилаётган юнги, хирмон-хирмон ғалласи бўлмаганида, у билан битта дастурхондан нон ейишни ҳам ўзига муносиб кўрмаган бўларди. Ярим соатлик суҳбат чоғида у гоҳ оғзини карвонсарой эшиги янглиғ очиб, қаттиқ-қаттиқ эснар, гоҳ акса урар, гоҳ йўталар, гоҳ орқасини, гоҳ ёнини қашиб қўяр, баъзан эса узун ва йўгон бармоғини бурнига тикиб қовларди. Бурни ҳам нақ туянинг бўйнидай йўгон ва қийшиқ, сардобадай чуқур эди. Бундай тарбия кўрмаган ҳайвон билан суҳбатлашиб нима ҳузур кўради киши?! Лекин иложи қанча, савдогар тушумни ўйлаб, тижоратини равнақ топтирмоқ учун ҳамма нарсага

чидашга рози эди. Илёсбекнинг бу галги калака қилишига у ҳам учирлиқ гап билан жавоб қайтарди. Маданиятдан ортда қолганига ишора қилиб:

— Ҳой бек, буни кўзбойловчилик эмас, илм дейдилар, мўъжиза дейдилар!— деди.— Мен буни мўъжиза деб атадим. Мундоқ ўйлаб қараганда, киши буни бошқача атай олмайди ҳам. Тифлис билан Ганжа орасига кириб олибсизу, дунёдан бир хабар олай ҳам демабсиз-да!

— Дунёдан хабар олганларнинг биздан қаери ортиқ экан?!— Илёсбек киноя билан кулди.— Ёки бизнинг иккита қўлимиз бору, уларники тўрттами? Балки уларнинг тўрт кўзи бору, бизники биттами?! Уларнинг нимаси биздан ортиқ экан?! Еган овқатлари, кийган кийимлари, туриш-турмушлари бизникидан яхшими?! Менинг беш кунда еганимни улар бир ойда топиб ейишолмайди-ку!

— Гап фақатгина еб-ичишда эмас-да, бек!

— Хўш, нимада бўлмаса? Шунча бўлаётган ҳангомаларнинг бари мана шу, еб-ичиш учун бўляпти-да! Бир давлат нима учун қўшин тортиб бошқа давлат устига бостириб боради?! Ейиш учун! Ўзга ўлкани талон-торож қилиш учун, вассалом! Буларнинг ҳаммаси мол-дунё учун бўлаётган ғавғолар. Молу дунё нима учун керак? Яхши еб, яхши кийиниш, кайфу сафо қилиш учун, вассалом!

Савдогар Али Илёсбек билан баҳслашишнинг фойдасиз эканини англади. Бек ўзининг ҳақлигига шу қадар ишонардикки, борган сари овозини баланд кўтарар ва бақира бошларди. Қизиги шунда эдики, Салим оға оғзига толқон солиб олган, на бекнинг, на савдогарнинг тарафини олиб бир сўз демасди. Кўзларини ҳам алланечук пориллатиб, бек билан савдогар ўртасида баҳс чиқишини кутарди. Савдогар буни ўзига тарафдорлик ифодаси билиб, Салим оғанинг кўзига узоқ вақт тикилиб турганида, Илёсбек:

— Кимнинг тарафини оларкин, деб қарамай қўя қол! Менинг сўзларимни тасдиқлайди, ҳамма тасдиқламаса ҳам бу тасдиқлайди. У бу дунё молининг қадрини жуда яхши билади! Ундан сўрасанг, мол-мулкнинг маъносини англатиб қўяди!..— деди.

Савдогар, Илёсбек қаригани сари маҳмадана ва заҳар бўлипти, бундай одам билан юзма-юз ўтириб

баҳслашиш ғирт аҳмоқлик, деган қатъий қарорга келди. Шунинг учун юмшоқ ва мулойим овоз билан деди:

— Жуда тўғри гапирдингиз, бек, сал чуқурроқ ўйласам ҳаётнинг бутун лаззати чўпон бўзартмасидан иборат экан! Қўйчивонликдан яхши ҳунар ва Қораёзи ўрмонида қобон овлашдан яхши машғулот йўқ экан!

Шу пайт патнисда янги пилик солинган қуруқ лампа ва кичкина даҳанақ кўтарган Жаҳон хоним кириб келди. У қўлидагиларни савдогарнинг олдига қўйиб, четга чиқди, аввалги жойига, девор тагига бориб турди. Савдогар Салим оғага қараб:

— Оғайни, марҳамат қилиб идишдаги ёғ билан лампани тўлдилинг...— деди.

Салим оға тезлик билан унинг буйруғини бажаришга киришди. Унг тиззасини ерга тираб эгилди ва савдогар олиб келган идишдаги ёғдан лампага қўйди.

Бу уйда яшаб келаётганларга шу пайтгача маълум бўлмаган ўткир ҳид хонани тўлдирди. Илёсбек бурнини беркитди, юзини четга ўгириб:

— Бай, бай, бай! Мунча сассиқ бўлмаса! Йиғиштир-ей, бунингни,— деди.

Савдогар пинагини бузмай:

— Сабр қилинг, бек, йиғиштир деганингиз нимаси, сал туриб, нариги чироқларни ҳам тўлдириб бер, деб алиниб қоласиз,— дея чўнтагидан гугурт олди-да, чироқни ёқди. Лампа шишасини ўрнаштириб аста-секин пиликни кўтариб қўйди. Хона анча ёруғлашди. Бу лампанинг ёруғи бошқаларига қараганда анча тиниқ ва анча кучли эди. Илёсбек кўзини лампадан узолмай қолди.

— Бу қанақа ёғ экан?— деб сўради у.

— Буни Боку нефтидан олишади!—Савдогар магнур оҳангда тушунтира бошлади.— Оти нафтил. Бизда уни оқ нефть деб ҳам аташади. Бокуда ишлаб чиқиладиганига анча йил бўлди. Тифлис аъёнларининг кўпчилиги ана шу ёғдан фойдаланишяпти.

— Жуда қимматми?!— Илёсбекни ёғнинг нархи қизиқтирди.

— Йўқ, бек, жуда ҳам қиммат эмас. Ҳар қалай, ҳозирги ёғлардан баландроқ юради...

— Мана бу шишани бизга қолдириб кет!— Ёғ ёқиб қолгани учун Илёсбек ўзини тиёлмади.

— Ёғ сиздан айлансин, бек! Бир шиша эмас, бир бочка олиб келганман. Истасангиз яна топиб бераман.

— Нархи қанча?— Илёсбек савдогарнинг битта гугурт чўпини ҳам текин бермаслигини биларди. Нима сўрасанг, «йўқ» демайди. Фақат кейин бориб олдингга шунча ҳисоб қўядики, эшитиб тинканг қуриб кетади. Шунинг учун олдиндан келишиб олгани маъқул эди.

— Кейин келишиб олармиз!— савдогар мужмал жавоб берди.— От билан туя эмас, бир бочка ёғ эканку. Тўғри, бу нарсани топиш ҳозирча қийин, лекин сиз учун топамиз...

— Нархи қанча?— Илёсбек яна қайта сўради. Чунки бу гаплардан кейин савдогар Алининг моли баландга кўтарилажагини у яхши биларди.

— Юнг билан айирбош қилсак қандай бўлади?— сўради савдогар Али.— Бир қадоқ юнгта бир қадоқ ёғ!..

— Ёзда қирқилганидан оласан!— Илёсбек синовчанлик билан савдогарга қаради, кўнглида у «йўқ» деса керак, деб ўйлади. Лекин савдогар ундай демади.

— Менга деса, ёз тугул, кузда қирқилганидан бўлмайми. Сиз билан ҳисобимиз ҳамиша ҳалол.— Савдогар энди чап оёғини ўнг оёғи устидан ошириб олди, камзулининг ён чўнтагидан тилла соатини чиқариб, қопқоғини очди, бир назар ташлади-да, яна ёпиб, чўнтагига солиб қўйди.— Истасангиз, ҳисоблаб пулини берсангиз ҳам бўлади.

— Овора бўлма! Мол бериб, мол олганинг тузук.

Савдогар кулди:

— Бек пулдан сиқилиб қолдими, дейман-а? Истасангиз, бир оз пул берай. Қишлоқ аҳли билан гаплашинг. Кимнинг қанча қўйи бор, ёз қирқимида қанча юнг олишини билинг, нархини чиқаринг-да, ҳаммасини йиғиб олинг. Пулнинг маълум қисмини олдиндан бериб қўйинг. Йиққан юнглариңгизнинг ҳаммасини ўзим олиб кетаман. Сиз ҳам анча-мунча пуллик бўлиб қоласиз...

Илёсбек билан Жаҳон хоним ва айниқса Салим оға савдогарнинг сўзларига диққат билан қулоқ солишарди. Уларнинг учови ҳам, кўриниб турибди, жаҳон бозорида юнгниң нархи жуда кўтарилган, шунинг учун ҳам савдогар беш-олти ой олдиндан нархини чиқариб,

пулнинг маълум қисмини бериб кетмоқчи, фойдани сезмаса, у ўла қолса бу ишга қўл урмасди, деб ўйлашарди.

— Мен даллолликнинг уддасидан чиқмайман!— Илёсбек зодагонларга хос таккабурлик билан савдогарнинг таклифини рад этди.— Мен ундан-мундан мол йигиб, яна устига нарх орттириб, сенга сотиб ўтирмайман!

— Нима ҳам дердим, уддаламасангиз қилмай қўя қолинг! Лоақал ўз юнгингиздан сотоларсиз, ахир? Сизнинг сурувингизнинг юнгини олиб қўя қоламан. Қанча пул керак бўлса, олдиндан бераман.

Илёсбек Жаҳон хонимга қараб:

— Қизим, Сафиқулибекни ҳам чақиргин,— деди.— Ўтириб ҳисоб-китоб қилинглар. Бу савдогар шунча жойдан овора бўлиб кепти, қуруқ қўл билан қайтарсак, яхши бўлмас. Менгайм озроқ пул зарур.

— Мартабангиз баланд бўлсин!— Савдогар миннатдорчилик билдирди.— Яна битта маслаҳатли гап бор эди. Шунга ҳам айтаману, кетаман. Сиз ҳам дамингизни олинг...

Илёсбек безовталаниб қулоғини динг қилди. Савдогар жонишинликдан келиб кетган кишиларнинг Тифлисида уларнинг йўлига тузоқ қўяётганларини хабар қилади, деб ўйлади. Бироқ савдогар бутунлай бошқа масаладан гап очди.

— Замона ёмон ўзгарапти, бек. Русияда турли хил заводлар, фабрикалар ташкил топяпти, турли хил моллар ишлаб чиқариляпти. Тижорат иши кундан-кунга равнақ топиб кетяпти. Бозор қизияпти. Ақли бор одам бундай пайтда миллионер бўлиб олиши ҳеч гап эмас...

— Ёшим шунчага етганда олибсотарлик билан шуғулланолмайман!— унинг сўзини бўлди Илёсбек.

— Мен ҳам сизни мажбур қилмоқчи эмасман!— Савдогар яна бир оёғини иккинчиси устига мингаштирди ва хиёл олдинга эгилиб:— Бу ишни сиз уdda қилолмайсиз ҳам. Аммо мен айтмоқчи бўлган ишни қила оласиз,— деди.

— Қулоғим сенда, гапиравер!

Савдогар Али ўнг қўлининг бош бармоғини камзулининг чўнтагига солди ва ташқарида қолган бармоқларини ўйнатиб:

— Замонанинг ўзгараётганини тан олгингиз кел-

майди-я, бек!— деди.— Кўксой, Дарбанд, Губодаги беклар бўёқ устидан мўмай пул ишлаб олишяпти. Агар сиз ҳам шу ўтдан экдириб, ўриб-йиғиб берсангиз, мен у ёққа олиб бориб сотардим, қарабсиаки, чўнтагингизга бир йилда ўттиз-қирқ минг пул тушиб турибди-да!..

— Унинг пулиниям олдиндан бериб қўясанми?— киноя билан сўради бек.

— Юнгникидан икки баравар ортиқ бераман!— савдогар жиддийлик билан жавоб берди.

— Бу ишнинг нима эканини эшитганман, биламан. Лекин бизнинг ерларимизда у ўт ўсмайди!— Бек истамайгина жавоб берди.

Савдогар бўш келмади.

— Сизнинг ерингизда ўсмаса ўсмай қўя қолсин! Кўксойдан, Губодан ер олиб, ўша ерга экдилинг. Нақ олтин баҳосида пуллайсиз!..

— Чорвачиликдан топадиган олтин менга етиб ортади!— Илёсбек қўлини ерга тиради ва «ё олло!» деб ўрнидан турди. Савдогар ҳам турди. Илёсбек Салим оғага қараб:— Савдогарни олиб бориб жойлаштир. Ҳурматини ўрнига қўй, у жуда фойдали одам...— деди.

Салим оға бутун суҳбат давомида атайлаб жим ўтирган эди. Гапирмаслигига биринчи сабаб, бу ерга келмасларидан олдин Жаҳон хоним билан аччиқ-араз бўлиб олганлари эди. Жаҳон хоним уни укасига, отасига носамимий, ҳатто ёмон муносабатда бўлганликда айблар эди. У ҳам хотинининг юзига тик қараб: «Мен уларга хизматкорлик қилмоқчи эмасман, шуни яхшилаб билиб, қулогингга исирга қилиб осиб ол!»— деган эди. Ўша алам ундан ҳали ҳам кўтарилмаган ва Жаҳон хонимга аччиқ қилиб бу ердаги гап-сўзга аралашмаган эди. Иккинчидан, Илёсбекнинг заҳарли сўзларидан ниҳоятда безганди. Уни бу — бегона одам, кувёв-ку деб сийламаслигини, оғзига келганини айтаверишини биларди. Савдогар олдида эса қаттиқ-қуруқ сўз эшитишни истамасди. Ниҳоят, гапирмасдан фақат жимгина қулоқ солиб ўтиришнинг ҳам катта фойдаси борлигини ҳис қилганди. У айтилган сўзлардангина эмас, ҳатто ҳаракатлардан ҳам ўзига тегишли хулоса чиқариб, қаерда ва нимадан фойда олиш мумкинлигини яна ҳам яхшироқ билиб олган

эди. Савдогар Алининг бугунги суҳбатидан у жуда кўп нарса ўрганди. Илёсбекнинг тушуниб етмаган кўп нарсаларини у тушуниб олди ва бу ишларни ўрнига қўйишга аҳд қилди. Шунинг учун ҳам савдогар билан яккама-якка гаплашишга фурсат пойларди. Шу сабабли Илёсбекнинг охирги сўзини мамнунлик билан қабул қилди ва савдогар Алини ҳурмат-иззат кўрсатиб хонадан олиб чиқиб кетди.

## УН БИРИНЧИ ФАСЛ

### 1

Савдогар Али ҳар жиҳатдан Салим оғага кучли таъсир қилган, юрагида шу пайтгача бўлмаган орзу-ҳавасларни уйғотган эди. Унга энг аввало савдогарнинг ташқи кийим-кечаги, қоматига ярашиб турган, текис, ҳеч ерига доғ тегмаган камзули, кўкрак соати, кўк йўлли қора костюм-шими ва ойнадек ярқираб турган этиги жуда ёққан эди. Илёсбекнинг чордона қуриб ўтираверишидан эзилиб, ғижим-ғижим бўлиб, латтаси чиқиб кетган кул ранг чолвори, белбоғ билан қисилган кўйлаги ва остонада тумшугини осмонга тикиб ётган шиппаклари олдида бу костюм-шим, бу этиклар айниқса кўзга ташланиб турарди. Иккинчидан, савдогарнинг босиқлик билан муомала қилиши, асабийлашиш, зарда қилишдан сақланиши, Илёсбекнинг ҳамма тиканли гапларига қарши нозик истехзо билан жавоб бериши ақл ва одоб бобида ундан юз чандон устун турганидан далолат берар ва Салим огани қойил қолдирганди. Айниқса унинг ишбилармонлиги, наинки Истамбул ва Бағдоддан, Петербург ва Москвадан, ҳаттоки Париж ва Лондондан хабар бериши, бу ердаги одамларнинг етти ухлаб тушига кирмайдиган даромад манбаларидан, тижорат ишлари борасидаги янгиликлардан гапириши, қайси молнинг нархи неча йилдан кейин кўтарилиши, неча йилдан кейин паст тушишини олдиндан билиши Салим огани лол қолдирган эди. Савдогар юнғнинг, терининг нархини ҳозирдан чиқариб, қишлоқ аҳлидан сотиб олишга, пулнинг маълум қисмини ҳозирдан беришга тайёр эканини эшитганида Илёсбекнинг гаши келган бўлса, Салим оға ўз кўнглида дарҳол бу таклифнинг мағзи-

ни чақишга ҳаракат қилган эди. Яна шуни ҳам фаҳмлаган эдики, қишда қишлоқликларнинг чўнтаги пучайиб, эҳтиёж гирибонидан олган бир пайтда ёзда қирқиладиган юнгни икки-уч ҳисса арзонга олса бўлади. «Ақлини кўр!— деб ўйлаганди у.— Ҳалитдан ишни бошлаганини кўр! Юз сўмлик молни ҳозир қирқ сўмга олади. Асраб қўйиб, кейин шақарга олиб боради-да, юз эллик, икки юз сўмга пуллайди. Уддабуронлигига қойил-э!» Бу фикрлар Салим оғада бошқача ҳирслар пайдо қилди. У савдогардан кўп иш ўрганиб олиши мумкинлигини, у билан алоқада бўлиб турса, йиллик даромадини бир неча ҳисса кўпайтириши ҳам ҳеч гап эмаслигини сезиб турарди. Бу очкўзлик, бу янги ҳавас Салим оғани савдогар олдида ихтиёридан ташқари хушомадгўйлик қилишга, ўлиб-тирилиб хизматини қилишга мажбур этарди. Илёсбекникидан чиқиб, ўз уйига боришаркан йўл давомида унинг гоҳо ўнг томонига, гоҳо чап томонига ўтиб турарди. Гоҳо у қўлидан, гоҳо бу қўлидан ушлаб, ариқчалардан ҳатлаб ўтишига кўмаклашар, лойлик жойлардан айлан-тириб ўтар, ялтироқ этигининг ифлос бўлишига йўл қўймасди.

Мана шундай дабдаба билан уйига олиб келди. Ҳовлига кириши билан шовқин солиб хизматкорларига буйруқ берди:

— Ҳой болалар, туринглар, тезлик билан битта тўқлини сўйинглар, ўчоққа ўт ёқиб, кабоб тайёрланглар!..— деб шовқинлади.

Унинг шу тахлит жонини жабборга бериши савдогарга ҳузур бахш этарди. Хусусан Илёсбекнинг дил-озорлигидан кейин жароҳатланган қалбига малҳам бўларди. Салим оғага қараб Жаҳон хоним ҳам савдогарга алоҳида илтифот кўрсата бошлади. У ҳам чўриларига идиш-асбоб ҳозирлашни, самовар қўйишни, асал ва бошқа турли хил мурабболарни дастурхонга келтиришни буюрди. Савдогар чой ҳозирлиги у ёқда турсин, тўқли сўйилишига ҳам қаршилиқ қилмади. Лоақал тили учиди бўлса-да, «рахмат» ҳам деб қўймади. «Бемаҳалда кабоб нимасийди» ҳам демади. Буларнинг ҳаммасини оддий бир меҳмондўстликдек қабул қилди. Аслини суриштирганда, савдогар ҳурмат ва эҳтиром фақат лаззатланиш учунгина лозим эмас, хўжа кўрсин учун ҳам зарур ва вожиб, деган фикрда

эди. У қишлоқ ва шаҳарларда кезавериб, шу нарсга амин бўлган эдики, ҳамма ерда ҳам халқ эътиборли одамларга эргашади, улар бировни ҳурмат-иззат қилдими, халқ ҳам ўша кишига ҳурмат кўзи билан қарайди. Савдогар: «Кўпчилик кишиларнинг ақли бошида эмас, кўзида!— деб ўйларди.— Нимани кўрса шунга ишонади, ўшандай қабул қилади. Илёбекнинг қизи ва куёви тепамда гирдикапалак бўлаётганларини кўрган одам, эртага бозорда ҳам рўпарамда қўл қовуштириб туради. Менга йўл бўшатиб, ўзи четга чиқиши аниқ. Бир нарсани олиб сотишни истаса ҳам, менинг олдимга келади».

Шундай қилиб, савдогар Али билан Салим оғани фойдани кўпайтириш истаги бир-бирига яқинлаштирмоқда эди.

— Шу қайнотангиз ҳеч фойда-зарарни билмайдида!— савдогар гиламлар тўшалган кенг хонада, курсида ўтираркан, унга хизмат қилиб юрган Салим оғага қаради.— Ҳозир бозор қай даражада ўзгаргани, қизиётгани, қайнаб-тошаётгани ҳақида ўйлаб кўргиси ҳам келмайди.

Савдогар Салим оғанинг кўнглидаги гапни топиб гапирганди. Унинг ўзи ҳам шу ҳақда гаплашмоқчи, лекин гапни қандай ва нимадан бошлашни билмай турган эди.

— Кўп нарсга ақли етмайди!— Салим ога дарҳол жавоб берди.— Дунё ҳамиша у билгандай ва у истагандай тураверади, деб ўйлайди...

— Замонавий одам эмас, дунёдан мутлақо беҳабар!— Савдогар Салим огага борган сари кўпроқ ёриларди.— Мен унга ҳозир қишлоқдан юз қоп юнг олгин, кейин фойдасига сотасан, десам, мен олибсотарликни уддалай олмайман, дейди. Сен уддалай олмасанг, удабуронлар топиладиям, келиб юнгингни олиб кетадям. Беш-ўн йил ўтгандан кейин, қарабсанки, юнг у ёқда турсин, сурувларингни ҳам қўлингдан тортиб олишади.

— Қандай қилиб?— Салим ога ҳайратланди.

— Э-э, ўзидан-ўзи бўлиб кетади,— савдогар қўлларини бир-бирига ишқалаб давом этди.— Сиз бу ерлардан менга уч-тўрт нафар обрў-эътиборли, удабурон одамлардан топиб беринг. Улар бай пули билан, ноёб нарсалар билан аҳолини қизиқтириб, бор юнг-

ларини ййғиб олишсин, халқнинг инон-этиборини қозонишсин. Гапни бир жойга қўйиб, улар бу ерда, мен шаҳарда бозорни қўлга олайлик, савдога бегоналарни яқинлаштирмай, нархни қўлда маҳкам ушлаб турайлик, сўнгра ўз молини ўзига беш-ўн баҳосига сотамиз. Қарабсизки, бор-йўғи қўлидан хамирдан қил суғургандек чиқиб кетиб турибди-да!

— Узоқдан одам излаб нима қиласиз, мана мени олинг!— Салим оға ўзининг хизматга тайёр эканини билдирди.— Бу ердагиларнинг юнгини битта қўймай ййғиб олиш менинг бўйнимда, сўз бераман. Муҳтожликда қолган қишлоқликлар у ёқда турсин, сурув-сурув қўй-қўзиси бўлган бекларнинг юнги ҳам менда деб ҳисоблайверинг!

— Бай пули мендан! Худо ишингизнинг ривожини берсин, қўлни ташланг!— савдогар қўлини узатди.

Салим оға ҳам қўлини ҳавода ўйнатиб унинг қўлига ташлади.

— Бояги айтганларингизни бўйнимга оламан. Лекин қанча бай пули берасиз?

— Истаганингизча! Истасангиз юз пуд, минг пуд юнг ҳозирланг, ҳаммасини олиб кетаман, пулини ҳам истаганингизча олиб, чўнтакка ташлайверинг!..

Боя, Илёсбекникида, ўртага оқ мой келиши биланок Салим оға савдогар Алининг гаплари, бекорчи эмаслигига ишонган эди. Мой чироқда ёниб, хонани чарогон қилиб юборганини кўрганда, савдогарни қучоқлаб, юз-кўзидан ўпгиси келиб кетди. Лекин Илёсбекнинг заҳарли тилига тоқати йўқлигидан ўзини тийиб ўтирди. Ҳозир бўлса ўзини тутиб тура олмади. Савдогарнинг гаплари уни бошқатдан руҳлантириб юборди. Ўрнидан туриб, унинг ёнига келди. Қўллари-ни очиб савдогарни қучоқлайман, деб турганида Сафиқулибекнинг қўпол овози эшитилди.

— Бу Салим оға қаерда қолди десам, савдогар билан хилватда шундай гаплашиб ўтирган экан-да?!

Салим оға ўзини эндигина иссиқ ҳаммомдан чиққанида устидан бир пақир совуқ сув қуйиб юборгандай ҳис қилди. Борлиғи зирқираб кетди. Овозидан Сафиқулибекнинг тузуккина кайфи борлиги сезилиб турарди. Ҳури хоним бу ерларни тарк этиб кетганидан кейин, у шу кўйга тушиб қолганди. Ҳар ерда дуч келган одам билан топишиб ўтирар ва уйига кайф

билан қайтарди. Кайфи ошганида бўлса, огзига келганини қайтармас, «ўч-ўч» деяверарди. Нима деганини ўзи ҳам билмасди. Уни шу кўйга солган муҳаббат эмасди, албатта. Сафиқулибек бундай олижаноб ҳистуйғудан жуда узоқ эканига Салим оганинг ҳеч шубҳаси йўқ эди. Қайнисининг хатти-ҳаракатлари ўша машғум кечада қандайдир даҳшатли воқеани бошидан кечирганини кўрсатар эди. Ана ўшандан бери ўзига кела олмайди, тез-тез йиқилиб-суриладиган, уриниб-туртинадиган бўлиб қолган.

Салим ога ҳам, савдогар ҳам бир он эшикка тикилдилар. Салим ога тили учида мулозамат қила бошлади, савдогарнинг олдида унинг билан ади-бади айтишмоқни, оғзини очдириб обрўсизланишни истамади. Ҳатто олдига бориб қўлидан ушлади ва:

— Келинг, келинг, зап вақтида келдингиз-да!— деди.— Қаерларда қолиб кетдингиз, эрталабдан бери қидираман?!— Сафиқулибек нимадир демоқчи бўлувди, Салим ога унга имкон бермай:— Сиз учун ҳозир кабоб буюраман...— деди ва эшикка йўналди. Ичкарига кириб келаётган Жаҳон хонимга:— Хоним, сизга хизмат бўлмаса, айтинг, кабоб беришсин,— деди.

— Кабобдан олдин бир стакандан чой ичинглар, дамлаб қўйилган!— Жаҳон хоним савдогарга қаради, унинг розилик билдиришини кутди.

Савдогар дарҳол розилик берди.

— Жаҳон хоним тўғри айтяптилар. Аввал бир стакандан чой ичамиз!..

— Албатта чой!— деди Сафиқулибек қўли билан ғалати ишоралар қилиб.— Ювиш керак, томоқнинг йўлини тозалаш учун, иштаҳани очиш учун чой берилсин!.. Менга ҳам чой! Зўгол<sup>1</sup> мураббоси билан!

— Жоним билан, укажон!— дея Жаҳон хоним қувноқ овоз билан Сафиқулибекнинг қўпол ва одобсиз ҳаракатларини юмшатмоқчи бўлди.— Зўгол ҳам бор, олча ҳам, анор ҳам бор...

Сафиқулибек сузилган кўзларини опасига тикканча қофиясини келтириб:

— Олма ҳам бўлсин, анор ҳам бўлсин, ёр ҳам бўлсин...— деб илова этди.

---

<sup>1</sup> З ў г о л — Кавказ ўрмонларида ўсадиган қизил мева.

— Муни қаранг-а, Сафиқулибек шоирликни ҳам қойиллатаркан!— Салим оға ичи ёниб, тутуни оғзидан чиқаётган бўлишига қарамай, чеҳрасини очиқ кўрса-тиб ҳазиллашди.

— Ҳой, менга қара, оғзингга қараб гапир!— Сафиқулибек бирдан ўзгарди, жаҳл билан столга бир мушт туширди.— Менинг кимлигимни биласанми?

Салим оға ичида: «Сен ҳўкизсан, ҳайвонсан. Ғурурсиз, номуссиз бир махлуқсан!..»— деди. Лекин ташқарисида кулиб:

— Сиз юртимизнинг фахрисиз, Илёсбек хонадонининг устунисиз!— дея жавоб берди ва овози ўзгариб: — Ўтиринг, марҳамат!— деди.

Савдогар Сафиқулибекнинг отаси сингари, ҳаттоки ундан ўтар даражада қўпол эканини кўриб индамай ўтирар, шу ҳасратда унинг фикрини ўзига жалб қилишни истамасди. Салим оға бўлса: «Суҳбатимизнинг белига тепгани етмагандай, опшимизга ҳам пашша бўлиб тушмоқчи, э, зотингга минг лаънат!»— деб ўйларди. Фақат у ноилож эди, маҳмадоналигини кўтаришга, савдогарнинг олдида у билан ади-бади айтишмасликка қарор қилганди. Савдогар ўзини Сафиқулибекнинг бемаъни қилиқларини кўрмаётганга солиб ўтирарди. Бу эса уни Салим оғанинг хаёлида яна бир поғона юқори кўтарарди. «Дунё кўрган одам-да. Оққорани дарров ажратади. Сафиқулибекнинг турқи-тароватини кўрибоқ, қайси уянинг қуши эканлигини фаҳмлаб олди. Гапни тўхтатди-қўйди!» Салим оға юнг, бўёқ борасида савдогар билан гаплашганини Сафиқулибекка билдиргиси келмасди. Чунки унинг отасидан ҳам баттар калтабинлигини билар ва тижорат ишини биринчи қайнисидан бошламоқчи, ундаги сурувнинг юнгини қўлга киритмоқчи эди. Шунинг учун ҳам чала қолган суҳбатни бошлашни истамасди. Хизматкорлар чойдан кейин кабоб келтиришди. Жаҳон хоним ҳамон Сафиқулибекдан айланиб-ўргилар, унинг бемаъни қилиқлар қилишига имкон бермасди. Баъзи ўринсиз сўзлари ва ҳаракатларини текислашга интиларди. Лаззатли кабоб еб ўтиришганида, Сафиқулибек бирдан ниманидир эслаб қолди. Савдогар томонга энгашиб, худди махфий гапни эслаётгандай, секингина:

— Тифлисга борасанми?— деб сўради.

— Ҳа!— савдогар эҳтиёт билан ва қисқа жавоб берди.

— Майор Мирза Фатали Охунзодани танийсанми?

Бу кутилмаган саволдан ҳайратланган савдогар, қўлидаги кабобини қўйиб, бек боласига қаради:

— Эй-й, унинг жазосини худо берсин!— деди.— Мусулмонларнинг биринчи душмани-ку!

— Демак, ундан сен ҳам қўрқар экансан-да!— Сафиқулибек савдогардан нафратининг сабабини сўраб ўтирмади.— Унинг яқинларидан бирортасини танийсанми?

— Унга ишингиз тушганмиди?— Ишбилармонларга хос овозда сўради савдогар ва унинг боши билан тасдиқ қилганини кўриб, бирмунча ўйлаб турди-да, сўнг:— Али Мирза деган қўшним бор,— деди.— Лекин у ҳам наригисидан қолишмайди. Нима ишингиз бор эди?

Сафиқулибек ҳушёр тортди. Худди бошқа одамга айланиб қолгандек:

— Арзимайдиган иш. Бизни ўз ҳолимизга қўйиб қўйсин... Утирган жойида жим ўтирсин... Унга шу гапни айтиб қўйишса бўлди,— деди.

Салим ога Сафиқулибекнинг бир нарсадан хавфсираб юрганини пайқади. Мирза Фаталининг айтиб кетган гаплари уни қўрқитиб қўйибди. «Приставнинг олдида бориб кечирим сўранг,— деган эди у.— Иккинчи бундай жиноят қилмаймиз, деб онт ичинг! Бўлмаса жазодан қутулмайсиз!..»

— Қўрқманг, қўлидан ҳеч нарса келмайди!— дея савдогар Али тили учида уни тинчитишга ҳаракат қилди.

Сафиқулибек эса яна ўзини йўқотди:

— Нимадан қўрқар эканман?! Мен худонинг ўзидан ҳам қўрқмайман!— деб ўрнидан туриб кетди.

Савдогарнинг лаблари титраб кетди: «Астафидуллоҳи раббил оламин!»

Сафиқулибек эшикни шарақлатиб ёпганича ҳовлига чиқиб кетди. Жаҳон хоним Салим огага ёшдан хираланган кўзлари билан ёлвориб қаради. Бироқ унинг жойидан силжимамай ўтирганини кўриб, укасининг кетидан ўзи чиқиб кетди.

— Бунга нима қилган ўзи?!— сўради савдогар.— Авваллари эсли-ҳушлигина эди шекилли.

Салим оға ўзига бўйсунмаган бир туйғунинг таъсири остида деди:

— Аввал ҳам бир тийинга қиммат эди! Эндиликда ҳайвонлиги ошкора бўляпти, холос... Отасини айтмайсизми, ёши қайтган сари бешбаттар заҳар бўлиб кетяпти...

— Ҳа, уларни қўяверинг, мақсадга ўтайлик!— савдогар бекорчи сўзларга кўп вақт кетказишни фойдасиз билди.— Тунни бу ерда ўтказаману, эртага азонлаб Ганжага жўнаб кетаман. Бир ҳафтада, узоғи билан ўн кундан кейин қайтиб келаман. Унгача ўйлаб кўринг, ўлчанг-бичинг, жавобини менга айтинг.

Салим оғанинг хаёлида савдогар нимадандир иккиланаётгандек, шунинг учун ишни орқага ташлаётгандек туюлди. «Эҳтимол, у Идрис билан ёки бошқа одам билан маслаҳатлашмоқчидир. Улар менинг тўғримда ҳеч қачон яхши гап айтишмайди албатта. Даромад қўлдан кетиши мумкин!»— ўйлади ва қўрқиб кетди у.

— Ўйлаб кўрадиган, ўлчаб-бичадиган жойи йўқ!— деди қатъий оҳангда.— Келишдикми, тамом! Мен тайёрман, эртагаёқ баъзи одамларга учрайман.

— Яхши, мен ҳам розиман. Қанча юнг йиға олишингиз мумкин — шуни ўтириб ҳисобланг. Пулдан қанча берай?

— Юнг эгаларига олдиндан ярим баҳосини берамизми ёки тўртдан бирини берамизми?

— Одамига қараб. Ундан ташқари, шартлашилган молнинг нархи ва миқдорини ҳам назарга олиш керак. Баъзиларига ярмидан кўпроғини берса ҳам бўлади. Яхши чорвадор бўлса, сўзини шамолга учирадиган бўлмаса, ваъдасининг устидан чиқадиған бўлса, пулни аяманг. Эҳтиёжи борица, истаганича бераверинг. Лекин ҳамма нарсани олдиндан келишиб қўйинг. Шартлашинг, ёзиб қўл қўйдириг-да, кейин беринг. Ҳисобли дўст айрилмас, деган мақолни эшитгандирсиз?

«Жуда ишбилармон одам-да!— ўйлади Салим оға.— Қуруқ, бекорчи гапга тоқати йўқ. Оғзидан чиқаётган ҳар бир сўзнинг тагида маъно ва фойда ётади. Бунақа одамнинг ҳар дақиқаси пул туради. Рўпарагнда ўтириб, сен билан гаплашаётгандай кўринадигу, ичида пулнинг ҳисобини қилиб ўтиради.

Чўнтагидаги тилла соатининг мили бир сония ҳам бекорга юрмайди. Ҳар айланганида чўнтагини пулга тўлдириб туради. Мана шунақа одам билан ош-на бўлиш керак! Нақ олтин дарёсида сузиб юрасан!..»

Унинг кўнглидан нималар кечаётганини билиб тургандай, савдогар Али яна гап ташлади:

— Савдомиз юришиб кетса, пушаймон қилмайсиз, битта бўёқнинг ўзи Жаҳон хонимнинг сурувидан кўп даромад келтиради. Уч-тўрт йилдан кейин сизни ўзим билан бирга Парижга олиб бораман. Дунёда қандай жойлар, қандай шаҳарлар, қандай уйлар бор, кўриб келасиз. Охирида казинога кириб овқатланамиз. Мазаси оғзингизда қолади!..

Савдогар Али хийла вақт Париж ҳақида гапирди. Унинг ақлга сиғмайдиган майдон ва кўчаларини, бог ва саройларини мақтади. Уйларнинг қурилишини, гўзаллигини, дабдаба ва тантанасини Салим оғанинг кўзи ўнгида жонлантиришга ҳаракат қилди. У гапираркан, Салим ога: «Одам ҳам шунчалик бўладими-ей! Оёғи тегмаган жой қолмапти. Магрибни ҳам, машриқни ҳам кўрипти. Ҳамма нарсадан хабардор. Дунёнинг лаззатини тотипти. Биз бечоралар ҳам яшаймиз деб юрибмиз-да. Инимизга тиқилиб олганмиз, ёруғ жаҳонда нима бўлаётганидан хабаримиз ҳам йўқ», деб ўйларди.

Салим ога савдогар Али билан шунчалар суҳбатга берилиб кетдики, ҳатто Сафиқулибекни тамомила эсидан чиқарди. Бир неча маротаба ҳовлидан унинг хизматкорларни уришгани, нимадандир аччиқланиб, бақириб-чақиргани эшитилди. Лекин Салим ога бунга аҳамият бермади. Ҳатто Жаҳон хоним ҳам бир неча бор уйга кириб чиқди. Ниманидир сўрагандай Салим огага такрор-такрор қаради. Салим ога бўлса пинағини бузмади. Ниҳоят, Жаҳон хоним бутунлай чиқиб кетди ва хонага қайтиб кирмади. Салим ога: «Ажаб бўпти!»— дея унга ҳам аҳамият бермади. Савдогар Али бўлса, Париж ҳақидаги гапини қисқа қилиб, яна тижорат ишларига қайтди. Бўёқ ва юнг борасидаги сўзини бир жойга қўйиб, яна бир масалани ўртага ташлади.

— Узумнинг нархи ҳам роса кўтарилди!— деди.— Бундан кейин яна ҳам кўтарилиб кетади. Пул экиб,

пул олса бўлади бу соҳада. Русия бамисоли аждаҳодай оғзини очиб: «Бер!»— деб турипти.

— Нега мунча?— Салим оға қизиқиб сўради.— Узумни шунчалик яхши кўришадими?!

— Узумни яхши кўришади-ю, лекин уни обориш қийин. Ярми йўлда чириб кетади. Уларга узумнинг суви керак...

— Шарбатими, сиркасими?

— Йўқ, уларга униси ҳам, буниси ҳам керак эмас. Анави қариндошингизни жинни қилган нарса бор-ку, уларга ана шунақаси керак. Узумдан шундай ичимлик тайёрланадики, унинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Ҳали эшитмаганмидингиз?

— Сал-пал қулоғимга чалингандек бўлувди... Лекин сиз айтганчалик эмас. Даромадли нарса денг?

— Уддалаган одамга кони фойда! Меҳнат талаб қилмайди, сасиб, чиқитга чиқмайди.— Савдогар Салим оғанинг сўлаги оққанини кўриб, гапни бурди.— Ҳозирча бунга фикрингизни бўлмай туринг. Гапимизни келажакка ташлаб қўяверинг... Уйқунгиз келмаяптими?

— Йўқ, йўқ, қулогим сизда!.

— Соат неча бўлдийкин?— сўради савдогар.

Салим оға худди осмонга қараб вақтни биладигандай, деразанинг рангли ойнасидан ташқарига қаради, ҳамма ёқ қоп-қоронғи эди.

— Ҳали унчалик кеч эмас,— деди.— Мен осмонга қараб, вақтни била оламан.

— Чўнтагимда соатим туриб, вақтни сиздан сўраб ўтирибман!— савдогар камзулининг кўкрак чўнтагида турган қопқоқли катта тилла соатини занжиридан тортиб чиқарди. Вақтни билгач, яна жойига солиб қўйди.

— Яна озроқ ўтирсак бўлар экан,— деди у ва диққат билан Салим оғага қаради, кўзларини юмди, яна қаради. Кутилмаганда:

— Салим оға, анави раҳматликнинг бева хотини Офарида хонимни яхши танийсизми?— деб сўради.

Салим оға ҳайрон бўлди, қизариб-бўзарди:

«Бунинг Офарида хоним билан нима иши бор экан?»— деб ўйлади ва оғриниб, кўнгилсизгина:

— Йўқ, унча яхши танимайман...— деди.

Савдогар бу савол билан кифояланмади:

— Яхши хотин, деб эшитгандим. Бугун яқиндан разм солдим. Жуда ёш кўринди. Шу аёлга уйлансам, совчиликка боролмайсизми?

Салим оганинг оғзи очилиб қолди. Юрагида савдогарга нисбатан пайдо бўлган ҳамма яхши ҳис-туйғулари бир зумда нафратга, газабга айланди. Кўнглига келганини айтгиси келиб кетди. Лекин яна ўзини тутди.

— Учта боласи бор!— деб, бу гап унга қандай таъсир қилишини билиш учун кўзини ҳамсухбатига тикди.

Савдогар эса парво қилмай:

— Ҳечқиси йўқ, уларга оталик қиламан. Савоб бўлади...— деди.— Бу ерда манзилгоҳим бўлса ёмон бўлмасди. Тез-тез келиб турибман, бундан кейин, кўпинча шу ерда қолиб кетишга тўғри келади. Ёшим дуч келган жойда думалаб кетаверишни кўтармай қолди. Тинчликни кўзлайдиган бўлиб қолдим.

Кундузи улар Илёсбекнинг олдига кириб кетаётганларида, Офарида хоним ҳовлида ипак ёпинчигини қилпиратиб юргани Салим оганинг ёдига тушди. Савдогар уни кўриб тўхтаб қолган, ҳуши бошидан учган ва унга томон икки қадам ташлаб:

— Хоним, сизга хизмат бўлмаса, ичишга бир стакан сув берсангиз...— деган эди.

Бу савдогарнинг эски усулларида бири эди. Кўнглиги ёққан аёл билан икки оғиз гаплашиб олиш ва тўйиб-тўйиб қарашни яхши кўрарди. Офарида хоним таранг кўкрагини кўз-кўз қилиб уйига кириб кетганида, савдогарнинг кўзлари қинидан чиқиб кетишига сал қолганини Салим оға кўрган эди. Уша пайтда бунга унчалик аҳамият бермаганди. Ҳозир шу манзарани эсларкан, юрагида қаттиқ рашк ҳисси уйғонди. Офарида хоним кичкина патнисдаги стакан тўла сувни савдогарга узатаркан, ёпинчиги сирғалиб кетди. Шунда қора кўзлари, ҳатто тиниқ, чиройли пешанаси ва юзи кўриниб қолди. Савдогар узр айтиб сувни олди. Қулгум-қултум ичиб бўлганидан кейин: «Дунё тургунча туринг, хоним!»— деди ва кўзини Офарида хонимдан узмаган ҳолда ланжлик билан стаканни патнисга қўйди. Салим оға, савдогарнинг бу ҳолати Офарида хонимга хуш ёққанини, у ўзига хос ноз билан қош-кўзини пирпиратганини кўрса ҳам: «Яна қайтиб

учрашишмайди-ку!» — деб ўзини тинчлантирган эди. Ҳозир бўлса буларнинг барчаси унинг кўзи ўнгида жонланиб, юрагини тасаввурига сиғмайдиган рашк ўти билан куйдира бошлади. Айни замонда дарҳол унинг хаёлига, савдогар Офарида хонимга уйланиш йўли билан мерос даъво қилмоқчи, деган фикр келди. Бўлмаса, хотин зотига қаҳат келмаган-ку!

— Пулни бўлар-бўлмаса сарфлайдиган аёллардан, — деди Салим ога. — Жаҳон хоним бўлмаса аллақачон кафангадо бўлиб қоларди.

— Нима сабабдан? Шунча молу давлатда унинг улуши йўқми?! — очиқдан-очиқ сўради савдогар.

— Улушини аллақачон еб бўлган! Аёл зоти рўзгор тебратишни билармиди. Бунинг устига ўзи ҳам енгилтабиат хотин...

— Менга мол-давлати эмас, ўзи керак! — савдогар Салим оганинг вайсашига чек қўйди. — Агар сиз у билан гаплашмоқдан тортинсангиз, Жаҳон хонимни совчи қиламан.

Салим ога нима дейишини билмай қолди. Энди Офарида хонимнинг қиммати унинг назарида яна ҳам кўтарилган эди. Уни асло қўлдан чиқаргиси келмасди. Савдогарнинг гапларига эса ишонмасди. «Хотинни қўлга киритиб, болаларга ота бўлиб олганидан кейин, мерос талашини йўлига ўтиб олади!»

Салим ога ишнинг худди шундай бўлишига заррача шубҳа қилмасди. Айни замонда савдогарни шубҳалантирмаслик учун ўзини совуққон қилиб кўрсатишга ҳаракат қиларди.

— Сиз эрта билан Ганжага кетаверинг. Мен ҳам бу ерда ҳаракат қилиб кўрарман. Худо хоҳласа, сиз келгунингизча бир тадбирини кўриб қўярман...

Ўзи бўлса: «Офарида хоним масаласини пайсалга солмай битказиш лозим», деган қарорга келди. Лекин қандай қилиб? Уни Жаҳон хоним истаганидай Шўртонга эрга бериш — Салим огага ёқмас ва гаи шундай бир чиройли аёлнинг қўлдан чиқишида ёки унга ачинишида эмасди. Йўқ, бунинг бошқа бир сабаби бор эди: Илёсбек Салим ога кўз тиккан ва ҳеч кимга беришни истамаган мол-мулкнинг катта бир қисмига эга бўлиш учун баҳона топа олар эди. Офарида хонимни савдогарга ҳам бериб бўлмасди. Чунки бунинг дини-имони пул, ўзи ҳам Илёсбекдан ақллироқ ва

шунинг учун янада қўрқинчлироқ, унга қарши туриб бўлмайди. Қийини Офарида хонимни ўзига хотин қилиб олгунича. Ундан кейин Муҳаммад Ризобекдан қолган ҳамма нарсани, ҳатто ҳовлининг қуруқ деворларини ҳам бўлишиб олмагунча қўл тортадиган эмас! Ўзи ҳам ёмон одамга ўхшайди, нақ пахта билан бошни кесади. Кишининг ўзини кулдириб, уйини куйдиради. Бундай сўзларни, борди-ю, Илёсбек айтса борми, Салим ўзи кўрсатиб қўярди, ким бўлишидан қатъи назар, эшикни юзига ёпиб чиқиб кетган бўларди. Савдогар эса Салим оғанинг важини бир чақага ҳам олмади. Жаҳл қилиб қовоғини солиш у ёқда турсин, тагин анчагача унинг юзига кулиб, ҳазиллашиб ўтирди. Шу билан бирга кўнглида борини ҳам гапириб олди. Бирон масалада ҳам Илёсбекнинг фикрини қабул этмади!

Савдогар Офарида борасидаги истагини билдирганидан кейин Салим оғанинг назарида ҳийлагар тулкига, оч бўрига айланиб қолди. Шу билан бирга, юнга ва бўёқ борасидаги гапидан бир қадам орқага чекиниш фикри йўқ эди. Салим оға хотин деб фойдадан юз ўгирмоқчи эмасди, лекин хотинни ҳам, унга тушган меросни ҳам осонлик билан қўлдан чиқармоқчи ҳам эмасди. Савдогарни Офарида хоним борасида бўлган фикридан қайтариш қийин эканини сезиб турарди. Савдогар шундай келишган пулдор нозаниндан ўз хоҳиши билан кечмайди. Офарида хоним тарафидан қиттайгина майл бўлса борми, ҳеч қандай куч уни бу орзусидан қайтара олмайди. Офарида хоним бўлса, савдогарга «ҳа!» дейиши мумкин. Нега ҳам демасин? Тани жони соғ, бадавлат, топиб-тутиб турган одам бўлса. Бу ердагиларнинг ундан кам жойи бор, лекин ортиқ жойи йўқ. Офарида хоним аччиқма-аччиққа, Жаҳон хоним билан Салим оғага аччиқ қилибоқ савдогарга эрга тегади! Иккаласини ҳам куйдириб, улардан ўчини олиш учуноқ тегади!

Хўш, нима қилиш керак?

Салим оға ҳамма нарсани хаёлида ўлчаб-бичиб кўриб, бу тугун ҳам «Ҳури хоним масаласи»га ўхшаб чигаллашиб кетмаслиги учун иккитагина йўл бор: Офарида хоним ва унинг болалари ўлиб кетиши керак, ёки бўлмаса ўзим Офарида хонимга эга бўлишим, никоҳ ўқитиб, танмаҳрамликка олишим лозим, деган

қарорға келди. Биринчиси ақл бовар қиладиган иш эмасди. Бир тийинга қиммат бекорчи хаёл эди. Чунки Офарида хоним заифлашаётгани йўқ эди, чарос кўзларининг жозибадор шуъласи, ёноқларининг алвон таровати пасаймаган, ранги сарғаймаган, уни ўлим билан ёнма-ён қўйиб бўлмас эди. Аксинча, унинг соғлиги борган сари яхшиланар, табиатнинг мўъжизакор қўли уни кундан-кунга яшнатиб, ҳуснига ҳусн қўшар эди. Салим оғанинг хаёлида у ҳаттоки эри бор вақтидагидан ҳам очилгандай ва ниҳоятда сўлим бўлиб кетаётгандай туюларди. Эҳтимолки, у пайтларда эрининг ёш қизга ишқибоз бўлиб, хотин, бола-чақасини унутганидан эзилиб, дардини ичига солиб юргандир. Энди эса нима ғами бор, текин даромадни еб-ичади, ясаниб-тусаниб, ўзига оро беради. Ёпинчиқ орасидан бўй-басти келишган, қадди-қомати расо йигитларга ром қилувчи назар ташлашдан қайтмайди, аксинча, бундан лаззатланади...

Ҳиссиётга берилиб, Офарида ҳақида ёмон хаёлга боргани учун Салим оға ўзини-ўзи уришди: «Инсоф билан айтганда, мендан бошқасига бундай қарамайди. Унинг ўрнида бошқа хотин бўлса аллақачон ўйнаш тутган бўларди. У бўлса ўзини тийиб юрибди...» — деб ўйлади у.

Хуллас, Салим оға Азроилга умид боғлаш нотўғри эканлигини кўриб турарди. На Офарида хоним, на болалари уни эшикдан ичкари қўядиганга ўхшамасдилар. Демак, ягона бир йўл қолганди, у ҳам бўлса қандай қилиб бўлмасин, Офарида хонимга уйланишдан иборат эди.

Унинг ётоғи кўпдан бери кучли тилсим каби Салим оғани ўзига тортиб турганлиги бизга маълум. Энди бўлса уни ўзига шаръий хотин қилиб олиш вақти ҳам етиб келганди. Бу никоҳ Жаҳон хонимнинг миннатидан қутулиш, унинг чакагини ўчириш учун ҳам керак эди.

Ҳар ҳолда ортиқ кутиб бўлмасди. Салим оға ҳам аччиқичакдек чўзилган бу масалани бир ёқлик қилиш кераклигини англарди. Жаҳон хонимни ва Сафиқулибекни, ҳаттоки, Офарида хонимнинг ўзини ҳам жилолаб олиш керак эди. Улар иноқлик билан бирлашсалар, Салим оғани яккалаб қўйишлари мумкин эди. Илёсбекнинг оила аъзолари ундан қаттиқ норози эди.

лар, лаънат занжири каби унинг томоғидан сиқиб четга улоқтиришга фурсат ахтарардилар, шунинг учун ҳам, улар бирлашмоқлари мумкин эди. Жаҳон хоним Офарида хонимни эрининг қўйнига солишдан кўра, улушига тушадиган бор давлати билан уни савдогарга эрга беришни афзал кўришини Салим ога яхши биларди. Лекин танлашга келганда Офарида хоним ҳам савдогарни ундан устун қўйган бўларди. Нега энди устун қўймасин? Салим ога толеи ҳар дақиқада қил устида осилиб турган кечаги хизматкор, у эса авлоддан авлодга ҳурмати ошиб бораётган ҳақиқий савдогар!

Ҳа, бу ишни пайсалга солиб қўймай, бир ёқлик қилиш керак. Айнан шу кунларда ҳал қилиш керак. Илёсбек билан Сафиқулибекнинг «Ҳури моjarоси»дан кейин шошиб қолган, жонишинликдан келган погонли кишиларнинг улардан юз ўгирган, уларни шубҳа ва ваҳимага солиб қўйган пайтларидан фойдаланиш керак. Бундан яхши фурсатни топиш қийин. Салим ога бўлса фурсатни бой бериб қўядиган аҳмоқлардан эмас эди!..

## 2

Сафиқулибек шошиб, ҳатто қўрқувдан ўзини йўқотиб, мияси чалғиб қолганди. Даҳшатли ваҳима кечакундуз таъқиб қилмоқда эди. Шунинг учун ҳам ёруғ жаҳонда ўзини қўйишга жой топмасди. Қаерга борса ҳам, оёғи остида ер титрар, деворлардан олов чиқиб юз-кўзига ёпишарди, уни гоҳо безгак, гоҳо иситма тугарди. Ўтирган жойида бирданига сесканиб, оёққа туриб кетар ва ваҳима тўла кўзларини ёнидаги одамларга тикиб, ташвишли оҳангда:

— Нега ўтирибсизлар, ахир зилзила бўляпти-ку?! Ҳозир ҳаммангизни том босиб қолади. Қочинглар, қочинглар!..— деб бақирарди.

Одамлар ҳайрон бўлишарди, бир-бирларига маъноли ва бирмунча сирли кўз билан қараб:

— Худо кўрсатмасин, зилзила нимасийди?!— дейишарди.

— Битта зилзила етмай турувди, ўша ҳам бўла

қолсайди, битта қолмай қирилиб, қутулардик! — деб толейдан норози бўлган одамлар ғазаб билан тўнғиллаб қўйишарди...

Сафиқулибек бу сўзларни эшитмасди. Кўзига бошқа нарса кўрингани учун қулоғига атрофдагиларнинг сўзлари ҳам кирмасди.

— Ҳой, бу деворлар нега мунча иссиқ? Курагимни куйдириб юборди. Бу харобадан олов чиқапти! — дея кўнглига келган янги ваҳимадан кўзлари олайиб, хонанинг ўртасига сурилиб борарди. Одамлар куз ҳавосидан аллақачон совиб бўлган деворларга қўл уриб кўришар ва бошларини чайқардилар:

— Йўқ, бек, деворлар муздай. Сизга қизигандай туюлаётгандир-да.

— Сизлар аҳмоқсизлар, жиннисизлар, кўрсизлар. Девордан аланга кўтариляпти, кўрмаяпсизларми?! — Шундай деб бақира бошлаганида, унинг фикрига қўшиладиганлар топилиб қоларди...

— Бай, бай, бай, ростданам девордан аланга кўтариляпти! — деб улар тезлик билан хонани тарк этиб кетишар, четга чиқиб эса, кўрсаткич бармоғини чаккаларига тираб қимирлатаркан: «Бекнинг мияси айниб қолипти!» — дейишарди. Четга чиқиб эмас, унинг рўпарасига келиб шундай қилсалар ҳам, гапирсалар ҳам Сафиқулибек сезмаган, кўрмаган бўларди. Чунки кўзга бошқа нарсалар кўринмоқда эди. Мана, унинг кўз ўнгига совуқ ялтиллаши билан борлигини ларзага келтираётган ўткир ханжар кўндаланг бўлиб келди! Аслини суриштирганда бу ханжар бир сонияга ҳам ундан узоқлашмасди. Доим кўз олдида айланиб турарди. Боши тепасида доим осиглиқ турарди. Кўзга кўринмайдиган қандайдир бир қўл бу ханжарни кечакундуз унинг томоғига тираб турарди. Ерни титратаётган, деворлардан олов чиқараётган ҳам ана шу ханжар эди!

Бу ханжар уни уйқусида ҳам тинч қўймасди. Бошини ёстиққа қўйиб, кўзини юмиши билан ханжарнинг совуқ дамини томоғида ҳис этар, у ён-бу ёнига ўгирилиб кўрарди. Қўли билан томоғини силар, хонада ҳеч ким йўқлигига ўзини ишонтирмоқчи бўларди. Эшик-деразалар маҳкам беркитилган, яна бу ерга бировни йўлатмаслик учун иккита бўрибосар ит уйнинг олди ва орқасида, бойлоқда занжир кемири-

шарди. Пастда иккита хизматкор пойлаб ётар, ён-веригаги хоналарда хотин-халаж уйқуга толган эди. Бу ерга иблиснинг ўзи ҳам йўл топиб кела олмасди! Мана шуларни ўйлаб, аранг ухларди. Лекин бир замон ханжарнинг совуқ дами яна томоғини ялаганини ҳис этарди. Шунда чинқариб туриб кетар, тезда чироқни ёқарди... Хизматкорларни уйғотиб, нега ҳовлига бегонани киргиздинглар, деб сўрарди. Хизматкорлар онт ичишар, ўзларини «ўлдҳриб» ҳовлида одам йўқлигини исбот қилишарди. Одам нима экан, битта мушук деворга яқинлашгудек бўлса, итлар во-вуллаб ўзларини ҳалак қилишарди...

— Боринглар, нари кетинглар!— деб ҳорғин овоз билан хизматкорларни чиқариб юборарди. Вақт ўтгани сари унинг ҳоли даҳшатлироқ тусга кирмоқда эди. Дами ўткир совуқ ханжар кечаларигина эмас, кундузлари ҳам унинг кўзи олдида турарди. Шафқатсиз, даҳшатли қўрқув тузалмас оғриқдай бутун борлигини зирқиратарди. Мана шу пайтда ичкиликка ўрганди. Фақат ичгандагина ханжарни унута оларди. Ёлғиз ханжарни эмас, ҳамма нарсани унутарди. Нима қилганини, нима деганини, қаерда ўтирганини ҳам билмасди. Чунки кайфи хиёл тарқади дегунча, кўз олдида ханжар кўндаланг бўлиб тураверарди, совуқ дами билан томоғини ялай бошларди. Унинг шу аҳволга тушганини даставвал Илёсбекдан яширишди, отасига рўпара қилмасликка интилишди. Турли хил баҳоналар билан отасига кўрсатмай юришди. Ниҳоят, Илёсбекнинг сабри тугади ва бир оқшом ҳеч кимга билдирмай ўғлининг уйи томон йўл олди. Бу пайтда Сафиқулибек совуқ дами билан томоғини ялаётган ханжардан қутула олмай, ичкиликнинг зўри билан уйқуга кетган эди.

Илёсбекни уйининг биринчи қаватида навбатчилик қилиб турган хизматкорлардан бири кутиб олди. Бек ўғлининг юқорида ётганини эшитиб, унинг олдида йўл оларкан, хизматкор қўрқа-писа:

— Қулингиз бўлайин, бек, безовта қилмасангиз бўларди, бекзода яқинда ётиб эдилар...— деди.

— Эндигина кун ботди-ку, шом пайтидан ётишни нимаси?!— Илёсбек таажжубланиб суриштирди.

— Бегим кеча тонг отгунча ухламаган эдилар... Яқингинада зўргатдан пинакка кетиб эдилар...

Илёсбекнинг ҳайрати борган сари ортиб бормоқда эди.

— Тонг отгунча ухламади? Зўрғатдан пинакка кетди? Унга нима қилган экан?

— Не тил билан айтайки, бегим, бекзоданинг яна касали қўзиб қолди.

Илёсбек дарҳол Сафиқулибекнинг бошида қандайдир савдо борлигини, неча кундан бери кўзга кўринмай юриши бежиз эмаслигини англади. Хоналардан бирига кириб ўтирди ва хизматкорни олдига чорлади:

— Қани, гапир-чи, нима бўлди?

Илёсбекнинг газабли овозидан саросимага тушган хизматкор ялинишга тушди:

— Сизга қурбон бўлай, бола-чақангизнинг садақаси бўлай, менга раҳм қилинг. Менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ, туни билан мижжа қоқмай, бекзодамнинг оромини қўриқлаб чиқаман. Бекзодам уйқудан уйғониб қичқириши билан мана бу жомни чалиб худо қаргаган жинларни ҳайдайман, бекзодага озор етказишларига имкон бермайман. Менда ҳеч гуноҳ йўқ, на дуо ўқишни биламан, на жоду сеҳр қила оламан...

— Ёлворишни бас қил, аҳмоқ!— Илёсбек ер тепинди.— Сени биров айблаётгани йўқ. Сен менга, бекзоданинг мияси қачондан бери айний бошлагани, мияси айниганда нималар қилишини, нима ҳақда гапиришини, қаёққа боришини бир чеккадан гапириб бер!

Хизматкор кўрган-билганларининг ҳаммасини Илёсбекка гапириб берди. Илёсбекнинг юзи буришиб кетди. Пешонаси тиришди. Кўзлари кичрайди. Хизматкорни чиқариб юборди, бирмунча вақт ўтирган жойида хаёл суриб қолди. Сўнгра туриб файтонни йўлга ҳозирлатди ва Жаҳон хонимнинг ҳовлисига йўл олди.

Сафиқулибекнинг бирданига шу кўйга тушиб қолиши Жаҳон хонимни ҳам эсанкиратиб қўйганди. Аёл ўзини худди ўзак илдири тешилиб, бир пуд қони оқиб кетгандек ҳис қилмоқда эди. Бир-икки кун ичида ранги сарғайиб, кўзлари ич-ичига ботиб кетганди. Устунни йиқилган, бутунлай босиб қолиш хавфи бўлган уйдайдир бир ёнига оғиб қолганди. Руҳан эзилган, овози зўрға эшитиларди. Гердаишидан асар ҳам қолмаганди.

Салим оға нима деса, «хўп бўлади, жоним билан!» деб жавоб берарди. Илгариги манманлигидан асар

ҳам қолмаганди. Салим оға: «Фурсати келди!—деб ўйлади.— Темирчи ўша кеча нимадир қилганки, Сафиқулибекнинг ўтакаси ёрилиб юрибди. Бор-йўқ ақлини ҳам йўқотди. Худо хоҳласа, бир умр ўзига келолмайди, Илёсбекнинг ўзи ҳам бу мусибатни кўтаролмайди. Юраги ёрилиб ўлсин! Ё ҳазрати Аббос, йўлинг-да элликта қўй сўйиб, бева-бечораларга едираман. Бу одамнинг юрагини ёр! Димогидан эшакқурти ёғадиган Жаҳон хонимнинг ҳам попуғи пасайиб, нима десам, «хўп» деб турибди. Ана шу пайтдан фойдаланиб, Офарида хоним масаласида розилигини олишим керак!»

Шу мақсад йўлида Салим оға икки-уч кун Жаҳон хонимнинг атрофида парвонадек айланди. Янги уйланган кезларидагидан ҳам ортиқ меҳрибонлик қилди. Ҳатто чойни ҳам ўзи олдиға олиб келадиган бўлди.

Салим оғанинг бундай мулойим рафтори, сўнгги йилларда кўринмаган меҳрибончилиги Жаҳон хонимнинг кўнглига таъсир этди. Унинг юрагини юмшатди, кўзлари ёшга тўлди. Менга раҳми келяпти, деб ўйлади. Тогдай укасининг шундай бахтсизликка учрагани туфайли одамгарчилик қияпти, деган хаёлга борди. «Шундай оғир кунимдаки, менинг кўнглимни кўтаряптими, шундай меҳрибончилик кўрсатяптими, бундан кейин қонимни ичса ҳам «миқ» этмайман!—деб ўйларди у.—Ким нима деса деяверсин, у ёмон одам эмас. Хизматкор бўлса бўлипти-да, унинг ҳам юраги бор-ку, ахир. Ҳеч иккиланмай инон-ихтиёримни унга топшираман!» Лекин тунда, ётоққа киришлари билан Салим оға унинг қўлларида ушлаб, силаб-сийпаб ўз муддаосини билдирганида Жаҳон хоним қанчалик алданганини кўрди!

— Жаҳон хоним, сенга бир нарсани айтмоқчиман, лекин, илтимос, сабр-тоқат билан қулоқ сол...

— Сабр-тоқат билан қулоқ солмай нима қилардим!—дея Жаҳон хоним итоаткорлик билан жавоб берди.—Гапиринг, қулоғим сизда...

— Ҳури хонимдан бир амаллаб қутулдик... Энди Офарида хоним қолди... Буниси унисидан ҳам баттар ҳунар кўрсатмасайди, деб қўрқаман...

— Уни Шўртонга берамиз... Сал эс-ҳушимизни йиғиб олайлик, худо раҳм қилиб, Сафи тузалсин, у Шўртонники бўлади... Хоҳ ўлсин, хоҳ қолсин...

Шўртоннинг номини эшителиши билан Салим оға илондай тўлганди. Сир бой бермаслик учун йўталиб қўйди. «Ҳа, ноинсоф,—деб ўйлади у.—Шундай хотинни ўша махлуққа раво кўриб бўларканми?! Ахир унинг ноласи хонадоннигина эмас, бутун ўлкани титратар!»

Салим оға кўнглидан ўтганини Жаҳон хонимдан яширди, унга мулойимлик билан:

— Авваламбор у Шўртонга тегмайди...— деди.— Бутун дунёни бузиб юборади... Янги ҳангоманинг овозаси Тифлисга етиб боради... У ердан яна одам келадиган бўлса, бу сафар ҳовли-жойни ҳам унга бўлиб кетишади.

Жаҳон хоним бетоқатлик билан жавоб берди:

— Овози чиқмайдиган қиламиз. Укам билан гаплашиб қўйганман, агар рози бўлмаса, бир куни тунда оғзига латта тиқиб олиб чиқасизлар, олиб бориб дадамларнинг ҳовлисидаги ўрага ташлайсизлар-да, устини беркитиб қўясизлар. Ана ўша ерда истаганича бақираверсин!..

Бу тақлифдан Салим оғанинг тепа сочи тикка бўлиб кетди. «Тили айланиб гапира олганига қаранг-а!—деб ўйлади у.— Бағритошлигини кўринг!» Илёсбекининг ҳовлисидаги, дарахтларнинг орқа томонидаги баланд девор тагидаги чуқур ўрани эслади. Илёсбекининг отасидан қолган ўра! Айтишларига қараганда, у раҳматлик бир вақтлар аччиғини чиқарган хизматкорлари ва қўлга тушган душманларини ўша ўрага ташлаб, тириклайин чиритар экан, энди бўлса Сфарида хонимдай жонон ҳам ўша ўрада чирйиши керак эмиш. Ё Шўртон, ё ўра!.. Салим оға ҳеч қачон бунга йўл қўймасди, албатта... Унинг тоқати тоқ бўлди.

— Бу иш қўлларингдан келмайди, Жаҳон хоним!—дея ҳукмрон овоз билан гапирди у.

Бу овоз Жаҳон хонимга нотанишдай туюлди, шу қадар нотаниш кўриндики, хонага бегона одам кирмадимикин, деб ўйлади.

У қўлини Салим оғанинг қўлидан тортиб оларкан:

— Нега? Яъни, сиз монелик қиласизми?— сўради кесатиб.

Бу энди бояги мулойим ва итоаткор Жаҳон хоним эмас, азалги такаббур, кеккайган, қўрқув билмаган

Жаҳон хоним эди. У Салим оғани назар-писанд қилмасди.

— Йўғ-е, менинг қўлимдан келадиган ишмиди!— Салим оға яна мулойимлик билан жавоб берди.— Унинг мендан ҳам кучлироқ ҳомийси бор...

— Ким экан у?

Салим оға савдогар Алининг номини айтиб, унинг таклифи ва нияти мерос туфайли эканини айтганида Жаҳон хонимнинг лаблари гезарди, узоқ муддат гапиришга сўз топа олмай қолди. Салим оға унинг саросимага тушганидан фойдаланиб, фикрини давом эттирди:

— Савдогарга сен у ёқда тур, отанг ҳам, уканг ҳам бас кела олмайди. Москвада дейсанми, Петербургда дейсанми, ҳамма жойда таниши, ошна-оғайниси бор. Узининг ҳам худоси пул. Бир тийиндан ҳам кечмайди...

— Хўш, сиз нима таклиф қилмоқчисиз?— сўради Жаҳон хоним бўшашган овоз билан.

— Мен таклифимни гапириб ўтирмасам дейман. Сен мени тушунасан, менга ишонасан. Биласанки, мен фақатгина сени, сенинг авлодингни деб, сенинг отанг ва укангнинг ғамини еганим учун, ўзимни шу огир юкнинг тагига ташламоқчиман. Йўқса сенинг бир тирногингни юз Офарида хонимга алишмайман...

— Демак, ўзингиз унга уйланмоқчисиз, шундайми?— Жаҳон хоним бўғиқ овоз билан сўради.

— Сен асабингни бузмай, ўйла. Бошқа иложимиз йўқ...

— Демак, бу хотин пешанамга умримнинг охиригача кундош бўлиб битган экан-да?!

— Худо ҳаққи, Жаҳон хоним, сендан қаттиқ хафа бўламан!— Салим оға ҳамдардлик ва ниҳоятда ишонтирадиган самимият билан гапирди.— Кундош нимаси, уни сенга каниз қилиб оламан. Ҳар куни қўлингга сув қуйдирмасам, отимни бошқа қўяман!

Жаҳон хоним қаддини кўтариб, ўринда ўтирди, чироқнинг пилигини кўтарди ва Салим оғанинг кўзига тикилиб қаради.

— Кимни лақиллатмоқчи бўляпсан, Салим?! Кимни ғирт аҳмоқ деб ўйлаяпсан?! Бу тилларинг билан бўйнимга сиртмоқ солиб, менинг оғзимга юган урмоқчи бўляпсанми?! Чучварани хом санабсан! Сен мени

билмас экансан, Салим! Худо ҳаққи, сенга шундай тўй қилиб берайки, қабрда суякларинг ҳам унутмайди!..

Салим ога ҳам тикилиб, юзини унга ўгирганча ўтирди ва диққат билан Жаҳон хонимга қаради. Бир оз аввалги ожиз ва итоаткор аёл йўқолиб, ўрнида яна қадимги, даҳшатли йўлбарсдай аёл рўбарў келганини яққол кўрди ва ҳис этди. Ҳозир унинг ранги қизариб, кўзларининг ичига тушгани ҳам билинмас, улардан ўт чақнади. Салим ога ҳам уни калака қила бошлади.

— Нима қилардинг, мени еб қўярмидинг?! Сен ҳам мени яхши билмас экансан!..

— Тўғри айтасан, мен сени билмаган эканман. Лекин ҳозир, шу дақиқада билиб олдим. Мени шу огир кунимдаки, бундай таклифга рўбарў қилдингми, демак сенда заррача ҳам одамгарчиликдан йўқ экан!..

— Одамгарчиликни сизлардан ўрганмайман! Овозингни ўчир, шаллақилик қилма!— Салим ога ўридан турган эди, Жаҳон хоним ҳам ич кўйлагига, сочлари елкасига ёйилган ҳолда ўридан сакраб турди, деразаларни, деворларни ларзага келтирувчи даҳшатли овоз билан:— Даф бўл! Кўзимдан йўқол ҳозироқ! Йўқса сени ҳам, ўзимни ҳам тилка-пора қилиб ташлайман!— дея қўлини девордаги гилам устида осиглик турган ханжарга узатди.

Албатта, Жаҳон хоним Салим огага бас кела олмасди. Унинг ханжар ўқталиб қўрқитиши кулгили бир ҳол эди. Салим ога эса ханжардан эмас, бу ҳангоманинг хизматкорлар орасида тарқалиб кетишидан ва бориб Илёсбекнинг қулогига етишидан қўрқарди. Шунинг учун ўзини тутишга ҳаракат қиларди. Лекин Жаҳон хонимнинг шу даражада кўпириб кетаётганини кўриб, нафрат тўла бир истеҳзо билан кулимсиради. Қўлини кўтариб, унинг ханжар ушлаган билагини ушлаб қисди. Лекин бор кучи билан эмас, ханжар қўлидан тушмайдиган қилиб, секингина қисди.

— Ҳа, нега қараб турибсан, уравермайсанми?— деди ва қоп-қора, йўғон бармоқлари билан унинг билагини борган сари баттарроқ қиса бошлади.

Жаҳон хоним алаmidан ёрилар даражага етди. Ханжар ушлаган қўлини пастга тушириб:

— Оғзингдан қора қонинг келсин!— дея қарғади ва ўзини тутиб ололмай, йиглаб юборди.

Салим ога икки қадам орқага чекинганида ўртадаги эшик очилди-ю, бўйи етилган, кўкраги кенгайган, қўллари кучга тўла бошлаган Хоспўлат ичкари кирди.

— Нега онамга озор беряпсиз?— дея қичқирганича Салим огага пўписа қилди.— Онамга гинг деганнинг жигарини узиб оламан!

У овозидан руҳланган, ғурурланган ҳолда ердаги ханжарни шартта қўлига олиб, Салим огага ҳамла қилмоқчи эди, Жаҳон хонимнинг аччиги келди:

— Бу нима қилиқ, Хоспўлат?!— дея уни қучоқлаб, қўлидан ханжарини тортиб олди.— Бу иш сенга тушиб қолгани йўқ!— деб бошқа хонага олиб чиқди.— Урнингга кириб ёт!..

Уни ётқизиб қайтганида Салим огани кўрмади.

Биринчи марта улар бошқа-бошқа хоналарда тунашди... Эрталаб уйқудан турганларида ҳам сўрашиб гаплашмадилар. Аниқроғи, Салим ога ғира-ширада кийиниб, иккита отни эгарлатди. Кални ҳам ёнига олиб, қаёққадир чиқиб кетди. Шу кетганича кечқурун, қоронғи тушгандагина қайтиб келди. Салом-алик қилмай, дастурхонга ўтирди ва овқатини еди. Сўнгра меҳмонхонага ўтиб, Жаҳон хонимни ўша ерга чақирди. Лекин уларда гаплашмоққа мажол қолмаганди. Шу пайт булутдай тўлиб, қорайиб кетган Илёсбек кириб келди. Қалин қошлари тагидан қизига ва Салим огага назар ташлаши билан уларнинг уришиб қолганларини сизди.

— Нима бўлди, нега бунинг ранги ўчган?— дея Жаҳон хонимга ишора қилиб, Салим огадан сўради у.

Бу саволдан ҳам ўтиб тушадиган дўқ-пўписа эди. Бек худди кап-катта киши, оила бошлиғи билан эмас, ёш бола билан гаплашаётгандек эди. Ўзи ҳам бу болани боғдан ўрик ўғирлаётгани устида ушлаб олган ва ҳозир қулогини бураб, узиб олмоққа тайёрдек эди. Ҳақиқатан ҳам Илёсбек Салим огадан ниҳоятда шубҳаланар, ўғлининг жинни бўлишига ҳам уни айбдор деб ҳисоблар, унинг бир калима бўлса ҳам тўғри сўз айтиб, тўғри иш тутишидан шундай умидини узган эдики, унга фақатгина бир пайтлар тун ярмида гилам

ўғирлаб қўлга тушган одамга қарагандайгина қарар, муомала қиларди. Хусусан, сўнгги кунларда Салим огани кўрганида ҳам, у ҳақда ўйлаганида ҳам, дарҳол гилам ўғирлиги воқеаси кўз ўнгига келаверар эди. Унинг гидамларни ўғирлаб, секингина девордан опирмоқчи бўлганида Бобош киши сезиб қолиб, шовқин-сурон кўтариши, Салим оганинг ўғирликда қўлга тушиб ҳайдалиши эсига тушарди. Шуларни эслаганида юрак-бағрига ўт тушиб, ёна бошларди. «Қандай қилиб бу қонсираган итваччани уйимга киргиздим-а?!» — деб ўйлар ва бу саволига ҳеч жавоб топа олмасди.

Салим оганинг овоз чиқармаслиги уни баттар ғазаблантирди:

— Одамдан гап сўраганда жавоб бергувчи эди ёки сен гунг бўлганмисан?!

Салим оға ҳеч кимдан бу даҳшатли чолдан қўрққанидай қўрқмасди. Бу қўрқув унинг юрагига болалигидан кириб олган ва ўзи ўсгани сари қўрқув ҳам ўсиб, чуқур илдиз отиб кетган эди. Елкасида погони бор бошлиқлардан ҳам, приставлардан ҳам, ҳатто Вафодорнинг ўзидан ҳам Илёсбекдан қўрққанчалик қўрқмасди. Бу қўрқув унинг борлигининг, руҳининг бир бўлагига айланиб қолган эди. У билан гаплашганида ўзини йўқотмасликка, ичидаги қандайдир ипларнинг титрамаслигига ҳаракат қилар, лекин бунинг ҳеч иложи бўлмасди. Ҳозир ҳам унинг овозини эшитиши билан юрагидан бир нарса чирт-чирт узилгандай бўлди:

— Мен ҳам ҳайронман! — дея бурнига чивин кирган от каби бошини кўтариб четга қаради. Илёсбек қизига қараб:

— Нима гап ўтди, қизим? — дея сўради.

Жаҳон хоним Салим оғага бир қараб қўйди ва отасига ўгирилиб, лабларида кинояли табассум билан:

— Салим оға устимга хотин олармиш, дада!.. — деди.

Илёсбек кутилмаган хабардан шунчалик эсанкирадики, ўрнидан туриб яна қайта ўтирди:

— Номажқулни епти, тушини сувга айтсин! — деди. — Мард бўлса олиб кўрсин!..

— Сизнинг бешта хотинингиз бўлган! — деди Салим оға журъат билан. — Ҳар қайсисидан ҳам тўрт-

беш нафардан болангиз бор. Мен ҳам бола-чақа орттириб, ўзимдан кўпайсам дейман!

— Хоспўлат сенинг ўғлинг. Уни йигирма ўғилга алишмайман. Катта бўлса сенга ўхшаган юз кишига бас келади!— Илёсбек бирмунча завқ билан гапирди, айни замонда кўзларини юмиб очди. Қўлларини қовуштирди. Негадир яна тунда ўғирланган гиламлар эсига тушганди.

— Менга айтинглар-чи, Сафиқулибекка нима қилди?— У гапни бурди.

Бу гал Салим ога дарҳол жавоб қайтарди ва унинг бу жавоби уришаётганда тош олиб рақибининг бошига ургандан ҳам ёмон бўлди.

— Жинни бўлиб қолди...

— Нега? Нима сабабдан?— сўради Илёсбек.

— Сабабини худо билади!..

— Йўқ, худо билмайди, мен биламан!..— Илёсбек уни яна сиқув остига олди.—Сабаби сенсан! Сенинг номардлигинг, ношудлигинг!

Салим ога кўйлагининг ёқасини очиб, икки қўллаб кўкрагига ура бошлади:

— Ё худо. Мендан нима истайсизлар?! Мени тинч қўясизларми-йўқми?!

— Ўша кеча нима воқеа содир бўлди, айтмагунингча сени тинч қўймайман. Ўғлимнинг эшигига кимлар борди, девордан қандай ошишди, эшикни қандай қилиб очишди? Итлар ҳам сезмапти! Айвонга қандай қилиб чиқшди, хонага қандай қилиб киришди? Мана шуларни билмагунимча, мен тинчланмайман. Ўладиган кунимга бир соат қолган бўлса ҳам, бу сирни билишим керак. Ана ўшанда менинг қўлимдан қутулиш осон бўлмайди... Буни билиб қўй, Салим ога!

— Менга ноҳақ пўписа қилаверманг. Менда зарра гуноҳ йўқлигини худонинг ўзи кўриб турипти. Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ... Нимага асосланиб сиз менга бу гуноҳни қўясиз? Агар хабарим бўлганида ўзимни ханжар тигига дучор қилиб бўлса ҳам, Сафиқулибекни ёлғизлатиб қўймасдим! Худо урсин, каломулло урсин, ёлғизлатмасдим... Мен онт ичиб айтаманки, қўлим ҳам, юрагим ҳам топ-тоза!

Салим ога эндиликда қандай бўлмасин, Илёсбекнинг шубҳаларини тарқатишга, бу ишда гуноҳсиз бўлганига ишонтиришга аҳд қилган эди. Шунинг учун

ҳам илондай тилини чиқариб онт ичаркан, жони ҳалак эди.

Илёсбекнинг кўзи ўнгида эса, кечаси гилам кўтариб кетаётган ўғри гавдаланарди. Шунинг учун ҳам Салим оға:

— Худо урсин, менинг юрагим тоза!— дея кўкрагига урганида, — менинг қўлларим тоза, хиёнат қилган эмас!— дея икки қўлини жуфтлаб узатганида, Илёсбекнинг лаблари титраб кетди:

— Торт қўлингни!— деди у.— Кўзларимга суқма! Мен уларни гилам ўгриси деб биламан. Уларда Бош кишининг қонини кўраман!

Бу сўзни эшитиб, Салим оғанинг ранги оқариб кетди, ҳатто Жаҳон хоним ҳам ўзини тутолмай: «Дада!»— дея қичқириб юборди. Салим оға бўлса чолга ёпишиб кетди:

— Бобош кишининг ҳам, хотинининг ҳам қони менинг қўлимда эмас, сизнинг қўлингизда!.. Унинг ҳалол боғини, ҳалол уйини қўлидан тортиб олган — сиз! Мени унинг устига гижгизлаган ҳам — сиз! Унинг қони сизнинг қўлингизда. Қиёмат кунда унинг жавобини мен эмас, сиз берасиз!..

Салим оғанинг юраги шу қадар яраланган эдики, бу яра шундай чуқур эдики, бир зумда ҳамма нарсани, ҳатто Илёсбекнинг ваҳимасини ҳам унутиб, барча ўйлаганларини, юрагида йиғилиб қолганларини тили учига чиқаргани учун «гижгизлаш» сўзини юмшоқроқ сўз билан алмаштиришга ҳам интилмади.

Илёсбек ўрнидан турди:

— Яхши, ўз хоҳишингча гапиришни истамадингми, бу сирнинг тагига ўзим етаман. Ана шунда сен билан бошқача гаплашамиз!— деб хонадан чиқиб кетди.

Жаҳон хоним ўтирган жойида қотиб қолган, у на отасини, на Салим оғани тинчителишга ҳаракат қиларди. Салим оға бўлса:

— Қариган сари эсини йўқотяпти!— деди.

Жаҳон хонимнинг аччиги чиқди:

— Худо хайр берсин, бас қил! Бунақа гапларни гапиргандан кўра, маслаҳат бер, укамни тузатишнинг йўлини қидир!

— Менга уч кун муҳлат беринглар. Унинг эсини жойига келтириб қўяман!— Салим оға Жаҳон хоним-

нинг қўлини ушлади:— Жуда чарчаган кўринасан, ёт... Анави гапларимга ҳам аҳамият берма... Эсингдан чиқариб ташла...— деди.

Кўзлари жиққа ёшга тўлган Жаҳон хоним:

— Худо инсоф берсин сизга!— дея ётоқхонасига йўл олди.

## УН ИККИНЧИ ФАСЛ

### 1

Катта кўчанинг қоқ ўртасидан кесиб, уни иккига бўлиб турган Мойка деб аталмиш анҳорнинг усти эндигина музлай бошлаган эди. Бу — Нева дарёсига келиб қўшиладиган бир қанча ирмоқлардан биридир. Анҳорларнинг устида шаҳарнинг биносини қўйган одамнинг фикрининг кенглигига ва азаматлигига яраша катта кўприklar солингандай, соҳиллари ҳам фаросат билан қурилган, чиройли зиналар ва темирдан жимжимали қилиб ишланган панжаралар билан безатилган. Анҳорларнинг марказ кўчаларидан ўтган жойларидаги кўприklarнинг устида эса қудрат ва қаҳрамонлик рамзи бўлган, оёқларини юқори кўтарган отларнинг ва Геркулес каби қаҳрамонларнинг мис ҳайкаллари ўрнатилган.

Бизни қизиқтирувчи воқеалар содир бўлган пайтларда Мойканинг ҳар икки ёнида қад кўтарган учтўрт қаватли бинолар қатор тизилиб турарди. Бу уйлар сафдаги аскарларга ўхшаб, бир текис турган бўлишларига қарамай, ҳар бирининг ўз хусусияти, ўз ҳусни бор эди. Мана шу уйлардан бирининг иккинчи қаватида, кичкина хоналардан бирида, икки қаватли дераза олдида бир аёл ўтирарди. Унинг оппоқ, оёйишта сиймоси, хумор кўзлари қайғу ва маъюсликдан ўта ҳаёлпараст бўлиб кўринарди. Аёл ниманидир, кимнидир кутаётгандай диққат билан кўчага қараб турар, ташқаридаги манзараларни томоша қилиб ўтирарди. Бу аёл Ҳури хоним эди. Ҳаётнинг тўлқинлари уни янада оғир, янада мураккаб тўқнашувлар билан тўлиб-тошган Петербургга олиб келиб ташлаган эди. Шаҳарнинг унга тамомила ғайри табиий кўринган манзаралари ҳам жозибадор ҳамда сирли ва ваҳима-

ли эди... Бу ерга келганидан бери у ҳали кўк юзининг очилганини кўргани йўқ. Кул ранг, қора булутлар оғир қора пардалардай самони беркитиб, қуёш нурининг йўлини тўсиб, унинг ҳаётбахш зиёсига кишини зор қилиб қўйганди. Ҳозир ҳам ҳаво булут ва бўғиқ эди. Кечқурундан ёға бошлаган қор тиниш у ёқда турсин, соат сайин кучайиб, шиддатланиб борарди. Эрталабга яқин қаттиқ шамол туриб, қорбўрон бошланди. Ҳури ўз юртидан узоқлашган, номаълум йўлларга қадам қўйган кунидан бери гўё кўзлари дунёга, оламга бошқача қарай бошлади. Икки баравар ўтқир, ҳассос ва зийрак бўлиб қолганини ҳис этарди. У бир қарашда ҳамма нарсанинг шаклини эслаб қолишга, унинг нималигини ва қанақалигини билишга, қандай бўлмасин, хаёлининг теран жойларига тугиб қўйишга интиларди.

Шамол жуда беаёв ва қақшатқич эди. Нафасни ростлаб олишга имкон бермай, қудратли зарбалар билан ўзини деворларга урар, қор учқунларини ўқ каби учириб келиб, онда-сонда кўринган одамларнинг юзига қияламасига урарди. Одамлар, ҳар ким имкони кўтарганча иссиқроқ кийинишганди. Биров ичи юнг, иссиқ пўстинда, биров қалин пиймада эди. Биров қулоқларини, ҳатто пешана ва қошларини беркитадиган мўйнали папоқ, мўйнали пальтолар кийган, бирови эса эски, етмиш ямоқли пальтосини эғнига илиб олиб, бош-кўзини ҳам эски нарса билан ўраб-чирмаб олган эди. Ҳар замонда учрайдиган бу шахслар қаёққадир шошилар, шамолнинг ҳужумини кесиб ўтиб, олға интилар эдилар... Ҳолбуки, бир кунгина олдин бу кўча аста-секин юрган одамлар билан лиқ тўла эди. Унда қор сал осойишта ва хотиржамлик билан ёғар, тушгани ер тишлар ва қалин кўрпа бўлиб кўчаларга тўшаларди...

Бугун вазият ўзгарган эди. Шамол баъзи жойларнинг қорини супуриб олиб кетган, баъзи жойларда эса қор тепалар пайдо қилганди. Муюлишлар, ҳовли эшикларининг орқаси, уйларнинг шамолдан панада бўлган деразалари қор билан қопланганди. Иккинчи қаватдаги кичкина деразани ел тозалаб тургани учун у ердан ҳамма ёқни аниқ кўриш мумкин эди. Ҳури шу деразанинг рўпарасига ўтириб, нигорон кўзлари билан рўпарадаги уйларни, муз билан қопланган ан-

ҳорни ва кўчанинг бошқа манзараларини кўриб ўтирар, кимнидир кутарди. У, Наташанинг қайтишини ва мактабга бориб, Соҳибни олиб келишини кутарди. Унинг хаёлида дарс аллақачон тугаган, ўқитувчилар ва ўқувчилар тарқаб кетишган, Соҳиб бўлса танҳо ўзи кўчада, қорбўронда қолиб, нима қилишини билмай тургандай эди. Шундай пайтларда Ҳури зўравонлик қилиб мактабга борадиган йўлни ўрганиб олмаганига ўзини койирди. Неча йил олдин юрагига кирган ва ўшандан бери кетмайдиган нигоронлик, безовталиқ туйғуси ҳозир ҳам унга азоб бермоқда эди. Хаёлида Соҳиб кўзидан хиёл нари кетса, бошига мусибат тушадигандай туюларди. Бу шафқатсиз туйғу унинг юрагини ич-ичидан кемириб, терак баргидай титрашга мажбур қиларди. Ўзига тасалли беришга кўн ҳаракат қилар, таҳликалар ортида қолди, бундан кейин Соҳибга бахтсизлик ҳужум қилмайди, деб ўзини ишонтирарди. Юзлаб болалар мактабга ўзи бориб, ўзи келади, уларга ҳеч нарса қилмаганидан кейин, Соҳибга нима қиларди! Лекин бу мулоҳазалар қалбида мустаҳкам илдиз отган ўша андишани, ўша огир туйғуни, безовталиқ ҳиссини йўқота олмасди...

Қорли бўрон ҳам, совуқ қиш ҳам Ҳурининг безовталигини оширарди. «Эй худо, шунақаям қиш бўладими! Биз ҳам қиш кўрганмиз, бўрон кўрганмиз, лекин бунчалик беомон, бунчалик даҳшатлисини кўрмаганмиз!» деб ўйларди у. Дақиқа сайин кучга кириб бораётган тўфонга қарагани сари қор бўронининг кети кўринмайдигандай, тўфон ҳеч ҳам тўхтамайдигандай, пасайиб тинмайдигандай туюларди унга... Бу қора булутлар ҳеч қачон тарқамайдиганга, қуёш ўзининг илиқ нурлари билан энди уларни ҳеч қачон иситмайдиганга ўхшарди. Ҳурида илк бора ғариблиқ туйғусини уйғотган ҳам шу: қуёш соғинчи, яшил бедалари, кўм-кўк бугдойзорлари кўзни қувонтирадиган тупроқ соғинчи эди! Кузда ҳам, қишда ҳам тез-тез очилиб, нур сочадиган мовий осмон соғинчи эди... Лекин ўша осмон остида кўрган мусибатларини эслганида, ечилмаган тугунлар, бир ёқлик бўлмаган зиддиятлар, қонни, иликни музлатувчи адоватлар ва бу адоватлар туфайли пайдо бўлган ғазали туйғулар эсига тушганида, бу туйғуларнинг ҳар он, ҳар дақиқа оловланишга, минг бор фалокат тарқатишга ҳозир

турганини эслаганида: «Ўша мусибатлардан, ўша гина-кудуратдан, ўша ваҳший туйгулардан узоқ бўлиш учун шу изғирин, шу совуқ, шу бўронга чидаганимиз маъқул!»— деб ўйларди... Шунга қарамай, хаёли уни баъзан шундай узоқларга олиб кетардики, олдида турган кўчани кўрмай қоларди. Дераза ортидаги манзараларни туман чулғаб оларди. Кузда қуриб қолган чўллар, сиркон буталари билан қопланган текисликлар, бу текисликларда ёйилган қўй сурувлари, кўз очиб кўрган юртининг об-ҳавоси, осмони, тупроғи, юлдузлари ва одамлари кўз ўнгида жонланарди... Албатта, Райҳон хонимни, Гулёноқни, Сакинани, Офарида хонимни, Идрисни, Жаъфарни, ниҳоят Вафодорни кўрарди. Ҳатто улар Ҳури билан гаплашиб, суҳбатлаша бошлардилар. У, Жаҳон хонимни, Салим оғани, Сафиқулибекни ҳам эслашга ҳаракат қиларди. Улар билан боглиқ бўлган хотиралар жуда аччиқ ва азобли эди. Уни ғайри ихтиёрий равишда ҳаяжонланишга, ҳатто овозини чиқариб гапиришга мажбур қиларди... Ўзи бўлса, буларнинг барчасини хаёлидан чиқариб ташлашга интиларди. Ҳофизасидан, хаёлидан ўчириб ташлашни истарди. «Қўй, ёмонликлар узоқ ўтмишда қолиб кетсин! Узоқда, чақирса овоз, юрса оёқ етмайдиган саҳроларнинг, ўтиб бўлмас тоғларнинг ортида қолсин!»

Кўпинча Ҳури бунга муваффақ ҳам бўларди. Ёмон ниятли, ёмон қалбли одамлар мутлақо йўқ, деб ўйлай олмаса ҳам, уларнинг хаёли таъсиридан ўзини қутқара оларди. Ҳатто улар Ҳурига баъзан эртакдай, хаёлнинг маҳсулидай бўлиб кўринарди. «Йўқ! Бундай одамлар бўлмаган, бўлмайди ҳам!— деб ўйларди у.— Бу бир туш эди, ёмон бир рўё эди, энди ўтиб кетди!» Айниқса, у Петербургга олиб келган йўлларни хаёлидан ўтказарди, фойтонларда ва фойтонга ўхшаган араваларда ҳафталарча йўл юрганини, қаерлардадир тунаганини, қанча-қанча ариқлар ва сойларни, чўллар ва водийларни босиб ўтганини эсларди, худди дунёнинг нариги чеккасига, эртакларда ҳикоя қилинадиган бир дунёга келиб қолгандай бўларди. Лекин кечаси кундузидан жуда-жуда узун бўлган, кундузлари қуёш кўринмайдиган, совуқ, қорли, изғиринли бир дунё уни меҳрибонлик ва ҳарорат билан кутиб олди. Унга иссиққина бошпана берди. Боласига пор-

лоқ келажак ваъда этарди. Ҳа, аввалига бу шаҳар Ҳурини эсанкиратди, албатта. Унинг кўз билан қамраб бўлмас даражада катталиги, улканлиги олдида ҳам лол қолган, ҳам қўрққан эди. Ўқдай тўғри, тош ётқизилган, кенг ва узундан-узоқ кўчалари, бу кўчалар бўйи ўнг қўлда ҳам, чап қўлда ҳам бир-бири билан ёнма-ён бир қаторда тизилиб турган ҳашаматли катта-катта иморатлари гўзал эди. Бу савлатни ва ҳашаматни, бу улугворлик ва гўзалликни сўз билан тасаввурга келтириб бўлмасди. Ҳурига бу шаҳар эмас, бир эртақдай, ҳатто эртақдан ҳам ортиқ, афсонадай туюларди. Бу афсонавий гўзалликка қарагани сари қарагиси келарди. Ҳури айниқса шунча кўп одамлар тўпланиб, битта шаҳарда яшаётганларига ҳайрон қоларди. Кўчаларни тўлдирган бу одамлар нима иш билан шуғулланадилар, нима билан ва қандай кун кечирадилар, ишлари, ҳунарлари нима экан? Ҳури буни билмасди ва шунинг учун ҳам шаҳар унга сирларга тўла тилсимдай таъсир қиларди. Қандайдир ички бир туйғу эса бу тилсимга тушиш осон, чиқиш қийин, дерди.

Табиийки, бу ўй ва хаёллар ўз тақдири борасидаги фикрлар билан қоришиб кетарди: «Мен бу ерга қандай келиб қолдим. Қайси тўлқин мени бу ерга олиб келиб ташлади! Тақдирнинг ҳукми шундай экан шекилли!»

Улим ҳақдир азал кундан,  
Бу не жанг эди дунёда?!  
Толедан ким бошини  
Олиб қочолди дунёда?!

Халқ оғзидан эшитган бу қўшиқни хиргойи қиларкан, қиз боланинг жаранглаган, қувноқ овози унинг хаёлини бўлди:

— Ҳури опа, яна ўзингиз билан ўзингиз гаплаш-япсизми??

Ҳури дарҳол орқасига ўгирилди. Остонада йигирма-йигирма бир ёшлар чамасидаги, ўрта бўйли қиз турарди. Унинг ёз тонгида бўладиган осмондай тиниқ, теран, мовий кўзлари ҳамиша чақнаб кулиб турар ва Ҳурига хуш ёқарди. У билан гаплашганида Ҳури

ҳарчанд ҳаракат қилса ҳам, кўзини кўзидан уза олмасди.

— Келдингизми, Наташа?— дея нигоронлик билан унга тикилди.— Бугун кеч қолдингизми?

— Дарсдан кейин бир жойга борадиган бўлиб қолдим!— Наташа остонадан ичкари кирди, энгашиб, девордаги кичкина кўзгуда бир лаҳза ўзига қаради, ингичка, нозик баданига ёпишиб турган оқ бантли қора кўйлагини силаб қўйди. Бошига чамбарак қилиб қўйган икки ўрим сочини ечди, Ҳурига яқинлашиб, уни ўпиб қўйди.

— Ҳеч ташвиш тортманг, ҳали вақт бор, кечикмайман.

— Сизни ҳам қийнаб қўядиган бўлдик,— дея Ҳури ўрнидан турди-да, Наташанинг сочларини тўғрилаб қўйди. Наташа бу иззат-эътибордан ҳузур қилиб, бу сафар Ҳурининг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди-да, кўзларига тикилиб:

— Бу мени қийнамайди, хурсанд қилади!— де-ди.— Соҳиб шундай ажойиб болаки, унинг сўзларига ҳеч тўймайди киши. Олдимга солиб келаётганимда, йўлда кўрган одам тўхтаб, уни гапга солади ва менга ҳайрат билан қарайди. Йўловчилар уни менинг ўғлим деб ўйлашади. Бугдой ранги, қоп-қора қош-кўзи бу ернинг одамларини ҳайрон қолдиради. Сал-пал бизнинг Пушкинимизга ҳам ўхшаб кетади...

Барча оналарга ўхшаб, ўғлининг таърифини бошқалар оғзидан эшитганида Ҳурининг кўнгли тоғдай кўтариларди. Наташанинг гапларида эса, гайри оддий бир меҳр ва самимият бор эди. Дарҳақиқат, қиз Соҳибни ич-ичидан, астойдил яхши кўрар эди. У билан ҳам ҳазиллашар, ўйнар, ҳам жиддий машғул бўларди.

— Биласизми, у жуда тиниқ фикрли, жасур бола. Рус тилини яқинда ўрганганига қарамай, ўзини эркин тутади. Савол-жавоб қилаверади. Сал янглишиб бўлса ҳам, ўз фикрини баён этишга интилади. Бошқа дарсларда ҳам шундай. Бу фақат менинг фикримгина эмас. Ўқитувчилар билан гаплашиб кўрган эдим, синфда ҳам шунақа экан. Бир йилми, олти ойми ўтар-ўтмас тилни яхши ўрганиб олади...

Наташа Соҳиб тўғрисида гапирганида ҳамма нарсани унутар, болаларга хос севинч ва ҳарорат билан

унинг ҳаракатларига тақлид қилар, айрим рус сўзларини талаффуз қилганини эслаб, юракдан мириқиб куларди. Ҳозир ҳам ҳисларига эрк бериб гапирётган жойида Ҳурининг кўзларидаги нигоронликни кўриб, бирдан ўзини тўхтатди.

— Ҳўп, хўп, ҳозир кетаман!— дея хонадан чиқиб кетмоқчи бўлди, лекин остонада тўхтади, ниманидир унутмаслик учун шошиб:— Ҳури опа, мен ичкари кирганимда қандайдир қўшиқ айтаётган эдингиз, хизмат бўлмаса ўшани битта қогозга ёзиб берсангиз. Ўқитувчимиз жуда хурсанд бўларди-да...— деди.

Наташа кескин ва қувноқ ҳаракат билан хонадан чиқиб кетди. Ҳури яна қайтиб ўрнига ўтирди. Деразанинг терини артиб яна кўчага тикилди. Қор бўрони ҳамон давом этарди. Ҳамон кўчада яккам-дуккам одамлар кўринарди. Ана, бўйинини сариқ пальтосининг сариқ мўйна ёқаси билан беркитиб олган Наташа ҳам кўчага чиқди. Шамолнинг ҳужумини қайтариб, чопганича олдинга қараб кетди. Унинг юриши ҳам, ҳаракатлари ҳам нашъа билан, қувонч билан тўла эди. Унинг ҳаётга муҳаббати, некбинлиги Ҳурини мафтун қилган эди. У, русларнинг валенки деб аталган, тиззасигача етадиган иссиқ наमत оёқ кийимларида оҳудай чаққон-чаққон тепинар, шундай борардики, худди нозик, ингичка бадани ёйдай юмшоқ ва суяксиздай туюларди.

Ҳури Наташа билан Тифлисида танишган эди. Қиз Петербург университетининг Шарқ факультетида ўқиб, турк тилларини ўрганарди, турк адабиётлари соҳасида мутахассис бўлишга тайёрланарди. Учинчи курсга муваффақиятли ўтганди. Унинг тил ўрганиш борасида қобилияти кучли эди. Ҳали университетга кирмай туриб, немис тилини мукаммал ўрганиб олган эди. Қрим уруши ва Толстойнинг Севастополь ҳикоялари эса, унда Туркияга ва турк тилларига қизиқиш уйғотганди. Шунинг учун ҳам ўрта маълумотли бўлиши биланоқ бир амаллаб олий ўқув юртига кириб олди. Биринчи йилнинг ўзидаёқ аълочи талабалар қаторида ном чиқарди. Ҳозир турк тилидаги китобларни ўқиб, мазмунига тушуна оларди. Ҳатто шу тилда гаплашарди. Наташанинг туркий тилда гаплашадиган халқларнинг тарихига, адабиёти ва фольклорига айниқса қизиқиб қараши табиий эди. Бу соҳада яхши мутахассис бў-

лишни орзу қиларди. Бу борада қалбининг теран жойида асраб юрган орзуси бор эдики, уни ҳали ҳеч кимга билдирмасди.

Бу орзу келгусида университетда турк адабиётлари бўйича муаллим бўлишдан иборат эди. Наташа ақлли, тушунган қиз эди. Туркий тилларни фақат китоблардан ўрганиш билан кифояланишни истамасди. Бу тилда гаплашадиган халқларнинг ҳаёти ва одатлари билан таниш бўлиш, кундалик турмушида гаплашганларини эшитиш нақадар зарур ва фойдали эканини англади. Ўша пайтларда русларнинг ижтимоий муҳитида, матбуотида Кавказ ҳақида кўп гап-рилар ва ёзиларди.

У замоннинг зулм ва истибдодга чексиз нафрат билан қарайдиган ҳаёлпараст рус талабалари учун Кавказ бир нав озода ҳаёт, озода тушунча бешиги эди. Кавказдаги ҳодисалар, Пушкиннинг, Лермонтовнинг, Грибоедовнинг, Бестужев-Марлинскийнинг бу ўлкада кечирган ҳаёти, бу ўлкага бағишлаб ёзган асарлари Кавказ пиёда полкининг Русияга қайтган офицер ва солдатларининг ўз оилаларида, ошна-оғайнилари дарахларида гапириб бorgan эсдаликлари, экзотик рангларга бўялган афсонавий ривоятлар, ниҳоят бир қатор тарихчи ва сайёҳларнинг йўл хотиралари рус талабаларининг Кавказга бўлган қизиқишини янада орттирар эди. Чунки мазкур асарлар ва хотиралар Кавказ аҳолисига, ўз мустақиллигини ва озодлигини сақлаб қолиш учун ўн йиллар давомида чор ҳукуматига қарши қаҳрамонларча кураш олиб бorgan тоғликларга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат билан тўла эди. Чор маҳкамаларининг бутун имтиёзлардан маҳрум этилган бир қанча декабрист офицерлари Ермоловнинг ва Барятинскийнинг қўшинларига оддий аскар қилиб ўтказилган эди. Кавказ халқининг чоризм сиёсатида қарши кураши уларнинг кўнгилдаги иш эканлиги табиий эди. Бу ўлканинг фусункор табиати, ёқимли иқлими, Шимолдан келганларга экзотик бўлиб кўринган халқ одатлари, антиқа кийимлари, мазали овқатлари, юракка севинч бахш этадиган сарин булоқлари, муздек шарбат ва шароблари саёҳатни яхши кўрадиган, саёҳат қийинчилигидан қўрқмайдиган ёшларни тилсимдай ўзига тортар, уларда Кавказда бўлиш, Кавказни кўриш истагини уйғотарди. Бу ўлкада туркий тилда

сўзлашадиган бир халқнинг — озарбайжонликларнинг яшашини, Лермонтовнинг ёзганига қараб, бу тилнинг Кавказда француз тили каби интернационал бир тил эканлигини билган Наташа қандай бўлса ҳам, Кавказга боришга қарор қилди. Бу қарорини эшитган онаси Евдокия Ивановнанинг кўзи қинидан чиқиб кетай деди:

— Эсингни ебсан! — деди у. — Ўлсам ҳам сени кўздан қочирмайман!..

Евдокиянинг шундай дейишга ҳаққи бор эди. Ҳозир унинг барча орзу-умидлари Наташа билан боғлиқ эди. Унинг эрини, яъни Наташанинг отасини халқчилик ҳаракатида фаол қатнашгани учун қамоққа олиб, уч йил Петропавловск зиндонида асрашган, ундан кейин эса Сибирга, каторга жазосига маҳкум этгандилар. Жисмоний жиҳатдан нозик, касалманд бўлган бу одам у ерга етмасдан, йўлдаёқ ҳалок бўлганди. Евдокия бор умидини ўғли Николай ва қизи Наташага боғлаган эди. Лекин тез орада, Николайнинг ҳам халқчилик ҳаракатида иштирок этгани маълум бўлиб қолди... Уни ҳам ушлаб, бир қанча муддат қамоқда асрашди, кейин эса ҳарбий хизмат баҳонаси билан бу ерлардан узоқлаштиришди. Ана шунда Евдокия амакиваччаси Ивановга ёрдам сўраб мурожаат этди. Бизга маълумки, Ивановнинг боши ҳам балога дучор бўлган эди. У ҳам ҳукумат кўзи олдида шубҳали бўлганлиги туфайли умрининг бир неча йилини Сибирда ўтказган эди. Ҳозир ҳам наинки Петербургда, ҳатто Москвада ёки Русиянинг бошқа бирон шаҳарида ҳам ишлашга рухсат бермай, уни Кавказга жўнатгандилар. Евдокия ҳам, қизи ва ўғли ҳам расмий доираларнинг назарида бу — сургунга тенг нарса эканини яхши билишарди. Чунки чор ҳукумати кўпинча Русияда эътибордан қолган одамларни синов тариқасида Кавказга юборарди. Аслида эса бу ўзига хос сургун эди. Чунки бу хилда юборилганлар фақатгина тор доирага мансуб бўлганлар томонидангина таъқиб қилинарди. Оддий хизматчилар, ерли аҳоли эса унинг юмшоқ табиатига, қадам олишига ва лаёқатига қараб янада ортиқ ҳурмат қиларди. Ҳар қалай, Кавказда Иван Иванович катта ҳурмат қозонганлигини Евдокия эшитган эди. Ўғлининг ҳам ўша ерга юборилганини эшитганида бирмунча хотиржам бўлган, амакиваччаси номига

хат ёзиб, Николайни ўз паноҳи остига олишини илтимос қилган эди... Шу йўл билан Петербургда танҳо ўзи қолган Евдокия, эндиликда бутун умидини Наташага қаратган, унинг яхши ўқиётганини, қўлга киритган муваффақиятларини кўриб, келажак ҳақида ширин хаёлларга бериларди: Наташа университетни яхши битиради, яхши бир мутахассис бўлиб, сиёсатдан, уруш-жанжалдан узоқда, ўқитувчилик билан машғул бўлади, яхши бир одамга турмушга чиқиб, оила қуради, невара-аваралар билан Евдокияни севинтиради!

Евдокия Ивановна қизининг шундай тинч, роҳат-фароғатда ҳаёт кечиришини хаёл қилиб юрган бир пайтда, унинг бирданига Кавказга кетиш орзусига тушиб қолганини эшитиб, эътироз билдирди:

— Кавказ қайда-ю сен қайда! Дунёнинг нариги чеккасида сенга нима бор?! Йўл азобига дош беролмайсан. Касал бўлиб, бошингга минг хил бало ортирасан. У ёқнинг одамлари ҳам ғалати бўлади, дейишади. Сенга ўхшаган қизларни тириклайин еб қўйишади. Йўқ, кетишингга йўл қўймайман!..

Наташа онасининг бу далилларини кулги ва қаҳ-қаҳа билан қарши олди, унинг ташвиши, андишаси асоссиз эканини тушунтирди:

— Ойижон,— деди у,— у ернинг одамлари ҳам худди бизга ўхшайди, яхшиси ҳам бор, ёмони ҳам бор. Сизни ишонтириб айтаманки, улар одамхўр эмас. Уларнинг ҳаммаси ҳам ёмон бўлганида, Пушкиннинг Кавказ ҳақидаги шеърлари яратилмаган бўларди!..

Наташа қароридан қайтмади. Кечаси-ю кундузи онасига тушунтиришга ҳаракат қилди. Қизининг қароридан қайтмаслигини кўрган она уни олиб қолишнинг бошқа йўлини қидирди:

— Мен билмайман,— деди у,— аканг бор, отанг ўрнида бўлган амакинг бор. (Евдокия ўз амакиваччасини болаларига ҳам амаки деб биларди). Ўзи ҳам ўша ерда яхши бошлиқ ҳисобланарди, ёзиб кўрчи, маслаҳат беришадими-йўқми, кўрамиз!

Она ўғли ҳам, Иван Иванович ҳам бу ишга эътироз билдиришади, ўз хатлари билан Наташани бу фикридан қайтаришади, деб қаттиқ ишонарди. Наташа бўлса, бутунлай бошқа умидда эканлиги учун, ҳам амакисига, ҳам акасига хат ёзиб, маслаҳат ва розилик сўради. Уларнинг иккаласи ҳам унинг фикрини

маъқуллаб, ёзги таътилда кутажакларини ёзишганда Наташанинг мавқеи мустақкамланди, ноилож қолган она ҳам розилик берди. Наташа йўлга чиқди. У Тифлисда, амакисининг уйида дам олди. Акасининг тоғлардаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётганлиги шу ерга келганида маълум бўлди. Амакисининг ёрдами билан ижозат олиб, унинг олдига борди, ҳатто у ерда икки кун меҳмон бўлди. Қайтиб келганидан кейин эса, асосий мақсади йўлида ишлай бошлади. Озарбайжонликлар билан учрашиб суҳбатлашар, фольклор билан қизиқарди, халқ қўшиқларини ёзиб оларди. Худди мана шу ерда Ҳури билан унинг ҳаёт йўли бирлашди...

Ҳури билан Соҳибни, Мирза Фатали билан Ивановни Қозоҳдан олиб келган икки файтон Тифлисга кириб келганида, биринчи файтончи отларнинг жиловисаволга жавоб топиб қўйган Иванов Мирза Фаталига ўтирганларга мурожаат қилди:

— Энди қаерга олиб борай, оға?

Олдиндан вазиятни ўлчаб, ўзича хулоса чиқариб, саволга жавоб топиб қўйган Иванов, Мирза Фаталига қараб:

— Бизникига олиб кетишга ижозат берсангиз!— деди.— Ҳури хоним Наташа билан қолади. Ҳам савоб, ҳам фойдали бўлади. Бу унга турк тилини, у ҳам бунга рус тилини ўргатади...

Мирза Фатали эътироз билдирмади, бошқа таклиф дўстининг кўнглига оғир ботишини ўйлаб, розилик билдирди ва файтондан тушиб Ҳури хонимга яқинлашди. Бу таклифни унга маълум қилиб, розилигини сўради.

— Сиз айтганча бўлсин!— деди у.— Сиз нима маслаҳат берсангиз, мен шунга розиман.

— Менинг маслаҳатим шу!— дея Мирза Фатали ўз ўрнига қайтди.

Наташа биринчи учрашувдаёқ Ҳурига ёқиб қолди. Унинг турк лаҳжаси билан бўлса-да, озарбайжонча гаплашгани Ҳури учун катта бахт эди. Қоронғи ва номаълум келажак рўпарасида, минг хил ҳаяжон ва изтироб ичида мутлақо нотаниш шаҳарда қўйган илк қадами тасодифан шундай муваффақиятли бўлганини у яхшилиқдан далолат деб қувонди, келажакка қатъий умид билан қарай бошлади. Наташа худди

эски танишлардай унга ҳам, Соҳибга ҳам меҳрибонлик кўрсатар, самимий ва оддий муомалада бўларди. Наташанинг амакиси билан ниҳоятда эркин ва меҳрибонлик билан гаплашганига, унинг олдида ёш боладай эркаланганига, амакисининг ҳам унинг эркаланишидан завқ олишига диққат қиларкан, Вафодор билан Сакинани эслади. Юрагида диний тасаввурлардан, этник ва миллий мансубият туйғуларидан ҳамиша устун турган, янада қадим ва янада инсонийлик туйғулари порлаб нур сочди: «Хоҳ мусулмон, хоҳ христиан бўлсин, инсон ҳамма ерда инсон!» — деб ўйлади у.

Иванов Тифлиснинг марказий кўчаларидан биринда икки қаватли бир уйда, икки хонали манзилда яшарди. Ҳури билан Соҳибни Наташага топшираркан, у:

— Марҳамат, Наташа, танишиб олгин-да, меҳмонларнинг хизматида бўл! — деди.

Наташа биринчи Соҳибга яқинлашди ва озарбайжон тилида:

— Хуш келибсизлар! — деб қўлини узатди. — Бундай меҳмонга жоним билан хизмат қиламан! — У Соҳибнинг қўлидан ўпди, сўнгра Ҳурига ўгирилди ва у билан ҳам ўпишиб кўришди. Бир қарашдаёқ уларни ёқтирди, юз-кўзидан уларнинг яхши тарбия кўрганларини сезгани билиниб турарди. Уларни дам олиш учун равонли катта айвонга олиб кирди. Юз-қўл ювадиган, дам оладиган жойларни кўрсатди. Ўзи нонушта ҳозирлаш билан машғул бўлди. Нонушта вақтида у Тифлис ҳақида, унинг одамлари, бозор, кўчалари ва тарихи ҳақида гаплашди. Ҳурига Озарбайжонни суриштириб саволлар берди, унинг сўзларини русчага таржима қилиб, амакисига тушунтирди. Нонуштадан кейин Ҳурига:

— Истасангиз кийининг, шаҳар айланиб келамиз... — деди.

— Ойижоң, бора қолайлик! — Ҳурининг тараддудланганини кўрган Соҳиб унинг қўлига ёпишди. Улар кийинаркан, Наташа амакиси билан тик оёқда нима ҳақидадир узоқ гаплашди. Тилларига тушунмаса ҳам, олдиниға Наташа ўзларини суриштирганини ҳис этди. Кетидан худди баҳслашгандай бўлишди. Чунки Иванов нима деса Наташа унинг сўзини бўлиб, эътироз билдирарди. Ниҳоят, унга бармоғи билан таҳдид қи-

либ, бу ёнға қайтди, Соҳибнинг қўлидан ушлади, Ҳурига қараб:

— Кетдик,— деди.

Улар Тифлиснинг файтонлар ва турли хил одамлар ғимирлаб юрган катта кўчасига чиқдилар. Наташа шаҳар ҳақида маълумот бермай: «Амаким кечаси уйда ётмайман деяпти,— деди,— сизни безовта қилишдан истиҳола қияпти. Мен «Ўз хонангизда ётаверинг, биз бир жойда ётамиз» десам ҳам унамади».

— Сизларни жуда безовта қиялпмиз-да!— деб Ҳури афсусланган эди, Наташа уни тинчлантирди:

— Нега энди безовта бўлар эканмиз, хона кенг бўлса... Битта ўртоғиникига бормоқчи... Шуниси тузук, дейди. Сиз сиқилиб қолманг, деб қўрқяпти.

— Битта жой топилса сизларни қийнамай кўчиб кетардик.

— Қаёқда кўчиб кетар экансиз?! Сизни ўзим билан Петербургга олиб кетмоқчиман,— деди Наташа ва Соҳибдан:

— Борасанми?— дея сўради.

— Бораман!— дадил жавоб берди бола. Наташа ҳам, она ҳам кулди.

Шаҳарнинг уйларини, боғларини, кўчаларини томоша қилгани сари, Ҳури ичидаги қандайдир огир туйгуларнинг эриб кетаётганини, қалби, руҳи енгиллашиб бораётганини ҳис этарди. Наташа бўлса тиним билмасди. Уларнинг диққатини гоҳо у, гоҳо бу манзарага жалб қилар, шошилмай тушунтирар, маълумот берар эди... У гапиргани сари Ҳурининг назарида шаҳар устига ёпилган сирли парда кўтарилаётгандай бўларди... Номи кеча-кундуз тиллардан тушмаган Ноибнинг саройи, жонишинлик жойлашган Тифлис шу экан-да! Таърифи тилларда дoston бўлган шаҳар! Кўчаларни кезаркан, шаҳарнинг гўзал манзараларини томоша қиларкан, одамларнинг мулойим ва меҳрибон юзларини, очиқ ва ёрқин пешаналарини кўриб, нафасларини яқиндан сезаркан, Ҳури ўзида уларга қандайдир яқинлик ҳис қиларди!

Шу аҳволда Ҳури Наташа ва кичкина Соҳиб билан бир неча кун Тифлисни айланиб юрди, бир манзилда яшади. Шаҳарга келганларидан икки кун кейин, Мирза Фатали Иванов билан бирга келиб, улардан хабар олди ва жонишинликдагилар Ҳурининг

марҳум эри ким эканлигини эшитганидан кейин, ниҳоятда қизиқиб қолганларини, улар борасида ҳатто Петербургга ҳам хабар берганларини маълум қилди. Ҳозир юқоридан буйруқ кутилмоқда эди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Иванов уларни Наташа билан биргаликда жонишинликка олиб борди. Катта деразаларига зар пардалар осилган, зар ипак газламалар билан безатилган, суянциғи жимжимали курсилар турган катта хонада, елкаси зар погонли, олифтанамо кийинган рус офицери Ҳурини меҳрибонлик билан қабул қилди. Мирза Фатали ҳам шу ерда эди. У офицернинг сўзларини таржима қилиб, Ҳурига етказар ва Ҳурининг жавобларини унга тушунтирарди. Офицер Петербург марҳум Муҳаммад Ризобекнинг хотини ва ўғлини зўр мамнуният билан қабул қилиб, давлат ҳисобига ўқитишга тайёр эканлигини, ишончли бир одам билан уларни йўлга солиш тўғрисида топшириқ олганини билдирди...

— Бу таклифга сиз қандай қарайсиз?— деб сўраган офицерга Ҳури дабдурустдан жавоб беролмай қолди: бу менинг кўпдан бери кутган орзум, марҳумнинг васияти ҳам шу эди, деб айта олмади. Ҳурининг хаёлида Мирза Фаталидан ижозатсиз, унинг маслаҳатини олмай туриб жавоб бериш — одобсизлик ва нонкўрлик бўладигандай туюлди. Оғир кунда унга ота-лик қилган, бош бўлган одам билан ҳамиша бамаслаҳат иш қилишни ўзининг бурчи деб билгани учун:

— Сиз нима дейсиз?— деб Мирза Фаталидан сўради.

Соҳибдай болаларни Русиянинг ичкарасига обориб ўқитишдан чор ҳукумати нима манфаат кўзлаганини Мирза Фатали яхши биларди. Уларни ўз истакларига биноан монархистлик руҳида тарбиялаб, сўнг ўз юртарига қайтариш билан мустамлакачилик сиёсатининг маҳаллий таянчларини тайёрлашга ҳаракат қилаётганини ҳам биларди. Лекин Мирза Фатали ўқиш ва илм — ёруғлик ва қудрат эканлигини ҳам яхши биларди. Россия марказидаги мактабларни бизнинг муллахона ва мадрасалар билан таққослаб бўлмасди, у ерда болаларга хурофот билан бир қаторда дунёвий билимларни ҳам ўргатардилар. Рус маърифатпарварлари ва зиёлилари орасида қудратли куч бунёда келган эди, улар илмни монархияга эмас, халққа хиз-

мат қилдириш учун курашмоқда эдилар. Кавказдан ва бошқа юртлардан ўқиш мақсадида борганларга уларнинг таъсири кўпроқ ўтар, болалар уларнинг зулм ва истибдодга қарши олиб борган курашидан кўп нарсга ўрганишар, янада кўпроқ илҳомланиб, ватанларига қайтардилар. Мирза Фатали бутун қалби билан Соҳибнинг шундайлар қаторидан ўрин олишини орзу қиларди.

— Мен боришни маслаҳат бераман, қизим!— дея Ҳурининг кўнглини кўтариб қўйди у.— Болани боғриб, ўқитинг. Худо хоҳласа, яхши бўлади, пушаймон бўлишга ўрин қолмайди. Ўзи жуда яхши бола, бирор ҳунар орттирса, қайтиб келгач, халқига фойдаси тегади. Она-бола икковингиз ҳам Наташа хонимникида бўласизлар. Иванов билан гаплашдик, уйлари яхши экан. Буларникида турсангиз зерикмайсиз, ҳам у Соҳибнинг дарсларига ёрдамлашади!— Мирза Фатали савол назари билан Наташага қаради.

— Мен Ҳури хонимга, Соҳибга шундай ўрганиб қолдимки, уларни ҳеч ерга қўйвормоқчи эмасман!— деди Наташа.— Ундан ташқари, мен ҳам улардан тил ўрганмоқчиман. Озарбайжон эртаклари ва қўшиқларини эшитмоқчиман...

Шундай қилиб, тақдир Ҳурини ватанидан узоқларга, катта бир ўлканинг пойтахтига олиб келиб ташлади. Наташанинг онаси Евдокия Ивановна узоқ муддат кўзини йўлга тикиб қизини кутаркан, нигоронлик тортгани учун унинг соғ-саломат уйга қайтиб келганига жуда севинди, ўзини ҳам, меҳмонларни ҳам илиқ қарши олди. Ўтмишда крепостной қишлоқ қизи бўлган бу аёл, ҳаётда жуда кўп қийинчиликларга дуч келган эди. Диндор ва бир оз сергапроқ аёл эди. Лекин очиқ кўнгил ва раҳмдил бўлганлиги учун ҳеч кимга кек сақламас, дилида борини тили билан гапириб қўя қолар ва ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмасди. Йўлда келаётганларидаёқ Наташа онасининг сўзларини кўнглига яқин олиб, ранжимаслигини Ҳуридан илтимос қилган ва: «Нимадандир аччиқланиб турганини кўрсангиз, индаманг, токи у бир оз юрагини бўшатсин. Шундан кейин ўзи пушаймон бўлиб, гинани юрагингиздан чиқариб юборишг учун бошингиздан минг бор айланиб-ўргилади...»— деган эди. Бу гапларнинг нақадар тўғри эканини Ҳури биринчи ку-

ниёқ ҳис этди. Қизини етарлича ўпиб, эркалаб, меҳмонлари билан биргаликда едириб-ичириб, ўғли ҳақидаги хабарларни тўйиб эшитганидан кейин аёл кулранг шол рўмолини томоғи тагига қаттиқ-қаттиқ боғларкан, қошсиз ва киприксиз қўнғир кўзларини сузиб, Ҳурини, ундан кейин Соҳибни назаридан ўтказди. Уларнинг бу ерда яшаётган одамларга ўхшамаётганини гўё энди кўргандай, қаерлик ва ким эканликларини суриштирди. Наташа Ҳурининг бошига тушган савдони унга ҳикоя қилиб берганида, аёлнинг олдиниға кўзлари ёшланди, чўқиниб дуо ўқиди:

— Худонинг раҳми келсин сизларга!— деди ва бирданиға:— Басурманмисизлар?— деб сўради.

Бу саволни эшитиши билан Наташа қаҳқаҳа отиб кулди:

— Ойижон, басурман эмас, мусулмон!

— Биз эсимизни танибмизки, басурман деб эшитганмиз!— аёл қизининг эътирозини қабул қилмади. Лекин бу сўз унинг тилидан ниҳоятда табиий чиққан эди. Қасддан озор бериш учун айтилмаганидан, Ҳури унга ақамият бермади. Кўнглиға олиб хафа бўлмади, аксинча, ҳафиф бир табассум билан қарши олди. Ҳатто узоқ вақт катталарнинг гапига жимгина ўтириб қулоқ солган Соҳиб ҳам ҳузур қилиб кулди ва:

— Басурман...— деб такрорлади.

— Онамнинг қанчалик кулгили гапиришларини кўр,— дея Наташа унинг қўлидан ушлаб ўзига тортаркан, рус тилида: «Бу ёққа кел»,— деди. Соҳиб бориб қизнинг тиззасига суйкалган эди, Наташа Ҳури томонға ўгирилди, мовий кўзлари билан уни назардан кечирди. Ҳури бу кўзларда ҳаддан ташқари бир жиддийликни кўриб, нимадир демоқчи бўлганини ҳис этди ва ундан жуда ғалати сўзлар эшитди:

— Онамнинг мана шу биргина сўзиданоқ, чор истибдоди халқимизнинг онгини, ахлоқини, тилини бузишға, мажруҳ қилишға қанчалик ҳаракат қилаётганини сезиш мумкин...— деди у.

Ҳури бу сўзларнинг маъносига бутунлай тушуниб етмаса-да, уларнинг таҳликали, давлатға қарши қаратилганини англади. Наташанинг тилидан бу сўзларни эшитгани учун кўнглида маъюслик ва таассуф сизди. Шундай гўзал, шундай ақлли ва нозиккина қизнинг бундай сўзларни айтиш билан ўз ҳаётини таҳлика ос-

тига қўйишини истамасди. Лекин бу фикрини айтиш билан унинг кўнглини огритиб қўйиши мумкинлигини ўйлаб, индамади. Она эса Ҳурининг тарихига оид бир неча савол берганидан кейин, олган жавобларидан таъсирланиб:

— Мен бечора энди нима қилай,— деди,— буларнинг дардини тортайинми, ўз дардимни тортайинми?! Худо Ваняга инсоф берсин, қаерга борса, ўша ердан менинг бошимга тўртта-бешта дардкашни топиб юборади...

— Қўйсангиз-чи, ойи!— Наташа кескинлик билан унинг сўзини бўлди.— Буларнинг ҳеч қандай дарди йўқ, ҳукумат ҳисобига ҳаёт кечиришади...

— Ҳеч қандай дарди йўқ?!— бир оз қизишди аёл.— Танимаган, билмаган жойда мен уларни ўз ҳолларига ташлаб қўя оламанми?! Ўзинг, буларнинг жойи иссиқ бўлади деб айтдинг, бизнинг ерларнинг қишидан ўзларини қандай асраш кераклигини булар қаердан билишсин?! Мен ҳаммасини ўргатишим керак, чиқиб бурун-қулоқларини совуққа олдирсалар худо гуноҳимни кечирмайди... Эртагаёқ бозорга чиқиб, мана бу болага тузуккина битта пўстин олишим керак. Сен олиб келган пальто ҳеч нарсага арзимайди. Бола зотилжам бўлиб қолиши мумкин. Кейин Ванянинг олдида уятли бўлиб қоламан...

— Вой, ойижоним-ей, келинг, шу гапингизга битта ўпиб қўяй!— Наташа уни бўйнидан қучди. У бўлса, қизининг қўлидан қутулиб чиқди-да, бурчакдаги санамнинг олдида борди, дуо ўқиб, бир неча марта чўқиниб олди...

## 2

Изғирин ҳамон давом этарди. Кўчаларни, майдонларни қор босганди. Эшик олдини, серқатнов йўллар ва кўчаларнинг қорини супуриб олишнинг ҳеч иложи бўлмасди. Лекин одамлар қишдан енгилишни истамасдилар. Ҳури дераза олдига ўтириб, юнг кўйлак тўқиркан, ташқарига қараб-қараб қўяр, кўчанинг нариги юзидаги супурувчилар ва кўча тозаловчиларнинг ғайрат билан ишлаётганликларини кўрарди. Улар кучли изғирин тинмаганига қарамай, қорни супуришар ва олиб келиб анҳорга ташлашар ёки оёқ босил-

майдиған бурчакка ёки кўчанинг бир четига тўплардилар. Топталган ерларда яхлаган қорни тозалаш янада қийин бўларди. Лекин улар қайтмасдан, ўжарлик билан тошдай қаттиқ музларни синдириб, келаётган-кетаётганларга йўл очардилар... Уларнинг бу ўжарлиги, бу заҳмати Ҳурини ўйлантириб қўярди: «Қорбўрон билан ҳам олишиб бўлар экан! Изғиринга қарши ҳам туриб бўлар экан! Инсон қўли шундоқ катта шаҳарнинг кўчаларини кунлар ва ҳафталар давомида тинмай ёғиб турган қордан тозалаб олганини кўринг! Шундай бўлмаса ҳаёт тўхтаб қолади... Ҳамма нарса тинади!..»

— Ҳури хоним, мен кетдим!— Евдокия Ивановна қалин кийиниб, юз-кўзини шол рўмол билан ўрагани ҳолда остонадан бу томонга қаради.— Мен ул-бул топиб келай. Нонуштага бирор нарса пиширармиз. Бизга-ку, бало ҳам урмайди, лекин болани иссиқ овқатсиз қўйиб бўлмас...

Ҳури дарҳол қўлидаги ишини йиғиштириб, ўрнидан турди.

— Евдокия Ивановна, мен ҳам сиз билан бораман!— деди.

— Отимни ҳам, отамнинг отини ҳам билиб олибсан!— деб кулди аёл.— Жуда зийрак экансан... Совуқдан қўрқмайсанми? Иссиқроқ кийин!

Ҳури устидаги кўйлагини ўз юртида эканида тўқиб қўйган юнг кўйлаги билан алмаштирди, юнг пайпоқ кийди. Пальтосини ва ичи жунли оёқ кийимларини олиб чиққан эди, Евдокия Ивановна қўймади:

— Шу ҳасратда чиқармайман!— деди.— Ўзингни совуққа олдириб қўясан. Наташанинг пўстини билан пиймасини кийиб ол. Иккалангизнинг бўй-бастингиз бир, қош-кўзинг бунақа бўлмаганида ҳамма сизларни эгачи-сингил деб ўйлаган бўларди. Унинг кийимлари худди сенга ўлчаб тикилгандай. Унга ярашган нарса сенга ҳам ярашади... Қани, мусулмон қизим, кетдик!..

Аёл Ҳури билан онадай муомала қилар, онадай йўл-йўриқ кўрсатар, «буни кий, буни кийма» деб эътироз қабул қилмайдиган оҳанг билан гапирарди. Унинг бундай амрли овози меҳр билан, ҳассос аёл навозиши билан тўла бўлганлигидан Ҳурига хуш ёқибгина қолмай, қалбини эритиб юборарди. Ахир,

онасининг меҳрибон овози, унинг ғамхўрлиги ҳанузгача юрагининг теран жойида яшарди-да. Ҳури ўзи она бўлса ҳам, ғам-ташвишлар ичида балогатга етган бўлса ҳам, она меҳрини, ота ва эр муҳаббатининг ширинлигини унутмаган эди. Ҳозир у ёшликнинг, аёл ҳаётининг энг гўзал чоғига етган эди. Бу ёшда илиқ меҳрга эҳтиёж аёл юрагининг теран жойларида яшайди, ҳақиқий мунис, меҳрибон муносабат кўриши билан уйғониб, бош кўтаради... Мана шу ҳиснинг таъсирида у Евдокия Ивановнанинг эркин муомаласини ва самимий муносабатини жон-дили билан қабул қиларди. Унинг охириги сўзини эса назокат билан қарши олди:

— Сиз ҳам мусулмон сўзини тўғри талаффуз қилишни ўрганиб олибсиз-да, Евдокия Ивановна... Энди басурман демаяпсиз...

— Қандай қилай, сен бир ёқдан, Наташа иккинчи ёқдан ёпишишиб қўймадинглар-ку. Анави кичкина кўппакни айтмасам ҳам бўлади. Кулги кўтариб мени масхара қилганини кўрдинг-ку...

— Мен оғзимни очиб бир нарса демадим шекилли.— Ҳури унинг гапларидан хафа бўлмаганини кўрсатмоқчи бўлди.

— Тўғри, тилинг билан ҳеч нарса демадинг. Аммо қора кўзларинг сизларнинг ўша жануб кечаларингиз каби шундай қарадики, тўғрисини айтсам, қўрқиб кетдим! Бундай қарама, мендан ҳеч нарсани яшира олмайсан? Мен ҳамма нарсани кўраман!— Евдокия Ивановна фахр билан мақтаниб қўйди ва шу дақиқада овозини пасайтириб:— Менга ёқасан, яхши одамсан! Кўнглингга қаттиқ тегишни истамайман. Наташани хафа қиламан, лекин сени хафа қила олмайман,— деди.

— Ана, кўрдингизми, биттада ажратиб қўйдингиз!— Ҳури ўзига ҳам ғалати туюлган хурсандлик билан гапирди.— Бизни ҳамма масалада барабар кўришингизни истардим...

— Яхши, мени ўз сўзимдан тутмай кетимдан юр!— Евдокия Ивановна ўрнидан турди.

Катта ҳовлининг эшигидан кўчага чиққанларида уларга ҳужум қилган шамол Ҳурини учириб кетай деди. У дарвозанинг темир чивиқларига ёпишиб қолди.

Буни кўрган Евдокия Ивановна кулиб:

— Ҳечқиси йўқ.. Секин-секин кўникиб кетасан!— деди.— Кел, қўлингдан ушлаб олай.

— Йўқ, заҳмат чекманг. Мен сизга кўмаклашаман,— Ҳури шамолнинг илк зарбасини, изғириннинг илк ҳужумини енгди ва бундан руҳланди.

— Сизлар томонда бунақа қиш бўлмайди-да, а? Айтишларига қараганда, қор ҳам ёғмас эмиш.

— Жуда ҳам унчалик эмас. Бизда ҳам қиш бўлади. Лекин бунчалик қаттиқ бўлмайди. Қор уч кун-тўрт кун ёғади-ю, тинади.

— Ёз иссиқ бўлади дейишади.

— Тўғри, ёзимиз жуда иссиқ бўлади...

— Қандай қиламиз, одам ҳамма нарсага чидаши керак!— Евдокия Ивановна Ҳурининг қўлтигидаги қўлини қаттиқ-қаттиқ сиқиб, уни иситмоқчи бўлди.— Иссиқ бўладими, совуқ бўладими, барибир, яшаш керак. Яшашинг керак, вассалом! Мен оҳ-воҳ қилиб юрадиган одамларни ёқтирмайман. Сени нега яхши кўраман? Чунки сен бирон марта ҳам тақдирингдан шикоят қилмайсан. Тақдиринг эса унчалик енгил бўлмаган! Эҳ-ҳ, менинг бошимдан ўтганларни ҳикоя қилсам, дунёда сендан ҳам кўп мусибат чекканлар борлигини билардинг. Крепостнойликдан қутулгунимизча она сутим оғзимдан келган. Крепостнойлик нима эканини биласанми?!

— Наташа озроқ гапирган эди,— Ҳури атайлаб қисқа жавоб берди, унинг ҳаёт тарихи билан қизиққани учун фикридан қайтаришни истамай.

— Наташа нимани биларди? Ё у крепостнойликни кўриптими?! У фақатгина китоблардан ўқиган ва ундан-бундан эшитган, менга ўхшаб унинг бўйинини бўйинтуруқ яра қилмаган... Биласанми, қизим, бўйинида кўтарганинг бошқача, бировнинг бўйнида кўрганинг бошқача таъсир қилади. Ҳа, бўйинтуруқ мана шу бўйнимда бўлган. Ўзи ҳам бир йил эмас, икки йил эмас, узоқ йиллар, онадан туғилган кунимдан бошлаб...

Евдокия Ивановна ўз ҳаётини шошилмай, гам-ғуссага берилмай гапириб бермоқчи эди. Улар йиқилиб кетмаслик учун бир-бирларига қаттиқроқ қисилишиб, шамолнинг, изғириннинг ҳужумини қайтара-қайтара, аста-секин илгари кетардилар. Ҳурининг назарида мана шу изғирин ёши олтимидан ошган кекса рус аёли-

нинг ҳаётидаги изғиринни эслатгани учун унинг хотиралари бош кўтарган, унда гапиришга эҳтиёж уйғотгану, у нимадан гапиришни билмай тургандай туюлди...

— Кел, биз ҳам ҳаётимизда бир марта тайёр нарсадан еб кўрайлик!— Евдокия уни Нева проспектидаги кичкина қаҳвахонага олиб кирди. Ўтириб, қаҳва ва пирожний буюришди. Аёл гап бошлади...

Евдокия Ивановна Тула вилоятида крепостной оиласида туғилган эди. Ота-оналари умр бўйи мулкдорнинг ерини ишлаб, мулкдорнинг мол-ҳолини боқиб умр кечиришган. Ўзларига ўхшаб, уларнинг болалари ҳам бу мулкдорнинг крепостной ҳисобланарди. Уларнинг икки ўғил, бир қизлари бор эди. Ота-она ҳам, акалари ҳам қизни эъзозлардилар. У ҳам ёлғиз, ҳам оиланинг кенжаси эди. Ўзи ҳам ёши ўсгани сари гўзаллашиб борарди. Шунинг учун уни ўн-ўн икки ёшидан бошлаб, мулкдор Прохордан ва унинг руслар «холуй» деб атайдиган ниҳоятда шафқатсиз ва пасткаш навкарлари назаридан узоқроқда асрашарди. Улар кўриниши билан ота-она қизини пичан орқасига, баланд жавдар поялари орасига, латта-путталарнинг тагига яшириб қўярдилар. Қиз ўсиб, бутотида қизарган олма каби шираланиб гўзаллашгани сари, ота-она унга кўзга ташланадиган кийим кийдирмасликка ҳаракат қиладиган бўлишди. Унга эски ва кўримсиз, қизнинг рангини сиқиб қўядиган, кўкимтир ва эзилган бузилган кийимларни беришарди. Лекин гўзалликни яшириб бўлмайди. У ноёб тошга ўхшайди. Эллик дарахт<sup>1</sup> наридан нур сочиб туради. Эски ва нурсиз кўйлакда бўлса ҳам, қишлоқилар Евдокиянинг қанчалик гўзал келин бўлажagini кўрар ва ҳар қаерда унинг тўғрисида гапирардилар. Бу сўзлар Прохорнинг қулогига ҳам етиб борди. Бир марта у атайлаб Евдокиялар яшайдиган кулба олдидаги йўлдан юрди. Унинг овозини эшитган чол-кампир Евдокияни яшириб қўйиб, ҳовлига чиқишди-да, тройкада ўтирган семиз, қизғиш рангли Прохор олдида бош эгишди.

— Болаларинг қани?— деб сўради Прохор улардан.— Нега ҳовлига чиқишмади?

---

<sup>1</sup> Д а р а х т — бу ерда эски узунлик ўлчови бирлиги назарда тутилган.

— Болалар далага чиқиб кетишган,— деб дарҳол жавоб берди ота.

— Қизинг-чи?! Ахир сенинг қизинг ҳам бор эди шеклли?

— Ҳа, бой оға, бор... Қиз... қиз...— чол шошиб, сўз топа олмай қолди. Унга ҳозир ҳамма баҳоналари гайри табиийдек кўринди. Мулкдорнинг овозидан, туришидан, кўз қарашидан уни алдаб бўлмаслигини, нима деса ҳам ишонмаслигини, ёлғончилигини оқиб ташлаши ва калтаклаши мумкинлигини билди... Шунинг учун хотинига қараб, тутила-тутила:

— Евдокияни чақир,— деди.

Евдокия онаси билан қўрқа-писа ҳовлига чиққанида, Прохор шароб ҳиди анқиб турган қалин ва узун мўйловини қимирлатиб кулди:

— Беркитганинг тузук! Бундай қизни ҳаммага кўрсатиб бўлмайди!— деди ва отларининг жиловини қўйиб юборди-да, тройкани қишлоқ йўлига олиб чиқиб, қаёққадир чоптириб кетди.

Евдокия ўн саккизга кирганида кўзларидан ўт чақнайди, қадди-қомати келишган гўзал қизга айлانган эди. Шу вақтда у ўзига ўхшаган соғлом, ишчан ва абжир крепостной Иванни севиб қолди. Иван ҳам уни севарди. Улар ўзаро келишиб олганларидан кейин, ота-оналарига билдириб, турмуш қуришга ижозат сўрашди. Ота-она ва акалари хабардан қувониб, розилик беришди ва дарҳол мулкдор Прохорнинг олдига бориб, унинг ижозатини сўрашди. Чунки крепостнойликнинг энг чиркин қонунларидан бирига кўра, крепостной қиз ва йигит мулкдорнинг рухсатини олмай туриб на эрга тега олар ва на уйлана оларди. Прохор кечқурун, илк юлдузлар кўриниши билан Евдокияни ўз ҳузурига чақиртирди, келмаса тўйга рухсат бермаслигини айтди.

— Қари тулкининг мақсадига тушундингми?— сўради Евдокия Ҳуридан ва сўзида давом этди.— Буни эшитиб, менинг ҳам, Иваннинг ҳам тепа сочимиз тикка бўлди. Кексаларга ҳеч нарсга айтмай, пичан ғарами олдига келдик. Нима қилиш кераклигини ўйлай бошладик. Иван фикримни билиш учун:

— Сен нима дейсан?— деб сўради. Мен:

— Сўраб ўтирибсан-а! Унинг чўчқадай семириб, пих боғлаган вужудидан, ароқ, вино ҳиди келиб тур-

ган оғзидан жирканамаман. Тўғри кўнгилда гаплашгани ҳам бормаيمان. Унинг мақсади бўлса бошқа нарса!..— дедим.

— Иккаламиз биргаликда бориб оёғига йиқилсак, ялиниб-ёлворсак, ижозат берса зора!— деб таклиф этди Иван. Мен Иваннинг ҳолига тушунардим, нима қилсин, бахтимиз, саодатимиз мулкдорнинг қўлида эди-да. Қандай бўлмасин, унинг розилигини олишни, у билан алоқани бузмасликни истарди. Чунки, у Иваннинг ҳам, менинг ҳам ота-оналаримиз бошига қора кун солиши мумкин эди. «Иван, бу савдо битта сен билан менинг бошимиздагина эмас. Қанча-қанча ёшлар бориб унинг оёғига йиқилишганда нима нафи бўлганки, энди бўлса? Ўз ниятига етмагунича ижозат берадиган ваҳший эмас. У ўла қолса бизга шафқат қилмайди...»— дедим. «Хўш, нима қилайлик? Бўлмаса қочиб кетамиз!»— деди ноилож қолган Иван. Тўғриси яни айтсам, мен ҳам аллақачон шу қарорга келиб қўйган эдим. Фақат унга айтмаган эдим. Бу сўзни биринчи унинг оғзидан эшитмоқчи эдим. Чунки эркак зотининг феъли маълум. Келажакда бошига қийинчилик тушганида: «Қочамиз деб сен бошладинг!» деб миннат қилиши мумкин эди-да! Хуллас, мен рози бўлдим ва биз мулкдорнинг олдига бориш ўрнига, ҳамма нарсани йиғиштириб қўйиб, қочдик. Туни билан йўл юрдик. Эртасига битта қишлоқда, бошқа мулкдорга қарашли жойда таниш бир оила бизга бошпана берди. Бир неча кун ўша ерда яшадик. Бизни қидираётганларидан хабар топиб, у ердан ҳам қочдик. Лекин бу сафар қўлга тушдик. Крепостной қишлоқлик эканимизни билганидан кейин орқамизга қайтаришди. Прорхорга тутиб беришди.

Евдокия тўхтади. Бир қултум қаҳва ичиб нафасини ростлади ва сўзида давом этди:

— Ҳури хоним, бу ерда нималар бўлганини, бизга қанчалик зулм ўтказишганини сўз билан ифода қилиб бўлмайди! Прорхоримиз... анави бекларингизнинг оти нима эди?

— Илёсбек!— деди Ҳури.

— Ҳа, ўша Илёсбекларингиздан ваҳшийлик бора-сида бир мисқол ҳам қолишмасди, ортиқлиги бор, лекин камлиги йўқ эди. Биласанми, бизга нима қилди? Иван бечорани кўз ўнгимда шундай калтаклатдики,

аъзойи бадани мўматалоқ бўлиб кетди. Ҳушидан кетиб, мурдадек чўзилиб қолгандагина ўз ҳолига ташлаб қўйишди. Менга раҳм қилишди деб ўйлайсанми? Менга ҳам ўттиз дарра урдириб, уч кеча-кундуз сувсиз, ош-овқатсиз, қоронғи ертўлага қамаб қўйишди. Худо бизга соглом вужуд ато қилмаганида, иккимиз ҳам бу қийноқларга дош беролмаган бўлардик. Бошимиздан мана шундай балолар ўтган, Ҳури хоним... Ундан у ёғини Наташа гапирган бўлса керак. Эрим тинчиб ўтирмади, бориб халқчиларга қўшилди, қишлоқликларни оёққа тургизиб, чор ҳукуматини ағдарамиз, Русияда озодлик бўлади!— деди. Жуда яхши озодлик бўлди!.. Ҳаммасини ушлаб, ҳов анави, Неванинг нариги қиргоғидаги зиндонларни кўряпсанми, ўша ерга тиқишди. Баъзиларини мислсиз қийноқлар билан ўлдириб юборишди, қолганларини эса Сибирга сургун қилишди. Наташанинг дадаси ҳам Сибирга кетди. Мени болаларим билан ташлаб кетаверди. Болаларим ҳам мана шу ҳасратда... оталарига ўхшаб: «Чорни ағдарамиз!» деб юришипти. Яхшиямки, Иван бор, ўшаям бўлмаса мен буларга бас кела олмас эдим. Айниқса, Николайим тутганини кесади!

— Юрагим ғалати бўлиб кетди, Евдокия Ивановна. Бошингизга шунча ёмон балолар тушганмиди-а!— деди Ҳури унга қараб.

— Тур энди, кетайлик. Ҳасратлашиб анча енгил тортдик...

Ташқарига чиқишди. Гаплаша-гаплаша бозордан, дўкондан гўшт, картошка, пиёз ва бошқа озиқ-овқат харид қилдилар. Вақтнинг қандай ўтганини, совуқ ва изгиринни сезмай, орқага қайтдилар. Қорбўрон ҳам пасайиб, тиниб бормоқда эди.

— Ҳаво очилади!— Евдокия бошини кўтариб, осмонга қаради.— Кўряпсанми, булутлар сийраклашди, шамол ҳам тўхтапти...

Улар яна бир-иккита дўконга кириб чиқишди. Идиш-товоқ ва кийимларни кўришди. Лекин ҳеч нарса олишмади. Ташқарига чиққанларида, бўрон тинган, осмоннинг бир чети очилиб бормоқда эди.

— Бўрон ҳам кўнглимни бўшатиб олишимни пойлаб турган экан шекилли, тинди-қолди!— дея кулди Евдокия...

Ажабо! Ҳури ўзини мана шу бир-икки соат ичида,

бу содда аёл билан гўё ойлар ва йиллар давомида бирга бўлгандай ҳис этди!.. Йўл, сафар, одамохунлик, юзма-юз, ёнма-ён суҳбат ва алоқа одамни бир-бирига шундай меҳрибон қилиб қўяр экан! Ҳозир ёнида қаддам ташлаб кетаётган бу аёл бир соат бурунги аёлга ўхшамасди. Истиҳола қилиб, ундан тортинган, сергап ва сержаҳл Евдокия Ивановна эмас, очиқ кўнгил, меҳрибон ва ҳаммага яхшиликни раво кўрадиган Евдокия хола эди! Евдокия ҳам кўнглида Ҳурига нисбатан янада кучлироқ меҳрибонлик ҳис қиларди. Бошларидан кечирган мусибатлар бу икки аёлнинг юрагини бир-бирига янада яқинлаштирганди. Ҳатто Евдокиянинг дарди Ҳурининг ўз дардини босиб кетгандай бўлди. Ҳури ўзида унинг кўнглини кўтариб қўйишга эҳтиёж сезди:

— Охири бахайр бўлганига шукур. Николай катта одам. Давлат ишида, ҳарбий қисмда хизмат қиляпти. Наташа ҳам бугун-эрта мактабини тугатади... Ақлли, зийрак қиз... Умр бўйи сизга хизмат қилишадди,— деди.

— Менга хизмат қилишларининг кераги йўқ!— Евдокия қишлоқи аёлларга хос очиқ ва кескин оҳанг билан гапирди.— Ўзларини боқиб олишса ҳам розиман, менга ҳеч нарса керак эмас, таним соғ, билагимда қувват бор, ўзимни эплашга қурбим етади!

Ҳури чўчиб тушди. Йўқ, Евдокия Ивановнанинг сўзларидан эмас, орқа курагига келиб тушган қор тўпидан бир сакраб тўхтади, қайрилиб орқасига қаради. Шу ондаёқ вужудини гайри оддий севинч қамраб олди. Наташа билан Соҳиб кўча четидаги майдончада қорбўрон ўйнамоқда эдилар. Вой худо! Иккаласининг ҳам ранги шундай очилиб, қизариб кетгандики, Соҳиб севинч билан тўлиб-тошиб куларкан, қўлидаги қор тўп билан онасини тушириб қолган эди.

— Яна ураман... Ҳа, ҳа, ураман!— деб кулар ва қор тўпини ўқталарди у.

— Менга қара, ҳой бола, уриш мана бунақа бўлади!— дея Наташа қўлидаги тўпни узоқдан, тегмайди-ган қилиб, секингина унга отди. Чунки Соҳиб унинг отган тўплари мўлжалга тегмаганини кўрганда айниқса яйраб кетарди... Бу сафар ҳам шундай бўлди. Наташанинг отган қор тўпи дарахтга бориб тегди. Соҳиб бўлса «Урдим» деб унга ўгирилганида, Наташа

қочи́б қолди. У қаҳқаҳа отиб қочар, Соҳиб эса қувларди. Ниҳоят Наташа тўхтади, бирданига орқасига қайтиб, Соҳибни қучоқлаб олди.

— Қани, уриб кўр-чи!

— Шунча ўйнаганларинг етар, энди кетайлик!— деб чақирди уларни Евдокия Ивановна.— Бола терлаша шамоллаб қолиши мумкин. Наташа, бас қилинглар!..

Улар ўйинларини тўхтатиб, оналарига қўшилдилар. Ўйнаб-кулиб уйга қайтишди. Ечини́б, юз-қўлларини ювгач, столга ўтиришди. Шунда Евдокия Ивановна:

— Қани, сарёғли нон, бринза билан тамадди қилиб олинглар-чи, овқатим ҳали-бери пишмайди,— деди.

— Мен сизга қарашаман!— деб Ҳури ошхонага ўтмоқчи бўлди. Аёл қатъий эътироз билдирди:

— Мен тирик эканман, сени ҳам, Наташани ҳам бу ерга йўлатмайман. Ишингни қил, Соҳибнинг дарсига қара, ундан кейин кўйлагингни тўқи. Яхши ҳунаринг бор экан!..

— Онажон, илтимос қиламан, бир марта рухсат этинг, Ҳури опа бизга озарбайжон овқатидан пишириб берсин!— деб сўзга аралашди Наташа.— Соҳиб, қайси овқатни кўпроқ хуш кўрасан?

— Чўпон бўзартмасини!— Соҳиб бақириб юборди, Ҳури кулди:

— Унақага бу ерда гўшт қани, болам!

Наташа дарҳол жавоб берди:

— Ҳури опа, топамиз! Фақат менда битта таклиф бор.

— Ҳа, қани айтинг, сизнинг нима егингиз келяпти?— Наташанинг қўлидан ушлаб сўради Соҳиб.

— Нима егим келаётганини ўзинг топ-чи!— Наташа Соҳиб билан ўйин қила бошлади.

— Куфта!..<sup>1</sup>

— Топа олмадинг... Палов! Сизларнинг паловингиз жуда тотли бўлади.

— Насиб қилса пишириб бераман,— Ҳури унга сўз берди.— Соҳиб, энди китобларингни олиб кел, бугун нима дарс ўтганингни кўрай-чи!

---

<sup>1</sup> Дўлма.

У ҳар куни шу зайдда ўғлининг дарсларини текшириб қўярди. Ўзи рус тилини, рус алифбесини билмаса ҳам, биринчи кундан Соҳиб билан шуғулланиши унинг учун ҳам мактаб эди. У рус ҳарфларини ва рус сўзларини махсус дафтарга ёзиб борар, олдидаги араб алифбеси билан маъносини таққослар ва Соҳиб мактабдан келгунича такрорлаб, ёдлаб оларди. Шу йўл билан ўзи ҳам Соҳиб билан биргаликда мактабда ўқиётгандай бўларди. Шунинг учун унинг дарсларига айтиқса жиддийлик билан қарарди. Ўзининг ҳам, ўғлининг ҳам қелажаги мана шу дарсларни ўзлаштириб олишларига боғлиқ эканини яхши тушунар ва ниҳоятда қаттиқ аҳамият берарди. Ҳар куни кечқурун, Соҳибни ётқизганидан сўнг Наташа Ҳури билан икки-уч соат озарбайжонча гаплашар, ундан кейин унинг Соҳиб билан биргаликда тайёрлаган дарсларини текшириб кўрарди.

— Ҳури опа, бу кетишда уч-тўрт йилдан кейин университетга кирадиган бўлиб қоласиз. Зеҳнингиз жуда ўткир экан. Меҳнатни ҳам яхшилаб қиляпсиз. Мен ўқитувчи сифатида сиздан хурсандман. Айтингчи, сиз ҳам мени ўзингизга яхши шоғирд деб биласизми?

— Беш-олти ойдан кейин озарбайжончани мендан ҳам яхши биладиган бўласиз. Ниҳоятда қобилиятли шоғирдсиз. Лекин муаллимликда шоғирдликдан ҳам ўткирроқсиз!..

Ҳури шундай оилага тушганидан хурсанд эди, буни оғир ўтмишининг порлоқ якуни деб ҳисобларди. Евдокия Ивановна пишириб-куйдиришни ўз зиммасига олганди. Шу билан бирга, Соҳибни ҳам ҳар замонда мактабга олиб бориб, олиб келарди. Ҳури эртадан бошлаб у вазифани ўз устига олишга қатъий қарор қилди. Бугунги кўча-кўйларни кезиб келиши шунга ҳозирлик эди. Бироқ фақатгина Соҳибни мактабга олиб бориб, олиб келиши, у билан биргаликда дарс тайёрлаш, уни бир-икки соат айлантриб келиш билан кунни ўтказиб бўлмасди. Нимадир қилиш керак! Ҳаётга ишониб бўлмасди. Евдокия абадий яшамас, Наташа эса мактабини тамомлаб, турмушга чиқиб кетиши мумкин эди. Ҳури бу бегона шаҳарда уларсиз ҳам яшай олишга ўзини ҳам, боласини ҳам ҳозирлаб олиши керак эди. Шу хаёл билан у Наташага:

— Наташа, мен ишламоқчиман. Бирон иш топиб бера олмайсизми?— деди.

Наташа шу заҳоти жиддийлашиб, фикрга толди. Ҳурунинг таклифи унга жуда маъқул келди, кўнглида унинг ниҳоятда ақлли аёл эканини яна бир карра тан олди.

— Яхши фикр! Лекин ўйлаб кўриб, шундай иш топиш керакки, унинг сизга ҳам, ишга олувчига ҳам нафи тегадиган бўлсин. Келажаги порлоқ бўлсин, сизнинг ўсишингизга ҳисса қўшсин. Мен дўстларимга, ҳатто ўқитувчиларимга ҳам маслаҳат солиб кўраман...

Шундан бир ҳафта кейин Наташа уйга севиниб қайтди:

— Суюнчи беринг, сизга яхши иш топиб келдим!..— деди у Ҳурига.

— Суюнчисига қарздорман. Қўлимдаги тўқиётган кўйлакни сизга бераман!..

— Раҳмат, суюнчингиз учун минатдорман. Энди қулоқ солинг. Турк тили ўқитувчимиз академияда ҳам ишлайди. У ерда катта кутубхона бор. Дунёнинг ҳамма бурчагидан китоб олинади. Шу жумладан, Эрондан, Ҳиндистондан, Туркиядан ва сизнинг Озарбайжондан ҳам китоб келтирилади. Сизни ўша ерга ишга олишга сўз берди.

— Эплай олармиканман?— Ҳури титроқ овоз билан сўради.

— Ўз тилингизда дурустгина хат-саводингиз бор. Араб алифбоси билан битилган бошқа китобларнинг номларини ҳам кўчириб ёза оласиз. Сизнинг вазифангиз, аста-секин барча китобларнинг каталогини тузиш, ҳали олинмаган ва янги олинган китобларнинг номларини ўша ерга қайд этишдан иборат бўлади...

Эртаси куни дарсдан кейин Наташа Ҳуруни Шарқшунослик институтига олиб борди. Кутубхонага ишга жойлаштирди. Ҳури биринчи ишга бориб келган куни, ҳақиқий ҳаётга эндигина киргандай бўлди. Дунё ва одамлар унинг кўзига бошқача кўринадиган бўлиб қолди. Энди қадамини ишонч билан босадиган, келажакка умид билан қарайдиган бўлди...

Шундай қилиб, Ҳурунинг ҳаёти бир изга тушди. Изтироблар, қўрқувлар, ваҳималар орқада қолган ва борган сари ундан узоқлашиб, даҳшатли тушга айланиб бормоқда эди. Бироқ ҳар замонда чуқур дард,

шафқатсиз соғинч унинг юрагини таталарди. Райҳон, Сакина, Идрис, Вафодорлар нима қилаётганикин?! Уларни хафа қилишмаётганмикин? Бу соғинч, бу жавобсиз саволлар бош кўтарганида, у ўзини юртида қолганлар олдида гуноҳкор ҳис қиларди: мен туфайли у бечоралар не-не азобларни чекишмади... Ким билсин, эҳтимол, ҳали ҳам азоб чекишаётгандир!.. Офарида хоним-чи?! У бечоранинг тақдири нима бўлдикин? Бу саволларга жавоб йўқ эди. Ватан узоқларда қолган эди. У ердан на хат бор эди, на хабар!..

Бу соғинч, юракни таталовчи фикрлар бош кўтарганида, Ҳурининг хаёли паришон бўлиб, дарсларни яхши ўзлаштираётганини, ўзлаштирганлари ҳам ёддан кўтарилаётганини ҳис этарди. Ишда эса камҳафсала бўлиб қоларди. Шунинг учун бу ҳақда ўйламасликка, уларни эсидан чиқаришга ҳаракат қиларди.

Лекин ором топган, инсонийлик ва меҳрибонлик кўрган, анҳор бўйига жойлашган шу кичкина манзилда ҳеч унутиб бўлмайдиган воқеа содир бўлмоқда эди. У Ҳурини яширин ва қаттиқ ташвишга соларди. Соҳибни ухлатиб қўйиб, Наташа билан дарс тайёрлаган пайтларида, уларнинг суҳбат ва фикр доиралари борган сари кенгайиб борарди. Ҳар соҳадан: ҳаётдан, оиладан, муҳаббатдан, дунё ишларидан, турли хил ўлкалардан гаплашардилар. Бир кеча сўз Кавказдан, Муҳаммад Ризобекдан, ниҳоят Ҳурининг бошига тушган фожиалардан кетди. Ундан кейин Наташанинг ота-онаси фожиасига ўтдилар. Шундай гайри ихтиёрий равишда ҳаяжонланиб-қизишиб кетган Наташа юрак дардини Ҳури олдида тўкиб солди:

— Биласизми,— деди у,— Илёсбеклар ва Прохорларнинг ҳаммаси бўлмаган гап, уларнинг ҳаммасини руҳлантирган, ваҳшийликка ундаган бизнинг истибдод усулидаги давлат қурилишимиз. Унинг бошида турган бутун Русиянинг тўраси, аъло ҳазрат император!

Сўнгги жумла Наташанинг оғзидан аччиқ истеҳзо ва нафрат билан чиқди.— Ҳури уни бу фикрдан чалғитиш йўлини ахтараркан, у:

— Бу давлат ағдарилмагунича ёруғ кун бўлмайди!..— дея давом этди.

— Ахир у рус давлати-ку, Русия учун ишлайди-ку?!— деб Ҳури Наташани бу қўрқинчли фикрлардан

қайтармоқчи бўлганида, Наташа қизгин эътироз билан унинг сўзини бўлди:

— Йўқ! Улар рус халқининг асл душманлари! Русиянинг истибдодли усулдан, истибдодли императордан катта душмани йўқ!— деди ва бир зум ўйланиб, зангори кўзларини пирпиратиб, Ҳури томонга энгашди-да, сирли оҳангда секингина:— Биласизми, биз яширин ташкилот туздик. Истибодни йўқотмоқчимиз. Давлатни халқ ўз қўлига олади. Ана шунда, бундай адолатсизлик ва ноинсофлик бўлмайди. Ҳамма ёқни эгаллаб олган бу порахўрлик, юлғунчилик барҳам топади. Биз ерларни мулкдорлардан тортиб олиб, меҳнаткашларга бўлиб берамиз! Ана шунда Русия очлик балосидан ҳам қутулади!— деб илова этди.

— Хавфли йўл танлабсиз, Наташа!— деб Ҳури ҳам ҳаяжон, ҳам ҳайрат, ҳам таассуф тўла овоз билан гапирди.— Онангизга ачинмайсизми? Ўзингизга ачинмайсизми?

— Онамга жуда ачинаман. Ачинганимдан шу йўлни танладим. Онамдан ҳам катта онам бор, у менинг оналаримнинг онаси — ватаним бўлади! Унинг саодатини ўйлаб, шу йўлга кирдим, Ҳури опа! Ўзимга бўлса, ҳечам ачинмайман, чунки қурбонсиз озодлик бўлмайди. Бизнинг биттамызни ўлдиришса, орқамиздан юзтаси ўсиб чиқади. Умумрусия императорини, яна ҳам содда қилиб айтганда, Русияда яшаётган барча халқларнинг жаллодини даф қилишимиз лозим!..

— Наташа, эҳтимол император бечоранинг бу ишлардан хабари йўқдир!— деб сўради Ҳури.

— Нега энди хабари бўлмас экан?! Ҳаммасидан хабари бор! Ўзи мустабид, жаллод, қонхўр, калтабин. Ўзи каби шафқатсиз, виждонсиз, калтафаҳмларни атрофига тўплаб олиб, номини ҳукумат атаган! Халқни тинмай талашади. Истибод шундай бир қалъаки, у ерга ҳамма товламачилар, қонхўрлар, риёкорлар йиғилган ва бундан кейин ҳам йиғилади! Бу тўда тормор келтирилиши керак, вассалом!

— Наташа, подшоҳсиз юрт қандай кун кўради?— Ҳури таажжубланиб сўраган эди, Наташа кулди, сўнг-ра ўз хонасига кириб, бир тўда китоб кўтариб чиқди.

— Ҳури опажон, кўряпсизми, буларни жуда доно одамлар ёзган. Бизларда Платон деб юритиладиган Афлотун, Томас Мор, Кампанелла, Руссо, Вольтер,

Дидро... Улар турли ўлкаларда, турли замонларда бўлган давлат қурилишини, подшоҳли ҳукуматларнинг табиатини таҳлил қилиб, ҳеч маҳал бир халқнинг, бир ўлканинг тақдирини битта киши ихтиёрига топшириб бўлмайди, деган хулосага келганлар. Агар подшоҳ нодон, жоҳил, калтабин, амалпараст, муруватсиз бўлса, халқнинг ҳоли айниқса ёмон бўлади!—Наташа бу китобларни четга суриб қўйиб, бошқаларини олиб келди.— Мана булар бўлса бизнинг русларимиз ёзган китоблар. Радишчев, Белинский, Огарёв, Чернышевский... Булар Русияда озодлик йўқлигини юз минг далиллар билан исбот қилдилар. Чоризм инсон тарихида кўриб ўтган энг шафқатсиз ва энг ҳийлакор истибдод давлатларидан биридир. У ағдарилиб тору мор этилмаса, Русия азоблардан қутула олмайди. Дарҳақиқат, бизнинг ҳаётимиз нима? Бошдан-оёқ меҳнат ва машаққат! Қишлоқларимиз қандай яшайди? Онамнинг тарихини эшитгансиз-ку! Бундайлар юз мингларча. Чоризм неча юз йил давомида крепостнойликни сақлаб келарди. Энди иложи қолмади, расман қоғозда, огизда бекор қилди. Чунки қишлоқликлар исён кўтаришди, ўзларини бамисоли ҳайвондай, мулкдорлари томонидан бозорга олиб чиқиб сотишлари билан келишолмай қолишди. Эркак крепостнойни уч юз сўм, аёлни эса бир юз эллик сўмдан сотишса-я! Мулкдор истаган пайтда, истаган крепостнойни Сибирга каторгага юбориши, истаган пайтда қайтариб олиши мумкин эди. Рекрутликка берарди. Бола-чақаси, кўч-кўлони билан сотар ва оларди! Буйруқ бериб жазоларди! Бизнинг чоризмнинг қоғозга ёзиб, қонунга айлантириб қўйган ҳуқуқларидан фойдаланиб, мулкдорлар, биласизми, ашаддий йиртқич қила олмайдиган ваҳшийликларни ўйлаб топардилар. Биргина Салтичиханинг қилмишларини айтсам, тепа сочингиз тикка бўлиб кетади. У ўн-ўн беш йил ичида бир юз олтмишта крепостной хотинни калтаклатиб, бошига қайноқ сув қуйдириб, сочларини юлдириб ўлдиртирган. Буларнинг ичида ўн-ўн икки яшар қизлар ҳам бўлган! Нима учун? Уларнинг нима гуноҳи бор эди? Йидиш-товоқни тоза юмабсан, ўринни яхши солмабсан ва ҳоказо...

Наташа крепостной Русияси давридаги шафқатсизликларни эслаганида, ҳаяжондан овози титрарди. Ҳу-

ри унинг қанчалик куйиб-пишиб, қанчалик юракдан гапираётганини кўрганида ўзи ҳам ҳаяжонланар, у билан биргаликда қаёққа бўлса, ўша ёққа боришга ҳозир эканини ҳис этарди.

— Наташа, одам буларни ўйласа ақлдан озишига сал қолади! — тан олди у.

Наташа тўхтади. Қайсидир китобни варақлади, бармогини битта саҳифага қўйди ва унга ишора қилиб:

— Мулкдорлар кимларни Сибирга сургун қилишарди, биласизми? — деди. — Озгина норозилик билдирганларни, исён кўтарганларни! Бошқача иш кўрганларни сургун қилиш билан қаноатланмасдилар. Ҳа! Мулкдорнинг кўрсатмаси билан элликдан ошган, касалманд қишлоқликларни Сибирга сургун қилишарди!.. Нима учун? Чунки бу қишлоқликлар ишлай олмасдилар. Ишдан чиқиб бўлишганди. Шу йўл билан мулкдор уларни ўлимга маҳкум қилиб, бошидан соқит қилиб юборарди. Шўр пешаналарнинг кўпи Сибирга етиб бормай, йўлдаёқ ҳалок бўларди. Ваҳоланки, улар ўн-ўн икки ёшидан бошлаб мулкдорга астойдил меҳнат қилишга, бутун ёшликларини унинг бойлигини орттиришга сарфлашган! Бу зулмга чидамай, қишлоқликлар исён кўтарди, мулкдорларнинг уйларига ўт қўйиб, ўзларини хилватда топиб, ўлдира бошладилар. Шаҳар аҳолиси ҳам қишлоқ меҳнаткашларининг ёнини ола бошлади. Русиянинг энг яхши фарзандлари крепостнойликнинг бекор қилинишини, қишлоқ меҳнаткашларининг озод этилишини талаб қила бошладилар. Чор ҳукумати, даҳшатли бўрон кўтарилиб, сел келишини кўрганидан кейин Степан Разин ва Пугачёв исёнидан ҳам баттар ҳодисалар рўй беришини ҳис қилиб, халқнинг кўзини бўяшга қарор қилди. Шундай қилиб, бир неча йил олдин ўтказилган реформа юзага чиқди. Бироқ ҳозирга келиб маълум бўлдики, бу реформа шаҳарликларни ҳам, қишлоқликларни ҳам зулмдан, бўйинтуруқдан, муҳтожликдан, юлғичликдан қутқара олмади. Кўпчилик истибдод ағдарилмагунча нажот йўли очилмаслигини англади. Рус халқининг чоризмдан катта душмани йўқлигига энди ишонгандирсиз?!

— Наташа, сиз шундай гапирасизки, ҳеч эътироз қилишнинг имкони қолмайди. Одамни юракдан ишон-

тирасиз. Лекин, ҳар қалай, ўзингизни ўйланг, эҳтиёт бўлинг, онангизга жуда ичим ачийди, ягона умиди сизсиз!

Наташа белгилаб қўйган саҳифасидан ниманидир изларди. Шу пайт эшик очилиб, остонада Евдокия Ивановна кўринди.

— Хонимлар, тун ярмидан ошди, ётинглар!— деди. Наташанинг китобларини кўриб:— Йиғиштир, қолганини эртага ўқирсан, қизим,— деб қўшиб қўйди.

— Яхши, ойи, ҳозир йиғиштираман. Ҳури опамга бир нарсани ўқиб берай,— дея жавоб берди бутун фикри китобда бўлган Наташа.

Евдокия Ивановна ифтихор тўла кўзларини Ҳурига тикди ва боши билан Наташани кўрсатди:

— Болалигидан китоб шайдоси!— У чиқиб кетди-ю, нариги хонадан туриб:— Тун ўтиб кетяпти, қисқа қилиб қўя қолинглар!..— деб қўшиб қўйди.

### 3

Қиш ўтди. Изғиринлар тўхтади, ҳаво очилиб, қуёш ҳам кўрина бошлади. Петербургнинг тўрттала тарафида боглар, богчалар, шаҳардан ташқаридаги чўллар, қишлоқлар яшил тусга кирди. Апрель ойи баъзан туман-ёмғир билан, баъзан очиқ ҳаво билан ўтди. Май кўпроқ булутсиз ва ёмғирсиз кунларни олиб келди. Ҳаво ва тупроқ, сойлар ва сувлар баҳор нафаси билан исинмоқда эди. Ҳамма ёқдан баҳор нафаси уфуриб турарди. Энди япроқ ёза бошлаган дарахтлар, ўтлар ва чечаклар шу қадар тароватли, шу қадар гўзал эдики, одам улардан ажралгиси келмас, уларга қараб тўймасди. Шимол шаҳарларида яшайдиганларнинг кўпчилиги каби Евдокия Ивановна ҳам оромгоҳларнинг, боғларнинг яшиллиги ва гуллари билан кифояланиб қолмай, деразаларида, токчаларида чиройли гиёҳлар, ранг-баранг гуллар ўстирарди...

Петербург сойлар, кўллар ва дарёлар билан ўраб олингани учун, булут-тумандан, ёгин-сочиндан камчилик сезмасди. Худди шу сабабга кўра, бу ердагилар булутсиз, қуёшли кунларнинг, биллурдай зангори осмоннинг қадрини яхши билардилар. Шундай об-ҳавода шаҳар аҳолиси кўчаларга, майдонларга, богларга чиқар, қуёш нурини, иссиғини баданларига сингди-

рардилар. Бу йилги баҳор ҳам шундай бўлди. Ҳаво очилиши билан одамлар уйларида ташқарига чиқиб кетдилар. Одатда Наташа ҳам тоза ҳаводан фойдаланар, аксарият Ҳури билан Соҳибни ёнига олиб, гоҳо Петербургнинг саранжом-саришта сайилгоҳларида, гоҳо Нева дарёсининг соҳилида, университет жойлашган кенг, баҳаво кўчада, баъзан эса Қишки Сарой атрофида ёки Сенат майдонида айлангириб юрарди. Университетга яқинлашганда, Ҳури қизнинг қанот, боғлаб учиги ҳозир тургандай бўлганини, кўзларининг севинч билан порлаганини, ҳаддан ташқари руҳий юксаклик ҳис қилаётганини кўрарди.

— Бизнинг университетимиз!—деб Наташа мағрур бир туйғу билан бинони Ҳурига ва Соҳибга кўрсатарди.— Соғлиқ бўлса, бир неча йилдан кейин Соҳиб ҳам шу ерда ўқийди. Унга ўзим дарс бераман!

— Худо хоҳласа!— Ҳури унинг сўзини қувватлар, ўша улғу куннинг орзуси билан университетнинг соҳил бўйи чўзилган гўзал биносига қараб кулимсирарди. Узоқ вақт улар Нева соҳилидаги сфинксларни томоша қилар, сўнгра холироқ жойда ўтириб, дарёдан кўз узмай осуда суҳбат қуришарди. Дарёга тикилиб тураркан, Ҳури сувда кишини ҳеч чарчатмайдиган сир борлигини ўйларди. Ҳикоя, куй эшитаётгандай, сувга қулоқ солиб ўтирарди. Дарё гўё ҳар дақиқа ажойиб шеър ўқийётгандай, варақлана-варақлана инсонга янги-янги саҳифа очарди. Шунинг учун ҳам Ҳури Невага қараб тўймасди. Бу улкан дарё устидаги ҳашаматли кўприкларнинг ўзи бир томоша эди. Дарё юзида эса елканли қайиқларнинг бири кўздан йўқолиб, иккинчиси пайдо бўларди... Улар сайрга одатда очиқ кунларда, тушлик овқатдан кейин, ёки кечки пайт чиқардилар. Эрталаблари Наташа билан Соҳиб ўқишда, Ҳури кутубхонада бўларди. Евдокия Ивановна уй ишларига қарарди. Куннинг иккинчи ярмидаги ҳамма бир жойга тўпланарди. Ёб-ичиб, гаплашиб ўтирардилар. Одатда ҳар киши ўз иши ва дарси юзасидан бошқасига маълумот берарди. Сўнгра истироҳат қилишга чиқиб кетардилар. Баъзан Евдокия Ивановна ҳам бирга олиб чиқишарди. Кўпинча у чарчаганини, дўкон-бозорларда жонига теккунича юриб келганини баҳона қилиб уйда қоларди. Дам олиш кунлари эса усиз ҳеч қаёққа бормасдилар.

— Ойижон, уни-буни баҳона қилмай отланинг!— деб буюрарди Наташа.— Сиз бормасангиз, биз ҳам уйдан чиқмай ўтираверамиз. Дам олиш кuni ишлаш гуноҳ бўлади!..

Сайрдан ҳамиша кайфлари чоғ бўлиб, кўтаринки руҳ билан қайтардилар. Оқшомлари эса дарслар, илиқ ва самимий суҳбатлар давом этарди.

Май ойининг бошларида тонг отиши билан Петербург осмонининг булутсиз бир кунда яна Нева соҳилини сайр қилишга қарор қилишди. Евдокия Ивановна бўйин товлаганидан кейин Ҳури, Наташа ва Соҳиб учовлари кетишди. Евдокия Ивановна хурсанд, яхши ҳолда қолган эди. Кун ботиб, қоронғи туша бошлаганда уйга қайтиб келганларида эса, уни жуда ёмон аҳволда кўришди. Ранги бўздай оқарган эди. Бошини сочиқ билан боғлаганча чўзилиб ётар, қизариб кетган кўзлари шифтга тикилган эди. Наташа онасини шу аҳволда кўрди-ю, ўзини унинг устига отди:

— Ойижон, сизга нима қилди?— икки қўли билан елкасидан ушлаб ўзига қаратди.— Нега йиғладингиз, нима бўлди?

Евдокия Ивановна қадини ростлаб ўтирди. Ёш ва ташвиш тўла кўзлари билан Наташага, ундан кейин Ҳурига ва Соҳибга қараб чиқди-ю, лекин индамади. Наташа унинг пешанасини силади.

— Иссиғингиз борми? Бошингиз оғрияптими?— Аёл «йўқ» ишорасини қилиб бош чайқади. Наташа бўлса сабрсизлик билан:— Бўлмаса қаерингиз оғрияпти? Ёки бирон воқеа юз бердими?— деб сўради.

Унинг ғамгин ва ташвишли кўриниши, саволларга ҳеч қандай жавоб қайтармагани Ҳурига ҳам, Соҳибга ҳам таъсир этди. Бола дарров хаёли қочиб маънос тортиб қолди, аёл ётоғининг нариги ёғига ўтиб, унинг юзига тикилганича:

— Евдокия хола, касал бўлманг...— дея зорланди.

Аёл боланинг қўлини кафтига олиб силади. Бирдан ниманидир эслади-ю, ёмғир булутидай тўлди, кўзларида ёш ҳалқаланди:

— Бу зулмни худо қандай қабул қилади?..— дея фарёд чекди:— Нима, бу болаларни биз зиндонлар учун катта қиялпизми? Николайнинг кафти ҳам шунақа иссиқ бўларди...

— Николайга нима қипти, Евдокия хола?— сўра-

ди Ҳури унга яқинроқ энгашиб. Аёл бошини бурчакдаги санам тагида турган кичкина стол томонга ўтирганида, Наташа ўша ердаги мактубни кўриб қолди, тезда олиб ўқий бошлади. Дақиқа сари унинг ранги оқарарди, ниҳоят докадай бўлди-қолди. Ўқиб бўлганидан кейин хатнинг у ёғини-бу ёғини ўтириб кўрди. Яна бир марта ўқиб чиқди. Хаёлга толди. Қайрилиб, онасини, ундан кейин Ҳурини ва Соҳибни кузатиб чиқди. Уларнинг савол тўла изтиробли кўзларига қараб деди:

— Мактуб амаким Иван Ивановичдан экан. Уни ҳам, Николайни ҳам ушлаб Русияга этап қилиб жўнатишибди<sup>1</sup>...

Евдокия Ивановна бирдан қаддини ростлаб ўтирди ва бор газабини тўкиб, алам билан гапирди:

— Сенинг ўша амакинг авваллари ҳам тентаклардан бири эди. Умрида биронта фойдали иш қилмаган, бир сўзни очиқ-ойдин қилиб айтмаган. Тутишибди, этап қилишибди! Ҳаммамизга муборак бўлсин энди бу янгилик! Хўш, нега ушлаганларини, гуноҳлари нима эканини ёзмайдими?!.

— Гуноҳлари нима деманг, уларга қандай гуноҳ тақашибди, денг! Бизнинг оғаларимиз инсоннинг бўйнига истаган гуноҳларини қўя оладилар.— Наташа амакисининг ва акасининг туҳматга учраганларини ҳеч ҳазм қила олмасди.

— Сен ҳам ўшалардан қолишмайсан! Худо хайрингни берсин, камроқ гапиргин! Одам дегани нима бўлганини билдириб бир-икки калима сўз ёзмайдими?!.

— Хатидан жуда шошилиб ёзгани кўриниб турибди. Сиз уларни бекорга уришяпсиз. Бизга ҳеч бир гуноҳлари йўқлигини билдирыпти.— Наташа хатни бошидан бошлаб ўқий бошлади: «Халқнинг олдида бизнинг виждонимиз тоза. Биз фақат унинг саодати учун курашдик, шарафини асрашга ҳаракат қилдик. Опа, сен ҳам, Наташа, сен ҳам, тақдирнинг бу оғир зарбасини мардона кутиб олишингизга ишончимиз комил. Кўз ёши тўкиб ватан душманларини севинтириб, бизни маъюс қилмассизлар деб ўйлаймиз!»

— Батан! Халқ! Халқни ким назарга илади?

---

<sup>1</sup> Этап қилиб жўнатмоқ — конвойлар назорати остида маҳбусларни у турмадан бу турмага жўнатиш демакдир.

Ким ватанни ўйлайди?— деди Евдокия Ивановна ўзига-ўзи гапиргандай:— Саройларда, меҳмондорчиликда кайф-сафо суришяпти, эшикларида елкаси погонли солдатлар қоровуллик қилишади, токи уларнинг уйқусини биров бузмасин! Ҳар битта бал-маскарадда юзта қишлоқнинг даромадини еб-ичиб ҳавога совуришади. Улаёр халқ ғамини тортади-я, тортади!!!

Аёл бир қанча вақт жавради. Гоҳ Иван Ивановичга, гоҳ Николайга ёпишиб кўрди, гоҳ тақдиридан шикоят қилди, гоҳида эса аъло ҳазрат императордан тортиб, охирги жандармгача бутун давлат одамларининг бошига лаънат ёғдириб чиқди.

Евдокия Ивановнанинг ёниб гапириши, Наташа билан Ҳурининг бирдан хафа бўлиб қолганлари Соҳибга янада қаттиқроқ таъсир қилди. Евдокия Ивановна ўғлини ва амакиваччасини иккинчи марта эсга олиб, уларнинг этапларда, зиндонларда минг турли машаққат чекажакларини гапирганида Соҳиб меҳрибонлик билан унинг қўлидан ушлади:

— Евдокия хола! Мен катта бўлсам, бориб иккаласини ҳам озод қиламан!

— Эй, худойим-ей, бир менинг халоскоримни кўр!— Евдокия Ивановна ўрнидан туриб ёшларга мурожаат қилди:— Яхши, аза очиб ўтирмайлар! Бориб дастурхон ёзинлар. Бирор нарса билан тамадди қилиб олинглар, оч ётиш шарт эмас!..

Наташа индамасди. Онаси юрагини бўшатиб ўзига келганидан кейин, у зоҳиран жуда хотиржам кўринарди. Лекин ғамгин, хаёли паришон эди. Дастурхон устида ҳам хаёл суриб ўтирди. Шомдан кейин аҳволи ўзгармаган бўлса-да, кундагидек Соҳибнинг дарсига қарашди, ўзи ҳам дарс тайёрлади, кундагидек Ҳури билан гаплашди, сўнгра хонасига кириб кетди. Бир неча кун шу ҳолда, ўйчан ва ғамгин бўлиб юрди...

Юз берган воқеа ҳақида, ўз ҳаётлари ва келажаклари ҳақида ўйлаётгани маълум эди. Балки бу кўнгилсизликдан кейин у тутган йўлидан қайтар, дарслари, иши, касби билан машғул бўлар. Унинг қандай қарорга келиши, нима қилажаги, бундан кейин қайси йўл билан бориши Ҳурини жуда қизиқтирарди. Лекин бу ҳақда сўз очишни ўринсиз деб биларди. Лозим топса, Наташанинг ўзи айтади! Кўп ўтмай шундай ҳам бўлди. 19 май куни Наташа Ҳурига:

— Кийининг. Сизни бир жойга олиб бораман!— деди.

Соҳибнинг ҳам ҳаваси келди.

— Наташа хола, мени ҳам олиб боринг!..

— Яхши, сен ҳам бора қол!— розилик берди Наташа. Кийинишди. Ҳури Соҳиб билан биргаликда тайёр бўлиб нариги хонага чиққанларида Наташанинг ниҳоятда ҳаяжонланаётганини кўрди. Наташа жуда ҳам озода ва дид билан кийинган эди. Одатда байрам оқшомларига, университетдаги йигинларга шундай ҳафсала билан ҳозирланарди.

— Қаёққа борамиз?— сўради Наташанинг қўлидан ушлаб сабри чидамаган Соҳиб. Бу саволни онасининг кўзида ҳам кўрган Наташа:

— Шошилма, йўлда тушунтириб бераман!— деб Соҳибни тинчлантирди ва Ҳурига қаради:— Чернишевский деган катта ёзувчимиз бор, сизга айтган эдим, эсингиздами?

— Анави, зиндонда ётган киши-да!— деб Ҳури унутмаганини билдирди.

— Ҳа, ўша! Сенат унинг бутун моли мулки мусодара этилсин, ўзи эса ўн тўрт йил мис конида каторга жазосини тортганидан кейин, умрбод Сибирга сургун қилинсин, деб қарор чиқарипти... Император ҳазратлари ҳам бу қарорни тасдиқлаптилар, лекин раҳм қилиб каторга жазоси муддатини етти йилга камайтирибдилар.

— Нақадар даҳшат!— деб қичқирди Ҳури.—Шундай билимли одамни, олим ва ёзувчини шу даражада ерга уриб бўладими?

— Бизнинг оғалар бу билан қаноатланишмапти!! Жамоатнинг кўзи ўнгида эъдом<sup>1</sup> комедияси ҳам ўтказишга қарор қилишибди!

— У нима дегани?— ҳайрон бўлди Ҳури.

— Борганда кўрасиз,— Соҳибнинг қўлидан етаклаб уйдан чиқдилар.

Петербургда кўчаларидан ўтиб, эъдом тайин қилинган Митинский майдонига яқинлашганлари сари у томонга кетаётганларнинг сони ортиб борарди. Майдонга етмасдан, уларни бир қанча ёшлар кутиб олиш-

---

<sup>1</sup> Эъдом — бутун гражданлик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш маросими.

ди. Ҳури афт-ангоридан бу ёшлар ҳам Наташага ўхшаган талаба эканликларини, ҳаяжон ва ғазаб билан ёнаётганларини кўрди. Қандайдир гайри оддий ҳодиса юз берганини ҳис этган Соҳиб Наташага тез-тез савол берарди. Қиз икки-уч калима сўз айтиб, унга тушунтирарди. Соҳиб Наташанинг талаба дўстларига айниқса қизиқиб қарарди. Улардан биттаси яқинлашиб, ҳеч нарса демасдан қоғозга ўралган чиройли гулдастани Наташага узатганида боланинг кўзлари чақнаб кетди. Ҳаммалари биргаликда майдонга яқинлашдилар. Борган сари одамлар зичлашиб, бир-бирини турткилаб, олдинга ўтишга ҳаракат қилардилар. Лекин бунинг ҳеч иложи бўлмасди. Қуроолланган солдатлар майдонни ўраб олиб, ҳеч кимни яқин йўлатишмасди. Ҳури билан Соҳиб кўзларини катта-катта очиб, гоҳ солдатларга, гоҳ тиқилинчда ўзига йўл очмоқчи бўлган одамларга қарардилар. Соҳиб онасининг қўлига маҳкам ёпишиб олди. Солдатлар, гўё ҳозир устларига душман бостириб келадигандай, асабий ва безовта кўринардилар. Кўпчилигини ёшлар ташкил қилган томошабинларнинг юзларида ҳам кескин ва жиддий ифода кўзга ташланарди. Йўқ, уларни оддий томошабин деб бўлмасди. Уларнинг аксарияти текин томоша ишқибози бўлган бекорчилар эмасди. Булар буюк адиб ва инқилобчининг чақириғига жавоб бериб, унинг кўрсатган йўлидан боришга ҳозир турган мухлислари бўлиб, у билан видолашгани келгандилар... Соҳиб олдига қарамоқчи, ҳамма нарсани кўрмоқчи бўларди. Лекин одамлар унинг олдини тўсиб олишган эди. У ҳадеб оёғи учига кўтарилаверарди. Наташанинг талаба дўстларидан бири, паҳлавон гавдали йигит бирдан унинг қўлтиғидан олиб елкасига ўтқизганида, Соҳиб секингина «раҳмат, амаки!» дейишни унутмади. Энди Соҳиб ҳамма нарсани кўра оларди. Солдатларнинг шунчалик кўплиги уни айниқса ҳайрон қолдирганди.

Майдоннинг ўртасига дор ўрнатилган эди. Ҳамма юракни сиқувчи, сирли сукунат ичида кутиб турарди. Шу пайт «смирно» командаси берилди. Ҳамма нафасини ичига ютиб, диққат билан ўртага қараб турарди. Яхши қаров берилган отларга миниб, қуролини яланғочлаб олган жандармлар майдонга кириб келишди. Улар ҳамма ёғи беркитилган қора аравани ўраб олиш-

ган эди. Жандармлар ёйилиб, арава кўриниши билан майдон гувиллаб кетди.

Ҳамманинг оғзидан: «Чернишевский, Чернишевский!» деган сўз чиқиб, майдонга ёйилди. Маҳбуснинг аравада эканини ҳамма биларди. Халқ денгиздай тўлқинланиб, аравага ёпишмоқчи бўлиб ҳаракатга келди. Жандармлар ҳам дарҳол қимирлаб қолдилар: «Орқага чекининг! Орқага чекининг!» деб халқни итариб ташладилар. Аравадан яланғоч қилич ушлаган икки-та солдат тушди. Уларнинг кетидан, катта кўзойнак тақиб олган Чернишевский вазминлик билан, шошмасдан ерга тушди ва қуроли солдатлар қуршовида дорга яқинлашди. Соҳиб секингина: «Шуми?» деб сўраганида паҳлавон гавдали йигит: «Ҳа!» дея пичирлади. Жаллод қўпол ҳаракат билан чанг солиб, Чернишевскийнинг бошидан шапкасини юлиб олди. Кимдир ниҳоятда жиддийлик ва баланд овоз билан ҳукмни ўқий бошлади. Майдонни қуршаб олган ҳамма одам қатори Ҳурининг ҳам, Наташанинг ҳам икки кўзи Чернишевскийда эди. Соҳиб бўлса, унинг нима қилишини кўзи тўрт бўлиб кутарди. Ҳури бундай одамни умрида биринчи кўриши эди. У эртақларда, афсоналарда айтилган қаҳрамонга ўхшарди. Шундай вазминлик ва ғурур билан турардики, гўё бу жаллод, бу ҳоким, бу яланғоч қиличли жандармлар унинг бош кийимини олмагандай, гўё улар Чернишевскийни эмас, Чернишевский уларни қоралаётгандай, ҳозир оғзини очиб, уларнинг қилмишларини юзларига бирма-бир айтиб, ҳукм чиқарадигандай туюларди. Чернишевскийнинг халойиқ орасидан кимдир излаётган кўзларидан унинг ҳукмга қулоқ солмаётгани ва бошқа нарсани ўйлаётгани билиниб турарди. Ниҳоят, у излаган одами топиб, имо-ишора билан гаплашди ва кўзини узоқларга, бепоён уфқларга тикди. Ҳукм ўқилиб бўлганидан кейин, жаллод Чернишевскийни чўккалишга мажбур қилди ва унинг боши узра қилични эгиб синдирди. Майдонда ғазабли сукунат ҳоким эди... Бу сукунат, бу даҳшатли манзара болага жуда ёмон таъсир қилди. Унинг ранги бўздай оқарганига диққат қилган она митти қўлини силаб қўйди.

Эъдом маросими тугаганидан кейин, солдатлар Чернишевскийни арава томон олиб кетишди. Мана шу пайтда халойиқ городскойларнинг қуршовини ёриб,

Чернишевскийнинг кетидан оқди. Ҳурига бу кучли оқим уни ҳам бирга олиб кетаётгандай кўринди. Лекин Наташанинг қўлини билагида ҳис этиб, «қўрқманг, биз шу ердамиз» деб пичирлаганини эшитди-ю, хотиржамлик билан олға қадам ташлади. Чернишевский аравага яқинлашганида, Наташа бояги йигит берган гулдастани унга иргитди. Чернишевский бунни кўриб, кулимсиради, гулдастани эса ҳаводалигидаёқ жандармлардан бири илиб олиб, қаёққадир улоқтирди. Наташа уларнинг назарига тушмаслик учун Ҳурининг қўлидан тортиб, оломон орасида гойиб бўлди... Отлар аравани судраб олиб кетганларидан кейин Ҳури билан Наташа уйларига қайтиб кетишди... Наташа Ҳурига:

— Бизнинг қандай ажойиб одамларимизни ҳалок қилаётганларини кўрдингизми? Буларнинг ўчини ола-миз. Кирган йўлимиздан бизни ҳеч нарса қайтарол-майди. Зулм билан келишмоқ йўқ, истибдод йўқоли-ши керак!..— деди.

Ҳури Иван Иванович ва Николайнинг қўлга оли-ниши Наташани енгмаганини, унинг кирган йўлидан яна ҳам жадаллик билан, ўжарлик билан кетажagini англади... Энди бу соф ва содда қиз Соҳибнинг ҳам, Ҳурининг ҳам кўзи олдида ҳаёлий қаҳрамон даража-сига кўтарилиб қолган эди...

\* \* \*

Кунлар ва ойлар ўтгани сари, Ҳури ўзининг ҳам, Соҳибнинг ҳам маънавий томондан ўсганини, олдин билмаган кўп нарсаларини ўрганиб олишганини, оламга очиқроқ кўз билан қараб, кўп нарсалардан ха-бардор бўлиб бораётганларини сезарди. Умрининг бе-корга ўтмаётгани уни қувонтирарди. «Худо хоҳласа, йиллар шу зайлда ўтиб кетади, Соҳиб ўқиб катта бў-лади, битта ҳунар эгаси бўлиб ватанига қайтади!» деб ўйларди у. Ватан! Бу сўзнинг қандай катта, чуқур маъноли сўз бўлганини фақат эндигина тушуниб етган эди у. Бу — юрак ўйноғи, ширин ҳаёл, изтироб ва му-ҳаббат экан! Баъзан Ватанини, она тупроғини шу қа-дар қўмсардики, кўзларидан беихтиёр ёш оқа бошлар-

ди... Бу туйғу айниқса кечалари, ётоққа кирганидан кейин бош кўтарарди. Ана шунда кўрпага бурканиб, кўзларини яширарди: «Бола бу ерларга ўрганиб қолди, кўнглига солиб, хаёлини бўлиб нима қиламан!..» деб ўйларди у ва Соҳибга ҳеч нарса сездирмасди.

Фақат Наташадангина бу ҳисларини яшира олмасди. У Ҳурининг кўзига қараши билан:

— Соғиняпсиз-а? Албатта соғинасиз-да! Ватандан узоқ тушмоқ осонми? Ватан шунчалик азиз бўлгани учун ҳам биз ўзимизни ҳалок қилипмиз-да!— дерди.

Яна куз келди. Петербургда яна дарслар, булутли-туманли кунлар бошланди. Наташа университетнинг сўнгги курсида ўқирди. Яна кечалари Соҳиб билан, Ҳури билан машғулот ўтказарди. Евдокия Ивановна ҳам бир оз тинчиб қолган эди. Николай ва Иван устидан текширувлар ниҳоясига етиб қолди, дейишарди. Гўё уларни асоссиз чақувга биноан, Кавказдаги ҳукуматга маъқул бўлмаган фаолият кўрсатишликда айбламоқда эдилар. Бу гумонлар тасдиқланмайди, уларни озод қилишади, деган овоза бор эди. Бу хабар соҳил бўйидаги катта бинонинг кичкина хоналарида катта умид ва қувонч уйғотган эди. Шунинг учун ҳам ҳар оқшом бу манзил соҳиблари, уч аёл ва бир бола бир-бирини руҳлантиришга, севинтиришга интилишарди, мунис, меҳрибон бўлардилар, шу тариқа дераза ортидан келадиған иссиқ-совуқни кутиб олишга бир-бирини тайёрлардилар...

Соҳиб эндигина уйқуга кетган эди. Ухлаб қолиши билан Ҳури унинг устини тўғрилаб, ёстиғи узра туриб қолди. Унинг оппоқ пахтадек юзига тикилди. Она юрагини ҳаяжонлантирган, бутун борлигини чулған минг хил орзу-умидлар билан фарзандига қараб хаёлга толган муқаддас онлардан бири эди. Бола ўнг қўлини кўксига қўйиб, осмонга қараб ётарди. Ҳури унинг хийла ўсиб, тўлишганини ҳис этди-ю, юраги севинчга тўлиб кетди. Хаёлида Соҳиб камолга етгани сари, юрагини эгаллаб ётган орзу-истакларига етадиган кун қайинлашаётгандай туюларди.

Остонада пайдо бўлган Наташа, Ҳурининг боласига тикилиб турганини кўриб:

— Сизга ҳавасим келади, жуда чиройли ўғлингиз бор!— деди.

Ҳури унинг ўйчан кўз қарашидан хаёли бошқа

жойда эканини ҳис қилди, лекин юракдан чиққан бу сўзларни жавобсиз қолдиришни эп кўрмай:

— Худо хоҳласа, турмушга чиқсангиз, бундан ҳам чиройли болангиз бўлади!— деди.

Наташанинг мовий кўзлари йириклашиб, чақнаб кетди. Оппоқ сиймосида ҳафиф табассум жилваланди:

— Бу ёққа келинг, сиз билан шу ҳақда гаплашмоқчи бўлганимни қаердан билдингиз?..— деди.

Ҳури севинч ва мароқ билан унга тикилди. «Бу қандай гўзал хабар-а! Евдокия Ивановна эшитса қанчалар севинади!» деб ўйлади у. Шу пайтгача Наташа турмушга чиқиш ҳақида ҳеч кимга оғиз очирмас эди. Гап очилгундек бўлса, сакраб тушарди:

— Мен турмушга чиқмайман, ойижон. Ўғил бўлиб олдингизда қоламан...

— Битта ўғлимнинг бори ҳам менга етади, сендан неvara-эвара кўрсам дейман!— Она шундай дея орзусини очиқ-ойдин билдирганида, Наташа ҳазилга йўйиб:

— Ўғлингиздан кўрарсиз!— дерди.

Холи суҳбат қурган пайтларида Ҳури ҳам бир неча бор сўз очиб, Наташанинг оғзини пойлаган, кўзлаган йигити бор-йўқлигини билмоқчи бўлган эди. Лекин қиз унга ҳам очиқ бир сўз айтмаган эди. Энди ўзининг бу борада гап очиши Ҳурининг айна муддаоси эди.

— Қулоғим сизда, Наташа!— Ҳури унинг рўпарасига ўтирди.

Наташа ўзига хос шод ва ниҳоятда эркинлик билан кулимсираб:

— Биласизми, Ҳури опа, мен унга турмушга чиқишга қатъий қарор қилдим,— деди.

— У ким экан, Наташа?

— Айтсам ишонмайсиз. Жуда бадавлат оиладан. Отаси чор саройига яқин бўлган юқори унвонли офицерлардан. Кимга рўпара бўлганимни кўрдингизми?!

— Ўзи ким, нима иш қилади?— сўради Ҳури.— Сиздан каттами?

— Битта курсда ўқиймиз, Ҳури опа. Мен шарқшунослик факультетида, у химия факультетида ўқийди. Фёдор жуда яхши йигит!

— Сизга яқиндан севги изҳор қилдими?! Нега сўраётганимга тушуняпсизми?

— Тушуняпман! — Наташа унинг кўнглидаги гапларни тушуниб, кўзларига тикилди. — Биламан! Бундайларнинг муҳаббатини синаш керак, астойдил ишонч ҳосил қилгандан кейингина, «ҳа» деб жавоб бериш керак. Таниганимга икки йилдан кўп бўлди, Ҳури опа. Шу пайтгача индамасдим. Суриштириб юрдим. Бизнинг туриш-турмушимиздан ҳам хабари бор. Менга сен кераксан, бошқа нарсани билишни истайман, деяпти.

— Модомики иш бундай экан, онангизга ҳам айтиб, розилигини олайлик, совчилар келсин.

— Битта тўсиқ бор. Онаси жуда эскиликка берилган. Сепсиз келин олишга ўла қолса рози бўлмайди. Фёдор уларнинг розилигини олмай туриб черковга бориб, никоҳ ўқитамиз, деяпти. Бунга эса онам рози бўлмайди.

— Сепнинг ташвишини тортманг, синглим, қўлагимизни сотсак ҳам сизга сеп қиламиз! — Ҳури ғайри ихтиёрий равишда бўйнидаги тилла мунчоқни, узуги ва сирғалари сақланадиган қутини кўрсатди.

— Бунга ҳеч қачон рози бўлмайман! — қатъий эътироз билдирди Наташа. — Соҳибнинг отасидан сизга қолган эсдалик бу. Келинингизга берарсиз!

— Сизларда ҳам шундай одат борми? — Ҳури қизиқиб сўради.

— Албатта бор! Бундай ёдгорликларда одамларнинг энг азиз туйғулари, муҳаббатлари яшайди, бир наслдан иккинчи наслга ўтади... Шунинг учун ҳам азиз бўлади. Уни бировга совға қилиб бўлмайди!..

— Ундай бўлса сиз албатта олишингиз керак. Наҳотки, Соҳиб иккаламизнинг сизни қанчалик яхши кўришимизни билмасангиз?!

— Жуда яхши биламан, лекин олмайман... Фёдор айтганидек қилишга тўғри келади шекилли... Ҳозирча онамга билдирмай туринг. Фёдор билан аниқ бир қарорга келайлик, ундай кейин унинг рухсатини олармиз...

Бироқ бу хушхабарни онага билдириш Наташага насиб қилмади. Орадан икки кун ўтганидан кейин, Соҳибни ухлатиб қўйиб гаплашаётганларида эшик тақиллади. Иккита номаълум одам ичкари кирди. Бэланд ва аниқ эшитиладиган овозда Наташанинг исми-

ни, фамилиясини, отасининг исмини айтиб, сўрадилар:

— Сиз бўласизми?

Ранги докадай оқариб кетган Наташа:

— Ҳа!— деб жавоб берди.

Қамоққа олинганини маълум қиладиган қарорни беришганида, Ҳурининг ҳам, Евдокия Ивановнанинг ҳам оёқлари ерга михланиб қолди. Улар бир-бирларига қараб анграйиб қолишди. Оғзиларида тиллари қуриб қолгандай эди. Индамай турардилар. Наташа бўлса, оғир бир сукут ичида қарорни дона-дона қилиб ўқиди ва ниҳоят маъмурларга қайтариб берди:

— Хонангизни кўриб чиқишимиз керак!— деб паст бўйли маъмур Наташанинг ёшлиги ва гўзаллиги олдида сеҳрлангандай аста гапирди:— Шунчаки, нари-бери...

— Марҳамат!— Наташа хонасини уларга кўрсатди.

— Наташа, эҳтимол улар янглишишаётгандир?— ниҳоят тилга кирди Ҳури.— Балки адашиб келишгандир?..

— Йўқ, хоним, керак жойни билиб келганмиз!— жавоб берди паст бўйли маъмур.

— Худоё золимнинг уйи куйсин!— Евдокия Ивановна қизини қучоқлади, бошини елкасига қўйиб зор-зор йиғлади.— Илдизимизгача қуритишга бел боғлашди шекилли!

— Йиғламанг, ойи!— бутунлай ўзгарган овоз билан гапирди Наташа.— Кўз ёши билан иш битмайди. Эсингизда бўлсин, мен қайтиб келаман. Албатта қайтиб келаман!

Маъмур шкаф тортмасидан ва Наташанинг ўрнидан «Колокол» журналининг бир қанча сонини, Герцен ва Огарёв китобларининг Лондон нашрини сугуриб олди. Тантанали ва ғолибона овозда Евдокия Ивановнага:

— Бўлди, хоним, қидирганимизни топдик!— деди ва маъноли кўзларини Ҳурига тикиб:— Шундай, биз ҳеч вақт адашмаганмиз!..— деди.

Наташани олдиларига солиб кетмоқчи бўлишди. Сўнгги дақиқада Ҳури ҳам кўз ёшини тия олмади. Наташани қучоқлаб йиғлади. Наташа уни овутиб:

— Онамни эҳтиёт қилинг, ҳар оқшом Соҳибнинг дарсларини кўриб боринг!— деди ва шиддат билан хонадан чиқди...

У кетгандан кейин хотинларнинг назарида уй бўшаб, музхонага айлангандай кўринди. Улар қор бўрони увиллаб турган саҳрода танҳо қолиб кетгандай эдилар. Евдокия Ивановна Ҳурини қучоқлаб, кўз ёши аралаш секин-секин гапира бошлади:

— Менинг пешанамга бутун умр азоб чекиш ёзилган экан. Онадан туғилибманки, бир ёруғ кун кўрмадим. Муҳтожлик, очлик, зулм кўз очишимга имкон бермади. Бу харобада яшайдиганларнинг ҳаммаси менинг кунимга учраган. Фақат юқоридагилар фароғатда. Кўрайлик-чи, халқ қачонгача бу зулмга чидар экан?! Инсофи бор одам Наташа каби қизни ушлаб қамоққа тиқармиди?! Нима, у тахтини қулатармиди! Битта чумчуқнинг калласини ола олмайди-ку!..

Ҳури унга тасалли бериб, тинчитишга ҳаракат қиларди. Ниҳоят аёл бошидаги рўмолининг учи билан кўз ёшларини артиб, ўрнидан турди ва Соҳиб ётган хонага қараб:

— Яхшиямки бола ухлаб қолган экан, кўрмади,— деди.— Йўқса ўтакаси ёриларди. Наташани қамоққа олиб кетганларини унга айтмай қўя қол. Акасининг олдига саёҳат қилиб кетди, бир-икки ойдан кейин қайтади, дерсан.

Ҳаёт ҳақиқатини ва заруратини очиқ кўз билан қариши олиб, ҳамма дардга дош беришга ўрганган барча заҳматкаш аёллар каби Евдокия Ивановна ҳам кўп ўтмай онгли қадам ташлай бошлади. Наташани қаерда асрашаётганини билиб, ҳокимдан бошлаб чоргача бир қанча аризалар ёздириб ташлади. Бир қанча вақт ўтгандан кейин эса, Наташага овқат ва бошқа нарсалар беришга рухсат олди. Нарсаларни бир гал ўзи, иккинчи гал эса Ҳури олиб борар эди. Доимо улардан биттаси Соҳиб билан машғул бўлар, қизнинг қамоққа тушганини ундан сир тутардилар. Орадан ўн-ўн беш кун вақт ўтгач, Евдокия Ивановна Соҳибни айлантириб келишга чиқиб кетиши билан яна эшик тақиллади.

Яхши кийинган икки чиновник унинг Ҳури эканлигини аниқлагандан кейин, назокат билан рухсат сўраб ичкари кирди ва у билан юзма-юз ўтириб, қандай

яшаётганини, боланинг ўқишлари қандай кетаётганини ва бошқаларни суриштирди. Улардан бири:

— Эътиборли топшириққа кўра Сизнинг олдингизга ташриф буюрдик. Сизга бу ердан кўчиб кетиш таклиф этилади. Сизга шаҳар марказидан, бундан ҳам яхши жой танлаб қўйилди. Сиз нима дейсиз?— деди.

Улар Ҳурининг ранги оқарганини, чуқур ўйга толганини кўриб изоҳ бердилар:

— Кўнглингизга бошқа нарса келмасин. Сизнинг ва болангизнинг осойишталигидан бошқа мақсад йўқ. Ундан кейин, бунақа уйда яшашни сизга маслаҳат берилмайди. Бутун қавм-қариндошлари билан давлат хоинлигида айбланган оиладан чиқиб кетсангиз ёмон бўлмасди...

Ҳури анча вақт ўйланиб қолди. Чиновникнинг таклифи уни шошириб, тараддудга солиб қўйган эди. Тўғрироғи, бу сўзларни эшитиши билан борлигини эътироз туйғуси қамраб олганди. Ҳозир эса ўз туйғуларини уларга мувофиқ сўзлар билан билдиришни ўйлаётган эди:

— Мен бу ердан кетмайман,— иложи борича мулойим ва юмшоқроқ гапиришга ҳаракат қилди у.— Биринчидан, мен бу ерга ўрганиб қолганман. Бизга бу ер ёқади, иккинчидан эса, бундай ҳаракат бизнинг тарбиямизга, бизнинг одатларимизга зиддир. Ёмон кунда ёр-биродарларни ташлаб, четга чиқиб кетиш бизда номардлик ҳисобланади. Шунинг учун менга бу нарсани таклиф қилмасангиз бўларди. Илтимос қиламан, сизни юборганларга ҳам хоҳишимни етказинг, мени тўғри тушунишсин!

— Аёл эмас, рицарь экан!— иккинчи маъмур порлаган кўзлари билан Ҳурига тикилиб турди-да, оёққа турди.— Саломат бўлинг, хоним!

## УН УЧИНЧИ ФАСЛ

### 1

Сурув-сурув оқ, қора қўйлар яйловга ёйилиб, қамишларнинг тагида, сиркан буталарнинг орасида қуриган ўт-ўланлардан топиб ерди. Қиш куздан ҳам юмшоқроқ ўтганига қарамай, моллар ем жиҳатидан

қаттиқ қийинчилик тортарди. Далаю тошлар қўй туёғи остида ўйилиб-ўйилиб ётарди. Қаёққа қараманг, яланғоч тупроқ кўринарди. Бир тутам яшил ўт кўринмасди. Яқин икки ойдан бери осмондан бир томчи ёмғир ёғмас эди. Қурғоқчилик катта фалокатдай қишлоқлар устига даҳшат солиб турарди. Кузги бугдойлар бир қаричча ҳам кўтарилмай, сўлиб қолган эди. Кечроқ сепилган уруғни бўлса, қурт-қумурсқа ва сичқонлар ташиб кетганди. Халқ яғона умидини баҳорга қаратган эди. Зора баҳор серёгин келиб, экинларни ва боғ-роғларни тирилтиса, мол-қолнинг аҳволини енгиллаштиса!

Мана шундай вазиятда қўйлар қўзилай бошлади. Қаёққа қарасанг, яйлов бўйлаб қўйлар ўзларини чакалакзорларга, кичкина тепаликларнинг тагига, ариқларнинг бўйига ташлаб, қўзилаётганлари кўзга ташланиб турарди. Озгин ва мадорсиз қўйлар очликдан сутни қуригани учун болаларини бағрига олиб эмизишни истамасдилар. Чўпонлар эрта тонгдан қора кечгача ҳолдан тойиб, заиф ҳайвонларнинг қўзиларини йиғиб, сал-пал жони борларининг ёнига эмизишга олиб боришар, бўлак жойда асраб, сут эмизиб тўйдираб, кечалари аёздан сақлаб оёққа турғазишга, шамоллашдан, очликдан, чўзилиб қолишдан асраб, баҳорга олиб чиқишга ҳаракат қилардилар. Қўзилаш мавсуми бошланганидан бери чўпон кечани кеча, кундузни кундуз демас эди. У фақатгина кундузлари яйловмайлов юриб, заиф ҳайвонларнинг қўзиларини йиғиб олиш билангина чекланмас, кечанинг ширин уйқусини ҳаром қилиб, сурувдан бир неча бор хабар олиши, мумкин қадар айириб бир тарафга ётқизган заиф қўйларига қараши, туққанларини боласидан айириши керак эди, чунки митти қўйлар тагида босилиб ўлиб қолиши мумкин эди...

Ҳафталар, баъзан ойлар давом этган заҳмат ва азоб чўпонларни толиқтириб қўярди. Бу йилги оғир қурғоқчилик эса, уларнинг бир азобига ўн азоб қўшган эди. Қайси бирининг юзига қараманг, қорайиб кетганини кўрардингиз. Ёноқлари ич-ичига ботган, кўзлари лак-лак тушган эди. Шунга қарамай, улар осойишта ва чидамли, оғир, қаноатли кўринар, мулоийм ва муте ҳолда бошларини осилтириб ўз ишларини бажарардилар...

Қишнинг охири, баҳорнинг боши чўпон учун энг қийин давр бўлишини Вали чўпон яхши бўларди. Бу давр уларни энг кўп чарчатадиган давр эди. Шундай пайтларда киши уларни ҳуда-беҳудага хафа қилмаслиги, уларга оғир сўз айтмаслиги, ўринсиз таъна ва танбеҳ беришдан ўзини сақлаб қолиши керак. Ҳатто, иложи борица уларнинг кўнглини олиши керак. Меҳрибонлик қилиб руҳлантириши керак. Токи уларнинг тортаётган азоблари бир оз енгиллашсин, ишини ҳавас билан, чин юракдан қилсин. Чўпоннинг меҳнати ана шундагина самарали бўлади. Молни яхши боқиб, кўпроқ қўзи олади. Чўпоннинг кўнгли чоғ бўлса, такадан ҳам сут соғиб олади, деб бекорга айтишмаганку...

Вали йилнинг бу фаслида майда-чуйда нарсалар билан бўлса ҳам, чўпонларни севинтиришга ҳаракат қилиб, уларга вақти-вақтида бир иссиқ овқат берарди. Баъзан қаердандир гуруч топиб, шавла пиширганини кўрадингиз. Ҳар кимнинг идишига бир-икки капгирдан соларкан, қорнини илитиб, кўнглини хуш қиларди. Бугун ҳам нурли қуёш ғарб уфқлари томон оғганда Вали ўзларига неча йиллардан бери манзилгоҳ вазифасини ўтаб келаётган сайхонликдаги хандақ олдида ўтин-чўп йиғиб, ўчоққа қалади. Эҳтиёти шартдан йиғиб қўйган қуруқ бутоқлар, тўнка бўлаклари ва бошқалардан ўчоққа ташлаб, ўт олдирди. Узоқдан тутунни кўрган чўпонлар севинч билан бир-бирини турткилаб қўйдилар:

— Вали тоға бугун бизни нима биландир меҳмон қиладиганга ўхшайди! Осмонни тутун тутиб кетди!..

Чўпон Қасдан қучоғида эндигина туғилган иккита жингалак жунли қора қўзичоқ билан унга яқинлашди ва ярим ҳазил, ярим чин қилиб:

— Эгизак қўзи, Вали тоға! Муборак бўлсин! Бугун эгизак туғилганларнинг ўнинчиси бу!— деди.

— Ўзи қанақа, ўлиб қолмайдими ишқилиб?— сўради Вали.

— Жуда ориқ, ўрнидан зўрға туряпти!— Қасдан тепалик томонга ишора қилди. Сариқ юнглари патак бўлиб кетган катта қўй ўша ерда ҳолсиз чўзилиб ётарди.

— Олдига озгина ем обориб қўй!— деб буюрди Вали.— Қўзиларга ҳам сут бер.

— Хўп бўлади!— Қасдан қўра томон йўл олди.—  
Ем ҳам тугай деб қолди.

— Бугун борини ишлатиб туринглар, эртага ҳам  
бир илож топармиз.

— Вали тога, нима пиширяпсиз?

— Еганингда биласан!— сир тутди Вали.

Қўзиларни бағрига босган чўпон қўрага кириб  
кўздан гойиб бўлди. Вали биқсиб турган ўтинларни  
ковлаб, ағдариб қўйди. Олов гуриллаб ёниб кетди. Ор-  
қаси қоракуя бўлиб қорайган мис қозонни олиб кел-  
ди. Кўзадан сув қуйиб ювди, кейин сув тўлатиб  
ўчоққа қўйиш учун тайёр қилиб қўйди. Кун ботаётган  
томонда ўтлаб юрган сурув итлари шовқин кўтариб  
ҳура бошлади. Вали тез ўгирилиб, ўша тарафга қара-  
ди ва улкан тепалик орқасида бир тўда отлиқнинг  
пайдо бўлганини кўриб, қўлини қоши тепасига қўяр-  
кан, келганларни танимоқ мақсадида кўзларини қис-  
ди. Отлар суръат билан чопаркан, кўпдан бери қақ-  
раб, қўй туёқлари остида топталган яйловда чанг-тў-  
зон кўтарилган эди. Бирмунча вақт ўтгандан кейин  
ҳаммадан олдинда ёнма-ён келаётган кулранг отларни  
таниб, уларнинг Илёсбек ва унинг ўғли Сафиқулибек  
эканини билди. Бекзоданинг мияси айниб қолганлиги  
ҳақидаги хабар чўпонларга ҳам етиб келган эди. Баъ-  
зилар юрагига ажина кириб олган деса, баъзилар етим  
ноласи тутган дер, баъзилар қўрқувдан бўлган деб  
пичирлар эди. Илёсбекнинг неча вақтдан бери ўғлини  
олиб бормаган домла-эшони қолмаганини, ёздириб,  
ичирмаган дуо, қилмаган назир-ниёзи қолмаганини  
ҳам гапиришарди. Сўнгги пайтларда эса гоҳо қўшни  
бекларникига меҳмонга олиб борар, гоҳо уларни уйи-  
га меҳмон қилиб чақирар, баъзан эса бир тўда отлиқ  
билан ўрмонларда, тоғ-тошларда айлантириб, кийик,  
қирговул, каклик овига олиб чиқарди. Эндиликда  
дард боланинг бошидан кўтарилиб эси ўзига келиб  
қолди, дейишарди.

— Ўҳ-оо, бек бутун тўдаси билан бу ерга ташриф  
буюриптилар-да!— деди қўзиларни қўрага жойлаб  
қайтган Қасдан овозини чиқариб.— Қаёқлардан кела-  
ётганикин?

— Шамхор беклариникига меҳмонга боришган  
бўлса, қарагайзордан ов қилиб қайтаётган бўлишса  
керак...— деди Вали.

— Сафи бола ҳам бор-ку!— Қасдан дарҳол унинг қўлидан ханжарини тортиб олиб ерга улоқтирганини эслади.

Вали эҳтиёти шарт:

— Сен қўрадаги қўзиларнинг олдига бориб тур. Кўзларига кўринмаганинг тузук!— деди.

Ёш чўпон акслик қилди:

— Нима иш қилибманки бекинаман?

— Сенга кет дедимми, индамай кетавер!— деди Вали қатъий ва кескин оҳанг билан.— Қайси бир қилигинга кўзлари олдида гердайиб туришинг керак?! Ёки қулоғингнинг таги қичиб туриптимми?! Сичқоннинг ўлгиси келса, мушук билан ўйнашади, деган гап бор.

Қасдан истамайгина бурилиб қўра томон йўл олди. Вали кўзини отлиқлар томонга тикди. Илёсбек эгарда қирғийдай тик ўтирарди. Сурувга яқин келганда отнинг бошини чапга, ўчоқдан олов чиқиб турган ёққа бурди. Сафиқулибек бўлса, отининг жиловидан тортиб тўхтатди. Юзини ўгириб, нариги отлиқларнинг етиб келишини кутиб турди...

Илёсбек отини бу томонга сурганини кўрган Вали кўнглида: «Ишқилиб яхшиликка келган бўлсин! Учоғимизни тегиб бузмаса гўрга эди!» деб ўйлади. Илёсбек яқин келиб отини тўхтатганида Вали унга пешвоз чиқиб, салом берди:

— Овингиз бароридан келсин, бегим!— деди. Бекнинг димоғи чоғ эди. Эгарнинг олдига осиб қўйган қуёнларни олиб, ерга ташлади.

— Овимиз яхши бўлди, чўпон, иккита кийик, бир қоп қирғовул билан каклик тутдик!— деди ва қуёнларни кўрсатди.— Мана буларни сенга олиб келдим! Яхши таом бўлади, ўчоқни ҳам билиб ёққан экансан.

— Давлатингиз бундан ҳам зиёда бўлсин, бек!— Вали қуёнларни олиб четга қўйди.— Ҳаром бўлмаса керак, бек?

— Пендир<sup>1</sup>дай тоза, бемалол ея беринглар. Ўзим емаганман, билмайман, лекин еганлар жуда мазали бўлади, дейишади. Хўш, нима гап, қўйларнинг аҳволи қандай, қўзилаштиш қандай ўтапти?

— Ёмон эмас, бек. Худонинг инояти билан, ҳозир-

---

<sup>1</sup> П е н д и р — пишлоқ.

ча ўлган-нетгани йўқ. Лекин ем-хашак томондан жуда қийналяпмиз. Об-ҳавони ўзингиз кўриб турибсиз. Яйловлар қуриган, қўйнинг оғзига илингудек ҳеч нарсаси йўқ. Ориқлаб кетгани кўп. Баъзиларининг елинида боласини эмизишга бир қошиқ ҳам сути қолмаган. Бир оз юбортирсангиз, бек, ем-хашагимиз таъмом бўлди. Ориқларини боқиш керак. Бўлмаса қўйлар қирилиб кетади.

Бекнинг унинг сўзига эътибор бермаётганига, кўзи олма-кесак териб, хаёли тоғда-тошда юрганига қарамай, Вали чўпон сурувнинг аҳволи тўғрисидаги фикрининг ҳаммасини унга билдирди.

— Яхши, айтиб қўяман, юборишади!— Бек пиш-қириб, гижинглаб, юриш истагида бўлган отнинг жиловидан тортиди ва:— Қалай, сенга жой беришдими, йўқми?— деб сўради.— Болаларга кулба қурмоқчи эдинг-ку, ўшани айтяпман.

— Худо сизни ўз паноҳида асрасин, бек, бир парча ер ажратиб беришди. Бола-чақамиз билан ёпишиб, пойдеворини қўйдик. Лой қордик, деворини ҳам кўтарамиз. Бир-икки туп мевали дарахт ҳам ўтқазсам дейман, бек.

— Қўлингдан биров ушлаб туриптими, ўтқаза-вер?!

— Сувдан озроқ берсангиз деган эдим, бек.

— Олдин уйни биткиз, кўчат ўтқаз, унгача сув ҳам бўлиб қолар!— бек тилида ширин жавоб берди, ичида эса: «Бу қишлоқларнинг кўзи ҳеч нарсага тўймайди. Бир нарсани беришнинг билан кўнгли бошқа нарсани тусаб қолади», деб ўйлади. Ел эсиб, ўчоқнинг тутуни Илёсбекнинг димоғига урилди. Бек ҳеч нарсаси демай, отнинг жоловини тортиб, тутун урмайдиган томонга ўтди.

— Бу ёққа кел-чи!— Валини чақирди у. Вали яқин келиб, отнинг юганидан ушлаганида, унга муҳим сирни маълум қилаётгандай шивирлади:— Сенга айтадиган икки-уч оғиз сўзим бор, фақат гап шу ерда қолсин, бир сен бил, бир мен билай, бир худо билсин...

— Кўнглингизни тўқ тутинг, бегим.

— Анави темирчини танийсанми?

— Нега танимас эканман, жуда яхши танийман,— Вали чўпон тўғрисини айтиб, қулоғини динг қилди.

- Уруғ-аймоғигача биласанми?
- Уруғ-аймоғини билмайман, лекин ўзини яхши биламан...
- У қанақа одам?
- Жуда уддабурон, қўлидан ҳамма иш келадиган одам, бегим.
- Тўғри, уддабуронлигига, мардлигига шубҳа йўқ. Сен билан қанақа, ораларинг яқинми?
- Вали ҳийла ишлатишни, ёлғон гапиришни билмасди, бир оғиз ёлғон гапиргудек бўлса, иккинчи гапида тутилиб, ўзини фош қилиб қўйиши мумкинлигини яхши биларди, шунинг учун:
- Сиздан нима яширибманки, бунга яширай, биз яқин дўстмиз, бегим,— деб тўғрисини айтди.
- Илёсбек қалин қошларини чимириб қўйди.
- Менга бундай жавоб беришдан қўрқмайсанми?— деб сўради у.
- Нега қўрқайин, бек, тўғри сўзни айтган одам нимадан қўрқиши керак?!
- Унинг биз билан чапчилигини билмайсанми?
- Вали айтмади. Киприк ҳам қоқмай, бекнинг юзига тикилиб бурди.
- Яхши, тўғрисини айтганинг учун сенга ҳеч нарса қилмайман. Энди менга айт-чи, Ҳури хоним ва Сафиқулибек ҳақида сенга ҳеч нарса айтмадимми? Фақат тўғрисини айтсанг айтганинг, айтмасанг тириклайин терингни шилиб оламан!..
- Гапнинг тўғрисини айтсам, ҳеч нарса билмайман, бек. Нимани билсам тузук! Ёки бирор нарса бўлдимми?
- Ўл бўлди, дард бўлди! Мени саволга тутмай, ўзинг жавоб бер! Сенга бирон гап айтдимми, йўқми?
- Ё тавба, агар бу тўғрида менга бир оғиз сўз айтган бўлса!..
- От бошини чайқади. Вали юганни қўйиб юборди.
- Салим ога бу ерга келгандими?— сўзни бошқа ёнқа бурди бек.
- Ҳа, уч-тўрт кун аввал келиб кетган эди.
- Нима деди? Сизлар билан юнг ҳақида гаплашдимми?
- Ҳа, бек, гаплашди. Унинг таклифига ҳаммамиз рози бўлдик. Унча-мунча қўйларимиз бор. Баҳорда

қирқиб олинадиган юнгни ҳозирдан унга сотдик. Пулнинг озроғини ҳозирдан бериб қўйди. Қандай қиламиз, бек? Камбағал одаммиз, муҳтожлигимиз бор. Бола-чақанинг эғни-бёши йиртилиб тамом бўлди. Пул топишнинг иложи йўқ.

Бек яна отнинг жilовини тортиб, эгарнинг устида ўзини тузатиб ўтирди ва:

— Чўпонларнинг ичида одамга рўпара бўладиган бир-икки йигит борми, ёки ҳаммаси маълуми Карба-леми?!— деб бошқа савол берди.

— Юлдузни бенарвон урадиган ботир йигитларимиз бор, бек.

— Кимлар экан улар? Отларини айт-чи.

Вали ўйлаб ўтирмай санаб кетди:

— Қасдан, Суюн, Ҳожи, Усмон...

— Бас, бўлади!— Бек бирдан Валининг сўзини бўлди ва яна қўй масаласига қайтди:— Ҳайвонларга яхши қаранглар, қўйни боқувда гап кўп. Берсанг беради, бермасанг ўлади!

— Гапингиз мутлақо тўғри, бек! Кўнглингизни тўқ қилаверинг, қўлимиздан келганини қиламиз!— Вали чўпон ишнинг оғирлигидан гап очди.— Худо ҳаққи, бек, чўпонларда на кечаси тинчлик бор, на кундузи. Ҳоли-жонимиз қолмади. Худога шукур, сурув катта, санаб саноғига етолмайсан киши...— деди.

— Яна ҳам кўпайтириш керак!— Бекнинг чўпоннинг нолишига қулоқ солгиси келмас эди.— Яхшилаб боқинглар, бечора ҳайвонларга хиёл жир битсин! Кенг далага ташлаб қўйяпсизлар, сизларга ҳеч оғирлиги тушмаяпти, тагини тозалаш йўқ, гўнгни ташиш йўқ. Нархи ҳам кундан-кунга ортиб кетяпти. Юнги ҳам, териси ҳам олтин баҳосида сотиляпти. Бунинг сабабини биласанми?

— Йўқ, бек, билмайман.

— Эғнингга киядиган кўйлагинг бор-ку, ўшани энди машинада тўқишади. Шу жумладан, оёқ кийимини ҳам фабрикада тикишади. Бунақада ҳам кўп, ҳам арзон бўлар эмиш. Ҳозир Русияда фабрикалар капалакдай кўпайиб кетяпти. Оғизларини очиб юнг бер, тери бер деб турипти... Тушуняпсанми?

Фабрика ҳақидаги гапдан Вали чўпон ҳеч нарса тушунмади. Юнг билан терининг қиммат бўлганига эса дарров тушунди.

— Тушундим, бек. Ем-хашак эсингиздан чиқмасин...

— Чиқмайди, сендан нима сўраган бўлсам, нима айтган бўлсам орамизда қолсин. Билдингми? Бировга оғзингдан гуллаб қўйсанг, ўзингдан кўр!

Илёсбек отининг жиливидан тортиб, сурувнинг нариги бошига, чўпонлар билан гаплашиб турган Сафиқулибек ва бошқа овчи дўстларининг олдига қараб кетди. У ерда кўп тўхталмай, йўлга чиқдилар. Отлар кўздан ғойиб бўлгунига қадар Вали жойидан қўзгалмай, кетларидан қараб турди: «Буниси қандоқ бўлди?— деб ўйлади у.— Вафодор ҳақида суриштирди, йигит топмоқчи. Юнгнинг қиммат бўлганини айтди. Бу келишидан мен ҳеч нарса тушунмадим!» Вали ўча бошлаган ўчоқ ёнига келиб, бошқатдан қуриган ўтўлан ташлаб аланга олдирди. Кейин ўтин ташлади: «Вафодорни хабардор қилиш керак! Эҳтимол, у тушуниб етар. Эҳтимол, бек унга қопқон қўймоқчидир?! У билан туз-нон баҳам кўрганмиз, дўст бўлганмиз. Бек тугул, подшоҳнинг ўзи бўлганда ҳам, Вафодорга хиёнат қилмайман!»

Илёсбек эса бошқача ўйларди. Унинг нияти Вафодорни ўз одамларининг қўли билан йўқотиш эди. У бу фикрга бирдан келиб қолгани йўқ. Олдин жуда кўп ўйлади, узоқ ўлчаб-бичди ва охири шу қарорга келди. У Салим огадан ҳеч иш чиқмаганини ва чиқмаслигини кўриб турар ва ундан умидини узган эди. Чунки Салим ога оғизда бир нарса деб, амалда эса бошқа нарса қиларди. Тайёр уй, тайёр давлатдан кечиб, ўзини таҳлика остига қўйишни истамагани ойдин эди. Ҳолбуки Жаҳон хонимга уйланмасдан олдинги хизматкорлик пайти бўлганда эди, Илёсбек унга: «Фалончини йўқот!» деб ишора қилиши билан ўша куннинг ўзидаёқ буйруқни қойиллатиб бажарарди! Бештагина қўй ва бекнинг совуқ марҳамати учун ўзини ўлдирса ўлдирарди-ю, лекин унинг сўзини икки қилмас эди. Энди аҳвол ўзгариб, ўзи хон, кўланкаси майдон бўлиб қолган эди. Чўпонларнинг ичида, хизматкорларнинг орасида Салимга ўхшаганлардан топа олишига Илёсбек ҳеч шубҳа қилмасди. «Пора билан ҳамма иш битади!»— деб ўйларди у.— Истаган одамни сотиб олиш мумкин. Уддабуронлик билан, йўлини ўрганиб, аста-секин барча томирларини топиб, сўнгра

кесиш керак!» Илӛсбек фақатгина эртак ва ривоятлардангина эмас, ўз ҳаётида кўрган ва эшитган ҳодисаларидан ҳам билар эдики, катталар, катта давлат ва мансаб эгалари энг қўрқинчли рақибларини, энга олмаган душманларини уларнинг яқин одамларининг қўли билан йўқотганлар. Нега энди Илӛсбек бу тадбирни Вафодорга нисбатан қўлламаслиги керак?! Бу ҳаракатнинг номардлик ва эр номига иснод экани ҳақида ҳам ўйларди у. Илгариги замонлар бўлганида эди, Илӛсбек куннинг қоқ ярмида бориб, уни ўз уйида бурда-бурда қилиб чиққан бўларди, ёки бўлмаса бозорда унинг йўлини тўсиб: «Иккимиздан биримиз ўлишимиз керак. Марҳамат, мана бу майдон, мана бу сен, қани чиқ ўртага!» — деган бўларди. Лекин: «Бунинг замони ўтиб кетган!» — деб ўйларди у. — Мардлик ва одамгарчилик ўтмишда қолиб кетди. Ҳозир кимки ўзи енгилмай, ўзгани енгса, ўша мард ҳисобланади! Қай йўл билан енгди, қандай қилиб ғолиб чиқди, бунинг ҳеч бир аҳамияти йўқ, бу ҳеч кимни қизиқтирмайди!»

Илӛсбек Салим оғани атайлаб бу ишга йўлатмасди. Чунки унга нисбатан бўлган шубҳалари ҳали камаймаган эди. Ўша кеча, яъни Ҳури олиб кетилган кеча сирлари ҳанузгача Илӛсбекка маълум эмас, ҳали ҳам унга тинчлик бермас эди. Бу сирнинг тагига етмагунича, кимдан қандай ўч олиш, кимга қандай жазо бериш кераклигини аниқ билмасди. Ҳозиргача сабр қилиб, чидаб келганлигининг сабаби Сафиқулибекнинг кутилмаганда касалга чалиниши эди. Эндиликда, худога шукур, минг турли заҳматдан кейин у соғаймоқда, олдингидай ботир ва қўрқинчли йигит бўлиб майдонга чиқмоқда эди! Энди сирли кўринган воқеаларнинг пардаси кўтарилиб, гуноҳкорга жазо бериш вақти етиб келган эди. Шунинг учун ҳам Илӛсбек ишга киришди.

Ҳозирча бу борада у Сафиқулибек билан ҳам бир оғиз гаплашмаган эди, албатта, ҳозирча уни ҳам бу ишлардан четда тутишга қарор қилган эди. Унинг касали бошқатдан хуруж қилиб қолишидан, янгитдан далил-девона бўлиб кўчаларда юришидан қўрқарди. Бу Илӛсбекнинг белини синдирган, душманларини эса севинтирган бўларди. Шунинг учун ҳам Сафиқулибекнинг атрофида шундай вазият яратган эдики, унинг

бекзодалар билан, ўз тенг-тўшлари билан базмлардан, қирговул ва каклик овидан, сайрлардан ортиб бу ҳақда ўйлашга имкони йўқ эди. Ҳамма ишни Илёсбек ўз зиммасига олган эди.

Бугун ҳеч кўтилмаган ва уни ниҳоятда қувонтирган ҳодиса содир бўлди: овдан қайтганидан кейин, кийимини алмаштиргач, юз-қўлини ювиб, кўрпача устидаги юмалоқ ёстиққа ёнбошлади. Хизматкор олиб келган калённи қуриллатди. Олдидаги тилла ҳаллинок нусха стаканда фамил чой буғланиб турарди. Шу пайт кайфи чоғ, авзойи очиқ ҳолда Сафиқулибек руҳсат сўраб ичкари кирди, келиб отасининг рўпарасидаги курсига ўтирди ва:

— Дада, ўша ишнинг сизга тинчлик бермай, юрагингизни эзаётганини биламан,— деди.

— Балки бу борада гаплашмаганимиз маъқулроқдир!— ўғлига қизиқиш билан қаради Илёсбек.

— Қўрқманг, дада, мен ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман ва сизнинг ҳақиқатни билишингизни истайман,— деди Сафиқулибек ва ўша кеча Вафодорларнинг хонага қандай қилиб кирганини, қандай уришганларини, ўзи қандай ҳақоратга дучор бўлганини, ҳаммасини бирма-бир ҳикоя қилиб берди. Илёсбек эшитгани сари гоҳ ҳўл ўтин қаланган тандирдай бўғилар, гоҳ оловда тобланган пўлатдай қизарар эди.

— Яхши, унинг қошиқ-қошиқ қонини ичмасам отимни бошқа қўяман!— дея калённи бир четга суриб қўйди у.— Ким уларга айғоқчилик қилган, уйимизнинг ичида орқадан курагимизга ханжар тираган хоин ким? Мени безовта қилаётган нарса ана шу. Ўша туннинг сири ҳам ана шу ва биз бунинг тагига етишимиз керак. Фақат шундан кейингина ўша темирчининг қони билан қўлимизни ювишимиз мумкин!..

Сафиқулибекнинг кўзлари шокосадай-шокосадай йириклашиб, олайиб кетди. Мўйловлари диккайди. Юзлари қизариб-кўкариб турарди. Бунинг кўрган Илёсбек:

— Ўғлим, бориб дамингни ол, ҳозирча ҳеч кимга бир оғиз сўз айтмай тур. Мен ўша ханжарини унинг ўз юрагига шундай ботирайинки, ҳаммага ибрат бўлсин!.. Бор, бора қол!— деди.

Сафиқулибек чиқиб кетди. Илёсбек бир амаллаб тонг оттиргач, юрагини наштаб бўлиб тешаётган но-

маълум сирнинг тагига етиш мақсадида ҳар бир қадамини ўйлаб боса бошлади. Хизматкорлар ва чўрилар билан қилган суҳбатидан ва шахсий мушоҳадаларидан Салим оғанинг хизматкорлари орасида паст бўйли, бошига ҳамма вақт кулранг папоқ кийиб юрадиган зийрак бир хизматкор борлигини, хўжайини унга ҳаммадан кўпроқ ишонишини ва у билан сирдош эканини билган эди. Ҳозир, ўша тунги ҳодисадан унинг беҳабар бўлиши мумкин эмас, деган фикр хаёлига келди.

Илёсбекнинг, онадан тугилганидан бери ўйлаш нима эканини билмаган иккита калтабин ва қўпол навқари бор эди. Қоринларининг тўқ бўлиши, ўрнининг иссиқ бўлиши уларнинг энг катта орзулари эди. Шу ҳолида ўз хўжайинларига вафодор итдай содиқ эдилар. Илёсбек ҳам уларни тўйдирарди. Ўринларини иссиқ қилиб берарди. Ўзининг оромгоҳига яқин бўлган даҳлиз зинасининг тагидаги иссиққина хонани атайлаб уларга ажратиб берган эди. Илёсбекнинг овози чиқиши билан сакраб туришарди.

Илёсбек бу икки девдай-девдай навқарини олдиға чақирди ва бориб кални олиб келишларини буюрди.

— Ҳозирнинг ўзида етказиб келинглар!— деди бек.— Нима иши бўлса ҳам ташлаб, олдиларингга тушиб келсин! Алай-балай дейдиган бўлса, оғзига рўмол тиқиб, қўлларини орқасига боғлаб келтиринглар!

Навқарлар: «Хўп бўлади!» деб чиқиб кетишди. Қал уларни кўрганда ваҳимага тушди. Уларнинг подшоҳ жаллоди каби нарса эканини яхши биларди. Илёсбек аччиғига ёмон теккан одамларнинг орқасидангина уларни юборарди. Ранги бўздай оқаргани ҳолда қаёққа чақираётганларини Салим оғага маълум қилиб:

— Нима қилай, хўжайин, борайинми, бормайинми?— деб сўради.

Салим оғанинг ҳам ранги ўзгарди. Бир зум ўйлашиб турди, бамисоли жаллоддай кўзларидан қатъият ва ғазаб ёғилиб турган икки навқарга қараб:

— Бора қол, болахон, қани, бекнинг қандай буйруғи бор экан!— деди ва яқин келиб:— Анави кеча тўғрисида битта сўз айтадиган бўлсанг ўлдим деявер! Туя кўрдингми, йўқ, вассалом!— дея пичирлади.

Кални Илѣсбекнинг ҳузурига олиб келдилар. Навкарлар қайтиб чиқмоқчи бўлишганида, Илѣсбек:

— Қолинглар!— деди.

Навкарлардан бири сарбоздай эшикнинг бу ёнида, иккинчиси нариги ёнида туришди, кал бўлса улардан уч-тўрт қадам олдинда, Илѣсбекнинг рўпарасида қўлини кўксига қўйганча, ранги сарғайиб буйруқ кутиб турарди. Илѣсбек навкарларга қараб:

— Фалақ<sup>1</sup> билан зўғол дарахтининг навдаларидан келтиринглар!— деди.

Навкарлар дарҳол бекнинг буйруғини адо этдилар. Югурганча бориб фалақни олиб келиб бир четга қўйдилар ва бир қучоқ зўғол новдасини ҳам унинг ёнига тердилар. Кал ўзини бекнинг оёғига ташлади:

— Сизга қурбон бўлай, бек, менга раҳмингиз келсин!

Илѣсбек уни тепки билан нарига итарди ва навкарларга қараб:.

— Фалаққа солинглар-да, уринглар!— деб буйруқ берди.

Улар дарҳол бекнинг буйруғини адо этдилар. Кални ерга йиқитдилар, оёғини тепага кўтариб, фалаққа солдилар. Бири ушлаб турар, иккинчиси эса юмшоқ навдалар билан унинг яланғоч оёқларини саваларди. Калнинг фарёди ҳамма ёқни тутиб кетди.

— Ахир қандай номаъқул еган эканман, бек, нега мени ўлдирыяпсиз?

— Ур, қаттиқроқ ур!..

Калнинг оёқлари кўкариб, моматалоқ бўлиб кетганидан кейин бек:

— Тўхтанглар!— деди.

Навкарлар тўхтадилар. Калнинг оғзи кўпикланган, кўзлари қинидан чиқиб кетган, усиз ҳам ушоққина гавдаси янада кичрайиб, жўжага айланган-қолганди. Навкарлар тўхтаб, нафас ростлаётганларида унинг кўзлари оқиб тушгандай бўлди:

— Оёғини ечинглар!— буюрди бек. Фалақни ечиб, кални ерга ётқизишди. У оёқларини ушлаб зор-зор йиғлади:

— Эй, худовандо, ахир гуноҳим нима менинг?! Эй худо, нега мени азоблашади?! Сизга қурбон бўлай,

---

<sup>1</sup> Ф а л а қ — жазо қуроли.

бек, болаларингиз ҳаққи-ҳурмати, қўйиб юборинг мени!..

— Телпагини кийдирунгла!— Илёсбек жиркана-ётгандек, калнинг ялтиллаб турган терисидан юзини четга ўгирди. Навкарлардан бири тезда бориб, хонанинг бир бурчагида юмалаб ётган кулранг телпакни олиб келди ва калнинг бошига бостирди.

— Энди чиқиб турунгла!— деб буюрди Илёсбек навкарларига. Улар жони йўқ қўриқчидай дарҳол хонадан чиқиб кетдилар.

Илёсбек калга тикилди:

— Қани энди гапир-чи, хўжайинингнинг қанақа сирини биласан?

— Сизга қурбон бўлайин мен, қайси хўжайиним ҳақида сўраяпсиз, Жаҳон хонимними, Салим оғаними?

— Салим оғанинг!— деб аниқлик киритди бек.

— Сизга қурбон бўлайин, бек, Салим оғанинг қайси сирини сўраяпсиз?..

— Сенга маълум бўлганининг ҳаммасини гапир!— Илёсбек бирданга Салим оғанинг барча сир-асроридан хабардор бўлиб олмоқчи эди.

— Сизга қурбон бўлай, бек, кейин у тилимни бўйнимнинг орқасидан суғуриб олади!— кал зорланган эди, Илёсбек чапак чалди. Барзангидай-барзангидай навкарлар шу дақиқадаёқ ичкарига киришди.

— Ҳали эси кирмаганга ўхшайди, фалаққа солингла!

Кал ерда сурина-сурина, икки қўлини олдига узатиб:

— Йўқ, йўқ, қурбонингиз бўлай, бек, ҳозир ҳаммасини айтиб бераман!— дея зор-зор йиғлади.

Илёсбек қўли билан «даф бўл» ишорасини қилган эди, барзангидай навкарлар чиқиб кетишди.

— Гапир!

— Тасаддугингиз бўлай, бек, ҳамма айб Офарида хонимда... Кечаси, ҳамма ётганидан кейин, Жаҳон беканим ухлатиб қўйиб, унинг эшигини тақиллатади...

Илёсбекнинг қалин қошлари ёй каби юқори кўтарилиди.

— Униси эшикни очадими, йўқми?

— Йўқ, бек, имонимни йўқотган эмасман, ёлғон гапира олмайман, ҳозирча эшикни очгани йўқ, агар

мен ухлаб қолганимдан кейин очган бўлмаса, унисини билмайман.

— Яна нима биласан?

— Сизни жуда ёмон кўради, шуни биламан.

— Нима дейди?

— Тилим келмайди, бек, қаҳрингиздан қўрқаман!

— Қўрқмай гапиравер, нима дейди?

— Бу итдан тарқаган имонсиз ўлмади, биз қутулмадик, дейди!..

Илёсбек қошларини чимириб, калнинг телпаги ўртасига тупурди:

— Бориб: «Бек ҳаммангизни қириб ташлайман деяпти», дейсан, кейин... билдингми?

— Жоним билан етказаман! Энди кетсам майлими?

Бек чапак чалмоқчи эди, кал ёлворди:

— Яна бир нарсани биламан, бек. «Сафиқулибекни лақиллатаман, юнгини ҳозирдан арзонга олиб, кейин қимматга сотаман»,— дейди...

— Бошқа ҳеч нарса билмайсанми?— сўради Илёсбек.

Кал шу билан қутулиб кетаман деб ўйлаган эди. Салимнинг энг муҳим сирини очмай, унинг ғазабидан ўзини асраб қолмоқчи эди. Илёсбек яна чапак чалди. Навкарлар яна ичкари киришди. Кал бу сафар ҳам бекнинг оёғига йиқилиб ёлворганида, Илёсбек уни фалаққа солдириб, азоб беришдан, шуни томоша қилишдан оладиган завққа эҳтиёж сезди:

— Боғлаб уринглар!— деди у.— Ҳали эси кирмаганга ўхшайди.

Барзангидай навкарлар шу ондаёқ кални фалаққа солиб, ура бошладилар. Зўғол новдалари оёқларини торс-торс ёриб сингани сари унинг фарёди ортиб борарди. «Бас қилинглар!», «Бўлди қилинглар». Ниҳоят бекнинг ташналиги қонгандай бўлди. Кал ярим жон бўлганида тўхташга ишора берди. Навкарлар фалақни очиб, кални яна бекнинг олдига олиб келиб ташлашди. Бу сафар кал ҳеч бир савол кутиб ўтирмай, булбулигўё бўлиб сайради:

— Тасаддугингиз бўлай, бек. Уша тунда бўлган воқеани сўраётганингизни билиб турибман. Хўжайиним ҳеч кимга айтмагин деб буюрган эди. Лекин сизга айтаман. Анавиларни Сафиқулибекнинг уйига хўжа-

йинимнинг ўзи бошлаб кетди. Файтонни менга қўш-  
дирди. Лекин жиловни бермади... Аравани ўзи бош-  
қарди. Девордан ошиб, эшикни очиб берди. Сафиқули-  
бек оғамнинг айвонига ўзи чиқди, анавиларни ҳам  
бирга олиб чиқди!

Кал тинмай гапирарди. Тили бир он тўхтамасди.  
Салимнинг жиноятини қанчалик оширса, ўзининг  
жони бек қўлидан шунчалик тез қутулишини ҳис  
қиларди у. Шунинг учун Илёсбекнинг саволга тутти-  
шига имкон ҳам бермай, кўзи билан кўрмаганларини  
ҳам қўшиб-чатаверди. Бу сафар калнинг сезгиси алда-  
мади. У кўнглида борини гапириб бўлганидан кейин,  
Илёсбек чапак чалди. Ичкари кирган навкарларга қа-  
раб:

— Олиб бориб, оёқларига малҳам қўйинглар, яра-  
ларини боғланглар-да, йўқотинглар!..— деди.

## 2

Темирчининг дўконидан одам аримасди. Дунёда  
бўлаётган ҳамма гапни шу ерда муҳокама қилишар-  
ди. Боку—Тифлис темир йўли қурилишидан, Бокуда  
нефть ишлаб чиқаришга кўп харажат қилинаётгани-  
дан, нефтнинг жаҳон бозорида қимматлашиб бораёт-  
ганидан, ипакчиликдан, шаробчиликдан, буларнинг  
олтин каби фойдали эканидан ва бошқа нарсалардан  
гап кетар эди. Кўпинча эса йилнинг ёмон келгани,  
баҳор ҳам шу хилда қурғоқчилик билан ўтадиган бўл-  
са, очлик, қаҳатчилик бошланиши мумкинлигидан га-  
пирардилар. Нарх-наво кўтарилиб, яшаш қийинлашиб  
кетаётгани равшан эди. Бир сўз билан айтганда, бу  
ерда ҳамма нарсадан, ҳамма ёқдан гап бўларди. Ҳу-  
ридан бўлса ҳеч қандай хабар йўқ эди. Унинг Петер-  
бургга жўнатилганлиги борасида бу ерда бўлиб ўтган  
гап-сўзлар энди тўхтаб қолганди. Қандай қилиб олиб  
кетишгани, қаерга жойлаштиришганини ҳеч ким бил-  
масди. Али Мирза кишининг ҳам оёғи узилган эди.  
Келмай кетганига анча бўлган. Бу ҳол Вафодорни ни-  
горон қиларди. «Нима бўлдийкин, касал бўлиб қол-  
мадимикин? Эҳтимол, бошига ташвиш тушгандир?  
Ишқилиб тани жони соғ бўлсин, бошқаси ўтиб кета-  
ди!»— деб ўйларди у.

Темирчилик устахонасида гапирилган ва Вафодор-  
ни ўйлантириб қўйган қизиқ хабарлардан бири —

калнинг йўқолиши эди. Ҳовлидан чиқиб кетгану, қайтиб келмаган, деган гап юрарди. Ҳамма ёқни қидириб чиқишди, лекин ўлиги ҳам, тириги ҳам топилмади. Осмонга учиб кетдими, ерга кириб кетдими, номаълум эди. Қачон, қандай шароитда йўқолгани ҳақида эл оғзида ҳар хил ривоятлар юрарди. Вафодорнинг Ил-ёсбеклар хонадонидида рўй берган ҳодисаларга қизиқиши табиий эди, албатта. Мана шундай гап очилганида беихтиёр диққат билан қулоқ солар, уларнинг фикр ва ниятларини билишни истарди. Сафиқулибекнинг касали уларни анча вақтгача гангитиб қўйган эди. У тузалганидан кейин тинч ўтиришармикин?

Вафодор шундай фикрлар қуршовида дўкондан чиқиб, уйга қайтди. Кеч кириб келар, қуёш гарб уфқи-га қараб оғмоқда эди. Одамлар аста-секин дала-даш-дан, дўкон-бозордан, кўчалардан уйлари-га қайтардилар. Дарвоза олдида уни Сакина кутиб олди:

— Оҳ, акажон-ей, яхшиям келганингиз! Кўнглим ғалати бўлиб кетаётган эди...

Вафодор унинг пешанасидан ўпиб қўйди:

— Телба синглим-ей! Нега энди юрагинг ғалати бўлар экан? Менга нима бўларди!?— Шу сўзларни айта туриб, Сакинанинг сиқилиши бежиз эмаслигини ўйлади. Ким билсин, бечора қизнинг кўнглига нималар келганикин?! Вазият шу ҳолича сақланар экан, ҳамиша шундай бўлади. Беш-олтита хонадон эркин нафас ола олмайди, бир бурда нонни бафуржа ея олмайди. Яхшиси — кўчиб қутулиш, бошқа бир жойдан маскан топиш эди. Ҳеч бўлмаганда, Сакинанинг юраги остида ётган, унинг қони билан ўсаётган бола дунёга бемалол келиши, шу хилда изтироб чекмаслиги керак!

— Жаъфар қани?— деб сўради Вафодор ва ўзи овозидаги нигоронликка ҳайрон қолди.

— Эрталабдан бери тинмай ишляпти!

Вафодор синглисининг қўлидан ушлаб, Жаъфар ишлаб турган хонага олиб борди. Жаъфар ҳазин овозда қўшиқ куйлаганча, гиламнинг қизил гулларини тўқиб ўтирар эди. Ишнинг ярмидан кўпи битган, гуллари, нақшлари киши кўзини яшнатиб, кулиб турар эди.

— Овозинг жуда яхши-да, Жаъфар!— Вафодор остонадан туриб унга мурожаат қилди.

— Жаъфар эмас, Жаъфар Савалон денг!— деб кулди Сакина.

Жаъфар ишини тўхтатиб, беғубор кўзлари билан уларга қайрилиб қаради. Унинг юзидан, кўзларидаги ғайри оддий нур тараларди. Юзини худди ўн тўрт кунлик ой ёритиб тургандек эди. Вафодор бу илҳом нури эканини биларди. Санъатга шайдо бўлган кишиларни йиллар давомида тиним билмай ишлашга руҳлантирган, чарчашга имкон бермаган яратувчилик наъшаси эди бу!

— Ҳа, хаёлинг осмонларда учиб юриптими, дейман! Овозинг яхши, деяпман,— деди Вафодор ўта меҳрибонлик билан.

— Ога, қўшиқ айтганда ип одамнинг қўлида ўйинга тушиб кетади, гилам яна ҳам чиройли чиқади,— жавоб берди Жаъфар.— Бу ҳам худонинг бир сири-да. Ҳатто сигир ҳам қўшиқ эшитганда кўпроқ сут беради...

— Бас, алломалик ҳам етарли бўлди, ўрнингиздан туринг, қоронғи тушиб қолди!— Сакина унинг қўлидан ушлади.— Ишга шундай берилиб кетяпсизки, кўзингизнинг қораси йўқолиб, оқи қолмаса деб қўрқаман...

Жаъфар янада ёришган, кулимсираган кўзлари билан Сакинага қараб қолди. Вафодор унинг Сакинага қарагани сари юзи ва кўзи нурга тўлиб бораётганини, кишига ҳуш ёқадиган табассум билан очилиб кетаётганини кўрганида севиниб кетарди. Синглиси шундай севганига ва севилганига севинарди: «Илоё буларнинг бахти поймол бўлмасин!» деб ўйлади у. Мана шу ҳистуйгуларнинг таъсирида кечки овқатдан кейин қўлига созини олди, кўйлагини ечиб ташлаб, уни сийнасига маҳкам босиб чала башлади... Бошқа бир илҳом билан, ҳавас билан чаларди у... Сакина билан Жаъфар дераза олдида ёнма-ён ўтириб, куйни тинглашарди... У, ҳам классик бахши куйларини чалар ҳамда истаган баёти ва шеърларга мос халқ куйларини топиб чалаверарди. Соз унинг сийнасида вафодор ёрга айланарди, бу шундай севикли ёр эдики, сенинг бутун истақларингни ўрнига қўярди-ю, ўзи сендан ҳеч нарса талаб қилмасди. Чунки, юрагингни бутунисича унга берганингга амин эди у... Вафодор кўзини сузиб, Сакинанинг кулиб турган кўзига қаради ва куйни ўзгартирди:

Азизим, бахтиёрим,  
Кўнглимнинг тахти ёрим.  
Кўзингда кўз акси бор,  
Сенга ким боқди, ёрим?..

Сакина акаси бу сўзларни унга қараб айтаётган бўлса-да, аслида бошқани назарда тутаётганини биларди... Лекин бу борада гап очишни ортиқча деб билди. Акасининг ярасини кавлашдан нима маъно чиқарди! Юраги тўлиб кетган Вафодор ярим кечагача соз чалди... Фақат ит кимгадир ҳура бошлагандагина тўхтади. Жаъфар эшикка чиқиб, Вали чўпонни бошлаб кирди. Уни кўрган заҳоти Вафодор безовта бўлди.

— Қадамнинг хайрли бўлсин, Вали! Қани ўтир-чи.

— Ўтира олмайман, ишимизнинг огир пайти, тезлик билан сурувнинг олдига қайтишим керак!— Вали ўтирмади ҳам.— Бугун бир гап бўлиб ўтган эди, шуни сенга етказай деб келдим.

Вали Илёсбек билан қилган суҳбатини дўстига гапириб берди. Жаъфар билан Сакина ҳам чурқ этмай тинглаб, Вафодорга қарашди. Вафодор хийла ўйланиб қолди.

— Тушунарли! Илёсбек бизларни ўз қўлимиз билан йўқотмоқчи,— деди у.— Чўпонларнинг орасидан одам танлаб олмоқчи. Энди Қасдан билан Суюндан эҳтиёт бўлиш керак...

— Бўлмаган гап!— деб хитоб қилди Вали.— Бизда хиёнат бўлмайди. Шунинг учун хабар бергани келдим. Билиб қўйган яхши. Эҳтиётингни қилиб юрасан. Энди рухсат бер, мен кетай.

Сакина:

— Вали амаки, ўтиринг! Яхши ош пиширганман, бир коса еб кетинг,— деди.

— Йўқ, синглим, ўтира олмайман, кўнглимга олма. Жуда сийлагинг келаётган бўлса, битта идишга солиб бера қол, олиб кетаман, чўпонлар ҳам татиб кўришади.

Сакина тезда қозонни олиб келди-да, катта мис товоққа ош сузди, эски дастурхонга ўраб, Вали чўпоннинг қўлига тутқазди. Жаъфар билан биргаликда чўпонни кузатиб қайтганларидан кейин, Вафодор ўзининг қатъий қарорини айтди.

— Бир ҳафта, ўн кун ичида йиғиниб тайёр бўлинг-

лар, кўчиб кетамиз. Эртага Идрисга айтаман. Уларни ҳам бу ерда қолдириб бўлмайди. Биздан кейин уларга азоб беришлари мумкин. Оғир юк бўладиган нарсаларни секин-секин сотиш керак. Идиш-товоқ, кийим-кечакни бўлса секин-секин йиғиштириб қўйгин, сингилжон.

— Кўпдан бери сизга кўчиб кетайлик, деб айтмоқчи бўлиб юрувдим, акажон!— Сакина енгил тортагандай бўлиб гапирди.— Хўш, Жаъфар Савалон нима дейди?

Жаъфарни лақаби билан аташ Сакинага лаззат бахш этарди. «Жаъфар Савалон» деганида унинг кўзлари ўзгача яшнаб кетарди. Унинг ҳазилини вақтихушлик билан қарши оладиган Жаъфар бу сафар ҳам кулимсираб:

— Менинг ҳам кўнглимдаги гап!— деди.

Эртаси куни Вафодор Идрис билан Райҳон хонимга ҳам учрашди, улар билан ҳам маслаҳатлашди. Биринчи бўлиб Райҳон хоним:

— Жуда яхши гапни айтдингиз-да, Вафодор! Буларнинг қилиқларини кўриб турибман, шу кетишда ахирам қон тўкилади. Келинг, вақт ғаниматлигида бошимизни қутқариб кетайлик. Тифлисида, Бокуда ишлайдиган одам ахтариб юришади, дейишяпти, ҳаммангиз ҳам бир иш топиб оларсизлар,— деди.

Вафодор бу қарорни ҳаммадан сир тутишни, кўчиб кетмоқчи бўлганларини ҳеч кимга билдирмасликни маслаҳат берди. Бир кечада ғойиб бўлганлари тузук. Райҳонларга ҳам эҳтиётлик билан, секин-секин тайёрланишни буюрди. Ана шу кундан бошлаб Сакина ҳам, Райҳон ҳам уй жиҳозларини йиғиштириб, тузунларга, қопларга жойлаштира бошлашди, сотиладиганини эса бир чеккага ажратиб қўйишди. Ҳар замонда учрашиб, бир-бири билан нимани олиб кетиш, нимани сотиш ҳақида маслаҳатлашардилар. Вафодор ўзича узоқ ўйлаганидан кейин, Шакига кўчишни маъқул кўрди. Чунки у ерда ипакчилик фабрикаси очилганини эшитган эди. Жаъфар билан Идрисга ҳам иш топилишига ишончи комил эди. Ўзи бўлса темирчилигини давом эттираверади.

Кўчишга ҳозирлик кўриб турган пайтларида ҳаммадан кўп сиқилган Жаъфар бўлди. Чунки кечаси-ю кундузи ишлаши, чала-ярим гиламини охирига етқа-

зиб қўйиши керак эди. Шу мақсад билан тонг отар-отмас турар, юз-қўлини ювиб, ишини бошлар, орада Сакинанинг зўри билан бир-икки тишлам нон еб, чой ичиб, яна ўтирар, ишини давом эттирарди.

У бугун ҳам эрта турди. Бирмунча вақт ишлаганидан кейин, Сакинанинг таклифи билан дастурхонга келиб, улар билан биргаликда нонушта қилди. Вафодор темирчилик дўконига йўл олганида Сакина унга эргашди:

— Ака, Райҳон опамникига шўнгиб чиқаман, бир-иккита маслаҳатли иш чиқиб қолувди.

— Яхши, бўлмаса юра қол!— Сўнгги кунларда Вафодор уни кўчага ёлғиз чиқармай қўйган эди.

Жаъфар Савалон уларни эшиккача кузатиб қайтди-да, ўтириб, гилам тўқиш билан машгул бўлди. Орадан ярим соат ўтмай, эшик тақиллади. Ит вовуллай бошлади. Жаъфар бегона одам келганини билиб, эшикка қараб юрди.

— Ким у?

Мулойим ва юмшоқ овоз эшитилди:

— Жаъфар, илтимос, эшикни оч, иш билан келган эдим.

Жаъфар, Карим туякашни таниб, эшикни очган эди, ичкарига уч киши кириб келди. Улардан иккитаси Илёсбекнинг бизга таниш барзангидай навкарлари эди. Учинчиси мулойим овозли, қора қалин соқолли киши бўлиб, у олдинлари туякашлик қилган, ҳозир бекнинг эшигида хизмат қиларди.

— Жаъфар, бизни Илёсбек юборди, беш дақиқага ҳузурига кириб чиқишингни илтимос қилди. Сенга гилам буюрмоқчи экан...— деди у.

Жаъфарнинг юраги орзиқиб тушди, лекин сир бой бермай:

— Жоним билан! Сизлар кетаверинглар, кетингиздан беш-ўн дақиқа ўтказмай етиб бораман,— деди.

— Бек бирга олиб келинглар, деган эди. Малол келмаса биз билан юрсанг. Хавотир оладиган иш йўқ. Тезда қайтиб келасан...

Жаъфар бир сония ўйга чўмиб, уларга диққат билан қаради. Баҳайбат, калтафаҳм навкарлар йиртқич итдай унга олайиб қараб туришарди. Қоп-қора юзлари ҳам, қоп-қора кўзларининг устидаги киприклари ҳам қимир этмасди. Улардан бирининг қўлтигида

буклоғлиқ қоп, иккинчисининг қўлида эса йўғон арқон бор эди. Қора патак соқолли туякаш Каримнинг кулимсираши ҳам ғалати эди. Жаъфар уларнинг ёмон ният билан келганларини тушунди. Ҳаям демай, йўқ ҳам демай, чор атрофга кўз югуртирди. У нажот йўлини ахтарарди. Аксига юриб, қўшнилариининг ҳам овози чиқмасди.

— Яхши, беш дақиқа шу ерда кутиб туринглар, кўйлагимни алмаштириб олай, кейин кетамиз!— деб уйига йўл олган эди, шу онда баҳайбат навкарлардан бири унинг томоғига чанг солди ва орқага судради, иккинчиси оғзига сочиқ тиқди. Бир зумда кўзларини ҳам боғлашди. Оёқ-қўлларини арқон билан чирмаб ташлашди. Барзангилардан иккинчиси қопни орқалаб олди-да, йўлга чиқишди. Жаъфарнинг хаёлида юраги ҳозир ёрилиб кетадигандай эди. Ҳаво етмай, нафаси қисилар, бақириб-чақирмоқчи бўлар, лекин уддасидан чиқа олмасди. Шу йўсинда бирмунча вақт йўл юрди-лар. Кўчанинг муюлишида Жаъфарни файтонга босиб, отларни чоптириб кетишди. Бир қанча вақт ўтиб, файтон бир ҳовлига кириб қадамини секинлатди. Баҳайбат навкарлардан бири қопни судраб пастга олиб тушди.

— Марҳамат, бек, олиб келдик!

Кимдир қопни бир тепиб:

— Чиқаринглар!— деди.

Куппа-кундуз куни кутилмаган фалокатга дуч келган Жаъфар ғазабдан ва нафас етмаганидан қийналса-да, ҳушини йўқотмаган эди. Сафиқулибекни қўпол овозидан таниди.

Жаъфарни қопдан суғуриб олишди. Оёқ-қўлидаги арқонни ечиб, кўзидаги рўмолни олиб ташлашди. Қўлидан тортиб, оёққа турғазиларди. Жаъфар айнан ўша ҳовлида, уйнинг олдида, айнан ўша, Вафодор Сафиқулибекни тиззаси тагига олиб, ханжарни кўкрагига тираб туриб, қўлидан Ҳурини тортиб олган жойда турарди. Илёсбек ровонлик айвон олдида чилим чекиб ўтирарди. Ўткир кўзлари Жаъфарга тикилган эди. Унинг арзимаган ҳаракатини ҳам назаридан қочиришни истамасди. Сафиқулибек унга яқин келди. Қўлини ҳавода айлантдириб, Жаъфарнинг юзига қаттиқ тарсаки туширди. Жаъфарнинг кўзидан ўт чиқиш кетди.

— Бу ерни танидингми?!— Сафиқулибек уйни кўрсатди. Унинг жавоб бермаганини кўриб, Карим туякашга ўтирилди. Каримнинг юзидан бояги йиргамчик табассум йўқолган эди.

— Оғзидагини ол!— деб буюрди Сафиқулибек.

Карим туякаш қўлини чўзиб, Жаъфарнинг оғзидаги сочиқни олди.

— Ҳой, сенга гапиряпман, бу ерни танидингми, ёки эсингдан чиқдими?— Сафиқулибек чап қўлини ҳавода айлантириб Жаъфарнинг иккинчи юзига туширди. Илёсбек жимгина ўтириб, чилимини тортарди. Жаъфар бу ердан чиқиб кета олмаслигини, ўлимга маҳкум қилинганлигини билди. Чуқур нафас олиб деди:

— Йўқ, бек, ҳечам эсимдан чиққани йўқ! Вафодор сени тиззаси тагига қандай олганини, илон тилингни чиқариб, қандай ялинганингни унутганим йўқ. Ҳаммаси эсимда!..

— Хўш, ўша Вафодоринг қани, келиб сени қутқариб олсин!— мақтанди Сафиқулибек.— Мард бўлса келиб кўрсин!..

— Сен мардликдан оғиз очма, бек! Эр киши бундай номард ишни қилмайди. Эр кишидай майдонга чиқади!

Жаъфар Илёсбекнинг ўғлига қандайдир ишора қилганини кўрди. Сафиқулибек баҳайбат навкарларидан бирига:

— Сихни олиб кел!— деди.

Навкар чопганича бориб, ўчоқда қизариб, чўғдай бўлиб турган сихни олиб келди. Сафиқулибек иккинчи навкарга:

— Маҳкам ушла!— деб буюрди.

Навкар Жаъфарнинг қўлларида ушлаб орқасига қайирди. Сафиқулибек эса:

— Ма, ол, бу — русларга обориб топширган сандиқчанг учун жавоб!— деб қизариб турган сихни ёнламаси билан Жаъфарнинг пешонасига босди. Оғриқнинг зўридан Жаъфар кўзларини юмиб олди. Лекин овозини чиқариб «их» ҳам демади.

— Наригисини олиб кел!— деб буюрди яна Сафиқулибек. Навкар тезлик билан иккинчи сихни олиб келди.

— Мана буниси ўша туннинг ҳақиға!— Сафиқули-

бек Жаъфарнинг юзини узунасига ва кўндалангига доғлай бошлади.

— Ҳа, қалай экан?— Сафиқулибек энгашиб унинг кўзига тикилди. Жаъфар йўталди. Қуриб қолган томоғидаги бор-йўғини қириб, хириллаб унинг юзига тупурди ва:

— Жуда яхши, бек!— деди.— Вафодор буларнинг ҳақини олганида мен ҳам: «Қалай бўларкан?» деб сўрайман.

Сафиқулибек унн тарсакилай бошлаганида, Илёсбек оёққа туриб кетди ва:

— Етарли бўлди, энди олиб кетинглар!— деб буюрди.

Навкарлар уни олдиларига солиб, турткилай-турткилай боғнинг бир чеккасига, дарахтлар орасидаги баланд деворнинг олдига олиб боришди. Кетларидан Сафиқулибек ҳам келди. Уша ердаги чуқур ўранинг олдида тўхташди.

— Бунга ўқ ҳайф, ўрага ташланглар! Тириклайин чириб кетсин!

Сафиқулибек буйруқ бериши билан баҳайбат навкарлар Жаъфарни кўкрагидан итариб юбордилар. У орқаси билан чуқур, зах ва қоронги чуқурга учиб тушди. Навкарлар ўранинг оғзини беркитиб қайтишди...

### 3

Салим оға ҳовлида айланиб, отхонага кириб-чиқиб, навкарларга дуч келган ишни буюриб, кални кутди. Бир соат ўтди, икки соат ўтди, пешин бўлди ҳам, келмади. Кеч ҳам кирди. Калдан ҳамон дарак йўқ эди. Салим оға бармоғини тишлаб, хаёлга толди: «Бу имонсиз чол, бу қари тулки, киши билмас нима иш битираётган экан?— деб ўйларди у.— Бола-чақаси дали-девона бўлиб юрганида, бизни ўз ҳолимизга қўйиб қўювди. Сал ўзига келди дегунча яна ириллай бошладилар!» Салим оғада този итнинг хислати бор эди. Фақатгина энг кўп ишонган, бутун сирларидан хабардор бўлган навкарининг шу кетганча қайтмаганлигидан эмас, бир қатор бошқа аломатлардан ҳам Илёсбекнинг ундан шубҳаланиши у ёқда турсин, қатто томо-

ғидан олиб ғажишга ҳам фурсат кутаётганлигини ҳис қиларди. Хотини Жаҳон хоним ҳам ўғринча ташвиш ичида эди. Отасиникига бориб қайтганидан кейин, айтиқса безовталаниб қолар, ниманидир ичига солиб ҳадеб хаёл сураверарди. Бир кеча Салим оға бутунлай нафратланадиган бўлиб қолган бу аёлнинг ёнига чўзилди, тишини тишига қўйиб, билагидан ушлаб суйган бўлди, юзидан ўпиб:

— Жаҳон, тасаддуғинг бўлай, менга айт-чи: нима қилган эканмизки, даданг бизни хушламай қўйди?— деб сўради.

— Дадам сизга нима қияпти?— Жаҳон ачиқлаиб, ҳатто жеркиб сўради.

— Нима қиларди, айланай, бетимга қарамайди, қовоғидан қор ёгади, чақириб бир оғиз сўз айтмайди. Худди бегонадай, душмандай кўринади!..

— Унинг ўз дарди ўзига етади. Сиз энди бу ёқдан зуғум қилманг.

— Мен унга зуғум қиялпманми, у менга зуғум қиялпими? Ҳеч замонда шунақаям бўладими? Навкаримни чақиртириб, йўқотиб юборса, ахир бунга ким чидайди?!

— Навкарингизнинг ўзи ифлос нарса эди. Дадам ундан икки оғиз сўз сўраб чиқариб юборган. Малайингиз хоинлик қилиб, қочиб кетса, дадам нима қилсин? Ажаб бўпти, қасмоқ боғлаган бошини, кул рангли телпагини кўрганимда кўнглим айнарди...

Салим оғанинг хотинидан битта ҳам сўз чиқариб ола билмаслигига ақли етди. Уни қўйиб юборди ва орқасини ўгириб ётди. Унинг бу ҳаракати Жаҳон хонимни таҳқирлади, у ҳам аччиқма-аччиққа орқасига ўгирилди, Салим оға қўл узатса тегмасин деб жўрттага кўрпа билан ёнларини қистириб олди. Сал ўтмай хуррак ота бошлади. Салим оға кўзларини очиб қоронгига тикиларкан, анча вақт унинг хуррак отишига қулоқ солиб ётди. Қаттиқ уйқуга толишини пойлади. Жаҳон хонимнинг хурраги қаттиқроқ чиқа бошлаганида Салим оға сирғалиб кўрпа тагидан чиқди, кийимларини кўтариб даҳлизга ўтди, чала-чулпа кийинди-ю, ҳовлига отилди. Офарида хонимнинг сурати, гўзал, нозик бадани, кулиб турган қора кўзлари унинг кўзи олдида жилвалана бошлади. Жаҳон хонимнинг сочган заҳарини юрагидан ювиб ташлаш

учун Офарида хонимнинг навозишларидан яхши дори йўқ эди!..

Салим ҳовлида у ёқ-бу ёққа кўз ташлади. Итнинг олдига бориб бирпас турди. Ҳовлини кўздан кечирди. Ҳамма уйқуда эди. Салим жойидан қўзғалиб, Офариданинг эшигига йўл олди. Уртанча бармоғини буклаб журъат билан эшикни тақиллатди. Офарида ҳали ётмаган эди. Салимнинг хаёлидан: «У ҳам ухлай олмаяпти, мени кутяпти!» — деган гап ўтди. Офарида эшик тагига келди. Салим уни нозик ва кенг тунгги қўйлақда тасаввур этиб, елкаларини ўйнатиб қўйди. «Ким?» деган саволга титроқ овозда: «Оч!» — деб жавоб берди.

— Салим, орқангга қайт, бир ками шу қолувди!

Салим қайтиб кетишни истамади. Яна бир оз тақиллатган эди, шу пайт Жаҳон хоним унинг билагидан ушлаб, орқасига тортди:

— Бу бузуқни эртагаёқ Шўртонга зўрлаб жўнатмасам Жаҳон отимни бошқа қўяман! Сенда эса зарра ор-номус, уят деган нарса йўқ экан... Сенга дуч келган кунимга лаънатлар бўлсин!..

Жаҳон хоним овозини борган сари баланд кўтарар, оғзига келганини қайтармай гапирарди. Салим хизматкор ва чўриларнинг уйғонишидан истиҳола қилиб, унинг қўлидан ушлади:

— Секинроқ гапир, нима гаплигини билмай туриб бақираверасанми!

Бу сўз Жаҳон хонимни баттар қутуртириб юборди:

— Ярим тунда бу қанжиқнинг эшигини нега тақиллатасан? Гапинг бўлса кундузи гапир!

Салим қўли билан унинг оғзини беркитиб уйга олиб кетди:

— Ичкари кир, сенга тушунтириб қўяман... Савдогар Али...

Уйга кирганларида Жаҳон хоним авжига чиқди, бақирди, пўписа қилди, йиғлади, Салимнинг савдогар Али борасидаги уйдирмаларини эшитишни ҳам истамади.

— Қонимизни ит қонига қўшдик деб дадам бекорга айтмайди,— деди Салимнинг юрагини баттар куйдирмоқчи бўлиб. Салим ҳам ўзини йўқотди:

— Ўзингни тий эди! Сенга ялинадиган одам йўқ

эди. Яхши хотин бўлсанг ётогингинг эшигини нега очиқ қолдирасан?!— деб Жаҳон хонимнинг юрагига ўт ёқди ва кўрпасини кўтариб бошқа хонага чиқиб кетди.

Эртаси куни улар бир-бирларига рўпара келишга қўрқар, узоқдан кўз остидан бир-бирига ёвқараш қилардилар. Салим ога ювиниб, кийинганидан кейин чой ҳам ичмади, отга минди-да, бир оғиз гап гапирмай, қаёққадир чиқиб кетди. Пешин пайти қайтиб келганида кўзига илк бор кўринган одам Жаҳон хоним бўлди. У хизматкорларга уй тозалатарди. Ёнгини шимариб, гилам-шолчаларни ҳовлига чиқартириб ташлаттирган эди. Салим ога отини отхонага олиб кириб, навкарларга нимадир деди. Жаҳон хоним тарафга қанча қарамасин, у парво ҳам қилмади, қиё ҳам боқмади. Салим навкарларни қолдириб, уйга кириб кетаётганида Жаҳон хоним:

— Ҳой яшамагур, кўзинг кўрми, чангни кўрмайсанми, яхшилаб қоқсанг-чи!— деб супургини чўрининг қўлидан тортиб олди ва унинг бошига бир туширди.

— Яхши, бас энди, Жаҳон!— Салим хотинининг қўлларига ёпишди. Шу пайтда кўзи дераза пардасининг орқасида туриб бу ёққа қараётган Офарида хонимга тушди. У ўзига оро бериб, янада гўзаллашиб кетган эди.— Бас дедим!— Салим чўрини четга тортди. Жаҳон икки қўлини белига тираб Салимга ўгирилкан:

— Сенга тегишли гап эмас, бориб ишингни қил! Сен ким бўлувдинг?!— деб бақирди.

Салим қандай қилиб ўнг қўли ҳавода айланганини, ёғлиққина шапалоқ қай вақт Жаҳон хонимни ерпарчин қилганини ўзи ҳам билмай қолди. Офарида пардани тушириб, орқасига қайтди. Чўрилар ва хизматкорлар ҳайрат билан бир-бирига қараб қолишди. Барчасининг ҳам кўзи қувонарди. Худди юраклариди тикан чиқиб кетгандай эди...

Ўша куни Жаҳон отасиникига кетди-ю, қайтиб келмади. Кечаси ҳам ўша ерда қолди. Унинг орқасидан Салим на ўзи борди, на одам юборди. Кеч кириб, мол-ҳолни саранжомлаб бўлганидан кейин, хизматкорлар ва чўрилар ётишди. Ана шунда Салим бира тўла Офариданинг эшигига бора қолди. Офарида дарҳол эшикни очиб, уни ичкари олди. Аёл махсус орас-

таланиб, кийиниб тайёр бўлиб турган эди. Салимни кутиб ўтиргани аниқ эди. Салим уни бақувват қўлла-ри орасига олиб, бамисоли туздай ялай бошлади. Офарида бўлса, иссиқ, ширин қўйини унга очиб:

— Шапалоқнинг мукофотини ол...— деди.

Бу гўзалликка, бу ҳарорат ва малоҳатга кўпдан бе-ри ташна бўлиб юрган Салим уни ипак кўрпа тагида, сочинан тирноғига қадар эъозларкан, ҳадеб:

— Асл жаннатнинг боғисан, фариштасан!— деб пичирларди.

Ўша онда Салимнинг кўзига дунё кўринмасди. Бу жаннат учун ҳаётидан кечишга, Илёсбек зотининг барчаси билан юзма-юз келишга, бурда-бурда бўлиб тўғралишга ҳам ҳозир эди.

Лекин бундай нарса кўринмаганлиги Салимни ҳайратга солди. Жаҳон хонимнинг аразлаб кетганига қарамай, Илёсбек Салимни ҳузурига чақиртирмади, ҳеч қандай хабар ҳам юбормади. Бу сукут ниҳоятда сирли ва ваҳимали эди. Нима ўйда экан улар, мақ-садлари нима, нима қилишмоқчи экан? Бу саволларга жавоб йўқ эди. Салим ўгринча у томонга одам юбо-риб кўрди. Ўзи борасида нима тадбир кўришаётгани-ни билиш учун у тарафдаги чўри ва навкарларнинг огзини хўп пойлатди. Лекин ҳеч иш чиқмади. Чунки Илёсбек қизининг шикоятига қулоқ солиб, кўз ёшла-рига қарар экан:


— Бир оз сабр қил, қизим, аввал бу темирчининг ишини бир ёқлик қилай, ана ундан кейин Салим би-лан ҳисобни тўғрилайман!— деган, болаларини ҳозир-ча у билан ярашиб туришга ундаган эди. Салим қандайдир бир туйғу билан Илёсбекнинг унга катта қопқон тайёрлаётганини, бу нарса фақат унгагина эмас, бошқаларга ҳам бир умрга сабоқ бўлиши мум-кинлигини ҳис қиларди. Жаъфарнинг йўқолганини эшитганда Салим ўз ҳиссиётининг нақадар тўғри эка-нига, Илёсбекнинг риёкорлик билан иш тутаётганига ишонди. Янада қизғин ва бесабр бир андиша ичида унинг ниятларини ўрганишга қатъий қарор қилди. Ленин тасодифнинг ўзи Салимни ахтариш қийинчили-гидан қутқарди, у кутган масаладан уни огоҳ қилди. Аразлаб кетганининг иккинчи куни, яъни Жаъ-фарнинг ўрага ташланганининг эртасига, Жаҳон хо-ним қандай кетган бўлса, шундай қайтиб келди. Ҳат-


















то укаси Сафиқулибекнинг ўзи ҳам у билан бирга келган эди. Лекин Жаҳон хоним ҳамон аччиғидан тушмаган, қош-қовоғи осиглиқ эди. Шунга қарамай, ўзини тутиб турарди. У кечаги воқеа борасида бир оғиз гапирмас, димоғ-фироқ қилмасди. Сафиқулибек бўлса, ҳеч нарсадан хабари йўқдай, кайфи чоғ кўри-нарди. Ҳатто Салим билан:

— Хўш, Салим оға, савдогарчилигинг яхши кет-яптими?— деб қазиллашиб ҳам қўйди.

Шу саволнинг ўзида енгил истеҳзо бор эди, албатта. Салим эса унинг маъносига яхши тушунарди. Ота-бола бекларнинг каттаси ҳам, кичиги ҳам савдогарчиликка, тижоратга паст иш деб қарар ва зодагонларча паст муносабат билдирардилар. Салим оға унга аҳамият бермасдан, Сафиқулибекни ширин суҳбатга жалб этди, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, сўзни ўзини қизиқтираётган масала устига олиб келиб тақади. Айни замонда навкарларга, кабоб учун махсус боқилаётган тўқлилардан бирини тезлик билан сўйишни буюрди.

— Сафиқулибекни бир жигар кабоб билан сийлай-лик!— деди у.

Бу меҳрибонлик, бу иззат-икром бекзодага жуда қуш ёқди. Яна ҳам очилиброқ гаплаша бошлади.

— Эсингдами, бир гап очган эдим, анави сандиқчанинг аламини оламан, дегандим?— деб сўради у.

— Яхши эсимда! Аламингизни қандай қилиб олмақчисиз?— сўради Салим.

— Жаъфарнинг пешанасини сих билан доглаб, ўрага ташлаттирдим.— Сафиқулибек ғурур билан жавоб берди.

— А-а, ростдан-а?!— Салим ҳайратланди.— Ажаб қилибсиз! Унинг жойи ўшанақа ўра эди ўзи. Хўш, энди қачонгача у ерда асрайсизлар?

— Чиригунича! Ҳозиргача у ердан тирик чиққан одам бўлган эмас!— Сафиқулибек мўйловини силаб қўйди. Юзидан табассум бир зумда йўқолиб, кўзлари чақнаб кетди.— Бизга ёмонлик қилганлар ўлимни бўйнига олиб қўйиши керак!..

Салим оға бу сўзлар уни огоҳлантириш мақсадида айтилаётганини сезса ҳам, ўзини билмаганга солди:

— Анави темирчини нима қилмоқчисизлар?— деб сўради.

— Эртага кечқурун эшитиб қоларсан!— Сафиқулибек тўхтади, ўйлаб туриб:— Унинг кўзи олдида севимли синглисини навкарларнинг қўлига бераман, ана ундан кейин ўзини ҳам бурдалаб ташлайман!— деб қўшиб қўйди.— Бизга ёмонликни раво кўрганлар ўлимини бўйнига олиб қўйиши керак!..

Бу сўзларни айтар экан, Сафиқулибекнинг ранги кўкариб кетди. Салимнинг назарида у ҳозир ўрнидан туриб, томоғига чанг соладигандай ёки бўлмаса ханжарини суғуриб юрагига урадигандай туюлди... «Ҳа, булар менинг тақдиримни ҳам ҳал қилиб қўйишпти!— деб ўйлади у.— Жаҳон хонимнинг еган шапалочи учун мени кечиримайди!..»

Тилида эса:

— Жуда яхши қиласиз. Уни ҳам саранжомланг! Ахир у сизнинг олдингизда нима деган нарса! Сомон чўпидай гап!— деб уни гиж-гижлади.— Қачон дедингиз?

— Эртага кечаси!— деб Сафиқулибек яна мўйловларини силаб қўйди. «Жинни бўлганидан кейин булар анча шошинқираб қолишпти,— деб ўйлади Салим.— Одамни тириклайин ейишга тайёр-а. Мана энди худо урди сизларни! Бошларингизда шундай ўйин қурайки, бир томоша қилинглар!..»

Сафиқулибекни жигар кабоб билан тўйдириб, ширин сўзлар билан қўйинини пуч ёнгоққа тўлгазиб, ўтга ёғ қуйгандай гиж-гижлаб ўтирган Салим кўнглида унинг ўлимини ҳозирлар эди.

— Бугун кечқурун бир яйловга чиқиб келмаймизми? Ҳаво яхши, қўйлар қўзилаб турган пайтнинг ўзгача гашти бор!..

— Борамиз, мен розиман!— Сафиқулибек ўрнидан турди. Қош-қовоғи осилиб турган опасини чақириб, пешанасидан ўпди.

— Ҳозирча хайр, опа!— деди.— Ҳадеб ўйлайверманг, ҳаммаси ўтиб кетади! Оғриқ бизнинг юрагимизда қолиб кетмайди!

Сафиқулибекни кузатганидан кейин Салим оға яширинча Райҳон хонимникига кирди. Бегона аёл кўзидаги ҳайронлик ва таажжубга аҳамият бермай, шошилиш равишда биргина жумлани айтиб чиқди:

— Вафодорга бориб айтинглар, ичиб турган ошини ташлаб сизларникига етиб келсин. Унга айтадиган

бир-икки оғиз сўзим бор. Жаъфарнинг ётган жойини биламан. Сал кечикса, бола ҳалок бўлади!..

Райҳон тезлик билан кийинди, Гулёноқни ҳам олдига солиб уйдан чиқди. Идрисни бозор-ўчарга чиқариб юборган, уни кутишнинг иложи йўқ эди. Тезлик билан ўзи темирчининг дўконига етиб борди. Дўкон берк экан. Бир зум тўхтамай уйларига кетди. Эшикни тақиллатиши билан, Сакина чиқиб уни қучоқлади:

— Жаъфардан хабар олиб келмадингизми?!— дея қоврилди. Райҳон бир кунда ранги-рўйини йўқотган, худди кампирга ўхшаб қолган Сакинани ўпди, бошини силади:

— Йиглама, синглим! Калаванинг учи топилганга ўхшайди!— деди ва ҳовлининг орқасида Қасдан чўпон билан нима ҳақидадир гаплашиб турган Вафодорнинг ёнига шошилди. Вафодор:

— Вали кечқурун мени кутсин!— деб Қасданни кузатиб, Райҳон хонимнинг олдига келди. Райҳон Салимнинг гапини унга етказди. Вафодор Сакинани ёлғиз ташлаб кетишни истамади. Райҳонни унинг олдига қолдирди. Уйнинг калитини ёнига солиб, бозор ичидан юрди ва Идрисни олиб олди. Уларникига кетдилар. Уйга энди келишган эди ҳамки, Салим ога келди, Вафодор билан Идрисга диққат билан қараб чиқди-да:

— Билсаларингиз керак, мен бекорга бу қадамни ташлаётганим йўқ,— деди.— Мажбур бўлдим. Чунки бу ота-бола беклар, менинг ўзимни ҳам сиқишяпти. Бўйнимни узишга пайт пойлаб юришипти.

— Бу муқаддимага эҳтиёж йўқ, Салим!— Вафодор унинг сўзини бўлди.— Бу сўзларни менга бир марта айтгансан, мен ҳам тўғри гапираётганингга ишонаман. Ҳозир сен бизга Жаъфардан гапир. Юрагимиз ёрилар даражага етди. Бу дунёда бор-йўғи битта синглим борлигини биласан. Бола топилмаса, у жинни бўлади... Бола соғми ўзи?

— Эҳтимолки ҳали соғдир!— Салим Сафиқулибекдан эшитганларини уларга ҳикоя қилиб берди, лекин ўранинг қаерда эканини жўрттага сир тутди.

— Қайси ўрага ташлашипти, ўраси қай гўрда экан?— сўради ғазабдан бўғилиб Вафодор.

— Уни фақат Сафиқулибек билади, менга ҳам айтмади!

— Нима қилайлик сўлмаса?— деб сўради Вафодор.

Салим уларни ўз нияти йўлида ишга солди:

— Биргина йўли бор, жигар. Сафиқулибекни қўлга киритиб, ўрани кўрсатишга мажбур қилиш керак!— Салим сўзидан тўхтади. Бу гапнинг қандай таъсир қилаётганини билиш учун уларга қаради. Вафодор кўзини ундан олиб қочмади. Идрис бўлса, унинг башараси Кур қирғоғидаги ўша кечани эслатгани учун унга қарай олмас, ундан кўзини олиб қочарди.— Яна шуни ҳам айтишим керакки, улар Жаъфар билангина кифояланиб қолишмайди. Ниятлари — эртага кечаси сенинг уйингга босқинчилик қилиш. Улар сени ўлдиришмоқчи. Сакина борасида ҳам ифлос ниятлари бор. Улар шунақа, жигар!

— Йўлини тўсиб чиқиб, ханжар билан даъволашишдан бошқа илож қолмади, ҳукми ханжар чиқарсин!— деди Вафодор ниҳоятда сабрсизлик билан.

— Ундай ишни қила кўрма! Кўча-кўйда уларнинг ёнини оладиганлар кўплаб топилади. Бекорга ўзингни бой бериб қўясан.— Салим уни қайтарди.— Бугун кечқурун мен уни яйловга олиб чиқаман ва қайтишда тегирмон олдидан олиб ўтишга ҳаракат қиламан. Ўша пайтда у ерларда ҳеч зоғ бўлмайди. Мен бир баҳона топиб, четга чиққанимда, сизлар таппа босасизлар!

— Номард дунёнинг нималар қилишга мажбур қилаётганини кўр!— дея хитоб қилди Вафодор.

— Номардликни улар қилишди. Сизларда нима гуноҳ!— Салим ўрнидан турди.

Салим қандай келган бўлса, шундай эҳтиётлик билан чиқиб кетди. Идрис уни кўча эшиккача кузатиб қайтди.

— Қандай қарорга келдинг?— деб сўради у Вафодордан.— Бу янги қўйилган қопқон эмасмикин?..

— Ундай бўлишига ақлим етмайди!— деди Вафодор қатъий.— Навкарлар ҳам, чўрилар ҳам Илёсбекнинг буни кўргани кўзи йўқ эканини айтишяпти. Қандай бўлмасин, Сафиқулибекни қўлга олишимиз керак. Жаъфарнинг жойини у албатта билади. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас!

— Униси тўғри, лекин бундан кейин бу ерда бир дақиқа бўлса ҳам қолишимиз мумкин эмас!..

— Сен тайёргарчилигингни кўр, кун ботиши билан Райҳон хонимни, Сакинани ва Гулёноқни бу ердан олиб чиқ, қишлоқлар оралаб Ганжа томонга юринглар. Мен сизларга кечаси етиб оламан.

— Йўқ, мен сени ёлғиз ташлаб кетмайман!— Идрис эътироз билдирди.

— Мендан хавотир бўлма. Болаларни қутқар. Мени ёлғизлатиб қўйишмас!..

Вафодор ҳовлига чиққанида ҳар ённи кундагидек тинч кўриб таажжубланди. Қуёш ҳам кундагидек мулойим нурлари билан ерни иситарди. Бу осойишталик ва мулойимлик Вафодорга бир ҳулё каби ёлгончи, бир бўёқ каби сохта кўринди...

Унинг хаёлида ҳозир тупроқ узра ҳамма нарса қўзғалиб, титраши, тўфон кўтарилиши керакдай эди!

#### 4

Кечки пайт ҳаво айнади. Кутилмаганда қуруқ шамол туриб, чанг-тупроқни осмонга кўтарди. Шимол томондан карвон-карвон қора булутлар кўчиб келиб, Қозоқнинг осмонини қоплаб олди. Уфқлар бир-бири билан қовушди.

— Эй худо, бир ёмғирингни юбор!— деб чўпонлар, қишлоқликлар, шаҳарликлар қўлларини осмонга кўтаришди. Лекин шамол тўхтади. Булутлар кўк юзидан қалин парда бўлиб қолаверди. Ёмғир ёғмади.

Тегирмоннинг тагида айланиб юаркан, Вафодорнинг қоронғиликка тикилган кўзлари тўрт, қулоғи динг эди. Тегирмоннинг ичи ҳам, атрофи ҳам қоп-қоронғи эди. Хонадонларда буғдой оти қолмаганидан, Турон бобо тегирмонни қулфлаб қўйган эди. Ҳафтада фақат бир марта, чоршанба оқшомидагина келиб эшикни очар ва ҳар замонда бир келганларнинг донини тортиб берарди. Аҳоли ҳам тегирмоннинг бир кунгина ишлашини билгани учун бошқа кунлари келмасди. Шунга қарамай, Вафодорнинг назарида шу атрофда кимдир юргандай туюлаверди. У ҳар замонда тўхтаб, қулоқ соларди. Ҳеч ким кўринмаса ҳам, қуриган ўт-ўланларнинг шитирлашидан, қуён ёки тулки юрганини тушунар, яна қоронғи сайҳонликка, қўй суруви манзил топган яйловга кўз тикарди...

Ниҳоят, тегирмон ишлайдиган кунлари сув суръат билан оқиб тушадиган тепаликда икки марта ҳуштак чалинди. Вафодор тез ўша ёққа ўтирилди. Қасдан қоплондай чаққонлик билан унга яқинлашди:

— Тошнинг орқасига ёт!— деб буюрди Вафодор. Қасдан аллақачон ишдан чиққан, бир чеккага ташлаб қўйилган тегирмон тошининг орқасига ётди. Вафодор келаётганларни кутиб олиш учун олдинга чиқди.

— Вафодор, хавотир бўлма, бу менман!— деб Идрис овоз берди ва яқин келиб, аҳвол билан таништирди:— Болалар жой-жойида, ишга шай. Хотиринг жам бўлсин. Турон бобоникида туришипти!

Вафодор индамай Қасданга яқинлашди:

— Юқорига чиқ!— деди.

Қасдан юқори кўтарилаётганида, отнинг кишнагағи ни эшитилди:

— Ушалар!— деб Вафодор Идрисга хабар берди. Тегирмоннинг орқасига ўтишди. От туёқларининг овози яқиндан эшитила бошлади. Салим билан Сафиқулибек бафуржа гаплаша-гаплаша тегирмоннинг олди-га яқинлашардилар.

— Мана бу харобанинг ҳам ишламаётганини қаранг!— Салим афсусланиб гапирди. Отдан тушиб, жилвони тошга боғлади.— Ҳозир келаман, Сафи бола!

У дарё тарафга чошиб кетди. Оёғининг остидаги тошлар сирғалиб дарёга тушарди.

— Э-эй, тезроқ кел! Вақт кетяпти... ўралашиб қолдик!— Сафиқулибек ҳам отдан тушди, гугурт ёқиб, бир нарсани пайқагандай, тегирмон эшиги томонга қаради. Ана шу пайтда қўлида ханжар ушлаган Вафодор унга отилди. Ханжарни қорнига тиради:

— Қимирлама, Сафи бола!..

Сафиқулибекнинг ўтакаси ёрилган бўлса-да, ғайри ихтиёрий равишда қўлини белидаги ханжарга югуртирди. Лекин икки киши унинг қўлларини орқасига қайирди.

— Бу номардлик!— деб бақирди у.— Уч киши бир одамнинг устига-я?!

— Бу гапни қўй!— буюрди Вафодор.— Жаъфар қаёқда, шуни айт!

Идрис билан Қасдан унинг қўлларини орқасига боғлашди. Сафиқулибек бошқатдан ўлим шарпасини сезиб, саросимага тушди, овози қалтираб, деди:

— Уни сенга берсам, мени ўлдирмайсанми?

Жаъфарнинг соғ-саломат эканини эшитган Вафодор ўйлаб-нетиб ўтирмай, дарҳол:

— Ўлдирмайман...— деди.

— Йигитлик сўзини берасанми?

— Сўз бераман...

— Мени ҳовлимизга олиб боринглар!..

Идрис уни отнинг эгарига ташлашдан олдин оғзига рўмолча тиқмоқчи бўлган эди:

— Ундай қилма, ўлиб қоламан! Йигитлик сўзим, бақириб ҳеч кимни ёрдамга чақирмайман,— деб ялинди Сафиқулибек.

— Мен сенинг сўзингга ишонмайман!— деб Идрис рўмолчани унинг оғзига тиқди. Бутун бу гап-сўзлар пайтида Салимдан дарак бўлмади. Вафодорлар уни эсларидан чиқариб юборгандай, Сафиқулибекни олиб теғирмондан узоқлашдилар.

Бизга таниш ҳовлида, таниш ўранинг устида Сафиқулибек қопқоқни кўтаришга ишора қилди.

Вафодор ўранинг оғзига энгашиб бошини осилтирда-да:

— Жаъфар, ҳой, Жаъфар!— деб чақирди.

— Тасаддугингиз бўлай, бормисиз!— Жаъфарнинг заиф овози эшитилди.— Арқон ташланглар, арқон ташланглар!..

Тезлик билан арқон ташладилар. Жаъфар уни бе-лига боғлаб, елкасидан оширди ва ўзи маҳкам ёпишгани ҳолда силкитди.

— Тортинглар!..

Уни тортиб олишди. Вафодор қучоқлаб ўпди. Гургурт ёқиб, юзига қаради. Пешанасидаги чапланиб ётган доғни кўриб, олдиниға лой ёки бошқа нарсa фаҳмлади-да, қўлини узатиб артмоқчи эди, Жаъфар унинг билагидан ушлаб тўхтатди:

— Қўлингизни тегизманг, оғажон, у кетадиган доғ эмас. Бу номардлар пешанамга қиздирилган сихни босиб доғ қилишган!— деди ва бирданиға аламиндан нафаси қайтгандай бўлди.

Вафодор бутун бадани ғазабдан ўтдай тутаб ёнаётганини ҳис этди. Жаъфар бўлса зорланиб:

— Оғажон, Сафиқулибек пешанамга сихни ўз қўли билан босди!..— деди.

Вафодор қай вақт ханжарини суғуриб Сафиқули-

бек тарафга ўтирилганини билмай қолди. Буни кўрган бекваччанинг:

— Йигитчилик сўзи бергансан, билиб қўй!— деб жон аччигида гўлдиргани эшитилди.

Вафодорнинг қўли ёнига тушди:

— Худо сизларнинг уйингизни хонавайрон қилсин! Сизларнинг дастингиздан бу дунёда одамгарчилик ҳам, мардлик ҳам қолмади!— деб орқасига тисарилди.

— Сиз каби номардлардан ер юзини тозалаш — ана шу одамгарчиликнинг энг каттаси бўлади!— деб Идрис ханжарини Сафиқулибекнинг юрагига ботирди.

Сафиқулибек илдизи болталанган дарахт каби ўранинг огзига йиқилганида улар ҳовлини тарк этдилар...

\* \* \*

Сафиқулибекнинг тобути лола ранг гиламлар тўшалган узун курси устида турарди. Озарбайжонликларнинг одатига кўра, мурдани бошидан-оёғигача қопқора чойшаб билан ўраб ташлаганликлари учун юзкўзи кўринмас эди. Тобутнинг атрофига аёлларнинг қора, сариқ ва оқ гулли рўмоллари ташлаб қўйилганди. Бу марҳумнинг онаси, опа-сингиллари ва хотинларининг рўмоллари эди...

Катта ҳовли одамларга тўлар, бўшарди. Оппоқ соқолли мўйсафидлардан тортиб, мўйлаби сабза урган ёш йигитларгача турнақатор келиб-кешиб турардилар. Тобутнинг бошида, ҳатто оёғида бир неча домла ўтириб, қироат билан қуръон ўқир эди... Салим ога доимо оёқ устида эди. Келиб-кетганларни кутиб олар, кузатиб қўярди. Узун кун бошини уриб, ёқасини йиртиб, соч-соқолини юлган Илёсбек чарчаб қолдан тойган, оқсоқоллар унинг қўлидан ушлаб, зўр билан олиб бориб сўрига ётқизиб қўйишган эди. Бекнинг боши остига учта ёстиқ қўйилган, устига сариқ рангли кўрпа ёпилганди. Ўзи ёқаси очиқ ички кўйлак-иштонда эди. Келиб-кетаётганлар албатта у ётган томонга ўгирилиб бош эгишар, кўнгил сўраб:

— Худо тўзим берсин, бек!— деб ўтар эдилар.

У тез-тез туриб-ўтиравергани, келиб-кетувчиларни назаридан ўтказавергани учун, ёстиқлар бошининг та-

гидан сирғалиб кетарди. Кўрпанинг ҳали бу чети, ҳали у чети ерга тушиб қоларди. Атрофини ўраб олган беш-олти кишининг қиладиган иши шу ёстиқларни тузатиш, бекнинг пешана терини артиш, устидаги кўрпасини тузатишдан иборат эди. Бекнинг оппоқ, катта оёқлари ҳадеб кўрпа тагидан чиқиб қолаверарди. Унга хизмат қилиб турганлардан бири, бизга маълум бўлган, қора патак соқолли, юзи доимо кулиб турадиган Қарим туякаш эди. У доим бекнинг тўпигини уқалаб ўтирар, бу ишни ўзи учун катта шараф деб билгандай, одамлар билан гаплашганда ҳам қўлини бек оёғидан тортиб олмасди. Бек бўлса оғир-оғир нафас олиб йиғларди. Айни замонда ёш боладай эркаланар, ёки ўзгаларнинг терини артишидан, оёгини уқалашидан лаззатланарди. Келиб-кетаётганлар Сафиқулибекнинг одамохунлигидан, эр йигит эканидан, ҳаттоки, мардлигидан, камбагалпарварлигидан, марҳаматли ва раҳмдил одам эканлигидан гапиришар, ўлганига афсусланишарди. Тик оёқда одам кутиб олиб, кузатаётган Салим оғанинг кўзига кўринмаган ҳаракат, қулогига эшитилмаган гап қолмасди. Сафиқулибекнинг таърифи эса алоҳида зарб билан қулогига тегиб, унинг юрагини куйдирарди. «Қанақанги аҳмоқ одамлар ўзи булар!— деб ўйларди у.— Одамни ёлғондан шунчалик мақташади-я! Ёлғон гапирганнинг падарига минг лаънат! Уликни нега мунча кўкларга кўтарасизлар?! Кечагина кўрганда лабига учуқ тошган, қиз-келинини яширган, қирдан қирга қочиб, кўзига кўринмасликка тиришган кишилар сизлар эмасмидингизлар?! «Ўлган сизгир сутли бўлади», «Йўқолган пичоқнинг сопи олтин!» деб бекорга айтишмаган экан-да!»

Халқ оғзидан чиқаётган гап-сўзлар Илёсбекнинг қулогидан ҳам четда қолмаётган эди. Битта сўзни қолдирмай териб олар эди. Лекин у эшитганларини бошқача талқин қиларди. Сафиқулибекни мақташлари хуш ёқар, яна кўпроқ таъриф қилсалар деб орзуманда бўларди. Тагин икки орада ўксиб-ўксиб йиғлар, қуриган кўзларини юмиб сиқар, баъзан эса атрофдагилардан: «Фалончи кўзимга кўринмаяпти, қаерда қолдйкин?» деб сўрарди. Шунда эллик жойдан эллик киши: «Йўқ, бек, фалончи кеча ҳам келган эди, бугун ҳам келиб, анча ўтириб, ҳузурингизда бош эгиб кетди...» деб жавоб берарди. Бекнинг келди-кетди би-

лан қизиқаётганини эшитган одамлар, истаса-истама-са иш-ташвишларини ташлаб, унинг ҳузурига етиб келишга ҳаракат қилишарди. Навкарлар ва лаганбардорлар эса, бекнинг қулоғига:

— Э-ҳа, жамоат оқиб келяпти... Йўлини тўсиб бўлмайди!— деб етказардилар.

Бек эса кўзида ёши билан:

— Келаверсин... Ахир унинг кимга ёмонлиги тегувдики, келмайди?!— дер эди.

Салим оға бўлаётган ҳангомага қараб, бу сўзларни эшитаркан, ичида: «Ҳа-а, имонсиз, арзон шуҳратнинг қулисан! Сохта, жирканч шуҳрат! Ўғлингнинг ўлими-дан ҳам ўз шуҳратингни ошириш мақсадида фойдаланяпсан! Қачон ўзингни мана шундай тобутга солиб, жанозангни ўқирканмиз?!»— деб ўйларди.

Илёсбек бирдан туриб ўтирди. Ички иштони кўри-ниб кетган эди, оёғини уқалаб ўтирган Карим туякаш тезлик билан устки иштонини олиб келди, битта оёғи-ни, кейин иккинчисини кийдирди, юқори кўтаришига ёрдам қилди. Бошқа хизматкорлардан бири, устки кўйлагини олиб келди. Учинчиси чўхасини<sup>1</sup> тутқазди. Бек кўйлак ушлаб турган хизматкорнинг қўлини ита-риб ташлади-да чўхани олиб елкасига ташлади. Во-риб, тобутнинг атрофида айлана бошлади. Оппоқ соч-ларини, оқ қалин қошларини, оппоқ соқол-мўйловини юлиб йиғлай бошлади:

— Уйимни куйдирдинг, Сафи бола! Белимни син-дирдинг, Сафи бола!.. Нима номардлик қилиб қўй-динг, болам, мени ташлаб кетдинг!— Бек ўртаниб, ба-қариб йиғлади.— Ахир шунчалик инсофсизлик ҳам бўладими?! Бу ханжарни сенинг юрагингга эмас, ме-нинг юрагимга санчишса бўлмасмиди! Гуноҳнинг ҳам-маси менда! Мен гуноҳкорман! Ҳаммани бир-бирига қайраб солган мен бўламан!.. Э, халойиқ, ичингизда бир мард топилмайдими, туриб ханжарни сийнамга санчса, бу азоблардан мени қутқарса!..

Патак соқол, кулиб турадиган Карим туякаш: «Эй худо, жонимни ол! Эй худо, кўзларимни кўр қил!»— деб йиғлай бошлади. Ҳар тарафдан унга жўр бўлувчилар топилди. Хонани йиги-сиғи тутиб кетди...

---

<sup>1</sup> Чўха — Кавказ халқларининг эркаклари киядиган устки узун миллий кийим.

Илѣсбек икки қўли билан кўйлагининг ёқасини икки тарафга тортиб йиртди. Сийнасини очди.

— Ханжар олиб келинглар, ёринглар бу сийнамни, эй худонинг бандалари, эй мўмин-мусулмонлар!..

Ҳатто Салим оға ҳам таъсирланиб кетди. Чидаб туролмай, кимнидир кутиб олиш баҳонаси билан ҳовлига чиқиб кетди...

Бекнинг ҳовлиси бир ҳафта шу зайл тўлиб-бўшаб турди. Бек кўксини очиб, уни ёрадиган одам излади, лекин бундай одам топилмади...

\* \* \*

Осмон ҳар куни рангини ўзгартирарди, тез очилиб, тез булут бўларди. Карвон-карвон булутлар гоҳ жанубдан шимолга, гоҳ шимолдан жанубга қараб ҳаракат қиларди. Ёмғирдан эса дарак йўқ эди. Осмон неча йилдан бери қисир бўлган сигирнинг елини каби қуриб қолганди. Халқ бадбинлашиб, келажакка қўрқув билан қарай бошлади. Лекин наврўз байрамининг тўртинчи куни кечки пайт ёмғир ёға бошлади. Кўча-кўйда болалар суюнганидан қийқириб, бир-бирини қучоқлай бошладилар. Ёмғир борган сари кучая борди. Кечаси билан ёғди, боғ-боғчалар, яйловлар ва экинлар тўйганича сув ичди. Кўчалардан сел оқди. Ҳамма севинар, ҳамманинг юзи куларди...

Шу куни кечқурун яйловдан қайтган Салим оға обдан ивиган эди. У отни навқарлардан бирига бериб, бир Жаҳон хонимнинг, бир Офарида хонимнинг эшигига қаради, оний тараддуддан кейин қатъий одим ташлаб, бир йўла Офариданинг уйига кириб кетди. Офарида уни ҳарорат билан қарши олди, «Жудаям ивиб кетибсиз!» деди, кийимни ўзгартиришига ёрдамлашди. Олдига иссиқ чой олиб келди. Ўзи ҳам ёнига ўтирди.

— Салим, кўнглим шўр балиқ тусаяпти!— деб туриб унинг кўзига қаради ва уялиб юзини четга ўгирди.

— Бошқоронғи бўлдингми?— Салим сўраган эди, у боши билан тасдиқ ишорасини қилди. Салим ўтирган жойида чап қўли билан унинг ипакдай белидан қучоқлади, секингина ўнг қўлини қорнининг устига қўйиб, силади:

— Худога минг қатла шукур!— деди у.— Насиб қилса ўғил тугасан!..

— Кўнглим шўр балиқ тусаяпти!— деб нозланди Офарида хоним.

— Кўнглинг қуш сутини тусаса ҳам топиб бераман! Бир кунгина муҳлат бер!

Салим кечани унинг ёнида ўтказди. Жаҳон хонимга бош эгиб салом ҳам демади. Жаҳон хоним бўлса, бундай нарсаларга кўникиб қолган, бир амаллаб чида, ўзига олмасликка интиларди. Сафиқулининг ўлиmidан кейин у жуда тушиб қолган эди. Авзойи ҳеч очилмасди. Салим оға билан айтишмасликка ҳаракат қиларди. Иккинчи шапалоқ емоққа тоқати йўқ эди. Шу кунда бу ҳақоратга чидай олмаслигини ҳис қиларди. Ё кечаси ётганида болта билан Салимнинг бошини чопиб ташлаши, ёки ўзининг ўтакаси ёрилиши мумкин эди! Усиз ҳам анави шапалоқ қоратош бўлиб сийнасида ётар, эсидан чиқмай, юрагини пармаларди. Сафиқули ўлдирилмаганида, Жаҳон хонимнинг аламини Салимдан аллақачон чиқариб олган бўлишарди. Бутун навкарларнинг ва чўриларнинг кўзи олдида уни тиззасида суринтириб, Жаҳон хонимнинг оёқларидан ўпишга мажбур қилмоқчи эдилар. Отаси шундай деган ва шундай қилмоқчи эди. Лекин фалакнинг уйи куйсин, бунга йўл қўймади!.. Энди Илёсбек ҳам қовоғини солиб, ўйчан қезар эди. Олдида ўғлининг хунини оладиган одам кўрмасди. Ҳаммаси бир пулга қиммат, ғайратсиз нарса эди! Чол умидини ёлғиз Хосўлатга боғларди. У эса ҳали жуда ёш эди. Вафодор билан, Салим оға билан юзма-юз келиб, ўч оладиган эмасди ҳали. Сафиқулибекни ўлдирган Вафодор эканига бек қатъий ишонарди. У қудуққа тушган игнадай кўздан ғойиб бўлган эди. Дунёи оламдан сўроқлатар эди, аммо уларни кўрдим дегувчи топилмас эди. Илёсбек ўғлининг қирқини ўтказганидан кейин навкар-ноибини йиғиб, кимда-ким Вафодорнинг ўлигиними, тиригиними топиб келса, юз олтин мукофот олади, деб эълон қилди. Лекин топиб келадиган йўқ эди.

Салим оға шу пайтдан фойдаланиб, Офарида хонимнинг ҳузурига шаръий хотинидай бемалол кириб чиқаверарди. Савдогар Алига ҳам: «Ҳожи, у билан менинг эскитдан олди-бердим бор, уни ўзим оламан!» деб айтганидан кейин, савдогар тинчиб кетган эди.

Салим Сафиқулибекнинг қирқи ўтишини пойларди. Шу кундан кейин Офарида билан никоҳдан ўтмоқчи эди. Меросхўрлик бобида ҳам у ўзича хулоса чиқариб қўйган эди. «Илёсбек билан Жаҳон хоним кўзлари очилиб, пасткашликка борадиган бўлишса, бу кунларда уларнинг қаршилигини синдириш осон бўлади!» — деб ўйлар эди у. Лекин Жаҳон хоним яна қиёмат-қойим қилди, бутун дунёни бошига кўтариб йиғлади:

— Салим, менинг шундай кунимда номардлик қилма! Кел, ҳеч бўлмаса укамнинг йили ўтсин, кейин қил шу ишни!

Лекин кутиб бўлмасди. Офариданинг бўйида бор эди. Салимнинг фарзанди!.. Тонг отиб, мол-қолдан хабар олгач, навкарларга иш буюриб, чойини ичиб бўлиши билан файтонни Самад домлани олиб келишга юборди. У келиб никоҳ ўқиши керак эди... Ўзи бўлса Жаҳон хонимнинг хонасига кириб, вазиятни тушунтирди:

— Мен фарзандимнинг оламга ҳароми бўлиб келишига рози бўла олмайман! Гуноҳ бўлади! Худога ҳам хуш келмайди...

Жаҳон хоним қорайиб, бўғилиб кетди:

— Жигаринг чирисин! У қанжиқ...

Салимнинг кўзларидан ўт чақнади, Жаҳон хонимнинг оғзидан сўзини юлиб олиб:

— Бас қил, тилингни тий, Жаҳон! — деди.

— У менинг пешанамга умрлик кундош бўлиб ёзилган экан! — Жаҳон хоним кўнглида борини айтишдан қўрқиб, нариги хонага чиқиб кетди.

Домла никоҳни ўқиб, муборакбод қилганидан кейин, қўлига ўн сўмлик олтин тушгач, ўрнидан туриб жўнаб кетди. Салим оға Офаридани қучди ва деразадан Ҳурининг уйини кўрсатиб:

— Истасанг, сени у ерга кўчираман! — деди.

Офарида кўзини сузиб, бошини чайқади:

— Йўқ, мен Ҳурининг уйига кўчиб ўтмайман. Кўнглим чопмайди! — деди ва ноз билан сўради: — Бу жойнинг нимаси ёмон?

— Жуда ҳам яхши! — дея Салим уни ўпиб қўйди.

Офарида Салимнинг никоҳига ўтганини эшитган Илёсбек чуқур ўйга толди. Икки-уч калённи бўшатиб,

қизининг олдига келди. Хоспўлатни олдига чақиртириб:

— Қизим, буни эҳтиёт қил!— деди.— Ўмидим фақат шундан! Олдимга тез-тез юбориб тургин, таълим бериб бораман!..

— Бобо, хотиржам бўлинг, мен тоғамнинг ҳам, онамнинг ҳам аламини оламан булардан!— деб Хоспўлат қўли билан ҳовлини кўрсатганида Илёбекнинг кўзлари чақнаб, ёшариб кетди...

## ЎН ТУРТИНЧИ ФАСЛ

### 1

Шимолдан жанубга қараб чўзилган шоссе йўлида, учта от қўшилган катта каретада Ҳури хоним ватанига қайтарди. Каретада бир неча эркак ва хотин ўтирарди.

— Йўл юриш азобли бўлса ҳам, гаштли-да!— дея гулли ипак шарфини бир дақиқа бўлса-да бўйнидан олмаган паст бўйли, ширин сухан француз ёнида ўтирган шарқлик кишига мурожаат этди. Шарқлик киши бошига бухори телпак, эгнига қора костюм кийиб олган эди. У сариқ каҳрабо тасбеҳини қўлидан қўймасди.

— Томошабоп жойлар ҳар қанча азиятга арзийди!— дея шарқлик киши соф француз тилида жавоб қайтарди.

Француз рўпарасидаги Ҳуридан кўз узмай ўтирарди. Шарқлик киши ҳам тасбеҳини ўгира-ўгира, тез-тез унга қараб қўярди. Ҳури эса бу кўз қарашларга лоқайд кўринарди. Авзойини бузмай, юзининг жозибали ифодасини ўзгартирмай, кўзларини гоҳо номаълум нуқтага, гоҳо каретанинг кичкина деразаси орқали ташқарига тикиб оларди.

— Сизнинг жойларингиз менинг назаримда афсоналарга, сирларга тўла тилсимга ўхшайди!— француз шарқлик кишига мурожаат этди.— Мен сайёҳман, дунёнинг жуда кўп ўлкаларини кезиб чиққанман. Эронда, Туркияда, Арабистонда ва Ҳиндистонда бўлганман. Туя карвони билан қумли саҳролардан ўтганман.

— Шунча жойларни юриб келган одам бу сафарнинг азиятидан нолимаса бўларди!— деб шарқлик киши унинг сўзини бўлди.

— Албатта, у қийинчиликлар қайда-ю, бу қайда! Гап унда эмас. Мен сизларнинг ўлкаларингизни қанчалик кўп ўргансам, шунчалик ҳайратим ортиб борапти. Халқларингизнинг руҳига асло тушуниб етмагандайман. Шу пайтгача билганларимга ҳам шубҳа билан қарай бошлайман. Шарқнинг маънавий ҳаётини тушуниш ва соғлом мантиқ билан шарҳлаш унчалик осон иш эмас экан. Қаёққа қарасанг — парадокс, қаёққа айлансанг — зиддият! Бундан етти юз йил илгари сизларда Маҳсати хоним деган шоира ўтган экан. Доно, озод руҳли бир аёл! Унинг рубоийлари инсонларни қанчалик чуқур тушунганини, никбин ҳаёт фалсафаси билан яшаганини кўрсатади. Эндиликда Маҳсатини шарқнинг шу кунги аёллари билан, унинг ҳаётини буларнинг ҳаёти билан таққослаб кўринг, менимча, фарқ жуда катта бўлса керак ва бу қарама-қаршиликни тушуниб етиш жуда мушкул!

Ўури хоним французнинг аслида ўзига мурожаат этаётганини тушунарди. Лекин негадир гаплашмоққа хоҳиш билдирмай, жим ўтирарди. Сўз шу ерга етганда эса, суҳбатга қўшилмоқни лозим топди. Неча йиллар давомида Петербургда яшаб, тузуккина ўрганиб олган француз тилида гап қотди.

— Афв этинг, афандим! Аёл халқнинг, юртнинг бир бўлагидир. Бутунлиқнинг, бирлиқнинг аҳволи қандоқ бўлса, бўлакнинг ҳам кайфияти ўшандоқ бўлади. Шарқ аёлларининг аҳволидаги зиддият Шарқ халқларининг ҳаётидаги зиддият демакдир. Ёхуд Европанинг ўзида аёлларнинг аҳволи зиддиятли эмасми? Адашмасам, хотин-қизлар озодлиги масаласи ҳали ҳам Ғарбнинг мутафаккир ва мутараққий одамларини безовта қилаётган энг вожиб масалалардандир.

— Тўғри айтасиз, хоним!— француз унинг фикрига қўшилди.— Лекин бир томонда жамият қоидаларига қарши исён кўтарган, том маъноси билан мустақил бўлган Маҳсати, иккинчи томонда қуёшнинг нуридан ҳам яширинадиган, рўмолга бурканган бечоралар ақлга тўғри келмайдиган қарама-қаршиликдир!..

— Бугунги Шарқ Европадан жуда орқада. Кейин-

да қолганни янада кейинроққа итариб ташлаш, афсуски, сиз, маданий европаликларнинг маънавиятида англашилмас бир зиддиятдир. Лекин бугун Шарқнинг ўзида бу қолоқликни кўраётган, уни йўқотиш орзуси билан яшаётган одамлар ўсиб етишмоқда. Шарқнинг аёллари бошқа шароитда ҳам ўз истеъдодларини кўрсатажақлар.

— Пардон, мадам! — француз назокат билан Ҳури хонимга мурожаат этди: — Мен сўзингизга тамомила қўшиламан. Ўзим ҳам худди шу фикрдаман. Шарқ борасида бизнинг бир қатор Европа зиёлиларининг ва давлат кишиларининг фикрларини мен ҳам ёқтирмайман. Янглишмасам, сиз ўзингиз ҳам шарқликсиз. Европанинг таҳсилини ва тарбиясини кўргансиз. Билиниб турибди. Сизнинг бу жамиятда тимсол даражасига кўтарилиб, маданиятингизни, одоб-таълимингизни ва назокатингизни кўрсатишингиз, менимча, шарқ аёлларининг маънавий имконларини етарли даражада намойиш этади.

— Мен ҳам сиз билан йўлдош бўлиб, танишиш шарафига муяссар бўлганимдан ниҳоятда хурсандман! — дея шарқлик киши Ҳури хонимга мурожаат этди. — Мен ҳам мусулмонман, Калкуттада яшайман. Асли таги Эронданмиз. Лекин кўпдан бери Ҳиндистонда туриб қолганмиз. Бизнинг Ҳиндистондаги зиёлиларга сиз ҳақингизда гапириб бераман. Мусулмон аёли ҳаким ҳам, ўқитувчи ҳам бўла олиши мумкин!.. Қани, деб сўрасалар — сизни кўрсатаман, озарбайжонлик қиз Ҳури хоним, дейман. Мен сизни Шарқнинг энг бахтиёр аёлларидан бири деб ҳисоблайман, чунки сиз баҳорнинг дарагини олиб келаётган илк қалдирғочсиз!..

— Миннатдорман! — деб беозор жилмайди Ҳури хоним ва ғайри ихтиёрий равишда бу хушбахтликка қандай изтироблар эвазига муяссар бўлганини эслади... Аллақачон ўтмишда қолган бу узоқ йиллар давомида, тоғ сели каби устига ёпирилган, юрагини ичичидан пармалаган оғир ғам-ғуссага бардош берганини ҳеч ким билмасди. Ойлар, йиллар бўйи ҳасратга чидаб келди! Ватани, жонажон юртини согинган юрагини зўр билан тинчитарди. Келажак учун, ўғлининг саодати учун ҳамма қийинчиликларга дош беришга аҳд қилган эди. Узоқ йиллар давомида Петербургда

яшаб, ишларкан, асосий мақсадга, ёлғиз ўгли Соҳибнинг университетни тамомлашига муяссар бўлди. Шу билан бирга, ўзи ҳам ўқиди. Болари чечакларнинг ширасини сўриб олгани каби, бошини, миясини билимга тўлғазиб олди. Эндиликда у ўн беш йил аввалги жабрдийда, дунёдан беҳабар, кўйлак-пайпоқ тўқишдан, эртак ва қўшиқ айтишдан, овқат қилишдан бошқа ҳеч нарсанинг улдасидан чиқмайдиган Ҳури эмасди. Эндиликда унинг ўзи ҳам ўқитувчилик дипломи билан қайтиб келмоқда эди. Ўгли Соҳиб бўлса университетни имтиёзли диплом билан тугатган эди. Ҳури хоним ўтмиш оғир ҳаётини, севикли она юртини ва одамларни эсларкан, биргина орзу билан қайтиб, ватанида илм-маориф тарқатиш, болаларга, эплай билса аёлларга ҳам мактаб очиш орзуси билан яшар эди! Ҳа, жонажон эгачи-сингилларини саводли кўриш юрагидаги энг ширин орзуга айланиб қолган эди!..

Бу хотиралар ичиди ўйга толган Ҳури янги фикрларга берилиб, шарқлик қардошига сўз қотди:

— Мен сизнинг амалий ишни ўз уйингиздан бошлашингизни истардим. Инглизлар Калкуттада бундан юз йил олдин университет очишган. Қизингизни, синглингизни, иложи бўлса хотинингизни тайёрланг. Университетда ўқишларига имкон беринг. Шунда бошқалар ҳам сизга эргашади. Ахир, энг қийини биринчи бўлиб қадам ташлаш-ку. Биринчи бўлиб олдинга чиқиш. Ундан кейин кетингиздан эргашадиганлар топилади ва борган сари кўпайиб боради...

Француз кўзини Ҳурининг юзидан узмас, унинг сўзларида, овозида ўзгача малоҳат сезаркан, ниҳоятда лаззатланаётганини яширмасди. Ҳури хоним сўзини тугатиб бўлиши билан чапак чалиб юборди:

— Браво, хоним! Офарин! Мана буни сўз деса бўлади!

— Гапингизга қўшиламан, хоним!— деб шарқлик киши ҳам уни маъқуллади.— Мен савдогарман, ҳозир Европадан қайтпман, Русиядан ўтиб, ватанимга кетаман. Европада ҳам мен сизга ўхшаган ўқимишли, зиёли аёлларни учратдим. Лекин у ерда хаёлимга шундай фикр ҳеч келмаган эди. Одам намунани ўзиникида кўрганда тезроқ кўзи очилиб, тезроқ шундай қилишга уриниб қолар экан... Сизга қизимни ҳам, ёш синглимни ҳам ўқитаман деб сўз бераман.

Улар сўздан тўхтаб, хаёлга толдилар. Ҳури ёнида ўтириб, елкасига бошини қўйиб пинакка кетган Соҳибга қаради, унинг камзули ёқасини тузатиб қўйди. Француз деразадан ташқарига тикилди. Шарқлик савдогар эса ўгирилиб, ёнидаги ўрта яшар, сочлари сариқ, елкаси погонли рус офицери билан нима ҳақда-дир гаплаша бошлади...

Ҳурини хаёл чулғаб олди. Кўзини юмиб ўйга чўмди. Узоқ йиллар бўйи кечирган ҳаёт йўли маъноли бир китобдай хаёлида варақлана бошлади! Эй худо! Бу қанчалик иштиёқли ва ажойиб йиллар эди! Бу йиллар, бу сон-саноқсиз ойлар бора-бора шу кунга уланган эди. Энди у ватанига мислсиз бир ғурур туйғуси билан қайтарди. Йўлнинг бошланишида, ҳамма нарсаси туманли, қоронғи зимистон кўринган бир пайтда, қўлидан ушлаб ёрдам кўрсатган, ақлдан озишига, юз тубан йиқилишига, умидсизлик ботқоғига ботишига йўл қўймаган одамларни энди у ҳарорат билан, миннатдорлик туйғуси билан ёд этарди... Бу йўлнинг бошланишида Али Мирза, Вафодор, Мирза Фатали, Райҳон хоним, Идрис ва Ивановлар турганди... Улар бўлмаганларида, ким билсин, у қоронғилик, у жаҳолат дунёси Ҳурини ҳозир қаёққа гумдон қилган, қайси чархнинг остида эзиб, муте қулга айлантирган бўларди. Қизиқ, ҳозир ўша одамлар қаерда экан? Вафодор, Идрис, Райҳон, Жаъфарлар омонмикин? Офарида хоним нима қилаётганикин? Жаҳон хоним уни Шўртонга хотин қила олдимикин? Бечора, аслини суриштирганда, у ҳечам ёмон одам эмасди!.. Нима қилсин, яшашнинг бошқача йўлини билмайди, тополмайди... Мирза Фатали омонмикин? Лекин роса кексайиб, ҳолдан тойиб қолган бўлса керак. Ўша пайтнинг ўзидаёқ сочлари оқариб, кексая бошлаган эди. Лекин Сакина ҳозир бир этак бола-чақанинг онасидир! Вафодор ўзига муносиб хотин топганмикин? Майли, бахтли бўлишсин!..

Шу пайтда биров Ҳурига қарайдиган бўлса, унинг юзига нозик бир кадар қўнганини кўрган бўларди. Йўқ! Фақат қишлоқдаги оғир кунларини ёдга солган одамларни хотирлагани учунгина эмас! Шуниси учун ҳамки, бу дунёда ўзидан ҳам баттар балоларга дучор бўлган оналар ва қизлар ёдига тушган эди! Наташа ва Евдокия Ивановна! Ҳуснига, мовий кўзларининг те-

ранлигига қараб тўйишнинг иложи бўлмаган Наташа! Қандай оғир толеи бор экан!.. Ҳури Петропавловск қалъасига уни кўргани борганини эслади... Қиз юқори томондан тушиб келди, Ҳурини кулиб туриб қучоқлади, бағрига босди... «Бу кунни унутмайман! Бу севинч менга кифоя! Раҳмат!» деди. Шу сўзни айтиши билан бошини Ҳурининг сийнасига яшириб йиглагандай бўлди. Лекин тезлик билан ўзини қўлга олди. Орадан сирмунча вақт ўтгандан кейин эса уни Сибирга сургун қилиб юборишди... Ўн беш йилга сургун! Ўша, номини эшитиши билан одамларнинг баданида титроқ турадиган Сибирга... Иван Ивановични, Наташанинг акасини эритиб, ютаётган Сибирга!.. Анави, буларни ажойиб матонат билан қарши олаётган Евдокия Ивановна-чи! Ўша бебаҳо аёл! У ҳамон тиниб-тинчимайди, у ёққа югуради, бу ёққа югуради, қизининг, ўғлининг, амакиваччасининг тақдирини енгиллатиш мақсадида ҳормай-толмай ҳаракат қилади. Тилсиз, шафқатсиз куч билан олишувни давом эттиряпти. Ким голиб чиқади? Бу ҳамон номаълум!..

— Жуда ўйланиб қолдингиз, онажон?— Соҳиб аллақачон уйғониб, онасига қараб ўтирарди. Унинг сиймосидаги кичкинагина соя ҳам, нур ҳам Соҳибнинг кўзидан қочиб қутула олмасди. Ҳозир ҳам онасининг кадарли хаёлларга толганини ҳис этди:

— Қишлогимизга бориб мактаб очаман, она!..

Бир зумда онанинг сиймоси ўзгарди. Хотиралар қаергадир чекиниб, узоқлашди, ўрнини сокин бир ташвишга бўшатиб берди.

— Қаерга борсанг ҳам розиман, ўғлим, бироқ ўз қишлогимизга боришдан олдин суриштириш керак, ҳол-аҳвол қандай, ким нима фикрда, билайлик...

— Гапингизга тушуниб турибман, она...

Иккиси ҳам сўздан тўхтаб, фикрга толдилар. Соҳиб ҳамма нарса билан қизиқаётган, тиним билмай ҳамма билан эл бўлишга ҳаракат қилаётган французга қаради. У ҳам эндигина пинакка кетган эди. Лекин қандайдир бир туйғу билан Соҳибнинг қараганини ҳис этиб, кўзларини очди:

— Менга бир нарса демоқчимисиз, мусъё?

Соҳиб унинг ухлаб дам олишига халал беришни истамади:

— Йўқ, мусъё, ҳеч нарса демоқчи эмасман...— деди.

Мана, бир ҳафтадирки, улар шу зайлда йўл юриб, ора-чира турли мавзуларда суҳбат қуриб келардилар. Карвон саройларда, меҳмонхоналарда ҳам албатта бир жойда туриб овқатланардилар. Шунинг учун ҳам маълум даражада бир-бирларининг хусусияти ва яшаш тарзи, мажоз ишлатиб гапириши ва муомаласи билан таниш бўлиб қолгандилар. Уларнинг миллий ва диний эътиқодлари каби касб-корлари ҳам турли хил эди. Фақатгина тасодиф деган нарса уларни бир жойга тўпланиб, битта йўналишда кетаётган йўлдошга айланиб қолишларига ёрдам берган эди. Назокат, фаросат ва тарбия эса бир-бирлари билан хушфеъл муомала қилишга, ҳар кимнинг ахлоқ ва кўникмасига ҳурмат кўзи билан қарашга ундар эди. Шунинг учун ҳам аёлдир, эркақдир, сиқилмай, эркин ҳаракат қиларди. Масалан, калкутталиқ савдогар ҳар бекатда жойнамозини ёзиб, намозини ўқиса, рус офицерининг кекса онаси ҳам маълум вақтларда хочига чўқиниб дуосини ўқирди. Ҳар бири ўзича шунга амин эдики, бу давранинг ичида унинг одат ва кўникмасига, диний эътиқодига куладиган, ёмон назар билан қарайдиган ёки бу эътиқоддан ҳазар қиладиган одам йўқ. Ҳақиқий инсонлик туйғулари ишонч ва эътиқодларидан ҳам кучли бўлган бундай олижаноб одамларни бир жойга тўплаган жуда ажойиб тасодиф эди бу. Ҳар ким ўз кўнглида бу тасодифдан хурсанд эди. Қўпол, нодон, тушунмайдиган одам билан йўлдош бўлмаганидан хурсанд эди. Одамни сафарда синайдилар. Улар эса бир-бирини мана шу узоқ ва баъзан текис, баъзан нотекис, баъзан очиқ, баъзан булутли-ёмғирли йўлда синагандилар.

Маълумки, узоқ сафарга чиққан ҳар гуруҳнинг ичида маълум вақт ўтгач бир ёки икки нафар одам барчанинг ўзига хос меҳрини қозонади. Кўпчилик бундай одамларга алоҳида меҳрибонлик ва илтифот кўрсата бошлайди. Бошқа бир киши эса мана шу гуруҳга бошлиқдай, йўл бошловчидай танила бошлайди. Оғир табиатли, камгап, лекин мулоийм ва ишбилармон рус офицери ҳамроҳларининг ана шундай ташкилотчиси бўлиб қолган эди. Унинг буйруғи билан карета у ёки бошқа карвон саройда тўхтар, яна қайтиб йўлга ту-

шар, тунар эди. У кўрсатма берганида, ҳамма вақт ўтирганларнинг истак-хоҳишлари, ҳоргинлик ва очликларини инобатга оларди. Барчанинг алоҳида ҳурмат ва муҳаббатини қозонганлар эса бизнинг Ҳури ва унинг ўғли Соҳиб эди...

Соҳиб эндиликда тўлишган, балоғатга етиб, катта киши бўлган эди. Ўйчан сиймоси, доимо хаёл суриб турувчи кўзлари, оғир-вазмин ҳаракатлари одамларда унга нисбатан ишонч уйғотар, у билан катта кишилардай гаплашишга ундар эди. Ҳури хоним ва Соҳиб ташқи кўринишда ҳам жуда ўзгариб кетгандилар. Ҳурининг сочлари оқара бошлаганди. Лекин бу нарса унга ярашар, гўзаллик ва малоҳатини бузмасди. Она ҳам, бола ҳам европача тарзда тоза, чиройли кийинган эдилар. Лекин Ҳури бошига оқ, чети ҳошияли ипак рўмол ўраб олган эди. Бу рўмол уни ниҳоят даражада ёш кўрсатар, четдан қараган одам, бир-бирига жуда ўхшаб кетган бу икки одамнинг опа-ука ёки она-бола эканларини ажратишда қийналиб қолган бўларди. Уларнинг ҳаракат ва муносабатида, гап-сўзларида, малоҳатли овозида европача аристократлик назокати ва ҳақиқий шарқ зиёлисининг самимияти, табиийлиги ва малоҳати қўшилиб кетган эди. Ҳамроҳларининг барчаси билан ниҳоят даражада назокат ва меҳрибонлик билан муомалада бўлар, ҳаммасига ҳам диққат-эътибор кўрсатар эдилар. Ҳури айниқса Соҳибдан кўз узмас, доимо унинг истагига қулоқ солар, унинг нафаси билан яшаётгандай кўринарди. Ўз навбатида Соҳиб ҳам Ҳурининг юз-кўзидаги ҳар бир ифодадан таъсирланар эди. Онасининг бир қарашидан нима истганини англаб ва истагини дарҳол бажо этарди. Улар тез-тез дераза олдидан ўтиб турган йўллар ва уйларга қарардилар. Қизиқарли манзара кўриниши билан бир-бирига кўрсата бошлардилар. Баъзан эса хаёлга толар, нима ҳақдадир қаттиқ ўйланиб қолардилар.

— Кечирасиз, хоним!— сафарнинг иккинчи кунини француз ўзини тутиб тура олмай, сўради:— Бу келишган йигит сизнинг кимингиз бўлади, укангизми, ё ўғлингизми?

— Ўғлим бўлади, нима эди?

— Аёл кишининг сизнинг ёшингизда шундай катта ўғли бўлиши хушбахтликдир, хоним. Асл саодат

дир! Ҳаётингиз жуда фаровон, ғам-ташвишсиз ўтганга ўхшайди.

Ҳури хоним билан Соҳиб бир-бирига қараб кулимсираб қўйишди. Лекин ҳеч нарса дейишмади. Француз эса ўз фикрининг тўғри ёки нотўғри эканини билишни истарди. Ҳури унга қаради:

— Мусъё, инсоннинг ёшлигини асраб қоладиган нарса фақат фаровон ҳаётгина эмас, тоза юрак ҳам!

— Браво! Браво, хоним!— француз ўз одатига кўра чапак чалиб Соҳибга қаради.— Мен шарқ халқларининг ҳозиржавоблигига мафтунман! Шарқ поэзиясига эса алоҳида муҳаббатим бор. Менимча, бу поэзия Шарқнинг маънавий оламининг энциклопедиясидир. Сиз нима деб ўйлайсиз?

— Сиз қайси шоирларни назарда тутаяпсиз?— деб сўради Соҳиб.

— Албатта, Фирдавсий ва Низомийни-да! Яна Хайёмни ҳам! Мен Хайёмга қиёс қилса бўладиган шоирни ҳеч қаерда кўрмаганман.

— Сиз буюк боболарингизнинг анъанасини давом эттириб, шарқ шеъриятига мароқ билан қараётганингиздан мен ниҳоятда хурсандман!

— Ота-боболаримиздан қайси бирини назарда тутаяпсиз?— Ўз навбатида француз ҳам Соҳибнинг Франция маданияти билан қай даражада таниш эканини билмоқчи бўлди.

— «Эрон мактублари»нинг муаллифини,— Соҳиб жавоб қайтарганида французнинг кўзлари чақнаб кетди.

— Монтескьени ўқиганмисиз? Қандай яхши! Мен жуда хурсандман. Менимча, унинг идеаллари билан Шарқ ҳаёти у қадар бир-бирига тўғри келмайди!..

— Сиз жуда марҳаматлисиз, афандим!— ўғли билан французнинг суҳбатини диққат билан кузатиб турган Ҳури хоним сўзга қўшилди.— Тўғри келмайдигина эмас, ҳатто бир-бирига мутлақо қарама-қаршидир!..

— Бундай фикрлар билан ватанингизда яшаш сизлар учун жуда қийин бўлади, деб ўйлайман. Мен кўрган Шарқ бу идеалларни қабул қилмайди!— деб француз очиқ айтиб қўя қолди.

Она-бола яна маъноли-маъноли бир-бирларига қарадилар. Ҳури хоним:

— Нима маънода айтяпсиз?— деб сўради.

— Икки маънода: авваламбор, Шарқ мутлақ монархияга жуда ишонади, унингсиз давлатнинг қурилишини тасаввур эта олмайди ва иккинчидан, Шарқнинг қолоқлиги бу хилдаги курашни бошланишидаёқ муваффақиятсизликка маҳкум этади.

— Бу фикрингизга қўшилмасликка ижозат бергайсиз!— Соҳиб эътироз билдирди.— Бир оз олдин Фирдавсий, Низомий ва Хайёмнинг номини тилга олдингиз. Фирдавсийнинг темирчи Коваси мутлақ монархияга қарши исёндир! Низомий эса «Искандарнома»да монархиясиз халқ ҳокимияти идеалини илгари сурган. Курашнинг қийинлигига келсак, биз қўл келадиган тарихий шароитдан фойдаланиш фикридамиз. Тарихий тараққиёт бизни Русия билан боглади. Русияда эса истибодда қарши кураш тинаётгани йўқ. Бу курашнинг назариясини яратганлар бир қатор масалаларда Монтескьедан ва бошқалардан анча ўзиб кетишган. Белинский, Добролюбов, Чернишевский ва Герценлар халқни янада қатъийроқ курашга чақирадилар. Русияда бу йўлдан боришни истаганлар жуда жуда кўп. Кўриб турибсизки, бизнинг шундай иттифоқдошларимиз бор! Биз ўша идеалларга кўра Шарқнинг ҳаётини ўзгартиришга ҳаракат қиламиз. Онам боя, биринчи бўлиб қадам ташлаш, олдинга чиқиш қийин бўлади, деб айтдилар-ку!

— Олдинга чиққанларни кўп замонлардан бери хочга боглаб қийнашади!— деди француз Соҳибнинг мардлигини синамоқчи бўлгандай.— Ҳазрати Исонинг ҳаёти ҳақ йўлида илк бор қадам ташлаганлар учун абадий сабоқ!

— Айни замонда абадий чақириқ ҳам!— деб қўшиб қўйди Соҳиб.— Билишимча, христиан дунёси мен айтаётган фикрни қўллайди!

— Сизнинг маълумот ва тушунчангизга қойил қолдим!..

— Мени бир нарса қизиқтиради: ҳазрати Исонинг не изтиробли йўллар билан ҳақиқатга қовушмоқ фикрига сиз қандай қарайсиз?

— Мен сайёҳман ва жуда кўп диний эътиқодлар билан танишиб, уларни бир-бири билан солиштириб, ҳар бирида қандайдир камчилик кўрдим. Берган саволингиз мени ҳам кўпдан бери ўйлатади. Бу борада-

ги изланишларим менга оддий бир ҳақиқатни ўргатди: катта одамлар сўзларида ҳам, хатти-ҳаракатларида ҳам эҳтиёткор бўлмоқлари керак. Чунки улар бошқаларга намунадирлар.

— Шу муносабат билан сизларнинг Дидронгизнинг жуда маъноли бир сўзи эсимга тушди.— Француз Соҳибга яна ҳам кўпроқ диққат билан қараганида у сўзида давом этди.— Тўгри, Дидронинг бу сўзи театр билан шуғулланувчиларга оид. Лекин, менимча, сиёсатчилар ҳам, бошлиқлар, олимлар, саркардалар ҳам бу сўзни назарга олсалар, яхши бўларди. Дидро шундай деган: «Доҳий саҳнада дор ёғочи ўрнатса, истеъдодсизлар ўша ерда албатта бир одамни осадилар!..»

Француз қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Боплаб айтибди, браво!

Боятдан бери бошини елкасига қўйиб, пинакка кетган рус офицери бирдан кўзини очди, худди эндигина кўраётгандай, Соҳиб билан Ҳури хонимга синчиклаб қараб чиқди ва карета ҳайдовчисига:

— Шу жойда яхши бир ошхона бор. Мазали овқатлари бўлади, тўхтатинг. Нонушта қилиб йўлга чиқармиз!— деди ва йўлдошларига қаради:— Сизлар нима дейсизлар?

— Яхши бўларди!— Ҳамма розилик билдирди.

Каретадан тушиб, бир оз тек туриб атрофни кўздан кечираётганларида эса, офицер Соҳибга яқинлашди:

— Сиз Тифлистеда хизмат қилмоқчи бўлсангиз керак,— деди.— Мен ўша ерда хизматдаман. Сафарда орттирган танишлигимиз абадий дўсликка айланишини истардим. Адресимни бераман. Истаган пайтингизда келарсиз. Эҳтимол, сизга хуш келган хизматга жойлашишда ҳам ёрдамим тегиб қолар. Менинг баъзи юксак доиралар билан яхши алоқам бор!

Соҳиб ташаккур билдириб офицердан ажралди-да, онасининг қўлидан ушлаб атрофни томоша қила бошлади.

Бу жой бир тепалик эди. Чор атрофини ям-яшил яйловлар, даралар ва парча-парча ўрмонлар қоплаган эди. Кунботар томонда оддий қишлоқлардан жуда-жуда катта кўринган, сал бўлмаса чекка бир мамлакат шаҳарини эслатадиган бир аҳоли минтақаси бор эди.

Тепаликнинг қоқ ўртасида эса икки қаватли меҳмонхона жойлашган эди. У кичкина, лекин чиройли кўринарди. Унинг этаги фойтон ва кареталар турадиган ҳовли эди. Ҳовлида икки дарчали отхона ҳам кўзга чалинар эди. Каретадан тушганлар тепа этагидаги майдончага қараб юрдилар. У жой кичкина бозорча эди. Қишлоқ аёллари ва болалари товук, жўжа, мева ва бошқа нарсасотардилар. Меҳмонлар нарсаларнинг нархи билан қизиқишди. Сотувчилардан нарх-навои суриштириб, майда-чуйда нарсасолганларидан кейин, офицернинг даъвати билан орқага қайтдилар-да, бинонинг пастки қаватида жойлашган ошхонага кирдилар. Стол атрофида ўтириб, ҳар ким истаган таомини буюрди.

Ошхонада одам оз эди. Столларнинг кўпи бўш бўлгани учун бемалол жойлашиб ўтиришди. Овқат буюрганларидан кейин Соҳиб бошини кўтариб хонани кўздан кечирди. Кўзи бурчакда ўтирган уч кишига тушди. Улардан бири анча ёшга бориб қолган эди. Кейинги икки нафари эса Соҳибдан ҳам ёш йигитлар эди. Уларнинг шарқ кишилари экинларига шубҳа йўқ эди: кўзлари қора, сочлари қора, чеҳралари буғдой ранг... Ўзлари ҳам эътиборли одамларга ўхшарди. Ўша даврда Русия шаҳарларида шароб ташийдиган олиб-сотарларга ўхшашмасди. Чиройли қора костюм кийган, сюртук илиб олган эдилар. Ҳатто ёши улур кишининг ёнида жилети ҳам бор эди.

Соҳиб унинг диққат билан бу тарафга қараётганини сизди. У кўз узмай гоҳ Ҳурига, гоҳ Соҳибга қарарди. Бу қарашда ғалати қизиқиш бор эди, кўзларида меҳр-муҳаббатдан дарак берувчи бир нур товланарди. Соҳиб ҳам унга диққат билан қарай бошлади. Айниқса, унинг кўзлари, бу кўзлардаги ифодалар Соҳибга танишдай туюлди. Лекин кимлигини ҳеч эслай олмади.

— Онажон, анави тарафга бир қаранг. Мен бу одамни қаердадир кўргандайман. Тушда кўргандай бўляпман. Ҳеч эслай олмаяпман. Унинг ҳам икки кўзи фақат бизда...

Ҳури хоним ўғли кўрсатган томонга қаради ва шу ондаёқ кимдир унинг юрагидаги ипларни чўрт-чўрт узаётгандай бўлди:

— Вой, Соҳиб, менга ҳам жуда танишдай кўрин-

япти!— деди у.— Бизнинг жойлардан бўлишса керак...

Бу сўзнинг айтилиши билан у қишининг ўрнидан туриб буларга яқинлашиши бир пайтга тўғри келди:

— Кечирасиз, хоним,— деди у,— сиз Ҳури хоним эмасмисиз?

Ҳури Идрисни таниди. Титроқ овозда:

— Идрис оға, сизмисиз?— деб оёққа турди, шундай бир қувонч билан қичқирдики, йўлдошларининг ҳаммаси ўгирилиб, уларга қарашди.

Идрис эса ғайри ихтиёрий равишда уни қучоқлаб бағрига босди, бошидан, сочларидан ўпди. Уни қўйиб, Соҳибни қучоқлади. У юзидан, бу юзидан ўпиб, яна Ҳурига ўгирилди:

— Ҳури хоним, худо ҳаққи, ижозат беринг, оёқларингиздан ўпай!— деб тиз чўкди у. Ҳури унинг қўлларида ушлаб, тургазди, ранги оқарган ҳолда, кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёши билан:

— Ўтиринг, Идрис оға, ўтиринг!— деди.— Нима гап, нима сўз? Райҳон опам яхшимилар, Гулёноқ яхшими? Бизникилар соғ-саломатми?

Идрис ўтирмади, бу саволларнинг ҳеч бирига жавоб бермасдан Ҳурининг қўлларига ёпишди:-

— Ҳури хоним, худо ҳаққи, қўлларингиздан ўпай! Ўзингга минг қатла шукур, худо! Сизни кўрар кун ҳам бор экан!— у Ҳурининг қўлларини қўйиб, Соҳибни қучоқлади, ўпди. Сўнгра бошидан-оёгигача қараб чиқди.

— Бу келишган йигитга қаранглар-а! Қараб тўймайди киши!

— Ўтиринг, Идрис ака!— Ҳури ёнидан жой кўрсатди. Соҳиб бўлса унинг тагига стул суриб қўйди.

— Ўтиринг, ўтиринг, Идрис амаки!..

— Идрис амакинг ўргилсин сендан!— деди ўтираркан Идрис ҳамон Соҳибнинг қўлини кафтида ушлаб.— Худди туш кўраётганга ўхшайман. Ҳури хоним, ростдан сизмисиз, ёки менинг миям айланиб қолдими?! Соҳиб, болажон, сен ҳам мени кўряпсанми? Менинг олдимда турган сенмисан, ёки кўзимга шундай кўриняптими? Эй, худо, ўзингга минг қатла шукур! Яна сизларни кўрарман деб ўйламагандим...

Идрис шу қадар чин юракдан ва ҳарорат билан ҳис-туйғуларини изҳор этардики, Ҳури билан Соҳиб

оғзиларини очиб савол ҳам бермасдилар. Кўнглини бўшатиб олгунича қўйиб бердилар. Ниҳоят, Идрис тўхтаб, ҳайрат билан гоҳ Ҳурига, гоҳ Соҳибга қараб қўйиб:

— Қаерда эдингизлар, нега бизга хабар бермадингизлар?— деб сўради.

Ҳури аввал Тифлисда бўлгани ва у ердан Петербургга қандай қилиб кетганларини, у ерда Ивановлар оиласи томонидан қандай кутиб олинганларини, Соҳибнинг қандай таҳсил ва тарбия олганини ҳикоя қилиб берди.

— Демак, ҳаммасини тугатиб, ватанга қайтиб кетяпсизлар? Худога шукур! Худо насиб қилса ўша, ўз қишлоғимизда мактаб очиб, болаларни ўқитасан...

— Йўқ, Идрис оға, мен Соҳибни у ерга юбормайман. У ерда кўрадиганимни кўрганман. У ҳангома-ларга, у зулмга чидагулик ҳолим йўқ!..

— Энди сирасини айтдим-да!— Идрис сўзини тезда қайтиб олди.— Кўнглимга бир орзу келувди, шуни айтдим. У жой бўлмаса, бошқаси бўлар. Тифлиснинг ўзида ҳам дарс беришинг мумкин. Эҳ-ҳ, бизнинг миллатимизнинг илмга, мактабга шундай эҳтиёжи катта!!!

Ҳури Идриснинг она юртидан, яқин-йироқ одамларидан хабар беришини сабрсизлик билан кутарди. Лекин қувонч ва ҳаяжонлар Идриснинг гапиришига имкон бермасди. Ниҳоят Ҳури:

— Бизнинг томонда нима гап, биздан кейин нима бўлди?— деб сўради.

— Эҳ, жигарим, сиздан кейин кўп нарсалар бўлиб ўтди!— Идрис Жаъфарни ўғирлаб олиб кетиб, ўрага ташлаб қўйганларини, Сафиқулибекнинг ўлдирилишини ҳикоя қилиб бераркан, Ҳурининг ранги гоҳ оқариб, гоҳ кўкарарди. Соҳиб эса чуқур ўйга толиб, қулоқ солиб ўтирарди.

— Хўш, ундан кейин Вафодор, Сакина, Жаъфарлар нима қилишди? Сиз бу ерларга қандай келиб қолдингиз?— Ҳури ҳаяжон билан сўради.

— Ана шу кечаси биз ота-бобо юртидан бош олиб чиқиб кетдик. Даставвал Шакига бордик. Ҳар қайсимиз дуч келган иш билан шуғулландик. Бир вақт бир хабар эшитдик: Илёсбек Вафодорнинг бошини аллақанча баҳога қўйипти. Бизнинг изимизга тушиб бир

муртад у ерга етиб келипти... Бу гапни эшитганимиздан кейин у ердан ҳам бир кечада гумдон бўлиб, Қорабоғнинг тоғларига чиқиб кетдик. Икки йил ўтгач, хоин у ерда ҳам пайдо бўлди. Учинчи марта кўчиб, Оразнинг нариги томонига, Қоратоғ вилоятига ўтдик. Бир қанча вақт ўша ерда яшадик. Табризлик бир савдогар мени ўз хизматига олди. Тижорат ишларидан озгина хабардор эканимни биласиз-ку. Ўзимни кўрсатдим. Бошлиқнинг эътиборига сазовор бўлдим. Инсоф билан айтганда, ўзи ҳам яхши одам. Хориж билан бўладиган барча савдони менга юклади. Анави кўриб турганингиз икки йигит унинг болалари бўлади. У менга: «Буларни Русиядан Европага олиб ўт, айланиб келишсин» — деди. Олиб-сотиш, тижорат ишини ўрганиб олишлари учун бир-икки минг туманли мол ҳам берди. Бу мол менга унчалик керак эмас, зарарига сотсанг ҳам хафа бўлмайман, деди. Эндиликда биз Русия шаҳарларини айланиб юрибмиз. Олдиң Москвага, кейин Петербургга ўтмоқчимиз. У ердан Финляндия ва Исвеч йўли билан Олмонистон, Фарангистон, Инглистонга ўтиш ниятимиз бор...

— Райҳон хола билан Гулёноқ қалай? — сўради Соҳиб.

— Райҳон холанг жуда зўр, илгари қандай бўлса ҳозир ҳам шунақа. Мени қаритиб, ўзи ёшлигича қолган. Гулёноқ ҳам жуда ажойиб қиз бўлган. Ўзи ҳам Табриздаги қизлар мактабини тугатди. Яхши саводхон бўлиб олди. Насиб қилса, Европа сафарида саломат қайтсам, уларни олдин Тифлисга, сизларнинг хизматингизга олиб келаман, кейин сизларни Табризга меҳмон қилиб олиб кетаман!

— Раҳмат! — Ҳури ҳасрат билан гапирди. — Вафодорлар қаерда? Сакина билан Жаъфар нима бўлди?

— Сакинанинг бир кўркам ўғли бор. Ҳозир ўн уч-ўн тўрт ёшга чиқиб қолгандир. Уларни кўрмаганимга ҳам ўн йилча бўлиб қолди. Мен Табризга кетганимдан уч йил кейин Вафодор уларни олиб Бокуга кетипти. Бокуда жуда кўп нефть чиқади, дейишади. Қандай иш десангиз топилади. Ҳар ёқдан у ерга одам оқиб келаётган эмиш. Яхшигина пул топса бўлармиш!..

Идрис сўзидан тўхтади. Ҳурининг кўзида қайғу, маъюслик кўриб, хўрсиниб қўйди:

— Шунақа, хоним! Фалакнинг гардиши ҳаммамизни ҳар ёнга сочиб ташлади!..

— Хонимлар ва жаноблар, йўлга тушмоқ керак!— деб офицер ўрнидан турган эди, Ҳури хоним билан Соҳиб ҳам қимирлаб қолишди.

— Вой, ҳали ҳеч нарса емадингизлар-ку!— Идрис безовта бўлди.— Ўтириб овқат еб олинглар... Мен бошларингизни гангитиб қўйдим...

— Томоқдан ҳеч нарса ўтмайди!— Ҳури кулимсиради.

— Ҳозир товуқ буюраман, ўраб беришсин, йўлда еб кетарсизлар!— деб Идрис ошхона хизматчисининг олдига югурмоқчи бўлди.

— Идрис амаки, ҳеч безовта бўлманг!— деб Соҳиб унинг қўлидан маҳкам ушлаган эди, онаси:

— Раъйини қайтарма, ўғлим, майли, ола қолсинлар,— деди.

— Ҳури хоним, худо ҳаққи, қандай бўлсангиз, шундайлигича қолипсиз. Кўнглингиз олдингидан ҳам нозиклашиб кетипти!

Меҳмонлар каретага чиққанларида Ҳури Идрис билан хайрлашмоқчи бўлди.

— Йўқ, мен алоҳида карета ёллаганман, сизни беш-ўн чақирим йўлгача кузатиб бораман!— Идрис Ҳуриларни ўзининг каретасига ўтқазди. Табризлик савдогарнинг ҳушчақчақ ва одобли болалари билан биргаликда ўзи ҳам ўтирди. Кареталар юриб кетди.

Каретада бошқатдан суҳбатлар, хотиралар бошланди. Ҳури деразадан бояги шаҳарчанинг бутунлай кўздан йўқолганини кўриб, Идрисга:

— Бундан у ёғига рухсат бермайман. Тўхтатинг, биз тушиб ўз каретамизга чиқиб олайлик. Сиз ҳам йўлингиздан қолманг!— деди.

— Худо ҳаққи, Ҳури хоним, сизлардан ҳеч айрилгим келмаяпти. Бошқатдан йўқотиб қўяманми деб қўрқаяпман. Эй, золим фалак! Нима қиларкан шу пайт Самандарнинг патини қўлимга берсанг, ёндирсайдим, Вафодор шу ерда пайдо бўлсайди...

Улар каретадан тушдилар. Соҳиб билан Идрис қучоқлашиб, ўпишиб хайрлашдилар. Соҳиб савдогарнинг болалари билан ҳам меҳрибонлик билан хайрлашди. Москва ва Петербургда нималарни кўриш тўғрисида уларга маслаҳат берди. Ажралишаркан, Идрис

қайта-қайта Ҳурининг қўлларини ўйди, унинг каретага чиқишига ёрдам қилди. Карета узоқлашганда эса рўмолчасини чиқариб, кўз ёшини артди.

Ҳури хоним бирмунча вақт деразага ёпишганича қолди. Йўл ўртасида туриб, қўл силкитаётган Идрис кўздан ғойиб бўлгунича унга қараб турди. Сўнгра ўғлининг қўлидан ушлади. Соҳиб онасининг пахтадек оқарганини, кўзида икки томчи ёш йириклашиб бораётганини кўриб, унинг бошини қучоқлади, юзидан ўпиб:

— Менинг азиз онам, бенасиб онам! Менинг жоним-жигарим!— деб пичирлади...

Ҳури тезда ўзини қўлга олди. Ўғлининг бошини ўпиб:

— Сенга қурбон бўлай, Соҳиб, Тифлисдан бошқа жойга бора кўрма. Қишлоққа боришингни ўйласам, юрагим ёрилар даражага етади,— деди.

Соҳиб номаълум келажак қаршисида тез-тез хаёлига келган туманли фикрлар унинг ўзини ҳам безовта қилаётганини онасига айта олмади... Айтишга кўнгли бўлмади. Онасига тасалли берди:

— Менинг бошим омон экан, сиз ҳеч нарсадан қўрқмаслигингиз керак, онажон! Биров ҳадди сиғиб мушугингизни пишт дея олмайди!..

Она меҳр билан ёш бола пайтларига ўхшатиб Соҳибнинг бошини сийнасига босиб суйди. Соҳиб ҳам ёш боладай унга тиқилди...

## БИРИНЧИ ФАСЛ

### 1

1870 йил апрель ойининг ўрталари эди. Тифлисида баҳор нафаси кезарди. Айниқса шаҳарнинг юқори қисмида, тоғ ёнбағрида жойлашган уйларда ҳаво шундай енгил ва муаттар эдики, одам нафас олиб тўймасди. Наврўз байрамидан уч ҳафта ўтган бўлишига қарамай, баъзи уйларнинг токчаларида ҳамон байрам ширинлигини кўриш мумкин эди. Кўча-кўйлардаги болаларнинг қўлида бўялган тухум кўзга чалинарди. Деразаларнинг олдида ва токчаларга териб қўйилган тақсимча ва пиёлаларда, эндиликда сўлий бошлаган самани<sup>1</sup> кўринарди. Ўзига тўқ хонадонлардаги қиз-жувонларнинг бармоқларидан байрам хиносининг қизили ҳали ўчмаган эди. Кибор хонимлар эса, хино устидан хино қўйиб, наинки бармоқларини, ҳатто кафтларини ҳам, оёқларини ҳам қизартирар, ранги ўчиб улгуришига йўл қўймасдилар...

Шаҳарнинг жануби ғарбий қисмида, баҳайбат қояларнинг устидаги кичкина, кўримсиз уйда яшаётган оилалар ҳам байрамни қувонч билан кутиб олган эдилар. Лекин бу ердаги жувонларнинг ва қизчаларнинг қўлида хинонинг фақат ола-була излари қолган эди, холос. Уйнинг кичкина бир ҳовлиси бор эди. Бу ҳовлига тўрт томондан бир неча манзилгоҳнинг эшиги очиларди. Ҳар бир манзилгоҳда бир ижарадор истиқомат қиларди. Ҳовлининг ўртасида, беш поғонали пиллапоё билан чиқиладиган даҳлизли манзилгоҳда эса катта бир оила жойлашган эди. Оила бошлиғи кар-

<sup>1</sup> С а м а н и — кўкартирилган бугдой, ўзбекларда ундан сумалак қайнатилади, озарбайжонлар эса у билан уйни безаб қўйишади.

балойи<sup>1</sup> Нажаф тонг отганда тирикчилик ташвиши билан уйдан чиқиб кетар ва пешинда келар, овқатланиб яна кетарди-да, кун ботгандан кейин қайтарди. Шунинг учун ҳам оиланинг барча ички ишлари уй соҳибаси Ҳалима хонимнинг зиммасига тушарди. Баланд бўйли, қош-кўзи қоп-қора ва жиддий сиймоли Ҳалима хоним ҳам бир вақтлар қўлига, оёғига хино қўйишни яхши кўрарди. Лекин саккиз болали оиланинг ғам-ташвиши бу ҳавасни аллақачон ўлдириб қўйган эди. Эрта тонгдан қора кечгача қўли ишдан бўшамас, овқат қилиб, идиш-товоқ ювиб, уй-жойларни тозалаб, бичиб-тикиб, ямоқ-ясқоқ билан машғул бўлган аёлнинг қўлида хино ҳафталаб турармиди? Аслини олганда, ноз-неъмат ичида, барча ташвишлардан холи яшаган тақдирда ҳам Ҳалима хонимнинг эндиликда ясан-тусанга зўр бериши амри маҳол эди. У келинлик пайтида юзига упа-элик сурган, кўзига сурма қўйган эди. Ҳатто бу ишни чаплаштирамай, ниҳоятда маҳорат билан ўрнига қўярди, тенг-тўшлари унга ҳасад қилишар, четдан қараганда эса юз-кўзининг ранги табиийдир деб гумон қилардилар. Лекин ёши ўтгани сари бу ҳаваслар қолиб кетди. Ҳалима хонимнинг юрагида онасидан ўтган ҳассос бир туйғу яшар ва кундан-кунга камол топиб борарди. Бу туйғу уни ҳар нарсада мезон билан иш кўришга етаклар эди. Ҳаётга ва инсонларга ҳассослик ва ҳушёрлик билан қарайдиган бу аёл битта нарсанинггина қачон келиб, кетганини сезмай қолганди. Бу — унинг ёшлиги эди. Энди у ёшлигини бир хаёлдай, бир тушдай эсларди. Гўё у фақат баҳордангина иборат бўлиб, ёқимли бир тонг шабадаси сингари сездирмайгина келиб, ўтиб кетган эди. У босиб ўтган йўлларда эса сон-саноқсиз ташвишлар, қайғулар сочилиб ётарди. Ҳалима хоним бу қайғуларга мардонаворлик билан кўксини қалқон қилган эди...

Карбалойи Нажаф Ҳалима хонимнинг табиятини ва хусусиятини бирга яшай бошлаганларининг биринчи йилидаёқ тушуниб олган эди. Унинг уй учун, оила

---

<sup>1</sup> Карбалойи — Ҳожи дегандай бир гап, Карбало шаҳридаги Имом Ҳусайн мазорини зиёрат қилган шиа мазҳабидаги мусулмонларнинг номига қўшиб айтиладиган сифат.

учун туғилганини билиб, бахтига шундай хотин учраганига худога минг марта шукур қилган эди. Қарбалойи Нажаф қўлидан келганича унинг ҳурматини жойига қўйишга, уни бахтли қилишга ҳаракат қиларди. Бахт эса, унинг назарида ҳаётнинг огир йўлларида биргаликда, ор-номусли ва бир-бирига содиқ бўлиб қадам ташлашдан бошқа нарса эмас эди. Бу огир йўлларида Ҳалима хоним унинг ҳаётининг бир бўлаги эди, умрининг бир дақиқасини ҳам усиз тасаввур эта олмасди. Саккиз бола туққан, уларнинг бешиги тепасида парвонадай айланган, уларни иссиқдан, совуқдан, касалдан, йиқилиб шикастланиб қолишдан эҳтиёт қилган бу аёл, унинг ёлғиз ёстиқдошигина эмас, уйининг, ҳаётининг устуниси ҳам эди. У Ҳалима хонимнинг идиш-товоқ ва кир ювишдан дағаллашган ва бирмунча йўгонроқ бўлиб қолган бармоқларини юзта нозик-ниҳол, хиноли бармоқларга алишмасди...

Шундай бўлишига қарамай, ёшлигида ҳам, хусусан, ҳозир камолот ёшидан ўтиб, кексаликка юз тутган даврида ҳам ўз ҳисларини жўшқин сўзлар билан хотинига билдирмаган эди. Фақат бир марта ўзини тутиб туролмай, ҳиссиёт таъсирида Ҳалима хонимни очиқдан-очиқ мадҳ этган эди. Аслини олганда бу мақтов чин юракдан жўшиб чиққан миннатдорчиликнинг, ташаккур туйғусининг ифодаси эди. Шундай бўлган эдики, Нажаф киши оиланинг бир неча ойлик харажати учун ажратиб қўйган пулини икки марта камайитириб қўйишга мажбур бўлган эди:

— Хотин, қандай эплаштиаркинсан, ҳеч ақлим етмай қолди,— деб аҳволни Ҳалима хонимга гапириб берганида доимо чидамли, огир, сабр-қаноатли бўлган Ҳалима хоним ҳечам пинагини бузмай:

— Ҳеч парво қилманг, дадаси, болаларингизни бир кун ҳам оч қўймайман...— деб жавоб берган эди.

Дарҳақиқат, Нажаф киши уйида ҳар куни иссиқ овқат пиширилаётганини, хотинининг билинтирмай, тежамкорлик ва қаноат билан рўзғор тебратаётганини кўриб, кўнглида унга таҳсин ўқирди. Ишлари изига тушиб, рўзғорни анча тўғрилашганида бир куни Нажаф киши Ҳалима хоним пиширган мазали, сариқ савзи солиб тайёрлаган нўхат шўрвани ича туриб, ғайри ихтиёрий равишда:

— Яхши хотинсан, Ҳалима хоним. Олижанобсан. Қўлинг ҳам баракали. Ишқилнб бахтимизга омон бўлгин...— деди.

Ҳалима хоним бу миннатдорчиликка жавобан қора кўзларини сузиб, бахтиёрлик билан эрига қаради. Нажаф киши бундан кейин яна қайта-қайта юрагида кўтарилган миннатдорчилик ва бахтиёрлик туйғуларини бир марта ҳам тилига олмади. Бу балки муҳаббатни очиқ сўзлар билан ифода этишни эркак учун енгилтаклик деб ҳисоблаган эски ота-бобо одатларининг таъсиридандир, балки Ҳалима хоним ва Нажаф сўзсиз ҳам бир-бирига маҳкам боғланганларидан, бир-бирини яхши сезиб, тушунишларидандир, ҳар ҳолда бу борада гаплашишга эҳтиёж сезмас эдилар. Ҳар ҳолда, бу оиладаги меҳрибончилик, интизом, саранжомлик ва озода турмуш кўплар учун бир хаёл, бир орзудай гап эди. Шунинг учун ҳам бу уйда камтаргина бўлса-да, унчалик дабдабали ва ясан-тусан билан бўлмаса-да, байрамни қувонч билан кутиб олишган эди... Бунинг устига, бу йилги байрамни бахт келтирувчи байрам деб, алоҳида шодлик билан кутиб олишларининг бошқа сабаби ҳам бор эди, чунки улар тўққизинчи фарзанднинг оламга келишини кутишмоқда эди.

Минг йиллар давомида она сути билан кирган тасаввурларга кўра, улар баҳор фаслида, дарёлар тошган, тоғлар-даралар кўклам чечаклари билан нафас олган, далалар ям-яшил тусга кирган, дов-дарахт қийғоч гуллаган пайтда дунёга келган боланинг оёғи енгил, бахти очиқ бўлади, элига, юртига бахт келтиради деб ишонардилар... Шунинг учун фақатгина Нажаф киши билан Ҳалима хоним эмас, уларнинг бутун қавм-қариндош ва ёр-биродарлари чақалоқнинг бу дунёга қадам қўядиган кунини сабрсизлик билан кутар, унинг ўғил ёки қиз бўлиши тўғрисида гоҳ очиқ, гоҳ яширин хаёлларга толардилар.

— Дадаси, қиз бўлса яхшими ёки ўғил бўлсами?— ой-куни яқинлашганда Ҳалима хоним эрига савол берган ва уялганидан дарҳол юзини четга ўгириб олган эди. Бу саволдаги саросима ва безовталиكنинг маъносини жуда яхши англаган Нажаф киши хотинини тинчитиб:

— Нима бўлса ҳам майли, биз учун азиз, хотин, ризқ-насибаси ўзи билан келади...— деган эди.

Ҳалима хонимнинг ўзи ўгил кўрсам деб орзу қилар, лекин бу орзусини эрига айтишдан, уни умидлантиришдан ўзини тиярди.

Мулоим, руҳни эркалайдиган баҳор қуёшининг олтин нурлари Санъон тоғининг тўшидаги калисоларнинг олтин нақшларида, масжидларнинг зангори мезаналарида жилоланарди. Узун, эгри-бугри йўли давомда тоғлардан, даралардан оқиб тушган қор ва ёмғир сувларига тўлиб, тобора кучига куч, қудратига қудрат қўшилганча соҳилларини ювиб оқаётган телба Кур ҳам ёришиб кетган эди. Унинг лойқа ойнаси қуёш жамолидан очилиб йилтирарди. Ҳа, бугун ҳамма нарса ғайри оддий бир маъно ва гўзаллик касб этиб, қояларга сингиган кичкина уйдаги катта-оиланинг юзига қулиб турарди. Ҳар нарса уларга айна бир бахтнинг муждасини бераётгандай эди. Ҳовлида ўйнаб юрган болалар ҳам, бугун тирикчилик юзасидан бўлса-да кўчага чиқмай, девор тагида ўтин ёраётган Нажаф киши ҳам ўйчан ва ташвишли кўринар, интизорлик билан ниманидир кутарди. Шу пайт унинг кўнглида, Ҳалима хоним эсон-омон қутулсайди, деган ягона орзу бор эди холос. Ҳалима хоним бўлса, кичкина уйнинг кенг ва ёруғ хонасида, ердаги гилам устига солинган ўринда чўзилиб, тўлғоқ дардини тортар, ҳам ширин, ҳам аччиқ изтиробларнинг, жисмоний огриқ ва руҳий ҳаяжонларнинг қўлида питирларди. Ниҳоят, чақалоқнинг заиф овози эшитилди. Ҳамма ёқ севинчга тўлди. Ҳамма бир-бирига қаради. Юзига ёшмоқ тутишини ҳам унутган бир ёш келин тез ҳовлига чопиб чиқди ва:

— Нажаф амаки, суюнчи беринг, ўгил бўлди...— деди.

Қўни-қўшнилар Нажаф кишини табриклади, муборакбод этди. Нажаф кишининг қайғули юзидан интизорлик кўланкаси кўтарилди, ранги очилди.

Бир ҳафтадан кейин оила аъзолари ва қавм-қариндошлар бир жойга тўпланишди. Янги туғилган чақалоққа от қўйиш керак эди. Ҳар ким биттадан исм таклиф қилиб кўрди. Нажаф киши одатига кўра бир оғиз сўз айтмай, акаси Али Мирзага қаради. Али Мирза саводи ва билими билан бутун наслнинг мухтарам ва севимли кишиси ҳисобланарди. Қишнинг узун кечаларида у оила аъзоларини, ёр-биродарларини олдиға йи-

ғиб, Озарбайжоннинг, Гуржистоннинг ўтмишидан қизиқ-қизиқ суҳбатлар қилар, Низомийнинг ўлмас достонларидан гапириб берар, Фузулийнинг ғазалларини, Воқифнинг қўшиқларини ўқиб берарди. Дунёга янги келган болага от қўйиш шарафининг ўзига ҳавола этилганлигини кўрган Али Мирза: «Наримон қўйсак қандай бўларкин?» деб барчанинг розилигини олди. Сўнгра болани олиб келишга ишора қилди. Қора кўзмунчоқлар тақилган, гулли, ипак матоларга йўрғакланган чақалоқни олиб келдилар. Али Мирза эҳтиёткорлик билан уни қучоғига олиб, қулоғига отини айтди. Ҳар тарафдан:

— Хушбахт бўлсин! Муборак бўлсин! — деган садолар эшитилди.

Тинчгина ухлаб ётган болани олиб кетишди. Али Мирза эса ўтирганларга Наримон катта боболарининг оти эканини айтди. У бундан икки юз йил муқаддам Кахетиянинг валиси Ираклий биринчининг саройида эшик оғаси лавозимида бўлган экан. Унинг ҳалоллиги ва садоқати ҳақида одамлар ҳамон гапириб юришаркан.

— Иншооллоҳ, катта бўлса отига муносиб йигит бўлади, ўз ақл-идроки билан бобоси каби ном чиқарадил, шуҳрат қозонади!

Ҳар тарафдан:

— Омин! Омин! Иншооллоҳ! — деган овозлар кўтарилди.

Бу ҳодиса 1870-нчи йил апрель ойининг 21 нчи кунда, яъни Наримон тугилган кундан етти кун кейин содир бўлган эди. Шу йил апрель ойининг 22 нчисида эса, Тифлистан жуда йироқ-йироқларда, Волга бўйидаги Симбирск шаҳрида, шимолнинг совуқлари эндигини бўшашганда, тупроқ баҳорнинг илиқ нафаси билан эндигина ошно бўла бошлаган пайтда, Ульяновлар оила-сида битта чақалоқ дунёга келди. Унинг отини Владимир қўйдилар. Ўша пайтда бу чақалоқ вояга етгач, унинг тақдири башарият тақдири бўлиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди; ҳаётнинг чигал йўлларида бир кун бориб, Наримон Владимир билан учрашажагини, муқаддас ишонч, сўнмас муҳаббатга инсонийлик туйғуси билан уни севажагини, сўнги нафасигача унга содиқ қолажагини ҳеч ким билмае эди...

Кун ботаётган пайт. Санъон тоғининг сояси Тифлис шаҳрини қамраб олди. Қоялар бағрида жойлашган кичкина уйнинг айвонидан қуёшнинг сўнгги нурлари чекиниб кетди. Қўй-қўзилар, мол-қол даладан қайта бошлади. Соғин сигирлар ва қўйлар ҳазин-ҳазин маъраб болаларини чақирар, кичкина сурувдан ажралиб, бир йўла ўз уйларининг эшигига йўл оларди. Шаҳарнинг бу овлоқ томонларида, мусулмон қабристонига яқин ерларда кўпчилик мол-қол қиларди. Даладан қайтган молларни аксарият кексалар, ўсмирлар, ёки тетикланиб қолган болалар кутиб олардилар.

— Наримон, чоп ўғлим, сигирни ўзинг етаклаб кир!— Ҳалима хоним ҳовлида бир тўда болалар билан ўйнаб турган паст бўйли, лекин жуда тийрак ва шўх, тиниб-тинчимас болани чақирди. Бола доиранинг ўртасида бўлганидан ва жуда ҳам ўйинга берилиб кетганидан онасининг овозига тезлик билан жавоб қайтармади.

— Чоп, болам, яна бошқаларнинг эшигига кетиб қолмасин!— Ҳалима хоним янги сотиб олинган молнинг ҳали уйларига яхши ўрганмаганлиги туфайли бошқа ёқларга тентираб кетишидан қўрқиб, Наримонни шоширди. Наримон чизиқнинг четида айланиб юрган сўлақмондай болага қараб:

— Бобожон, менинг ўрнимга ўтиб тургин, мен ҳозир қайтиб келаман,— деди.

Ёшда ҳам ҳовлидаги болаларнинг ҳаммасидан катта бўлган Бобожоннинг чертса қон сачрайдиган ёноқлари қип-қизил бўлиб кетган эди. Унинг яланғоч, кучли қўлларидан, ўт чақнаган кўзларидан, ёшига нисбатан йўғон кўринган баданидан куч ёғиларди. Бир қарашдаёқ яккама-якка олишса, ҳовлидаги болаларнинг ҳар бирини бир уриб дабдала қила олиши биллиниб турарди. Ўз кучини ва устунлигини қайта-қайта синаб кўрганлиги учун унинг юз-кўзида ёшига номуносиб бир такаббурлик бор эди. Лекин у Наримоннинг сўзини ерда қолдирмади, дарҳол чизиқнинг ичига кирди. Наримон йўл-йўлакай кўйлагининг тугмасини қадаб, кўчага, сигирини олиб келгани кетди. Ҳалима хоним хотиржамлик билан орқасига қайтиб, кечки овқат ҳозирлаш билан машғул бўлди.

Салдан кейин Наримон сариқ сигирини олдига солиб келди ва ҳовлининг кунжагидаги бир хонали кичкина молхонага олиб кириб қўйгач, ўртоқларининг олдига яқинлашди-ю, ҳайрон бўлиб қолди. Болалардан энг кичиги бўлган Фазли оғзи-бурни қоп-қора қонга беланиб, ерда чалқанча чўзилиб йиғлаб ётарди. Бошқа болалар ҳам хафа, уни овутишга ҳаракат қилардилар. У бўлса алами ичида, бечора, кимсасиз одамдай чинқириб йиғлар, ўрнидан турмасди.

Наримон дарҳол Фазлига яқинлашди:

— Нима бўлди? Буни ким бу аҳволга солди? — юрак-бағри куйиб сўради у.

Наримон Фазлини жуда яхши кўрар эди. У мўмин-қобил, гапга тушунадиган бола эди. Онаси бир йил олдин вафот этган, отаси Тифлис вокзалида юк ташийдиган ишчи бўлиб ишларди. У азонда чиқиб кетганича, кечқурун қайтар, боладан эса оққўнгил қўшнилари хабардор бўлиб турардилар. Ҳалима хоним айниқса унга онасидай меҳрибонлик қилар, ўз болаларидан ажратмасди. Наримоннинг овозини эшитиши билан Фазли яна баттар йиғлай бошлади. Унинг ҳўнграб йиғлаши Наримоннинг юрагини эзиб юборди. Бобожоннинг ҳовлида йўқлигини кўриб, Фазлини урган ўша эканини билди.

— Нимага урди буни?! — деб сўради яна қайтариб.

— Бобожонни ўзинг биласан-ку! Ютқизаётганини кўриб гирромлик қилди, жанжал чиқарди, уриб бурнини қонатди, камарни ҳам олиб кетди.

— Сизлар қараб туравердингларми?

— Биз нима қила олардик? Унга бировнинг кучи етармиди?!

— Кучим бор деб хушига келганини қилаверар экан-да! Қани, кетимдан юринглар-чи! — Наримон тезлик билан ҳовлидан чиқди. Болалардан баъзилари руҳланиб, баъзилари қизиқиб унга эргашидилар... Ҳалима хонимнинг эс-ҳуши сал туриб дастурхон атрофига тўпланиши керак бўлган бир тўда бола-чақанинг кечки овқатини тайёрлашда бўлгани учун, болаларнинг ҳовлидан қай пайтда чиқиб кетганларини сезмай қолди. Фақат Карим баққолнинг хотини, Нисо отининг овози бутун ҳовлини тутиб кетгандагина эси ўзига келди:

— Зотларингга куйдирги чиқсин! — у қарғангани-

ча чап қўли билан Бобожоннинг қўлидан ушлаб тор-тарди.

Бобожон бўй-бастига ярашмаган оҳангда дод солиб йиғларди. Нисо отиннинг ўнг қўлида қоп-қора косов бор эди. Шу косов билан Наримонни олдиға солиб дағ-даға қилар, айни замонда унга қарғиш ёғдирарди. Аёл Наримоннинг гоҳ бошини, гоҳ белини нишонга олиб косовни осмонда ҳарчанд айлантирса-да, мўлжалга тек-киза олмасди. Наримон чаққонлик билан ўзини четга олиб, зарбадан қочарди. Болалар ҳам шовқин-сурон кўтариб, Нисо отинга халал берардилар. Бу шовқин-сурондан шошиб айвонга чиққан Ҳалима хоним:

— Нисо отин, нима бўпти? — деб сўради.

Нисо отин ёқаси йиртилган, сочлари ёйилиб кетган, эғни-боши чанг-тупроққа беланган ва ҳамон йиғлашда давом этиб турган Бобожонни кўрсатиб:

— Нима бўларди, болани қай аҳволга солишганини кўрмайпсанми?! Ҳаммасини сенинг гўрсўхта ўғлиниг қилган!.. — деди.

Наримон кўйлагининг ёқаси қонга бўялган кичкина, нимжон Фазлини кўрсатиб:

— Хўш, сизнинг эркангиз уни эзаверса майлими? Фазлидан қанча катта! Уялмайди ҳам!.. — деди.

— Вой бўй-й, эзилганларнинг ёнини оладиган мард-ни қаранглар! Худо ҳаққи, бир дуо ўқиб, сеҳр ишлат-сам, уй-жойларинг ер билан яксон бўлади! — Нисо отин яна қарғиш ёғдира бошлади. Ҳалима хоним ўзига хос совуққонлик билан уни тинчитишга уриниб:

— Нисо опа, аҳмоқлик қилишибди, ёш болалар-да, уришади ҳам, ярашади ҳам. Отаси келса айтаман, таъ-зирини бериб қўяди. Кечира қолинг энди... — деди.

— Бизнинг ҳам эркагимиз бор, ҳали шошмай ту-ринглар! — Нисо отин Бобожонни судраб, ҳовлидан чи-қиб кетди.

Намозшомда ишдан қайтиб, хотинини ташвишли, Наримонни эса паришонхотир кўрган Нажаф киши: «Нима бўлди?» деб қанча сўраса ҳам, ҳеч нарса била ол-мади. Наримон онасига қараб жим тураверди. Она бўл-са: «Ҳеч нарса бўлгани йўқ!» — деб жавоб берди. Наримон онасининг ҳеч маҳал кечки пайт, дастурхон устида отасига асабни бузадиган сўзни айтмаслигини, кейин эса битта қўймай гапириб беришини биларди. Овқатдан анча кейин, чой ичиб ўтирганларида Ҳалима хоним

воқеани эрига гапириб берди. Ота бирмунча вақт хаёл суриб қолди. Севимли ўғлини койишга кўзи қиймас, лекин бу гапни шу ҳолича қолдира олмасди ҳам.

Наримон ҳақиқатан ҳам оиланинг арзандаси эди. Кенжа болага алоҳида меҳр билан қараш жуда кўп жалқларда бўлгани каби озарбайжон оилаларида ҳам авлоддан авлодга ўтиб келаётган бир одат тусини олган ҳамда бу халқнинг ҳаёлидаги тасаввурлар билан ҳам боғлиқ эди. Халқ эртакларида, ривоят ва ҳикоятларида ака-укалар ичида кенжаси бошқаларига қараганда ҳушёрроқ, зийракроқ ва ғайри оддий истеъдод эгаси бўлгани каби, эгачи-сингилларнинг ҳам энг кичиги бошқаларидан гўзалроқ, ширин суханроқ ва уддабуронроқ қилиб тасвирланган. Ҳалима хоним билан Нажаф киши Наримонга фақат бу тасаввурлар ва одатларнинг таъсирига кўрагина эмас, у оиланинг кенжаси, яъни энг кучсизи бўлгани учун ҳам янада кўпроқ диққат билан қарардилар. Уни катталарнинг ва кучлиларнинг тазйиқидан, устунлигидан ҳимоя қилиш лозим бўлиб турарди. Яъни, ота-онанинг энг кичик фарзандга бўлган меҳрига бир марҳамат туйғуси ҳам аралашган эди. Ҳалима хоним билан Нажаф киши эса раҳмдил эдилар. Болаларнинг қувноқ кулгисини ҳаётда катта бойлик деб билганлари учун, уларнинг кўз ёшига тоқат қила олмасдилар. Наримонни эса яхши кўрмасликнинг иложи йўқ эди. Ҳар ҳолда ота-онанинг ҳаёлида, унинг катта, қора кўзларида ғайри оддий зиё бордай туюларди. Бу зиё чақалоқлик пайтиданоқ кўрина бошлаган эди.

У атрофга зеҳн қўйиб, ниҳоятда диққат билан қарарди, айтилган сўзларнинг маъносига тушунишга ҳаракат қиларди, улғайгани сари ўткир зеҳни ҳамда кўрганларини таққослаш, солиштириш қобилияти ўсиб борарди. Буларнинг барчаси кундалик ҳаётнинг минглаб икир-чикири орасида ота ва онанинг кўзига чалиниб турар, шунинг учун ҳам улар бу боланинг келажакига катта умид боғлай бошлаган эдилар. Шу туфайли уни жуда кам койишар, янглиш ҳаракатларини секин ва мулойимлик билан бартараф қилишга ҳаракат қилардилар. Ўғлининг биринчи марта ёқалашганини кўрган ота у билан қандай муомала қилиш кераклиги борасида бош қотираркан, акаси Али Мирза эшикда бир йўталиб олиб, кириб келди. Саломлашишгач, ўтир-

ди-да, бир четда кайфи тирриқ ҳолда турган Наримонни ёнига чақириб, бошини силади:

— Нима қилиб қўйдингиз, яхши йигит? — деб сўради-да, ундан жавоб кутиб ўтирмай укасига қаради ва кула-кула давом этди: — Карим баққол йўлимни тўсиб олиб, шу десанг, пашшадан фил ясаб, гапни роса олиб қочди-да.

Амакисининг гап оҳангидан, ҳазилга олиб гапираётганидан Наримон яхши мудофаачиси борлигини ҳис этди.

Лекин амакиси кайфи бузилган отаси ва онасига қараб индамай қолди. Хийла вақт ҳеч нарса демади. Ўртага оғир сукут чўкди. Бу сукут Наримонни тегирмон тошидай эзарди. Ниҳоят амакиси:

— Яхши бўлмапти, одам қўшни билан иноқ яшаши керак!.. — деди.

Наримон ҳайрон бўлди: «Агар қўшни ёмон бўлса, у билан қандай қилиб иноқ яшаб бўлади?» — деб сўрагиси келди, лекин бу сўз катталарга маъқул бўлмаслигидан қўрқиб, индамади. Чурқ этмай тураверди. Катталар эса жавоб кутардилар. Наримон гуноҳкор бўлганини бўйнига олсин ва яна қайтиб бундай ишлар қилмасликка сўз берсин, деб кутиб турардилар. Бунга эса Наримоннинг тили бормасди... Сукут ҳаммани эзиб, жонига теккан пайтда ташқаридан овоз эшитилди. Отаси, онаси, амакиси, хуллас уйдагиларнинг барчаси дарҳол оёққа туришди. Отаси олдинга ўтиб эшикни очди ва:

— Келинг, келинг, муаллим! — дея келган одамни эҳтиром билан қарши олди.

Ичкарига ўрта бўйли, сочлари тимқора, эгнига сюртук ва янги кийим кийган бир киши кириб келди. Уни кўриши билан Наримоннинг ранги очилди. Соҳиб муаллимнинг бу хонадонда энг азиз қариндошдан ҳам ортиқ ҳурмати бор эди. Наримоннинг отаси ҳам, амакиси ҳам ҳеч қандай масалада унинг маслаҳатидан четга чиқмасдилар. Наримоннинг назарида эса у, ғайри оддий бир одам эди. Ҳамма нарсани, ҳатто тошларнинг тилини ҳам биларди. Ўзи ҳам шундай яхши одам эдики, уни фақатгина она билан таққосласа бўларди. Биринчи она, албатта, ундан кейин эса у...

Соҳиб муаллимни тўрга, қизил кўрпача солинган жойга олишди. Тирсаги тагига юмалоқ ёстиқ қўйишди.

Соҳиб муаллим ўтирганидан кейин бошқалар ҳам ўтиришди.

— Хаёлимда худди муҳим суҳбатларингизга халал бергандайман,— дея Нажаф кишига ва Али Мирзага қаради Соҳиб муаллим.

Нажаф киши муаллимга бўлган воқеани гапириб берди ва маслаҳат сўрагандай, унга савол назари билан қаради. Соҳиб муаллим ранги оқарган Наримонга тикилиб турди-да, ёнига чақириб, бошини силаркан:

— Нима сабабдан ёқалашипти?— деб сўради.

— Ўзи гапириб берсин!— ота гинахонлик билан ўглига қаради.

Соҳиб муаллим Наримонга юз ўгирди:

— Менга айт-чи, нима сабабдан ёқалашдинглар?— деб яна унинг бошини силади.

Наримон юрак ютиб, бўлган воқеани рўй-рост ҳикоя қилиб берди:

— Ҳар доим гирромлик қилади. Болаларни бир-бир калтаклаб чиқади. Энди бўлса Фазлини урипти, индамаса эртага менга ҳам қўл кўтаради. Фазлининг камариниям олиб кетипти. Мен ҳам болаларга: «Келинлар, биргалашиб, тавбасига таянтириб қўяйлик!»— дедим.

— Баракалла! Жуда яхши қилибсан!— кутилмаганда Соҳиб муаллим уни мақтади.— Бундан кейин ҳам кимда-ким номардлик қилса, жавобини беравер. Бирон зўравон бирон заифни эзаётганини кўрсанг, қўлингдан келганича ҳимоя қил!

Соҳиб муаллимнинг сўзлари ҳаммани, айниқса Ҳалима хонимни ваҳимага солди. У, боласининг бу сўзларни ёмон маънода тушуниб, катта бўлганида уришқоқ бўлиб қолишидан, ҳаётнинг чигал йўлларида ўринли-ўринсиз ўзини ўтга-чўққа уришидан қўрқарди. Лекин ўзи муаллимга эътироз билдирмади. Юзини Наримонга ўгириб:

— Бундан кейин уришқоқ болалар билан ўйнама!..— деди.

— Биз ўйнамаймиз, Бобожон ўзи келиб қўшилади, биздан қолмайди. Кейин жанжал чиқаради.

— Сизлар унга уришиш яхши эмас, деб айтинглар.

— Ҳалима опа!— деб кулди Соҳиб муаллим.— Ёсин ўқиган билан тўнғиз экинга тегмайдиган бўлса,

дунё аллақачон тузалиб кетган бўларди. Болани ҳадеб юмшоқ кўнгил бўлишга ўргатаверманг, бир оз дилроқ бўлгани ҳам тузук, ҳаётда у шундай бўриларга дуч келиши мумкинки, сал бўш келгудек бўлса, тирик-лайн ғажиб ташлашади!— Ҳалима хонимнинг бу сўзлардан ваҳимага тушаётганини сезиб:— Мен бировнинг оғзидагини юлиб олсин, демайман, йўқ,— дея давом этди у,— инсон зоти ҳамжинсига зулм қилмайди. Қўлидан келганича яхшилиқ қилади. Бироқ зулмга дош бериш керак эмас. Ёмонлик олдида бош эгиш ярамайди!

Соҳиб муаллим қачон бирон сўз айтгудек бўлса, Наримонларнинг оиласида катта ҳам, кичик ҳам диққат билан қулоқ солади. Ҳатто бу наслнинг энг билимдон ва ақлли одами ҳисобланган Али Мирза ҳам муаллим гапирганида ғайри оддий бир қизиқиш сезар, нафас олмай қулоқ соларди. Бу оилада муаллимнинг олдидагина эмас, орқасидан ҳам фақат яхши фикр билдирардилар. Унинг ўзгача нуфуз ва обрўи бор эди. Муаллим ҳам бу оилани ўзига яқин дўст ва биродар деб ҳисобларди. Завқ, савия ва тушунчалари турлича бўлишига қарамай, муаллим тўғрилиқда, софликда уларга ишонарди ва бунга ҳаққи бор эди.

Соҳиб муаллим Нажаф кишиникидан бир маҳалла пастда, жуда ҳам чиройли ва обод мулкда ижарага ўтирарди. Петербургда таҳсил олиб қайтган, чодра, ўр-тик нима эканини билмаган, европача кийинган бир мусулмон аёл билан унинг зиёли ўғлининг овозаси бутун маҳалла ва шаҳарга ёйилганди. Улар Тифлисга келган йили Наримон саккиз ёшли бола эди. У ҳам Соҳибга ўхшаган, Ҳури хонимга ўхшаган нодир одамларга қизиқиш билан қарарди. Ҳам ташқи кўриниши билан, ҳам одоб-таълими билан кишида ҳурмат уйғотадиган Соҳиб муаллимга дуч келганида, Нажаф киши ҳам бошқалардай қўлини кўксига қўйиб салом бериб ўтарди. Муаллим ҳам ҳар сафар унинг саломига алиқ олиб кетаверарди. Лекин яқиндан таниш эмасди. Тасо-диф уларни бир умрга дўст қилиб қўйди. Совуқ қиш кунларининг бирида Соҳиб муаллим ғалати ҳаяжон ва шошқинлик билан Шайтонбозорга келди. Нажаф кишининг бозорга кираверишдаги кичкина дўконига кириб, бир жуфт қалин қоплама чойшаб олди, хаёли паршон ҳолда ниманидир суриштирди, молнинг пулини

бериб, катта ҳамёини шошилиб чўнтагига солди. Чойшабни буклаб портфелига жойлаштирди-да, чиқиб кетди. Бир оздан кейин Нажаф киши дўконининг олдини супураётиб, муаллимнинг пул тўла ҳамёни ерда, пештахтанинг тагида ётганини кўрди. Уни олиб, тезлик билан муаллимнинг уйига борди. Шунда унинг онаси Ҳури хонимнинг қаттиқ шамоллаб ётганини билди. Нажаф киши фурсат топиб унга тасалли берди ва ҳамёини қайтарди. Уша пайтда муаллим унга ҳеч нарса демади. Лекин бир ҳафта ўтгандан кейин унинг олдига келди ва қопқоқли катта соатини кўрсатиб:

— Ҳамённинг ичида мана шу ҳам бор эди,— деди.— Ўзи жуда қиммат туради. Лекин гап пулида эмас, буни менга Петербург университетини аъло баҳолар билан тамомлаганимда севимли профессорим соғға қилган эди. Мен учун бу соат бебаҳо нарса. Сиз буни қайтариб бердингиз, жуда ҳалол одам экансиз, шунинг учун ким бўлишингиздан қатъи назар, сиз билан кадрдон дўст тутинмоқчиман.

Ана ўшандан бери муаллим Нажафларнинг яхшиёмон кунларида иштирок этар ва уларсиз ўз уйида меҳмондорчилик ўтказмасди. Унинг қандай қийинчиликлар билан жонишинликда таржимонлик лавозими-га ишга кирганини ва бир армани миллионернинг хусусий мактабида дарс бераётганини билгач, янада кўпроқ ҳурмат қила бошладилар. Ҳаддан ташқари соддалиги, одамохунлиги туфайли Нажафлар бу дўстлик билан фахрланишар ва муаллимнинг сўзини ҳеч маҳал иккита қилмасдилар. Ҳозир ҳам унинг фикрини маъқулладилар. Муаллим бўлса, ҳар галгидек бу сафар ҳам сўзини ўтмиш адабиётдан мисол келтириш билан тугатди. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги зolim подшоҳ Заҳҳок ва унга қарши исён кўтарган темирчи Кова ҳақида ҳикоя қила бошлаганида болаларнинг ёқалашгани бутунлай эсдан кўтарилиб кетди. Ҳамма нафасини ичига ютиб қулоқ сола бошлади. Кичкина Наримон ҳам унинг тиззасига суқилиб, оғзидан кўз узмасди. Нақадар гўзал, нақадар жозибали ҳикоя эди!..

Муаллим гапиргани сари ҳикоядаги одамлар Наримоннинг кўзи олдидан бирма-бир ўта бошларди. Ана, бошида тож, эгнида зарҳалли либос, бармоқларига дур-гавҳар кўзли узуклар тақиб олган Заҳҳок қовоғидан қор ёғиб, атрофдагиларга ғазаб сочиб, тахтда ўти-

рибди. Чунки унинг ичида яшайдиган илонлар оч қолишган, биттаси ўнг елкасидан, бошқаси чап елкасидан бошини чиқариб, гивирлаб, унга азоб беришяпти, овқат сўрашяпти. Уларга нима берсанг ҳам емайди, тинчимайди, уларнинг овқати — ёш боланинг мияси. Заҳҳок буйруқ берди. Икки боланинг бошини кесдилар. Миясини чиқариб, илонларга едирдилар. Илонлар тўйиб маст бўлди, ётди. Заҳҳок ҳам дам олаётир. Ҳар куни аҳвол шу. Ҳар куни шаҳарда икки боланинг боши кесилади. Оталарнинг жони ҳалқумига келиб қолган. Оналарнинг ноласи, фарёди оламни тутиб кетган. Ниҳоят, навбат Кованинг болаларига етиб келади. Темирчи болаларининг золим подшоҳнинг ичида яшайдиган илонларга ем бўлишини истамайди. Исён кўтаради. Халқ унга эргашади. Бирлашиб, бир ёқадан бош чиқарадилар. Золим подшоҳни тахтдан ағдариб, ўлдирадилар. Илонлар ҳам подшоҳ билан бирга ўлади... Болаларнинг бошида ҳар куни даҳшат солиб турган ўлим балоси йўқолади...

Муаллим ҳикоясини тамомлаб, хаёлга толган одамларга қаради. Ҳалима хоним унинг чойини янгилаб берди. Ҳар ким ўзининг ҳикоя борасидаги фикрини баён қила бошлади. Муаллим бўлса Заҳҳок ва темирчи Кова ҳақида гапирди. У золим шоҳ ва жасур темирчининг ҳар бир ҳаракатига алоҳида маъно берар, Наримон ҳали тушуниб етмаган, лекин юрагида қизиқиш уйғотган жойларига ишора қиларди. «Қандай билимдон одам бу муаллим! Мен ҳам катта бўлсам унга ўхшаган бўламан! Муаллим бўламан!..» — деб ўйларди Наримон.

## ИККИНЧИ ФАСЛ

### 1

Ҳикоя қилинган ҳодисалар рўй берган маҳаллада биронта тўй ёки аза Нисо отинсиз ва Али ҳожисиз ўтмас эди. Улар халқнинг диний қоидаларга риоя қилишларига, муҳаррамликни<sup>1</sup>, қурбон ҳайитини, рўза-

<sup>1</sup> М у ҳ а р р а м — ҳижрий йилнинг биринчи ойи. Муҳаррамлик — янги йилнинг киришини нишонлаш.

ни барча қонун-қоидаларига биноан ўтказишларига алоҳида диққат билан қарардилар.

Муҳаррамга ёки рўзага бир ой қолди деганда, Нисо отин тўрт томонга зир югуриб тайёргарлик кўра бошларди. Али ва Қосим хонасини безатиш<sup>1</sup> учун уй ажратар, масжидни тартибга келтирар, шабигардонга<sup>2</sup> керак бўлган нарсаларни муҳайё қилар, синазан<sup>3</sup> айтиш учун яхши овозли болалардан уч-тўрт нафарини тайин қилар, ашура куни<sup>4</sup> шабиҳ чиқарганда<sup>5</sup> Имом Ҳусайн, Йезиддин, ҳазрат Аббос<sup>6</sup> ролини ўйнайдиган одамларни ажратар ва ҳожининг олдига борарди. Чунки бу масалаларнинг ҳаммасини ҳожи Али бажариши керак бўлиб, Нисо отин ўзини унинг ёрдамчиси деб билар, Алини ўзининг бошлиғи ва катта оқсоқол деб ҳисобларди. Бунга сабаб фақатгина ҳожи Алининг эркак, Нисо отиннинг аёл эканлиги эмас, яна Нисонинг тан олишича, ҳожи Али «бир урса ерга кириб кетадиган қозиқ эмас»лиги ҳам эди. Нисо отин буни жуда яхши биларди. Бу одамнинг ҳамма ёқда ошнаси бор, чор ҳукуматнинг олдида ҳам, Эрон консулининг олдида ҳам сўзи эътиборли эди. Мисрдан тортиб Ҳиндистонгача бўлган мамлакатларнинг ҳаммасидан мол олиб, мол берарди... Шунинг учун ҳам ҳожи Алига маҳкам ёпишиб олганди. Тўғри, баъзан ўзига энг яқин кўрган одамларнинг олдида: «Очкўз, бутун дунёни йигиб берсанг ҳам тўймайди!» деб орқаворотдан уни қарғаб ҳам қўярди. Чунки, Нисо отиннинг назарида, ҳожи Али баққол Карим ва бошқалар орқали соттираётган контрабанда молларни уларга ўн баравар қимматга берарди. Шунга қарамай, халқ ўртасида, савдогарнинг олдида Нисо отин норозилигини билдирмасди. Ўзини гўё Ҳожини мўмин, диндор бир мусулмон деб ҳисоблаган-

<sup>1</sup> Али ва Қосим хонасини безатиш — қадимги дин арбоблари хотирасига атаб хоналарни безатиш назарда тутилади.

<sup>2</sup> Шабигардон — муҳаррам ойида бўладиган диний байрам маросимларига раҳбарлик қилувчи киши.

<sup>3</sup> Синазан — муҳаррам ойида диний намойишга чиқиб ўз кўкрагига уриб ашула айтишларда қатнашувчи болалар.

<sup>4</sup> Ашура — муҳаррам ойининг ўнинчи куни — Карбало шаҳрида Имом Ҳусайннинг вафот этган куни.

<sup>5</sup> Шабиҳ чиқармоқ — диний томоша кўрсатмоқ, яъни диний воқеалар мавзуида спектакль (мистерия) ташкил қилмоқ.

<sup>6</sup> Имом Ҳусайн, Йезиддин, ҳазрат Аббос — ислом тарихида катта ишлар кўрсатган машҳур шахслар.

дай, унинг этагидан ушлаб намоз ўқишга ҳозир тургандай қилиб кўрсатарди.

Сўз қанча эҳтиётлик билан айтилса ҳам, барибир эгасига етиб боради. Ҳожи Али ҳам Нисо отиннинг орқаворотдан айтиб юрган гапини эшитмай қолмасди. Лекин у ҳам ўзини ҳеч нарсадан хабари йўқдай қилиб кўрсатарди. Бунинг биринчи сабаби шу эдики, у Нисо отинни бир тийинга олмасди: «Қариб мияси суюлиб қолган отин-да, майли, оғзига келганини валдираб юраверсин!» — деб назар-писанд қилмасди. Иккинчи сабаб эса, ҳожи Алининг ниҳоятда тажрибали бир одам эканини кўрсатарди: «Ҳар замонда бир орқамдан мингирласа майли, зарари йўқ. Олдимда, кўпчилик олдида мени кўрди дегунча думини ликиллатадим, бармоғим билан қаёқни кўрсатсам ўша ёққа қараб вовуллайдим, вассалом! Менга ана ўшаниси керак!» — дерди у.

Бир-бирига чуқур нафрат билан қарайдиган бу икки одам мана шу асосда бирлашган эди. Улар ички нафратини юзаки ҳурмат ва меҳр билан пардалаб, бир ёқадан бош чиқаргандилар ва бу иттифоқдан ҳар иккиси ҳам фойда кўрарди. Маҳаллада истаган одамларига тазйиқ ўтказар, гердайдган, маҳмадоналик қилганларнинг овозини ўчирар, ҳаммани итоаткор, «қўй оғзидан чўп олмайдиган» қилиб қўя олар эдилар.

Фақат Соҳиб муаллимгагина сўзлари ўтмасди. Шу пайтгача «сюртук кийган кофир», деб унинг яқинига йўлашмади, уни мумкин қадар халқдан узоқда тутиб туришга, маҳаллада яккалаб қўйишга ҳаракат қилиб кўрдилар ва бунга бир мунча муваффақ ҳам бўлдилар. Ҳақиқатан ҳам Соҳиб муаллим маҳаллага янги келган, ўз ишларини изига тушириш билан машғул бўлиб юрган кезларида халқ орасида кўринмасди. Азонда чиқиб кетиб, кечқурун қайтарди. Лекин сал ўтмай, ишини тўғрилаб олганидан кейин, маҳалла билан элакишди, секин-секин қўни-қўшни билан салом-алик қила бошлади. Нисо отиннинг ва ҳожи Алининг қулогига ҳар хил хабарлар етиб борадиган бўлиб қолди. Соҳиб муаллим янги мактабнинг устунлигидан, болаларни янги усулда ўқитишдан гапираётганини, кишан солиш, бошни ёриш каби ваҳшиёна одатлар билан ўзимизни бутун оламга кулги қилиб қўямиз, деганини эшитдилар. Мулкдорларнинг, савдогарларнинг, домла-

ларнинг шаънига ярашмаган гаплар тарқатаётган эмиш. Халқ ўртасида ҳам ҳар хил гап-сўзлар ортиб борарди. Ҳожи Али билан Нисо отиннинг назарида бебошлик пайдо бўлаётгандай, дин-имон қўлдан кетиб бораётгандай туюларди. Шунинг учун ҳам Соҳиб муаллимни яккалаш лозим эди. Улар, кимда-ким бу кофирга яқинлашса, унга ўз дастурхони ёнидан жой кўрсатса, ўша кофир бўлиб қолади, деб эълон қилдилар.

Соҳиб муаллимнинг карбалойи Нажаф кишининг оиласига яқинлиги ва уларникига келиб кетиши, кўпдан бери Нисо отиннинг ва Ҳожи Алининг назарига тушган эди, албатта. Улар Нажаф карбалойининг оиласини халқ олдида беобрў қилиш учун кўпдан бери битта баҳона қидиришарди. Иккита боланинг ёқалашгани муносабати билан Нисо отиннинг жанжал кўтариб Ҳалима хонимнинг олдига келиши ҳам тасодиф эмасди. Энди илк қадам ташланган, парда кўтарилган эди. Ҳожи Али Нисо отиннинг бу ҳаракатини маъқуллаб:

— Кофирдан тарбия кўргандан кейин бундан бошқача бўлмайди! Ҳали кейин кўрасиз. Кейин бориб, қоқ пешинда бошимиздан папоғимизни ҳам олиб қочишадилар! Ҳозирдан олдини олмасак, ўша кунга дучор бўлишимиз аниқ!— деди.

«Ўша кунни кўрмаслик» учун қўлларида келган ҳамма ишни қилишга ҳозир эдилар. Соҳиб муаллимнинг ўзини эркин тутиши, оқсоқол, оқсуякларни тан олмаслиги билан бир амаллаб келишса бўларди. Чунки у «бошқа уянинг қуши» эди. Йўлдан, издан озган муртадлардан эди. Авом халқ ҳам унга шундай деб қарарди, унинг кетидан эргашишни хаёлига ҳам келтирмасди. Лекин карбалойи Нажафнинг, Ҳалима хонимнинг чиришни бузаётганлари чидаб бўлмайдиган бир ҳол эди. Олдини олинмаса бошқалар ҳам йўлдан чиқиши аниқ эди. Шунинг учун Ҳожининг кўрсатмасига биноан Нисо отин фурсат бўлиши билан уларни синов майдонига тортар, олдиларига адо этишнинг иложи бўлмаган талабларни қўярди.

Муҳаррамлик яқинлашиб келмоқда эди. Нисо отин Ҳожи билан маслаҳатлашди. Бу йил Тифлисида ҳамма ҳайрон қоларли даражада чиройли қилиб Қосим уйини безатишга қарор қилдилар. Шу мақсад билан аҳолидан пул йиғишга аҳд қилишди. Кимнинг пули бўлмаса, та-

қинчоқлардан арзийдиганини беришсин. Нисо отиннинг зеб-зийнатни ёдга олиши тасодифий ҳол эмасди. Ҳалима хонимнинг ниҳоятда қимматбаҳо никоҳ узуги борлигини ва ўзи очдан ўлса ҳам бу узукдан кечмаслигини биларди у. Чунки узук Нажаф кишининг отабувасидан қолган азиз ёдгөрлик эди. Нисо отин Қосим уйини безатиш баҳонасида бу тақинчоқни Ҳалима хонимдан олишни ва унинг юрагини доғлашни олдига мақсад қилиб қўйди ва Нажаф кишиникига кириб келди. Ҳалима хоним уни яхши кутиб олмади, албатта. Улар узоқ ғижиллашдилар.

Бир сават мева-чева кўтариб бозордан қайтган Наримон ҳовлида ғайри оддий бир манзарани кўриб, тўхтади. Нисо отин почаси бурмали сатин чолворини ҳилпиллатиб, ҳовлида гир айланарди. Баҳайбат юзидаги ўнқир-чўнқирларни эса соладиган қора ажинлари дир-дир титрарди. Қўлида майда донали қора тасбеҳи бор эди. Бу тасбеҳини тез-тез ўгириб дуо ўқир ва деворларга дам соларди. Унинг овози чиқмас, фақат лаблари қимирлар, кўзлари ёнарди, холос. Ҳалима хоним эса айвонда турарди. Фолбйнинг, жанжалкаш отиннинг ҳаёсизлигига қарши нима чора кўришни билмасди, қўл қовуштириб, ифода қилиб бўлмас даражадаги нафрат билан бойқушга тикилгандай унга қараб турарди. Нисо отиннинг ғазабли қиёфаси кўчманчининг қозонига ўхшаб қорайиб кўринарди, ёниб турган кўзлари эса ҳар ёнга ваҳима сочарди. У бетиним дуо ўқиб, деворларга куфларди.

— Хонавайрон бўлсин! Тор-мор бўлсин бу уй!

Наримон бу жодугарга қараганича туриб қолган эди. Ҳалима хоним боласининг анграйиб турганини кўриб, чидаб туролмади, айвондан туриб, пастга:

— Ҳой, бойқуш, ҳовлимизга шунча дам солганинг етар; сеҳринг, жодуинг ўзингга урсин, даф бўл энди! — деб қичқирди.

Нисо отин кар-соқовдай меърайиб қолди, ёниб турган кўзлари билан бир Ҳалима хонимни, бир Наримонни сузиб, бад дуони улар тарафга куфлади. Унинг лаблари тинмай учар, тасбеҳининг қора мунчоқлари тез-тез айланарди. Яна бир марта бад дуо ўқиб, Наримоннинг устига куфламоқчи бўлган эди, Ҳалима хоним ўзини айвондан ҳовлига отди. Болани аждаҳо домидан ҳимоя қилгандай, Нисо отиннинг нафасидан

тўсди. Тирсагидан туртиб-туртиб эшик олдига ҳайдади-да:

— Ўлсанг ҳам бахт узугимни бермайман. Уни кўриш сенга насиб қилмайди!..— деди.

Бунга жавобан Нисо отин бойқуш каби:

— Бузилсин, бу уйнинг тоши устида тоши қолмасин!..— деб сайради.

Отин ҳамон аччиқ талвасада ҳовлини айланарди. Унинг эски қора рўмоли сирғалиб елкасига тушиб қолди, ёйилиб ётган қора сочлари юзини тутиб кетди. Шу ҳолида у худди жаҳаннамдан чиққан арвоҳга ўхшарди.

— Берасан! Берасан! Жонига қурбон бўлай ўша малоиклар сени шундай қолга солишадики, ўзинг олиб келиб, ўз қўлинг билан тутқазасан-да: «Мана, ола қолинг, энди айтинг, улар бизни тинч қўйишсин!»— дейсан. Вақт ганиматида, эшигингни ажиналарга танитиб қўймасимдан олиб чиқиб бер!..

Ҳалима хоним қотиб қолди. На ичкарига кириб кетоларди, на эшик олдида туришга тоқати бор эди. Ичкари кириб кетай деса, Нисо отин баттарроқ бақариши, қўни-қўшнини ҳовлига йиғиб, ҳамманинг кўзи олдида молини, жонини қарғашда давом этиши мумкин эди. Бу ерда туриб аччиқлангани, айтишганидан ҳам фойда йўқ: бу хотин осонгина чиқиб кетмасди. Мана шу пайтда ҳовлига Соҳиб муаллим кириб келди ва таъсирли, босиқ овоз билан Нисо отинга мурожаат қилди:

— Ҳой хотин, бери келинг, яқинроқ келинг... Эрта-лабдан бери қарайман, ҳеч тугамайди, нима ҳунар кўрсатяпсиз ўзи? Уялмайсизми?! Нима, ёки маҳкамага тутиб берайми энди?

Нисо отин муаллимни кўриши билан ўзини йўқотиб, ранги ўзгариб кетди, тасбеҳ ўгираётган қўллари ҳам титрай бошлади. Нималарнидир гўлдиллаб, шоша-пиша ҳовлидан чиқиб кетди...

Андишали, авом, бечора ва содда хотинларнинг ичида бўрига айланадиган Нисо отиннинг «маҳкама» сўзини эшитиши билан ўтакаси ўттиз ёриларди. Муаллим бир марта унга жодугарлик, сеҳргарлик каби нарсалар рус ҳукуматига ёқмаслигини ва маҳкамаларга бундай ишлар билан шугулланадиган одамларни тутиб тўғри Сибирга юборинглар, деб буйруқ берилганини айтган эди. Соҳиб муаллим ҳовлидан кўланкадай чи-

қиб кетган Нисо отиннинг орқасидан қараб туриб, аччиқ-аччиқ кулди ва Ҳалима хонимга ўгирилиб:

— Ҳалима опа, агар бир марта айтганига юрсангиз-чи, кейин ҳеч ўз ҳолингизга қўймайди. Бу қўрқоқ тулкилар бировнинг ожиз эканини сезишса, йиртқиш бўрига айланиб олишади. Нажаф қарбалойи қаёқдалар? Айтиб қўйинг, кечқурун бизникига таширф буюрсинлар...— деди.

— Жоним билан, айтаман, уйга киринг, бир стакан чой ичинг...

Муаллим миннатдорчилик билдириб чиқиб кетди. Наримон онасига қараб:

— Ойижон, ростдан ҳам сеҳр-жоду деган нарса борми?— деб сўради.

— Мен қаёқдан билай, болажоним, муаллимингдан сўра. У ўқимишли, ҳамма нарсани билади,— Ҳалима хоним ўглининг қўлидан саватни олди.— Бор, қўлларингни ювиб келгин-да, бир нарса еб олгин, эрталабдан бери оч юрибсан.

Наримон қўлларини ювиб, ичкари кирди. Она унинг олдида битта ликобчада ширгуруч олиб келиб қўйди. Ўзи рўпарасига ўтириб, жодугар хотинлар ва дарвешларнинг турли хил риёкорликлари борасида эшитганларини гапириб бера бошлади:

— Улардан ҳеч ким яхшилиқ кўрмаган, қаерда дуч келсанг юзингни тескари қилиб қочгин!

— Соҳиб муаллим бўлса: «Булар ҳаммаси бурга-битта ўхшаб халқ қонини сўрадиганлар, қаерда кўрсанг адаб-таъзирини бергин!»— дейди.

— Сенинг ишинг бўлмасин, болажоним, дарсингни ўқигин-да, ўз ишингдан қолмагин!

— Ойижон, ростини айтсам, Нисо отинни кўрсам қўрқиб кетаман, салла ўрайдиганларнинг ҳаммаси арвоҳга ўхшайди, юз-кўзларидан заҳар ёғилиб туради.

— Уларнинг юз-кўзи билан нима ишинг бор, жон ўғлим! Кўзинг китобда, хаёлинг дарсда бўлсин!— Ҳалима хоним ўглини бу фикрлардан чалғитишга ҳаракат қилиб, ғайри оддий равишда юрагини очди:— Наримон, сен ўқиб ҳаким бўлсанг дейман! Бева-бечораларга фойданг тегса дейман!

Шу пайтда ҳовлига жулдур кийинган бир тиланчи хотин кириб келди. Пажмоқ сочлари ёйилиб, бўйинини, қулоқларини беркитган бу хотин чақалоғини орқасига

боғлаб, уч-тўрт яшар ўғил боланинг қўлидан етаклаб олган эди.

— Опажон, раҳм қилинг, болаларим эрталабдан бери оч юришипти!— тиланчи айвонга мўлтираб қаради. Ҳалима хонимнинг юраги эзилиб кетди. Лекин кимдандир қўрққандай, уни ҳадик билан эшик ёнига олиб ўтди, дарахтнинг соясига бўйра солиб ўтқазди, ва қуймоқ пишириб олдига қўйди:

— Еб ола қол, синглим, болаларингга ҳам едир...— деди.

Наримон онасининг тиланчини нега ҳадиксираб қабул қилганини яхши биларди. Икки ой бурун Соҳиб муаллим йилда икки-уч маротаба эҳсон улашадиган, шаҳарнинг тиланчиларига ош-нон берадиган савдогар Али билан қаттиқ айтишиб қолган эди:

— Бу нима қилиқ, Ҳожи?— деб сўраганида, Ҳожи таажжуб ва такаббурлик билан:

— Оч қолган халққа нон едирыпман,— деган эди.— Нима, ёмон иш қиляпманми?

— Жуда ёмон иш қиляпсиз!— деб унга жавоб қайтарганди Соҳиб муаллим.— Халқни тиланчиликка ўргатяпсиз. Сиз агар халқни жуда яхши кўрсангиз, эҳсонга сарфлайдиган пулингизга мактаб очинг, битта ҳунар ўчоғи барпо қилинг, тиланчиларга иш топиб беринг, болаларини ўқитиб, бир касб эгаси қилинг, токи улар ҳам келгусида ота-оналари каби эшикма-эшик юришмасин.

— Бекор айтибсан!— савдогар Соҳиб муаллимдан юзини ўгириб кетиб қолган эди. Шунинг учун Ҳалима хоним тиланчига овқат берганини Соҳиб муаллим кўрса хафа бўлади, деб қўрқарди...

— Қўрқманг, ойижон!— онасига тасалли берди Наримон.— Анави куни Соҳиб муаллим ҳам бир болали хотинга ёрдам берганини ўз кўзим билан кўрдим. Унинг айтгани бошқа нарса... У: «Юз нафар одамни бир жойга йиғиб, текин нон едириш гуноҳ бўлади,— дейди.— Бу йўл билан уларни тўйдириб бўлмайди. Бошқа чора топиш керак. Текин томоқ камбагални тиланчига айлантириб қўяди, тиланчини эса қолган-қутган инсонийликдан, ғурурдан маҳрум қилади. Шундай қилиш керакки, ҳар ким ўзи учун бир бурда нонни ўз қўли билан топиб есин!» Муаллим шундай деди, бу гапларни унинг оғзидан ўз қулоғим билан эшитганман!

Ҳалима хоним Наримоннинг бошини силади:

— Баракалла, ўғлим, муаллимнинг сўзларини яхшилаб ўқиб олгин. У ақлли, яхши одам!..

Соҳиб муаллим билан ҳар бир учрашув Наримоннинг ёдида чуқур излар қолдираётганини Ҳалима хоним ҳис этарди. Бу одам ўзининг очиқ фикри, маълумоти, муомаласи, яхши табиати билан атрофдагилардан ажралиб турарди. Наримон муаллимини борган сари бир отадай яхши кўриб бормоқда эди. Ундан сабоқ олган дақиқалари Наримон ҳаётининг энг яхши дамлари бўларди. Шунинг учун ҳам бола уни ҳаддан ташқари ҳурмат қилар, Соҳиб муаллимнинг дарсларини энг қизиқ ўйинга ҳам алишмасди. Шунинг учун ҳам Наримоннинг дастлабки йилнинг беш ойи ичида ҳамма ҳарфларни ўзлаштириб олгани ҳайрон қоларли ҳол эмасди. У қайси китобни берсангиз, ҳижжаламай ўқий оларди. Шунинг учун ҳам муаллим руҳланар, болага янги-янги китоблар берарди. Сўнгги марта Воқифнинг қўшиқларидан бераркан:

— Ўқи, ўғлим, бу китобларни ўқи... Йўлимиз шунақа!— деган эди.

Ҳалима хоним тиланчи хотинни бемалол едириб-ичириб жўнатганидан кейин, Наримон унга:

— Ойижон, келинг, сизга китоб ўқиб бераман, муаллим менга янги китоб берди...— деди.

Ҳалима хоним шолчанинг устида чордона қуриб ўтирди ва ўғлининг китоб ўқишига қулоқ сола бошлади.

Она-бола учун бу одат Наримоннинг алифбени ўрганган кунидан бошланган эди. Ҳалима хоним ўша замондаги озарбайжон аёлларининг шундай намуналаридан эдики, улар саводсиз ва илмсиз бўлсалар ҳам, халқнинг энг гўзал одатларини давом эттирардилар. У бутун борлиғи билан оиласини, болаларини яхши кўрарди. Уларга боғланган эди. Уларнинг бахти учун ҳаётидан кечарди. Тоза ахлоқ, соф ният, тўғрилиқ ва олижаноблик она сути билан кириб, қон-қонига сингиб кетган эди. Тилига ёмон сўз, дилига қинғирлиқ келмасди. Айни замонда у ҳушёр ҳам эди. Даврнинг ўзгараётганини, эртага фақат Соҳиб муаллимга ўхшаган одамларгина бахтли ҳаёт кечиришлари мумкинлигини ҳис этар, пайқарди. Шунинг учун ҳам ўғлининг яхши ўқишини чин дилидан истар эди. Боланинг китобга

ҳавасини орттириш учун қўлидан келган ҳамма ишни қиларди. Ҳар куни уй ишларидан қўли бўшагандан кейин Наримонни олдига чақириб олиб: «Қани, ўғлим, бугун нимани ўтдинглар, ўқиб бер-чи!» — дерди ва унинг сўзларига қулоқ соларди.

Одатда она ерда, шолча устидан тўшалган кичкина кўрпачада чордона қуриб ўтирар ва пайпоғини тўқиб, ўғлининг китоб ўқишига қулоқ соларди. Баъзан ҳатто ишини тўхтатиб Наримоннинг оғзига тикилиб олар, нуроний юзига, ғунча каби чиройли лабларига қараб тўймасди. Бундай онларда онанинг юраги тоғдай кўтариларди. Севинчдан ёшланган кўзини оқ рўмолининг учи билан артиб, яна пайпоғини тўқишда давом этар, ўғлини тингларди. Бу эса Наримонга ҳам ҳузур бахш этарди. Онасининг севинчига сабаб бўлгани учун у ҳам ўзини бахтиёр ҳис қиларди. Назарида, онаси билан ўтказган бу дақиқаларни бир умр унутолмайдиганга ўхшарди. Ҳозир ҳам Наримон унинг тинглашга тайёр эканини кўриши билан Воқифнинг китобини очиб, тиззасига қўйди-да, ўқий бошлади. Биринчи қўшиқнинг бошланишиданоқ Воқиф ўзининг ойдин, тушунарли тили ва фикрни равон ифода эта билиши билан иккисининг ҳам фикрини ўзига жалб этди. «Пари» номли қўшиғи айниқса юрак-юракларигача етиб борди.

— Қандай яхши, қандай чиройли гапларни ёзипти-а! — Ҳалима хоним бу қўшиқни Наримонга бошқатдан ўқитди. Воқифнинг қўшиқлари худди сирли кўзгу каби уларга дунёнинг, инсон ҳаётининг тамомила бошқа томонини, сеҳрли, гўзал, жозибадор тарафини, хушбўй гулзорларини очиб кўрсатарди. Бу қўшиқларга мафтун бўлган она-бола ҳаётнинг ширинлиги, маъноси ҳақида гаплашдилар. Сирли пардалар ортида яширинган келажак ҳақида суҳбатлашдилар. Улар ҳар қўшиқдан кейин шунақа гаплашар, сўнгра навбатдагисига ўтардилар. Суҳбатнинг энг қизиқ пайтида тўсатдан отилган ўқ овози уларни сескантириб юборди. Иккаласи ҳам тезда айвонга чиқиб, Қур дарёсининг нариги соҳилидаги очилмайдиган абадий тилсимдай осмонга бўй чўзган Метех қалъаси томонга қарадилар.

— Яна бир бечорани ўлдиришди, — дея хўрсиниб қўйди она.

— Ойи, у ерга ўғриларни, йўл тўсадиганларни қа-

машади-а?— деб сўради Наримон Метех зиндонида ётган маҳбуслар ҳақида.

— Фақатгина ўғри ва безорилар қамалса худога минг марта шукур қилардик-а!— Она англашилмас бир ваҳима билан ўғлига синчиклаб қаради ва гапни чалалигича қолдирди.

— Бўлмаса яна кимларни қамашади? Ахир бегуноҳларни қамашмаса керак?!— Наримон ошиб бораётган бир ваҳимали қизиқиш билан сўради. Назарида ҳаёти сирли пардалар билан ўралган маҳбуслар ҳақида яна кўпроқ нарса билиш истаги унинг борлигини чулғаб олди.

— Мен қайдан билай, бунақа ишларни Соҳиб муаллим билан амакинг яхши билади!— Ҳалима хоним ўрнидан турди.— Сен бориб дарсингни тайёрла, мен кечки овқатга қарайман.

Она бошқа хонага чиқиб кетди. Қозон-товоғи билан машғул бўлди. Наримон бўлса, турган жойида узоқ муддат кўзини Метех қалъасидан уза олмай қолди. Чуқур ўйга толди. У маҳбусларнинг аҳволини, вазиятини тасаввур этишга ҳаракат қилди. Уларнинг очиқ ҳавони, зангори осмон тагида юриб, озод нафас олишни қанчалик соғинганларини, бу озодлик катта саодат эканлигини ўйлади. Кейин эса ҳаёлига: «Нега энди озодлик инсон учун энг катта орзу бўлиши керак?! Нима учун?! Ахир озодлик инсоннинг табиий талаби, ҳуқуқи ва эҳтиёжи-ку... Нима сабабдан инсонни тоза ҳаводан нафас олишни илоҳий неъмат ҳисоблайдиган аҳволга ташлаб қўйишади?! Инсонни бу аҳволга соладиганлар шафқатсиз, инсофсизгина эмас, йиртқич бўридан ҳам ёмондирлар...» деган фикрлар келди.

Узоқ-узоқлардан эшитилган ҳазин, огир қўшиқ унинг ҳаёлларини гоҳо туманлаштирар, гоҳо эса гул баргини титратган тонг шабадаси каби ўйната бошларди. Гоҳида эса унинг назарида бу қўшиқ Метех зиндонининг деворларини ёриб ўтган озодлик ҳасратига, саодат учун пийрилаётган юракларнинг нола ва фарёдига ўхшар эди. Баъзан эса худди онаси нариги хонада кимгадир алла айтаётгандай туюларди. Ҳалима хоним каби ёқимли, оҳангдор алла айтадиган она камдан-кам топиларди-да. «Қош қорайиб қоронғилик тушганда биронتانгларни ухлатаётганида, ёки бўлмаса ярим кечаси қайси биттанг йиғлаб қолган пайтларинг-

да, онанглар бағрига босганча хонани кезиб алла айтганида унинг овози болаларнигина эмас, катталарни ҳам уклатиб қўярди. Унинг паст овоз билан айтадиган алласида энг яхши хонанданинг овозидаги жозиба ва малоҳат бор...» — дер эди отаси.

Ҳақиқатан ҳам Ҳалима хоним ўз аллаларида умрининг ширин хаёл ва орзуларини, чуқур қайғу ва ғуссаларини ифода этарди. Бу шикаста ва ҳазин овоз сир-асрор тўла ўрмонларнинг, кўз илгамас баланд тоғларнинг қўйнидан сизиб чиққан чашмаларнинг шилдирашидан ҳам ёқимли ва лаззатли эди. Кичкина Наримоннинг юрагига илк инсоний туйғулар, шоирона хаёллар ва сўф орзулар мана шу овоз билан бирга кирган эди. У улғайиб, она қўйнидан узоқлашган, кунининг кўп қисмини кўча-кўйда, қариндош ва бегона болалар билан ўтказган, ҳаётнинг англашилмас, оғир, даҳшатли зиддиятларга тўла манзараларини кўриб эсанкираган, минг турли янги ҳис-туйғулар билан уйига қайтган пайтларида ҳам онасининг ҳазин қўшиқларидан тасалли топарди...

Ҳа, Ҳалима хоним шоиртабиат бир аёл эди. Ҳар ҳолда Наримон учун унинг юрагининг фақат шоирона бурчакларигина очиқ эди. Она меҳри, онанинг муқаддас ва нуроний сурати сўнмас машъала каби унинг юрагига кириб олган ва бутун умр юрагида, хаёлида, хотирасида яшайди. Сиқилиб қолганида, огриқларга, азобларга дуч келган кунларида унга тасалли беради, жонига ора киради.

Ҳозир ҳам онанинг ҳазин қўшиғи уни Метех қалъаси уйғотган оғир туйғулардан халос қилди. Бу ёқимли қўшиқ борлиқ, китобининг ширин достони-каби эшитилганида, у биргина нарсани, бу дostonнинг тугамаслигини, адабиётнинг ўзи каби мангулик касб этишини, қуёш нурларида кенг ва чексиз фазоларга, дунёнинг ҳамма тарафига ёйилишини истарди...

## 2

Ғира-шира тонг отиб келарди. Наримон сариқ сигирни подага қўшиб, уйларига қайтаётган эди, пастдаги булоқ томондан келаётган Соҳиб муаллимни кўриб қолди ва олдига чопиб борди. Муаллим бир қўлида

пақир ва иккинчи қўлида сопол кўза билан сув кўтариб келарди. Наримон унинг қўлидаги кўзага қўл узатиб:

— Менга беринг, муаллим!— деди ва у билан ёнмаён кетаётиб: — Муаллим, сигиримиз бугун-эрта туғадиган. Шунинг учун мен ҳам подага бормоқчиман,— деб қўшиб қўйди.

Соҳиб муаллим унга бошидан оёғигача қараб чиқди ва таажжубланиб:

— Подачи бўлмоқчимисан?— деб сўради.

— Йўқ, бузоққа раҳмим келяпти. Сигир яйлағда туғиб қўйса-ю, подачи билмай қолса, бузоқни бўри илиб кетадими деб қўрқаман...

— Қўрқма, илиб кетмайди. Сигир ҳеч қачон боласини бўрига олдириб қўймайди. Сен ўқишингдан қолма. Ҳаётдаги бўрилар даладагилардан қўрқинчлироқ бўлади. Улар билан йигитнинг марди курашади. Бунинг учун бошни билимга ҳам тўлатиб олиш керак.

— У бўрилар қанақа бўлади?— Наримон қизиқиб қолди.

Муаллим жавоб берди:

— Шошилма, катта бўлганингда кўрасан, таниб оласан... Ўқи, ўқигин, болажон! Бизнинг миллатга нондан, сувдан, ҳаводан ҳам зарур нарса — илм. Сен бўлсанг подага боришим керак, деб юрибсан...

Бу таънадан Наримон уялиб, ёноқлари қизариб кетди.

— Бузоқларни, қўзиларни жуда яхши кўраман, муаллим!— эътироф этди у.

— Демак, сенинг кўнглинг яхши экан. Яхши кўр, қўзини ҳам яхши кўр, бузоқни ҳам яхши кўравер, ўғлим! Фақат подачи бўлиш хаёлингга келмасин...

— Муаллим, шунчалик ёмон касбми бу подачилик?!— сўради Наримон.

— Жуда ёмон касб!— дарҳол жавоб берди Соҳиб муаллим.— Подачининг кўрган куни ҳам кунми?! Эрта тонгдан қоронғи кечгача тоғда-тошда молнинг кетида юради! На бир калима сўз эшитади, на битта одамнинг юзини кўради. Бизларда чўпону подачидан бахтсиз одам йўқ. Нонларини тошдан суғуриб олишадди, яна ўзларини ҳеч ким одам ўрнида кўрмайди...

Наримон муаллимнинг роса оғриб турган жойига тегиб кетгандай эди. Одатда камгап одам тинмай, ўй-

лаб-ўйлаб, сўз ахтара-ахтара, гапиришга тушиб кетди. Худди қандайдир жуда зарур нарсани Наримонга тушунтирмақчидай эди. Наримон бутун айтганларини, юрагидан ўтказганларини тушунишини истарди... Ёзнинг саратонида, қишнинг қаҳратонида, изгиринида чўпонларнинг, подачиларнинг нималар тортганини, бошларига не балолар келганини, азоб-уқубатларини юрак оғриғи билан тасвирлар, эҳтирос билан гапирди:

— Эҳ, Наримон болажон, агар ихтиёр менда бўлсайди, барча чўпонларни, ҳамма подачиларни ўқитардим, уларга инсон каби яшашнинг йўлини кўрсатиб қўярдим...

Наримон муаллимнинг гапига қулоқ соларкан, маҳалласидаги подачи ёдига келди. Юз-кўзини соч-соқол босиб кетган, қишда ирkit пўстинга ўралиб, ёзда эски кўйлак ва ямоқ чолвор кийиб юрадиган, оёғи чориқли подачи кўзи ўнгиди гавдаланди. Чуқур нафас олиб:

— Бечоралар, қандай чидашаркин...— деди.

— Хўш, сен ўзинг катта бўлганингда ким бўлмоқчисан?— муаллим сўзни бошқа томонга бурди.

— Ойим ҳаким бўлгин, деяптилар. «Яхши касб, қайга борсанг бир бурда иссиқ нонинг бўлади», деяптилар.

— Ёсингда бўлсин, ўғлим, ҳеч маҳал ҳеч бир ишга нон топиш фикри билан кириша кўрма. Уддабурон, бошида ақли бор одам ҳар қанақасига нонини топиб ейди. Бизнинг халқимизга ҳаким Нисо отин каби жодугарлардан, дуо ёзилган туморлардан қутулиш учун керак бўлади. Бизга ҳаким ҳам, агроном ҳам, муаллим ҳам керак. Халқнинг кўзини очиш учун, нодонлик, жаҳолат панжасида қолган халқимизга нажот бериш учун ўқимишли одамлар керак бўлади. Яъни ҳаким ҳам, агроном ҳам, муҳандис ҳам биринчи навбатда ватанпарвар бўлиши, элига фарзанд бўлиши, нодонликка қарши курашчи бўлиши керак... Тушуняпсанми?

— Нодонлик нима бўлади, муаллим?— Наримон савол берди.

— Ўзидан, ўз ақлидан бошқа ҳамма нарсага, ажи-нага, шайтонга, Нисо отинга ишониш бу — нодонлик бўлади... Катта бўлганингда буларга яхши тушунасан. Ёсингда бўлсин, бизнинг энг катта душманимиз нодонликдир.

Ҳовлиларига етган муаллим сўзини тугатди. Кўза ва пақирни ерга қўйдилар. Наримон қайтиб кетмоқчи эди, муаллим уни тўхтатди. Ичкаридан қўлда ёзилган битта китоб олиб чиқиб берди ва:

— Нодонликнинг дориси китобдир, ўғлим, ма, буни яхшилаб ўқиб чиқ, яхшилаб ўрганиб ол!— деди-да, чиройли хатчўп қўйилган саҳифани очиб кўрсатди.— Буни ўқиб чиқасан, ярмини ёдлаб оласан, мана бу жойига, кейин менга гапириб берасан. Қандай тушунганингни, шоир тулки ва арслон деганда кимни назарда тутганини гапириб берасан!

Наримон китобни олди. Муаллим кўрсатган саҳифага қаради. Энг тепасига: «Қосимбек Зокир», пастига эса «Бўри, тулки ва арслон» деб ёзилган эди.

— Зокир ким, муаллим?

— Воқифдан кейинги энг катта шоиримиз шу киши бўлади, ўғлим, ўқигин, кечқурун гаплашамиз.

Наримон қувонч билан уйларига келиб айвонга кўтарилди. Онасидан пендир нон олди, уни еганча Зокирнинг масалларини ёдлай бошлади. Айвонда кезиб юраркан, узоқ-узоқларга кўз тикса-да, Тифлиснинг гўзал манзарасини, суръат билан оқиб ўтаётган Кур дарёсини, Метех зиндонини кўрмас эди. Буларнинг ҳаммаси ажойиб бир қўланкага, нозик тўр пардага бурканиб, туманлар ичида қолиб кетган эди. Наримоннинг фикри фақат масалда эди. Тез-тез қўлидаги дафтарнинг хатчўп турган саҳифасига қарар, масалдан парча ўқиб, дафтарни беркитиб қўяр, ўқиганини қайта-қайта ўқиб, ёдлар эди. Зокирнинг шеърларидаги араб ва форс сўзларининг айримларига тушунмасди, албатта. Лекин масалнинг умумий маъносини яхши англади. Битта қўзи, битта товук, битта қўйни қўлга киритган учта ваҳший: бўри, тулки ва арслоннинг қалбаки дўстлигида инсон учун ибрат бўладиган бир маъно бор эканини ҳис этарди. Арслоннинг: «Қани, овни тақсимлаб бергин-чи», деган таклифига бўри: «Товук тулкига, қўзи менга, қўй эса сизга» деганида Наримон ўзича: «Яхши тақсимлади, мен ҳам шундай қилган бўлардим!»— деб қўйди. Лекин кейинги сатрлардан, бўрининг таклифи арслонга маъқул бўлмагани, қайтага уни ғазаблантиргани маълум бўлди. Арслон: «Бу жуда аҳмоқона тақсимлаш!»— деб бўрининг бошига бир уриб, икки кўзини ўйиб олди.

Наримон яна ҳам қизиқиб кетди: «Бу арслон бошқа нарсаси-ку, ахир, бунинг бошқа маъноси бор-ку!»— деб ўйлади. Арслон сўзни тулкига берди. Тулки ялтоқлик билан бош эгиб: «Қўй подшоҳнинг тушлигидир, қўзи ифторлигидир, товуқ эса нонуштасидир»,— деди. Шунда Наримон узоқ вақт кулди ва шундай хулосага келди: тулкининг ялтоқлигига сабаб — арслондан қўрқиши. Арслоннинг инсофсизлиги. Тулки фақатгина қўрққанидан, жонини асраш учун ёлгон гапиришга мажбур бўлган! Айни чоқда тулкидан ёмон жирканди ҳам: «Қандай пасткаш, риёкор экан!» Наримон ёзувчининг фикрини тўғри тушунгани учун ўзидан мамнун бўлди. Сал пастроқда арслон тулкидан: «Бундай донолик билан ов тақсимлашни кимдан ўргангансан?»— деб сўрайди. Тулки: «Анави, кўзи оқиб тушган биродардан!»— деб жавоб беради.

Наримон масалнинг ана шу жойини бир неча марта ўқиб чиқди. Ҳа, бутун маъно ана шу жойида эди. Демак, арслон золим ва тамагир подшоҳ бўлгани учун унинг зулми тулки каби ялтоқилар ва иккиюзламачиларни келтириб чиқаради!

Наримон катта ҳақиқатни кашф этгандай, ўз фикрларини севинч билан акаси Салмонга гапириб берди. Салмон ҳам саводли эди, ҳатто ўзи ҳам шеър ёзиб юрарди. Наримоннинг қўлидан китобни тезлик билан олиб масални ўқиди. Ўқиган сари гоҳ кулар, гоҳ ҳаёлга толарди. Ниҳоят, ёпиб Наримонга қайтарди:

— Жуда ҳам тўғри тушунибсан. Қаерда зулм бўлса, тамагирлик бўлса, ўша ерда тўғрилиқ ҳам, дўстлик ҳам бўлмайди!— деб укасини мақтади у.— Миянг ишлайди, одам бўласан. Биз ҳеч нарсанинг урдасидан чиқмадик, энди сен ўқи, зора бир жойдан чиқсанг!— Салмон одатдагидай сўзини қизиқ ва кулгили икки мисра шеър билан тугатди. Умуман, Салмоннинг бундай шеърлари жуда кўп эди. У Нисо отинни, мижозларини лақиллатадиган баққолларни, ҳийлагар дарвешларни шеърга солар, уларни ҳажв қилар эди. Наримон билан Бобожон ёқалашганларидан кейин, Нисо отин ҳақида янги ҳажвий шеър ёзган эди.

— Жодугарни ёмон безадим-да,— дея ён чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб, Наримонга кўрсатди.

— Бериб туринг!— Наримон қизиқиб қўлини узат-

ди. Салмон бермай, қогозни буклаб чўнтагига соларкан:

— Кечқурун ўқиб бераман, шунда эшитарсизлар,— деди.

Ҳовлида Нисо отиннинг овози эшитилди.

— Ҳалима хоним, бу ёққа қараворинг!

Салмон укасига кўз қисди:

— Шайтоннинг отини айтиб, қулоғингни бурасанг олдингда пайдо бўлади, дейишган экан...— деб кулиб қўйди.

Болалар пиқирлаб кулишди. Ҳалима хоним ошхонадан чиқди. Нисо отин билан савдогар Алининг ҳовлидан айвонга қараб турганларини кўриб: «Ҳой, овозларингни ўчиринглар, ҳингилламанглар, уят бўлади»,— деб болаларини тинчитди ва ҳовлига тушди. Нисо отин билан савдогар Алига салом берди.

— Ичкарига киринглар, нега пастда турибсизлар?

Нисо отин онасининг ҳақи бордай, олдинга қараб юрмоқчи бўлди. Ҳалима хоним қанчалик юмшоқ кўнгил, қўни-қўшнилар билан иноқ бўлса ҳам, Нисо отинни уйига таклиф қилмасди. У келса ё бировнинг ғийбатини қилиши, ёки уйдаги нарсаларга кўзини олайтириши мумкинлигини яхши биларди. Одамнинг тагидаги гиламни сугуриб олиб кетишдан ҳам тоймасди у. «Жуда очкўз хотин!» Ҳалима хоним ундан ўзини олиб қочарди. Узук тўғрисидаги гап-сўздан кейин уни кўрса кўнгли айнийдиган бўлиб қолган эди. Лекин ҳозир савдогар Алидан андиша қилиб, иккаласига ҳам бир хилда мулозамат қилишга мажбур эди. Хурсандчилигидан савдогар Али Нисо отинни кўйлагининг энгидан ушлаб тўхтатди, юқори чиқишга имкон бермай:

— Ҳалима хоним тушунадиган одам, шу ердан туриб мақсадимизни айтаверинг, кета қолайлик. Шошиб гурибман,— деди.

Савдогар Али қора камзулининг тугмачасини ечди, жилетининг чўнтагидан қопқоқли катта чўнтак соатини олди, қопқоғини очиб қаради ва яна беркитиб чўнтагига солди. Нисо отин бўлса сиполик билан гал бешлади:

— Маъракалар яқинлашиб қолди. Ҳожи марҳамат қилиб битта хонасини берди, такя<sup>1</sup> қилиб безатиб қўя-

<sup>1</sup> Такя — дарвешлар тўпланадиган чойхона.

миз. Маккайи мукаррамадан келган мужтаҳид оғани таклиф қилмоқчимиз. Қачонгача бизнинг маҳалламиз чаласавод домлаларнинг қўлида қолади. Маҳалламиздагиларнинг ҳаммаси рози бўлишди. Мужтаҳид ога қўлимиздан чиқиб кетмаслиги учун тезлик билан пул йиғишга қарор қилдик. Баҳоли-қудрат, ҳар ким имконига қараб беради, пул ҳам, бошқа нарса ҳам берса бўлаверади... Қосим хонасини ҳам безатмоқчимиз... Ҳаммасига пул керак.

Ҳалима хоним:

— Ҳар уйдан қанчадан йиғяпсизлар?— деб сўради.

— Қувватига қараб, эллик сўм берган ҳам бор, беш сўм берган ҳам бор. Ҳожининг ўзлари юз сўм бердилар, юз бермасангиз, эллик берарсиз...

Ҳалима хоним пахтадек оқариб кетди. Нисо отин оиланинг бир ойлик харажат пулини сўраётган эди. Эри Нажаф киши бир ҳафта олдин савдогар Алининг топшириғи билан Шуша қалъасига мол олиб кетган, уйда ҳаммаси бўлиб ўттиз сўм пул бор эди. Аксига олиб, Али Мирза ҳам Тифлисида йўқ, Бокуга сафарга кетган эди.

— Икки-уч кун сабр қилиб туринглар, уйнинг каттаси бор, келса беради,— деб жавоб қилди Ҳалима хоним титроқ овоз билан.

— Нажафнинг номи эркак, уйнинг каттаси ўзингиз бўласиз!— Нисо отин ҳаёсизларча тиржайди.— Имом йўлига ҳам бермасангиз, қачон берасиз, нимага берасиз ўзи?

— Менда шунча пул бўлмаса, нимани бераман? Болаларимни оч қолдиролмайман-ку...

Ҳалима хонимнинг исёнкорона овози савдогар Алига ёқмади:

— Ҳалима хоним, нималар деяпсиз ўзи?! Қосим хонасини безатяпмиз, оч ҳам беряпти, тўқ ҳам. Сиз нималар деяпсиз ўзи?! Имом эшитса ғзаби тутади. Сизнинг касрингизга ҳаммамизни ёндириб кулга айлантириб юборади. Пулингиз бўлмаса, марваридми, мунчоқми, узукми — бирорта нарсангизни гаровга қўйинг, мен пул бериб тураман, уч ой, беш ойдан кейин қайтариб бериб, тақинчоғингизни қайтариб оларсиз...

— Гаровга қўядиган нарсам йўқ, нимаики бўлса

эгнимизда. Жўжабирдай жонмиз, ўзингиз ҳам била-  
сиз-ку...

— Мана бу хотиннинг ёлгон гапиришига қаранг,—  
Нисо отин шангиллаб кетди.— Анави сандиққа берки-  
тиб қўйган узугингни бу ёққа чиқар... Имом йўлига  
ҳам кўзинг қиймайдими?! Нима, имомнинг газаби қў-  
зиб, сандигингдаги олтинларни темирга айлантириб  
қўйишини истаяпсанми?..

— Ҳой, Нисо отин, шуни бир билиб қўйингки, ўл-  
сам ҳам бахт узугимни гаровга қўймайман!— Ҳалима  
хоним баҳсга чек қўймоқчи бўлди. Лекин улар бўш  
келадиганлардан эмасди.

Нисо отин билан савдогар Али пастда, Ҳалима хо-  
ним юқорида туриб анча вақт жанжаллашишди. На-  
римон билан Салмон бу манзарага қараганлари сари,  
оналарининг қони қочган юзини, титраб турган лабла-  
рини кўрганлари сари ғазабдан титрадилар. Наримон  
ич-ичидан худога ёлворар, шу пайтда отасини ёки  
амакисини юборишини сўрарди. Лекин улардан ҳеч  
қандай дарак йўқ эди. Нисо отин ва савдогар Али эса  
онасини минг хил ваҳималар билан қўрқитар, деворга  
тираб жонини олмоқчи бўлардилар. Онасининг борган  
сари бўшашиб, сал бўлмаса йиғлаб таслим бўлиши  
мумкинлигини кўрган Салмон айвонга чиқди ва тит-  
раган овоз билан:

— Ҳожи, биздан нима истайсиз? Отам келгунича  
сабр қилинг, ахир қочиб кетаётганимиз йўқ-ку...—  
деди.

Ҳожи бошини чайқади. Нисо отин бўлса:

— Мана бу лайча кучукнинг гапига қаранглар!  
Катталар гаплашиб турганда, кичкиналар вовулла-  
майди...— деб бақирди.

— Уят бўлади, одамга ўхшаб гаплашинглар!—  
тилга кирди Наримон.

Мунозара чўзилиб кетди. Наримоннинг эсига бир  
нарсга тушди шекилли, секин сирғалиб кўчага чиқиб  
кетди. Унинг кетганини ҳеч ким билмай қолди. Ҳовли-  
да эса мунозара ҳамон давом этарди. Ҳалима хоним  
ваҳима ва қўрқув ичида борган сари бўшашиб борар-  
ди. Узукни олиб чиқиб беришдан зўрға ўзини тутиб  
турарди. Фақат болаларнинг, оиланинг тирикчилиги-  
ни, келажagini ўйлаганида бу узукни оғир кунга ас-  
раб қўйишни лозим топар, ўз қарорида қатъий турар,

Ўзини маҳкам тутиб: «Йўқ!» дер эди. Мунозаранинг энг қизғин пайтида, Ҳожи Али энди пўписа, ҳатто ҳақоратга ўта бошлаганида Соҳиб муаллим Наримон билан бирга ҳовлига кириб келди. Муаллимни кўриши билан Нисо отин юлдуз кўрган илондай тўлғанди, савдогар Али бўлса қовоқ-тумшугини осилтириб:

— Тезроқ бўлинг, биз кетишимиз керак!— деб Ҳалима хонимни шошира бошлади.

— Нима гап, тинчликми, ҳожи Али?— ҳеч нарса билмагандай сўради Соҳиб муаллим.

Савдогар Али муаллимга хўмрайиб:

— Сизга тааллуқли иш эмас. Худога ишонмай-сиз, пайғамбарни ҳурмат қилмайсиз!— деди.

Муаллим авзойини ўзгартирмай кулди ва:

— Инсоф қилсангиз-чи, ҳожи, сизга ўхшаб мен ҳам пайғамбарни ҳурмат қиламан! Лекин сиз ўзингизнинг гапингизга ўзингиз ҳам ишонмайсиз-ку, ахир!— деди.

— Кофирнинг овозини эшитяпман! Эй худо, ўзинг буларнинг тухумини қуритгин-да!— Нисо отин қўлини юқори кўтарди. Лаблари титраб пичирлай бошлади. У яна қаргашга тушди. Чор атрофга дам солиб бад дуосини куфларди.

— Халқни лақиллатганларингиз етар!— муаллимнинг ранги борган сари оқариб борарди.— Йўқсилларнинг, фақирларнинг огзидан нонини юлиб оладиган одамни мусулмон деб ҳисоблаб бўлмайди!

Савдогар Али қора пахмоқ соқолини силади, олдинга ўтиб, муаллимга юзма-юз турди:

— Сюртук кийиб, шляпани қўнқайтириб, номусни сотганингиз етмайдими? Энди динимизга чанг сояласизми?! Ўлганда анави гўрсўхта бошлигингиз Мирза Фаталига ўхшаб сизнинг ҳам қулоғингизга қуръон овози тегмайди!— деди.

— Қуръон овозини эшитсангиз ҳам, эшитмасангиз ҳам жойингиз жаҳаннам бўлади. Ҳожи, хотирингиз жам бўлаверсин! Шунча кўп ҳаром нон егансизки, шунча кўп етим, бева-бечораларнинг молига эга бўлиб олгансизки, сизга у дунё у ёқда турсин, бу дунёда ҳам тинчлик бўлмайди!.. Сал уялинг, бу бечора халқни ўз ҳолига қўйинг!..

Ҳожи косов еган тозидай бўлиб ҳовлидан чиқди ва:

— Сени Алининг газаб ўғли ҳасрати Аббосга топширдим. Унинг ўзи жазонгни берсин!— дея ғойиб бўлди.

Унинг кетидан эргашиб чиққан Нисо отин бармоғини Наримонга ўқталиб:

— Шайтонвачча, муттаҳамликда каттасидан қолишмайди. Агар худо худолигини қилса, ҳаммангни кулга айлантиради!..— деб валдиради.

Ҳожининг ва Нисо отиннинг қарғиши, пўписаси, ваҳимаси Ҳалима хонимга ёмон таъсир қилди. Қилган ишидан пушаймон бўлиб, турган жойида уларнинг орқасидан қараб, нима қилишини билмас эди. Муаллим унинг бу ҳолини кўриб хафа бўлди. Қўрқувини ва ваҳимасини тарқатиш мақсадида:

— Парво қилманг, Ҳалима опа, қингир дилнинг қарғиши ўзининг бошига қайтади!— деди ва Наримонга ўтирилди.— Баракалла, ўғлим, яхшиям бориб менга хабар бердинг, бўлмаса бу бўриларнинг қўлидан қутула олмасдинглар...

— Муаллим, мана шу Нисо ҳақида битта ҳажвия ёзган эдим!..— Салмон чўнтагидан бир варақ қогозни олди. Ҳалима хоним муаллимни айвонга тақлиф этди, тагига курси қўйди, чой дамлаб келмоқчи бўлувди, муаллим рухсат бермади:

— Чой ичиб келганман, Салмоннинг ҳажвиясини эшитаману кетаман, сиз ҳам ўтиринг,— деди.

Лекин Ҳалима хоним ўтирмади, ёшмоғини юзига тортиб, эшик олдида типпа-тик тураверди. Салмон ҳажвиясини иштиёқ билан ўқиди. Вазннинг бузилганига ва қофияларнинг келишмаганига қарамай, шеър қизиқарли эди. Нисо отинни ҳам, савдогар Алини ҳам обдан беобрў қилган эди. Қулоқ солар экан, муаллим, баъзи жойларида беихтиёр қотиб-қотиб куларди. Охирида у Салмонни руҳлантириб:

— Жуда яхши ёзибсан, болаларга бер, ёдлаб олишсин, бу жодугарлар, бу дуобозлар, худонинг бу ёлгончи вакиллари халқнинг уйини хонавайрон қилишди, минг турли уйдирмалар тўқиб, жаҳолат ботқоғига ботиришди, нодонлик уругини сочишди...— деди.

«Нодонлик» сўзини тилига олиши билан муаллим Наримонга маънодор назар ташлади:

— Нимаики касалимиз бўлса, ҳаммаси нодонликдан. Нодонлик катта кулфат. Бу ўғлон халқни нодон-

ликдан халос этмоқчи бўляпти. Мирза Фатали энг шимариб майдонга чиққан эди, уни ҳам ўлим қўлимиздан тортиб олди... Ғайрати бўлган ҳар қандай одам мана шу йўлдан бориши керак... — деди.

Бу хонадондагилар Мирза Фатали исмини биринчи марта муаллим оғзидан эшитган эдилар. Соҳиб муаллим у ҳақда тез-тез сўз очар, унинг катта ақл эгаси бўлганини, халқ учун куйиб-пишганини айтиб берарди. Бир неча йил муқаддам Шарқнинг бу янгиликни тарғиб қилувчи файласуфи ва адаби оламдан ўтганида, Шайхулисломнинг уни муртад деб эълон қилиб, мусулмон одати билан кўмдиришга қаршилиқ қилганига қарамай, унинг тобутини елкасига олиб ҳурмат билан қабристонга олиб борганлардан биттаси Соҳиб муаллим бўлган эди. Уша вақтда Наримон саккиз ёшли бола бўлиб, кўрганлари хотирасида яхши сақланиб қолган эди. Муаллим уларникига жуда хафа қолда келган, ҳар галгидай гапириб, кулмаган, болаларни ҳам кулдирмаган, фақат:

— Озарбайжоннинг юлдузи сўнди! Ёруғ юлдузимиз сўнди! — деб йиглаган эди.

## УЧИНЧИ ФАСЛ

### 1

Бир гуруҳ бола қабристонга кетадиган йўл устидаги қоялар ёнида беркинмачоқ ўйнарди. Бу ерда йирик-йирик дарё тошларидан ва тарашланмаган қоя парчаларидан солинган бир кичкина кулба кўзга ташланарди. Бу кулба шаҳар чегарасидаги энг охирги бино эди ва узоқдан молхонага ўхшаб кўринарди. Кичкина эшигидан бошқа ҳаво, ёруғ кирадиган эшик-деразаси йўқ эди. Орқа деворининг тагидан бошлаб яйдоқ, баланд-паст чўл бошланарди. Беркинмачоқ ўйнаш учун жуда қулай жой эди. Болалар қояларнинг ортига беркиниб олиб, чаққонлик билан истаган марраларигача етиб бора олишарди.

Наримон билан Фазли ҳам маҳалла болаларига қўшилиб шу ерда ўйнашни яхши кўришарди. Лекин бугун елиб-югуриб беркинишдан ёноқлари қизарган,

қора терга ботган болалар ичида Наримон ҳам, Фазли ҳам кўринмасди. Камбағал боласининг оёғи ерга теккан кунидан бошлаб икки мураббий абадий йўлдоши бўлиб олади. Булардан бири муҳтожлик, иккинчиси — меҳнат. Меҳнатнинг зўри билан секин-секин муҳтожликдан ғолиб чиққан оилалар ўзларини бахтиёр деб ҳисобласа бўлади. Муҳтожлик эзгандан эзаверса, меҳнат қилишга билакда қувват бўлмаса — бундайларнинг аҳволига вой.

Наримонларнинг оиласи биринчилар қаторида эди. Муҳтожлик тез-тез эшикларини қоқиб турса ҳам, уларни эза олмасди, меҳнат эса абадий мураббий ва дўстлари бўлиб қолган эди. Бу уйда каттадан тортиб кичиккача қандайдир бир иш билан машғул бўлар, ҳар ким уйнинг бир камчилигини ёпар эди. Ҳалима хоним болаларини кичкиналикдан фойдали меҳнатга ўргатган оналардан эди.

Бугун ҳам Наримон сариқ сигирини подага қўшиб қайтиши билан (бу иш Наримонга юклатилган эди, ҳар куни эрталаб сигирни подага олиб чиқар, кечқурунлари олиб келар, сувини, емини берарди) Ҳалима хоним бир бурда қотган лаваш<sup>1</sup>нинг орасига озроқ пендир солиб буклади ва Наримонга бераркан:

— Мана буни йўл-йўлакай еб, бозордан кўкат олиб кел, ўғлим, пешинга бирор нарса пиширай. Отангга ҳам учрашгин, гўшт олишни тайинлаган эдим, тайёр бўлса ола келарсан...

Наримон саватини кўтариб, қотган нонни кавшай-кавшай бозорга кетди. Онаси буюрган кўкатлардан олди. Лекин гўшт масаласи сал кечроқ ҳал бўлди. Вали қассоб қўй сотиб олаётган эди, кутишга тўғри келди. Шунинг учун ҳам болалар билан беркинмачоқ ўйнайдиган пайтга етиб кела олмади. Лекин ўйнаётганларга узоқдан қараб, уларнинг ичида Фазлини кўрмай, нега у ерга бормаганига ҳайрон бўлди. Ҳовлига қайтганида эса, таажжуби янада ортди. Фазли деворга суяниб йигламоқда эди. Наримон олдиниغا Бобожон уни хилват жойда топиб роса урган бўлса керак, деб ўйлади. «Майли, Бобожон, мендан энди кўрасан!» — деб кўнглидан ўтказди-да, Фазлига яқинлашиб сўради:

---

<sup>1</sup> Л а в а ш — лочирага ўхшаган юпқа нон.

— Нима бўлди, Фазли, нега йиғлаб турибсан?

— Отам касал бўлиб қолди, эрталабгача алаҳсираб чиқди...

Наримон тезда юқори чиқди, тезлик билан олиб келганларини онасига бериб, ғам-ташвишли оҳангда:

— Ойи, Фазли йиғлаб ўтирипти, отаси касал эмиш, нима қилсак бўларкин?— деб сўради.

— Мендан баттар сенинг ҳам ўлгундек кўнглинг бўш-да!— Ҳалима хоним ўғлига ачиғиб боқаркан, бу юрак ҳаётда ҳамиша озор топажагини, ҳамиша дард қўлида питирлаяжагини ўйлади.— Ҳойнаҳой бечора бола туз ҳам татимагандир, очдир, бу ёққа олиб кел, қуймоқ пишириб бераман, еб оласизлар, кейин Жаъфар амакидан хабар оламиз.

Наримон ўзини ҳовлига отди. Кичкина Фазлининг қўлидан ушлаб уйга олиб келди. Ҳалима хоним учта тухум қақиб, уларга қуймоқ пишириб берди. Иккита кичкина тақсимчага сузиб олдиларига қўйди. Ҳар қайсисига бир бурдадан лаваш тутқазди.

— Еб олинглар, ўзимнинг болажонларим!— деб ҳар иккаласининг ҳам бошини силаб қўйди.

Бу илтифот, бу оналик ҳароратидан эриб кетган Фазлининг ранги ўзига келди. Қайғу чанги унинг гўдак сиймосидан жуда тез учиб кетди.

— Энди, бориб кўрайлик-чи, қани, Жаъфар оғага нима қилдийкин?

Ҳалима хоним болалар билан айвондан ҳовлига тушди ва мўрисидан нур тушиб турган кичкина қулбага келди. Бир пайтлар бу ер отхона бўлганга ўхшарди. Кейинчалик унинг деворларини суваб, эшигини тузатиб, ичига бўйра солиб, уй ҳолига келтирган эди. Тўрда, қуруқ бўйра устига солинган эски-туски кўрпада ранги сомондай сарғайган, кўзлари ич-ичига ботиб кетган Жаъфар киши ётарди. Эшик очилганини сезиб, у бошини кўтариб қаради. Мўридан тушаётган сарғиш нур остида Ҳалима хонимни таниб, безовталанди. Одоб билан қаддини кўтариб, тошдай қаттиқ ва эски юма-лоқ ёстиққа тирсакланди.

— Безовта бўлманг, Жаъфар оға,— Ҳалима хоним унга яқинлашди. Ўтириб, қўлини Жаъфар кишининг пешанасига қўйди.— Иссиғингиз жуда баланд-ку, қаерда бунча қаттиқ шамолладингиз?

Шундоқ ҳам уялиб, сиқилиб турган Жаъфар киши

миннатдорлик тўла кўзларини Ҳалима хонимдан олиб, болаларга қаради.

— Утган куни вагонга кўп юк ортгандик, тойлар оғир, вақт зиқ эди. Тепамизда туриб олишди, шоширишди. Орқамдан тер сув бўлиб оқди. Шамол эсаётган эди, ўшанда шамоллаб қолибман шекилли.

— Ташвишланманг, худо хоҳласа ўтиб кетади. Умоч оши қилиб бераман, ичиб олинг, курагингизга банка қўяман, бир терласангиз тузалиб қоларсиз...

Жаъфар кишининг кўзларига ёш келди:

— Бўйнимда жуда кўп яхшилигингиз бор, Ҳалима хоним, буларни қандай узишимни ҳам билмайман!

Жаъфар киши Эрон Озарбайжонининг Ардабил вилоятидан эди. Йигирма йилдан бери Тифлисида яшарди. Бу ерга қандай келиб қолганини ҳеч ким билмасди. Унинг ўзи ҳам бу ҳақда сўз очишни ёқтирмасди. Хотинининг кўзи очиқ пайтида ҳаётнинг ҳеч қандай қийинчилигидан шикоят қилмас эди, кам топса кам ер, кўп топса кўп ер эди. Ҳамма вақт хурсанд бўлиб юрарди. Лекин хотини ўлганидан кейин устунни синган тупроқ кулба сингари титрай бошлади, ҳали бу ёғи сўкиларди, ҳали у ёғи, гоҳ тоmidан чакка ўтар, гоҳ шамол мўрисини бузиб кетарди. Ўша вақтдан бери чиройи очилмас, кўзи қувнамас эди. Неча марта Нажаф кишига:

— Агар сизлар бўлмаганларингизда, билмайман, қандай тирикчилик қилардим...— деган эди.

Ҳалима хонимлар хонадони бу соф юрак, қўли тўғри, дили тўғри, лекин қашшоқ ва бахтсиз одамга олдиниға раҳм қилди. Кейин бориб эса унга ўрганиб, худди ўз яқинларидан бири деб қарайдиган бўлиб қолишди.

Жаъфарнинг олдидан чиққанларидан кейин Ҳалима хоним умоч оши пиширгани кетди, болаларга эса:

— Бирпас ўйнаб келинлар, лекин қулоқларинг бу тарафда бўлсин, чақирган заҳотим етиб келинлар-а!— деди.

Наримон билан Фазли етаклашиб кўчага чиқишди. Тепаликда, қоялар ёнида беркинмачоқ ўйнаб юрган болалар олдиға чопиб кетишди. Бобожон ҳам ўша ерда. У ёқ-бу ёққа югуриб, тез ҳаракат қилгани учун, ранги баттар қизариб кетган эди. Юзига чертса қон томарди. Болалар Наримон билан Фазлини қувонч би-

лан кутиб олишди. Бобожон бўлса уларга пешвоз чиқди-да, иккаласининг ҳам қўлидан ушлаб:

— Келинлар, бирам ўйинимиз қизияптики,— деди ва дарҳол қояга суяниб, икки қўли билан кўзларини беркитди,— беркининглар... Бир, икки...

Наримон билан Фазли бирпасда ўйинга қўшилиб кетишди. Наримон Бобожоннинг хусусияти ҳақида ўйлади. У кек сақлашни билмасди. Бугун уришар, эртага ярашарди. Лекин унинг яхши феълига ҳам ишониб бўлмасди. Бир қарасанг, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ жанжал чиқарарди. Шунин билганлиги учун Наримон эҳтиётлик билан, ҳушёрлик билан ўйнади. Айниқса, Фазлини ўзидан узоқлаштирмасликка ҳаракат қилар, унинг кўздан нарига қочиб кетишига имкон бермасди. Бобожон хилват жойда Фазли билан ёқалашиб қолгудек бўлса, етиб бора олмай қолишидан қўрқарди. Лекин бугунги бахтсизлик Наримоннинг ҳеч кутмаган тарафидан келиб чиқди...

Ўйиннинг энг қизиқ пайтида Нисо отин бошчилигида қабристондан қайтаётган тўрт хотин дам олиш мақсадида қоялар тепасига келиб ўтирди. Болалар уларга аҳамият бермай, ўйинларини давом эттиравердилар. Ўйин пайтида Наримон беркиниш учун уларнинг олдидан югуриб ўтаётганида, Нисо отин илон чаққандай иккала қўлини тиззасига уриб: «Бойдод!» деб чақирди. Ёнидаги хотинлар савол тўла ва ваҳимали кўзларини унга тикишди. У ишора билан Наримонни кўрсатиб, уларнинг қулогига нимадир пичирлади ва «бойдод!» деб яна икки қўллаб тиззасига ура бошлади. Унга бошқа аёллар ҳам қўшилиб, «войдод» деган овозлар ҳар томонга ёйилди. Ҳаммаси сирли, ваҳимали нигоҳ билан оёққа туриб кетишди. Фақатгина юз-кўзидан совуқ бир осойишталик ёғилиб турган ёш келингина турмади. Уларни томоша қилиб ўтирган жойида қолди. Нисо отин болаларга қараб:

— Бобожон-он!..— деб чақирди.

Бобожон онасининг овозини эшитса ҳам аҳамият бермади. Лабини буриб, уни масхара қиларкан: «Бобожон! Дард!»— деб болаларни кулдирди. Онаси бўлса яна:

— Бобожон!..— деб шовқин солди.

Бобожон яна ўзини эшитмаганга олди. Ўйнашда давом этаверди. Наримон эса қоянинг тепасига чиқиб

олиб, Нисо отинга ҳуркиброқ қараб турарди. Хотин бу сафар аччиқланиб, овозини янада чўзиб, кетма-кет бақирди:

— Бобожо-он!.. Бобожо-о-он!.. Ҳо-о-ой Бобожон!..

Бобожон ноилож болалардан ажралди ва қарсиллаб онасига яқинлашди.

— Нима бўлди, нима бўлди? Нега қичқирасиз, тез бўлинг!

Нисо отин ҳамиша хиоли бўлган каттакон қўлини узатиб, Бобожоннинг дўмбоқ қўлидан маҳкам ушлади:

— Бу ёққа кел, бу шайтонвачча билан ўйнама!— деди ва иккинчи қўлини Наримонга қадади.— Динсиз, имонсиз одамлар булар. На худони танишади, на пайғамбарни. Қосим хонаси шаънига куфур сўзлар айтишди. Мана шу қулоғим билан эшитдим. Худоё Қосим умрбод ғанимларинг бўлсин!..

— Ёлгон гапирманг!— қоя тепасидан туриб унга жавоб қилди Наримон.— Оппоқ сочингиз билан ёлгон гапиришдан уялинг!

— Мен ёлгон гапиряпманми, а, кучук?! Ўша куни имомни қаргаган сенинг онанг эмасмиди?! Сенларнинг оёқларинг теккан жойда ўт унмайди. Нафасларинг дарёларни қуритади! Қани, бу ёққа юр-чи!

Нисо отин Бобожонни қўлидан судраб олиб кетди. Нариги хотинларнинг ҳар қайсиси бир боланинг қўлидан судраб кетганларидан кейин қолган болалар ҳам тарқалиб кетишди. Наримон билан Фазли иккиси қаққайганча қолишди. Бу яккаланиш Наримоннинг чунонам юрагини сиқдики, йиғлаб юборишига сал қолди. Фазли билан хафаҳол бўлиб ҳовлиларига қайтдилар. Жаъфар кишига умоч оши бериб чиққан Ҳалима хоним болаларни кайфи бузуқ ҳолда кўриб, сабабини сўради. Аҳволдан хабар топгач:

— Унинг бўҳтон гапирган тили чирисин!— деб ўзига ўзи гапирди.— Эшикма-эшик юриб, огзига келган бўлмағур сўзларни гапиради, қўни-қўшниларни қўрқитади, гўё унинг тушига имом кириб, биз билан бир мусулмон салом-алик қилмасин, деб буюрган эмиш. Ёлгон гапираётган бўлсанг имом ёқангдан бўғсин!..

Ҳалима хоним гапириб юрагини бўшатди ва нимадир эслаб, Наримонга:

— Болажоним, сал бўлмаса унутаёзибман, мана бу

тугунни ол-да, югуриб Соҳиб муаллимга етказ, отанг айтди, учта китоб экан, муаллимнинг илтимосига биноан топдириб келган экан...— деди.

Муаллимнинг номини эшитиши билан Наримон севиниб онасининг қўлидан тугунни олди. Энди югуриб кетмоқчи эди, Ҳалима хоним қўлидан ушлаб тўхтатди. Иккинчи қўли билан Фазлини ҳам етаклаб ичкарига олиб кирди ва:

— Кела қол, болам, долчин чойидан дамлаган эдим, отангга олиб бориб ичиргин,— деди. Сўнгра Наримонга қаради:— Шу ҳасратда муаллимнинг олдига бормоқчимисан?! Бор, юз-қўлингни ювиб, кўйлак-иштонингни алмаштириб ол!..

Наримон китобларни айвондаги курсининг устига қўйди. Чопиб бориб юз-қўлларини ювиб келди. Онаси доим ювиб қўядиган сатин кўйлагини ва кул ранг чолворини кийди. Ҳовлига чиқаётганида онаси қўллари билан унинг сал-пал жингалак бўлиб турган қора сочларини силаб текислаб қўйди ва:

— Энди боравер...— деди.

Муаллимнинг ҳовлиси ўртасида кичкина гулзор бор эди. Бу ерда баҳор ва куз ойлари чиннигулларнинг, оқ-қизил духоба гулларнинг, читгулнинг, пуштигулнинг хушбўй ҳиди бир-бирига қоришиб кетарди. Бу гулларни муаллимнинг ўзи парвариш қиларди. Наримон ҳам бир неча марта унга ёрдамлаган, пақирчада сув ташиб келиб, тагларига қуйган эди. Ҳовлида бор-йўғи икки тупгина дарахт бўлиб, биттаси терак, иккинчиси мажнунтол эди. Мажнунтол ҳовлининг юқори томонида, нисбатан очиқ жойда ўсарди. Муаллим кўпинча унинг соясига стол қўйиб чой ичиб ўтирарди. Терак эса шундоққина уйнинг олдига экилган эди. Ёзда, кузда япроқларининг ором билмай шитирлагани эшитиларди.

Наримон ҳовлига кириб, муаллим мажнунтол билан терак дарахти ўртасида гиштан ишлаган супада нотаниш бир одам билан у ёқ-бу ёққа юриб, нима ҳақидадир жиддий суҳбат қилаётганини кўрди. Тарадудланиб тўхтади. Олдинга юраверсами ёки орқасига қайтиб, кўчада кутсами, меҳмон кетганидан кейин ичкари кирсами — билмай қолди. Шу пайт муаллим бошини кўтариб унга қаради ва дарҳол чақирди:

— Наримон, ўғлим, қани, кел-чи...

Наримон уларга салом берди. Муаллим ҳамсухбатини тол соясида турган столга таклиф этди. Столга қўлда тўқилган гулдор Қорабоғ дастурхони ёзилган эди. Муаллим Наримоннинг саломига алик олиб:

— Қўлингдагини бир жойга қўйгин-да, бизга чой дамлаб келгин... Онам яна касал бўлиб қолдилар...— деди.

Наримон китоб солинган тугунни супанинг бир четига қўйди. У муаллимнинг бўйдоқлигини, онаси билан яшаётганини, Ҳури хоним ўглини ёш болалардай парвариш қилишини биларди. Сўнгги кунларда касал бўлиб қолгани учун муаллим ҳам уни авайлар эди. Ҳар ҳолда она бетоб бўлса ҳам, жуда мазали таомлар пиширар, ниҳоятда хушбўй чой дамларди. Узоқ йиллар давомида орттирган тажрибаси туфайли бу одат табиий хусусиятга айланиб қолган эди. Ҳозир ҳам нок шаклидаги зар ҳалли стаканларга чой қўйди, зўғол, олча ва гилосдан қайнатилган мурабболардан вазаларга солди. Кумуш қанддонни қанд билан тўлатди, битта катта тақсимчага эса қаҳрабодай сап-сариқ асалдан қўйди. Буларнинг ҳаммасини кумуш патнисга қўйиб, Наримонга берди. Наримон олиб борган патнисни одоб билан столнинг четига қўйди, ундаги нарсалар билан дастурхонни тузади, чойларни эса муаллимнинг ва унинг ғайри оддий меҳмонининг олдига қўйиб, кетмоқчи бўлган эди, муаллим уни тўхта-тиб, меҳмон билан таништирди:

— Менинг шогирдим... Чой олиб келишидан қанақа солиҳали ва қунтли бола эканини билиб олгандирсиз. Бундай фаросатли ва хотираси кучли бола камдан-кам топилади, деб ўйлайман.

Наримонга севимли муаллимнинг мақтовини хуш ёққан бўлса ҳам, қизариб-терлаб кетган эди. Бирданига:

— Муаллим, бу амаким ким бўладилар?— деб савол берганини ўзи ҳам билмай қолди.

Меҳмон хахолаб кулди:

— Ростдан ҳам фаросатли бола экан!— деди ва ўзини танитди.— Мен ҳам муаллимман, ўғлим, исмим Сандро. Сенинг муаллимингга ўхшаб мен ҳам кам-кам ёзиб тураман.

Наримон ҳайрат тўла кўзлари билан Соҳиб муаллимга қаради. Бу нигоҳда айни замонда бир савол ҳам бор эди. Сандро бунини дарров англади.

— Ҳа, ҳа, демак, муаллимнинг сенга ўз асарларидан ўқиб бермаган экан-да. Зарари йўқ, китоби чиқиши билан мен ўзим сенга олиб келиб бераман...

— Овора бўлманг, отамга айтсам олиб берадилар,— тезда жавоб қайтарди Наримон.— Мен китобни жуда яхши кўраман!..

Соҳиб муаллим Наримоннинг тик оёқда турганини энди кўргандай, унга жой кўрсатди:

— Кўрсини берироқ сургин-да, биз билан бирга ўтир, ўғлим!— деди ва Сандро томонга ўгирилиб, илова қилди:— Эҳ, Сандро! Кавказнинг дарди оғир. Унинг ичида эса Озарбайжоннинг дарди! Ҳар тошининг тагида бир истеъдод, даҳо ётипти, ҳунарини кўрсатишга майдон йўқ. Мактабимиз бўлса, китобимиз бўлса, мана шу болаларнинг ҳаммасини бўлмаса ҳам, юздан бирини ўқита олсак, Европа савиясида таълим бера олсак, Кавказнинг ҳар бир қишлоғида бир чироқ ёққан бўлардик.

Наримон ўтирган жойида уларнинг сўзларига диққат билан қулоқ соларди. Сўзларининг ҳаммасига тушунмаса ҳам, уларнинг қандайдир катта масала борасида гаплашаётганларини фаҳмларди. Бир-икки одамнинг эмас, мингларча одамларнинг дарди деб ёнаётганларини, бутун халқнинг яхши ҳаёт кечиришини истаётганларини ҳис қиларди. Наримон «халқ», «ватан» сўзини илк бор шу ерда фидокор муаллимлари оғзидан эшитди. Ўзи ҳам, отаси ва онаси ҳам улкан, катта бир бутун омманинг қисми эканлигини биринчи марта тушуниб етди. Фақат мана шу бутун омманинг яхши ҳаёти, саодатигина бир қуёш бўлиб буларга ҳаёт ва саодат бериши мумкин эди. Халқ бадбахт бўлар экан, ҳеч ким хушбахтлик нима эканини билмайди. Бундан фақат сотқинларгина мустасно...

Соҳиб муаллим Наримонни унутиб юборгандай, кўзини Сандронинг кўзидан узмай гапирарди. Улар жуда кўп гаплашдилар. Сандро борган сари қизишмоқда эди. Унинг ҳарорат билан айтган мана бу сўзлари эса Наримоннинг хотирасида мангуа михланиб қолди:

— Қачонки истибдоднинг боши янчилмаган экан, халқнинг қўли кишанда экан, иродасини, ақлини, идрокини қора занжир исканжага олиб сиқар экан, биз орзуларимизга ета олмаймиз!

Наримон: «Булар нима дейишяпти? Истибдод де-

гани нима бўлади. Онам айтиб берган, дуч келганини босиб-янчиб кетадиган даҳшатли дев ўша бўлса керак...» деб ўйлади. Наримон икки гўзал инсоннинг, икки севимли муаллимнинг (Наримон эндиликда Сандрони ҳам ўзига муаллим деб биларди!) сўзини бўлмамай, қулоқ солиб ўтирар, ўйлар ва мушоҳада қиларди. Ҳайрат тўла кўзлари билан муаллимларига қарарди. Уларнинг бутун вужуди, борлиги, кийими, овозларининг оҳанги, гапираётган сўзлари Наримонга ҳаддан ташқари жозибали кўринарди. Улар бутун маҳаллада, бутун бозорда, бутун шаҳарда ҳам ягона эдилар. Ҳар ҳолда Наримон бу атрофда мунчалик меҳрибон, нуроний, дилга яқин ҳамда англашилмас сирларга тўла сиймоларини кўрмаган эди. Шунга кўра ҳам уларнинг ўз оламларига кириб кетиб, уни унутиб юборганлари учун хурсанд бўлиб ўтираверди. Кетиб қолмади. Иккала қўли билан столга тирсакланиб, даҳанини ҳовучига олган ҳолда нафасини чиқармай, кўзини гоҳ Сандронинг, гоҳ эса Соҳиб муаллимнинг оғзига тикиб, маъносига мутлақо тушунмаса ҳам, лекин эртакларда бўладиган бир ширинликни туйган ҳолда, ажойиб бир келажак ваъда этган, афсонавий гўзаллик билан тўлиб-тошган суҳбатларини эшитиб ўтирди.

— Баъзан-чи, Сандро, хаёлимга биз дунёдаги энг бахтсиз одамлармиз, деган фикр келади. Чунки ўқиганмиз, саводимиз бор, кўп нарсга ақлимиз етади. Ахир зулм билан, ақлга сиғмайдиган аҳмоқликлар ва разолатлар билан тўла муҳитимиз тушунганлар учун бир зиндон-да. Бу муҳитда яшаш — абадий изтироб чекиш демакдир. Шунинг билан бирга мен бу изтиробларни ҳеч нарсга алишмайман! Мўл-кўллик ичида маза қилиб яшаётган оғаларинг, бадавлат чиновникларнинг кайф-сафоли ҳаётини инсон ҳаёти деб бўлармиди?! — Соҳиб муаллим ўз шубҳаларини рад қилаётгандай, қўли билан ҳурпайган сочларини силаб қўйди.

— Истибдод ҳукмронлик қилиб турган ўлкаларда тушунган одамлар ҳамма вақт изтироблар ва маънавий азоблар ичида яшаганлар! — Сандро ўша ҳазин овоз билан муаллимнинг фикрини давом эттирди. — Тағинам бахтимизга мустабиднинг ўз уяси вулқондай қайнаб турипти. Ҳозир Русия тиним билмаган бир дарёга ўхшайди. Беқарор еллар гоҳ бу томонидан эса-

ди, гоҳ у томонидан. Бу еллар охир-оқибатда пўртанага айланади. Пўртана эса бизга ҳам кўп нарсани ваъда этмоқда. Чунки истибдод маҳв бўлиши билан, Кавказ халқлари ҳам эркин нафас оладилар.

— Кошки эди ўша кун тезроқ етиб келса!— муаллим зўғол мураббосидан кичкина идишга солиб, Сандронинг олдига қўйди.— Томоғимиздан бўғиб турган занжирлар узилиб, парчаланиб кетсайди... Шунчалик ҳам инсофсизлик бўладими, Сандро, энг оддий, энг зарурий эҳтиёжларимиз қондирилмайди-я: беш ойдан бери икки саҳифадангина иборат бўлган газета чиқаришга ҳаракат қиламизу, рухсат ола олмаймиз. Мақсадимиз нима? Мавҳумот, хурофот, жаҳолат ботқоғида бўйлаётган бечора, заҳматкаш бир халқнинг кўзини очиш, унга нажот бериш, холос! Олий маълумотга эга бўлган онамга мактаб очиши учун рухсат бериш-маяпти. Нима сабабдан? Бунга жавоб йўқ!..

— Бу ҳақда жонишинликдаги дўстим билан гаплашдим. У Озарбайжон газетасини чиқариш борасидаги талабларингиз қондирилиши керак, умидсизланманглар, деяпти. Ҳозир рад этишса, бир ой ўтказиб яна ариза ёзиш керак. Нима ҳам қила олардик, толеимиз, ихтиёримиз мана шундай тошжорак чиновниклар қўлида.— Сандронинг кўзлари ўткир ханжар дамидай чақнаб кетди.— Лекин ҳамиша шундайлигича қолмайди. Русиядан келган хабарлар пўртана қўзғалди, истибдод мавҳ бўлади, деб турибди. Ана ўшанда ҳам-мамиз эркин нафас оламиз!

Наримон бутун диққат-эътибори билан қулоқ соларди. Соҳиб муаллим билан Сандронинг суҳбати бутунлай бошқа оламдан хабар берарди. «Қандай ажойиб одамлар! Ҳеч кимга ўхшашмайди!»— деб ўйлади Наримон ўз кўнглида. Унинг бу фикрларидан хабар топгандай, Соҳиб муаллим бирдан унга ўгирилди, қўлини бошига қўйиб, деди:

— Ҳеч бўлмаса мана шулар истибдоднинг ағдарилган кунини, халқнинг озодликка чиққан кунини кўришса эди, Сандро!..

## 2

Тонг шабадаси Наримоннинг қулоғини она алласи каби ёқимли, маъноли оҳанг билан эркаларди. Қаердадир номаълум бир дардкаш ҳазин-ҳазин тор чалар-

ди. Шамол торнинг минг бир мўъжиза билан тўла симларидан узилиб чиқаётган овозини бу ёққа олиб келарди. Овоз гоҳ жуда яқиндан эшитилар, гоҳ яна узоқлашар эди. Кимдир куйлар эди:

Қуши қил, эйки, билурсан ўзингни Воқифи қор,  
Огоҳ ўл, кўрки, надур нағмаи най, нолаи тор...

Наримон диққат билан қулоқ солар, кўнглига жу-да ёқиб қолган бу қўшиқни охиригача эшитиб олишга ҳаракат қиларди. Лекин ошхонадан эшитилиб турган ота-онасининг суҳбати шамолнинг йўналишига кўра гоҳ яқинлашиб, гоҳ узоқлашиб турган тор овозини бо-сиб кетди. Наримон беихтиёр суҳбатга қулоқ сола бошлади.

Отаси ташвишли оҳангда дер эди:

— Нима қилайлик, хотин, қаноат билан кифояла-ниб турамиз-да. Бозор деганинг бамисоли дарё, фурса-ти келдими, катта балиқ кичигини ютиб юборади. Бо-зор аҳли ҳам мана шунақа. Шу сафар ҳам зарар қилиб қўяманми деб қўрқиб турибман. Олдимизда эса қиш турибди. Болаларни баҳорга олиб чиқа олмаймиз...

— Оллоҳ каримдир, бир амаллаб кунимизни ўтка-зармиз, очимиздан ўлмасмиз!— Ҳалима хоним ўз ода-ти бўйича эрига тасалли берди. Лекин шу пайтнинг ўзидаёқ беихтиёр:— Кундан-кун баттар бўляпти, иш-қилиб худо охирини бахайр қилсин!..— деб қўшиб қўйди.

Наримон эсини таниганидан бери уйларида ҳам, кўча-кўйда ҳам турмушнинг оғирлигидан тез-тез гап очилишини биларди. Гоҳ йил ёмон келиб, ноннинг, гўштнинг, ёғнинг нархи ошар, гоҳ қанд-чой топил-мас, кийим-кечакнинг нархи ҳам осмонга кўтарилиб кетарди. Ҳамма қорни ва энгилининг қайғусини тор-тар, келажакни терак баргидай титраб кутарди. Гўё инсон учун бу дунёда ўз ризқ-рўзини топишдан катта дард йўқдек эди. Муҳтожлик ва очлик ташвиши ай-ниқса ёши ўтган одамларни, кексаларни эсанкиратар-ди. Овқатдан кейин отаси қўлларини кўкка кўтариб, ҳар куни бир хилда шукрона-сано айтарди:

— Кўрсатган кунингга шукур, худо, эртага ҳам ризқ-рўзимизни ўзинг етказ...

— Худога шукур, қорнимиз тўйди, оч қолган-ларнинг нонини ўзинг етказ, олло...

Табиий бир туйғу ва қизиқиш боланинг фикрини ҳеч вақт ҳаётнинг огирлигидан шикоятланмайдиган, келажакдан қўрқмайдиган одамларга жалб қиларди. Улар боланинг назарида жасур ва қўрқмас қаҳрамонлар каби жонланарди. Наримоннинг кўзига бундай одамларнинг биринчиси Соҳиб муаллим бўлиб кўри-нарди, албатта. Чунки бирон марта ҳам унинг ош-нон ва кийим-кечак дардидан шикоятланганини, келажакдан қўрққанини, оҳ-нола қилганини кўрмаган, У фақатгина нодонлик, истибод аталмиш кўзга кўринмайдиган душманидан шикоят қиларди, ҳатто бу душманини бурдалаб ташлашга ҳам тайёр эди. Хўш, муаллим нима билан тирикчилик ўтказади? У юк ташимайди, тош йўнмайди, кунини шайтонбозорда ўтказиб, бировлар билан ёқа бўғишмайди, савдо билан шугулланмайди, экин экмайди. Шундай экан, номи оллоҳдан ҳам тез-тез тилга олинадиган пулни қаёқдан топади?! Балки у жуда бадавлат одамдир. Қанча харжласа ҳам тугамайдиган давлати бордир. Эҳтимол, шунинг учун ҳам ҳеч маҳал шикоят қилмас, тамагирлик қилмас. Наримонни ва маҳалладаги унга ўхшаган олти болани текинга ўқитяпти. Хўш, нега бўлмаса у ҳам ҳожи Алига ўхшаб тўрт от қўшилган зарли, қўнғироқли файтон олмайди, эҳсон бермайди, ҳар куни ёглиқ палов емайди?!

Кичкина Наримоннинг хаёлида Соҳиб муаллим кундан-кунга йириклашар, қаҳрамонга, идеалга айланиб борарди. У ҳаммадан баланд ва юксак эди. Айни замонда унинг ҳаёти бола хаёли учун очилмас бир тилсим ҳам эди. Бу тилсимнинг орқасида қанча сирлар яширинган эди!

Соҳиб муаллим ҳар сафар болаларга уйга кетишга рухсат берганида, келгуси дарсда нима ўтажакларини айтиб қўярди. Дарс бошланганда эса уйга берилган вазифалар қай даражада бажарилганини текширар, сўнгра янги дарсга ўтарди... Болалар унинг ўз сўзига жуда ҳам содиқ одам эканини, тартибни яхши кўришини, дарсни муайян вақтда бошлаб, муайян вақтда тугатишини яхши билардилар. На ўзи бир дақиқага кечикар, на кечикканларни яхши кўрарди. Баъзан дарсдан кейин болаларни олиб қолар, улар билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирарди. Шундай пайтларда унинг бир ота ва дўст каби меҳрибон, сод-

да одам эканлиги маълум бўлиб қоларди. Бу суҳбатлар болаларни унга яна ҳам кўпроқ яқинлаштиради, уларга тушунарли бўлмаган нарсаларини сўраб, билиб олишларига имкон берарди. Ниҳоятда табиий ва самимий ўтган, муаллим Наримонга ортиқча меҳрибонлик кўрсатган мана шундай суҳбатларнинг бирида Наримон уялиб-тортиниб ўтирмай, кўнглида борини гапириб қўя қолди.

— Муаллим, сиз жуда ҳам бойсиз-а? — деб сўради у ғайри ихтиёрий равишда.

Соҳиб муаллим ҳайратдан чақнаган кўзлари билан Наримонга қараб, хохолаб кулди:

— Менда бўлган давлат бизнинг замонамизда камдан-кам одамда топилади, ўғлим. Менинг давлатим шундай нарсаси, уни зилзила ҳам, уруш ҳам, талончилик ҳам, қимматчилик ҳам тортиб ололмайди. Ҳатто ҳукуматнинг ўзи ҳам бу давлатни олиб қўйишига ожизлик қилади!..

— Метех қалъасига қамашса ҳам-а?!

— Ҳа, Метех қалъасига қамашса ҳам. Бу ҳақиқий давлат, ўғлим. У олтин ҳам эмас, пул ҳам эмас, бойлик ҳам эмаски, одамнинг қўлидан бир кунда чиқиб кетса. У билим, у илм, ҳеч қандай куч уни жисмдан ажратишга қодир эмас.

— Пулингиз ҳам кўпми, муаллим?

— Пулим йўқ, — муаллим уст-бошини ва уй-эшигини кўрсатди, — борим мана шу кўрганларинг!..

— Нега бўлмаса ҳеч шикоят қилмайсиз, қўрқмайсиз? — Наримон ўзини ўйлантириб юрган фикрларни ўртага ташлади. — Сиздан бошқа ҳамма, эртага оч қолмасам эди, деб қўрқади.

— Шикоят, оҳ-нола ожизларнинг иши, ўғлим. Бадбахт халқимизнинг кўп қисми шу қадар бечора, шу қадар юпунки, ҳамма нарсадан қўрқади. Курашиш ўрнига, кунини оҳ-воҳ билан ўтказади. Мана шу ҳам нодонлик!

— Бўлмаса сиз нима билан тирикчилик қиласиз, муаллим, яна бизни ҳам текинга ўқитасиз?!

— Мен сизларни текинга ўқитаётганим йўқ, ўғлим. Мен халқ олдидаги бурчимни адо қиляпман, холос. Қўлимдаги қурулни ўзим билан қабрга олиб кетишни истамайман. Чунки халқнинг сизларга ўхшаган қобилиятли болалари бу қурулга эга бўлиб

олмас экан, бизнинг уйларимиздан оҳ-нола овози ўчмайди, халқимиз оёқ остида эзилиб ётаверади. Бу қуролнинг номи билим, мен қўлимдан келганича уни сизларга беришга ҳаракат қиламан ва сочган уруғларим яхши жойга тушаётганидан, униб чиқаётганидан жуда хурсандман. Саволларинг шунинг биринчи белгиси. Сен тушунган одам бўласан, ўқисанг бўлди. Менинг нима билан тирикчилик ўтказаяётганимга келсак, бу томондан қўрқадиган жойим йўқ. Мен она тилимиздан бошқа учта: рус, олмон ва гуржи тилларини биламан. Гимназияда ҳам дарс бераман, жонинингликка таржимонликка ҳам чақириб туришади. Жонинингликнинг нима эканини биласанми? Чор ҳукуматининг Кавказдаги энг катта идораси!

Муаллим билан суҳбатнинг энг қизиқ жойида Наримоннинг эсига онаси тушди: ахир, бу суҳбатларнинг ҳаммасини унга айтиб бериши керак эди-да. Чунки ҳар сафар Ҳалима хоним ўғлининг ўтган дарслари билан қизиқар, муаллимнинг нимани сўраганини, нимани гапирганини суриштирарди. Энди мана шуларни эшитса, аччиқланиши: «Одам деган ўзидан катталарнинг ишига аралашмайди, кўнглига келган гапни сўрайвермайди!»— дейиши мумкин. Мана шу фикрнинг таъсирида Наримон муаллимдан узр сўради:

— Муаллим, бунақа нарсаларни сўраганим учун мени кечиринг... Рухсат берсангиз кетардим.

— Сен жуда ақлли боласан, келажагинг порлоқ бўлади!— Муаллим одати бўйича унинг юмшоқ, жингалак сочларини силаб қўйди. Шу пайт ташқаридан кимдир муаллимни чақириб қолди.— Ўтириб тур, сенга янги топшириқ бермоқчиман, кутиб тур, мен чиқиб ким келганини билиб қайтаман.

Муаллим эшикни очди. Остонада европача кийинган, бошида баланд шляпа, оқ-сарикдан келган, мовай кўзлари кишига мулойим, жозибали нур сочиб турган бир киши турарди. Муаллим унинг рус эканини кўриб, рус тилида мурожаат этди:

— Марҳамат, ичкарига марҳамат қилинг, — деди ва икки қадам орқага чекиниб, унга йўл берди.

Номаълум киши эҳтиром билан бошидан шляпасини олиб, ичкари кирди ва соф озарбайжон тилида:

— Кечиргайсиз, янглишмасам сиз Соҳиб муаллим бўласиз, тўғрими? — деб сўради.

— Ҳа, мен бўламан, — Соҳиб муаллим меҳмоннинг қўлидаги шляпасини олиб, эшик ортидаги қоziққа илди-да, илтифот қилди: — Марҳамат қилинг, ўтиринг.

Меҳмон юзи ва мовий кўзлари янада ёришган ҳолда қўли билан сочларини текислаб қўйди ва яна озарбайжон тилида:

— Йўқ, келинг, олдин танишиб олайлик, — деди. — «Танимасни сийламас», деган мақол бор. Бир-биримизни таниб олсак, суҳбатимиз ҳам ширин бўлади. — Меҳмон қўлини узатди-да, муаллимнинг қўлини олиб, ҳарорат билан қисди. — Мен Алексей Осипович Черняевский бўламан.

Наримон Соҳиб муаллимнинг бу исми эшитиши билан қанчалик ҳайратланганини, севинчидан сал бўлмаса қичқириб юборай деганини кўрди.

— Наҳотки, сиз Черняевский бўлсангиз?! Кўзларимга ишонмаяпман. Қандай катта бахт бу!..

— Ҳа, мен Черняевский бўламан. Сизнинг халқингизда: «Яхши йигитнинг номини эшиту, ўзини кўрма», деган жуда гўзал мақол бор.

— Юзингиз ҳам кўрса кўргундек! — Муаллим иккала қўли билан унинг қўлини кафтига олиб қаттиқ-қаттиқ қисиб силкитди. — Черняевский! Озарбайжон халқининг буюк дўсти! Жаҳолатнинг, нодонликнинг шафқатсиз душмани. Сиз остона ҳатлаб уйимга кирган шу бугунги кунни умримнинг энг бахтиёр куни деб ҳисоблайман! Илтимос қиламан, ўтиринг, ўтиринг! — Муаллим меҳмонни ўтқизиб, Наримонга қаради: — Чоп, ўғлим, ойимга қарашиб юбор, чой тайёрланглар. Энг аъло Озарбайжон чойидан бўлсин!

— Бахмал<sup>1</sup> чойдан бўлсин! — Меҳмон Наримоннинг орқасидан тайинларкан, кулиб қўйди.

Наримон ўртадаги столнинг устига гулдор Қорабог дастурхонини ёзиб, патнисда чой, мураббо олиб келганида Соҳиб муаллим ва Черняевский минг йиллик дўстлардек ширин суҳбат қилиб ўтиришарди. Наримон бир четда туриб, мароқ билан уларнинг гапларига қулоқ сола бошлади.

— Семинарияга Озарбайжон болаларидан топи-

---

<sup>1</sup> Ба х м а л — бу ерда: қуюқ, хушбўй маъносида келади.

шимиз қийин бўляпти.— Алексей Осипович энди ниҳоятда жиддий ва ташвишли оҳангда гапирарди.— Маорифнинг душманлари, халқни зулмат ичида сақламоқчи бўлганлар ҳар хил гап-сўзларни ёйиб юришипти, болаларини бермоқчи бўлганларни ҳам қўрқитишяпти. Гўё диндан тониб, кофир бўлишармиш... Энди ўзим шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб, истеъдодли болаларни йиғиб юрибман. Сиздек маориф ва маданият фидойилари билан учрашяпман. Илтимос қиламан, сиз ҳам бизга ёрдам қўлингизни узатсангиз. Оғизда ваъда қилганлар кўп, лекин амалда оз. Дунёнинг иши ўзи шунақа экан, ошга шерик кўпу, ишга шерик йўқ экан!

Черняевский гап орасида тез-тез озарбайжон мақолларидан ишлатарди. Унинг бу мақоллардан лаззат олаётгани аниқ эди.

— Мен семинариямизнинг озарбайжон маданияти учун жуда қимматли бўлган ходимлар етказиб беришига ишонаман. Бу эса йиғиб олган болаларимизнинг қобилияти ва уddaбурон бўлашига боғлиқ. Шунинг учун ҳам сиздан ялиниб сўрайман, ёшидан, саводли бўлиши-бўлмаслигидан қатъий назар, ўзингиз таниган, фикрли, ҳушёр, зийрак болаларнинг оналарига тушунтиринг, шу кузда келишсин, ўқитайлик!..

— Бош устига!— Соҳиб муаллим жавоб берди.— Сизларнинг меҳнатингизни, ҳаракатингизни зое кетказмайдиган болаларни топиб юборишга ҳаракат қиламан. Бизнинг халқимиз бир эвазига беш берадиган халқ, Алексей Осипович, сизнинг яхшилигингизни ҳам унутмайди. Бугун у замонадан ортда қолган бўлса, бунинг сабабларини сиз билан мен яхши биламиз, унинг қолоқлигини табиий бир кайфият, она сути билан кирган бир доғ деб баҳолайдиган, оёғига абадий кишан солиб, юришига имкон бермасликни ният қилган олчоқлар бор. Сизга ўхшаган соф қалб ва соф виждон эгаларининг бундай шум ниятли кишиларга, инсонлик туйғусини йўқотган ваҳшийларга қарши курашга бел боғлаганлари мени ва менинг онгли ватандошларимни ниҳоят даражада севинтиради, бизнинг келажакка бўлган умидимизни орттиради. Сизни инсонлик ва маориф соҳасида ўзимнинг абадий қардошим сифатида қучоқлаб ўпишимга рухсат этинг!

Соҳиб муаллимнинг ҳаддан ташқари севиниб, завқланиб, меҳмон билан қучоқлашиб ўпишгани Наримоннинг кўксини ҳам севинч билан тўлдирди.

— Қобилиятли болалардан бири мана бу! — Соҳиб муаллим ўтирганларидан кейин Наримонни Алексей Осиповичга тавсия этди. — Обориб ўқитсангиз, унинг қандай фаросатли эканини, қандай инсон бўлишини кўрасиз.

Янги меҳмон Наримон томонга ўгирилди. Диққат билан унга нурли кўзларини югуртириб чиқди. Сўнг-ра ўрнидан туриб, тоқчадан битта китоб олиб келди ва Наримонга бераркан:

— Қани, ўқиб бер-чи, — деди.

Бу китоб Фузулийнинг девони эди. Кўрсатилган шеър эса тил жиҳатдан энг содда газаллардан бири бўлиб чиққанлигидан, Наримон дарҳол ва осонликча ўқий олди:

Вафо ҳар кимсаданким истадим, ундан жафо кўрдим.

Кимники бевафо дунёда кўрдим, бевафо кўрдим.

— Офарин! Офарин! — Черняевский уни мақтади. Бошқа бир ғазални кўрсатган эди, Наримон уни ҳам дарҳол ўқиб берди.

— Олиб кетаман! — Черняевский Соҳиб муаллимга қаради.

Наримон фақат шундагина юраги қафасдаги қуш каби питирлаётганини ҳис этди...

## ТўРТИНЧИ ФАСЛ

### 1

Наримон отасининг ишлари яхши кетяптими ё ёмонми, юзига бир қарашдаёқ билиб оларди. Ишлари юришиб турган бўлса, отаси юзи кулиб, ранги очилиб юрар, яхши суҳбатлар қиларди. Кейинги пайтларда эса у жуда ҳам ўйчан эди. Баъзан ҳатто серзарда ҳам кўринарди. Онасининг ҳам тез-тез авзойи бузилиб турарди. Олдингидан кўра кўпроқ қимматчиликдан, етишмовчиликдан шикоят қиларди. Шунга қарамай, вазият умидсизланиш даражасида ёмон эмасди. Наримоннинг бир нарсаса, даромадлари ту-

вуккина эканига ақли етарди. Сўзнинг қисқаси, оила муҳтожлик тортмас, замонасига нисбатан ёмон яшамасди.

Лекин кутилмаганда уйлари тепасида қора булутлар айланиб қолди. Катта бир қўрқув — оғир муҳтожлик панжасига тушиб қолиш хавфи қора шарпа каби эшик қоқди.

Савдогар Али бир оқшом Нажаф кишини ёнига чақиртирди. Бу гапни эшитиши билан Ҳалима хоним безовта бўла бошлади. Қосим хонаси, имом таъзияси, тилла узук борасидаги гап-сўзлар ёдига тушди. Ушанда Нисо отин минбардан туриб, карбалойи Нажаф кишининг бутун оиласини, бутун қавм-қариндошини муртад деб эълон қилган, орқаларидан минг лаънат ёғдириб қолган эди. Шундан кейин айрим кишилар улардан юз ўгириб кетишди. Улар бу таъқибларга қарши сабр-тоқат билан чидаб беришди, бўҳтонларни аччиқ заҳар каби ичга ютиб кетаверишди. Бирмунча вақт ўтиши билан гап-сўзлар ҳам тиниб кетди. Шунга қарамай, Ҳалима хоним доим безовта бўлаверар, қандайдир ёмонликни кутиб юрарди. Чунки у Нисо отиннинг ҳам, савдогар Алининг ҳам кимлигини, уларнинг ҳеч нарсадан тоймасликларини жуда яхши биларди. У ташвишини неча марта эрига ҳам айтган, лекин Нажаф киши уни тинчитишга ҳаракат қилиб:

— Эй Ҳалима, у иш ўтди-кетди. Нега уни кўнглингга олиб, асабингни бузасан, инсоф юзасидан гапирганда, улар ҳам аччиқдан тушганга ўхшайди, орқамиздан сўз тарқатишмаяпти-ку,— деган эди.

— Бунга ишонманг, дадаси! Улар чаёндан баттар кекчил одамлар. Сўзларини икки қилганимиз учун ўч олиш пайида юришмаганмикин, деб қўрқаман...

Бу оқшом савдогар Алининг навқари ҳовлида пайдо бўлиб, Нажаф кишини чақирганида Ҳалима хонимнинг шубҳалари янгиланиб қолди. Юраги куйиб:

— Борманг, дадаси! Ҳойнаҳой яна ўша масала юзасидан чақиртирган бўлса керак. Сизга тузоқ қўйишган...— деб зорланди у.

— Қаёқдан била қолдинг, балки бошқа иши чиқиб қолгандир?!

— Навкарнинг овози менга ёқмади. Афт-ангори-ни кўрмадингизми, бизга худди ёвга қарагандай қараб турипти-ку?!

Нажаф киши кулди:

— Жуда ҳам ваҳима қилиб юбординг-ку, Ҳалима хоним! Хўжайиннинг қалбидан кечганини навкари қаёқдан билади?

— Навкар ҳам ҳар хил бўлади! Буниси хонаки лайчага ўхшайди. Хўжайини кимга жаҳл билан қараса, бу ўшанга қараб вовуллайди, хўжайини бақирса, бу почасидан олади... Борманг!..

— Бормасам бўлмайди!— Нажаф киши ғамгин овозда хотинига жавоб берди.— Ҳарна қилганда ҳам эътиборли ҳожи, савдогар одам. Худди менсимагандай бўлиб чиқамиз. У ҳолда ашқол-дашқолимизни кўтариб, Тифлистан чиқиб кетишимиз керак бўлади! Унда нима бўлади? Мени еб қўймас-ку, қани, бориб нима гаплигини билай-чи.

Нажаф киши савдогар Алининг уйдан вақти хуш бўлиб қайтди. Маълум бўлишича, савдогар гина-кудуратни унутпти. Барчага бўлгани каби Нажаф кишига ҳам «мусулмон биродарим» деб яхшилик қилмоқчи бўлипти. Нажаф киши икки қўли кўксиди, қайғуга ботиб уйнинг у бурчагидан бу бурчагига юрганча эрининг қайтишини кутиб турган Ҳалима хонимга:

— Хотин, сен ҳамиша бугунгидай янглишсанг кошки эди! Ҳожи биз ўйлаганчалик ёмон одам эмас экан!.. — деди.

— Оғзингизга бол-шакар-ей, дадаси! Сиз айтгандай бўлиб чиқса кошкийди. «Кўр бири тўғри, бири ғилай бўлса ҳам кўрар кўзни орзу қилади», деган мақол бор. Шунга ўхшаб, биз ҳам иссиқ ошимизга совуқ сув қўшилмасин, деймиз-да. Тинч қўйишсин деймиз. Нима деди, нимага чақиртирган экан?

Нажаф киши эшик тагида бошмоқларини ечиб, ичкари кирди. Тўрдаги шолчага ташлаб қўйилган кичкина кўрпачага бориб ўтирди-да, юмалоқ ёстиқча суяниб:

— Қани, хотин, мана бу ёққа ўтир-чи! — дея ёнидан жой кўрсатди.

Ҳалима хоним келиб эрининг рўпарасига ўтирди ва кўзини унинг оғзига тикди:

— Хотин, савдогар мен билан худди ўз жигари билан гаплашгандай гаплашди.

— Нима деди ахир? — сабрсизлик билан сўради Ҳалима хоним.

— Ингилистондан анчагина жун мато олган экан. Менга ўхшаш чакана савдо ишлари билан шуғулланидиганларга бўлиб берармиш. Обориб, беш-ўн кун ичида сотиб ўзларингга ҳам нон пули чиқариб олинглар, деди. Инглиз молининг баҳоси жуда яхши-да.

— Бундай саховат ҳожида қайдан пайдо бўлдийкин, дадаси?! Одамнинг ҳеч ишонгиси келмайди. Ахир у сариқ чақа учун тишини синдирадиганлардан-ку!

— Мен ҳам шунга ҳайрон бўлиб турган эдим. У дилимдан ўтганини дарҳол сизди. «Нажаф киши, мол-давлатим бошимдан ошиб ётипти. Ҳадеб йиғавериб нима қиламан? Мусулмон биродарларимга ёрдамим тегса дейман. Улар бу дунёда беш тангалик бўлиб олишса, менинг ҳам охиратимга савоби тегиб қолар»,— деди... Бунга нима дейсан, хотин?

— Гапнинг тўғриси айтсам, дадаси, «йўқ» ҳам деёлмайман, «ҳа» дейишга ҳам кўнглим чопмаяпти. Бу гапларга ҳеч ишоналмаяпман.

— Қўй, хотин, эркак киши туфлаган тупугини қайтиб оғзига олмаслиги керак. Рози бўлдим. Таваккали худо, қани, кўрайлик-чи, охири нима бўларкин...

Эртаси куни Нажаф киши молни олиб келиб сота бошлади. Лекин кўп ўтмай, ҳожи берган молларнинг ярмидан кўпини куя еб қўйгани маълум бўлди. Харидорлар бирин-кетин келиб, молни қайтариб, пуллари олиб кета бошлашди. Нажаф киши аҳволни ҳожига маълум қилган эди, у юзини бужмайтириб:

— Ҳой одам, қачон нонингни ҳалоллаб ейсан?— деди. — Нега бошқаларники яхши-ю, сеники чурук чиқади?! Нима, контрабанда молинг бўлса меникига қўшиб юбордингми, ёки молга яхши қарамай, куяга едириб қўйдингми?

Олдини Нажаф киши ўзини йўқотиб қўйди, кутилмаганда инсофсизларча тухмат қилаётган киши олдида нима дейишини билмай қолди. Диққати ошганидан юраги ёрилар даражага етди. Қип-қизил чўғдай Исфаҳон гилами устидаги юмшоқ кўрпачада ўтириб, ипак жилдлик юмалоқ ёстиқларга суянганча, нақшинкор Шероз калёнини чекаётган ҳожи Нажаф

кишининг бошидан оёғигача хўмрайиб қараб чиқди. Нажаф киши бу нигоҳларда ўзини тилка-пора қилишга ҳозир турган бир йиртқични кўраркан, беихтиёр ғазаби туғён ура бошлади. Ундаги бу ўзгариш эса ўз навбатида ҳожига ёмон таъсир қилмоқда эди.

— Нега кўзларингни олайтирасан?! Нима, мени еб қўймоқчимисан?

Нажаф киши ҳар ҳолда ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб, осойишталик билан жавоб берди:

— Ҳожи, бу нима деганингиз? Биз одам ейдиганлардан эмасмиз! Уша сиз қилган ҳажнинг ҳаққи-ҳурмати онт ичиб ўтинаман, менга бундай зулм қилманг. Мен қаёқда-ю, контрабанда моли қаёқда? Сиз нима берган бўлсангиз, мен шуни сотганман. Харидорлар ҳаммасини қайтариб олиб келиб ташлашди.

— Ёки харидорлар бошқа молни олиб келиб ташлашдимикан?— Ҳожи бир оз юмшаган бўлди.— Ҳозирги замонда ҳеч кимга ишонч йўқ, Нажаф киши. Одамзоддан ҳар нарсани кутса бўлади. Ахир, хом сут эмган-да! Хом сут эмган бандадан яхшилик кутиб бўладими?! Ҳозир динни динорга сотадиганлар бор...

— Менинг харидорларим пок одамлар, ҳожи. Ҳаммасини яхши танийман. Ҳеч қачон бундай қилишмайди. Айниқса менинг олдимда қалбаки иш тутишмайди!

Ҳожи Али яна ғазабланди:

— Гапингга қараганда, мендан бошқа ҳамма пок экан-да, а?! Худо ҳаққи, Нажаф киши, агар қўшни бўлмаганимизда, бир жойда нон-туз татимаганимизда бу сўзларингга қандай жавоб қайтаришни ўзим билардим! Энди бор, кет, бор, молни қаерда алмаштирган бўлсанг ўша ёққа жўна!

Ҳожи калённи оғзига олиб, сўрди. Хонани калённинг хўр-хўри тутиб кетди. Нажаф кишининг назарида бу «хўр-хўр» ҳожининг оғзидан чиқаётган ҳақорату, бошига дўқ этиб урилиб, орқага қайтаётгандай туюларди. Бир кўнглида қўлидаги нақшинкор, чиройли калённи тортиб олиб нақ миясига туширайми, деб ҳам ўйлади. Лекин шайтонга ҳай бериб ўзини тийди:

— Ҳожи, нимага десангиз шунга онт ичиб айтаманки, кужа еган молни фақат ўзингиздан олганман! Сизга эътиборимиз шунчалик кучликки, молингизни

олаётганда кўзимизни юмиб турамиз, бузилган-тузалганига аҳамият бермаймиз...

— Бу эртакни кимга айтяпсан, Нажаф киши! Бу тўқималарингга ким ишонарди?! Кўр одам ҳам савдогарчилик қиладими дунёда? Демак, сен нима олиб, нима сотаётганингни кўрмас экансан-да?! Хўш, сен олди-берди ўрнига кўз бойлогич ўйнар экансан, менда нима гуноҳ, хўш, мендан нима истайсан?! Жўна, қарердан топсанг топ, молнинг пулини олиб кел! Эсингда бўлсин: олди-берди дейилади, олди-бермади дейилмайди, ҳа!

— Ҳожи, инсоф қилинг, худодан қўрқинг! Жўжа-бирдай оиланинг нонини тортиб олманг. Ҳаром луқма уй бузар, ҳожи!

— Даф бўл, муртаддан тарқаган муртад! — Ҳожи этагини йиғиштириб ўрнидан турди. — Ўзингнинг еган-ичганингнинг бари ҳаром луқма, кофир моли-ку! На худони биласан, на имонни! Қосим уйига икки чақани кўзи қиймаган сен эмасмидинг?! Сенинг ҳалол-ҳаром тўғрисида гапиришга нима ҳаққинг бор?! Бир ҳафта муҳлат бераман, шунгача пулни олиб келмас экансан, ёқангдан бўғиб полисместир<sup>1</sup>нинг қўлига топшираман. Маҳкамада жавоб берасан!

Ҳожининг бу ҳаёсизлиги уни Нажаф кишининг олдида фош қилгандай, ғойибона бир қўл унинг сийнасини очиб, мурдор, чиркин юрагини кўрсатгандай бўлди. Нажаф киши ўзини ундан юз карра кучлироқ ҳис этди:

— Сен ҳали мени яхши танимас экансан, ҳожи! — деди у. — Ўзингни ўзинг ўлдирсанг ҳам мендан бир тийин ундира олмайсан. Маҳкамага борганда биз ҳам биламиз нима дейишни!

Нажаф киши ҳожининг хонасидан катта ҳовлига, ҳовлидан кўчага ўқдай отилиб чиқди. Бутун йўл давомида нима қилсам экан, деб обдан ўйлади, фикр қилди. Лекин бир қарорга кела олмади. Бирон-бир тадбир топишга роса уринди, лекин ҳеч иложи бўлмади.

Бу ёқдан бўлса Нисо отин енг шимариб майдонга чиқди. Маҳаллада, ҳамманинг олдида Ҳалима хонимнинг йўлини тўсди:

---

<sup>1</sup> Полисместир — полиция демоқчи.

— Ана, Имомнинг кучини кўринг-а! Тасадду-  
гинг кетай, бир кечада молларингни чиритиб юборди!  
Сенларни шундай кунга солдики, энди тагларингга  
тушиб ўтирган шолчагача сотсанглар ҳам қарздан қу-  
тула олмайсанлар!..

Нажаф киши акаси Али Мирза билан маслаҳат-  
лашди. Ҳожининг олдига одам юборса ҳам иш чиқма-  
ди. Ҳожининг юраги юмшамади. Ака-ука ўтириб, бор-  
будларини ҳисоблаб чиқишди, уй-жойни, сариқ си-  
гирни сотилган тақдирда ҳам қарздан қутулиб бўл-  
масди. Мана шундай вазиятда Нажаф киши ёнига  
Наримонни олиб, муаллимнинг уйига борди:

— Муаллимжон, худо хайрингизни берсин, бизни  
кечиринг. Ота-боболаримиз ақл ақлдан сув ичади,  
дейишган экан, унинг устига, ўқиган одамсиз, бизга  
бир йўл кўрсатинг,— деди.

Муаллим уларни ниҳоятда меҳрибончилик билан  
кутиб олди.

— Хуш келибсиз, Нажаф оға, қадамингизга ҳа-  
санот. Ҳеч хижолат бўлманг, кўнглингизда борини  
гапираверинг, агар қўлимдан келса сиз учун ҳар нар-  
са қилишга тайёрман. Чунки тоза одамсиз, яхши ки-  
шисиз... Марҳамат, ўтиринг!...

Муаллим Нажаф кишига жой кўрсатиб, На-  
римонга:

— Бор, ўғлим, ойимга қарашиб юбор, чой дам-  
лаб келинглар! — деди ва Нажаф киши томонга ўги-  
рилди: — Наримон бизга ўз ўғлимиздай бўлиб қол-  
ган...

Нажаф киши ўша замоннинг одати бўйича боши-  
дан папоғини олмасдан курсида ўтирган ҳолда арз-  
қол қилишга тушиб кетди. Чойни ҳам рад этди.

— Худо сизни бу дунёда ҳеч кимга муҳтож қил-  
масин, муаллим! — деди у. — Ҳали ҳам Наримон сиз-  
нинг ўғлингиз бўлиб қолган, яхшилигингизни унут-  
майди. Ҳозир бошингизга ташвиш кўтариб келдим.  
Савдогар Али мени ёмон чалкаштирди, маҳкамага  
судрамоқчи бўляпти.

Наримон муаллимнинг ниҳоятда ҳаяжонли руҳий  
аҳволни бошидан кечираётганини ҳис этди. Нимага-  
дир унинг юзи кулиб турар, кўзларидан севинч тўки-  
ларди.

— Бундан кейин маҳкамадан қўрқиб юрманг,

Нажаф ога! Энди у ердагилар ё адолат юзасидан иш тутишади, ёки маҳв бўлиб кетишади.

— Вой, тасаддугингиз бўлай, муаллим, адолат қаёқда дейсиз! Маҳкамага иши тушганларнинг бошида не балолар ўйнашни билмайсизми? У ёққа судрашади, бу ёққа судрашади, униси шилади, буниси лилади. Сариқ чақанг қолмаганини, пати юлинган товуққа айланганини кўришганидан кейин эса, тапча босиб Сибирга ҳайдашади.

— Ҳайдаша олмайди, Нажаф ога! Ҳозир истибдоднинг илдизига болта урилган. Русияда Александр II ни ўлдиришди! Тушуняпсизми, романовларнинг тахти-тожи титраяпти. Эндиликда маҳкамада ўтирганларнинг адолатдан бошқа суянчиқлари қолмади. Бу кун биз, Кавказ халқлари учун катта байрамдир. Истибдоднинг рамзи бўлмиш икки бошли бургут ўткир тирноқлари билан сийнализни теша олмайди!

Муаллимнинг нима деганини, нега мунча севинишни тушунишга ҳаракат қилган Нажаф киши беихтиёр сўради:

— Нима, бир подшоҳнинг йиқилиши билан бу оғир дастгоҳнинг зулми устимиздан кўтарилар эканми?! Бу полис, жандарм, погонли генераллар, маҳкама бошлиқлари, прокурорлар, елкасига қурол осган қўшинлар, қўлига қалам ушлаган амалдорлар-чи?.. Улар соғ-саломат туришибди-ку жойида?!

Подшоҳнинг ўлдирилиши ҳақидаги хабар Нажаф кишичи қувонтирмагани муаллимга ғалати кўринди:

— Подшоҳни ўлдирганлар ҳақ ва адолат номи билан оёққа туришган, Нажаф ога! Улар сиз санаб ўтган ҳашаротларнинг ҳам таъзирини бериб қўйишади, ё уларни инсоф билан ишлашга мажбур қилишади, ёки бутунлай майдондан четга улоқтириб ташлашади.

— Улар жойларидан қўзгалгунларича савдогар Али сиз айтган ҳашаротдан битта-иккитасига озгина пора бериб мени йўқоттириб юборади, деб қўрқяпман... Аҳвол мураккаб жуда, муаллим!..

Муаллим уйқудан энди уйгонгандай бўлиб Нажаф кишига қаради. Ҳақиқатдан ҳам, Петербургда юз берган ўзгаришлар бу ерга етиб келгунига қадар, савдогар Алига ўхшаган инсофсизлар чор амалдорларининг чўнтагини пул билан тўлдириб, Нажаф киши

сингариларнинг юз нафарини ҳам бир кунда йўқ қилиб юборишлари мумкинлигини ўйлади. Шу фикрнинг таъсирида Нажаф кишидан сўради:

— Нима бўлди, гапиринг-чи?

Нажаф киши воқеани бошидан оёғигача унга ҳикоя қилиб, сўзини шундай тамомлади:

— Савдогар Али вакил олиб келиб, уй-жойимни хат қилдириб, савдога қўймоқчи. Бошимга ёмон кун тушди, муаллим, менга бир йўл кўрсатинг!

Муаллим хаёлга толди. Ҳақиқатан ҳам таҳлика катта эди. Нажаф кишининг уйи хонавайрон бўлиши мумкин эди. Александрнинг ўлими сабабли пайдо бўлган қувончи бир катта оиланинг фалокати билан боғлиқ бўлган қайғунинг соясида қолиб кетганини муаллимнинг ўзи ҳам сезмай қолди. У ширин орзулар дунёсидан узоқлашиб, мана шу даҳшатли борлиққа қайтди. Бир Нажаф кишига, бир катталарнинг дарди-гами билан сиқилган Наримонга қаради. Узоқ сукутдан кейин:

— Ҳожи сизга қандай мато берган эди? — деб сўради.

— Юнг мато, инглиз молидан берган эди.

Бу сўзни эшитиши билан Соҳиб муаллимнинг яна чиройи очилди. Ўрнидан туриб, хонада юра бошлади:

— Ҳеч ташвиш тортманг, Нажаф оға! Ҳожи сизга контрабанда мол берган. Мен ўзим у билан гаплашман. Бундан кейин ҳожи ўртага одам қўяди, сиздан бу ишдан воз кечишингизни, устига битта, тагига битта тош бостириб ҳидини чиқармаслигингизни ўтинадиган бўлади.

Муаллим Нажаф кишини кўча эшиккача кузатиб чиқди. Улар билан хайрлаша туриб ниманидир эсладиди-да, порлоқ кўзларидан учқун сачратиб яна уларга ўгирилди:

— Нажаф киши, бу Наримонни, билсангиз, ўз фарзандимдан аъло кўраман. Унинг тақдирини менга ишониб топшира оласизми?

— Бу ҳақда сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, муаллим! Ўлдирсангиз ҳам, қолдирсангиз ҳам ўзингиз биласиз!

— Йўғ-э, шундай фарзандни ўлдиришга ҳеч одамнинг қўли борармиди?! Ўқиб, одам бўлсин дейман. Гори шаҳридаги семинария ҳақида эшитган бўл-

сангиз керак. Уч-тўрт йил аввал ўша ерда мусулмон бўлими очилган эди. Бу бўлимнинг мудирлари Черняевский олдимга келиб кетди. Таълимли, қобилиятли озарбайжон болаларини ахтариб юрган экан. Ўқишсин, муаллим бўлиб миллатимиз ичида маориф нури-ни ёйишсин деб.

Муаллим гапирар экан, Нажаф киши ҳам, Наримон ҳам унга диққат билан қулоқ солардилар. Боланинг кўзлари чақнаб кетди. Бу таклифни у кўпдан бери кутмоқда эди. Гори! Мактаб! Ўқиш! Ахир булар оиланинг кўпдан бери қилиб юрган орзуси-ку! Наримон отасининг ҳам, онасининг ҳам оғзидан неча марта: «Ҳеч бўлмаса мана шуни ўқита олсак эди!» — деганларини эшитган эди.

Лекин «ўқита олсак эди» деган сўзларни ҳар ким ўзича тушунарди. Ўша пайтларда озарбайжонликлар орасида ҳам Европа таҳсилнинг фойдалигини тушуниб етган оилалар пайдо бўлган эди. Айниқса, Кавказнинг Тифлис каби сиёсат ва маданият марказида яшаган кўзи очиқ одамлар гуржилар, арманилар ва руслар билан бўлган кундалик муомалаларида бунинг қайдай аҳамиятга молик эканини кўрмоқда эдилар. Русиянинг турли шаҳарларида ўқиб қайтган ҳакимлар, адвокатлар, муаллимлар бармоқ билан санарли даражада оз бўлса ҳам халқ ҳаётида борган сари катта роль ўйнай бошлаган эдилар. Саводсиз ва орқада қолган оилаларда ҳам уларнинг нуфузи ортиб бормоқда, ҳаммада болаларини ана шу ҳолда кўриш орзуси уйғонмоқда эди. Ҳалима хоним ҳам ана шундайлар жумласидан бўлганини ўқувчи эсидан чиқармаган бўлса керак...

Лекин ўша даврнинг беклари, хонлари, отинлари, хурофотга берилган нодонлари Европа таҳсилига бошқача қарардилар. Уларнинг назарида бу — шайтон йўли эди, кофирлашиб кетиш, динни қўлдан чиқариш деган сўз эди. Шунинг учун ҳам улар болаларини янги усулдаги мактабга берганларни, Русияга ўқишга юборганларни муртад, диндан, худодан тонган хоин деб аташар ва уларга қарши шиддатли жанглар олиб борардилар. Ота-оналарни жаҳаннам азоби, худонинг қаҳри билан қўрқитардилар. Наримон, уларларида шу борада суҳбат бўлганида, отасининг доим хаёлга толганини, қатъий бир сўз айтмаганини кўрар

эди. Шунинг учун ҳам ҳозир унинг оғзини пойларди. Муаллимнинг таклифини қандай қарши олишини кутарди. Отаси эса ҳозир ҳам қатъий фикр билдирмади:

— Қайдам, муаллим, қани, бир ўтириб маслаҳатлашайлик-чи, сизнинг оғзингиздан чиққан бирон сўзга мен «йўқ» деб жавоб бера олмайман. Дабдурустан «ҳа» ҳам дея олмайман, чунки бу енгил масала эмас. Фарзанднинг тарбияси масаласи оғир савдо. Юз марта ўлчаб, бир марта кесиш керак бўлади...

— Албатта, маслаҳатлашинг, ҳар томонлама ўлчаб-бичинг! — Муаллим Нажаф кишининг шубҳа ва тараддудларини тушунгани ҳолда гапирди. — Лекин мен ўқишга боришини маслаҳат берган бўлардим. Сал атрофга ҳам қараш керак, Нажаф оға. Шу пайтгача бўлган бахтсизлигимизнинг сабаби шундаки, катта-миз ҳам, кичигимиз ҳам эртанги кунни кўрмадик, тушунмадик, қўлимизда эса, худога таваккал қилишдан бошқа қуролимиз йўқ. Бундай осонликча қўлга тушмайдиган, уддабурон, бундай ақлли, фаросатли болага фурсат борида Европа таҳсилани бермаслик гуноҳ иш...

Уйда Наримон отасининг жим ўтириб қолганини, чуқур хаёлларга толганини кўриб, ўзича пайтини топди-да, секингина онасига муаллимнинг таклифини маълум қилди. Ҳалима хоним катта умид нури порлаган кўзлари билан ўғлига тикилиб, бир неча савол берди, отаси билан муаллим ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни муфассал ўрганди. Лекин ўзи Нажаф кишига ҳеч нарса демади, эрининг олдин сўз бошлашини кутди. Фақат кечқурун, оила аъзоларининг ҳаммаси бир жойга тўпланиб, овқатланганларидан кейингина, Нажаф киши муаллимнинг таклифи хусусида сўз очди:

— Муаллимга на «йўқ» дея оламан, на-да рози бўлишга юрагим бетлайди! — у ўтирганларга бир-бир қараб чиқди. Ҳалима хоним эса:

— Нега юрагингиз бетламайди? — деб сўради. — Бориб ўқийди, бир ҳунар эгаси бўлиб қайтади. Ёки бўлмаса унинг ҳам тарозидан уриб кун кўришини истайсизми?!

— Ундай ниятим йўқ, бўлган ҳам эмас. Худо ургур олибсотарлик ҳам ҳунар бўптими! Иложи бўлганда бу касбни аллақачон ташлаб юборган бўлардим,

Ҳожи Алига ўхшаган қаллобларнинг юзини кўрмаган бўлардим!

— Шундай экан, нега юрагингиз бетламайди?

— Чунки, қўрқаман. Биринчидан, ота-онадан узоқ жойга борганда бошига бир мусибат тушиб қолишидан қўрқаман.

Наримон қандай қилиб сўзга аралашиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди:

— Қўрқманг, дада, ҳеч нарса бўлмайди. Ёмон болаларга қўшилмайман. Мусибатдан ҳам ўзимни эҳтиёт қилиб юраман.

Али Мирза ғайри ихтиёрий бир меҳр билан Наримонни қучоқлаб юзидан ўпди:

— Худо ҳаққи, шундай фаросатли болани ўқитмаслик гуноҳи азим!— деди ва Нажафга қаради.— Мени кечир, ука, сўзинг чала қолди. Яна нимадир демоқчи эдинг чамамда.

— Замона жуда огирлашиб кетди демоқчиман. Нима қилишингни билмайсан киши. Эллик ариқнинг суви бир-бирига қоришгандай. Юборай десанг, бориб бир йил, уч йилдан кейин қай аҳволда қайтиб келишини худо билади. Ака, ишларимизни, эртанги кунимизни ўйласам, болани рус мактабига бериб ўқитишимиз кераклигига ақлим етади. Кунимиз энди фақат домлаимом билангина битмай қоляпти.

— Асосий гап ҳам эна шунда-да! — Али Мирза укасини руҳлантирди: — Замон ўзгариб қолган, янги замонга қараб иш тутиш керак...

Ҳовлида Соҳиб муаллимнинг овози эшитилиши билан ҳамма ўрнидан турди. Ҳар галгидай уни иззат-икром билан ичкарига таклиф этиб, тўрга ўтқазирди.

— Наримон ҳақида гаплашиб ўтирган эдик,— Нажаф киши муаллимнинг савол тўла кўзларига қаради.— Қўрқяпман, муаллим, ёмон тиллардан қўрқяпман. Боласини домлага бермади, олиб бориб кофирхонага тиқиб қўйди, деб карнай чалишади...

— Чалаверисин! — муаллим ҳеч қандай эътирозни қабул қилмайдиган қатъий оҳангда гапирди.— Карнайчига қулоқ соладиган бор эканми? Менинг сўзимга киринг, пушаймон емайсиз... Болангизни ўзим сиздан ҳам, мендан ҳам яхши қарайдиган одамнинг қўлига топшираман. Черняевскийдақа одамлар бу оламда камдан-кам топилади. Инсонийликда, маърифатпар-

варликда унга тенг келаётгани йўқ. Унинг мусулмонлар орасида маърифат нурини таратиш йўлида чеккан ташвишининг юздан бирини бизнинг ҳожи-алиларимиз тортса кошки эди. Унда ғамимиз юз марта камайган бўларди!

Анча-бунча музокаралардан кейин Нажаф киши розилик берди:

— Ҳеч нарса деганим йўқ-ку, муаллим, сизнинг бир сўзингизни икки қилармидим! Боланинг ҳам ҳаваси бор, қуш бўлиб ўша ерга учгиси келиб турипти, майли, бориб ўқисин. Таваккали худо!..

Ҳалима хоним қўлини Наримоннинг бошига қўйиб:

— Муаллим, худо хоҳласа, болам сизни ҳам, бизни ҳам пушаймон қилдирмайди!..— деди.

## 2

Соҳиб муаллим Нажаф кишиникидан қайтаётган пайтда оқшом қўнган, Тифлиснинг очиқ осмони юлдузларга тўлиб кетган эди. Бу ердаги тор, қингир-қийшиқ кўчалар қоронғи ва кимсасиз эди. Фақат пастда, шаҳарнинг марказий қисмидаги катта кўчалар бўйлаб жойлашган икки-уч қаватли улкан биноларнинг деворига осиб қўйилган чироқларнинг заиф нурларигина саргайиб турарди. Туннинг оғир сукунاتини ҳар замон-ҳар замонда кичкина ҳовлилардан йўловчиларга қараб истамайгина вовуллаган итларнинг ва аллакимларни аллақаяқларга олиб кетаётган файтонларнинггина овози бузарди. Бу овозлар ўчиши билан оғир сукунат ҳар тарафни қамраб олар ва кишида ваҳима уйғотарди. Лекин Соҳиб муаллим қўйнига ваҳима тўлдирган бу қоронғи тунга ҳам, бу оғир сукунатга ҳам ўрганиб кетган, у ўз хаёлларига берилиб уйи томон одимларди. Одимлар ва ўйларди...

У Нажаф киши билан савдогар Али ўртасида пайдо бўлган ихтилофни қай йўл билан йўқотиш мумкинлигини ўйларди. Савдогар Алини тинчитиш учун Нажаф кишига контрабанда моли ва расмий идораларни ўртага солиш ҳақида билдирган фикри ҳозир унинг ўзига ҳам шубҳали кўринарди. Мустаҳкам оёқда турган савдогар Али минг хил воситадан фойдалана олар эди. Пора бериши, тамагир бир амал-

дорнинг қўли билан бир қанча айбларни қалаштириб Нажаф кишининг гарданига қўйиши ва бу оилага бир умрга татийдиган душманлик қилиши мумкин эди. Бу эса ҳеч ҳам орзу қилгулик иш эмасди. Бусиз ҳам савдогар Нажаф кишидан, Ҳалима хонимдан норози эди, уларнинг диний эътиқодларининг суст-лонлигини, катта-кичикки менсимаганларини, бу мусулмонларга ёмон таъсир кўрсатаётганини гапириб, орқаваротдан ҳар ер-ҳар ерда гап чувалатиб юради. Қосим хонасини безатиш учун пул бермаганларини эса, катта бир гуноҳ деб эълон қилиб, ҳанузгача унута олмаган эди. «Жаҳолат! Жаҳолат!— деб ўйлади Соҳиб муаллим.— Менинг ўз бошимга тушган савдолар жаҳолатнинг маҳсули эмасми?! Ўз акамни менга душман қилган ўша жаҳолатнинг ўзи эмасми?!» У Нажаф киши ва унинг бола-чақасининг ҳаловати бузилмаслиги учун, келгусида тинч яшаши учун, ҳозир савдогар Али билан ўчакишмоқ мақсадга мувофиқ эмас, масалани тинч йўл билан ҳал этиш лозим, деган қатъий қарорга келди.

Лекин қандай қилиб? Соҳиб савдогар Алини яхши танимасди. Халқни гадойликка ўргатиши ва эҳсон тэрқатиши туфайли рўпара бўлгани демаса, у билан ҳамсуҳбат ҳам бўлмаганди. Айтишларига қараганда, у ўта диндор, ҳатто «миллатпараст» ҳам экан. Аслида у миллат йўлида пул сарфлайдиган одам эмасди. Лекин, ҳар ҳолда, кўча-кўйда у ҳақда шу хилдаги фикрлар ёйилган эди. Тўғри, Соҳиб муаллим бу «кўча-кўйда»ги гап-сўзларга унчалик ишонмасди. Бу фикрни Нисога ўхшаган аёлларнинг оғзидан олиб, атрофга ёядиганлар кўплаб топилишини яхши биларди. Бундайлар савдогарнинг бирон-бир азиз кишисининг азасида, қурбон байрамида, бирон маъракасида бўладиганлар ва ҳар пайшанба куни тарқатган эҳсонидан қорнини тўйғазадиганлар, савдогардан қарзга пул, кўтара савдога мол оладиганлар ва мана шунга ўхшаган одамлар бўлиб, улар ёйган сўзларни ҳақиқат деб бўлмасди. Улар бир нарсани билганларидан эмас, текинтомоқлик, тамагирлик, бирон-бир манфаат умид қилиб юрганлари учун ҳам бу гапларни ёярдилар. Ҳар ҳолда Соҳиб муаллим савдогарнинг хасислиги ҳақида бирон гап эшитмаганди. Мана шунинг ўзи ҳам яхши хусусият эди ва у билан юзма-юз ўтириб

гаплашишга, ишни тинчитишга умид уйғотарди. Ҳа, бирдан-бир тўғри йўл бу ишга девонсиз-маҳкамасиз чора топиш, уларнинг ўртасида адоват пайдо бўлишининг олдини олиш эди. Шу мақсад билан Соҳиб муаллим эртага савдогар Алининг олдига боришга қарор қилди ва бу фикрдан ўзида енгиллик ҳис қилди. Чунки у икки ватандоши ўртасидан душманлик, адоватни кўтариб, ўрнига дўстлик, биродарлик уруғини сепиш йўлини топганидан хурсанд, назарида бундан катта, бундан савоб иш йўқдек эди.

Соҳиб муаллим халқининг бахтсизлиги, бошқа халқлардан ортда қолиши, фалокат ва мусибатларга дучор бўлишининг биринчи сабабчиси жаҳолат ва иккинчиси ватандошлар ўртасида бирликнинг бўлмаслиги деб биладиган зиёлилардан эди. Агар жаҳолат бутунлай йўқотилса, ҳамюртлари ўқиб, оқ-қорани танийдиган бўлиб олса, ҳамма халқ ишига, жамоат ишига бош қўша олишига, бир ёқадан бош чиқариб, мақсад йўлида кураш олиб боришига Соҳиб муаллим бутун борлиги билан ишонарди. У савдогар Али билан Нажаф кабилар бирлашиб кета олишига ҳам ишонар ва шунга умид тутарди. Бунинг учун фақатгина жаҳолатни таг-туғи билан йўқотиш, асрлар мобайнида мусулмонлар орасига сепиб келинган бир-бирини кўра олмаслик ва адоват уруғларини маҳв этиш, куйдириш лозим эди. Бу фақатгина илмнинг, маорифнинг зиёси билан амалга ошмоғи мумкин эди. Соҳиб муаллим шунга ишонар ва бор куч-қувватини шу ишга сарфлашга интиларди!

Бутун жануб шаҳарларида бўлгани каби, Тифлисда ҳам ёзнинг узун, кишини толиқтирадиган иссиқ кунларидан кейин роҳат фасли, куз кунлари бошланаётган эди. Борган сари кечалар узайиб борар, кун ботди дегунча қоронғи жануб осмонидан кишининг дилига ором берувчи салқинлик инарди. Шаҳарнинг ичидан оқиб ўтадиган Кур дарёсининг соҳилларида, Санъон тоғининг ёнбағирларида, Соҳиб муаллим истиқомат қилган тепаликларда ҳаво яна ҳам сарин ва енгил бўлиб борарди.

Соҳиб муаллим юлдуз тўла осмонни томоша қилишни яхши кўрарди. Соатлар давомида Сомон йўлига, Етти оғайнига, бу ажойиб сирли дунёга маҳлиё бўлиб тикилиб ўтирарди. Бу одат унда болаликдан

пайдо бўлган эди. Онаси билан пешайвонли уйда ўтирганларида у кичкина деразадан осмонга қанчалар узоқ термилган ва неча марта мана шу кўйи дераза олдида уйқуга кетган эди. Мовий осмоннинг биллур ойнаси ҳозир ҳам қалбида ўша узоқ йилларнинг рўёга айланган туйғуларини уйғотарди... Ҳатто, ер юзидаги мусаффо ҳавода ҳам юлдузларнинг таъсирини кўргандай бўларди. Дилга ором берадиган бу саринлик гўё кўк юзига сепилган юлдузларнинг нафаси эди, зим-зиё қоронғилик фазоларни ёриб чиқиб, бизнинг тупроғимизга қовушаётгандек эди...

Яна Тифлис устига руҳни безовта қиладиган гўзал бир оқшом чўккан эди. Соҳиб муаллим бундай оқшомларда уйига қай вақт қайтса-да, шошилмас, секин-секин юрар, кўкрагини тўлдириб енгил ва тоза ҳаводан нафас олар, бутун кун давомидаги чарчоқнинг баданидан чиқиб кетаётганини ҳис қилиб, ҳазин хаёлларга берилар, кўпинча жамият, ҳаёт ва муҳит ҳақида азобли-азиятли фикрларга толарди... Бу фикрлар унинг миясида минг турли жавобсиз саволлар уйғотар, топган жавоблари эса жўялик бўлмас ва мушкул бўлганидан бир оғир юк каби кўкрагидан босар, юрагининг сиқилишига сабаб бўларди.

Ҳозир Соҳиб муаллим Тифлиснинг баланд тепаликлари бағрида, асосан озарбайжонликлар яшайдиган тор ва қинғир-қийшиқ кўчалардан ўтиб бораркан, хаёлга толган эди. Нажаф карбалойи билан савдогар Али ўртасида Нисо отиннинг пуфлаши билан алангаланган ва борган сари чуқурлашуви мумкин бўлган ихтилофни йўқотиш борасида аниқ бир қарорга келганидан кейин, у бошқа ҳамма азобли фикрларни миясидан нари ҳайдашга, бу сокин ва ёқимли оқшомнинг нафасидан баҳра олишга интилди.

Лекин удалай олмади. Момоси ҳам, туққан онаси ҳам замоннинг ўзи бўлган машаққатли ва қайғули фикрлар инсон нафас олаётган ҳавога ўхшайди, қаёққа борма — ёнингда, қаёққа борма — сен билан бирга. Улардан қочиб қутулиш мумкин эмас. Ахир, ўгай толе шу қадар азоб-уқубатларга бардош берган азиз онасини ҳамон ўз ҳолига қўймаётган экан, Соҳиб муаллим бу фикрларни унута олармиди? Аёл киши, аёл бўлганда ҳам мусулмон аёли бўлганлиги учун Ҳури хонимнинг европача таҳсилига, олдинга ташлаган ташаббус-

ларига шубҳа билан, очиқдан-очиқ эътиборсизлик билан қарардилар. Қўлидан келадиган ишни қилишга қитдек имкон беришни истамасдилар. Қаерга борса: «Кўрамиз, хоним, ўйлашиб кўрамиз, хоним, мусулмонлар орасида иш олиб бориш учун сизга муносиб жой топиб берармиз!» — дейишар, лекин эртага келинг, индинга келинг деб сарсон қилишарди... Ниҳоят, у ўз уйида мактаб очмоқчи, қиз болаларга дарс бермоқчи бўлди. Бу ишни ҳам пайсалга солиб, на ҳа, на йўқ дейишди. Ҳури хоним тобора асабийлаша бошлади. Ҳуни бўйи уйда ўзини қўйишга жой топмасди. Соҳибнинг тасаллиларига, кўрсатаётган меҳрибончилигига қарамай, ғам чекаверганидан, охири асаб касаллигига мубтало бўлди, боши оғрийдиган бўлиб қолди... Соҳибнинг азоб билан уни боғларга, томошабоп жойларга олиб юриб, оз-оздан ўзига келтираётган бир пайтда савдогар Али билан Нажаф кишининг можароси чиқиб қолди. Она эса бундай ишларга лоқайд қарай олмасди... Шунини ҳам дард қилиб юрагига соларди...

Она Соҳибни уйнинг олдида, кичкина айвонда, кўзларини ҳовлига тиккан ҳолда кутиб ўтирарди. Ўғли келиши билан:

— Қалайсан, ўғлим? Нима янгилик бор? — деб унинг юзига диққат билан тикилди. Бу қараш фақат оналаргагина хос бўлиб, улар шу бир қараш билан фарзандларининг дилидаги, руҳидаги ҳамма нарсани билиб олишади.

— Дурустман, онажон, ўзингиз қалайсиз? Шукурлар бўлсинким, юзингизга аввалгидай ранг кирипти! — Соҳиб онасининг елкасидан тутиб, меҳр ва ҳарорат ёғилиб турган кўзлари билан уни эркалади. Бу меҳр, бу ҳарорат бир зумда она юрагидаги ғамларни сидириб ташлади, мисли чироқ бўлиб унинг юзини ёритди. Ҳа, Ҳури хоним шу пайтда она юраги учун оламда фарзанд меҳридан ҳам таъсирли ва қимматлироқ шифо йўқ эканини ўйлади... У Соҳибнинг ўзидан хиёл баланд ва тўла эканини эндигина кўргандай, кўзларини катта-катта очиб, унинг бошидан оёғигача қараб чиқди-да:

— Бўйларингдан ўргилай, болажоним! — деди. — Сенингдек ўғли бўлган онанинг бу дунёда нима ғами бўларди?..

Ҳури Петербургдан Тифлисга катта ҳавас билан қайтгач, кўзга кўринмайдиган, шунинг учун ҳам даф қилиш қийин бўлган тўсиқлар қаршисида ширин орзу ва истакларининг ғам-гуссага айланиб, юрагига оғриқ сола бошлаганини кўрганидан кейин, тез-тез ўзига ҳаётидаги асосий орзуга етгани, Соҳибни ўстириб, катта одам қилиб, ўқитиб яхши таҳсил бергани, у ватанига керакли инсон бўлиб етишгани, одамлар олдида ҳурмат-эътиборли бўлиб қолгани билан тасалли берарди. Ахир бир вақтлар буларнинг барчаси Ҳури учун бир хаёл, бир орзу эди-ку! Соҳибнинг болалиги, ўша ҳовлидаги фожиали ҳаётлари, бошларига тушган ўлимдан фарқсиз таҳликалар кўз ўнгиди жонланганида, Ҳури ҳозирги турмушини, ҳозирги вазиятни ҳақиқий бахт деб ҳисоблар эди. Лекин сал туриб ўзи ҳам бу шукронанинг сохта эканлигини, соддагина бир тасалли топиш учун шундай хаёлга борганини эслаб: «Ўз ҳақи-ҳуқуқимни менга бахт тарзида тақдим этган жамиятни яхши деб ҳисоблаб бўладими?!» — дерди. Лекин бу фикрларни фақатгина ўз қалбида сақлар, Соҳибга билдирмасди. Усиз ҳам ўғлининг бутун борлигини кемираётган норозиликлари, андишаларини орттиришни истамасди... Она истамаса ҳам муҳит ва кундалик ҳаёт Соҳибни минг турли азобларга дучор қиларди. Она бундай фикрлар Соҳибга ўхшаган бақувват ва фаол табиатли одамларни қаерга олиб боришини яхши биларди. Соҳиб жонишинликдаги монархист амалдорлардан, давлатнинг бошқа халқларга қарши зулмкорлик сиёсатидан, эркин фикрли одамларнинг шафқатсизларча таъқиб қилинишидан ғазабланиб гапиргани сари, истаса-истамаса онанинг эсига Наташа тушар, юрагида яширин ваҳималар бош кўтарарди. Лекин у Соҳибга бошқа йўлни кўрсата олмасди. «Бу фикрлардан узоқ тур!» — деб айтишга тили бормасди. Чунки Соҳибнинг сўзлари тўғри эди. Онанинг ўзи ҳам буларнинг барчаси ҳақиқат эканини аллақачон тушуниб олганди. Шундай экан, қандай қилиб фарзандига ҳақиқатдан юз ўғир, ҳақиқатга орқа ўғир, ёлғончилик билан яша, деб айта олади?! Ҳури минглаб одам ноиложликдан, оддий жисмоний озодлигини сақламоқ учун, оиласига бир бурда нон топиш дардида шундай қилишларини биларди. Лекин Соҳиб бу йўлдан бора олмасди, шу хилда ҳаракат қилиш —

унинг учун руҳан, маънан ўлим билан тенг эди. Бундан кейин эса у жисман ҳам яшай олмаган бўларди!.. Шунинг учун ҳам Ҳури ҳар сафар ўглига диққат билан қулоқ солар, унга ҳали яхши кунлар келади, деб умид ва тасалли берарди. Кўнглида бўлса олдинда бизни қанча зиддиятли, огир ва фожиали курашлар, қанчадан-қанча тубсиз жарликлар кутаётганикин, деб ўйларди...

Ҳеч бўлмаса шу оқшом ўғлини қайғули фикрлардан узоқ тутиш мақсадида, чой олиб келиб у билан юзма-юз ўтирди-ю, Наримонни Горига юбориш тўғрисида сўз очди:

— Уйдагилари розилик беришдими?

— Ҳа, онажон, рози бўлишди. Улар менинг сўзимни ерга ташлашмайди...

— Албатта, у ерда Али Мирзага ўхшаган ақлли одам бор-да... Ҳалима хоним ҳам паст-баландга тушунадиган аёллардан.

— Наримонни айтмайсизми! Онажон, у менга жуда ёқади-да. Мен унингчалик ақлли, тушунадиган, тамизли болани кўрмаганман. Халқнинг келажаги мана шуларнинг тарбиясига боғлиқ бўлади.

Ҳури хоним ҳам Наримонни яхши кўрарди. Бунинг айрим сабаблари бор эди. У Наримонда ўгли айтган хусусиятлардан ташқари, она юраги учун янада азизроқ бўлган бошқа бир нарсга ҳам кўрарди:

— Соҳибжон, унга қараганим сари, сенинг болалигинг эсимга тушади. Бўйи-баста, ҳаракатлари сенга жуда ўхшайди-да!..

— У мендан ҳам ўзиб кетади, она! Чунки булар майдонга кирган пайтларида ҳаёт жуда ўзгариб кетади, ҳозирги кишанлар, занжирларнинг кўпи узилади. Ана шу кишанлар кенг қулоч отишимизга, қимирлашимизга имкон бермаяпти, орзуларимизни ўлдириб юборяпти. Бу болаларнинг кўпчилиги бу кишанларни узиб, янада кенгроқ майдонда фаолият кўрсатадиган бўлишади. Мен бунга ишонаман, она!

— Ёрдам қилгин, ўғлим, бола бориб ўқисин. Янги одамлар, янги тарбия ва таҳсил кўрган одамлар кўпайиши керак. Ана шунда бирор ишнинг уддасидан чиқиш мумкин бўлади. Битта гулнинг очилиши билангина баҳор бўлмайди, деганлар. Болаларимизнинг юзини домла-отинлардан бу томонга ўгириб олишимиз ке-

рак. Отанг раҳматлик менга доим: «Ҳури, биз карвоннинг орқасида қолганмиз, қани энди иложи бўлса-ю, бир лаҳзагагина дунёнинг авзойини сенга кўрсата олсам, шунда биз қандай ёмон аҳволда эканлигимизни кўрардинг», дер эди. Ўша пайтларда мен бу сўзларнинг маъносига тушунмас эдим. Билсанг, даданг нима деганини, халқимиз учун ёруғ тонг истаганини энди тушуниб етаяпман!..

Ҳури ҳеч маҳал эри ҳақида ҳаяжонланмай гапира олмасди. Уни эслаганида кўзлари порлаб, овози қалтираб кетарди. Соҳиб буни қайта-қайта ҳис қилган, шунинг учун онасининг муҳаббат тўла ҳароратли сўзларига асосланиб, отаси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлган эди.

— Отам ниҳоятда илғор одам бўлган-а, онажон!— Соҳиб жавоб кутиб ўтирмай илова қилди:— Шунинг учун ҳам халқига нурли тонг орзу қилиб яшаган! Баъзан ҳаёлга берилиб, кўзимни замона уфқларининг ортига, эртанги кунга тикканимда, худди бир мармар саройга қарагандай бўламан.

— Менинг эса кўнглим тоғдай кўтарилади, ўғлим! Чунки, ўша мармар саройнинг пойдеворига даставвал гишт қўйганлардан биттаси сен, менинг азиз ўғлим бўласан. Мен учун бундан катта қувонч йўқ.

Соҳиб онасининг овозидаги қайғу оҳангининг маъносига яхши тушунарди.

— Турган гап, онажон, сиз ҳам ўз меҳнатингизнинг маҳсулидан баҳраманд бўласиз. Биз ирода билан, тоқат билан инсон кўринишидаги руҳсиз машиналар устидан ғалаба қозонамиз! Сиз ниятингизга етасиз.

— Менинг мусулмон қизларини ўқитиш учун мактаб очишимга ижозат берилишига ҳеч ишона олмайман!— Ҳури хоним қайғусини изҳор этган эди, Соҳиб унинг руҳини кўтарди:

— Албатта очасиз, она! Ҳеч ташвишланманг. Биз ниятимизга етмагунимизча қўймаймиз. Истибодд навкарларининг маърифат нуридан қўрқишлари ҳеч ажабланарли эмас. Мен бу сўзнинг асл маъносига, маърифат — ёруғлик, жаҳолат — қоронғулик эканига энди тушундим! Золимларга ва юлгичларга эса, ўзларининг қонли ва жирканч ишларини бемалол ниҳоясига етказишлари учун қоронғулик керак. Биз маърифат-

ни ёймасак ўртадан зулм кўтарилмайдиганга ўхшайди!

Бир оз олдин, ўғлим билан юракни тимдалайдиган масалалардан гаплашмайман, деб чиқарган қарорини онанинг ўзи бузди. Энди улар муҳитнинг қоронғилиги ва жаҳолат, золим ва адолатсиз ҳокимлар ҳусусида тўлиб-тошиб гаплаша бошладилар. Суҳбат гоҳ умумий масалаларга кўчар, гоҳ Наримоннинг оиласига қайтарди. Соҳиб муаллим савдогар Алининг олдига бормоқ ниятида эканини билдирганида, она турли хаёлга борди. Ҳали қишлоқда эканида Райҳон хонимнинг савдогар ҳақида айтган гапларини эслади. Пок одамларга хос бўлган табиий соғлом туйғулар Ҳури хонимни Тифлисга келган кунидан бошлаб савдогар Алидан ўзини четда тутишга мажбур қиларди. Ҳатто бир марта савдогарнинг ўзи Нисо отин орқали салом йўллаган, Ҳурининг қишлоқдаги қариндошлари билан борди-келдиси борлигини маълум қилиб, унга яқинлашмоқчи бўлган, бирон ёрдам керак бўлгундек бўлса тортинмай унга мурожаат қилиши мумкинлигини таъинлаган эди. Ҳурининг совуқ жавоблари, эътиборсиз муомаласи савдогарни ўз фикридан қайтишга мажбур қилган эди.

— Сабр қил, ўғлим! — Ҳури хоним ўғлини қайтарди. — Эшитишимга қараганда, савдогар жуда ҳийлакор одам экан. Унинг кўнглидагини ҳеч билиб бўлмайди дейишади! Бундай одамларга ишониб бўлмайди. Яхшилик ваъда қилиб, ёмонлик қилиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас!

— Нажаф оғани унинг қўлидан қутқариб олиш керак-да, ойи! Жўжабирдай оилани бошпанасиз қилиб қўйиши мумкин... Шунинг учун ҳам унинг олдига боришим керак. Бўлмаса эшигини кўришга тоқатим йўқ. У савдогар, мен ўқитувчиман, гапимиз бир-бирига тўғри келмайди...

Лекин эртаси куни кечки пайт Соҳиб муаллим савдогар Алининг олдига борганида ҳожидан шундай ҳурмат-иззат кўрдик, шундай ширин суҳбатидан баҳраманд бўлдик, натижада у ҳақда илгари эшитганларига шубҳа билан қарай бошлади.

Навкар савдогар Алига муаллимнинг ташриф буюрганини хабар қилганда, у ғайри оддий бир шодлик ва очиқ юз билан унга ўзи пешвоз чиқди. Ҳовлининг ўр-

тасигача қўйиб юбормай, қўлини қаттиқ-қаттиқ қисиб, хуш келдингиз, деб махсус хонага олиб кирди.

— Қадамингизга ҳасанот, муаллим!— деди у.— Қайси шамол учирди?! Қандай бахтли тасодиф бизни сиз билан учрашиш шарафига муяссар қилди?!— Кетма-кет берган саволларига жавоб ҳам кутмай, очик турган эшикдан ҳовлига қараб қичқирди:— Ҳой, бола-лар, тез-тез чой тайёрланглар, мевадан, ширинликлардан олиб келинглар, қандай меҳмон келганини бир кўринглар-чи...

Ҳожи азбаройи севинганидан муаллимга гулдор гилам устидан жой кўрсатди.

— Марҳамат, ўтиринг!— у аввал меҳмоннинг ўтиришини кутди, лекин бирданига кулиб хонанинг ичидан қаёққадир очиладиган иккинчи эшикни кўрсатди:— Бу ёққа марҳамат, бу ёққа, бу ёққа!— деганича тезлик билан эшикни очди, Соҳиб муаллим нисбатан чоғроқ бир хонага ўтди. Бу хона бутунлай европача жиҳозлар билан безатилган, устига ипак дастурхон ёзилган катта столнинг атрофига тўқима стуллар қўйилган, деразалари олма, беҳи, анор дарахтлари ўсиб турган боққа очилар эди.

— Марҳамат, муаллим, хушингизга ёққан жойга ўтиринг!

Соҳиб муаллим ўтиролмади. Хона шу қадар саранжом ва чиройли эдики, у типпа-тик туриб, рангли су-ратлар осилган деворларни томоша қила бошлади. Бу ерда Соҳиб муаллимга кўпдан бери таниш бўлган Рафаэль, Микеланжело ва Репин асарлари бор эди. Улардан ташқари, баъзи шарқ миниатюралари ҳам осиб қўйилган эди.

— Ҳамма мени топганини олтинга айлантириб, тагига босиб ўтирипти, деб ўйлайди. Аслида эса боримни мана шуларга сарфлаяпман!— савдогар Али расмларни ва деворларга ишланган шкафлардан бирининг эшигини очиб, у ердаги чарм жилди қалин китобларни кўрсатди:— Ҳаммаси нодир китоблар: Фирдавсий, Саъдий, Низомий, Хайём... Қайсинисидан десангиз топилади...

— Жуда хурсандман, ҳожи!— ниҳоят Соҳиб муаллим ҳам тилга кирди.— Ташқаридан уйнинг кулранг деворларини кўрганимда, бу ерда шундай қим-

матли хазина яширингани ҳеч ақлимга келмаган эди...

— Мен ҳам шундай нарсаларнинг шайдосиман, — савдогар фахрланиб гапирди. — Лекин сиз мендан қочиб юрасиз... Мени қора курк товук деб, халқ бошига кулфат соладиган одам деб ўйлайсиз!

Соҳиб муаллим бир вақтлар Ҳалима хонимларнинг ҳовлисида, Қосим хонаси устида тортишганларида айтган сўзларини ҳожи ҳозир эсига солиб гина-кудурат қилаётганини сезди...

— Сизни уйдан ташқарида кўрган ҳар бир одамнинг шундай хаёлга боришга ҳаққи бор, ҳожи! Ахир булар билан, — Соҳиб Рафаэль. Микеланжело ва Репиннинг суратларини, Фирдавсий, Саъдий ва Низомийнинг китобларини кўрсатди, — булар билан Қосим хонаси ва Нисо отинни бирга кўриш қизиқ-да...

Ҳожи Али жавоб бермади. Навкар олиб келган нарсаларни негадир ўзи олиб, дастурхонни тузай бошлади. Соҳиб очиқ эшикдан нариги хонага қараган эди, у ерда гимназияда ўқийдиган петербурглик қизларга ўхшаб кийинган, юзи оппоқ, чаросдек кўзлари қоп-қора, ёпинчиқсиз бир қизни кўрди. У бир жуфт қилиб ўрилган сочини олдига ташлаб турарди. Катта шиша идишлардаги гўям<sup>1</sup>, гилос, олча қиёмларини ва бошқа турли хил мураббolarни кичкина идишларга солиб, навкарга узатарди. Навкар ўз навбатида ҳожига олиб келиб берарди. Қизнинг ой юзига ярашиб турган кенг пешанасидаги қора қошлари ёйга ўхшарди. У жиддий турар, бошини кўтариб атрофга қарамасди. Соҳиб хаёлга толди: «Бу қиз ким бўлди? Озарбайжонликмикин?! Балки гуржи ё армани қизидир?! Эҳтимол, ҳожи уни болаларидан бирига мураббияликка олиб келгандир?!» — Соҳиб азбаройи қизиққанидан, кўзини қиздан уза олмай қолди. Унинг бу ҳолати савдогарнинг назаридан четда қолмади шекилли, чойга ҳозирланган нарсаларни стол устига қўйганидан кейин, ўгирилиб чиқиб кетмоқчи бўлган қизни чақирди:

— Қани, Гавҳар хоним, бери кел-чи!

Қиз фақат энди бошини кўтариб Соҳиб муаллимга қаради. Шу онда Соҳибга унинг йирик-йирик шаҳло кўзларида бир қизиқиш йилт этгандай бўлиб кўрин-

---

<sup>1</sup> Г ў я м — ранги олхўрисмон мева.

ди. Қиз бериги хонага ўтиб, малоҳатли бир овоз билан салом берди.

— Гавҳар хоним менинг қизим бўлади,— савдогар Али уни муаллимга танитди.— Ўзи ҳам рус мактабида ўқийди.— Сўнг Гавҳарга қараб, муаллимни кўрсатди:— Биз мусулмонларнинг ичида сен кўришни орзу қилган одамлардан бири мана шу киши бўлади... Ўзи ҳам энг аълоси-да!

Соҳиб муаллим кулимсираб бош эгиб қўйди. Гавҳар европача навозиш билан тиззасини беозор букиб, танишиш расмини адо қиларкан, кўзи Соҳибнинг кўзига тўқнаш келиб қолди. Соҳиб бу кўзларда илоҳий бир маъсумлик ва малоҳат сезиб жилмайган эди, қизнинг оппоқ юзи негадир қизариб кетди ва у савдогарга мурожаат этиб:

— Кетишимга ижозат берсангиз,— деди.

— Бора қол, қизим,— савдогар унинг бошидан ўпиб, йўлга солди. Кейин Соҳиб муаллимга ўтирилди. Боя у берган саволни ўйлаб ўтирганини англатувчи оҳангда гап бошлади:— Сиз менга ҳеч жавобсиз қолдиришим мумкин бўлмаган саволни бердингиз. Жавоб эса менинг ақидамни тушунтирадиган бўлгани учун бир оз узунроқ бўлади. Мени кечирингизни илтимос қиламан...

— Марҳамат, марҳамат, жону таним билан эшитаман!— Соҳиб муаллим стулга ўрнашиброқ ўтирди ва икки кўзини савдогарнинг юзига тикиб, Гавҳар каби бир малоҳатли, маъсум бир гўзал яшаган бу уйда ғалати сирлар борга ўхшайди, деб ўйлади...

— Сиз Фирдавсий, Низомий, Саъдий билан, Рафаэль, Микеланжело ва Репин билан Қосим хонаси келишмайди, дедингиз. Менинг ақидамга кўра келишади ва келишмоғи керак. Фирдавсий, Низомий алайҳулрахма ва уларга ўхшаган фозил шахслар худонинг мўмин, диндор бандалари бўлганлар. Ёзганлари ҳам бизни ҳақнинг йўлидан юришга даъват этади.

Соҳиб кулимсираб бош чайқади:

— Ҳожи, бу масалада эътироз билдиришимга руҳсат этинг. Бизнинг миллатни орқада қолдирган сабаблардан бири ҳам шуки, биз Фирдавсий ва Низомий каби буюк шоирларнинг асарларида фақатгина диний китобларда кўрган нарсаларимизни ахтарамиз. Ҳол-

буки улар ҳақ, адолат деганда ҳар нарсадан олдин инсонлар орасидаги муносабатларни назарда тутганлар.

Ҳожи Соҳибнинг сўзини бўлди:

— Хўш, мен нима деяпман? Мен ҳам шуни айтяпман-да!

Соҳиб бу масалада савдогар Али билан баҳслашуви нотўғри эканини тушунди. Улар шеърга, санъатга бир-бирларига зид бўлган икки нуқтаи назардан ёндашар ва бахтсизлик ҳам мана шу, ҳожи бу зиддиятнинг фалсафий маъносидан мутлақо беҳабар эканида эди. Унга буларни тушунтириш бола билан алифбе дарсини ўтиш билан баробардек гап эди. Шунинг учун ҳам Соҳиб индамай эшитаверди. Ҳожи эса давом этди:

— Энди масаланинг бошқа томонига ўтсак. Бу ерда иш жуда мураккаб ва биз учун таҳликали бир аҳволда. Биз ё Европа маданиятидан бутунлай узоқлашмоғимиз, ё бўлмаса у билан қовушмоғимиз керак. Агар қовушадиган бўлсак, ўзлгимизни йўқотмоғимиз, отамиз ким, онамиз ким, қаёқдан пайдо бўлдик, қандай одамимиз — буларни унутмоғимиз лозим бўлади. Биз эса на унисини қила оламиз, на бунисини. Шунинг учун ҳам бу масала биз учун таҳликали тус оляпти. Раҳматлик дадам мулкдор эди. Унинг ўзи ҳам, унга ўхшаганлар ҳам, бахтга қарши, ҳозирги кўпчилик кишилар ҳам дунё ўзлари яшаётган ўлкадан, башарият эса мусулмонлардан иборат, деб ўйлаганлар ва ўйлайдилар. Улар ҳеч қаерни кўрмаганлар ва атрофларидан беҳабар бўлганлар. Европанинг нима эканини, янги дунёнинг, Русиянинг нима эканини билмаганлар. Мана шу ғафлатнинг натижаси шу бўлдики, улар орқада қолдилар, эзилдилар, бахтсиз бўлдилар. Мен бўлсам ҳамма ёққа бордим, айландим, кўрдим, жуда кўп нарсалиб қайтдим. Мен ҳам сизга ўхшаб фикр юритаман. Европадан, Русиядан биз учун фойдали бўлган ҳамма нарсани олиб келишнинг тарафдориман. Менинг халқим анави ялангоч гўзални, — ҳожи девордаги гўзал Мадоннанинг расмини кўрсатди, — қабул қилмайди, лекин кўзларим ва руҳим, унинг ҳақиқатан ҳам гўзал эканини тан олади. Шунинг учун ҳам тепамга осиб қўйибман. Лекин мусулмонлигимга халал бермаслик шарти билан осганман. Мен Фарангистонда, Ингил-

тара<sup>1</sup>да, Русияда жуда кўп ўқиган одамларни, катта ақл эгаларини кўрганман, улар ҳеч ҳам динларидан воз кечмайдилар ва шу йўл билан ўз халқларини сақлаб қолмоқдалар. Шундай экан, нега биз динимиздан кечишимиз керак, нега ота-буваларимизнинг анъаналарини қўлдан бериб, қайси жойдан, қайси миллатдан эканимизни унутишимиз керак?! Бир неча йил муқаддам, мен ҳам сизга ўхшаган ёш бўлган вақтимда, ҳамма нарсани европаликлардан ўрганишимиз керак, деб ҳисоблардим. Улар нима қилса, мен ҳам шуни қилсам дердим. Стўлда ўтиришар экан, мен ҳам стулга ўтирдим. Ҳатто қишлоқларингизга йўлим тушганда тиззамни букиб, кўрпачага чордона қуриб ўтиришни ўзимга ор деб билардим. Соқолимни қирдириб юрардим, ялтирайдиган туфли киярдим, сигарет чекардим. Лекин, хиёл эс-ҳушимни йиғиб олганимдан кейин, буларнинг ҳаммаси мени мусулмонликдан айнатаётганини кўриб, кўзим очилди. Ҳозир кўрпачада ҳам ўтираман, чилим ҳам чекаман, соқолимни ўстирганимни эса ўзингиз кўриб турибсиз. Буларнинг ҳеч бири тижоратимга халал бермайди. Қайтага равнақ топишига ҳисса қўшади. Европаликлар менинг асли мусулмон эканимни кўрганларида кўпроқ ҳурмат қиладилар. Мусулмонлар эса ўзлариники бўлганимни кўриб жуда яхши кўришади... Қосим уйи ҳам мана шунақа, бизнинг ўзлигимизни сақлайди...

Соҳиб хаёлида ҳожининг тафаккуридаги зиддиятларнинг илдизини излар, унинг миёсида эскилик билан янгиликнинг ғалати бир қоришмаси пайдо бўлганини, англашилмас бир битим бунёдга келганини кўриб, бизнинг халқнинг тарихида бу тамомила янги кайфият эканини ва афсуски, халқ ҳаётининг янги йўлга тушаётган бир пайтида пушти қўрина бошлаган бу кайфият борган сари ўсадиган бўлса қандай туманли, лойқа бир фикрий жараёнга айланиши мумкинлигини ўйларди:

— Ҳожи, боя сиз Европа ва Русиядан фойдали нарсаларни олиб келишимиз керак, шу билан бирга ўзлигимизни, менлигимизни ҳам йўқотмаслигимиз керак, деб жуда яхши айтдингиз. Яхши гап! Лекин менлиги-

---

<sup>1</sup> И н г и л т а р а — кўп шарқий мамлакатларда Англия шундай деб юритилади.

миз кўрпачада чордона қуриб ўтиришдан, чилим чекишдан, масжид ва Қосим уйидангина иборатми?! Йўқ, ҳожи! Бизнинг бизлигимиз ақлимизнинг ва қўлимизнинг яратгани билан ўлчаниши керак. Мактаб, маърифат, илм бизлигимизнинг яшашига имкон беради. Шулар бўлмаса эртами-кечми ота-буваларимиздан баттар хор-зор бўламиз!

Ҳожининг бу мунозарага бўлган қизиқиши бирдан нига ўлди-қўйди, у чарчаб эснай бошлади ва навкарни чақириб:

— Бир жуфт калён келтир, болаҳон!..— деди.

Соҳиб муаллим калён чекмоқчи эмасди. Лекин эътироз билдириб ўтирмади. Ҳожига хуш ёқиш мақсадида бир-икки тортиб қўйишни кўнглига тугиб, асл мақсадга ўтди:

— Ҳожи, сиз билан битта масала юзасидан гаплашмоқчиман.

Ҳожи қошларини чимириб унга қаради:

— Бемалол, муаллим, гапираверинг.

Соҳиб муаллим нима сабабдан келганини, Нажаф кишининг пок ва номусли бир одам эканини тушунтириб:

— Ҳожи, бояги гапларингизни эшитиб, шундай хулосага келдимки, халқпарвар одамсиз,— деди.

— Ер-кўкни яратганнинг номи билан онт ичиб айтаманки, сиз янглишмадингиз!

— Халқини ўйлаган одам ноҳақдан-ноҳақ бир ватандошининг бурни қонашини истамаса керак деб ўйлайман, ҳожи. Жўжабирдай оила битта Нажаф кишининг қўлига қарайди... Уларнинг эгасиз, қаровсиз қолишига йўл қўйманг. Нажаф кишида зарра гуноҳ йўқлигига эса шубҳа қилманг!..

— У гуноҳкор бўлса ҳам, бўлмаса ҳам мен кечдим!— чин юракдан жавоб берди Ҳожи.— Сиз заҳмат чекиб, эшигимга келган экансиз, мен қандай қилиб йўқ дея оламан?! Миллон сўм бўлса ҳам сизга қурбон бўлсин!

— Миннатдорман, ҳожи. Ижозат берсангиз, мен кетсам,— Соҳиб муаллим ўрнидан турган эди, ҳожи ҳам турди.

— Бу уйни ўз уйингиз деб билинг, бу уйнинг эшиги ҳар донм сиз учун очиқ. Келинг, биз ҳам хорижийларга ўхшаб бир ёқадан бош чиқарайлик, иншимизни

ривожлантирайлик. Сиз маърифатда, мен эса — тижо-<sup>1</sup>ратда! Уришиб-талашиш бизга қолмаган-ку!.. Ҳури хонимда мактаб очиш истаги бор деб эшитдим. Жуда яхши фикр. Мендан қандай ёрдам керак бўлса тайёрман!

Соҳиб ташаккур билдириб, чиқди. Лекин қалбида англашилмас бир ҳайрат ва ишончсизлик бош кўтарди. Уни ҳайратга солган нарса, ҳожининг осонликча саховатли кишига айланиши эди...

### 3

Ёз тугаб, куз бошланаётган бўлса ҳам, кечалари салқин тушаётган бўлса ҳам, кундуз кунлари етарли даражада иссиқ эди. Тонг отганидан кейин сал ўтмай туннинг салқини кўтарилиб, қуёш одамни куйдира бошларди. Фақат онда-сонда булутлар унинг нурини тўсгандагина одамлар роҳатланиб нафас олардилар. Ҳатто пешин пайтларида дарахтларнинг соясида ҳам, уйларда ҳам иссиқ сезиларли бўларди.

Мана шундай кунларнинг бирида, эрталабки чойдан кейин қояликлардаги кичкина ҳовлида шовқинсурон ҳукмрон эди. Бутун оила аъзолари, амакиваччалар, яқин қўшнилари ҳовлига йигилган эдилар. Болачақа тез-тез кичкина айвондан уйга кириб чиқар, ҳаяжонланиб Наримонни сафарга кузатиш ҳаракатини қилардилар. Ҳалима хонимнинг ташвиши ҳамманикидан ортиқ эди. У болага керак бўлган ҳамма нарсани тайёрладими-йўқми, хотиржам бўлиш учун кичкина қизил сандиқчани тез-тез очиб қарар эди. Она Наримоннинг эгнига кийим, бошига янги шапка кийдирганди. Шу ҳолида у бутунлай бошқача кўринар, айниқса ўртоқларига бошқача таъсир кўрсатарди. Тенг-тўшлари қизиқувчан кўзларини ундан уза олишмасди. Наримоннинг ҳаяжондан ранги ўчиб кетган. У ҳаммага қарар, лекин ҳеч кимни аниқ илғай олмасди. Кимдир:

— Келди, келди, йўл беринглари! — деб одамларни нари-берига суриб қўйди. Унчалик безакли бўлмаган, иккита от қўшилган файтон ҳовлига кирди. Дид билан кийинган, бошига баланд шляпа кийган; қўлига чиройли ҳасса ушлаб олган Соҳиб муаллим файтондан тушди. Одамлар билан саломлашди. Нажаф кишига

яқинлашиб, секингина нимадир деди. Чақнаб турган кўзлари билан атрофдагиларни кузатиб чиқди.

— Қани, кетадиганларнинг сафари бароридан келсин!— муаллим Нажаф кишига қаради, сўнгра Наримоннинг акаси Салмонга мурожаат этди.— Сандиқни файтонга жойлаштиринглар!

Пастга тушган файтончи отларининг қайишини, юганини текшириб, маҳкамлаб қўйди, Салмон олиб келган сандиқни файтонга жойлаштирди ва яна жойига чиқиб ўтирди.

Наримон файтонга яқинлашганида отаси, амакиси, акаси, эгачилари келиб уни бирма-бир қучоқлаб ўлдилар. Шундан кейин у дўсти Фазлига ва Жаъфар кишига яқинлашди. Улар билан ҳам кўришди. Навбат онасига етганида иккаласи ҳам шошиб қолишди. Наримон ўзимни тутиб ололмай, йиғлаб юбораман деб ўйлади. Тезлик билан бошини онасининг бағрига яширди. Ҳалима хоним эса севинаётган бўлса-да, айрилиқ таъсиридан ростакамига йиғларди, овозини чиқармасдан, бақириб-чақирмасдан, тез-тез рўмолининг учи билан кўзидан тирқираб оқаётган катта-катта ёшларни артарди.

Ниҳоят, Соҳиб муаллим Наримоннинг қўлидан ушлаб файтонга ўтқизди. Ўзи ҳам унинг ёнига ўтирди. Файтончи жиловни тортиб қамчисини кўтарди. «Чух!» дейиши билан отлар юриб кетди. Файтон кўчага чиққанда Наримоннинг опаси унинг орқасидан ой бориб, омон келиши учун ирим қилиб бир коса сув сепиб юборди. Одамлар кўчада ёйилишиб, кўзлари билан пастга тушиб кетаётган файтонни кузата бошлашди. Шу пайтда кўчанинг нариги бошида, беш-олти уй наридаги баланд айвонда атрофига бир нечта хотинни йиғиб олган Нисо отин ҳам бу ёққа қараб турарди:

— Бай-бай-бай, ана унга бир қараб қўйинглар. Бошига ҳам рус шапкасини қўнқайтириб олинг, иложим соғ кетиб, саломат қайтмагин!..

Кўчадагилар Нисо отиннинг қарғишини ҳам, унинг ёнидагиларнинг «омин» деб жўр бўлганини ҳам эшитмадилар. Уларнинг фикри-хаёли борган сари суръат билан илгарилаб ва эндиликда кўздан ғойиб бўлиб бораётган файтонда эди. Наримон билан Соҳиб муаллим эса олдиниға бошларини ташқарига чиқариб орқага қарадилар, одамларга қўл силкитдилар. Соҳиб

муаллим охирги марта қўлини ҳавода силкитиб, ўриндиққа сурилиб жойлашиб ўтирди. Наримон эса ҳадеганда тинчлана олмади. Кўчадагиларнинг барчаси ва энг охирида онаси ҳам кўздан ғойиб бўлгунига қадар орқасига қараб қўл силкитиб борди. Ниҳоят, у ҳам файтоннинг бурчагига тикилиб, ҳали ҳам ҳаяжон билан ёниб турган кўзларини олдинга тикди. Олдинда, қуёшнинг торлоқ шуъалари остида гўзал Тифлис шаҳри кўринарди. Шаҳар тепаликлардаги кичкина кулбалари, бир қаватли уйлар ёнида сеҳрли бир сукут ичида осмонга бўй чўзган улкан бинолари, масжидлари ва қалисолари билан Наримонга идрокни лол қолдирадиган баҳайбат сирларга тўла бир тилсимдай таъсир қиларди. Бу шаҳар ҳақида, унинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти ҳақида Наримон қанчадан-қанча ривоятлар, ҳикоялар, афсоналар эшитган! Бу ривоятлар ҳам ширин ҳаёллар, ҳам англашилмас бир қўрқув билан тўла эди: инсонларни тўхтовсиз ўзига тортган бу баҳайбат шаҳар ҳар доим ҳам ваъда қилганини беравермасди. Кўп-ларнинг насибаси душманчилик, изтироб ва кўз ёши бўлиб чиқарди. Ўзини шаҳарнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган Кур дарёсига ташлаганлар ҳақидаги ҳикоялар Наримоннинг хотирасида ўчмас излар қолдирган. Бу фикрларнинг барчаси бир онда унинг ҳаёлидан кечди. У шаҳарнинг устидан узоқларга, тўғрида порлаб турган зангори уфқларга қаради. Бу уфқларнинг орқасида нима бор, Наримонни нима кутяпти? Отасидан, меҳрибон онасидан, ака ва опаларидан узоқда у қандай яшайди? Ҳақиқатан ҳам, фақат эндигина қадрдон одамларидан ажралганлиги аламини сезгандай бўлди. Қуёш эрта тонгдан қиздира бошлаган ён бағирлардан чўққиларга қараб сирғалган ҳафиф туман каби совуқ бир ғусса юрагига ўрмалаб келаётганини фақат эндигина ҳис этди. Ҳис этди-ю, ўзидан ўзи уялиб кетди. «Ишқилиб бунини Соҳиб муаллим сезиб қолмасинлар-да!» — деб ўйлади ва беихтиёр муаллимга қаради. Муаллим ҳам Наримон ҳақида ўйлаётган эди. Уйдан, оиладан четда қандай яшаяжанини, айрилиққа чидаш-чидамаслигини ўйларди у. Наримоннинг кўз қарашларида ҳафиф бир қайғу сезган муаллим уни дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларга қарши ҳозирлашни лозим топди. Гори семинариясидан, шогирд ва талабаларнинг ҳаётидан сўз очди:

— Даставвал зерикасан, албатта. Қонун-қоидага, ейиш-ичишга кўникканингча сиқилиб юрасан. Бироқ ҳаммасига чидаш керак. Уқиш учун келганингни бир дақиқа ҳам ёдингдан чиқармаслигинг керак. Илм олишга келганингни унутма! Эндиликда сени фақат отанг-онанггина эмас, фақат ошна-огайнилариңггина эмас, бутун халқимиз, ватанимиз кутади. Ҳали сен халқнинг нима эканини билмайсан. Борган жойиңгда шуни ҳам билиб оласан. Буни фақат китоблардангина эмас, ўша ерда орттирган танишлариңгдан ҳам ўрганиб оласан. Оламда улкан бир уммон бор. Сен ҳам, мен ҳам унинг зарраларимиз. Бизнинг мавжудлигимиз унинг мавжудлигига боғлиқ. Усиз бизнинг ҳайвондан фарқимиз бўлмайди. У ерда ана шуларни ҳис этасан.

Наримон Соҳиб муаллимнинг ҳар бир сўзини диққат-эътибор билан тинглар, маъносини тушуниб олишга, хотирасида сақлаб қолишга интиларди. Соҳиб муаллим бўлса унга чуқур меҳр тўла кўзлари билан тикилиб турарди. Худди отасиниң ҳам, онасиниң ҳам, ака ва опалариниң ҳам меҳрлари мана шу кўзларда жойлашгандай эди.

— Сени ўз ўғлимадай яхши кўришимни биласан. Чунки сен фаросатли, зийрак, қобилиятли боласан. Халқнинг асл ўғлисан. Менинг ишимни, менинг касбимни ким давом эттиради? Менинг фарзандим йўқлигини биласан-ку. (Наримон учун бу англашилмас бир сир эди. Лекин Соҳиб муаллимдан бу ҳақда сўрашни ўринсиз деб биларди). Фарзандим бўлганида ҳам мен бошлаган йўлдан юрармиди, мен эккан кўчатларни парвариш қилармиди? Буни ҳеч ким билмайди. Лекин сен шу йўлдан борасан. Мен кўкартирган дарахтниң қуриб қолишига йўл қўймайсан, ёнига яна битта дарахт ўтқазасан. Ким билади дейсан, эҳтимол бутун бошли боғ яратарсан. Менинг қонимдан тарқаган бола асл фарзандим бўлмайди. Менинг бошлаган ишимни илгари силжитган, менинг гоъмни ривожлантирган бола фарзандим бўлади. Сени мана шунинг учун ҳам яхши кўраман. Умидларимни пучга чиқармаслигингга ишонаман. Ҳеч қандай қийинчиликдан қўрқмайсан, бир тўсиққа, қаршиликка дуч келишинг билан кирган йўлиңгдан қайтмайсан, шундай эмасми, Наримон?

Наримон муаллимнинг гап оҳангидан, юзига диқ-

қат билан тикилган кўзларидан, бу сўзлар устози қалбининг теран жойларидан чиқаётганини, оталарча меҳр ва ташвиш билан тўла эканини ҳис этди. Наримоннинг ҳам юрагида муаллимга нисбатан бўлган меҳри янгидан қайнаб тошди. Иложи бўлса-ю, юрагини очса-да, шу йўлдан қайтмаслигини, яхши ўқимоқчи эканини, ота-онасини ҳам, акаси Салмонни, амакиси Али Мирзани, эгачиси Сафурани ҳам севинтирмоқчи эканини, пушаймон едирмаслик нияти борлигини айтиб, муаллимнинг хотирини жам қилса... Лекин Наримон жуда қисқа қилиб жавоб берди:

— Муаллим, нималар деганингизга яхши тушундим. Сизга, бу йўлдан оқ юз билан қайтаман, деб сўз бераман. Сизни пушаймон едириб қўймайман.

Файтон аста-секин илгарилаб борарди. Энди Тифлис шаҳри аллақачон ортда қолган эди. Гуржистоннинг боғ-бўстонли манзаралари очилиб борар, йўл четларида мағрур ва заҳматкаш гуржи қишлоқлари кўзга ташланиб қоларди. Муаллим ҳам, Наримон ҳам хаёлга толган эдилар.

Йўллар очиқ бўлганлиги учун файтончи отларнинг жиловини бўш қўйган, ора-чира ўтирилиб орқасига қараб қўярди. Унинг зерикаётгани, гаплашмоқ иштиёқи борлиги сезилиб турарди. Бундан ташқари, бу ғайри оддий йўловчилар уни қизиқтираётган ҳам эди.

— Биродар, суҳбат йўлнинг нарвони, деган экан оталаримиз... — у елкаси оша Соҳиб муаллимга қаради. Соҳиб муаллимнинг хаёли бўлиниб, файтончига жавоб берди:

— Яхши мақол. Қани, исмингиз нима, билсак бўладими, биродар?

— Каминанинг исми Рамазон.

Соҳиб муаллим ҳам ўз исмини, касбини айтди, Наримонни Горига ўқишга олиб кетаётганини гапирди. Файтончи қора қалин қошлари тагидан Наримонга меҳр билан қаради:

— Яхши бола экан, афсуски, кофирларнинг қўлида тарбияланаркан-да. Қайтишда қарасангиз на динимизни танийдиган бўлади, на тилимизни...

— Янглишдингиз, Рамазон ога, — деб Соҳиб муаллим эътироз билдирди. — Ўқиб келади, кейин эса ўзига ўхшаган юз болага дарс беради. Уларни замонга муносиб курашчилар қилиб тарбиялайди. Яна қўли

бўш қолмайди. Бундан кейин тилимизни ҳам, одатларимизни, анъаналаримизни ҳам мана шулар ривожлантиради. (Муаллим атайлаб «дин» сўзини четлаб ўтди. Бу торга теккундек бўлса суҳбат чўзилиб, бошқача тус олишини биларди).

— Худо ўша кунга етказсин!— фойтончи отларни қамчилади ва яна муаллимга ўгирилди:— Қайдан билай, биродар, мен ҳам эшитганимни айтдим-қўйдим-да. Анави куни жума намозига борган эдим, имом болаларини янги мактабга берган ҳар бир мусулмон ўзига жаҳаннамни сотиб олади, деб бир соат гапирди.

Рамазоннинг бу сўзлари Наримоннинг эсига Нисо отинни келтирди. Ҳозир у почаси кенг, бурмали лозимини ҳилпиратиб, маҳаллани кезиб юрганини тасаввур қилди. Уларнинг уйларига етганда «лаънат!» деб тупуриб, сўнг олдинга қадам ташлаётгандир. Демак, Нисо отин ёлғиз эмас, Тифлисда унақаларнинг бир талайи бор экан-да.

— Эҳ-ҳ, Рамазон оға!— Соҳиб муаллим гапирганида Наримон ҳушига келди ва унинг сўзларига қулоқ сола бошлади.— Бизнинг бахтсизлигимизнинг битта сабаби ана шу, ўзини халққа руҳий ота деб билган имомларимиз, домлаларимиз, савдогарларимизнинг жоҳиллиги, оламдан беҳабарлиги. Ҳеч бўлмаса кўзларини очиб, ён қўшнилари — бир жойда яшаётган халқларнинг ҳаётига, турмуш тарзига қарашмайди, улардан ибрат олишмайди. Ўз уйидан, ўз мамлакатидан бошқасини кўришмайди. Қиладиган ишлари эса халқни қўйдаш шилиш, бир-бири билан адоватда бўлиб, халқ орасида нифоқ туйғусини ёйишдан иборат. Мана шунинг учун ҳам уларнинг бундай кўрлиги, бундай хиёлати динимизни ҳам, тилимизни ҳам бадном қилади. Нажот фақат шу болаларни (муаллим қўлини Наримоннинг елкасига ташлади) ўқитишимизда бўлиб қолди. Зора булар илм ўрганиб, дунёдан боҳабар бўлиб қайтишса ва бизнинг бечора халқимизга нажот беришса. Акс ҳолда кучлилар бизни ютиб юборишади. Дунёнинг одати шунақа!

Рамазон хаёлга толди. Унинг сиймосини қора булутлар қамраб олди. Наримон Соҳиб муаллимнинг домла, имом ҳақидаги сўзлари фойтончига оғир ботган бўлса керак деб ўйлади. Лекин фойтончи орқали-

гининг<sup>1</sup> этагини тортиб, ўриндигига хиёл чап томони билан ўтираркан, ўрнини тўғрилаб муаллимга қараб гапира бошлаганида у янглишганини сездди.

— Бекларимизнинг жанжаллари ҳақида ҳам ғоят тўғри сўзларни айтдингиз. Айнан ҳақиқат. Мени кўр-япсизми, мен ҳам мана шундай жанжалларнинг қурбониман.

Муаллимнинг кўзлари чарақлаб кетди. Рамазоннинг ҳам боши ташвишли эканичи сезиб, унинг тақдир билан қизиқсинди:

— Дардкаш одам кўринасиз. Қаердансиз?

— Қорабоғданман, биродар. Боғбонлар қишлоғиданман! Ўзимга яраша ҳовли-жойим бор эди. Қўлимдан ҳамма нарс келарди. Экин экиш, қўй, мол боқиш, қўйинг-чи, ҳамма нарсани удалай олардим. Отларга эса алоҳида ҳавас билан қарардим. Бизнинг уруғаймоғимиз от боқиш билан ном чиқарган эди.

— Бу ерга қандай қилиб келиб қолдингиз?

— Бунинг тарихи узун, биродар. Худо бойларнинг уйини кул қилсин. Элимиздан, юртимиздан бездириб юборишди. Худушбек ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Қорабоғда у отнинг қашқасидай маълум. Қизилқуш кўлга овга чиққанида эллик чавандоз олдинда, эллик отлиқ орқасида юрмаса бўлмайди. Отларнинг туёғи остидан чанг кўтарилиб, бамисоли булутдай бир чақирим йўлни тутиб кетади. Узоқдан кўрсангиз, қўшин келяпти деб ўйлайсиз. Бир куни мана шу Худушбек Каримбек билан уришиб қолипти, деб эшитдик. Ўзларининг қариндошчилиги ҳам бор эди: Худушбекнинг қизи Каримбекнинг жиянига тушган эди.

— Нима сабабдан уришибди?— сўради муаллим.

— Нима сабабдан уришганини худо билади. Қайдан билай, ҳар кимдан ҳар хил гап чиқди. Баъзилар Худушбек Каримбекнинг қизини сўратипти, у эса рад этипти, дейишди. Каримбек, уч хотини борлиги ҳам етади, бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўлса, қизимни тириклайин қабрга тиқишни истамайман, деб жавоб қайтарган экан. Баъзилар қиз масаласи уйдирма, Худушбек Каримбекнинг Совуч булоқдан пастда қанча ери бўлса, ҳаммасини қўлига олмоқчи бўлган, дейишади. Бунинг уддасидан чиқолмабди. Шундан кейин

---

<sup>1</sup> О р қ а л и к — калта пешмат.

эса, рус подшоҳига, Каримбекнинг ерлари ўзиники эмас, ўғирлаб олинган жойлар, деган мазмунда ариза ёзипти. Хуллас, гапнинг қисқаси, беклар ўлжа талашган қашқирлардай ёқа бўғишди. Чанглари кўкка кўтарилди, бир-бирининг устидан ёзишмаган идора қолмади. Зар погон таққан начальникларнинг бири келиб бири кетаверди. Калаванинг учи йўқолди. Ишлар чувалиб кетди. Ҳозир ҳам бир-бирларини йиқитиш учун рус начальнигининг оёғини ўпишга тайёр.

— Қандай бадбахтлик!— Соҳиб муаллим Рамазоннинг хайлга толганини кўриб, илова этди:— Бадбахтлик бу! Заррача ғурур, инсонлик, виждон қолмапти. Худди хамирлари гина-кудуратдан қорилганга ўхшайди. Қалбларида манманлик, такаббурликдан бошқа на ватан туйғуси, на халқ, на миллат туйғуси қолган! Хўш, сиз нега энди тарки ватан бўлдингиз?

— Негаси борми, биродар. Зар погонли начальниклар бир кун бу бекникида меҳмон бўлишса, бир кун наригисиникида бўлишди. Гоҳо Худушбекни Каримбекка гижгижлатишса, гоҳо Каримбекни Худушбекка қарши гижгижлатишди. Гоҳ унисига, гоҳ эса бунисига қурол бериб кўришди. Бир кун Худушбекнинг тўдаси Каримбекнинг қишлоқларига босқинчилик қилган бўлса, иккинчи куни Каримбекнинг тўдаси Худушбекнинг қишлоқларига ҳужум қилди. Бир кун буниси, иккинчи кун униси қароқчиларини юбораверди. Мол-ҳолни қўралардан ҳайдаб кетаверишди, экинларга, пичанларга ўт қўйишди. Охири иш бир-бирини ўлдиришгача бориб етди. Беш-олти нафар оғзи катта йигитларнинг белига бўздан белбоғ боғлатиб майдонга ташлашди. Фуқарони ҳам бир-бирига душман қилиб қўйишди. Кундуз кунлари кўчада бежавотир юролмайдиган бўлиб қолдик. Кечалари ўз уйимизда тинч ётолмадик. Кўзимнинг олдида қўшнимнинг кулбасига ўт қўйишди. Ёш келинини олиб кетишди. Бошим омон қолмаслигига кўзим етгач, жўжабирдай оиламни олиб бу томонларга қочиб келдим!

— Ҳозир файтончилик қиляпман денг!— унинг ҳолига ачиниб сўради муаллим.

— Нима қилай, биродар, олибсотарликнинг уддасидан чиқадиганлардан эмасман. Дўкон-бозорларнинг олгирлари мени бир кунда шипшийдам қилиб шилиб олишади. Мана шу файтонга маҳкам ёпишиб олдим.

«Ҳар қалай, ҳалол иш, ҳеч кимнинг ёқасига осилмайсан, қанча ишласанг шунинг ҳақини оласан». Уругаймогимиз от боқишда ном чиқарган дегандим-ку, бу ҳунар менга ҳам отамдан мерос бўлиб ўтган эди. Отсиз яшай олмайман. Ўзи ҳам садоқатли, вафоли, яхши мол-да, биродар. Яхши боқсанг, меҳрибонлик кўрсатсанг, сени хафа қилмайди. Нима демоқчи эканингни битта ишора билан билиб олади. Баъзан худонинг дунёни шундай яратганидан хафа бўлиб кетаман. Отдан ҳам, эшакдан ҳам ёмон одамларга инсон қиёфасини берган, мана бунақа асл ҳайвонни эса...

Рамазон сўзининг охирини айтмади. Айтишга сўз ахтариб тополмасди. Муаллим кулимсиради.

— Мана, Рамазон оға, кўряписми, сиз ҳам ўқиган бўлганингизда бинойидек файласуф бўлар экансиз. Мен халқимизнинг илм чирогини қўлида маҳкам ушлаши кераклигини ҳар қадамда сезяпман. Болаларимизга ҳам бугунги замонага қараб таҳсил бермогимиз керак. Ана шунда ҳеч нарсадан қўрқмайдиган бўлиб қоламиз. Ҳозир бўлса уловсиз, қуролсизмиз. Рамазон оға, мен сиздан иложини топсангиз болаларингизни ўқитинг, деб илтимос қиламан. Имомларнинг сўзларига аҳамият берманг. Менинг маслаҳатимга юринг. Ўз фарзандларингизнинг келажагини ўйланг...

— Насиб бўлса! — Рамазон ўриндиғига ўрнашиб ўтирди ва олдинга қараб отларга қамчи босди.

Муаллим билан файтончининг суҳбатини диққат билан эшитиб ўтирган Наримоннинг назарида худди дунёнинг, инсон ҳаётининг бошқа бир саҳнаси очилгандай бўлди. Рамазоннинг ўзига ҳам, унинг болаларига ҳам раҳми келди. Ҳолбуки бугунга қадар уларнинг оламда бор эканларини ҳам тасаввур этмасди. Ҳозир боланинг хаёлида ўриндиқда ўтирган Рамазоннинг елкасидан огир юк босиб тургандай, бу юк унинг белини букиб қўйгандай туюлди. Уни бу юк остидан ким чиқариб ола олади? Муаллимнинг гапига қараганда, бунинг ягона йўли ўқиш эди!

Наримон ўқийди. Ҳозир унинг назарида бутун ҳаёт, бутун келажак фақат мана шу ўқиш сўзидангина иборат эди.

Муаллим бошини елкасига қўйиб, кўзларини юмди. Файтончи қандайдир мунгли қўшиқни аста-аста хиргойи қила бошлади. Отлар файтонни суриб кетишар-

ди. Наримон хаёлга толиб, кўзини олд томонга тикди. Олдинда соф, зангори уфқ порлаб турарди. Наримон бу уфқ орқасидаги уни чорлаган, уни кутиб турган келажакни кўришга, у билан қовушишга шошиларди...

#### 4

Йўл тез-тез ўнг-сўлга бурилар, баъзан тоғ ёнбағирларида, баъзан дарёларнинг соҳилида кўздан ғойиб бўларди. Лекин ҳеч ерда узилиб қолмас, тасмадай чўзилиб, йўловчиларни манзил сари етакларди. Йўл борган сайин юқори кўтарилиб, Гориға яқинлашмоқда эди. Шаҳарға етишга озгина масофа қолганида, муаллим Гори шаҳри ҳақида гапириб берди.

Гуржи тилида «қалъа» маъносини англатадиган «Гори» шаҳри Тифлиснинг шимоли-ғарбида, тоғлар билан ўралган баҳаво ерда жойлашган эди. Қаяёққа қарасанг ям-яшил тоғлар ва шилдираши онанинг алласидай ёқимли бўлган дарёлар, булоқлар кўринади. Ҳикоямиздаги воқеалар содир бўлган ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Гори оддий бир қишлоқдан кам фарқ қиладиган кичкина шаҳарча эди. Лекин, географик шароит ва иқлимга кўра ўқиш учун жуда муносиб жой эди: атрофдаги серҳосил ерлар ва мўл-кўл сув манбалари деҳқонларнинг бу ерларда жойлашиб қолишига, боғ-роғи, мол-ҳоли ва бошқа хўжалиги билан кўзга кўринган катта-катта қишлоқларнинг пайдо бўлишига шароит яратган эди. Бошқа томондан Гори Кавказдаги чор ноибининг доимий қароргоҳи ҳамда Кавказнинг сиёсий ва маданий маркази бўлган Тифлис шаҳридан бор-йўғи олтмиш олти километр нарида жойлашган эди. Бу вазият ҳам Горидаги билим ўчоғининг юксак малакали ўқитувчиларга ва керакли жиҳозларга бўлган талабини қондиришга имкон берарди. Ғарбий Гуржистон йўлининг Гори ичидан ўтиб кетиши ҳам бу ердаги ҳаётнинг гавжумлашувига сабаб бўлган эди. Бир сўз билан айтганда, семинария учун жой танлаган одамларнинг ақлли ва фаросатли бўлганларига ҳеч шубҳа йўқ эди. 1881 йилда Наримон Гори семинарияси қошидаги ибтидоий мактабга келган пайтида, семинария ўз фаолиятининг олтинчи йилига қадам қўйган, эндиликда унинг чиройли би-

носи, ётоқхонаси бор эди. Бу семинария Горининг ўсишига, бу ердаги ҳаётнинг яна ҳам гавжумлашувига ҳисса қўшарди.

Соҳиб муаллим узоқда, баланд тепаликдаги дарахтлар орасидан кўрина бошлаган уйларга қараб:

— Горига яқинлашиб қолдик. Чап томондаги икки қаватли бино семинария бўлади. Қандай кўркем бино эканини кўряпсанми?! — деб сўради.

Наримон муаллимнинг сўзларига қулоқ солиш билан бирга тез-тез бошини фойтондан чиқариб атрофга қарарди. Бу жойлар, бу қишлоқлар, узун йўл давомида назаридан ўтган манзаралар, баланд тоғлар унга ниҳоятда жонажон туюларди. Чунки кўзини очганидан бери Гуржистон шароитида катта бўлган эди.

Ниҳоят, фойтон шаҳарга кириб келди. Наримон йўл бўйида қад кўтариб турган икки қаватли бинога янада диққат билан қарай бошлади. Бинонинг кенг ҳовлиси узоқдан яққол кўриниб турарди. Бу ҳовли ҳар хил ёшдаги ва ҳар хил кўринишдаги болалар билан тўла эди. Бинонинг эшиги олди айниқса гавжум эди. Баъзилар ичкари кирар, баъзилар ҳовлига чиқарди. Эшик бир сония тиниб турмас, ҳадеб очилиб-ёпилаверарди. Энг кўзга ташланадиган нарсаларнинг кийими эди. Уларнинг орасида истаган миллатнинг боласини топса бўларди. Кўплари мактаб формасида эди. Лекин қора чўха, кул ранг орқалик, оқ черкаска кийганлар ҳам оз эмасди. Кўпларининг бошларида шапка бор эди. Лекин қўй терисидан тикилган телпак кийганлар ҳам, шарқликлар киядиган оқ намат телпаклилар ҳам кўзга чалинарди. Наримон умрида бундай турли хил кийинган, турли кўринишдаги, турли хил рангдаги болаларнинг бир жойга тўпланганини кўрмаганди. Соҳиб муаллим Наримоннинг болалардан кўзини узолмаётганини кўриб:

— Семинарияда фақат бизнинг Кавказ болаларигина эмас, русларнинг, Терек казакларининг, Волга татарларининг, лазгинларнинг ҳам болалари билим ва одоб ўрганадилар, — деди. — Бир қарагин-а, худди асаларининг уясига ўхшайди. Чечаклардан шира тўплашга кетган ва шира тўплаб қайтган арилар уя олдида қандай қайнаса, булар ҳам шунга ўхшаб семинария ҳовлисида, эшиги тагида, даҳлизида бир-бирига қоришиб, қайнашади.

Файтон семинариянинг ҳовлиси ёнидан ўтаётганида муаллим қўли билан кўрсатиб:

— Анавиларни кўряпсанми, улар армани болалари,— деди.— Уларни кийимларига, юз-кўзларига бир қараб таниб олсанг бўлади. Мана булар бўлса, Терек казакларидан. Черкаскаларига битта қарагин-а. Гуржиларни ўзинг ажратиб оларсан. Уларни кўряпсанми?

— Кўряпман!— Наримон беш болани кўрсатди.— Нима, бизникилардан ҳеч ким йўқми?

— Бор, лекин жуда оз!— Соҳиб муаллим бир кўзи файтончида бўлгани ҳолда жавоб берди:— Қийини бир-икки нафарнинг йўл очишида. Бир-иккиси ўқиб қайтса, бундай мактабни битирганлар эски мактабда ўқиганлардан яхши бўлиб чиққанларини кўрган аҳоли ўз болаларини мана шундай мактабларга юбориш пайида бўлади!..

Файтончи Рамазон ҳам бир кўзи отларда бўлгани ҳолда, иккинчи кўзи билан семинария ҳовлисида шовқинлаб юрган болаларга қараб турарди. Лекин индамасди. Ниҳоят, файтон семинариянинг кўча томонга очиладиган эшиги олдига бориб тўхтади. Рамазон пастга тушди-да, Наримоннинг нарсаларини ола бошлади. Наримон унга ёрдамга келди. Унинг бу иши файтончига маъқул бўлди.

— Ҳа-а, баракалла!— деди у.— Бу жуда яхши бола экану. Бола ўз вазифасини англаган экан, ундан албатта яхшилик чиқади. Бахтли бўлгин, болам!

— Раҳмат, Рамазон амаки!— Наримон миннатдорчилик билдирди.

Соҳиб муаллим файтондан тушиб, кийим-бошининг чангини қоқди. Наримон билан Рамазонга қараб:

— Ўғлим, сен шу ерда кутиб тур,— деди.— Рамазон оға, сиз ҳам файтонни бир чеккага олинг. Отларни бўшатиб, емини беринг, улар ҳам бир оз дам олишсин. Кейин биз ҳам озроқ тамадди қиламизу йўлга тушамиз. Мен бориб Черняевскийни топиб келай. Манави болани жойлаштирай.

— Амаки, Алексей Осипович ҳозиргина мана бу ёққа кетдилар!— мактаб формаси кийган ўн тўрт, ўн беш ёшлар чамасидаги озғин, қорачадан келган, кўзлари кулиб турган, юлдузи иссиқ бир ўспирин Соҳиб муаллимга яқинлашди ва салом бермаганини эслаб,

тезда: — Салом, амаки, мени кечиринг, севинганимдан салом бериш ҳам эсимдан чиқипти, — деб қўшиб қўйди.

Соҳиб муаллим боланинг суюниши сабабини билса ҳам, атайлаб:

— Нимага бунча хурсандсан, болам? — деб сўради.

— Нимага хурсанд бўлмас эканман? Бизникилардан эмасмисизлар?

Соҳиб муаллим «сизникиларданмиз» деб унинг гапини тасдиқлади.

— Исминг нима, болам?

— Исминг Жалил, Қорабоғдан келганман.

— Ундай бўлса Наримон билан танишиб ол, биз Тифлистанмиз.

Жалил ўзидан уч-тўрт ёш кичкина Наримоннинг қўлини сиқиб кўришди:

— Ҳеч зерикиб қоламан, деб ўйлама, мендан бошқа яна бешта озарбайжонлик бола бор. Бир-биримизга ёрдамлашиб турамиз.

Жалилнинг бундай меҳрибонлиги Наримонга ҳам жуда ёқди. Соҳиб муаллим кетганидан кейин, бу ерда тамомила ёлғиз қолишини ўйлагани сари кўнглининг теран жойларидан кўтарилиб чиқаётган яккалик, танҳолик туйғулари йўқола бошлади. Демак, бу ерда ҳам ҳар дақиқада сенга ёрдам беришга тайёр турадиган ўртоқлар бор экан. Улар билан дардлашса, бирон қийинчиликка дуч келиб қолганда маслаҳатлашса бўлади. Жуда яхши, жуда маза бўлди-да! Семинариянинг эшигидаёқ Жалилга дуч келгани Наримонга яхшилик аломати бўлиб кўринди. «Соат сайин устма-уст севинчли ҳодисаларга дуч келяпман!» — деб ўйлади у ва бу фикрдан чақнаб кетган кўзлари билан Жалилга қаради:

— Сен нечанчи синфда ўқийсан?

Жалил кулди.

— Мен тайёрлов группасидаман. Уч йилдан бери ўқияпман. Бу йил тамомлаб, асосий группага ўтаман. Сен ҳали бошланғич мактабда ўқийсан. Ахир ҳали кичкинасан-да. Ёшинг нечада?

Наримон ёшини айтишга улгурмади. Кўчанинг нариги томонидан уларни кўрган Черняевский ҳарорат билан ва баланд овозда:

— Хуш келибсизлар, менинг қадрдон дўстларим! —

деб иккала қўлини юқори кўтарди. Тезда кўчанинг бу тарафига ўтиб, олдин Соҳиб муаллим билан кўришди, унинг қўлларини қаттиқ-қаттиқ қисди. Сўнгра Наримонга ўгирилиб:

— Аҳа, янглишмасам, бу йигитнинг исми Наримон эди-а? Жуда яхши, ваъдага вафо қилганингиз жуда яхши бўлди!— деб Жалилнинг қўлидан ушлади.— Сизларни кутиб олган одамни бир кўринглар-а. Бу семинариянинг энг яхши ўқувчиларидан бири бўлади! Жалил, Наримонга ёрдамлаш, нарсаларини ётоқхонага олиб боринглар. Унинг жойини аллақачон тайёрлаб қўйганман.

Соҳиб муаллим Наримон яшаши керак бўлган хонани, каравотини кўрмай туриб, уни яхшилаб жойлаштирмай туриб кетолмасди. Черняевский билан ёнма-ён семинариянинг ётоқхонаси жойлашган бинога келишди. Жалил билан Наримон ҳам қутичани ва кичкина хуржунни олиб келишди. Черняевский катта ва ёруғ хонадаги топ-тоза ўрин солинган олтига каравотдан бирини Наримонга кўрсатди.

— Мана бу каравот сеники бўлади, нарсаларингни мана бу ерга қўйгин,— у эшикнинг икки ёнидаги икки деворга ишланган шкафдан бирини кўрсатди.

— Энди биз ҳам бориб тамадди қилиб олайлик!— Соҳиб муаллим Наримонга мурожаат этди:— Ундан кейин мен ҳам вақтлроқ йўлга тушарман.

Озарбайжонча гаплашишни яхши кўрадиган Алексей Осипович:

— Кетадиганларнинг кетгани яхши, демоқчисизда,— деди.— Бироқ Наримон бизнинг шогирдимиз бўлиб қолди, шунинг учун қоидаларимизга бўйсуниши керак. Шу бугундан бошлаб ўзимизнинг ошхонамиздан овқатланади. Семинариядаги қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиш биринчи шартимиз эканини биласиз-ку.

— Гапингиз тўғри бўлганидан кейин мен нима дердим.— Соҳиб муаллим унинг гапига қўшилди.— Кел, ўғлим, хайрлашайлик.

Наримон муаллимга қаради.

— Муаллим, рухсат беринг, кузатиб қўяй.

Черняевский дарҳол унинг сўзини қувватлади.

— Албатта! Албатта кузатиб қўясан. Соҳиб муаллим бунга ижозат берадилар.— У Жалилга ўгирил-

ди: — Жалил, Наримонни ошхонага олиб бор, менинг номимдан айт, бунинг исмини рўйхатга қўшиб қўйишсин, овқат беришсин. Ярим соатдан кейин эшик тагига келиб турсанглар, биргалашиб Соҳиб муаллимни кузатиб қўямиз.

Наримон азбаройи ҳаяжонланганидан очлигини сезмас, томогидан овқат ўтмасди. Зўрғатдан бир-икки қошиқ овқат ичган бўлди-ю, ташқарига шошилди. Шу пайт файтонда Соҳиб муаллим билан Черняевский ҳам семинария эшиги олдига келиб қолишди. Улар пастга тушдилар. Муаллим олдин Черняевский билан қўл сиқиб хайрлашди, ундан кейин Жалил ва Наримоннинг қўлларини сиқиб, пешаналаридан ўпди. Наримон файтонда ўтириб отларнинг жиловидан ушлаб турган аравакашга:

— Раҳмат, Рамазон амаки, яхши боринг энди. Ўғлингизни юборинг, келиб биз билан ўқисин, — деди.

Наримоннинг бу сўзи Рамазонга қаттиқ таъсир қилди. Унинг кўзлари ёшга тўлди. Пастга тушиб, Наримоннинг бошидан ўпди.

— Бахтли бўлгин, ўғлим, — деди.

Сўнгги дақиқада Соҳиб муаллим Наримонни бағрига босди, яна пешанасидан ўпди. Болага нимадир демоқчи бўлди. Лекин унинг кўзларига қараб, ҳар қандай сўздан ҳам яхши, хотиржам қиладиган ифода кўргач, фақат:

— Оқ йўл сенга, ўғлим! — дея олди холос.

Наримоннинг кўзлари ёшга тўлди. Бироқ ўзини тутишга интилиб, ҳаракатга келган файтон орқасидан қўлини силкита бошлади. Бирпасдан кейин, файтон муюлишда бурилиб, кўздан йўқолганидан кейин Черняевский Жалилга:

— Юқори синф шогирди сифатида Наримонни сенга бириктириб қўяман, — деди. — Ҳозирча унга раҳбарлик қилиб тур, бизнинг қонун-қоидаларимизни ўргат. Дарсларини кузатиб юр. Бирон нарса керак бўлиб қолса менга айтарсан.

— Жоним билан! — деб жавоб берди Жалил ва олдинга тушиб Наримонни эргаштириб кетди.

Шундай қилиб, Наримон ҳаётининг янги саҳифаси очилди. У Гори семинарияси қошидаги бошланғич мактабнинг озарбайжон группасида ўқий бошлади.

Пешин пайти эди. Ҳаво булутли бўлса ҳам, осуда ва мулойим эди. Биронта барг қимир этмасди. Ҳаммаси сирли бўлиб нўринадиган тоғлар ва тинмай шилдираб оқаётган сувлар шаҳарга салқин ҳаво бахш этарди. Шаҳар шу ҳолида дунёдан хабарсиз, уйқуга кетган гўдак каби мунис ва жозибали эди. Куз кунлари бири-бирини алмаштириб ўтгани сари ҳаётнинг одатдаги оҳанги пасаяр, бог-роғлар, чўллар, чаманлар, ҳатто ҳамиша уйғоқ кўринадиган тоғларгача қиш уйқусига ҳозирлик кўрар эди. Бутун атрофда ҳаракат пасайиб борарди. Келди-кетди тўхтаб, одамлар куннинг кўп вақтини уйда, ҳовлида ўтказиб бошлаганди. Фақат семинариядагина ҳаёт борган сари қаттиқроқ қайнар, одатдаги оҳанг бузилмасди. Аксиңча, ҳар куни янги дарс бошланиши билан, китобларнинг янги саҳифалари очилиши билан муаллимларнинг ҳам, талабаларнинг ҳам ҳаваси ортар, антиқа бир ғайрат ва жонланиш сезиларди.

Бу жозибадор, бу сирли ва чуқур маъноли оқим Наримонни биринчи кунданоқ ўз оғушига олди. У сирлар, сеҳрларга тўла бир тилсимга тушиб қолгандай эди. Бу тилсим гўзал, жозибали бўлиб, юрагида жуда ширин туйғулар, жуда ҳароратли ҳислар уйғотардики, қанот боғлаб учиб кетгиси келарди. Аслида семинария катта шаҳарлардан узоқда, тоғларнинг қўйнида, тинч бир ерда жойлашган бўлишига қарамай, баъзан Наримоннинг назарида бу ер дунёнинг энг жонли нуқтасига ўхшаб кўринарди. Абадий ҳаёт чашмаси қайнарди бу ерда...

Бу ерга келган кунидан бошлаб қалбида семинария мана шундай ҳис-туйғулар уйғотмаган камдан-кам бола топиларди! Номатълум ва нотаниш йўлга чиққанда ҳамма ҳам ҳаяжонланади, ҳамма ҳам: «Мени бу йўлда нима кутиб турганикин? Нимага дуч келаркинман, қандай қийинчиликлар, қандай тоғ-тошлар йўлимни тўсаркин? Қандай учуримлардан, қандай сирпанчиқ музликлардан, қандай таҳликали чўққилардан ўтишимга тўғри келаркин?» — деб чуқур изтироб чекади.

Наримон фойтонга ўтириб, Гори сари йўлга тушган

пайтларида Соҳиб муаллимнинг самимий ва ҳаяжонли сўзларидан табиий равишда кўкраги кўтарилганини ҳис этиб, хаёлга толган эди. Тифлисдан Горигача чўзилган айланма, нотекис йўл, гарчи туманли бўлса-да, файтон ва аравалар келиб-кетадиган оддий йўللарга ўхшамаслигини, бу йўл келажакка қараб кетаётганини ва ҳаётини янги оқимга қўшиб юборажагини, отаси, онаси, барча қариндош-уруғлари мана шу йўлга кўз тикиб туришларини ҳис этганди. Ҳатто уларни ёмон кўрадиган Нисо отин билан ҳожи Алилар ҳам мана шу йўлга қараб туришарди. Улар: қани, Наримон бу йўлдан қандай одам бўлиб қайтаркин, деб кутишарди, яхши бўлиб қайтса яхшиларни, ёмон бўлиб қайтса ёмонларни севинтириши турган гап эди!

Бу ҳислар, бу фикрлар Наримонни ҳаддан ташқари ҳавас ва ирода билан ишлашга, қунт билан ўқишга ундарди. Астойдил ҳаракат қилгани учун ҳам у ўтилган дарсларни тезда ўзлаштириб олар, тобора ўқитувчилар ва ўртоқларининг ҳурматини қозониб бормоқда эди. Бу эса ҳар бир шогирд сингари Наримоннинг ҳам ҳавасини баттар оширарди. Ички шавқ ва ҳавас инсон юрагида ёниб турадиган бир чироқ. Унинг на ёғи тугайди, на пилиги. Кеча-кундуз нур таратиб, инсонни фақат олдинга интилишга ундайди. Наримон семинарияга келган кунидан бошлаб, пухталиги, озодалиги, интизоми, меҳнатсеварлиги ва яхши хулқи билан ҳамманинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилган эди. Мана шу хусусиятлари учун ҳам ўқитувчилар унинг рус тилидан қийналишини, синфдош дўстларига нисбатан бу тилни яхши билмаслигини вақтинчалик ҳол деб ҳисоблашар, тез кунда ўртоқларига етиб олишига, бу дарсни ҳам яхши ўзлаштириб ола билишига ишонардилар. Бу ишончни у ҳисоб, жуғрофия ва табиёт дарсларидаги муваффақиятлари билан қозонган, фақат Алексей Осиповичнинггина эмас, бошқа ўқитувчиларнинг қалбида ҳам умид уйғотган эди. Она тили дарсларида эса унга тенг келадиган, адабий намуналарни унингчалик оҳангдор ўқиб, ёд оладиган, таҳлил қиладиган ўқувчи йўқ эди. Бу дарсни Сафарали муаллим олиб борарди. Унинг ўзи ҳам Гори семинариясини тугатган дастлабки озарбайжонликлардан бўлиб, семинарияда ниҳоятда яхши ўқиганлиги, юксак ахлоқ ҳамда ўткир педагогик истеъдод эгаси эканлигини кўрсатганлиги

учун 1881 йилда билим юртини тугатганидан кейин шу ернинг ўзида муаллимликка олиб қолишган эди. Бу одам озарбайжон халқининг янги тарихий шароитига, давлатлараро янги муносабатларга мувофиқ ўз ҳаёт тарзини ўзгартириши зарурлигини англаган даврда етишган ва майдонга отилиб чиққан илк курашчилардан, илк маориф фидойиларидан эди. Бу фидойилар халқни уйғотишдан, халққа хизмат қилишдан юксакроқ амални билмаганлари учун ҳар он муқаддас, зиёли фикр билан ҳаракат қилар, халқнинг болаларига ўқиш-ёзишни ўргатишни, дунёвий илмлардан таълим беришни юксак гоёлари йўлида ниҳоятда зарур бир вазифа деб ҳисоблардилар. Шунинг учун озарбайжон болаларининг истеъдод ва фаросатини кўрганда кўнгиллари тоғдай кўтариларди, болани яна ҳам завқлантириб, руҳлантирардилар. Наримон ҳам Сафарали муаллимнинг назарига тушган шундай болалардан бири эди. Унинг билимга ташна зиёли кўзлари, одобли хатти-ҳаракатлари ва ҳар қандай саволга, ҳар бир сўзга тушуниб жавоб қайтариши дастлабки дарсларданоқ Сафарали муаллимнинг назаридан четда қолмаган эди. Кейин эса у қайта-қайта, «офарин, баракалла!» деган мақтовлар билан Наримонни руҳлантиришга интиларди.

Бугун ҳам Наримон Сафарали муаллимнинг дарсида муваффақият қозонди. Эркин мавзуда суҳбат борарди. Муаллим шогирдларнинг оғзаки, ёзма адабиётдан қайси асарларни, қандай халқ масалларини, қайси байтлар ва шеърларни ёд билишларини суриштирди. Доскага чиққан бола биронта парчани айтиб бериши ва кейин шу парчани қисқача таҳлил қилиб бериши керак эди. Шогирдлар ҳар қайсиси ёдига тушган битта шеър, ғазал ва қўшиқни айтиб бергач, уни қандай тушунганини изоҳлаганидан кейин, ўз жойига бориб ўтирарди. Наримонгача доскага чиққан болалар халқ адабиётидан фақатгина муҳаббат ҳақидаги шеър ва байтлардан намуналар айтиб беришган бўлса, Наримон оҳиста одимлар билан досканинг олдида келиб турди, катта-катта, фаросатли кўзларини муаллимга қадаб сўради:

— Муаллим, Гўрўғлидан айтиб берсам бўладими?

Саволнинг мазмунига яхши аҳамият бермаган Сафарали муаллим беихтиёр «бўлади» деб ижозат бер-

ди. Наримон юзини синфга бурган ҳолда ҳар сўзни аниқ эшиттириб, мисраларни дона-дона қилиб, Гўрўғ-лининг машҳур «Келтиринг» қўшиғини ёддан ўқиб бера бошлаган эди, муаллим ҳайратланиб, у томонга ўгирилди, кўзларини унинг оғзидан узолмай қолди. Муаллимнинг ўзини бундай тутишидан Наримон ҳаяжонланган бўлса ҳам, зўр билан хотирасини бир жойга жамлади, шошилмасликка ҳаракат қилди... Мисралар унинг оғзидан оқиб чиқарди:

Бир қул қочирганман Арабистонга,  
Қидиринг, ахтаринг, топинг, келтиринг!..  
Агар кирган бўлса тешикли тошга  
Фарҳодни юборинг, чопинг, келтиринг!

Бир қулим қочипти, номи Имирза.  
Бермасдим элликка, олтмишга, юзга.  
Боримни-йўғимни сочинг Табризга,  
Қанча кетса-кетсин, сотинг, келтиринг!

Ахтаринг Ҳалабни, кезинг Мисрни,  
Йўлларини тўсинг, кесинг жасурни,  
Қўлларини боғланг, тутинг асирни,  
Мушт билан мажақланг бетин, келтиринг!

Бир кўринг-а, у номарднинг зотини,  
Опқочибди мард йигитнинг отини,  
Тутиб сўйинг нимта-нимта этини,  
Отлар хуржунида этин келтиринг!

Гўрўғли кўп тўккаи душман қонини,  
Олар қиёматда ширин жонини,  
Тутинг вазирини, қиринг хонини,  
Қўлини қўлига чатинг, келтиринг!..

Синф ҳайратдан қотиб қолган эди. Сафарали муаллим севинчдан ҳаяжонланган ҳолда деди:

— Офарин, ўғлим! Жуда яхши ўқидинг. Энди таҳлил қилиб бер, қўшиқнинг мазмуни нимадан иборат?

Наримон қизариб кетди. Юраги қинидан чиқиб кетгудек бўлиб питирлади. У ўзига ярашмайдиган ҳаяжон ва шошмашсхарлик билан гапира бошлади:

— Муаллим, Гўрўғли халқ қаҳрамони бўлган. Бу қўшиқ ҳам унинг мардлигидан дарак беради. Унга

хиёнат қилиб, араби отини ўғирлаган, душманларига сирини ошкор қилган бир хоин қулнинг қочиб кетганидан қай даражада газабланганини кўрсатади...

— Сен буни қаерда ўқигансан? — деб сўради Сафарали муаллим.

— Али Мирза амакимдан эшитганман, муаллим. У киши бундай нарсаларни жуда кўп билади. Шеърни ҳам дафтаримга ўша амаким ёзиб берган.

— Яна нималарни биласан?

— Зокирдан, Воқифдан ҳам биламан, муаллим.

— Уларни сенга ким ўргатган?

— Соҳиб муаллим.

Сафарали муаллимнинг юзи ёришиб кетди:

— Шунақа дегин! Бундай пайтда устозингга раҳмат дейилади! Соҳиб муаллимни қаердан танийсан, ўғлим?

— Бизнинг қўшнимиз бўладилар, муаллим.

— Жуда яхши, жуда яхши. — Сафарали муаллим Наримонга янада меҳрибонроқ назар ташлади. — Воқифнинг қўшиқларидан ҳам ёд олганмисан?

— Ёд олганман, муаллим, — Наримон бир вақтлар онасига ўқиб берган «Пари» қўшиғини эслади.

— Қани, айтиб бер-чи...

Наримон бошини хиёл кўтарди, кўзини номаълум бир нуқтага қадаб, бир зум ўйланиб қолди ва яна олдинги ҳолатида ўқишга киришди.

Бўйинг суроҳий<sup>1</sup>дир, баданинг биллур,

Гарданинг қилинган мино<sup>2</sup>дан, пари.

Сен ё бир сўно<sup>3</sup>сан, жудо тушибсан,

Бир гала яшилбош сўнодан, пари,

Ихтилотинг<sup>4</sup> ширин, сўзинг мазали,

Шакар кулишингдан жонлар тозали<sup>5</sup>,

Элларнинг ҳуснисан, ўлка гўзали,

Гўзал туғилгансан онодан, пари.

Наримон қўшиқни охиригача ўқиб бўлиб, муаллимнинг саволини кутиб турган эди, Сафарали муал-

<sup>1</sup> Суроҳий — сув ва май солинадиган узун шиша идиш.

<sup>2</sup> Мино — тоза, қимматбаҳо, товланувчи шиша.

<sup>3</sup> Сўно — ўрдакнинг бир тури.

<sup>4</sup> Ихтилот — аралаш, қотишиш, муомала қилиш.

<sup>5</sup> Тозали — бу ерда: ёшаради маъносида келади.

лим ўрнидан турди-да, унга яқин келиб пешанасидан ўпди.

— Офарин, ўғлим!— деди у.— Жуда ажойиб хотиранг бор экан. Шеърни, сўзнинг маъноси ва гўзаллигини яхши ҳис қилар экансан. Эҳтимол, сендан келажакда катта ёзувчи чиқар. Адабиётни ҳамиша севгин. Қандай касб эгаси бўлсанг ҳам, адабиётдан узоқлашма. Амакинг Али Мирза кишини, устозинг Соҳиб муаллимни ҳеч қачон унутма!

Наримоннинг унга: «Муаллим, уларни ҳеч унутиб бўларканми?! Улар мен учун ота-онам каби азиз!»— дегиси келди. Ленин айта олмади. Муаллимнинг «бор, ўтир», деган сўзини эшитганидан кейин шошилмасдан ўрта қатордаги партасига қараб кетди.

Мана шу ҳодиса унинг руҳини кўтарган, юрагида ёнган чироқнинг шуъласини юзига, кўзига чиқарган эди. Лекин мағрурланиш, муваффақиятларини кўз-кўз қилиш каби майда хусусиятлар у ўсиб-улғайган хонадонга, муҳитга мутлақо бегона эди. Ҳаммадан ҳам унинг ахлоқига, одатига кўпроқ таъсир қилган онаси Ҳалима хоним жуда камтар, ҳокисор аёл эди. Демак, Наримон аслида ўзи камтар бўлгани учун ҳам мана шундай ҳаяжонли дақиқаларни оддий воқеалар қатори унутиб юборарди. Қўнғироқ чалинганидан кейин у ўртоқларига қўшилиб, даҳлизга, у ердан ҳовлига чиқди. У майин куз ҳавосидан нафас олиб, тоғлардан ва дарёлардан келаятган ҳафиф салқинликни ичига ютгани сари ғалати бир ҳорғинлик ҳис этди-да, бир чеккага чиқиб олди. Бу ҳақда семинария болалари икков-учов бўлиб юрар, суҳбатлашар, ўйнар эдилар. Аллақандай ҳис-туйғулар болани танҳоликка, ёлғизликка, осмондаги булутларни, куз уйқусига тола бошлаган табиат манзараларини томоша қилишга, ўзи билан ўзи гаплашишга, ўз оламига кириб кетишга ундарди. Бошқаларнинг кўзига ғалати кўринадиган бу ҳолатига кўпинча унинг ўзи ҳам тушуна олмасди. Ўзини зўрлаш, истамагани ҳолда ўртоқларига қўшилиб, сохта қўвноқ бўлиб кўринишнинг улдасидан чиқа олмасди. Умуман, табиатига зид бўлган кайфиятларни қабул қила олмаслигини, уларга уйғунлашувнинг улдасидан чиқа олмаслигини, сохталикдан кўнгли айнишини ҳис қилар эди. Мана шу сифатлари бўлган кишиларни кўр-

са дарров ёмон кўриб қолар, улар билан ширин муомалада бўла олмасди.

Синфдаги диққинафасликдан кейин, сокин куз ҳавосида бирданига юзага чиққан ҳорғинликдан қутулиш учун, фикрсиз ҳолда атрофга қараб турган вақтида, рўпарадаги тоғ ёнбағрида ёқилган гулханга кўзи тушди. Гулханнинг қип-қизил алангаси тўрт томонга нур сочар, тоғларнинг ёпинчиғи бўлган кулранг булутларда акс этар, дараларга тушгач, эриб кетарди. Бу жуда томошабоп манзара эди, шунинг учун Наримон ундан кўзини уза олмай қолди. Бу манзара отасини, онасини, Соҳиб муаллимни, Фазлини эсига туширди. «Бобожон Фазлини ёлғиз билиб эзмаётганмикин?» — деб ўйлади у ва юрагида бир ғусса, бир ҳасрат ҳис этди...

Лекин гулхан ниҳоятда жозибали бўлгани ва унга хуш ёққани учун бу маънос туйғу кўнглидан тезда кўтарилиб кетди. У энди ҳамма нарсани унутди, бутун фикри-зикрини гоҳ гуриллаб кўтарилаётган, гоҳ пасайиб кетаётган олов эгаллаб олди. Алангаланиб, қип-қизил чўққа айланаётган оловнинг жозибадор сурури онасининг эртаклари, Наврўз арафасида чоршанба кунлари, жума оқшомлари нон пишадиган тандир орқали унинг руҳига кириб олган, унинг қалбида ҳамиша ҳаяжонли ҳислар, руҳида аллақандай ширин хаёллар уйғотар эди... Тоғ бағридаги гулханнинг ёнида иккита соя кўринди. Бошлиқ<sup>1</sup>ларининг учларини елкаларига ташлаб олишганига, эгниларидаги чухаларига қараб, уларнинг қишлоқлик гуржи эканликларини билиб олеа бўларди. Улардан сал нарида, хуржунларнинг олдида иккита от ўтлаб юарди. Қишлоқликлар тез-тез атрофга югуришиб, қуриган дарахт шохлари ва майда-чуйда ўтинлар териб келиб, гулханга ташлашарди. Шундай пайтда олов бўғилиб пасаяр, тутун қалинлашар ва булутларга қараб кўтариларди. Бир оздан кейин эса шохшаббалар ёна бошлар, оловнинг ўткир тили бамисоли найзадек кулранг булутларга санчиларди... Мана, шохшаббалар тамомила ёниб тамом бўлди, атрофга учқун сачратиб турган қип-қизил чўғ тушди. Гуржилар кабоб пишира бошладилар...

Дастлабки дақиқаларда Наримон гулханга шу қадар қизиқиб кетганидан бир неча қадам нарида нима

<sup>1</sup> Бошлиқ — бош кийим устидан кийиладиган ёпинғич.

ҳақидадир суҳбатлашиб турган бир тўда ёш семинаристга аҳамият бермаган эди. Лекин гулханнинг олови пасая-пасая, тамомила ўчгач ҳамда ёшларнинг суҳбатлари қизиб, овозлари қаттиқ-қаттиқ эшитила бошлаганидан кейин Наримон истар-истамас тоғ бағридан кўзини узиб, уларга қаради. Ёшлар унга аҳамият бермасдан, борган сари қизишиб гаплашардилар. Наримон кўринишларидан уларнинг ўша пайтдаги Гори семинариясининг, бир сўз билан айтсак, юқори бўлими, яъни юқори синф талабаларидан эканликларини билди. Бу ҳол унинг қизиқишини орттирди. Юқори синф талабаларида ўз келажагини кўрадиган бошланғич синфларнинг барча болалари каби Наримон ҳам қизиқиш тўла кўзлари билан талабаларни кўздан кечири бошлади. Улар гўё сеҳрли бир кўзгуда унга саккиз йил, тўққиз йилдан кейин семинарияни тугатиб, муаллимлик дипломини олишга ҳозирланаётган Наримон қандай одам бўлишини кўрсатмоқда эдилар!

Тайёрлов курсида ўқийдиган бир шогирдга юқори синф талабаларининг ҳеч бир аҳамият бермасдан, ундан тортинмай, баланд овоз билан баҳслашувлари, қизишиб бир-бирига ниманидир исбот қилишга ҳаракат қилишлари табиий эди, албатта. Уларнинг овози гоҳ кўтарилар, гоҳ пасаяр, кўзлари чақнар эди. Кўринишидан кавказликка ўхшаган бир йигитча аҳён-аҳёнда, лекин қизгинлик билан сўзга қўшиларди. У гапира бошлаганда ўртоқлари сукут сақлаб, гапларига диққат билан қулоқ солишарди. Ўртоқлари кавказлик бола билан ҳисоблашаётганлари аниқ эди. Бу гал ҳам бошқа бир талаба сўзини тугатгани заҳоти у қайнаб гапира бошлади:

— Гапларингизга қулоқ солган одамга кишилик тарихи беш юз йил олдинги нуқтада қотиб қолгандай туюлади. На Европада саноат тараққиёти, на буга машиналари, на электр чироғи кашф этилгану, на Францияда инқилоб бўлган. Русия эса беш юз эмас, минг йил аввалги Русиялигича қолган, бу диёрда на декабристлар, на Степан Разин, на Пугачёв, на Белинский ва на Герценлар бўлган! Ҳолбуки, буларнинг ҳаммаси бўлган ва бор. Улар халқ тарихининг ҳақиқати ҳисобланади ва халқ юрагида яшайди. Мана шуларни кўрган, яратган халқни абадий зулматда, бўйинтуруқда

сақлаб бўлмайди. Русия бир кун тузалади, халқ қўли билан тузалади!..

Кавказлик бола ҳали сўзини тугатгани ҳам йўқ эдики, қаёқдандир навбатчи муаллим пайдо бўлиб тўдага яқинлашди-да, тўхтаб, диққат билан уларнинг суҳбатларига қулоқ сола бошлади. Талабалар сиқилиб хижолат бўлдилар, лекин кавказлик бола бу ҳолга парво қилмай, фикрини охиригача етказиб, муаллимга ўғирилди:

— Семён Сидорович, Русиянинг келажаги ҳақида суҳбатлашяпмиз. Русия тузаладими, йўқми?! Мен, албатта тузалади, халқ меҳнати ва қўли билан тузалади, деяпман!..

Ўрта бўйли, тўладан келган, ташқи кўринишидан соғлом, ҳатто паҳлавонга ўхшайдиган, сап-сариқ сочли Семён Сидорович Волков кавказлик болага диққат билан қаради, кейин нариги талабаларнинг қандай фикрда эканларини сўради. Кимдир хушламайгина, тил учида бир-икки калима сўз айтиб жим бўла қолди. Навбатчи муаллимнинг олдида улар баҳсларини давом эттиришни истамаётганлари кўриниб турарди. Бир озгина аввалги иштиёқлари бирданига ўчиб қолган эди. Семён Сидорович буни яхши ҳис қилса ҳам, пинагини бузмади, эътирозга ўрин қолдирмай, қатъий ҳукм чиқаргандай вазминлик билан гапирди:

— Сизларни ҳозирдан ватанизм Русиянинг келажаги ташвишлантираётганидан бениҳоя хурсандман. Бу — семинарияда ўтаётган умрларингиз зое кетмаётганидан далолат беради. Юракларингизга сочилган ватанпарварлик уруғлари униб чиқаётганини билдиради. Бу уруғларнинг яхши ҳосил беришини истасаларингиз, сўзларимни ёдингизда сақланглар. Русиянинг келажаги зиёлилар қўлида бўлади. Шунинг учун ҳам яхши ўқинглар ва аълоҳазрат императорга садоқат билан хизмат қилишга тайёрланинглар. Халқ масаласига келсак, — Семён Сидорович бу гапларни айта туриб қора қош, қора кўзли йигит тарафга қаради, — сизга шуни айтмоқчиманки, халқ жуда аралашиб кетган конгломерат. Унинг ичида мужик ҳам бор, қора ишчи ҳам, зиёли ҳам. Қора ишчидан ва жоҳил мужикдан нимани ҳам кутиб бўларди? Ҳеч нарса! Уларни кўрганда одамнинг кўнгли айнийди. Сизлар ҳали жуда ёшсизлар, уларнинг орасида бўлмагансизлар, мен эса

бўлганман. Турмушларини ҳам, одатларини ҳам яхши биламан. Уларнинг тарбия кўрмаган, қўпол ва нодон одамлар тоифасидан эканликларини биламан! Ҳаётлари ҳам ҳайвондан фарқ қилмайди!..

Орага сукут чўкди, оғир бир сукут... Талабалар бир-бирларига қараб қолишди. Норози бўлишса ҳам, навбатчи муаллимга ё эътироз билдиргилари келмади, ёки бўлмаса у билан баҳслашишни маъносиз деб билишди. Лекин қора қош, қора кўзди йигит ўзини қўлга олиб, сўради:

— Мени кечиринг, Семён Сидорович, бир нарсани билгим келади. Сиз мужикнинг ва ишчининг ўша оғир аҳволини нима билан изоҳлайсиз?

Бу саволни берган вақтда у йигит Наримонга ниҳоятда яқин ва қадрдон бўлиб кўринди. Наримон унинг ҳаяжонда қўли билан қора жингалак сочларини силаб қўйганига аҳамият берди. У кўзларини муаллимнинг юзига тикиб, жавоб кутмоқда эди.

— Нима билан изоҳлардим, уларнинг ҳайвондан фарқлари йўқ, вассалом!— Семён Сидорович кутилмаганда бир қўрслик билан, худди изоҳга эҳтиёжи бўлмаган оддий бир ҳақиқатни тасдиқлагандай жавоб берди.— Ҳайвоннинг ҳайвонлигини исбот қилишнинг нима ҳожати бор?!

Муаллимга, айниқса Гори семинарияси муаллимига ярашмайдиган бу қўрс жавоб талабаларни таҳқирлади. Лекин улар ҳамон сукут сақлаб туришарди.

— Мен сиздан минг бор узр сўрайман, Семён Сидорович, сиз ноҳақсиз,— қора сочли йигит эътироз билдирди.— Сиз мутлақо ноҳақсиз! Ҳеч ким ўзининг жаҳолати учун ўзи айбдор эмас. Мужик ҳам, сиз айтган «қора» ишчи ҳам ҳаётининг ҳайвон ҳаётидан фарқ қилмаётганига гуноҳкор эмас!

Йўқ, Семён Сидорович уришиб бермади. Бақириб-чақирмади, фақат маъноли-маъноли, истеҳзо билан кулимсиради, талабани камситиш ёки менсимаганлигини кўрсатиш учунми, сенлашга ўтди:

— Нима демоқчилигингни билиб турибман, Микаел, инсон ижтимоий муҳитнинг маҳсули, демоқчисан! Бу фалсафа билан биз ҳам танишмиз ва уни бошидан охиригача инкор қиламиз. Ҳеч қачон дунёни кучлилар ва заифлар, ақллилар ва аҳмоқлар, олижаноблар ва пасткашлар, нозиклар ва қўполлар бўлмайди-

ган қилиб ўзгартириб бўлмайди. Худо... Йўғ-е, сенинг завқингга уйғун бўлсин учун табиат деб атайман, ҳа, мана шу табиатнинг ўзи инсонларни ҳар хил қилиб яратади. Бир кишининг кафтидаги чизиқлари иккинчи одамникига ўхшамаганидай, кишиларнинг юраклари ҳам, маънавий тушунчалари ҳам, табиий қобилияти ва истеъдодлари ҳам ҳеч қачон бир хилда бўлмайди! Қарабсанки, биттаси ноёб истеъдод, катта қобилият, катта қудрат эгаси, иккинчиси эса ҳар нарсада ожиз, ҳар ишда ношуд бўлади! Энди нима дейсиз, худонинг иноятидан четда қолган бу нотавонлар ҳам саройларда яшаши керакми? Йўқ, уларнинг жойи ҳаётнинг қуйи қатламида, ертўлаларда бўлиши керак! Улар саройнинг қадрини билишмайди!

Наримон айтилган сўзларнинг ҳаммасини англаб ололмаса-да, асосий мазмунига тушунар ва аллақандай қизиқиш билан қулоқ соларди. Илк қарашдаёқ қора қош, қора кўзли йигитнинг фақат ташқи кўриниши билангина эмас, фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғуларини билан ҳам ўзига яқин турганини сезган эди. Унинг исми қулоғига Микоил дегандай эшитилганидан: «Бу бола албатта бизлардан бўлиши керак, мусулмон бўлса керак!» — деб ўйлади ва унга янада диққат билан қарай бошлади.

Қора қош, қора кўзли йигит Семён Сидоровичнинг узоқдан-узоқ монологуга сабрсизлик билан, оқариб-бўзариб, гоҳ эътирозли исёнкор, гоҳ асабий қулоқ соларкан, муаллим сўзини тугатиши билан ҳужумга ўтиб, уникидан ҳам узунроқ монолог билан жавоб берди:

— Тўғри, табиат одамларни бир қолипдан чиқариб дунёга келтирмайди. Борди-ю, шундай бўлганида ҳамма бир-бирининг қайтариғи бўларди ва ҳаёт жуда зерикарли ўтарди. Ҳаётнинг гўзаллиги ҳам, жозибадорлиги ҳам инсонларнинг зоҳиран ҳам, маънан ҳам бир-бирининг такрори эмаслигида, ҳар қайсиси ўз хусусиятида эга эканида, ўз табиати борлигида. Шу билан бирга инсонларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган битта томон борки, мен инсоннинг гўзаллигини, ҳаётнинг гўзаллигини ҳам мана шу умумий жиҳатида деб билман. Бу умумийлик, бу гўзаллик, инсонларнинг ҳаммаси ҳам меҳнат қилишга, ишлашга, ўзини ўзи боқа олиш қобилиятига молик эканида. Барча инсонларни

бирлаштирадиган, инсоният майдонида дўст ва биродар қиладиган нарса ҳам мана шу улуг, мана шу муқаддас одат, меҳнатга, заҳматга бўлган ҳурмат туйғуси! Дунёда оёқ-қўли бут бўлган бирон-бир одам йўқки, ишлашга, меҳнат қилишга қобил бўлмаса! Сизнинг табиятан ва маънан ожиз, яроқсиз деб ҳисоблаган одамларингиз эса, чарчоқ нима эканлигини билмайдиган меҳнаткашлар. Бу дунёни безайдиган, сизнинг оқсуякларингиз яшайдиган саройларни қуриб жиҳозлаган мана шу «яроқсиз»ларнинг меҳнати бўлади. Уларнинг қадоқ бўлиб, торс-торс ёрилиб кетган қўллари бўлади! Бизнинг шу даражада ишонганимиз аълоҳазрат император давлатининг қудратини сақлаб турган, найза остидаги сон-саноқсиз аскарларни, қимматбаҳо матолардан мундир кийган офицер ва генералларни боқаётганлар ҳам ўшалар бўлади. Идораларда қалашиб ётган, боши йўқ, охири йўқ қонунлар тўрини тўқиб ўтирган ҳарис, ноинсоф амалдорларни едирган-кийинтирган ҳам ўша «яроқсиз»ларнинг меҳнати бўлади. Агар ҳар бир шахс меҳнатининг маҳсули ўзига берилса, ким саройларда яшаб, ким ертўларга тушиши маълум бўлиб қоларди!

— Мен сенга ачиниб кетяпман!— Семён Сидорович худди ўзини зўрлагандай аччиқ-аччиқ кулди.— Бундан қирқ йил олдин дарғазаб Виссарионнинг тарқатган чирик социалистик гоёларига Русияда ўрин йўқ эканлигини тарих очиқдан-очиқ исбот қилиб берди. Бу гоёлар рус муҳитига, аччиқ, шўр тупроқли рус табиятига тўғри келмайди. Бу ерда унақанги уруглар униб чиқмайди. Ҳозиргача ҳам ўсиб етилган эмас! Бизнинг табиятимиз шундайки, подшоҳсиз ҳам, худосиз ҳам яшай олмаймиз. Қаерда бўлмайлик, худо ҳам, подшоҳ ҳам қалбимизда бўлади. Мен эса монархист бўлганим билан фахрланаман, лозим бўлса ҳаётимни ҳам монархия йўлида қурбон қилишга онт ичганман! Биласанки, онтга садоқат биз русларнинг хусусиятимиз.

Семён бу сўзларни ўзгача бир урғу ва оҳанг билан, бошқаларни, биринчи навбатда Микаелни камситиш ва таҳқирлаш мақсади билан айтгани учун Микаел ҳам унга бошқача жавоб қайтарди:

— Сиз муаллимсиз, ўқимишлисиз, шунинг учун ҳам миллий устунлик туйғуси жирканч, инсониятга зид туйғу эканини билишингиз керак!

Семён Сидорович оҳиста, лекин ниҳоятда қатъий бир оҳангда унинг сўзини бўлди:

— Сизнинг муаллим билан бу хилда гаплашишга ҳаққингиз йўқ! Ёки бўлмаса семинариядан дипломсиз кетмоқчимисиз?

— Пўписа қилиш яхши эмас! Мен сизга нисбатан ҳеч қандай ҳурматсизлик кўрсатганим йўқ. Бизнинг баҳсимиз бир илмий масала устида кетяпти, холос. Бундай масалаларни ақлли далиллар билан ҳал этиш тўғрироқ бўлади. Дўқ-пўписа билан ҳал қилиб бўлмайди! Миллий мансубиятни рўкач қилишнинг эса, бу ерда ҳеч фойдаси йўқ. Мен ҳам Русиянинг фуқароси бўламан ва ўзимни ватанпарварликда сиздан паст деб ҳисобламайман. Мен бошқа бир Русияни ҳам биламан. Бу Русия зулмни, зулматни, найзани, зиңдонни рад этади, кўп сирка солинган миллий устунликни рад этади, озодлик, ёруглик, тенглик ва биродарлик учун курашади. Мен фақат мана шу Русиягина инсон меҳрини қозонишига, келажак фақатгина уники бўлишига ишонаман! Мен танийдиган Русия ишчисиз, мужиксиз ҳаётни, курашни, келажакни тасаввур этмайди!..

Семён Сидорович кутилмаганда мулойим ва вазмин қиёфага кириб, сабр-тоқат билан, айнаи замонда кўзлари ҳайратдан катта-катта очилган ҳолда Микаелнинг сўзларини тинглади. Йигит сўзини тутатганидан кейин эса, «ҳим-м-м!» деганича атрофга қаради ва секингина:

— Қизиқ... Жуда қизиқ,— деди.— Бу фикрлар миянгизга қаёқдан келиб қолди?! Ишчи... мужик... озодлик... тенглик... Жуда қизиқ... мен фақат бир нарсани айтишим мумкин, мана бу сўзларни эшитганимда, бурнимга кўнгилни айнитадиган самогон ҳиди, сасиқ тер ҳиди, зах ва махорка ҳиди келади!

Семён Сидорович тупурмоқчи бўлгандай бошини ёнига ўгирди. Микаел бўлса Наримонни ҳайратга солган ҳолда хохолаб куларкан, аввалгидан тамомила ўзгача, мулойим овозда гапирди:

— Мана бу сўзингизга қаршилик қила олмайман! Бу ерда сиз юз фоиз, икки юз фоиз ҳақсиз. Жуда тўғри гапирдингиз. Ишчини ва мужикни хуш кўрмаслигингизга, уларга нафрат билан қарашга ҳаққингиз бор. Ахир нега энди уларни ҳурмат қилишингиз керак экан?! Бир одамки, кун чиққанидан қоронғи тушгуни-

га қадар қора терга ботиб сиз учун ишлар экан, сизнинг роҳатда яшашингиз учун заҳарли, бўғиқ ҳаводан нафас олиб, ҳар турли қийинчиликларга бардош берар экан, қиш қаҳратонида, ёз саратонида сиз учун мол боқар экан, ўт ўрар экан, буғдой экаркан, боғ-роғ бунёд этаркан, минг хил азобларга чидаркан, албатта, инсонлик қиёфасини йўқотиб қўяди-да. У сизнинг қоринингизни тўйғизиш учун қуруқ ерда ётади, ёқаси йиртилган, тер ҳиди анқиб турган жулдур-жулдур кўйлакиштонда қолади, лекин сизнинг қасрларингизни тўр парда билан, ипак кўрпа билан, пат гиламлар билан безайди. Шундай бўлганидан кейин, бу жафокаш одамни нега энди ҳурмат қилар экансиз?! Худо ҳаққи, агар мен ҳам сизнинг ўрнингизда бўлганимда, менинг отамнинг ҳам сизга ўхшаб бир қанча қишлоқлари, заводи ва саройда суянчиғи бўлганида эди, ҳар ойда қанча-қанча ишчини, қанча-қанча мужикларни зиндонга ташлаб, очидан ўлдирган бўлардим. Менга деса битта қолмай қирилиб кетмайдими!..

Баҳс шу ерда тугади. Семён Сидорович ҳеч нарсасидан, хайрлашмасдан, оғир тарсаки еган одамдай қайтиб кетди. Ўртага кишини эзадиган оғир бир сукунат чўкди. Микаелнинг сўзларидаги истеҳзо Наримонга лаззат бахш этган эди. Олдиниға унинг бу қилмишига таажжубланган бўлса, кейинроқ бориб Семён Сидоровичнинг сохта ва қўпол ғурурини фақат шу йўл билангина синдириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилди. Қалбида Микаелга нисбатан илиқ туйғулар уйғонганидан, Наримон у билан шу тахлит, четда турган томошабин сифатида ажралишни истамасди. Хиёлгина паршонхотир ва қайғули бўлиб кўринаётган Микаел ҳам Наримоннинг руҳий аҳволини сезгандай унга яқинлашди ва қўлини елкасига қўйиб:

— Ҳа, йигит, нега мунча диққат билан қараяпсан?— деб сўради.

Наримон унга сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган ҳайрат ва меҳр билан қаради-да, овози титраб:

— Бизларданмисиз, мусулмонмисиз, Микоил?— деб сўради.

— Сизларданман, фақат мусулмон эмасман, исмим Микоил эмас, Микаел...

— Ким бўлсангиз ҳам яхши одам экансиз, менга жуда ёқиб қолдингиз!— Наримон катталарга хос

жасорат ва очиқлик билан унга фикрини билдирди.

— Сен ҳам менга ёқиб қолдинг!— Микаел Наримоннинг ёнида осилиб турган қўлини олиб сиқди.— Мен Зангизурданман. Ҳамиша нонимиз, сувимиз сизлар билан бир бўлган. Сен қаерликсан?

— Тифлистан!— Наримон ҳам катталарга ўхшаб ҳамсухбатининг қўлини сиқди.

— Нима ҳақида гаплашганимизга тушундингми?— сўради Микаел Семён кетган томонга имо қилиб.

— Сал-пал тушундим. Лекин русча гапларнинг кўпига тушунмайман.

— Ўрганиш керак!— деди бирдан Микаел ва салдан кейин:— Парво қилма, ўрганиб кетасан, инсоннинг қўлидан келмайдиган иш йўқ...— деб қўшиб қўйди.

— Ҳаракат қиляпман...

— Ҳозирча хайр, омон бўл, яна кўришармиз.

Микаел тез-тез юриб Наримондан узоқлашди. Наримон узоқ муддат унинг орқасидан қараб қолди. Бу одамнинг сўзларида ҳам, ҳаракат ва муомаласида ҳам ғайри оддий бир қувват, чаққонлик, қатъият сезиларди. Наримон: «Ҳаётда шундай дўстинг бўлса, қандай яхши бўларди!»— деб ўйлади.

## 2

Айни замонда нимагадир Наримоннинг кўнгли ғаш эди. Гўё ўша антиқа ва қизгин баҳсга оддий бир тасодиф эмас, тақдир ўзи қасддан уни шоҳид этган эди. Гўё кўзга кўринмайдиган ёвуз бир куч Микаел ва Семён Сидорович билан учрашувни олдиндан ҳозирлаб қўйгану, атайлаб она тили дарсидаги қувончдан кейин йўлини ўша томонга бурган, тоғ бағрида атайлаб гулхан ёққан ва алдаб тузоққа солган эди. Булутларга бўй чўзган алангаларни нақадар катта завқ билан томоша қилган, баҳслашаётганларни нақадар катта завқ билан кузатган эди у. Нақадар тинч эди, ҳеч қандай андишаси йўқ эди. Микаел билан гаплашганида, унга ўзининг самимий туйғуларини изҳор этган вақтида ҳеч қандай безовталикини ҳис қилмаган эди. Лекин Микаел узоқлашганда хаёлига келган бир фикрдан

юрагининг теран жойларида аллақандай бир тор титраб кетди, бу хавотир туйғусини уйготди. Отасининг кўнгилсиз ҳодисага дучор бўлган пайтида фиғони фалакка чиқиб: «Уришиб турган икки одамга шоҳидлик қилишдан ёмони йўқ. Ҳеч бир гуноҳ иш қилмай балога қолади киши!..» — деб айтган гаплари эсига тушди.

Лекин Наримон бу нохуш туйғуни босишга ҳаракат қиларкан, ўзидан ўзи: «Нега энди мен балога қолишим керак?! Талаба билан муаллим ўзаро баҳслашишди, ҳар қайси ўз фикрида қолгани ҳолда ажралишди. Семинарияда ҳар куни бунга ўхшаган баҳслар кам бўляптими?!» — деб ўйлади.

Мана шундай фикрлар билан ўзини овутишига қарамай, безовталигининг асосий сабабчиси бўлган Семён Сидорович унинг кўзи олдидан кетмасди. Унинг аччиқланганидан семиз ва ҳаёсизларча қизариб кетган сўлгин юзи, бўртиб чиққан қаҳрли кўзлари ёдидан кўтарилмас эди. У биринчи марта мана шундай, кўзлари қиш чилласига ўхшаган совуқ одамга дуч келганга ўхшарди. Бунинг устига бу одамнинг борлиғидан нафрат ёғиларди. Ҳаммага, ҳатто ўтларга, дарахтларга ҳам нафрат билан қарарди у. Наримон икки-уч марта бир зум, эҳтимол бир зумнинг юздан бири давомида бу нигоҳни ҳис қилган ва тез кўзларини четга олган, «Қаерда кўрсам ҳам юзига қарамайман, унга ҳечам дуч келмасликка ҳаракат қиламан!» — деб қатъий қарорга келиб қўйган эди. Лекин тасодиф ўз ўйинини давом эттирарди. Ҳамиша кўнгилсиз ва кутилмаган дақиқаларда кишини истамаган нарсасига рўпара қилиш — тасодифнинг эски одати... Бу сафар ҳам шундай бўлди. Наримон ўзининг хонасига йўл олар экан, даҳлизнинг нариги бошидан чиқиб келган Семён Сидорович билан тўқнаш келиб қолди. У муаллимга одоб билан салом берди ва ётоғига кириб кетишга шошилди, албатта. Семён Сидорович Наримонга бир совуқ назар ташлаб алик олди. Ўтиб кетаётганида ниманидир ўйлади шеклли, тўхтаб унинг қўлини тутди.

— Микаелни кўпдан бери танийсанми? Ҳамшаҳарингми ёки қариндошингми?

— Ҳамшаҳарим ҳам эмас, қариндошим ҳам эмас, муаллим! У билан фақат шу бугун танишдим, холос! — Наримон болаларча соддалик билан жавоб берди. Овозининг сал титраб чиққанидан ўзи ҳам ҳайрон бўлди.

Секин ўтиб кетмоқчи эди, лекин Семён Сидорович уни қўйиб юбормади:

— Қаёққа шошасан?— деди.— Ёдингда бўлсин, муаллимдан рухсат бўлмай туриб бир қадам ҳам жи-лиш мумкин эмас. Сен билан гаплашмоқчи эканимни кўряпсан-ку!

— Мени кечиринг, муаллим!— Наримон хижолат бўлган ҳолда узр сўради.— Сўзингиз тамом бўлди, деб ўйлабман.

— Бунинг аҳамияти йўқ, ҳар қандай ҳолда ҳам ижозат сўраш керак.

— Хўп бўлади. Энди кетсам бўладими?

Семён Сидорович Наримоннинг бошидан оёғигача текшириб чиқди, сўнгра кулимсираб:

— Иш мана бундоқ бўпти! Қани бери кел-чи!—деб яна боланинг қўлига ёпишди, навбатчи муаллим ўти-радиган хонага олиб кирди ва жой кўрсатди.— Ўтир!

Наримон, юраги ҳаяжондан питирлагани ҳолда кўрсатилган курсига ўтирди. Семён Сидорович стол ортига ўтди, лекин ўтирмади, типпатик турган кўйи сўради:

— Демак, Микаелни танимас экансан-да?

— Йўқ, муаллим, танимайман.

— Рост гапиряпсанми?— Семён Сидорович совуқ, шубҳали кўзини унинг юзига тикди. Наримон ҳайрат-дан қалтираган овоз билан:

— Бизда ёлгон гап бўлмайди, муаллим!— деди.

— Сизда, яъни, кимларда?— Семён Сидорович бо-лага янада совуқ ва ўткир назар ташлади.

— Бизларда-да, муаллим.

Семён Сидоровичнинг лаблари пир-пир уча бош-лади:

— Яъни, сиз татарларда, шундайми? Ҳи-ҳи!..

Наримон «татар» сўзининг шу хилда оғир ва истеҳ-золи оҳангда айтилганини биринчи марта эшитиши эди ва ўзича: «Бу сўзнинг нимаси бор эканки, Семён Сидорович шу тахлит нафрат билан тилга оляпти! Ми-каел билан баҳслашган вақтда «қора ишчи! Мужик!» деган сўзларни ҳам шу хилда нафрат билан айтган эди», деб ўйлади.

— Демак, Микаел дўстинг ҳам, қариндошинг ҳам эмас?— Семён Сидорович яна қайта сўради.

Наримон бу саволларга жавоб бермай, ҳайрат ичи-

да қотиб қолди. У ҳамон Семён Сидоровичнинг бу шубҳалари, бу ғалати ва қўрс муомаласининг сабаби-га тушуна олмасди, шунинг учун индамай тураверди. Семён Сидорович эса бу ҳолни ўзича талқин қилиб, ўқитувчига нисбатан қўрслик, ўринсиз мағрурланиш деб ҳисоблади ва болани яна қийноқ-қистовга олди:

— Ҳа, дарвоқе, у армани, сен эса мусулмонсан-а! — яширин ҳамда макрли бир фикр билан иблисларча кулиб кўзини Наримоннинг кўзига тикди. — Сизлар бир-бирингиз билан дўст бўлолмайсизлар...

«Ростдан ҳам бу мени бир балога гирифтор қилмоқчи! — деб ўйлади Наримон. — Мен бунга нима ёмонлик қилдим-а?! Бизга даре ўтмайди, бизнинг муаллимиз эмас, мени танимайди, менга ҳали бирон марта топшириқ ҳам бериб кўрмаган, мен ҳам ҳеч қачон унинг сўзини қайтарган эмасман. Шундай экан, мендан нима истайди?!» Миясида чарх ураётган минг хил саволларга жавоб топа олмасдан боланинг ранги гоҳ оқарар, гоҳ қизарарди, шу билан бирга: «Қани энди шу пайтда бошқа ўқитувчилардан бири кириб келса-ю, Семён Сидорович у билан алаҳсиб, мени қўйиб юборса!» — деб орзу қиларди. Аксиға юриб ҳеч ким келмади. Семён Сидорович бўлса, эндигина учирма бўлиб шохдан шохга сакраб юрган қалдирғоч боласини томоғидан олган ваҳший мушук каби уни сиқиб турарди. Гоҳ қўйиб юборар, гоҳ яна устига сакраб, панжаси орасига олиб бўғмоқчи бўлар, бола билан шу хилда даҳшатли ўйин ўйнашдан, унга азоб беришдан ҳузур қиларди.

Наримонга хонада ҳаво йўқдек бўлиб туюлди. У нафас етмаганидан бўгилар, ўзини қоронғи, совуқ ўрага ташлаб қўйилгану, етти ухлаб тушига кирмаган, ҳеч қачон эшитмаган масаласи юзасидан сўроқ қилинаётган одамдай ҳис этарди. Боланинг ёдига отаси, онаси, амакиси, Соҳиб муаллим келди. Оҳ, қани энди улар бир дақиқага шу ерда бўлиб қолишса. Наримон ниманидир хотирлади ва шу хотира таъсирида тилга кирди:

— Муаллим, Тифлизда отамнинг, амакимнинг армани танишлари бор. Ҳар доим бу танишлари тўғрисида улар яхши гаплар айтишади, жуда ажойиб одамлар, деб гапиришади. Соҳиб муаллимнинг ҳам арманидан дўсти бор.

Семён Сидоровичнинг қошлари чимирилди.

— Соҳиб муаллим? У киши ким бўлди?

Суҳбатнинг мавзуи ўзгарганидан Наримон енгил тортди:

— У киши жуда яхши одам, муаллим, ўзи ҳам Петербургда ўқиб келган!..

Семён Сидорович столнинг ортидан чиқди:

— Онасининг исми Ҳури хоним, шундайми?

— Ҳа, ҳа, худди шундай! Лекин роса яхши одамлар-да!— севиниб жавоб берди Наримон. Соҳиб муаллимнинг ва Ҳури хонимнинг исми тилга олиниши билан Семён Сидоровичнинг менга нисбатан қилаётган совуқ муомаласини ўзгартирарман деб ўйлади у. Ҳолбуки, Ҳури ва Соҳиб деган исмлар Семён Сидоровичнинг ёдига ҳеч қачон эслашни истамаган, ҳаётининг қора доғ тушган нуқтасидай, умр бўйи унутишга интилган ҳодисаларини солиб қўйган эди. Бу шундай ҳодисалар эдики, уларни ҳатто отасига ҳам билдирмас, ундан ҳам сир сақларди... Семён Сидорович Волков Петербург университетида ўқиркан, биринчи йилнинг ўзидаёқ ашаддий миллатчи ва монархистлиги билан кўзга ташланган эди. Олдин бирга ўқиган ўртоқлари, кейин ўқитувчилар, сал вақт ўтмай университетнинг бошлиқлари ҳам унга аҳамият беришган эди. Баъзилар, айниқса ҳамкурс ўртоқлари бошқа халқлар ҳақидаги ёмон фикрларини эшитганларида уни уришишган: «Сирка меъёридан ортиқ ўткирлашса, идишини ёриб юборади, ватанпарварликнинг ҳам ақлга тўғри келадиган чегараси бўлгани маъқул!» — дейишган эди. Баъзилар эса унинг елкасини қоқиб қўйиб, дилида: «Бундай фидойилик, монархга садоқат сени узоққа олиб боради!» — деганлари ҳолда, ўзлари ундан иложи борича узоқроқ юришга ҳаракат қилардилар. Лекин ашаддий миллатчилиги ва монархистлиги уни узоққа эмас, махфий ишлар идорасига олиб бориб қўйди. Бу идора ходимлари бир неча марта у билан яширинча учрашиб, ҳақиқатан ҳам керагидай, ҳатто хиёл ортиқ даражадаги монархистлигини кўриб, уни мақташади, қўлтиғи тагига сув пуркашади ва суҳбат чоғида ҳамкурс ўртоқлари, ўқитувчилар ҳақида маълумот олишадди, кейин, кунлардан бир куни унга: «Аълоҳазрат императорга ва Русияга бўлган меҳрингни сўзда эмас, амалда кўрсатадиган вақт етди», деб расмий агент

бўлишни таклиф қилишади. У дарҳол розилик бериб-гина қолмай, ҳатто кутилганидан ҳам фаолроқ иш кўрсатади, шу ишда соч-соқоли оқарган қари тулкиларни ҳам ҳайратга солади. Ўша кундан бошлаб Семён Сидоровичнинг барча ҳаракати: ўзини қандай тутиши, ким билан нима ҳақида ва қайси оҳангда гаплашгани, қай вақтда ётиб, қай вақтда тургани, қайси зиёфатда иштирок этиб, қайси хоним билан рақса тушгани, бир сўз билан айтганда, бутун ҳаёти ва фикри хаёли махфий ишлар идораси томонидан бошқариладиган бўлиб қолади. Унга, бундай нозик ва масъул фаолият кишидан махсус кайфият талаб қилишини, киши ҳар нарсадан ҳам олдин ўз хатти-ҳаракатини идора этиши, керак бўлган пайтда керак бўлган қиёфага кира билиши кераклигини айтадилар. Бу бузиб бўлмайдиган қонун эди ва бу қонунга биноан у энди тилига келган сўзни дарҳол айтаверади, ҳиссиётини ўша заҳоти билдириб қўядиган қизиққон талабадан доимо ўйлайдиган, чуқур мулоҳазали бир файласуфга айланиши керак эди. Бу ҳам ҳали оз эди. Ватан ва монархия талаб қилардики, у бирмунча вақт маъноли тарзда сукут сақлаб, ҳамкурс ўртоқлари ва ўқитувчиларини ҳайратга солганидан кейин, аста-секин монархияга қарши гаплар айтиши, нимадандир шубҳаланганини, нимадандир норози бўлганини билдириши керак. Бунинг устига ора-чиря ўз фикрларини исёнкор ёшлар учун ҳамиша озуқа манбаи бўлган Белинский, Чернишевский, Герценнинг сўзлари билан исботлашга тиришиши керак. Шу йўл билан у университет ва ўлкадаги тартиблардан, эҳтимол, бутун давлат қурилишидан норози бўлган унсурларга яқинлашиши, турли хил манбалардан олган исёнкор фикрларини Русияда ҳукм сураётган дунёқарашларга қарши қўяётган талабалар ва ўқитувчиларнинг ишончини қозониши, бу масалаларда улардан ҳам ортиқроқ жонбозлик кўрсатиши керак. Яқинлашган одамлари унга ишонишлари, шубҳаланмай, юрагида борини тўкиб солишлари учун у ҳар бир баҳс ва суҳбатда ҳеч нарсадан тап тортмаслиги, чекинмаслиги, ўзини ўта фидойи қилиб кўрсатиши керак. Мана шу йўл билан муайян шаклга тушган ёки энди тушаётган талабаларнинг яширин ташкилотлари сари ўзига йўл очиши керак...

Семён Сидорович буларга ҳатто керагидан ҳам ор-

тиқроқ даражада амал қилди, албатта. Соғлом тан, туганмас энергия, ҳар нарсани ҳазм қилиб юборадиган кучли меъда, бу меъдани энг аъло таомлар билан тўлдиришга қодир бўлган чексиз моддий имкониятлар унга шундай бир қувват берардики, натижада у ҳам дарсларини ўз вақтида тайёрлар, ҳам зиёфатларга қатнар, ҳам шаҳар кўчаларида ва оромгоҳларида сайр қилишга вақт топар, ҳам турли одамлар билан учрашишга улгурарди. Бу чаққонлик, бу энергия, бу фикр ўткирлиги, бу фаолият тўғри йўлга йўналтирилганида, фақатгина илмларни ўзлаштириш учун сарф қилинганда эди, аҳтимол, Россия ҳақиқатан ҳам олижаноб бир фарзандга эга бўлиб қоларди. Лекин мана шу яхши хусусиятлар унинг манфур фикрларига ва табиатига мослашиб, махфий идора томонидан ёмон йўлга буриб юборилганлиги туфайли, бадбахтликдан, зараркунандаликдан бошқа бир натижа бера олмасди ва бермади ҳам. Семён Сидорович тез орада университетнинг илғор, инқилобий фикрли ёшлари билан дўстлаша олди, уларнинг ишончини қозонди, бизга маълум бўлган гўзал Наташанинг дўстлари ичига кириб олди, ҳатто Чернишевский ватан хоини сифатида эъдом қилинган куни ёшлар ташкил қилган намоёнишда ҳам иштирок этди. Уша куни атайлаб, Наташага хушёқсин деб, қора қош, қора кўзли, буғдой ранг бўлганлиги, бошқа бир миллат вакили бўлгани учун ўзи ёмон кўрадиган Ҳури хонимга аҳтиром ҳам кўрсатди, атроф тиқилинч бўлиб кетганида кичкина Соҳибни забардаст елкасига ўтқизиб ҳам олди.

Семён Сидорович яширин талабалар ташкилотининг фаолияти, унинг фаол иштирокчилари ҳақида ҳар куни махфий ишлар идорасига маълумот берар, кейин яна у ердан олган йўл-йўриғига асосан ҳаракат қиларди. Бу хиёнат Наташанинг ва яна бир неча ёшларнинг қўлга олиниб, Сибирга сургун қилиниши билан якунланди. Лекин Семён Сидорович ҳам ўшанда сувдан қуруқ чиқолмай қолди. Ўзини гуноҳсиз қилиб кўрсатолмади. Наташа ҳали зиндонда сўроқ қилинаркан, берилган саволлардан ичларида хоин борлигини сезиб қолди. Лекин хоин ким? Буни билиш жуда қийин эди. Хаёлидан минглаб одам ўтар, лекин аниқ бир одам устида тўхтаб олмас эди. Ниҳоят, Наташа Фёдор билан алоқа боғлади. Кибор оиладан чиққан бу йигит ғайри оддий

бир инсонийлик ва фидокорлик билан Наташага парвона эди. Зиндонга тушган кунидан унга янада ортиқроқ меҳр ва садоқат кўрсата бошлади. Наташани қийнаган оғир ва азобли саволга жавоб топса, бу жавоби қизга тасалли бўлиши мумкинлигини англаб, ҳаракат қила бошлади. Унинг ҳамкурслари билан яқинлашди, турли хил одамлар билан учрашди, жамиятнинг юқори табақасидаги шахслар билан суҳбатлашди ва ниҳоят отасига яқин бўлган бир мўътабар генералдан Наташаларни сотган одам кибор оиладан чиққан, хоин ва жаллод табиатли Волков эканини билиб олди. Буни Наташага маълум қилди. Наташа олдиниға ҳеч ишонмади. Шубҳа унинг юрагини кемирарди. Текшириб кўрмоқчи бўлишди. Наташа гўё инқилобий ишга алоқаси бўлган номаълум одам номига хат ёзди. Фёдор шундай қилдики, бу хат қўлдан-қўлга ўтиб, олтинчи талаба воситаси билан гўё тасодифан Семён Сидоровичнинг қўлига етиб борди. Шу куннинг эртасигаёқ ўйлаб топилган шахс номига ёзилган хат тўғрисида Наташани сўроқ қилишди. Семён махфий идоранинг жосуси эканига ва талабаларни тузоққа илинтирганига энди шубҳа қолмаган эди.

Семён Сидоровичнинг жирканч қиёфаси бутун университет талабаларига маълум бўлсин учун Фёдор қўлидан келган барча чорани кўрди. Уни кўрганда талабалар юзини ўгириб оладиган, ўқитувчилар секингина четга қараб кетадиган бўлишди. Эндиликда ҳеч ким у билан салом-алик қилмай қўйди. Энди Семён Сидоровичнинг университетда қолиши мумкин эмас эди. Бундан кейин у махфий идорага фойда эмас, зарар етказар эди, холос. Шунинг учун Волковнинг университетни гўё ўз ихтиёри билан ташлаб кетаётгандай қилиб кўринишига имконият яратиб беришди. У ўқитувчилик курсига ўтди. Уни битириб, аттестат олди ва Гори семинариясига, яъни, доғ тушган ўтмишнинг садоси асло эшитилмайдиган чекка ўлкага келиб қолди. Ҳар қалай уни бу ерга юборганлар ҳам, ўзи ҳам шундай деб ўйларди.

Наримоннинг шулардан хабари бўлганида эди, Соҳиб муаллимнинг номини тилга олганида, Ҳури хоним ҳақида маълумот бераётганида Семён Сидоровичнинг нима сабабдан бирданига қорайиб кетганига, бўғилганига, кейин эса оқариб-бўзарганига ҳайрон қолмаган

бўларди. Семён Сидорович бу исмларни эшитиши билан ҳаётнинг ўша қоронғи нуқтаси эсига тушар, Наташа, Фёдор ва бошқалар унинг кўзи ўнгида жонланиб, ҳузур-ҳаловатини бузар, қувончли дақиқаларини заҳарларди.

— Демак улар энди Тифлисда экан-да?— Семён Сидорович кайфи учган бўлса-да, ўзини қўлга олиб, кибр-ҳаво билан сўради ва стол ёнига бориб ўтирди.

— Ҳа, Тифлисда яшашиди. Бизнинг уйимизнинг шундоққина олдида туришади. Соҳиб муаллим жоншинликда таржимон бўлиб ишлайдилар, яна болаларни ҳам ўқитадилар!— Шошиб маълумот берди Наримон. Кўнглида эса Микаел ва у билан боглиқ бўлган кўнгилсиз суҳбатдан узоқлашганларига суюниб қўйди. Соҳиб муаллимни, Ҳури хонимни эслаб енгил тортгани Наримоннинг қалбида мунис фикрлар уйғотди. Кўзлари ҳар галгидан ҳам кўпроқ ёришиб, меҳрга тўлди. Ҳатто шу дақиқада кайфи бузуқ, ғамгин кўринган Семён Сидоровичга ҳам юраги ачиди.

— Муаллим, бирон жойингиз оғрияптими?— деб сўради у саволи ўринсиз бўлиб кўринмаслиги учун:— Рангингиз ўзгарганига қўрқиб кетдим...— деб қўшиб қўйди.

— Қўрқма, менга ҳеч нарса қилмайди!— Семён Сидорович ҳамон кўз ўнгидан нари кетмай турган Ҳури хоним ва Соҳиб ҳақида ўйларди: «Улар ҳам хабардормикан университетдаги гаплардан? Хабардор бўлишса керак. Менинг бу ерда эканимни ҳам билишадди энди. У ҳолда бу ердаги одамлар ҳам мендан юз ўгиришади!» Бу фикр эзувчан ва азобли, шунинг билан бирга ўта ёпишқоқ, ундан ҳеч қутулиб бўлмасди. Уйлагани сари Ҳури хоним билан Соҳиб муаллимга бир кунмас-бир кун рўпара бўлишига қатъий ишонарди. «Бу ердаги муаллимлар уларни албатта танишади... Кўришганларида гап у ёқдан-бу ёқдан айланиб келиб менга тақалиши мумкин... Ундан ташқари, Соҳиб муаллимнинг ўзи ҳам бу ёқларга келиб қолиши мумкин... Илк қарашданоқ менинг асабимни бузган манави та: тарвачча улар билан менинг орамда турган жонли кўприк эмасми? Бу Тифлисга борганида ўртамизда бўлган суҳбатни уларга етказадилар... Албатта гапиради!» Табиатан сержаҳл ва кекчил Семён Сидорович шунга ўхшаш кўнгилсиз фикрлар таъсирида баттар аччиқланиб, На-

римонга нафрат тўла кўзларини тикиб қолди. Уни бир неча йилдан кейин, ўқиб, таълим олиб, ўсиб-улғайиб, бошқа идеаллар, бошқа расмий ақидалар, душманлик фикрлари билан яшай бошлаган катта киши қиёфасида кўра бошлади. Нега шундай бўлмасин?.. Ҳозир юрагини шу қадар ташвишга тўлдирган Соҳиб муаллим бир вақтлар Митинский майдонида елкасига кўтариб олган, худди шу ёшдаги, ёки бундан ҳам кичикроқ бола эмасмиди? Буларни бешигида бўғизлаш керак!

Мана шундай мулоҳазалар таъсирида майда-чуйда нарсалар ҳам Семён Сидоровичнинг назарида ўса бошлар, яширин маъно касб этарди. Хаста хаёли бирдан Микаел билан баҳслашаётганида бу боланинг бир чеккада, бутун диққат-эътиборини уларга қаратиб турганини ёдига солди. Бунинг устига, Микаелга меҳр билан қараб турарди! Кейин Микаелнинг Наримонга яқинлашганини эслади, бу ҳам бекорга бўлган эмас албатта...

— Ўша куни Микаел сенга нима деди? — Семён Сидорович кутилмаганда яна ўша масалага қайтди. Ўзи ҳам қўрс, таҳдид солувчи оҳангда сўради.

— Нима сўраётганингизга тушунмадим, муаллим? — деди Наримон меҳрибонлик ўрнини эҳтиёткорлик эгаллаган кўзларини ўқитувчига тикиб.

Наримон ўзини жўрттага гўлликка солиб, тўғриси-ни айтишни истамаётганига Семён Сидоровичнинг шубҳаси йўқ эди. Демак, бир балоси бор, бу яширяпти!

— Тулкилик қилма. Қани айт-чи, баҳслашганимиздан кейин нима ҳақида гаплашдинглар?

Бу сўз Наримонга тарсакидек тегди. Сийнасидаги юраги бу адолатсиз айбномага қарши исён кўтариб жўшмоқда эди. Қандайдир бир туйғу бутун борлигига ҳоким бўлди. Худди кўзининг олдига тўр тортилгандай, олам туман ичида қолиб кетгандай бўлди. Рўпарасида муаллим эмас, билак кучига ишониб, бечора ва кучсиз Фазлини тиззасининг тагига босиб олиб азоблаётган Бобожон тургандек бўлди!

— Нега без бўлиб турибсан, жавоб берсанг-чи! — қулогини тешиб ўтган бу овоз ҳам худди ўша Бобожоннинг овози эди.

— Нима деган бўлса, ўзим биламан! — исёнкор овоз билан жавоб берди Наримон. — Унинг менга айтган гапларининг сизга нима дахли бор?!

— Ҳой бола, дахли бордирки сўраяпман!— Семён унга очиқдан-очиқ пўписа қила бошлади.— Катталар билан қандай муомала қилиш кераклигини ҳам ўрганмаган экансан, одобсиз!

Қаҳр-ғазабдан Наримоннинг томоғига бир нарса тикилгандай бўлди. Бола бўлиб биринчи марта бундай огир сўз эшитиши, биринчи марта бундай қўпол одамга дуч келиши эди.

— Одобни сиздан ўрганмайман!— деди у.— Сиз одамни таҳқирлаяпсиз. Муфаттишимизга айтиб бераман!

— Мени муфаттишинг билан қўрқитма!— Семён Сидорович баттар авжига чиқди.— Айт ҳозир, Микаел сенга нима деди?

— Нима деганини ўзим биламан, дедим-ку!..

— Кетганимдан кейин мен тўғримда гаплашдинглар-а?— Семён Сидорович сўз олишга ҳаракат қиларкан, Наримон бу одамнинг ичи шубҳаларга тўла эканига ақли етиб, бошини чайқади:

— Жудаям кўнгли қора одам экансиз!.. Микаел сизнинг ҳақингизда бир огиз сўз ҳам айтгани йўқ.

— Ундай бўлса аълоҳазрат императорни ҳақорат қилгандир-да, тўғрими, тўғрими?!

— Бизнинг орамизда ундай гаплар бўлгани йўқ!— деди Наримон овозини кўтариб.

— Тўғрисини айтасанми, йўқми?!— Семён Сидорович унга ғазаб тўла кўзларини тикиб, оёққа турди.

— Бизда ёлғон бўлмайди!— Наримон бояги сўзини такрорлади.

Семён Сидорович ҳам унинг жавобини такрорлади ва истеҳзо билан кулди.

— Ҳи... ҳи... Буларда ёлғон бўлмас эмиш! Татарвачча, ундан кўра, тўғри сўз тилимизга келмайди, деб қўя қол!

— Мен сиз билан гаплашишни истамайман, сиз одамга туҳмат қилар экансиз!— Наримон Семённинг қўли остидан сирғалиб даҳлизга чиқди ва ётоғига қараб чопиб кетди. Яхшиямки, хонада Жалил бор экан. Наримоннинг ичкарига ҳовлиқиб, ранги оқарган ҳолда кириб келганини кўриши билан қўлидаги китобни бир чеккага қўйиб, ўрнидан турди.

— Сенга нима бўлди, Наримон?

Наримон бор гапни унга айтиб бўлганидан кейин эса:

— Бу Семён Сидоровични ҳеч ким ёқтирмайди,— деди.— Жуда заҳар одам. Унга рўпара бўлмасликка ҳаракат қил. Анави Микаелларнинг баҳсига келсак, бекорга гапларига қулоқ солибсан.

— Бундай бўлишини ким билипти дейсан, жуда қизиқ гапларни айтишди-да!— Наримон ўзини оқлашга ҳаракат қилди.

Жалил катта кишилардай, уни аҳволдан хабардор қилишга, бу ердаги вазиятни тушунтириб, огоҳлантириб қўйишга ҳаракат қилди:

— Сен семинарияда бунақа гапларни ҳали жуда кўп эшитасан. Ҳеч қайси баҳсга аралашиб ўтирма. Бутун фикри жаёлинг ўқишда бўлсин. Сиёсат билан бизнинг нима ишимиз бор! Бу ерда қандай оқимни истасанг топилади. Монархистлар, яъни шоҳпарастлар, халқчилар, қайдан билай, гўё улар Русияни ўзгартирмоқчи эмиш, тагин аллақандайлари бор... Буларнинг ҳаммаси сиёсат тўғрисидаги гаплар. Сиёсий сўзларни гапирадиганларни эса, ёдингда бўлсинки, ҳукумат ёқтирмайди. Ушлаб Сибирга сургун қилади. Шундай ишларга аралашин сен билан бизга тушиб қолиптими? Мусулмон одамнинг боласимиз, дарсимизни тайёрлайлик, дипломимизни қўлимизга олиб, ўзимизнинг мактабларимизда дарс беришимизни, ёки бўлмаса давлат идораларида битта лавозимни эгаллаб, тинчгина нонимизни топиб ейишимизни билайлик. Қўявер, Русияни қанақасига бўлса ўшанақасига ўзлари ўзгартираверишсин. Ҳукумат ўшаларники, ер ҳам ўшаларники, нима қилса, қилаверишсин!

— Кавказ-чи, Озарбайжон-чи?— Наримон тааж-жубланиб сўради.— Мен ўзим неча марта Соҳиб муаллимдан, подшоҳ қуламагунича бизга озодлик бўлмайди, деган сўзларни эшитганман!..

Жалил Наримонга жуда яқин келди, овозини пасайтирди.

— Мана, қараб тургин, бир куни ўша Соҳиб муаллимнингни ушлаб, қамоққа тиқишмаса, менга айтадиганингни айтарсан! Ҳой, мен сенга биродар сифатида айтяпман, ҳечам бундай суҳбатларга қўшила кўрма. Ўша Микаелларнинг баҳсига ҳам бекор аралашибсан. Бунақа сўзларнинг учини эшитишинг билан чиқиб

кетаверишинг керак эди. Ахир, сенинг нима ишинг бор?

Наримон Жалилнинг бу хилда гапиришига қарамай, сўзларидан семинаридаги барча сиёсий суҳбатлардан хабардор эканини билиб олди. Жалил наинки талабалардан, ҳатто муаллимлардан ҳам қай бири қайси оқимга мансуб эканини, кимнинг ҳозирги ҳукумат тарафдори, шоҳпараст эканини-ю, кимнинг янгича ҳукумат тарафдори эканини яхши биларди.

— Анави, Микаел деган армани бола бор-ку, ўзи жуда яхши бола, мард йигит, лекин, афсуски, хавфли бола-да! Ҳозирги ҳукуматни кўрарга кўзи йўқ дейишди. Аъло ҳазрат императорнинг номини эшитса, кўнгли айнармиш. Мана шу сўзимни ёдингда сақла, эрта-ми-кечми, уни ҳам ушлаб қамоққа тиқишади... Анави Семён Сидоровичдан бўлса эҳтиёт бўлгин. Туққан онасини танимайдиган хилидан. Бизларни кўрганда-ку, кўзига чўп тушади! Ўзи ҳам худо урган игвогар! Ундан узоқ юргин! У билан гаплашмасликка ҳаракат қил, борди-ю гаплашишга тўғри келгундай бўлса, битта сўзини иккита қилма, билдингми? Нима деса маъқуллайвер, жуда тўғри айтяпсиз деявер...

Жалил ҳар галгидай жуда самимий ва меҳрибонлик билан гапирарди. Наримонга чин юракдан хайрихоҳлик билдирарди. Ундан катта бўлгани учун акаларча маслаҳат берар, насиҳат қиларди.

— Буларнинг ғавғосига қўшилиб бизга зарил келдими-а?! Бир неча йил бошингни эгиб юр, дарсингни ўқи, тамомлаб олгин-да, ватанингга қайтиб кетавер. Битта жойда ўтириб ишингни қилавер, вассалом, бизга буларнинг билими керак. Чахир<sup>1</sup>ларини ҳам ичмаймиз, чўчқаларини ҳам емаймиз, ҳукуматлари билан ҳам ишимиз йўқ. Ўзлари билади, ишашса ағдаришсин, ишашса қолдиришсин. Ишашса ўзларини ўтга ташлашсин. Жон уларники, жаҳаннам тангриники!

Жалил гапираркан, Наримон бўшашиб хаёлга толди. Хаёлида кўзига ҳамма нарса туман босганга ўхшаб кўринди. Шу пайтгача шубҳа уйғотмаган ҳақиқатлар ҳам бирдан туманларга буркангандек эди... Жалилнинг хайрихоҳлигига ва самимийлигига шубҳаси йўқ эди унинг. Лекин сўзларининг барчаси Соҳиб муаллим

---

<sup>1</sup> Чахир — шароб турларидан бири.

айтганларининг тескараси эди. Наримоннинг фикрини гирдобга кўмган, қарама-қарши фикрлар ичига ташлаган ҳам мана шу эди. Қизиқ, ким ҳақ, болаларча софлиги ва соддалиги билан юрак сўзларини унга билдирган Жалилми, ёки отасидан ҳам ортиқ яхши кўрган, ишонгани Соҳиб муаллимми?..

Музыка дарси тамом бўлганига қарамай, икки тавақали катта деразадан виолончел ва скрипка садолари атрофга ёйиларди. Куйларнинг тез-тез ўзгаришидан, созандаларнинг асбобларни турли оҳангларга солишларидан машқ ниҳоясига етиб қолгани билинарди. Музыка дарси тамом бўлганидан кейин доим шундай бўларди. Айниқса юқори курс талабаларидан синфда қолиб, ўтган дарсни қайтарадиганлар, виоланинг симларига ўз юрак торини қўшиб чаладиганлар ҳам бўларди. Одатда бу дақиқалар жуда ширин ва жуда қизиқарли ўтганидан, талабалар замон ҳиссини унутишар, навбатчи келиб огоҳлантирмагунича синфдан чиқмасдилар.

Наримон хонасида рус тилидан дарс тайёрлаб ўтирарди. Лекин фикрларини жамлай олмасди. Турли оҳангда чалинаётган музыка садолари одамларнинг овозига қўшилиб хонага кирар ва фикрини бўларди. Фикрлари эса бусиз ҳам туманли ва чалкаш эди. Икки кундан бери миясини кемираётган англашилмас андишалар унга тинчлик бермасди. Қандайдир туйғунинг таъсирида уйларида хавотирланар, ҳожи Алининг куя еган инглиз моли туфайли отасига азоб берганини ўйларди.

Ҳожининг қўлига тасбеҳ ушлаб ҳовлига киргани, Қосим хонаси туфайли онасига пўписа қилгани, Нисо отининг дағдаға билан бахт узугини сотишини талаб қилгани худди ҳозир бўлиб ўтгандай, бутун тафсилоти билан кўз ўнгида гавдаланарди. Бу икки одам қора шарпадай, бахтсизлик жарчиларидай, вайронани яхши кўрадиган бойқушлардай бўлиб боланинг хотирига жойлашган эди ва Наримон улардан раҳм-шафқат, ҳеч қандай яхшилик кутмасди. Наримон уларнинг юзида бирон марта табассум учқунини кўргангани эслай олмасди. Эҳтимол, улар кулгандирлар ҳам. Лекин бу ҳолни Наримон кўрмаган. Аччиқли, ғазабли, меҳрсиз қиёфаларини эса унутишнинг иложи йўқ эди. Бундайлар одамнинг бор-йўғини катта бозорга олиб чиқиб со-

тадилар, уй-жойидан маҳрум, кўча-кўйда сарсон қилиб қўядилар. Улар виждон азоби нималигини мутлақо билмайдилар.

Мана шуларни ўйлагани сари оғирлашиб кетаётганини ҳис қилган Наримон ўрнидан турди, хонада айланиб юриб, дераза олдида тўхтади ва ташқарига қаради. Кишининг назарини ўзига жалб қиладиган нараса йўқ эди. Ҳавонинг авзойи бузилган эди. Шамол эсарди. Ёмғир томчиларди. Аслида бунини ёмғир ҳам деб бўлмасди. Элакдан тушаётгандай онда-сонда битта томиб қўярди. Шамол эса дарахтларни силкитиб, хазонларни у ёқдан-бу ёққа қувлаб юрарди. Ҳаво жуда ёмон эди. Шунга қарамай, Наримонда эшикка чиқиш, шамол билан бирга учиб, нафаси тутилганча югуриш, чарчаганича, қолдан тойганича югуриш истаги пайдо бўлди. Тезлик билан эшик тарафга ўгирилди. Лекин хона ўртасидаги столнинг устида очиқ турган китобга кўзи тушиши билан тўхтади, йўқ, кетиб бўлмайди! Тайёрланиш керак. Рус тилини ўрганиш керак. Икки кун олдинги ёзув дарсида қанча хатоси чиқди! Эҳтимол, бундай дилхираликнинг сабаби ҳам ўшадир?

— Менга қара, Наримон, кўринишинг менга ҳеч ҳам ёқмаяпти? — хонанинг нариги томонида дарс тайёрлаб ўтирган Жалил қўлидаги китобини ёпиб қўйиб, унга мурожаат этди: — Ёки сиқилиб кетяпсанми?

— Жуда сиқилиб кетяпман, Жалил! — тан олди Наримон. — Уйдан хавотирланаяпман. Савдогар билан отам ўртасидаги бўлган ҳангомани сенга айтмаганман.

— Ҳечам сиқилма! — Жалил қатъий оҳангда гапириб, уни тинчитмоқчи бўлди. — Соҳиб муаллимдай суянчиқларинг бўла туриб, нимадан қўрқасизлар?

Наримон Жалилнинг меҳрибон, таскин берувчи сўзларини эшитиб: — «Аслини олиб қараганда, бу Жалил жуда яхши дўст. Кўнгли очиқ, ўйин-кулгини яхши кўради, ҳамма вақт хурсанд бўлиб юради. Қандай қийинчиликка дуч келса ҳам, руҳи тушмайди. Ҳеч қандай ғамни кўнглига яқин йўлатмайди!» — деб ўйлади. Жалилнинг икки кун аввал тарих дарсидан яхши жавоб беролмаганини, ўқитувчидан гап эшитганини эслади. Тўғри, ўша пайтда Жалилнинг ҳам бир оз ранги ўчган эди, кўзлари одатдагидан кўра ташвиш-

лироқ кўринарди. Лекин буларни ўзига қаттиқ олмай, Наримонга:

— Билсанг, айб ўзимда. Совуққонлик қилдим. Икки ҳафтадан бери китоб очганим йўқ. Мана энди кўрасан, ўтилган дарсларни уч кунда ўқиб, ёддан айтиб берадиган бўлиб оламан!— деган ва ўйнагани чиққанда ҳам тарих китобини қўлидан қўймаган эди.

Наримон унинг ҳеч қачон тушқунликка берилмаганига диққат қилган эди.

— Жалил, жуда антиқа одатинг бор, қоқиласан, лекин йиқилмайсан!

Жалил унинг нимага ишора қилаётганини дарров фаҳмлади:

— Тўғри, мен бекнинг ўглиман, лекин мақтовларга кўпам ўрганган эмасман. Эсимни танибманки, дадамнинг бир қўли бошимда, бир қўли қулоғимда бўлиб келган. Бир қўли бошимни силаган бўлса, иккинчиси қулоқ-чакамга тортиб турган. Дадамнинг эътиқоди шунақа, у киши уй бузоғидан ҳўкиз чиқмайди, доим мақталадиган бола кичкина қийинчиликка дуч келиши билан эсанкираб қолади, дейдилар.

— Менга қара, нима, менга ишора қилиб гапиряпсанми?— сўради Наримон.— Мени нозик-ниҳоллардан деб ўйламагин. Тўғри, менинг отам ҳеч қачон қулғимни бураган эмас, лекин бошимни ҳам ҳадеб силайвермаган.

Жалил ўнг қўлини ўз юзига урдй.

— Э-э, нима деяпсан ўзинг! Э-э!!! Улай агар сени назарда тутган бўлсам! Ошна-оғайнигарчиликда хиёнат қилиб бўладими? Қўлингни менга бер, кел, сўнгги нафасимизгача, то ўлгунимизча бир-биримизга содиқ дўст бўлиб қолишга онт ичиб, аҳди-паймон қиламиз, бўптими?

— Бўпти!— Наримон қўлини узатди. Болалар бир-бирларининг қўлларини қаттиқ-қаттиқ сиқиб силки-тишди.

— Аҳдини бузганни аҳд урсин!— Жалил баланд руҳ билан давом этди.— Эсингда бўлсин, Наримон. Мени Қорабоғ боласи деб қўйипти. Деганим деган, ўлсам ҳам онтимни бузмайман... Лекин сенга айтиб қўяй, оламда гам-ташвишга берилма. Ҳамма нарса ўтиб кетади. Рус тилидан хиёл нўноқсан, лекин аканг ўлгани йўқ-ку, қани, оч китобингни, қайсини десанг ўша-

ни ўргатиб қўяман... Яхшилаб ўрганиб олгунингча бир-икки ой сен билан фақат рус тилида гаплашаман. Э-э, биздан дарс қочиб қутуларканми?! Худого шукур, тан-жонимиз соппа-соғ, тоғни урса талқон қиладиган йигитлармиз. Нега энди биз дарсдан қўрқшимиз керак экан?! Дарс биздан қўрқсин. Бир марта ёмон жавоб берсанг, ўн марта яхши жавоб бергин, тамом.

Шу пайт эшик очилиб, ҳамхоналаридан бири қўлида бир даста буклоғлик қоғоз, ичкари кирди.

— Болалар, почта келди!

Наримон ҳам, Жалил ҳам болага ташланишди. Конвертларни талашиб олиб, устидаги ёзувларни бирма-бир кўздан кечира бошладилар. Наримонга иккита хат келган эди. Биттаси акаси Салмондан, иккинчиси Соҳиб муаллимдан эди. Жалилга эса ҳеч нарса келмапти. Лекин у парво қилмай, деди:

— Мана, кўряпсанми, ҳаммага ёзишипти, менга эса — йўқ! Мен энди нима қилишим керак?! Отам бетобмикин ёки онамга бир нарса бўлдимикин, ё бўлмаса, мол-қолимиз қирилиб кетганмикин ёки уйимиз куйиб кетдимикин, деб ўйлашим керакми?! Улай агар шу хаёлга борсам. Ўзимга ғам сотиб олиб аҳмоқ бўлибманми?! Ўрнига ўрин мен отам ва онамнинг азбаройи кайфлари яхши бўлганидан мени эслашга ҳам вақт топишмапти, деб ўйлайман, вассалом!..

Шундай гапларни айтганига қарамай, Наримон унинг юзига енгил қайғу қўнганини, кўзини конвертдан узолмаётганини кўриб, деди:

— Ундай бўлса, бу ёққа кел, ўқиб кўрайлик қани, менга нима ёзишган экан...

Биринчи конвертни йиртиб, ичидаги хатни олишди. Ўқий бошлашди. Салмон: «Ҳаммамиз соғ-саломат юрибмиз, сенинг ҳам соғ-саломат бўлишингни олло-таолодан сўраб турибмиз. Фикри-хаёлимиз сенда. Ўзингни эҳтиёт қил, шамоллаб қолмагин. Яхши ўқи. Бор умидимиз сендан» деб ёзган экан. Ундан ташқари, Салмон оила аъзоларининг ҳаммасидан алоҳида салом юборибди. Соҳиб муаллимнинг аввалгидек уйларига келиб-кешиб турганини хабар берибди: «Илойим, умри узун, бахти очиқ бўлсин, жуда яхши одам». Салмоннинг хатида ҳожи Али ва Нисо ҳақида бир калима ҳам сўз йўқ эди. Хат шундай сўзлар билан якунланарди: «Тифлиснинг қозиси ҳақида ҳажвия ёзган эдим.

Ўшани сенга юборяпман, ўқиб, кўнглинг очилсин!  
Худо хоҳласа, сен билан учрашганимда бу шахснинг  
қилиқларини гапириб бераман, шунда унинг ундан  
ҳам ортиқ ҳажвияга муносиб эканини билиб оласан».

Наримон тўхтаб, хаёлга толди. Хатнинг бошидан  
охиригача кўз югуртириб чиқди. Тўғрисини айтганда,  
уни Тифлиснинг қозиси унчалик қизиқтирмас эди.  
Салмоннинг хатидан онаси, отаси ва оиласи ҳақида  
маълумот кутарди. Шунинг учун ҳам хатни ўзи қай-  
та бошдан ўқий бошлаганида, Жалил:

— Э-э, анави жойи шеърга ўхшайдими, қани ўқиб  
бергин-чи. Аканг шоирми дейман-а?— деди.

— Шоир бўлганда қандоқ, қандай яхши газаллар  
ёзишини билсанг эди!— Наримон севимли акаси ҳақи-  
да гапирмоқчи бўлганида, Жалил сабрсизлик қилди:

— Қани менга бер, нима ёзганини ўзим кўрай!—  
дея хатни тортиб олди ва баланд овоз билан оҳангдор  
қилиб ўқий бошлади:

Бу Тифлис ичра қурган бизларга девон қози,  
Ки, жўнатай сенга бир нома армугон, қози.  
Оқмоқда жўшиб бу кун наҳрдек менинг қоним,  
Нечун бўлипти бизнинг шаҳарга чўпон қози?!  
...Бу шаҳар ичинда ёки йўқми бир оқил доно  
Этса бу ишларини оламга баён, қози?  
Агарчи соқол учун бир шахсга бўлса ҳурмат,  
У вақт эчки саналар соҳиби замон, қози!

Ҳажвни ўқиб бўлиши билан завқланиб мақтай бош-  
лади:

— Воҳ, воҳ! Жуда қойиллатипти! Бу соқол ва эч-  
ки масаласи менга жуда ёқиб қолди. Худо ҳаққи, На-  
римон, оламда ҳеч кимга бахиллик қилган эмасман.  
Худо таоло молу давлатдан сиқмаганини ўзинг ҳам  
биласан, ҳамма нарсамиз бор. Лекин юрагимда битта  
армоним бор, ана шунга етсам бутун молу мулкдан  
кечардим!

— Бу армон шоирлик бўлса керак!— унинг фикри-  
ни томонлади Наримон.

— Тўғри айтасан, баъзан бир худойим олдида юз-  
ма-юз ўтириб қўлларимни осмонга кўтараман: «Биз-  
ларни йўқдан бор қилган, эй танграм, менга нимаики

берган бўлсанг, қайтиб ол, тилимни соқов, кўзимни кўр қилгину, эвазига биргина нозик таъб бергин, токи мен ҳам шеър ёзиб юрай. Сендан бошқа нарса сўрамайман!» — дейман, Бермайди!..

Жалил шеър ва шоирлар ҳақида шундай меҳр билан, куйиб-пишиб гапирдики, Наримоннинг унга ичи ачишди.

— Мен сенда шеър ёзишга шундай иштиёқ борлигини билмасдим. Модомики шундай экан, Салмонга ёзиб юбораман, Соҳиб муаллимдан Фузулий, Воқиф, Видодийнинг асарларини олиб юборсин. Ўқийсан. Кейин ўзинг ҳам аста-секин ёза бошлайсан.

— Нима?! Сен нималар деяпсан ўзинг?! — Жалил шундай таажжуб ва ҳайрат билан ҳайқирдики, Наримон чўчиб тушди. — Сен шеър ёзишни ўрганиб бўлади, дейсанми?! Шоирда истеъдод, таъб бўлиши керак, мана бу ерида моя бўлиши керак! — Жалил ўнг қўлини юрагига ниқтади. — Мана бу ерида бўлмаса унга бунга тақлид қилиб ёзиш билан иш чиқмайди. Шоирлик, бу оллоҳнинг инъоми, туғилмасидан юрагига мояни солиб қўяди, ана шунда ёзган шеърига қалбидаги эзгу нияти қўшилади-да, эшитган одамнинг кўнглига ўт солади. Бўлмаса қуруқ қофия тузишдан нима чиқарди дейсан?!

«Бу Жалил жуда қизиқ одам-да! Жуда ғалати фикрлари бор. Шеърдан гапирса, бутун юраги ўртаниб кетади! — деб ўйлади ўзича Наримон. — Кўнгли ҳам очик. Дўстидан ҳеч нарсани яширмайди!»

— Ҳозир мени жуда ғалати одам экан, деб ўйлапсан! — Жалил Наримоннинг ўйчан кўзларига қараб, болаларча соддалик билан кулиб гапирди. — Тўғрими, мен ҳақимда ўйлапсан-а?

Наримон эътироф этди:

— Тўғри айтдинг, шундай. Биринчи кундан сендақа ўртоқча рўпара бўлганимдан хурсанд бўляпман. Аҳдимиш ҳам қатъий бўлади...

— Бошқача бўлиши мумкин эмас!

— Менинг отам, иш яхшилик билан бошланса, охири ҳам бахайр бўлади, дейдилар. У киши ишнинг бошланишига, илк одимга ишонадиган киши. Эрталаб уйдан чиққанда йўлини қора мушук кесиб ўтса, ёки бўлмаса хосиятсиз одамга дуч келиб қолса, тўхтаб, бу хосиятсиз кишининг ўтиб кетишини кутардилар. Мен

ҳам бу ерга келганимнинг биринчи кунда сенга дуч келиб қолишимни порлоқ келажак аломати, деб биламан.

— Худо ҳаққи, сен ҳам бир кўришдаёқ кўнглимга ёқиб қолгансан. Кўришим билан, бу кўнгли тоза одам, вафоли дўст бўлишга ярайди, деб ўйлаганман. Менинг бунақалигимга қарама, чаканалардан эмасман. Бир қарашда одамни таниб оламан. Энди кейинги хатни ўқи, қани, Тифлисида нима гаплар борақан?

Наримон иккинчи конвертни очиб ўқий бошлади. Соҳиб муаллим: «Наримон, ўғлим!— деб ёзарди.— Дуои саломдан сўнг маълум қиламанки, уйингга ҳам, менга ҳам ёзган хатингни ўқиб чиқдим. Дарсларингни яхши ўзлаштираётганингдан, муаллимларнинг сенидан розилигидан бениҳоя хурсандман. Келгусида ҳам бизни севинтиришингга аминман. Халқимиз, ватанимиз сизларга умид билан кўз тикиб турганини, сизлар у ердан қўлга маориф чироғини олиб қайтишларингиз кераклигини ёдингда тут. Маориф чироғини ҳеч бир шамол, замонанинг ҳеч қандай тўфони ўчира олмайди. Бизнинг бечора ватандошларимизни фақатгина мана шу чироқ зулматдан, қоронғиликдан қутқаради. Илмнинг йўли қийин йўл эканини ҳам ёдингга солиб қўй. Ҳамма вақт муваффақият қозониб кетавераман деб ўйлама. Бу сўзларни қийин аҳволга тушиб қолганингда ўқирсан, мени ёдингга оларсан, деб ёзаяман. Ана шундай дақиқаларда менинг сўзларим руҳингни кўтарса, иродангни мустаҳкамлай олса, мен ўзимни қандай бахтли деб ҳисоблашимни ҳеч тасаввур эта олмайсан! Мана шу мисраларни дўстинг Жалилга ҳам, бошқа ўртоқларингга ҳам ўқиб бер, бир-бирларингга ёрдам қилинглار, бир-бирларингга суянчиқ бўлинглар, болаларим!»

— Омон бўлсин, бундай муаллим!— Жалил завқланиб қичқириб юборди.— Хўп, шунча гаплашганимиз, ўтирганимиз етар, энди рус.тили китобингни олиб кел!

Наримоннинг бояги дилхиралиги тарқалиб кетди. Фикри-хаёли ойдинлашди. Ўзини қушдек енгил ҳис қила бошлади.

— Ҳозирги дарсимиз бу китобдан эмас. Муаллим бошқа топшириқ берган. Пушкиннинг «Қиш оқшоми» деган шеърини дафтаримизга ёздириб, бу ҳафта би-

ринчи ярмини, кейинги ҳафта иккинчи ярмини ёд олиб, таҳлил қилиб берасизлар, деган.

Жалил қувонч билан:

— Э-э, жуда яхши вазифа берилган экан! Бу шеър менга қандай ёқишини билсанг эди!— деди ва шеърни ёддан айтиб бера бошлади:

Буря мглою небо кроет,  
Вихри снежные крутя;  
То, как зверь, она завоет,  
То заплачет, как дитя.<sup>1</sup>

Жалил шеър ўқиганда жуда очилиб кетарди. Кўзларидан ўт чақнар, овози жаранглар, ўзи эса қаёққадир, узоқ-узоқларга тикилиб турарди. Шу кўринишида у бир гапириб ўн куладиган, ҳазилкаш, ҳеч қандай ғам-қайғуни ўзига яқинлаштирмайдиган ипўх Жалилга ўхшамасди. Наримон унга қизиқиб қарар, бу ерда тушуниб бўлмайдиган бир сир борлигини ўйларди. Жалил «Қиш оқшоми»ни бир зумда, илҳом билан охиригача айтиб бўлгач, ўзидан мамнун бўлган ҳолда ва бахтдан чарақлаган кўзлари билан Наримонга қаради.

— Нақадар гўзал айтган-а? Истеъдоди бор деб мана шу одамни айтса бўлади! Оллоҳнинг инъоми деб мана шунга айтилади! Қани энди сен бошла.

Наримон дафтарини олиб келди. Олдига очиб қўйди ва ҳазин овоз билан ўқий бошлади. Бир бандини ўқиб бўлиши билан Жалил уни тўхтатди:

— Нега шунчалик секин ўқийсан?— деб сўради.— Сўзларни дона-дона қилиб ўқи. Баланд овоз билан ўқи. Нимадан қўрқасан?! Бизнинг қишлоғимизда битта ошиқ бор, бирон киши эҳтиросиз қўшиқ куйлаётганини кўриб қолгудек бўлса, дарҳол: «Шошма, шошма! Агар ошиқ шундай айтишингни билса эди, шеър ёзиб овора бўлмас эди!»— дейди.

— Мен ҳар бир сўзни тушуниб, тўғри талаффуз қилишни ўрганмоқчиман, кейин сен айтганингдек эҳтирос билан ўқийман!— Наримон эътироз билдирмоқчи бўлди. Лекин Жалил рози бўлмади.

---

<sup>1</sup> Бўрон тинмай бўралайди,  
Қор қуюнин бурайди;  
Гоҳ ҳайвондай увиллайди,  
Гоҳ боладай йиғлайди.

— Йўқ, энг бошидан эҳтирос билан ўқи!

Наримон овозини хиёл кўтарди. Жалилга бу ҳам кифоя қилмади:

— Яна озроқ қўш! — деб ўзи биринчи бандини бошқатдан ҳарорат билан ўқиди: — Лочиннинг ўрнидан қай тахлит кўтарилаётганини кўрмаганмисан?! Қанотларини кенг очиб, баланд тоғнинг чўққисини мўлжалга олади. Сен ҳам ўшанга ўхшаб, ўлжага бирдан ҳу жум қилгин, кўз очишига имкон бермагин!

У бу сўзларни айтар экан, Наримоннинг кўзи олдида бошқача Жалил пайдо бўларди. «Хавас, юракдан чиқадиған ҳис-туйғу одамни қандай чиройли қилиб юбораркан-а!» — деб ўйларди у. Жалил бўлса, ўртоғининг камчилигини кўрсатибгина қолмай, уни руҳлан-тириш ҳам кераклигини англаб:

— Истасанг мендан ҳам яхши ўқий оласан, — деб қўшиб қўярди. — Разм солганман, шеърни, қўшиқни, чуқур мулоҳазали сўзларнинг маъносини мендан кўра сен тезроқ тушуниб олар экансан. Мендан таъсирлироқ қилиб гапирасан. Ўз тилимизда ёзилмаган бўлса нима қипти, шеър барибир шеър-да. Фақат ўзингни сиқмаслигинг керак, холос. Бир нарсадан қўрққандай, қўлинг титраб, овозинг ўчиб қолмасин. Қўрққанга қўша кўринар, деган мақолни эшитганмисан?! Менинг дадам жуда билимдон киши. Менга ҳамма вақт: «Болам, битта ишга ёпишадиган бўлсанг, шитоб билан ёпишгин. Бўлмаса ҳеч нарса чиқмайди», деб айтадилар. Менга айт-чи, нега шунчалик паришонхотирсан? Кўзимга ғалати кўриняпсан.

Наримон фақат эндигина қалбини кемираётган қайғунинг асл сабабини унга айтиб берди. Тасодиф ўз ўйинини давом эттираётган эди. Даҳлизда бўлиб ўтган кўнгилсиз суҳбатдан кейин Наримон Семён Сидоровични кўриши билан қирдан қирга қочиб, унга рўпара бўлмасликка ҳаракат қиладиган бўлган эди. Бугун эса машъум тасодиф ўйинини авжига чиқарган, уни Наримонларнинг синфига муаллим қилиб қўйган эди. Олдинги рус тили ўқитувчисини нима учундир Тифлисга чақиртиришган эди. Кейин қайтиб келмади. Айтишларига қараганда, Русияга жўнатиб юборишганмиш. Гўё давлат олдида ишончсиз одам эканлиги исботланган эмиш. Мана, икки ҳафтадан бери тайёрлов синфидаги Наримонни Семён Сидорович эзиб келмоқ-

да. Ҳа, узоқдан турқини кўриши билан Наримон қирдан қирга қочиб юрган ўша Семён Сидорович бугун унга ўқитувчилик қиляпти!

— Қандай қилиб паришонхотир бўлмайин, шундай яхши ўқитувчимизни жўнатиб, ўрнига анави заҳар мешқоринни қўйиб қўйишди-ку! Менга худди туя тақачига қарагандай қарайди!..

Жалил буни ҳам аҳамиятсиз бир нарсадай ҳисоблаб, қатъий ишонч билан деди:

— Э-э, парво қилма, бепарво ҳам бўлма! Сен яхши тайёрлан, яхши жавоб бер, кўрамиз нима қиларкин! Чопқир от қамчи емайди, дейишади. Унинг аламига сен кўпроқ ишлагин!

Наримон ғайри оддий ҳаракат билан силкиниб ўзини тузатди ва шеърни ўқий бошлади. Жалил унинг рус сўзларини ёмон талаффуз қилишига, ургуларни ўз ўрнида ишлатмаслигига, шеърнинг оҳангини бузишига лоқайд қарай олмасди, ҳар бир сўздан кейин Наримонни тўхтатиб қўйишдан ўзини зўрға тийиб турарди. Лекин қалбидаги туғма истеъдоди, нозик педагогик туйғуси Жалилнинг фикрини ойдинлаштирар, ҳиссиётга берилиб кетишига йўл қўймас, Наримоннинг сўзларига сабр ва тоқат билан қулоқ солишга ундарди. Наримон шеърни охиригача ўқиб бўлгандан кейин эса:

— Кел энди, бошқатдан бошлаймиз,— деди.— Бу сафар секин-секин, сўзма-сўз ўқигин-чи, ҳар сўзни, ҳар маънони қандай тушунганингни билмоқчиман. Фақат шуни айтиб қўяйки, рус сўзларининг ургусига, талаффузига ҳозирдан эътибор беришинг керак.

— Мени шошириб қўяётган нарса ҳам мана шу!— Наримон тан олди.— Муаллим ҳадеб урғуни жойида бермадинг, юмшатиш белгисини ишлатмай кетдинг, бу жойида айириш белгиси бўлмайди, деб сўзимни бўлаверади. Мунча қийин экан-а бу рус тили!

Ёшлиги ва қизиққонлиги тутиб, Жалил бояги нозик педагогик туйғусига хиёнат қилди. Ўзи истамагани ҳолда Наримоннинг илк муваффақиятсизлик туфайли пайдо бўлган қўрқувини ошириб юборадиган хатога йўл қўйди:

— Жуда қийин тил! Бу ҳали ҳолва! Грамматиканинг ичига кириб борсанг нима қангомалар борлигини кўрасан. Русларнинг ўзлари ҳам кўпинча чалкашиб кетишади...

— Гапнинг очигини айтсам, Жалил, баъзан тўрва-халтамни йиғиштириб, обрўйим борида секингина қайтиб кетсаммикин, деган хаёлга ҳам бориб қоламан!— Наримон ҳаммадан, ҳатто ўзидан ҳам яширин тутган, қалбининг теран жойларида ётган ожизликни унга очиб берди. Жалилнинг фиғони фалакка кўтарилди:

— Нима дединг?! Қайтиб кетсаммикин деганинг нимаси?! Бундай бадномлик қилиб бўладими? Бусиз ҳам бизларга ёмон кўз билан қарайдиганлар бор. Биринчиси, анави сариқ башара гўрсўхта Семён! Дарров: «Худо ҳаммага қобилият бўлиб бераётганида булар қайсидир сўқмоқда битлаб ётган бўлса керак», дейди. Улай агар, ҳаммамизни шарманда қилиб қўясан. Ўқувчилар ичида бош кўтариб юролмайдиган бўлиб қоламиз. «Секингина» деганинг нимаси?

— Семён Сидоровичнинг жирканч қиёфаси кўз ўнгимдан кетмай қолди-да, Жалил! Синфга кирди дегунча менга олайиб қарайверади. Хатомни юзимга солиб, бурчакка тиқмаган дарси бўлмайди. Ўқишни уддалай олмаяпти, семинариядан ҳайданглар деб айтмасайди деб қўрқяпман! Мана шуни ўйлаяпман!..

Жалил жавоб беришга улгурмаган ҳам эди, озарбайжон шуъбасининг муфаттиши Черняевский кириб келди. Болаларнинг иккаласи ҳам дарҳол ўринларидан туриб, аскарлардай салом бердилар. Алексей Осипович уларнинг саломига алик олиб, ўтирди. Иккала ўқувчини ҳам ўтиришга даъват этди. Ўзи эса озарбайжонча гаплаша бошлади:

— Дарс тайёрлаётган бўлсанглар керак. Пушкиндан!— Наримонга қаради:— Ҳа, ҳа, бу сизларнинг навбатдаги дарсларинг бўлади. Қийналяпсан, шундайми?

Наримон тутилиб-тутилиб жавоб берди:

— Жуда қийин экан, Алексей Осипович, билсангиз, синф бўйича энг заифи менман.

Ҳассос қалбли, инсонпарвар ва тажрибали ўқитувчи Наримоннинг овозидаги қайғудан руҳи тушиб, маънавий изтироб тортаётганини ҳис қилиши билан унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қила бошлади:

— Киши ўзига ўзи бундай шафқатсиз бўлмаслиги керак, ўғлим!— деди.— Нега бошқа дарслардан гапирмайсан? Ахир сен табиёт, жугрофия, ҳисоб ва

тарих дарсларида ҳаммадан олдиндасан-ку! Муаллим-ларинг сендан жуда хурсанд.

Жалил шу пайтда суҳбатга қўшилиш учун қулай фурсат етилганини ҳис қилиб:

— Алексей Осипович, сиз Семён Сидоровичга тайинлаб қўйинг, ҳадеб уни қийнайвермасин. Икки гапнинг бирида: «Татарвачча! Татарвачча!» деяверишини ташласин,— деди.— Наримоннинг кўнгли жуда но-зик, истеҳзоли сўзларни ҳеч кўтара олмайди...

Алексей Осипович бирданига жавоб бермади. Кўзи-ни дафтарга тикиб, ўзини худди Пушкиннинг шеъри-ни ўқиётгандай қилиб кўрсатди. Аслида эса чуқур ўй-га толганини Жалил ҳам, Наримон ҳам кўриб турар-дилар. Ниҳоят, у меҳр-муҳаббат ёғилиб турган нурли кўзлари билан болаларни эркалаб, деди:

— Болажонларим, ҳамма одам бир хил эмаслиги-ни билишинглар керак. Бизнинг ичимизда ҳам янглиш ақидалар билан яшаб, сизларга бошқача кўз билан қар-айдиган тошюрак одамлар бор. Сизлар ҳаётда бун-дай одамларга ҳали кўп дучор бўласизлар. Шунинг учун ҳам юракларингни шу пайтдан мустаҳкам ту-тинглар ва чидамли бўлишга оз-оздан ўргатиб боринг-лар. Семён Сидоровичга ўхшаган одамларнинг били-мидан фойдаланинглар, аччигига ва газабига эса пар-во қилманглар, кўз юминглар, агар сизлар улардаги билимларнинг барчасига эга бўлиб олсанглар, газабла-ридан ўзларининг юраклари ёрилиб кетади!..

— Ана, кўрдингми?— Жалил Наримонга қаради.— Боя мен сенга нима деган эдим? Ўзингни маҳкам ту-тишинг керак деган эдим. Ташлаб қочишдан фойда чиқмайди!..

Алексей Осипович оний ҳайратдан катта-катта очилган кўзлари билан аввал Наримонга, кейин Жа-лилга қаради. Жалил ноилож:

— Сиздан яшириб нима қиламан, муаллим,— де-ди,— ҳозиргина Наримоннинг ўзи шундай деяётган эди...

Орага яна сукут чўкди. Яна Алексей Осипович кўз-ларини дафтарга, Пушкиннинг шеърига тикди. Лекин унинг яна хаёлга толгани маълум эди. Наримон ҳам, Жалил ҳам ҳозир муаллим Наримонни уришиб бер-са керак, деб ўйлашди. Лекин ўқитувчи бошини кўта-риб, мутлақо бошқа нарсани гапирди.

— Болажонларим, айтадиган гапларим кўнгилларингга огир ботмасин. Заифлик ҳамма одамда ҳам бўлади. Қийинчиликка дуч келганда иккиланиш мард одамнинг иши эмас. Соғлом ақл ва ирода билан бу иккиланишни йўқотиш — ана шу мардлик бўлади! Менинг ўзимнинг ҳам ҳаётда иккиланган дақиқаларим жуда кўп бўлган! Шундай дақиқаларда фақат қишлоқдаги заҳматкаш отам айтган сўзларгагина амал қилганман. Инсон енга олмайдиган қийинчилик йўқ! Сизларда Фузулий деган катта шоир ўтган. У кишининг нима деганларини биласизларми? У киши: «Қандай дард бўлмасин, унинг давоси бор. Бедаволарнинггина дардига даво йўқ!» деган эканлар.

Алексей Осипович шу қадар меҳрибон, шу қадар дўстона ва биродарларча гаплашардики, Жалил билан Наримон уни ўзларига ота, акадай яқин ҳис қилиб, тортинмасдан юракларида борини унинг олдида тўкиб солардилар. Жалил бўлса:

— Гапнинг ростини айтсам, муаллим, менда ҳам шундай дамлар бўлиб туради,— деди.— Фақат мен шундай дақиқада шайтонга ҳай бериб кетавераман.

Алексей Осипович чин юракдан маза қилиб кулди ва Наримонга қараб, ниманидир сўрамоқчи бўлди. Лекин талабанинг кўнглини китобдай ўқишга ўрганган ҳассос педагог, унинг қандайдир ички ҳаёл оғушида эканини кўриб, Жалил томонга ўгирлди.

— Умуман, кўп зиён етказмаслиги учун ора-чира шайтонга ҳай бериб туриш ҳам керак бўлади,— деди.

Наримон бу суҳбатга қулоқ солиб тургандай кўринса-да, ҳаёли бутунлай бошқа жойда эди. Мана шу вазият ва Черняевскийнинг айтган гаплари Соҳиб муаллимни эсига солди. Бу икки одам нақадар бир-бирига ўхшарди! Худди фикрлари, тушунчалари, кўнгиллари ҳам бирдек. Агар Соҳиб муаллим ҳозир шу ерда бўлиб қолса, у ҳам фақат шу гапларни айтган бўларди. Тифлисидаги учрашувлари, ундан эшитган сўзлари дарҳол Наримоннинг ҳаёлида товлана бошлади. Бир марта Соҳиб муаллим онасининг қизларга мактаб очмоқчи бўлгани туфайли дуч келинган тўсиқлар ҳақида гапирганида қалбига ўт тушгандай, куйиб-пишиб шундай деган эди:

— Бу йўлда ўлиш бор, қайтиш йўқ! Албатта ижозат оламан, мактаб очилиши керак!

Жонишинликда ишлайдиган бир озарбайжонлик таржимон хайрихоҳлик билан:

— Сизни ҳолдан тойдиришмоқчи! — деган эди. — «Завтра-завтра»лар тамом бўлмайди. Буниси унисига ташлайди, наригиси бунисига. Устига-устак, нима сабабдан бундай жонбозлик кўрсатяпсизлар, кўнглингизда қандай ниятингиз бор, деб ўзингизга ҳам шубҳали кўз билан қарайдиган бўлишади! «Беш-ўн нафар мусулмон қизини ўқитиш билан касалимиз тузалмайди! Заҳмат чекишга арзимади. Келинг, бу ишдан воз кечиб қўя қолинг!» дейишади.

Ўша пайтда Соҳиб муаллимнинг қандай ғзабланганини, куйиб-пишиб, озарбайжонлик таржимонга эътироз билдирганини Наримон ҳеч эсидан чиқармасди.

— Ўқимишли, зиёли одамларимиз шундай ўйлаганларидан кейин эзилганлар, қоронғида қолганлар нима қилсин-а?! Тўсиққа дуч келиш билан, озгина жонимиз қийналиши билан яхши ниятларимиздан қайтадиган бўлсак, фикримиздан кечсак, у ҳолда ҳеч нарсанинг уддасидан чиқа олмай қоламиз. Бахтсизлигимизнинг, ногирон ва нотавонлигимизнинг асосий сабабчиларидан биттаси ҳам мана шу қийинчиликдан қўрқиб, иродасизлик қиламиз!..

Соҳиб муаллим ўша пайтда ҳаётни, одамларимизни европаликларга, русларга, бизга қўшни бўлган халқларга солиштириб:

— Ҳа, олдимизга қийинчилик кўндаланг туриб қолса оёқ-қўлимиз бўшашиб, тўхтаб қоламиз. Олдинга интилмаймиз, мақсадимизга етиш учун йўл қидирмаймиз-да, орқага чекиниб қўя қоламиз. Йўлимиздаги оғир тошни бир чеккага улоқтириш учун халақит бериб турган тўнкаларни суғуриб ташлаб, порлоқ истиқболимизни яратиш учун бир ёқадан бош чиқармаймиз-да!.. — деган эди.

Наримон хотирасида яхши сақланиб қолган бу суҳбатларнинг маъносини тамомила, бутун теранлиги билан ҳазм қила олмаганини ўйлаб ўтирарди. Наримон шуни яхши ҳис қилардики, Соҳиб муаллим «истиқболимиз» деганида қандайдир жуда улкан нарсаларни назарда тутаётган, «ватанимизни европача йўлга олиб чиқиш» деганида кўзлари чақнаб кетар ва «йўлимизни тўсиб турган тўнкалар, тошлар» деганида қаҳрамон ту-

сига кирардики, ҳудди ҳозир девлар, аждаҳолар билан курашга киради, деб ўйлаб қоларди киши.

Алексей Осиповичнинг сўзлари, Жалилнинг ҳеч бир шубҳага бормай кўрсатган ҳайрати ва таажжуби бу хотиралар билан ёришганида, Наримоннинг хижолатдан пешанасига тер чиқиб кетди. «Мен қандай ожиз одам эканман-а! — деб ўйлади у. — Соҳиб муаллимнинг айтганлари олдида, менинг олдимдан чиққан қийинчиликлар битта сомон чўпичалик ҳам келмайди. Буни қийинчилик ҳам деб бўлмайди. Олдимни тўсган нарсa ҳам ғов бўлиптими?! Русларнинг ичида яшамаганман. Ён-веримизда руслардан қўшнимизнинг йўқлиги русча гаплашгани имқон бермаган. Шунинг учун ҳам бошқа ўқувчилардан орқадаман. Ҳаракат қиламан, камроқ ухлаб, камроқ ўйнайман, рус болалари билан бирга ўтириб-тураман, русчани ўрганаман. Жуда яхшилаб ўрганаман!»

Охирги сўзларини овоз чиқариб айтди:

— Алексей Осипович, рус тилини ҳаммадан яхши ўрганаман деб сизга сўз бераман. Уч-тўрт ойда сизни хурсанд қиладиган даражада ўқишни, ёзишни ўрганиб оламан, шунда Семён Сидоровичнинг хархаша қилишига ҳам баҳона қолмайди!

Алексей Осипович ўрнидан турди:

— Офарин, ўғлим! Мен ҳам сендан фақат шуни кутаман. Соҳиб муаллимнинг шогирди бошқача иш тутиши мумкин ҳам эмас!..

## ОЛТИНЧИ ФАСЛ

### 1

Ўун пешиндан ўтган чоғ эди. Ҳамма синфларда дарс тугаган, талабалар китоб-дафтарларини ётоқхоналарига қўйиб чиқишгач, ювиниб, тушлик овқатларини еб бўлганларидан кейин икков-учов бўлиб олишиб, семинария ҳовлисидаги ва яқин кўчалардаги дарахтларнинг соясида юришар, у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб, дам олишарди. Мактабда ўқиган йилларида ҳақиқий талаба ҳаёти билан яшаган, ўзини асил мактаб боласидай тутган, дарсларни бутун диққат-эътибори билан тинглаган, бошқа нарсаларни ўйлашни ҳаёлидан чи-

қариб юбориб, кўзини фақат ўқитувчининг огзига тиккан, унинг ҳар бир сўзини ёдида сақлашга интиланган одамларгина бундай зўр меҳнатдан кейин сайр қилиб юришнинг гашти қандай бўлишини яхши эслай олади. Бундай дақиқаларда ўқувчи фақатгина ҳордиқ чиқарибгина, фикри ойдинлашибгина қолмайди, ҳатто борлиғига янги қувват келиб қўшилади, фикр-хаёли янада ўткирлашади. Очиқ ҳавода бўлган қизгин суҳбатлар ўқувчининг кучига куч қўшади, қалбидаги нозик торларни қитиқлайди, қонини кўпиртиради. Шунинг учун талабалар бундай дақиқаларда дарсдан гаплашсалар ҳам чарчамайдилар, қалбан, руҳан дам оладилар, ҳақиқий болалик ва келажак меҳри, ёшлик дўстлиги ҳам мана шу дақиқаларда тугилади, мана шу дақиқаларда сочилган дўстлик уруғлари янада соғлом ҳосил беради.

Наримон билан Жалил ёнма-ён юардилар. Наримон қўнғироқ чалиниши билан дўстини кўриб олдига югуриб борди:

— Мени табриклашинг мумкин!— деди у ҳовлиқиб.

— Ростдан-а?! Нима бўлди, гапир-чи... Ҳаммасини айт...

Лекин Наримон қисқа қилди:

— Яхши бўлди, Жалил. Ўртоқларим ҳам севинишди... Семён Сидорович бўлса...

— Ҳа, ўшандан гапир, қани айт-чи, у яна музга ўхшаган совуқ кўзлари билан юрагингга даҳшат солдими?

Бир зумгина Семён Сидоровичнинг қиёфаси Наримоннинг кўзи олдига келиб кетди. Э худо! Ҳақиқатан ҳам бу одамнинг кўзлари ниҳоятда совуқ эди! Тўладан келган қоматига, кўркам вужудига ярашмайдиган мурданикига ўхшаш тўнг ва ҳаракатсиз сўлғин юзи кўзидаги совуқликни янада орттирарди. Бу юзда жонли бир туйғу кўринмасди. Худди ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги одамга эмас, тўқсонга кириб қолган чолга, гўрдан чиққан арвоҳга ўхшарди. Ҳар нарсга шубҳа билан қарайдиган кўзларида илиқликдан асар йўқ эди, улар совуқ сардобага очилган иккита қоронғи тешикни эслатарди. Сардобада эса, худди меҳр-шафқатсиз бир махлуқ, бир сиртлон ўтиргандек эди. Маъна шу бир жуфт совуқ ва қоронғи тешикдан одамга қараб ту-

риб: «Нимага яшаяпсан? Нимага керагинг бор? Қани айт-чи, шу топда қандай ярамас фикрлар билан банд эдинг, нега мендан кўзларингни олиб қочасан? Қандай ёлгонни уйдириб чиқармоқчисан?...» деб сўрарди. Бу сафар ҳам синфга кириши билан Семён Сидорович заҳар томиб турган совуқ кўзлари билан болаларни бирма-бир кўздан кечириб чиққач, Наримонга қиё боқди, дарсни ҳам шундай сўрадики, гўё «қойиллатиб тайёрланмаганингга аминман!» деётгандай эди. Наримон бўлса шу дақиқада Бобожонни эслади, «бундайлардан қочмаслик керак!» — деб бутун ирода ва диққатини бир жойга тўплаб, шижоат билан шетр ўқиди, саволларига яхши жавоб қайтариб, Семён Сидоровични ҳайратга солиб қўйди. Ўқитувчи худди кутилмаган мўъжизага дуч келгандай бўлди.

Наримон оний хотирасини бундай тасвирлади:

— Эсанкираб қолди, кўзларини олайтириб юзимга шундай қарадики, гўё жавоб берган мен эканимга ишонмасди. Энди бу муаллимим мендан розимикин? — У Жалилнинг кўкрагига туртиб қўйди.

Жалил ёлгондан ҳазиллашиб, мақтади:

— Сендақа шогирддан хурсанд бўлмай бўладими? Ҳамма вақт шундай ишла, болапақир, боқса одам бўласан!.. Семён Сидоровичнинг овозини ўчирибсанми, сенга энди ҳеч бало бас келолмайди!..

Мана шундай гаплашиб, бошқа болалар қатори айланиб юришди. Наримоннинг хаёлида бугун ҳамма хурсанд, ҳамма кулиб юргандек эди. Дарҳақиқат, қай тарафга қараманг, семинариячиларнинг кўзлари олмос заррасидай порлаб турарди. Ҳавонинг ниҳоятда очиқлиги севинч устига севинч қўшмоқда эди. Талабаларга қўшилиб сайр қилаётган мураббийлар ҳам хурсанд кўринардилар. Наримон ҳеч кимнинг юзида, кўзида, овозида заррача ҳоргинлик, қайғу аломати сезмасди. У ўз таассуротини Жалилга билдирди:

— Менга ҳозир ҳамманинг вақти хушдек, ўзим хурсанд бўлганим учунми, кўзимга ҳамма хурсанддек кўриняпти. Бу ҳам инсондаги ғалати кайфиятнинг аломати бўлса керак, тўғрими?

— Файласуфликдан ҳам хабаринг бор-а, болапақир! — деб кулди Жалил. — У ёгини сўрасанг, менинг унақа нарсалар билан ишим йўқ... Менинг ақлим етадиган нарсалар — ҳисоб, жуғрофия, табиёт. Омонлик

бўлса, худо хоҳласа, семинарияни тамомлашим билан қишлоғимизга қайтиб бориб, битта кичкина мактаб очаман-да, болаларга дарс беравераман: беш қарра беш қанча бўлади, болаҳон? Мунча. Қитъаларни санаб бер-чи, болаҳон! Келиб, харитадан Москвани кўрсатиб бер-чи. Булут нимадан пайдо бўлади? Хўш, ёмғир қандай ёғади? Вассалом. Дарсимни бериб бўлгач, бориб бошимни ёстиққа қўйиб ётаман, фалсафа-ю бошқаси билан ишим бўлмайди.

Наримон Жалилнинг сўзларидан айтганларига зид маъно топди:

— Хўш, мана шу гапираётганларинг фалсафа бўлмай нима, Жалил?

— Менинг файласуфлигим мана шу билан тамом бўлади. Нима деган бўлсам худди шундай қиламан.

— Кўрамиз!— Наримон кулди.— Катта бўлганинг-да кўрамиз. Одам улғайганда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади, дейишади...

— Лекин мен ўзгармайман. Қандай бўлсам шундайлигимча қоламан... Албатта ўзгараман, лекин сен айтганингдек эмас, масалан, ёшим ўсади, бўйим ўсади, билимим ортади, муаллим бўламан, уйланаман. Ота бўламан ва ҳоказо. Яна худои таоло таъб берса, шеър ёзаман. Вассалом. Шеърни ҳам фақат яхши, чиройли қизга атаб ёзаман, холос... Сен ҳали боласан, бунақа нарсаларга тушунмайсан...

— Қачон шеър ёзиш дардига мубтало бўлдинг?— деб сўради Наримон.

— Гапнинг очиғи, биринчи марта эски мактабда! Домлани шундай боплагим келиб кетганки!..

— Эски мактабга узоқ вақт қатнаганмисан?

— Йўғ-э, узоқ вақт қатнагани нимаси! Бу семинарияни нега яхши кўришимни, яхши кўргандаям Маккадан, Мадинадан ортиқ яхши кўришимнинг сабабини биласанми?

Жалилнинг бу сўзлари Наримонга ғалати кўринди. Икки сўзнинг бирида: «Мусулмон фарзандимиз, сиёсатга қўшилиб бизга нима зарил!» деб юрган одам Макка-ю Мадинани шунчалик арзонга сотганига ҳеч ақли бовар қилмасди.

— Чин сўзингми? Юракдан гапиряпсанми?

— Мен юрагимдан чиқмайдиган сўзни айтиб ўрганмаганман. Семинарияни шунчалик яхши кўришим-

нинг сабаби бор. Улай агар, эски мактабда биринчи куннинг ўзидаёқ ўтакам ёрилай деган. Домла бир боланинг оёқларини фалакка солдириб роса урдирган! Ушанда ёмон қўрқдим. Кечаси тонг отгунча фалак кўзимдан нари кетмади. Дарсдан қайтаётганда ўзимни худди бир йил туз ташиган одамдай ҳис қилардим. Чарчаб, эзилиб қайтардим! Отам мени бу ёққа юбораётганида: «Худо домланинг юзини кўришдан маҳрум қилганига минг марта шукур» деганман. Бу ерчалик тартибли жой йўқ, вақтида дарсингни тайёрла, тўғри ўтир, тўғри тур, шунда сенга ёмон сўз айтишга ҳеч кимнинг ҳақи қолмайди. Шундай мактабни яхши кўрмай бўларканми? Сен ўзинг эски мактабга қатнаганми-сан?

— Йўқ, қатнамаганман.

— Бахтли экансан! Улай агар: кўзим фақат домланинг оғзида бўларди. Йўқ, дарсга асло қулоқ солмасдим, фақат: «Дарс тамом бўлди, уйларингга кетинглар!»— дейишинигина кутиб ўтирардим. Бу сўзни эшитиш билан қафасдан қутулган қушдай ташқарига отилиб чиқардик. Ташқарида ҳам рангимиз чиқмасди. Айниқса мен сиқилардим... Тўғри, домла менга бир шапалоқ ҳам ургани йўқ, оёғимни фалакка солгани йўқ, дадамдан андиша қиларди, лекин ҳар замонда битта олайиб қарашиданоқ ўтакам ёрилар даражага етарди... Бу ер қайда-ю, у ер қайда...

Жалил худди энди кўраётгандай, тоғларга, тепаларга, очиқ ҳавога қараб чиқди ва гапини ўзгартирди:

— Лекин бугун ҳаво жуда зўр-да! Қуёшга қарагин-а, худди баҳорга ўхшайди!..

Ҳақиқатан ҳам бир ҳафта давом этган булутли-туманли ҳаводан кейин қисқа, лекин шиддатли ва ёқимли ёмғир ёғиб ўтгач, булутлар ҳам бир-бирининг кетидан тоғларнинг ортига ўтиб кетган, кўк юзи очилиб, мулойим куз қуёши ҳар тарафни ёрита бошлаганди. Эндиликда биллур осмон чанги артилган ойнадай ярқираб турарди. Горини тўрт томонидан ўраб турган тоғларнинг чўққилари кўринарди. Бу тоғлардан эсаётган ҳазин шабада ўзи билан ниҳоятда тоза, салқин ва шифобахш ҳавони олиб келар, киши нафас олгани сайин қалби шавқу завққа тўлар, томирларидаги қоннинг ҳарорати ортар, ёноқларига ранг кирарди. Бамисоли Гуржистон ўз табиатининг фусункор гўзалли-

ги, бутун ранглари ва оҳанглари билан бугун бу ерда жилваланар, Русиянинг турли жойларидан келиб бу ерга тўпланган одамларнинг кўнглини очмоқчи эди! Бу ҳавода сайр қилиб юрмаган бирон ўқувчи, бирон ўқитувчи қолмаган, деса бўларди. Секин-секин гаплашиб турганлар ҳам, хаёл сураётганлар ҳам гоҳ тоғларнинг манзарасига, гоҳ барглари олов рангга кирган дарахтларга, гоҳ мовий осмонга қараб, бу гўзалликдан маст бўлишар, ниҳоятда лаззатланардилар. Горининг бу кўриниши Жалилга она юртини эслатди. Қорабоғнинг дилни эркалайдиган манзаралари, Шуша қалъасининг мислсиз ва беқиёс гўзаллиги хаёлида жонланди ва овутиб бўлмайдиган соғинч ҳиссини уйготди. Қуёшнинг майин шуъласи остида қилич каби ярқираб турган тоғ чўққисини, бу шуълани ўзида акс эттириб шариллаб оқаётган сувларни, дарахтларнинг тагига, сўқмоқларга ва йўл четларига тўкилиб, одамларнинг оёқлари остида шитирлаётган олов рангли хазонларни кўрсатиб, деди:

— Эҳ, Наримон, юртимиз ёдимга тушди, бурнимнинг учи ачишиб кетди! Сен Қорабоғни кўрмагансан, унинг гўзаллигини сўз билан ифода қилиб бўлмайди. Шундай об-ҳавода Жудур чўлида, Исо булоғида, умуман ҳар қоянинг тагида, ҳар булоқнинг бошида дастурхон ёзилиб, қўзи сўйилади, оламни кабоб ҳиди тугиб кетади. Биров соз чалади, биров қўшиқ айтади!..

Наримон ҳам ўзи туғилиб ўсган Тифлисни, озарбайжонликлар яшайдиган тоғ багрини эслади. Лекин бу хотиралар Жалилники каби най-сивизга овозлари ва хонандаларнинг жаҳ-жаҳи, тўқли кабобининг ва ҳар хил ноз-неъматнинг хушбўй ҳиди билан тўла эмасди. Бу ерда севинч ва шодликка қараганда кети узилмас қайғулар, етишмовчилик ва ташвиш кўпроқ эди. Наримоннинг хаёлида ота-онасининг оқшомлар қимматчиликдан, тирикчиликнинг борган сари оғирлашаётганидан шикоятланиши, болаларнинг эғни-бошини, еяр-ичарини тузатиш учун барча имкониятларини ўлчаб-бичишлари, қишин-ёзин оёқяланг ва сарпойчан дийдираб юрадиган Фазли, унинг гоҳ шамоллашдан, гоҳ оёқларидаги боддан, гоҳ юрак ва бел оғриғидан ётиб қоладиган отаси Жаъфар киши жонланарди. Жалилнинг айтганлари қайда-ю, бу ачинарли манзаралар қайда!..

— Хўш, ўша Қорабоғда камбағал-қашшоқлар йўқми?!— Наримон соддалигига бориб савол берди. Жалил бепарволик билан жавоб қайтарди:

— Нега бўлмасин, истаганингча топилади! Уларга Жудур чўлида, Исо булоғида нима бор?! Ҳаво очилиб, қуёш чиқиши билан камбағаллар бир бурда нонга пул топиш учун ўрмон томонга ўрмалаб кетишади, қуриган шох-шабба, ўтин-чўп териб, сотишади. Ёки бўлмаса юк-пук ташиш учун ўзларини бозорга уришади, айримлари эса далага мол боқиш, қўш ҳайдаш учун чиқиб кетади.

— Бечоралар!— Наримон шу дақиқада Фазлининг отасини эслаб кетди.

Жалил юришдан тўхтаб, Наримонга қаради:

— Ҳой, дўстим, менга қара, кўпам юмшоқ кўнгил бўлавермагин! Ҳар банданинг ҳолига куявериб, ўзинг ҳам бир куни куйиб кетасан.

— Жалил, сен шундай одамлар билан яқин ошна бўлмагансан-да, шунинг учун менга шунақа дейсан. Лекин менинг шунақа бир ўртоғим бор. Унақа яхши ўртоқ кам топилади. Ўзи ҳам, отаси ҳам яхши. Лекин жуда ёмон яшашади. Уларни кўрсанг, сенинг ҳам юрагинг ачишиб кетарди.

— Ачишишга-ку ачишар-а, фақат фойдаси борми? Мен Қорабоғнинг, сен Тифлиснинг очларини тўйдиролмаймиз. Шундай экан, бу нарсани ўйламаслик керак. Ўз қайғуларини ўзлари тортаверишсин. Оч қолиптими, демак, у ношуд!..

Жалилнинг бу сўзлари Наримонни ҳайратлантирди. Яна у ҳақда ўйлаб кетди: «Қизиқ одам. Юмшоқ кўнгил бўла туриб, ҳамиша яхшилик қилишга ҳаракат қилиб, яна шунақа гапларни ҳам гапираверади. Камбағалларга, очларга юраги ачимайди, ғалати одам!..»

— Ким оч қолган бўлса ўзи айбдор дединг-а? Лекин мен Соҳиб муаллимдан, Али Мирза амакимдан бошқа гап эшитганман.

— Нимани эшитгансан?— сўради Жалил бир оз бўғиқ овоз билан, лекин Наримоннинг жавоб қайтаришга имкон бермай, ўзига хос очиқлик билан деди:— Биламан, ҳозир сен кўнглингда: «Ўнга нима, у бойнинг ўғли-да, шунинг учун камбағалларга ачинмаяпти, қорни тўқнинг қорни оч билан иши бөрми!» деб ўйлапсан, тўғрими?

— Тўғриси айтсам, шунга ўхшаган нарса ҳаёлимдан ўтди! — Наримон ҳам очиқ эътироф этди.

— Модомики, мард йигитдай бўйнингга олган экансан, энди мен ҳам очиғини айтишим керак. Тўғри, менинг дадам беклардан, бойлигимиз ҳам етарлича. Дадам ҳамма вақт оддий халқнинг ҳолига тушунади, бошқа бекларга ўхшаб ноинсофларча иш қилмайди. Дадам: «Агар ихтиёр менда бўлса ер-сувимнинг барчасини қишлоқ аҳолисига бўлиб берардим: ўзимга эса ўн-ўн беш десятина ер олиб қолсам етарди, бундай қилиш худога ҳам хуш келарди!» — дейдилар.

— Нега бўлмаса шундай қилмайдилар? — Наримон таажжубланиб сўради.

— Шу саволингдан сен ҳам беклар билан яқин муносабатда бўлмаганингни билдириб қўйдинг.

— Тўғри, сен мен ўртоқлик қилган биринчи бек боласан.

— Лекин мен кўплари билан ўтириб-турганман, уларни яхши танийман. Дадам: «Ер-сувимни ҳаммага бўлиб берадиган бўлсам, бошқа беклар биргалашиб менинг уйимга ўт қўйиб кулини кўкка совуришади. Ҳали ҳукуматни айтиб ҳам ўтирмайман! Ахир ҳукумат ҳам бундай ишларнинг душманида», дейдилар.

— Ҳукуматнинг нима иши бор, ер ўзимники бўлганидан кейин кимга хоҳласам ўшанга беравераман! — Наримон биринчи марта эшитаётган бу гапларига ҳайрон қолди.

— Ҳай-ҳай, — Жалил қўлини силкитди, — ҳукуматнинг нима иши бор деганинг нимаси?! Дадам: «Озодлик ўтган замонларда қолиб кетди. Ҳозирги ҳукумат одамнинг ҳамма ишига аралашади. Император ҳукуматининг қўли бўлмаган иш йўқ!» дейдилар. Хўш, нега мен сиёсатдан қочиб юраман? Чунки сиёсат ҳам ҳукуматнинг иши. Ҳушига ёқмадингми, таппа босиб, Сибирга жўнатади, дод-войингга қулоқ соладиган одам топилмай қолади!

— Нима, ҳақ гапни айтганларни ҳам Сибирга жўнатаверишадими? — Наримон кўпдан бери азоб бериб келган ва ҳеч тушуниб етолмаган мушкул бир савол билан Жалилга мурожаат этди.

— Худди ўша ҳақ гапни айтганларни ёмон кўришади-да! — деди Жалил қатъий.

— Шундай экан, нега халқ ҳақиқатга завола йўқ,<sup>1</sup> дейди?!

Жалил Наримоннинг бу саволига ҳам қатъий ва узил-кесил жавоб бермоқчи бўлиб турганида уларни орқадан Микаел чақириб қолди:

— Ҳой, ватандош қўшнилари, мунча ширин суҳбат қурмасаларинг? Бирпас тўхтаб туринглар.

Иккала бола ҳам тўхтаб, Микаел билан саломлашдилар. Микаел яқинлашди. Улар билан қўл бериб кўришди.

— Ҳой, икки кундан бери сизларни кўрмайман, қалайсизлар, дарсларингиз яхши кетяптими, кайфиятлар жойидами?

— Яхшимиз, саломат бўлинг!— Наримон унга танисоглик тилади.— Нега ўзингиз кўринмайсиз? Тўғриси айтсам, ёмон хавотирландик.

— Тифлисга кетган эдим, ара<sup>1</sup>. Рухсат олган эдим. Онамнинг бир оз тоби қочган экан, Тифлисга докторга кўрсатгани олиб келишипти.

Жалил унга арман тилида мурожаат этиб, онасининг, ўзининг соғлигини сўраганида, севинчдан Микаелнинг кўзлари чақнаб кетди, овози шалола каби шовуллади:

— Ара, сен бизнинг тилимизни қаяқдан биласан? Аҳ-а, қорабоғликсан, тўғрими?

— Арманилар билан азалдан қуда-анда бўлганмиз!— деди Жалил ўзгача меҳр билан.

— Ара, биргина қуда-андагина эмас, динимиздан бошқа ҳамма нарсамиз битта бўлган. Тарихимиз ҳам, ҳаётимиз ҳам. Сувимиз ҳам, нонимиз ҳам, орзуларимиз ҳам.— Микаел ён-верига қараб қўйди, овозини пасайтириб, деди:— Орамизга разил одамлар нифоқ солмаса, биз бир-биримизга ака-укадай меҳрибон бўлардик. Мен анави погонли разилларни айтяпман...

Жалил безовталаниб тўрт тарафга аланглаган эди, Наримон кулимсираб, Микаелга:

— Жалил сиёсий гапларни ёқтирмайди,— деди.

— Бунақа семинаристни мен биринчи кўришим!— Микаел диққат билан Жалилга қаради.— Нима учун?

---

<sup>1</sup> Ара — арманча сўз бўлиб, «ошна», «жигар», «биродар» сўзлари каби яқин кишиларга нисбатан ишлатилади.

Жалил бу саволга жавоб бермай, Наримонга ўгирилди:

— Энди гапимга яхшилаб қулоқ сол. Ҳозир сенинг ҳам, Микаелнинг ҳам саволига жавоб бераман. Нега сиёсатни ёмон кўрасан, деяпсан-а? Менинг мана бу дўстим ҳам боягина, сиёсатда ҳақ сўзни айтганга завол йўқ, деган эди. Менинг дадам эса: «Сиёсатда ҳақиқат бўлиши мумкин эмас. Сиёсат бошидан охиригача ёлғончилик, риёкорлик, алдамчилик. Ким ўхшатиб алдай олоа, ўша ҳамипша голиб чиқади»,— дейди. Мен эса ёлғончилик қилолмайман, шунинг учун ҳам сиёсатга аралашмайман!..

— Сизлар жуда қизиқ бола экансизлар!— деди ўзига-ўзи гапиргандай Микаел.— Биз тез-тез учрашиб туришимиз керак, бу борада алоҳида гаплашармиз. Ҳозирча шуни айтишим мумкинки, дунёдаги энг яхши, энг номусли ва ақлли одамлар сиёсатни ана шундай ёлғончилар, беномусларнинг қўлидан қутқариш учун, фақат ҳақиқатга хизмат қилдириш учун кураш олиб боришмоқда. Шундай кун келади. Келиши керак!

Микаелнинг синфдош ўртоқларидан бир нечаси яна бир жойга тўпланишиб, нима тўғридадир баҳслашар эдилар. Улар Микаелни кўришлари билан:

— Микаел, бу ёққа кел, бу ёққа. Қизиқ янгилик бор!— деб чақиришди.

— Ҳозирча хайр, оғайнилар!— Микаел узоқлашди. Жалил Наримонга қаради:

— Мана, кўрдингми, шунақа ўйлайдиганлар ҳам йўқ эмас. Сиёсатда ҳақиқат эмиш! Дадам эшитса, бошини чайқаб: «Ёш боланинг ишини қилма, одам ўзини ўзи алдаши керак эмас! Қаёққа борсанг ҳам, одамларнинг ҳаммаси бир хил фикр юритади» деган бўларди. Қизиқ нарса...

— Ҳақиқатан ҳам қизиқ нарса!— Наримон фикри-хаёли қаёқлардадир, узоқларда кезиб юргани ҳолда Жалилнинг сўзини қувватлади.— Росаям қизиқ нарса! Ҳар хил одамдан ҳар хил нарса ўрганар экансан!..

...Мана шу зайлда, ҳавас билан ўқиб, асаларига ўхшаб гувиллаган, тиним билмаган ўсмир ва ёшларнинг ичидан ҳар куни бир таниш орттириб, қизгин суҳбатлар ва баҳсларга тўла ҳафталар, ойлар ўтиб боргани сайин Наримоннинг назарида дунёнинг уфқлари кенгайиб, кўз ўнгида ҳаётнинг қизиқ-қизиқ томонла-

ри очилиб борарди. Қийинчиликлар, руҳий тушкунликка берилган дақиқалари, эсанкираган ва тарадудланган пайтлари ҳам бўларди. Лекин ҳар кун янги бир вараги очилаётган китобларнинг саҳифаларида, доскада, ўқитувчиларнинг суҳбатларида, ўртоқлар билан баҳс ва мунозараларда, тўғарак машгулотларида ҳаётнинг ва табиатнинг шундай қизиқ сирлари, инсон ақл-идрокининг шундай содда ва айнаи замонда бебаҳо кашфиётлари очилардики, улар туфайли вужудга келган севинч ва ички ғурур туйғуси олдида ҳар қандай қийинчилик ва ташвиш арзимаган бир нарсага айланиб қолар ва абадиёт қаршисидаги бир лаҳза қадар аҳамиятсиз кўринарди...

## 2

Синфдагилар чурқ этмай ўтирар, ҳамманинг кўзи муаллимда эди. Бугун у рус тилидан огзаки дарс ўтмоқда эди. Турли хил саволлар берар ва тез-тез:

— Ким жавоб беради? — деб сўрарди.

Дарҳол қўллар кўтарилиб, бармоқлар ҳавода ўйнар, ҳамма ёқдан: «Мен айтай! Муаллим, мен айтай!» деган овозлар чиқарди. Семён Сидорович дарсни қизиқарли олиб борар, қисқа, лекин чуқур маъноли ривоятлар, нақллар билан болаларда ҳавас уйғотар, уларни дарсларда фаоллаштирарди. Бу умумий руҳий кўтаринкилик ёқимли бир оқимдай бутун синфга ёйилган эди. Савол-жавобда иштирок этмаган биронта ўқувчи қолмади. Одатда Семён Сидоровични кўрган заҳоти ҳушёр тортиб қоладиган Наримон бугун ҳар нарсани унутиб, бу оқимга қўшилиб кетди. У ҳам тез-тез қўлини кўтарар, муаллим ижозат берганида эса, саволга тўғри ва аниқ жавоб беришга интиларди. Семён Сидорович Наримоннинг жавобларига эл қатори қулоқ солар, ҳатто: «Боракалло! Тўғри!» деб руҳлантириб ҳам қўярди. Гўё у ҳам бизга маълум бўлган кўнгилсиз ва огир суҳбатни унутгандек, кўзлари қувнаб турар, чиройи жуда бошқача, очиқ эди. Наримоннинг назарида бугун ўқитувчи ҳар вақтдаги Семён Сидорович эмас, бутунлай бошқа одам бўлиб кўринарди. Унинг кеча, ўтган куни кишининг борлиғига даҳшат солиб турган, одамни қаҳратон совуқ каби қоти-

риб қўядиган ички муздек сардобаси бугун беркилиб қолгандек эди.

Дарсга диққат билан қулоқ солиб ўтираркан, Наримон фикри бошқа ёққа кетганини сездди. Худди миясида иккита марказ ишлаётгандек эди. Биттаси кўзини Семён Сидоровичга тиккан, унинг саволларига тезлик билан жавоб топишга интилар, ўртоқларининг камчилигини топар, тўғри жавобини тасдиқлар, бир калимани ҳам, бир оғиз сўзни ҳам назаридан четда қолдирмас эди. Иккинчи марказ эса ўша маълум ҳодисани эслаб хаёл суларди. Нега энди шундай? Шу қадар билими ўткир, дарсни яхши олиб борадиган муаллим нега энди шундай нотўғри гапларни гапирди?! Бекордан-бекорга одамдан шубҳаланади?! Сержаҳл ва газабли бўлади?! Мени «татарвачча!» деб таҳқирлайди, ҳамиятимга тегади?! Мени танимаса, мен билан ошқатиқ бўлмаса, жимлигимни, қандай хаёллар билан яшаётганимни билмаса?!

Аслини олиб қараганда, Семён Сидоровичнинг бугунги кайфияти, кўзларининг порлаши, очиқ юз билан синфга кириб, жонли савол-жавоблари билан болаларни руҳлантириши Наримон юрагининг ҳассос, теран торларини чертиб ўтди. Наримон, хорижий муҳитга ва инсонларга нисбатан ҳассос эди, яхшини ҳам, ёмонни ҳам дарров илғаб, ажрата оларди. Яхшилиқ сийнасини севинчга тўлдиргани ҳолда, ёмонлик қалбини яралар, қайгу уйғотар, огритарди. Ўзини кўрсатиб турган бу ҳассослик, ҳис-туйғуларнинг бойлиги, фақатгина табиат бахш этган она сути билан сингган бир кайфиятгина эмас, балки тарбиянинг ҳам маҳсули эди. Наримонни катта қилган оила, айниқса онаси Ҳалима хоним, отаси Нажаф киши, амакиси Али Мирза, камбағал ва қашшоқ қўшнилари, кейинчалик эса Ҳури хоним билан Соҳиб муаллим одамларга ёрдам қўлини чўзишни, яхшилик қилишни ўзларининг жисмоний ва руҳий бурчлари деб ҳисоблар, бировга нисбатан гина-кудурат сақлашмас, бошқаларга ёмонликни раво кўришмас, тўғрилиққа ва хайрихоҳлиққа ишонганлари ҳолда яшардилар. Мана шуларнинг ҳаммасидан сабоқ олган бир ўқувчи «муаллим» ва «семинарист» каби сўзларни тилга олганида юраги муқаддас туйғулар билан тебранар, хаёли самоларда парвоз қиларди. Мана шу туйғулар билан Семён Сидорович-

нинг ҳаракатлари ҳечам қовушмасди. Бу ҳаракатлар Наримон семинарияда кўрган бошқа муаллимларнинг муомаласига, ахлоқига илди-илдизидан зид бўлиб кўринарди. Бир неча кун олдин ўзига нисбатан қилинган қўрсликнинг сабабини эса билолмай диққат бўларди. Семён Сидоровичнинг бугунги кўриниши, барча яхши одамларники каби юз-кўзининг ёқимли нур билан ёришгани Наримоннинг ичида ажойиб бир энгиллик ва ишонч ҳосил қилди. Эндиликда Наримон ўша кўнгилсиз баҳс бир тасодиф бўлиб чиқишини ёки бўлмаса Семён Сидорович аччиқ устида, газаби қўзиб турган пайтда бехос гапириб юборган бўлиб чиқишини истарди... Аччиқ устида одам нималар қилиб қўймайди! Севикли амакиси тез-тез такрорлагани каби, жаҳл чиққанда ақл қочади-ку!

Наримоннинг кўнглидан ўтган фикрлар худди ҳақиқатдай эди. Семён Сидорович борган сари очилар, илҳомланар, ҳатто баъзи болаларнинг бу ёки бошқа сўзни янглиш талаффуз этиб, нотўғри ёзишига ҳам аччиғи чиқмас, бу хатоларни қизиқ ўйин ўйнагандай, осонлик билан, кулиб туриб тўғриларди. Наримон унинг бу кайфиятини тушунишга, тўғри шарҳлашга интиларди. Хайрихоҳлик, яхши фикр ва туйғулар энг қўрс одамларнинг юрагини ҳам юмшата олади! Семён Сидоровичнинг бу кайфияти ўткинчи бир ҳол эканлиги Наримоннинг хаёлига ҳам келмас, у бу ўткинчи нур ҳам муаллимнинг юрагини ич-ичидан кемираётган худбинлик туйғусидан туғилганини билмас эди. Ҳа-ҳа, худбинлик туйғусидан!.. Башариятга зид бўлган манфий ва майда ақидаларнинг ярамас хусусиятларидан бири шундаки, бундай ақидалар ин қурган юракларда фидокорлик ва олижаноблик туйғулари ҳалок бўлади, ҳаста худбинлик туйғулари кучаяди. Хусусан, бундай ақидалар туфайли ҳаётда яна бир марта муваффақиятсизликка учраганлар, шуҳрат қозониб, жамият назарида юқори кўтарилишни орзу қилган жойларида шарманда бўлганлар, ҳурмат-эътиборларини неча поғона пастга туширганлар — уччига чиққан худбин одамлардир! Ҳар бир номусли одам учун қонуний ифтихор ва лаззат манбаи бўлган фойдали меҳнат худбин шахсларнинг чуқур ва соғлом севинчига сабаб бўла олмаслиги табиий, албатта. Уларнинг қалбида бу севинч ё тахир уннайди, ё бўлмаса ширинлиги юракка

урар даражада ортиқ тушиб, маст этувчи таъсир кўрсатади. Семён Сидоровичнинг бугунги севинчи ҳам худди шундай эди. Инсониятга ёт ақидалар қон-қонига сингиб кетгани учун, Семён Сидорович билвосита фойдали меҳнатдан ҳақиқий, соғлом лаззат ололмас эди. Билвосита меҳнат руҳий севинчларининг асоси бўла олмас эди. Бир сўз билан айтганда, уни ишлашга, меҳнат қилишга ундаган нарса маънавий эҳтиёж, юксак ва олижаноб гоёлар эмас, балки манфий ақидалар эди, шунинг учун ҳам севинчи тахир уннарди.

Дарснинг бугун қизиқарли ўтиши Семён Сидорович ўлканинг турли жойларидан, маърифат нурига ташна бўлган, орқада қолган элатлардан йиғилган бу болаларнинг мустаҳкам билим ва ёрқин фикрлар билан юртларига қайтишларини, ҳамюртларининг кўзларини очишларини, жаҳолат ва нодонликдан қутулиш учун нажот беришларини истаганидан эмас эди. Йўқ, бундай фикрлар Семён Сидоровичнинг асло ақлига келмас, фаросати, идроки бунга йўл қўймасди. Болаларга улкан бир халқнинг тилини ўргатишдан, текис ўқиб-ёзиш, талаффузнинг гўзаллиги, имлонинг тўғрилиги бобида билим беришдан мақсади, мана шу болалар рус халқи маданиятининг нурини, тараққийпарвар одамларнинг фикрларини ўз ўлкаларига олиб кетишлари ва ўша жойда ҳам тараққиёт карвонига қувват беришлари эмас эди. Йўқ, асло йўқ! Семён Сидоровични бу йўлда ўзини кўрсатишга мажбур қилган гоё тамомила бошқа эди. У чор салтанатига содиқ хизматчиларни тарбиялаб етиштириш мақсади билан шунчалар жон куйдирарди, ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракати билан монархизм фикрларини мана шу болаларнинг миясига сингдиришни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисобларди. Лекин ҳар бир идеални, шу жумладан шоҳпарастликни тарғиб қилишнинг айрим болаларда ва ёшларда жирканч туйғу уйғотишини, меҳр ўрнига нафрат туғдиришини у аччиқ тажрибасидан биларди. У ҳар қандай фикрни каттадан кичиккача ҳар бир одамнинг фақат ҳиссиётига, юрагига таъсир қилиш йўли билан миясига сингдирса бўлишига тушунганидан, ўзи дарс берган барча синф ўқувчиларида даставвал қизиқиш уйғотишга ҳаракат қиларди. Энг қийин нарса бола диққатини бир нарсага жалб қилиш эканини

у биларди. Қизиқиш уйғотганидан, диққатини жалб қилганидан кейин истаган фикрни эмласа бўларди. Бу ишончга асосланиб у айниқса кейинги йилларда синфда юрак сиқадиған, болаларни зериктирадиған нарсаларга йўл бермасликка интиларди. Семён Сидорович жисмоний жиҳатдан бақувват бўлганидай, фикри ҳам яхши ишларди, фаросатли, зийрак эди. Муаллимларнинг мутолаа қилаётган китоблари, газета ва журналлардан қандай мақолаларни қизиқиб ўқиётганлари ҳамда юритаётган мушоҳадаларига қараб, қайси бири қандай дарс ўтишини, қайси бири кўпроқ муваффақият қозонаётганини ўрганар, шахсий ҳаётининг тажрибаларини диққат билан таҳлил этар эди. Шунга кўра ҳам у, фақат саводсизлар, калтабинлар, истеъдодсиз ва қобилиятсизларгина китобда ёзилганидан четга чиқмаслигини, унда ёзилганларни тўла адо этиш билан Россия олдидаги, аълоҳазрат император олдидаги бурчларини ўтагандай бўлишларини яхши билар эди. Ҳолбуки, бундай ўқитувчилар ўзларининг совуқ ва жонсиз муносабатлари билан китобдаги ёзувларга нисбатан юракларда фақат шубҳа уйғотардилар холос. Семён Сидоровичга қолса, фақат мана шу сабабга кўра семинаридаги ўқитувчиларнинг ярмини ҳайдаб юборган, уларнинг ўрнига эса юрагида монархияга меҳр олови ёниб турган, мустаҳкам иродали ёшлардан олиб келган бўларди. Ҳа, Семён Сидорович ўша даврнинг ҳар соҳада: сиёсатда ҳам, иқтисодда ҳам, адабиётда ҳам, мактаб ва маорифда ҳам қатъий тадбирлар кўрилишининг тарафдори бўлган ўқимишли ёшларидан эди. Бу ёшлар Русиядаги ижтимоий ихтилофларнинг сабабини давлат интизомининг заифлигида, пастдан юқоригача барча давлат хизматчиларининг либераллигида, аълоҳазрат император олдидаги ўз бурчларини етарли даражада, кескин ва қатъий равишда бажармаётганларида кўрардилар. Улар бундай хизматчиларнинг совуққонлиги, лоқайдлигини империянинг буюклиги, қудрати, бутунлигини ўзида мужассамлантирган императорга ва императорликка нисбатан очиқдан-очиқ хиёнат билан чегарадош деб қатъий ишонардилар. Агар инон-ихтиёр мана шу монархист ёшларга бериб қўйилса, улар ўлкани бошидан охиригача ҳарбий лагерга айлантирган, қадамини тўғри ташламаган, чегарадан бир одим нарига ўтган

ҳар бир одамнинг бошини дарҳол узиб ташлаган бўлар эдилар... Бутун Русияда, гарбдан тортиб шарққача барча миллий ўлкаларда шундай қаттиқ тартиб ўрнатар, шундай шафқатсиз полициячилик усулини жорий этардиларки, ўрта асрдаги испан инквизицияси уларнинг олдида ип эшолмай қоларди Бирор кимса оғиз очиб, озодлик ҳақида сўз айта олмаган бўларди. Ҳамма бир муте қулдай, берилган бўйруқни дарҳол бажаришда ўз бахтини топган бўларди!

Азиз ўқувчи, Семён Сидоровични ёмон кўришимни эътироф этаман. Лекин сизни ишонтириб айтаманки, бу шахсий нафратим унинг девлар маскани бўлган сирли оламини иложи борица ҳаққоний тасвирлашимга монелик қила олмайди. Ҳақиқатан ҳам, у бутун ўлкани «Олтинчи палата»га айлантирган чор қонунқоидаларининг қўполлигидан эмас, «юмшоқ»лигидан норози эди. Русия тарихида ҳар бир инқилобий тушунчага ҳайвоний нафрат билан қараган, инқилобий кучларга қарши қиргин ва талон-тарожлар ташкил қилиб, фақат шовинизмни тарғиб қилган машҳур «қора кучлар» айнан мана шу хилдаги одамлардан ташкил топган эди. Аксар ҳолларда улар жамиятнинг муҳтожлик нималигини билмаган энг бадавлат қисмининг болалари эди. Семён Сидорович ташқи кўринишда жисмоний жиҳатдан жуда соглом эди. У ҳам умрида муҳтожлик кўрмаган, очликка дучор бўлмаган, ичаклари қулдирамаган эди, бош оғриғи, юрак хасталиги, ҳорғинлик нима эканини билмасди. Томирларида шундай соглом ва қайноқ қон кўпириб турардики, қашшоқлар маҳалласида яшайдиган ўзи тенги ўн йигитнинг қонини бир жойга йигса, унинг қонига тенг кела олмасди. У помешчик оиласида оламга келган эди. Отаси Сидор Волков кубанлик помешчиклардан эди. Шоҳпараст, ақлли ва зийрак, тамагир эди, деҳқончилик ҳам қилар, ҳар замонда савдо иши билан ҳам шуғулланиб қўярди. Битта кичкина фабрикаси ҳам бўларди: «Волковдай ўз исмига муносиб одам бўлмайди. Бу одам ҳақиқатан ҳам бўрининг айнан ўзи. У тумшук суқмаган чакалакзор, у таламаган сурув қолмаган. Мужикнинг ҳам, ишчининг ҳам, зиёлининг ҳам томирига бирдай ёпишиб, тўйдим демай, сўргандан сўриб ётипти!» — дейишарди у ҳақда. Волков болаларини ҳам ўзига ўхшаган зийрак, чаққон, соглом қилиб ўс-

тирди. Семён Сидорович бу мулкдорнинг ўртанча ўғли бўлиб, ўзи ҳам қуйиб қўйгандек отасига ўхшар эди. Кўрган одам: «Бола ҳам шунчалик отасига ўхшайди-ми!» дерди. Табиат аломат ҳунар кўрсатиб, Семёнининг сиймосида Сидорни бошқатдан яратганди. Гўё, у йўқолмаслиги, такрорланиши керак бўлган нусха эди. Ҳатто Волковнинг ўзи ҳам табиатнинг бу ҳунарига лол қолиб, эндигина уч ойлик бўлган Семёни қўлига олиб: «Бу худди ўзимга ўхшапти! Катта бўлганда ўрнимни босади!» деган ва чексиз меҳр билан тарбиялаб, ниятига эришганди: Семён фақатгина ташқи кўриниши билан эмас, ички дунёси билан ҳам отасининг айнан ўзи эди. Отасига ўхшаган бақувват, отасига ўхшаган сариқ соч, кўк кўз ва сўлғин юзли, отасига ўхшаган семиз ва соғлом, отасига ўхшаган шовинист, монархист эди! Ҳатто овқат ейишда ҳам отасига тортиганди. Отасига ўхшаб иштаҳаси яхши эди. Нима бўлса еб, ҳазм қила оларди. Дастурхон устида унинг зўр иштаҳа ва очкўзлик билан овқатланаётганини кўрган Сидор: «Е, Семён, еявер, ошқозонимизни ҳар нарса-ни ҳазм қилишга ўргатишимиз керак. Буванг раҳматлик — худоё жойи жаннатда бўлсин — наслимизда бўри хислати бор, суяк ютсак ҳам эритиб юборамиз, дер эдилар!» — дерди.

Ег ичида яйраб, ўзгача иштаҳа билан еб-ичиб, қувватга тўлган Семён болалигидан ҳукмини ўтказишга, айтганини сўзсиз, тезлик билан бажартиришга, ожизларни босиб-янчиб кетишга одатланганди. Ўн-ўн икки ёшли бола эканидаёқ қишлоқда бурни ва кўзлари қизариб кетган сархуш йигитларнинг ёқалашувида неча бора иштирок этган, ўзидан қанча катта йигитларни ҳам бир зарба билан ерпарчин қилган, озгина гап қайтарганларнинг огзи-бурнидан қора қонини келтирган Семён огриқ нима эканини билмагани сингари, инсон изтиробларига ҳам бефарқ қарарди. Фақат одамларгина эмас, ҳатто ҳайвонлар ҳам уни кўрганда ўзларини четга олардилар. Бу ҳам бежиз эмасди, албатта. Семён етти ёшида қишлоқ болаларининг меҳр билан, ардоқлаб боқаётган қушларини қўлларида тортиб олиб, дарҳол калласини узиб ташларди. Ерда типирчилаб жон бераётган бечора қушчаларни кўрсатиб: «Ана унга қаранглар, вой, ана унга қаранглар! Типирчилашини қаранглар-а!» дер ва кўпчилик болаларнинг юра-

гини ачиштирган бу даҳшатли манзарадан роҳатланарди. Сал каттароқ бўлганида эса олдидан чиқиб қолган бузоқнинг ёки сигирнинг қорнига найза санчар, чўчқанинг боласини ушлаб, тириклайин қайнаб турган қозонга босарди. Отаси: «Бу бола қонхўр бўлади! Юрагида раҳм-шафқат деган нарсаси йўқ!» деганларнинг оғзидан сўзини юлиб олиб, ёқасига ёпиштирарди:

— Қиз бола эмаски, кўнгли нозик қилиб ўстирсам. Йигит кишининг бағри қаттиқ бўлгани маъқул. Ватанимизга мустаҳкам иродали, метин қўлли аскар керак, токи урганда қўли титрамасин, — Сидор ўз фикрини чор империясининг буюклиги билан, душман ва хайрихоҳ бўлмаган давлатлар қуришларида эканлиги билан изоҳларди: — Сал-пал юмшоқ кўнгил бўлсак, бу ёқдан герман, у ёқдан япон, инглиз ва фаранглар ёпишиб, империяни чил-парчин қилиб юборишади. Бизга шафқатсиз ва ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ўғиллар керак. Қондан қўрқмайдиган, бошсиз таналарнинг қийма-қийма қилиб чопилишига сесканмай қарай оладиган ўғиллар керак!

Семён болалагидан мана шу сўзларга, мана шу фалсафага ишониб ўсди. Кўз ёшга, оғриққа, кучсиз ва бечораларга юраги ачийдиган кишиларга ожиз, гурусиз, ҳеч бир ишга яроқсиз одамлар деб қаради. Отасига ўхшаб унинг ҳам мулкдорлар, хўжайинлар Русиясига ва императорга бўлган меҳри жисмоний кучларининг битмас-туганмаслигидан, томирларида эҳтирос билан кўпириб турган қоннинг ҳароратидан қувват оларди ва соглом тушунча билан, ақл-идрок билан ҳисоблашадиган ҳолда эмасди. Бир сўз билан айтганда, унинг ватанпарварлигига сирка кўпроқ тушган, шунинг учун ҳам бу ватанпарварлик бадхўр эди. Хамиртуруши инсонга, инсониятга зид бўлган манбалардан олинганлиги учун ҳатто она юртида ҳам одамгарчилик, номус, виждон билан иш тутганларнинг ҳаммасига қарши эди у... У монархист эди. Мана шу сўз унинг шахсини очиб кўрсатиш учун кифоя қилади. Русияни монархсиз тасаввур эта олмасди, монархнинг, монархиянинг номига тил теккизган ҳар бир одамни у шахсий душмани деб ҳисоблар ва шундай одамнинг қонини ичишга ҳам ҳозир эди. Бизга маълумки, мана шу мутаассибона туйғу уни ҳали Петербург университетида ўқиб юрганидаёқ махфий идоранинг жосуси бўлиб қолиш

даражасигача олиб борган эди. Империянинг, аъло ҳазрат императорнинг манфаати талаб қилса, сен жаллод ҳам бўла олишинг, жосуслик ҳам қила олишинг керак деган қоидага у диндорнинг худога ишонганичалик ишонарди. Нон-туз ейишган, ўртоқлик ва дўстлик қилган одамларни ҳам сота оласан, буларнинг ҳеч бири хиёнат эмас, ватан йўлидаги фидокорлик эмиш! Наримонга ва бошқа болаларга шу қадар сирли бўлиб кўринган Семён Сидоровичнинг ичидаги бўшлиқ, совуқ сардоба қайдан пайдо бўлгани бизга энди аён бўлди. Ҳар замонда Семён Сидоровичнинг тунд бўлишида ҳам, сиймосини совуқ нур ёритиб қолишида ҳам ғайри табиий бир ҳол йўқ эди. Семён Сидорович худбинлиги туфайли бўлса-да, фикр-хаёлини ўз касбига, ўқитувчилигига берган, куни фойдали меҳнат билан ўтган пайтларида совуқ сардобанинг эшиги вақтинча ёпиларди. Болаларга дарс ўтганда истар-истамас, керакли бир нарсани, айтايлик, янги рус сўзларини, рус тилининг ибораларини, талаффуз ва ёзув қоидаларини ўргатаётганида сиймоси ёришиб, кўзлари чарақлаб кетарди. Бу ишқ, бу табассум унинг юраги тубидан чиққан эмас, ақидаларининг нури ҳам эмасди, йўқ! Булар унинг қора, лойқа, тахир маза берган ақидалари билан абадий қарама-қарши бўлган ҳақиқий билимнинг, фойдали маълумотнинг, истасамас инсонларга фойда бериб турган меҳнатнинг нури эди. Лекин бу нур доим ўчиб қолай-ўчиб қолай деб турарди, чунки ифлос юрак, ярамас ақидалар унинг бор гўзаллиги билан порлашига йўл қўймасди. Ёши улғайгани сари юрагида чуқур илдиз отаётган ахлат орасида униб чиққан чақиртиканак сингари чор атрофга шох ёяётган манфур, лойқа ақидалари фойдали меҳнатнинг нуруни маҳв этар, Семён Сидоровични янада кўпроқ хиёнатлар, иблисона ҳаракатлар йўлига соларди. У ўқиш китобидан ташқари, қизиқарли савол-жавоб ва суҳбатлар билан болаларда қизиқиш уйғотиб олганидан кейин, уларнинг фикрини ўз гоя ва истаклари бўйича ҳаракат қилдириш мақсадида Россиянинг мустабид чорларини ва чоризмни мадҳ этадиган, уларга садоқатли ва муте бўлишни каттадан-кичиккача барча ватандошларнинг муқаддас бурчи деб ҳисоблайдиган асарларни ўқитишга, таҳлил қилишга бошларди... Мана шундай пайтда кўз-

ларидан нур, табассум кўтарилиб, совуқ сардоба очиларди...

Бугун ҳам шундай бўлди. У қизиқарли савол-жавоблар билан ўқувчиларда ҳавас уйғотганидан кейин, бу ҳавасни шу даражада сақлаб қолиш умидида ўзи олиб келган бир китобни очди-да, Радипчевга таъқиб ва сургунлар билан минг турли азоб берган Екатерина Иккинчи мадҳ этилган жойини ўқитиб, таҳлил қила бошлади.

Семён Сидорович ўзи ҳам сезмаган ҳолда жиддий-лашиб кетди. Аста-секин юзидаги табассум йўқолиб, кўзлари совуқ нур билан йилтирай бошлади. Аъло ҳазрат императордан гапираркан, юрагининг торлари йўгон тортиб, сим каби таранг бўлиб қолди, ўзини нимагадир, қаёққадир сафарбар этилгандай ҳис қила бошлади. У асарни бўлакларга бўлиб, бошқа-бошқа ўқувчиларга ўқитар, сўнгра ўқилган қисмидаги фикрни такрорлатар, айрим жумлаларни доскада ёздириб, имло белгиларининг тўғри қўйилган-қўйилмаганлиги ҳақида синфдагилардан сўрарди. Ниҳоят ўз фикрини билдириб, ўқувчининг ўтиришига ижозат берарди... Екатерина ҳақида ёзилган нарсани таҳлил қилиш одатдагидай тинчгина ниҳоясига етай деб қолган пайтда Тавфиқ исмли бир ўқувчи қўл кўтариб қолди. Синфдошлари дарҳол нафасларини ичларига ютиб унга қарашди. Наримон ҳам диққат билан Тавфиқнинг огзига қараб қолди. Бу диққат ва қизиқиш бежиз эмасди. Рангпар, паст бўйли, ориққина Тавфиқни синфда ҳамма яхши кўрарди. У ниҳоятда ювош, меҳрибон ва фидокор бола эди. Кам гапирар, шовқин-суронни хуш кўрмас, ҳамманинг диққатини ўзига тортавермасди. Дарсларини эса доимо яхши тайёрларди. Бўш қолди дегунча қўлига китоб кўтариб хилват жойга бориб олар ва бошини кўтармай ўқийверарди. Китоблардаги олам уни бир муддат бу оламдан узоқлаштиргандай бўларди. Ёмоғлик, бахиллик, нодонликнинг нима эканини билмасди, юмшоқ кўнгил, тоза қалблигидан сўзидаги нонини тортиб олганларга ҳам қаттиқ гап айта олмасди. Шу билан бирга, ниҳоят даражада жиддий бўлганидан, унинг олдида биров ножўя ҳаракат ёки ҳаёсизлик қилишга ботина олмасди. Мана шундай хислатлари учун ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам уни яхши кўришарди. Хулқини атвори билан бутун семина-

риядагиларнинг муҳаббатини қозонганди у. Эҳтимол, бундай меҳр-муҳаббат қозонишига Тавфиқнинг кичкина, оғзин, нимжон вужудида яширинган ниҳоятда қудратли, мағрур ва ёрқин руҳ сабаб бўлгандир. У таънали сўз, қалтис ҳазил, ёмон қилиқнинг ўзига нисбатан ҳам, бошқаларга нисбатан ҳам ишлатилишини ёқтирмасди!

Бошқа томондан эса, бутун семинариядагилар Тавфиқнинг унчалик бадавлат оиладан эмаслигини билардилар. Бу оила тўкин-сочин, фаровон ҳаёт кечирмагани каби бошлигининг ақли, ахлоқи ва тарбияси соясида муҳтожлик гирдобига ҳам тушмас эди. Оила бошлиғи йўқчилик шафқатсиз оғирлиғи билан оилани эзишига, ҳалокат ёқасига олиб боришига йўл қўймасди. Тавфиқнинг отаси қишлоқ ўқитувчиси бўлиб, унчалик чуқур билим ва таҳсил ололмаган эди. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, у ишни бек эшигида оддий мирзалик қилишдан бошлаган, сўнг эса бир қанча вақт бозорда ўтириб, ҳар кимнинг тилхатини, шикоят аризаларини ёзиб юарди. Кейинчалик бориб «Экинчи»<sup>1</sup> деган газетани ўқий бошлади. Мана шу газетанинг таъсирида у ўша даврнинг илғор зиёлиларининг фикр ва орзулари билан танишди. Айниқса газетанинг деҳқончилик ва маориф тўғрисидаги мақолаларини қайта-қайта ўқирди ва ҳаёлга толарди. «Бизга қайси илм кўпроқ керак» деган рубрика остида янги усулдаги мактаб билан эски усулдаги мактабни таққослаб ёзилган мақолаларни ўқиганидан кейин фикрини мутлақо бошқа томонга бурди. Мирзаликни бутунлай ташлаб, болаларга алифбени ўргатадиган кичкинагина мактаб очди. Бу «Экинчи» газетасида тилга олинган, янгича усулдаги мактаб эди. Икки хонадангина иборат бўлган бу мактабда ўн беш ўқувчига ўқиш-ёзишдан ташқари дунёвий билимларни ҳам ўргатарди. Бу мактаб эски мактабдан фарқ қилгани учун, болаларга алифбени ўргатишни Қуръондан бошламагани учун, қора гуруҳлар унга қарши шов-шув кўтардилар, уни муртад, кофир, динсизга чиқариб, бошига минг лаънат ёғдирдилар. Лекин у билганидан қолмади. Уй-ма-уй юриб ўз мактабига ўн беш бола тўплашга муваффақ бўлди. Мана шу болаларнинг берадиган жузъ-

---

<sup>1</sup> Э к и н ч и — деҳқон маъносида.

ий дарс ҳақи билан беш кишилик оилани боқиш қийин эди, албатта. У, эшигидаги бир жуфт сигирга, саноқли қўй-эчкига ҳам ўзи қарарди, бола-чақанинг сут-қатиғини, гўшт-ёғини шулар воситаси билан топишга интиларди. Тавфиққа ҳам алифбени ўзи ўргатган, бодаларининг оғзидан узиб-юлиб олган маблағи билан олиб келиб, Гори семинариясида Алексей Осиповичга топширган эди. Тавфиқ оиласидаги моддий қийинчиликни, у ердан келадиган ёрдамнинг озлигини ҳеч кимга билдирмас, шу озга қаноат қилиб, ҳамма нарсаси етарли болалардай доим шод ва хушчақчақ кўринарди. Шундай болани яхши кўрмай бўлармиди! Семён Сидорович ҳам уни танирди. Екатерина ҳақидаги суҳбатдан кейин унинг қўл кўтарганини кўриб, дарсдан таъсирланган бўлса керак, деб ўйлади. Шундай фикр билан кайфи чоғ бўлиб, мамнуният билан унга сўз берди:

— Тапира қол, болакай, қандай савол бермоқчисан?

Тавфиқ ўрнидан турди ва:

— Муаллим, Радишчев дегани ким бўлади, нега Екатерина уни хафа қилган?— деб сўради.

Семён Сидоровичнинг қошлари чимирилиб, қовоғи осилди.

— Радишчев Россиянинг ва тож-тахтнинг душмани эди, ватан хоини эди. Диндан тонган эди. Ундайларни тириклайин ўтда куйдирса ҳам камлик қилади. Аъло ҳазрат Екатерина шу қадар олижаноб ва маърифатпарвар бўлганидан уни дор остига юбормаган, ҳолбуки, унинг пешанасини қизил майдондаги тошга ишқалаш керак эди!.. У исёнчи эди, Пугачёвдан ҳам ёмон эди!

Аччиғидан ва газабидан Семён Сидоровичнинг кўзларидан учқун сачрарди. Болалар нафасларини ичларига ютиб ўтирардилар. Тавфиқ ҳамон тик тураркан, овозини чиқармасди. Синфдошлари унинг шу гапни гапирганидан пушаймон бўлаётганини ҳис қилдилар. Наримон ҳам шуни сезд. Ўртоғига ачинганидан, Семён Сидоровичнинг фикрини бошқа нарсага чалғитмоқчи бўлди. Қўлини кўтарди:

— Мумкинми, муаллим?

Семён Сидорович унга ёвқараш қилиб қўйди. Радишчев тўғрисида гап бошлаган Тавфиққа ўти-

риш учун рухсат бермагани ҳолда Наримонга ўғирилди:

— Сен нима демоқчисан, гапир?

— Муаллим, аъло ҳазрат Екатерина маориф соҳасида қандай қарорлар чиқарган эди?

— Менинг фикримни чалгитмоқчи бўляпсан, тўғрими?— сўради Семён Сидорович секин, аммо қўрқинчли оҳангда.— Ўтир!

«Бунча ҳушёр бўлмаса бу!»— деб ўйлади Наримон ва қизариб кетган ҳолда ўрнига ўтирди. Семён Сидорович эса юзини Радищевни суриштирган болага ўгирди:

— Сенга ким Радищевдан гапирди? Ёки қайси китобдан ўқидинг?

Тавфиқ қотиб қолган, жавоб беришга қўрқар эди. Оғзидан чиққан ҳар бир сўзга муаллим бошқача маъно беради, деб қўрқарди у.

— Жавоб берасанми, йўқми?— қайта сўради Семён Сидорович.— Кимдан эшитдинг?

Синфга огир сукунат чўкди. Болаларнинг кўзи огир аҳволга тушиб қолган Тавфиқда эди. Лекин унга ёрдам беришнинг иложини тополмасдилар.

— Нимадан қўрқасан, ростини гапиравер!— деди кимдир секингина уни руҳлантirmoқчи бўлиб.

Семён Сидоровичнинг назарида бу сўзни ҳам Наримон гапиргандай бўлди. Ғазабланиб, Наримон томонга ўғирилди:

— Тур ўрнингдан, синфни бўшат!— деб буюрди.

Наримон ўрнидан туриб, титроқ овоз билан:

— Нима гуноҳ қилдим, муаллим?..— деб сўради.

— Ҳали суриштirmoқчи ҳам бўляпсанми?!

Болалар Наримонни ҳимоя қила бошладилар. Ўтирган ўрнидан гапирган Нодир ҳам оёққа турди.

— Муаллим, гапирган мен эдим.

— Ҳозироқ чиқиб кет!— Семён Сидорович уни синфдан чиқариб юборди ва Тавфиққа ўғирилди.

— Демак, жавоб беришни истамайсан?

— Муаллим, тўғрисини айтсам, ишонмайсиз деб қўрқаман,— деди дудуқланиб Тавфиқ.

Семён Сидорович шундай ғазабландики, Тавфиқнинг қути ўчди.

— Гапни айлантirma, саволимга жавоб бер!..

Тавфиқ:

— Семинаристлардан эшитганман, муаллим,— деди.

— Қайси семинаристлардан? Оти нима, фамилияси нима?— Семён Сидорович шунча қийноқ-қистовга олса ҳам, Тавфиқдан биронта сўз ола олмади:

— Билмайман, муаллим. Ким эканлиги эсимдан чиқипти...

— Қачон эшитдинг?— Семён Сидорович кетма-кет савол бериб, уни гапидан илинтириб олмоқчи эди.

— Кўп бўлди... Жуда кўп бўлди!— дарҳол жавоб берди Тавфиқ муаллимнинг юзига тикилиб. Кейин шубҳа тўла кўзларига қараб қўйиб илова этди.— Тўғриси айтяпман...

Семён Сидорович истеҳзо билан минғирлади:

— Ҳи... Ҳи!.. Тўғриси айтётган эмиш!— Ниманидир ўйлаб, деразадан ташқарига қаради.— Майли, қолганини кейин гаплашамиз...

У кўзини деразадан олиб, синфга олазарак назар ташлади. Қайтиб ўрнига ўтирди ва совуқ кўзлари билан болаларга бирма-бир қараб чиққач, бир зум овоз чиқармай туриб қолди.

— Доскага чиқ!— деб ўртадаги қаторда ўтирган Каримни чақирди. Наримон Каримни яхши танирди. У тиришқоқ бўлса ҳам, дарсларни кеч илғаб оладиган ва тез адашиб қоладиган бола эди. Ўзи тани соғ, бақувват эди. Тавфиққа учта келарди. Тиришқоқликда Тавфиққа етолмаса ҳам, ҳар қалай дангаса ҳам эмасди. Соатларча тоқат билан ўтириб, берилган дарсларни тайёрлар ва Наримонга гапириб берарди. Наримон янги ўтилган дарсларни унга бир неча марта такрорлатиб ёд олмагунича ўз ҳолига қўймасди. Шунга қарамай, синфда досканинг олдида чиққанида ранги ўчиб, кўзларини олазарак қилиб синфдагиларга қарар, ўқитувчининг саволларига жавоб бераётганида эса шошиб қолаверарди. Наримон шунча ҳаракат қилса ҳам унинг ўзига нисбатан бўлган ишончсизлигини бутунлай йўқотолмади. Шунинг учун ҳам Семён Сидоровичнинг кайфи бузуқ вақтида, болаларнинг вужудига даҳшат солиб турган бир дақиқада уни доскага чиқараётганидан безовталаниб: «Илоҳим шошиб қолмасин!»— деб ўйлади. Семён Сидорович табиат ва йилнинг фасллари ҳақида Каримга бир неча савол берди. Каримнинг бир кўзи синфдошларида, айниқса

Наримонда бўлгани ҳолда ўзига унчалик ишонмай бу саволларга жавоб бераркан, Наримон бошини аста тебратиб «тўғри» дегандай унинг руҳини кўтаришга ҳаракат қиларди. Семён Сидоровичнинг фикри бошқа ёқда юргандек, Каримнинг жавоблари уни унчалик қизиқтирмаётгандек эди. Талаффуздаги нуқсонларни ҳам тўғриламас, жавобларига аҳамият бермас эди. Ниҳоят:

— Бўрни олиб, ёз! — дея юзини доска томонга ўгирди. Карим одатдаги қўрқоқлиги билан доскага яқинлашди. Бўрни ўнг қўлига, доска артадиган латтани чап қўлига ушлаб, кўзини ўқитувчининг оғзига тикиб, кута бошлади. Лекин Семён Сидорович бирдан гапира қолмади, бир оз ўйга толди. Болалар унинг ниманидир эсламоқчи бўлганини сезиб турардилар. Ниҳоят у излаганини топгандай, аста-секин, сўзма-сўз гапириб ёздира бошлади. Ўзи ҳам досканинг олдида у ёқдан-бу ёққа юриб турарди. Карим фурсат топиши билан қайрилиб синфдошларига қарар, кўзлари билан тўғри ёзган-ёзмаганини суриштирарди. Кўринишидан хатога йўл қўяётганини ўзи ҳам сезиб тургандек эди: «Человек — разумное животное. Честность и правдивость — укрощение человека». Шунга ўхшаш тўртта-бешта майда жумлаларни ёздирганидан кейин, ўқитувчи досканинг олдига келиб, ёзувга кўз югуртирди. Ҳеч нарса демай Каримнинг қўлидан бўрни олди-да, «честность» ва «правдивость» сўзларининг охирига рус тилига хос бўлган юмшатиш белгисини қўйди ва бу белгиларнинг тагига икки қатор йўғон чизиқ тортди. Каримнинг яна бошқа хатоларини ҳам тузатди.

— Хатонг кўп, сўзларни тўғри ёзишни ўрган. Дарсдан кейин жиддий шуғуллан! — деб ўтиришга рухсат берди. Бошқа болани доскага чиқармоқчи бўлиб турган эди, Наримон қўлини кўтариб қолди:

— Рухсат этинг, муаллим?

Семён Сидорович унга ёвқараш қилди:

— Нима дейсан?

— Муаллим, «украшение» сўзида «р» дан кейин «а» бўлиши керак эмасми?

Семён Сидорович дарҳол доска томонга ўгирилиб қаради: «о» ҳарфи нақ бир юмалоқ тошга айланиб, Наримоннинг қўлидан отилиб унинг бошига теккандек бўлди. Кўз олди қорайди. Қайрилиб Наримонга қара-

ди, худди тушуниб бўлмайдиган бир ғалати тўрнинг ортидан гоҳ Наташа, гоҳ Соҳиб ва гоҳо Ҳури хоним бир кўриниб, бир ғойиб бўлаётгандек бўлаверди... Бу ёмон хаёлни ҳайдагандай кўзларини юмиб очди, яна бир марта доскага қаради: «о» ҳарфи янада йирик-лашган эди. Лекин у ўртадаги қаторда ўтирадиган, чақнаб турган кўзларини ўзига тикиб турган Наримоннинг ҳақ эканлигини тан олишни истамасди. Худди мана шу бир калима сўз билан у Наримонга устунлик ёки бўлмаса кучли бир васиқа бераётгандек бўлди. Унинг кўзига ниҳоят даражада талабчан, мағрур, ўзбошимча ва ҳатто безоридай бўлиб кўринадиган бу болага нега энди бу устунликни бериши керак экан?!

— Нима, бу «а» бўлмай нима?! Яхшилаб қарасанг бўлмайdimи? — деб тезлик билан қўлидаги бўр билан «о»ни «а»га айлантириб қўйди.

Бу адолатсизлик Наримонга жуда ёмон таъсир қилди, Каримга доим ёрдам бериб келганига, уни ҳурмат қилишига қарамасдан, бундай адолатсизлик билан келишишни истамай:

— Йўқ, муаллим, олдин «о» ҳарфи ёзилган эди, — деб қўйди.

— Кўзинг яхши кўрмас экан шекилли. Карим «а» ёзган эди! — деб уни сазойи қилиш мақсадида синфга қаради муаллим: — Тўғрими, болалар?

Синф Наримоннинг ҳайратига сабаб бўлган ҳам-жиҳатлик билан:

— Тўғри айтасиз, муаллим! — деб жавоб қайтарди.

Карим бўлса Наримонга душманига қарагандай нафрат билан қараб турарди.

Наримон зўрлик ва куч ишлатилган жойда ҳақиқат қандай босилиб кетишини, ёлгончилик ғолиб чиқишини умрида биринчи марта кўрди. Ҳатто яхши одамлар ҳам тушунмаслиги натижасида оқимга қўшилиб, қорани оқ дейишар экан. Йиллар ўтди, ҳаётнинг мана шу сингари ишларига қарши қалбида нафрат уруғи униб чиқди ва борган сари ўсди, ёлгонга ва сохтали-ка қарши сўнгги нафасига қадар келишмайдиган, кечиришни истамайдиган туйғуларга айланди...

Қўнгиरोқ овози синфдаги оғир ва юракни сиқувчи вазиятга чек қўйди. Болаларнинг қулоғига бу овоз ёқимли куйдай эшитилди. Семён Сидоровичнинг орқасидан улар чуқур нафас олиб ўзларини даҳлизга ур-

дилар. Синфдан ҳайдаб чиқарилган Нодирни қуршадилар. Унинг кўзлари қизариб кетган, йиглагани билиниб турарди.

— Мени семинариядан ҳайдатиб юборади!— деб хўрсинди у.— Мен уни биламан. Жуда ёмон одам!

— Ундай бўлмайди, бўлиши мумкин эмас!— Наримон етти ухлаб тушига ҳам кирмаган бундай адолатсизликнинг амалга ошишига қарши исёнкор овоз билан ўртоқларига тасалли беришга интилди.

Мана шу пайтда уларнинг даврасига Карим келиб қўшилди ва Наримондан гина қилиб:

— Сен ҳам зап дўст экансан, хатоимни топмасанг бўлмасмиди?— деди.

— Бўлмасди!— қатъий жавоб берди Наримон.

— Мусулмон мусулмоннинг жонига шундай кунда ора кирмаса, мусулмонлиги қолдими?!

Каримнинг бу саволи Наримонга жуда ғалати кўринди:

— Биз бу ерга билим олгани, тил ўргангани келган мизми ёки бўлмаса бир-биримизнинг хатоимизни бекитганими?!— Наримон ҳайратланиб сўради.— Мусулмоннинг бир-бирига кўрсатадиган ёрдамни ҳам тўғри тушунмас экансан. Мен бунақа ишни ақлимга сигдиrolмайман.

— Бундан кейин сен билан дўст бўлмайман!— Карим аччиқ қилиб кетиб қолди. Наримон унинг бу ҳаракатига ҳайрон бўлиб ўртоқларига қаради ва елкасини қисди.

— Дунёда хўп антиқа одамлар бор-а!..

Яна қўнғироқ чалинди. Болалар қайтиб синфга киришди.

### 3

Черняевский камбағал деҳқон кулбасидан Гори семинариясининг ўқитувчиларига ҳам, талабаларига ҳам хуш ёқадиган хислат: ўроқ ўришдан қўллари қавариб кетган заҳматкаш инсонга хос соддалик ва очиқ кўнгиллилик олиб келган эди! У ҳаммага бир хилда мулойим ва меҳрибонлик билан қарар, ҳамма билан содда ва самимий муомала қиларди. Шунинг учун энг камгап одамлар ҳам бир-икки кўришганларидан кейин

у билан юрак дардларини ўртоқлашардилар. Черняевский бу дардга даво тополмаса-да, ҳамдардлик ва меҳрибончилик билан қулоқ солар, самимий сўзлар топиб, дардкашнинг кўнглини кўтариб қўярди. Талабалар ва бошланғич мактаб ўқувчилари — шогирдлар эса унга яқин одамларидек мурожаат этишар, дуч келган қийинчиликларини ҳеч кимга айтмасалар ҳам, унга айтардилар. Айниқса камбағал оилаларнинг, жамиятнинг қуйи қатламидан бўлган одамларнинг болалари уни руҳан, қалбан қадрдон ва ҳомий деб билардилар. Бу табиий эди. Черняевский Озарбайжоннинг қадимий маданий марказларидан бўлган Шамахи яқинидаги Мараза қишлоғида туғилган эди. Унинг оиласи диний ва сиёсий мулоҳазаларга асосан, ўтган асрнинг бошларида ички Русиядан Кавказга сургун қилинганлардан эди. Отаси камбағал эди. Жўжабирдай жонни боқиш учун ўт ва буғдой ўрими бошланиши билан Шамахидан пастдаги Оқсув ва Кўксув қишлоқларига ўроқ ўримига чиқиб кетар, барча машаққатларга бардош бериб, оиланинг қишки ризқ-рўзини топиб қайтарди. Барча камбағал деҳқон болалари каби унинг болалари ҳам кичкиналигидан, дастлабки қадам ташлаган кунларидан бошлаб меҳнатга ўрганган эдилар. Осип ўғли Алексейни ҳам саккиз-тўққиз ёшидан ўзи билан буғдой ўримига олиб кетарди. Кейинроқ бориб Алексей почта идорасида ҳам хизмат қилди. Қишлоқ ҳаёти билан яқиндан таниш бўлиши, қишлоқнинг заҳматкаш ва камбағалларининг турмуши билан яхшигина ошналиги Алексейни ҳушёр, ҳассос қилиб ўстирди, ёшлик пайтидан ҳаётнинг жуда кўп огир томонларини тушуниб олишига ёрдам берди. Кейинроқ бориб, ўқитувчиликда донг чиқарган, муваффақият қозониб, муҳтожликдан қутулганидан кейин ҳам у ҳеч маҳал камбағалларни, йўқсилларнинг болаларини, ўша даврнинг баъзи аристократ зиёдилари «авом», «жоҳил», «қора тўда» деб атаган заҳматкаш деҳқонларни камситмасди. Аксинча, болалигидан юрагида жой олган ва улғайгани сари янада чуқур илдиз отган туйгулар уни ўзи наслан боғлиқ бўлган йўқсилларга, заҳматкашлар томонга тортиб турарди. Бу инсоннинг табиий ҳисларидай қудратли бир майл бўлиб, унинг қонида кўпириб турарди. Қуйи табақадан чиққан болалар билан кўришиб, гаплашганида унинг кўзларида, овозида, ўзини

тутишида ноёб бир меҳрибонлик, болаларнинг қалбини илҳомлантирадиган бир ҳарорат юз кўрсатиши мана шу майл туфайли эди. Камбагал болаларнинг аксарияти семинарияда яхши хулқини, меҳнаткашлигини, тугма истеъдод эгаси эканлигини намоиш эта билиши Алексей Осиповичнинг қалбида ўзгача севинч, ҳатто гурур уйғотарди.

Барча болаларнинг бундай ҳурматли, бундай эътиборли одамнинг эътибори ва меҳри билан фахрланишлари, янада илҳом билан меҳнат қилишлари табиий эди, албатта. Жалил, Наримон, Нодир ва Тавфиқлар ҳам Алексей Осиповичга ёқадиган, келажакларига умид билан қарайдиган шогирдлардан эдилар. Бу шогирдлар дарслардагина эмас, ҳатто шахсий ҳаётларида, оилаларида бўлиб турадиган қийинчиликлари ҳақида ҳам биринчи навбатда Алексей Осипович билан маслаҳатлашмоқни ўзларининг бурчлари деб ҳисоблардилар. Болаларнинг қалбидаги бу туйғуни кучайтирадиган сабаблардан биттаси, Гори семинариясининг бошланғич синфида инсон ахлоқининг амалий масалаларига доир мунтазам суҳбатлар олиб борилиши эди. Бу суҳбатларда ўқитувчи оила аъзоларини, дўст-биродарларни, ўқитувчиларни ва бошқа эътиборга лойиқ шахсларни ҳурмат қилиш кераклиги ҳақида гапирар, ўқувчиларда самимият ва садоқат туйғуларини уйғотар, очиқ кўнгил, тўғри сўз бўлиш инсон учун катта ҳислат эканини тушунтирарди. Наримон ўқитувчилар тушунтирган ва миясига жойлаб олган ахлоқ қоидаларига биринчи навбатда ўз шахсий ҳаётида амал қилишни вожиб билган шогирдлардан эди. Ўқувчига маълумки, бу боланинг отаси, онаси, амакиси ва бутун оиласи мана шу қоидага биноан, ишонганига амал қилиб, ишонмаганига амал қилмай яшаганлар. Наримон кўз очганидан бошлаб мана шундай тарбия олганди, уни жуда кичкиналик пайтидан Фазли билан яқинлаштирган, дўстлаштирган нарса ҳам шу эди. Шунинг учун у Бобожонга ўхшаган болалар билан дўст бўла олмасди, ўйин туфайли яқинлашганларида ҳам доим уришиб-талашиб қолардилар. Чунки Бобожонларга тарбия берган Нисо каби аёллар, болаларида олижаноблик, хайрихоҳлик сингари инсоний туйғуларни ўлдириб, йиртқичларча ҳайвоний туйғуларни уйғотиш, кўзингни ўйиб оладиган қирғийлар қилиб етиштириш

ва уларнинг ўз «уддабурро» лигидан фахрланиб юришларини таъмирлаш учун қўлларидан келган барча ишни қилардилар... Наримонни қуршаб турган одамлар бутунлай бошқа ахлоқ эгаси бўлганликларини, ҳаёт тўғрисида бошқача фалсафий назарияга суянганликларини ўқувчи унутмагандир, албатта. Бу таъсирнинг нақадар инсоний бўлгани ёдга тушсин учун Наримоннинг ҳиссиётига ва ахлоқига таъсир қилган одамлардан факат Соҳиб муаллимнинг ўзини эслаш кифоя қилади. Кейинчалик, семинариядаги жиддий қоидалар, болаларга чуқур билим бериш тартиби, Алексей Осипович билан Сафарали муаллим, Жалил, Тавфиқ, Микаел каби ўртоқлар бу таъсирнинг кучайишига сабаб бўлдилар. Наримон ёлгон гапирмас, бунинг уддасидан чиқа олмасди ҳам. Сўз берса, албатта бажарарди. Ишонган йўлидан қайтмасди. Сўзидан қайтиш, тилда бошқача гапириб, амалда бошқача иш қилиш, ёлгончилик, сохталиқ унинг бутун борлигига зид эди. Шундай нарсаларга дуч келганида, узоқ муддат қошлари чимирилиб қолар, қайғуга ботиб, изтироб чекарди. Наримоннинг табиатидаги бу хусусиятни болалик чоғларида уни тарбиялаган яқин одамлари яхши эслайдилар.

Мана шунинг учун ҳам доскадаги «о» ҳарфи кўз ўнгидан нари кетмасди, Семён Сидоровичнинг бармоқлари орасида сиқиб турган юмалоқ бўр билан мана шу «о» ни қандай қилиб «а» га айлантиргани ҳадеб хаёлида жонланар, миясида минг турли савол уйғотарди: «Муаллим ҳам ёлгон гапириши мумкинми?! Муаллим ҳам шундай сохта иш қилиши мумкинми?» Наримон бу саволга ҳеч ижобий жавоб беролмас, ижобий жавоб беришни истамасди ҳам. Шу кунга қадар ишонган, юксак, тоза одам деб ҳисоблаган муаллими шундай адолатсизлик қила олишига ҳеч ишонгиси келмасди. «Муаллим ҳам одам, — деб ўйларди у, — унинг ҳам аччиқланиши, уришиб бериши мумкин, масалан, бугун Семён Сидорович қилгани каби, тартиб бузган ўқувчини синфдан ҳайдаб чиқариши мумкин, масалан, Семён Сидорович бугун Тавфиққа аччиқлангани каби, бир ўқувчининг сўзига тўғри тушунмасдан, инсофсизларча унга танбеҳ бериши мумкин!» Буларнинг барчаси учун Наримон ўқитувчини кечира олади. Ҳатто Нодирни синфдан ҳайдаб чиқарганини ҳам кечиради. «Ҳолбуки, бечора Нодир жуда яхши бола! Тўғри сўз, ҳақиқатчи,

тилига ёлгон сўз келмайди! Энди уни ким билади, қандай қийноқ-қистовларга соларкин? Агар унинг ожиз, қўрқоқ эканини билганида эди, бу даражада шафқатсизлик қилмасди!..» Наримон фикран буларнинг барчаси учун Семён Сидоровични кечирарди. Фақат бир нарсани кечири олмас, кечирмоқчи ҳам эмасди: «Муаллим атайлаб сохталик қилиши, била-кўра туриб «о»ни ўчириб «а» ёзиши ва илгаритдан «а» ёзилган эди, деб туриши мумкинми?!» Бу ҳолни Наримон ҳеч ақлига сиғдира олмасди. Ҳаётда кўз билан кўргани унга бир нарса деса, имони бошқа нарса дер эди! Ҳақиқат билан имон орасида пайдо бўлган бўшлиқ унга азоб берар, уни хафа қиларди. Иккинчи томондан Тавфиқ билан Нодирдан хавотирланарди. Юрагига, Семён Сидорович улардан ўч олади, деган фикр ўрнашиб олганди. «Қулай фурсат топилиши билан иккаласини ҳам хафа қилади! Мен овозимни чиқармасам ҳам: «Гапирган сен эдинг, синфни бўшат ҳозир!» деб айтди-ку! Йўқ, жимгина кутиб ўтира олмайман. Ё Сафарали муаллим билан ёки бўлмаса Алексей Осипович билан гаплашишим керак!..» Қайси бирининг олдига боришини билмай, бир зум тараддудланиб турди. «Алексей Осипович мени Тифлисдалик пайтимдан танийди. Соҳиб муаллим ҳам тайинлаган: «Қандай қийинчиликка дуч келсанг ҳам, уялиб-тортиниб ўтирмай Алексей Осиповичнинг олдига боргин!» — деган эди. Шу қарорга келгач, у Алексей Осипович билан учрашиб, юрагини пармалаётган саволларга жавоб олиш учун ўқитувчилар хонасига йўл олди. Даҳлизга чиқиши билан Алексей Осиповичнинг ўзига дуч келди. Ўқитувчи қаёққадир шошиб турарди:

— Музыка дарсидан кейин олдимга келарсан! — деди у. — Мени ҳозир директор чақираётган эмиш, кеч қолишим мумкин эмас!

Аслини олганда, Алексей Осиповичнинг у билан ҳозироқ гаплашмаганидан Наримон севинди. «Ахир бир оз ўйлаб олиш, ўлчаб-бичиш ҳам керак-да. Оғзимга келган сўзни унга айтиверишим яхши бўлмас. Сал гапнинг орқа-олдини ўйлаб олишим керак!» Шундай қарорга келганидан кейин у бир оз тинчланди ва хаёл суриб кетди. Лекин фикри яна асосий масаладан четга чиқиб кетаверди, яна англашилмайдиган азобли саволлар уни қуршаб олди. «Нега шундай адолатсизлик

қилишади?» Бу оғир савол миясини кемиргани ҳолда ётоқхонасига кирди. Ўртоқларининг ҳаммаси шу ерда эди. Қандайдир қизгин суҳбат борарди. Бир оз қулоқ солиб турганидан кейин, болаларнинг синфда юз берган ҳодиса тўғрисида музокара юритаётганларини англади.

— Муаллим ноҳақ!— Тавфиқ музокарага якун ясамоқчи бўлди. Жалил кулди. Ўзига хос енгил истеҳзо билан:

— Ҳақиқат, адолат деган нарсa қайда эмиш, дўстим!— деди у.— Ер юзида адолат бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Дадам: «Миллион марта синаганман. Кимнинг муштуми зўр, чўнтаги қапнайган бўлса, қўлида ихтиёри бўлса, ҳақиқат ҳам ўша томонда бўлади, вассалом, иш тамом!»— дейдилар. Семён Сидорович Нодирни мактабдан ҳайдатиб юборадими-йўқми, мана энди кўрасизлар. Мен албатта ҳайдатади дейман! Нега дейсизларми? Чунки Семён Сидорович муаллим, у кучли, сўзи ҳам ўтади!..

— Агар шундай қиладиган бўлса ҳаммамиз йиғилишиб мудирнинг олдига борамиз!— Наримон Нодирни ҳимоя қилди.— Шундай ўқувчини мактабдан ҳайдаб бўладими?! Нима учун, нима сабабдан ҳайдашлари керак экан? Ўрнида ўтирган жойида бир оғиз сўз айтди, холос! Биз бундай инсофсизликка йўл қўймаслигимиз керак!

— Мен ҳам шу фикрдаман! Нодир яхши ўқийди, ўзи яхши дўст, биз уни ҳимоя қилишимиз керак!— деди Тавфиқ ўз одати бўйича секингина ва ёш тўла кўзлари билан бутун суҳбат давомида лоқайд кўринган Каримга қаради. Карим кўзини Наримондан олиб қочгани ҳолда:

— Бу машмашанинг сабабчиси сенсан, Тавфиқ!— деди.— Муаллим Екатеринадан гапирса, сен бўлсанг аллақандай, анави... анави... сўраган одаминг ким эди?

— Радишчев!— деди Наримон унга ёрдам бермоқчи бўлиб.

— Сендан сўраётганим йўқ!— Карим намойишкорона тарзда Наримонга ўшқирди ва Тавфиққа ўгирилди:— Ҳа, ўша жанжалчи одам ҳақида суриштиринг...

Каримнинг бу гаплари Наримонга ёқмади, кулгили ва маъносиздай кўринди:

— Менга қара, ҳей, мен билан гаплашганингда

қўлингни силкитма! Одам деган ҳурматни дарров йўқотмайди. Нима бўлди, бугунгача мендан азиз одамнинг йўқ эди-ку, битта хатоингни топиб берганимга мендан юз ўғирмоқчимисан? Яхши эмас!

Карим ўртоқлари кутмаган бир қизгинлик билан Наримонга ҳужум қилди.

— Юз ўғирмай нима қилсам тузук? Менинг ўрнимда ким бўлса ҳам юз ўғирган бўларди! Муаллим ойда-йилда бир марта мени сал мақтаган эди, шуни ҳам кўп кўрдинглар. Арзимаган битта хато топдинг... «А» ёзиш ўрнига «о» ёзиб қўйибман, ҳўш, нима бўпти? Осмон узилиб ерга тушмапти-ку!

Наримон қанча ҳаракат қилмасин, Каримнинг фикрини ҳазм қила олмади. Каримнинг оддий, арзимаган бир масалани деб шунча шовқин-сурон кўтариши унга ғалати кўринарди. Энг ёмон томони шу эдики, у Наримоннинг сохталик қилишини талаб қиларди. Каримнинг қизиққонлигига зид ўлароқ Наримон авзойини бузмасдан ўртоқларига қараб бош чайқади:

— Нима деяётганини кўряпсизларми? Гўё муаллимнинг уни мақтаганини мен кўп кўрган эмишман!

— Албатта кўп кўргансан,— деди Карим баттар қизишиб. Ҳатто бир оз ҳаддидан ҳам ошди.— Бахиллик қилиш яхши эмас! Бахил одам бировга дўст бўлмайди!..

Каримнинг огзидан шу сўз чиқиши билан ўртоқлари гуриллаб унга эътироз билдирдилар.

— Нима деяпсан, Карим?! Жуда ошириб юбординг!

— Санамай саккиз деяпсан!— ҳамма тинчиганидан кейин Каримга қараб сўз бошлади Тавфиқ.— Наримонга бахил деган сўз ярашмайди! Дўст учун жонидан кечадиган бола. Унга туҳмат қилиш ярамайди. Қўлидан келганича ҳаммамизга ёрдам қилиб келган. Муаллимлар биримизни мақтайдиган бўлса, Наримон севинганидан қанот боғлаб учгудек бўлади... Неча марта бунни ўзим кўрганман...

— Тўғри, тўғри!— ҳамма болалар Тавфиқнинг сўзини тасдиқлаган эди, Каримнинг овози ўчиб қолди. Ҳамма суҳбат шу билан тамом бўлди, деб ўйлади. Фақат Жалил хаёл сураб, нимадир демоқчи бўларди. Худди зарур бир сўз эсидан чиқиб қолгандек эди. У фикрини тўплаб, нимадир демоқчи бўлган эди, Наримон ундан олдин сўз бошлади:

— Энди асосий масалага қайтайлик. Карим, ҳозирги гапларингда иккита катта хатога йўл қўйдинг. Ҳозир шуни тузатмасак, бошқа жойда ҳам гапириб, бизнинг обрўйимизни тўкиб қўйишинг мумкин.

— Нима хато қилган эканман?!— Карим яна шовқинлай бошлаган эди, гапга Жалил қўшилди:

— Менга қара, Карим, сизларга одоб, таълим ўргатишганим, йўқми? Ўргатишган бўлса ёдингда нима қолган ўзи? Одобнинг биринчи шарты бошқанинг фикрига қулоқ солиб, шу фикрни тўғри талқин қилиш.

— Ҳа-а, бўпти, сен ҳам тоза олдинг!— Карим Жалилни масхара қила бошлади.— Бизга одобдан таълим берувчилар етмай турувди, худога шукур, бу ёқдан биттаси чиқиб қолди!

— Сенинг мана шу ҳаракатинг ҳам одоб дарсига эҳтиёжинг борлигини кўрсатиб турипти!— Жалил ҳаммани кулдирди.— Ювилган ҳўл кўйлакнигина қури-тиш кераклигини билмайсанми? Қуриб турган нарсани нимага яна қуришмоқчи бўласан?— Сўнгра Наримон томонга ўгирилди:— Қани, гапир-чи, ўша икки масала нимадан иборат экан? Қани, гапир, фикримиз тўғри келармикин?

Шу пайтда кимдир секин-секин эшикни тақиллатди. Болаларнинг ҳаммаси ўша томонга қараб қолишди. Тавфиқ бориб эшикни очди ва шу заҳоти:

— Кириг, кириг!— деганича қўли билан эшикни ушлагани ҳолда ўзини четга олиб, келган одамга йўл берди. Ичкарига дид билан кийинган, қора жингалак сочли Микаел кириб келиши билан болалар оёққа туриб кетдилар.

— Салом, болалар!— деди у ва меҳрибонлик билан хонадаги болаларга бирма-бир қараб чиқди.— Утира-веринглар. Утираверинглар. Нимани гаплашаётгандинглар?— сўради у болалар таклиф қилган стулга ўтираркан.— Юрагим ёмон сиқилди, болалар... Бирпас гаплашиб, ғам-ғуссамни тарқатсам зора, деб келдим.

— Онангиз тузукмилар?— чин қалбдан сўради Жалил.

— Мазалари йўқ, дўстларим!— Микаел куйиб гапирди, лекин тезда ўзини қўлга олди:— Менинг онам жуда кўп азоб тортган... Моддий жиҳатдан эмас, бошқа томондан. Отам билан юлдузлари тўғри келмаган. Мен беш яшарлигимда ажрашиб кетишган. Ундан ке-

Йини ҳам ҳаётлари яхши ўтмаган, толен паст одам. Соғлиқларининг ҳам мазаси йўқ.

— Худо дардларига шифо берсин!— Наримон тилга кирди.— Худо хоҳласа, тузалиб кетадилар. Ўста-сангиз адресларини беринг, уйимдагиларга ёзиб юборман, хабар олишсин, балки бирор ёрдам керак бўлар.

— Саломат бўл! Катта опамнинг эри ўша жойда. Ошна-оғайниси ҳам кўп... Майли, энди айтинглари-чи, нима ҳақда гаплашаётган эдингизлар? Менимча, баҳс-лашаётган эдингизлар, шундайми?.. Нима тўғрисида?

— Ҳой, Карим, бор, анави чақилган ёнгоқдан, майиздан олиб кел, Микаел оғани бир меҳмон қилайлик!— Жалил Каримга қаради. Карим тез ўрнидан турди. Бурчакдаги кичкина гулли сандиқчани очди-да, майда халтачаларни кўтариб келди. Қора кишмиш, майиз, қовурилган бодом ва фикдиқни<sup>1</sup> тақсимчиларга солиб, ўртага қўйди.

— Ганжадан келган, онам юбориптилар!— деди Карим.— Ҳар ой йўқлаб турадилар, бу ёққа ким келса бир нарса бериб юборадилар.

— Нима сабабдан ҳамма миллатда оналар бир хил бўлишаркин?— Микаел яна жавдираган кўзлари билан болаларни кузатиб чиқди.— Демак, нима тўғрисида гаплашганларингизни айтишни истамайсизлар? Майли, айтиб бўлмайдиган сир бўлса, айтмай қўя қолинглар!

— Гапиришга арзийдиган нарса ҳам эмас,— деди Наримон ва бир Микаелга, бир ўртоқларига қаради.— Сизнинг келганингиз жуда яхши бўлди.

Наримон Каримнинг бошқатдан қош-қовоғини солиб олганини кўриб, индамай хаёлга толди. Жалил бўлса, ўзига хос бўлган ҳазилкашлик билан:

— Мана шу майиз берган боланинг икки хатоси бор. Шунини тузатаётган эдик!— деди ва Наримонга қаради:— Қани бошла, биринчи хатоси нимадан иборат экан?

— Хатога келсак, мен ўзим ҳам Радишчевнинг кимлигини яхши билмайман. Семён Сидоровичнинг айтишига қараганда, ватан хоини бўлган экан, шаккок экан. Мен бунга ишонмайман, чунки Семён Сидоровичнинг ўзи ғалати одам. У киши яхшини ёмон,

---

<sup>1</sup> Ф и к д и қ — Кавказда ўсадиган майда ёнгоқ.

ёмонни яхши деб айтиши мумкин. Радишчев тўғрисида ўқимаганман. Қандай одам бўлганини айта олмайман. Лекин, менимча, Каримнинг у киши ҳақида айтган гаплари тўғри бўлмаса керак!

— Карим нима деди?— Микаел қизиқиб сўради. Жалил бу саволга атайлаб Наримондан олдин ўзи жавоб берди:

— Карим, у киши жанжалкаш одам бўлган, деб айтди. Карим уни билмайди, танимайди, шунинг учун бу гапни айтди, албатта.

— Мен эса Радишчев буюк ватанпарвар бўлган деб эшитганман!— деди Тавфиқ. Унинг овози синфдагидан кўра баланд ва жасоратли бўлиб эшитилди.— Қишлоқ камбағалларини ҳимоя қилган экан, Русиядаги деҳқонларнинг турмуши жуда ёмон, оч-ялангоч ҳаёт кечирадилар деб ёзган экан. Мулкдорларнинг ваҳшийликлари ҳақида ҳам ёзган экан!..

— Бу сўзларни мен гапирмадим, билиб қўйинглар!— Жалил баланд овоз билан ҳазиллашиб, кулиб қўйди.

Микаел бўлса, ҳайратдан кўзларини катта-катта очиб, ориқ, нимжон Тавфиққа қаради.

— Яхши, буларни сен кимдан эшитдинг?..

Наримон кулди:

— Сўрамай қўя қолинг, барибир айтмайди! Семён Сидоровичнинг аччиғини чиқарган ҳам мана шу қилиги бўлди. Муаллим шунча сўраса ҳам айтмади!..

— Унда эсимдан чиқиб қолувди-да!— Бу гапни Тавфиқ шундай оҳангда гапирдики, унинг ҳазиллашаётганини ҳам, тўғри гапираётганини ҳам ҳеч ким била олмай қолди.

— Хўш, бу ерда-чи, балки кимдан эшитганингни бу ерда эслаб қоларсан?— деди Микаел ниҳоят даражада қизиқиш билан.

— Сиздан!— Тавфиқ меҳрибонлик ва айни замонда савол назари билан унга қаради. Микаел ҳайратланиб сўради:

— Қачон, қаерда?

— Бундан бир ҳафта олдин. Кутубхоначи қиз билан гаплашаётганингизда эшитдим. Мен китоб олмоқчи бўлиб турган эдим.

Микаелнинг кўзлари ҳайратдан баттар ола-кула бўлиб кетди. У Тавфиқнинг кичкина жуссасига, қора-

чадан келган сиймосига, нимжон гавдасига қизиқиш га меҳр билан қаради. У худди кутилмаган ва жозиба- ли бир нарсани кашф этганга ўхшаб турарди.

— Шундай қилиб, Семён Сидоровичнинг шунча дўқ-пўписаларидан кейин ҳам Радищев тўғрисида кимдан эшитганингни айтмадинг, шундайми?!

Тавфиқ киприк қоқмасдан катта-катта қора кўзла- рини унинг ўткир нигоҳига қадаганча чурқ этмай ту- рарди. Тавфиқ уятчан бола эди. Уни биров мақтагудек бўлса, хиёл қизариб, кар-соқов бўлиб тураверарди. Ис- тасангиз, уни мақтаб осмонга чиқариб қўйинг, унга ҳечам таъсир қилмасди. Қандай бўлса шундайлигича қолаверарди. Наримон унинг бу одатини яхши билгани ва шу хислати учун яхши кўрганидан Микаелнинг са- волига ўзи жавоб берди:

— Айтмади!

— Офарин! Баракалла! Ироданг мустаҳкам экан!— Микаел миннатдорчилик билдирди.— Буниси яхши, энди нима учун айтмаганингни бизга тушунтириб бер!

Бу саволга Тавфиқ мамнуният билан жавоб берди:

— Биринчидан, кутубхоначи қизнинг сизга: «Ра- дищевнинг китобларини бир оз эҳтиёткорлик билан ўқинг, ўқиганларингиз ҳақида ҳамма ёқда гапириб юр- манг», деб тайинлагани эсимда қолган эди. Иккинчи- дан, Радищевнинг номи оғзимдан чиқиши билан Се- мён Сидорович илон чаққандай бўлди. Менга шундай қарадики, қўрққанимдан оёқ-қўлим қалтираб кетди. Сўраганимга пушаймон бўлдим. Отингизни айтсам ях- ши иш бўлмаслигини сездим...

— Эҳ, менинг азиз укажоним-эй!— Микаел юраги- нинг энг теран жойида асраб юрган сирини уларнинг эътиборига ҳавола қилаётгандай, секин-секин гапир- ди:— Радищевнинг номини эшитганда Семён Сидо- ровичнинг оёқ-қўли сеникидан баттар титраб кетади. Ҳатто ундан кучлилар ҳам Радищевнинг номини эшитганларида қалтирай бошлашади. Ахир, Радищев мужикнинг қонини сўриб ўрганган бу зулукларнинг душмани эди-да! Қасоскор душмани!.. Радищевнинг ёзганларини ўқисаларингиз, ҳар сатрида унинг дукил- лаб уриб турган юрагининг овозини эшитгандай бўла- сизлар, қандай соф ва виждонли одам бўлганини била- сизлар! Бундай одамлар билан фақат ўзларининг қадрдон халқигина эмас, йўқ, улар билан дунёдаги

хамма халқлар фахрланса арзийди. Чунки фақат ана шуларга ўхшаган мард ва жасур, ақлли ва ҳақиқатгўй одамларгина инсониятнинг шарафини, номусини ҳимоя қила олади!..

Наримон, Микаелнинг паст овозда гапираётганига аҳамият берди. Тахминан мана шу фикрларни Микаел Семён Сидорович билан юзма-юз туриб баҳслашган пайтида нақадар қизгин ва ҳарорат билан гапирган эди. Энди бўлса меҳрибон кўзларини тез-тез бир боланинг юзидан олиб бошқасига қаратар, фақат сўзлар билангина эмас, йўқ, юз-кўзининг ифодаси, овозидаги оҳанги билан ҳам уларга юрагидаги гапларни тушунтирмоқчи бўларди. Микаел жуда ёш бўлишига қарамай, ҳар ҳолда бошлангич синф ўқувчиларига нисбатан ўзини ўқитувчидай тутар, алоҳида бир масъулият туйғуси билан гапирарди. Бундан ташқари, Микаел фақат рус тараққийпарвар ёзувчиларининггина эмас, француз маърифатпарварларининг асарларини ҳам ўқиган, Европа мамлакатларидаги илғор ижтимоий ҳаракатларнинг тарихига, саноат инқилоби яратган янги иқтисодий-ижтимоий шароитга оид китобларни ҳам озми-кўпми билар эди. Қондош арман халқининг тарихи, адабиёти ва маданиятини эса ипидан-игнасигача жуда яхши биларди. Бу ҳам табиий бир ҳол эди: Микаелнинг отаси Погос Озодян Зангизурда туғилган, уни руҳоний кўришни истаган майда дўкончи отасининг зўри билан бир қанча вақт Эчмиадзинда таҳсил олган, лекин руҳоний эмас, савдогар бўлган эди. Кичкина сармоя билан тижорат ишини бошлаб, кўп ўтмай бойиб кетган, ўша даврнинг машҳур савдогарлари қаторига чиқиб олганди. Касбининг тақозоси билан у Истамбулда, Қоҳирада, Дамашқда, Техронда яшаган, сўнгра Берлин ва Лондонга ҳам бориб келган ва ниҳоят узоқ вақт Парижда ҳам истиқомат қилган эди. Турк, араб, француз ва инглиз тилларини мукаммал биларди. Ўзи ҳам Америкадан бошлаб Русиягача дунёнинг турли ўлкаларига тарқалган забардаст армани савдогарлари ва бойлари билан мунтазам алоқа қилиб турар, қайси ўлкада қандай молнинг нархи кўтарилган-тушганини яхши биларди. Бу маълумот тижоратнинг даромадли бўлишига ёрдам қиларди: у шарқ мамлакатларидан Русияга ва Европага гилам, жун, қуруқ мева олиб борар, Европа ва Русиядан шарқ мам-

лакатларига эса тикув машиналари, турли хил ниналар, шол-мовут, қанд, чой ва бошқа нарсаларни олиб келарди. Ҳар икки тараф ҳам ундан астойдил рози эди ва бошқа савдогарлар билан солиштирганда ҳамини уни устун қўярди. Бу хайрихоҳликнинг бир қатор сабаблари бор эди. Биринчидан, у сўзиди маҳкам турадиган одам эди. Кимга нима ваъда қилса, албатта ўз муддатида етказиб берарди. Погос кишининг ўз ваъдаси устидан чиқмаган вақти бўлган эмасди. Ниҳоят, олиб-сотарликнинг табиатидан келиб чиқадиган олғирликларга, гирромликка қаттиқ берилмас, иштаҳасининг меъёридан ошиб кетишига йўл қўймасди. Бозорда мол кўпайиб кетдими, камайиб кетдими, бундан фойдаланиб, мижозларини шилмасди, молини доим муайян бир нархда сотишга ҳаракат қилар, молнинг камчиллигидан ва талабнинг ортиқлигидан қатъий назар, нарх қўйишда чегарадан чиқмас эди. Шундай савдо қилардики, у билан доимо алоқада бўлган чакана савдогарлар ва дўкандорлар ундан хурсанд бўлиб қолардилар. Шарқликлар унинг тўғрисида: «Инсофли одам, динини динорга сотадиганлардан эмас!» десалар, европаликлар: «Яхши коммерсант. Рақобатда синадиганлардан эмас. Бизни чув тушириб қўймайди!» дердилар. У ҳақда мана шундай фикрлар тарқалганидан Шарқнинг ҳам, Ғарбнинг ҳам катта сармоядорлари ўз молларини у орқали сотишга астойдил ҳаракат қилардилар. У эса кишини ўзига тортадиган бу таклифларнинг кўпини рад этар, мурожаат қилганларни бошқа савдогарлар ҳузурига юбориш билан ўз ҳурматини яна бир поғона юқори кўтариб оларди. Савдогар Погос бу ҳурмат унга, бозорнинг чаққонлигини фурсат билиб молини қимматроқ сотганидан кўра кўпроқ фойда келтиришини яхши биларди. Унинг даромад булоғи на кайнаб-тошар, на қурийдиган даражада пасаяр эди. Мунтазам суратда, ҳар кун айни қоида билан оқиб келиб, бойлигини орттирарди. Савдогар Погоснинг халқ орасида ҳурмати пасаймаслигига, аксинча, ўсишига ҳисса қўшган сабаблардан биттаси Эчмиадзин руҳоний семинариясида олган таҳсили билан боғлиқ эди: у китобни ва мутолаани яхши кўрарди, тижоратни қанча кенгайтирмасин, мутолаадан қолмасди. У халқнинг тарихи, адабиёти ва маданияти билан қизиқар, дунёда юз бераётган ижтимоий ҳодисаларни кузатиб

борарди. Фақат яқин одамлари ва у билан доим ҳам-сухбат бўладиган ошна-оғайниларигина эмас, савдо иши юзасидан унга биринчи марта мурожаат қилган одамлар ҳам унинг ҳузуридан яхши таассурот билан чиқар ва қаерда сўз очилса, «Жуда билими чуқур, жуда ўткир одам! Бундайлар университетда дарс берса ҳам арзийди. Қандай қилиб у савдо ишига аралашиб қолдйкин?!» деб айтишарди. Погос кишининг ўзи эса атайлаб: «Агар китоблар бўлмаганида, руҳонийликдан хабарим бўлмаганида ўзимни бахтсиз деб ҳисоблаган бўлардим!» деб қайд этарди. Бу сўзлар Погоснинг чин қалбидан чиққанига шубҳа қилиб бўлмасди. Шу билан бирга, вақт ўтгани сари у бу сўзларни олқишталаб бўлиб айтган актёрга ўхшаб гапиришга одатланиб борарди. Қадим замонларнинг дунё кўрган доно шоирлари ва файласуфлари: мақтов шаробга ўхшаган нарса, одамни маст қилиб, ўзига ром қилиб олади, ўргангандан кейин уни тарк қилиб бўлмайди, деб қайта-қайта айтишган. Бизнинг замонамизда яшаган катта бир ёзувчи эса, мақтовни номакобга ўхшатган, ичган сари кишининг юраги куйиб, яна ичгиси келаверади. Касб-қорига қараб ҳамиша ҳушёр турган ва ҳаётга очиқ кўз билан қарайдиган Погос кишини ҳам мақтов баъзан ҳовлиқтириб юборар, руҳини кўтариб, кўз олдини туманлаштириб қўярди. Ҳолбуки, Погос ҳар қандай романтикадан узоқ, хаёлот оламига гарқ бўлишни аҳмоқлик деб билар эди. Модомики, баъзан мана шундай одамга ҳам мақтов маст қилар даражада таъсир кўрсатаркан, катта руҳий машаққат эвазига, касби инсонларнинг эҳтиросларини, фикр ва хаёлларини қўзғатиш бўлган ва уларнинг олқишларини ўз меҳнати учун олган энг яхши мукофот деб биладиган одамларга мақтов қандай таъсир қилишини ўзингиз билиб олаверинг! Ахир мана шундай одамларнинг кўпчилиги бадий тафақкурнинг гоҳ ўйдим-чуқур ва қоронғи сўқмоқларида, гоҳ эса роҳатбахш этувчи ёруғ йўлларида минг турли ҳаяжон, изтироб ва азоблар эвазига инсонларга севинч ва маънавий лаззат келтирадиган гўзалликларни қидириб топишди, йўқотганларининг ёхуд топганларининг асл баҳосини ҳеч қандай неъмат билан тўлатиб бўлмайди деб ўйлайдилар-да! Унинг баҳоси фақат мақтов билан ифода-ланган меҳрдир. Лекин... Лекин, минг афсуски, мақтов

кўпинча майда ҳунар эгаларининггина эмас, катта истеъдод соҳибларининг ҳам бошини айлантириб қўяди, уларга шаробдан, намакобдан ҳам ёмон таъсир қилади. Ичган сари ичгилари келаверади. Ҳеч қандай меъёрни билмайдилар, оғизларини очиб, фақат: «Бер!» деяверадилар. Уларга беш қадаҳ, ўн қадаҳ, йигирма қадаҳ камлик қилади, ичларидаги алангани ўчира олмайди. Беш мақтов, ўн мақтов, ўн беш мақтов уларнинг кўзига камдек кўринади, гоҳо пичирлаб, гоҳо эса овозини баланд қўйиб: «Хўш, қани?! Хўш, нима бўлди?! Нега бу ёғи тўхтаб қолди?! Нега тузук нарсаларни барала мақташмайди?!» деб туришади. Мана шу сабабга кўра, яъни ҳаммани толиқтириб, безор қилган мақтовнинг «тўхтаб қолгани» учун улар дўстларидан юз ўгирадилар, душманлари қаторига ўтиб оладилар...

Ҳа, майли... Энди Погос кишига қайтайлик. У «руҳонийлик қилиб ҳаёт кечирриш»ни савдогарликдан устун қўйса-да, бу шафқатсиз дунёда пулдан кучли суянчиқ бўлмаслигини яхши биларди. Халқ назарида қай тарзда юксалганини, ҳурмат ва эътиборининг қай тарзда ортиб борганини, давлатларнинг ва ўлкаларнинг чегарасидан қай тарзда ўтганини у жуда яхши эсларди. Бу юксалишнинг ҳар бир қаричи бойлигининг ортнши билан боғлиқ эди: давлати ортгани сари қаршисида бош эгиб турадиганларнинг сони ҳам ортиб борарди. Юзига, ҳатто орқаваротдан ҳам мақтайдиганлар кўпайиб кетганди. Бироқ у бойликнинг қули бўлишни истамасди, чиндан ҳам китоблардан маънавий лаззат топарди. Шунинг учун доимо қимматли ва нодир китобларни йиғиб юрарди. Унинг кутубхонасидан фақат бир фикрни, бир ақидани тасдиқлайдиган китобларгина эмас, бир-бирига зид диний, ижтимоий, сиёсий, фалсафий китоблар ҳам топиларди. Погос киши Григорян калисоси қабул қилган диний ва тарихий ақидаларни ҳимоя қилувчи китоблар билан бир қаторда, худосизликни тарғиб қилувчи, мантиқий далилларга асосланувчи, мавжуд диний ва ижтимоий дунёқарашларни бошидан охиригача сафсата деб ҳисоблагани учун ўз вақтида гулханда ёндирилган, эъдом этилган, умрини сургунларда ва зиндонларда ўтказган муаллифларнинг китобларини ҳам тўплаган эди. Нима учун?! Қандай далилларга асосланиб?! Погос киши,

нинг ўзи бунини шундай деб изоҳларди: «Китоб, ёзув — бу муқаддас нарса! Қандай нуқтаи назардан ёзилган бўлса бўлаверсин. Мен динсизликни тарғиб қиладиган хорижий китоблардан ҳам қўрқмайман. Улар менга ҳеч зиён етказмайди. Жавонда тинчгина тураверади. Гапиртирмагунча гапирмайди. Менинг ибодат ва истироҳатимга моне бўлмайди. Ақлли одамлар давлатимизни асраш учун — уни ағдармоқчи бўлганларнинг ғояларини, динимизни ҳимоя қилиш учун — динсизларнинг далилларини ўрганиш кераклигини яхши билишади!» Мана шундай фикр юритадиган Погос киши дунёнинг қаерида қандай нодир китоб борлигини эшитса, уни қўлга киритмагунча тинчимасди. Кутубхонасида энг нодир китоблар борлиги билан ниҳоятда фахрланарди. Эҳтимол, бу ўринда савдогарликка хос бўлган бир туйғу, яъни оз топиладиган ҳар нарсадан фойдаланиш туйғуси ҳам ўз кучини кўрсатгандир, бунга бир нарса деб бўлмайди. Ким билади, дейсиз?! Нафс балоси ва ҳарислик ин қурмаган юраклар шунчалик озки!..

Погос кишининг кутубхонасида арман халқининг тарихига ва маданиятига оид китоблар олдинги тоқчаларга териб қўйилган эди. У бу китобларни кўп ҳаракат ва заҳмат натижасида қўлга киритган эди. Бу китоблар кутубхонанинг энг кўзга кўринган жойида турарди. Давр, расмий доиралар куфр ҳисоблаб, тақиқлаган китобларни эса махсус, кўзга ташланмайдиган бурчакда, қулф-калит остида сақларди.

Мана шу гапларимиздан кейин Микаелнинг маълумот ва маънавий қизиқиш доирасини кенгайтирган манбалардан бири ҳақида, наҳотки, ҳурматли ўқувчи етарли даражада тасаввур ҳосил қилмаган бўлса? Фақат бир нарсани илова қилиб қўймоқчимиз: Микаел отасининг кутубхонасидаги кўзга яққол кўришиб турган жойидаги китоблар у ёқда турсин, қулф-калит остида сақланадиган китобларни ҳам ўқишга мурасар бўлган эди. Томас Морни, Жан Мольерни, Вольтерни, Дидрони ўқиганди. Радишчевнинг «Петербургдан Москвага саёҳат»и билан ҳам отасининг кутубхонасида танишиб чиққанди. Бу Герцен 1858 йилда Лондонда чоп эттирган «Саёҳатнома» эди. Погос киши ўғлининг савдогар бўлишини мутлақо истамасди, унинг ўқиб ҳаким, муҳандис, ҳуқуқшунос,

муаллим ёки бошқа бир соҳанинг мутахассиси бўлиб етишмоғи учун қўлидан келганини аямасди:

— Савдогарлик — бу касб эмас! — дерди у. — Ўзингни бамисоли дарёда юргандай сезасан, қачон, қайси томондан пўртана кўтарилишини билмайсан киши. Кеманг қайси қояга урилиб парчаланишини билмайсан. Ўқи, рақобатдан, бозорнинг шовқин-суронидан холи бўлган касб эгаси бўлгин. Ана шунда халқингга ҳам кўпроқ фойданг тегади!

Погос киши ўғлининг олти-етти ёшидан бошлаб ўқиш-ёзишни ўрганиши билан бир қаторда, француз ва рус тилларини ўрганишига ҳам жиддий аҳамият берган, бунинг учун махсус муаллим ёллаган эди. Озарбайжон тилини бўлса Микаел кундалик ҳаётда, қўни-қўшниларнинг болаларидан ўргангани, кейинроқ бориб туркча билан яқин бу тилни Истамбулда янада мукамалроқ ўрганган эди. Микаел Погос кишининг юрагидаги жароҳати ҳам эди. У Микаелнинг қишлоқи онасидан ажрашганидан кейин, бой савдогарнинг ўқимишли қизига уйланган эди. Бу аслзода хоним бефарзанд эди. Шунинг учун Микаелга ғашлик қиларди. Тез-тез аччиғи чиқиб ғижиллашар, бақириб-чақириб хархаша қилар, йиғларди. Погос киши мана шундай жанжал кўтарилган дақиқаларнинг бирида аслзода хонимнинг оппоқ, нозик билагидан маҳкам ушлаб:

— Болага гулдан оғир сўз айтмаслигингизни илтимос қиламан, эсингизда бўлсин, унга тирноғингиз тегадиган бўлса орамиз очиқ! — деган эди.

Шунга қарамай, аслзода хонимнинг асаби бузилиб, эрининг сўзларини ерда қолдириб, ўзини йўқотган дақиқалари кўп бўларди. Бундай пайтларда Микаел лаънат ва қарғиш ҳам эшитарди. Ҳатто бир-икки марта қулоғи ҳам буралганди. Шунда у: «Шундай келишган, ингичка, оқ билак, назокатли ва ораста кийинган бир хоним шу қадар заҳарни қайдан оларкин? Шундай ингичка ва нафис бармоқлар одамнинг қулоғини шунчалик қизартириб ёндириб юборади-я!» — деб таажжубланар ва ўгай онасининг қаҳр-ғазабидан фақат отасининг кутубхонасига қочиб қутуларди. Бир неча марта Погос киши уни китоб жовонининг орқасидан топиб: «Нима бўлди?» деб сўраган ва кўзидан беихтиёр мар-

жон-маржон ёш оққан боласини ялаб-юлқаб овутмоқчи бўлган эди. Ҳа, Погос киши кичкина Микаел олдида, ҳатто худонинг олдида ҳам ўзини гуноҳкор деб ҳисоблар ва ўғлининг кўнглига қаттиқ тегмасликка ҳаракат қиларди. Боланинг қобилиятли эканини ва кўнгли гўзалликка интилишини кўрганида эса худога шукур қилиб, унинг келажагига катта умид боғлаган, билим-ли киши бўлиб етишишига янада кўпроқ аҳамият бера бошлаган эди. «Бу китобларни мен бекорга йиққан эмасман! — деб ўйларди у. — Насиб қилса, кутубхонамга эга бўлишга лойиқ одам бўлади!» Инсоф билан шуни эътироф қилиш керакки, Микаел ёши ўсиб, турлитуман жиддий китобларни ўқиркан, бу китоблардаги ажойиб фикрлар борасида отаси билан суҳбатлашган пайтларида унинг аччиғи чиққанини, қайсидир китобни ўқишни тақиқлаганини эсламасди. Погос киши ажойиб ёзувчиларнинг ажойиб фикрларини ўз далиллари билан рад этишга ҳаракат қиларди, холос. Ўғлини ишонтира олмаганини кўрганида эса:

— Сен ўзинг ақлли боласан, катта бўлганинг сари қайси йўлдан бориш фойдали эканини ўзинг билиб оларсан, — дер эди.

Микаел эса катта бўлгани сари қалбида отасига ёқмайдиган ёзувчиларга, файласуфларга қаттиқ қизиқиш уйғонганини, уларнинг фикрлари ниҳоятда жозибали, ниҳоятда тўғри ва ниҳоятда гўзал бўлганини кўриб, шу йўлдан кета бошлади. Гори семинариясида эса бу йўл янада кенгайган ва унинг ҳаёт йўлига айланиб қолган эди.

— Менинг азиз биродарларим! — Микаел ўзига худди катта кишига, муаллимга қарагандай ҳурмат билан кўз тикиб ўтирган, уни магиз ва майиз билан сийлаб, тепасида парвонадай айланаётган озарбайжон болаларга қадрдонлик, самимий бир садоқат ва меҳр билан мурожаат қилди: — Сизлар Семён Сидоровичларга парво қилманглар. Улар, озарбайжонликлар айтганидай, бу дунёда ўткинчи одам. Сизлар Радишчевга ўхшаган одамларга эргашинглар. Бу дунёда абадий қолдиган сиймолар шундай кишилар. Уларнинг асарларини ўқинглар, ўз миллатингиз ва бутун башариятни қандай яхши кўриш кераклигини ўшалардан ўрганинглар!

Нимагадир Микаелнинг сўнгги сўзлари Наримон-

нинг ҳофизасида маҳкам ўрнашиб қолди: «Ўз миллатингиз ва бутун баъшариятни!» Микаел худди шу фикрни бошқа вақтларда бир неча марта ва бир неча шаклда ифода этган эди. «Нима демоқчи ўзи?! Нега бу сўзларни ҳадеб такрорлайверади?!» Наримон Микаелнинг овозидаги оҳангдан, юз-кўзининг ифодасидан, бу ҳақда гапирганда негадир унинг юраги дукурлаётганини, бамисоли қандайдир оғир ва буюк бир дард юрагини тешаётганини сезиб турарди. «Бу қандай дард ўзи?!» Лекин Наримон бу борада савол беришга имкон топмади: эшик очилди ва Алексей Осиповичнинг ичкари кириб келиши билан Микаел сўзлашдан тўхтади. Болаларнинг ҳаммаси оёққа туришди.

— Ҳўҳў-ў! Жуда қиёмат йигин-ку! — Алексей Осипович ўтирди. — Қайнонам мени қанчалик суйганини кўрдингларми?! — у кишминга ишора қилди: — Бундай нарсаларни мен ҳам яхши кўраман. Қани, ўтиринглар-чи! — Алексей Осипович майиздан олиб оғзига солди. Маза қилиб чайнаб ютди ва энди жиддий ҳолда сўради: — Синфда нима иш қилиб қўйдинглар, болалар? Семён Сидорович директорга шикоят қилипти. Бу ишларинг педсоветда муҳокама қилинадиган бўлди! — Болаларнинг бу хабардан эсанкираган ҳолда жим туришганини кўриб, Наримонга ўтирилди: — Яхши, балки сен айтарсан?..

Наримон аҳволни қисқача қилиб гапириб берди.

— Шунчалик ҳам адолатсизлик бўладими, а, муаллим?! — деб сўради у. — Ҳеч замонда муаллим ёлғончилик қиладими?! —

— Шу воқеадан кейин бу дўстлар ер юзида адолат йўқ, деган қарорга келишипти, — деди Микаел кулимсираб.

— Ким шундай деди? — сўради Алексей Осипович.

— Мен, муаллим! — Жалил содда ва беозоргина жавоб берди. — Мен ўзим ҳам адолатни кўрмаганман!

Алексей Осипович ўйланиб қолди. Ҳамма унга тикилиб турарди. Лекин уларни ҳозир «дунёда адолатнинг бор-йўқлиги» эмас, синфда юз берган воқеанинг оқибати ташвишлантирмоқда эди. Айниқса Тавфиқ билан Нодир янги гапдан шошиб қолишган, рангларини докадек оқариб кетганди:

— Муаллим, бизни семинариядан ҳайдашларига йўл қўйманг! — тушкун бир аҳволда сўзлади Нодир.

Алексей Осипович ўрнидан турди:

— Ҳеч қўрқманглар, болажонларим, бундай бўлиши мумкин эмас. Сизлар бор ҳақиқатни тушунтириб берганларингиздан кейин мен бундай адолатсизликка йўл қўймайман!— У хонадан чиқиб кетди...

## ЕТТИНЧИ ФАСЛ

### 1

Горининг ичидан оқиб ўтадиган Лияхва дарёси Курдан анча кичкина. Баҳор пайти, баланд тоғлардан қорлар эриган пайтда барча жануб дарёлари каби Лияхванинг суви ҳам кўпайиб, ёз ва куз ойларида эса анча-мунча камаяди. Лекин ҳеч қачон батамом қуримайди. Бутун йил давомида йўл ёқасидаги қишлоқларга, далаларга, бог-роғларга ҳаёт ва севинч келтиради. Баланд тоғлардан бошланадиган барча дарёлар каби у ҳам бурала-бурала дараю доволардан суръат билан оқиб ўтиб, пастликларга йўл олади. Унинг ҳам соҳиллари ўйдим-чуқур, ғадир-будур, нотекис бўлади. Лекин бу нотекислик дарёнинг ҳуснини буза олмайди. Ҳориб-чарчаган чоғларида, дардли вақтида унинг соҳилига бориб, сувнинг ёқимли шилдирашига қулоқ солган ҳар қандай одам вужудида бир енгиллик ҳис қилади.

Бугун ҳам Лияхванинг соҳилида хаёлчан ва ҳоргин кўринган бир одам у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Бу одам ташқи кўринишидан ҳеч ҳам қишлоқликка ўхшамасди, эғнидаги қора мовут пальтосидан, бошидаги бухори телпагидан, оппоқ кўйлагининг ёқасида ярқираб турган ҳошияли бантидан унинг зиёли экани билиниб турарди. У ёнғоқ бутоғидан ясалган, шишадай ярқираб турган чиройли ҳассасини гоҳ секингина ҳавода силкитиб қўяр, гоҳо эса дуч келган ўйдим-чуқурликдан ўтишда унга суяниб илгарига одимлар эди. Шошилмасдан, секин-секин юрар эди. Тез-тез тўхтаб, буралиб-буралиб, тўлқинланиб оқаётган сувга, қишлоқнинг кичкина-кичкина кулбаларига, гоҳо эса ялангоч дарахтларга қарар, хаёл сулар, яна секин-аста олдинга ҳаракат қиларди. Сиртдан қараганда, бу одамнинг ҳеч қайғуси йўқдай туюларди, у вақтини яхши ўтказиш учун бу ерларга чиққан, қишлоқ уйларини, Лияхва дарёсини томоша қилиб ҳордиқ чиқариб юрганга

ўхшарди. Аслида эса у жуда ташвишли эди. Ҳатто бу ташвиш уни шу қадар кўмиб ташлаган эдики, у кўпинча тўхтаб томоша қилиб тургани дарёни, қишлоқ уйлари, дарахтларни кўрмасди ҳам, хаёли бутунлай бошқа нарсалар билан банд эди...

Ҳа, Сафарали муаллим жуда хафа эди. Огир хаёлларга толган эди. Миясида минг турли азоб берувчи саволлар қайнаб ётар ва аслида у бу саволлардан қочиб қутулиш, бир зумгина уларни унутиб, дам олиш мақсадида семинария биносидан узоқлашиб, бу ерга «сайр қилиш учун» келганди. Лекин миясида шундай саволларни уйғотган ҳодисалар шу қадар янги бўлгани ва ҳали совиб улгурмаганидан, бир зум ҳам хаёлидан кўтарилмасди.

Наримоннинг катта-катта, ҳаяжонли кўзлари, паст бўйли, ушоққина Тавфиқнинг: «Бунинг охири нима бўлади?» — деб сўраб турган нигоҳи, Нодирнинг ранги ўчган чиройли юзи муаллимнинг кўзи ўнгида жонланиб турарди. Болалар Алексей Осипович билан гаплашганларидан кейин хотиржам бўлишган, уларда бирон ёққа бориш истаги ҳам йўқ эди. Лекин эртаси кун юз берган воқеа уларни бошқатдан ҳаяжонга солди, ўзларига яна бир суянчиқ қидириб топишга мажбур қилди. Учинчи дарсдан кейин Волков Сафарали муаллимга яқинлашиб, синфда юз берган ҳодисани катта бир фалокатдай бўрттириб гапира бошлади. Олдиниға Сафарали муаллим унинг гапларига аҳамият бергиси келмай, индамай эшитиб турди. Волков юрагини бўшатиб, тинчланади, деб ўйлади. Лекин Волков сўзни қисқа қиладиганлардан, майда ҳиссиёти тез совийдиганлардан эмасди. Сафарали муаллим унинг бу одати билан яхши таниш бўлганлиги учун сабртоқат билан қулоқ солиб турарди. Феъли жуда тор, қўрс одам эканини, аччиғи тез чиқиб, кеч босилишини биларди. Бундай одамларнинг сўзларига қанча кўп аҳамият берсангиз, шунчалик кўп қизишиб, ўзларини йўқотиб қўядилар. Аҳмоқона худбинликнинг ярамас хусусиятларидан бири ҳам мана шундан иборат — пашшадан фил ясаб авжга минади. Шунин билгани учун, Сафарали муаллим бор иродасини ишга солиб, Волковнинг ҳаяжонли сўзларини, у ҳадсиз бир эҳтирос билан баён қилган аҳволотни охирига қадар совуққонлик билан эшитишга ҳаракат қилди. Ҳатто уни

асабийлаштирмаслик учун, сўзларини аҳамиятсиз бир нарсадай қабул қилаётганини билдирмаслик учун юзидаги мулойим табассумни йўқотмасликка интилди. Лекин Волков майда-чуйда ҳурматга алданадиган худбинлардан эмасди. У Сафарали муаллим бундай масалада ўзидан қўрққанидан тезда талвасага тушиб қолади, озарбайжон бўлимидаги болаларга қаттиқ жазо беришларини талаб қилади ва бу борада ташаббусни ўз қўлига олиб, жонбозлик кўрсатади, менга унинг таклифларига бирдамлик кўрсатиш каби енгил вазифа қолади, деб кутган эди. Лекин Сафарали муаллимнинг совуқ-вазмин, ҳатто ўзини баланд тутганини кўриб ҳайрон бўлди, асабийлашди: «Буларнинг кеккайиб қолишганини қаранг-а!— деб ўйлади у.— Эсиз-эсиз, буларни одам қилиш йўлида чеккан заҳматларимиз! Мактаб очамиз, саводли қиламиз, маданиятли қиламиз, лекин бунинг ҳеч бир фойдаси йўқ! Бўрини қанча сийласанг ҳам бир кўзи ўрмонда бўлар экан-да! Фурсат топилди дегунча бизга хиёнат қилишади. Қонларидан бор!»

— Сиз татарлар шунақасизлар!— Волков ичида ўйлаганларини ташқарисига чиқарган эди, Сафарали муаллимнинг юзидаги табассум кўтарилди, ҳақиқатан ҳам томирларидаги шарқ қони қайнай бошлади:

— Қанақа эканмиз?— қўпол бир оҳангда сўради Сафарали муаллим.

Волков муздек совуқ нигоҳини муаллимнинг сиймосига, ғазаб тўла кўзларига қадади. Бир кўнгли: «...Қонларинг тоза эмас, Исонинг тўғри йўлидан озган бандаларсизлар ва тўғри йўлдан боролмасликларингизнинг ҳам сири чуқур, англашилмас сир. Илоҳий сир. Агар сизларда заррача тоза қон бўлганда эди, мусулмонликдан узоқлашиб, христиан динини қабул қилган бўлардингиз!»— деб айтгиси келди. Лекин монархистлиги, қатъий шовинистлиги чуқурдан-чуқур реакцион диний қарашлардан сувичган бўлса-да, бошқа динларга мансуб бўлган энг қимматли одамларга шундай битмас-туганмас нафрат ўстирган бўлса-да, у бундай очиқ жавоб бермади, ўйлаганларини тўғридан-тўғри баён қилишга журъат этмади. Аввало шунинг учунки, у Сафарали муаллимнинг кўзларида жўшқин қатъият кўрди. У ҳеч бир таҳқирни жавобсиз қолдирмасди. Иккинчидан, бу ерга муаллимлар кириб қолишлари мум-

кин эди, ўзини ўртоқларига бундай маҳдуд ҳолда кўрсатиш аҳмоқлик бўларди. У мана шундай мулоҳазаларга бориб, истеҳзо билан кулимсиради, қўлини ҳавода ўйнатиб, Сафарали муаллимнинг саволига тагдор қилиб жавоб берди:

— Шунақа-да...

Бу «шунақа-да...» сўзи ҳам, унинг қай оҳангда айтилганлиги ҳам, Волковнинг қўлини ҳавода ғалати қилиб ўйнатиши ҳам Сафарали муаллимга асло ёқмади. Оғзини жуфтлаб, энди унга жавоб бермоқчи бўлган пайтида, хонага Черняевский кириб келди. Черняевский уларнинг юзма-юз турганларини кўриб, ўртада бир сўз ўтганини пайқади ва:

— Халал бермадимми?— деб сўради.

— Йўқ, келганингиз айти муддао бўлди,— Сафарали муаллим унга пешвоз чиқди. Қўлидан ушлаб ёнларига бошлаб келди. Сўнгра Волковга ўгирилиб, деди:— Ҳурматли Семён Сидорович, аввало шуни билиб қўйингки, татарлар ҳам сизга ўхшаган одамлар, улар ҳам империянинг фуқароси. Иккинчидан эса, жоҳилларнинг, нодонларнинг ишини қилиш... бошқа бир халқ тўғрисида нолойиқ фикр юритиш муаллим номини кўтариб юрган одамга ярашмайди!..

Волков ҳайратдан шошиб қолди. Сафарали муаллимдан бундай жасоратни кутмаганди. Ўхшатиб таъзирини бериб қўймоқчи бўлди. Бу ишда Черняевский унга ён босишига қатъий ишонарди.

— Ваҳшийни ваҳший деб аташ асло нолойиқ деб ҳисобланмайди!— у одатдагидан кўра қаттиқроқ ҳужум қилди.— Жаноб Валибеков, маданиятнинг ва тарбиянинг диққатга сазовор бир шarti бор. Бу — яхшиликни унутмаслик бўлади. Империя сизларни ўқитиб, сизларнинг бошни ёрадиган, занжир билан урадиган ваҳший халқингизни маданият йўлига чиқармоқчи. Сизнинг гапларингиздан эса, кўнглингизда аъло ҳазрат император давлатига нафратдан бошқа туйғу йўқлиги очиқдан-очиқ билиниб турибди! Бу — сиз томондан қилинган онкўрлик!

Сафарали муаллимнинг ранги оқариб, лаблари гезариб кетди. У Волковнинг юз-кўзининг ифодасидан, овозидан нафрати сўзларидагидан ҳам ортиқроқ эканини ҳис қилди. Хаёлида рўпарасида вазифаси инсонларнинг қалбида муҳаббат ва инсонийликни уйғотиш-

дан иборат бўлган бир муаллим эмас, йўқ, эгнига темир совут, бошига темир қалпоқ кийган, дарёлардан ўтиб, ғайри динга мансуб одамларни қириш учун йўлга чиққан шафқатсиз бир мутаассиб, қонхўр бир солибчи тургандек бўлди. Унга индамасдан ёнидан кетсанг ёки одамгарчиликдан гапирсанг, у сени ожиз билиб, янада баттарроқ шафқатсизлик қилади.

Сафарали муаллим Волков каби бир шахс билан очиқ гаплашишнинг, баҳслашишнинг нақадар нотўғри эканлигини билар эди, албатта. Шу билан бирга, жим туришни ҳам ўзига эп кўрмасди. У ҳеч нарсага совуққонлик билан қарай олмайдиган, ўз дунёқарашларига тўғри келмаган, олижаноб ва хайрихоҳ табиатларига зид бўлган ҳамма нарсани эҳтирос билан рад этадиган одамлар тоифасидан эди. Сафарали муаллим муте бўлишнинг уддасидан чиқа олмасди!..

— Сизнинг давлатни мудофаа қилишга чоғланганингиз ниҳоятда кулгили, жаноб Волков!— деди у хотиржамлик билан, чертиб-чертиб гапираркан:— Бизнинг бу цивилизация асримизда қуллар ва навкарлар, айниқса қул ва навкар руҳидаги малайлар ҳеч бир давлатни асраб қолишолмайди. Шундай замонда инсонликка душман бўлган одамлар ҳимоя қилмоқчи бўлган давлатнинг ҳолига вой!..

— Демак, империянинг барча фидойиларини сиз малай ва қул деб ҳисоблар экансиз-да?! Нима деяётганингизни бир ўйлаб кўринг! Бу хилдаги сўзларнинг қаёқдан чиқишини биз биламиз. Шундай эмасми, Алексей Осипович?— ўзига ҳаммаслақ топиш мақсадида Черняевский томонга ўгирилди у.

Черняевский фурсатдан фойдаланиб, ўзига хос юмшоқ, лекин қатъий бир оҳангда:

— Сиз ноҳақсиз, Семён Сидорович!— деди.— Ҳеч бир халқнинг жаҳолати ва орқада қолганини абадий бир доғ билиб, юзига солиш ярамайди. Аллақандай ярамас одатларга кўра ўша халқни пастга уриш, таҳқирлаш маданиятли, айниқса муаллим одамга ярашмайди. Менинг боаликдан мусулмонлар ичида яшаб келганимни сиз биласиз. Уларнинг ҳаёти, одат ва анъаналари билан унча-мунча танишман, улар билан нонтуз бўлганман ва шуни айтишим мумкинки, улар маъсум болалардек содда, очиқкўнгил одамлар. Анави, занжир уришга, бош ёришга келсак, бу нарса фақат

мутаассибликнинг маҳсули. Нима, фанатизм бошқа динга ишонадиганлар орасида бундан ҳам ёмон, бундан ҳам заҳарли мевалар етиштириб бермаганми? Бизнинг христианларда шундай одат ва маросимлар борки, улар бош ёришдан ўтса ўтадики, асло қолишмайди. Мен шундай одат ва маросимларни сизга айтиб беришим мумкин. Бу одатлар туфайли бутун бошли халққа туҳмат тоши отишни ҳеч бир маданиятли одам ўзига раво кўрмайди. Аксинча, бутун инсониятни аста-секин мутаассибликдан озод қилиш учун, ҳеч бир халқнинг орасида бундай ярамас одатларни қолдирмаслик учун ҳаракат қилади! Ҳар бир муаллимнинг виждон олдидаги бурчи маъна шу. Тўғри эмасми, Семён Сидорович?

Семён Сидорович саволга жавоб бермади. Ғалати, совуқ кўзларини Алексей Осиповичга қадади-да, тагдор қилиб:

— Сиз ҳам ғалати одам экансиз!— деди ва хонадан чиқиб кетди.

Алексей Осипович билан Сафарали муаллим унинг кетидан қараганча индамай қолаверишди. Дарсдан кейин эса Сафарали муаллим болаларнинг олдига киришга жазм қилди. Мақсади, Волковни шу даражада ўзини йўқотиш, асаблари бузилишига олиб келган ҳодисани болаларнинг ўзларидан эшитиб, уларга бундан кейин ўқитувчининг асабини бузадиган ҳаракатларга йўл қўйманглар, деб панд-насиҳат қилиш эди.

\* \* \*

Нодир шу қадар кўзи-кўнгли тўқ ва қўли очиқ бола эдики, ўртоқлари уни давлати ошиб-тошиб ётган бекнинг боласи деб гумон қилардилар. У ҳали бир марта ҳам етишмовчилигини билдирмаган, очкўзлик ва тамагирлик қилмаган эди. Унда тугма бир огирлик, оқсуяклик хислати бор эди. Бировнинг ризқига кўз олайтирмас, лекин ўзининг ризқини ўртоқлари билан баҳам кўрарди. Уйдан ёнғоқ мағизими ёки бошқа мева-чевами келиб қолгудек бўлса, дўстларини чақирар, бутун бор-йўғини ўртага қўяр эди. Шунинг учун ўртоқларининг ҳаёлида Нодирнинг оиласи ўзига тўқ, муҳтожлик нималигини билмайдиган оила бўлиб туюларди. Лекин оддий бир тасодиф уларнинг қанчалик янглишганликларини кўрсатиб берди. Почта келган эди. Болалар уйларидан келган хатларни ўқиб севинишар-

ди. Ранглари очилиб, кўзлари қувнар эди. Фақат Нодирнинггина хатни ўқигани сари авзойи бузилиб борарди. Унинг бундай аҳволига эътибор берган Наримон:

— Нима бўпти, Нодир? — деб сўради. — Ёмон хабар ёзишмаптимми ишқилиб?

Нодир маъюс, ҳатто қаҳрли ҳолда:

— Жуда ёмон хабар келди, Наримон, — деди. — Маржон касал бўлиб қопти!

— Маржоннинг ким ўзи? Мунча чиройли исм экан! Мабодо синглинг эмасми? — Жалил суриштирган эди, Нодир бир оз довдиради, овози қалтираб:

— Маржон — сигиримизнинг оти! Унга доим мен қарардим, — деди.

Жалил дарров ҳазилга олди:

— Э-э, ўзингнинг жонинг омон бўлсин! Сигир нима деган нарса, шунгаям юрагингни сиқиб ўтирасанми? Улса ундан бошқасининг отини Маржон деб қўя қоларсан!..

— Бошқа сигиримиз йўқ-да!

— Э-э, қўйсанг-чи, бошқа сигиримиз йўқ деганинг нимаси? — ҳайрон бўлди Жалил. — Ёки бизни лақиллатяпсанми? Шу бугунгача мен подаларингнинг бир учи қишлоқда бўлса, бир учи тоғда деб юрардим.

— Ўзларингникига ўхшатибсан-да, а! — Тавфиқ Жалилга тегишди. Кейин Нодирга қараб: — Ростданам сигирларинг биттагинами? — деб сўради.

— Ҳа, биттагина! — баттар қайғуриб жавоб берди Нодир. — Маржонга бир нарса бўлса ризқ-рўзимиз қирқилади, оиламиз оч қолади!

Ўртоқлари Нодир камбағал оиланинг боласи эканини билганларидан кейин унга жуда ачиниб кетишди.

— Менга қара, бу шум хабарни сенга ким ёзипти? Бу ёққа бер-чи, — Жалил унинг қўлидаги хатни олди. — Жуда хунук ёзар экан. Даданг ёзганмилар?

— Йўқ, дадам саводсиз. Менимча, домлага ёздирган бўлсалар керак.

Нодирнинг кўзлари қандайдир фикрдан бирданига ёришиб кетди:

— Болалар, менга битта маслаҳат беринглар. Шу ўқишни йигиштириб кета қолсам қандоқ бўларкин?! Эҳтимол, дадам бу кулфатга чора тополмай шундай деб ёздиргандирлар?

— Унақа бўлмаса керак,— эътироз билдирди Наримон.— Ҳеч ҳам ундай эмас! Отанг сенинг уйга қайтишингни истаса, очиқ-ойдин ёзган бўлардилар. Гапни айлантириб ўтирармидилар?!

Жалил ҳам Наримоннинг фикрига қўшилди:

— Худо ҳаққи, Наримон тўғри айтяпти! Нега энди ота ўз ўғлига гапни айлантириб хат ёзар экан? Аҳа... топдим! Нима десанглар дейверинглар. Менинг назаримда бу хатни ёмон ниятли одам ёзган. Кимдир бахиллик қиляпти!

— Қани, хатни охиригача ўқинглар-чи! — Тавфиқ хатни Жалилнинг қўлидан тортиб олди.— Ҳеч ҳам гапни айлантиришган эмас, очиқ-ойдин ёзишган, мана, бу ёғини эшитинглар: «Сенга семинарияни ким қўйипти, уйингга қайт, ота-онангга ёрдам бер!»

Наримон ўз фикридан қайтмади:

— Яхши одам ҳеч маҳал бундай сўзларни ёзмайди!

— Тўғри,—унинг фикрига қўшилди Жалил.— Уйинг куйгур фасодчилар!

Нодирнинг фикри ойдинлашиб бормоқда эди. Хатда ёзилган нарсаларнинг ёлгон бўлиб чиқишини бутун борлиғи билан истар ва ёлгонлигига ишонгани сари севинарди.

— Ундан кейин сен Сафарали муаллимдан бесўроқ бундай иш қилишинг керак эмас, ҳақинг ҳам йўқ! — Тавфиқ уни огоҳлантириб қўйди.— Гап ичимизда қолсину, икки кундан бери у кишини ёмон ташвишга қўйяпмиз, ҳа! Гоҳ сени ҳайдашмоқчи бўлишади, гоҳ ўзинг кетиб қолмоқчи бўласан! Шу ҳам иш бўлдимиз?!

— Яхши эсимга солдинг, Тавфиқ. Бориб, Сафарали муаллим билан маслаҳатлашиб келай, нима дейсизлар?

— Яхши бўлади! — болалар ҳаммаси бир оғиздан жавоб берганларидан кейин Нодир, Наримон ва бошқалар Тавфиқни ўртага олиб, ўша кун ичигида бўлиб турган Сафарали муаллимнинг хонасига йўл олдилар.

Муаллим уларни даҳлизда кутиб олди:

— Болалар, ҳозир сизларни кўргим келиб турувди,— у хонасига қараб юрди.— Қани, келинглар-чи!

Болалар хонага кириб, муаллим кўрсатган жойда ўтирдилар. Ўқитувчининг ниҳоятда гамгин ва ташвишли эканлигини кўриб, болалар тараддуд ичида қараб

қолдилар. Буни сезган ўқитувчи биринчи бўлиб ўзи сўз бошлади:

— Қани, гапиринглар, оламда нима гап? Тинчликми ишқилиб?

— Муаллим, Нодир уйидан ёмон хабар олипти!— Наримон сўз бошлади.

Нодир дарҳол хатни ўқитувчига узатди. Ўқитувчи хатни диққат билан ўқиб чиққанидан кейин хайлга толди... «Маржон» сўзини ўзича бир неча бор такрорлади. Хатга яна бир марта кўз югуртириб чиқди. Ўзи бўлса, Нодир яшайдиган қишлоққа борган куни қишлоқдагиларнинг бу болани жуда мақтаганларини эслаб кетди. Ушанда қишлоқдагилар Нодирнинг жуда фаросатли эканини гапиргандилар. Бундай қобилиятли бола камдан-кам учрайди. Бу бир мўъжизадай нарса. Худонинг инояти. Бундай хотираси кучли бола миллиондан битта чиқади. Бир марта ошиқча қулоқ солса кифоя — ўрнидан туриб, эшитган нарсасини адашмай ёддан айтиб беради. Тақлид қилишда ҳам унга тенг келадигани топилмайди. Истаган одамингизни, турли хил ҳайвонларни, товуқни, хўрозни, итни, мушукни, хуллас, нимани десангиз ўшани ифодалаб беради. Шундай тақлид қиладики, кулавериб ичагингиз узилади...

— Овози ҳам жуда яхши,— деб қўшиб қўйган эди қишлоқликлардан бири.— Ашула айтганида, худди булбулигўё бўлиб чаҳ-чаҳлаб кетади. Бир сўз билан айтганда, Нодирсиз биронта тўй-байрамимиз ўтмайди. Муҳаррам байрамини-ку қўяверинг. Масжидда сийназан деганимиз ҳам шу бола.

Шунча мақтовлардан кейин Сафарали муаллим болани кўришга қатъий қарор қилган ва уларнинг камбағал хонадонига йўл олган эди. Ҳовлида юрган бир тўда жулдур кийимли болага, ҳўл ўтини писиллаб, ҳамма ёқни тутунга тўлдираётган, ғадир-будур тошлардан ясалган ўчоққа, унинг устидаги қурум босиб кетган чойдишга, фақат томидаги дудбўрондангина ёруғ тушадиган бу кулбадаги юнглари очилиб қолган иккита эски кўрпага<sup>1</sup> қаради, болаларни кўрсатиб:

— Қайси бири Нодир? — деб сўради.

— Нодир Маржоннинг тагини тозалапти...

---

<sup>1</sup> Кавказ халқлари ўрин-кўрпага пахта ўрнида юнг ишлаб чиқарилади.

Сафарали муаллим қишлоқ ҳаёти билан таниш бўлганлиги учун «Маржон ким бўлди?» деб сўрамади, бу сигирнинг номи эканини дарҳол англади. Бир кўнгли «бу ёққа айтиб келинглар», дегиси келди. Лекин нима-нингдир андишасини қилиб: «Мени унинг олдига олиб бординглар!» — деди. Муаллимни молхонага бошлаб боришди. Нодир қоронғи молхонада сигирнинг тагини тозалаётган эди. Сафарали муаллим анчагача унга қараб турди, кейин ҳовлига чақирди-да, тик турганича бола билан суҳбатлаша бошлади.

— Отинг нима, ука? •

Бола кулимсиради:

— Ҳозиргина отимни айтиб чақирдингиз-ку!.. Отанам Нодир қўйишган.

— Яхши от топишипти, нодир деган сўзнинг мазмунини биласанми?

— Йўқ, билмайман.

— Нодир дегани, бу кам топиладиган, қимматли дегани бўлади.

— Ажаб кам топиладиган-да, бизнинг қишлоғимизнинг ўзида ўн бешта Нодир бор... — Нодир дадасига қаради.— Санаб берайми?

Мурсал киши ҳўққасини тортди ва четга туфлаб:

— Муаллимдан сўра...— деди.

— Қани, санаб бер-чи,—Сафарали муаллим рухсат берганидан кейин Нодир қишлоқдаги адашларининг исмига оталарининг исмини ҳам қўшиб санай бошлади:

— Ҳамид тоғанинг ўғли Нодир, Тат Алининг невараси Нодир, Саид Фотиманинг етимчаси Нодир...

— Бас, етади,— Сафарали муаллим унинг сўзини бўлди.—Хотиранг яхши экан. Энди яхшилаб қулоқ сол, мен битта қўшиқ айтиб бераман, шуни эслаб қолишга ҳаракат қил:

Бад фарзандни мен қадимдан биламан,  
Ўтин йиғар, ёт ўчоғин ёндирар.  
Саҳар турар, ор-номусин ўйламас,  
Сувни тўкиб ўз ўчоғин сўндирар.

Аббос бу сўзларни айтар дилдираб,  
Ариқ очинг, сувлар келсин шилдираб,  
Сўз бир бўлса, тоғлар кулар шалдираб,  
Эл бир бўлса, зарби тўсин синдирар.

Муаллим сўзини тамомлаши билан Нодир рухсат сўради:

— Айтайми?

— Қани, айт-чи!

Нодир қўшиқни адашмай ёдаки айтиб берганидан кейин Сафарали муаллим севинганидан кўзлари чақнаб кетди. Болага «баракалла» деб, тақлид қилиш қобилиятини текшира бошлади. «Хўроз қандай қичқиради?»— деб сўради. Нодир рухсат сўраб ер остидан отасига қаради. Мурсал киши бошини қимирлатиб рухсат берди. Шу заҳоти хўроз қичқирғи ҳовлини тутиб кетди. Сафарали муаллим маза қилиб кулди.

— Подачи Мурод бўлиб бергин!— деди болалардан бири. Нодир подачининг эшикма-эшик юриб нонини, ошини олишини, миннатдорчилик билдиришини, подани олдига солиб яйловга олиб кетишини, молларни эркалаб боқишини маҳорат билан кўрсатиб берди. Сафарали муаллим ҳам кулар, ҳам ўйларди. Ниҳоят, муножот айтириб, овозини текширди. Овози ҳам жуда яхши эди. Сафарали муаллим овозини ҳам мақтади, лекин боланинг овози ўзгариб қолиши ҳам мумкинлигини, бола балогатга етгани сари овози очилиб бориши ҳам, хиралашиб қолиши ҳам мумкинлигини таъкидлаб ўтди. Лекин хотираси борган сари кучли бўлиб бориши боланинг тарбиясига яхши аҳамият беришга боғлиқ эканини, бундай бола ўқиса, билимнинг кетига тушса бир жойдан чиқиши мумкинлигини ҳам айтди. Бу сўзларни Сафарали муаллим Нодирга эмас, Мурсал кишига тушунтирган эди. Ниҳоят муаллим ўз мақсадини билдирди, Нодирни Горн шаҳрига ўқишга олиб кетмоқчи эканлигини айтиб, розилигини сўради. Оғир оила юки, заҳмат ва эҳтиёж остида эзилган Мурсал киши олдинига ўз қулоқларига ишонмади, таажжуб ва шубҳа тўла кўзларини катта-катта очиб, Сафарали муаллимга қаради. Бу кўзлар: «Бизни алдамоқчимисан ёки ўзингнимми?! Нима, лақиллатишга одам топмадингми?!»— деб сўраётгандай эди.

— Бунга ўқишни ким қўйипти?— Мурсал киши ниҳоят тилга кирди.— Бунинг иши мол боқиш, охур тозалаш. Кап-катта йигит бўлиб қолди, подачиликни ўргансин, ёнимга кирсин, мен ҳам қариб, куч-қувватдан қоляпман. Ейишга нон тополмаймизу, ўқитишга қаёқдан пул топиб берамиз?!

Ҳаётнинг юки остида эзилган ва ниҳоятда ҳорғин кўринган Мурсал кишига, унинг оч-яланғоч юрган болаларига қарагани сари Сафарали муаллимнинг юраги ачшарди. Мурсал кишининг тук босган, серажин юзида чексиз ҳорғинлик бор, қовоқлари чўкиб, кўзлари ич-ичига ботиб кетган эди. Қўллари қадоқ-қадоқ эди. Бўйи чўзилган ўғлига бир ёрдамчидай қарар эди у. Бошқа шаҳарга юбориб ўқитиш хаёлида йўқ эди.

— Масжидда ундан-бундан алифбе ўрганди, шу ҳам етади. Қуръонни равон ўқийди. Подачилик қйлишга бўйни ёр бермаса, бир оз ҳаракат қилиб мирза бўлиб олар,— Мурсал киши суҳбатга якун ясаганида Сафарали муаллим ҳамон уларнинг қашшоқ ҳаётларидан олган таассуроти остида эди. Бу таассуротнинг азбаройи кучлилигидан ва огирлигидан Сафарали муаллим сал бўлмаса ниятидан қайтай деди. Лекин бир зумгина кўзи бир чеккада туриб, отаси билан муаллим ўртасида ўтган суҳбатни диққат билан кузатиб турган Нодирнинг кўзи билан тўқнаш келди-ю, боланинг нигоҳида хавотир аралаш кучли ҳавас ва қизиқиш борлигини кўриб, Мурсал кишига ўгирилди:

— Сиз ҳеч ташвишланманг. Болани ўқитишнинг харажати ҳақида қайғурманг. Бу томонининг бир иложини топарман. Шундоқ болани подачи ёки мирза қилиб, қобилиятини ҳечга чиқариш гуноҳи азим. Мен билан кетишига рухсат беринг, кейин пушаймон бўлмайсиз!

Мурсал киши ҳамон қулоқларига ишона олмасди. Ҳали ҳам худди туш кўраётгандек, хаёлот оламида юргандек эди. Шу пайт этагидан қора сочлари пахмоқ бир қизча маҳкам ушлаб олган, қўлида чақалогини кўтарганча гаплашаётганларга диққат билан қараб турган кўзлари қоп-қора чаросдай бир аёл гапга аралашди:

— Ҳой, дадаси, нега хаёл суриб ўтирибсиз, рухсат беринг, олиб кетсинлар. Нодирни бир ёруғ кунга олиб чиқсин деб бу кишини худонинг ўзи юборган...

— Бу опам ким бўладилар?— сўради Сафарали муаллим кўзларини қисиб, ҳўққасини сўриб турган Мурсал кишидан.

— Айбга буюрманг, болаларнинг онаси бўлади,— Мурсал киши жавоб берди.

Нодир бўлса:

— Ойимнинг отлари Салминоз...— деб қўшиб қўйди.

— Бу ўғлим маҳмадоналикда ҳам фақат онасига тортган!— Мурсал киши ҳўққасининг кулини бўшата бошлади. Лекин унинг сўзига асло парво қилмаган Салминоз чап қўли билан ёшмоғини тузатиб:

— Олиб кетинг, ука. Олиб кетинг, ўқитинг. Олдингилар айтганидек, эти сизники, суяги бизники. Одам бўлиб келса зора...— деди.

Сафарали муаллим шундай қилиб Нодирни Горига олиб келди-да, тайёрлов бўлимига ўқишга берди. Нодир синфда биринчилар қаторида эди. Сафарали муаллимнинг Нодирнинг келажагига бўлган умидлари борган сари ортиб борарди. Энди шундай бир бола бирданига бадбинлашган, мактабни ташлаб, қишлоққа кетиш хаёлига тушган эди.

— Муаллим, Нодирнинг дадаси ҳеч вақт бундай хат ёздирмайди, нима, боласининг кўнглини бузиш отасига зарур келиптими?

— Ойим ҳам бунга йўл қўймайдилар!— Нодир овозини чиқарди.

Сафарали муаллим Наримонга ва унинг сўзларини тасдиқлаган бошқа болаларга қаради. Болалардаги бу самимий ўртоқлик, дўстлик ва муқаддас бирлик туйғусидан кўнгли тоғдай кўтарилди:

— Раҳмат, азиз дўстларим! Ўртоқларингиз туфайли шунчалик қайғурганларингиз учун сизларга минг раҳмат!—деди ва Нодирга қаради:— Ўғлим, худо у куннинг бетини тескари қилсину, агарда Маржонга бир нарса бўлган тақдирда ҳам, мен сенинг мактабни ташлаб кетишингга рози бўлмас эдим. Мен шу вақтгача сени ақлли боласан деб келганман. Бу хат шубҳали деб Наримон тўғри айтяпти. Ким билсин, қандай ичи қора одам ёзганикин... Ўзи ҳам ёмон ният билан ёзипти!

— Ҳойнаҳой буларни ёмон кўрадиган одамнинг иши бўлса керак!— Тавфиқ шундай деган эди, Сафарали муаллим:

— Ким билади дейсан,— деди,— эҳтимол, буларга нисбатан ҳеч қандай душманчилиги йўқдир. Эҳтимол, бахиллик қилаётгандир. Ҳар қалай, бундай хатни ёзадиган одамнинг ичи қора бўлиши керак. У хал-

қимизнинг душмани. Бизнинг ҳам ичимиздан саводли, билимли, илгор фикрли одамларнинг етишиб чиқишини истамайди. Шунинг учун мактабни ташлаб кетиш ҳақидаги фикрингни бир чеккага улоқтириб ташла... Хўпми? Келишдикми?

Нодир Сафарали муаллимнинг саволига паст ва титроқ овоз билан:

— Хўп бўлади, муаллим...— деб жавоб берди.

— Йўқ, бунақаси кетмайди. Овозинг чириллаб чиқяпти. Менга буниси ёқмайди... Баланд овоз билан, чин кўнгилдан жавоб бер... Сизларга бадбинлик ярашмайди!..

— Муаллим, бадбинлигининг сабаби бор,— Наримон синфда юз берган воқеага шама қилди. Сафарали муаллим:

— Уша сабабни менга тушунтириб бера олмайсизларми?— деб сўради.

Болалар бир-бирларига қараб қолишди. Лекин ҳеч кимдан садо чиқмаганидан кейин Сафарали муаллим Наримон тарафга ўгирилиб:

— Кўриб турибман, сен буларнинг ичида энг журъатлиси экансан, нима бўлди, айтиб бер-чи?— деб сўради.

Наримон бўлган воқеани атрофлича гапириб берди. Сафарали муаллим унинг гапларига диққат билан қулоқ солар ва болалар ноҳақ бўлган ва синфда одоб доирасидан чиққан нуқталарни тутиб, уларга ҳеч қайси ўқитувчининг дарсида бундай қилманглар, деб ўғит бериб қўйишга ҳаракат қиларди. Лекин Наримон ҳам, кейинроқ очилиб, гапга қўшилган бошқа болалар ҳам шу қадар ҳаяжонланиб гапиришар, ҳақиқатни ва адолатни болаларча тўғрилиқ ва қатъийлик билан ҳимоя қилардиларки, ўртага шундай масалаларни қўярдиларки, Сафарали муаллим нима қилишини, индамай тураверишини ҳам, очиқдан-очиқ уларнинг ҳақ эканликларини тан олишини ҳам билмай қолди. Унинг чуқур ўйга толганини кўрган Наримон:

— Муаллим, сиз доим бизни тўғрисўз бўлишга, ҳар ерда фақат ҳақиқатни айтишга ўргатгансиз,— деди.— Ҳамма вақт тўғри сўзни айтинглар, ҳақ йўлдан қайтманглар, деб айтгансиз, Семён Сидоровичнинг ўзи ҳам шундай деган. Доскада ўзи бизларга: «Тўғрилиқ ва номус инсоннинг ҳуснидир!»— деб ёздирган.

Лекин ўзи бизнинг тўғри сўзимизни айбсентяпти. Доскада янглиш ёзилган сўзни тўғрилаб, ўзи шундай ёзилган эди, дейди! Энди биз нима қилайлик! Ҳақиқатга ишонайликми ёки ёлғонгами?

— Фақат ҳақиқатга ишонинглар, менинг азиз дўстларим, фақатгина ҳақиқатга!— деди Сафарали муаллим беихтиёр баланд овоз билан.— Тилларингни ҳеч маҳал ёлғон гапиришга ўргатманглар, жигарларим, болаликдан ёлғон гапиришга ўрганган халқ бахтсиз бўлади. У борган сари тўғри йўлдан ўзоқлашиб боради, қинғирликнинг шундай гирдобларига тушадики, ҳаёти доимо азобларга тўла бўлади. Уларнинг тўғри йўл топиб илгари кетганлардан нақадар орқада қолишларини, қандай ажойиб мевалардан, қандай фойдали қуёш нуридан бебаҳра қолишларини гапириб ҳам ўтирмайман!

...Ҳозир Лияхва дарёсининг соҳилида кезаркан, Сафарали муаллим болалар билан учрашувдан кейин қайнаётган фикрлар билан машғул эди. Бу фикрлар огир, мураккаб ва азобли бўлиши билан бир қаторда, жонли ва ҳароратли ҳам эди. Ахир, қандай қилиб ўқитувчи ўзининг виждоний бурчини унутиши мумкин?! Ҳамиша озода ва дид билан кийинадиган, овози ҳамиша қўнғироқдек жаранглайдиган, ҳамиша ҳар сўзни ойдин ва баланд овоз билан айтадиган, доим замонавий тушунчага эга эканини кўрсата оладиган, доим ватанпарварлиги билан мақтаниб юрадиган ва ҳар нарсада ҳақ эканлигини билдирадиган бу Волков аслида ким, қандай одам?! Сафарали муаллимга бир нарса аён эди: Волков ташқи кўриниши маданий бўлса ҳам, маънавий жиҳатдан содда ва бир йўналишли одам эмас. Унинг ичида қоронғи ва қинғир-қийшиқ сўқмоқлар тўлиб-тошиб ётипти. Бундай одамлар билан олишиш огир масала. Ҳамма нарсада унга ён босавериш эса ундан ҳам огирроқ ва фожиали натижа бериши мумкин. «Мен тўғри ва очиқдан-очиқ ҳаракат қиламан. Ваҳимали фикрлар ва кўзга кўринмайдиган таҳликалар мени сохта йўлга кирита олмайди. Нимани ўйласам, виждоним менга нимани буюрса, шуни қиламан. Ҳеч бир номарднинг олдидан қочган эмасман. Бу ёғи нима бўлса бўлар! Номусли мағлублар беномус ғолиблардан шарафли бўлади».

Дарслар эндигина тамом бўлган эди. Талабалар ва шогирдлар ётоқхоналарига қайтар, ўқитувчилар эса кийиниб уйларига кетишарди. Сафарали муаллим пальтосининг тугмасини қадаб, бухори телпагини бошига кийиб, даҳлизга чиқди. Булутлар тарқалиб, қуёш атрофи бирданига иситиб юборганидан муаллимнинг хонада ўтиргиси келмай қолди. Мовий уфқлар, очиқ осмон, далалар, тоғ ёнбағирлари уни жазб этарди. Унинг хаёли паришон эди, лекин қайгули бўлгани учун эмас, мутлақо ундай эмас! Қайси кунги кўнгилсизликлар ўтиб кетган, семинарияда тинчлик ҳукм сурарди. Семён Сидорович Волков ҳам зоҳиран тинчиб кетгандек кўринарди. Гўё шунча гап-сўзларни унутиб юборгандек эди. Ўқитувчиларга қиладиган совуқ муомаласига эса аҳамият берадиган одам йўқ эди. Ҳамма ўз иши билан овора эди. Ҳар ким илҳом билан ўз дарсини ўтар, талаба ва шогирдларнинг борган сари ортиб бораётган ҳавас ва муваффақиятларидан чексиз севинч ҳис қиларди. Сафарали муаллимнинг ҳам қувончига чегара йўқ эди. Бугун синфда кимни ўрнидан турғизиб, ўтган дарсни сўраган бўлса, ҳаммасидан аъло жавоб олди. Муаллим учун бундан ортиқ қувонч бўлиши мумкинми?! Семён Сидоровичнинг тинчиб кетиши, ўз оламига қамалиб олишини эса Сафарали муаллим ички пушаймонлик аломатига йўйганидан севинчи яна ҳам ортиб борарди. Муаллим каби шарафли касб эгаси бўлган бир ўртоғининг янглиш йўлдан қайтиб, майда ва ярамас туйгуларнинг таъсиридан узоқлашганидан, касбига муносиб иш қилаётганидан Сафарали муаллим ич-ичидан хурсанд эди. Кўпчилик одамларда кузатиладиган хунук ва пасткаш хатти-ҳаракат Сафарали муаллимнинг кўнглини огритарди. Бундай сифатларни муаллимда ҳам кўрганида эса, бир огригига ўн огриқ қўшиларди. Аксинча, муаллимнинг олижаноблигини, инсонийлигини кўрганда кўнгли тоғдай кўтариларди. Муаллим деган ном, муаллимлик касби унинг назарида ниҳоятда азиз ва муқаддас эди!

Сафарали муаллим даҳлизнинг эшиги олдида Алексей Осиповичга тўқнаш келиб қолди.

— Салом, Сафарали муаллим!— Алексей Осипо-

вич у билан ўзига хос очиққўнгиллик ва соддалик билан озарбайжон тилида саломлашди.— Ҳеч эслай олмаёпман, шу бугун сиз билан кўришдимми, йўқми?! Азбаройи бошим айланганидан ўзимнинг исмимни ҳам эсимдан чиқариб қўйибман!— хахолаб кулди Черняевский ва Сафарали муаллимнинг қўлини қаттиқ қисди.— Қани, бу ёққа юринг-чи. Мен сизни қидириб юрган эдим.

— Тинчликми?— Сафарали муаллим беихтиёр савол берди. Алексей Осипович саволга жавоб қайтармай:— Мабодо айлангани чиқиб кетаётган эмасмидингиз?— деди.— Ҳаво жуда яхши-да. Одам нафас олгани билан тўймайди... Айбга буюрмасангиз, юринг, ҳам айланиб, ҳам гаплашиб оламиз. Ҳам зиёрат, ҳам тижорат, деган экан бир турк.

Алексей Осипович билан ҳар сафар учрашганида Сафарали муаллим бошқача бир лаззат ҳис қилар, унинг фақат чуқур билимигина эмас, ёрқин ва ўткир фикри, ниқбинлиги ва соддалиги ҳам унга хуш ёқарди. У билан барча масалалар юзасидан очиқ гаплашса бўларди.

— Хабарингиз борми,— Алексей Осипович семинария биносидан анча узоқлашганларидан кейин Сафарали муаллимга мурожаат этди,— педсоветнинг мажлиси бўлар экан. Жонишинликдан ҳам вакил келар эмиш.

— Нима муносабат билан?— Сафарали муаллим қизиқиб сўради.

— Волков маориф нозирлигига ҳам, жонишинликка ҳам катта бир мактуб жўнатган экан. У семинариянинг таълим-тарбия ишларида жиддий камчиликлар бор, деб ҳисоблармиш. Империяга садоқатли ватандошлар етиштириш ўрнига, шубҳали субъектлар, ҳатто давлатнинг илдизини заифлаштириш йўлига кирадиган исёнчилар тайёрлаётган эмишмиз!..

— Йўғ-э?!— Сафарали муаллим бир зум тўхтаб, ҳамсуҳбатининг юзига тикилди. Семён Сидоровичнинг қанча вақтдан бери индамай юрганини ички пушаймонлик аломати деб ўйлаб, қанчалик янглишганини ҳис қилди:— Шунақа денг! Мен бўлсам ичимда, бу одам ўтириб, папоғини олдига қўйиб обдон ўйлаган, ўлчаб-бичиб, ҳақ йўлига қайтган деб юрибман.

Алексей Осипович кулди:

— Ҳеч ҳам ундай эмас, у бир марта заҳарини сочиш билан тинчийдиган илонлардан эмас. Нақ кин билан ғазабнинг уяси-ку! Афсуски, ер юзида шундайлар ҳам яшайди, ҳатто муаллимлик номини ҳам кўтариб юради. Тўғриси айтсам, уни, биринчи кўришимдаёқ ёқтирмаган эдим. Мақтаниб юришини кўрмайсизми. Муаллимликнинг чиройли кийимига асл мулкдор яшириниб олган... Золим мулкдор! Кўзларидаги қаҳратон совуғидай ифодага назар солинг-а. Узоқроқ қараб туришга одамнинг тоқати етмайди!

Худди шу пайтда, йўл бошидаги тепаликка чиқадиган сўқмоқдан Семён Сидоровичнинг боши кўринди. У йўлнинг ўртасига келиб тўхтади, шубҳали кўзларини икки муаллимга тикиб саломлашди.

— Қаторларингизга қўшилсам халал бермайманми?— деб сўради.

— Бемалол, бемалол!— Алексей Осипович ўзини йўқотмай мулозамат қилди ва Сафарали муаллимга ўгирилди-да, кулиб, озарбайжон тилида:— Хизрни йўқласак ҳам бўлар экан, дўстим...— деди.

— Татар тилини жуда яхши биласиз-а?— сўради Семён Сидорович.

— Алексей Осипович бизнинг тилимизни жуда яхши биладилар!— унинг ўрнига Сафарали муаллим жавоб қайтарди.

— Шуни ҳам айтмоқчиманки, ҳурматли Семён Сидорович, славян халқлари каби турк тили халқлари ҳам жуда кўп. Сафарали муаллим мансуб бўлган халқнинг ўз оти бор—озарбайжон деган! Тиллари ҳам озарбайжон тили...

— Берган маълумотингиз учун ташаккур!— истеҳзо билан жавоб берди Семён Сидорович.— Лекин империяда нашр қилинадиган барча газеталар, ҳатто шундоққина бурнимизнинг тагида чиқадиган «Кавказ» газетаси ҳам буларни «татар» деб атайди-ку.

— Бу фақат жаҳолат натижаси, холос. Руслар билан татарларнинг тарихий алоқалари жуда узоқларга бориб тақалганидан, Кавказга илк бор қадам босган савдогарларимиздан бири озарбайжонликларнинг огзидан татар тилида ишлатиладиган таниш сўзларни эшитиб, ўзини қийнаб ўтирмай, буларни «татар» деб атаб келаверган. Шундай қилиб бу сўз ёйилиб кетган.

Бизнинг газеталаримиз ҳам бу жаҳолатни бир қонун шаклига киритиб, маҳкам ёпишиб олишган.

Семён Сидорович уларни ўз қуроллари билан савалашни мўлжаллаб киноя билан кулиб қўйди ва:

— Сизнинг гапларингиз айнан Сафаралибекнинг кўнглидаги сўзлар эканлигига заррача шубҳа қилмайман,— деди.— Лекин мени бир нарсга таажжублантиради. Дойм одамгарчиликдан лоф урадиган бу озарбайжонликлар нега «татар» сўзини эшитганларида аччиқлари чиқади. Нима, татар ёмонми?

Сафарали муаллим унинг ҳийласини сезиб, хаёлга толди: «Бу нақадар хоин одам! Бундайлардан эҳтиёт бўлиш керак!»

— Қадрли ва ҳурматли Семён Сидорович, сиз ҳам муаллимсиз, мен ҳам. Бугунга қадар, шу бугуннинг ўзида ҳам, мен халқимиз олдида зиммамизга олган вазифамиз диний ва миллий туйғуларимиздан ниҳоятда юксак ва муқаддас, деган қоидага амал қиламан. Шу вазифа бизни битта йўлнинг, инсоният тараққиёти ва юксалиши йўлининг аскарлари сингари бирлаштиради. Шунинг учун ҳам сизнинг тез-тез миллий ва диний мутаассибликка мурожаат қилишингиз мени таажжублантиради. Менинг ақлим, идроким буни қабул қилишга ҳеч асос топмайди. Мени кечирингу, боя берган саволингиз ҳам менга ёқмайди. Лекин, модомики сўрабсиз, мен ҳам жавоб беришим керак. Сизга шуни айтмоқчиманки, бошқа халқлар сингари, татарлар ҳам жуда яхши, мард ва фидокор халқ. Улар билан бизнинг тилимиз, ҳаёт фалсафамиз, одат ва анъаналаримизнинг ўхшаш жойлари кўп. Шунинг учун мени татар дейишингиз билан қалбимни яралаб, аччиғимни чиқара олмайсиз. Фақат сизнинг «татар» сўзини чексиз нафрат билан тилга олишингизгагина аччиғим чиқади. Бу сўзни бамисоли лаънатдай одамнинг бошига урасиз. Бу сўз сизнинг тилингиздан ҳақорат бўлиб эшитилади. Бугунги куннинг маданиятли одами, ўзини муаллим деб атаган одам бундай ифлосликни ўзига раво кўрмаслиги керак, айб бўлади!

Ўртага огир сукут чўкди. Семён Сидоровичнинг сўлгин юзини ёқимсиз қизил доғлар босиб кетди. У негадир тез-тез совуқ кўзларини ўйнатиб Алексей Осиповичга қаради. Ундан шубҳаланишга, умидини узганлигига қарамай, юрагининг теран жойларида гар-

чи заиф бўлса ҳам, «у охири диний ва миллий мутаассиблик таъсири билан бу томонга ўтади, мени ҳимоя қилади», деган фикр уйгонган эди. Лекин қанчалик уринмасин, Алексей Осиповичда бундай нарсани кўрмади. Аксинча, унинг юз-кўзининг ифодаси, барча ҳаракатлари бунинг тескарисини кўрсатар, Сафарали муаллим билан ҳамфикр эканини билдириб турарди. Семён Сидорович уни «хоин, олчоқ!» деб ўйлади ва бир ўқ билан икки қуённи отишни мақсад қилиб сўз бошлади:

— Жаноб Сафаралибек, сизнинг сўзларингиз янглик эмас. Бу хилдаги гапларни жуда кўп одамдан эшитганман. Шуни ҳам билиб қўйингки, бундай гапларни гапириб юрадиган одамларнинг аксарияти ҳаётларини яхшилик билан тугатмаган. Ватан деб аталмиш тупроққа меҳри бўлмаган одам эртами-кечми ўз жазосини олади...

Кулиб туриб айтилган, лекин нафрат ва заҳар араляш бу сўзлар Волков кутган натижани бермади. На Сафарали муаллимнинг, на Алексей Осиповичнинг асабини бузиб, аччигини чиқара олди. Улар бир-бирларига қараб, кулимсираб қўйишди, холос. Ҳатто Алексей Осипович «ҳазил, ҳазилнинг тағи зил» деган мақолни эслаб, мулойим овоз билан:

— Ҳурматли Семён Сидорович,— деди.— Меъёридан ошириб юбораётганингиз ўзингизга билинмаяптими? Қадимги юнонлар жуда доно бўлишган. Улар, ҳар қандай баҳсда ҳам ақлли далилларга мурожаат этилса ҳақиқат юзага чиқади, дейишган. Пўписа қилиш, қўрқитиш, идрокнинг кучлилигидан эмас, заифлигидан дарак беради. Калтафаҳм деспотлар доимо қилич ва зиндондан нажот қидиришганини, бундан кучли далил топишолмаганини тарих аллақачон исботлаган!

Семён Сидорович совуқ ярқираган кўзларини сузиб Алексей Осиповичнинг нур ва табассум тўла кўзларига қаради ва худди ашаддий душманини кўргандай бўлди. «Бундайларни ўтда куйдирса ҳам камлик қилади!— деб ўйлади у.— Русияга бундайларнинг қандай фойдаси тегарди? Турли хил ярамас ва янглиш фикрларни тарқатиб юрган мана шуларнинг ўзи эмасми?! Ким билади, балки Радишчев ҳақида семинаристларга маълумот берган, унинг бузғунчи назарияларини тарқатиб юрган ҳам шудир!» Алексей Оси-

пович унинг бу фикрларини совуқ ва нафрат ёғилиб турган кўзларидан уқиб олгандай:

— Русиянинг асл фарзандлари ҳамма вақт шафқатсизликка қарши чиқишган, эзилганларни ҳимоя қилишган,— деди.— Инсон ҳеч қандай вазиятда ҳам инсон эканини унутмаслиги керак. Сизнинг гапларингизга қулоқ солар эканман, беихтиёр буюк шоиримиз Пушкиннинг сўзларини эсладим.— Алексей Осипович паст, лекин кишининг юрагига етиб борадиган овоз билан шеър ўқий бошлади:

И долго буду тем любезен я народу,  
Что чувства добрые я лирой пробуждал,  
Что в мой жестокий век восславил я свободу,  
И милость к падшим призывал!<sup>1</sup>

Сўнгги сўзларга аҳамият бердингизми? Қандай яхши айтилган! Фақатгина инсофини бутунлай йўқотган одамларгина бусиз ҳам оғир зарбалар остида инграб ётган Русиядаги кичик халқларга нафрат билан қарай олади... Ҳолсизларни, йиқилганларни калтаклаш номардлик!..

— Ўрнини билмаганга ўрнини кўрсатиб қўймаслик ҳам чурук одат!— деди Семён Сидорович борган сари асабийлашиб.— Шу кетишда бир кун ҳушингизга келиб қарасангиз, ҳамма нарсанинг оёғи осмондан бўлиб кетганини кўрасиз. Малайлар саройларга кириб олишган, давлат арбоблари чўчқа боқиб юрган бўлади. Муҳтарам Алексей Осипович, сизга яна бир нарсани эслатиб қўймоқчиман, фақат раҳмдиллик билангина ватан манфаатларини, шон-шарафини ҳимоя қилиб бўлмайди. Ватан сендан жаллодликни талаб қилган экан, шунга бажаришинг керак!..

Алексей Осипович билан Сафарали муаллим яна бир-бирларига қараб қолишди. Алексей Осипович елкасини учириб қўйди. Гўё: «Бундай одам билан гаплашиб барака топиб бўлмайди!»— дегандек эди у.

— Лекин мен жаллодлик қилмайман!— деди у беихтиёр.— Ватан менга маорифни, маданиятни ривожлантиришни, ўзи учун ўқимишли фуқаро тайёрлаб бе-

---

<sup>1</sup> Халқим мени узоқ суяр, чунки мен  
Созим билан яхши ҳислар уйғотдим,  
Шум асримда шарафладим эркни мен,  
Ҳолсизларга меҳр қўлим узатдим.

рипини буюрган. Агар жаллодга ҳам эҳтиёж бўлса, унда бошқасини топсин. Менинг қўлимдан жаллодлик келмайди!

— Қалбингизда ватанга муҳаббат бўлса, келади!— Семён Сидорович уларнинг бурчакка сиқилиб қолганларини англаб, таъкидлади.— Ҳамма нарса келади!..

— Сиздан яхшигина полиция хизматчиси чиқади!— Сафарали муаллим Волковга диққат билан қараб, худди бу одамда шу пайтгача сезмаган кайфиятни кашф этгандек бўлди. Бу сўз Семён Сидоровичга ўқдек тегди. Яна сўлгин чеҳрасида қизил доғлар пайдо бўлди. Яна Петербургда ўтган йилларни, Наташани, яширин ташкилотни, полиция идорасини, Ҳури хонимни эслади. Яна шубҳалар юрагини кемира бошлади: «Билишади шекилли, ўша йилларнинг сиридан хабарлари борга ўхшайди. Бўлмаса нимага шама қилишяпти?!»

— Агар мен полицияда хизмат қилганимда баъзилардан бахт юз ўгирган бўларди!— у яна Сафарали муаллимга наштар санчди. Сафарали муаллим эса яна хотиржамлик билан:

— Ижозат берсангиз, сизга шу нарсани билдириб қўйсам,— деб жавоб берди.— Сизнинг ватанпарварлигингиз менга шубҳали кўриняпти. Чунки ҳеч бир ҳақиқий ошиқ ўз муҳаббатини суиистеъмол қилмайди. Сийқа тангадай уни пеш қилавермайди. Арабларнинг бир мақоли бор: «Сўзни айтдинг — ишондим, такрорладинг — шубҳаландим. Онт ичдинг — ишонмайман!»— дейишади. Сиз жуда тез-тез «ватан, ватан» дейсиз. Бу шубҳали. Унга нисбатан бўлган муҳаббатингиз эса кўр-кўрона.

— Ҳақиқий муҳаббат ҳамма вақт кўр бўлади!— Семён Сидорович шоша-пиша унинг сўзини бўлди.

— Янглишдингиз. Чин юракдан чиқадиган, ҳақиқий муҳаббат одамнинг кўзига нур беради. Ҳеч вақт одамни алдамайди. Шаҳвоний туйғулар асосида пайдо бўлган эҳтирослар эса ҳамма вақт кўр бўлади. Бундай кишилар нимани, нима учун яхши кўрганини ҳеч қачон билмайди. Сизнинг шунчалик пеш қилаётган ватанпарварлигингиз ҳам айнан шундай. Сиз қайси ватанни яхши кўраётганингизни билмайсиз!

— Ватан битта бўлади!— Семён Сидорович яна унинг сўзини бўлди.— Баъзиларга ўхшаб менинг ўнта ватаним йўқ!

Сафарали муаллим бу заҳарли сўзни ўзига олмади, уни ўз қуроли билан савалаш пайти келганини кўриб:

— Тўқликка шўхлик қилиб, отига кишимиш, итига товуқ едирадиган бойваччалар, камбағаллигидан гўдагига нон, хотинига қўйлак топиб беролмаётган бечоралар мавжуд бўлган ерда ватаннинг битталигидан гапириб бўладими?— деди.— Ҳа, жаноб Семён Сидорович, бу кунда озодликка, нурга меҳр қўйган Русия ҳам бор, зулмни, зиндонларни, жаҳолатни абадийлаштиришга ҳаракат қилаётган Русия ҳам бор! Сиз иккинчисини яхши кўрасиз, шунинг учун ҳам муҳаббатингиз кўр, фойдасиз. Русияга нисбатан бу муҳаббат нафратдан ҳам ёмон!

Семён Сидорович оқсуякларча бир истеҳзо билан кулиб, бошини тебратди:

— Мантиқингизни қарангу!— у Алексей Осиповичга қаради:— Балки сизга хуш ёқадиган далиллардир булар. Қандай хотиржамлик билан мени ватанига душман одам қилиб чиқарганини кўрдингиз, энди кўнглингиз жойига тушган бўлса керак!..

Сафарали муаллимнинг сўзларини диққат ва қизиқиш билан тинглаётган Алексей Осипович бу истеҳзони жавобсиз қолдирмади:

— Сиз унинг сўзларига жиддий қарасангиз яхши бўларди, булар ўйлаб кўришга арзийдиган сўзлар!

— Нима бўлганда ҳам ватанпарварлик ҳақида булардан дарс олишни ҳаёлимга ҳам келтирмайман!

— Мен ҳам сизга дарс бермоқчи эмасман!— Сафарали муаллим хотиржамлик билан жавоб берди.— Гапингизга қараб ўз фикримни айтдим-қўйдим. Ёқмаган бўлса эшитмай қўя қолинг эди. Бу билан ҳақиқат ҳақиқатлигини йўқотмайди. Ҳар қалай, сўзи билан ҳам, ҳаракати билан ҳам ўз халқига душман эмас, дўст орттирган одамгина ватанпарвар бўлади! Ватанпарвар душманларнинг сонини камайтиради, дўстларнинг сонини эса кўпайтиради. Мана бу кишига ўхшаб!— Сафарали муаллим Алексей Осиповичга ишора қилди ва унинг елкасига қўлини ташлади.— Бу кишига ўхшаган одамлар билан бир марта ҳамсуҳбат бўл-

ган, бир бурда нонни биргаликда баҳам кўрган одам доимо рус сўзини ҳурмат билан тилга олади. Рус сўзини эшитганида қалбида илиқ туйғулар уйғонади. Кўнгли шод бўлади. Сиздақа одамга рўпара бўлганларнинг юрагида эса маъюслик, қайгу, бадбинлик, хавотир бош кўтаради. Бунақа одамлар (у яна Алексей Осиповичга ишора қилди) қаерда бўлишидан қатъи назар, бир тош устига чиқиб: «Келинлар, руслар билан бирдамлик қилинлар!»— деса бир эмас, минг одам ўрнидан туриб, дўстлик қўлини узатади. Сизнинг эса чақириғингизга жавоб берадиган одам бўлмайди!

— Майли, чақирсам жавоб бермай қўя қолинг!— Семён Сидорович йўл иккига ажралаётган жойда тўхтади, темир йўл вокзалини кўрсатиб:

— Мени кечиринлар, мана шу томонга боришим керак,— деди.— Жонишинликдан бир дўстим келади-ган эди, ўшани кутиб олишим керак. Анали масалалар юзасидан эса сиз билан ҳали жуда кўп гаплашмоғимиз керакка ўхшаб қолди.— У Сафарали муаллимга маъноли-маъноли қараб нари кетди.

— Бунга нима бўлдийкин, жуда осмони фалакдан келяпти-ку?— сўради Сафарали муаллим.

— Сабаби бор,— Алексей Осипович унинг орқасидан қараб қолди.— Кўрмадингизми, жонишинликдан одам келаётганини ва ўша меҳмон ўзининг дўсти эканлигини таъкидлаб қўйди-ку. Бизни шу билан қўрқитяпти!

Сафарали муаллим ҳеч нарсага тушунолмай Алексей Осиповичга қаради:

— Нима бўпти, жонишинликдан ким келса келавермайдими, бизга нима, нимадан қўрқар эканмиз?— сўради у ҳайрон бўлиб.

— Кеча кечқурун директоримиз мени уйига чақиртирган эди. Ўзини яқин ва дўст қилиб, маслаҳатлашмоқчи бўлган экан. Дўстимиз,— Алексей Осипович Волковга ишора қилди,— нима қилганини биласизми?

— Йўқ, билмайман.

— Билмаган бўлсангиз, билиб олинг. Чунки сизга ҳам тегишли жойи бор. Маориф нозирлигига ёзган хатини янада ғализлаштириб, ички ишлар нозирлигига ҳам юборипти.

Сафарали муаллим ҳайратдан қотиб қолди:

— Қандай қўли бордийкин?! Жосусликнинг ҳам уddасидан чиқаркан-да! Ахир шу қадар жиддий айб-ларни исботлаши керак-ку.

— Иsbоти учун жуда кўп мисоллар келтирган. Тақиқланган адабиётларнинг семинарияда тарқалиб қўлма-қўл кезиб юрганини, Радишчев, Герцен каби муаллифларга яширин меҳр уйғотилаётганини даъво қилган.

— Наҳотки Петербургдагилар шунақанги бемаъни сўзларга аҳамият берган бўлишса?!

— Аҳамият беришибгина қолмай, ҳатто чуқур текширилсин, жиддий тадбирлар кўрилсин, семинария шубҳа уйғотувчи барча муаллимлардан тозалансин, деб жонишинликка буйруқ ҳам юборишипти! Ўзлари ёки ота-оналари эътиборсизлик кўрсатган талаба ва шогирдларни ҳам семинариядан ҳайдаб юборишга қарор чиқарилган...

— Оббо, иш йўғонлашиб кетипти-ку!— Сафарали муаллим беихтиёр озарбайжон иборасини ишлатиб юборди.— Наҳотки бизнинг кичкинтойларимизга зи-ён-заҳмат етса?!

— Яхши вазият пайдо бўлмади, албатта. Сув лой-қалаяпти. Лойқа сувда балиқ тутмоқчи бўлганлар ҳам топилиб қолади. Бизнинг вазифамиз ҳушёр ва иродали бўлиш, сувни лойқатаётганларнинг кирдикор-ларини очиб, ўзларини шарманда қилиш.

— Мен ҳамма нарсага тайёрман!— Сафарали му-аллим Алексей Осиповични тинчлантирди.— Андиша-нинг отини қўрқоқ дейишади. Номарддан нари юр-санг, қўрқитдим, деб ўйлайди...

Куз қуёши ғарб билан қовушганидан кейин ҳаво айний бошлади. Тоглардан ҳам ҳазин ва совуқ шаба-да эсиб, одамнинг этини жунжиктириб юборди.

— Бизникига борамиз!— деди Алексей Осипович орқага қайтаркан.— Чой ичиб, бирпас гаплашиб ўти-рамиз.

Сафарали муаллим ҳеч нарса демасдан бу таклиф-ни қабул қилди.

### 3

Баъзи уйлар борки, озодалиги, тартиби, саранжом-лиги билан кишини ҳайрон қолдиради. Гулли ги-ламлар тўшалган, деразаларига тўр пардалар осилган

бўлади. Бу уйларда ҳатто бизнинг асримизда кўпчиликка насиб қилган, ўтган асрда кам топиладиган пинино ва рангли таблолар ҳам кўзга ташланади. Ранг-баранг кошинлар билан безатилган гўзал девор-ўчоқда эса тошкўмир ёки ўрмондан келтирилган ўтин чақнаб турган кўзга ўхшаб қип-қизил чўғ бўлиб ётади. Шунга қарамай, у ерда қандайдир совуқлик, безовталиқ сезасан киши. Қаерда ўтиришингни билмасан, юрагинг сиқилади, тезроқ чиқиб кетишнинг пайида бўласан. Баъзи уйларда эса буларнинг юздан бири ҳам бўлмайди, бир қарашда жуда камбағалдай кўринади. Лекин ичкари кирганингдан кейин шундай файз ва ҳарорат сезасанки, жонинг ором олади, руҳан энгиллашиб, ўша уйдан чиққинг келмай қолади...

Сафарали муаллим Алексей Осиповичнинг уйида ўзини шундай ҳис этарди. Бу ерда ҳар бурчакдан, ҳар девордан иссиқ чиқар, меҳрибонлик ёғиларди. Бу ерда юракни очиб, энг қайғули фикрларни ҳам уй соҳибининг эътиборига ҳавола қилса бўлади. Алексей Осипович дераза ёнидаги бурчакка қўйилган кичкина дивандан унга жой кўрсатиб, олдида бир даста газета ва журналларни олиб келиб қўйди:

— Сиз мана шуларни кўздан кечириб турунг, унга мен чой тайёрлаб келаман!— деб кичкина даҳлизга чиқиб кетмоқчи бўлди. Сафарали муаллим ўтирмади:

— Ижозат берсангиз, чойни мен дамлардим... Минг қилса ҳам сиздан ёшман-да.

— Бунақаси кетмайди! Ёшим катта бўлгани билан мен мезбонман. Демак, сизга хизмат қилиш менинг вазифам!— Алексей Осипович зўрлик қилиб уни ўтиришга мажбур қилди.— Ҳа, эҳтимол, манави, Зокирнинг девонини кўрарсиз. Қорабоғлик дўстларимдан бири юборган экан. Жуда ажойиб шоир. Ўн тўққизинчи асрнинг биринчи ярмидаги Озарбайжоннинг аҳволини унингдек чиройли ва мазмунли тасвирлаган шоир бўлмаган.

Сафарали муаллим Зокирнинг тугалланмаган девонини қўлига олиб, варақлай бошлади. Алексей Осипович чой дамлаб, чойга керак бўлган ҳамма нарсани олиб келиб столга қўйди-да, Сафарали муаллимнинг рўпарасига ўтириб иккита стаканга чой қўйди. Битта-сини Сафарали муаллимнинг олдида сурди.

— Чойни иссиғида ичсангиз танингиз қизийди.

— Раҳмат. Миннатдорман,— Сафарали муаллим стаканни бир четга суриб қўйди. Зокирнинг чуқур маъноли газалларидан бир-иккитасини овозини чиқариб ўқиди. Бу ажойиб шоирнинг ҳар бир газали жонли қизиқиш ва ҳавас уйғотганидан, икки муаллим бир қанча вақт унинг девонидан кўзларини уза олмай ўтиришди.

— Замонасининг жуда тиниқ кўзгуси бўлган!— Сафарали муаллим битта кўзи китобда бўлгани ҳолда завқланиб гапирди.— Авом, жоҳил домлаларнинг, сайдларнинг кирдикорларини қандай усталик билан очиб берганини кўринг. Диққат қилинг-а, унинг газалларида нақадар соғлом, аччиқ кулги бор: «сўзлайди қиёматдан, ўз уйини қўшмасдан, кўрмаган ҳеч бир ерни, мен билмайман буларни, у биларкин қаёқдан?»

— Жуда яхши айтипти!— Алексей Осипович тасдиқлади.— Шеърнинг, санъатнинг гўзаллиги ҳам шундаки, инсонларнинг кўзини очади, уларни ёруғликка чақиради!

Ниҳоят, Сафарали муаллим девонни ёпиб, столнинг четига қўйди ва стаканни қўлига олиб, чойни ича бошлади. Уларнинг иккаласи ҳам эндигина асл мақсадга ўтиб, семинариядаги вазиятдан гаплашмоқчи бўлиб турганларида, эшикдан қандайдир овоз эшитилди.

— Кимдир меҳмон бўлиб келди шекилли, ишқилиб қадами қутлуғ бўлсин!— дея Алексей Осипович эшикка чиқди. Иккала муаллимни ҳайратга солиб, Семён Сидорович билан жонишинликдан келган, кўзида нозик ва чиройли кўзойнак ярқираб турган озгин, баланд бўйли бир жентльмен ичкари кириб келишди. Семён Сидорович Сафарали муаллимни кўриши билан бир зум ҳайрат ичида қолиб: «Сиз ҳам шу ерда эдингизми?!— дея кўзларини ўйнатди ва дарҳол муаллимларни меҳмон билан ва меҳмонни муаллимлар билан таништирди. Жонишинликдан келган амалдор ҳар нарсани диққат билан кузатадиган, ҳеч қандай ҳаракатга ва ҳеч бир сўзга лоқайд қарамайдиган ҳушёр одамга ўхшарди. Бу ҳушёрлиги, у оз гапириб, кўп вақт соқов одамдай индамай тургани учун ҳам дарҳол кўзга ташланарди. Гаплари ҳам фақат саволдангина иборат бўларди. Шу билан бирга, унинг ҳамма нарсадан хабардор эканлиги ва ҳаммани билиши кўриниб турар-

ди. Чунки ўқитувчилардан кимни гапиришса, у бир калима сўз билан ўша одамнинг кучли ва заиф томонларидан воқиф эканлигини маълум қилиб қўярди. Суҳбат турли хил мавзу устида борганидан, шу пайтгача Алексей Осипович ҳам, Сафарали муаллим ҳам бу меҳмоннинг нима сабабдан бу ерга бевақт ташриф буюрганини била олмадилар. Сафарали муаллимнинг хаёлига, менинг олдимда очиқ гаплашгилари келмаяпти, деган фикр келди ва кетмоқчи бўлди. Лекин Алексей Осипович қатъий эътироз билдирди. Ҳатто, улар тушунмаслиги учун, озарбайжон тилида:

— Бемаҳалда ёлғиз ўзимни буларнинг қўлига топшириб кетмоқчимисиз?!— деди.— Утиринг, нима бўлганда ҳам меҳмон бўлиб келган, олдига бир бурда нон қўяйлик, йўлдан чарчаб келган...

Алексей Осипович билан Сафарали муаллим кичкина столнинг устига оқ дастурхон ёзиб, устига тўрт кишига лойиқ идиш-товоқ қўйишди. Қаердандир яхна ўшт, қовурилган товуқ ва бошқа нарсалар топиб келишди. Ҳатто шароб билан ароқ ҳам олиб келишди.

— Дастурхонга марҳамат!— Алексей Осипович жонишинликдан келган меҳмонга мурожаат этди.

Ҳаммалари стол атрофидан жой олишди. Бир оз вақт ўтгандан кейин суҳбат қизиб кетди. Кўзойнакли озгин меҳмон муомалада нақадар суст ва ланж кўринган бўлса, овқат ейишда шу қадар серҳафсала чиқди. Учинчи қадаҳдан кейин эса, тили ҳам ёзилиб кетди. Энди ҳеч кимга гап бермай қўйди. Гоҳ Тифлиснинг юқори доираларидаги интим гаплардан, гоҳ давлатлар ўртасидаги муносабатлардан, гоҳ эса Петербургдан келган турли хил топшириқлардан сўз очарди. Ўзини худди билимли, маълумотли, ҳамма нарсадан хабардордай кўрсатишдан ҳузур топарди у. Гап орасида Алексей Осипович Сафарали муаллимга қараб:

— Ароқнинг кучини кўрдингизми? Бу гап ёқмасни булбулигўё бўлиб сайрашга мажбур қилганини томоша қилинг!..— деб қўйди.

Жонишинлик амалдорлардан, юксак мартабали ҳарбий хизматчилардан Петербург давлат доираларидан, мамлакатлараро алоқалардан билган-билмаганларини гапириб бўлганидан кейин, меҳмон Кавказ халқлари ҳаётига оид гапларга ўтди. Ундан бундан эшитган ривоятлари ва ҳар хил кулгили

уйдирмаларни ҳақиқатдай қилиб гапираверди ва ўзини худди бу халқларнинг ҳаётини миридан сиригача биладиган одам қилиб кўрсатмоқчи бўлди... Алексей Осипович билан Сафарали муаллимни ҳайратга солган нарса, Семён Сидоровичнинг меҳмон гапирган ҳар сўзни, ҳар бир уйдирмани бир ҳақиқатдай жон-дили билан қабул қилиши, зўр бериб тасдиқлаши, ўзини ҳайрон қолгандай қилиб кўрсатиши, қаҳ-қаҳ отиб кулиши эди. Бамисоли бу одам доим ўзини жиддий тутадиган, димоғдор, такаббур Волков эмасди! Жонишинликнинг намояндаси кезмаган жой қолмади, гуржи князларининг саройларидан чиқиб, армани маликаларининг ҳашаматли қасрларигача кирди, у ердан чиқиб озарбайжон мулкдорларининг кундуз куни чироқ ёқиб қидирсанг дорига битта аёл топилмайдиган, агдар-тўнтар бўлиб ётган уйларига кириб чиқди, ҳаммомда ҳам бўлди, масжидларни, калисоларни кезиб чиқди, минбарларнинг тагида ўтириб занжир билан савалаганларни кўрди, сийназанларнинг дийдиёларини эшитди. Ашура куни майдонларда ўз бошини уриб ёрганларини томоша қилди, ниҳоят, келиб қишлоқларнинг қоронги, нур тушмайдиган ва совуқ кулбаларига кирди. Шу жойга келганда у афти башарасини буриштирди. Қашошқликдан, ифлосликдан, оч-яланғочликдан шикоят қилди. Фақат «басурманлар»нинг кулбасидангина эмас, гуржи, армани ва рус қишлоқисининг «изба»сидан ҳам кўнгли айниганини гапирди... Меҳмон гапиргани сари ичимликдан кўзлари қизариб кетган Семён Сидорович унинг сўзини қувватлар, чироғига ёғ қўйиб турарди:

— Тўғри айтасиз, уларнинг қишлоқиси шаҳарлигидан, шаҳарлиги қишлоқисидан ифлос!

— Лекин иқлими ва ерлари ҳар қанча мақтаса арзигудек. Фаросатли одам бундай ерларда шундай ҳаёт қурадидики, кўрган киши яна бир кўрсам дерди. Лекин булар уддалаша олмайди. Ўлгудек танбал...

Тез-тез такрорланиб турган бу «ифлос» ва «танбал» сўзлари Алексей Осиповичнинг ҳам, Сафарали муаллимнинг ҳам асабларига тега бошлади. Жонишинликдан келган кўзойнакли меҳмоннинг шу хилда тиним билмай сайраганини кўрган Сафарали муаллим:

— Кечирасиз, сиз Кавказнинг қайси қишлоғида бўлгансиз, шуни билса бўладими? — деб сўради.

Меҳмон кўзойнагини олиб, артди, ҳаммага бир-бир кўз югуртириб чиққач, Сафарали муаллимга қаради:

— Уч ой олдин сизларнинг Шамахиларингиздаги битта қишлоққа борган эдим. Шу пайтда отини эслол-маяпман, кўримсиз уйлар, чанг-тупроқли кўчалар, лойқа ариқ суви... Бир уйнинг эшигини очиб ичкари кирдим. Шифтигача ис босиб кетибди. Искирти чиқиб кетган ўрин-кўрпасига қараб бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, ифлослик бошдан ошиб кетган!..

— Бу сўзлар бундан ўн икки йил олдин бўлиб ўтган бир воқеани эсимга солди,— деб гапга қўшилди Алексей Осипович.— 1871 йилда, бизнинг Мараза қишлоғимизнинг ёш муаллими Горский «Кавказ» газетасида битта мақола эълон қилдирган эди. Мана шу мақолада, Горский ҳам худди сизга ўхшаб маразаликларнинг «ифлос» ва «искирт» турмушидан шикоят қилган эди.

Жонишинлик амалдор руҳланиб кетди:

— Менинг хатога йўл қўймаганимни кўриб турибсиз. Булар ифлосликка ўрганиб қолишган, ифлослик буларнинг қон-қонига сингиб кетган.

— Ҳа, тахминан Горский ҳам шундай деб ёзган эди. Лекин мен ўша пайтда «Кавказ» газетасида босилиб чиққан мақоламда, ҳозир сиздан сўрамоқчи бўлган саволимни Горскийга берган эдим. Наҳотки ўлкамизнинг бошқа жойларидаги қишлоқликлар маразаликлардан ёки шамахиликлардан яхши яшашса?! Мутлақо йўқ!

— Янглишяпсиз!— кўзойнакли меҳмон билан Семён Сидорович бир огиздан эътироз билдиришди.— Рус қишлоқисининг турмуши қайда-ю, буларники қайда?! Буларда бўлган ифлослик ҳеч қаерда йўқ!

— У ҳолда мана буни эшитинг. Рус шоири Никитин мана шу рус қишлоқисининг ҳаётини қандай тасвирлаганини кўриб қўйинг.— Алексей Осипович қўлини пешанасига қўйиб, шеърни эшлашга ҳаракат қилди:

Душный воздух, дым лучины,  
Под ногами сор.  
Сор на лавках, паутины  
По углам узор.  
Закоптелые полати,

Черствый хлеб, вода.

Кашель пряжи, плач дитяти!..<sup>1</sup>

— Ҳа, тўралар, қаерга борсаларингиз ҳам рус қишлоқликларининг ҳаёти мана шундай ачинарли эканини кўрасизлар! Мана шуларнинг барчасидан хабардор бўлган, қишлоқликнинг огир ҳаётига ачинадиган ҳар бир инсофли одам Шамахи ёки Мараза қишлоғида яшайдиганларнинг «ифлос», «исқирт» турмушлари ҳақида шовқин кўтармайди, инсонга муносиб бўлган яхши ва соғлом турмуш шароитининг нимадан иборат эканини барча қишлоқликларга, барча давлат хизматчиларига тушунтиришни ўзининг инсоний бурчи деб билади!..

Кўзойнакли меҳмон қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Жаноб Черняевскийнинг нима сабабдан қишлоқ-ма-қишлоқ юриб, қишлоқларнинг исқирт болаларини бу ерга йиғиб келганининг сабаби менга энди аён бўлди... Менимча, бу киши ўшаларни бир-бир ўқитиш билан аҳволни тузатаман деб ўйласалар керак!

— Ҳар қалай бунинг яхши йўл эканига мен ишонаман. Маърифат чироғини қишлоқликларнинг ўз қўлига берилса, бу чироқ ҳеч қачон ўчмайди, борган сари шуъласи кучайиб бораверади. Бугун битта уйга, эртага иккита уйга нур киради ва шу йўл билан ўн йил, йигирма йилдан кейин зулмат ичида қолиб кетган қишлоқларимизда ёруғ кирган уйларнинг сони ортиб боради...

— Яхши орзу...— киноя билан кулди меҳмон ва Сафарали муаллимга қаради.

— Барча улкан ишлар орзудан бошланган!— Сафарали муаллим гапга қўшилди.— Маърифат нури қишлоққа ёйилмаса, ўлкамиз тузалмайди, очлик ва қашшоқликдан қутула олмаймиз...

— Сизлардаги нарсa орзу, хаёл эмас, фантастика!— меҳмон яна Сафарали муаллимга қаради.— Бу

---

<sup>1</sup> Ҳаво дим, тутатқи ис,  
Ҳовлилар тезак.  
Ҳар ёқ ифлос, шифтда эса  
Ислардан безак.  
Раплар қурум, қуруқ сув-нон,  
Биғиллар бола.  
Йўталади чархчи жувон...

мусулмон қишлоқларини қамраб олган мавҳумот, жаҳолат, фанатизм туманини ёриб ўтиш учун, билмадим, қандай қуёш керак бўларкин!

— Ўша туманни ҳам ёриб ўтса бўлади!— Алексей Осипович Сафарали муаллимни ҳимоя қилди.— Мактаблар халқ учун хизмат қилиши керак, деган ҳақиқат бор. Бу эса кенг билим ва кўплаб мактаб очилишини тақозо қилади. Озарбайжоннинг қишлоқларида мактаблар очилса, ўша туманлар тарқалиб кетади.

— Лутфан айтинг-чи, ўша мактабларда қимлар дарс беришлари керак?!— Совуқ кўзларини ўйнатиб сўради Семён Сидорович.— Уларга муаллим қани, китоб қани?

— Қийин иш, албатта. Лекин қилса бўладиган иш. Ҳар бир қишлоқда домла борлиги сизга маълум. Мактаб очиб, мана шу домлаларни қишлоқдаги болаларга она тилида алифбе, ҳисоб ва бошқа фанлардан дарс ўтишга мажбур қилиш керак. Бу жуда фойдали иш бўлур эди. Ҳамда у қадар харажат ҳам талаб қилмайди. Чунки домлаларга махсус маош тўлашга эҳтиёж бўлмайди. Бунинг сабаби шундаки, домлалар ҳар хил солиқлардан озод, ўзларининг ер-сувлари, уй-жойлари ва боғ-роғлари бор. Диний маросимлар учун аҳолидан пул йиғиб олишади. Қўшимча тариқада закот ҳам тўплашади.

Алексей Осиповичнинг бу фикри Сафарали муаллимга жуда қизиқ кўринди. Бундай фикр нима сабабдан шу вақтгача бизнинг — фуқаронинг, арбобларнинг, бек ва хонларнинг эсига келмаган экан, деб ҳайрон бўлди у. Ахир, ҳақиқатан ҳам Озарбайжонда домласи бўлмаган биронта йирик қишлоқ йўқ. Бу домлаларнинг эса, яхшими-ёмонми, ўзига етарли даражада саводи бор. Давлатнинг буйруғи билан уларни қишлоқларда янги усулдаги мактаблар очиб, қишлоқ болаларига савод ва билим ўргатишга мажбур қилса бўлади. Бу оғир иш, албатта. Заҳматталаб иш. Лекин амалга оширса бўлади. Сафарали муаллим фикрларига якун ясади ва овозини чиқариб:

— Сизлар, жонишинликда ўтирадиган тўралар ҳаракат қилсаларингиз, мана шу фантазия аста-секин ҳақиқатга айлана борган бўларди,— деди.— Биз зиёлилар эса мана шу мактаблар учун дарсликлар ёзиб берардик.

— Қайси бир қишлоқи ўз боласини олиб келиб сизнинг ўша мактабингизга берар экан?— Кўзойнакли меҳмон ҳеч иложи топилмайдиган бир иш юзасидан гапирётгандек қилиб сўради.— Юздан бири, мингдан бири ҳам ўз боласини бундай мактабга бермайди. Қишлоқ аҳли тонг отганидан қоронғигача бир бурда нон топишнинг ташвишини тартади-ку!

— Жуда тўғри гапирдингиз! Камбағаллик қишлоқ ҳаётининг энг катта фалокатларидан бири!— деб унинг фикрига қўшимча қилди Алексей Осипович. Меҳмон бўлса руҳланиб кетди:

— Боласини ўқитиш қишлоқиларнинг тушига ҳам кирмайди!

— Мана шу ерда хато кетдингиз. Мен қишлоқликларни унча-мунча танийман, қишлоқдаги қоронғи кулбаларда яшайдиган қашшоқларнинг энг катта орзуларидан бири боласини ўқитиш. Бироқ бу иш қишлоқликка азбаройи қийин, азбаройи маҳол кўринганидан, орзусини юрагида бўғиб сақлайди. Давлат қишлоқларда мактаблар оча бошласа, вазият бутунлай ўзгариб кетади, деб сизни ишонтира оламан. Мактаблар камбағалларнинг болалари билан тўлиб кетади, ўзлари ҳам жуда яхши ўқишади.

— Биздагиларга ўхшаб!— Семён Сидорович киноя билан қўшиб қўйди.— Жаноб Сафаралибек олиб келган камбағал болаларининг қандай ўқиётганини кўриб турибмиз. Аслига тортиб, ҳозирдан мактабни ағдар-тўнтар қилиб юборишяпти. Сизни ишонтириб айтаманки, уларнинг юздан тўқсон тўққизи жамиятнинг асосларини ларзага келтирадиган исёнчи ва шаккок бўлиб чиқишади.

Сафарали муаллим билан Алексей Осипович бир-бирларига қараганча индамай қолишди. Волков нимага шама қилаётганини билганлари учун, жавоб беришни, ҳозир у билан баҳслашишни ўринсиз деб билдилар. Лекин меҳмон дарҳол унинг сўзларига қизиқди:

— Алексей Осипович, гапнинг тўғрисини айтсам, мен педагогик совет йиғилишидан олдин бу масалада сиз билан гаплашиш, сизнинг фикрингизни билишни истар эдим. Ахир мусулмон бўлимининг муфаттиши бўлганингиздан кейин сиз бевосита ўша ердаги таълим-тарбия ишига жавобгарсиз-да.

— Албатта жавобгарман, лекин гап нима ҳақида кетаётганига мен тушунмаяпман?

— Ўзингизни билмаганликка олманг, Алексей Осипович,— дея тилга кирди Семён Сидорович.— Мен сизнинг аҳволингизга тушуниб турибман. Камбагалларнинг болаларини қанотингиз остига олиш билан сиз ўзингизни раҳмдил одам қилиб кўрсатмоқчи бўласиз... Бу...

Алексей Осипович унинг сўзини бўлди:

— Мен бундай шухрат орттирмоқчи эмасман. Кимни яхши кўраётган бўлсам чин кўнглимдан яхши кўраман. Сохта меҳр ва муҳаббат менинг табиатимга зид.

— Эҳтимол. Сиз уларни ўз назариянгизга биноан ҳимоя қилаётган бўлишингиз ҳам мумкин. Лекин бу ундан ҳам ёмон!

— Кимларни назарда тутяпсиз?— деб сўради Сафарали муаллим.

— Тавфиқни, Нодирни, Наримонни!— Семён Сидорович ҳарорат билан жавоб берди.— Улар синфда бузгунчилик қилишаётгани, ўзларини яхши тутишмаётгани сизларга маълум. Шу ёшидан Радищевдан гапирадиган бўлса, уч йил, беш йилдан кейин нима қилишлари мумкинлигини тасаввур қила оласизми?!

Музокара анча чўзилиб кетди. Сафарали муаллим билан Алексей Осипович болаларни ҳимоя қилиб, уларнинг нақадар меҳнатсевар, уddaбурон, ақлли эканликларини гапириб беришди. Семён Сидорович бўлса, аксинча, бу болаларнинг фикри лойқа чашмадан сув ичаётганидан гапирди.

— Бошқаларга сабоқ бўлсин учун уларнинг учаласини ҳам мактабдан ҳайдаш керак!— деб сўзини татомлади Волков.

Кўзойнакли меҳмон унинг фикрини қувватлади:

— Мактабни тозалаш зарурга ўхшаб қолди...

Тун алламаҳал бўлганида меҳмон билан Волков чиқиб кетишди. Сафарали муаллим билан Алексей Осиповичнинг бўлса ажрашгилари келмасди. Вужудга келган вазиятни, педсоветнинг қандай ўтишини муҳокама қила бошладилар:

— Менинг Волков ҳақида нима ўйлаётганимни биласизми,— гап бошлади Сафарали муаллим.— Бу Семён Сидорович аҳмоқона иш қилмаётганмикин?

— Албатта аҳмоқона иш қиляпти. Лекин нима ҳам

қилардик, уни бу йўлдан қайтариб бўлмайди. Аслини олганда, аҳмоқлик зарпечакка ўхшайди, ҳар ерда ўсади. Бечора деҳқон қўлига кетмон олиб, эрталабдан кечгача зарпечакка қарши кураш олиб боради, тез-тез чопиқ қилади, уни қириб йўқотади, фойдали экинлар орасидан бирма-бир териб олади, тирноқлари билан кўчатларнинг поясидан кўчириб олиб ташлайди, эгатларнинг, ўқариқларнинг атрофини тозалайди, қаерда кўрса илдизидан тортиб чиқаради-да, бир чеккага йниб қурилади, бутунлай қурисин деб ўт ёқиб куйдиради. Лекин у яна ўсиб чиқаверади. Ўзиям ҳеч кутилмаган, мутлақо орзу қилинмаган жойлардан чиқади. Хушбўй, қип-қизил гулларнинг орасидан, чиройли ва ёқимли шомомо<sup>1</sup>нинг илдири ёнидан, бедазорнинг ўртасидан, буғдойзорнинг ичидан бош кўтариб чиқади-да, мазали ва тароватли кўкатларга, жамбил-райҳонларга, шовулга, карфасга чирмашиб, бирмунча вақт ўшаларнинг бандига яшириниб, деҳқоннинг қадоқли, қаттиқ қўлининг меҳнати билан ётиштирилган барча фойдали экинларнинг сувига, қуёшига, ҳавосига шерик бўлади. Сал ўзини ўнглаб олиши билан инсон эккан нарсаларни бўғиб, қуритиш пайига тушади. Аҳмоқлик ҳам ана шунақа. Ҳар ерда битади. Энди бўлса, Семён Сидорович қиёфасида бизнинг семинариямизга ҳам кириб келипти.

— Ҳамма вақт шундай бўлиб келган!— Сафарали муаллим секин-секин гапирди.— Бутун тарих бўйи донишманд одамлар миришкор деҳқон каби бир нарса яратишга интилиб келади, жонлари ҳалак бўлади. Шунга қарамай, инсон насли орасида аҳмоқликнинг илдизини қуритишолмайди, ҳатто кўпинча аҳмоқлик мутлақо ўрни бўлмаган жойда ҳам туп қўйиб, палак ёза олади. Масалан, илм ва маърифат ўчоқлари, мактаблари ва мадрасалар қайда-ю, аҳмоқлик қайда?! Мана шуларнинг деворлари орасига ҳам суқулиб кириб олади. У бундай жасорат, бундай яшовчанликни қаердан оларкин?!

Сокит ва қоронғи тун икки дўст, икки юракнинг бу суҳбатига ҳусн бахш этарди. Улар кундалик, оддий масалалардан узоқлашиб, мана шу каби умумий мавзуда фақатгина мана шундай тинч ва осуда кечада

---

<sup>1</sup> Ш о м о м о — хушбўй томошабоп қовун. Уни еб бўлмайди.

бемалол гаплаша олардилар. Бу мавзу ўзларига ҳам бир қадар эртақдай қизиқ туюлар эди. Алексей Осипович қўлини диваннинг суянчигига узатди:

— Эразм Роттердамский бундан тўрт юз йил муқаддам аҳмоқликни мадҳ этадиган бир асар ёзган. Жуда қизиқ асар. У аҳмоқликнинг табиатини тадқиқ этиб, аҳмоқликнинг отаси бойлик бўлади, деган қарорга келган. Волковнинг ҳаёсизларча ҳамма нарсага суқулавериш каби сурлик одати ҳам отасидан юққанга ўхшайди. Акс ҳолда чақирилмаган меҳмондай ҳар ерда пайдо бўлиб, уйнинг ҳавосини шу қадар бузмаган бўларди...

— Ҳақиқатан ҳам шундай,— Сафарали муаллим ҳамсуҳбатининг фикрини маъқуллади.— Ахир, илм ва билим аҳмоқликка тағ-томиридан душман-ку, илм билан билимнинг сояси кўриниши билан аҳмоқлик йўқолиб кетиши керак. Лекин минг афсуски, ҳаётда бундай бўлмайди. Ҳатто кўпинча акси бўлади.

— Мўътабар ва доно файласуфларнинг, ёзувчиларнинг, тарихчиларнинг ёзганига кўра, қадим даврларда ҳам бир сидра шундай ҳоллар юз берган экан. Ҳозир бўлса, бизлар бунини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Зарпечак суғориладиган, ўғитланадиган жойларда янада тез ўсгани каби аҳмоқлик ҳам баъзи ўқиган одамларнинг бошида ва сийнасида ўзига янада мустаҳкам жой топади. Бу ўқиган ва ҳатто ўзини муаллим деб атайдиган одамлардан шундай аҳмоқликлар чиқадики, жоҳилларнинг, нодонларнинг оғзи очилиб қолади. Иссиқ чойга хушингиз йўқми?

Алексей Осипович ўрнидан туриб, бошқатдан чой дамлади. Стаканларга чойдан қуйиб, ўзи ҳам ўтирди.

— Эразм Роттердамский ўзининг қизиқарли ва чуқур мазмунли китобида аҳмоқликнинг турли хил навларини тадқиқ этади. У, аҳмоқлик ҳам заминнинг ўртасидан ўсиб чиққан зарпечак каби ҳар хил бўлади, дейди. Лекин менинг назаримда аҳмоқликнинг ҳеч қандай тури ўқиган, билимли одамларнинг аҳмоқлиги каби зарарли бўлмаса керак.

— Чунки ўқиган одамнинг аҳмоқлиги бир нав чиройли либосга ўралган, ясанган бўлади, кўзни қувнатади, гаплари ёқимли бўлади. Одамни чалгитиб, алдаб қўяди.

— Бу хилдаги аҳмоқликни таниб олиш, асл моҳия-

тини билиб олиш осон эмас, у баъзан ҳақиқатга ҳам ўхшаб кўринади. Ҳолбуки, авом одамнинг аҳмоқлиги бирпасда кўзга ташланади, дарҳол сезилади, чунки унинг жозибали ва нигоҳни алдайдиган ҳеч нарсаси бўлмайди. У камбағал, латта-путтага ўралган бўлади.

— Авом одамдаги аҳмоқликнинг умри қисқа бўлади, ўқимишли одамдаги аҳмоқликнинг эса умри узун бўлади, яшовчан, таъсир кучи ҳам катта бўлади.

— Табиатан худбин ва кечил одамларнинг аҳмоқлиги айниқса зарарли бўлади. Бундай одамларни сўздан қайтариш, ҳақиқат томонига қайтариб олиш қийин бўлади. Улар куч ишлатиб, аҳмоқликларини ҳақиқат қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишади ва кўпинча шунга муваффақ ҳам бўлишади.

— Энг хавфли жойи шундаки, кимда-ким уларга қарши чиқса, айтган гапига шубҳа билдирса, ўшанга дўқ-пўписа қилиб қўрқитишади, унга «ҳап сеними» деб қўйишади-да, саводини ва билимини ҳийла ва тузоқ воситасига айлантириб, рақибларини маҳв этишга интилишади.

— Ҳа, пашшадан фил ясаш ҳам мана шундай одамларга хос хусусиятлардан бири. Улар, кўр каби тутганини қўйиб юборишмайди, сўзида маҳкам туриб олишади...

Семён Сидоровичнинг ҳаракатлари Сафарали муаллимга худди шундай аҳмоқликни эслатар эди:

— Мисол учун, бизнинг Семён Сидоровични олайлик!.. Жуда кулгили! Ўзини муаллимман деб юрган кап-катта одам ҳали она сути оғзидан кетмаган болаларни империя учун катта таҳлика деб гапириб юрипти-я! Ҳукм чиқариб, уларнинг жазоланишини талаб қиляпти-я. Бундан ҳам катта аҳмоқлик бўладими? Қанча ўйламай, бу аҳмоқликнинг асл сабабларини топа олмаяпман.

— Бу бир нав касалликдан бошқа нарсаси эмас,— деди Алексей Осипович.— Ҳа, касаллик, руҳий хасталик! Ўздан заифларга кучини кўрсатиш, уларни ҳафа қилишдан роҳатланиш, албатта, руҳий хасталик! Агар шундай одамлар давлат тепасига чиқиб олса, халқни фақат азоб-уқубатга солиб қўяди. Хўш, бу хасталик қайдан пайдо бўляпти? Ахир бу туғма хасталик бўлиши мумкин эмас-ку. Айниқса, Семён Сидорович каби баққуват вужудда...

Алексей Осипович хаёлга толди.

— Бойликнинг балоси!— деди бир оздан кейин.— Меҳнатдан, заҳматдан узоқ бўлган одамлар ҳамиша шундай бўлишади.

— Ҳа, майли... Ҳар қалай у ногирон, қалби ҳам, руҳи ҳам ногирон одам. Ўз тарбиясида бўлган болага кек-адоват сақлаш муаллимга муносиб ишми?!

— Ҳолбуки, муаллимлик ҳар нарсадан бурун меҳр-муҳаббат талаб қиладиган касб. Қайси миллатдан ва кимнинг фарзанди бўлишидан қатъи назар, муаллим дарс бермоқчи, тарбияламоқчи бўлган болаларини ўз фарзандлари каби севиши керак. Уларнинг муваффақиятига ва яхши ҳаракатларига севишиши, хато ва камчиликларини кўриб, қуйиши керак. Кин, гараз, аччиқ ва ғазаб муаллимлик билан чиқишадиган нарса эмас!..

— Семён Сидоровичнинг юрагида эса муҳаббат ўлган, ёмон туйғулар жўшиб яшайди. Шу даражага борганки, энг яхши уч ўқувчи мактабдан ҳайдалиши керак, деб турибди.

— Парво қилманг! Қуруқ гап, бир айтди-қўйди-да. Бир оз кайфи ошиб, ортиқ даражада қизишиб кетди. Педсоветда бунга йўл бериб қўймаймиз!..

— Бунинг уддасидан чиқолмай қоламизми, деб қўрқаман. Ахир ҳозиргина аҳмоқлик унинг сийнасида ин қуриб олган деб айтди-ку. Аҳмоқлик билан ақлли одамнинг фарқи шундаки, бири тортишув пайтида йўл қўйган ҳатосини тузатишга интилади, иккинчиси эса ўжарлик қилиб туриб олади. Оғзидан чиққан сўзнинг хато эканини сезса, ўжарлик қила бошлайди, айтганларидан қайтмайди, бу қилмишини тўғрисиўзлик, ҳатто мардлик деб ҳисоблайди!

Сафарали муаллим билиб гапирган эди. Семён Сидорович худди шу аҳволда эди. Аҳмоқона фикридан қайтишни истамас, ўжарлик билан олдинга интилар, томоғигача балчиқча ботиб кетаётганини сезмасди. Аниқроғи, отасига, давлатига, хуфия идорасига ишонар, ҳеч нарсадан қўрқмас эди. Миясига тўлиб қолган барча ғаразли ва ярамас ҳаракатларига қувват берадиган биргина: менга нима бўларди, мени нима қила олишарди, деган мантиқий асоси бор эди, холос!..

Лекин бу фикрни у сир сақларди, нақ юрагининг теран жойларида асраб юарди. Ярим тунда, фақат

ўзигагина бу сирни очиқ айтарди. Ташқарида, одамларнинг олдида бўлса, ҳужумкор ҳолатда юрарди. Токи пашшадан фил ясаганини кўриб, биров «бу фил эмас, пашша-ку!»— деб айта олмасин. Педагогик совет унинг айтганидек қарор чиқаришига ҳам у қатъий ишонарди. Кўзойнакли меҳмоннинг ҳам бу масалада унга ён босишига шубҳа қилмасди.

Горидаги ўша қоронги ва, соқит кеча аслида жуда ҳаяжонли ва азобли эди. Тонгнинг қандай бўлишини ҳеч ким аниқ билмас эди.

\* \* \*

Педагогик советнинг мажлиси ниҳоятда қизгин ўтди. Гори семинарияси тарихида жонли музокаралар, ҳароратли фикр алмашувлар билан ўтадиган педсовет мажлислари кўп бўлган эди. Навбатдаги мажлисни олдингиларидан фарқ қилдирган нарса унинг ниҳоят даражадаги кескинлиги бўлди. Бу кескинликни ҳаммадан кўп Семён Сидорович вужудга келтирди. У мажлисининг бошида ўзини жиддий тутди, ўзига ишончи баланд эканини намойиш этди. Ғалаба қозонишига, айтганини қийналмай амалга оширажагига шубҳаси йўқдай эди. Совет аъзолари ҳам унга бўлган доимий муносабатларини ўзгартирмаган, ҳатто бир оз қизиқиш билан қарардилар. Лекин нозирликка ёзилган мактуб ўқилганидан, унинг нутқини эшитганларидан кейин худди мушкул, огир, азоб берувчи бир тилсим олдида қолгандай бўлдилар. Секин-секин ҳаммалари қотиб қолдилар, қаҳрли кўзларини Семён Сидоровичдан олиб қочишнинг пайида бўлдилар. Волковни бу ҳол ҳам ўзига келтирмади, ўйлашга, ўзини қўлга олишга мажбур қилмади, ғазабини пасайтирмади. Аксинча, бир оз ғазаблантирди ҳам. У фақат уч болани мактабдан ҳайдашни таклиф қилиш билан, семинариянинг таълим-тарбия системасида, муаллимларнинг дарс бериш усулларида жиддий қусурлар борлигини таъкидлаш билан, империяга садоқат билан хизмат қиладиган, фидокор ватандошлар ўрнига «сувни булгатаётганлар», «тўполончилар», «иғвогарлар», «фикрни чалғитувчилар»ни етиштириб чиқарилаётганидан хавотирда эканини айтиш билан қаноатланмади. Муаллимларнинг ичида ҳам шубҳали, ишончсиз одамлар борлигига

ишора қилди. Бу шубҳаларини асослаш учун у Радишчев деган фамилияга жуда қаттиқ ёпишиб олди. Уни «давлатнинг, халқнинг, империянинг ғаддор душмани» деб атади ва Русиядаги ҳаёт кўнгилдаги даражада гўзал эканлигини гапирди. Радишчевнинг «таҳликали фикрлари»нинг яширин равишда ҳозирги вақтда семинаристлар орасида ёйилганлигини ва бу иш муаллимлар томонидан қилинаётганлигини таъкидлади. Шунинг учун ҳам «масалага жиддий ёндошмоқни, жиддий тадбирлар кўрмоқни» талаб қилди. «Семинариядаги ярамас гап-сўзларнинг илдизини топиш керак. Ҳамма нарсани илдиз-илдизигача очиб ташлаш керак, илдиз-илдизигача!» — деди у ўрнига ўтираркан.

Сафарали муаллим Семён Сидоровичнинг «илдиз» деган сўзни айтаётганидаги ҳолатини ҳеч унута олмасди. У, шаҳодат бармоғини очиб, ўнг қўлини кўтарган кўйи: «Илдизигача! Илдизигача очиб ташлаш бизнинг бурчимиздир!» — дер эди.

Шундан кейин ўқитувчилар кўзларини ундан олиб қочишнинг, совуқ ва номеҳрибон муносабатлари билан уни инсофли бўлишга мажбур қилмоқчи бўлганларининг фойдасиз эканлигини кўрдилар. Душманларча, кўзига тик қараб, очиқ ҳужумга ўтдилар. Унга ҳужум қилувчилар Волков кутганидек Сафарали муаллим билан Алексей Осиповичгина бўлмади. Ҳамиша шодхуррам, ҳамиша бир гапириб ўн куладиган ва ҳамма билан очиқ муомала қилишни яхши кўрадиган Сандро Эули сўз олиб, оёққа турди ва ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмай:

— Ҳурматли ва муҳтарам оғалар! — деди. — Бугунги кун семинариянинг тарихида унутилмас кун бўлиб қолади. Бугун халқ бизга ҳавола қилган улкан ва муқаддас ғояларни амалга ошириш йўлида, ҳеч бир иккиланмасдан кураш олиб боришимиз лозимлигини қайд этишимиз керак. Муаллим номига, муаллим шарафига доғ тушишига йўл қўймаймиз! Ҳурматли Семён Сидорович, сиз бу номга доғ туширишга қарор қилибсиз. Сиз болага доскада «тўғрилиқ ва номусли бўлиш инсоннинг кўркидир», деб ёздиргансиз, ўзингиз бўлса, бепарволик билан йўл қўйган хатоингизни тўғриламоқчи бўлган болага «баракалла!» дейиш ўрнига, ўша бола бечорани қийнов-қистовга олгансиз. Ҳозир бизни Радишчев билан қўрқитиб, шу билан ўзингиз-

**нинг шармандали хулқингизни ниқоблай олмайсиз. Сизнинг ўрнингиз семинарияда эмас!..**

Сандронинг нутқи барча ўқитувчилар томонидан «тўғри, тўғри!» деган сўзлар билан кутиб олинди. Семён Сидорович бир зумда бўшашиб қолди. Жонишинликдан келган кўзойнакли амалдорга қаради. Шу пайтда у амалдор ҳам ундан кўзини олиб қочиш пайида бўлди. «Оббо қўрқоқ тулки-ей!» — деб ўйлади Семён Сидорович.

Педагогик совет Волковга муаллимга хос бўлмаган ҳаракатлари учун ҳайфсан эълон қилишга ва бу борада жонишинликка расмий маълумот беришга қарор қилди. Семён Сидорович педагогик совет мажлисидан дами чиқиб кетган қоптокдек бўлиб, танҳо ўзи яккаможовдай чиқиб кетди. Ҳатто жонишинликдан келган озғин, кўзойнакли амалдор ҳам ўзини кўрмаганга солиб, орқасини ўгирганча бошқа ўқитувчилар билан гаплаша бошлади. Сафарали муаллим билан Алексей Осипович бўлса, бундай буюк маънавий ғалабадан руҳланган ҳолда биргаликда ташқарига чиқиб, сайр қила бошладилар.

Уларнинг иккаласи ҳам Гори шахрининг шоирона сокинлигини, унинг табиий гўзаллигини яхши кўришарди. Иккаласи ҳам шаҳарнинг ўртасидан ўтадиган ва ҳеч маҳал суви қуримайдиган дарёнинг қирғоғида айланиб юриб, унинг ҳазин шариллашига қулоқ солиб, ҳаёл суришни яхши кўришарди. Атрофдаги қиш уйқусига толган дарахтларни, туманга бурканган тоғ ёнбағирларини ва дараларини, сирли бир сукунат ичида мудраб ётган қишлоқ кулбаларини томоша қилишдан, уларнинг ҳеч қачон ўчиб қолмайдиган сирли қўшиқларига қулоқ солишдан асло чарчамасдилар. Лекин ҳозир буларнинг ҳеч қайсисини кўрмас, эшитмас эдилар. Қулоқлари тагида фақат Семён Сидоровичнинг «илдизига» деган бақириви янграб, ҳаёлларида шокосасидан чиққан шишадай ялтираб турган совуқ кўзлари, ундов белгисидай типпа-тик йўғон ва ёғли гавдаси жонланар эди. Бу гавда азбаройи ёқимсиз, ҳатто жирканч бўлганидан, муаллимларнинг ҳаммаси ундан юз ўгириб кетган эди. Уни кўрмасликка ҳаракат қилардилар. Биров китобга қарар, биров деразадан узоқ тоғларни, дараларни кузатар, учинчиси кўзларини қўлларидан, бармоқларининг учларидан олмас эди. Гўё шу пайтгача

ўқилмаган қадимий ёзувлар шу бармоқларга йигилиб қолганди-ю, шунини ўқимоқчи бўларди. Семён Сидорович муаллимларнинг бу совуқ нафратларини сезмай қолмади. Аксинча, сезгани учун ҳам баттар газабланар, ич-ичидан ўртанарди. Ўртангани сари ақли ҳам хиралашар, кин ва газаб ҳислари булут сингари кўтарилиб, идрокнинг олдини тўсарди. Аҳмоқлик шу даражага етиб борган эдики, у сиёсий демагогика билан, ўз касбини севган муаллимларни қўрқитиб, овозини ўчирман, деб ўйларди ва буни ўзи учун улкан ғалаба деб ҳисобларди. Шундай қилиб, ўзига қарши нафрат туйғуси билан яшайдиган мустаҳкам жабҳанинг пайдо бўлишига сабаб бўлаётганини тушунмасди. Бу жабҳа Сандро Эулининг сўзларида ўз кучини кўрсатди.

Сафарали муаллим билан Алексей Осипович хийла вақт бирон сўз демай, ёнма-ён ва сокит кездилар. Лекин бу сукутнинг ўзи маъноли эди, гапирарди. Уларнинг қалби бир хил ҳислар, бир хил фикрлар огушида гурсиллар эди.

— Салом, муаллим! — кутилмаганда дарёнинг қирғогидан чиқиб қолган тўрт бола уларни бу ёқимли сукутдан жудо қилди. Муаллимлар Жалилни, Наримонни, Тавфиқни ва Нодирни кўрганларида кўзлари янада қувнаб кетди, тўхтаб, болаларнинг хавотир ва савол тўла кўзларига қараб, умид ва тасалли бахш этувчи табассум билан юзларига кулимсирадилар.

— Боринглар, ишларингдан қолманглар, болалар! — Алексей Осипович қўлини Наримоннинг елкасига қўйди. — Яхшилаб ҳаракат қилинглар, яхши ўқинглар!..

Болалар ҳамма нарсани тушундилар, баҳор қуёшини кўрган қушлардай қанот қоқиб севина-севина дарёдан узоқлашдилар...

## САККИЗИНЧИ ФАСЛ

### 1

Йиллар ўтади, умрнинг шундай бир кунлари етиб келадики, Жаҳон хонимнинг кўзларидаги ёруғлик бутунлай йўқолади ва ҳар нарса унинг учун қоронғи, туманли бир парда билан қопланади. Ҳозир унинг ўзи-

га ва ҳатто четдан қараган кишиларга ҳам ҳеч қачон совимайдигандек бўлиб кўринган, томирларида югуриб турган қизиқ қон ҳароратини бутунлай йўқотади, лахта-лахта бўлиб қорая бошлайди. У замон Жаҳон хонимнинг бадани тез-тез увушадиган бўлиб қолади, оёқлари совуқдан қақшаб оғрийди, қалин юнг пайпоқ кийиб алангали бухорининг олдида ўтирса ҳам, болдирлари асло исимаиди. Уни кечагина телба қилиб қўяй деган ўтли эҳтирослар, чексиз ҳаваслар, ҳукмбардорлик, туганмасдай бўлиб кўринган ҳою ҳаваслар энди сушт, лоқайд, азобли ҳаракатлар билан алмашинади. У пайтда Жаҳон хоним кўп нарсаларни унутди, кўп одамларни танимай қолади, ёшликда қилган ишларини, кўрган нарсаларини тушларида ҳам кўрмайдиган бўлади. Тандирдай қизиган, икки одамнинг тўшагини ўт-олов билан тўлдирган муҳаббатдан ва қанча одамларнинг ҳаётини заҳарга айлантирган қаҳр-ғазабдан бир ҳовуч кул, яна ҳам тўғрироғи, туз-тупроқ қоришиб қотган бир парча кесак қолади. Лекин ўшанда ҳам бу кун қилган ишининг натижаси ҳеч қачон Жаҳон хонимнинг ёдидан чиқмайди. Зулмат билан қопланган ҳофизасининг қайсидир бурчакларида зиёсиз кечадаги йиртқичнинг кўзлари каби йилтираб, шалвираб қолган баданини дир-дир титроққа солади. Ўшанда Жаҳон хоним қоқсуяк бўлиб қолган жонсиз қўллари билан ҳеч қандай хино қорайтира олмаган оқ сийрак сочларини битта-битта юлади, чўкиб қолган кўзларини ишқаб-ишқаб йиғлайди. Лекин кўз ёшлари тириш-тириш юзига эмас, ҳали ҳам портламаган, турмушнинг ҳар турли зарбаларига бардош берган, бундан кейин ҳам бардош берадиган, кичкина бўлиб қолган юрагининг нақ устига тўкилади ва уни янада қаттиқроқ куйдиради. Аммо илож топилмайди!

Ўшанда Жаҳон хоним толедан шикоят қилади, фаллакка нима қилган эдимки, менга бунча зулм қилди, дейди. Лекин бир куни боши Шох тоғининг чўққиси каби оппоқ нуроний бир қария унинг оёқларига йиқилиб айтган сўзларини сира хотирлай демайди.

— Қизим,—деган эди қари чол,—Сулаймонга қолмаган дунё сизларга ҳам қолмайди. Бечора, ҳимоясиз одамларни эзишни бас қилинглар, ҳадеб инсофсизлик қилаверманглар. Буни қари дунё деб қўйибдилар, ёдларингда сақлангларки, у ҳеч қандай гуноҳни жазосиз

қўймайди. Аввал-охир ҳар бир одам ўз қилмишидан топади. Бун қилмиш-қидирмиш дейдилар. Нимани эксанг—шуни ўрасан, қизим. Бориб-бориб хонадонларингда бойқушлар увлаб ётадиган ишларни қилманглар!..

Ушанда Жаҳон хоним дадасининг икки баҳайбат хизматкорига нафратланиб буюрган эди:

— Нега мўлтайиб турибсизлар! Қувинглар бу бойқушни эшикдан!— Шундан сўнг у кенг бурма кўйлагини қилпиратиб, энди ўзиники қилиб олган, иккинчи қаватдаги пешайвонли, панжарадор ошёнага чиқиб кетганди. Бу ошёнанинг деворлари ҳамон Муҳаммад Ризобек билан Ҳури хонимнинг пок муҳаббатининг атирларини, кичкина Соҳибнинг кимсасиз ёлғиз она билан ўтказган кунларида чекилган изтироб ва ҳасратларни, Сафиқулибек қилган ваҳшийликларнинг изларини сақлаб келарди... Ушанда у бу кунларни эслай олмагани каби, кейин бориб шундай бўлиши мумкинлигини ҳам асло ўйлаб кўрмасди. Шунинг учун ҳам у ўзини тиймас, тиёлмас, кўнглига нима келса, шуни қилишда давом этарди.

— Ҳой қиз, анави бурчакдаги ўргимчак инини кўрмаяпсанми? Кўзинг кўрми, нима бало!— деб шифтни кўрсатди у Наргилага.— Яхшилаб тозала, чиннидай қилиб супур, бир ерда игна кўзидай чанг кўрсам, кунингни кўрсатаман, ўзингдан кўр унда!

— Бош устига, хоним!— деб жавоб берди шўх-шан, зийрак Наргила. Унинг ўйноқ кўзлари тилсим қуввати билан ёнарди. Наргила тўрт бурчакли кичкина курсининг устига чиқиб, шифтга бўйини чўзган эди, калта кўйлагининг кенг этаги тиззасидан анча юқорига тортилиб кетди. Қизнинг оппоқ бўлиқ болдирлари ярақлади. Енги то елкасига қадар шимарилган келишган қўлларини чўзиб, бурчакдаги ўргимчак уясини супурги билан тозалаб олиш учун оёғининг учига кўтарилганди, кўкраги олдинга қалқиб чиқди, нозик бели тортилиб, янада нозиклашиб кўринди. Қизнинг олмадай кўкраклари янада таранглашди. Жаҳон хоним унга ғаш ва ҳасад тўла кўзлари билан қаради: «Худо таоло гўзалликни улашганда кимга беришни билмай қолган экан-да!»— деб ўйлади.

— Вой, қуриб кеткур-ей, тушир этагингни, матоҳингни мунча очмасанг!— деди гижиниб Жа-

ҳон хоним.— Бўйинг етмаса, оёгингнинг тагига кат қўй.

— Жоним билан, хоним,— Наргила суяксиздай нозик бели ва латиф кўкрагини ўйнатиб дарҳол пастга сакраб тушди. Катни олиб курсининг устига қўйди, этагини атай юқори кўтариб юқорига тирмашди. Олпоқ болдири очилиб қолди. Яна белини тортиб, кўкрагини олдинга чиқарди-да, бурчак томон интилди. Фақат шунда Жаҳон хоним кимнингдир икки кўзи Наргилада эканлигини, Наргила бу адолари билан кимнидир сеҳрлаётганини ҳис этди. Орқасига ўгирилиб қаради ва нима дейишини билмай ҳайрон бўлиб қолди: Хоспўлат худди сеҳрлангандай икки эшикнинг ўртасида қотиб турарди. Унинг йирик қора кўзлари гўё сирларга тўлиқ бир гўзаллик, бир хазина топиб олгандай очилган ҳолда, ҳаяжон ва ҳирс билан Наргиланинг оппоқ оёқларига, диркиллаган кўкракларига тикилиб қолганди. Жаҳон хоним дарҳол ўйлади: «Кўзининг ёнишини қаранг тирмизакни! Эҳтиёт бўлиш керак!»

— Жоним тасаддуқ, Хоспўлатбек, бир нарса демоқчи эдингми менга? — деб сўради у ва Хоспўлатдан Наргилани тўсди.

— Йўқ, ўзим, ойи!—Ўғирлик устида қўлга тушган боладай, Хоспўлатнинг овози титради.— Наргила қачон менинг хонамни йиғиштиришини билмоқчи эдим. Балки ёрдам бериш керакдир?

— Ҳеч нарса керак эмас, ўғлим, сен бор, бобонг пойлаб ўтирибди. Қайтиб келгунингча ҳаммасини йиғиштириб қўямиз. Бу ерда нима қиласан? Бор, жоним тасаддуқ, бобонг кутиб қолмасин.

Наргила, Жаҳон хоним Хоспўлатни тўсиб олганлигини кўриб, жойини ўзгартирди. Энди Хоспўлат яна уни бемалол томоша қилиши мумкин эди. Ҳозир қизнинг кўзлари худди чироқ каби порлаб ёнарди. Бу кўзлар Хоспўлатнинг кўзларини ўзига тортар, шайтондай кулимсираб, уни қаергадир тинимсиз чорларди... Жаҳон хоним ўғлининг кўзларида яна янгидан учқунлар чақнаганлигини кўриб, қайрилиб елкаси оша қизга қаради; унинг бу қилиқларига чек қўйиш мақсадида унга аччиқланиб боқди. Лекин Наргила бунга ҳатто назар-писанд ҳам қилмади. Ўзини кўрмаганга, билмаганга солди. Қора малоҳатли кўзларини шу қа-

дар ширин-ширин ўйнатдики, сал бўлмаса Хоспўлатнинг ҳуши бошидан учиб кетай деди. Жаҳон хоним ўғлининг кўзлари ҳали шу пайтгача кўринмаган бир мубталолик ва ишқибозлик билан тўла эканлигини кўриб, ичида гурурланиб қўйди. «Мошаллоҳ, Хоспўлат катта йигит бўлиб қолибди!—деб ўйлади у.— Қизларни тоза куйдирадиган эр йигит!» Шу билан бирга кўнглида нотинчлик пайдо бўлди: ўғлининг юз-кўзларидан мутелик ёғиларди. Наргила ҳозир белидаги этагини ечиб, қўлидаги супургини бир чеккага отиб, (Наргиладан бунини ҳам кутиш мумкин эди) «кел олдимга» деса, бола қаерга демасин, унинг кетидан эргашиб кетган бўларди. Шу фикр бошига келиши билан Жаҳон хонимнинг қўрқувдан юраги увушиб кетди. «Вой, худо, бу шайтоннинг қизи болани тамомила сеҳру жоду қилиб қўйибди-ку!—деб ўйлади.—Онанинг худди ўзи, бундан ҳар нарсани кутса бўлади!» Жаҳон хоним Наргилага ўқрайиб, дарғазаб бўлиб қаради. «Ҳой қиз, аштархон мушуғидай нега болани тинч қўймайсан? Пастга туш, бор, кўзимга кўринма!»—деб бақириб бермоқчи бўлди. Лекин индамади. Наргила юз-хотир қилиб ўтирмасдан, юзига қараб туриб шартта бир нарса деб юборишидан чўчиди: «Бу қизнинг нима дейишини-ю, нима қилишини ҳеч қачон билиб бўлмайди! Тили пичоқдай ўткир. Яхшиси, билмаган кишидай бўлиб қўя қолай».

Ҳа, Жаҳон хоним шу дақиқада Наргиладан қўрққанчалик ҳеч кимдан, ҳатто Салим огадан ҳам қўрқмасди. Бунинг сабаби бор эди. Жаҳон хоним Наргила ҳам худди амакисининг ўғли Шўртон сингари дунёга сеҳр-жоду билан туғилганлигига ишонарди. Наргила ҳали туғилмасидан бурун жамоат орасида ғалати мишмишлар юрарди. Қорасочга ҳасад кўзи билан қараган етти ёт бегоналаргина эмас, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар ҳам Наргила жоду таъсирида туғилган деб ўйлардилар ва бунга росмана ишонардилар. Қиз дунёга келганидан кейин гап-сўзлар янада кўпайди. Одамлар қиз олти ойлик бўлиб туғилдими, тўққиз ойлик бўлиб туғилдими, аниқлай олмас, қачон онасининг бўйида бўлди-ю, қачон дунё юзини кўрди, бир худодан бошқа ҳеч ким билмайди, дер эдилар. Лекин Наргила Карим туякашнинг бешик кўрган биринчи қизи эканлигини ҳамма биларди. Яна тўғрироғи, у Каримнинг

тўртинчи фарзанди эди. Олдин туғилган чақалоқларнинг пешонасига умр ёзилмаган экан. Ҳусни тилларда дoston бўлган, бир қарашда одамларнинг ҳушини бошидан учирган Қорасоч уч марта ҳомиладор бўлди. Биринчи ҳомиласини олти ойга етар-етмас ўлик ташлади. Иккинчи ҳомиласи ҳам саккиз ой деганда ўлик туғилди. Шундан сўнг Карим туякаш мулла Самадга учрашди, учинчи болам тирик қолсин, деб ундан дуо ёздириб олмоқчи бўлди. Мулла Самад кўзойнагини тақиб, эски китобларни олдига қўйди. «Бисмилло!» деганича уларни ҳўп титкилаб чиқди. Лекин қаноатланарли бирон гап топмади. Карим туякашга йўлинг мабодо Хуросон томонларга тушса фалончи уламога учра, деди. У кишида ер юзид а яшаган тамоми бани башарнинг номайи аъмоли ёзилган китоблар бор экан. Карим туякаш имом зиёратига отланган карвонга сарбон бўлди. Хуросонга борган замонлари имомнинг қабрини қучоқлаб йиглади, талай назру ниёзлар қилди, сўнг мулла Самад айтган соч-соқоллари оппоқ оқарган мўйсафид уламони ахтариб топди. Уламо «ҳозир вақт нораво», деб у куни туякашни ноумид орқага қайтарди. Лекин жума куни оқшом пайти сахтиён жилдлик қалин китобларни олиб варақлади ва қайси биридан-дир Қорасочнинг дардини топди. Туякашга, сенинг катта бир гуноҳинг бор экан, гуноҳингни бир худо, бир ўзинг биласан, ўша гуноҳинг туфайли хотинингнинг пуштига бадбахт жин кириб олган, шу жин болаларни ҳомила пайтида бўғиб ўлдиради, деди.

— Қурбонингиз бўлай, айтинг, бунинг чораси борми? — деб сўради Карим ва қилган гуноҳларини бирма-бир кўз ўнгига келтира бошлади. Лекин қанча уринмасин, қайси гуноҳига кўра худонинг бунчалар қаттиқ қаҳрига йўлиққанлигини билолмади.

Уламо деди:

— Иложи шуки, назир-ниёз қиласан, дуо ёздирасан, пирларга ўқитасан. Шояд худовандо каримнинг раҳми келиб, инсу жинсларни бартараф айлағай...

Карим уламонинг айтганларини қилди. Хуросонда-ноқ учта дуо ёздириб олиб келди. Жума кечалари Қорасочга эзиб ичирди, имом Ҳусайн, ҳазрати Аббос номига назр қилди, хотинини неча пирларга обориб ўқитди. Лекин ҳеч нарсанинг нафи бўлмади. Учинчи ўгил ҳомила ҳам тўққиз ой деганда ўлик келди.

Қорасоч Наргилага ҳомила бўлганида ҳеч ким унинг бу боласи ҳам ўлик туғилишига шубҳа этмасди. Болаларнинг ўлик туғилишига ўзининг қилган гуноҳлари сабаб бўлаётганлигига чиппа-чин инонган Карим кечаю кундуз худога йиглаб ёлворар, Қорасочнинг атрофида парвона бўлар, унинг оғзидан чиққан ҳар бир нарсани дарҳол бажаришга интиларди. Унинг ҳар қандай эркаликларини кўтарарди. Кичиклигидан эрка ва танноз бўлиб ўсган Қорасоч эрининг меҳрибончиликларидан жуда ийиб кетган, эркаликни янада оширган, ҳаддан ташқари нозланадиган бўлиб қолганди. Наргила бўйида бўлган илк ойларидаёқ эрига қошқўзларини ўйнатиб:

— Ҳой дадаси, норинж егим келяпти!— деди. Эри хотин инжиқликни ҳаддан ошириб юбораётганлигини сезиб қовоғини солди:

— Ҳой, Қорасоч, бошқоронги бўлсанг, эвида бўл, топиб бўладиган нарсани тусасин кўнглинг! Қор бўралаб уриб турган бўлса, норинжни сенга қаердан топаман?

Тўғриси ҳам қишнинг айни чилласи, қор бўрони авжига чиқиб, борди-келдилар узилган бир пайтда бу ерларда наинки норинж, оллонинг анорию беҳисини ҳам топиб бўлмасди. Қорасоч эса кўнглим норинж тусайди деб туриб олди. Карим ҳам, бошқалар ҳам буни ёмон аломатга йўйдилар. «Бу бола ҳам ўлик келадиган кўринади».

Лекин худди мана шу кунларда шундай бир ҳодиса рўй бердики, Қорасочнинг норинж ейиш тилаги осонлик билан ҳал бўлди. Уч-тўрт кундан бери давом этган қор бўрони тиниб, кун чиқди. Ҳаво очилиши билан қор босган йўлларда чорбозорчи кўринди. Чорбозорчи билан бирга баланд-бўйли, кўркам ва жуда соғлом, шу билан бирга, кўриниши жуда ваҳимали бир дарвиш ҳам келди. Унинг бозор бошига келиб, баланд овоз билан «ёҳу-ув!» деб наъра тортиб, «ё Али!» деб нола қилганидаёқ ҳамма унинг оддий дарвиш эмас, сирри илоҳийга ошна, сеҳргар ва жодугар бир кимса эканлигига ишонч ҳосил қилди. Унинг ҳаддан ташқари йирик қора кўзларига тик қараб бўлмасди. Бу кўзлар гўё тилсим қувватига эга эди. Одамни галати қилиб қўярди. Шунинг учун ҳам Илёсбек сингари дунё кўрган, билимдон қариялар одамларга хотин-қизларинини

эҳтиёт қилинглар, улар дарвишнинг кўзига қарай кўр-масинлар, деб маслаҳат беришди. Қайси хотин бир зум бўлсин дарвишнинг кўзига қарайдиган бўлса, бир умр унинг асири бўлиб қолади, ҳеч қачон унинг банди балосидан қутула олмайди. Янги келин-кечаклар: мабодо сочингизнинг бир толаси дарвиш қўлига тушса, тамом — ҳалок бўласизлар, деб огоҳлантириб қўйилди. Дарвиш кетганидан сўнг бирон овлоқ дарада ўтириб жоду қилади, соч толаси арқонга айланади, у сиртмоқ бўлиб келиб, соч эгасининг бўйнига тушади, арқоннинг бир учи дарвишнинг қўлида туради, у соч эгасини қаерга етакласа, индамай кетаверади!.. Бундай ҳодисаларни бир неча марта ўз кўзлари билан кўрган кишилар ҳам топилди. Дарвишнинг қайси қишлоқда, қайси хотинни сочидан, қайси келинни кўзи билан сеҳрлаб олиб кетгани ҳақида қуръон номига қасам ичиб нақл қилганлар ҳам бўлди.

Дарвиш эса йирик қора кўзлари билан одамларнинг юракларига титроқ солиб, бозор бошидаги майдонда ҳар куни сирли, англаб бўлмас қўрқинчли нақллар сўйлар, «ё Али!» деб қичқирар, ёҳув солар, ҳар кеча бир ҳовлида меҳмон бўларди. У тунайдиган уй шомдан бошлаб одамларга тўла бошларди. Кишилар чордона қуришиб, бир-бирларига сиқилишиб ўтиришар, кўзларини дарвишнинг оғзига тикишиб, анграйиб, ҳайратга ботганча унга қулоқ осардилар. У бор давлатидан воз кечиб, темир асони қўлга олганча, бош яланг, оёқ яланг дунёни кезиб ҳақиқат ахтарган бекзодалардан, инсонлардан узоқлашиб, бутун умрини мағораларда кечирган, бир қултум тоза сув, бир бурда қотган нонга қаноат қилиб, қалин-қалин ҳикматли китоблар устида кўзларининг оқини йўқотган нуроний, доно, донишманд қариялардан ҳикоя қилиб берарди. Бизни қуршаган олам кўзга кўринмас турли жинлар ва шайтонлар, алвастилар ва ўлиқларнинг руҳлари билан тўлиб-тошиб ётибди, дерди. Тун яримдан огиб, одамлар уй-уйларига тарқалишгач, дарвиш уй ичида тек-танҳо қолар, гаройиб дуолар ўқир, уйда чақмоқ чақдирарди... Борган сари юракларида ваҳима ортиб бораётган қишлоқ одамлари ичларида тезроқ унинг бу ерлардан чиқиб кетишини тилашарди. Лекин ҳеч ким журъат қилиб унга бу ҳақда сўзламас, «бас, бўлди, дарвиш ога, марҳамат қил, энди бошқа қишлоқларга бор», деб

айтолмасди. Ҳамма унинг ранжишидан, қаргишидан қўрқарди. Ота-боболардан эшитган эдиларки, «дарвиш нафаси оғир бўлади. Дарвишни норози қилиб юбориш кесак эмас». Дарвишнинг қишлоқда туриб қолишини ҳеч ким истамасди. У келган кундан бошлаб одамларнинг уйқусидан ором кетганди. Одамлар бошини ёстиққа қўйиб, кўзини юмишлари билан ажойиб-ғаройиб тушлар кўра бошларди. Эрталаб кўплар бош оғригидан шикоят қилардилар. Баъзи одамлар дарвишнинг кўзларидангина эмас, бутун ҳаракатларидан ҳам илоҳий бир маъно ахтаришга мойил эдилар. Бу ерларда ўралашиб юрганида ҳам бир сир кўрадилар.

— Уни бу ерда тутиб турган нарса бор. Ўз ҳолича тургани йўқ. Кўарсизлар, ҳали бир иш чиқаради!— деб бошларини маъноли қимирлатар, кўзларини ўйнатар эдилар. Бир сўз билан айтганда, дарвиш бутун қишлоқни қоронғилик, сирли хаёллар, ваҳима билан тўлдириб юборганди. Уч одам бир ерга йиғилишиб қолса албатта дарвишдан сўзлаша бошларди. Гаплашганда ҳам пичирлаб гаплашардилар.

— Йил ўзи ёмон йил!— деб дарвишнинг келишини дунёда юз бериб турган бошқа ҳодисалар билан боғлайдиганлар ҳам бўларди.— Русияда қизил қор ёққан эмиш! Қизил қор-ей, қаерда кўргансан?

— Хуросонда имомнинг мақбараси қимирлаб кетганлигини айтмайсанми. Қабрдан бир сас келганмиш. Қурбони бўлай, Муҳаммад алайҳиссаломни чақирармиш...

— Фарангистонда ўнта хотин икки бошли бола туққанмиш. Худо кўрсатмасин-ей!

— Худо кўрсатмасин деганинг нимаси! Ҳаммаси парвардигори оламнинг иши, банда, бўлди энди, шунча йўлдан озганларинг етар; дин-имондан тойганларингга яраша жазо бераман, дейди. Ҳушёр бўл, кўзингни оч, ҳақ йўлига қайт!..

— Ким билсин, балки дарвишнинг келишида ҳам бир сир бордир!

— Албатта бор! Худди шунга ўхшаган, шундай чиройли дарвишлар ер юзига тушганмиш, улар ҳозир дунёни у бошидан-бу бошига қараб кезишаётганмиш... Ҳаммалари бир кунда, бир вақтда, бир соатда дунёга ўт қўйиб, ёндириб юборармишлар...

— Парвардигорим, ўзинг сақлагайсан!

Дарвиш ўзи ётган уйларда ҳар кеча ҳеч ким қолмагандан сўнг чақмоқ чақиши, ғаройиб бир нур билан уй ичини ёритиши одамлар ўртасидаги ваҳима ҳамда саросимани янада орттирганди. Ҳеч ким дарвишнинг дунёга қўядиган ўти унинг уйдан бошланишини истамасди. Шунинг учун ҳам ҳеч кимнинг дарвишга уйдан жой бергиси келмасди. Бу огир масалани фақат қуръа ташлаш йўли билан ҳал этардилар. Бешинчи кун деганда қуръа Карим туякашга чиқди. У кунботишга яқин дарвишни уйига олиб келди. Дарвиш намозгар бўлганлигини эслатиб, таҳорат учун сув сўради. Карим туякаш:

— Ҳой, ким бор? — деб чақирди. Ҳеч ким жавоб бермади. Яна чақирди. Яна жавоб бўлмади. Учинчи марта қичқирганида бошидаги рўмолининг учи билан юзини беркитган Қорасоч сариқ чойдишни сув билан тўлдириб олиб чиқди. Оҳиста салом бериб, дарвишнинг олдига қўйиб чиқиб кетмоқчи бўлган эди, худди ғойибдан узатилгандай бир қўл хотиннинг юзидан рўмолини кўтарди. Дарвишнинг йирик қора кўзлари Қорасочнинг кўзлари билан тўқнашди ва оҳанрабо каби уни ўз забтига олиб, турган ерига михлаб қўйди. Муҳаммад пайғамбар ўғил қилиб олган Зайднинг хотини Зайнабни ялангоч ҳолда кўриб қолган чоғда айтган сўзлари дарвишнинг ёдига тушди ва у баланд овоз билан деди:

— Фатабараколлоҳи аҳсанулҳолиқин! Бу ерда турма, бор, эй оллоҳнинг гўзал махлуқи. Сени тилсимдан озод қилдим. Бор ва шуни билиб қўйки, бу кеча мўминлар кечасидир, малаклар кўкдан ерга нур ташиб тушадилар ва ўша нур ичида сенинг юрагинг истаган матоҳ дастурхонинг устига келиб тушади...

Бу сўзларни дарвиш шундай бир ҳикматга тўлиқ қилиб, ғойибона сирга йўғрилган овоз билан айтдики, Карим туякаш ҳам, унинг хотини ҳам ўзларини йўқотиб қўйдилар. Уларнинг назарида дарвиш жонли одам эмас, оллоҳнинг ҳукми билан шаҳарларни, мамлакатларни кезиб, мўъжизалар ижод қиладиган, эҳтиёжмандларга мадад, гуноҳкорларга жазо берадиган одам шаклидаги руҳ, бир хаёл, қабрлардан юксалиб чиққан арвоҳ бўлиб кўринди. Ҳар икковлари қотиб қолган, яширин қўрқинч, ваҳима ичида дарвишнинг асрорангиз юзига, англашилмас, даҳшатли кўзларига.

тикилардилар. Шу дақиқаларда уларга дарвишнинг кўзларида зўр бир қувват борга ўхшаб кўринар ва мабодо ҳозир унинг кўзи тошга тушса, тош эриб кетадигандек туюларди... Эр-хотин ақллари йўқотиб қўйдилар, уларнинг бутун борлиқларини қўрқув ва даҳшат қоплади.

— Боринглар, энди кўзларимга кўринманглар!— дарвиш уларга эмас, худди кўзга кўринмас жинларга мурожаат қилгандай бўлди. Улар саросима ичида нариги хонага чиқиб кетдилар. Хотин рўмолини бошидан олиб, сўради:

— Бу нима ўзи, эй эр?! Қўрқиб кетяпман!.. Дамнинг уйига кета қолай...

— Ҳеч қаёққа бормайсан! Оллоҳнинг ҳикматлари га тушуниб бўлмайди, хотин!— Карим секин сўзлади.— Утир, кўрамиз, бошимизда яна нима бор экан. Тушимда ҳам раҳматлик бувимни кўрибман. У тушимга кирса ҳаммаша бир ёмонлик бўлади!..

— Нима деди? Нега тушингизга кирибди?

— Нима дегани эсимдан кўтарилибди. Раҳматлик бу дунёда қандай маҳмадона бўлса, у дунёда ҳам шундайлигича қолибди. Ҳеч тилини тиймайди. Мени шунчалар ҳам гуноҳкор қилдики... кўр бўлгур!

— Ундай деманг, ҳой киши, ўлган одам ҳақида ёмон гап гапирилмайди. Тилингиз куяди. Қандай гуноҳингиз бор эканки, юзингизга солади?

Карим шу қадар ўзини йўқотиб қўйган эдики, сал бўлмаса: «Эй хотин, оллоҳдан сир эмас, сендан нега сир тутай. Бир неча марта зино қилганман. Шайтон йўлдан оздирган эди, уй йиғиштиргани кирган хотинни ғарам тагига, ҳужрага, оғилхонанинг бурчагига олиб борган эдим. Бувим ҳаммасини юзимга солди»,— деб юборай деди. Фақат хотинининг кўзларидаги қўрқувни кўриб, индамай қолди.

Намоздан сўнг хотин шолчанинг ўртасига оқ дастурхон ёзди. Карим туякаш билан дарвиш кичкина юмшоқ кўрпачаларнинг устида ўтириб, болишларга тирсакларини суяганча оғир, кишини эзадиган сукут ичида шом қилдилар. Тўғрироғи, бу сукут Карим туякаш учунгина оғир ва эзадиган эди. Дарвиш эса бемалол ўтирарди. У ўзи бошлаган ишни кўнгилдагидай қилиб тугатмоқчи эди. Шунинг учун ҳам кўзлари ваҳима қўзғаб порларди. Шомдан сўнг туякашнинг уйига би-

рин-сирин одамлар йиғила бошладилар. Тўрда ўтирган дарвиш бугун ўзгача бир важд билан сўзлар, илоҳиётнинг шу қадар асрорангиз ҳодисалари ҳақида ҳикоя қилардики, сал бўлмаса унга қулоқ солиб ўтирганларнинг томирларида қонлари тўхтаб қолай дерди. Унинг сир-синоатга тўлиқ ривоятларида қодири қудратнинг ҳукми билан наинки битта-иккита одам, ҳатто бутун қабилалар ва халқлар тошга айланиб қолар, тошлар эса тилга кириб сўзлай бошларди. У олам-коинотда тош, тупроқдан тортиб, ҳаво ва юлдузларга қадар нима бўлса, ҳаммасининг руҳи ҳис қилиб, билиш қобилиятига эга бўлганлиги, лекин яратганнинг ҳикмати билан биз билмайдиган, англамайдиган бошқача бир тил ва йўсинда сўзлашлари ҳақида мароқ билан гапирарди. Уларнинг тилларини фақат халлоқи оламнинг ҳикмат эшиклари юзларига очилган камдан-кам одамларгина англай оладилар. Шунинг учун ҳам юзларига ҳикмат эшиклари очилганлар дунёнинг бу чеккасида ўтириб, нариги чеккасида рўй бераётган ҳодисаларни кўриб турадилар. Улар илми ғойибнинг кучи билан қимнинг юрагида нима борлигини бир қарашдаёқ билиб оладилар. Дарвиш шу ерга келганда сўзини тўхтатиб, ҳадеб безовталанаётган, ранги дам оқариб, дам бўзарган, соқолига оқ оралаган пакана кишига қараб деди:

— Эй, оллоҳнинг бандаси, тур, чиқ! Ўзингга азият берма, бор, дамингни ол!

Ҳалиги одам дарҳол туриб, ташқарига чиқиб кетганидан сўнг ўтирганлар дарвишнинг зеҳнига ҳайратланганча бир-бирларини туртиб, «воҳ! Воҳ!» дедилар. Кўзларини бир-бирларига маъноли қилиб ўйнатдилар. «Бу кишининг билмаган нарсаси йўқ, ҳар дарддан хабардор», деб пичирлашдилар. Шунга қарамасдан, ўзаро сўзлашганда бу дарвишда қўрқинчли бир нарса бор, дердилар. У сеҳргар жодугарларга ўхшайди, деб гапиришарди. Бу кеча туякашнинг уйида дарвиш уларнинг бу яширин ўйларида ҳам хабардор эканлигини билдириб, ҳамманинг ақлини шошириб қўйди.

— Эй, бадбахт авом!— деб ҳайқирди дарвиш.— Сен сийнасига уриб, қўлида кашкул ўйнатиб «Ё Али!» деб қичқирган одам дарвиш бўлади, деб енгил ўйлайсан. Сен билмайсан, асл дарвиш кулли мавжудотнинг сирларига ошнадир. Дарвиш деганлари ой нима, йил

нима — билмасдан, тиз чўкканча худога нола қилиб ёлворган одамдир. У муқаддас китобларга тикилатикила дунё сирларини англаган бўлади. Бандайн ҳақирки ҳузурингизда ўтирибман, ўн йил Нажафулашрафда, ўн беш йил Маккайн мукаррамада илм коҳинларидан ҳикмат дарсларини олдим, ўн йил Сино тоғининг ичида жинси башардан узоқ, оқ соқоли этагидан узун бўлган донишманд хожа дарвиш билан инзивога чекилдим. У ерларда кўрганим илоҳий сирлар ва мўъжизаларнинг мингдан бирини сизларга айтиб берсам, сочларингиз тикка-тикка бўлиб кетади!

Дарвиш саҳрода пайдо бўлган бир даста қароқчининг йўловчиларга қанчалар азоб-уқубат берганларини пайғамбар қабрига зиёратга бораётган туя карвонларини талаб, қирғин қилганларини сўзлаб берди. У ўша хожа дарвиш билан халқни қароқчилардан қандай қилиб қутқарганларини фасоҳат ва балоғат билан нақл қилди. Хожа муқаддас тупроқни у мурдорларнинг ҳаром қонлари билан булғашни истамасдан, тошдан қаттиқ бир дуо ўқиб, қароқчиларнинг бошларига уфурибди. Ўша онда қароқчилар самум ели учирган хазонлар каби ўринларидан кўчиб, туядай баҳайбат бир қора булутнинг устига бориб тушибдилар. Булут уларни сувсиз, оч эллар устида кездириб, мўъмин мусулмонларга кўрсатганидан сўнг, офтобда қора кўмирга айлантириб чиққач, дарё устига қўниб, наҳанг балиқнинг қорнида гойиб бўлибди...

Туякашнинг катта уйида одамлар остонага қадар зич тиқилишиб ўтирар эдилар. Шу қадар тиқилинч эдики, игна ташласанг, ерга тушмасди. Уй ичига ҳатто болалар ҳам тиқилишиб олишган эди. Улар ҳам миқ этиб овозларини чиқармасдан дарвишнинг ҳикояларига қулоқ осардилар. Уйнинг нариги томонида кампирлар, келинлар, қизлар бир-бирларига қисилишиб ўтирардилар. Олдиндан берилган хабарга кўра, кампирлар ва ўрта ёшли хотинлар олдинга ўтиб, келинчақлар ва қизларни тўсиб олган, дарвишнинг кўзи уларга тушиб қолишига йўл бермасдилар. Бугун дарвишнинг кўзларидан шундай учқунлар чақнар, овози шунчалар қудратли эдики, ҳатто кексалар ҳам унга қарашга қўрқиб, тез-тез кўзларини четга олардилар. Ҳушёр ва ҳассос одамлар эса дарвишнинг бундай жонланиб, бошқача бўлиб қолганлигини дунёга ўт қўйиш соатлари яқин.

лашганлигига йўяр ва қайси тоғда, қайси дарада яшиниш мумкинлигини чамалардилар...

Ниҳоят, кеча яримдан оққанида жамоат ўрнидан туриб, тарқалди. Карим туякашнинг хотини Қорасоч дарвиш ўтирган уйнинг эшигини очди. Уйнинг бир чеккасида қўлларини қовуштирганча фикрга толган эрига қаради. Эри боши билан чиқ деган ишорани қилиб, ўзи ҳам унинг ортидан ташқарига чиқмоқчи бўлганида дарвиш амрона товуш билан уларни тўхтатди:

— Карим оға! Менга ваҳий келди. Сенинг оилангнинг юрагига қаттиқ армон бўлиб қолган нарсаси бор экан, у нарсани бу ерлардан топиб бўлмас экан. Қани, хизмат бўлмаса анави хуржунни олиб бер-чи!

Эр-хотиннинг кўзлари ҳайратдан ола-кула бўлиб кетди. Карим индамасдан бориб бурчақда турган хуржунни кўтариб, дарвишнинг олдига келтирди. Дарвиш хуржунни очди. Унинг ичини анча вақт титкилади. Ниҳоят, хуржуннинг аллақайси кунжагидан иккита сариқ норинж чиқарди. Ўрнидан қўзғалаб, девор тоқчасига териб қўйилган чинни идишлардан бирини олди. Норинжларни идишга солиб, Қорасочга олиб келиб берди:

— Ол, эй оллоҳнинг гўзал махлуқи! Бу муборак диёрдан сенга ҳадя!..

Хотиннинг оғзи очилиб қолди. Карим шунчалар шошиб қолган эдики, нима қилишини билмасди. Дарвиш унинг назарида яна инсондан девага айланган, кўклардан ерга тушган қўрқинчли бир фаришта, қайси бир қабрдан тирилиб чиққан мурда эди гўё!.. Дарвиш ваҳима аралаш сирли қилиб сўйлаган ўша «муборак диёр» эса уларнинг назарида беҳиштдан бошқа нарсаси эмасди.

Хотин беихтиёр норинжни олмоқчи бўлиб қўлини чўзган эди, гойибдан бир қўл чўзилиб, унинг рўмолини тортди, рўмол сурилиб елкасига тушди. Хотиннинг буғдой ранг юзи, қора сочлари кўриниб кетди. Йирик шаҳло кўзлари қандай қилиб дарвишнинг чақмоқ чаққандай бўлиб турган кўзларига тушганини унинг ўзи ҳам билмай қолди. Карим алланима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. Лекин лаблари титраган бўлса ҳам, овози чиқмади.

— Карим оға, ўзингни қаттиқ қийнама!— дарвиш йирик, бақувват қўлини унинг елкасига қўйди.— Ёл-

ғиз яратган оллохға онт ичиб айтаманки, бу ердаги ҳамма гаплардан менинг хабарим бор. Қаллангдаги хаёлларни чиқариб ташла ва шуни ҳам билиб қўйки, даргоҳи илоҳий бу кеча сенинг юзингга очиқ. Қандай ният қилсанг, ўша ниятингга етасан. Кўкрагингда тугилиб қолган жароҳатларинг бугун битиб кетади. Истасанг, сен ҳам бир дўмбиллаган боланинг отаси бўлиб қоласан. Истайсанми?

Чироқнинг ёғи озайиб, шуъласи пасайиб, хира торта бошлади. Чироқ хиралашгани сари дарвиш ҳам кўлкага, хаёлий бир фаришта тусига кира бормоқда эди. Унинг овози худди нариги дунёдан келаётганга ўхшарди.

— Сендан сўраяпман, Карим ога, дўмбиллаган бир боланинг отаси бўлишни истайсанми?!— яна сўради дарвиш. Карим, ҳа, истайман, дейишга ҳўп уринди, лекин барибир лаблари қалтираб-қалтираб кетди-ю, лекин гапиролмади. Шунда Қорасоч жонҳолатда эрининг қўлларига ёпишди, гўё дарҳол жавоб бермай фурсатни бой берса, дарвиш руҳга айланиб, ҳавога учиб кетадигандай эди. Қорасоч титроқ товуш билан тезгина деди:

— Истайди, дарвиш бобо, истайди!— Қорасоч эрига қаради, у розими, йўқми — билмоқчи бўлди. Лекин, ҳайҳот! Кўзларини худди биров боғлаб қўйгандек эди. У кўзларини дарвишдан узолмай қолганди!..

— Мана бу ерга ўтиринглар, товушларингни чиқарманглар!— дарвиш уларнинг қўлларидан тутиб тўрдаги кўрпачанинг устига ўтқазди-да, пуфлаб чироқни ўчирди.— Қўрқманглар, мен энди бу ерга жинлар шохини чақираман. Унга амр этаман, она қурсоғидаги болаларни маҳв қилиб, уларга муттасил душманлик қилган бадбахт ажинани даф қилсин...

Дарвиш яна хуржуннинг ичини тита бошлади. У ердан нимадир олди. Қоронғида анчагача тимирскиланиб турди. Гугурт олиб, деди:

— Уч дафъа бисмилло денглар. Қўрқманглар. Қачон йилдирим чиқиб, чақмоқ чаққандай бўлса, билинглarki, ажиналар подшоси ўз қўшинлари билан уйга кириб келган бўлади.

Дарвиш ҳеч англаб бўлмайдиган сирли бир тилда тез-тез ғалати-ғалати қилиб сўзлаб, уйни чир айланар, дуолар ўқиб деворларга дам соларди. Кутилмаганда

унинг овози тинди. Гугурт чақди. Уй ичи пориллаб кетди. Дарвиш яна тушуниб бўлмайдиган сўзларни айтиб у девордан бу деворга сакрар, шуъла ҳам гув этиб у тарафдан бу тарафга ўтарди. Ниҳоят, дарвиш тўхтади.

— Илоҳи сенинг қудратингга минг шукур!— деб чироқни ёқди. Унинг пешанасидан тер қуйиларди. Кўзлари жанг майдонидан ҳозиргина чиқиб келган паҳлавоннинг кўзлари каби ёнарди. У шу ҳолатда жуда ҳайбатли кўринарди. Каримнинг тили танглайига ёпишиб қолган, унинг кўзларида даҳшат ва ҳайрат акс этарди. Лекин ҳеч нарсани кўрмасди. Қорасоч эса ҳамма нарсани кўриб турарди: вой, худойим-эй, бу дарвиш худди паҳлавонларга ўхшар экан-а!.. Унинг қўзларида куч ўйнаб турибди! Мунча оппоқ бўлмаса унинг қўллари... Худди ҳеч қачон кун юзини кўрмагандек.

Дарвиш шу пайтгача хуржуннинг ҳали ҳеч очилмаган, боғлаб қўйилган кўзини очди, икки кичкина стакан билан иккита худди ўйинчоққа ўхшаган кичкина кўзача чиқарди. Кўзаларнинг бири оқ, иккинчиси сариқ, оғзи тиқин билан маҳкамланган эди.

Дарвиш кўзаларнинг оғзини очиб, стаканлардан бирини сариқ кўзадаги шароб билан тўлдириб, Каримнинг олдига қўйди, оқ кўзадан қуйиб Қорасочга узатди.

— Ичинглар!— деди.— Ажиналар подшоси қадам босган уйда уй эгалари ақлдан озиб қолишлари ҳеч гап эмас. Телба қилиб чўлларга элтиб ташлайди. Ичинглар, ҳеч нарсадан қўрқманглар!— Карим нимадир демоқчи бўлди, лекин яна тили калимага келмади, шунда у ишора билан ўз муддаосини баён қила бошлади. Дарвиш унга кўмаклашди:

— Тилингни калолатдан халос қилдим, Карим оға! Қани айт, нима тилагинг бор?

Карим: «Бу нима ўзи? Мабодо заҳар эмасми?»— деб сўрамоқчи бўлди. Лекин шу заҳоти бундай деб сўраса, дарвишга хуш келмаслигини фаҳмлади ва бошқа нарса деди:

— Дарвиш бобо, бирдан ичиш керакми ёки қултумлабми?

Савол шу қадар аҳмоқона ва бемаъни эдики, Қорасочнинг кўзлари ўйнаб кетди, дарвиш қишлоққа келганидан бери биринчи марта иблисона қаҳқаҳа солиб кулди.

— Бирваракай ютиб юбор, Карим оға!

Дарвишнинг қаҳқаҳаси ҳам даҳшатли эди. Гўё тоғлар бир-бирининг устига мингашар, дараларда селлар шовқин солар, иблис кўкнинг еттинчи қаватидан ерга тушиб келарди.

— Ичинглар, тун ўтяпти, сўнг кеч бўлади!— дарвиш уларни шоширди.

Хотин Каримнинг ичишини кутиб турди, у стаканни бошига кўтарганидан сўнг, юзини четга буриб ўзи ҳам ичди. Каримнинг юз чеҳраси буришиб кетди, хотин эса дудоғини ялади. Карим ичган нарса заҳардан аччиқ, хотин ичгани шарбатдай ширин эди.

— Энди тур ўрнингдан, бориб ухла, ширин тушлар кўрасан!— дарвиш Каримни чиқишга ундади. Карим саволомуз назар билан бир хотинига, бир дарвишнинг кўзига қаради. Қулоғига: бекорчи шубҳаларни улоқтир, чиқ, кет, Қорасоч сен билан изма-из бу хонани тарк этади, деган овоз кирди.

Ростдан ҳам Қорасоч худди қўлка каби бирдан ғойиб бўлди. Карим ортиқ уни кўрмади. У фақат боши жуда огир тортиб кетаётганлигини, бўйни шилқиллаб тушаётганлигини сизди. У туртина-туртина хонасига қараб кетди. Нима учундир, деворга қисилиб олган Қорасочнинг юраги ҳаприқди, кўкрагида фавқулодда шодлик туйди. У ҳайрат тўла кўзларини дарвишдан узолмасди. Унинг ўзи билмасди, лекин кўзлари жозибдор ширин табассум билан тўлган... дарвишга қараб кулимсиради... Дарвиш эса жиддий ва кўркем бир ҳаракат билан унинг стаканини олди, уни оқ кўзадаги шарбатга тўлдирди, қандайдир тушуниб бўлмайдиган сўзлар айтиб, секин шимирди...

— Агар бошингга тушган бу балолардан бутунлай қутуламан десанг, менинг сўзларимга яхшилаб қулоқ солгайсан!— У шундай деб, Қорасочнинг оппоқ юмшоқ билакларидан ушлади. Қорасоч аллақандай илоҳий бир кучнинг таъсирида унинг тўшига суқилди. Шарбат таъсириданми ё бошқа нарсаданми, Қорасочнинг юзи, дудоқлари, кўзлари ўт бўлиб ёнарди. Дарвиш: «Сени сеҳр-жодудан қутқарадиган, тилсимдан халос қиладиган соат яқинлашяпти... Ўй-хаёлингни шубҳалардан, қўрқинчли ва қоронғи нарсалардан пок қил, хаёлингга фақат яхши нарсаларни келтир!»— деди-да, стаканни яна шарбат билан тўлдириб, унга оқис-

та-оҳиста ичирди. Бу сафар энди Қорасоч лабларини стакандан узганча чироқ ҳам хиралашиб, сўнди ва хотин аллақандай қудратли куч таъсирида ўзини дарвишнинг қучоғида кўрди, унинг дудоқлари дарвишнинг дудогига ёпишди. Дарвиш бу кўйлак остида ақл бовар қилмас даражада ҳароратли бир юрак яшириниб ётганлигига ҳайрон бўлиб, Қорасочни ечинтирди, янги соллинган ўринга ётқизди...

Тонг отиб, Карим кўзларини уйқудан очганида ёнида ётган Қорасочни кўриб, кўзларини уқалаб унга қаради:

— Ҳой, Қорасоч, роса ширин тушлар кўрибман бугун. Бошим атрофида малаклар ва ҳурлар айланиб юрганмиш. Бу сафар энди бизга худонинг раҳми келганга ўхшайди!— деб қўлини Қорасочнинг юмшоқ қорнига қўйди.

Қорасоч унинг бағрига суқилди.

— Менга ҳам шундай туюляпти, Карим!.. Фақат шуни билиб қўйингки, унинг бирон ери дарвишга ўхшаб кетса ажабмас.

— Биладан,— деди Карим хотинини бағрига босиб.— Биладан, хотин бошқоронғи бўлган нарсасини кимнинг қўлидан олса, бола ўша одамга ўхшайди.

...Дарвиш беш кун қишлоқда қолди ва беш куннинг барини бошқаларнинг навбати келганига қарамай, туякаш Каримнинг уйида ўтказди. У ҳамманинг кўзи ўнгида тўрвасидан турли-туман шифобахш ўт-ўланларни чиқариб, дори-дармон тайёрлар ва кунда уч марта Қорасочга ичирарди. Бундан ташқари, бир неча марта дуо ёзиб сувга оқизди, яна дуо ёзиб, уч йўлнинг ўртасига кўмишга буюрди, яна бир дуо ёзиб Карим туякашга берди. Фалон тоғнинг тепасида фалон мағорада фалон тош бор, шунинг остига бостириб кел, деди...

— Бундан буён бу шўрлик хотинга ҳеч қандай ажинанинг ҳунари таъсир қилмайди, у нобакор иблис ҳам буткул қочиб кетди!— деб ҳайратдан кўзлари катта-катта очилиб кетган қўшни хотинлар қошида Қорасочнинг кўнглини кўтарди, уни хотиржам қилди.— Иншоолло, бу бола соғ-омон дунё юзини кўради, ундан кейин ҳам қанча фарзанд истасанг, шунча кўрасан!— деди-да, шу билан қишлоқни бутунлай тарк этди.

Ростдан ҳам ой-соати яқинлашиб, Наргила дунёга келди. Қўл-оёғи соғ, жони саломат, рисоладаги чақа-

лоқ дунёга келганлигини кўриб қўшни хотинлар дарвишнинг жодугар эканлигига чиппа-чин ишондилар. Бу боланинг ўзи ҳам сеҳр-жодудан холи эмас, у ҳали кўп кароматлар кўрсатса керак, деб бичиб-тўқий бошладилар. Бундай гаплар шунчалар кўп айтилар, оғизлардан оғизларга кўчиб юрар, турли далиллар келтирилар эдики, Карим туякаш ҳам, унинг хотини Қорасоч ҳам Наргилага фавқулодда бир мавжудотга қарагандай боқар, назарларида унинг ичида шайтоний бир куч яширингандай бўлиб кўринарди. Наргиланинг ҳаётида ҳам жуда кичкиналигидан бошлаб шундай нарсалар юз бермоқда эдики, оғизларда юрган бу мишмишлар ва эҳтимолларнинг ҳақиқат эканлигига шубҳа қолмасди... Қишлоқнинг барча чақалоқлари дунёга ингалаб, кичқириб келганлари ҳолда Наргила туғилганида заиф бир товуш чиқарган ва шу билан жим бўлган, сўнг кўзларини атрофга жавдиратиб тиккан эди. Бошқа болалар олти-етти ойлик маҳалида зўрга ўтириб, эмаклай бошлаганлари ҳолда, Наргила оёққа босиб атак-чечак қила бошлади. Бир яшар бўлганда унинг тили чиқди, чулдираб гапира бошлади. Ҳар нарсага қизиқадиган қўшни хотинлар боланинг қўл-оёқларини ушлаб кўришар, юз-кўзларини, бутун жуссасини кўздан кечиришарди. Наргиладан сеҳр-жодунинг изларини ахтарар эдилар, олтинчи бармоқ, қуйруққа ўхшаган бир нарса топмоқчи бўлардилар. Шунинг учун гўдакнинг у ёқ-бу ёғини ўгириб кўрар, фавқулодда бир нима излардилар ундан. Ҳатто товонларининг тагига қараган пайтлари ҳам бўларди. Хотинлардан бири боланинг ўнг жимжилогидан ушлаб кўрди:

— Вой, бу қиз олти бармоқли бўладиганга ўхшайди. Қаранглар!

Бошқа хотинлар боланинг қўлларига диққат билан разм солишиб, буни тасдиқлайдиган бирон аломат кўрмадилар ва бошларини чайқадилар. Бошқа бир хотин боланинг орқасини кўрсатди.

— Вой, ўлмасам, бу ҳали дум чиқармасайди. Бир қаранглар. Худди кучукнинг орқасига ўхшайди.

Бундай сўзларнинг барига чидаган Қорасоч шунга келганда чидай олмади, сабри тугади. Қизариб-бўзариб, болани бағрига тортиб, қучогига яширди.

— Худо думни бизга ёмонлик тилаганларга берсин!— деди.

Лекин барибир хотинларнинг пичир-пичирлари бо-силмади. Дарвиш ҳақида ҳеч ақлга сиғмайдиган уйдирмалар тўқиб чиқара, унинг Каримларникида бир неча кун қолиб кетганига энди ўзгача маъно бера бошладилар.

— У жодугар Қорасочни тилсимлаб кетганга ўхшайди. Агар хоҳласа, ҳозирнинг ўзида ёнига чақириб кетади...

Баъзилар чиндан ҳам дарвиш Қорасочга ўхшаган чиройли жувонларни жоду қилиб олиб кетади деб ишонардилар. Шунинг учун ҳам ҳар куни эрталаб уй-қудан кўзларини очганларидан сўнг Карим туякашнинг уйдан хабар олишни унутмасдилар. Лекин дарвиш шу кетганича кетган, ундан дом-дарак йўқ эди. Қорасоч эса кетма-кет яна икки фарзанд кўрди. Уларнинг бири қиз, бири ўғил эди.

— Бунинг бахтини қаранглар, худди келишгандай, нуқул бир ўғил, бир қиздан туғади!— деб одамлар шуни ҳам гапирардилар.

— Лекин болаларининг ҳеч қайсиси Наргилага ўхшамайди. Уни худо бешқача қилиб яратган.

— Нега худо дейсан, шайтон десанг-чи!

Мана шундай ақидада бўлганлар Наргилани кузатишни қўймас, у қачон дум ёки бармоқ чиқараркин, қачон оғзи қийшаркин, деб пойлаганлари пойлаган эди. Қизчанинг навраста бўлиб, чиройи очила бошлаганлигини, нафис, нозик қош-кўзлари, малоҳатли чеҳраси тобора жозибадор бўла бораётганлигини кўриб, ғийбатчилар дарвиш нафаси ўткир аллома, сеҳргарларнинг сеҳргари экан, унинг нафаси Наргиланинг зуҳуротига ўз таъсирини ўтказган, дейишга тушдилар. Улар Наргиланинг руҳий ҳолатларини ҳам дарвишнинг таъсиридан кўрардилар. Мана шу фикрга келганларидан сўнг бошқаларнинг ишига аралашини, ўзга одамларнинг қисматлари ҳақида фол очишни, ҳадислар айтмоқни жонларидан ҳам яхши кўрган хотинлар энди Наргиланинг ташқи кўриниши ҳақида эмас, ички дунёси тўғрисида тинмай гапира бошладилар, унинг қандай сўзлашига, қандай қилиб кулаётганига, хатти-ҳаракатларига, феъл-атворига эътибор бердилар, бу нарсаларда ҳам сеҳр-жодунинг аломатлари кўзларига кўрингандай бўлди. Наргиланинг тугилган чоғда кўзи очиқ бўлганлиги, олти-етти ойга тўлмасдан юриб кетганлиги-

ни, бошқа болаларга ўхшаб бақириб-чақириб йигламаганлигини, кечаси ухлаган чоғларида бирдан бақириб юборишларини, бошида онасининг кўкрагини оғзига олмаганлигини ва ҳоказо ва ҳоказоларни бирмабир хотирлаб, бармоқларини дудоқлари устига қўяроқ бир-бирларига маъноли-маъноли боқишарди.

— Буларнинг ҳеч қайсиси сабабсиз эмас... Буларнинг ҳаммаси ўша шайтоннинг, жодугарнинг иши!

— Мана мени айтди дерсиз, бу қиз бир кунмас бир кун ё телба бўлиб тоғ-тошларга чиқиб кетади, ё жодугар бўлиб ҳаммани хонавайрон қилади!

Бола экан, Наргила мана шу тахлитда давом этган гийбатлардан бутунлай беҳабар ҳолда ўсди, оёққа босди, тилга кирди, сўзни тушунадиган бўлди. Сўз тушунадиган бўлганидан сўнг тез-тез қулоғига чалиниб турадиган бу узунқулоқ гапларнинг маъносини англай олмади. Фақат хотинлар ўзи ҳақида сўзлаганларида уларнинг кўзлари совуқ йилтираганлигини сезадиган бўлиб қолди. Бир куни у онасининг бағрига суқилиб, ундан сўради:

— Она, жоду нима дегани? Нега мени жодугар бўлади дейишади?

Бу саволдан онанинг қалби шунчалар оғридики, қўрқиб кетиб, дарҳол қизини маҳкам бағрига босди, унинг юз-кўзларидан эркалаб ўпди, ўзининг ҳам юрагини хира қилган шубҳаларни бирваракай ютиб, деди:

— Сен унақа гапларга қулоқ солма, қизим, буларнинг ҳаммаси бекорчи гаплар. Ичи қора одамлар шундай дейдилар.

— Ичи қора деганингиз нима, она?

Қорасоч ичи қоралик нима эканлигини унга тушунтирди, сўнг эртақ сўйлаб берди, кейин ҳазин ва ширин алла айтиб, уни ухлатиб қўйди. Наргила онасининг айтганларини қилиб, хотинларнинг гап-сўзларига эътибор бермайдиган бўлди. Кейин-кейин у бунақа гапларга ўрганиб кетди. Совуқ тушган чоғларда қоп-қора булутларга, чанг-тўзон кўтариб учган қаттиқ шамолларга қандай қараса, хотинларнинг миш-мишларига ҳам шундай қарайдиган бўлди. Албатта, гапдон хотинлар буни ҳам секр-жодуга жўяр эдилар ва вақт-бевақт гийбат қилишдан огизларини тиймасдилар. Улар башараларига ваҳимали тую бериб, қизча олдида қўрқинчли нарсаларни сўзлайверишарди. Бу гап-

ларни бошқа бола эшитса, ақли шошиб, тентак бўлиб қолиши ҳеч гап эмасди. Бу гаплардан ақлни йўқотмай, телба бўлмай қолиш амри маҳол эди. Лекин Наргила телба бўлмади, телба бўлиб қолмаганлигига эса Қорасоч сабаб бўлди. Қорасоч боласи ўлик тугилгандан сўнг омон-эсон дунё юзини кўрган, соғ-саломат вояга ета бошлаган, ҳаётини чексиз қувончлар билан тўлдирган Наргилани шунчалар яхши кўрардики, мабодо унинг жонида бир эмас, минг шайтон уя қуриб олган тақдирда ҳам уни заррача камситишга йўл қўймас, уни деб ўзини ўтга-чўққа уришга тайёр эди. Бу тенгсиз, бетимсол она муҳаббати Қорасочнинг кўкрагидаги сут билан бирга Наргиланинг томирларига ёйилган, бир дафъага бўлсин, шунчалар қудрат билан ўзини намоён қилган, унинг юрагида абадий сир бўлиб қолган муҳаббатдан туғилган ҳаётий кучларни ҳам унинг қонига сингдирганди. Наргилада гўдаклик чоғларидан бошлаб тупроққа, қуёшга, гуллар, чечакларга, очиқ кўкларга, яшил дала, чаманларга, бепоён чўлларга, анвойи оғочларга, ойга, юлдузга, самимий табассумларга, қийқириб ўйнаган гўдакларга, эчкибузоқларга, қўй-қўзиларга, ит-мушукларга фавқулодда бир муҳаббат бор эди. Наргила кеча-кундуз ҳаводан, қуёшдан, тупроқдан ажиб, эъжозкор ширалар олиб униб-ўсган, ҳидлаган одамни беҳуш қилиб қўядиган атир ва таровати билан хасталарга дармон бўладиган, яраларга малҳам қилиб қўйиладиган шифобахш гиёҳларга ўхшарди. Наргила ҳаётдан ва ўзига дуч келган одамлардан фақат яхши сифатларни ўзлаштириб оларди. Унга заррача ёмонлик, ярамас нарсалар яқинлаша олмасди. У тўрт-беш яшарлигидаёқ гап-сўзлари, ҳаракатларида шундай соғломлик ва поклик, беғуборлик кўринардикки, яхши одамлар бундан ҳайратга тушардилар, уни мақтаб дуо қилардилар:

- Мунча яхши қизча экан!
- Ғунчадай атир сочиб туради-я!
- Бўйига қаранг, ақлини кўринг бун!
- Бошқаларга ўхшамайдиган антиқа қиз!

Наргиланинг болаларча шўхлиги, поклигига бошқача кўз билан қараган кишилар эса, бекорчи гапларни сўзлардилар:

— Ёмон бало бу қиз! Бунинг тузоғига илинган омон чиқмайди!

Наргила бундай сўзларни эшитганида нозик лабларини буриб, кичкина бурнини жийриб, ё келин-келин ўйнагани чопар, ё товуқ-жўжаларни қувлаб кетар, ё болаларга қарашарди. Бошқа пайтларда эса, эснаб, хурмо тусли жингалак сочларини онасининг тиззаси устига ёйиб, сокин ухлаб қоларди... Инсофан айтиб қўййликки, Карим туякаш ҳам Наргилани Қорасоч каби яхши кўрар, эркаларди. Қизча тўрт ёшга тўлганда узоқ Карбало зиёратидан қайтган Карим туякаш жуда чиройли совгалар билан бирга Наргилага қуш ва ҳайвонларнинг ажойиб суратлари чизилган антиқа бир китоб ҳам олиб келди. Бир олим бу китобни бериб: «Жондан азиз қизингга олиб бор, мендан унга совға бўлсин», деган экан. Наргила бу китобни қўлидан қўймас, унинг гўзал суратларига тикилгани тикилган, суратлар тагидаги ёзувларни отасига ўқитиб оларди. Кечаси уйқуга ётганда ҳам у китобни ёстиғи тагига қўйиб ухларди.

— Худойимга ёлвораман, эртага эрталаб ўрнимдан турганимда бу китобни ўзим ўқийдиган бўлай! — қизчасининг бир гал шундай деганини эшитиб Карим туякаш жуда галати бўлиб кетди ва:

— Эртадан бошлаб ўзим ўқишни ўргатаман! — деб кўнглига тугиб қўйди.

Лекин Карим туякаш уч кун уйда бўлса, уч ой чўлларда туянинг белида бўларди. Шунинг учун ҳам, учтўрт ҳарфни ўрганиб олмасларидан сафарга чиқадиган пайт келар, дарс яна чала қоларди.

Ҳикоямизнинг воқеаси рўй бериб турган замонларда «мусулмон миллатининг орқада қолганлиги», ҳатто «ваҳшийлаша» бошлаганлиги ҳақида Лондонда, Парижда, Тифлисида ва Петербургда, бошқа ерларда чиқадиган газеталар очиқ ёзарди: тез-тез турли-туман сайёҳларнинг, давлат хизматчиларининг, «Кавказни ўрганувчи жамият» аъзоларининг мақолалари, хотиралари босилиб чиқар, уларда мадрасаларнинг, эски мусулмон мактабларининг замонадан жуда орқада қолиб кетганлиги, болаларга фойдасиз билимлар берилаётганлиги, улар бидъат ва хурофот ботқоғига ботирилаётганлиги танқид қилинарди. Уша пайтларда жамоат ўртасида бундай гап юритиш шунчалар одат тусига кирган эдики, ҳатто жоҳил ва нодон бойлар, мутаассиб муллалар ва сайидлар бирор мажлисда ўтирган-

ларида мусулмонларнинг орқада қолганлигидан, жаҳолатга ботганлигидан сўзламоқни ўзларининг ватанпарварлик бурчлари деб билардилар. Аслида бунини ўзларини кўрсатиб қўйиш учун қилардилар. Лекин газеталарда ёзилган сўзлар билан буларнинг айтаётганлари орасида ер билан осмонча фарқ бор эди: газеталар «мусулмон миллатининг нажотини» европача мактаблар очишда кўрсалар, бойлар ва муллалар ундай мактабларни куфр ва динсизликнинг уяси деб билишар, бундай мактаблар эслатилганда сочлари тикка бўларди. Мана шунинг учун ҳам бир куни Илёсбек мулла Самадни ўз ёнига чақириб, шундай деди:

— Ўзгаларки, биз мусулмонларнинг ҳолига йиғлаётган экан, биз ўзимиз ҳам кўз ёши тўкайлик! Бунинг маъноси нима? Нега сиз кутиб ўтирибсиз? Нима, бошига шапка кийганлар, тўнғиз гўшти еб, ароқ ичганлар келиб мактаб очишларини пойлаяпсизми? Болаларимизни уларнинг қўлларига топширмоқчимисиз? Қачон қимирлайсиз?

Мулла Самад дарҳол ўзининг нима қилиши кераклигини англади ва ишга киришиб кетди. Илёсбек айириб берган кичкинагина бир уйчада мактаб очди ва бекнинг кўрсатмаси бўйича ўттизтача бола йиғиб, уларга савод ўргата бошлади. Биринчи дарсларни «Қуръон»дан ўтдилар. Мактабга қатнаётган болаларнинг бештаси Карим туякашнинг ён қўшнилари эди. Карим зиёратдан расмли китоб олиб келган пайтда бу болалар «Гулистон»ни ярмигача ўқиб тугатган эдилар. Отаси яна сафарга кетганидан сўнг болалар билан ўйнаб юрган Наргила бирдан ниманидир эслаб, уйга югуриб кетди ва расмлар солинган китобни олиб чиқиб болаларга кўрсатди. Болалар бу китобни шариллатиб ўқиганларини кўрган Наргила:

— Менга ҳам ўргатинглар!— деди. Шунда болалар унга ҳарф ўргата бошладилар. Шу тариқа ҳар куни бирга ўйнаб юрар эканлар, улар Наргилага ўзлари билмаган ҳолда савод ўргата бошладилар.

Қорасоч кунлардан бир кун Наргила китобнинг қарерини очманг шу еридан равон ва шариллатиб ўқийдиган бўлганлигини сезиб қолди. Уч ойдан кейин сафардан қайтган отаси хотинининг сўзига, ундан сўнг ўз кўзларига ишонмади. У Наргила китоб саҳифаларини очиб бийрон-бийрон ўқиб бераётганлигини кўргач,

ўйга толди: «Воллоҳ, бу каромат! Ишқилиб охири-ни худо хайрли қилсин!»

— Худо хоҳласа, албатта, ҳаммаси хайрли бўлади! Бу ўзимнинг гул қизим-ку!— она отанинг кўнглидан кечган қоронғи ғашликни қувгандай бўлди. Лекин қўни-қўшни хотинлар шуни ҳам гап қилдилар:

— Боланинг юрагига кириб олган ажина ана энди ҳунар кўрсата бошлади! Бўлмаса тўрт яшар бола қаерда-ю, китоб ўқиш қаерда? Мўйлови чиққан болалар ҳам ҳали ўқиётгани йўқ.

Бу гаплар ота-онанинг ҳам қулоғига етар, уларнинг кўнгилларида хавотирли шубҳалар уйғотарди. Лекин уларнинг юракларида муҳаббат доим ғолиб келар ва улар бундай гап-сўзларни эътиборга олиб ўтирмасликка ўзларини ўргатган эдилар. Ҳамма нарсaga кўникадиган инсон бора-бора бу ғийбатларга ҳам кўникди...

— Худонинг буюргани бўлади, ортиқ ҳеч нарса бўлмайди,— деб улар Наргилани муҳаббат билан тарбиялаш ва парвариш қилишда давом этардилар.

Наргила эса катта бўлгани сайин зийраклашиб борарди. У жуда ҳушёр ва чаққон қиз бўлмоқда эди. Ўн уч-ўн тўрт ёшларида уй ишларини онасидан ҳам кўра яхшироқ уддалайдиган бўлиб қолган, мол-ҳайвонларга қарар, оқшом тушган чоқларда эса Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» деган китобларини ўқиб, онасига нақл қилиб ўтирарди. Наргила саккиз яшар бўлганида мулла Самад яхшигина ҳақ эвазига унга форс тилини ўргатган эди. Форс тилини ҳам қизча худди алифбени ўргангани каби осонлик билан ўзлаштириб олди. У Саъдийнинг ибратомуз ҳикоятларининг жуда кўпини ёддан биларди. У ўзи тенги қизлар, болалар билан бирга ўйнаган пайтларида болаларнинг ундан айрилгилари келмас, шўх-шаддод болалар ҳам унга тегажаклик қилишга журъат етолмас эдилар. Наргила билан тенгдош ва ҳатто ёши ундан каттароқ бўлган қизлар болалардан қўрқиб ўзларини четга олиб, уларни кўрган пайтларида қўрқиб-пусиб турганлари ҳолда, Наргила бўртиб кела бошлаган кўкрагига, тим қора сочларига қўл теккизишга журъат этган болаларнинг қўлларига чунон урар эдики, шу билан улар мўмин-қобил бўларди-қоларди.

Хотинлар эса буларни кўриб, яна ўз гапларидан

қолмасдилар. Шунинг учун ҳам Наргиланинг барча тенг-тўшлари уй-жойли бўлиб кетишган, у эса бўй етган, малоҳатга тўлган, йигирма ёшга етган бўлишига қарамасдан, шохида туриб қолган ўрик каби ҳамон отасининг уйида эди. Ўзига тўқ, муносиб одамлар уни ўз хонадонларига келин қилишга, тўғрисини айтганда, бир қадар чўчир эдилар. Улар хонадонларига инс-жинслар оралаб қолишидан жуда қўрқардилар. Бошқа бир турли хонадонлар эса Наргилани менсимас, уни ўзларига тенг кўрмас, остоналарига яқин йўлатмас эдилар. Наргила ҳали ҳаётда дард-алам нималигини билмасди, шунинг учун ҳам жамият ўртасидаги бундай гапларни юрагига яқин олмас, улардан ранжидмасди. Шундай бўлиб қолган эдики, у сеҳр-жоду деган нарсага ишониб, уни ўзларига муносиб кўрмаганларнинг ҳам, ёхуд уни пастроқ билиб, бутун хонадоннинг хизматини, мол-қолга қарашни унга топшириб қўймоқчи бўлиб юрганларнинг ҳам устларидан куларди. Шу билан бирга, Хоспўлат каби эрка ўсган бой-ваччаларнинг ўзига нисбатан жуда бошқача муносабатда бўлаётганларини кўриб, атай ноз-ишва қила бошлар, ўзининг бутун сеҳркор гўзаллигининг кучини ишга солар, уларни ўйнатиб, телба қилишдан лаззатланар, ҳар қадамда хотин-қизларни пастга уришга ҳаракат қилган, уларга менсимай қараган эр йигитларнинг бўйинини букиш, уларни оёғи остида кўришдан роҳат оларди. Жаҳон хоним соддагина бир қиз боланинг ҳаёлига шунча макрлар келиши мумкинлигини ҳатто калласига ҳам сиғдирилмасди. У Наргиланинг шўх-шан ҳаракатларига, очиқ-сочиқ юришларига бутунлай бошқача маъно берарди. «Худо кўрсатмасин, бу қиз оловдай, кимга яқинлашса шуни ёндираман дейди», деб ўйларди. Ўғлини иложи борича ундан узоқроқ тутишга ҳаракат қиларди. Йўқ, у қизнинг исматини қўримоқчи эмасди. Фақат у Хоспўлатни кейин ундан айириб бўлмайди деб қўрқарди. Асал ялаган айикдек бўлиб, этагига ёпишиб олса унда нима бўлади! Энди бир ками Карим туякаш билан қариндош бўлиши қолувди! Ҳа, шу қолувди энди! Худога қасам ичиб айтадики, мабодо шундай бўла қолса, уларни бутун қавми қариндошлари билан бирга йўқ қилиб юборишга тайёр. Фақат туякашга қариндош бўлмайди, йўқ! Наргила Карим туякашнинг эмас, давлатманд

бир бекнинг қизи бўлган чоғда ҳам Жаҳон хоним уни ўзига келин қилишга рози бўлмасди. Зотан, унинг ҳам ичида бир қўрқув яшириниб ётарди. Қорасочнинг учта ўлик бола кўрганлигини, уларникида дарвиш турганлигини ва Қорасочни сеҳрлаб кетганлигини у ҳам эшитганди. Шундай экан, бир кунмас-бир кун барибир Наргила ҳам сеҳр-жодуга гирифтор бўлади! Наргиланинг ҳусну камолига, ақлу фаросатига, қобилиятига, ишва-нозларига қараганида Жаҳон хоним олло-таоло қишлоқларидаги одамларнинг ҳадсиз-ҳисобсиз гуноҳлари учун бу болани шу ерда дунёга келтирган, шунинг учун ҳам у қайси хонадонга келин бўлса, ўша ердан дарду бало аримагай, деган ақидага келиб қўйган эди.

## 2

Сурувлар ўтлоқларга ёйилиб ўтлардилар. Икки кун бурун чўлларга сийраккина ёмғир ёғиб ўтган ва ерларни кифоя қиларли даражада намлантирган эди. Тоғларнинг кунгай ёнбағирларидагина эмас, пастки ўтлоқ яйловларида ҳам майса-ўланлар анча кўтарилиб қолганди. Ҳаволар мулойим ва тинч эди, қўй-қўзилар роҳат қилиб ўтлашарди, буни кўриб чўпонларнинг кўнгиллари яйрарди. Энди чўпонлар эркин нафас ола бошлаган эдилар. Қўйлар туллаб бўлган, қўзичоқлар со-вуқлардан омон чиққан, уларнинг оғзи майсага етганди. Лекин ҳали ҳаволар у қадар исиб кетмаган, қўй қирқимга келмаганди. Яна бир ҳафта-ярим ҳафтадан сўнг қирқимни бошлайди, сўнг қўйларни тоғ яйловларига олиб чиқиб кетилади. Ана унда чўпонларнинг яна тиними бўлмай қолади, қачон ётиб, қачон турганларини ҳам билмай қолишади. Ҳозир эса папоғини бошига эгри қўндириб, таёғига суянганча қўйларнинг иштаҳа билан ўтлаб юришига, уларнинг секин-секин қувватга кираётганига, шу қўйлар ўтлаётган ям-яшил чўлларга, мовий кўкларга, қаергадир йўл солиб кетаётган йўловчиларга мароқ билан тикилишади. Ҳатто кичик тепачалар устида ўтирганча, таёқнинг учи билан ерни ковлаб фикрга толиш, шериклар билан дилкаш суҳбат қилиш имконияти ҳам бор ҳозир. Мана шундай дамларда чўпонлардан аллаким қамишдан най ясаб, ҳазин-ҳазин куйлар чала кетади. Шунда ўзинг-

ни унутасан, руҳинг бепоён кўклар сари ҳаволаниб кетади. Ана шу дақиқаларда чўпон меҳнатининг машаққатларини ёдингдан чиқарасан, гўё кимдир кўз ўнгингдан пардани кўтариб: қара, дунё нақадар гўзал, чаманлар нақадар тароватли, деяётгандай бўлади! Фақат мана шундай онларда ҳаётнинг нақадар ширин ва лазизлигини тўла ҳис қилиб етасан.

Бизнинг чўпонларимиз ҳам тепачадаги ўтлоқ устида ўтириб, мана шундай хаёлларга толган эдилар. Қасдан чўпон эса кўзларини жуда ҳам узоқларга тиканича лунжларини шишириб, ҳазин-ҳазин най чаларди. Унинг куйлари жуда ҳароратли, жуда ҳасратли эди. У шу оддий қамиш найдан чўпонларни ҳам, қўй-қўзиларни ҳам ўзига ром қилган куйлар чаларди.

— Э-э, дардингни олай, Қасдан, мунча ҳазин чалмасанг, одамни эзиб юбординг-ку, — маъюсланиб деди чўпон Вали.— Худо ҳаққи, ортиқ чидолмайман, ҳозир йиғлаб юбораман.

— Ичида бир дарди бор бу боланинг,— нимагадир ишора қилди чўпон Суюн. Чўпонлар бир-бирларига қараб қўйдилар. Улар Қасданнинг кайфиятини бузмаслик ва шу билан ўзларини ҳам лаззатдан маҳрум қилмаслик учун индамасдан қулоқ сола бошладилар. Қасдан эса найни бир чеккага қўйиб, ёнида турган созни қўлга олди ва яна ҳис билан чала кетди. Куй ширин бир ерига келганда, чўлларнинг ўрта белидан ўтиб, бир учи Ганжага ва бошқа бир учи Тифлисга кетган катта йўлнинг устидаги баланд тепаликда икки отлиқнинг қораси кўринди. Чўпон Вали кўзларини қийиб, норози ҳолда деди:

— Оқ от минганига қараганда Салимга ўхшайди...

— Тинчликмикин ишқилиб,— деб ташвишланиб сўради Суюн ҳам ўша томонга қараб.

— Қирқим яқинлашяпти. Энди кеча-кундуз чўлларда бўлади... Ўзиники етмагандай, бошқалардан сотиб олади...

— Айтишларича, пули хирмон бўлиб кетганмиш... Жуналарни унинг уйдан икки баравар ошиғига олиб кетишармиш.

Йўловчилар отларнинг бошини бу томонга қараб бурдилар. Улар яқинлашиб келганларида чўпонлар иккинчи отлиқни ҳам танидилар. Бу Қарим туякаш эди. Отлиқлар чўпонлар қошига етиб келиб, жиловни

тортдилар. Чўпонлар ўринларидан дув этиб турдилар.

— Йил яхши келадиганга ўхшайди, Вали киши!— деб баланд овоз билан сўзлади Салим.— Гўшт-ёғни йиғиштириб улгуролмай қоласизлар ҳали!

— Худога шукур, келиши ёмон эмас!— Вали икки қадам илгарига чиқди.— Йўл бўлсин, Салим оға?

— Тифлиста кетяпмиз. Савдогар Алини кўрмасам бўлмайди. Бир оз чит, қанд, чой олиб келаман.

— Нўвут<sup>1</sup>, лампа шиша, гугурт ҳам ёдингиздан чиқмасин, қурбонингиз бўлай!— деди чўпон Вали.— Уйда ҳам қоронғида ўтирибмиз, чўлда ҳам. Гугуртга қаҳат келибдимми!

— Ота-боболаринг жуда гугурт ёқиб ўтирган эди!— деди пичинг қилиб Салим.— Бир парча чақмоқтошни олиб пахтани туташтириб олиш шунча қийинми. Сал ўт олдиранг бўлди, ўчоғинг ҳам бирпасда гуриллаб кетади.

— Ўзиям шундай қилиб тирикчилик қилиб турибмиз. Иложимиз нима? Фақат одамни овора қилади қисталоқ. Гугурт деганинг дарров ёна қолади, одамни қийнамайди. Ёсингиздан чиқмасин, оғажон, худо хоҳласа, отангиз беҳиштга тушади.

— Майли, эсимда туради. Қани энди айтинглари-чи, қирқимни қачон бошлайсизлар?

— Ҳали вақт бор, эрта бошлаб қўйсак бўлмас.

— Бултургидай ҳамма жунни ўзим сотиб оламан. Кимда қанча бўлса, бош устига, нақд пулини тўлаб олавераман.— Салим чўпонларга бир-бир қараб чиқди.— Чит, қанд, нўвут, гугурт, лампа шиша ҳам беришим мумкин. Ким нимани истаса шу. Бошқа гапларинг йўқми?

— Худо сизга ёр бўлсин, йўлингизни бехатар қилсин!

Лекин Салим оға нимагадир кетгиси келмай турарди. Отнинг жиловини бўшатиб, ерга тушмоқчи ҳам бўлди. Лекин тушмади, фикри ўзгарди.

— Э-э, Қасдан, нега созни четга қўйдинг? Қўлингга ол, бир тингиллат, бизни йўлга куй билан кузатиб қўй.

---

<sup>1</sup> Нефть, керосин.

Қасдан Салим оғанинг сўзини совуқ ва кўнгилсиз қаршилади. Нима учундир улар келганидан бери жуда хафа ва маъюс бўлиб қолганди. Унинг қимирлагиси келмаётганлигини кўриб Суюн тез ўрнидан турди, бир чеккада турган созни олиб, Қасданнинг қўлига тутқазди. Қасдан созни секин-аста тингиллатиб, сўнг чўпон баётисини чалди.

— Э-э, ёлғиз соз дейишмаган. Соз билан сўз дейишган. Қани, бир айтсанг-чи!— таъна билан деди Салим. Қасдан унга на «ҳа» ва на «йўқ» деди, индамай чала бошлади. У Салим истагандай ошиқона қўшиқ айтмади, йўқ, у дунёнинг ўткинчилиги, Сулаймонга ҳам вафо қилмагани ҳақида қўшма ўқиди.

Салим боядан бери бир оғиз ҳам гапирмасдан жилмайиб турган Каримга қараб деди:

— Менга ёқмади, беҳафсала айтяпти. Жуда қизиб турган пайтида бир чалдираман, маза қиласан. Ўткир ошиқ бўладиган сиёғи бор боланинг. Созни жуда яхши кўраман. Э-э, бу созни қаердан олгансан? Яхши соз экан!— сўради Салим Қасдандан.

— Вафодор берган!— Қасдан унинг кўзига тик қаради.

— Вафодор?!— бирдан таажжуб билан сўради Салим.— Бу ерга қачон келувди?

— Келгани йўқ. Бу ерлардан кетаётганида бериб кетувди...

— Ҳа, ҳа... рост. Илёсбекдай кишини ёмон қора кунларга солди, бағрини доғлаб кетди.

Чўпонлар индамадилар. Карим туякашнинг ҳолатида заррача ўзгариш сезилмади. Салим ниманидир эслаб, хахолаб кулди:

— Э-э, Қасдан, тур ўрнингдан. Ўша Илёсбек шаънига айтилган қўшиқни айт. Кейин биз йўлга тушайлик.

— Қайси бирики?— нохушлик билан сўради Қасдан.

— Қайси бири эсингда бўлса, ўшанисини айт.

Қасдан яна ўрнидан турди, созни кўкрагига босганича тўхтади, салимларга қаради:

— Ким айтган, кимга айтган, билмайман. Фақат жуда топиб айтган. Қўлоқ солинглар.

Қасдан мизробни симга урди. Шундай қаттиқ чалдики, ҳатто қўйлар ҳам бошларини кўтариб унга қара-

дилар. Қасдан чўпонлар атрофида давра олиб юриб,  
айта бошлади:

Сулаймон мулкининг эгаси каби  
Эй бек, гердаясан кибру ҳаволи?  
Яхшининг бошини кесмоққа нечун  
Тайёрсан ханжарнинг тиги мисоли?

— Шу Илёсбек ҳақида айтилган!— Салим қўшма-  
нинг охиригача тинглаб, тугатгач, деди.— Хўп, омон  
бўлинглар, биз кетдик. Дуо қилиб тулинглар. Тифлис-  
да ишларим ўнгидан келсин. Ҳаммангизга биттадан  
тўн кийдираман.

Улар отларнинг бошларини буриб, узоқлашиб кет-  
ганларидан сўнг чўпон Вали деди:

— Фақат қанд-чойни деб кетаётгани йўқ. Бошқа  
бир мақсади ҳам бор. Шунинг учун ҳам дуо қилиб  
тулинглар деяпти!— У шундай деб ҳар иккала қўли-  
ни боши устига кўтариб дуога қўл очди:— Худоё худо-  
вандо, ўзинг бунинг белини синдиргайсан!

— Омин!— деб чўпонлар кулишди.

— Шунинг яхши биламанки, буникига ўхшаган нафс-  
ни, тамагирликни ҳеч кимда кўрмаганман. Дунёни  
олиб келиб олдиға қўйсанг ҳам, яна бер деб туради.  
Фитначиликда бировларнинг орасини бузишға ҳам  
бунга тенг келадигани камдан-кам бўлади,— деб кўнг-  
лини бўшатиб олди Қасдан. Унинг гапини чўпон Ва-  
ли илиб кетди:

— Э-э, Қасдан, энди созни бир кўкрагингга бос,  
ўзимиз учун бир мухаммасдан ол. Вафодор эсимга ту-  
шиб кетди. Юрагим ўртаниб турибди.

Қасдан созни оҳиста-оҳиста созларкан, деди:

— Менинг юрагим эса ёрилиб кетай деяпти. Худо  
буларнинг уйларини йиқсин. Дўст-ошнони унинг дий-  
дорига зор қилишди.— Сўнг ўйлаб туриб, қўшимча  
қилди:— Унинг бизга қилган яхшиликларини ҳали  
узолганимизча йўқ. Қийматгача унутмайдиган ишлар  
қилган. Мени ўзимдан қиёс қилинг, бир сафар созни  
бекорчиликка тингиллатиб ўтирсам, яна ўзимча мин-  
гирлаб ашула ҳам қилаётувдим, Вафодор деди: «Қас-  
дан, қаттиқ ёпиш созга. Яхши қобилиятинг бор. Агар  
чалмай кетсанг, сендан қаттиқ хафа бўламан». Ўшан-

дан бери қўлимдан созни қўйганим йўқ. Чалганим чалган.

— Ўз ўртамизда чалганингда жуда яхши чаласан!— йўлдошини таъриф қилди Суюн.— Менга жуда маъқул сенинг чалишинг. Яна пича машқ қилсанг, кўп ошиқлардан ўзиб кетасан.

— Ҳа, рост айтади. Суюн бекорга гапирмаяпти буни. Қани, чал энди!— чўпон Вали гапгануқта қўйди.

Қасдан созни кўкрагига босиб, ёниқ, ҳароратли юрак билан чала кетди. Мухаммаснинг юракни ўртаб, титратган садолари чўллар бағрига тарала бошлади. Қасдан жойида ўтиролмай, қизишиб, оёққа турди. У устод ошиқларга ўхшаб, махсус оғаёна адо билан қаддини рост тутиб чалар ва қўшиқ айтарди. Қизишиб кетиб, мизробни торларга шундай урардики, гўё бир соз эмас, минг соз бирдан чалинаётгандай бўларди. Куй ширин бир нуқтасига келганида отнинг кишнагани эшитилди. Чўпонлар бошларини буриб, от кишнаган томонга қарадилар. Боя Салим оғалар кўринган тепаликнинг қарши томонида — тегирмон ёқда уч отлиқ кўринди. Чўпон Вали кўзини қисиб ўша томонга қаради ва дарҳол ўрнидан турди. Паст бўйидан, эгарнинг устида япалоқ бўлиб ўтиришидан Жаҳон хоним эканлигини таниб, деди:

— Э-э, бу қизиқ бўлди-ку, Салим оғани кузатмасимиздан Жаҳон хоним ҳам ташриф буюриб қолдилар.

— Анави хоним ким?— сўради Суюн.

Чўпонлар разм солиб қарадилар. Суюн хир-хир кулди.

— Э-э, бу Наргила-ку, қаранглар Наргилани!— у ўзидан ўзи суюниб қўйди ва йирик кўзларини Қасданга тикди. Наргиланинг отини эшитган заҳоти Қасдан мизробни тор устида тўхтатиб, отлиқлар келаётган ёққа қараган бўлди, сўнг нимадандир қўрқиб кетгандай, дарров кўзини четга буриб, куйни чалишда давом этди. Чўпонлар эса кўзларини чавандозлар келаётган томондан узишмас, уларни томоша қилиб турардилар.

Наргила эгар устида лочиндай бўлиб ўтирар, белини гоҳ ортга, гоҳ олдинга ташлар, отини йўрттириб келарди. Бошига боғлаган рўмолининг учлари елкаси оша худди кабутарнинг қанотлари каби ҳилпиради. Наргила худди озод чўл қушлари каби от устида тўлғаниб, дам у томонга, дам бу томонга эгилар, отнинг

бўйнига ётиб олар, кичкина қўлчалари отни эркалаб силар, ташқаридан қараган одамга худди ҳозир отнинг қорнига осилиб тушадигандай бўлиб кўринарди. У бирдан жиловни тортиб, ён томонга бурилди, ундан орқада қолмасликка, ёнма-ён боришга интилган иккинчи отликқа нимадир деди, қаҳ-қаҳлаб кулди, қамчини ҳавода ўйнатиб, отни олға сурди. Иккинчи отлик ҳам худди шу тарзда от бошини қўйиб, унга етиб олди. Кучли, боқувда айқириб ётган отлар кўкраклари буғланганча учиб кетдилар.

— Бас, Хоспўлат! Секинроқ юринглар!— деб қичқирди уларга етиб юролмаган Жаҳон хоним ва овози уларга етиб бормаганлигини кўриб, иложсиз суратда отни қичай бошлади. Жаҳон хонимнинг назарида Наргила атай отни бундай чолтираётганга, атай жиловини бўш қўйиб юборганга ўхшарди. У Жаҳон хонимни чарчатиб, ҳолдан тойдиргач, Хоспўлатни дара-тошларга олиб қочиб кетадигандай эди. Жаҳон хоним бундай хавфли сайрга рози бўлганидан энди пушаймон чекмоқда эди: «Чўлда сенларга нима бор, ўтиришлар жойларингга!»— демайманми», деб ўйлар, лекин бу сайрга чиқишнинг бутун тафсилотларини хотирларкан, рози бўлмасликдан бошқа иложи қолмаганлигини афсус-надомат билан тан оларди. Улар бир ерда ўтиролмай қолган эдилар. Мумкин бўлмай қолгани, икковларини бир-бирларидан сира ажратиб бўлмагани учун ҳам Жаҳон хоним барча зарур ишларини қолдириб, от минишга, уларни сайрга олиб чиқишга мажбур бўлганди. Шу ўтган кунлар мобайнида Жаҳон хоним дўқ-пўписадан ёлворишгача, қўлидан нима келса, ҳаммасини қилиб кўрди, ишқилиб қандай бўлмасин, Хоспўлатни Наргиладан узоқлаштириш пайида бўлди, лекин ҳеч эпини қилолмади. Ҳатто бир сафар Наргиланинг қўлига бўғчасини туғиб бериб, уйига жўнатиб юборди. Эртасига эрталабданоқ Хоспўлат уларнинг уйи атрофида айланишаётганлиги, деворларидан мўралаб юрганлигидан хабар топди. Ўғлон ҳеч қандай сўзга кирмас, гапга қулоқ солишни истамас, бетга чопарлик қилар, гап қайтарар, ҳатто жаҳли чиқиб, онасига қичқиришдан ҳам тортинмас эди. Жаҳон хоним қараса, бу аҳволда одамлар ўртасида шарманда бўлишлари, обрўдан айрилишлари ҳеч гап эмас. У зудлик билан яна Наргилани орқага қайтарди. Қиз

қандай кула-кула, заррача ҳам хафа бўлмай чиқиб кетган бўлса, ўшандай кулимсираганича қайтиб келди. Лекин аслини олиб қараганда Наргила уларнинг хизматкорлари эмасди. Ҳозир Жаҳон хоним Наргила-ни қандай қилиб ўз уйига олиб кирганлигини ҳам яхши эслолмайди. Ахир, уни хизматкор десангиз, хизматкорга ўхшамас, меҳмон десангиз, меҳмон дегани бундай бўлмасди. Илоё, Салим жувонмарг бўлсин! Бу ҳаммаси ўша туфайли бўлди. У Жаҳон хонимни шу аҳволга солди, мана энди оқсочлар ҳам унинг юзига оёқ тирайдиган бўлдилар. Сўнг улар Жаҳон хонимни ташлаб кетдилар. У бутун ҳовлида танҳо қолди. Дарддан, аламдан сал бўлмаса юраги ёрилар даражага келди. Ушанда Илёсбек ўзининг содиқ навқари деб ҳисоблаган Каримнинг бу жодугар қизини истаса-истамаса, зўрлагандай қилиб бу ерга олиб келди, уни ҳам Жаҳон хонимга овунчоқ, ҳам биясидан юз ўғирган Салимнинг эътиборини бу томонга оғдирадиган тузоқ бўлади деб ўйлади. Лекин Салим тулки бу томонга қайрилиб ҳам қарамади. Бунинг устига Хоспўлат бутунлай эс-ҳушини йўқотиб қўйди. Наргила билан Хоспўлатнинг мушук-сичқон ўйини Жаҳон хонимнинг бўғзига келган, қонига ташна қилиб юборган, лекин нима чора-тадбир қилишини билмасди. Уйда экан, уларнинг барча хатти-ҳаракатларидан огоҳ эди. Кечасию кундузи уларнинг ёлғиз қолишларига, ўзларини хилватга олишларига имкон бермас, улардан кўз узмасди. Улар қачон бир-бирларига бунчалар илакишиб қолдилар? Жаҳон хоним билмасди. Лекин эсида, Наргила бу хонадонга илк келган кунлари ўзини жуда сипо, жуда одоб билан тутарди. Жаҳон хоним соатлаб бардош қуриб ўтириб, унинг Саъдийдан, Фирдавсийдан, Низомийдан қилган ширин суҳбатларига қулоқ солар, шу пайтгача кўрмаган, эшитмаган бу китобларни унга ўқитиб лаззат олар ва бу қиз эмас, менга осмондан тушган бир давлат деб ўйларди. Лекин бир ҳафта ўтар-ўтмас, унинг Хоспўлат билан кўз уриштира бошлаганини кўриб Жаҳон хоним китобнақллари бир чеккага йиғиштириб қўйди. Қизга атай оғир юмушларни буюра бошладики, жонига тегиб, ўзи бу ердан оёқ узиб кетсин деди. Лекин қиз чиқиб кетмади. Бу юмушларни ҳам худди китоб ўқигандай ҳавас билан адо эта бошлади. Дунёда бу қиз қилолмай-

диган, қилишга ҳазар қиладиган иш йўққа ўхшарди. У ҳаммасини ўйнаб-кулиб бажараверарди. Хуллас, қисқасини айтганда, Наргила Жаҳон хонимнинг бўғзи-га тиқилган суяк бўлди.

Тагин мени ухлатиб қўйиб, бирон ишкал чиқаришмасин, деб у қизни кечалари бошида олиб ётадиган бўлди. Жаҳон хоним фақат шу нарсага тушунолмасдики, бу қиз ўғил боладан ҳеч тортинмас, ундан тап тортмас, худди у ўғлону Хоспўлат қиздай эди. Анча мулоҳаза қилиб кўрганидан сўнг, Жаҳон хоним бу қиз бизнинг қўйнимизга кириб олмоқчи, деган қарорга келди. Балки отаси билан онаси унга шундай қил деб ўргатишгандир. Ким билади, улар балки болани бир амаллаб қўлга ол, йўлга сол, деб тайинлашгандир. Ахир, бола шўрлик бу нарсаларни қайдан билсин? Кўзининг қизарган пайти, ҳозир ит ҳам қиз либосида кўринса, унга ҳур-ғилмон бўлиб туюлади.

Наргила эса бутунлай бошқача фикрда эди. У Жаҳон хонимдан кўра ҳам ҳушёрроқ эди, бир боқишда одамларнинг кўнглидан нима кечаётганлигини билиб оларди. Жаҳон хонимларнинг ҳаёти, тасаввурлари, қилаётган ҳийла-найранглари унинг кўзларига шунчалар қулингч ва паст бўлиб кўринардикки, у атай уларнинг ғашларига тегадиган ҳаракатлар қилар, жиғларига тегарди. Жаҳон хоним ёмон фикрга бориб, Хоспўлатни ундан узоқлаштиришга, уни қўришга ҳаракат қилгани сари Наргила ўзи ҳазар қиладиган бу бекваччанинг олдида атай ноз-карашма қилар, кўз-қошларини ўйнатарди. Бугун ҳам тонг оқаргандан бошлаб уни ҳар қадамда қўриқлаб, ҳар бир ҳаракатидан огоҳ бўлиб юрган Жаҳон хонимнинг қилиқлари жуда гашини келтирди ва унинг юрагини ёқмоқчи бўлди. У кўзлаб туриб ўзини оғилхонага олди. Хоспўлатни ҳам секин у ерга имлаб чақирди.

— Отларни эгарла, далага чиқамиз!

Отлар дарҳол эгарланди. Улар эгарланган отларни ҳовлининг ўртасига олиб чиққан маҳалларидагина Жаҳон хоним бу ишдан хабардор бўлиб қолди. «Тўхтанглар! Қаерга?!» — деб қичқирмоқчи бўлди. Лекин Хоспўлатнинг кўзларида ёмон бир ўт чақнаб кетганлигини кўриб, юрагига қўрқув тушди, фикридан қайтди.

— Ҳой бола, Хоспўлат, туш, менга ҳам бир от эгар-

ла, юрагим сиқилиб турибди. Сурувлардан бир хабар олиб келайлик.

Хоспўлат Наргилага қаради, Наргила боши билан розилик ишорасини берди. Хоспўлат огир иш қилишга мажбур бўлгандай, огилхонага ўтди. Отбоқарга учинчи отни эгарлашни буюрди. Лекин ичида онасининг бу ишидан жуда аччиқланиб, нималардир деб минғирлади. Аламини кимдан, қандай қилиб олишни билмасди у. Наргила эса тобора ўзини шўхроқ тутар, отнинг устида туриб ўйин чиқариш пайдан бўларди. У шўрлик отни қора терга ботириб чоптирар, бошини тўғри йўл қолиб, тиканзорларга бурар, ўзи қолиб Жаҳон хонимни, Хоспўлатни ҳам шундай йўлларга бошларди. Жаҳон хоним эса, бу қиз эмас, балонинг ўзи, деб ўйлар, унинг ота-боболарига ва ҳаммадан ҳам уни дунёга келтирган дарвиш шаънига лаънатлар ёғдирарди.

Наргиланинг оти олдинда шарпа сезиб қулоқларини динг қилиб кишнаб юборди. Қиз ҳавода қамчисини ўйнатди. Жаҳон хоним ўзини тутолмасдан сабри тугаб қичқирди:

— Секинроқ, ҳой, отнинг жигари куйиб кетди-ку! Сурувга яқинлашиб қолдик. Итларга таланиб ўтирмайлик тагин, отлар ҳуркиб кетса, бир фалокат юз бермасин!

— Қўрқманг, Жаҳон хола, ҳеч нарса бўлмайди!— Наргила отига яна қамчи босди. Хоспўлат орқадан унга етиб олди. Отлар ёнма-ён чопиб бораркан, туёқларининг тагидан тупроқ отилиб чиқарди. Наргила бирдан отнинг жоловини тортиб, тўхтатди. От олдинги оёқларини осмонга кўтариб кишнаб юборди. Хоспўлат андак илгарига ўтиб кетган отининг бошини орқага бурди ва Наргиланинг чўгдай ёнган ёноқларига, қабариб чиқиб турган кўкракларига ўтли назар ташлади, титроқ овоз билан деди:

— Юр, тез, тегирмонга борамиз!

Наргила унинг суқ билан ёнган кўзига боқиб, писта бурнини жийирди. Отининг бошини чўпонлар ўтирган марза томонга бурди. У сурувнинг орқасидан айланиб ўтиб, даврага яқинлашганида чўпонлар ўринларидан туриб, пешвоз чиқдилар. Қасдан ҳам ўрнидан қўзғалиб, созни ерга қўйди. Наргила баланд овоз билан:

— Салом, Вали амаки!— деди.— Ҳорманглар!

— Омон бўл, қизим!— деб жавоб бўрди Вали ва Суюнга қаради:— Отни ол!

Суюн жаҳд билан олдинга отилди. Қасдан порлаб турган меҳрибон кўзлари билан Наргилага тикилиб қолди:

— Сен сурувга келасану, биз ҳориймизми!

Наргила отдан ерга сакради. Жиловни Суюнга бериб, Қасданнинг ёнига келди.

— Рост айтяпсизми, ёлғонми?— деб сўради ва ўзининг ҳам нега бундай жиддий савол берганидан ҳайрон қолди. Ахир у ҳар нарсани ҳазилга буришга, ҳар нарсадан кулишга одатланиб қолган эди. Қизнинг бир зум ўйланиб туриб қолганлигини кўриб, чўпон Вали деди:

— Бизда ёлғон сўз бўлмайди, қизим, айниқса, сенга!

Шу пайт Хоспўлат билан Жаҳон хоним ҳам етиб келдилар. Чўпонлар дарров отларнинг жиловларидан ушладилар. Кимдир қўлини Жаҳон хонимга тутди. Жаҳон хоним:

— Қўлингни бер, бола, қариб қоляпман шекилли!— деб чўпоннинг қўлига ёпишганча отдан тушди.

— Худо ҳаққи, ундай демам, хоним!— деб тилга кирди тепасоқол чўпон.— Мошоллоҳ, ҳали яхшисиз, ҳали тоза ўйнаб-куладиган вақтингиз, қарилик қурсин!

Жаҳон хоним чўпонлар билан очилиб гаплашишни ўз шаънига номуносиб деб билди. Буларга сал тишининг оқини кўрсатсанг, бас, кейин бошинга чиқиб олишади, деб ўйлади ва тепасоқол чўпонга ғазабланиб қаради.

— Қариб, сенга ўхшаб маҳмадона бўлгунча, вақтида ўлиб кетган ҳам афзал!— деди ва дарҳол чўпон Валига ўгирилиб сўради:— Моллар қалай, яхшими?

Чўпон Вали сал илгари Салим огага айтган нарсаларини қисқача қилиб Жаҳон хонимга ҳам айтди. Жаҳон хоним согин сигирларнинг қанчалиги, кунда қанчадан сут бераётганлигини суриштирди, сўнг Хоспўлатни кўрсатди:

— Вали, огангнинг оёғига бир тўқли сўй-чи!

Вали: «Бош устига!»— деб Суюнга боши билан ишора қилди. Суюн дарров сурув ичига кириб кетди. Қасдан марзадан бир оз наридаги чуқурга томон юриб,

унинг атрофларидаги қора ис босган тошларни тузатишга, чуқурчанинг ичини тозалашга киришди. Чўпонлар Жаҳон хонимнинг феълини билар эдилар. Жаҳон хоним чўлда, очиқ ҳавода кабоб ейишни яхши кўрарди. Жаҳон хонимнинг аччиқланиб айтган сўзларидан сўнг бир оз мунгайиб қолган тепасоқол чўпонга юраги ачиган ва шунинг учунмикин Жаҳон хонимнинг кайфиятини андак бузгиси келган Наргила Қасданнинг орқасидан борди.

— Ўчоқни мен тозалайман!— деди.— Сиз ўтин олиб келинг. Ўт ёқишни жуда яхши кўраман.

Қасдан Наргила сира кутмаган ҳавас ва самимият билан:

— Қўйсанг-чи, шундай қўлларинг билан қора ўчоқни тозалайсанми!— деди.— Сен буюр, мен тозалайман!

— Нима буюрсам ҳам қиласизми?— Наргила ноз билан кўзларини ўйнатиб, гапга бошқача тус берди.

— Нима буюрсанг ҳам!

— Нима, эшитмаганмисиз, мен сеҳргарман, менга яқинлашган одам жаҳаннам ўтида ёнади?

— Сенинг ёнингда бир соатгина ўтирсам, сўнг юз йил жаҳаннамда ёнсам ҳам розиман!— Қасдан ўйлаб ўтирмай жавоб берди.

Наргила писта бурнини жийириб кулди, нимадир демоқчи бўлди, лекин шу пайт Хоспўлат яқинлашиб, ёшига ярашмаган болаларча бир севинч билан:

— Мен ҳам оловга қарашни яхши кўраман. Ўчоқни мен тозалай қоламан!— деб ўчоқни тозаламоқчи бўлганида Жаҳон хоним: «Бола эсини еб қўйибди! Ўзини тутолмайди!»— деб ўйлади ва уни бу ишдан сақлаш учун чақирди: «Хоспўлат!» Лекин Хоспўлат ўзини эшитмасликка солиб, ўчоқ ичига сакрамоқчи бўлганида Қасдан: «Керакмас», деб қўймади. Қўлидан ушлаб уни ўтган йилги қуриган ва чириган тиканли бутазор орасига олиб кетди. Хоспўлатга: «Қани, синдириг сиз ҳам!» деди. Хоспўлат бута синдиришга жон-жон деб киришиб кетди. Ўчоқнинг ёнига анча тиканли ўтин йиққанларидан сўнг, Қасдан уни оғиллар тарафга бошлаб борди ва ниманидир кўрсатди. Кулишди. Хоспўлат катта мис қозонни кўтариб келди. Қасдан эса кичкина паст томнинг тагида яшириб қўйилган ўтинлардан бир этак қилиб келтирди. Наргила

ҳам унга ёрдамлашди. Келиб ўчоққа ўтин қалашди. Чўпонлар тўқлини сўйиб бўлган, гўштини тўграб, сихга қадамоқда эдилар. Наргила олов ёқди. Қизнинг сарбаст ҳаракатлари, ўзини ўгил бола каби тутиши, ноз-карашмалари ҳақида чўпонлар кўп эшитган эдилар ва ҳозир унга қараб кўзларини узолмасдилар. Кеча-кундуз мол-ҳайвондан бошқа нарсани кўрмаган, чўпонлар ҳаётининг оғирчилигига кўниккан бу кишиларга нозик, нафис, ишвакор Наргила ажиб бир хаёл, рўё, кўклардан тушган бир малак каби туюларди. Улар қизнинг бу очиқ-сочиқ эркин ҳаракатларида бир ёмонлик кўрмас, ундан қийиқлик ахтармас, бу қилиқларини унинг шўх ва эрка, тантиқ табиатига йўярдилар. Улар юракларининг тубларида қизни бу ерга олиб келган тасодифдан жуда хурсанд эдилар.

Жаҳон хоним ҳам хурсанд ўтирарди. У қизнинг чўпон Қасдан атрофида айланишиб қолганига, унга майл кўрсатаётганига, Хоспўлатни ўйинчоқдек унутиб қўйганига жуда хурсанд эди: «Қазисан, қартасин, ахир аслингга тортасан!»— деб ўйларди. Бир кўзи болаларда, бир кўзи қизара бошлаган ўчоқда бўлганича яна чўпон Вали билан бу йилги жун ҳақида гаплаша бошлади. Бу йил жун бултургидан икки баравар қиммат бўлиши ҳақида гапирди.

— Ҳушёр бўлинглар, ҳа, тагин алданиб қолманглар!— деб қишлоқма-қишлоқ кезиб жун йиғадиган даллоллар ҳақида сўзлади.

— Салим огага сўз берганмиз, қанчага олса ўшаники!— деди Вали хонимни хотиржам қилмоқчи бўлгандай. Аслида эса Валининг бундай дейишдан мақсади — Жаҳон хоним билан унинг эри Салим ога ўртасидаги муносабатлар ҳақида эл-юрт ўртасида юрган дув-дув гапларнинг қанчалик рост-ёлғонлигини билиб олмоқчи эди. Жаҳон хоним ўзини нақадар оғир ва тўқ тутишга ҳаракат қилмасин, Салим ога эсланаркан, чаккаси лўқиллаб оғриди, ранги оқарди.

— Қачон гаплашувдинглар?— деб сўради.

— Сиз келмасингиздан пича олдин бу ердан Карим туякаш билан бирга ўтиб кетишди.

Жаҳон хоним янада таажжубга тушди.

— Ажаб, қандай?

— Тифлисга кетишяётган экан,— Вали ғашланган хонимга қаради.— Хоним билсалар керак...

Жаҳон хонимнинг кўкраги бир кўтарилиб тушди: «Тифлисида пишириб қўйган эканми? Анави қанжиқнинг топшириғи билан кетган бўлсак керак»,— деб Офаридани ўйлади. Лекин ўзини қўлга олиб, чўпонга сир бермади.

— Хабарим бор!— деди ёлгондан.— Сизларга нима деди? Нега кетаётган экан?

— Чит, қанд, чой олиб келаман, деди.

Жаҳон хонимнинг оғзи очилиб қолди. Бу қувончданми ё ғазабдан эканлиги чўпонларга қоронғи эди.

— Бек бўлмоқчи!— Хоним чўпонларга ғалати қилиб қаради.— Беклик унвонини олмоқчи...

— Худо хайрини берсин! Олса-олмаса бек-ку. Худо сизнинг тани-жонингизни соғ қилсин. Қоғоз нимага керак!

— Керак! Эндиги замонда сўз эмас, қоғоз иш беради!— Жаҳон хоним таассуф билан сўзлади.— Давлатнинг ҳар бир иши қоғоз билан битади. Қўлингда қоғознинг бўлса — одамсан, бўлмаса одам ҳисобига ўтмайсан.

Чўпонлар марзанинг шундай ёнига жой қилиб, дастурхон ёздилар. Жаҳон хонимни тўрга, кўрпача устига ўтқаздилар. Хоспўлат билан Наргилага унинг ўнг тарафидан жой қилдилар. Аввал жигар кабоби, сўнгра думба ва чарви аралаш қора кабоб, энг охирида қовурға кабоб тортишди. Чўпонлар нарироқда қўл қовуштириб туришар, лекин томоққа қўл узатмасдилар.

— Анави созни ким чалади?— деб сўради тўйиб кабоб еган Жаҳон хоним марза четидаги созни кўрса-тиб.

— Навкарингиз унда-мунда тинғиллатиб туради, хоним!— деб камтарлик билан жавоб берди Қасдан.

— Қани, -бир чал-чи!— амр этди Жаҳон хоним.

Қасдан созни олиб, созлади, чалишга тайёр бўлиб турди.

— Нима чалай, хоним?

— Нима, шунчалар кўп куй биласанмики, нимани чалай деб сўрайсан?— деб кулди Жаҳон хоним.— Нимани билсанг, шуни чалавер.

Қасдан ўзи ҳам билмаган ҳолда нима учундир, маънос бир куйни чала бошлади. Охиригача қулоқ солишга Жаҳон хонимнинг сабри чидамади.

— Бу дунёда дардимиз камми, энди сен ҳам дард устига дард қўшмасанг? Шўхроғидан чалсанг-чи?

Қасдан куйни ярмида узиб, хаёлга толди. Жаҳон хоним юзини Валига қаратди.

— Сурув анча узоқлаб кетди...

— Ҳаво яхши, чўлни майса босган. Ўтлаб-ўтлаб кетиб қолади-да, хоним...— деб жавоб берди Вали ва хонимнинг нимадан нотинч бўлиб қолганлигини англаб, илова қилди: — Сурувга болалар қараб туришибди, хоним, безовта бўлманг. Итлар ҳам ўша ерда. Виз сурувни ҳеч қачон қаровсиз қўймаймиз, хоним...

— Йиртқишлар кўринмайдими?

Қасдан мизробни ушлаганча созни чалишга шай турарди. Лекин Жаҳон хоним унга эътибор бермай, Вали билан гаплашмоқда эди. Вали деди:

— Қўй бўлган ерда бўри ҳам ҳамиша бўлади, хоним. Ёз олди бир оз камроқ бўлади. Ўрмонларга кетиб қолади. Сурувнинг орқасидан пойлаб юрадиганлари ҳам бўлади, албатта.

Бу гапларнинг барини ҳеч нарсага арзимайдиган гап деб билган Наргила юзини Қасданга буриб:

— Сиз чалаверинг!— деган эди, Жаҳон хоним унга бир ўқрайиб қараб қўйди. Сўнг яна Валига қаради.

— Одамларнинг гапларига қараганда, Қорабоғда бу йил қўй кўп қирилган эмиш...

— Ойи, айтинг, чалсин ахир,— деди Наргиланинг исёнкор қарашлари таъсирида Хоспўлат. Жаҳон хоним у томонга ўгирилиб қараб, Хоспўлат ҳамон кўзларини Наргиладан узолмай ўтирганлигини кўриб, ғазабланди. Кўзларида бир дам ўт чақнатиб, яна Валига боқди. Вали унинг сўзини тасдиқлади:

— Виз ҳам эшитдик, хоним. Қиш қаттиқ бўлганмиш у ерларда, қор ерда кўп қолиб кетибди. Тоғу даралар қор билан тўлибди. Бўри ҳам оч қолса, одамга даф қилади.

Наргила бирдан ўрнидан турди, келишган нозик белини ўйнатганча Қасданнинг олдига борди.

— Менга беринг!— деб созни унинг қўлидан олди. Ранги-қути ўчган Жаҳон хоним: «Яна шайтони тутмасайди», деб ўйлади ва гапдан тўхтаб, гоҳ Наргилага, гоҳ Хоспўлатга қараб, кута бошлади. Назарида ҳозир қиз ҳеч кутилмаган бир иш қиладигандай эди.

«Қуриб кеткур бўри қаёқдан менинг эсимга туша қолди ўзи?»— деб ўзини янди. «Ҳой қиз, созни бер, боланинг ўзи чалсин», демоқчи бўлди. Лекин сўзининг ерда қолишидан қўрқиб, индамади.

Наргила созни кўкрагига қўйиб, оҳиста чала бошлади. Чўпонлар оғизларини очганча қизга қараб қолдилар. У эса ҳеч кимга эътибор бермасдан чалаверди. «Дилгам»ни шундай чиройли, малоҳатли қилиб чалдики, ўтирганлар бир огиздан:

— Баракалла, Наргила! Соғ бўл, кам бўлма!— дедилар.

— Ҳой, офат, бун қачон ўргана қолувдинг?— таажжуб билан сўради Жаҳон хоним ва жавоб кутмасдан деди: — Қўлидан фақат сеҳр-жоду келмайди, қолган ҳаммаси келади.

Ҳеч ким сеҳр-жоду деган сўз Жаҳон хонимнинг оғзидан чиққанда Наргиланинг кўзлари қанчалар ялтираб кетганига эътибор бермади. Бу шундай бир он эдики, Наргила сал бўлмаса қўлидаги соз билан Жаҳон хонимнинг бошига айлантириб уриши ҳеч гап эмасди. Лекин бу нарсани ҳеч ким сезмай қолди. Наргила эса ўзини қўлга олиб:

— У ҳам қўлимдан келади, хоним, истасангиз кўрсатаман!— деди ва Хоспўлат билан Қасданга боқди: — Ким ҳозир бориб тегирмон тепасидаги булоқдан бир кўза сув олиб келса, унга шундай куй чалиб бераманки, ҳамма ҳайрон қолади. Ҳеч ким эшитмаган куй.

Иккала йигит ҳам дарҳол нарироқда ўт чимдиб турган отларга қараб югурдилар. Жаҳон хоним охириги иродасини йўқотди, ўзини тута билмасдан қичқирди:

— Хоспўлат, қайт, жойингда ўтир!

Хоспўлат қайтармиди! Қасдан ҳам! Иккаласи ҳам аллақачон отларга миниб учиб кетмоқда эдилар. «Худо сени ёмон кўздан асрамасин, Наргила!— Жаҳон хоним ўлганининг кунидан кулимсираб ҳазиллашди: — Бир кун бу ишларингнинг жазосини тортасан».

— Шундай, хоним, бу дунёда ҳамма ўз қилмишининг жазосини тартади,— деб тепасоқол Жаҳон хонимнинг сўзини тасдиқлади. Наргила эътироз қилди:

— Афсуски, ундай эмас!.. Дунёнинг ноҳақ қурилганлигининг биринчи аломати ҳам шундаки, ҳамма ўз экканини ўзи ўрмайди. Хусусан, ёмон уруғ сеп-

ганларнинг ичида шундай одамлар ҳам топиладики, улар ўзлари эккан уруғдан унган заҳарли мевани бошқаларга ҳам едиришади. Бошқаларнинг ширин меваларини эса тортиб олишади.

— Бу қизнинг тили қурсин, унга мен бас келолмайман, сизга йўл бўлсин!— Жаҳон хоним тепасоқол чўпонга биринчи марта марҳаматли кўз билан боқди, сўнг тегирмон йўлига қарай бошлади. Йўл кимсасиз эди. Кута-кута Жаҳон хонимнинг тоқати тоқ бўлди. Хаёлига бир-биридан ваҳимали ўйлар кела бошлади: «Тагин буларнинг бари атай қурилган тузоқ бўлса-я! Хоспўлатни пастқам ерда ўлдириб, тегирмон новига ташлаб юборишса-я? На ўлиги топилади, на ўлдирган?!» Наргила яна нималардир деди, кулди. Кетмакет саволлар берди. Энди Жаҳон хонимнинг қулогига ҳеч нарса кирмасди. Унинг фикри ҳам, кўзи ҳам тегирмон йўлида эди.

— Нима бало, кўринмай кетишди?

— Ҳали вақт бор, хоним!— деб тасалли берди унга чўпон Вали.— Анча йўл, дарров бориб келиш қийин.

— Йўлнинг ҳам баъзи ерларини сел ювиб кетган, ёмон балчиқ, лой бўлиб ётибди,— деди тепасоқол чўпон.— Бир оз абгор бўлишади.

— Қачон сел келди? Қанча ерни ювди?— саросималаниб сўради Жаҳон хоним.

— Бир ойча бўлиб қолди, хоним, наврўз арафасида сел келди, ўшанда кўприкни ҳам олиб кетди, йўлни ҳам бузиб, ювиб кетди. Сал бўлмаса тегирмонни ҳам олиб кетай деди. Ёмон келди, бундайини ҳеч кўрмаган эдик...

Жаҳон хоним асабий ҳолда унинг сўзини бўлди, оёққа қалқиб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Нега айтмадинглар? Тилларинг акашак бўлиб қолганми? Хабар берганларингда йўлни ҳам, кўприкни ҳам тузаттириб қўйган бўлардик, беш-ўн одам чиқариб! Бизнинг одамлар кардан, кўрдан баттар. То сув бошига чиқмагунча миқ этмайди! Ҳар нарсага чидайверишади!

— Айб этманг, хоним, қуллуғингизга арз этиб хабар бердирган эдик, лекин ҳеч ким тадбир кўрмади,— деди тепасоқол киши хириллаган товуш билан.

Жаҳон хоним унга яна дарғазаб бўлиб қаради:

— Бидирлама, ҳой киши! — деди. — Кимга хабар бердинглар? Қачон? Ким хабар берган? Мен биринчи марта эшитиб турибман.

Наргиланинг нима учундир тепасоқолдан ҳам кўнгли қолди. «Бир богдан келади, бир тоғдан». Шунинг учун ҳам Жаҳон хонимнинг унга, унинг Жаҳон хонимга сўзи терс келаётгани қизга маъқул эди: «Майли, бир-бирларини болашаверсин!»

— Сендан сўраяпман, айт! — деб тепасоқолни сиқиштира бошлади Жаҳон хоним.

— Ўша кўприкни сел олиб кетган кун азонда мен эшигингизга бордим, хоним! Тўғриси, ҳали жуда эрта эди. Эшикни анча тақиллатдим. Сиздай бўлмаса ҳам, лекин бир чиройли хоним чиқди. У олдин Салим огани уйғотгиси келмади, боравер, пешинда келарсан, деди. Ўйлаб қолдим, ўзим бир чўпон бобо бўлсам, чўлдан сурувини ташлаб келган бўлсам, ўз ишим эмаски, чиқсам кетсам. Корихайр иш билан келганман, оғанинг ўзига учрашмасам бўлмасди. Анча ялиндим. Худо бахтини берсин, у гўзал хоним бориб чақириб келди. Салим ўгага аҳволни маълум қилдим. Майли, боравер, бир ҳафта ичида тузаттираман, деди. Бир ҳафта ҳам ўтди, ой ўтяпти, ҳалигача тузалгани йўқ. У бечорада ҳам айб йўқ шекилли, иши бошидан ошиб-тошиб ётибди. Яна бир борай дедим. Ўша чиройли хонимни...

Жаҳон хонимнинг қулоқ солишга бошқа тоқати қолмади. Тепасоқолдан узоқлашди. У «чиройли хоним» Офарида эканлигини англаган эди. Шунинг учун ҳам ҳуши бошидан учиб, юраги қаттиқ сиқилди. Марза бўйлаб тегирмон томонга анча юриб борди, Хоспўлатга айтаётгандай қилиб, деди:

— Ҳой бола, кетма, дедим. Сўзимга кирмади, баттол!..

— Ёш-да, хоним, уни ҳам кўп қийнайверманг! — Жаҳон хонимнинг ортидан келган Вали унга тасалли беришга киришди.

— Ёш бўлса сўзга кирмаслиги керакми?! Биз ҳам ёш бўлганмиз. Кўп ёшларни кўрганмиз. Раҳматлик Сафиқулибек ёдимга тушиб кетди. — Жаҳон хоним ўртанди, лекин чўпоннинг олдида кўз ёши қилишни ўзига эп кўрмасдан, давом этди: — Мард йигит эди, лекин тўғри сўздан чиқмасди. Ўтир десанг, жойида қимирламай ўтираверарди... Ҳозирги ёшлар катта-кичикнинг

фарқига бормаиди, қулоқсиз бўлиб кетишган, яхши билан ёмонни фарқлашмайди. Кўнгилларига келганини қилишади. Худо кўтарсин буларни, буларнинг замонасини ҳам... Анавини кўряпсанми?— Жаҳон хоним орқасига қараб, қўли билан Наргилани кўрсатди.

— Оҳ-ҳа, суюнчини чўзинг, Жаҳон хоним, келишяпти!— Наргила эчкидай сакраб ўйнай бошлади. Жаҳон хоним: «Худога шукур!»— деб қўлларини кўрка кўтарди, кўзларини тегирмон йўлида пайдо бўлган отлиқларнинг қорасига тикди. Отлиқлар яқинлашиб келгани сари улар икки киши эканлиги тобора аниқ кўринарди.

— Олдинда келаётган Хоспўлатга ўхшайди!— деди ифтихорини яширолмай Жаҳон хоним:— От минниси худди раҳматлик отасининг ўзи. Отада ўтиришини қаранглар, шаҳзодаларга ўхшайди! Бу, анов бола дейман, орқада қолиб кетибдими?— у чўпон Валига қаради, чўпон Валининг: «Хоспўлатнинг олдида унга от минниси йўл бўлсин!»— дейишини кутди. Лекин Вали индамаганидан кейин давом этди:— Болаларнинг ҳаммасини шундай ўргат. Ўзининг кимлигини унутмасин. Хўжанинг хўжа ўрни бор, қаролнинг қарол ўрни. Бек — бек, чўпон — чўпон! Болага тўн кийгизаман!..

— Шошманг, Жаҳон хола!— деди унинг орқасида турган Наргила.— Қасдан отига энди қамчи берса керак!..

Ростдан ҳам Қасдан отнинг жиловини тортиб, унинг белига тобора паст ётгани сари от ҳаволаниб, елдай уча бошлади ва сал ўтмай Хоспўлатнинг отидан ўзиб кетди. Хоспўлат отига қамчи босди. Қамчисини ҳавода ўйнатди. У отнинг сағрига, қорнининг пастига тепа бошлади.

— Вой-вой!— деб афсусланди чўпон Вали.— Отни ноҳақ тепяпти. Зиён қилади...

Дақиқа сари Хоспўлат билан Қасдан ўртасидаги масофа ортиб борарди. Хоспўлат жуда қаттиқ қизишиб кетди. От унинг сўзига кирмас, бўйсунмас, уни устидан отиб туширмоқчи бўларди. Хоспўлат қамчинини отнинг бошига урганда чўпонлар бараварига вой-войлаб юбордилар. Жаҳон хонимнинг рангида ранг қолмади. У тишларини ғичирлатарди. Олдинга чиқиб, Хоспўлатга нималардир деб кичқирди. Лекин овози ҳеч ерга

етмади. Хоспўлат ҳеч кимни кўрмас, отни тинимсиз қамчилар, жиловни дам тортар, дам бўшатар, оёқлари билан тепинарди. Шу пайт бир оёғи чуқурга тушиб кетган от мункиди, тўши билан чуқурнинг бир чекка-сига урилди, мувозанатини йўқотиб қўйган Хоспўлат жиловни қўлидан чиқариб юборди. От устидан учиб тушди ва худди тўпдай ерда думалаб кетди. Наргила хандон ташлаб қулди. Жаҳон хоним ўзининг бошига муштлай бошлади: «Воҳ-ей! Бола ўлди! Бола шикастланди! Ёрдам беринглар!» — деб бақириб дод-вой қиларкан, Наргила қаҳқаҳа отиб кулиб, деди:

— Бола соппа-соғ! Ёмон йиқилгани йўқ, ҳеч нарса қилмайди.

Ростдан ҳам, Хоспўлат дарров ўрнидан туриб, уст-бошини қоқди-да, онасининг олдига келди:

— От эмас экан бу, қирчанғи! — деди.

Жаҳон хоним ўғлини қучоқлаб олди, ҳеч нарса қилмадими, деб унинг у ёқ-бу ёғини ушлаб кўрди. Ўғлининг ҳеч ери лат емаганлигини кўриб тинчланди ва отни ёмонлашга тушди:

— Зоти паст экан! Эртагаёқ йўқотаман буни! — деди-да, Валига ўгирилиб қаради: — Оқшом уйга бор, бу қирчанғини бериб юбораман, аравага қўшиб юр, аравага, тоққа кетганларингда юк ташиб юрсин. Бундай отни миниш ҳам ҳаром!

Наргила эса қўлида булоқ суви тўла кўзани тутганча бир чеккада гуноҳкор каби мунғайиб турган Қасданга яқинлашди ва баланд овоз билан деди:

— Энди булоқнинг сувидан ҳаммага ичиринг!

Қасдан унинг айтганини қилди. Биринчи стаканни Жаҳон хонимга узатган эди, хоним қўли билан ичмайман деган ишорани қилди. Хонимнинг кўнглини пича бўлса-да, олиш учун чўпонлар ҳам ичмадилар. Наргила эса тиниқ ва муздек булоқ суви билан тўла стаканни Қасданнинг қўлидан олди ва Жаҳон хонимнинг жаҳли чиққанига қарамасдан, сувни тантана билан маза қилиб ичди. Стаканни дастурхоннинг четига қўйиб, Қасданга қаради:

— Энди қуйиб туринг, қўл-юзимни ювиб олай. Сув ёруғлик, булоқ суви эса бахт келтиради.

Ҳали ҳамон нималар юз берганлигини тўла англамаган, ҳуш-беҳуш бўлиб, севинч билан кадар, саодат билан фалокат ўртасида бошини йўқотиб турган Қас-

дан бир огиз сўз қўшмай қизнинг ҳамма айтганларини адо этарди. У қизнинг яланғоч, гўзал қўлларига сув қуйди. Қиз қўлларини ювди, ҳовучини тўлдириб, юзига сув сочди:

— Бунинг нақадар хушбахтлик эканини сизлар билмайсизлар!— деб Жаҳон хонимга қаради. Қўлларини артиб, марза томонга юрди. Жаҳон хоним парт бўлган товукдай ҳурпайиб турар ва дол қолиб унинг ҳаракатларини кузатарди. У қизнинг бу қилиқлари нима билан тугашини кутарди. Ҳайрат ва таажжуб ичида қолган чўпонларнинг бир кўзи Наргилада, бир кўзи Жаҳон хонимда эди. Бирдан Жаҳон хонимнинг назарида уларнинг ҳаммалари ичларида унинг устидан кулаётгандай, оддий бир туякашнинг қизи томонидан масхара қилганига севинаётгандай бўлиб туюлди. У шу дақиқаларда бориб Наргиланинг сочларидан судраб ургиси, оёқлари остига олиб тепкилагиси келди. Юрагининг тубларида кўпикланиб тошган мана шу туйғунинг таъсирида у Наргила томонга ташланди, лекин билагини Хоспўлатнинг қўлларидан чиқариб ололмади. «Майли, Наргила! Сендан ўчимни олмасам, мен ҳам юрган эканман Жаҳон хоним бўлиб!»— деб ўйлади. Унга қараб турган чўпонларга эса, «нима ҳам қилардик, бу қиз ўзи шундай тентакроқ», деган ишорани қилди.

Наргила нозик, гўзал бўйинини силкита-силкита марзанинг четида қолган сариқ кўйлак устидаги созни қўлига олди, уни Қасданга узатди.

— Олинг энди, истаган куйингизни чалаверинг!— деди.— Ошиқлик сизга жуда ярашади!

Қасданнинг тараддудланиб турганини кўриб, созни унинг кўкрагига босди. Оҳиста ва жуда ҳазин товуш билан пичирлади:

— Сизга атаган куйимни мен юрагимда чаламан!

— Отларни олиб келинглар, кетамиз!— Жаҳон хоним куй эшитиш ҳаваси йўқлигини билдирди.

Наргила эса ҳеч нарса бўлмагандай унинг юзига қаради. Қўнғироқдай жарангдор овоз билан:

— Жаҳон хоним, сиз бораверинг, биз ортингиздан етиб борамиз,— деб қўлини Хоспўлатга узатди. Хоспўлат дарҳол унинг қўлини ушлаб олди ва онасидан орқада қолди. Наргила Хоспўлат ва Қасданнинг қулоғига нималарнидир пичирлаб, тиканлар босилиб, девор

қилиб ўралган ва қизил гуллар очилиб ётган кичкина богча томонга юрди.

— Худо ҳеч кимнинг бошига солмасин!— Жаҳон хоним чўпонларга қаради:— Тутқаноги бор... доридармон ҳам фойда бермади... Менинг отимни олиб келинглар!

Жаҳон хоним чўпонларнинг ёрдамида отга минганидан сўнг дарров юриб кетмади. Кутиб турди. Қиз ҳамма ҳунарларини кўрсатиб бўлгандан кейингина улар билан бирга йўлга тушди. Йўл бўйи бир оғиз ҳам сўз айтмади. У Наргиладан қандай қилиб ўч олишини ўйлаб борарди...

## ТУҒҚИЗИНЧИ ФАСЛ

### 1

Лекин йўл тополмади. Шунинг учун ҳам ўша куни кечқурун дадасининг ҳузурига борди. Бўлиб турган барча аҳволотни Илёсбекка оқизмай-томизмай сўзлаб берди, қиздан кўнгли тинчимаётганлигини айтди.

— Хоспўлатни йўлдан уряпти... Дада, қўрқяпман, тагин бир бало бўлиб ўтирмасин дейман. Кейин бу қиздан қандай қилиб қутулишимизни билмай қоламиз!— Жаҳон сўзини тугатганида Илёсбек истеҳзо билан кулди:

— Бундан сира ташвишланма. Эртага бошқа бир хотин кулиб қараса, буни дарров эсидан чиқаради. Ўзингни хотиржам қиламан десанг, мулла Самадга бир дуо ёздириб ол, жодулаб қўйган бўлса қайтарар. Одамларга ишониб бўлмайди, қизим! Уша Карим туякашнинг кулиб қараганига ишонма. Унинг икки кўзи бизнинг мол-давлатимизда.

Жаҳон хонимнинг Наргила ва Хоспўлатдан кўнгли шунчалар нотинч, хаёли уларни бир-бирларидан узоқлаштириш фикри билан шу қадар банд эдики, отасининг Карим туякаш хусусида айтган сўзларига эътибор бермади. Қасдан деган чўпон боланинг қизда майли борлиги, булоқдан қандай қилиб сув олиб келгани ва у ерда рўй берган бошқа воқеаларни майда-чуйда тафсилотларигача отасига сўйлаб берди. Буни эшитган Илёсбекнинг қошлари чимирилди, чуқур ўйга толди. Жаҳон хоним буни ўзича бошқа нарсага йўйди:

— Бир-бирларига жуда мос икковлари. Карим билан чўпон Валини чақиринг, Наргилани Қасданга олиб беринг, вассалом, жонимиз тинчийди.

Илёсбек бу гапни хотин кишининг ақли заифлигига йўйиб, кулимсирарди:

— Нима деяпсан ўзи, қизим? — деди. — Ўша қилган беадабгарчиликлари учун чўпон Қасданнинг ҳам, Валининг ҳам боплаб таъзирларини бериб қўйган яхши, бошқаларга ҳам ибрат бўлади. Келиб-келиб ҳали менинг ўғлим билан от чопишадиган, соврин оладиган бўлиб қолишибдими энди! Қандай ҳадди сиғди бунга?! Шундай қилган бўлса, агар ҳамон қизнинг кўнгли унда, унинг кўнгли қизда экан, уларнинг бошларини асло қовуштирма. Яна шуни ҳам билиб қўйки, мен ҳеч қачон Карим туякаш билан чўпонларнинг қариндош-уруғ бўлиб кетишларига йўл қўёлмайман. Ўзингга маълум, ўша чўпонлар темирчи билан жуда қалин эди. Мен ҳали ҳам буларга ишонмайман. Яширинча темирчи билан кўришиб турган бўлишса ҳам ажабмас. Устига-устак, Карим туякаш билан ҳам қариндош бўлиб олишса, ит уруғ бўлиб кетишади кейин. Ўша темирчи бу дунёда тирик юаркан, калласи танасидан жудо қилинмас экан, биз бундай нарсаларга йўл қўёлмаймиз, қизим.

Жаҳон хоним кейин ҳеч қачон унутмайдиган дақиқалардан бири етиб келди.

— Ақлим энди жойига тушди, дада, барака топинг илоё. Миямга бир фикр келиб қолди. Дада, балки шу қизни Шўртонга узатиб юборсак қандай бўларкин, а?

Илёсбекнинг кўзлари порлади:

— Ақлингга балли, қизим, агар шундай қилсак, ҳам чўпонларни жазолаган бўламиз, ҳам бу иш худога ҳам хуш келади. Чунки парвардигори олам одам зотини яратганда жиннини жиннига тенг-тўш қилиб яратган. Ў қиз Шўртонга жуда мос.

Жаҳон хоним кўнглидаги шубҳасини ҳам ўртага солди:

— Тегмайди у, дада! Сиз билмайсиз уни!

— Ўликни ўз ҳолига қўйсанг, кафанини йиртади, дейишади! Тегмайман деса, никоҳни ўқитаману, малайларга айтаман, дарров обориб ташлашади Шўртоннинг уйига. Кейин бир кўрай у ердан қандай қилиб чиқаркин. Бу ахир Ҳури эмасдир-ку?

— Ота-онаси рози бўлишармикин, дод-фарёд кўтаришмасмикин?

— Отасини рози қиламан. Пул берсанг, қизи у ёқда турсин, дину имонини ҳам сотиб юборади. Шунақа одам ўзи! Гап онаси устида борадиган бўлса, уни ким одам қилди? Майли, истаганча дод-фарёд кўтарсин, кўрамиз унинг додини эшитадиган топилармикин?

Илёсбек Жаҳон хонимни йўлга солиб юбораркан, деди:

— Бу ишни пайсалга солма. Тез бошингдан соқит қил. Аблаҳларнинг қилаётган ишларини қара-я! Бутун умидим Хоспўлатдан.— Илёсбек кўкрагини кўрсатди.— Хоспўлат менинг мадорим, унинг догани ҳеч нарса билан босиб бўлмайди.

— Худо кўрсатмасин, дада, нималар деяпсиз ўзингиздан ўзингиз?— саросима ичида деди Жаҳон.— Доғингиз нимаси тагин?

— Доғ нималигини билмайсанми? Нима, бўлма-са, Карим туякашнинг телба-тескари қизини биз келин қилишимиз керакми? Мабодо ўғлон уларнинг қўлларига тушадиган бўлса, мен учун ўлган деб ҳисоблайвер. Ғофил бўлма бу ишдан, уни тезлик билан Шўртонга бериб юбор, бошимиздан соқит қил.

Эртасига эрталаб Жаҳон Қорасочни ўз ёнига чақиртирди. Аҳволни унга маълум қилди. Қорасоч қайнаб турган қозон ичига тушиб кетгандай бўлди. Бир зум ичида букчайиб қолди.

— Қурбон бўлай сизга, Жаҳон хоним,— деб ёлворди у.— Худо ҳаққи, учта болам ҳам бир, шу Наргила қизим ҳам бир. Уни жонимдан ортиқ яхши кўраман. Шундай ақлли, гўзал бир қизга бадбахтликни раво кўрманг.

— Унинг нимаси ақлли, ҳой, Қорасоч?— Жаҳон она юрагини яралашда давом этди. Ўзинг ҳам яхши биласанки, қизингнинг бошида ҳавоси бор, тутқаноги тутади. Тўғри, қўғирчоқдай чиройли. Лекин боши хароб. У қилган ишларни мияси айниган телба ҳам қилмайди.

— Воллоҳ-биллоҳ, йўқ, Жаҳон хоним! Унинг тутқаноги ҳам йўқ, телба ҳам эмас. Унинг миясидай мия ҳеч кимда йўқ. Ҳеч ким уни менчалик яхши билмайди. Унинг қанчалар ақлли қиз эканлигини мен яхши биламан. Билмайман, нега кечадан бери у шўрликнинг

пешанасига телба деб тамға босилибди. Ёмонотлиқ бўлибди. Нима қилай, ёмон тилларга тирсак чиқсин. Одамларимизни ўзингиз яхши биласиз. Худо ҳеч кимни буларнинг кунига қўймасин, оқилни жинни деб кўрсатишади. Уйдирмалар тўқиб чиқаришади. Ёлғон!

— Дарвиш-чи? Дарвиш ҳам ёлғонми?— Жаҳон Қорасочнинг оғзига урди.— Ўзинг яхши биласан, у қизни жодулаб кетган. Бу қиз қаерга тушмасин, ўзи билан бирга бадбахтлик олиб боради. Ақли-ҳуши ўзида бўлган қайси одам уни ўзига келин қилиб олади? Шўртон қандай бўлса, бу ҳам худди ўшанинг ўзи. Сен буни ўзингга оғир олма. Бу ишларнинг ҳаммаси худодан. Минг дод-вой кўтарганимизда сен билан менинг қўлимиздан нима келади? Хўп де, уни узатиб юборайлик, икки жоду билан бўлганнынг боши қовушса кўпинча иккаласи ҳам шифо топиб кетади, деган гап бор. Ақл-ҳушлари ўзларига келармиш.

Жаҳон хоним, кўп гапирди, Қорасоч оз эшитди. У ҳеч қизини телба дейишларига ва Шўртондай бир бедавога хотин қилиб беришларига рози бўлмади. Жаҳон хоним дўқ-пўписага ўтди: «Кулларингни кўкка совуриб юборамиз»,— деганидан кейин Қорасочнинг нафаси ўчди.

— Мен барибир рози эмасман, Жаҳон хоним! Чақиринг ўзини, ўзидан сўранг. Руснинг закониди ҳам, мусулмоннинг шариятида ҳам охирги сўз қизники. Чақиринг, кўринг, ўзи нима деркин!

Қорасоч Наргилани ҳеч ким, ҳеч нарса бу фикрга кўндирилмайди деган ишончда эди. Жаҳон хоним ҳам шу фикрда бўлганлигидан, Наргила билан жуда оғир суҳбат бўлишини сезиб, бунга олдиндан ҳозирланиб қўйди ва қизни чақириб, унга аҳволни маълум қилди. Наргила Жаҳон хонимни ҳам, онасини ҳам ҳайратга солиб, бу гапни жуда совуққонлик билан қаршилади. Ўзини жинниликка солмади, бақириб-чақирмади, фарёд кўтармади. Жаҳон хонимнинг диққат билан тикилган кўзларига тик боқиб:

— Розиман!— деди.— Сиз шундай маслаҳат кўргандан сўнгра иложим қанча!

— Ҳей қиз, менга қара, нега иложинг бўлмас экан?— деб ҳайрон бўлиб сўради онаси.— Аввал яхшилаб ўйлаб кўр, ундан кейин ҳа, деб жавоб бер. Нега менинг юзимга қарамайсан, Наргила?!— Она бу сўз-

ларни гапираркан хўрлиги келди, юраги санчиб, ўзини тутолмай ҳўнграб йиғлаб юборди.

Наргила гўзал, ингичка белини ўйнатиб келиб, юмшоқ чиройли қўллари билан онасини қучоқлаб олди, унинг юзидан оқиб тушаётган кўз ёшларини артди, нафис лаблари билан онасининг дудоғидан ўпди.

— Мен нима дейман, онажон! Ҳамма нарсани бизнинг ўрнимизга ўйлаб қўйишган бўлса, қандоқ қилайлик, катталарнинг, огаларнинг сўзига кирмай иложимиз қанча?

Наргила йиғлаб қичқирмаса-да, эътироз қилмаса-да, лекин тобора ранги ўзгариб, беҳол бўлиб борар, буни кўрган Жаҳон хоним эса бу чиндан ҳам телбанинг худди ўзи деб ўйларди. Ҳатто она қалбининг энг чуқур ерларида узоқ замонлардан бери давом этган ўша шубҳа, ваҳима секин бош кўтармоқда эди: худоё, бу қиз ўзи нега бундай қияпти? Парвардигорим, бу қачон бунчалик сеҳрланган экан?

Наргила эса Жаҳон хоним оғзини очган заҳоти чўпонлар ўртасида қилган ишларининг жазосини олаётганлигини сизди. Жаҳон хонимнинг ўтган куни дадаси билан кўришгани, бугун онасининг унинг ҳузурига, отасининг эса Илёсбек ҳузурига чақиртирилгани, уни Шўртонга узатилмоқчи бўлишгани — ҳаммаси Хоспўлатни хато йўлдан қутқариш, Қасдандан ўч олиш учун қилинаётган ишлар эканлиги маълум эди. «Яхши, Жаҳон хоним, — деб ўйлади қиз. — Сен мендан ўчингни шундай оляпсан, қараб тур, мен сендан ҳали ўчимни қандай қилиб оламан!»

— Хўп, қизим, тўйингни қачон қилайлик? — деб сўради Жаҳон хоним.

Наргила тамомила эс-ҳушини йўқотган ҳолда жавоб берди:

— Сиз қачон десангиз...

— Фол очираман, энг хушбахт бир вақтда никонингни ўқитаман, тўйни ҳам узоққа чўзмай, шу ҳафта ичи ўтказиб юбора қоламиз. Чўзиб ўтиргандан нима фойда? — Жаҳон хоним ўзининг қатъий қарорини билдирди. Қорасоч сабри тугаб, деди:

— Бу намунча шошилич, ҳей, Жаҳон хоним? Нега бунча қув-қувга тушиб қолдик? Мен қўғирчоқдек қилиб қиз ўстирдим, кўнглимда орзу-ҳавасларим бор, қўйинг, биз ўзимиз ҳам бир ўйлашиб олайлик...

— Ҳой, Қорасоч хоним, сени эрга бераётганимиз йўқ-ку фикрлашсанг!— Жаҳон хоним гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди.— Қиз рози, яна сенга нима керак...

— Йўқ, бўлмайди! Мен рози эмасман, мен қизимни кўра била туриб ўтга ташлай олмайман. Мен сизнинг ўша далли, бедаво Шўртонингизга қиз бермайман! Қанча хотинларнинг бошини еди, бўлди-да энди!— Қорасоч оёққа турган эди, Жаҳон хоним ҳам ғазабланиб ўрнидан турди:

— Оғзингга қараб гапир, Қорасоч хоним, охири вой бўлади бунақа гапларнинг!

Жонидан тўйиб кетган Қорасоч қичқирди:

— Охири вой бўлишидан сиз қўрқинг! Сиз йиқмаган уй қолмади бу дунёда! Бўлди, етар! Пичоқ суягимизга қадалди!

Жаҳон хонимнинг кўзлари тубида йиртқич йўлбарснинг кўзидаги ўтга ўхшаш бир нарса йилтиллаб кетди. Қўлини кўтарди. Бор, уйингга жўна, демоқчи эди, орага Наргила тушди. У яна онасини қучоқлади ва секин-секин эшик томонга бошлаб бораркан, деди:

— Тинчланинг, онажон. Сиз доимо пешанада боридан ортиғи бўлмайди, қисматга ёзилгани бўлади, дер эдингиз. Менинг пешанамга ёзилгани Шўртон шекилли, нима қилай, қисматимда бор экан...

— Баракалла, қизим!— деб ҳовридан тушган Жаҳон хоним мақтади қизни.— Сен мен ўйлагандан ҳам ақллироқ экансан. Обор онангни, тинчлантир, сенинг ҳамма сепларингни ўзим қиламан. Тўй харажатларини ҳам ўзим қиламан.

Ўша кеча Наргила Жаҳон хонимникига қайтмади, онасининг ёнида қолди. Карим туякаш Илёсбекнинг ёнидан қайтиб, хотинининг ваҳимали сўзларини, нола-фарёдларини эшитиб, унинг сел каби оққан кўз ёшларини кўриб, қизининг Шўртонга тегишга рози бўлганлигини билиб ранги-қути ўчди, лабларидаги ҳамिशалик табассум сўнди.

— Хўп, энди нима қилмоқчисан, қизим?— деб Наргиладан сўради. Наргила отасининг уни қанчалар яхши кўришини биларди. Лекин отасининг юрагидаги меҳр онасининг бутун қалбига ҳоким бўлган меҳр каби ҳароратли ва фидокор эмаслигини ҳам сезарди. Лекин она меҳри уни баъзан кўр қилиб қўяди. Отаси эса қизининг битта сўзидан, унинг юзидаги ифодадан

кўнглидаги гапни, муддаосини билиб, англаб оларди. Онасига эса бундай нарсаларни тушунтириш, изоҳлаб бериш керак бўларди.

— Ота, мен кечаси Қасданни кўришим керак!— деб отасига қаради Наргила.

— Майли, қизим, сен айтганча бўлсин!— ота қизининг орзуси ва мақсадини англагандай бўлиб жавоб берди. У ўрнидан туриб кетмоқчи бўлганида Қорасоч зорланди:

— Менга ҳам тушунтиринглар, нима қилмоқчи-сизлар ўзи?

— Ҳой, Қорасоч хоним,— Карим хотинининг бўйнидан қучоқлади.— Ахир, ҳар сўзни айтаверса ҳам бўлмайди-да. Шундай, сўз билан айтиб бўлмайдиган нарсалар бор. Сабр қил, ҳаммасини биласан.

Кун ботиб, қоронги тушди. Карим оила аъзолари қуршовида кечки овқатни еб бўлгач, уйдан чиқди. Кўчалар бўм-бўш ва жимжит эди. Кўк юзида юлдузлар бодраб кўринарди. Ҳаво совуқ эди. Оқ нўвут чиқиб, ўттизинчи лампа шишалар пайдо бўлганидан бери дарчалари ёруғ уйлар анча кўпайиб қолганди. Хусусан, Илёсбек, Жаҳон хонимга ўхшаганларнинг хонадонларида кўзни оладиган даражада ёруғ чироқлар порларди оқшомлари. Карим туякаш мана шу ора-сира учраган чироқларга қараб борарди. Деворлар ва четанлар ортида баъзан итлар ҳуриб қоларди. Карим ўйдим-чуқур йўллардан туртина-суртина ўтиб, Илёсбек Вали чўпонга бултур ажратиб берган жойга етиб келди. Вали бу ердан ўзига кичкинагина, икки деразали уй ҳуриб олганди. Ҳайтовур, чўпон уйда экан. У овқатланиб бўлиб, чўлга, қўйларга қарагани кетмоқчи бўлиб отланаётган эди. Ит ҳуриганини эшитиб, эшикка чиқди. Карим туякаш гапни қисқа қилиб қўя қолди:

— Бир амаллаб шу бугун Қасданни топиб бизникига ола кел.

— Тинчликми?— безовталаниб сўради Вали.

— Зарур ишим бор. Кутиб ўтираман!— Карим ҳеч кимнинг кўзига кўринмасдан яна уйига қайтди. Ордан кўп ҳам ўтмай у эшикда шовқин-суронсиз Вали билан Қасданни кутиб олди. Уларни дарҳол ичкарига олиб кирди.

— Сизлар чўлда қолган сурувларингиздан хавотирдасизлар, мен ёмон кўзлар, узун қулоқлардан!—

дарров мақсадга кўчиб қўя қолди Карим.— Вақти бой бермайлик. Наргила қизим, сен Қасдан билан нариги уйга кириб туринглар, гапларингни айтинглар бир-бирларингизга. Биз ҳам бу ерда Вали билан кенгашиб оламиз.

Наргила чарос кўзларини сузиб, нозик белларини ўйнатганча нариги уйга ўтиб кетди. Қасдан қаттиқ ҳаяжонга тушди. Унинг юраги гурсиллаб урар, нега чақирилганлигини аниқ билолмай ташвишланарди. Наргила тунов кунги Наргила эмаслигини, унинг кўзларининг тубига кадар чўкканлигини кўриб, янада ташвиши ортди. Сабрсизлик билан нима бўлишини кутди. Нариги уйга кирганларидан сўнг Наргила унга жуда ҳам яқин келди. Қасдан қиз нафасининг атридан беҳуш бўлиб қолай деди. Наргила унинг юзига жуда яқин келиб, кўзларининг ичига қараганча сўради:

— Мени оласизми, Қасдан?

Қасдан тушимми, ўнгимми деб ҳайрат ичида турарди. Унинг томоғи қуриди, овози титради.

— Сени қанчалар яхши кўришимни бир худонинг ўзи билади!

— Мен телбаман, менинг тутқаноғим бор, тилсимлаб қўйилганман, биласизми?— қиз ўтқир кўзларини унинг кўзидан узмай сўради.

Қасдан дарҳол жавоб берди:

— Қандай бўлсанг ҳам менинг жоним-жигаримсан!

— Мени доимо шундай яхши кўрасизми?— сўради қиз.

— Доимо!

— Қиёматгача?

— Токи танимда жоним бор экан!

— Қиёматгача денг!

— Қиёматгача!

— Онт ичинг!

— Қуръонни олиб кел, қасам ичаман!— деди Қасдан ва дарҳол яна такрорлади:— Қуръонни олиб кел, қасам ичаман!

— Менинг жонимга онт ичинг, Наргила жоним денг!

Қасдан такрорлади:

— Наргила жоним!

— Хўп, ўзингиз, қандай онт ичардингиз?  
— Онт бўлсин сенинг кўзларингга деярдим!  
— Яна нимага?  
— Бизни бирлаштирган мана шу дақиқаларга!  
— Энди келинг, бўлмаса, онтимизга муҳр босайлик! — Наргила кичкина кўркем бошини яна пича эгди, севинч, саодат тўла юзини Қасданнинг дудоқларига яқинлаштирди: — Юзимдан ўпинг!

Қасданнинг оёқлари титради, эти сесканди, назарида ҳозир оёгининг мадори қолмасдан йиқилиб тушадигандай эди. Қизнинг елкаларидан маҳкам ушлаб, ёноғидан ўпди.

— Оҳ-ҳо, қўлларингиз мунча кучли! Юзингиз одамни ёндиради! — Наргила бирдан оёқ учида турди-да, Қасданнинг лабларидан ўпиб олди.

— Энди боринг, сизга ўзим хабар бераман.

Улар бу хонага чиққанларида катталар ҳам гаплашиб бўлган, ўринларидан қўзгалган эдилар. Отаси Валининг қўлидан ушлаб, деди:

— Оллоҳ ҳаммамизнинг гуноҳларимизни ўзи кечирсин! Бу дунёда гуноҳсиз одам йўқ. Бировники кўпроқ, бировники озроқ. Унинг олдида, — Карим қўллари юқорига кўтарди, — ҳаммамиз гуноҳкор бандалармиз...

Вали кинояли илжайди.

— Мен қандай гуноҳ қилганлигимни билмайман. Эсимни таниганимдан бери бошим ишдан чиқмайди, қўлим меҳнатдан бўшамайди. Атрофимдаги одамлар ҳам худди менга ўхшаган. Худо бизга нима берибдики, нимасини олади?

— Майли, шундай бўла қолсин! Фақат мен сенинг олдингда ҳам, унинг олдида ҳам ўз гуноҳларимни бўйнимга оламан. Агарда Вафодорни кўриб қолсанг, мана шу сўзларимни унга еткиз, унинг олдида гуноҳкорман, гуноҳимдан ўтсин. Буларнинг беқлигига инониб алданиб қолдим, уларнинг пулларига учдим шекилли. Ўшанда буларни одам деб ўйлаган эканман. Энди кўриб турибман — ваҳшийдан ҳам баттар экан. Уларнинг инсофлари йўқ, бировнинг ҳолига ачинишмайди. Менга нима десанг, шуни бераман, ўз қўлинг билан ўз фарзандингни бўғизла, дейди. — У шуларни айтиб, Наргиланинг билагидан ушлаб бир чеккага тортди: — Худо номига қасам ичиб айтаманки, бу ерда қандай

сир борлигини билмайману, лекин қизимни жонимдан ҳам ортиқ яхши кўраман! Онасини-ку, айтмай қўя қолай, боласининг устида ўлиб қолади.

— Ҳар қанча яхши кўрса арзийдиган қиз!— Вали Наргилага меҳрибон кўз билан қаради.— Биз ҳам уни ўз қизимиздай яхши кўрамыз. Хотиржам бўлинглар! Уни кўз қорачигидек эҳтиёт қиламиз. Ўзларингиз ҳали кўрарсизлар Қасданнинг қандай йигит эканлигини! У Наргилани кафтида кўтариб юради.

— Омон бўлинглар, худо хайрларингни берсин!

Карим туякаш меҳмонларни кузатиш учун ташқарига чиқди. Қорасоч Наргилага қараб, бошини чайқади:

— Ҳеч нимани тушунмай қолдим, қизим! Бу қилганларинг нима, Жаҳонга розилик берганинг нима? Агар бу болага қўшилиб қочмоқчи бўлсанг, унда очигини айтиб қўя қолмайсанми, шунча ўйинларнинг нима кераги бор эди?

Наргила онасининг бўйнига осилди.

— Ўзимнинг онажоним! Сизга жуда қийин бўлди, тушуниб турибман. Сизга қараб туриб, она бўлиш нақадар қийинлигини билияпман. Оналарнинг бошидан ҳар куни минг карра айлансак ҳам оз экан. Юринг, юринг, сизга Низомийнинг «Сирлар хазинаси»дан яхши бир ҳикоя ўқиб бераман. Юринг, бугун жуда чарчадингиз, мени деб шунча қийналдингиз.

Қорасочнинг кўнгли юмшаб, хўрлиги келди, юраги портлаб, қинидан чиқиб кетай деди. «Ё раҳмдил парвардигорим,— деб ўйлади у.— Бу қиз қайда-ю, телба Шўртон қайда? Раҳмдил парвардигорим, қани сенинг адолатинг? Қани сенинг ғазабинг? Нега индамай қараб турибсан бу зулмларга? Ахир, сабрнинг ҳам чегараси бор-ку?»

Бозор бошида одам кўп. Вир даста ўспирин хўроз уриштиряпти. Уларнинг кўплари қўлтиқлариға хўроз қистириб олган, ким оёқ устида тикка турибди, ким даврада чордана қуриб ўтирибди. Ўртада бири оқ, иккинчиси қизил хўроз қаттиқ уришиб тепкилашади, йиғилганлар уларнинг қандай уришаётганлигини томиша қилишади. Жангнинг қизиқроқ ерида қийқириб, шовқин-сурон кўтарадилар. Хўрозлар қоп-қора қонга бўялган, тоза ҳолдан тойган. Лекин ҳеч қайси-

сининг қочгиси келмайди, мағлуб бўлишни истамайди. Хўрозларнинг эгалари қизиқ шарт қўйган эдилар. Қизил хўроз енгиб чиқса, унинг эгаси енгилган хўроз эгасининг отхонасидаги отни эгарлаб миниб чиқиб кетар эди. Мабодо енгилса, унда оқ хўроз эгасини устига миндириб, кишнаб-кишнаб бозорни тўрт марта айлантириб чиқиши керак эди. Оқ хўроз Хоспўлатнинг хўрози эди. Қизил хўроз эса бу дунёда куч-қувватга тўлган гавда-ю, қари ожиза онасидан бошқа ҳеч кими ва ҳеч нарсаси бўлмаган бир етимчаники эди. Хўрозлар дам-бадам бир-бирларининг устига ҳужумга отилардилар. Хўроз эгалари жуда қизишиб туришар, қичқириб хўрозларига мадад бергандай бўлардилар.

— Оқ хўроз тамом бўлди! — деб бақирди кимдир. Ҳақиқатан ҳам, майдоннинг бир четида пича нафасини ростлаб олган қизил хўроз бирдан охирги бор кучини йиғиб оқ хўрознинг устига ташланди, уни жуда қаттиқ тепиб нарига учуриб юборди. Оқ хўрознинг кўзи чиққан эди, уришолмай қолди. Хоспўлат бу бадномчиликка чидай олмай, бечора хўрозни ола солиб боши оша айлантириб қаёққадир улоқтириб юборди:

— Юр, отингни олиб кет!

Бошқа ўспиринлар уларга эргашдилар. Йўл бўйи яна ҳар турли баҳслар, тортишувлар чиқди. Алоҳа ҳовлига боргач, кураш тушадиган бўлдилар. Ҳаво тинч, очик, офтоб майин нур сочарди. Ўспиринлар ҳовлига кириб борганларида Жаҳон хоним айвонда ўйга толиб ўтирарди. У Салим оғани қандай қилиб тиз чўктиражаги, Офаридани ўзига хизматкор қилиб олажаги, Сафиқулибекнинг қотилларидан қандай қилиб ўч олажаги ҳақида ўйларди. Яна у Наргила билан Шўртоннинг тўйини тезлик билан ўтказиб, бу ишни ҳам бир ёқлик қилиб қўйишни кўзларди. Жаҳон хоним энди бу иш ҳал бўлган деб ҳисоблаб, у ҳақда ортиқ ўйлаб ўтиргиси келмади. Кўнглини очадиган бирон нарса ҳақида ўйлагиси келиб, Хоспўлатни уйлантириш, қайси бек билан қуда бўлиш хусусида бош қотира бошлади. Лекин бугун нима учундир паранг кийиниб олиб дам ичкарига кириб, дам ташқарига чиқиб турган Офаридани уни ширин хаёлларга ғарқ бўлишдан маҳрум қилди.

— Уйинг куйгур, кунд т-кунга очилиб боряпти. Исфаҳоннинг гиламига ўхшайди, тепкилангани сари

ранги очилади!— деди атай баланд овоз билан Жаҳон хоним. Буни у Офарида эшитсин ва жавоб қайтарсин деб қилди. Шу тобда у билан бир уришиб хумордан чиққиси бор эди. Неча замонлардан бери ичида йигилиб ётган заҳар фақат шу Офарида билан бир жанжаллашиб олса чиқиб кетадигандай эди. Жаҳон ўзича шундай деб ўйларди. Офарида эса бу сафар ҳам ўзини эшитмаганга олди. Жаҳон хоним ойнаванд айвонда ўтирганлигини жуда яхши пайқаган, кўрган бўлса ҳам, ўзини худди ҳеч нарсани кўрмаган, сезмагандай тутарди, гўё ҳеч нарсадан хабари йўқ эди. Ҳатто кўз учиди ҳам бу тарафга қиё боқмасди. Агар ўспиринлар ҳовлини қий-чувга тўлдирмаганларида эди, Жаҳон портлаб, Офариданинг устига отилиши турган гап эди. Болалар уни бу фикрдан чалғитди.

Хоспўлат қўлтиғида қизил хўрозини қистириб олган ўспиринга қараб деди:

— Кураш тушамизми?

— Тушамиз!— деб жавоб берди ўғлон.— Нимадан?

— Битта отдан! Агар ютсанг, биясини ҳам олиб кетасан!

— Бўпти. Розиман!— ёш ўғлон хўрозини ёнидаги болалардан бирининг қўлига тутқазди ва ўзи ечина бошлади. Хоспўлат ҳам ечиниб, энгил-бошларини бир чеккага улоқтирди. У иштонини тиззасигача қайириб ўртага тушди, қўл-оёқларини силкита-силкита майдон айлана бошлади. Жаҳон хоним унинг бақувват гавдасига, кучли мушакларига қараркан: «Ёмон кўздан ўзинг асра, худойим! Азамат йигит бўлибди!— деб ғурурланди.— Худди отасига ўхшаб шаҳд-шиддатли йигит бўлади. Русларга топшираман. Буни зобит<sup>1</sup> қилишсин. Зобит кийими бунинг бўй-бастига жуда ярашади!» Ҳалиги ўспирин ҳам ўртага тушди. У Хоспўлатдан йирикроқ ва гавдалироқ бўлса ҳам, лекин Жаҳон хонимнинг кўзига ушоқ бўлиб кўринди, Хоспўлатдай кўркам ва кучли эмасди назарида. Улар майдон ўртасида анчагача тортишиб турдилар, бир-бирларини анча нари обориб-бери олиб келдилар, бир-бирларига панд бериш, ҳийла ишлатиш пайида бўлдилар. Лекин анчагача ҳеч ким бир-бирига бас келолмади. Жаҳон хоним нафасини ичига ютганча томоша қилиб ўтирар-

---

<sup>1</sup> З о б и т — офицер.

ди. У Хоспўлатнинг ўзига яраша кўркам ва чиройли ҳаракатларига ҳайратланиб боқарди. Бирдан Жаҳон хонимнинг назарида ҳовлининг нариги ёғида ҳам кимдир ёшларнинг кураш тушишини томоша қилаётгандай бўлиб туюлди. Тез ўгирилиб қаради ва ўзи боядан бери унутган Офарида остонада туриб, ўспиринларни суқ назар билан томоша қилаётганлигини кўрди. Офарида узокдан Жаҳон хоним унга қараётганлигини сезиб, ўзини тез ичкарига олди. Эшикни беркитди. Ўспиринлар тоза майдон айландилар, бир-бирларини хўп судрадилар. Шу тобда жуда қизишган, икки юзи қип-қизил бўлиб бўртиб кетган Хоспўлат бирдан рақибининг белидан маҳкам ушлаб олди ва шу қадар қаттиқ қисиб орқага қайирдики, у бола ўзини тутолмай қичқирди:

— Бўлди, белим синди, қўйвор! Таслим бўлдим!

Лекин Хоспўлат қўйиб юбормади, болани то бутунлай ҳолдан тойдиргунча қисиб турди, сўнг ерга қулатди, курагини ерга босди ва кўкрагига миниб олди. Болалар чапак чалиб қичқаришди:

— Хоспўлат! Хоспўлат! Хоспўлат!

Жаҳон хоним шунчалар қаттиқ тўлқинланиб кетдики, оёққа қалқиб айвонда у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Айвоннинг нариги четига етганида беихтиёр Офариданинг уйи томонга қаради. Офарида дераза олдида туриб, елкаларига тўкилган сочларини ўйнаганча кўзини ҳовлидан, ўспиринлардан узмасди! Жаҳон хоним: «Беор, беномус!— деб ўйлади.— Кўзини ўғли тенги ўспиринлардан узолмайди!» Болаларнинг яна янгидан кураш тушмоқчи бўлиб турганларини кўрган Жаҳон хоним бошини айвондан ташқарига чиқарди:

— Хоспўлат, бўлди, уйга кир, сенга гапим бор!

— Ҳозир, сйи, ҳозир бораман!— деди Хоспўлат. Лекин ўтирган еридан қимирламай, ўртоқларининг қандай кураш тушаётганларини томоша қилаверди. Жаҳон хонимнинг жаҳлини чиқарган нарса ёшларнинг қулоқсизлигидан ҳам бурун Офарида хонимнинг тинмай ташқарига чиқиб, ўзини бозорга солаётгани эди. Офарида шу тобда Жаҳоннинг кўзига қора тикандек ботмоқда эди. «Нимасини йўқотиб, тополмаётибди бу ўзи?! Беҳаё қанжиқ!» Жаҳон хоним чидолмасдан ичкарига кириб кетишга мажбур бўлди. Ўспиринлар анчагача курашиб, сўнг тарқалишди. Ҳовли

сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Жаҳон хоним Хоспўлатдан хабар олгани яна айвонга чиқди. Не кўз билан кўрсинки, Хоспўлат ҳовлидан ўтин ёрадиган тўнка устида кучли қўлларини тиззалари устига қўйиб ўтирар, кўзлари ҳирс ва ҳавас билан аллақайларгадир тикилган эди. Жаҳон хоним у тикилган томонга қаради ва ўзини «а! а! а!» деб бақариб юборишдан базўр тутиб қолди: Офарида орқаси Хоспўлатга ўғирглиқ ҳолда Наргиланикидан ҳам кўркемроқ белларини ўйнатиб, деворга қўйилган нарвондан тепага қараб кўтариларди. Унинг илондай тўлғаниб турган нозик чикка белини кўрган Хоспўлат анқайиб қараб қолган эди. Шуни кўрганда Жаҳон хоним сал бўлмаса оғзига келганини айтиб юборай деди. Лекин нима учундир индамади, ғазабини ичига ютди. Нима бўлишини кутиб, бориб катнинг устига тиз чўкиб ўтирди. Угринча уларни кузата бошлади. Ҳатто бошини панага олишга уринди. Офарида бир неча пилла кўтарилиб тўхтади, оёғига илашган этагини йиғиштириб баландроқ кўтарди. Икки пилла чиқди. Яна тўхтади. Энди у этагини бутунлай йиғиштириб, тиззасининг тепасигача кўтарди. Жаҳон хоним Хоспўлатнинг елкалари учганлигини, ўтирган ерида ғалати бир аҳволга тушаётганлигини, кўзларини катта-катта очганича ўша томонга қаттиқ тикилиб қолганлигини ҳис қилди. Унинг кўзларидан чиққан ўт гўё бориб Офариданинг оппоқ, келишган, яланғоч оёқларини ёндиргандай бўлди. Офарида орқасига ўгирилиб қаради. Кўзлари Хоспўлатнинг кўзи билан тўқнашганда этагини тушириб, дарҳол уйга қочиб кириб кетиш ўрнига, кўзларини каттароқ очди, ишва билан кулимсиради.

Жаҳон хоним ўзини тутолмасдан Хоспўлатни чақирди:

— Ўғлим, бу ёққа кел, сенга айтадиган гапим бор...

Хоспўлат онасига норози ҳолда унинг гапларини ёқтирмай қаради-ю, ўрнидан қимирламади, Жаҳон хоним яна ўзига ўзи танбеҳ берди: «Агар бундай қилаверсам, ҳадемай бола юзимга оёқ қўядиган бўлади. Худо менга ҳам жиндек сабр бера қолса нима қиларкан?— У шундай деб ўйлаб яна Офаридага қаради.— Боланинг ичини қиздиришини қаранг бун!» Жаҳон хонимнинг айвондан кетмай, ҳовлини кузатиб ўтирганлигини кўрган Офарида атай унинг қитиғига тегиш,

жаҳлини чиқариш учун пиллаконда секин қимирлар, бўйинлари, белларини ўйнатиб айланарди. Ниҳоят у болохона устига чиқди, ниманидир ахтараётгандай бўлиб у ёқ-бу ёқ кўз югуртирди, томнинг нариги четидан қўлларини белига қўйиб, ипақдай майин овоз билан, одамни йўлдан урадиган, имондан чиқарадиган табасум билан чақирди:

— Ҳой Хоспўлат! Анави супургини менга олиб бер-чи, томнинг усти ивирсиб кетибди!

Шунда Жаҳон хоним бошқа чидай олмай, бошини ташқарига чиқарди, юзини Офаридага қаратиб жони борича қичқирди:

— Ҳой, беҳаё! Уялсанг бўлмайдими! Ҳамма ёғингни яланғоч қилиб том бошига чиққанингни қара! Ўзингни бозорга солмоқчимисан? Ахир, малай ит эмган Тифлистан бир кун қайтиб келар-ку, ё қайтмай-дими? Бўлди, Хоспўлат, қайт орқангга!

Лекин Хоспўлат онасининг ҳай-ҳуйлашига қарамасдан супургини кўтариб нарвоннинг охирги пилласигача чиқиб борди. Офарида супургини унинг қўлидан оларкан, ўзини эшитмаган киши қилиб кўрсатиб, Жаҳон хоним томонга ишора қилиб:

— У нима деяпти ўзи?— деб кулди.

— Мен ҳам тушунмаяпман!— Хоспўлат орқасига қарамоқчи, ҳали ҳам жавраб турган онасини кўрмоқчи бўлди. Пиллакон силтаниб кетиб Хоспўлат сал бўлмаса орқасига ағдарилиб тушай деди. Лекин Офарида тирсагига қадар яланғоч қўлини тез унга узатди ва Хоспўлатни ушлаб қолди. Хоспўлат Офариданинг юмшоқ билагидан ушлаганда баданига умрида биринчи марта ёқимли ҳарорат тарқалгандай бўлди...

Жаҳон хоним ҳафсаласи пир бўлиб, ичкарига кириб кетди. У қаттиқ аччиқланган, Офаридага ҳам, Хоспўлатга ҳам бир оғиз гапирмай, уларнинг орқасидан одам қўйишга, нозик ерда ушлаб олиб шарманда қилишга қарор берганди. Лекин кечқурунга бориб агар бундай қиладиган бўлса, Хоспўлат ҳам беобрў бўлиши мумкинлиги хаёлига келиб қолди. У ўғлининг одамлар ўртасида гап-сўз бўлишини истамасди. Шунинг учун одам қўймай, ўзи уларни аста-аста кузата бошлади. Лекин ўша куни кечқурун Офарида ҳам, Хоспўлат ҳам ҳовлида кўринмадилар. Фақат эртасига эрталаб Жаҳон хоним Хоспўлат кўча-кўйга

чиқмай ҳовлида ўралашиб қолганлигига, Офариданинг эса янада ясан-тусан қилиб дераза олдида турганлигига эътибор берди. Кўп ўтмасдан улар ҳовлида тез-тез учрашиб гаплаша бошладилар. Энди Офарида шўх кулганча Хоспўлатга иш буюрар, Хоспўлат ҳам унинг айтган ишларини дарров елиб-югуриб адо этарди. Буларни ўз кўзлари билан кўрган Жаҳон хонимнинг ташвиши янада ортган бўлса-да, лекин очиқ-ойдин бир нарса деб қаршилиқ қилишга журъат этмади. Илёсбекка айтишга юзи чидамади. Агар айтса, отаси яна хафа бўлар, ҳаммани қовуриб ташлаган бўларди. Жаҳон хоним нима қилишини билмай, тараддудланиб юрган кунларнинг бирида эрталаб барвақт ўрнидан туриб, Хоспўлат ўрнида йўқлигини кўрди. У шошиб айвонга чиқди, ҳовлига қаради. Офарида кимсасиз ҳовлида чойшаб қоқарди. Сал вақт ўтмасдан Хоспўлат эшикдан кириб келди ва Офаридага тугунчада бир нарса берди. Офарида: «Соғ бўл!» — деб унинг юзига шунчалар ширин кулдики, шунчалар ёқимли қарадики, Жаҳон хонимнинг нафаси ичига тушиб кетди. Хоспўлат эса шу кун кўзини Офариданинг эшигидан узмади. Намозшом тушиб, атрофга қоронғилик ёйила бошлаганида у уй ичида ўтира олмай, ҳовлига чиқиб кезиниб юрди. Жаҳон хоним Илёсбекнинг Наргила хусусида айтган сўзларини эслади: «Эртага бошқа бир хотин кулиб қараса, буни дарров эсидан чиқаради!» «Дадам жуда тўғри айтган эканлар!» — деб ўйлади Жаҳон хоним. Бу ғалати, фавқулодда вазият олдин Жаҳон хонимни даҳшатга солди. Хоспўлатни Офариданинг жодусидан қутқаргиси келди. «Нима бўлмасин, унга она деган номи бор. Гуноҳ бўлади! Худонинг қаҳри келади!» — деб ўйлади. Сўнгроқ бошқача фикр унинг хаёлига келиб қолди: «Менга нима? Умрим хазон бўлди, худо ўзи севган бандасининг умрини ҳам хазон қиладимми? Нима, мен одам эмасманми? Бутун хизматкорларнинг кўз ўнгида гапимни назарга илмай, юзимга оёқ тираб кирди-кетди унинг қўйнига. Кечаси-ю кундузи лахталаб қон ютганимнинг охири шуми?» Мана шундай фикрларнинг таъсирида у Офарида билан Хоспўлат ўртасида бошланган муносабатларнинг олдини олмасликка, аксинча, иложи бўлса бунга кўпроқ имкон яратишга қарор қилди. Шундай қилса Офарида билан Салим ўртасига совуқчилик

солган бўлар, ҳар икковидан бошлаб ўчини оларди. Жаҳон хонимнинг кўзлари хиралашиб, қўл-оёқлари титрайдиган, ҳар нарсани унутадиган бир аъжуба кампирга айланган пайтида ҳам сира ёдидан чиқмайдиган ишларидан бири мана шу бўлади...

Жаҳон хоним кеч тушгандан сўнг пича ўтмаёқ ўрнига кириб ётди. Барвақт ухламоқчи бўлди. У ҳеч нарсани кўрмаслик, селдай ёғилиб келаётган бири-бирдан оғир ва азобли фикрлардан қутулиш учун ётиб ухлашга қарор берди. Лекин кўзига уйқу келмади. У ниманингдир шарпасини сезгандай, ўрнидан туриб айвонга чиқди. Хоспўлат тухуми оғзига тиқилган товуқдай ҳовлини чарх уриб кезарди. Офариданинг чироғи ўчган, лекин Жаҳон хонимнинг назарида у ҳам ётмаганга ўхшарди. У ҳам дераза олдида туриб ҳовлига қараётгандай, кўзларини Хоспўлатдан узмаётгандай эди... Хоспўлат унинг эшигига бир неча марта яқинлашди, яна қайтди, яна борди, яна қайтди... Ҳовлининг ўртасида турганча кўк юзига қаради, керишди, яна унинг эшигига қараб юрди... Шу пайт эшик очилди, Офарида этаги тиззасидан юқорида турган ички кўйлақда ташқарига чиқди, худди зарурат учун чиққандай бу томонга юрди... Шу дақиқада Офариданинг юрагида гужгон ўйнаган фикрлар Жаҳон хонимнинг юрагида тўлганган, уни қийнаган ва ўртаган фикрлардан ҳам оғирроқ ва мураккаброқ эди. У кунлар ва ойлار ўтгани сайин ўзи билан Салим ўртасида ўпқондай чуқур бўшлиқ ҳосил бўлиб бораётганлигини ҳис қиларди. Бу ўпқондан кўтарилаётган совуқ кундан-кунга ортар, Офариданинг гўзал баданига, доимо эркак қўли билан силаб-сийпалашга, ҳарорат олишга одатланган ва шунга тинимсиз эҳтиёж туйган жисмига қалтироқ солар, увуштирарди. Гап Салимнинг эҳтироси сўнганида, хотинининг ёнида кам бўлаётганидагина эмасди. Йўқ! Гап шунда эдики, улар яқинлашган чоқларида Офарида жонида ширин бир азоб туяр, бу азобнинг лаззати жуда бошқача бўларди. Авваллари Салим унинг оёқларини ўпарди. Энди бўлса такага, ҳар кун эгарлаб минадиган отиға, ҳатто эшикда акиллаб турган кўппакка ҳам Офаридага қилганидан яхшироқ муомала қиларди. У итни эркаласа эркалардики, Офаридани эркаламасди. Дағал амр-фармонлар берар, дағал сўзлар айтар, дағал

ва қўпол ҳаракатлар қилар, буларнинг бари ҳашаматли, нурли, гўзал уйни қора зиндонга айлантирмоқда эди. Салим оға эрталаб уйқудан кўзини очиши билан юзини қора дағал соқол босган, тилидан заҳар тўккан ҳолда ҳўкиздай бақира бошларди:

— Оғиз, қўлимга сув қуй!

— Оғиз, чой олиб кел!

— Оғиз, захримор! Нега чойинг совуқ!

Ҳолбуки огочлар, чечаклар, майсалар офтобнинг нурига ва ҳароратига муҳтож бўлганидай, Офарида-нинг юраги мунис, меҳрибон сўзлар эшитишни истарди. Қанийди энди эри унга:

— Яхши ётиб турдингизми, Офарида хоним, кунингиз хайрли ўтсин!

— Ўша чиройли қўлларингдан бир стакан чой ичай, жоним Офарида!

— Мунча чойинг хушбўй, Офаридажон! Сенинг қўлинг теккан ҳар бир нарса ўзидан ўзи тилга киради, атир сочади!— деган сўзларни айтса!

Йўқ, Салимдан бундай сўзлар чиқмас, ҳатто унинг ёдига ҳам келмас, аксинча, хотин кишига бундай сўзлар билан муомала қилишни, пачакилашиб ўтиришни бачканалик, эр кишига ярашмаган нарса деб биларди. Шунинг учун ҳам, у тўшакка кирганида Офаридага қўпол ҳаракатлар қилар, унинг учун никоҳ талқин қилган ва ҳаммадан сирли бўлган ҳолатларида ҳеч қандай ширинлик, ҳеч қандай муқаддаслик йўқ эди. Гўё хотин ётоғи ҳар саҳар янги бир тароват ва янги бир жозоба, гўзаллик билан порлаган боғча эмасдай... Шунинг учун ҳам, сира хотинга тўймаган Салим оғанинг назарида ҳеч бир хотиннинг қадр-қиммати йўқ эди. Бир-икки ой ўтмасдан дунёнинг энг гўзал хотини ҳам унинг назаридан қоларди. Шунда кўзи яна бошқа хотинларга тикилар, буни ўзи ҳам билмай қоларди. Оқсоч қизлар, тоғ йўлларида учраган айрум қизлари, чўлда бошоқ йиғган, оғилда сигир соғган хотинлар унинг қўлидан, тилидан безор эдилар. Унинг ҳаёсиз қарашларини сезганда ўзларини қаёққа олиб қочишни билмай қолардилар. Мана шуларнинг ҳаммаси бора-бора Офаридани жуда чарчатиб, ҳолдан тойдирган, кўнглини совутган, эри бўла туриб эрсизликнинг жафосини чекишга мажбур қилганди. Унинг руҳан эзилгани етмагандай, бунга жисмоний эзилиш ҳам қўшил-

ган ва маъюс қилиб қўйганди. Салим оға жун олиб жун сотишга, сурувларини кўпайтиришга, пул йиғишга, сандиқларни олтин ва бошқа қимматбаҳо нарсалар билан тўлдиришга шу қадар муккасидан кетган эдики, ҳатто неча ҳафталаб соқолини олишни унутар, огилхонадан чиқиб тўғри дастурхонга келиб ўтирар, кир-чир ҳолда ўринга кирарди. Офарида неча марта-лаб ўрин-тўшакда бургалар сакрашаётганлигини кўриб, ҳаммасини ташқарига олиб чиқиб яхшилаб қоққан, офтобга ёйган эди.

— Салим барака топкур, чўлда, подада юрганингизда кийим-бошингизга эҳтиёт бўлинг, кўрпангизда бурга пайдо бўлибди!— деб юмшоққина гапирганда :

— Кўрпа-тўшакни тозаламасанг, сени бошимга ураманми!— деб Салим унга дагал сўзлаган, кўнглини чил-чил синдирган эди. «Ўзига беклик унвонини олгани билан барибир малайлигича қолган бу!» Офарида ундан қаттиқ хафа бўлган, бундан буён тўшаги тезак билан тўлиб кетган тақдирда ҳам бир оғиз гапирмасликка қарор берганди. У шундан сўнг ўрнини бошқа қилиб олди... Лекин Офаридани худо ҳеч нарсани юрагига оғир олмайдиган, узоқ дард чекиб юрмайдиган қилиб яратган эди. Ўзи ҳам доим худо мени шундай яратган бўлса нима қилай деб юрарди. У Салим ҳам пешанамда бор экан, деди-ю, шу билан унинг қўпол ҳаракатларини кўрмасликка, эътибор бермасликка ўргатди ўзини. Ҳаётий кучлар, эҳтирослар, ҳою ҳаваслар ҳаммаси энди унинг кўзларида акс эта бошлади. Кўркам, савлатли, келишган эркакларни кўрганда кўзлари ҳавас ва иштиёқ ўтлари билан ёнадиган, у эркакни ўзига жалб қилишга ҳаракат қиладиган бўлди. Офаридани шу тариқа Хоспўлатни ҳам қачон ўзига жалб қилганлигини, қачон унда ҳавас ва қизиқиш уйғонганлигини аниқ билмасди. Тавба! Бу даҳшатли, сира англаб бўлмайдиган бир сирли ҳол эди. Офариданинг назарида Хоспўлат умрининг гўзаллигининг энг ширин дақиқаларини ёдига солар, тобора ўша кўркам зобит кийимидаги ўша ўктам кишига айланиб борарди. Бунга сари Офариданинг жонига лаззатли бир нарса ёйила бошларди...

Жаҳон хонимнинг айвондан туриб тикилган заҳарли қарашлари бу ғалати, хаёлий бир туйғуни булғаб

турган бўлса-да, лекин Офариданинг ўзига ҳам жуда даҳшатли бўлиб кўринган жозибанинг олдини ололмади. Аксинча, иштиёқни янада оширди. «Далли шайтон бу ифлосни ўтга солиб ёқ!» — деяпти, деб ўйлади Офарида. Лекин бошқа бир фикр, бошқа бир туйғу уни азоблар, безовта қиларди. «Хоспўлатга тегма!» — дерди юрагининг аллақандай, жуда теран ерларидан келган бир овоз. Қоронғи туша бошлаганидан бери деразадан ҳовлига қараркан, юраги гоҳ ширин бир севинчнинг интизорлиги билан, гоҳ юз бериши мумкин бўлган аччиқ пушаймончилиكنинг хавфи билан тўлиб борарди, у қарама-қарши туйғуларнинг ичида тўлганар, ўртанарди. Нима қилишини билмасди. Бир неча марта ўринга кириб ётиб ҳам кўрди, лекин бўлмади. Иродасини қўлидан олган зўр бир эҳтироснинг таъсирида яна туриб дераза олдига келар, ҳовлидан кўзларини узолмасди. Рўё қадар ширин ва лекин заҳар қадар аччиқ хаёлларнинг таъсиридан гоҳ бир қарорга келар, гоҳ яна фикридан қайтарди. Ҳозир ҳамма ётган ушбу сокин ва жимжит, ой чиққан, муздек, аёз турган баҳор кечасида эшикни очиб Хоспўлатга пешвоз юрганида хаёлида унга шу сўзларни айтмоқчи эди: «Хоспўлат, кет, ўзингни ҳам мени ҳам қийнама... Ҳеч иложи йўқ бу ишнинг!..»

Лекин Хоспўлат катта, бақувват қўлларини ёзиб, уни шундай қучоқлаб олдики, Офарида кўзини очишга, бир огиз сўз айтишга мажол тополмади. Неча замонлардан бери пок бир эркак нафасининг ҳасратида ўртанган, орзиққан юраги шундай тоза нафасни бўйнида ҳис қилди, жони беҳад бир мастоналик туйди. Бу нафасда на тамаки иси бор эди, на ўзга бир хотиннинг ҳиди. Бу нафас ёз тонги каби енгил ва ёқимли эди. Назарида шу тобда энг ўткир ханжар ҳам уни Хоспўлатдан ажратиб ололмайдигандек эди...

Баҳор кечасининг аёзида ҳовлида юравериб бадани увушган Хоспўлат эса иссиққина кўрпа-тўшакдан туриб келган Офариданинг юмшоқ муаттар баданининг ҳарорати билан маст бўлиб қолди, назарида дунёда бундан ширинроқ, бундан лаззатлироқ ҳеч нарса йўқдай туюлди.

Жаҳон хоним Офариданинг:

— Нима қилипсан?.. Қўй. Совқотдим! — деган нозкарашмага тўлиқ, ширин пичирлашини эшитди-ю,

«Вой қанжиг-ей! Ёш болага қичиқ қилишини қара!» — деб оёққа қалқди, ўзидан ўзи бақириб юбораманми деб қўрқди. Ҳамма уйғониб ҳовлига тўкилса, унда нима бўлади? У шоша-пиша уй ичига кириб кетди. Офарида ҳам узоқ муддат ҳовлида туролмади. Бир амаллаб Хоспўлатнинг қучоғидан чиқди: «Совқотдим... совқотдим...» — деганча уйга қараб қочди. Хоспўлат унинг орқасидан ичкарига кирди, Офарида уни кичкина гиламча ва кўрпача солинган курсининг устига ўтказди. Ўзи ҳам у билан юзма-юз, тиззасини тиззасига теккизиб ўтирди.

— Нима қилаётганингни биласанми ўзинг, Хоспўлат? — деб сўради. Хоспўлат жавоб бериш ўрнига яна уни қучоқлаб олди. Шунда Офарида ихтиёри ўзида қолмаганлигини ҳис қилди. Ўғлоннинг тинч турмаган, ҳадеб ёқасидан пастга тушаётган қўлларини маҳкам ушлаб олди ва тиззасининг устига қўйди. Жисмида аллақандай титроқ турди, жунжикди.

— Қўллaring мунча ҳам совуқ, Хоспўлат! Совқотибсан, бориб сенга чой олиб келай...

У ўридан турмоқчи бўлган эди, Хоспўлат қўймади. Қўлларида ушлаб, яна ёнига ўтқизди. Асабий бир ҳаракат билан қўлларини унинг кўкрагига олиб борди, сийнасининг учини ушлаб, қисди. Шу билан Офариданинг назарида орқага қайтиш мумкин бўлган барча йўллар беркилди...

Хоспўлат илк дафъа жуда ўткир ва жуда кўп бир бодани бирдан ичиб юборган йигит сингари қаттиқ маст эди. Нима қилаётганлигини билмасди, фақат қўллари унга бўйсунмас, Офариданинг сийнаси устида гирдаланарди. Офарида кўйлак устидан унинг қўлини ушлаб қисди. Қимир этгани қўймади... Хоспўлатнинг дудоқлари титради, нимадир деди, нимадир деб пичирлади. Лекин нима дейётганини ўзи ҳам англамас, ухлалаптими, туш кўряптими ё ҳаммаси ўнгида бўляптими, ажратолмасди... Бунақа нарсаларга келганда анча кўзи пишиган Офарида эса: «Шўрлик болакай, ҳеч нарсани билмайди-ю...» — деб ғалати ва ширин бир алданиш билан ҳолдан кета бошлади. Хоспўлатнинг иссиқ ва хушбўй нафасини яна янгидан ўз бўйнида ҳис қилганида эса, иродасини тамом йўқотди. Ҳуши оға бошлади... Ихтиёрсиз суратда уни бағрига босиб ўла бошлади, сўнг оҳиста пичирлади:

— Отанга ўхшайсан...

Хоспўлат гўё суви муздай сойга шўнғиб кетгандай бўлди. Бир он ичида вужуди муздай бўлиб кетди. Ҳозиргина ёниб турган алангали эҳтирослар сўнди. Баданида зарра қувват қолмади. Қўл-оёқлари титрай бошлади. Қўлидан ҳеч нарса келмайдиган, ҳеч нарсага уқуви бўлмаган ёш болага айланди. У ўз ожизлигидан нафратланди, ўзини шунчалар заиф деб ҳис қилдики, чидолмасдан бошини Офариданинг кўкрагига босиб йиғлаб юборди. Нималар рўй берганлигини тушунмаган Офарида унга шарбат келтирди.

— Ич, ўзингни тут. Ҳечқиси йўқ. Бунақа нарсалар бўлиб туради!— деди. Унинг қўлларини кафтига олиб силади. Хоспўлат оёққа турди.

— Қўйвор, кетаман... бошим ёрилиб кетай деяпти. Мени кечир. Кечир мени,— деб эшикка отилди. Остонада бир зум тўхтаб пичирлади:— Эртага кечаси эшигингни илма!..

## 2

Тўй бўляптими ё мотам, билиб бўлмасди. Қишлоқнинг бир томонида сурнай, чилдирма товушларидан қулоқ қоматга келгундай бўларди, улкан ўчоқларнинг оловлари кўкка ўрламоқда эди, қозон ва товаларда товуқ-жўжалар қизариб пишар, эт қайнар, гуручлар дамланарди. Кенг уйларга солинган гилам ва шолчалар устида дастурхонлар безатилганди.

Қишлоқнинг бошқа чеккасида мотам тутардилар, дод-фарёд кўтариб йиғлашар, сочларини юлишарди. Ўчоқлардаги олов ўча бошлаган, дастурхонлардаги нонлар синдирилмаган, дастурхонларнинг усти очилмаганди.

Бир томонда заррин либосларга чулғанган Жаҳон хоним бир сўзлаб, ўн кулар, меҳмонларни хуш келибсиз, деб қаршилар, уйдан уйга ўтиб юрар, қозон-товоқлардан бохабар бўлиб турар, хизматкорларга буйруқлар берад, тўй дастурхонини лаззатли таомлар билан безаш учун қўлидан келганча ҳаракат қиларди.

Нариги томонда эса Қарим туякашнинг хотини Қорасоч сийраклашиб қолган сочларини юлар, Наргила-ни қучоқлаганча кўзларидан ёш эмас, қон тўкар, қўл-

ларини қўйниларига қисиб турган қўни-қўшниларига қараб дерди:

— Эй, худонинг бандалари, эй мусулмонлар, ахир, бу ишга бир чора топинглар! Қизимни ўша бедавога бергунча мен ўлиб қўя қолсам бўлмайдим? Ахир, қайси ерда бундай ваҳшийликни кўргансизлар? Қайси ерда гулни тўнгизнинг оёғи остига обориб ташлашган, теп, ўлдир, деб? Сиз ахир қандай раво кўрасиз менинг гўзал Наргиламни ўша итга, ўша қутурган кўппакка? Қаерда итга чечакни ёстиқ йўлдоши қилишган, қаерда кўргансизлар буни?

Қорасоч фарёд кўтариб йигларкан, Наргиланинг укалари ҳам қўрқиб бақирисар, додлашарди. Она шу қадар нола чекиб йиглар, шу қадар гам-аламга ботган эдики, унга қараб турган кишиларнинг кўзларига беихтиёр ёш қалқирди. Гўё она учун Наргила дайди бир ўқ тегиб ўлган, энди унинг бутун гўзаллигини васф этиб айтиб йигларди. «Менинг сийнаси мармар, кўзлари жайрон, сочлари жамалак Наргилам!..»

Жаҳон хоним эса ўчоқлардан хабар олганидан сўнг тўйхонага ўтар, баланд овоз билан амр берарди:

— Бўлди, ҳой сурнайчи, тузукроқ чалсанг-чи! Хай қиз, дафни шундай урки, овози Тифлисга етсин. Боалар, ўйнанглар, ўйнаган чоғларингизда ер титрасин!

Тўйга келганлар ўйин-кулги қилардилар. Аллаким эса оғзини ошнасининг қулоғига тутиб секин сўрарди:

— Бу, нима бўляпти ўзи? Жаҳон хоним ўзига ҳам бундай тўй қилиб бермаганди. Жинни Шўртонга шунча даҳмазами?

— Ҳалиям ликиллагиси келади, ҳаваси ўлмаган-да...

— Дунёнинг уйи қулагани яхши бундан кўра. Шунақа ҳам масхарабозлик бўладими, жинни Шўртонга қилиб бераётган тўйларига қара.

Инсоф юзасидан айтиб ўтайликки, Жаҳон хонимга юраги ачишганлар, унинг ёнини олишга ҳаракат қилганлар ҳам топиларди.

— Нима ҳам қилсин шўрлик. Фалакнинг камандидан буларнинг бошига тош келиб тушган. Сафиқулибекдай биродари ҳалок бўлиб кетди, буларнинг жони душман, мол душманлари кўп, жонларидан тўйиб кетишган, энди тўй-маърака қилиб кўнгилларини андак хушлашмоқчи шекилли.

Илѣсбек аллақанча қўшни беклар билан биргаликда тўрдаги уйда ўтириб, калѣн тортар, қалин ўсиқ қошлари остидаги ўткир кўзлари билан келиб-кетаётганларни кузатарди. У ҳамма нарсани кўрар, фикр қилиб ўтирарди. Кимнинг қандай келганлиги, қаерда ўтирганлиги, ким билан пичирлашаётганлигидан огоҳ бўлиб турар, кимлар ҳали келиб улгурмаганларини чама-лаб қўярди. Ўзини жуда босиқ ва сипо тутаётганлигига қарамасдан, қошларининг чимирилганидан, оқарган киприклари остидан тез-тез эшикка қараб-қараб қўяётганлигидан кимнидир кутаётганлиги маълум эди. Ниҳоят, сабри чидамади, калѣнни ерга қўйиб, ёстиққа тирсагини тираб ўрнидан турмоқчи бўлди. Шунда тўрт томондан унга қараб бир талай қўллар узатилди. Ким қўлтигидан тутди, ким қўлидан! Илѣсбек беписандлик билан бу қўлларни четга сурди. Фақат Хоспўлатбек (Илѣсбек энди ҳаммани уни Хоспўлатбек деб чақиришга мажбур қила бошлаганди) кўмаклашувига ижозат берди. У Хоспўлатбекнинг қанчалар бақувват бўлган бўлмаганлигини билиш учун йирик қўлини унинг елкасига тираб: «Ё, олло!» — деб ўрнидан қўзгалди. Беклар ва улардан қуйироқда ўтирган анча-мунча мўътабар, давлатманд кишилар бараварига «Ё олло!» — деб юбордилар ва гавдаларини бир оз олдинга эгган бўлдилар, сўнг яна олдинги вазиятларига қайтдилар. Илѣсбек ҳовлига тушиши билан кимнидир кўз учида ахтара бошлади:

— Бобо, бирон нарса керакми? — деб сўради Хоспўлатбек.

— Ҳеч... сен боравер, бекларнинг ўртасида бўл! — Илѣсбек отасига кўзи тушгач, у томонга юриб келаётган Жаҳон хонимга томон бурилди.

Жаҳон хоним безовталаниб отасининг кўзига қаради:

— Салим оға кўринмайди, қаерда у? — сўради Илѣсбек. Жавоб кутиб ўтирмасдан аччиқ истеҳзо билан сўйлади: — Беклигини келиб-келиб бизга кўрсатяптими? Ҳамма келди, у йўқ!

Жаҳон хонимнинг юзига туман чўккандай бўлди. Хотин зўраки илжайиш билан ўша туманни тарқатишга тиришди:

— Келиб қолади, дада, тожир билан иш юзасидан кетган эди.

— Малайлардан биронтасини жўнат, чақириб келсин! Менга беадаблик қилмасин. Худо ҳаққи, кўнглимни қолдирса, беклик унвонига ҳам қарамайман, қувиб чиқараман, қаердан келган бўлса, ўша ерга борсин, хизматкорлигини қилсин!

— Нега бунча жаҳлингиз чиқяпти, дада, нима бўлибди, ахир?!— Жаҳон хоним нотинчланиб сўради. Қизининг бу гапидан Илёсбекнинг тоқати тоқ тугади. Қўли билан ҳовлида бўлаётган қангамаларга ишора қилиб, қизини уришган бўлди:

— Бундан ортиқ яна нима бўлиши керак? Уша жиннига шунча даҳмаза нимага керак эди? Менинг ҳам бошимни айлантириб йўлдан чиқардинглар! Энди бек ҳам, хизматкор ҳам устимдан кулиб юради. Ҳамманинг олдида бошимни ерга букдинглар.

— Ундай деманг, дада! Нега бошингиз букиларкан? Тўй қилсак гуноҳми? Бизга куладиганлар аввал бир ўзларига боқсин, сўнг бизга — Шўртон нар йигит! Ҳеч кимдан кам жойи йўқ! Ким уни дилозор деса бекор айтибди. Беозор, безиён у шўрлик! Ҳаммага худо ўзига яраша ақл беради. Биздан сўраб ўтирмайди. Кези келганда шундай гапларни айтадики, донишманднинг оғзидан ҳам унақа гаплар чиқмайди.

Илёсбек тилига келганини яшириб ўтирмай, таъна қилди:

— Нега бу ўйин-кулгиларни ўз уйингда қилмадинг? Қаерга қарамай, кўзимга Сафиқулибек кўринади. Мендан: дада, менинг ўчимни олмасдан бурун бу чирманда-сурнайнинг нима кераги бор эди, деётгандай бўлади. Тўй қиларкансан, ўзингнинг уйингда қилмайсанми сабилни?

Жаҳон хоним тилига калолат келгандай тутилиб, индамади. Дадасига бор ҳақиқатни очиб ташлагиси, Салим билан икки кун қир-пичоқ бўлиб жанжаллашганларини сўйлаб бергиси келди. «Дада, ҳозир Салим сиз айтган Салим эмас, беклик қогози қўлига тегди-ю, бутунлай ўзгариб, тўнини тескари кийиб олди, ҳеч нараса билан ҳисоблашмай қўйди. Оғзидан боди кириб, шоди чиқади ҳозир унинг»,— деб шикоят қилмоқчи бўлди. Лекин айтмади. Айтса, дадаси билан Салим ўртасида ёмон жанжал чиқишини сизди. Борди-келдига бориб қолишлари ҳеч гап эмасди. Шундай ҳам бир-бирларини кўришга кўзлари йўқ. Ошкора душманчилик яхши-

ликка олиб бормаиди. Душманчиликка ўтиладиган бўлса, бунинг кети нима билан тугадини Жаҳон хоним тасаввурига сиғдиrolмасди. Шунинг учун ҳам дадасига ёлгонлади:

— Дада, сиз бу ерда туриб, тўйни биз у ерда ўтказа олмасдик. Одамлар нима дейишарди?

Илёсбек камоли аччиғи чиққанидан ерга тупурди:

— Туф, ўша одамларга! Жаҳоннамга кетсин бундай одамлар! Одам юбор, дарров уни олиб келсин!— деб қизидан узоқлашди, ҳовлининг нариги томонига ўтди. Жаҳон хоним: «Қаёқда қолди, қуриб кетгур?»— деб хизматкорлардан бировини чақириб, Салимни айтиб келгани жўнатди. Ҳолбуки, Салим мабодо йўлда шу хизматкорга дуч келиб қолса, жўрттага орқасига қайтади, жўрттага, уларнинг жонларини чиқариш учун кечикиб келади. Шундай бўлса ҳам, барибир одам юбормаса бўлмасди. Чунки Илёсбекнинг икки кўзи эшикда эди. У ким чиқиб, ким кираётганлигини кўриб турарди. Балки хизматкор Салимни уйдан тополмас. У Тифлистан қайтганидан бери тожирнинг атрофида уймаллашиб юрибди. Бу ҳам сабабсиз эмасди. Илёсбек ҳам, Жаҳон хоним ҳам беклик қогози олганидан сўнг Салим бошқача бўлиб қолганлигини кўриб турардилар, энди унинг даъволари ҳам бошқача бўлишини, олдидаги товоқдан емай, нариги товоқларга қўл чўзишини сезар эдилар. Уларнинг шубҳалари асоссиз эмасди, албатта. Салим борган сари ишни пишиқ қилар, беклик тупроғига тобора чуқурроқ илдиз отарди. Энди у Жаҳон хоним билангина эмас, Илёсбекнинг ўзи билан ҳам теппа-тенг гаплаша оларди. У ҳозир Илёсбекнинг попугини пасайтириш, унга ўз ҳаддини кўрсатиб қўйиш пайида эди. Менга буйруқ қилма, ўзингн бил. Мен ҳам худди сенга ўхшаган бек кишиман!— деса, унинг оғзини биров тўсмас эди. Шунинг учун ҳам, унинг тўйга кечикиб турганлигини, ҳадеганда келавермаганлигини менсимасликка, ҳурматсизликка йўймоқда эдилар.

Лекин аслини олганда, бунинг сабаби бошқа эди: Жаҳон хоним ўйламас эдики, қоронғи кечаларда айвонда ўтириб, кўзини Офариданинг эшигига тиккан ёлғиз унинг ўзигина эмасди. Отхона-молхоналардан, хизматкорлар истиқомат қиладиган уйчалардан ҳам ҳовлига томон очиладиган панжара-дарчалар бор эди. Жа

ҳон хонимнинг хаёлига ҳам келмасдики, бир пайтлар отхонада хизматкор Салим ётиб юрадиган ерда энди бошқа бир хизматкор ётади ва у доим наинки Офарида-нинг орқасидан, ҳатто Жаҳон хонимнинг ўзининг ҳам орқасидан қараб кўкрагини уқалаб, оҳ чекади. Жаҳон хоним ўша хизматкорнинг кўнглидан ҳам хонимнинг юмшоқ иссиқ тўшагида ётиш орзуси кечиши мумкинлигини билмасди. Бу орзу Жаҳон хонимнинг юрагидagi барча орзулардан ҳам кучлироқ эди. Жаҳон хоним билмасдики, бу хизматкор бўлмаса ҳам бошқа бир оқсоч қиз кечаси тасодифан зарурат учун ташқарига чиқиб қучоқлашиб турган Офарида билан Хоспўлатни кўрган бўлиши мумкин эди ва бу ишдан бутун олам хабар топиши учун шунинг ўзи кифоя қилар эди. Ҳатто гунг деворлар ҳам тилга кириб, кеча бўлиб ўтган воқеани бутун кишлоққа ёйиб юбориши ҳеч гап эмасди. Бу миш-мишлар айланиб-айланиб охири Салим оғанинг ҳам қулоғига етиб борган бўлса эҳтимол эди.

Салим оға бу хонадондан ҳар нарсани кутиш мумкинлигини биларди. У кутилмаган ҳар зарбага, ҳар ёмонликка тайёр эди. Дунёнинг кўп балоларини ўз кўзлари билан кўргани, ўзи ҳам умр бўйи унга-бунга тузоқ қуриб келгани учун ҳеч нарсадан қўрқмас, парвойига келтирмасди. Сафиқулибек ўлиб кетганидан сўнг назарида унинг йўлини тўсоладиган, унга бас келоладиган кимса қолмаганди. Тўғри, қаерлардадир Вафодор ҳам борлиги баъзан унинг юрагига қўрқув солар, безовта қиларди. Назарида улар қачон бўлмасин барибир бир кун юзма-юз келадигандай, иккисидан бири албатта ҳалок бўладигандай эди. Жаъфарни ўлим қийногидан қутқаришда унга ёрдамлашган бўлишига ва улар охири марта яхшилик билан кўришганларига қарамасдан, барибир юрагининг энг теран ерларида аллақандай ваҳима, қўрқинч ётар ва бу қўрқинч ҳеч йўқолиб кетмасди. Қўрқинч унинг юрагида тугун бўлиб қолган эди... Салим Вафодор ҳам худди шу фикрда юрса керак деб ўйларди. Бу душманчиликда ваҳшийликдан қолган азалий ва абадий алланима бордек эди. Вафодорнинг ўзи туғилган жойидан айрилиб, мусофирчиликда юргани ҳам Салимни хотиржам қилолмасди. Вафодор Салим оғанинг шундай бир сирини билдики, мабодо бу сир очилгудай бўлса, Илёсбек унинг қонини сўнгги томчисигача ичади. Ана шунинг олдини

олиш учун Салим оға Вафодорнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишини истар ва бунинг учун Илёсбекка қўлидан келганча ёрдам беришга ҳозир эди. Аслини олганда ҳам, Вафодорнинг орқасидан одам жўнатишни, уни Шакида ёхуд Қорабогда ўлдириб кетишни Илёсбекка Салим оға маслаҳат берганди. Лекин қўйилган одамлар ожиз ва уқувсиз чиққанларидан иш бузилганди. Шундан кейин Илёсбекнинг Салим оғадан шубҳаланишлари яна ҳам кучайган эди. Баъзан ораларида гап қочиб қолган пайтларда Илёсбек сал бўлмаса: «Сафиқулибекнинг бошини сен единг!» — деб юборай дерди. Шуқинг учун ҳам, Салим оға бу хонадондан ҳар нарсани кутиш мумкинлигини яхши биларди.

Лекин бу ерда унинг номус-орини ерга уришлари, бадном қилишлари, Офарида унга хиёнат қилиб, сафарга кетган чоғида ётогининг эшигини раҳматлик эридан ва кундошидан бўлган ўғлонга очиб бериши мумкинлиги етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Бу гап Салимнинг қулогига етиб келганда дунё унинг кўзларига қоронғи бўлди. Ғазаби келиб, қўлини ханжарга олиб борди. Куппа-кундузи онасининг олдида итваччани қиймалаб ташламоқчи, сўнг ўша қанжиқнинг ўзини ҳам нариги дунёга жўнатмоқчи бўлди. Салим, ўғлининг бу қабиҳ ишидан Жаҳон хоним хабардор деб ишонарди, бу ишларда унинг ҳам қўли бор деб ўйларди. У мендан ўчини оляпти деб гумон қиларди. Лекин қанчалар ёниб-куймасин, Салим юрагида ёнган ўтни ўчирди. «Бир ярамас қанжиқни деб ўзимни ҳалок қилсам аҳмоқлик бўлади. Туну кун ҳаракат қилиб эришган бу бойлик, бу мартабамдан мишиқи бир боланинг қилмиши деб воз кечсам, ҳаммасини қўлдан бой берсам, ғирт тентак деган ном чиқараман. Йўқ, мен булардан бошқа йўл билан ўчимни оламан!» Шундай қарорга келганидан сўнг Салим оға гўё ҳеч нарсадан хабари йўқ кишидай кўрсата бошлади ўзини. Офариданинг олдидан қандай чиқиб кетган бўлса, шундай кириб келди. Офарида ҳам уни доимгидай бир оз нозланиб, карашма қилиб, шўхлик билан қаршилади. Салим унинг нозу адоларига гоҳ мулойимлик билан, гоҳ эса дагал жавоб қайтараркан, шошмай тур ҳали, «сенинг устингга ёш, гўзал бир кундош олиб юрагингни ёқмасам, юрган эканман, деб яниб қўйди. Шошма ҳали... Жаҳон хонимга эса ёмон қасд қилди: «Сенинг юра-

гингга ўгил доғини солмасам, йигит эмасман, Жаҳон! Хоспўлатнинг ўлигини оёгинг тагига олиб келиб ташламасам, отимни бошқа қўйганим бўлсин!»

Шундай қарорга келганига қарамасдан, гоҳ пайтлар барибир Салимнинг юраги аламдан, номусдан ёрилиб кетгудай бўлар, жонини қаерга қўйишини билмай қоларди. Назарида ҳамма орқасидан кулиб қараётгандай, отхоналарда, омборларда, ошхоналарда пичирлашиб, орқасидан қўлини бигиз қилиб: «Беномус, орсиз! Юришини қаранглар! Офарида роса боплаб адабини берди! Янги бек бўлиб келганида муносиб совга билан кутиб олди!»— деб шивирлашаётгандай бўларди. Бундай пайтларда рангида ранг қолмас, дам оқарар, дам қозоннинг қурумидай қоп-қора бўлиб кетарди. Ҳеч ким билан кўришгиси, гаплашгиси келмасди. Тўй бўладиган куни ҳам Салим оға уйқудан ёмон кайфиятда уйгонди. Ўрнидан турмоқчи бўлиб, хаёл билан оёқларини беҳос қаттиқ силкиб юборди, ипак кўрпа тахта каравот устидан пастга сирғалиб тушиб кетди. Салим қўллари-ни ёзиб керишди, салом йўқ, алик йўқ, огзини очиб эснаб-эснаб, ўзини ойна олдида тузатиб ўтирган, сочларини тараётган Офаридага буюрди:

— Кўрпани кўтар! Кўзинг кўрми, кўрмаяпсанми?

Офарида юрагидаги аламларини, ойлар, йиллар бўйи йиғилиб қолган нафратини бирдан юзага чиқарди:

— Ҳей Салим, бундоқ одамга ўхшаб гапирсангизчи!— деди.

Салим муштини тугиб унинг тумшуги тагига олиб борди-да, ўдағайлади:

— Огзингга айлангириб соламан худди!

Шу пайт меҳмонхонадан тожир Алининг қувноқ овози эшитилди. У оқсочлардан қайси биригадир кулиб, шўхлик билан дерди:

— Салом, эртангиз хайрли бўлсин, хоним қиз! Огангиз ҳали турмадими?

— Турдим, Алибек, ҳозир чиқаман қошингизга!— деб овоз берди Салим оға.

Ўзини қўлга олиб, дид билан сочларини тараб, турмаклаб, тартибга келтирган Офарида меҳмон ҳузурига чиқиши билан тожир Али оёққа қалқиб мустасно бир назокат билан:

— Салом, Офарида хоним, сизга хайрли кун тилай-

ман!— деди.— Юзингиз ҳам ёруғ бўлди — Салим оға беклик рутбасига эришди.

— Хайрли эрта, Али биродар, яхшилик ёр бўлсин!— деб Офарида ёшмоқ четидан тожирга кулимсираб боқди. Салимнинг қош-қовоғи тушиб кетди. Хотинини тезроқ чиқариб юбориш учун буюрди:

— Еб-ичадиган ниманг бор, олиб кел!

Савдогар ошкора ҳайрат ва таъна тўла кўзлар билан Салимга қаради. Лекин бир оғиз гап қўшмади. У бу дағалликни Офарида кўз ўнгида бир оз юмшатиш учун хотинга деди:

— Жуда дидингиз баланд сизнинг, Офарида хоним!— Кейин гилам, шолчалар тўшалган, яхши безатилган хонага кўз югуртирди. Ўртада ойнадай ярақлаб турган катта столни ва унинг атрофида терилган чиройли стулларни кўрсатди:

— Утган йил худди мана шундай стол-стулларни мен ҳам Петербургдан олиб келган эдим!— деди ва: «Сизлар қаердан олган эдингизлар?»— деб сўрамоқчи бўлди. Лекин дарҳол булар раҳматлик Муҳаммад Ризобекдан қолган нарсалар эканлигини эслаб, индамади: «Бу Салим ёмон бало! Хизматкор бўла туриб, ўз хўжасининг хотинларига ҳам, бор давлатига ҳам эгаллик қиладиган киши ҳар қадамда учрамайди. Худо ҳаққи, бу босқинчининг бутун бор-йўғини шилиб олсанг ҳам савоб бўлади!» Савдогарнинг олифтагарчилик қилаётганлигини, ҳали ҳам Офаридадан кўзини узмай қараб турганлигини кўриб, Салимнинг ранги қизғанчдан қорайиб кетди:

— Пешин бўлиб қолди. Чой беринглар ахир!— деб Офаридага амр қилди. Офарида унинг юзига нафрат қайнаган кўз билан боқди ва хонадан чиқиб кетди. У оқсочлар уймалашган ошхонага кирди. Эри билан савдогар ўтирган хонага қайтиб боргиси келмади. Лекин бунинг иложи бўлмади. Офарида ўзига ярашмаган ўйчан ва безовта боққан кўзлар билан оқсочларга турли кўрсатмалар берди. Ёг, бол, қаймоқ ва бошқа нарсалар терилган патнисни ичкарига киритди. Сўнг товуқ гўштидан қовурма, тухум дўлмалар тортилди. Шундан сўнг аллақандай ўзини йўқотган ҳолда бўлмасига йўл олди. Дераза олдида ўтириб ўйга толди. Албатта, у Салим жуда ўзгариб қолганлигини кўриб турарди. У иродасини йўқотиб, кўп маҳал ўзидан чиқадиган, оғзи-

га нима келса шуни гапириб юбораверадиган бўлиб қолганди. Офарида хотин кишининг нозик ҳиссиёти билан бунинг сабаби нимада эканлигини ҳам яхши тушунарди. Салим қачон огиз очишини кутарди. Сўз очса, унда барча шубҳаларни бутунлай йўқотиб юборадиган жавоб қилган бўларди. Лекин Салим индамас, Офариданинг ҳаётини тобора баттар заҳарлар, уни жуда қийин, ақл бовар қилмайдиган бир аҳволга солиб қўйганди. Офарида баъзан ҳамма нарсани ташлаб, отасининг уйига чиқиб кетгиси келарди. Мана шуларни хаёлидан ўтказаркан, Салимнинг қўпол овози эшитилди: «Офарида! Офарида!» Шоша-пиша ўрнидан туриб кетди. Остонада туриб эрига саволомуз қаради.

— Берироқ келсанг-чи!— деди қўполдан қўпол қилиб Салим. Офарида икки қадам илгари юрди.— Бу қандай чой?— Салим стаканларни кўрсатди. Офарида, чойнинг ичига бирон нарса тушгандир деб ўйлади, лекин стаканни олиб қараб, ичида ҳеч нарса йўқлигини кўрди.

— Нимайкан?— деб сўради.

— Заҳримор! Кўрмаяпсанми, сигирнинг сийдигидай рангсиз, сап-сарик олиб келган чойинг!— Салим йирик, қора қўлини олдинга чўзди. У стаканни итқитиб юбормоқчи бўлдимиз ёки Офаридани ошхона томонга итариб ташламоқчи бўлдимиз, билиш қийин эди. Фақат стакан ва налбаки Офариданинг қўлидан ерга тушиб, чил-чил синди. Савдогар Али дарҳол ўрнидан туриб, стулни орқага сурди. Дастурхондан четроқ сурилиб ўтирди.

— Бекликни ёмон бошлаяпсиз, Салим оға!— деди.— Мен французларни, русларни кўрганман, улар чой олиб келган хотиннинг қўлини ўпиб қўядилар. Мен бундай муомалага ўрганмаганман!

Салимнинг ранги оқариб кетган, овози титраб қалтираган бўлса ҳам, лекин барибир ўзини тутолмади:

— Кўрмайсизми, бир стакан чойни ҳам эплашолмайди!

Савдогар Али адабсизлик қилган болага насиҳат қилган муаллимдай тамкинлик билан:

— Чой жуда яхши чой! Ҳаммаси ҳам ширин таомлар. Буларнинг қадрини билиш керак, Салим оға! Неъматга ношукур бўлиш керак эмас!— деди ва юзини Офаридага тутди: — Соғ бўлинг, хоним, сизнинг олдин-

гизда хижолат бўлиб қолдим, ҳаддимдан ортиқ сўзлаган бўлсам, узр сўрайман.

Савдогар Али Салим огага қарамасдан, у билан хайрлашмасдан, қаерда бўлишини айтмасдан чиқиб кетди. Салим бундан жуда ташвишланиб қолди. Савдо ҳали чала эди. Салим Тифлистан анча-мунча чит, мовут, кийим-кечак, ҳар турли пардалар ва бошқа турли-туман майда-чуйда матолар олиб келганди. Нақд пули етмаганидан тожирдан бир оз пул қарз олганди. Салим ога пул ҳақида оғзини очмасданоқ, савдогар мамнуният билан рози бўлган, икки минг сўмни санаб олди-га қўйиб, бир парча қоғоз узатган: «Мана шунга бармоғингизни босиб беринг, Салим ога!»— деганди. Салим бармоғини сиёҳга ботириб, қоғознинг тагига босаркан: «Бир-икки ой ичида қайтараман!»— деган эди.

— Беш ой десангиз ҳам розиман!— савдогар кулимсираб қўйган эди.— Тоза жун берганингизда ҳисоблашамиз. Қишлогингиздан бир бог олсам деган эдим. Баъзан ўтириб дам олгим келади. Яхши бир бог топилармикин?

Салимнинг ёдига шу заҳоти Илёсбекнинг Бобош кишидан тортиб олган боги тушди. «Топилар!»— деб жавоб берди ва қишлоққа қайтиши билан Жаҳон хонимни ўртага қўйиб, Илёсбекни боғни сотишга кўндирди. «Шу боғни бошларингдан соқит қилсанглар, кейинроқ бориб гап-сўзлар ҳам ўз-ўзидан босилиб кетади»,— деди. Лекин ҳали ҳозирча на жун ва на боғнинг баҳоси хусусида қатъий бир қарорга келмаган эдилар. Салим айтган баҳога тожир кўнмас, Али айтган нархга Салим рози бўлмасди. «Вой ҳаромзода-ей!»— деди Салим тожирнинг орқасидан баланд овоз билан. Унинг овозини Офарида ҳам, оқсоч қизлар ҳам эшитдилар.— Менга беклик қандай бўлишини ўргатмоқчи. Даюс. Ерда бир тийин кўрса кўзи билан қисиб олади-ю, тагин ақл ўргатади!»

Савдогар кетганидан сўнг Салим Офарида портлай деб турган сирка идишга ўхшаб юрганлигини сизди. У худди: «Нима демоқчисан ўзи асти? Бунақа масхара-бозликлардан муддаонг нима?»— деб сўрамоқчига ўхшарди. Агар бундай гап очиладиган бўлса, Хоспўлатнинг номи тилидан чиқиб кетиши мумкинлигини сизди. Лекин ҳозир бунинг устини очадиган пайт эмасди.

Салим ҳозир на Офариданинг жавобини бера оларди, на Хоспўлат билан уришиб, Жаҳон хоним билан тескари бўлиб кета оларди. Шунинг учун ҳам, жафонинг ҳаммасини ўзига олиб чидаш, Офарида билан аччиқлашмаслик керак бўларди.

Шу фикрга келгач, Салим ҳовлига отилди. Савдогарнинг орқасидан дарров кўчага чиқмаслик учун отхонага кирди, унга-бунга айланишган бўлди. Бир оз вақт ўтгач, ҳовлидан чиқиб, бозорга йўл олди. Жаҳон хоним юборган хизматкор шунинг учун ҳам уни уйда топмаган ва орқага қайтган эди. Салим тожирни бозор бошидаги чойхонадан топди. Ҳеч нарса бўлмагандай хандоқ-хушод сўзлаб, кулиб, уни Илёсбекнинг ҳовлисида бўлаётган тўйга бошлаб келди. Илёсбек тумтайиб ўтирганлигини кўриб, уни оғиз очиришга қўймай:

— Бек жаноблари мени кечирсинлар!— деди.— Бир оз кечикиб қолдим. Бошим пойингизга қурбон бўлсин, гуноҳимдан ўтинг!

Ўтирганлар Салим оғанинг сўзларида оғаёна бир истеҳзо, шу билан бирга ингичка бир ялтоқилик борлигини сездилар... Ҳар ҳолда бу узрхоҳлик Илёсбекнинг кўнглини юмшатди.

— Шаҳарнинг аъён одами билан келибсан, гуноҳингни кечдим. Қани, ўтиринглар!— деб уларга бекларнинг қаторидан жой кўрсатди. Салим малайларга имлаб қўйди. Тожирга стул келтирдилар. Ўзи ерга тўшалган тўшакчалардан бирига чордона қуриб ўтирди. Беклардан кимдир:

— Муборак бўлсин, Салимбек!— деб очиқ истеҳзо билан бек сўзига ургу бериб айтди. Салим ҳеч нарсани сезмагандай, муборакбодни ташаккур билан қабул қилди. «Ҳали тўхтаб туринглар, эй беклар! Вақти келса, белингиздан шундай оламанки, оёгингизни осмонда кўрасиз. Беклигингиз ҳам ёдингиздан чиқиб кетади!» Сўнг ҳиндининг товугидай ясаниб олган бу кўҳна бекларни қандай қилиб кўтариб ерга уриш ҳақида ўйлай бошлади. «Бунинг йўли битта!— деб кимдир ичида пичирлагандай бўлди.— Рус ҳукуматининг пристави бўлиб олиш керак!» Пристав бўлиш фикри Салимнинг бутун борлигини банд этди. Ҳатто Офарида билан Хоспўлат ҳам эсидан чиқди. Сурнай, чилдирмаларнинг қарсиллаган садолари ҳам қулоғига кирмади.

Қишлоқнинг нариги чеккасида эса сурнай, чилдирма садолари янграмасди. Қорасоч юзларини тирнаб, тимдалаб, сочларини юла-юла ҳолдан тойганди. Унинг овози ичига тушиб кетган, гапиришга ҳам мажоли йўқ эди. У Наргиланинг бўйнидан қучоқлаб олган, ўқтин-ўқтин индамай унинг юз-кўзларига тикилар, бошини чайқарди...

Наргила эса куни бўйи бир оғиз ҳам гапирмади. У шаҳло кўзларини узоқ, кети кўринмас чўлларга тикиб ўтирарди. Гўё кимнидир муштоқ, интизор кутарди. Аслини олганда, Наргила ўша куни кечқурун бўлган воқеадан сўнг эрталаб отасини Илёсбек чақиртириб олиб кетганини ва у ердан мурдадай бўлиб қайтиб келганлигини кўрган, шундан бери миқ этиб оғзини очмасди. Карим туякаш хотини билан қизининг бўйниларидан қучоқлаб йиглади, «мени кечиринглар, мен сизларни қаттиқ туриб ҳимоя қилолмадим. Розилик бердим. Йложим қолмади», деди-да, секин уйдан чиқиб кетди. Қаерларгадир бош олиб кетди. Ўшандан бери Наргиланинг умиди кесилди, сўзлашга ҳам дармони қолмади. Кўзлари интизорлик билан боқарди. Ҳеч кимга айланиб қарамасди. Ақли-ҳушини йўқотган одамдай телба боқишлар билан номаълум бўшлиқларга, олис уфқларнинг пойига тикиларди. Қиз бутун ҳиссиётини ҳам йўқотиб қўйгандай, ҳиссиз, туйғусиз кўринарди. Онасининг нолаю афғонларига, укаларининг қичқириб йиглашларига унчалик эътибор бермасди. Унинг аҳволни кўрган одамлар: «Шўрлик қизнинг яна тутқаноғи тутди!» — деб бир-бирларига пичирлашарди. Наргила бу шивир-шивирларни эшитар, одамларнинг кўзларида акс этган ваҳимани кўрар ва ич-ичидан эзиларди. Ўзига ачинмасди, йўқ, унга девона деб қараганларга ачинарди. Унинг юрагида шундай туйғулар, бошида шундай бир фикрлар ўйнардик, бу ақллиларнинг бадбин ҳаёти, бадбин ҳаёли ва тушунчалари юз йилда ҳам у даражага кўтарила олмасди, у ҳислар, у фикрларни ашглаб етолмасди. Улар бақа каби ўз хунук тўнларига ўралиб олганларича, дунёда ҳаммадан биз яхши яшаймиз, ҳаммадан биз яхши тушунамиз, ҳаммадан биз

яхши ҳис қиламиз, ҳаммадан биз яхши кўрамиз, ҳаммадан ўткир ўзимиз бўламиз деб ўйлар, шунга ишонардилар... Умидсизлик, ночорлик Наргилани эзиб ташлаган, унинг овози ҳам худди онасиники каби ичига тушиб кетганди. Кунботар чоғи уларникига чўпон Вали хотин, бола-чақалари билан бирга кириб келди. Шунда Наргиланинг чеҳраси сал очилгандай бўлди. Унинг кўзлари шод, хушбахт кунларнинг севинчи билан чарақлаб кетгандай эди. Вали ҳам, унинг хотини ҳам одатдагидай келинни муборакбод этмадилар, индамай қизга яқинлашдилар. Хотин қизнинг у юзи-бу юзидан ўпди, ёш қалқиган кўзларини четга яширди. Наргилани кетди. Гулли рўмолга ўралган ҳадяни сандиқнинг устига қўйди. Вали табиатан босиқ киши эди. У вазмин юриб келиб, индамасдан Наргиланинг бошини икки қўли билан ушлади-да, ўзига томон эгди ва пешонасидан ўпиб қўйди. Орқасига қараб ўн-ўн икки яшар ўғлига ишора қилди. Бола қўлтигидаги тугунни отасига олиб келиб берди. Вали камоли одоб билан тугунни очди ва Наргилага берди, қулоғига нимадир деб пичирлади. Кичкина садаф қадалган созни кўрганда Наргиланинг ранги очилди, юзига қизиллик югурди, кўзларига табассум тўлди. Кичкина қиз бола ўйинчоқни айлантириб кўргандай созни айлантириб томоша қилди. Кўкрагига қўйиб маъюс чертмоққа бошлади. Бу руҳонийнинг қироатига ўхшарди. Лекин одамлар қиз ўз дарди ҳақида чалапти, деб ўйлардилар. У соз билан шикоят қилаётгандай эди. Кимдир: «Соғ бўл, эй Наргила!»— деди. Кимдир кўнгли бузилиб, кўзларидан ёшларини артди.

— Барака топ, қизим, яхшилаб чал!— оҳиста деди Валининг хотини. Наргила созни кўкрагидан олди, аввалги паришонлик, маъюсликдан асар ҳам қолмаганди.

— Бирпас сабр қилинглар, чаламан. Жуда ҳам яхшилаб чалиб бераман!— деди ва бу билан одамларни яна ҳайратга солиб қўйди. «Бечора қиз нима қилишини билмай қолди,— деб ўйларди улар,— худо бунини шу кунларга солганнинг уйини йиқсин. Қўғирчоқдай чиройлилигини қаранглар».

Наргила хушчақчақ бўлиб қолди, энди одамлар билан кулиб гаплаша бошлади, ҳол-аҳвол сўради. Ўзини тутишига қараган одам у ҳозир телба-тентак, нодон

бир аҳмоқнинг уйига эмас, қизлар билан чаманлар сайрига, гуллар, лолалар теришга, қушларнинг уясини қидиришга кетяпти, деб ўйлаши аниқ эди...

Янгалар ва тенгқур дугоналари уни ясантириб-безантириб, Илёсбекнинг уйига олиб борганларида ҳам у ҳолини ўзгартирмади. Кайфияти кўтарилган қизларнинг ҳазил-ҳузулларига жавоб берар, муборақбодларини қабул қилар, ҳатто шеърлар, доно сўзлар айтиб уларга тилак билдирарди. Фақат Қорасочгина очилмас, Наргила дам-бадам унинг бўйнидан қучоқлаб ўпарди. Айрилиқ дамлари яқинлашганда Наргила онасининг юзига боқиб, кулимсираб тураркан, кўзларига қалққан ёшни яширолмади. Лекин онадан айрилиб ҳовлига чиққанларида яна хурсанд кўринарди. Тўйда эса қизлар, келинлар уни оёққа турғизиб бошидан сочқи сочганларида, ўйнатганларида, бирдан юзидан тўрни улоқтирди.

— Созимни беринглар менга! — деди.

Энди Наргиланинг одатларига ўрганиб қолган ва уларни сеҳр-жодунинг натижаси деб биладиган Жаҳон хоним ҳам, қиз-келинлар ҳам умрининг энг бахтли дақиқасида унинг ҳар бир орзусини бажаришга тайёр эдилар. Албатта, биринчи бўлиб Жаҳон хоним буюрди:

— Ҳой қизлар, тез Наргиланинг созини олиб келиб беринглар!

Наргиланинг сепи ичидан созни топиб келдилар. Наргила уни ғилофидан олди ва деворга суянганча ёниб-куйиб чала кетди. Қиз-келинлар ҳали Наргиланинг бунчалар чиройли чалганини кўрмаган эдик, дейишарди. Наргиланинг соз чалаётгани хабари тўй мажлисига ҳам бориб етди. Вазмин ўтирган беклар ва мўътабар кишилардан ўзга ҳамма ҳовлига ёғилиб чиқди, келин қўшиқ айтаётган хонанинг эшиги олдида уймалаша бошладилар. Даҳлиз ҳам одамлар билан тўлган, улар бўйинларини чўзиб, ичкарида нима бўлаётганлигини кўргилари келарди. Эски одатига кўра Илёсбекдан пича нарида юришни, ўтиргандан юрганни ҳуш кўрадиган Салим ога келган-кетганларни кутиб олиб, кузатиб юаркан, ҳозир у ҳам секин ўзини ҳовлига олди. Ҳатто жуда яхшилаб кийинтирилган, соч-соқоллари олдирилган, куёв тусига кириб қолган Шўртонни ҳам ўзи билан бу ёққа олиб чиқди.

— Юр, кўрайлик, атоғлигинг қўшиқ айтаётганмиш.

Маза қиласан, эй ҳувори! — деб унинг қўлтиғидан олиб ҳовлига олиб ўтаётганида тожир Али билан тўқнашди. Эрталабки қўполлигини аллақачон кечирган савдогар оғзини Салимнинг қулоғига тутди.

— Бу эшшакни мунча ясантирмасанглар! — деб кулди. — Ҳамма ёғи зар бўлиб кетибди-ку!

— Тилладан тўн кийдирсанг ҳам бунинг ақли кирадиган эмас! — ўз навбатида Салимбек ҳам оғзини тожирнинг қулоғига тутиб кулди. Сўнг бир чеккада шинграй кўзларини пирпиратиб турган Шўртон томонга юрди. Тожир унинг қўлидан тутиб тўхтади ва Шўртоннинг форсча билмаслигига, билса ҳам, нозик нарсаларни англамаслигига амин ҳолда баланд овоз билан деди:

— Шоирнинг сўзи ёдимга тушди:

Хари Исо агар ба Макка баранд,  
Чун биёяд ҳануз ҳар бошад<sup>1</sup>.

Икковлари қаҳ-қаҳ отиб кулишди. Салимбек савдогарнинг қўлидан ушлади:

— Қаерга кетяпсиз, бу ёққа юринг! Сизга ёқадиган жойга борамиз! — деб савдогарга кўзини қисиб тўйхонага олиб борди. Улар ичкарига кирганларида ҳамма сеҳрланиб оғизларини очганча Наргилага тикилиб қолган эдилар. Наргила соз чалиб, қўшиқ айтарди. Ошиқ Асмарнинг сон-саноқсиз наргилаларнинг дардини, фожиасини ифода этган ҳароратли сўзлари наргилаларнинг қалбига бориб етган, улар қалбининг тилмочига айланганди. Ҳозир Наргила гўё барча ўзи каби чорасиз қизларнинг ҳасрат ва орзуларини соз орқали сўйлаб, шаҳло кўзларини катта-катта очиб, қиз-келиндарга боқа-боқа қўшиқ айтарди:

Заҳар қўшдилар ошимга,  
Балолар тушди бошимга...  
Боқмадилар кўз ёшимга,  
Қари чолга сотдилар,  
Қора кунга отдилар...

Топилмади ҳаводор,

---

<sup>1</sup> Исонинг эшаги агар Маккага борса ҳам, қайтганида ҳамон эшаклигича қолаверади.

Дунё бўлди менга тор...  
Хўрлаб мени сўкдилар,  
Қари чолга сотдилар,  
Қора кунга отдилар...

Наргила бу гўзал қўшманинг ҳар бандини айтиб тутатганида ёш қизларгина эмас, келинлар ва анча ёшга борган хотинлар ҳам: «Баракалла, Наргила! Дунё тургунча тур, Наргила!» — деб уни олқишлардилар. Баъзилар хазон бўлган ёшлигини, ночорликда ўтган ҳаётини ўйлаб, кўзларига ёш олардилар. Наргиланинг кўзи хонанинг нариги ёғида уймалашаётган кишиларда эмас, мана шу юраги ёниб турган келин-қизларда эди. «Худоё, буларни бунчалар садоқатли, пок юракли қилиб яратмасанг! Шундай экан, нега буларнинг қисматини бу қадар огир қилгансан?! Уларнинг гуноҳлари нима ахир?!» Наргила шуларни ўйлаганида, ошиқ Асмарнинг қўшиқларини янада ёниб куйлай бошларди. Сознинг инжа қиллари уларнинг дардлари юкини андак енгиллатгандай бўларди. Уларнинг юракларига куй билан бирга севинч оқиб кирарди. Наргила мана шунга суюнардди.

— Вай, соғ бўл, жонингдан! — деган хунук, қўпол, телба бир овозни эшитиб, Наргила мизробни торга уришдан тўхтади-да, ўша овоз келган томонга қаради ва Шўртонни кўриб ўзини йўқотиб қўйди. Яшин теккандай қотиб қолди. Лекин дарҳол ўзини қўлга олиб, куйни ўзгартирди. Шарабони хонимнинг Асмарникидан ҳам кадарлироқ, Оразнинг нариги қирғоғидан ўтиб, бу томонларга ёйилиб кетган шеърини айта бошлади:

Қандай айтай: золим отам яшасин,  
Уйларига зару зарбоф тўшасин,  
Дуо қилди: қўшгани-ла қўшасин —  
Она, мени бир нодонга бердилар,  
Гуноҳимга, вуболимга қолдилар...

Қўй эмасдим, қўй-қўзига қўшилдим,  
Хўкиз эмас, арпа-сомонин шилдим,  
Йигит эмас, муродимдан айрилдим.  
Она, мени бир нодонга бердилар,  
Гуноҳимга, вуболимга қолдилар...

Наргила ёнидаги қиз-келиндарга ишора қилиб қўйди, улар шеърнинг сўнгги икки бандини чапак чалиб бараварига такрор этдилар:

Она, мени бир нодонга бердилар,  
Гуноҳимга, вуболимга қолдилар...

Буларнинг ҳаммасини диққат билан томоша қилиб турган савдогар Али қўлларини бир-бирига урди:

— Қиз эмас, худди ёмби олтинга ўхшайди, худда ҳаққи!

Шўртон кўкрагини олдинга чиқарди, қўлини сийнасига гурсиллатиб урди:

— У меники! Кечаси у менинг хотиним бўлади!

— Иншоллоҳ!— деб кимдир кулди. Йиғилганлар ҳам унга қўшилиб кулиб юбордилар.

Салим эса қўлини Шўртоннинг елкасига қўйди, ҳали ҳам тўлқинланиб айтаётган Наргилани кўрсатди:

— Ҳеч тушуняпсанми, нима деяпти?

Шўртон хир-хир кулди.

— Қўявер, айтаверсин! Ҳали кечаси бўлсин, ўйин қанақа бўлишини мендан кўради! Иргай ёғочдан яп-янги таёқ йўндириб қўйганман!

Савдогар Али ўзини тутолмади: «Хари Исо агар ба Макка баранд, Чун биёяд ҳануз хар бошад!»— деганича чиқиб кетди.

Ярим кечага довури шовқин-суронга, сурнай, чилдирма навосига тўлган тўй давом этди. Ярим тунда келинни файтонга ўтқизиб, Шўртоннинг уйига элтдилар. Эрталаб парда билан тўсилган ётоқнинг остонасида Шўртонни бўғзидан осилган ҳолда топдилар. Наргилани тоза ахтардилар, ҳеч қаердан тополмадилар. Қиз кўкка учганми, сувга оққанми, зим-зиё ғойиб бўлганди. Бутун қишлоқ дув-дув гап бўлиб кетди. Одамлар охири ўзи шундай бўлиши керак эди, Шўртон қачонгача хотин ўлдиради, ахир бегуноҳ ўлганларнинг гуноҳи тутди уни, худонинг иродаси шундай, дердилар.

Сеҳр-жодунинг кучига ишонганлар эса, Наргиланинг нафаси Шўртонникидан ўткир чиққан, қиз уни шу қадар жоду қилганки, бўйнига арқон ташлаганлигини билмай қолган, дердилар. Зотан, Шўртоннинг уйида уриш-талашнинг ҳеч қандай асари кўринмасди.

Ҳатто янги йўнилган ирғай калтакка ҳам қўл урилма-  
ганди. Калтак эшикнинг орқасида деворга тиралгани-  
ча турарди. Ҳолбуки, Шўртон ўз хотинларини кечаси  
шундай ирғай таёқ билан дўппослаб урар, уларнинг  
дод-фарёд кўтаришидан завқланарди. Наргилага ўша  
дарвиш ёрдам берган деган гаплар ҳам бўлди. У ўз  
ажиналарини ишга солиб, уларни қабрдан чиқиб кел-  
ган мурдалар тусига киритиб, Шўртондан ўч олишга  
юборганмиш. Шу гап ўртага тушганидан сўнг бир қан-  
ча эркак ва хотинлар ўтган кун иккун кечаси қишлоқда  
ўликлар кезиб юрганини ўз кўзлари билан кўрганлик-  
ларини айтдилар. Ҳатто онт ичдилар. Ўша ўликлар  
улардан баъзиларининг орқаларидан ҳам таъқиб қи-  
либ борганмиш.

Бундай бўш гапларга ишонмаган, ақли-ҳуши жойи-  
да бўлган одамлар бу иш аллакимлар томонидан атай  
қилинган бўлса керак, деб тахмин қилардилар. Лекин  
ким ўлдирган бўлиши мумкин? Гумон фақат чўпон-  
ларга бориб тақаларди.

Шўртоннинг ўлими ва Наргиланинг ғойиб бўлгани  
Қорасоч билан Жаҳон хонимни ҳам лол қилиб қўйган-  
ди. Қорасоч ишқилиб анави бадбахт Наргилага қўл ур-  
мабди деб ичида ўзича шукур қилиб қўярди. Назарида  
Наргила қаерда бўлмасин, соғ-саломат юргандай эди.

Жаҳон хоним билан Илёсбек ҳам дали девонадан  
биратўла қутулдик деб ичларида хурсанд эдилар. Ле-  
кин одамларнинг кўзи учун бир неча кун аза-мотам  
тутдилар. Келиб-кетувчилар уларни ростдан ҳам ғам-  
гин кўрардилар. Илёсбек ҳам, Жаҳон хоним ҳам Шўр-  
тоннинг ўлдириб кетилганлигини ўзларига нисбатан  
қилинган суиқасд деб билар ва гуноҳкорларни топиб  
қандай жазолаш устида ўй сурардилар.

Ҳикоямизнинг воқеалари рўй бериб турган кунлар-  
да Эдисоннинг биринчи электр станцияси Нью-Йорк-  
нинг бутун бир маҳалласини кечаси билан ёритиб тур-  
ган эди. Нўбутсиз, мойсиз ёнган чироқлар уйларни ча-  
рогон қилиб юборганди. Боку билан Тифлис ўртасида  
темир йўл қуриб битказилганди. Бу билан ишлайди-  
ган машиналар от-араваларда ойлаб ташиладиган юк-  
ларни бир неча соат ичида Тифлисга, Ганжага, Боку-  
га олиб келарди. Ер юзида аждаҳо каби огзини очиб,  
бир-бирларини ютмоқчи бўлиб турган буюк давлатлар  
бир-бирларига дўқ-пўписа қилардилар. Бу давлатлар-

нинг тепасида турганлар газеталарда, парламентларда, калисоларда кеча-кундуз тинмасдан кар-кар ваъзхонлик қилиб «дин», «ватан», «миллат» деб қичқиришар, ватандошларнинг иродасини бир ерга йиғиш учун қўлларида келган ҳамма ишларни қилар, тирноғигача қуролланган, ҳар қандай ваҳшийлик, қабиҳликка тайёр бўлган қўшинлар, полиция дасталари, хуфия идоралар, жосуслик ташкилотларини ташкил қилардилар. Ўзларига емиш қилмоқчи бўлган ўлкаларни савдогарлар, миссионерлар, сиёсатдон лақмалар билан тўлдириб ташлар, улар эса тун-кун бу ўлкаларни митадай миталар, каламушдай кемирар эдилар.

Тиқиш машинасини, оқ нўбутни, гугуртни энг буюк мўъжиза деб билган авомлар, Хазар денгизи билан Ҳинд океани ўртасидаги буюк бир масканда яшаган илёсбеклар эса кўр-басир эдилар. Гўё Наргилани сеҳрлаб дунёга келтирган дарвиш уларнинг кўзларига тош кукунини уфуриб, кўр қилиб қўйганга ўхшарди. Улар бурунларининг тагидаги нарсани ҳам кўрмайдиган бўлиб қолгандилар. Аср ва замондан бутунлай беҳабар ҳолда манманликка берилган, паст, тубан эҳтиросларга ружу қўйган, адоват, кин билан бир-бирларининг оёқларидан олар, бир-бирларини чопар, ўлдирар, талар эдилар.

Шўртоннинг еттизини ўткизиб, эртасига эрталаб Илёсбек Жаҳон хонимни, Салимбекни, Хоспўлатбекни ва бошқа бир қанча оғзи маҳкам, қўлига қурол ушлай биладиган одамларни чақиртирди. Совуқлар босилганлиги, ҳаволар анча исиб қолганлигига қарамасдан, қари бекнинг бадани муттасил жунжикар, у кеч тушганда ва кундуз кунлари сояроқ ерда турганда қора махуд чўхасини елкасига ташлаб олар эди. Ҳозир ҳам каттакон уйнинг тўрт томонида ёстиқларга суяниб, бир оёғини букиб, тагига қўйиб, иккинчисини олдинга узатиб юборган ҳолда чўхасини елкасига ташлаганча калён чекар, қалин оқ қошларининг остида ичкарига бир-бир кириб келганларни кузатар эди. Чўха елкасидан ҳадеса сурилиб тушиб кетай дерди. Шунда унинг орқа томонида ҳар қандай хизматга тайёр турган ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасидаги хизматкор бола чўхани яна бекнинг елкасига ташлаб қўярди.

Салимбек янгигина тиктирган қора черкаскада, белида кумуш дастали ханжар осган ҳолда ичкарига кирар

экан, ҳаммадан бурун Илёсбекнинг рафторига назар солди. Унинг ўтиришидан кайфиятини билмоқчи бўлди. Салим қари бекнинг ҳали ҳам чўлда ўсган баланд ва кўҳна эман каби устивор турганлигини, қор-ёмгирлар, шамол ва бўронларда эгилиб синмаганлигини дарҳол хаёлидан ўтказди, сўнг бошқа ўтирганларга назар ташлади, салом берди. Салим яна шунга эътибор бердики, оёғини остонадан узиб ичкарига кирганида, Илёсбекнинг қалин қошлари чимирилиб кетди, кўзларида ўт чақнади. Сўнг дарҳол яна юмилди. Салим бошқа ўтирганларнинг кўзларида ҳам шундай совуқ бир ифода борлигини сизди ва бунга эътибор берди. «Қабрга кирганда ҳам булар менинг бир пайтлар хизматкор бўлганлигимни юзимга солишади! Ҳаммаси ўлиб қирилмагунча менга тинчлик йўқ. Қанотимни кенг ёзиб беклик қилолмайман!»

Салим таклиф қилишларини кутиб турмасдан, такаббурлик билан тўрға ўтиб, Илёсбекнинг сўл томонига ўтирди. У шундай ўтирдик, бошқалар пастроққа сурилишга мажбур бўлдилар. «Булар билан мана шундай муомала қилиш керак!— деб ўйлади ўз ишидан рози бўлган Салим.— Адаб йўқ — ҳурмат-эътибор йўқ дейишади, Салимбек, ўтир бу ерга. Бўлмаса кечаги ўспирин боладан пастроққа ўтирсам ҳам, булар миқ этишмайди!» Илёсбекнинг ўнг тарафида Жаҳон хоним билан Хоспўлат ўтиришарди. Она ҳам, бола ҳам Салимнинг юзига қаролмас, кўзларини ундан олиб қочардилар. Шу билан бирга Салим яна шуни ҳам сиздики, у бошқа ёққа қараган пайтда, икковлари унга разм солишар, юз-кўзларидан ниманидир ахтарардилар. «Хоинлар, олчоқлар! Кўзимга қарашга юракларинг бетламайди-я!»

Хоспўлат ва Салимдан қуйироқда яна олти киши ўтирарди. Уларнинг иккитаси қирқ-қирқ беш ёшларда, бақувват, кучли кишилар эди. Тўрттаси эса йигирма уч-йигирма беш ёшлардаги сабза мўйловли ёшлар эди. Булар Илёсбек кейинги пайтларда ахтариб топган ва ўзига яқинлаштирган уруғлари эди. Улар Салимбекка туя темирчига қарагандай қарар эдилар.

Илёсбек калённинг учини оғзидан чиқариб, бир чеккага суриб қўйди. Қайси бир парданинг ортидан гунгсоқов бир шарпа пайдо бўлиб, калёни олиб кетди. Илёсбек ҳаммага бирма-бир қараб чиқди:

— Ёани, гапиринглар, энди нима қиламиз? Нималар қиламиз?

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳеч ким «бек, нима демоқчисиз, биздан нималарни сўраяпсиз?» — деб суриштириб ўтирмади. Ҳамманинг қовоғи солиқ эди. Бир-бирларига қараб, сукут сақлашарди. Салимнинг назарида ҳамма унга қараётгандай эди. Илёсбек унинг юзига қарамаса-да, саволини унга бераётгандай, бошқаларнинг нима дейиши билан қизиқмаётгандай, уларнинг нима дейишларини аввалдан билгандай эди. «Буларнинг ўзлари менсиз маслаҳатни бир жойга қўйганга ўхшайди. Менга тузоқ қуришяпти! Илонни менинг қўлим билан ушлашмоқчи!»

— Ҳар бир одамга гуноҳига яраша жазо бериш учун аввал гуноҳкорнинг ўзини топиш керак! — деб гапни узоқдан бошлади Салим. — Аввал бу ишларни ким қилганлигини аниқлаш керак, сўнгра чора кўрилар!

Салим Илёсбекнинг юзига тик қаради. У ҳар қандай зарбани қайтаришга тайёр эди. Ҳозир бек муборак огзини очиб, заҳар ёгдирса керак, деб ўйлади. «Буни бешикдаги гўдак ҳам билади, Салимбек! Сизларни менга ақл ўргатинглар деб чақиртирганмидим бу ерга! Менинг жигаримга ханжар урган ким эканлигини айтиб берарсизлар деб ўйлаган эдим. Сизлар бориб ўша қотилдан ўчимни олиб берасизларми, деб умид қилган эдим! Шунинг учун чақиртирган эдим!» Лекин Илёсбек буларни айтиб ўтирмади. У юз-кўзини буриштирди. Гўё жисмининг қаеридадир қаттиқ огриқ турган, қаеридир санчар эди. У: «Сизлар қандай фикрдасизлар?» — деб бошқалардан сўраганида, Салимбек қилган тахминларим бекорга ўхшайди деб бирмунча шошиб қолди. Салим бу хонадон ҳақида кўп йиллардан бери йигилиб, бир шаклга кирган тасаввурларига ишонсинми, ё ҳозир кўриб турганларигами — билмай қолди. Жаҳон хоним худди Салимнинг юрагида пайдо бўлган шубҳаларни қувмоқчи бўлгандай, аста гап бошлади. У отасининг оғир хаёлларга берила бошлаганлигини, асабийлашиб азму қарорини йўқотиб қўяётганлигини кўрар, буларнинг бари ёмон оқибат билан тугашидан чўчирди. Сўзлашдан мақсади ҳам уни тинчлантириш эди. Бошқа бир тарафдан эса, кафанига ўралиб олган ўликнинг ҳамон қишлоқни кезиб юрганлиги

ҳақидаги қўрқинчли гаплар ҳали босилмаган ва улар Жаҳон хонимни ваҳимага соларди. Шунинг учун ҳам у сирли товуш билан деди:

— Дада, балки бу ерда ҳеч кимнинг қўли йўқдир. Балки худонинг иродаси шундай бўлгандир, ўлди-кетди бечора. Бир ҳафтанинг ичида у қиз менга шундай ўйинлар кўрсатдики, эсласам, эсим кетади. Ҳамма ёқ сеҳр-жоду билан тўлган...

— Ундай хомлик қилма, эй қизим!— Илёсбек кулимсиради.— Хомлик қилма. Агар Сафиқулибекнинг кўкрагига ханжар урган одам қабрга кирган бўлгандайди, унда сеҳр-жодунгта инонардим. Агар қиз кўз ўнгимда бўлганида эди, унга сеҳр-жоду дердим. Йўқ, бу ерда бошқа гап бор. Пайтини топишса ўша ханжарни менинг ҳам сийнамга уришади, қизим. Шўртоннинг бўйнига сиртмоқ солган қўл иложини топса, менинг ҳам бўйнимга арқон солишдан тоймайди.

— Худо кўрсатмасин, эй дада!— Жаҳон хоним қўлларини юқори кўтарди.

Салим оҳиста, эҳтиёт бўлиб, ўз фикрларини амалга ошириш пайида деди:

— Карим туякаш ҳам ғойиб бўлибди. Бу одамни шубҳага солади. У қизининг қаердалигидан хабардор бўлса керак. Ернинг тагидан бўлса ҳам уни топиб келиш керак.

Бу сўзларга қари бек илтифот кўрсатмади.

— У борада ташвиш чекиб ўтирманглар. Эртага унинг ўзи ҳузурларингда бўлади. Мендан ижозат олиб Тифлисга кетди. Зарур иш билан юбордим.

Бу хабар Салим учун янгилик эди. Одамлар Карим туякаш қизининг ғамига чидолмай тоғ-тошларга бош олиб кетди деб юрарди. «Ҳеч қачон бу Илёсбекнинг нима қилишини билиб бўлмайди. Қари тулки!.. Кўзига қараб туриб бир дақиқадан сўнг нима қилиши мумкинлигини билолмайсан». Энди Салим Карим туякашдан ҳам гумонсирай бошлади: «Қурумсоқнинг қилган ишини! Менга бир оғиз қаерга, нимага кетаётганлигини айтиб кетса ўлиб қолармиди?»

— Ҳар ҳолда у қизининг қаердалигини билса ажабмас!— Салим унинг «тақасини ҳам оловга қўйишга» қарор қилди.— Эртага келган заҳоти ертўлага ташланг, малайларга буюринг, биқинига бир-икки ўх-

шатиб туширишсин. Ана унда кўрамиз, қизи қаердалигини айтадим, айтмайдими.

Боядан бери индамай қулоқ солиб ўтирган Илёсбек Салимни совуқ қаршилаган бўлса ҳам, унга огир ботадиган сўзлар айтишдан ўзини тийиб ўтирарди. Салимнинг ҳозирги гапларидан унинг ранги ўзгарди. Қорайиб кетди, юзини бужмайтирди.

— Емон одамсан, Салимбек! — у «бек» сўзини яна аччиқ бир истеҳзо билан талаффуз қилди. — Жуда номард одамсан. Ҳа, ҳа, бек бўлдинг, беклар билан ўтириб-турибсан, лекин барибир номардсан! Сен сен бўлганигда, менга юракдан қайишганигда ҳозир менинг кўкрагимда ўгил доғи қорайиб турмасди. Ярамга малҳам қўйган бўлардинг! — Илёсбек икки қўли билан катак кўйлагининг ёқасини очди, кўкрагига муштлади. — Сафи бола, мени кечир, отангнинг гуноҳини кечир. Мен беномус, мен беғайрат ҳалигача сенинг қотилларингдан ўч ола билмадим... Сенинг эса қабрда ҳали ҳануз суякларинг чиримай қасос талаб қилиб ётибди...

Қари бек ёши қуриган кўзларини ишқалар, кўкрагига урар, сочларини юлқиларди. Бу ўтирганларга жуда оғир таъсир қилди. Улар қари бекка тасалли бера бошладилар:

— Қон ерда қолмайди, Илёсбек!

— Худо номига қасам ичаманки, унинг қонини ўзим тўкаман!

Бу гаплар Илёсбекни тинчлантириш ўрнига, баттар ўтга солиб ёқди. У ўрнидан туриб кетди, катта уй ичини айланиб, кўкрагига муштлай-муштлай гапирди:

— Мени кутиб тур, Сафи бола. Шу мадордан қолган қўлларим билан сенинг ўчингни олмагунча ёнингга бормасман. Биламан, мени кутавериб қолдан тойдинг. Ҳар кеча тушларимга кириб чиқасан, ҳамон ярангдан қон сирқираб оқиб ётибди... яраларинг тузалиб кетмаган. Сенинг яраларинга малҳам қўядиган киши йўқ, болам!

Илёсбек бирдан тўхтади, токчадаги сариқ духоба жилдли китобни кўтариб ўпди, сийнасига босди:

— Қуръонга онт ичиб айтаманки, сенинг қонинг ерда қолмайди!

Жаҳон хоним кўзининг ёшини артиб, бутун бу манзарага бепарво ва бир оз ҳорғин қараб ўтирган Хос-

пўлатнинг қулоғига нимадир деб пичирлади. Хоспўлат бошини чайқаб, ўрнидан қўзғалмаганидан сўнг ўзи туриб бориб отасини қучоқлади:

— Дада, умрингиз узоқ бўлсин, йиғламанг!— деди.— Номусли бир одам топилиб қолар унинг ўчини олиб берадиган, дада!

Жаҳон хоним ўз иродасига қарши ўлароқ Салимга қаради. Ҳамон Жаҳон хоним билан Хоспўлатга қарши газабидан тушмаган, Офаридани Хоспўлатнинг огушида турганлигини кўз ўнгига келтириб қони кўпираётган, портлаб кетиш даражасида турган Салим Жаҳон хонимни бу аҳволда кўриб бошидан совуқ сув тўкилгандай ҳис қилди ўзини: «Қирилиб кет, аланга бўлиб ён, кўппакнинг қизи! Ҳали булар ҳамир учидан пати. Қараб тур, сийнанг устида ўтин қалаб ёқаман ҳали!»— деб ўйлади. Салимнинг индамай туриши Илёсбекка ҳам оғир таъсир қилди. У қизининг ишорасига жавобан деди:

— Қани ундай одам, қизим? Қани ўз қардошининг қонини ерда хор қилиб қўймайдиган одам? Ундай одамлар ўтиб кетган. Замона лўттибозлар, ўғрилар, беномусларнинг замонаси! Бу замонда одам топилмайди!

Ниҳоят, Салим уларнинг ҳар икковлари ҳам тамом ҳолдан тойганларини кўриб, аста-аста сўзлай бошлади:

— Илёсбек, еру кўкни яратганнинг номига қасам ичаманки, бекор ундай деяпсиз. Йигит дейсиз, одам дейсиз. Йигит бўлса, одам бўлса, нима қилиб бера оларди? Неча марта орқасидан одам қўйдик, бир иш чиқмади. Ҳали фурсати етиб келмаганга ўхшайди. Ҳали олло таоло буюрмаган шекилли бу ишнинг битишини. Кимнинг қони қачон тўкилишини яратганнинг ўзи биздан кўра яхшироқ билади.

Илёсбек ақлини йўқотиб қўйган одамдай, Салим оғанинг ёқасидан тутиб, силтаб ташлади:

— Эй, даюс, эй худо беҳабар, энди келиб-келиб сен менга шариатни ўргатадиган бўлиб қолдингми? Сенда жиндай имон, худога эътиқод бўлсайди, аллақачонлар ўша темирчининг нафасини ўчирган бўлардинг!

— Жуда ҳаддан ошиб кетяпсизлар!— Салим оға юлқиниб ёқасини чолнинг қўлидан бўшатди.— Барака топкур, менга қараб сал инсоф билан гапиринг, ахир

мен сизларнинг йўлингизда жонимни ҳам аяётганим йўқ-ку!.. Айтинг, ўзи мендан нима истайсизлар?

Илёсбек кўпикланиб совуган эди. Жаҳон хоним бутун бўлаётган бу ҳангамаларнинг маъносиз эканлигини англаб жим бўлиб қолди. Салим ога яна нафрат билан ўйлади: «Худоё, мен сендан ҳеч нарса сўрамайман. Фақат манави итваччани тобутга жойламагунимда менинг жонимни саломат қилсанг, бас. Сўнг жонимни олсанг ҳам майли... Бошимизга барча паст ишлар шунинг наҳс қилиги туфайли тушяпти!» Жаҳон хоним эса унинг турқи-тароватидан кўнгли озиб турган бўлишига қарамасдан, тишини тишига босиб, орани келиштириш учун деди:

— Яхши, ичингиз шунчалар куйиб турган бўлса, бир маслаҳат беринг, нима қилайлик?!

— Сизларнинг ишингиз менинг маслаҳатим билан битадиган бўлса, жоним билан!— деди Салим ўз кўнгида уларни болаган киши бўлиб. Сўнг Илёсбекнинг сўниқ овози эшитилди:

— Гапирма, қизим, бунинг тили жуда узун бўлиб кетган!— деди у ва Салимга қаради:— Қани, қулоғимиз сизда, Салимбек!

— Айт, чой олиб келишсин, Жаҳон, одамнинг бўғзи қуриб кетди!— деди Салим нафасини ростлаб олмоқчи бўлиб. Беш дақиқалардан сўнг ўртага гулли патнисда чой келтириб қўйилди. Салим боядан бери ҳеч нарсага тушунмай, анграйиб ўтирган Хоспўлатга деди:

— Одамларга чой узат...

Хоспўлат у кутганнинг акси ўлароқ, ҳаммага истаб-истамай, эринчоқлик билан чой узатди. Салим ога катта бир бўлак қандни оғзига солиб, лунжларини шишириб, хўриллатганча чой ича бошлади. Илёсбекнинг юзи тиришиб кетди. Жаҳон хоним эрининг бу қилигидан ичида уялиб ўтирган бўлса ҳам, лекин билдирмади. Салим ога эса бек билан бек қизининг ғашлари келаётганига эътибор бермасдан, гап бошлади:

— Тоза шикоят, нолиш қилишдик, тортишдик, уришдик, юрагимизни бўшатиб олдик — етар энди! Гапларимга яхшилаб қулоқ солинглар. Агар Сафиқулибекнинг қони ерда қолмасин десангиз, шундай қилиш керакки, Вафодор бу ерга ўз оёғи билан келсин.

Бошқа жойда уни бир ёқлик қилишнинг сира иложи йўқ...

— Қандай қилиб олиб келамиз?— сўради кўзларидан ҳали ҳам нафрат ифодаси ўчмаган Илёсбек.— Нима, у ёш боламиди бундай нарсаларни англамайдиган?

— Нега тушунмас экан, тушунади. Биздан ҳам яхши тушунади. Шундай қилиш керакки, келишга мажбур бўлсин. Албатта, ўзига қўйиб берсангиз келмайди-да.

Илёсбек жиддий суратда қизиқиб қолди.

— Нима қилайлик бўлмаса?

Салим неча замонлардан бери кўнглида асраб юрган орзулари рўёбга чиқишини сезгандай бўлди. У иккита қўрқинчли душмандан бирваракайига халос бўлиш фурсати яқинлашаётганлигини англади.

— Бизнинг томонларда шундай одамлар борки, Вафодор улар учун ўзини ўтга-чўққа уришга тайёр. Ўшаларнинг биттаси чўпон Вали, иккинчиси қари тегирмончи! Гумон қилишимча, Вали ҳам, Турон бобо ҳам Вафодор билан яширин суратда кўришиб туришади. Бу ердаги бўлаётган гаплардан уни хабардор қилиб туришади. Орқасидан одам қўйилганлигини ҳам еткизишган. Наргилани қочириб юборган ҳам шулар бўлиши керак. Сиз эшитмагандирсиз ҳали, бадбахт Шўртон ўлдирилганининг эртасига чўпон Валининг ёрдамчиси Қасдан ғойиб бўлганмиш.

Илёсбек биринчи марта Салим огага кўзларини катта-катта очганча тикилиб қолди.

— Жўяли гапларни айтяпсан, Салимбек! Жўяли бу сўзлар!— деди у ва ўзи ҳам сезмаган ҳолда киноясиз гапирди.— Жўяли сўз. Хўп, сенингча нима қилишимиз керак?

— Менимча,— жуда очилиб деди Салим ога,— кечаси бориб тегирмончини ҳам, чўпон Валини ҳам босиш керак. Ҳовлингиздаги қудуққа олиб келиб уч кунча ташлаб қўйинг. Ҳаммасини айтиб беришади. Сўнг буларнинг қудуқда ётганидан Вафодор хабар топади ва дунёнинг киндагида турган бўлса ҳам, уларга ёрдам бериш учун етиб келади.

— Шу бугуноқ хизматкорларни ёнингга ол-да, чўпон Вали билан тегирмончини киссангга солиб олиб кел, ташлаб қўй, ана қудуққа!— деб буюрди Илёсбек.

Салим оға: «Падарингга минг лаънат сен қари тулкининг!» — деб ичида сўкинди ва ўйга толди. Илёсбекка на ҳа деди, на йўқ.

— Тушундингми? — сўради бир оз кутиб тургач Илёсбек. Салим оға аччиғини ютиб, тамкинлик билан жавоб берди:

— Сиз мендан кўра ҳам яхшироқ биласиз, ҳар ишнинг ўз одами бор. Бундай ишларни худо Карим туякашга чиқарган. Айтинг, қилсин. Бу унинг қўлидан келадиган иш, иккинчи жиҳатдан ўзини ҳам синаб оласиз. Наргилани қочиришда қўли бор бўлса, чўпон валилар буни дарров юзига солишади. Мен бўлсам, бизнинг манави новчамизни олиб, — Хоспўлатга томон ишора қилди Салим оға, — темирчи билан орани очди қиламан.

Илёсбек чўҳасининг этагини йиғиштирди, ўрнидан турмасдан:

— Хуш келибсизлар! — деб гапнинг тугаганлигига ишора этди. Салим оға эса қўлини кўтариб, заҳарханда қилгандай, деди:

— Сизга бир хушхабар олиб келганман! — Илёсбек ҳам, Жаҳон хоним ҳам бу гапдан ҳайрон бўлиб тўхтадилар. — Бизнинг манави новчамизнинг кичкина укаси Соҳиб онаси Ҳури хоним билан биргаликда Петербургдан қайтиб келишибди. Тифлисида яшаётган экан.

Салим оға кўзларини катта очиб, Илёсбек билан Жаҳон хонимга разм соларди. Уларнинг ҳар бир ҳаракатини илғаб олишга, кўздан қочирмасликка уринарди. Наслу нажобати билан фахрланиб юрадиган аслзода бек ва бекзоданинг бирдан саросимага тушиб қолганлари, оғаяна тамкинлик ва кибрни йўқотиб қўйганларини кўриш ва кузатишдан Салим оға беҳад лаззат оларди. Уларнинг ваҳималарини ва изтиробларини янада кучайтириш учун Салим оға шошмасдан, бамайлихотир илова этди:

— Айтишларига қараганда, Соҳиб оға Сардорнинг идорасида катта ишда эмиш. Тожир Али билан қўшни эканлар. Борди-келди қилиб туришар экан. Эшитишимга қараганда, савдогар Али Ҳури хонимнинг кўнглини қидираётган эмиш. — Салим тўхтаб, бек билан унинг қизига қараб олди, сўнг маъноли қилиб қўшиб қўйди: — Сабаби маълум...

Илёсбек унинг қайси торни чертаётганлигини, нима учун шундай қилаётганлигини жуда яхши тушуниб турар, беихтиёр муштини қисар, сал бўлмаса калласига туширай дерди. «Оғзингни юм, бойқуш!» — дегиси келарди.

Жаҳон хонимнинг эса томоғи қақраб кетди. Кўзларини аянчили пирпиради. Онаси билан бобосининг бошидан нималар кечаётганлигини бутунлай англамаган Хоспўлат болаларча соддалик ва самимият билан:

— Она, мен эртага Тифлисга бораман... Укамни кўргим келяпти! — деди.

«Ўлик ҳам тириларкан-да», — деб ўйлади Жаҳон хоним ва нимадир демоқчи бўлди.

Отаси қўлини кўтариб, уни гапиртормади, худди ўзига ўзи сўзлагандай қилиб:

— Қазову қадарнинг ишларини билиб бўлмайди! — деди ва ўйланиб туриб қўшиб қўйди: — Хуш келибсизлар! Йўқлаганларингиз учун ташаккур!

Ҳамма чиқиб кетди. Кекса бек Жаҳон хоним билан Хоспўлатни олиб қолди.

Салим оға: «Вой, қари тулки-ей! Мана, ўзинг чуватган иплар энди ўз оёғингга ўраляпти! — деб ўйлади ва ҳовлига чиқди. — Фалак ҳар куни сенга бир гавғони тайёрлаб туради. Бу гавғолардан қандай қилиб қутулишингни билмайсан. Бунинг устига, тавба қилмай, яна калавани баттар чуватмоқчи бўласан! Майли, чувалатавер, кўрайлик!»

Салимлар чиқиб кетиши билан Илёсбек Хоспўлатга қаради:

— Ақлли ўғлонсан! — деди. — Майли, бор, укангни кўриб қайт, менга деса, онангни ҳам олиб бор. Бирикки кун меҳмон бўлинглар. Кейин уларнинг ўзларини бу ерга олиб келинглар, — Жаҳон хонимнинг кўзларида таяжжуб ва савол аломатини ўқиб, қўшимча қилди: — У замонлар ўтиб кетди, қизим, қанча сувлар оқиб ўтди бу орада. Сен ҳам илгариги Жаҳон эмассан, мен ҳам қадимгидай бўлолмайман. Менимча, улар ҳам бизга ўхшаб ўзгариб кетган бўлса керак. Руснинг пошшоси турадиган шаҳарда неча йил туриб, ўқимишли бўлиб қайтиб келибди. Келган заҳоти Сардор идорасидан яхши иш берибди. Бунга ҳар ким ҳам эришавермайди! Бундай қариндошини одамлар осмонда бўлса ҳам қидириб топади. Бор, дийдор кўриш, бўйнидан қу-

оқлаб ўп, йиғла, кўз ёши қил. У ҳам одам. Юр-  
омшайди. Айт, раҳматлик эридан қолган ҳамма нарс  
андай бўлса, шундай турибди, истаса ана жой, ана  
й, келиб ўтирсин. Мол-давлатдан ҳам бир қисмини  
йириб берайлик унга. Олса — ўзининг тегиши. Са-  
нимга ўхшаган айёр бир одамники бўлиб кетмасин  
ҳаммаси, қўй, ота бир тугишганга насиб бўлсин. Қан-  
дай бўлмасин, ёмон кунда ҳаёндир.

Турли, бир-бирига зид фикрлар бошига ёгилиб, Жа-  
ҳон хонимнинг кўз ўнги қоронғилашиб кетди, боши  
айланди. Асло тасаввур қила олмасдики, ҳаёт саҳна-  
сидан шу пайтгача буткул чиқиб кетгандай бўлиб кў-  
ринган одам яна қандай қилиб пайдо бўлди, ўлган  
қандай қилиб тирилди? Ҳури билан Соҳибнинг думли  
юлдуз каби уфқларда янгидан пайдо бўлгани яхши-  
ликками, ёмонликками — билмасди. Шуларни билол-  
магани учун ҳам толенинг қаршисида тиз чўкди:

— Сизнинг билганингиз билган, дада! Қандай  
айтган бўлсангиз, шундай қиламиз. Тўғрими, Хос-  
пўлат?

Хоспўлат шубҳага ўрин қолдирмаган қатъият би-  
лан деди:

— Биринчидан, мен айтдим, укамни кўргим келяп-  
ти. Мол-давлатдан улуш айириб беришга келганда, ме-  
нинг билишимча, ҳали шошилмаслик керак! Ўзлари  
гап очишса, рози бўлайлик, индашмаса, унда қишлоқ-  
қа келишларини кутамиз, қараймиз кўнгилларининг  
хоҳишига...

Илёсбекнинг ранги очилди:

— Офарин, ўғлим! Худога минг шукурки, сен бор-  
сан, сен сиёсатда биздан кўра ақллироқсан. Мардлик,  
тантилик, уриб-йиқишда эндигилар,— Илёсбек юзини  
қизига қаратди,— бизларга етолмайди. Аммо сиёсат,  
муомалада биздан ўтиб кетишди. Омон бўлишсин! Ўй-  
лаб қарасам, энди қаҳрамонлик, мардлик қиладиган  
замонлар ўтиб кетибди. Энди сиёсат, муомала замо-  
наси!

— Бобо, мен кетсам майлими?— сўради Хоспў-  
лат.— Жамолбекнинг болалари билан Қораёзига қабон  
овига бормоқчи эдик...

— Баракалла, ўғлим, майли, боринглар. Ов — йи-  
гит кишининг иши. Пистирмада туришни, милтиқ  
отишни, ханжар ишлатишни ўрганасизлар!

..он, дунё ўзгаряпти. Камбағаллар бой бўл-  
г беклар бор-йўгидан айриляпти. Савдогар-  
довчилар ҳар томондан қишлоқларни босиб  
.. Одамгарчилик, лафз, эътибор ўртадан кўта-  
и. Ҳамма ўзбошимча бўлиб кетган. Бу замонда  
қ, бўлмасанг, ишингни пишиқ қилмасанг, сени  
тириклай ютиб юборишади.

Жаҳон хоним кўзларини отасининг юзига тиккани-  
ча диққат билан қулоқ соларди. Отасининг сўзлари ни-  
ма билан тугашини кутарди.

— Муҳаммад Ризобекдан, Сафиқулидан сўнг суян-  
чигимиздан айрилгандай бўлиб қолдик, қизим. Салим-  
га ўхшаган номардлардан умид йўқ. Мен ўлсам, сен  
билан Хоспўлатни яккалаб, бошларингга етади. Бор  
давлатларингга эга чиқади. Шунинг учун, қизим, ўз  
ишимизни билиб қилайлик!..

Жаҳон хоним бу сўзлар Соҳиб ва Ҳури билан ало-  
қадор бўлса керак деб ўйлаб, отасини хотиржам қил-  
моқчи бўлди:

— Ҳеч ташвиш чекманг, дада, бир-икки кундан  
сўнг уларни кўргани Тифлисга бораман, ўзларини ҳам  
бу ерга бошлаб олиб келаман.

— Гап унда эмас. Бу масалани ҳал қилдик, етар-  
ли. Улар сенга шаҳардаги суянчигинг бўлиб қолади.  
Аммо мен бу ердаги ишларимизни айтяпман. Бу ерда  
мен Хоспўлатни ёлғиз ташлаб қўёлмайман. Сенга мас-  
лаҳатим шуки, Жамолбекнинг этагидан маҳкам ушла.  
Бадавлат, таг-замини мустаҳкам, ўзи ҳам Салимга ўх-  
шаган зийрак, кўзи пишган одам. Насл-насаби ҳам  
баланд. Бурчали томонларда ундан кўра мўътабар  
одам йўқ!

— Қачон биз томонларга йўллари тушса, ҳурмат-  
ларини ўрнига қўйганмиз, дада, ўзига ҳам, болаларига  
ҳам кўп иззат-икром кўрсатганмиз!— деди оҳиста Жа-  
ҳон хоним.

— Ундай ҳурматлардан ҳеч нарса чиқмайди, қи-  
зим, улар билан эт-тирноқ бўлиб кетсанг эди. Жуда  
сулув қизи бор, кўрганман. Хоспўлат билан сўзлаш,  
розилигини ол, агар кўнса, совчи бўлиб борайлик, бир-  
икки ой ичида тўйларини қилайлик.

— Шўртоннинг ҳали йили чиқмади-ку?— сўради Жаҳон хоним таажжуб билан.

— Ушанга ҳам йил қиламизми, эй қизим? Тирикликда ўликдан баттар эди. Қирқини ўтказиб, шу билан азадан чиқа қолайлик. Бошқача фикрларни хаёлингга келтирма. Болангни кўндир,— Илёсбек бундан ҳам зарурроқ бир гапни айтмоқчи бўлгандай Жаҳон хонимнинг кўзларига синовчан тикилди.— Жамолбекнинг ўзи ҳам тул қолган. Салим ога сенга эрлик қилолмайди. Мабодо Жамолбекдан бир ишора бўлса, сен огоҳ бўл!

Жаҳон хоним қизариб кетди, кўзларини юмиб, бошини қуйи эгди. «Дада, менинг янгидан эрга тегадиган вақтим ўтди»,— деб айтмоқчи бўлди. Лекин Илёсбек бу гапларнинг ҳаммасини жуда жиддий ва қатъият билан айтир эдики, Жаҳон хоним уларга жавоб беришга ботинолмади. Фақат сийнаси ҳаяжон билан тўлаётганлигини, дастлаб пайдо бўлган ҳайрат аста йўқолиб кетаётганлигини, отасининг сўзлари юрагида кўндан бери унут бўлган ширин ҳавасларни қитиқлаётганлигини сизди. Шунда унинг хаёлига бошқа бир фикр келди. «Дадам Салимга хўп яхши рақиб топибди. Менинг қасосимни бошлаб олиб берсинки!»

Илёсбек қизининг ийманиб сукут қилганлигини розилик аломати деб тушунди:

— Малайларга айт, Карим туякашни топиб келишин, мен уни кўришим керак.

— Бош устига!— Жаҳон хоним уйдан чиқди...

## 2

Қуёш уфқдан кўтарилиб, Ҳурилар яшаган уйнинг деразаларига тушганидан бошлаб, бу уйнинг эшиклари тинмай очилиб-ёпилар эди. Етти-саккиз яшар болалар бир-бирларининг орқаларидан қувлашиб ҳовлига кира, кўзлари севинч ва ҳаяжонга тўлган ҳолда ойнаванд уйга қараб йўл олардилар. Авваллари болаларни Ҳурининг ўзи қаршилаб олар: «Келинлар, келинлар, болаларим!»— деб уларни ичкарига бошларди. Болаларнинг қанчалар ҳавас билан, севинчларга тўлган ҳолда тўрваларини елкаларига осиб бу ерга келганликларини, дарслар тамом бўлганидан кейин ҳам кетгила-

ри келмаётганликларини кўрганда Ҳурининг юраги ҳаяжондан энтикиб кетарди. Назарида ҳаётининг энг бахтиёр, энг масъуд дамларини кечираётгандай эди. Гўё шу онларда бу дунёда ундан кўра бахтлироқ, бадавлатроқ ва таянчи кўп одам йўқ эди. Ҳа, давлатманд ва сертаянч одам эди у! Мана шу болакайлар Ҳурини шу қадар яхши кўрар, унга шунчалар меҳрибон эдиларки, агар керак бўлса унинг учун ўзларини ҳалок этардилар. Уни заррача хафа қилишга, кўнглини огритишга йўл бермасдилар. Юракларининг бутун ҳароратини унга багишлаган эдилар. Ҳурининг назарида энди у биттагина, якка бир фарзанднинг онаси эмас, катта, буюк бир авлоднинг мураббияси бўлиб қолган эди. Мана шу ҳис туфайли унинг юрагида янги севинчлар уйғонган эди, ранги тобора очилиб борар, аввалги чиройига янги жилвалар қўшиларди. Бир ой илгари у толиқиб, дақиқаларни санаб ўтказарди, энди эса кунларининг қандай кечганларини ўзи ҳам сезмай қоларди. Ўйда ҳеч ким бўлмаган чоғларда ҳам назарида қизлари ва ўғлонлари ёнидан кетмай айланишарди. Бутун олам унга дўст бўлиб қолгандай эди. Баъзан Ҳури ўзининг бу бахтидан қўрқарди. Бу бахт унинг ўзига ҳам ҳақиқатдан йироқ бир нарсдай туюларди. Шунда унинг хаёлига ўтган кунлари тушарди. Ўша кунларни эслаганида, у-у... юраги сиқилиб, портлаб кетгудай бўларди. Ўша кечмиш кунлар хотирасига кўмилиб қолган чоқларида у ўзини Соҳиб билан бирга ёлғиз ҳис қилар, кимсасизлик азобини чекарди. Ўша кунлар дунё унинг кўзларига англаб бўлмас қоришиқ бир ғалвага айланган эди. Ақлга тўғри келадиган биронта низом ва қоида, нурли бир парча кўринмасди. Ўша умидсизлик ичида, зулмат қўйнида бирдан чарақлаб офтоб чиққандай бўлди. Офтоб Гавҳар хонимнинг қутлуғ қадамлари билан бирга уларнинг хонадонига ташриф буюргандай бўлди. Йиллар ўтаверади, лекин Ҳури ўша кунни асло унутмайди, ҳамиша хурсанд бўлиб эслаб юради.

Соҳиб шу кунгача маориф идорасига қатнайвериб, «эртага келинг!»дан бошқа жавоб ололмаса ҳам, яна ўша идорага борган эди. Лекин яна худди ўшандай «эртага келинг!» деган жавобни олиб, борганидан пушаймон бўлиб қайтди. Ҳури шунинг учун ҳам, ўғлидан ҳеч нарса деб сўрамай, индамасдан олдига овқат

келтириб қўйди. У ўгли билан рўбарў ўтириб, ишдан, бозор-ўчардан, савдо-сотиқдан, нон-гўштнинг нарх-навосидан гап очди. Шунда бирдан эшик тақиллаб қолди. Секин, оҳиста тақиллади. Ҳури хоним айвон томонга йўл олди-ю, баҳорнинг чечаги каби гўзал Гавҳар билан бирга қайтиб келди:

— Соҳиб, қара, ким келди!— дея севиниб сўзлади:— Кел, Гавҳар хоним, кел, қизим, қани, мана бу ерга ўтир...

Соҳиб Гавҳарни кўриши билан дарҳол ўрнидан турди. Салом берди, кўришди, стул кўрсатиб, ўтиришга даъват этди:

— Ўтиринг, Гавҳар хоним. Қадамингизга ҳасанот!

Она ва ўғилнинг кўрсатган ҳурмати Гавҳарга бошқача таъсир қилди. У жуда ҳаяжонланган эди. Кулимсираб, қора шахло кўзларини ўйнатиб гоҳ Ҳурига, гоҳ Соҳибга қарарди. Кўпроқ Ҳурига қарарди. Чунки Соҳибга қараган чоқларида унинг оппоқ гўзал чеҳраси майин қизариб кетарди. Қизнинг уялиб турганлигини, жуда ҳам тортинчоқ эканлигини кўрган ва бир қарашдаёқ унинг юмшоқ табиатли, содда ва пок юракли, қилвирликни билмайдиган қиз эканлигини англаган Ҳури уни яхши кўриб қолган, унга ўз қизидай меҳрибон муносабатда бўлган эди:

— Ўтир, жайрон қизим, сени қанчалар яхши кўришимни билсайдинг!— деб юрагидаги сўзларини изҳор этган эди, қиз болаларча соддалик билан:

— Мени бунча эркаламанг, йиғлаб юбораман!— деди.

Шунда Ҳури қизнинг кўнгли яримта эканлигини сезди.

— Сенинг ҳам бошингга кўп ишлар тушганга ўхшайди-я, қизим?— деб сўради.

— Йўқ, сиз чидаган дардга мен чидолмайман. Аммо менинг ҳам ўз дардим бор...

Ҳури кулимсиради:

— Қани, менга айт-чи, сен бизнинг дардимизни қаердан биласан? Ундан сўнг ўзингнинг дардингни айтиб бер. Агар айтиш мумкин бўлмаса, айтмасанг ҳам майли!

— Онажон, ижозат беринг, Гавҳар хоним ўтирсин, сўнг бемалол гаплашаверасизлар!— Соҳиб курси-

ни кўрсатди. Қиз кулимсиради, унинг очиқ, гўзал пешанаси бир оз қизарди.

— Раҳмат. Соғ бўлинг. Амаким кутиб ўтирибдилар. Кетишим керак!— У Ҳури хонимга ўгирилди.— Амаким менга ҳаммасини гапириб берган. Роса йиғлаган эдим ўшанда.

Ҳури хандон ташлаб кулиб, қизни қучоқлаб ўпди.

— Сендай гўзал қизнинг кўз ёшларига муносиб бўлганимдан жуда бахтиёрман. Ҳўп, энди ўз дардингни айтиб бер-чи, қизим...

— Ҳали шу пайтгача ҳеч ким мени «қизим» демаган эди. Шунинг учун ҳам йиглаб юборай дейман.

— Онанг йўқми?

Гавҳар майин товуш билан жавоб берди:

— Мен онамнинг юзини кўрган эмасман. Бешикдалигимда ўлиб кетган... Мени бувим катта қилган. Лекин ёшим бешга кирганда бувим ҳам вафот этган. Амаким мени тарбиялаб вояга етказган. Мана кўриб турибсизки, ёнингизда ўтирибман...

Ҳури уни мақтади:

— Жуда ҳам гўзал, латофатли қиз экансан, худо хоҳласа, ўқиб, университетни битирсанг, ўзингга муносиб бир одам ҳам топилар. Болалик бўласан, бошингдан кечирган дардларингни кўрмагандай бўлиб кетсан. Ўзинг каби қизларни ўқитиб, уларга янги ҳаётга йўлланма берасан!— Соҳиб ҳам бу гапга қўшилганлигини кўриб, Гавҳарнинг овози титради:

— Раҳмат. Соғ бўлинг. Ўзим ҳам сизларга ўқиш ҳақидаги хабарни олиб келгандим... Амаким, бу хушxabарни уларга сен еткиз, деди. Мактаб очиш хусусида ижозат олибди. Эртага эрталабдан бошлаб болаларни бемалол мактаб очиб ўқитишингиз мумкин экан. Қандай ёрдамим керак бўлса, менга айтсинлар, қўлимдан келганини аямайман, деб айтдилар.

Ҳурининг ранги оқарди, овози титради:

— Хушxabар келтирган тилингдан ўзим ўргилай, эй қизим! Ҳеч қулоғимга ишонгим келмайди. Амакингга айт, унга чин юракдан раҳмат. Бу яхшилигини ҳеч қачон унутмайман.

— Энди изн беринг, мен борай.

Соҳиб ўзи қизнинг кетишини сира истамаётганлигини сизди. Унинг анчагача шу ерда қолишини, улар

билан гаплашиб ўтиришини истарди. Шу истакнинг таъсири билан деди:

— Кетмай қўя қолинг. Бирпас ўтирсангиз бўлмай-дими. Бирга чой ичардик...

— Амаким кутиб ўтирибди. Бир жойга бормоқчи эдик.

— Унда майли, бор, қизим,— Ҳури ижозат берди.— Амакинг кутиб қолмасин тагин. Фақат сен ҳам менга ёрдам бериб турсайдинг... Қўлимизни қўлга бериб, яхши бир мактаб очсак дегандим...

— Жоним билан! Нима десангиз, мен тайёрман!— Гавҳар ўзгача бир нафислик билан жавоб берди. У эшикка томон юра бошлаганида Ҳури хоним ўглига деди:

— Соҳиб, Гавҳар хонимни кузатиб қўй...

Соҳиб Гавҳарга қаради:

— Ижозат берса, жоним билан...

Гавҳар яна дув қизарди:

— Сизни овора қилиб қўяман...

— Сизни кузатиб қўйиш мен учун бир бахт!— Соҳиб севинч ва шодликка тўлганча Гавҳарни кузатиб қўйгани кетди. Ҳури хоним айвонда туриб, уларнинг орқаларидан қараб қоларкан, юрагида ажиб бир орзу уйғонди: «Бир-бирларига ярашганларини қаранг!»— деб ўйлади у.

Ўша кун ич қечқурун она-бола аллавақтгача мактаб хусусида гаплашиб ўтирдилар. Кимларни қабул қилишларидан тортиб, ўғил-қизларни бирга ё алоҳида-алоҳида ўқитадиларми, ҳаммасини фикрлашдилар. Дарсларни қайси хоналарда ўтказадилар? Ўқиш китобларини қаердан топадилар? Қайси программа асосида ўқитадилар? Шунга ўхшаш талай муаммоларга жавоб топиш лозим бўлди. Анча муҳокама қилиб, ҳатто бир оз тортишиб олганларидан сўнг, ниҳоят бир қарорга келдилар. Етти-саккиз яшар болаларга ўқишни алифбе ўргатишдан бошлашга, қизлар билан ўғил болаларни аралаш ўқитишга, «усули жадид», яъни «янги усул» бўйича, Европа мактаб программалари асосида дарс ўтишга, болаларга дунёвий илмларнинг асосларини ўргатишга келишиб олдилар. Синфга керак бўладиган ёзув лавҳасидан тортиб, парталаргача Соҳиб топиб келадиган бўлди.

— Мен эрталабдан бошлабоқ болаларни тўплай

бошлайман!— Ҳури хоним хурсанд бўлиб гапирган эди, Соҳибга ҳам онанинг хурсандчилиги юқди.— Нима дейсан?— деб яна ўғлидан сўради она.— Қўшнилардан бошласак тузук бўлармикин?

— Қўшниларга ҳам кириб айтиш керак. Эълон ёзиб қўйсак ҳам ёмон бўлмайди. Мен Али Мирза билан Нажаф кишига ҳам айтаман, таниш-билишларини ишга солиб, бола тўплашга ёрдамлашиб юборишади.

— Мактабнинг номини «Чироқ» деб қўймоқчиман!— деди Ҳури хоним Соҳибга чой қуйиб узатаркан:— Қалай, сенга маъқулми?

Соҳиб онасининг бўйнидан қучоқлаб, юзидан ўпди:

— Бундан ҳам гўзал, бундан ҳам маънолироқ ном топиш қийин, онажон!— деди.— Сизнинг бу чирогингизнинг нури ҳеч қачон сўнамасин. Бизнинг қоронги ҳаётимизни нурга тўлдирсин.

Лекин чироқни ёқиш у қадар осон бўлмади. Парталар ва бошқа ашёлар жуда кўп пул талаб қиларди. Соҳибнинг пули буларнинг ҳаммасига етмасди. Лекин бунини онасига айтмас, уни хурсандчиликдан маҳрум қилгиси келмас, дуч келган қийинчиликларни ўзи ҳал этишга уринарди. Бориб, савдогар Алидан қарз олмоқчи бўлди, лекин нима учундир бунга орияти йўл бермади. Гориға бориб, гуржи дўсти Сандро билан маслаҳатлашишга қарор қилди. У ёрдам бериши мумкин. Ҳури хоним ҳам илк қадамларданоқ жуда эрта суюнганлигини кўрди. Қўни-қўшниларнинг баъзилари: «Бир-икки кун ўйлаб кўрайлик-чи»,— деган бўлсалар, бошқа баъзилари: «Болаларимизни мадрасага берамиз»,— деган жавобни қилдилар. Эшик тақиллатиб кирган йигирмата уйдан фақат бештаси болаларини «Чироқ» мактабига беришга рози бўлди. Икки кун ўтгандан сўнг улар ҳам келиб, хафа бўлманг, Ҳури хоним, болаларимизни ҳозир ўқитишга имконимиз йўқ, деб ғалати муомала қилиб кетдилар. Шусиз ҳам тирикчилигимиз зўрға ўтиб турибди, деб баҳона қилдилар. Лекин Ҳури хоним уларнинг гап-сўзларидан, ҳаракатларидан нимадандир чўчиб турганларини сезиб қолди. Гап фақат тирикчиликнинг зўрға ўтаётганида эмас шекилли. «Худоё, бу қандай бадбахтлик бўлди,— деб уйда ёлғиз ўтирган пайтларида ўйларди Ҳури хоним.— Мактаб очиш бу қадар қийин, мактабга бола йиғиш эса ундан ҳам қийин». У бадбинлик, умидсиз-

ликка туша бошлаганлигини сезиши биланоқ дик этиб ўрнидан туриб кетар, унга тўсқинлик қилаётган номаълум бир шарпага қараб, дерди: «Йўқ, мени бу йўлдан қайтаролмайсизлар! Мен бундан юз чандон оғирроқ қийинчиликларни кўрганман, бундан ҳам оғирроқ азобларга чидаганман, ўзимни йўқотиб қўймаганман. Энди ҳам таслим бўлмайман!»

Мана шундай, Ҳури хоним ўзи билан ўзи олишиб ётган дақиқалардан бирида унинг эшиги тақиллаб қолди. «Аҳа, болаларни олиб келишганга ўхшайди!» — деб бориб эшикни очди ва рўпарасида Али Мирза билан Ҳалима хоним турганлигини кўриб, суюниб кетди.

— Келинглар, Ҳалима опа, келинг, Али қардош! — деди. — Хуш келибсизлар, ўтиринглар.

Улар Ҳури хоним билан туғишган опа-сингиллардай кўришиб, сўнг ўтирдилар.

— Ҳури хоним, олижаноб иш бошлабсиз, деб эшитдик, — деб гап бошлади Ҳалима хоним. — Жуда ҳам яхши қилибсиз. Фақат бу жуда қийин иш, уни ёлғиз қўл билан охирига етказиш мушкул. Тағин ёлғиз қийналиб қолманг, дўстларингиз борлигини унутманг, деб ҳузурингизга келган эдик.

— Соғ бўлинг, Ҳалима опа, узоқ йиллар яшанг. Наримондан хат-хабар келиб турибдими? Дарслари яхшими, ўзи соғ-саломат юрибдими?

— Саломат бўлинг. Ҳаммаси яхши. Хат-хабар жўнатиб турибди.

— Наримон Соҳибнинг тилидан тушмайди, жуда ҳам ақлли, фаросатли, қобилиятли бола, деб мақтагани мақтаган. Унинг келажаги порлоқ дейди...

— Ҳаммаси сизларнинг шарофатингиз билан бўл-япти! — деб ташаккурини айтди Ҳалима хоним. — Саломат бўлинг, аввал бу киши, сўнг сизлар бизга яхши йўлни кўрсатдингизлар.

Ҳури хоним ўрнидан туриб, ошхонага чиқмоқчи бўлган эди, Али Мирза уни тўхтатди:

— Ҳури хоним, сира овора бўлманг. Ҳозир чой ичиб келдик. Икки огиз сўзимиз бор, шуни айтамуз кетамиз.

Ҳури хоним қайтиб ўтирди. Кўзини унинг юзига тикди.

— Қулоғим сизда, Али қардош...

Али Мирза мулойимлик билан деди:

— Ҳалима хоним ишнинг қийинлигини бекорга айтмади. Сиз ҳали «Чироқ»ни ёқмасингиздан уни сўндириш фикрига тушганлар бор. Бу миллатимизнинг шўрпешаналигидан. Ичимизда нурдан қўрқадиган кўршапалаклар бор. Гапнинг қисқаси, бунинг ҳаммаси Нисо отининг иши. У эшикма-эшик кириб, болаларингизни янги мактабга берсаларингиз, уларни кофир қилиб ўқитишади, деб ҳаммани қўрқитибди. Эски сафсата! Лекин нима қилайликки, мана шу эски сафсатага лаҳ этиб ишонадиганлар кўп. Бундан ташқари, ҳукумат ҳам мактаб очишга ижозат бермаган деб гап тарқатганмиш. Одамларни чўчитиб қўйибди...

— Аҳа, шундай денг! Энди билдим, нега аввал мактабга боласини беришга рози бўлганлар кейин келиб, рўйхатдан ўчиринг бизни, деганларининг сабабини. Жуда ҳам жаҳолатга муккадан кетганмиз. Омилигимиз қолмади-қолмади...

— Вой синглим-ей,— Ҳалима хоним Ҳурининг сўзларини тасдиқлади,— бу қора кўлкалар ҳалигача бизни тинч қўйишмайди. Орқамиздан турли бўлар-бўлмас гаплар тарқатишади. Нега Наримонни семинарияга бердинглар, деб таъна қилишади. Мен айтманки, ҳой барака топкурлар, бола меники, нима қилсам ўзим биламан, сизлар нега аралашасизлар, дейман. Бизгаки шундай дейишганидан кейин, сизни гапиришмайди дейсизми? Ахир сиз кичкина ишга қўл уряпсизми?!

— Мухтасар сўз шулки,— мақсадини баён қилишга ўтди Али Мирза киши.— Тагин қийинчиликлардан чўчиб, ишни йигиштириб қўйманг, деб айтгани келдик. Орқага қайтгандан ёмони йўқ. Гапнинг пўскаллари, сизга ҳозирча бешта бола берамиз!— Али Мирза қоғозга сиёҳ билан ёзилган рўйхатни Ҳури хонимга узатди.— Иккитаси ўзимизнинг болаларимиз. Қолган учтаси таниш-билишларимизники. Унга-бунга айтиб, яна беш-олти бола топамиз, чироқнинг пилигини кўтариб олгунингизча шу етиб туради. Оллоҳ каримдир! Ҳа, энди изн беринг, биз кетайлик.

Ҳалима хоним билан Али Мирза киши ўринларидан турдилар. Ҳури хоним уларга нисбатан юрагида жуда катта миннатдорчилик туйғуси билан деди:

— Раҳмат. Саломат бўлинглар. Бошим осмонга етди...

Эшикдан чиқар эканлар, Али Мирза ниманидир эслаб, деди:

— Ҳа, айтгандай, Ҳури хоним, ўша жодугар Нисотин тожир Алининг сўзидан чиқмайдиган хотин. Эшитишимга қараганда, тожир сизни қаттиқ ҳурмат қиларкан,— Али Мирза кулимсиради.— Фақат андак эҳтиёт бўлинг, ўзи учун бир манфаат чиқмайдиган ерга тошни ҳам раво кўрмайди у...

Уларни кузатиб қўйганидан кейин Ҳури хоним чуқур ўйга толди. Урнидан туриб тожир Алининг олдига бормоқчи, «Чироқ»нинг ёнишига халақит бераётганларга ўғит-насихат қилиб қўйишни илтимос қилмоқчи бўлди. Лекин Али Мирза кишининг бояги сўзларини эслаб, шашти пасайди. Бошқа бир томондан қараганда, у ерда Гавҳар каби бир ёрқин шуълали чироқ ёниб турар ва Ҳури хонимни ўзига жалб этарди. Ахир, мана шундай бир қизни ўстириб тарбия қилган, дунёнинг кўп ишларидан хабардор бўлган тажрибали одамнинг ҳар сўзи ва ҳар бир иши ҳам тўғри бўлса керак-ку! Ахир у бизнинг нимамизни ҳам ўмара оларди? Ҳар ҳолда, унинг олдига эҳтиёж билан борадиган бўлсам, нимами йўқотаман? Бошига чодра ташлаб юрган ожиз бир хотин эмасманки, паст бир қилиғини кўрганда ўзига яраша жавобини беролмасам?

Лекин Ҳури хоним шу кунларда савдогар Али қандай қилиб бўлмасин, Ҳури хоним билан Соҳибни ўз томонига огдирмоқчи, уларнинг кўнгилларини топиб, ишончларини қозонмоқчи эканлигини билмасди. Ҳури билмас эдики, бир неча йиллардан бери қишлоққа қатнаб, у ердан жун, пахта, ипак, шароб олдириб, шаҳарга элтиб сотиб юрган, чет мамлакатларга ҳам чиқарган, буларнинг эвазига қишлоққа чит, қанд, оқ нўбут, тикиш машиналари олиб бориб пуллаган тожир Али кўп одамларнинг ҳаёти билан яхши таниш эди. Узундан-узоқ кечаларда чой ичиб суҳбатлашган кезлари, фойтонга ўтириб, қишлоқ ва яйловларга чиққанларида савдогар ундан-бундан, Салимдан кўп нарсаларни билиб, ўрганиб олганди. У Ҳурининг бошига тушган мусибатлардан хабардор эди. Бу мусибатларга вараса сабаб бўлганлигини, унинг отаси Бош кишининг сермева богини тортиб олиб, ўлдирган-

ларини, Муҳаммад Ризобек кичик хотини Ҳурининг номига васиятнома қолдирганлигини яхши биларди. Тожир кўп йиллар муомалада бўлиб, Салим огани ҳам ҳар томонлама билиб олганди. У Салим оганинг ғайратига, усталигига ичида тан берар ва шу билан бирга унинг ҳаром давлат устида ўтирганлигини, бу давлат муваққат эканлигини, ақлли ва тадбиркор бир одам уни бу давлатдан маҳрум қилиши мумкинлигини ҳам англади. Салим оға икки тул қолган хотинни қўлга киритиб, учинчисини бадарға қилиб, бу давлатга эришган эди. Нима учун унинг тутган йўлини тутмаслик керак? Савдогар шуларни ўйлаганида бирваракайига Муҳаммад Ризобекнинг учала бевасига ҳам уйланишга, Гавҳарни Соҳибга ва ё Хоспўлатга беришга тайёр эди. У Салим огани четга чиқариб ташлаб, уни давлатсиз, қуруқ беклардан бирига айлантириш йўлида барча восита ва имкониятлардан фойдаланишга, бу сурувлар, бу ерлар, бу мулклар ва бу боғларга ҳўжа бўлишга ҳозир эди. Сўнгроқ у пул жамғариб, банкларга қўймоқчи, Бокуда нефть қудуги очмоқчи, завод қурмоқчи эди. У бутун Кавказда бошқалар рақобат қилишга юраги бетламайдиган жуда катта савдогарга, мулкдорга айланмоқчи эди. Албатта, савдогар Али яхши билардики, ўз мақсадига етиш учун у Салим оға ишлатган усулларни ишлатолмайди, бу унинг қўлидан келмайди, эпполмайди у бунди. Чунки Салим оганинг усуллари ваҳшийлик аломати. Дунёда ҳозир ҳеч ким бунақа усуллар билан иш кўрмайди. Тожирнинг қўлида бошқа усуллар бор эди. Булар шаръий, қонуний, маданий бўлган усуллар эди. У ўз мақсадлари йўлида Нисо отинга ўхшаган қора гуруҳчилардан тортиб, Соҳиб муаллимгача, елкаси погонли давлат хизматчиларигача — ҳамманинг кучидан фойдаланарди. Унинг «Чироқ»ни очишга ижозат олиб берганлигининг сабабларидан бири ҳам шунда эди. Шу билан бирга Нисо отинлар бу мактабга қарши чиқиб, ундан одамларни айнитиб юрганлигини била туриб, ундай қилма, деб айтмас, ниманидир кўзлаб сукут сақлаб келарди. У амин эдики, Нисо отин атроф маҳалладаги барча одамларни оёққа турғизади, авомни қўрқитиб, «Чироқ»қа қарши шундай ҳужум бошлайдики, чироқни ўт олдиришнинг сира иложи қолмаётганлигини кўрган Ҳури хоним

билан Соҳиб албатта унинг ёрдамига муҳтож бўлиб ҳузурига келишади...

Ҳури хоним савдогарга учрашишни кўнглига туғиб қўяркан, у мактабни очиш учун ижозатни қандай қилиб олганлигини ҳам билмасди. Ижозат тегди, деган хабардан она-бола шу қадар хурсанд бўлиб кетган эдиларки, ҳатто бу ижозат қандай олинганлигини сўрашни ҳам эсдан чиқаргандилар. Аслини олиб қараганда, бунинг унчалик аҳамияти йўқдай ҳам туюлади. Лекин ҳикоямизнинг боришида ва Ҳурининг тақдирида бунинг хийла катта аҳамияти бўлганлиги учун муҳтарам ўқувчиларимизга билдириб қўяйликки, Гори семинариясидаги педагогика кенгашининг шов-шувларга сабаб бўлган мажлисидан сўнг носоглом, яраланган манманлигининг азобларига ва бадномчиликка бардош бера олмаган Семён Сидорович Волков Петербургдаги дўстларининг ёрдамида муаллимлигининг юкидан халос бўлган, ички ишлар нозирлигининг кўрсатмаси билан Тифлисдаги махфий полиция идорасида масъул вазифага ўтган эди. Бу янги иш унинг табиатига жуда мос тушган ва у қизғин фаолият кўрсата бошлаган, тезда юқори идораларнинг назарига тушишга муяссар бўлганди. Ҳарбий доираларнинг, ватандошлик идораларининг ташаббуси билан чақирилган мажлисларда иштирок этар, бундай мажлислар унинг иштирокисиз ўтмасди. Бундан ташқари, у янги вазифасининг руҳига уйғун суратда диққат билан Кавказ халқларининг ҳаётини ўрганарди. Газета ва журналлардан ташқари, у одамларни, муосир жамиятларнинг ходимларини ўрганар, улар билан суҳбатларда бўлар, улар билан иложи борича яқинроқ алоқа ўрнатишга интиларди. Маълумки, ўша пайтларда Кавказ зиёлилари полициянинг махсус назорати остида турардилар. Семён Сидорович фаоллик кўрсатиб, бошқа соҳаларга ҳам секин-секин қўл ура бошлаганди. Бу соҳаларда озми-кўпми ном қозонган одамларга қизиқар, улар ҳақида ҳатто ўзлари ҳам яхши билмайдиган нарсаларни биларди. Тожир Али ҳам шундай одамларнинг бири эди. Семён Сидорович атай бир зиёфатда тожир Али билан танишиб олганди. Ўша илк танишган кунларидаёқ Семён Сидорович савдогарга жуда меҳрибон муносабатда бўлган, чуқур ҳур-

мат кўрсатган эдики, тожир Али ундан илтимос қилишга журъат этганди:

— Мен билан қўшни бўлиб яшайдиган гўзал бир хоним бор. Мусулмонлар ичидан чиққан биринчи зиёли хотин. Неча пайтлардан бери уйда кичкина мактаб очиш учун ижозат ололмай юради.

Семён Сидорович маънодор жилмайиб туриб:

— Ҳам мадам бўлса, бунинг устига қўшнингиз бўлса, боз устига чиройли ҳам бўлса, унда иш битибди деяверинг!— деган ва шу ернинг ўзида бошқа бир чиновникка мурожаат қилган эди:— Биз дўстларимизни қадрлашимиз керак, уларнинг истакларини ерда қолдирсак яхши бўлмайди!

— Эртага ижозат берилади!— чиновник шампан тўлдирилган бокалини тожирнинг қадаҳи билан уриштирганди.

Мана шулардан беҳабар бўлган Ҳури хоним Али Мирзаларни жўнатиб, тожир Алини бориб кўришга отланган эди. Уни ҳовлида ўқишдан эндигина қайтган Гавҳар қаршилади. Кўзларига ишонмаган қиз Ҳури хонимга парвона бўлиб қолди, унинг атрофида айланиб-ўргила бошлади. Ҳури хоним келганига пушаймон бўлмади. Гавҳар уни ичкарига даъват этди:

— Амаким ичкарида, марҳамат қилинг!

Савдогар европача кийиниб, бошига оқ гулли рўмол ўраган Ҳури хонимни очиқ чехра билан қарши олди. Назокат билан курсига ўтиришга таклиф қилди.

— Худога минг шукурки, бизнинг хотинлар орасидан ҳам сизга ўхшаган ўқимишли аёллар етишиб чиқа бошлади!— деб севинди Али. У қаҳрабона тасбеҳни кафтига сиққанча қўлларини кўкка кўтарди:— Гавҳар менга сизнинг ниятларингизни айтиб берди. Қачон десангиз, сизнинг хизматингизга тайёр. Қандай ёрдам керак бўлса, беради. Худодан битта тилагим шулким, у ҳам ўқиб, сиз каби илм ва нажобат соҳибаси бўлсин!

— Жоним билан розиман!— ҳаяжонланиб жавоб берди Ҳури хоним. Уй соҳиби Гавҳарга чой олиб кел, деганидан фойдаланиб, бир зумгина унга разм солиб қаради. Тожирнинг сиймоси нурли, кўзлари тамизли ва риёсиз кўринар, одамга хайрихоҳлик билан боқарди. Унинг бутун хатти-ҳаракатлари яхши одам экан-

лигини билдириб тургандай эди. «Қаранг-а, нега бу кишига гумонсираб боқишаркин?»— деб ҳайратланди Ҳури хоним.

— Хизмат, хоним, йўқлаб келибсиз, бошимиз осмонга етди,— деди савдогар ва жавоб кутмасдан илова қилди: — Аслини олганда, мен бекорга бу саволни бердим. Аввало, қўшнилармиз, иккинчидан бир миллатнинг фарзандлари бўламиз. Учинчидан, зиёли кишилармиз. Шундай бўлгач, нега энди бир-биримиздан беҳабар яшашимиз керак экан? Худо ҳаққи, Ҳури хоним, бу жиҳатини олиб қараганда, менга чет элли кишиларнинг одатлари жуда хуш ёқади. Улар ҳар оқшом бир ерга йигилишади, мажлис тузишади, суҳбат қуришади, дардлашишади. Шу тариқа бир-бирларига яқин бўлишади. Биз мусулмонларга ўхшаб ўз қобигига ўралиб олишмайди. Хусусан, ўқимишли одамлар бир-бирларидан хабардор бўлиб туришлари керак. Дунёда бўлиб турган воқеалардан гаплашишсин, бир-бирига суянчиқ бўлишсин. Сиз менинг бу сўзларимга нима дейсиз?

— Яхши гаплар!— деб жавоб берди Ҳури. Шу пайт Гавҳар чой олиб кирди. Ҳури хоним боядан бери савдогар билан ёлғиз қолиб ўнғайсизланаётган эди, Гавҳар кириб келиши билан ўнғайсизлик тугади.— Бизнинг турмушимизда ҳам секин-секин ўша одатлар пайдо бўлади. Ўқимишли кишилар кўпайгани сари у нарсалар ҳам камайиб бораверади.

— Жуда тўғри!— савдогар бир оз ҳайратланганча Ҳури хонимга қаради. Бу хоним мабодо молдавлати бўлмаган тақдирда ҳам ўзи хазина, деб ўйлади ичида. Латофати барқ уриб турибди. Тарбияси эса жуда баланд. Ҳури хоним чойдан икки ҳўплаб, сўнг мақсадга кўчди. Нисо отиннинг мактаб хусусида одамларни қўрқитаётганини сўзлаб берди. Савдогар унинг сўзларини камоли диққат билан тинглади ва дарҳол шундай деди:

— Сира ташвиш чекманг, Ҳури хоним! Айтаман, сизга монe бўлмайди. Дуосини ёзиб жойида ўтираверсин!

Ҳури хоним ташаккур айтиб, уйга қайтди. Уни Соҳиб кутиб олди:

— Онажон, Сандро Тифлисга келибди. У билан кўришдик. Парталар битадиган бўлди. Орзуингиз

ушалди. Энди ўзингиз айтинг, нима янги хабарлар бор?

Ўури хоним Али Мирза киши билан Ҳалима хоним ташриф буюрганларини, унинг кўнглини кўтариб кетганларини, мактабга бешта болани ёздирганларини гапириб берди.

— Онажон, кўрдингизми, атрофимизда қанчалар олижаноб одамлар бор. Одамнинг садоқатли дўстлари кўп бўлса, ишлари ҳам олдинга босади!— деб қўйди Соҳиб. Ўури хоним Фотманисо ҳам мактабни очиш учун анча ёрдам бераётганлигини айтди. Савдогар Алининг уйига борганлигини бир оз ботинмайроқ ҳикоя қилиб берганида Соҳибнинг биринчи сўраган нарсаси шу бўлди:

— Гавҳар хонимни кўрдингизми, ойи?

— Кўрдим. Умри узоқ бўлсин, худди қизил гулга ўхшайди!—деб жавоб қилди Ўури хоним. Сўнг икки-ланиброқ деди:— Савдогарнинг уйига бориб ёмон қилмабманми ишқилиб?

— Яхши қилибсиз, ойи. Мактаб очиш шундай бир олижаноб ишки, унинг йўлида ҳамма воситалардан фойдаланса бўлади. Унинг ўзи ҳам сизни яхши қаршилаган бўлса, демак, бекорга бормабсиз.

— Менга жуда бошқача ҳурмат кўрсатди. Нимасини айтасан. Одамлар нега унга шубҳаланиб қарашаркин, ҳайронман?

Соҳиб ҳам савдогар Али ҳақида яхши фикрда эди.

— Афтидан, қиладиган иши ўзи шундай бўлса керак. Ҳамма муомаласи пул билан битадиган бўлганидан кейин, албатта, хурсанд бўлганлар ҳам, хафа бўлиб қолганлар ҳам топилади. Ҳар ким ўзига бир наф кўзлаб унинг қошига боради. Биров арзон ва яхши нарса олгиси келади. Бошқа биров унинг саховати-га умид боглаб боради. Кимнингдир олган моли кўнгидагидай чиқмайди. Гапираман деса, ҳар кимга гап топилади... Виз миш-мишларга эмас, ўз кўзимиз билан кўрган нарсаларимизга ишонамиз.

Ўури савдогар хусусида ўгли билан майдалашиб гаплашиб ўтирмади. Унинг бутун фикри-ёди мактабда эди. Шунинг учун ҳам, Соҳибнинг фикрларига қўшилди ва дарров гапни мактабга бурди.

— Болаларга хор дарсини ҳам ўтмоқчиман. Кейин маълум соатларда сайрга олиб чиқаман. Бу бутунлай

янгича мактаб бўлади!— деди. Соҳиб бу фикрларни маъқул топди:

— Мусулмонлар оламида сизнинг мактабингиз биринчи бўлади, у болаларни тамоман янгича бир маданий руҳда тарбия қилади!— Соҳиб бирдан нимадир эсига тушиб қолган одамдай қўшимча қилди:— Ойижон, сиздан илгарироқ ҳам мактаб очмоқчи бўлган хотинлар чиққан экан. Менга шамахилик бир одам айтиб берди. Бундан ўттиз йил илгари Гуллибегим исмли бир аёл Шамахида қизлар мактаби очган экан.

Ўури бунга жуда қизиқиб қолди.

— Қўй-е? Ростданми? Батафсилроқ гапириб берчи, у аёлнинг ўзи ким, мактабни қандай қилиб очган экан?

— Мир Маҳмуд деган бир кишининг қизи экан. Уйда таҳсил кўрган экан. Бир неча тилларни билармиш. Ўн икки-ўн уч йилдан сўнг мактаб ёпилиб қолибди. Хор дарси деганингизга эсимга тушди. Ўша аёл ҳам мактабида хор дарсини йўлга қўйган экан.

Ўурининг кўзлари порлади.

— Буни менга яхши айтдинг. Ёлғиз эмас эканман бу йўлда. Назаримда худди ўша...

— Гуллибегим...

— Гуллибегим ҳам ёнимда тургандай бўлади. Менга мадад беради, руҳлантиради, бўшашма, дадил бўл, дейди!

— Ҳеч қачон ёлғиз қолмайсиз, ойи... Гавҳар хонимни ёдингиздан чиқарманг... Ўзингизга яқинлаштиринг, қаватингизга олинг.

— Хотиржам бўл, унга ҳам ўзига яраша иш топиб бераман. Оҳ, қанийди тезроқ ўша кунларга етсам. Синф болаларга тўлса, ҳаммалари кўзларини доскага тикиб ўтиришса. Мен доска олдида туриб, уларга дарсларни тушунтирсам...

Она-бола бир неча кун мобайнида саҳар бошларини ёстиқдан кўтаргандан то яна бошлари ёстиққа етгунча мактаб ишларини гаплашдилар. «Чироқ»ни ёндириш учун яна нималар керак бўлишини фикрлашиб олдилар. Ўури хоним савдогар Али билан кўришган кунининг эртасига Соҳиб эндигина чойини ичиб бўлиб, идорага кетган эди ҳамки, эшик тақиллаб қолди. Ўури хоним эшикни очиб, бир оз шошиб қолди. Нисо отин

ўгли Бобожонни ёнига олиб келганди. У Ҳурини оғиз очиришга қўймади:

— Вой, муборак қадамларингизга жоним қурбон бўлсин, нега бориб мендан Ҳожи Алига шикоят қилиб юрибсиз? Тавба, агар ҳамма гаплари рост бўлса... Мен ўриснинг, хочпарастларнинг очаётган мактабларини айтган эдим. Болаларингизни ундай мактабларга берманглар, жаҳаннамга ўз қўлларингиз билан отманглар, бадбахт қилманглар, дегандим. Сизнинг мактабингиз ҳақида шундай дермидим бўлмаса? Вой, тавба қилдим-ей, тилим кесилсин агар шундай деган бўлсам. Жоним қурбон бўлсин сизга, сўз бераман, эшикма-эшик юриб ҳаммага айтиб чиқаман, мактабингиз болага тўлиб кетади, ўқитаверасиз,— Нисо отин ўгирилиб, ўглига қаради, қўлини унинг ёқасига юборди:— Мана, ўзим кўриб турибман-ку. Ўқимай нима аҳволга тушди бола шўрлик...— Нисо ўғлининг гувалага ўхшаган бошини силади.— Ўқимасанг, одам бўлмайсан. Менинг келганимнинг бошқа бир сабаби ҳам бор. Ўғлингизга айтинг, шунга ўхшаган каттароқ бўлиб қолган болаларни йиғиб ўқитсин, бўлмаса булар алифни калтак деёлмайди. Жуда бўлмаса, исмларини ёзишни ўрганишсин бу ганимат дунёда!..

Ҳури нимадир демоқчи бўлди, лекин Нисо уни оғиз очирмади. Ниҳоят, Ҳури унинг сўзини бўлиб, ичкарига киришга даъват қилди. «Кириг, бир стакан чой ичинг!»— деди.

— Зарур иш билан кетяпман, қурбон бўлай!— Нисо хоним қўлтиғидаги қуръонни кўрсатди.— Бориб, Ёсин туширишим керак, кутиб туришибди... Жоним қурбон бўлсин, агар гапимга ишонсангиз, ҳаммаси юқоридагининг иши.— Нисо қўлини Ҳалималарнинг уйи томонга узатди.— Тилим узун бўлмай ўлсин, оғзимдан чиқиб кетибди, ҳой хотин, узугингни сот, Қосим хонасига ёрдам қил, деб қўйибман. Ўшандан бери мен билан юлдузи чиқишмайди... Хўп, омон бўлинг!.. Бу болани Соҳибга топшираман, эсингизда турсин...

Уша кундан эътиборан Ҳури хонимнинг эшигидан одам аримайдиган бўлиб қолди. Бошига чодра ташлаган хотинлар келиб, болаларини мактабга ёздириб кетар эдилар. Баъзан эркаклар ҳам келишар, уларнинг кўпчилиги қариб, сочлари оқарган кишилар

эди. Кўринишларидан бозор-ўчарда майда-чуйда ишлар билан банд бўлиб, рўзгорни тебратиб турадиган одамларга ўхшаб кетардилар. Уларни ҳаммадан бурун мактаб пули қизиқтирарди. Ҳури хоним билан Соҳиб бошиданоқ ҳунармандларнинг болаларидан камроқ пул олишга келишиб олган эдилар. Шу гапни эшитганда одамларнинг чеҳралари очилар, қўлларини очиб дуо қилардилар. Шу тариқа бир ҳафта ичида мактабга ўттиз икки бола ёзилди. Уларнинг фақат ўн иккитасигина қиз бола эди. Ҳури буни табиий деб ҳисобларди ва келажакда мактабга кўпроқ қизларни тортиш чораларини ўйларди.

Ниҳоят, орзу қилинган кун етиб келди. Сентябрнинг ўрталари эди. Шанба куни Ҳури хоним синфга кириб, ўттиз икки боланинг ҳаммаси парталарга ўтирганини кўрди. Улар билан саломлашди. Ҳури хоним тўлқинланиб кетганди. Болаларга эзгу тилаклар билдирди. Уларни мактабга кириб келганлари муносабати билан муборакбод этди. Дарслар бошланди. Назарида, эндигина чинакам ҳаётини бошлаётганга ўхшарди. Ушбу шанба халқнинг бутун тарихида унутилмас ажойиб кунларнинг бири бўлиб қолади. Ҳури хоним болаларни чарчатиб қўймаслик учун икки соатча дарс ўтди. У болаларга мактаб ва адаб қоидаларидан сўзлади, уларни дид-фаросатли, озода ва тартибли бўлишга чақирди, сўнг жавоб берди. Ўзи курсини айвонга олиб чиқиб ўтирди. Тифлиснинг зангори осмонига қараб чуқур хаёлга толди. У хаёл суриб ўтираркан, юраги бир орзиқиб тушганини, бесабр ура бошлаганини ҳис қилди. Негадир бетоқат бўлиб, Соҳибнинг тезроқ келишини истади. Балки илк дарснинг севинчини у билан бирга бўлишмоқчи эдимиз? Нега у бетоқат бўлиб қолди? Ниҳоят, кун кеч бўлди, Соҳиб келди ва улар ўша айвонда рўбарў ўтиришиб, оҳиста гаплашганча овқатландилар, чой ичдилар. Яна мактабнинг ишларини сўзлашдилар.

Шундан кейингина Ҳури хонимнинг юраги ўрнига тушгандай, нотинчлик кетгандай бўлди. Биттагина синфли шу кичкина мактаб Ҳурининг ҳаётига бутунлай янги маъно бағишлаганди. Юрагида ора-сира бош кўтариб қоладиган аллақандай мубҳам ваҳималар ҳам шу билан ғойиб бўлди. Мактаб уни жуда кўп бошқа ҳонадонлар билан боғлаб қўйди. Болаларнинг

доимо бир дарди, севинчи, қайғуси бўларди. Ҳури истаса-истамаса болаларнинг оиладаги ҳаётларига ошно бўлар, уларнинг ота-оналари билан танишар, алоқада бўлиб турарди. Бу танишлик яқинликка айлана борарди. Ота-оналар юракларини унга очадиган, дардлашадиган бўлиб қолдилар. Ҳури одамларни қийнаган ҳаётий масалалар ҳақида чуқурроқ ўйлай бошлади. Болалардан фақат беш-олтитасигина ўзига тўқ хонадонларда яшардилар. Қолганларининг оилалари камбағалчилик ва эҳтиёжмандлик ичида яшар, тошдан қаттиқ турмушнинг барча қийинчиликларини ўз бошларидан ўтказардилар. Уларнинг бошлари қарздан чиқмас эди. Нондан тортиб гўштгача насияга олишар, бу ойнинг қарзларидан қутулмасларидан, янги ой бошланиб кетар, яна янгидан қарзга ботардилар. Уларнинг ҳолига боқиб, Ҳурининг юраги эзиларди. Лекин «Чироқ»нинг севинчини ҳеч нарса босиб кетолмасди. Болалар тиришиб, ҳавас билан ўқишарди. Фаросатли, зеҳнли болалар оз эмасди. Омоч ер ҳайдалгани сари ўткирлашиб борганидай, уларнинг веҳни ҳам кундан-кунга очила борарди. Соҳибнинг ҳам ишлари яхши эди.

Бир неча ой шу тариқа кечди. Бу ойлар ширин туйғуларга, шодликларга тўла эди! Она-бола ҳаётларининг долғали бўронлар ичидан чиқиб, мустаҳкам бир изга тушиб бораётганлигини аниқ ҳис қилишар ва бундан кўнгиллари ўсган ҳолда кун кечирардилар. Шундай кунларнинг бирида Ҳури хоним билан Соҳиб айбонда чой ичишиб ўтираркан, қўш от қўшилган файтон тарақа-туруқ қилиб келиб, уларнинг эшиклариди олдида тўхтади. Кимдир файтондан тушиб, эшикнинг ҳалқасини қоқа бошлади. Ҳури хоним ҳам, Соҳиб ҳам ҳовлига тушдилар. Соҳиб эшикни очди ва Жаҳон хоним билан Хоспўлатга рўпара бўлди. Лекин уларни танимай, иккиланиб турган эди, бўйдор ва гавдали йигит бўлиб қолган Хоспўлат унинг бўйнидан қучоқлаб олди. «Жондан суюкли укам, сени хуш кўрдик!» — деб Соҳибнинг у юзидан-бу юзидан ўпган эди, Ҳури хоним уни ҳам, чеккароқда турган Жаҳон хонимни ҳам таниб, лол қолди. Жаҳон хоним қаттиқ ўзгариб кетган, қартайган, букчайган эди. Кўзларининг тагида қорамтил халталар йигилиб қолганди. Буларнинг ҳаммасини бир қарашдаёқ кўрган Ҳури хоним

ҳамон ўзига келолмай турар, ранги оппоқ оқариб кетган эди. Баданига совуқ бир нафас теккандай, сесканди. Назарида, қаршисида ер тагидан чиққан қўрқинчли бир шарпа, қора рўё турарди. Бу кўлка ҳаёлидан абадиян ўчиб кетган ўтмиш қўрқинчли оламни яна янгидан жонлантиргандай эди. У турган жойида қотиб қолган, нима дейишини, нима қилишини билмасди. Суюнишини ҳам, «Кетинглар бу ердан, сизлар учун биз йўқмиз, бизни унутинглар, сизларга ҳеч қандай даъвомиз йўқ. Қишлоқларингга қайтинглар ва асло бизни эслаб ўтирманглар», деб уларни эшикдан чиқариб юборишини ҳам билмасди. Бир зум индамай туриб қолган Жаҳон хоним бирдан болаларни четга сурди-да, ўзини Ҳурининг устига отди ва уни қучоқлаб ўпа бошлади.

— Жоним сенга қурбон бўлсин, Ҳури синглим! Кўрадиган кун бор экан-кў сизларни ҳам! Худога шукур, дийдор кўришдик!— деб кўз ёши қилди, сўнг Соҳибга қараб, шоша-пиша сўзлади:— Вой, худойим-ей, қандай катта йигит бўлиб кетибди-я! Бўйингдан ўзим ўргилай, одам қараб тўймайди-я! Қани, Хоспўлат, бери тур, уни бир бағримга босай!— У Соҳибни қучоқламоқчи бўлди, лекин бўйи етмади:— Вой, мундоқ эгилсанг-чи, болам, юзингдан бир ўпай. Мошоллоҳ, буларнинг иккови ҳам нақ отасининг ўзи-я!

Соҳиб, аксинча, дарров ўзини қўлга олди. Хоспўлат билан Жаҳон хонимнинг қайноқ муносабатлари, меҳрибончиликлари унга таъсир қилган, юрагида бу кунгача бўлмаган туйгуларни — қариндошчилик ҳиссларини уйғотиб юборган эди. Ўзини бу дунёда жуда ёлғиз, танҳо деб сезган одамнинг қаршисида алп қоматли, паҳлавон бир одам пайдо бўлса-ю, мен сенинг аканг бўламан, деса, ким севинмайди! Соҳиб эгилди, Жаҳон хоним унинг юз-кўзларидан ўпди. Соҳибнинг ўзи ҳам Жаҳон хонимнинг қўлини олиб, дудоғига босди. Жаҳон хоним кула-кула йиглади:

— Вой тавба! Худди отаси-я! Қурбон бўлай, қани ўша кўзларингдан бир ўпиб қўяй. Сен ҳам менинг юзимдан ўпиб қўй. Қўлимнинг ўпадиган жойи қолмади, шолча-палоснинг ҳиди келади, айланай!

— Онанинг қўли қандай бўлса ҳам, барибир муқаддас. Дунёда бизнинг онадан мунис, онадан майин кишимиз йўқ!— Соҳиб Жаҳон хонимнинг қўлидан ва

юзларидан ўпиб қўйди. Сўнг Хоспўлатга қаради:— Шундаймасми, Хоспўлат?

— Гапларинг ҳақ!— дарҳол жавоб берди Хоспўлат.— Албатта, шундай!

Соҳибнинг самимий кўришиб, кулишиб гаплашатиганини кўрган Ҳури хоним ҳам сал очилди, чеҳрасида табассум пайдо бўлди. Хоспўлатни бағрига босиб, пешонасидан ўпди, қадди-бастини мақтади. Сўнг ичкарига таклиф қилди:

— Қачонгача ҳовлида турамиз, қани, ичкарига киринглар...

Ҳури хоним эски кундошига ўз хонасидан жой қилди. Хоспўлат Соҳибнинг хонасига жойлашди. Улар Тифлисида бир неча кун меҳмон бўлдилар. Соҳиб ва Ҳури хоним ўз ишларини қилиб бўлганларидан сўнг меҳмонларга шаҳарни томоша қилдирар эдилар. Жаҳон хонимни ҳаммадан ҳам қаттиқ ҳайратга солган нарса «Чироқ» бўлди. Уйнинг энг катта, энг чиройли хонасига ўриндиқлар қўйилиб, болаларга дарс ўтилатганини, энг кичкина хоналарни эса Ҳури ўзи билан Соҳибга ажратганини кўрган Жаҳон хоним олдин ҳайрон бўлди, кўзларига ишонмади, буларни Ҳурининг ҳаётий масалалардаги эски уқувсизлигига йўйди. Лекин она-боланинг мактаб учун қанчалар қаттиқ жон куйдираётганлари, ҳар бир ишни ҳавас билан қилишга одатланганларини кузатганидан кейин эса, у бу ерда бошқа бир гап борлигини фаҳмлади. Бу нарса Жаҳон хонимнинг кўзига анчайин маъносиз бўлиб кўрингани билан, она-бола учун жуда катта аҳамиятга эга бўлса керак. Бир неча кун мобайнида бирга ётиб, бирга туришса ҳам, Жаҳон хоним билан Хоспўлатнинг юрагини қамраб олган совуқ бир туйғу кўтарилмади. Қизиқ! Ҳури хоним билан Соҳибнинг кун сайин, соат сайин ортиб бораётган ҳурмати ва эҳтиромига қарамасдан, Жаҳон хоним ҳам, Хоспўлат ҳам ўзларини худди ёт одамларнинг ичига тушиб қолгандай сезардилар. Уларнинг назарида Ҳури билан Соҳиб чиқиб бўлмас юксак қоянинг тепасида ўтирганга, уларнинг олдиларига кўтарилиб бориш, улар билан ёнма-ён ўтириш, улар билан бирга нафас олиш жуда ҳам қийинга ўхшаб кўринарди. Ўша қоя ғоятда тик ва унга олиб чиқадиغان биронта сўқмоқ йўқ эди. Ора — тубсиз бўшлиқ, бу бўш-

лиқ ичра даралардан эсиб келган совуқ шамол эсиб ётибди. Баъзан Жаҳон хонимнинг назарида Ҳури истаган пайтида кўкларга ҳаволаб учоладиган қанотли қуш бўлиб кўринарди. Жаҳон хоним эса мисли товуқ, ердан баланд кўтарилолмайди. Ҳурининг кийиниши, болаларини мактабга олиб келган ота-оналар билан очиқ ва эркин, рост гаплашиши, уларга ҳар соҳада маслаҳатлар бериши, дунё ишларини яхши билишини кўрган Жаҳон хоним: «Ҳури Петербургдан жуда ўзгариб, рус матишкиси бўлиб қайтибди. Биз у билан ҳамқадам бўлиб боролмаймиз энди...» — деган фикрга келди. Шундай деб ўйлашига қарамасдан, Жаҳон хоним Ҳурига қишлоқда бўлиб ўтаётган гапларни, воқеаларни гапириб берарди. Лекин Ҳури бу гапларга индамайгина қулоқ солар, орага бир огиз сўз қўшмасди. Лоқайд кўринарди. Худди бу гап-сўзлардан чарчаб қолаётганга ўхшарди. Шунинг учун ҳам, Жаҳон хоним воқеаларнинг тагини жуда чуқур очмас, кўнгилни хира қиладиган, жонга озор берадиган нарсаларни сўзламасликка, уларни четлаб ўтишга ҳаракат қиларди. Ҳатто Сафиқулининг ўлдириб кетилганлигини айтаркан, Вафодорнинг номини тилига олмади. Салим ога билан муносабатлари ҳақида ҳам оғиз очмади. Эҳтимол, Ҳурининг ўзи сўраб қолар, деб кутди. Ҳури эса сўраб ўтирмади, индамай қўя қолди. Ҳурининг қишлоққа ва қишлоқдаги кишиларнинг ҳаётига бунчалар бепарво бўлиб қолганлигининг сабабларини Жаҳон хоним ҳар нарсага йўйиб кўрди. Билимдон бўлиб кетиб, энди менсимай қўйган, деб ҳам ўйлади. Гоҳо булар хизматдаги одамлар, қулоқлари тинч, ишлари яхши, ҳаётлари озода, Тифлисдай шаҳарда яшашади, уларга нима керак лой-ботқоқ қишлоқнинг борди-келди, ғийбатлари, деган хаёлга ҳам борарди. Гоҳо, ҳалиям биздан хафа бўлса керак, юрагида кин сақлаётгандир, эски дардларини унутолмаётган бўлса керак, деб тахмин қиларди. Ҳатто келганларининг эртасига кечаси ўринга кириб ётар эканлар, ўтмиш гапларни эслаб, пушмон бўлиб йиғлади:

— Сенинг олдингда гуноҳқорман, менинг қилган гуноҳларимни кечир! — деди. — Сени кўп хафа қилдим. Биламан, агар бу дунёда сен кечирмасанг, нариги дунёда худо кечирмайди мени!

Ҳурининг унга раҳми келди. «Одам ҳам шунча-

лар ўзгариб кетар экан-а!»— деб ўйлади. Гўё ўзидан пича нарида кўз ёши тўкиб ётган паст бўйли, қари хотин бир замонлар огзидан ўт пуркаган, йиртқич ҳавасларининг чеки бўлмаган бек ойим Жаҳон эмас эди. Мана энди унинг қўллари, оёқлари титрайди, овози хириллаб чиқади, буқоғи осилади, кўзларининг тагида халталар йиғилади. Буларнинг ҳаммаси унга бу дунёдаги дардларнинг энг бедавеси — қарилик совуқ нафасини урганлигини кўрсатарди. Ҳозир у бир замонлар «оқ кабутар» деб аталган Ҳурининг устига ташланмоқчи бўлган калхатга сира ўхшамасди.

— У эски гапларни мен унутиб юборганман,— маънос сўзлади Ҳури.— Кўнглингиз тўқ бўлсин, нима бўлган бўлса, ҳаммасини кечирганман. Бундан кейин минбаъд бундай нарсаларни хаёлингизга келтирманг! Кундошлик кунларимиз ўтиб кетган. Энди биз ака-укаларнинг онаси бўламиз. Улар бир-бири билан аҳил бўлишсин, бир-бирларига мадад беришсин. Ўрталарида ҳеч қачон кўнгил хиралик ва адоват рўй бермасин. Биз мана шунга ҳаракат қилайлик.

— Адоватни худо кўрсатмасин!— деди дарҳол Жаҳон хоним.— Бир тан-бир жон бўлиб яшашсин энди булар. Сенга шуни айтиб қўяй: Соҳиб Хоспўлатдан кичик бўлса ҳам, лекин катта деб ҳисобла. Қандай гапи бўлса, унга айтсин, буюрсин, ҳаққи бор. Соҳиб, худога шукур, ўқимишли, билимдон йигит. Ақл ёшда эмас, бошда дейдилар. Бош уники, куч буники қўлни қўлга бериб, оталарининг юртини обод қилишсин.

Шу суҳбатдан кейин улар бир-бирларига жуда яқин бўлиб қолдилар. Нима учундир Жаҳон хоним ўзини Ҳури хонимдан кичикдай тутарди. Ўйдаги ишларнинг ҳаммасини унинг қўлидан олди. Эрталаб чой ичиб бўлганларидан сўнг Хоспўлат Соҳиб билан бирга шаҳарга борар, уни идорага қўйиб, ўзи шаҳарни, бозор-ўчарни айланиб юрарди. Пешин пайти яна бир ерда кўришиб, овқатлангани уйга келардилар. Улар уйдан чиқиб кетишлари билан Ҳури хоним кийина бошларди. Жаҳон хоним эса бир чеккада туриб уни гапга солиш, томоша қилишдан лаззат оларди. Ҳури ёқасига гул солинган оқ ипак кўйлак, инглиз матосидан тикилган, этаги тиззасидан пича пастга туши-

рилган қора юбка ва қора пиджак кийиб, ойна қар-  
шисида туриб, оқ оралаган сочларини тузатаркан, жу-  
да ҳам латофатли бўлиб кўринарди. Жаҳон хонимга  
у танимаган, билмаган, кўрмаган оламларнинг гўзал-  
лигидан хабар бергандай бўларди. «Омон бўлгур жу-  
да ҳам сулув-да!— деб ўйларди Жаҳон хоним.— Ҳар  
қандай одамнинг ақли, ҳушини олади». Ҳури эса  
эркакларга майл билан қарамасди. Бу Жаҳон хоним-  
ни ҳайрон қиларди. «Нега бўлмаса бунчалар оро-та-  
ро қиларкин? Кимга керак бу? Кимга сақлаяпти бу  
чиройни?» Ҳури ўзини жуда жиддий, вазмин тутар,  
асил хонимлар каби ҳаракат қилар, унга заррача  
ҳаддан ортиқ сўзлашга одамнинг журъати етмасди.  
Жаҳон хоним шуларни ўйлаганича Ҳури билан синф  
эшигигача борар, сўнг ошхонага кириб, овқат тайёр-  
лашга тушиб кетарди.

Сафарлари қаригач, кечқурун Жаҳон хоним:

— Ҳурижон,— деди,— тайёрланинглар, эртага эр-  
талаб қишлоққа кетамиз!

Ҳури ҳайрон бўлиб қолди:

— Қаерга?

— Бизникига, қаерга бўларди? Қишлоқдаги уйи-  
мизга!— Жаҳон хоним Ҳурининг кўзларига қараб  
кулди.— Қўрқма, бутунлай олиб кетмайман, бир неча  
кун меҳмон бўлиб қайтарсизлар...

Уларни Хоспўлат ҳам қистади.

Ҳури кўнмади. Мингта баҳона топди. Лекин улар  
рози бўлишмади. Ялиниб-ёлворишди, ҳатто хафа бў-  
лиш даражасига боришди. Ҳури Соҳибнинг кўпдан  
бери қишлоқни кўриш орзуси борлигини биларди. Ҳо-  
зир унинг ҳам боргиси келиб турганини кўриб, но-  
чор рози бўлди. Вақт ҳам қулай эди. Апрельнинг ўрта-  
лари бўлиб қолган, болалар таътилга чиқадиган пайт  
келганди. Лекин ҳали бир-икки кунлик қиладиган  
ишлари бор эди. Жаҳон хонимлар яна икки кунга  
Тифлисида қолишга рози бўлишди.

...Апрелнинг майин офтоби ҳамма ёқни ўз нури би-  
лан тўлдирган кунларнинг бирида улар фойтонга  
ўтириб, йўлга тушдилар. Ҳури, бир ҳафтадан ортиқ  
қололмаймиз, келиб мактабни очишимиз керак, деб  
писанда қилиб қўйди. Соҳиб ҳам идорадан бир  
ҳафтага ижозат олганди... Жаҳон хоним кулиб ҳазил-  
лашди:

— Йўлга тушмасдан туриб қайтишдан гапирманглар. Балки ёқиб қолса, бутунлай қоларсизлар юртимизда...

Бу сўздан Ҳури сескангандай бўлди. Лекин индамади. Уни ҳаяжонли туйғулар ўз оғушига олган эди...

## УН БИРИНЧИ ФАСЛ

### 1

Китобини қўлтиғига қистириб, ташқарига чиққан Наримон офтоб нур сочиб турган очиқ ҳавода кезмоқчи, мовий кўклар ва жозибадор тоғ чўққиларини томоша қилмоқчи, маза қилиб Пушкин шеърларини ўқимоқчи эди. У коридорда қизгин тортишиб турган бир қанча ёшларга эътибор бермай ўтиб кетаётган эди, таниш овозни эшитиб, тўхтади.

— Менинг фалсафа билан унча хушим йўқ, бундай нарсаларни Наримон яхши билади. Ушандан сўранглар.

Бу Жалилнинг овози эди. У ўзига жуда ярашган очиқ чеҳра билан Наримонга яқинлашиб, унинг қўлидан ушлади ва баҳслашаётганларнинг олдига бошлаб бориб, ориқ, лекин оғзидан ўт пуркаётган ўсмирни кўрсатди:

— Манави бола бутун олам-коинот менинг ҳиссиётимнинг маҳсули, деяпти. Унинг айтишича, ер, тупроқ, дарахтлар, одамлар — ҳаммаси унинг ҳиссиёти туфайли мавжуд эмиш. Мен туймаган, ҳис қилмаган нарса қандай қилиб мавжуд бўлсин, дейди. Сен нима дейсан?

— Ғирт идеализм! — дарҳол жавоб берди Наримон. — Ҳозир шу ҳақда кўп ёзишяпти. Ҳамманинг оғзида шу гап.

— Ҳамманинг оғзидаги гаплиги бизни қизиқтирмайди. Уша гапларнинг ҳақиқат ва ёки ёлғон эканлиги қизиқтиради, — деди оғзидан ўт сочаётган ўсмир жиддият билан. Жалил кулди:

— Тўла жавоб бермагунингча қўймайди. «Ҳа!» десанг, сенга дўст бўлади, «йўқ!» десанг, қўлини ёқангдан бўшатмайди. Далил келтиришингни талаб қилади. Далил келтирсанг ҳам, барибир тан олмайди!

— Дунё бизнинг ҳиссиётимизга кўра мавжуд деган гапни сира танамга сиғдирилмайман. Биздан аввал ҳам дунё бўлган, нарсаларнинг мавжудлиги бизга боғлиқ эмас,— Наримон ўсмирга қаради. Ўсмир эса:

— Гап «биз» эмас, «мен» ҳақида кетяпти,— деб унинг гапини тўғрилаган бўлди.

— Унда яна ҳам ёмонроқ!— дарҳол жавоб берди Наримон.— Инсонларнинг ва жамики борлиқнинг мавжудлигини «мен»га боғлаб қўйиш у қадар чуқур фалсафа эмас.

Жалил Наримоннинг сўзларидан руҳланиб, болаларга қарата деди:

— Ана, кўрдингларми! Мен ҳам шундай демовдимми. Шуни каллаларингга яхшилаб қуйиб олингларки, бу ой, бу юлдуз, бу тоғу ўрмонлар — ҳаммаси менсиз ҳам мавжуд. Йўқ, деб оёқларингни тираб олиб, кўпчилик бўлиб мени енгдинглар. Исбот қил, деб туриб олдинглар. Бор нарсанинг нимасини исбот қиламан?!

Олов бола билимдонлик ва сабрсизлик билан деди:

— Тоглару ўрмонлар шунинг учун борки, уларни сен кўзларинг билан кўриб турибсан. Бу қўлларинг билан қаттиқлигини, юмшоқлигини сезасан, ширин-аччиқлигини тотиб биласан, мана шу ҳиссиётларнинг бари сенинг миянгга жамланади ва ўша нарсаларнинг суратини яратади. Сенинг ҳиссиётларинг бўлмаса, ўша нарсалар ҳам бўлмайди.

— Э, мени ҳали ўлганга ҳам чиқариб қўймоқчику! Ҳали менинг ўзим ҳам йўқман, деб айтарсан!— Жалил ҳазилга олди.

Наримон олов болага яқин келди:

— Бир тасаввур қилиб кўринглар: ўша сиз айтган «мен» касал, ёки биронта туйғудан маҳрум дейлик. Масалан, у шундай кўз ўнгида турган қанддонни кўрмаяпти. Шундай экан, қанддон ҳам йўқ бўлиб қоладими? Мутлақо! Дунёда ва коинотда шундай кўп нарсалар борки, ўша «мен» уларни кўрмайди, ҳис қилмайди. Лекин «мен» уларни кўрмагани учун улар йўқ бўлиб қолмайди. Қандай мавжуд бўлса, шундай мавжудлигича қолаверади. Бошқача тасаввур одамнинг ақлига сиғмайди.

Баҳс жуда қизиб кетди. Коридорда тобора кўпроқ одам йиғила бошлади. Олов бола деди:

— Материя бўлмаган нарсa. Бугун бор бўлса, эртага — йўқ. Фақат менинг фикрим, менинг ҳиссиётларим абадий.

— Улуғ файласуфлар материя азалий ва абадийдир, дейишади. Моддалар ва уларнинг ҳаракати азалий,— деди унга жавобан Наримон.— Қолган ҳамма нарсa қуруқ гап, холос. Асоссиз даъволар. Мен ҳам, сен ҳам, бизнинг ҳиссиётларимиз ҳам, бари моддийликдан, ҳаракатдан тугилган, вассалом!

Бундай гапларга доимо бефарқ қарайдиган, тортишувларда фақат томошабин бўлиб туришни яхши кўрадиган Карим бирдан бошини олдинга чиқариб, сўради:

— Нима дединг, тушунмадим?

Наримон билан Жалил унга ҳайрон бўлиб қарадилар.

— Нимани тушунмайсан?— деди бир бола ва Наримонни кўрсатди.— Бунинг айтаётган гаплари холис материализм. Материализм эса борлиқнинг онаси ҳаракат ва модда деб тушунтиради. Бир ёғи материализм, бошқа бир тарафи атеизм!..

— Мен бу фикрга қўшилмайман!— деди қатъий қилиб Карим.— Бундан келиб чиқадики, бу дунёни, ерни, сувни, ҳавони олло таоло яратмаган экан-да? Ўзидан ўзи бор бўлиб қолган экан-да?

У шу қадар таажжубга тушиб, кўзларини олакула қилдики, атрофдаги болалар кулиб юбордилар. Наримон унга диққат билан қаради. Бундай масалаларда у билан баҳслашиб ўтиришдан фойда йўқлигини сизди. Неча йиллардан бери бир ерда яшаб, истиқомат қилиб, синашта бўлиб, турли-туман мавзуларда баҳслар қилиб амин бўлган эдики, уни оллоҳ масаласида ўз фикридан сира ҳам қайтариб бўлмайди. У ота-онасининг борлигига, ўзининг мавжудлигига шубҳа билан қараши мумкин эди, лекин оллоҳнинг борлигига заррача шак келтирмасди.

Баҳснинг бошқача тус олаётганини кўрган Наримон ярим ҳазил-ярим киноя билан:

— Каримнинг далилини рад қилиб бўлмайди, баҳсга ўрин йўқ!— деди-да, китобини қўлтиғига қис-

ганча эшикка йўл олди. Ташқарига чиқди. Ҳаво жуда ҳам майин, жуда ҳам ёқимли эди. У дарҳол енгил тортди. Хаёлга толганча секин юриб бораркан, тоғнинг кунгай ёнбағрига етганини ҳам сезмай қолди. Ёишнинг қаттиқ, қаттол совуқлари орқада қолган, мовий кўк юзида чарақлаб турган қуёшнинг ҳарорати шу қадар жозибадор эдики, одамнинг руҳини чароғон қилиб юборарди. Наримоннинг бадани бугун эрталабдан увушиб турар, шунинг учун ҳам у сокин, шамолсиз, майин ҳавода кезиб, офтобда исинмоқда эди. У очиқ жойдаги, ҳеч нарса офтобга кўлка солмайдиган сўқмоқ бўйлаб борар экан, қўлтиғидаги Александр Сергеевич Пушкиннинг шеърлар китобини очди.

Наримоннинг ҳаётида рўй берган унутилмас бир воқеа Пушкиннинг номи билан боғлиқ эди. Ёаерда Пушкиндан гап очилса, қўлига унинг шеърлари тушса, севинч ва изтироб билан тўлган ўша хотиралар яна бир-бир ёдидан ўтарди.

1887 йилнинг март ойи эди. Эндигина наврўз кирган, табиат қиш уйқусидан уйғона бошлаганди. Лекин ҳаво тез-тез ўзгариб турарди. Бир кун офтоб чиқса, эртасига ҳавони булут қоплаб олар, шамол турарди. Ёишлоқлар туманларга ўраларди. Ҳаёт гоҳ суви тўнгиган сой каби эринчоқ ва суст, гоҳ қиргоқларини шиддат билан ўпириб бораётган дарё каби шахд билан кечарди.

Ҳа, замон нотайин ва чалкаш эди. Ўлкада бир неча йил илгари бўлиб ўтган тўполон ва исёнлар бирмунча тинчигандай эди. Узоқ шимолдан нохуш хабарлар келиб турар эди. Бу хабарларнинг кўпчилиги қамма-қама, сургунлар, таъқиблар хусусида бўлганидан, одамлар ваҳима ичида яшар эди. Подшо Александр III йўлга қўйган қаттиқ жандармчилик усули туфайли ўлкада зоҳиран осойишталик мавжуд эди. 1881 йилда эълон қилинган «Давлат интизомини ва жамоат осойишталигини сақлаш чоралари ҳақидаги қонун» фақат марказий Русиядагина эмас, чет ва чекка ўлкаларда ҳам полиция ҳокимиятини жуда кучайтириб юборган, қўзғолон ва норозиликларни зўрлик билан бостирганди. Меҳнаткаш омма ўз норозилигини юрагига яширишга мажбур, бир сўз билан айтганда, у каторга жазоси қадар азобли ва азиятли меҳнат, туган

мас эҳтиёжнинг таъсирида сукут сақлар, тўғрироғи, мудраб ётар эди. Реакция авжга минган, «онгни ва фикрни пешлайдиган» замон эди. Инқилобий фикр ва шуур бетиним суратда ишларди. У халқ орасида тобора кенг ва чуқур илдиз отиб борарди. Айниқса, ўқувчи ёшлар, талабалар ўртасида ҳаддан ортиқ қизиқиш уйғотарди. Шунинг учун ҳам узоқ шимолдан келган хабарлар улар ўртасида тез тарқаларди.

— Болалар, бери келинглار, янги бир хабар бор,— Жалил Наримон, Тавфиқ билан Нодирни чеккага тортди. У ҳаяжонланар, кўзлари безовта эди. Болалар ташвишланиб қолишди. Бундай пайтларда улар қарама-қарши фикрлар ичида саросимага тушиб қолишарди. Уйларида бирон хабар келдимикан? Ё мударликдан бирон гап чиқдимикан?

— Нима бўлди? Тезроқ гапирсанг-чи!— шоширди уни Наримон. Жалил атрофига эҳтиёт бўлиб, олазарак қараб олгач, деди:

— Петербургда суиқасд очилибди. Жуда кўп одам қўлга тушибди. Подшони ўлдирмоқчи бўлишган экан.

— Ажаб қилишибди!— деди Тавфиқ, сал енгил тортиб.— Худо хайрингни бергур, бизни жуда қўрқитиб юбординг-ку. Мен уйдан бирон нохуш хабар келибдими, деб қўрқиб кетдим.

— Суиқасд амалга ошибдими, йўқми?— сўради Наримон.

— Йўқ, амалга ошмабди. Полиция хабардор бўлиб қолибди. Ҳозир жуда ҳушёр бўлиб қолишган!

— Афсус,— таассуф этди Нодир. Наримон унга қаради:

— Нега афсус чекапсан?

— Аввало суиқасднинг амалга ошмаганига. Александр III жуда ёмон жаллод эмиш. Менга ўхшаган меҳнаткаш болаларнинг, озодликнинг, маорифнинг душмани эмиш!

— Нима, уни ўлдирган билан ҳамма нарсаяхши бўлиб кетади деб ўйлайсанми?

— Ҳар ҳолда бир оз аҳволимиз енгиллашар эди. Ундан кейин ўша йигитларга жоним ацияпти.

— Бу ёққа қаранглар, дўстларим!— кулимсиради Жалил.— Менинг олдимда бундай хавфли нарсалардан гаплашманглар. Сиёсатга аралашмайман, деб онт

ичганман. Сизларга, шунчаки, ҳушёр бўлинглар деб айтиб қўйяпман...

— Бўпти, энди айт-чи, суиқасд уюштирганлар кимлар экан?— сўради Наримон.

Жалил яна атрофга қараб олди. Бошини болаларга эгиб, пичирлади:

— Жуда ҳам ёш йигитлар эмиш. Йўлбошчилари сизлардан тўрт-беш ёш катта экан, холос. Йигирма икки ёшда. Исми...— Жалил пешонасини тириштирди,— ҳа, исми Александр Ульянов экан...

— Оқ сут берган онасига раҳмат!— деди Нодир.— Афсуски, ўлдира олмабди...

— Ҳой, масхарабозлар, бурчакка йигилиб нима пичирлашаяпсизлар?— Карим уларга томон кела бошлаган эди, болалар дарҳол суҳбатга чек қўйишди.

— Болалар, бир кабоб қилсак зўр иш бўлардида!— Жалил ўртоқларига кўзини қисиб қўйиб, гапни бошқа ёққа бурди. Карим нима дейишини билмай тугилиб қолди. Дарсга қўнғироқ чалинди. Болалар суиқасд ҳақидаги хабарни унутиб, даре билан машғул бўлишга қанчалик уринишмасин, барибир ўша хабар хаёлларидан чиқмади. Дарслар тугагач, муаллимлар ҳам, талабалар ҳам шу ҳақда гаплашаётганликлари маълум бўлди. Бир-бирига зид фикрлар айтиларди. Гап-сўзлар анчагача босилмади. Одамлар бу хабарга муносабатларида уч гуруҳга бўлинар эдилар. Биринчи гуруҳ подшони ёқлар, иккинчи гуруҳ Ульянов ва унинг дўстларига ачинар, учинчи гуруҳ эса, умуман миқ этиб оғиз очмас, муносабатини билдирмас эди. Илғор фикрли муаллимлар ва талабалар фурсат топган пайтларида суиқасдни тугдирган сабабларни аниқламоқчи бўлишар, истибдоднинг омонсизлигидан, кўрилаётган қонли тадбирларнинг раҳмсизлигидан шикоят қилишар, Ульянов ҳамда унинг дўстлари ҳақида эшитган-билган гапларини бир-бирларига сўйлардилар.

Мана шундай гап-сўзлар бўлиб турган бир пайтда Алексей Осипович наримонларга семинарияда Пушкин хотирасига бағишланган мажлис бўлишини билдирди. Уларга адабий кечага тайёрланишни тайинлади. «Ҳайкал» шеърини ёддан ўқишни Наримонга топширди:

— Ол, шеърни яхшилаб ўқиб чиқ, кейин баланд сўз чиқариб ўқи. Мен эшитаман.

Наримон охирги партага ўтиб, шеърни ичида бир печа марта ўқиб чиқди. Алексей Осипович бу орада бошқа талабаларга ҳам топшириқ берди. У болаларнинг ўзлари билан маслаҳатлашар, уларнинг қобилиятларини ҳисобга олиб, вазифа топширарди. Ҳамма билан гаплашиб бўлгач, Наримонни ёнига чақирди:

— Бўлдингми?

— Бўлдим. Тайёрман!— Наримон китобни столга қўйди.

— Қани, ўқи, эшитайлик!

Наримон нозик бир туйғу, тамкинлик билан шеърни ўқиди. Алексей Осиповичнинг чеҳраси очилди ва одатига кўра хайрихоҳлик билан уни мақтади:

— Маъноли ва чиройли ўқидинг,— деди у.—

Шеърнинг мазмунини чуқур англайсан ва англаган нарсаларингни овозинг билан яхши ифода қилиб берасан. Қичқирмасдан, бақирмасдан, овозингни кўтармасдан одамнинг кўнглини эритиб юборасан. Бу антиқа нарса жуда! Эсингда бўлсин, адабий кечада ҳам шундай қилиб ўқиб берасан. Бориб кутубхонадан Пушкиннинг китобини ол, шеърни яхшилаб ёдлаб ол!

Мақтовдан кўнгли кўтарилган Наримон дарров кутубхонага бориб, Пушкиннинг китобини олди ва шеърни ёдлай бошлади. Наримон берилиб дарс тайёрлаган пайтларида қулоғига бошқа ҳеч нарса кирмасди. На сурнай товуши, на бировларинг бақириб-чақириб гапириши унга халал бера оларди. У «Ҳайкал» шеърини ёдлаб олганидан кейин ҳам, Пушкин жилдини қўлдан қўймай ўқиб чиқди. У Пушкинни биринчи марта бундай теран ўқиши эди. Тасаввурида бутунлай ўзга бир дунё гавдаланмоқда эди. Бу дунё шу пайтгача унга нотаниш бўлиб келарди. У бу қадар фусункор бир олам борлигини ҳатто тасаввур ҳам қилиб кўрмаган эди. У қандай қилиб шу пайтгача инсонга беҳад завқ ва севинч бағишлаган олий фикрлар, муқаддас туйғулардан беҳабар яшаганлигини сира тушунолмасди. Шеърларни ўқигани ва уларнинг маъносига тушунгани сари юрагига ўт туташгандай бўлар, гўё Ҳумо қуши унга ўз олов қанотларини теккизиб, сийпаб ўтарди. Наримон ўзини гўё абадий ҳаёт чашмасидан сув ич-

гандай ҳис қиларди. Қаранг-а, шу бебаҳо хазинадан ҳалигача беҳабар юрган экан-а! У дунё адабиётининг буюк сиймолари, даҳо сўз санъаткорлари ижоди билан ҳар сафар танишаркан, доим ҳаёлида мана шундай туйғулар, фикрлар чарх ура бошларди. Воқиф билан Низомийни биринчи марта ўқиган пайтларида ҳам шундай бўлганди. Гейне ва Шиллер асарларини илк бор ўқиганида ҳам шу ҳисларни кечирганди. Инсоният тарихида, халқларнинг маданият хазинасида ҳали у билмаган мўъжизалар кўплигига, олам очилмаган сирлар билан тўлиқ эканлигига амин бўлди. Шундай ишончга келганидан сўнг у янада зўр ҳавас, эҳтирос ва шавқ билан мутолаага киришди. Аслини олганда, бу нарсага у семинарияга келмасидан буруноқ, Соҳиб муаллим туфайли одатланган, унинг соясида ўқишни ўрганган, қизиқиш ҳосил қилган эди. Семинарияда эса ўқишга бўлган ҳавас зўр бир эҳтиросга айланди.

Адабий кечага узоқ тайёргарлик кўрдилар. Тайёргарлик қиёмига етганидан сўнг, кечани майнинг ўрталарида ўтказишга қарор қилдилар. Майнинг бошларида эса узоқ Петербургдан бутун империя бўйлаб кишиларни ғазабга тўлдирган, ваҳимага солган хабар тарқалди. Икки ойдан бери илғор кишилар ҳам, қора гуруҳчилар ҳам кўзларини пойтахтга тиккан эдилар. Улар подшога суиқасд уюштирган ботир муборизларнинг қисмати билан қизиқардилар. Семинарияда ҳам ҳукм қандай бўлишини сабрсизлик билан кутардилар. Наримонларга илк хабарни олиб келган яна Жалил бўлди. «Сиёсат билан ишим йўқ», деб ўзини сиёсатдан олиб қочадиган Жалил нега бу борадаги биринчи хабарлар унинг қулоғига етиб келишини ўзи ҳам тузук билмасди.

Оқшом тушган, талабалар ўз хоналарига кириб кетишган, эртанги дарсларини тайёрлаш билан машғул эдилар. Дарсларини қилиб бўлганлар эса у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирардилар. Баъзи болалар совқотиб, кўрпаларининг ичига кириб олган эдилар. Шу пайт Жалил кириб келди. У ҳаяжонланган, кўзларидан ўт чақнарди. Наримон унинг нимадир демоқчи бўлаётганини, лекин Каримдан хавфсираб гапироламаётганини сизди ва унга саволомуз тикилди.

— Юр, бирпас очиқ ҳавода айланиб келайлик!—

Жалил Наримоннинг қўлидан ушлади.— Негадир бошим лўқиллаб турибди...

Наримон: «Юр, майли!»— деган эди, Нодир ҳам ўрnidан қўзгалди. «Мен ҳам бораман»,— деди. Бунн кўриб Тавфиқ ҳам уларга қўшилди. Лекин Карим эргашмади. У совқотган эди. Болалар ташқарига чиқдилар.

Майнинг гўзал оқшоми эди. Кўк юзида юлдузлар чарақларди. Ҳамма нарса жозибадор бир тусга кирганди. Жалил келтирган хабар билан бу гўзал манзаралар сира бир-бирига қовушмасди.

— Болалар, ёмон хабар бор!— деб пичирлади Жалил сирли бир овоз билан.— Подшога қасд қилганларни дорга осишибди.

— Жаллодларга лаънат!— сўкинди Нодир.— Озодлик душманлари бунча бераҳм бўлишмаса!

— Александр Ульяновдан бошқа яна неча кишини ўлдиришибди?— сўради Наримон.

— Тўрт кишини ўлдиришган эмиш.

— Шўрликлар..— деди ачиниб Тавфиқ.

— Уларни шўрлик дема!— деди Наримон.— Қаҳрамонларга офарин дейиш керак! Улар ўзларини қандай тутганларини биласанми? Чинакам қаҳрамонларгина шундай қилишади. Ульянов ҳатто ҳимоячидан ҳам воз кечибди. Ўзини зўр жасорат ва рашодат билан ҳимоя қилибди. Эшитганлар офарин дейишибди.

Озодлик деб, инсонлик шарафи деб, қонхўр мустабидга қарши бош кўтарган қаҳрамонларнинг ёди бир даста ёш озарбайжон ўсмирларининг хаёлидан мустаҳкам ўрин олди. Эртасига ҳам, кейин ҳам, анчагача одамлар фақат шуни гаплашардилар.

Икки кундан сўнг Пушкин хотирасига бағишланган кеча бўлди. Кечани семинариянинг директори олиб борди. Пушкин ҳақида қисқача сўздан сўнг, талабаларнинг чиқишлари бошланди. Буюк шоирнинг асарларидан кичик саҳналар ўйналди, шеърлар ўқилди. Сўз Наримонга берилганида у қаттиқ ҳаяжон ичида саҳнага кўтарилди. «Ҳайкал» шеърини синфдагидан ҳам маънолироқ, таъсирлироқ қилиб ёддан ўқиб берди.

Алексей Осипович биринчи қаторда ўтирарди. Наримон шеърни ўқиркан, кўзларини севимли муаллимидан узмас, унинг чеҳрасидан розилик ифодаларини

Ўқиб, яна ҳам руҳланарди. Шеърнинг охирги бандларини ўқиётганида кўзи биринчи қаторнинг чеккасида ўтирган, нигоҳи жуда ҳам совуқ кишининг назари билан тўқнашиб, шошиб қолди, сал бўлмаса ўзини йўқотиб қўяй деди. Бу одам Семён Сидорович эди. Унинг Тифлистан турли баҳоналар билан семинарияга орачира келиб-кейтишини Наримон биларди. Лекин бугун ҳам унинг шу ерда эканлигидан бежабар эди. Наримон кўзларини тез залга олди, уни диққат билан тинглаётган дўстлари ва муаллимларининг меҳрибон чеҳраларига тикилди ва шеърни авж пардада ўқиб тугатди. Қарсак бўлиб кетди. Наримон Алексей Осиповичга қаради. У яна шеър ўқи, деб ишора қиларди. Наримон Семён Сидорович ўтирган томонга қарамасликка қанча тиришмасин, кўзи барибир ўша томонга кетиб қолаверар, хаёлининг бир чеккаси ғаш бўлиб турарди. «Келган бўлса, ана, подшо ҳақида нима дейишимизни, қўзғолон ҳақида қандай фикрдалигимизни кўрсин энди!» — деб ўйлади Наримон ва бу одамга нисбатан юрагида қолган эски нафрат яна янги куч билан оловланди. Наримоннинг назарида бу одам оддий айғоқчи эмас, император Александр III нинг худди ўзи эди! Шу ҳис таъсирида у илгари чиқди. Пушкиннинг «Озодлик қасидаси»ни ўқий бошлади. Зал сукут ичида тингларди. Ҳеч ерда озодлик йўқлиги, ҳамма ёқни кишанлар, бадном қонунлар, мазлумларнинг оҳу нолалари босиб кетганлиги, адолатсиз ҳокимиятлар, қуллар ва эрксизлар ҳақидаги сўзлар худди айбнома каби, Наримоннинг юрагидаги ўз сўзлари каби жарангларди. Зал сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди. Одамлар ҳаяжон ичида ўйга толган эдилар. Алексей Осиповичнинг кўзи Наримоннинг кўзлари билан тўқнашди. Суюкли муаллимининг кўзлари унга худди биринчи марта кўриб тургандай боқарди. Қатор четида ўтирган одамнинг кўзлари эса ҳамон совуқ шиша каби ёнарди. Йўқ, у Семён Сидорович эмасди. У фидойи муборизларни қатл қилган, халқларнинг маданияти, озодлигини бўғган, ҳур фикрли кишиларни қувғин қилган ва яна қанчадан-қанча одамларнинг бошига етишга, уларнинг қўллари, оёқларига қуллик кишанларини уришга тайёр турган Александр III нинг нақ ўзи эди! У бу ерда ўтириб, қараб туринглар ҳали, бошларингга қандай кунларни соламан, деяётгандай эди. Наримон ҳайқирди:

Самовластительный злодей!  
Тебя, твой трон я ненавижу,  
Твою погибель, смерть детей  
С жестокой радостию вижу.

Читают на твоём челе  
Печать проклятия народы.  
Ты ужас мира, стыд природы,  
Упрек ты богу на земле!<sup>1</sup>

Наримон саҳнадан тушиб кетган бўлса ҳам, ҳамон чапак янграрди. Семён Сидорович эса Тифлиснинг юқорисидаги кичкина-кичкина тор уйларда яшайдиган кишиларни кўз ўнгидан ўтказарди. Наримонни ўша одамлар катта қилган ва семинария даргоҳига олиб келишган эди...

## 2

Ўша кечадан сўнг Алексей Осипович Наримонга тез-тез турли топшириқлар бериб турадиган бўлди. Кўпинча адабий кечаларда ё ёддан шеър ўқитар, ё саҳналарда роллар ижро этишни топширарди.

Семинария Тифлисга бориб, у ердаги мактаблардан бирида яна Пушкинга бағишланган кеча ўтказиши керак эди. Алексей Осипович бу сафар Наримонга шоирнинг «Қора шол» шеърини ўқишни топширди. Наримон кутубхонадан Пушкиннинг жилдини олди. Кечқурун шеърни ёдлаб қўйди. Кўнглига ёққан, ўзи яхши кўрган шеърларни Наримон жуда тез ёдлаб олар, у бунди Тифлистеда юрган пайтидаёқ сезган эди. Қийин асарларни ҳам ишонч билан, қўлидан китобни қўймай, ёдлаб оларди. У шунга ўрганганди. Шу ўрганиш туфайли у ғализ ифодалар, мураккаб жумлалар,

---

<sup>1</sup> Эй, сен ёвуз мурдор, бебошвоқ ҳоким!  
Сени ва тахтингни ёмон кўраман.  
Сени ва зотингни ютажак ўлим,  
Шундан мен қувониб қаҳ-қаҳ ураман.

Халқлар лаънат ўқир бужмайтиб афтин,  
Сенинг бу турқингга қараган дафъа.  
Табиат уяти, дунё вақшати,  
Сен деб ердагилар худодан хафа.

қийин сўзлар билан тўла шеърларни, ҳикояларни, насрий парчаларни ҳам тез ҳофизасида сақлаб қолар, узоқ муддат эсидан чиқармасди. Баъзи синфдошлари унга шу туфайли ҳасад билан қарардилар, хусусан, Карим билан Тавфиқ ўз ҳасадларини яшириб ўтирмасдилар. Чунки шеър ёдлаш уларга жаҳаннам азоби-дан баттарроқ эди. Сира эсда сақлаб қолишолмасди. Китобга қараб, шеърни қайта-қайта шариллатиб ўқишар, лекин китобни ёпишлари билан сўзлар остин-устун бўлиб кетар, вазн бузилар, қофиялар чалкашиб кетарди. Яна китобга қараб, баланд овоз билан вирди забон қила бошлардилар. Ўттиз-қирқ қатор шеърни ярмига қадар зўрға, чала-ярим қилиб ёдлашарди-да, нарига ўтолмагандаридан сўнг, китобни очиб-ёпаверишдан зерикиб, бир чеккага улоқтирар, шеърни аллақачон ёдлаб қўйган Наримонга қараб аччиқланишарди:

— Тез ёдлатадиган дуони биласанми дейман? Бизга ҳам ўргатиб қўйсанг-чи?

Бу сўзни иккови бошқача-бошқача қилиб айтарди. Тавфиқ ҳазил йўсинида кулиб айтса, Карим бўғилиб, тутилиб гапирарди. Гўё ростдан ҳам, бу ерда аллақандай бир сир бордай эди. Наримон ҳам уларнинг ҳар бирига ўзига яраша жавоб берарди. Тавфиққа:

— Сабринг етмайди, ўзингни қўрқитасан, вассалом. Бошқа ҳеч сир йўқ!— дерди.

Каримга эса:

— Тўғри, тез ёдлатадиган дуони биламан. Ўша дуони ўқишим билан истаганча шеър ёдимда қолаваради. Кичик шеърларни ёдлаш учун дуони бир марта ўқийман, беш марта дуо ўқисам, минг байтлик дoston эсимда қолади!— дерди.

Тавфиқ унинг гапига қўшиларди. Карим эса кинояни фаҳмлаб қолиб, индамас, юзини буриб кетиб қоларди. Шу тариқа, йиллар ўтгани сайин, синфдан синфга кўчганлари сари болаларнинг ҳаёт ва одамлар ҳақидаги тасаввурлари кенгайиб, билимлари ортиб борарди. Мияларида ҳаёт ва инсонлар тўғрисида ҳеч бир китобда ёзилмаган фикрлар уйғонар, феъл-атворлари ҳам маълум бир қолипга туша борарди. Уларнинг мияларида ҳозир шаклланаётган изларни ҳаётнинг кейинги пўртана ва бўронлари ҳеч қачон ўчириб, ювиб ташлай олмайди... Наримон семинарияга келганига икки йил

бўлганда Каримнинг бошқалардан ажралиб турадиган бола эканлигини фаҳмлаган эди. У доим ўртоқларидан устун бўлишга тиришар, йўлдошида яхши бир ҳосият кўрса, бундан заррача севинмас, балки, аксинча, тумтайиб қоларди. Бир куни шундай пайтда, Жалил:

— Бахил боғи кўкармас, Карим! — деган эди.

Карим жавоб бермаган, индамай қолган эди. Унинг ғалати одати бор эди. Бировнинг сўзи ё иши хушига келмаса ҳам, индамас, жим қараб тураверарди. Қараганда ҳам увол, совуқ ва нимжон одамга ўхшаб қарар, унинг бу ҳолини кўрган кишининг раҳми келарди. Унинг шу қарашига фаҳми ўткир одамлар ҳам алданиб қолар, у ҳақда бошқача бир тасаввур ҳосил қилардилар. Карим пушаймон қилаётган бўлса керак, қилган айби учун азоб чекапти, дердилар. Ваҳоланки, шундай дақиқаларда Каримнинг юрагида ғазаб кўпириб тошар, заҳар қайнар эдики, агар у бировнинг устига тушса, уни ёндириб юбориши ҳеч гап эмасди.

Наримонга яна ғалати бўлиб кўринган нарса шу эдики, Карим ўзи нафратланадиган одамлар билан жуда қалин бўлиб юрар, улардан ажралмасди. Йиллар ўтгани сайин у тушунтиш қийин бўлган тунд ва бадқовоқ бир одамга айланиб бормоқда эди. У ўзига сира ўхшамаган ўртоқлари билан бирга бўлар, улардан узоқлашмасди. Ўзини уларга яқин оларди. Лекин бу яқинлик зоҳирда эканлигини, юракдан тугилмаганлигини ўртоқлари яхши англаб эдилар. Шунинг учун ҳам улар қаттиқ севинган чоғларида ва ёки оғир изтироб ичида қолган пайтларида Карим билан кўришиш, у билан гаплашишга заррача эҳтиёж сезмасдилар. Карим ҳам шундай эди. Улар ўз сирларини Каримга сира очмасдилар. Аллақандай савқи табиий бир туйғунинг таъсирида ўзларини ундан эҳтиёт қилардилар. Бунинг бошқа бир чуқурроқ сабаби ҳам бор эди. Семён Сидорович семинарияда ишлаган пайтларда болалар у билан Каримнинг ўртасида қандайдир яқинлик пайдо бўлганлигини сезар, зотан, Семён Сидорович ўзининг энг яхши шогирдларига ҳам Каримга қилганчалик меҳрибончилик қилмасди. Каримнинг энг кичкина муваффақияти ҳам унинг ҳаддан ортиқ офаринларига сазовор бўларди. Ҳолбуки, бу нарса Семён Сидоровичнинг табиатига мутлақо зид эди. У аксинча, болаларни чақиб олишни, уларга заҳар сочишни, руҳ-

ларини туширишни яхши кўрарди, ўзининг ҳар ка-  
дамида шунга интиларди. Уша пайтларда болалар Ка-  
рим билан Семён Сидорович ўртасида пайдо бўлган бу  
яқинликни Каримнинг қўрқоқлиги, ялтоқилигига йўй-  
ган эдилар. Аслида эса, эски айғоқчи Каримни хил-  
ватга тортиб, қўрқитган, унинг феъл-атворини яхши  
билиб олиб, силаб-сийпаб, ўзига яқинлаштирганди. У  
Каримдан талабалар ва муаллимлар ўртасидаги рўй  
бераётган воқеалардан, гап-сўзлардан тўла маълумот  
олиб турарди. Каримнинг бу қилиғи Семён Сидорович  
мактабдан кетганидан сўнг маълум бўлиб қолди. Ка-  
римнинг ўзи ҳам ўшанда жуда ўзгариб, саросимага  
тушиб қолганди. Кечалар уйқусида қичқириб, алаҳ-  
лаб чиқарди. Шу тариқа Карим ўз ҳомийси ва сирдо-  
шидан айрилгани маълум бўлди. «Қани энди бу бола  
кимга чақимчилик қиларкан?» — деганлар ҳам топил-  
ди. Коридорда бўлган баҳс чоғида Каримнинг сўзидан  
сўнг Наримон киноя қилиб чиқиб кетганлигининг бои-  
си мана шу эди. Адабий кеча бўлган кунни эртасига  
Семён Сидорович Карим билан ниманидир шошилинч  
гаплашаётганини кўриб, болаларнинг кўнгли ундан  
янада совиди. Кўзини очган кундан тўғрилиқка ўрган-  
ган, турли ҳаётий тасодифларнинг ҳукми билан пок  
ва яхши одамларга дуч келган, улардан дарс олган,  
ҳозир эса бир-биридан ажойиб китобларнинг таъси-  
рида романтик хаёллар билан яшаётган бир ўсмир  
учун Карим каби булғанч бир одам билан бирга ўти-  
риб-туриш борган сари оғирлашиб кетмоқда эди.  
Наримон аллақандай қудратли кучнинг таъсирида  
Каримдан узоқлашиб бораётганлигини ҳис қиларди.  
Карим билан гаплашиш, ўртоқчилик қилиш унинг учун  
бир азобга айланганди. Афтидан, Карим ҳам буни се-  
зар, лекин индамас, ўзини четга тортмас эди. Бу эса,  
ўрталарида совуқчиликдан ортиқроқ бир нарсa —  
нафрат ҳам уйғотарди. Наримон ундан нафратланиб  
кетган пайтларида дарров ўзини нари тортар, бўлмаса,  
тилимдан огир сўзлар чиқиб кетади деб чўчирди. Нар-  
имонни табиатан вазмин ва тамкин деб билган кишилар  
унинг юрагида қайнаган мана шундай ҳиссиётлардан  
беҳабар эдилар. Билмас эдиларки, Наримонга сохта-  
корлик, ёлгон ва риё бошқа ҳамма нарсадан кўра кўп-  
роқ азоб беради, дилини огритади.

Шунинг учунмикин, Наримон атрофидаги одамлар-

нинг тўғрилиги, самимийлиги, садоқатини кўрганида жуда ҳам ҳаяжонланиб кетар, бутун қалбини шу одамга тортиқ қилиб юборгудай бўларди. Бу инсонга бўлган романтик бир муҳаббат эди. Мана шундай муҳаббат эгаларининг қалби ҳамма учун очиқ бўлади ва лекин афсуски, улар кўп пайтлар нонкўр ва пасткаш кишиларга дуч келадилар. Семинарияда ўқиб юраркан, Наримон хаёлига ҳам келтирмас эдики, худди мана шу романтик одамийлик туйғуларига кўра уни ёмон кўрганларгина эмас, у яхшилик қилган кишилар ҳам бир кун унинг ҳаётини заҳарлайдилар.

Аслини олганда эса, Наримоннинг Каримга юраги ачир, унга раҳми келарди. Унинг ҳам Нодир, Жалил, Тавфиққа ўхшаган бола бўлишини истарди. Уларнинг келажаклари нақадар порлоқ! Ҳали улар қандай олижаноб одам бўлиб етишадилар! Худди Соҳиб муаллим, Черняевский, Сафарали муаллим, Сандро каби! Бу одамлар Наримон учун бир идеал эди. Наримон улардай бўлишни орзу қиларди. Улар кўтарилган маънавий чўққиларга кўтарилгиси келарди. Лекин тенг-тўшлари ўртасида ҳам келажакда шундай киши бўлиб етиладиганлар топиларди. Муҳаббат, садоқат, тўғрилиқ каби хислатларни ўз дўстларида кўриб, кўнгли минг чандон ўсарди. Шунинг учун ҳам Наримон Жалил, Нодир, Тавфиқ, Микаел сингари келажаги порлоқ дўстлари борлигидан фахрланарди.

Наримон ва унинг дўстлари ҳали умрнинг ўтиб бораётганлигини сезадиган ва «тавба, йил мунча тез ўтиб кетди!»— дейдиган ёшда эмас эдилар. Улар келажакка умид билан яшар, эртанги кунни қувонч ва шодлик билан кутар, вақтнинг жуда секин ва лоқайд ўтаётганлигидан шикоят қилардилар. Шу билан бирга, улар ҳам вақтнинг тўхтовсиз суратда оқиб бораётганлигини, йилларнинг тез ўтиб кетаётганлигини ҳис қилардилар. Кечагина бошланғич ибтидоий мактабда ўқиб юришган эди, у мактаб қаерда-ю, бугун ўқиётган семинария қайда?! Ўзларининг кечаги билимлари билан бугунги билимларини солиштириб кўришса, орада қанча масофа қолганига ақллари бовар қилмасди. Ташқи томондан ҳам жуда ўзгарган эдилар. Бўйлари етилган, ҳуркак болаликдан ном-нишон қолмаганди. Улар Сафарали муаллим айтганидек, «душман кўрса кўзи кўр бўладиган йигитлар»га айланган эдилар.

Наримон Горига ўқишга келиб, биринчи марта таниш-  
ан дўстлари билан йиллар ўтиб жуда ҳам яқин ва жу-  
а ҳам қалин бўлиб кетганларига хурсанд эди. Улар  
ртасидаги дўстликка энди ҳеч нарса раҳна соломмас-  
и. Жалил ҳам, Нодир ҳам, Тавфиқ ҳам бир-бирларига  
куда меҳрибон, чинакам дўст бўлиб қолган эдилар.

Жалил худди илгаригидай ҳазилкаш, шўх, қувноқ  
ди, ҳали ҳам шеърга мубтало эди. Ҳеч ким унинг ке-  
лажакда истеъдодли, ҳақиқий муаллим бўлишига  
шубҳа қилмас, кишилар унинг келажагига умид билан  
қарардилар. Жалилнинг ўзи эса ҳамон шоир бўлишни  
орзу қиларди, бу орзу унинг қалбини ширин туйгулар  
билан тўлдиарди. Наримон ҳамма ухлаб қолган пайт-  
ларда унинг ўрнида ўтириб, яшириқча шеър ёзаётган  
пайтларини кўп кўрган. Бундан Нодир ҳам хабардор  
эди. У бир куни деди:

— Шошилма, Жалил, бир қизга дуч келсанг, сўнг  
албатта шоир бўлиб кетасан. Бошингга ишқ савдоси  
тушмагунча шоир бўлиш қийин. Пича сабр қил. Илҳом  
париси сени қаердадир кутиб турибди.

— А-а, тилингга бол, ўзим ҳам шундай фикрдаман.  
Фақат, илҳом парисига етмасимдан бурун дадам ме-  
ни қариндошлардан бирининг қизига уйлантириб қўй-  
маса деб қўрқаман. Кейин бир умр илҳом париси-  
нинг ҳасратида куйиб ўтарман...— ҳазил қилди Жа-  
лил.

Нодир ҳам унинг оҳангида сўзини давом эттирди:

— Висолга етмаган ошиқ асл ошиқ бўлади. Лайли  
ва Мажнун, Асли ва Қарам каби. Висолга етдингми,  
тамом, ошиқлик барҳам ейди. Яъни шеър ёзолмайсан.

— Ёмон нарса экан бу шоирлик!— кулди Жалил.—  
Бундан чиқди, шоир бўлиш учун абадий изтироб че-  
киш керак экан. Йўқ, мен бундай бўлишни истамай-  
ман.

— Эҳ, дўстим, мен сени бунчалар ожизсан, деб ўй-  
ламагандим!— афсусланиб бошини чайқади Нодир.—  
Асил шоирлар ишқнинг бало ва изтиробларидан қо-  
чишган эмас, уларга бағирларини кенг очиб қўйишган.  
Ёраб, балойи ишқинг ила қил ошно мени, дейишган.  
Сен бўлсанг, балодан қўрқасан! Рост, сендан шоир  
чиқмайдиганга ўхшайди.

Жалил юзини Наримонга буриб, Нодирни кўрсатди:

— Шўрим қурсин, бу қишлоқига қаранглар-а. То-

ва файласуфнинг ўзи бўлибди-ку, тамом юрагим олиб қўйди-ку, а?! Мен ҳаётда азоб-азият чекишни истамайман. Ожизликнинг бунга қандай дахли бор?

Жалил кутганининг акси ўлароқ Наримон Нодирнинг ёнини олди:

— Бу чинакам ожизликнинг ўзгинаси, дўстим!— деди.— Файласуф Фейербах муҳаббатнинг изтиробларидан ва ҳаётнинг машаққатларидан қўрқиб, қочиб заифликнинг биринчи аломати, дейди.

— Таслим бўлдим!— Жалил қўлларини юқориги кўтарди.— Фақат айтиб қўяйки, менинг изтироб чекадиган ҳолим йўқ. Шунинг учун ҳам шоирликдан воқеачаман!

Лекин воз кечолмасди, кечалари қўлига қогоз-қалам олиб, шеър ёзгани ёзган эди. Ёзганларини ҳеч кимга кўрсатмаса-да, лекин шеър ёдлашда наинки Наримондан, ҳатто тугма ҳофизаси билан ҳаммани ҳайратга солган Нодирдан ҳам қолишмасди. У «Қора шол»ни Наримондан ҳам таъсирчанроқ ўқирди:

Қора шолга қарайман телбадай оқшом, саҳар,  
Қалбимни парчалайди, ўйнатар совуқ кадар.

— Пилигини пича баланд кўтариб юбординг!— деди Тавфиқ Жалилнинг кўзларидаги «қалай?» деган саволга жавоб бериб.

— Пушкин ўзи бошдан-оёқ ҳарорат, уни бошқача қилиб, пилигини пасайтириб айтиб бўлмайди!— эътироз қилди Жалил ва шеърни яна бояги оҳангда такрорлади. Шунда Наримон ўрнидан туриб, унинг қўлини қисди.

— Тўғриси айтсам, жуда таъсирли ўқидинг. Мен бундай ўқиёлмайман!

Буни эшитиб, Жалил Наримоннинг бўйнидан қучоқлади, юзидан ўпди:

— Сок бўл, қардошим, тоза юрагинг бор сенинг. Феълинг кенг жуда. Ҳақиқатга келсак, Алексей Осипович нима деган бўлса, шу. Сен ўтсиз-оловсиз ёндирасан!

Наримоннинг ўзи ҳам жуда ўзгариб бораётганлигини сезарди. Баъзан ҳаёлига жуда ғалати нарсалар келар ва анчагача кетмасди. Болаликдаги ўртоғи, маъжус ва уволгина ушоқ Фазли, унинг заҳматкаш ҳунар-

данд отаси Жаъфар амаки кўз ўнгига келиб, ўз оғир аётларидан сассиз шикоят қилаётгандай бўлардилар. Шундай пайтларда Наримоннинг юраги қинидан чиқиб тегтудай бўларди. Шунда қаерларгадир бош олиб кетиси келарди. Ана шундай оғир хаёллардан толган амларидан бирида у яна Пушкин жилдини кўтариб айрга чиқди. Ўзи яхши кўрган сўқмоқ бўйлаб борарсан, Тифлисни, ота-онасини, укаси Салмонни, амаки-си Али Мирзани, Соҳиб муаллимни эслаб кетди. Алифбени илк бор ўрганган пайтлари, Соҳиб муаллим билан биринчи марта кўришган чоғлари хаёлида қайта жонланди.

Аллақачонлардан бери хотирага айланиб қолган ҳаётининг бу саҳифалари уфқларда кезган сийрак бутлар каби Наримоннинг хаёлида жонланар, қарама-қарши фикрлар уйғотарди. У шундай хаёлларга толган кўйи бир пайт тасодифий йўловчилар қабоб пишириб ўтирган тоғ ёнбагрига келиб қолди. У «Озодлик қасидаси»ни биринчи марта шу ерда ўқиганди. Тоғ бағри офтоб нурларига ғарқ бўлиб ётарди. Тупроқ одамнинг баданига хуш ёқадиган майин қуёш шуълаларини симириб аста буғланарди. Наримон тупроқдан эндигина бош кўтариб келаётган майсаларга эътибор берди. Улар ҳали шунчалар заиф эдики, оёгингни сал тегиздингми, дарров эзиларди. Лекин маҳв бўлиб кетмасди. Бу Наримонга антиқа кашфиёт каби туюлди. «Илдизсиз, пўстлоқсиз ҳамма нарсанинг умри жуда қисқа, ҳалокатга маҳкум!» — деб ўйлади у. Сўнг чўққилари оппоқ қор билан қопланган юксак тоғларга қаради: «Қанча бўронларни, тўфонларни, қор-ёмғирларни кўрган бу тоғлар... Қанчадан-қанча зилзилаларни бошдан кечирган. Лекин ҳамон устивор турибди. Бу тоғларнинг илдизлари ернинг қаърларида жойлашган. Унинг га ҳеч қандай тўфон, бало кор қилмайди!»

Бу фикр хаёлидан ўтиши билан беихтиёр китобни очди ва анчагача Пушкиннинг йирик шуъладор кўзларига, кўркам бошига, жингалак сочларига тикилиб турди. «Яшайди! Минг йил кейин ҳам яшайди! Чунки у сувни халқнинг юрагидаги чашмадан ичган, инсониятнинг кўкрагидан озиқланган!»

Наримон офтоб қиздириб илитган бир қоя парчасининг устига ўтириб китобга тикилди. Гўё муаттар ва ҳеч сўлмас гулистонга қадам қўйгандай эди. Бу гулис-

тондаги гулларнинг бири биридан малоҳатли, рангдо эди. Наримон бу гулларнинг бирига етганда ундан сира айрилолмади. Бутун руҳи, бутун борлиги билан унга асир ва мафтун бўлиб қолди. Бу гулнинг ҳар бири япроги уни элитар, маст қиларди!

Йўқ, у жўшарди! Наримон кўкраги эҳтирос ва ҳаяжон билан тўлаётганини, томирларида қон қизийганини ҳис қилди. Шунда номаълум, афсунгар бир товус уни қайларгадир чорлай бошлади. Кимдир қўлига қилич тутқазиб, жанг майдонига чиқишга ундаётгандай эди. У яна «Озодлик қасидаси»ни ўқирди! Юз қарра ўқиса ҳам яна шундай жўшар, ҳаяжонланар, ҳароратга тўларди...

### 3

Синф теран сукутга ғарқ. Ҳамма болалар фикрга чўмган, кўзларда ўйчанлик акс этади. Кимдир тирсагини партага, даҳанини кафтлари орасига олиб, бошини бир оз ёнга эгганча, кўзларини кенг деразадан ташқарига, далаларга, номаълум нуқталарга тиккан, ким қўлларини олдида турган дафтар устига қўйиб ўтирар, ким пешанасини тириштириб, қўллари билан тез-тез сочларини силаганча хаёлга толган эди. Алексей Осипович Черняевский юзини талабаларга қаратган ҳолда дераза олдида турар ва қўлидаги китобни варақларди. Лекин тез-тез бошини кўтариб, талабаларга қараб-қараб қўйишидан бутун фикри зикри улар билан банд эканлиги билинарди. Баъзан нигоҳи бирон талабанинг устида тўхтар, уни синчиклаб кузатарди. Шунда унинг кўзлари талабанинг инсоний қобилиятлари билан боглиқ ҳолда дам қайғули, дам маънос кўринар, дам севинчдан порлар, \*дам ниманидир қайд қилиб ўтгандай туманланарди.

Бугун у синфда «Келажак ҳаётим ва орзуларим» деган мавзуда эркин иншо ёздирмоқда эди. Мавзу талабаларни шунчалар қизиқтириб қўйган эдики, улар дарҳол қалам-қоғозларини чиқариб парта устига қўйганча хаёлга толган эдилар. Алексей Осипович уларнинг ҳаяжон ва изтиробларини кўзларидан ўқир, берилган мавзуда эркин иншо ёзиш уларнинг юракларида қанчадан-қанча мураккаб ҳиссиётларни уйғотиб юборганлигини яхши тасаввур қиларди. Тажрибали ва

ҳассос муаллим ёшлар кеча-кундуз келажак ҳақида ўйлашларини, турли қарама-қарши фикрлар уларни қийнашини, ҳатто қўрқув ва изтиробга солишини биларди. Эртага мени нима кутади, қаерга бораман, қандай ишлайман, қандай одамларга дуч келаман, аҳволим нима кечади, орзуларимга етаманми, йўқми, деган муаммолар ёшларни қаттиқ ўйлатарди. Семинарияда бу муаммолар янада ўткирроқ бир масалага айланган эди. Ёшлар инсон бахти, шахсият ва жамият, халқ ва шахс, давлат ва ватанпарварлик деган масалалар хусусида китоблардан ўқиган, булар ҳақида маълум бир фикрларга келган, ҳатто бир-бирлари билан баҳслашган, тортишган, суҳбатлар ўтказган эдилар. Алексей Осипович кўп марта бундай тортишувларга ўзи ҳам гувоҳ бўлганди. У шундай бир хулосага келганди: агар бир ёшнинг ахлоқини, савиясини, олижаноб ёки пасткашлигини, худбин ё феъли кенглигини, ҳаётга қарашларини, ижтимоий-сиёсий фикрларини билмоқчи бўлсанг, ундан келажакка қандай қарашини сўра. Агар шунда у ўз фикр ва қарашларини яширмаса, юрагини очса, бутун маънавий дунёси биллур ойнада акс этгандай кўз ўнгингда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Алексей Осипович ҳозир болаларни бир оз ҳаяжонда, қизиқиб кузатар, уларнинг фикрларини бўлиб юбормаслик учун дераза олдидан қимирламасди.

Ниҳоят, қаламлар қитирлай кетди. Талабалар бирин-кетин қоғозга мук тушдилар. Уларнинг чеҳралари ўйчан, очиқ ва файзли эди. Улар ёзадиган нарсаларини аниқлаб олган эдилар. Алексей Осипович енгил тортиб, қўлидаги китобни ёпиб, стол устига қўйди. Оҳиста синфни айлана бошлади. У парталар оралаб юрар, гоҳ у-гоҳ бу талабанинг тепасида тўхтаб, бир зум қараб турар, сўнг бошқа болаларнинг ёнига ўтарди. Наримон билан Тавфиқ, Карим билан Нодир ёнма-ён ўтирардилар. Алексей Осиповичнинг назарида Нодир ҳеч нарсасиз ёлғондан ёзаётгандай қилиб кўрсатаётганга ўхшади. Яқинлашди. Елкаси оша қоғозга назар ташлади. Нодир ўз фикрларига шу қадар берилиб кетган эдики, яқинлашган одам муаллим эканлигини ҳам унутиб, беихтиёр қоғозни қўли билан тўсди. Алексей Осипович кулимсираб чекилди, бориб дераза олдига ўтирди. Кўзларини яна қалин, қора булутларнинг галаларига тикди.

Ҳужумга тайёрланган қўшин каби огир-огир ҳаракат қилган, бир-бирига тармашган, чарх уриб айланган булутлар, бўғиқ осмон, қоронғи уфқлар бўрон, тўфон, чақмоқдан дарак берарди. Мана шу қора булутлар уймалашган, яшин бўлишидан хабар бериб турган осмон Алексей Осиповичнинг назарида ниманидир кутиб ётган, нимагадир тайёргарлик кўраётган бепоён Русиянинг, қашшоқ ва хор, бой ва гадо ўлканинг рамзи бўлиб кўринди. Бу ўлкада ҳамманинг тинчи бузилган, ҳамма қандайдир чора излаётгандай, нимагадир интизордай эди. Қалин булутлар, совуқ шамоллар шиддат билан оқиб келаётган ўша узоқ шимолдан таралган хабарларга Алексей Осипович бефарқ қармасди. У ҳам кўклардан булутлар кетиб, офтоб чиқшини, найсон ёмғирлари ёғиб, ерни уфунат ва маразлардан пок қилишини кўзларди. Ушанда манави ёшларнинг келажаклари ойдин бўлади, хаёллари келажак ҳақидаги ваҳималардан халос бўлиб, умидли, тоза манзилларга чиқади...

— Муаллим, ёзиб бўлдик, мана!— деган овозлар Алексей Осиповичнинг хаёлларини тарқатиб юборди. У юзлари ҳаяжондан бўртиб кетган, кўзлари порлаган тўрт талабага қаради.

— Яшанглар!— деб иншоларни олди.— Ўтиринглар... Истасанглар, ташқарида айланиб келинглар. Қўнгироқ чалингандан сўнг кўришамиз.

Болалар оний тараддуддан сўнг эшикка қараб юрдилар. Нодир ва Карим синфдан коридорга чиқаётганларида Наримон қаламини қўйиб, ҳоргин кўз билан уларнинг кетидан қаради. Нодир қўли билан коридорда кутиб турамиз деган ишорани қилди. Наримон шошмасдан ўрнидан турди, дафтарини олиб, Алексей Осиповичга қараб юрди. Олдинги қаторлардан ҳам бир неча талаба ўринларидан турдилар. Улар иншоларини муаллимга топшириб, коридорга чиқдилар. Қўнгироқ чалинганда ҳамма иншони ёзиб бўлган эди.

Алексей Осипович талабаларни интизор қилиб қўйишни яхши кўрмас, иншоларни тез текшириб, мулоҳазаларини билдирар, баҳо қўярди. Талабалар қизиқиб, сабрсизлик билан унинг фикрини кутардилар.

Эрталаб сийрак ёмғир ёғиб турарди. Алексей Осипович синфга кирди. У дафтарларни портфелидан чи-

қариб, столнинг устига қўйди. Талабаларни шундай бир кўздан кечирди-ю, ҳеч нарса демасдан дераза олди-га бориб, ташқарига қаради:

— Ҳаво бузилди!— деди.— Эзма ёмғир майдалаб ёғяпти. Узоқ ёғади, одамни зериктириб юборади.

— Мазаси йўқ ҳавонинг, муаллим. Далаларга ҳам чиқиб бўлмайди,— унинг сўзини қувватлади талабалардан кимдир.

Алексей Осипович боланинг овозидан таниб, унга қаради:

— Майли, сенинг ишингдан бошлай қолайлик, Нодир.— Муаллим дафтарлардан бирини олиб ўқиди.— «Мен қишлоқдан чиққанман. Семинария қишлоқ муаллимлари тайёрлашини биламан. Менга бу жуда ёқади ва мен бу ерни битиргандан сўнг қишлоғимизга бориб мактаб очишни, ҳамюртларимга савод ўргатишни ўзимга шараф деб биламан. Мен ўзим каби йўқсил болаларни ўқитишни, уларни жаҳолат ва сафолатдан халос қилишни, инсон каби яшашларига кўмак беришни орзу қиламан. Бу менинг энг буюк тилагимдир». Муаллим кўзини дафтардан узиб, Нодирга қаради.— Яхши гаплар булар ҳаммаси. Олқишга лойиқ. Сен семинариянинг нима мақсадда бола ўқитаётганини яхши тушунар экансан. Лекин кейин шундай бир гапларни ёзибсанки, одам ҳайратга тушади. Буларни замонавий, Европа усулидаги илғор бир мактабнинг талабаси ёзганлигига кишининг ишонгиси келмайди.

Бутун синфнинг диққати муаллимга қаратилди. Боядан бери чеҳраси очилиб, табассум қилиб турган Нодирнинг ранги қочди.

— Нима деб ёзибди, муаллим?— қизиқиб сўради Карим.

— Ҳозир ўқиб бераман, шошилма, Карим,— муаллим дафтарни кўзига яқинлаштириб, ўқиди: — «Яна бир орзум — яхши оила соҳиби бўлиш. Ўзимга шундай бир қиз топишим керакки, у умр бўйи менга вафоли хотин бўлсин, бир сўзимни икки қилмасин, ҳаёли ва исматли бўлсин».

— Яхши ёзибди, муаллим! Бунинг нимаси ёмон?!— деди ўтирган ерида Тавфиқ.— Мен ҳам хотиним ҳаёли ва исматли бўлишини истайман.

Талабалар кулиб юбордилар. Муаллим ҳам кулди.

— Буним ким истамайди дейсиз?— деб синфни бир-бир кўздан кечирди муаллим.— Эрдари номусли ва лаёқатли хотин олишни орзу қилмайдиган миллат йўқ дунёда. Гап бунда эмас. Гап шундаки, Нодир ҳаё ва исматни бугунги маданий инсонлар ўйлаган бир тарзда эмас, ваҳший бир феодал каби англайди.

Талабаларнинг баъзилари ўтирган ердарида безовта бўлиб қолдилар. Карим яна сўради:

— Яъни қандай, муаллим?

— Сен нега мунча безовта бўлиб қолдинг, Карим?— сўради муаллим.— Сабр қил, ҳаммасини билиб оласан.— У кўзини яна дафтарга тикиб, ўқий бошлади:— «Ҳаё ва исмат деганда мен шуни тушунаман. Хотин ижтимоий ишдан қанча йироқ бўлса, шунча яхши. Ахир, хотиннинг вазифаси уйга қараш, болаларни тарбиялаш, эрига хизмат қилиш эмасми?! Қолган ҳамма нарсаси эркекнинг иши!— Муаллим бошини кўтариб синфга қаради.— Кўрдингларми, бу сўзларнинг маъноси шуки, хотин бизга ўхшаган одам эмас, у ватанпарвар бўлолмайди, унинг жамият ишларида иштирок этишга ҳаққи йўқ. Қолбуки бизнинг кунларда минглаб хотин-қизлар борки, уларсиз халқнинг иши олга босмайди. Улар бола ўстириб тарбиялаш билан баробар, жамият ишларида ҳам қатнашишади, оила ва эр олдидаги бурчларини ҳам адо этишади.— Муаллим яна дафтарни кўзига яқинлаштириб ниманидир ахтара бошлади. Тавфиқ бундан фойдаланиб, сўради:

— Муаллим, маош ҳам олишадими?

Алексей Осипович савол берган одамнинг кимлигини аниқлолмади, лекин жавоб берди:

— Ҳа, маош ҳам олишади, катта оилани боқишади, ҳа!

— Хотин кишининг топганини еган одамнинг ҳолига маймунлар йиғлайди!— деган сўз чиқиб кетди бехтиёр Нодирнинг оғзидан. Наримон ҳам, Тавфиқ ҳам унга ажабланиб қарадилар.

— Э, жим бўлсанг-чи!— деб пичирлади Тавфиқ. Алексей Осипович дафтарни ёпиб, столга ташлади.

— Наримон, сен қандай фикрдасан?— сўради кейин.

Наримон дик этиб ўрнидан турди. Тим қора сочларини силаганча бир зум фикрга толди. Бир Нодирга, бир муаллимга қараб, шошилмасдан деди:

— Мен бир оз бошқача тушунаман, муаллим. Бунинг сабаби, мен бошқа шароитда катта бўлганман. Кўзимни очган замондан очиқ, ёпинчиқсиз хотинларни кўрганман. Мусулмон хотин-қизлари ичида ҳам Ҳури хоним кабилар борлигини биламан. Мен уларга ҳамиша меҳр ва эҳтиром кўзи билан қараганман. Булардан бошқача яшаган хотинларга юрагим ачийди, раҳмим келади.

— Шундай экан, нега шу пайтгача бу гапларни ўртоғингга тушунтириб қўймадинг?— деб сўради муаллим.

Наримон бир зум жим бўлиб қолди, сўнг ўйлаб туриб жавоб берди:

— Инсоннинг маънавий дунёсида шундай нарсалар бўладики, муаллим, улар дарҳол йўқолиб кетавермайди. Утмиш ҳаётнинг ярамас одатларини тарк этиш учун шахсий ҳаёт тажрибаси керак бўлади. Мен Нодирга ишонаман, муаллим. Ишонаманки, у ҳам бир кун бундай фикрлардан воз кечади...

— Ўтир!— деди муаллим ва шу билан суҳбат тугаганлигини билдириб, бошқа дафтарга қўл узатди. Варақлаб очди. Кўзига яқин олиб борди. Талабалар қизиқиб кутиб турдилар.

— Энди сенга келайлик, Карим!— муаллим дераза томонга икки қадам ташлади.— Сенинг орзуларинг менга сира ҳам маъқул бўлмади. Сен орзу қилган нарсалар семинария кузатган мақсадлардан жуда йироқ. Сен мана бундай деб ёзибсан: «Дунёда ҳеч кимга муте бўлиб яшашни истамайман. Бунинг биринчи шарти — мол-давлат соҳиби бўлиш. Мен кимнинг пули бўлса, унинг ҳамма нарсаси борлигини кўриб юрибман.

Пули бор одам яхши ҳаёт кечиради, ўз эрки ўзининг қўлида бўлади, ҳеч нарсага зориқмайди. Жамоат ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади. Мен муаллимлик қилиш билан баробар, пул йиғиб, бир-иккита қишлоқ сотиб олишга ҳаракат қиламан. Бокуга бориб, ер сотиб олиб, нефть қудуғи қазитаман деган орзум ҳам бор. Балки миллионер бўлиб кетарман. Ана ўшанда ўзим биламан нима қилишни».

Талабалар жонланиб қолдилар. Ҳар томондан овозлар эшитила бошлади:

— Иштаҳанг зўр-ку, Карим!

— Миллионер бўлиб мактаб очсанг, меши мудир қилиб қўясан!

— Бу ҳаммамизни полисга топшириб юборади, қудугига ташлатади!

Карим қип-қизариб кетган, ҳеч кимга жавоб бермасди. Лекин гапираётганларнинг ким эканлигини кўз остига олиб қўярди: Наримон, Тавфиқ, Нодир... Кўпчилиكنинг кулгиси унга огир таъсир қилди. Энди ёзганлари ўзига бемаъни қўрина бошлади. Лекин буни эътироф қилиш қийин эди. У ўртоқлари нега унинг устидан кулаётганларини аслида тушунмасди. Назарида ҳамма ҳам шундай орзу қиладигандай эди. Ахир бой бўлгиси келмайдиган одам борми?!

— Бундай орзулар билан семинарияда ўқиб, бош қотиришнинг кераги йўқ. Шунини тушунасанми?— сўради муаллим.— Мен истардимки, сен буни яхшилаб тушуниб олишинг керак.

— Муаллим, нима, одам бахтли бўламан деса, ёмонми?— заиф овоз билан сўради Карим.

— Одам фақат ўзини ўйлаб бахтга эришолмайди. Саодат ҳаммаша бошқалар билан бир тан-бир жон бўлишимизни талаб қилади. Мен, фақат бир киши учун бахт йўқ, демайман. Бахт ҳаммамизга керак. Гапнинг қисқаси, якка одамнинг бахти — умумнинг бахтида. Умум бахтиёр бўлгандагина якка одам ҳам бахтли бўлади. Буни ақли билан англаган, юраги билан ҳис қилган одамлар ўз олдиларига олий мақсадларни қўйишади.

Алексей Осипович бу дафтарни ҳам столга ташлади. Синфни бир айланиб чиқди, сўнг бошқа бир дафтарни қўлга олди.

— Бугун сизларнинг ёзганларингизни ўқиб, мислсиз севиндим, ўзимни жуда бахтли деб ҳис қилдим. Биз семинарияда сепган уруғлар бекор кетмабди, улар яхши ва соглом заминга тушибди, улар ажойиб куртаклар ота бошлабди, ҳали зўр ҳосил беради. Бу ерда шундай ўғлонлар ўтиришибдики, улар қаерда бўлмасин, муносиб шогирд сифатида семинариянинг юксак ғояларини ёйишади, инсоният маданиятининг тараққиёти учун бутун кучларини сарф қилишади. Ҳа! Биз чеккан заҳматлар асло бекор кетмабди!

Муаллим яна дераза олдига келди. Кулимсираб ташқарига қаради.

— Ёмон ҳаво бўлди, майдалаб ёққан ёмғирни жиним суймайди!

— Шундай, муаллим! Одамнинг юраги ёрилиб кетай дейди. Тўфонлар турса, сувлар жўшиб оқса нима бўларкин!— деди Тавфиқ.

Муаллим унга бир қараб қўйди-да, қўлидаги дафтарни очди.

— Энди қулоқ солинглар, ораларингда инсон саодатини бутунлай бошқача тушунадиган, буюк орзулар билан яшаётган ёшлар бор. Агарда бу дафтар мустасио бир ҳодиса бўлса, мен хафа бўлардим. Бундай юксак фикрлар, орзулар баён қилинган дафтарлар бир эмас, бир неча. Улардан фақат биттасини сизларга ўқиб бераман. Қолганларини ўзларингиз ўқиб оласизлар... Эътирозлар йўқми?

— Маъқул, муаллим, яхши бўлади!— деган овозлар чиқди синфдан.

Муаллим дафтарни очиб, кўзига яқинлаштирди. Лекин ўқимади. Талабаларга қараб, деди:

— Яхши биласизларки, яхши шогирд муаллимнинг кўнглини тоғдай ўстиради. Лекин фақат шунинг учунгина бу иншони ўқиётганим йўқ. Кеча кечқурун бу иншони ўқиб ўтириб, кўз ўнгимда бутун бир қоронғи дунё очилгандай бўлди. Озарбайжондан тортиб, Эрон ва Арабистонга қадар бутун мусулмонлар дунёси кўз ўнгимда намоён бўлди. Бу дунё ёлғиз муаллимларгагина эмас, ватанпарвар ва муборизларга ҳам муштоқ. Бу муборизлар сизлар бўласизлар! Энди қулоқ солинглар!

Муаллим дафтарни очиб, ўқий бошлади: «Неча йилдан бери таҳсил олаётганим бу семинария менга она бешигидай азиз. Охирги нафасимгача онамнинг сутини эсимдан чиқармаганимдек, бир умр семинария менга берган юксак гоёлар ва нурли фикрларни ёдимдан чиқармайман. Улар ҳамиша ҳаёт йўлларимни ёритиб туради. Мен биламан, семинария маориф ва билим ўчоғи. У бизга идрок машъалини берди ва: боринглар, қаерда жаҳолат ва қоронгилик кўрсангиз, уни шу машъала билан йўқ қилинглар, деди. Лекин бундан ҳам аҳамиятлироқ нарса бор. Семинария бизнинг руҳимизни уйготди. Бу — озодлик руҳи! Инсонийлик туйғуси! Озодлик бўлмаган жойда маориф ва маданият чироғи ҳам шуъла сочолмайди. Шунинг учун, қаерга

борсам ҳам халқнинг фарзандларини ўқитиш билан бирга, уларда озодлик руҳини уйғотишга интиламан. Озодлик душманлари билан қўлимдан келганча курашаман. Озодликнинг душманлари эса зулм ва истибдоддир. Токи тирик эканман, уларга қарши курашишни ўзимнинг инсоний бурчим деб биламан!»

Муаллим дафтарни ёпиб, столга қўйди. Талабалар чувиллашди:

— Муаллим, ким ёзганлигини айтмадингиз.

— Сизлар менга айтинглар-чи, қандай ёзибди, сўнг мен айтаман ким ёзганлигини.

Синфдан ҳар турли овозлар эшитилди:

— Яхши ёзган!

— Ёмонмас!

— Хўп, у шахсан ўзи учун нима истайди, ўзининг ҳаётини қандай қилиб қуради? — сўради Карим ҳаммадан кейин. Муаллим унинг гапига жавоб бермоқчи бўлиб турганида. Тавфиқнинг овози эшитилди:

— У сенинг қишлоқларингдан бирида муаллимлик қилади!

«Гурр» этиб кулги кўтарилди. Алексей Осипович ҳам кулиб юборди. Ҳатто Каримнинг ўзи ҳам кулимсираб гапни ҳазилга бурди:

— Мен бундайларга иш бермайман. Қишлоқиларни кўтариб бошимга гаўо солади!

— Наримон, ўрнингдан туриб, Каримга: деҳқонларни сенга қарши исёнга бошламайман деб сўз бер! — деб кулди муаллим.

Алексей Осипович талабаларнинг руҳи баланд эканлигини кўрганда севинарди. Уларнинг фикрлари ўсаётганидан, ўзига хос бир шаклга кираётганидан беҳад қувонарди. У ўз шогирдларини эркин фикрлашга ўргатар, уларнинг шахсий ташаббусларини маъқуллар, кўнгилларидаги гапларни бемалол айтишларига имкон берарди. У педагогикада шундай усулнинг тарафдори эди. Таълимнинг муваффақиятини жазо тадбирларини қаттиқ ва тез-тез қўллаб туришда кўрган ва талабаларни доимо ваҳима ичида тутишга мажбур қиладиган ўқитиш усулларида Гори семинариясининг кўп муаллимлари қатори у ҳам нафратланарди. Унинг ақидасига кўра, талаба яхши кўриб, қизиқиб ўрганган билим кейинчалик унинг ҳаётида ижодий бир аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам у шогирдларининг эрк-

ларини ўзларига қўйиб берар, уларнинг қизиқишларини чеклашга, тамғалашга уринмас эди. Эркин, инсоний ўқитиш усули қанчалар самаралар бераётганини наримонлар ўқиётган синф мисолида яққол кўриш мумкин эди. Айни замонда у муаллимларнинг ўқитиш ва тарбия беришдаги инсоний усулларидаан ғайри мақсадларда фойдаланишга уринадиган, адаб, ахлоқ ва билим олиш қоидаларини бузадиган, муаллимнинг юмшоқлигини тарбиясидаги қусурларга кўра нотўғри англайдиган шогирдларни бир оғиз сўз билан тартибга чақира олар, уларни ўтқизиб қўярди. Сўз таъсир қилмаса, жазо бериш ҳам қўлидан келарди.

Талабаларнинг эркин иншолари, уларнинг романтик хаёл ва орзулари, ҳеч нарсадан қўрқмасдан, чўчимасдан фикрларини очиқ ифода қилишлари Алексей Осиповичнинг юрагида ифтихор туйғуларини уйғотди. Демак, шогирдлари унга ишонар эканлар, энг азиз фикрларини унга айтишдан тортинмас эканлар. «Ўқитишда танлаган йўлим тўғрилигини кўрсатмайдими бу?— деб ўйларди муаллим.— Полиция усулларини мактабларга ёймоқчи бўлганлар, қўрқитиш ва дўқ-пўписа билан иш кўришни маорифга ҳам тадбиқ қилмоқчи бўлганлар маънавий истибдоднинг малайларидир! Ёш наслларда юксак шуур, адолатли фикр ва озодлик туйғусини уйғотмоқ муаллимнинг муқаддас бурчидир!»

Шогирдларининг келажак ҳақида сурган хаёллари Алексей Осиповичга қанот бағишларди. Бир неча йил бурун, семинарияга илк қадам босганларида алифбедан бошқа нарсани билмаган, бир нарса сўрасанг уялиб, жавоб беролмайдиган бўш-баёв болаларнинг кўкраклари бугун орзулар билан тўлган, улар ўз мақсадларини яхши англайдиган одамларга айланган эдилар. Алексей Осипович беш-ўн йил кейинги ҳаётни кўз олдига келтирганида ўз шогирдларини ижтимоий ҳаётнинг қайноқ соҳаларида кўрарди. Шогирдлари унинг тасаввурида халқ учун хизмат қилаётган, халқнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлаётган, жуда катта ишларни бошқараётган, фаолият кўрсатаётган кишилар бўлиб гавдаланардилар. Алексей Осипович бундай хаёллардан тўлқинланиб кетиб, деди:

— Азиз дўстларим, бугун сизлар менга катта қувонч бахш этдинглар. Ҳатто Нодир ва Қаримнинг иш-

ларини танқид қилган бўлсам ҳам, лекин мен уларнинг ишларида жонли ўй, мустақил фикрнинг нишонларини кўраман. Уларнинг фикрлари, аминманки, оқар сойдек ўз йўлида ўз қирғоқларини тозалаб боради. Сизларга айтадиган гапим шуки, дўстларим, ҳаракат қилинглар, фикрларинг доимо ишлаб турсин, доимо тўғри йўл тутишининг пайида бўлинглар! Шуурнинг биринчи душмани танбаллик билан эгрилик. Тўғри бўлинглар! Ўйланглар! Сизларни саодатга олиб борадиган йўл шу! Ҳадемай икки-уч йил ўтиб кетади, сизлар семинарияни битириб қишлоқларга, халқ ичига борасизлар! Халққа нима олиб борасизлар? Шуурнинг нурини! Қачонки бу нур виждон поклиги билан бирлашса, халқингизга мислсиз хизматлар кўрсатасизлар!

Муаллимнинг қалбини тўлқинлантирган ҳарорат бу гаплар орқали шогирдларнинг юракларига оқиб киради. Улар кўкраклари ёшлик ҳаяжонлари, севинч мавжлари билан тўлганча, нафас олмай муаллимнинг оғзига тикилиб қолган эдилар...

## ЎН ИККИНЧИ ФАСЛ

### 1

Жаҳон хоним Тифлисга отланмасидан бурун иккинчи қаватдаги ойнаванд уйларни бўшатган, супуртириб, тозалатган, оқсоч қизларга ойналарни ярақлатиб ювишни топширган, агар чўп кўрсам кўзларингизни ўяман, деб дўқ-пўписа қилган эди. Оқсоч қизлар олдин бу тайёргарликларни ҳар йилги наврўз олдидан қилинадиган ишлар бўлса керак деб ўйлашди. Лекин уйларга бошқа гиламлар тўшалаётганлигини, бир маҳаллар Ҳури хоним осган, сўнг кўпдан бери сандиқларда ётган дарпардалар чиқарилиб, офтобга ёйилиб, яна деразаларга осилаётганлигини кўрганлар бу ерда бошқа бир гап бўлса керак, деган хаёлга бордилар. Фақат ҳеч ким журъат қилиб буни хонимдан сўрай олмасди. Хоним бундай нарсаларни хушламаслигини, ортиқча гапларни ёқтирмаслигини, ҳаддидан ошган хизматкорни дарҳол уришиб беришини, ҳатто жазолашдан ҳам тоймаслигини билган оқсоч қизлар биров гап сў-

раса жавоб берар, сўрамаса, гапирмас эдилар. Лекин улар хоним қаршисида муте бўлганлари билан ўз ўрталарида кўрган-билганларини бемалол сўзлашавардилар. Ойнаванд уйларнинг тартибга солинаётгани шивир-шивирларга сабаб бўлди. Шивир-шивирлар Офарида хонимга, ундан Салим огага ҳам бориб етди.

— Салим, бу азройил яна нима қилмоқчи ўзи? — сўради бир оқшом Офарида ҳамон қош-қовоғи очилмаган эридан. — Юқорини жуда тозалаб қолди. Яна эрга тегмоқчими дейман бу мегажин?

— Қайдан билай? Балки хўтигини уйлантирмоқчидир! — аччиқланиб жавоб берди Салим. Сўнг бир зум сукут қилгач, давом этди. — Балки айтганингдай ўзига янги эр топгандир. Хотин зотига ишонч йўқ. Ҳаммаларининг лойларинг бир ердан олинган.

Салим анчадан бери биринчи марта мана шундай мулойимроқ гапирди, Офарида бунга ўзича йўйди. Эрим анча юмшаб қолганга ўхшайди, балки ярашиб кетар, деб ўйлади. У доим эрга муҳтож бўлган хотинлик туйғусининг қутқуси билан:

— Мен ҳам-а? — деб қошини ўйнатди, нозланиб, эрига бошқача боқди. Салим эса ҳамон ундан кўзларини олиб қочар, зар кўйлақлар кийиб, карашма қилиб турган бу хотиннинг жозибаси олдида ўзимни сақлай олмай қоламан деб қўрқиб, унга қарамасликка ҳаракат қиларди. Хотинининг нозланиб берган саволи яна қулоғига чалинган мишмишларни эслатди. Унинг бошқа бегона бир одамга ҳам шундай, балки бундан ҳам ортиқроқ нозланганлигини тасаввур қилиб кўрди. Оғзи-бурнига мушт тушириб юборишига сал қолди. Лекин ҳозирги чигал вазиятни янада чигаллаштиргиси келмай, ўзини тутди. Ҳеч нарса демасдан ҳовлига чиқди. Айланиб юрди. Салим кўкларга, юлдузларга қарайдиган одам эмасди. Эрталаб турганидан, то кечаси кўзи уйқуга кетгунича хўжаликнинг ишлари шунчалар банд қилиб ташлар эдики, бош қашишга қўли тегмай қоларди. У ойга, юлдузларга қараб юрадиган одамларни хотинсифат, заиф, хаёлпараст одамлар деб биларди. Улардан юрагида нафратланарди. Ҳозир ҳам ҳеч қаёққа қарамасдан, ҳовлининг у бошидан бу бошига юра бошлади. Ниҳоят, келиб аста Жаҳон хонимнинг эшигини тақиллатди,

**Эшикни Хоспўлат очиб, унга индамай қараб турди. Салимнинг кўзига тикан киргандай бўлди.**

— Онангни чақир! — деди у дарғазаб.

**Унинг ҳукми ҳам, сир-сифати ҳам Хоспўлатга ёқмади. Жаҳли чиқди. Нафратини яшириб ўтирмасдан!**

— Онам ухлаб қолди! — деди ва эшикни ёпмоқчи бўлди.

**Салим ога: «Ҳали қўлимга тушасан-ку, итвачча!» — деб ўйлади. Қатъий бир ҳаракат билан эшикни ушлади. Яна ҳам дағалроқ қилиб ҳукм қилди:**

— Сенга айтяпман, чақир, чақир! — деди. — Қанақа эшшаксан ўзинг, одамга ўхшаб муомала қилсанг-чи!

— Эшшакнинг овозини эшитяпман! — Хоспўлат эшикни тортди. У эшикни ёпмоқчи бўлар, Салим ога эса ёпгани қўймасди. Улар худди кучларини синаётганга ўхшардилар. «Йўқ, фурсат топиб бу итни йўқотиш керак, — деб ўйлади Салим ога, — бўлмаса, бир йил-ярим йилдан сўнг кучга минади, дош беролмай қоламан».

Улар эшикда талашиб туришаркан, ичкаридан ички кўйлақда Жаҳон хоним чиқиб келди ва Хоспўлатнинг қўлидан тутди.

— Мундай тур, болам, кўрай, бу бемаҳалда нима деб келибди? — Хоспўлат рақибидан зўрлаб тортиб олинган жўжахўроздай, истар-истамас орқага чекиниб, онасини олдинга ўтказди. Жаҳон хонимнинг юрагида ойлар, йиллар йиғилиб ётган заҳар бирдан тошиб ташқарига чиқди. Салимнинг қаршисида хезланиб турди.

— Нима дейсан, Салим?

Ўзини йўқотиб қўйган, дарғазаб бўлган Салим ҳам қичқирди:

— Нима дейман, ўл дейман, қирил дейман! — деди. — Бу итваччанга тарбия берсанг бўлмайдимми?

— Йтнинг овозини эшитяпман! — Хоспўлат онасининг елкаси оша Салим огага дўқ урди. Жаҳон хоним яна унинг қўлидан тутди. Совуқ ва титраган овоз билан деди:

— Сен сабр қил, бола, қўй, эштайлик, нима гапи бор экан? Биздан нима истаркин?

Салим оганинг овози ҳам аста титраб чиқди:

— Ҳа, ана шундай. Одамга ўхшаб гапиринглар, мен ҳам гапимни айтай. — У эшикдан бир одим нари-

га чекилди.— Қани, бирпасга ташқарига чиқ, сенда икки оғиз гапим бор.

Жаҳон хоним ичкарига кириб, устига кийим кийиб чиқди. У елкасига шол рўмолини ташлаб олган эди. Эшикни ёпмоқчи бўлган эди, Хоспўлат қўймади. Эшикка суянганча остонада турди. Нариги томондаги уйдан Офариданинг кўзлари ҳам шу ёққа тикилганди. Унинг қулогига кескин ва қаттиқ-қаттиқ айтилган сўзлар чалинади. Жаҳон хоним ҳовлининг ўртасига тушиб, Салим оға билан юзма-юз турди.

— Қани, буюр, Салим оға, нима гапинг бор?— деб киноя билан сўради.

— Жаҳон хоним, буйруғим шуки, шунча ўзбошимчалик қилдинглар, бас, етар энди. Бўлди!

Унинг гапи Жаҳон хонимни ҳайрон қилиб қўйди, нима демоқчи бўлаётганлигини яхши англамади.

— Очиқроқ гапир. Тош тагига сўз бостирма!

— Сизлардан ўрганияпман!— Салим оға юқоридаги ойнабанд уйларни кўрсатди.— Манави машмашанинг боиси нима?

— Ўзим биламан, бунинг сенга дахли йўқ!— деди Жаҳон хоним бемаъни бир гап учун ташқарига чиққанидан афсусланиб.

— Дахли бор, Жаҳон хоним!— деди қатъий товуш билан Салим оға ва қўлларини ёзиб бутун ҳовлини, уйларни кўрсатаркан, қўшимча қилиб қўйди:— Буларнинг ҳаммасига ўзим тенг шерикман, менинг меҳнатим сингган буларга. Битта тош ҳам мендан рухсатсиз ўрнидан жилдирилмаслиги керак. Чўпга қўл чўзган одамни кўрсам, қўлини синдираман!

Бу сўзлардан Жаҳон хонимнинг юраги ўртаниб кетди. Салим оға ҳаёсизликни ҳаддан ошириб юборган эди.

— Сен ўзинг кимсан, менга бундай дейсан? Отхонани тозалаб юрган бир хизматкор эдинг!— Жаҳон хоним яна нимадир демоқчи эди, лекин Салим оға унинг икки юзини панжалари орасига олиб қаттиқ қисди. Хотин сал бўлмаса бўғилиб ўлай деди. Салим уни бир неча сония шу ҳолатда ушлаб турди ва тишининг орасидан пишқирди:

— Оғзингга қараб гапир! Худо ҳаққи, ҳеч нарсага қарамайман, бутун насларингни қириб ташлайман!

**Жаҳон хоним шаҳд билан юлқиниб унинг қўлидан чиқди.**

— Сени худо уриб қўйган! Ҳалиям хизматкордан ортиқ эмассан! Эртагаёқ сенинг жавобингни бераман!

— Юз марта озодман, никоҳдан чиқдим десанг ҳам, сенинг жавобингни бермайман. Талоқсиз чури-тиб юбораман сени!

Жаҳон хонимнинг сабри тугади, пича совий деган газаби яна янги куч билан отилиб чиқди. У бор кучи билан қичқирди:

— Ҳой, Хоспўлат, хизматкорларни чақир, бу ит-ваччанинг бир адабини бериб қўйишсин!— У кичкина гавдаси билан худди мушукдек олдинга сапчиб, Салимнинг юзига шунчалар қаттиқ шапалоқ тортиб юбордики, унинг кўзларидан ўт чиқиб кетди. Салим ўзига келиб, унинг бошига мушт туширмоқчи бўлган эди, орқасидан тушган огир бир зарбадан чўккалаб ўтириб қолди. Хоспўлат мушт уриш билан кифояланмай, Салимни бир-икки яхшилаб тепди. Шунда Салим арил-лаб ўрнидан турди. Хоспўлатнинг белига ёпишди. Қаттиқ қисиб оёғини ердан узди-да, улоқтириб юборди. Лекин Хоспўлат ерга йиқилмай, ўзини ўнглаб қолди. Келиб Салимга ёпишди. Салим унинг томогидан бўғиб олди. Икки қўли билан бўға бошлади. Атрофдан хизматкорлар ёпирилиб келдилар.

— Уринглар бу шумшук итни!— деб қичқирди Жаҳон хоним. Салимдан кўп озор чекиб юрган хизматкорлар қоронғидан фойдаланиб уни калтаклай кетдилар. Ҳовлига чиқиб, буларнинг ҳаммасини томоша қилиб турган Офарида овозини чиқармас: «Майли, бошлаб адабини беришсин. Айиқни пича пийпалаб юмшатишсин. Калтак қанақа бўлишини бир кўриб қўйсин!»— деб ўйларди. Салим хизматкорларга ваҳшиёна қаршилик кўрсатар, гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг кўкрагига мушт уриб ерга қулатарди. Шу пайт бошига яна огир бир зарба тушган эди, у гандириклаб кетди. Иссиқ қон оқиб кўзига тушди. Тош устига ўтириб қолди.

— Яхши, Жаҳон!— деди.— Кўп яхши! Ўлди-ринглар мени! Менинг қасосимни оладиганлар ҳам топи-лар...

Буни эшитиши билан Жаҳон хоним хизматкорларга бас, деди. Офарида эса: «Вой, худо беҳабарлар, бу

нима қилганларингиз!» — деб қичқириб эрининг тепасига келди. Унинг олдида тиззасини ерга қўйди. Қўли билан бошини силаб, жароҳатни топди, бошидан рўмолини ечиб, ярани тез боғлади-да, қўлтигининг тагига кириб оёққа туришига кўмаклашди:

— Туринг, туринг, уйга кетайлик!..

Салим ҳеч нарса демасдан ўрнидан турди. Бўм-бўш ва жим бўлиб қолган ҳовлига қаради. Жаҳон хоним ҳам, Хоспўлат ҳам, хизматкорлар ҳам тарқалиб кетган эдилар. Салим ёрдамлашмоқчи бўлган Офариданинг қўлини нари суриб, аста уйга қараб юрди. Офариданинг орқасидан уйга кираркан, юрагига ваҳима тўлди: «Бу ишнинг охири нима бўларкин? Илёсбек бизни бу ерлардан қувғин қилмаса яхшийди...»

## 2

Лекин эртасига бу хабар Илёсбекка етганида, у қаттиқ саросимага тушди, тили қуриб, танглайига ёпишиб қолди. «Ҳаммасининг мияси айниб қолибди,— у хабар келтирган хизматкорга нима дейишини билмай лол бўлиб турди.— Ҳаммалари телба бўлишган! Бошлари хароб бўлган!»

— Ога, хоним жавобингизни кутиб ўтирибдилар, нима деб айтай?— деб сўраган хизматкорга Илёсбек ғазабини сочди. Гўё ҳамма айб унда эди.

— Жаҳаннамга тушкур, кармисан? Эшитмадингми нима деганимни!

— Эшитдим, ога!— деб дудуқланди хизматкор.— Ҳаммалари мияларини еб қўйишибди, бошлари хароб бўлибди, дедингиз!

— Еб қўйишган демадим, аҳмоқ,— Илёсбек заҳри унга тўкди.— Тагида бўлмаган нарсани қандай қилиб еб қўяди! Бошлари хароб бўлган! Бор, шундай деб айт!

— Бош устига, бек ога! Кетаверайми?

— Жаҳаннам бўл! Ҳамманг бойқушдан ҳам баттарсизлар, ҳар куни бир ёмон хабар олиб келасизлар!..

— Бизда нима гуноҳ, эй бек! Бизга нима деб буюрсалар, шуни келиб айтамыз! Юрагингиз сиқилмасин, эй бек ога, бундай нарсалар кўп бўлиб туради. Худого шукур, бу ишлар фақат сизнинг бошингизда эмас, ўзингизга дард қилиб кўтариб юрманг.

Илѣсбек бошини кўтарди ва биринчи марта бу маҳмадона хизматкорнинг юзига қаради. Уни қаердадир кўргандай бўлди.

— Ҳей, гадо, сени қаердадир кўргандайман,— деди.

— Шундай, бек оға, мени яхши танийсиз... Мен бўлсам сизни ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман.

— Нега? Сенга бирор нарса тортиқ қилган эдимми?

— Тортиқ қилиш нима деган гап, эй бек оға, менга сиз шундай бир яхшилик қилгансизки, мингта тортиқ унинг ўрнини босолмайди.

— Нима қилган эканман сенга?— сўради Илѣсбек ўзининг адолати ва саховати борасида биронта антиқа ҳикоят эшитгиси келиб.

— Оёқларимни фалаққа солиб, боплаб калтаклатган эдингиз, бек оға.

— Бунинг нимаси яхшилик экан, эй ҳайвон? Йўқол кўзимдан!

Хизматкор ўрнидан қўзғалмади:

— Зўр яхшилик қилгансиз, бек оға. Сиз калтаклатмасайдингиз, мен ҳам бу ерлардан қочиб кетмасдим, Бокуга бормасдим. У ерда бир арманининг конторасида ишламасдим ва бошим ҳам бир умрга кал бўлиб қолаверарди,— хизматкор папогини олиб, анчадан бери соғайиб кетган бошини кўрсатди.

— Э-э, сен ўша калмисан?— ажабланиб сўради Илѣсбек.— Қани, берироқ кел, бир кўрай!— Хизматкор яқин келган эди, бек унинг қулоғидан ушлаб ўзига тортди, эгилиб, диққат билан унинг бошига қаради.— Мўъжиза!— У хизматкорнинг қулоғини қўйиб юборди.— Ким тузатди сенинг бошингни?

— Ўша ерда бир ҳаким бор экан, бек оға, қанақа касал бўлса ҳам тузатиб юбораркан. Фарангистон деган кўп мамлакатларда бўлиб, ўқимаган дарси қолмаган экан. Худо унга узоқ умр берган бўлсин, эй бек!

— Отинг нима, э-э, аммо жуда ёмон маҳмадона экансан!

— Хизматкорингизнинг оти Алибола, эй бек оға!

— Э-э, қандай қилиб Салим огангдан қўрқмай келдинг бу ерга?

— Сиз бўлган жойда нега қўрқар эканман, бек оға? Келган заҳотим секин Жаҳон оғамга кўриниб

қўйдим, давлатингиз соясида андак ризқи рўзимизни кўриб юрайлик. Бегона ерларда юрагим қон бўлиб кетди.

— А-а, қани айт-чи, ўша ерда бизнинг темирчини кўрдингми, йўқми? Эшитишимга қараганда, Боку томонларда эмиш.

Алибола бек уни қўрқинчли бир ишга тортмоқчи бўлаётганини кўриб, тез жавоб берди:

— Худо ҳаққи, на унинг юзини кўрдим, на дарagini эшитдим. Боку жуда ҳам катта шаҳар экан, бек оға, ит эгасини танимайди. Ўн йил яшасанг, ким қардалигини билмайсан... Бек оға, Жаҳон огамга нима деб айтай? Бошлари хароб...

Алибола гапини охиригача етказолмади. Бек унинг оғзига урди:

— Кўп вайсама, бор, ҳозир ўзи келар экан де...

Илёсбекдан хабар кутиб, она-боланинг тоқати тоқ эди. Илёсбек дарҳол мулла Самадни чақиртириб, ниқоҳни бекор қилдиради, Салим оғани уйдан ҳайдаб чиқаради, деб ўйлашарди. Илёсбек катта уйга кириб, эшикни ичкаридан беркитиб олди-да, уларни шунчалар қовуриб ташладики, она-бола қилган ишларига пушаймон бўлиб қолдилар.

— Эсларингни еб қўймадингларми мабодо?— Илёсбекнинг фиғони чиқиб кетган эди.— Нима, бу итваччани яхши билмайсизларми? Билмайсизларми, у онасининг эмчагини ҳам кесиб кетади. Иложини топса шайтонни ўтқизиб дарс беради. Пахта билан одамнинг бошини кесолади. Унинг ҳийлакорликда тенги йўқ. Бунақа одамдан эҳтиёт бўлиш керак. Бунинг устига ҳозирги аҳволимизда...

Жаҳон хоним чидай олмади:

— Аҳволимизга нима қилибди, дада? Худога шукур, папоғингизни қимирлатиб қўйсангиз, мундайлардан юзтасининг патини юлиб ташлашади. Мен хотин бошим билан, ижозат берсангиз, эртага юзта хизматкорни йиғаман. Пасткаш итваччани отнинг думига боғлатиб ҳайдатаман. Бу шунақанги бир номардки, сал ён берсанг, бошингга чиқиб от ўйнатади.

Онасининг сўзларидан қизишиб кетган Хоспўлат:

— Бобо, мен чидай олмайман,— деди.— Отамнинг кечаги хизматкори бугун онамни ҳақорат қилса, сизнинг, менинг юзимга оёқ тираса! Жаҳлимни чиқара-

верса, шу ханжарни кўкрагига ураман. Мендан ранжиб юрманг!

Илёсбек уларни совитиш учун кўп уринди. Лекин ҳеч иложи бўлмади. У кўп гапирди, она-бола кам эшитди. Улар янгидан-янги далиллар келтириб, алоҳа уни ҳам ўз тарафларига тортдилар.

— Укамнинг қони унинг қўлида, дада!— деб йиғлади Жаҳон хоним.— Ўша темирчини шу бошлаб борган. Укамнинг ўлимига сабабчи бўлган. Менинг кўзларимга тупроқ тўлса бўлмайдими, укамнинг қотилини уйимга киритиб ўтирибман!

Сафиқулининг номини эшитганда Илёсбекнинг ранги пахтадай оқариб кетди, ҳар бир мўйи тикандай диккайди.

— Нега менинг ярамни тирнайсан, Жаҳон?— деб зорланди.— Ахир, биласан-ку, унинг отини эшитганда мен телба бўлиб қоламан. Ақлимни йўқотаман, бориб у номарднинг юрагига ханжар санчгим келади!

Илёсбек қўлини ханжарнинг дастасига босиб, оёққа турган эди, Хоспўлат унинг йўлини тўсди:

— Бобо, мен турибман-ку бу ерда, у олчоқ билан олишгани сиз борасизми? Ижозат беринг, ҳозир бориб, бошини итнинг калласидай узиб, оёғингизга келтириб ташлайман!

У эшикка йўналди. Илёсбек унинг қўлидан ушлади.

— Майли, сизлар айтганча бўла қолсин!— У худога таваккал қилиб тасбеҳ ўгириб, дуо ўқиди.— У Салим оға бўлса, мен Илёсбек бўламан! Кўрамиз, ким кимнинг оёғига йиқиларкин?

Ўша куни кечаси вақт алламаҳал бўлиб қолганда Карим туякаш оҳиста Салим оганинг эшигини тақиллатди. Офарида эшикнинг аста тақиллашидан ваҳимага тушиб, эшикка яқин борди. Келган Карим туякаш эканлигини билиб тиззалари қалтиради, тўшакда узола тушиб ётган Салимга деди:

— Карим туякаш келибди, нима қилай?

Бейхтиёр Салимнинг ҳам ранги оқарди:

— Нима қилардинг? Чақир бу ёққа!— деди.

Карим туякаш ҳар доимгидай салом берди. Лекин ҳол-аҳвол сўрамасдан:

— Салим оға,— деди,— турунг ўрнингиздан. Бек сизни чақиряпти...

Салим оға: «Бекка кечаси нимага керак бўлиб қо-

либман?» — деб сўрамоқчи бўлди, лекин сўраб ўтирмади. Каримнинг юзидаги ифодадан гап ортиқча эканлигини билди. У ўрнидан туриб, кийинаётганида Офариданинг унга юраги ачиди, биринчи марта унга раҳми келиб кетди.

— Қаёққа борасиз? — деди ва унинг кўзларидаги ожиз бир ифодага тўқнаш келиб, Каримга ўгирилди. — Кечаси қаерга олиб бормоқчисиз ўзи бу кишини? Инсофингиз борми? Худодан қўрқмайсизми?

Каримнинг юзи ўзгармади. Ҳамиша кулиб турадиган юзини Салимга ўгирди:

— Тезроқ бўлинг, Салим оға, ҳовлида кутиб тураман...

Салим, ҳовлига чиқишим билан икки баҳайбат хизматкор устимга ташланиб, огзимга рўмол тиқади, сўнг сомон қанор билан бошимни ўраб, бекнинг ҳузурига олиб боришади, деган хаёлга борди. Ханжарни маҳкам қисиб ҳовлига чиқди. Иккала хизматкорни ҳам, Каримни ҳам ўлдирса ўлдирадими, лекин бундай бадномчиликка йўл қўймайди. Эшикни беркитиб ҳовлига чиққач, тўрт тарафни кузатди, лекин ҳеч қандай шарпа эшитмади. Дарвозага қараб йўл олди. Карим бир ўзи эди, бир неча дақиқа ёнма-ён бордилар.

— Тинчликми, Карим? — сўради Салим оға.

— Билмадим, бекнинг зарур иши бўлса керакки, сизни бемаҳалда чақиртирибди. Нега бошингизни боғлаб олдингиз? — сўради худди уни энди кўргандай Карим.

— Қораёзи ўрмонида қабон овлаб юрувдик, эманнинг бутоғи тегиб кетди, арзимаган нарса...

Карим унга ишонгандай, индамади. Илёсбекнинг ҳовлисига етиб келганларида Карим тўхтади:

— Бу ёғига ўзингиз бораверинг, Салим оға. Ижозат беринг, энди мен кетай, — деди-ю, қоронгилик ичида гойиб бўлди. Салим оға оёғи билан эшикни очиб, ичкарига кирди. Уч қадам босмасидан бизга маълум бўлган баҳайбат навкарлар уни босиб, қўл-оёқларини боғладилар-да, юмалоқлаб қанорга тиқдилар. Тортиб, Илёсбекнинг ҳузурига олиб келишди. Остона тагида ерга ўтқизишди.

— Бошини қанордан чиқаринглар, огзини очинглар! — амр этди Илёсбек. Қанорнинг огзини очиб, Са-

лим оганинг елкасига туширдилар. Огзидан латтани тортиб олдилар. Салим ога чуқур нафас олиб, уй ичини кўздан кечирди: Илёсбек тўрда каттакон гулдор гилам устида болишга суянганча чордона қуриб ўтирарди. Чилим тортарди. Унинг ўнг томонида Жаҳон хоним, сўл ёғида Хоспўлат ўтирардилар. Улар ёвқараш билан Салимга тикилдилар.

— Босар-тусарингни билмай қолибсан, Салим ога! Кимсанки, менинг қизимга қўл кўтарибсан!— деди Илёсбек.

— Мени нима ҳолга солишганини кўринг,— охирги журъатини йўқотмасликка тиришди Салим ога ва бошини эгиб кўрсатди.

— Дада, бу билан ади-бади айтиб ўтиришдан фойда йўқ, амр қилинг, бунинг ишини бажаришсин!— деди Жаҳон хоним совуқ, омонсиз овоз билан. Салим ҳеч қачон танимаган ғаддор бир ҳукмдорнинг товушини эшитгандай бўлди. Хиёл ҳайратомуз суръат билан бир он ичида уни сарин тоғ ёнбағрида тикланган Жаҳон хонимнинг чодирига олиб кирди, уни ўт бўлиб ёнган бағрига босган кечани ёдига солди. Бу баттол пақана қандай қилиб ўшанда кўзига чиройли ва ширин бўлиб кўринди экан?

— Оталар қонга қон дейишган!— Илёсбек киприк қоқмасдан Салимнинг кўзларига боқди.— Қудуқнинг бошида Сафиқулибекни ўлдириб кетишган эди. Бунинг суяклари ўша қудуқ ичида чириб кетсин. Оборинглар, қудуққа ташланглар!

Эшикнинг икки томонида турган баҳайбат шарпалар қўзгалди. Салим сўнгги ғурурини йўқотди. Эрлиги бир пул бўлиб, ўзини юзтубан ерга ташлади, йиғлаб ёлворди:

— Мени балоларингизнинг бошига ўғиринг, эй бек! Менга раҳм қилинг!

Илёсбек мана шу дақиқаларни шунчалар кутган эди, Салимнинг юзтубан тушишини, ёлворишини шу қадар истаган эдики! Мана, у ялиниб, оёқлари тағида ётибди. Илёсбек бу дақиқаларни узоқроқ чўзишни истади.

— Ҳани, айт бўлмаса, Сафиқулибекни қотилнинг қўлига қандай қилиб топширдинг, қандай қилиб ўлдирдинглар, ханжар суққан ким эди?— деб сўради.

— Худо номига қасам ичаманки, бу ишдан менинг

сира хабарим йўқ!— Салим онт ичганидан сўнг Илёсбек чилимни нарига сурди.

— Олло таоло номига ёлғондан онт ичганинг тилини кесишади, Салим оға! Онт ич!

Жонини ҳовучлаб турган Салим оға ўйлаб ўтирмай онт ичди:

— Яккаю ягона яратганга от ичаманки, эй Илёсбек, Сафиқули оғанинг қандай ўлдирилганидан менинг хабарим йўқ!

Илёсбек юзини парда томонга бурди.

— Гувоҳни олиб келинглар!

Парда орқасидан Алибола чиқиб келди. Салим оға уни кичкина бўйидан, чаққон ҳаракатидан таниди ва шошиб қолди:

— Худо кўрсатмасин, ё мени қора босяпти, ё тилсимга тушиб қолдим!

— Қани, гапир!— Илёсбек Алиболага амр этди. У Салим оғадан кўзини олиб қочишга уриниб:

— Огамнинг ҳамма нарсадан хабари бор,— деди.— Ҳар нарсада қўли бор.

У Салимнинг Вафодорлар билан кўришганини, уларни Сафиқулини ўлдиришга ундаганини айтиб берди. Салим қоп-қорайиб кетди. Тили калимага келмасди. Бошини қуйи эгганча жим қолди. Илёсбек Алиболани чиқариб юборди.

— Тамгаларни олиб келинглар!— деб буюрди хизматкорларга Илёсбек.— Ёлғондан худога онт ичганинг кўксига тавқи лаънат тамгасини босмоқ керак. Иккинчи бу ишни қилмасин!

Қизиб турган темир тамгаларни олиб келишди. Салимнинг кўкрагини ялангочлаб чўғ тамгани босишди.

— Энди олиб боринглар, қудуққа ташлаб юборинглар!

Салим яна юзини ерга урди, ялинди-ёлворди:

— Хато қилибман, эй бек, гуноҳимни кечиринг, қиёматга қадар хизматингизда бўламан. Ўл десангиз, ўламан, қол десангиз, қоламан! Менга раҳм қилинг!

— Мулла Самад келсин!— Илёсбек амр этди. Сал ўтмай мулла Самад кириб келди.

— Мулла, буларнинг никоҳини бекор қилинг. Бунинг номидан бизда ҳеч қандай мол-жон даъвоси йўқ, ҳовли-жойда ҳам ҳеч қандай улуши йўқ деб қоғоз ёзинг.

Мулла ёзди. Салим оға бармоқ босди. Бутунлай номусини йўқотган ҳолда зорланди:

— Менга раҳм қилинг, эй бек, токи жоним бор экан, эшигингизда ғуломингизман...

— Мулла Самад, қуръонни беринг, қўл босиб онт ичсин!

Салим оға қуръонни слиб уч марта ўпди, кўзларига суртди, сўнг қўлини босиб туриб, онт ичди.

— Энди бунинг оёғидан ўп, ёлвор, сенинг гуноҳинг-ни кечирсин!— Илёсбек Жаҳон хонимни кўрсатди.

Салим оға суришиб бориб, унинг оёғидан ўпди. Илёсбек бу билан ҳам қаноатланмай, бундан буён ҳеч қачон унга ёв кўзи билан боқмасин, оға кўзи билан боқсин, деб уни Хоспўлатнинг оёғидан ўпишга ҳам мажбур қилди.

— Энди уйига жўнатинглар! Икки-уч кундан сўнг буларни олиб.— Илёсбек баҳайбат навкарларини кўрсатди,— тегирмоннинг қари ити билан чўпон Валини олиб келасан-да, ҳовлининг этагидаги чоҳга ташлаб қўясан!

— Бош устига!— деди Салим.

— Агар буларнинг бошидан бир туки ноҳақ тўкилса, ўзингдан кўр!— деди Илёсбек охирида ва уларга кетишга ижозат берди. Бутун ғурурини йўқотган, ҳаддан ортиқ эзилган ва ҳолдан тойган Салим оға ўзини чумолидай ожиз сазди. Унинг боши чириллаб айланар, оёқ устида зўрга турарди. Шу аҳволда у нима деганининг, нима қилганининг фарқига бормай, эгила-эгила Илёсбекка, Жаҳон хонимга, Хоспўлатга таъзим қилиб, ташқарига чиқди. Илёсбек мағрур ва ўзидан рози ҳолда қизи билан Хоспўлатга: «Ҳа, қалай, кўнгилларинг ўрнига тушдими, энди рози бўлдингларми?»— дегандай қилиб қаради. Улар рози эдилар! Уларнинг учаласининг ҳам кўзлари хатарли душмандан халос бўлган, ундан бошлаб ўчини олган музаффар фотиҳларнинг кўзлари каби галаба ўти билан ёнарди. Учаласининг ишончлари комил эдики, Салим оғани топташ, эзиш, маънан ва руҳан дабба қилиш ҳар қандай ўлим жазосидан кўра кучлироқ, даҳшатлироқ. Энди у ўн йил, йигирма йилгача уларнинг ҳузурида бошини кўтаролмайдиган бўлади, гаҳ деса қўлларига қўниб туради. Ғалаба бодаси шунчалар ширин ва таъсирли эди! Бу бода Жаҳон хоним билан Хоспўлатнинг ва

хатто улардан кўра хийла тажрибали, дунё кўрган қари бекнинг кўзларини ҳам туманлаштириб қўйганди. Уларнинг хаёлига ҳам келмасдики, топталганлар ўз жаллодларидан янада омонсизроқ, янада даҳшатлироқ интиқом олиш қасдига тушадилар. Салим оғанинг чап кўкрагидаги қора доғ умрининг охиригача асло битиб кетмайди, уни кеча-кундуз қасос олишга чорлайверади...

### 3

Файтон гоҳ тошли, гоҳ тупроқ йўллардан илгариллагани сари, кўклам ҳароратидан бош кўтариб чиққан кўм-кўк майсалар, чечакларга бурканган чўллар, яшил далалар, чамандай очилган дарахтлар орқада қолиб борарди. Ора-сира бир-биридан анча узоққа жойлашган бўз, лойшувоқ уйлардан иборат қишлоқлар кўзга ташланарди. Йўлнинг икки томонидаги чўлларда сурувлар ёйилиб ўтларди. Мана шу манзараларнинг ҳаммаси Ҳури хонимга энди сира ҳам қайтиб келмас дамларни эслатар, у ширин ва аччиқ хотираларга ғарқ бўлган, юраги шу хотираларнинг зарби билан урарди. У ўтмиш хотираларга шунчалар берилиб кетган эдики, ёнида ўтириб тинимсиз гапираётган Жаҳон хонимнинг сўзларини эшитмас, беихтиёр бошини қимирлатиб тасдиқлагандай бўлиб ўтирар, лекин хаёли жуда йироқларда эди.

— Она, Ҳури момом гапларингизни эшитмаяпти, хаёл суряпти. Қўйинг, хаёлларини бўлманг! — кулимираб онасини гапдан тўхтатди Хоспўлат.

— Вой, эсим қурсин! Уйдан чиқиб кетганига неча замонлар бўлгани ёдимдан кўтарилибди. Энди кўриб юраги эзилади. Нима бўлганда ҳам ватан-да!

«Ватан!» Бу сўзни эшитганида Ҳури хонимнинг ҳам, файтончининг ёнидаги ўриндиқда ўтирган Соҳибнинг ҳам кўзларида ҳайрат ва таажжуб акс этди. Ватан Жаҳон хонимга ўхшаганларнинг тилида қуруқ сўз бўлмай, юракларида, шуурларида дардли бир ишқ бўлиб яшаса, қалбларида бир нурга айланса ва бу нур уларга ватаннинг оғир дардларини, жароҳатларини кўрсатса нима қиларкин, деган хаёл яшин тезлигида кечди уларнинг бошларидан. Ана ўшанда жаҳон хо-

нимлар ватан бу — сурувлари ўтлаган, ҳашаматли уйлари қад кўтарган тупроқдангина иборат эмас, бундан кўра буюкроқ ва муқаддасроқ нарса эканлигини тушунган бўлармидилар балки.

Соҳиб кўз ўнгидан ўтиб бораётган манзараларга тикилиб хаёл сураркан, баҳридили очилар, руҳида бир енгиллик ҳис қиларди. У ҳам Жаҳон хоним сўзлаётган қўй-қўзиларнинг аҳволи, жуннинг бу йилги баҳоси, савдогарларнинг қишлоқларга тез-тез келаётгани ҳақидаги гапларга кам қулоқ солар, кўзларини кўк-ламнинг жозиб манзараларидан узолмасди. Лекин Жаҳон хонимнинг «нима бўлганда ҳам ватан-да», деган сўзларини эшитиб, орқага ўгирилди:

— Э-ҳ, Жаҳон хола, бир пайти келиб ватан ҳақида ўйлаган нарсаларимнинг ҳаммасини сизга айтиб бераман.

— Шунинг учун ҳам сизларни энди юбормайман. Ота юртларингда қолинглар. Ўз элларинг, тузилган ерларинг! — Жаҳон хоним яна Ҳури хонимнинг юрагига оний бир ваҳима солди. Ҳури Соҳибга бу ерлар ёқиб қолиб, Тифлисга боргиси келмай қолса-я, деб чўчирди. Ахир, у қишлоқларда мактаб очиш, касалхона қуриш, ҳаммом солиш орзусида юрарди-ку.

Файтончи йўл бўйидаги булоқ олдида отларни тўхтатди. Ҳаммалари файтондан тушиб, юз-қўлларини тиниқ сувда ювдилар. Шунда Ҳури хонимни ваҳимага солган фикрлар ҳам енгил туман каби тарқалиб кетди. Йўлга тушганларида Ҳури хоним яна ўз хаёлларига толди. Файтон бизга маълум дарвоза олдида келиб тўхтаганида Ҳури хонимнинг юраги ҳаяжондан гурсиллаб уриб кетди, юзига қизиллик югурди. Уларнинг келганларидан хабардор бўлган қўни-қўшни, хизматкор ва оқсочлар ҳовлига дувиллаб тўкилишди. Улар Соҳиб билан Ҳури хонимни қучоқлаб ўпишар, йиглардилар. Жаҳон хонимнинг Офаридадан қилган шикоятларига қарамасдан, Ҳурининг кўзи ҳовлининг нариги бошида эди. Ниҳоят, кийиниб, тузанган Офарида уйдан чиқди ва чопиб келиб Ҳурининг бўйнига осилди:

— Келган йўлларингга қурбон бўлай, илоҳо доимо уйингнинг чирогини ёқиб ўтиргайсан! — У нимадан-дир хўрлиги келгандай ҳиқиллади, кўзларига ёш олди. Сўнг Соҳибга бошдан-оёқ тикилди ва бўйнидан қучоқлади!

— Худого шукур! Қаранглар, азамат йигит бўлиб кетибди-я!

Бу манзарага четдан кўз учида қараб турган, қўни-қўшнилари саволларига жавоб бераётган бўлса ҳам, фикри-зикри Офаридида бўлган Жаҳон хоним ўйлади: «Ҳа, энди буни ҳам чангалингга тушир! Ҳаёсиз!...»

Йиғилганлар Ҳури хоним билан Соҳибнинг европача кийимиб олганларини кўриб ҳайратга тушар, ёқаларини ушлардилар. Баъзилар уларни гапга тутта бошладилар. Жаҳон хоним:

— Бўлди энди, йўлдан чарчаб келишган... Кейинроқ гаплашасизлар,— деди-да, Ҳурига қараб, ойнаванд уйларни кўрсатди.— Ҳури синглим, қани, юқориға чиқинглар!

Жаҳон хоним олдинда, Ҳури ва Соҳиб унинг кетидан тепага кўтарилар эканлар, Ҳурининг тиззалари қалтирарди. У гўё туш кўраётгандай эди. Бир пайтлар бу ерларни тарк этиб кетаркан, қайтиб келиши хаёлига ҳам келмаган, яна шу уйнинг остонасини босаман, мана шундай кутиб олишади деб ўйламаганди.

Жаҳон хоним уларни жойлаштириб ташқарига чиқди, оқсочларга чамадонларни олиб келишни, чойовқат ҳозирлашни буюрди. Бу ишларга кўз-қулоқ бўлиб туриш учун ўзи ҳам пастга тушиб кетди.

Ҳури хоним ҳеч нарсани кўрмаётган, эшитмаётганга ўхшарди. У дераза олдиға келди. Шу дераза олдида ўтириб, бир замонлар Соҳибга эртақлар сўйлаган, қўшиқлар ўргатган, булутларнинг қаердан келиб, қаерга кетишларини, турналарнинг кўчишларини тўшунтирган эди. Мана шу дераза олдида уни сочидан судраб ташқарига олиб чиқишган, «она!» деб қичқириб йиғлаган Соҳибга қулоқ солмай, бир-бирларидан айирган эдилар...

— Онажон, мунча ўйланиб қолдингиз?— Соҳиб унга яқинлашди ва онасининг юзидан оқиб тушаётган кўз ёшларини кўриб, унинг бошини кўкрагига босди ва маъюс илова қилди.— Онажон, ўтган кунларни унутиш керак... Ўтган ўтди, кечган кечди... Келажакнинг фикри билан яшайлик энди, бу шўрлик ҳамюртларимизни жаҳолатдан халос қилишни ўйлайлик. Тўғриси, бошимизга қандай кунларни солган бўлишмасин, ҳаммасини кечирдим. Энди ярамас одатлар

билан яшаб бўлмаслигини зора тушуниб етишса. Қасд қилиш, ғараз-адоватларни йиғиштириб, бир-биримизга ҳурмат ва меҳр билан қарамоғимиз лозим. Илм ўргангандагина, қўлни қўлга бериб, аҳиллик билан иш қилгандагина бахтиёр келажакка эришиб бўлишини билсин улар. Мана шу нарсаларни тушуниб етишса, биз ҳам мақсадимизга эришган бўламиз, онажон!

Лекин илк кунларданоқ Соҳиб ҳамюртларининг ҳаёти унинг бу орзуларидан ҳали жуда йироқ эканлигини кўрди. Икки кун давомида бутун қўни-қўшни, қавми-қариндошлар уларни зиёрат қилгани оқиб келдилар. Уларнинг баъзилари Ҳури ёлғиз қолган пайтларда, маҳрамона тарзда унга бу ерда юз берган ва бераётган қоронги воқеаларни сўзлаб берардилар. Уларни эшитаркан, Ҳури қайғуга чўмарди. Ташқаридан сокин кўринган бу ҳовли аслида вулқон каби отилишга тайёр турар, бир-бирлари билан салом-алик қилиб юрган одамлар кезини топиб, бир-бирларининг гўштларини ейишдан ҳазар қилмасдилар. Ҳури уларга ачинарди. Бир кеча Офарида Салимнинг бошига тушган ишларни сўзлаб берди. Ҳури анг-танг бўлиб қолди. Кўҳна адоватлар, кўҳна кин-газабкор ҳислар уларнинг юракларида бўш жой қолдирмаган эди. Ҳури шуни ўйлаб даҳшатга тушди. Бу бадбахтлар кечакундуз бир-бирларининг пайларини қирқиш билан банд эдилар. Шунинг учун ҳам улар бошқаларнинг бошига тушган мусибатга эътибор бермас, фақат ўз бошларига тушганда шикоят қилишар, бошқаларга қилган ёмонликларини эса табиий деб санардилар. Шунинг учун Салимнинг аҳволини айтиб берган Офарида гапининг охирида:

— Биламан, унинг ўзи ҳам одам эмас, золимликда улардан қолишмайди!— деб эътироф этган эди, Ҳури: «Шўрлик Офарида! Сен бошқача бир одамларнинг ичига тушганинда жуда ҳам яхши хотин бўлар эдинг!»— деб ўйлади ва афсусланди.

— Нега шундай одамга эрга тегдингиз?— сўради у Офаридадан.

— Нима қилай, Ҳури синглим? Ожиз бир хотин бўлсам, қўлимдан нима келарди? Бунга тегмасам, Шўртонга ўхшаган бир аҳмоққа узатиб юборишарди. Ҳеч бўлмаса бунинг қўлидан иш келади-ку, менга,

болаларимга бош бўлади-ку, деб ўйладим. Бировга талатиб қўймайди, дедим.

Офарида хоним туриб кетаркан, Салимнинг ҳали ҳам эшикка чиқмаётганини, одамларнинг юзига қаролмаётганини, кўришга келолмагани учун хижолат чекаётганини, эртага кечқурун келмоқчи эканини сўйлади, Ҳури:

— Марҳамат, қачон истаса, келсин, марҳамат! — деди. Ичида Салим шунчаки, бекорга келмаса керак, деб ўйлади. Унинг қандайдир бир мақсади бор. Соҳибни турли-туман орзу ва истак билан келиб кўрувчилар ҳам оз эмасди. Лекин Ҳури агар Салимнинг бир тилаги бўлса, бу унча енгил тилак бўлмайди, деб ўйларди. Гапнинг ростини айтганда, Ҳури бу одам ҳақида хотиржамлик билан фикр юритолмасди. Унинг номини эшитганида ҳам ғазабланар, ҳам қўрқарди. Шунинг учун ҳам ўғли бу одамлар билан ҳеч қачон таниш-билиш бўлишини истамасди.

Юртдошлари билан кўришиб бўлганларидан, кет-кел тугаб, Жаҳон хоним ҳам ўз уйига чиқиб кетганидан сўнг она-бола ўтиришиб, куни бўйи олган таассуротларини гаплашишар, бир натижага келишга ҳаракат қилардилар. Ҳури Салим тўғрисида Офарида айтиб берган гапларни, унинг ниятини ва ўз шубҳаларини ўғлига айтиб ўтди. Соҳиб анча ўйланиб қолди.

— Онажон, — деди у, — кўп ўйлайверманг. Ҳеч нарса бўлмайди. Бугун Илёсбек мени «биз ҳам болаларни ўқитаямиз», деб мактабга олиб борди. Мулла Самаднинг мактабини кўриб, даҳшатга тушдим. Мулланинг бир ёғида хивич-таёқлар, иккинчи ёғида фалақ турибди. Яна бадбахтнинг гапини қаранг, болаларни одам қиладиган нарсалар шулар, дейди. Мен унга дунёдаги аҳволдан, Европа усулидаги мактаблардан, дунёвий илмларнинг аҳамиятидан гапирдим. Келинг, сизга ёрдам берай, мактабни озгина бўлса ҳам замонавий қилайлик, дедим. Гапим на унга ёқди, на Илёсбекка. Мулла Самад: «Неча йил Русияда яшаб, шуни ўрганиб келдингми?» дейди.

Ҳури хоним унга жавобан нимадир демоқчи бўлиб турган эди, эшик оҳиста тиқиллади. Соҳиб ўрнидан турди.

— Ким? — деб сўради у ва қиз боланинг овозини эшитиб, эшикни очди. Ўн-ўн бир яшар, кичкинагина,

сочлари пахмоқ, қорамағиз, оёқ яланг, эгнида эски, тиззасигача тушиб турган кўйлақдан бошқа нарсаси бўлмаган қизча ичкарига кирди. Боланинг кўринишидан юраклари ачишган она-бола қизчани олиб бориб курсига ўтқиздилар.

— Сен кимсан, қизим?— Ҳури юмшоқ, меҳрибон қўли билан қизчанинг сочини силади. Қизча уялиб, бўртиб жавоб берди:

— Чўпон Валининг қизиман.

Бу номни эшитиши билан Ҳурининг ёдига Вафодор билан унинг садоқатли дўстлари тушди. Беихтиёр юраги қаттиқроқ ура бошлади.

— Отанг тузукми, қизим? Соғ-саломат юрибдими?

Қизча жавоб бериш ўрнига ёшли кўзларини четга бурди, хўрсинди.

— Нима бўлди, қизим, қани айт-чи, нима бўлди?— сўради Соҳиб,

— Отамни олиб кетишди!— қизча ҳўнграб юборди.

— Ким олиб кетади, нега олиб кетади?

— Илёсбек олиб кетди. Ҳовлисидаги қудуққа ташлади... Онам, садағалари кетай, бизга ёрдам беришсин, деб мени юборди.

Ҳури хоним билан Соҳиб бир-бирларига маъюс қарадилар. Ҳури Илёсбекнинг ҳовлисидаги зиндонда чуриб кетган одамлар ҳақида Соҳибга сўзлаб берган эди. Улар қизчага тасалли бердилар. «Сабр қилинглар, худо мададкордир!»

— Нега онанг ўзи келмади?— сўради Ҳури.

— Қўрқди, кўриб қолишса, бизни қишлоқдан ҳайдаб юборишади, деди.

— Сен қандай келдинг? Эшикни ким очди?

— Томдан келдим.

— Қўрқмадингми?

— Йўқ, мен деворлардан мушукдай сакраб ўтаман.

Ҳури қизчани силаб-сийпади, унга кийимлик берди. Кийимликнинг орасига ширинликлар ўраб, қизчанинг қўлтиғига қистирди.

— Хавотир олма, отангга ёрдам беришга ҳаракат қиламиз,— деб эшикни секин очиб, қизчани кузатиб қўйди. Бир пайтлар Жаъфар Савалон шу йўлдан келиб кетганди. ۞

Она ва ўғил анчагача халқнинг оғир аҳволидан, адолатсизликлардан, инсон шарафининг топталаётганидан гаплашдилар. Энди бу уй, бу хоналар илгариги ҳароратини йўқотгандай эди назарларида. Улар ўзларини бўғилиб кетаётгандай ҳис қилардилар.

— Онажон, чўпон Вали ҳақида Илёсбекнинг ўзи билан гаплашсаммикин, нима дейсиз?

— Нима ҳам дердим, ўғлим, гаплашсанг ҳам азоб, гаплашмасанг ҳам азоб. Шу ҳам ҳаёт бўлдимми! Одамни мушкул вазиятга солиб қўяди.

— Ҳар ҳолда бунинг ваҳшийлик эканлигини унга билдириб қўйиш керак,— деди қатъий бир фикрга келиб Соҳиб.

Қизча кетганидан сўнг бир оз вақт ўтгач, эшик яна тақиллади. Офарида хоним билан Салим ога келган эдилар. Салимнинг боши ҳамон боғланган эди. У ичкарига кириши билан баҳайбат гавдасини Ҳури хонимнинг пойига ташлаб оёқларини қучоқлаб ўпди.

— Қурбонигиз бўлай, гуноҳларимни кечиринг. Сизнинг олдингизда гуноҳларим шунчалар кўпки, оёғингизнинг тагида ўлишга ҳам розиман.

Ҳури саросимада қолди. Ирганиб оёғини тортиб, ўрнидан турди. Салимнинг қўлидан ушлаб, ўрнидан турғизди, лекин ҳеч нарса деёлмади. Тили сўзга келмасди. Салим Соҳибни бағрига босди. У юзидан, бу юзидан ўпиб, худога ҳамду сано ўқиди.

— Ўлсам ҳам сизларга ўхшаган олижаноб одамларнинг оёғи остида ўлай. Огаёна кишиларнинг оёғини тавоф қилай деб келдим.

Ҳури хоним уларни ўтиришга даъват этди. Чой ҳозирламоқчи бўлди. Офарида қўймади.

— Бирпасга келдик, сизлар билан кўришиб кетмоқчи бўлди,— деб Салимни кўрсатди.

Лекин иш саломнинг ўзи билан битмади. Салим бошига нималар тушганини, чўпон Валини қудуққа ташлашганини, Турон бобони зиндонга солиб қўйганларини айтиб берди.

— Юз ёшга кирган пайғамбардай нуроний бир кексани шу ҳолга солгандан сўнг буларни одам деб бўладими!— деб ғазабдан титраб кетди.— Балки Тифлисда сардорга маълум қиларсизлар, зора бечораларни халос қилса. Бошқа илож йўқ!

Туриб кетаркан, Салим Соҳибни қучоқлаб ўпди,

яна Ҳурининг оёғига йиқилиб йиглади. Офарида эса куйиниб, деди:

— Қаранглар, тоғдай одамни нима кўйга солиб қўйишди!

— Ўғлим, Илёсбек билан гаплашма!— деди қатъият билан Ҳури.— Сўзинг ерда қолади. Ўзи бизга бошқатдан душман бўлади. Бошқа чора топайлик...

— Мен ҳам шу фикрга келдим!— рози бўлди Соҳиб.— Эртага эрталаб йўлга тушамиз. Балки Тифлисда бу шўрликларнинг ҳолига чора қиладиган одам топилар...

Кечаси она ва ўғил анчагача ухломмай ётдилар. Эшитганлари, кўрганлари уларни ҳаёлда таъқиб этар, изтиробли ўйлар уйготарди. Эрталаб уларни пилалар тагида ҳар кунгидай Жаҳон хоним билан Хоспўлат қаршилади. Самовар париллаб қайнаб турган, бол, қаймоқ, тухум, товуқ гўшtidан қилинган қовурдоқлар қўйилган дастурхонга таклиф қилдилар. Чой ичишаркан, Соҳиб мақсадга кўчди:

— Жаҳон хоним!— деди.— Бизни кечиринг. Бугун йўлга чиқмасак бўлмайди.

Жаҳон хоним ҳам, Хоспўлат ҳам ҳайратланиб қолдилар.

— Вой-й, мунча тез бундай? Нима, яхши кутиб ололмаямизми? Кўнгилларингиз тўлмадими?

— Ҳаммаси жуда яхши, жуда хурсанд бўлдик, лекин зарур ишим бор. Эртага Тифлисда бўлишим керак.

— Давлат хизматчиси, ихтиёри ўзида эмас!— Ҳури хоним ўзига саволомуз қараган Жаҳон хонимни тинчлантирди. Улар қайта-қайта таассуф билдиришса ҳам, Ҳури билан Соҳибнинг кетишга қарор қилганларидан хурсанд эканликлари сезилиб турарди.

Чой ичилиб бўлгач, бир соатлардан сўнг қўша от қўшилган файтон Тифлис йўлига чиққанида, Ҳури ҳам, Соҳиб ҳам ўзларини тўрдан, қафасдан қутулгандай ҳис қилиб, эркин нафас олдилар. Чўлларнинг тоза, муаттар ҳавоси руҳларига енгиллик бағишлади. Баҳорнинг офтоби улар учун азиз ва қадрдон бўлиб қолган шаҳарнинг ғарб томонидаги тоғлар, баланд тепаликлар ортига ёнбошлаганида файтон Шайтонбозорга етиб келди. Бозор тарқаётган пайт эди. Бир-ярим сотувчилар кўзга ташланарди.

— Ўғлим, нон олиб чиқарсан балки,— Ҳури Соҳибга мурожаат қилди. Файтончи отларнинг жиловини тортди. Соҳиб ерга сакраб тушган эди, Ҳури хоним ҳам бозор айлангиси келиб, унга қўшилди. Улар беш қадамча юриб, бурчакдаги уйдан бурилишлари билан икки хотин билан бир кишининг девор тагига қўйилган юк ва сандиқларга суяниб ўтирганларига кўзлари тушди. Пича яқинлашганларидан сўнг Ҳури Соҳибнинг қўлидан ушлади ва титраган овоз билан деди:

— Соҳиб, қара-чи, анави Наташа эмасми?

Соҳиб суюниб кетиб, қичқириб юборди:

— Онажон, Наташа хола, анавиниси Евдокия Ивановна!

Икковлари ҳам ўзларини уларнинг устига отдилар, қучоқлашиб ўпишдилар.

— Евдокия Ивановна, азизим, хуш келибсизлар!— уни қучоқлаб олди Ҳури. Соҳиб эса Наташани бағрига босди:

— Сиз қаерда-ю, бу ерлар қаерда, а, Наташа хола?— Соҳиб унинг қўлларидан, анча оқарган сочларидан, мовий, гўзаллигини йўқотмаган кўзларидан ўпди.

— Оҳ, басурманлар!— Евдокия Ивановна севинчдан йиғлар, Наташанинг ҳам кўзлари ёшланганди.

— Сизларни бизга худонинг ўзи етказди! Қаерда тунашимизни билмай турган эдик. Аксига олиб Фёдор ҳам бетиб бўлиб қолди.— Наташа юк устида юпқа адёлга бурканиб ўтирган, ранги оқарган, чакаги ичига ботган кишини кўрсатди.— Менинг эрим.

— Ўша Фёдорми?— сўради Ҳури.

— Йўқ, у Фёдор Сибирда вафот қилди. Бу — собиқ крепостнойнинг ўғли. Сибирь конларида ишларди.

— Николай қандай? Иван амаки қалай, тузукми?— сўради Ҳури.

— Николайни тупроққа топширдик,— жавоб берди Евдокия Ивановна.— Сургундан қайтиб, терламага тутилди. Иван ҳалиям Сибирдан қайтгани йўқ. Худо ўзи уларнинг гуноҳларини кечирсин. Пешанасида ёзилгани шу экан.

— Онажон, сизлар файтонда ўтириб туринглар, мен бозорга кириб майда-чуйда олиб чиқаман, кейин бемалол гаплашаварамиз.

Файтончи наташаларнинг юкларини файтонга ортиди. Ўзларини ҳам жойлади. Соҳиб ҳам егулик олиб

қайтди ва файтончининг ёнига ўтирди. Йўлга тушдилар. Тифлиснинг тепа қисмидаги бизга маълум уйда ўтириб овқатланишаркан, Евдокия Ивановна бошидан кечирганларини гапириб берди. Улар ўз бошларига тушган фалокатларни кулиб, ҳазилга олиб сўзлашарди. Ҳури хоним билан Соҳиб уларга тасалли беришди. Ҳури хоним деди:

— Бошларингизга кўп балолар тушибди. Эшитиб, юракларимиз вайрон бўлиб кетяпти. Худога шукурки, бизга қилган яхшиликларингиздан жуда бўлмаса мингдан бирини узиш учун имкон берди. Минг шукур, сиздек пок қалбли, садоқатли дўстларимиз билан яна дийдор кўришмоқ сизга насиб бўлди.

#### 4

Июнь ойи охирламоқда эди. Кавказда ҳаволар исиб кетди. Қуёш саховатли нурларини аямай ерга тўқар, боғларда ширин-шакар мевалар етишарди. Наримон тўрвадан ширин нок олиб, пичоғи билан кесиб еди. Иссиқдан томоғи қуриган, чанқаган эди. Нок чанқоғини босди, иссиқнинг тафти бир оз кесилгандай бўлди. Дастрўмоли билан қўлларини ва пичоқни артди. Сўнг ёнбошлаб, «Кашкул» газетасини очиб, кўздан кечира бошлади. Бу — газетанинг 1890 йил 28 июлдаги сони эди. Наримон бир неча марта ўқиган хабарига яна кўз ташлади: «Гори дорилмуаллиминини битириб чиққан ёшларнинг бир тўдасига муаллимлик шаҳодатномаси берилди. Шаҳодатнома олтинчи майда топширилди. Шаҳодатнома олганларнинг бири Н. Наримоновдир. Шаҳодатнома соҳиблари бугун матбаамизга келиб, ватан ва абнойи ватанга хизмат этажакларини ваъда қилдилар». Шу содда сўзлар Наримонга чунон маъноли бўлиб туюлар эдики, фикрга толиб, чўлларга тикиларкан, яна кўз ўнгида шу сўзлар намоён бўларди. «Ватан ва абнойи ватанга хизмат» қилиш истаги унинг хаёлида зўр бир олам очар, эндиликда ҳаётининг масъул дамларига қадам қўйганини эслатиб турарди.

Келажак ҳақидаги, ўзи ишга тайинланган Қизилҳожили қишлоғи ва бу қишлоқда очиши керак бўлган мактаб тўғрисидаги ўйлари ғаройиб бир тарзда худди гулдор гиламнинг иплари каби бир-бирига чатишиб,

гоҳо эса антиқа хотираларга уланиб кетарди. Бор-йўғи йигирма ёшга кирганига қарамасдан, ҳаёт унинг олдига анча мушкул вазифаларни қўйди. Сокин ва вазмин оққан дарёда бирдан кутилмаган долғалар кўтарилиб, унинг кемаси сал бўлмаса тўнтарилиб кетай деди. У андак шошиб ҳам қолди. Семинариянинг охирги курсида ўқиркан, уни муваффақият билан тамомлайман, охирги имтиҳонларни ҳам аълога топишарман деб юрганида, уйдан ташвишли хабар келиб қолди. Акаси Салмон одам жўнатиб, отасининг тўсатдан қаттиқ оғриб қолганлигини маълум қилган, Наримонни тез Тифлисга етиб келсин деб тайинлаган эди. Наримон воқеани Алексей Осипович билан Сафарали муаллимга айтган эди, улар дарҳол Тифлисга жўнашни маслаҳат кўрдилар. Наримон Горидан Тифлисга қандай етиб келганини, хаёлидан нималар кечганини айтиб беришга ожиз! Лекин уйга етиб келиб, иш ўзи ўйлаганидан ҳам чатоқлигини кўрди. Қоп-қора кийинган онасининг бўйнидан қучоқлаб, ўкраб йиглади. У ҳеч қачон бунчалар куйиниб йигламаган эди. Бу ҳодиса 1889 йилнинг йигирма биринчи ноябрида рўй берган эди. Айтишларича, Нажаф киши ярим соат хасталаниб ётар-ётмас, вафот этибди. Ярим соат ичида тоғдай одам йўқ бўлган эди.

— Худо раҳмат қилсин, амали солиҳ экан. Азроил азият бермади. Раҳматликнинг ҳеч кимга оғирлиги тушмади!— қариялар бу тарздаги ўлимни беҳиштга тушишнинг биринчи аломати деб санардилар.

Отасининг вафоти етмагандай, амакиси Али Мирза билан акаси ҳам зотилжам билан оғриб тўшакда ётардилар. Катта хонадон бошсиз қолган эди.

— Мен Горига қайтиб бормайман!— деди Наримон отасини дафн қилганларидан сўнг оила аъзоларига.— Сизларни кимга ташлаб кетаман?

— Сендан бу гапни кутмаган эдим,— деди Нажаф киши вафот этганидан бери шу ерда бўлган Соҳиб.— Мен-чи, мен нима қилиб юрибман! Менга ишонмайсанми ё?

Наримон жавоб бермасиданоқ Ҳалима хоним унинг семинарияни ташламоқчи бўлганига қаттиқ қарши турди.

— Ҳеч ундай гапларни хаёлингга келтира кўрма, ўғлим!— деди у.— Худога шукур, тани жоним соғ,

енгимни шимариб бунақа оиладан учтасини тебрата оламан. Бундан ташқари, Соҳиб муаллим, Ҳури хонимдай қимматли дўстларимиз бор...

Наримон Горига қайтиб, дарсларини бошлади. Сал ўтмай, Тифлистан мактуб олиб, анча кўнгли ўрнига тушди. Салмон соғайиб, ишга тушиб кетган, амакиси ҳам қараб тургани йўқ эди. Салмон маъноли, ширин хатлар ёзар, шеърлар юборарди. Наримон бу шеърларнинг баъзиларини қўйин дафтарига ёзиб олганди. Албатта, Наримон акасининг шеърларидаги заиф жиҳатларни кўрар, лекин буларни унинг қобилиятсизлиги билан эмас, ҳаётий шароит билан изоҳларди. Акаси етарлича таҳсил ололмаган, шеър илмидан тўлиқ хабардор бўлолмаган эди. Бу бир ҳавас, туғма истеъдоднинг тазоҳири эди. Салмоннинг фикрлари тоза, у маориф ва маданиятнинг келажагига ишонарди. Наримон унинг ана шундай бир бандини ёддан биларди:

Илми агар бўлмаса дунёда бир каснинг  
Бақосиз у гар бўлса ҳам минг шайъ-шавкати.  
Ориф қошида бўлмас унинг қадр-қиймати,  
Ҳеч қачон билмайди умрнинг лаззатин.

Файтон илгарилаб бораркан, ночор қишлоқлар, саргайган чўллар, яшил боглар орқада қолар, Наримоннинг хаёли эса дам Тифлис, дам Горида кезарди. Қўлоғига ҳар ёқдан: «Маориф, маданият, мактаб!» деган сўзлар эшитилаётгандай бўларди.

У маданият ва маориф ҳақида ўйларкан, хаёлида гўё сўнмас бир офтоб порлаётгандай бўларди. Бу офтоб мовий осмонни қоплайдиган булутларни тўзғитиб юборади, йўллар, кечикларни қоплаган туманларни тарқатади, халқнинг кўзидаги бахт ва саодат йўлини тўсиб турган қалин қора пардаларни куйдириб ташлайди. Бу офтобгина йилларча олов кўрмаган совуқ даҳмаларни, мунислик билмаган муз юракларни қиздира оларди. Бутун дардларнинг дармони шу офтобда эди. Наримон жонажон Озарбайжонда шу офтоб нур сочиб туриши учун ҳар қандай фидокорликка ҳозир эди. Ҳатто ўлим ҳам уни бу йўлдан қайтара олмасди.

— Йўлдан қочсанг-чи, ҳой қардош!— файтончининг овози Наримоннинг хаёлларини тарқатиб юборди.

— Чув, чув, ҳа, жин ургур! — бошини боғлаб олган деҳқон чўлоқ эшакни йўлнинг чеккасига чиқаришга уринар, лекин эшак деҳқонга бўйин бермас, қайсарлик билан йўл ўртасида туриб олган эди. Деҳқон қўлидаги қамчисини ҳавода ўйнатса-да, лекин эшакни урмасди. Ўзича ғўлдираб нималардир дерди:

— Вой, худо қаргаган, чиқсанг-чи йўлдан четга! Отнинг йўли бошқа, эшакнинг йўли бошқалигини наҳотки шу пайтгача билмасанг! Уч кун олдин чуқурга йиқитганинг ҳам етар, яна ҳунар кўрсатма менга!

Наримон бошини боғлаб олган оқсоқ деҳқоннинг сўзларига қизиқиб қулоқ сола бошлади. У билан икки оғиз гаплашгиси келди. Файтонни тўхтатди:

— Тўхтатинг, биродар...

Отлар тўхтади. Наримон деҳқоннинг шундоқ ёнгинасида файтондан сакраб тушди. Эшакнинг думидан тортиб чеккага судраётган деҳқоннинг қўлидан ушлади.

— Салом амаки! Йўл бўлсин?

— Ваалайкум ассалом! — деҳқон эшакнинг думини қўйиб юборди. — Жин ургур, ёмон қайсарда! — шикоят қилди у. — Жоним ҳиқилдоғимга келди.

— Сотиб юборинг. Қутуласиз!

— Ким оларди буни? Куч-қувватдан қолган. Бугун бор, эртага йўқ. — Деҳқон бўйинини қашиб кулди, Наримоннинг усти-бошига разм солиб, авзойи ўзгарди. Ҳурмат билан: — Қандай қилиб сотаман, ўғлим, — деди, — ўн беш йилдан бери мени белида олиб юради, юкимни ташийди. Қариб, кучдан қолганида ташлаб кетсам инсофдан бўладими?

— Қаерга кетяпсиз? — сўради Наримон раҳмдил деҳқондан.

— Қизилҳожилига боряпман. Дуо ёздириб келаман. Айбга буюрма тагин. Хотинимга жин тегибди. Ҳуши ўзида эмас, бир ҳафтадан бери одам билан гаплашмайди. Гапирсанг, бошини чайқайди. Қизилҳожилига янги мулла келганмиш. Дуоси тошни ҳам эри тармиш.

Наримон эшак устидаги хуржунни кўрсатди.

— Бунингиз нима?

— Нима бўларди, совға-салом. Дадасига эҳсон

эмаски, мулла текин дуо ёзса. Бу дунёда ҳамма нарсанинг ўз баҳоси бор, ўғлим.

— Иложини қилсангиз, хотинингизни табибга ҳам кўрсатинг,— деди Наримон деҳқонга.

Деҳқон бошини чайқади:

— Огзингга шакар, эй ўғлим! Бу ерларда табиб нима қилсин? Тифлисга обораи десам, кучим етмайди. Мана шу чўлоқ эшакдан бошқа ҳеч нарсам йўқ. Худодан тилагим, сенга ўхшаган илмли, ўқиган болалар кўпайсин, бизнинг қишлоқларга ҳам келиб, кўзимизни очсин.

Наримон беихтиёр деҳқоннинг қўллари икки кафтига олиб қисди.

— Соғ бўлинг, амаки, йўлимга худди тилла сочгандай бўлдингиз. Саломат бўлинг!

Файтон деҳқонни, унинг эшагини анча орқада қолдириб кетаркан, Наримон ўйларди: «Йўқ, одамлар ёмон эмас. Шаҳарларда ўтириб фикр қилаётган одамлар ҳам бор. Ҳамма худди парвонага ўхшаб нурга интилади. Ҳамма ўша офтобни — маориф офтобини соғинган!» Қизилқожилида ҳам қуёшда қорайган, қўлоёқлари огир ишда дагал бўлиб кетган, чўлоқ эшакдан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаган, ўқиган, илмли ёшларга кўзи тўрт бўлган мана шунақа деҳқонлар уни зоринтизор бўлиб кутишяпти. Болаларини унинг қўлига топшириб: «Ол, ўқит! Эти сеники, суяги меники. Ўқит, одам қил!» — дейишади.

Хаёл Наримонни узоқларга олиб кетди. Мактабдаги дўстларини эслади. Улар ҳам озарбайжон қишлоқларига бориб, матонат билан болаларни ўқитишади. «Мен ёлғиз эмасман! Қишлоқларимизга машъал олиб бораётган ўртоқларим кўп! Йигирма йил, ўттиз йил ўтади, биз ёққан машъаллар атрофига йиғилган парвоналар қанот чиқаради, ўзлари машъалга айланиб, бошқа қишлоқ-шаҳарларимизга нур таратади...»

Йўлдан чеккадаги сўқмоқларда ва чўлларда орасира ўт ташиётган аравалар, фургонлар кўриниб қолар, ўтлоқлар ва далаларда деҳқонлар уймалашиб ишлашарди. Каттакон бир аравага ўт ортиб, шикаста товуш билан ашула айтиб бораётган йигит Наримоннинг эътиборини тортди. У қўшиқни жуда берилиб айтар эди. «Овози ширали экан,— деб ўйлади Наримон,— чиройли айтяпти. Яхши кўрган қизи бор шекилли.

Одам яхши кўриб қолганида шундай ёниб айтади қўшиқни. Сўнмас ишқ-муҳаббат билан ўз мақсадига эришган одамлар бахтиёр бўлади!»

Мана шундай фикрлар унинг кўксига чўғдай яллиғланиб турарди. Ҳар ишда, ҳар қачон садоқатли бўлиш — юксак табиатли одамларга хос фазилат. Садоқат сўз билан, онт ичиш билан бино бўлмайди. У одамнинг қонида бўлади. У онанинг сути билан тананга киради ва софлик, тўғрилиқ билан юзага чиқади. Наримон ўзи ҳам билмаган ҳолда хиргойи қила бошлади. Бирдан унинг ёдига Саъдийнинг шу сатрлари тушиб кетди: эй мурғи саҳар, ишқ парвона биёмуз ки он сухтара жон шуд оғоз наёмад. Бу сўзларни айни шу оҳанг билан ўз она тилида такрорлади: эй тонг қуши, ишқни парвонадан ўргангилки, жонини ўтга берса ҳам, ёндим демайди!..

Наримоннинг кўз ўнгида маориф, маданият йўлига гов бўлишга уринганлар ҳам гавдаланарди. Улар турли-туман қиёфали, турли-туман кийимлар кийган, бошига чалма ўраган, бухори папоқ кийган, чаркаскали, ханжар таққан, тўппонча осган одамлар эди. Уларнинг ораларида тиззаси йиртилган, юзини соқол босган, кўзидан нодонлик ёғилганлар ҳам йўқ эмасди. Наримон улар билан ўзининг қандай кураш олиб боришини тасаввур этганида жуда тўлқинланиб кетарди. Назарида улар қаршисида баланд девор каби пайдо бўлиб: «Мактабингни йўқот! Беркит! Кулини кўкка совурамин!» — деб қичқираётгандек эдилар. Наримон шаҳд билан отилиб олдинга чиқар, баланд бир ерга чиқиб, дерди:

«Ҳар бир миллатни олға бошлайдиган нарса маданиятдир. Бизнинг мусулмонларимиз ўртасида маданият кам тарқалган. Чунки биз умргузаронликда ақл бовар қилмас даражада ўзимизни турли балоларга гирифтор қилиб қўйганмиз. Шунинг учун ҳам биз мусулмон қардошлар атрофимиздаги биздан кўра маърифатлироқ бўлган халқлар ва мамлакатларга қарашимиз, улар борган йўлдан боришимиз керак».

Наримон бу сўзларни на қоғозга ёзди, на дафтарига қайд этди. Лекин улар кейин ҳам қайта-қайта ҳофизасида айланди, ҳаёдан мубориза олиб борилган минбарлардан сўйланди ва ниҳоят, «Нодонлик» деб аталган драманинг муқаддимасига кирди.

Олдинда Қизилҳожили кўринди. Наримоннинг юраги дукиллаб ура бошлади: «Қандай кутиб олишаркин? Нима дейишаркин? Болаларини мактабга беришармикин? Қаршилиқ қилишса, дўқ уришса нима қилишим керак? Орқага қайтиб, бошқа ерга юборинглар дейманми?» Шу тобда мана шу саволларга жавоб ўлароқ Алексей Осиповичнинг овозини эшитгандай бўлди. У Наримонни йўлга кузатаркан, ишонч билан шундай деган эди: «Жасур бўл. Ишни қатъият билан бошла. Руҳингни туширма. Авомлик ва жаҳолатга қарши энг кучли восита — маориф. Сабрли, тамкин бўл. Муҳтожлардан ёрдамнинг аяма. Ўшанда ишинг самарали бўлади. Эртами-кечми одамлар сени тушунишади, олижаноб ишларинг учун ташаккур айтишади!»

Муаллимнинг мана шу доно сўзлари худди ота насихатидай Наримоннинг ёдидан чиқмас, келажакка умид билан қарашга, қадамини шахдам ва журъат билан ташлашга ундарди...

Биринчи китоб тугади.

Боку — Москва — Боку

1965—1970

БИРИНЧИ ҲИССА

Биринчи фасл . . . . .	5
Иккинчи фасл . . . . .	19
Учинчи фасл . . . . .	44
Тўртинчи фасл . . . . .	76
Бешинчи фасл . . . . .	99
Олтинчи фасл . . . . .	130
Еттинчи фасл . . . . .	169
Саккизинчи фасл . . . . .	208
Тўққизинчи фасл . . . . .	241
Унинчи фасл . . . . .	279
Ун биринчи фасл . . . . .	317
Ун иккинчи фасл . . . . .	343
Ун учинчи фасл . . . . .	389
Ун тўртинчи фасл . . . . .	430

ИККИНЧИ ҲИССА

Биринчи фасл . . . . .	447
Иккинчи фасл . . . . .	461
Учинчи фасл . . . . .	482
Тўртинчи фасл . . . . .	499
Бешинчи фасл . . . . .	541
Олтинчи фасл . . . . .	582
Еттинчи фасл . . . . .	627
Саккизинчи фасл . . . . .	668
Тўққизинчи фасл . . . . .	715
Унинчи фасл . . . . .	748
Ун биринчи фасл . . . . .	790
Ун иккинчи фасл . . . . .	818

На узбекском языке

Библиотека дружбы  
Проза народов СССР

Мирза Ибрагимов

ПЭРВАНЭ

Роман

Перевод с издания издательства  
«Гянжлик», Баку, 1971

Редактор *Машиаб Бобоев*  
Серия *Рассоми И. Кириакиди*  
*Рассом Э. Кизай*  
Расмлар редактори *А. Киза*  
Техн. редактор *В. Барсукова*  
Корректор *И. Қобилов*  
ИБ № 1246

Босмахонага берилди 10.01.79. Босишга рухсат этилди 17.04.79. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>2</sub>. Босма л. 26,5. Шартли босма л. 44,52. Нашр. л. 44,62+0,88 (вклейка). Тиражи 30000. Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шарғнома № 159—78.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасида 3-қоғозга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси 30. 1979 йил. Заказ 1212. Ваҳси 3 с. 10 т.

БК 84Аз  
И 14

Иброҳимов Мирза.

Парвона: Роман [Озар. И. Ғафуров билан М. Аъзам тарж.].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979С.—(Дўстлик кутубхонаси. СССР халқлари прозаси).

Китоб 1. Она ва ўғил, 1979.848 б. расм.

Атоқли озарбайжон адиби академик Мирза Иброҳимовнинг номи ва асарлари ўзбек китобхоналарига таниш ҳамда қадрдон.

Адибнинг «Парвона» романи ўн тўққизинчи аср бошлари ва ўрталарида Озарбайжонда ва умуман Кавказ ўлкаларида, у ерда яшовчи турли халқлар ҳаётида рўй берган буюк тарихий воқеаларни ўз ичига қамраб олади. Роман халқ онгида ва турмушида содир бўлган ўзгаришларни зўр бадний қувват билан ёритиб беради. Асар Мирза Иброҳимов қаламига хос шоирона услуб, назик романтик бўёқлар билан ёзилган. У китобхонага доно ва дилбар ҳамроҳ бўла олади.

Ибрагимов Мирза. Пэрванэ. Кн. 1. Мать и сын.

БК 84 Аз  
С(Аз)